ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3-МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE-3

ТОШКЕНТ-2021

ЎТМИШГА НАЗАР / ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ / LOOK TO THE PAST
№ SI-3 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави давлат университети, Грузия

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент Азербайджон давлат иқтисодиёт университети

Ғоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Маҳкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент ахборот технологиялари университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор, Дипломатия академияси, Қозоғистон Республикаси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори, Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори, Доғистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc) Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Сайпулла Турсунов
СУРХОН ВОҲАСИДА СОВЕТ РЕЖИМИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ……..10

2. Рахбар Холиқова
РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ СИЁСИЙ АГЕНТЛИГИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН…….....20

3. Лалихон Мухамеджанова
XIX АСРНИНГ ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА ЖАДИДЧИЛИКНИ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ҲАРАКАТИ СИФАТИДАГИ МОҲИЯТИ..32

4. Барно Убайдуллаева
ЎЗБЕКЛАРНИНГ РЕПРОДУКТИВ ОРИЕНТАЦИЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА УНИНГ БОЛА ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ (XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ XXI АСР БОШЛАРИ)……47

5. Дилдора Алиназарова
УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ДАВРИЙ НАШРИЁТ ТИЗИМИДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР…….59

6. Қаҳрамон Алманов, Илҳом Жураев
XX - XXI АСР БОШЛАРИДА МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ХЎЖАЛИК ТУРМУШ ТАРЗИ ВА МОДДИЙ МАДАНИЯТИ……..68

7. Қаҳрамон Алманов
ЖИЗЗАХНИНГ ХОНЛИКЛАР ДАВРИДАГИ АҲАМИЯТИ ВА МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ……..76

8. Жамшид Адилов
АЛЕКСАНДР БЕКОВИЧ-ЧЕРКАССКИЙНИНГ ХИВА ХОНЛИГИГА ЮРИШИ РОССИЯЛИК ШАРҚШУНОСЛАР ТАДҚИҚОТЛАРИДА……82

9. Дилзода Алимкулова
ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИГА НАЗАР……...89

10. Fazilat Akramova
FARG’ONA VODIYSIDA YENGIL SANOATNING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI TARIXI…….95

11. Мурот Алланазаров
БУТУНБУХОРО МАРКАЗИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР АРБОБЛАР ФАОЛИЯТИ…….……100

12. Гулмира Азаматова
ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ ҲАРАКАТЛАРИ МАСАЛАЛАРИ ВА МИГРАНТЛАР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ……..106

13. Sayyora Atadjanova, Sevar Gaibnazarova
ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИ……...112

14. Aloxunov A.A.
ANDRONOVO MADANIYATINING O‘RTA OSIYO CHORVADOR JAMOALARINING MODDIY MADANIYATDA AKS ETISHI……119

15. Рахматжон Арслонзода
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АРХИВ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ……124

16. Шерзод Абдужаббаров
ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК…..133

17. Ravshan Abduzohirov, Matluba Jo`rabekova
O`ZBEKLARDA BOLA TUG`ILISHI BILAN BOG`LIQ IRIM-SIRIM MAROSIMLAR VA ULARNING TARIXIY TARAQQIYOTIDAGI O`ZIGA XOSLIKLAR……147

18. Жалолиддин Аннаев
ТАРМИТА-ТЕРМИЗ БУДДАВИЙЛИК МАДАНИЯТИ……155

19. Аннаева Зарифа
ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УНИНГ ЕЧИМИ БОРАСИДАГИ ҲАРАКАТЛАР……163

20. Сардор Аҳмедов
СУРХОНДАРЁ ТОЖИКЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ КИЙИМЛАРИ…….168

21. Манзурахон Балтабаева
ЭРТА ТУРМУШ ВА ЭРТА ТУҒРУҚНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ
(Африка, Жанубий Осиё давлатлари ва Ўзбекистон мисолида)…….174

22. Turon Babaraximov, Kamolaxon Abduraxmonova
SIYOSIY MANSUBLIK TUSHUNCHASINING PAYDO BO‘LISHI VA MAZMUNI……..181

23. Назокат Бозорова
ТАРИХ ДАРСЛАРИДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИГА ОИД МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ…….186

24. Элбек Ботиров
МАРКАЗИЙ ОСИЁ БОЖХОНА ИШИ ЭВОЛЮЦИЯСИ: САВДО ЙЎЛЛАРИ, НАЗОРАТ МАСКАНЛАРИ ВА БОЖ ЙИҒИМЛАРИ ТАРИХИДАН……..192

25. Габриэльян С.И.
БРИТАНИЯНИНГ ТАМАКИ МОНОПОЛИЯСИ ВА XIX АСРНИНГ ОХИРИДА ЭРОНДА МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК КУРАШИ БОШЛАНИШИ……...199

26. Санжарбек Давлетов, Зухра Ражабова
ХОРАЗМ ВОҲАСИДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ – ТУРИСТИК САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА……211

27. Нилуфар Джураева
МАЪРИФАТПАРВАР ЖАДИДЛАРНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ…….220

28. Отабек Дуланов
СУРХОН ВОҲАСИ ЖУЗЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАРИ…….226

29. Расулжон Дусчанов
ЎЗБЕКИСТОН ССР ДА СОЛИҚЛАРНИНГ БАЪЗИ ТУРЛАРИ…….232

30. Хуршид Жуманазаров
ТАБИБЛАРНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИДАГИ ЎРНИ……...239

31. Камола Жураева
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ СИЁСАТ АЛОҚАЛАРИ:
ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК……...246

32. Зоиржон Ёдгоров
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ЯНГИ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ВА УНДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР……254

33. Zebiniso Zaynabidinova
AKADEMİK SAYERA SHARAFOVNA RASHIDOVANING ILMIY FAOLIYAT DAVRIDAGI ILK ISHLARI (1967-1985)……..267

34. Мухаммаджон Исамиддинов
ҚАДИМГИ МАРҒИЁНА ВА БАҚТРИЯ ҲУДУДИДАГИ ЯЗ-II АРХЕОЛОГИК КОМПЛЕКСЛАРИНИ ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ……..271

35. Абдуғаппор Инсопов
ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ…….277

36. Elyorjon Karimov
O‘ZBEKISTONDA IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARI DAVRIDA EVAKUATSIYA QILINGAN SANOAT KORXONALARI ISHINING TASHKIL ETILISHI…….286

37. Сайёра Мирсоатова
ҚОПЧИҒОЙ УСТАХОНАСИ МУСТЬЕ ДАВРИ КОМПЛЕКСИНИНГ МАДАНИЙ-ДАВРИЙ ХОСЛИГИ ҲАҚИДА……..292

38. Ғайрат Мамаражабов
ЎЗБЕК ҲУНАРМАНДЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ КИЙИМЛАРНИ ЯРАТИШДАГИ ФАОЛИЯТИ……..298

39. Салимахон Мадьярова
ТУРКИСТОН ОЛИМЛАРИ ТУРМУШИНИ ЯХШИЛАШ КОМИССИЯСИ……..304

40. Олтиной Масалиева
ЯПОНИЯ ДАВЛАТИДА БУХОРО ХОНЛИГИ ТАРИХИГА ҚИЗИҚИШ……..312

41. Рахмон Мухаммадиев
ЛИДЕР ШАХС ФЕНОМЕНИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ…….316

42. Олтиной Масалиева
САЙЙИД МУҲАММАД НОСИР ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ……..322

43. Дилмурод Маллаев
СУРХОН ВОҲАСИ УЙ-ЖОЙЛАРИ: ТАРИХИЙ АНЪАНАЛАР……326

44. Орифхужа Муминов
ҚАДИМ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА КЕШ ВОҲАСИНИНГ АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ……...332

45. Дилдора Мўсинова
МУСОХОНХОЖА ДАҲБЕДИЙНИНГ "БАДР УЛ-АСРОР ВА САНАД УЛ-АБРОР" АСАРИ ҲАҚИДА…….339

46. Темур Мўминов
ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ВА УНИНГ ДАВРИ……343

47. Акмал Муҳаммадиев
ПАЛЕОЛИТШУНОСЛИКДА ХОМ-АШЁДАН ФОЙДАЛАНИШ
СТРАТЕГИЯСИНИ ЎРГАНИЛИШИ (МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ)……...353

48. Абдикамил Нарбеков
ДИНИЙ ФУНДАМЕНТАЛИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ
КУРАШ МУАММОЛАРИ……359

49. Бахтиёр Назиров
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА
АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ……..366

50. Аслиддин Ортиқов
ЎЗБЕК КИНЕМАТОГРАФИЯСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАРАЁНИ:
САНЪАТ ЁКИ САНОАТ ТУРИ СИФАТИДА……372

51. Аҳмаджон Оринов
СЦЕНОГРАФИЯДА ЁРУҒЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ……377

52. Хабибжон Олимжонов
ТУРКИСТОН ЎЛКА ВИЛОЯТЛАРИДА КУТУБХОНАЛАРНИНГ ОЧИЛИШИ……..382

53. Икромиддин Остонақулов, Тўлғаной Маматқулова
XIX АСР ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА РОЖИЙ
МАРҒИНОНИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ……392

54. Зумрад Рахмонқулова
БУХОРО АМИРЛИГИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ
ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН (XVIII-XIX АСР БОШЛАРИДА)……397

55. Хасанбой Рахматиллаев
ТУРКИСТОНДА XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДАГИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАР……407

56. Одинахон Рахманова
ОЛИМХОН САЛТАНАТИ ТАРИХИДАН:
ШАЙХ ВА СЎФИЙЛАРГА ИШОНЧСИЗЛИК…….……413

57. Хасанбой Рахматиллаев
МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ
АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР……...418

58. Хайрулла Рахматов
БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ХУСУСИДА
(XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари)…….……..424

59. Muhiddin Rajabov
O‘RTA OSIYODA MILLIY-HUDUDIY CHEGARALANISHNING O‘TKAZILISHI:
MAQSAD, MOHIYAT VA OQIBAT (XORIJ TADQOQOTCHI OLIMLARI NIGOHIDA)…..430

60. Maftuna Rajabova
TOLERANTLIK FENOMENINING TARIXIY – NAZARIY TAHLILI…….….437

61. Саломова Л.И.
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИДА САҚЛАНАЁТГАН ТУРКИСТОН
АССР ТАРИХИГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ……...446

62. Ойдина Сатимова
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ТУРКИСТОНЛИК АСИРЛАР ТАҚДИРИДАН……..452

63. Равшан Сиддиқов
ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЗАМОНАВИЙ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ……..459

64. Хуршида Тиллаходжаева
ФУҚАРОЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЛИМЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР (УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ, УЛАРНИ ЯРАТИЛИШИДАГИ МУАММОЛАР) ХУСУСИДА……...466

65. Рўзиқул Толибов, Санобар Толибова
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР АЛОҚАЛАРИ…….475

66. Равшан Турсунов
XIX АСРНИНГ 2 ЯРМИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА СОДИР БЎЛГАН ҚУМ ВА ЧАНГ БЎРОНЛАРИ ТАРИХИГА НАЗАР…….……482

67. Икромжон Умаров
КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИДА ЁМҒИР ЧАҚИРИШ МАРОСИМЛАРИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ…….…….493

68. Анвар Уроқов
ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИР САНЪАТИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР……..503

69. Мавлюда Файзуллаева
АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАНИШ ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР……..508

70. Мавлон Эргашев
ЧАҒОНИЁННИНГ ЎРТА АСРЛАР ШАҲАРЛАРИ…….515

71. Хайрулла Қобилов
СУРХОНДАРЁ ОКРУГИДА ЖАМОАЛАШТИРИШ ДАВРИДАГИ ОММАВИЙ ҚАТАҒОНЛИКЛАР……...522

72. Ra’no Mamirjonovna
XALQ TA’LIMI TIZIMIDAGI BOLSHEVISTIK SIYOSAT: MILLIY MAORIF TIZIMI VA TA’LIMDA SOVET MODELINI TATBIQ QILINISHI…….…….528

73. Ислом Қаршиев
ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҚЎНҒИРОТЛАРИ……...533

74. Давлат Қудратов
ҚАДИМГИ ДАВР ШАҲАРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ГЕНЕЗИСИ ТАҲЛИЛЛАРИ…….……539

75. Қаҳрамон Шоназаров
УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ҚУРИШДА ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ…….…….551

76. Ғайрат Хамраев
БУХОРО АМИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТГАН МИЛЛИЙ-ЭТНИК ГУРУҲЛАР ХУСУСИДА (ТОЖИКЛАР МИСОЛИДА)……556

77. Суннатилла Ҳамраев, Мадина Адилова
СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА БУХОРО АМИРЛИГИ ВА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИ (XX АСРНИНГ 60–80 ЙИЛЛАРИ)……...563

78. Феруза Ҳасанова
ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ……..570

79. Akmaljon Xoldarov
NEMISLARNING O'RTA OSIYOGA KIRIB KELISHI (FARG'ONA VODIYSI MISOLIDA)…….575

80. Урол Худойқулов
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА САНОАТНИНГ БИР ТОМОНЛАМА ТАРАҚҚИЁТИ: МАСАЛАЛАРИ МУАММО ВА ЗИДДИЯТЛАР (XX аср 70- 80 йиллар асосида)…….593

81. Тўлқин Худойқулов
ХИВА ИНОҚЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ. МАНСАБ ВА УНВОНЛАР……599

82. Ҳулкар Холикулова
ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ ЖАМИЯТГА МОСЛАШТИРИШДА ТАЪЛИМНИНГ ТУТГАН ЎРНИ…….610

83. Тўлқин Худойқулов
ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ ҲАҚИДА АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР……....618

84. Мунира Хўжанова
1920-1940 ЙИЛЛАР ҚОЗОҒИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ ВА БОЛАЛАР УЙЛАРИ ФАОЛИЯТИ……628

85. Sherzod Xazratkulov
FUQAROLIK JAMIYATI KONSEPSIYASI RIVOJIDA IJTIMOIY SIYOSAT VA IJTIMOIY ADOLAT FENOMENLARI…….633

86. Sherzod Xazratkulov
IJTIMOIY SIYOSATNI AMALGA OSHIRISH INDIKATORLARI VA MEZONLARI……639

87. Носир Хусанов
ЖАМИЯТДА ПЛАКАТНИНГ ЎРНИ…….…….645

88. Азизбек Холлиев
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ОРТИДАГИ ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИ……653

89. Шайдуллаева Г.Ш.
ҲИНД ВОДИЙСИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС СОПОЛ ИДИШЛАРИ……..661

90. Гузаль Шарипова
ЎЗБЕКИСТОН–МАЛАЙЗИЯ ҲАМКОРЛИГИНИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ……667

91. Саиданварбек Юлдашев
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ИЛК ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ…….676

92. Дилдора Юсупова
ҒАРБИЙ ЕВРОПА ОЛИМЛАРИНИНГ XX АСР БОШЛАРИДА АРХИВШУНОСЛИК СОҲАСИДА ОЛИБ БОРГАН ТАДҚИҚОТЛАРИ……684

93. Мадаминов Баходир
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИНИНГ АЙРИМ НОЁБ ЭКСПОНАТЛАРИ ТАСНИФИ……690

94. Абдурасул Розаков
XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА АҚШДА НЕОЛИБЕРАЛИЗМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ……696

95. Xumora Pozilova
QADIMGI FARG’ONA HUNARMANDCHILIGIDA TIRNAB SOLINGAN BEZAKLI SOPOL IDISHLAR……703

96. Гайратхон Мухтаров
ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИДАГИ ЯНГИ ТОПИЛГАН ҚОЯТОШ РАСМЛАР ЖОЙЛАШГАН ЎРНИ ВА ЛАНДШАФТИ…….709

97. Икрамжон Исмаилов
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ РЕЙТИНГИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)……714

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Сайпулла Нарзуллаевич Турсунов,
Тарих фанлари доктори, профессор,
Термиз давлат университети
“Жаҳон тарихи” кафедраси мудири
tursunovsafullo12@mail.ru

СУРХОН ВОҲАСИДА СОВЕТ РЕЖИМИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ

For citation: Saypulla N. Tursunov, THE ESTABLISHMENT OF THE SOVIET REGIME IN THE SURKHAN OASIS. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.10-19

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-1

АННОТАЦИЯ

Совет режими ўрнатилгунига қадар Сурхон воҳаси Бухоро амирлиги таркибида бўлган. Рус қўшинлари фақат Шеробод беклиги жанубидаги Термиз-Паттакесар ҳудудида жойлашган эди. Шу боис 1917 йилги февраль ва октябрь воқеалари айнан Термизда ўз акс-садосини берган. 1920 йилда Бухоро амирлиги ағдарилгач, большевиклар Сурхон воҳасида ҳам совет ҳокимиятини ўрнатишга интилишади. Уларнинг зўравонлигига жавобан миллий озодлик ҳаракати бошланади. Ушбу мақолада 1917-1921 йилларда Сурхон воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ҳақида маълумотлар берилади.

Калит сўзлар: Бойсун, Шеробод, Термиз-Паттакесар, совет ҳокимияти, миллий озодлик ҳаракати, Мирза Абдулмўминбек, Хўжамшукур тўқсабо, Олимбек

Сайпулла Нарзуллаевич Турсунов,
Доктор исторических наук,
профессор, заведующий
кафедры “Всемирной истории”
Термезского государственного университета

УСТАНОВЛЕНИЕ СОВЕТСКОГО РЕЖИМА В СУРХАНСКОМ ОАЗИСЕ

АННОТАЦИЯ

До установления Советской власти, Сурханский оазис входил в состав Бухарского эмирата. Русские войска располагались только в районе Термез-Паттакесар к югу от Шерабадского бекства. Поэтому, события февраля и октября 1917 года отразилось именно в Термезе. После свержения Бухарского эмирата, в 1920 году большевики стремились установить Советскую власть в Сурханском оазисе. В ответ на их насилие начинается национально-освободительное движение. В данной статье представлены сведения об установлении советской власти в Сурханском оазисе в 1917-1921 гг.

Ключевые слова: Байсун, Шерабад, Термез-Паттакесар, Советская власть, национально-освободительное движение, Мирза Абдулмуминбек, Ходжамшукур токсабо, Олимбек.

Saypulla N. Tursunov,
Doctor of Historical Sciences, professor,
Head Department of "World History"
Termez State University

THE ESTABLISHMENT OF THE SOVIET REGIME IN THE SURKHAN OASIS

ABSTRACT

Before the establishment of Soviet power, the Surkhan oasis was part of the Bukhara Emirate. Russian troops were stationed only in the Termez-Pattakesar region south of the Sherabad bekate. Therefore, the events of February and October 1917 were reflected in Termez. After the overthrow of the Bukhara Emirate, in 1920, the Bolsheviks sought to establish Soviet power in the Surkhan oasis. In response to their violence, a national liberation movement begins. This article provides information about the establishment of Soviet power in the Surkhan oasis in 1917-1921.

Index Terms: Boysun, Sherabad, Termez-Pattakesar, Soviet power, national liberation movement, Mirza Abdulmuminbek, Khojamshukur toksabo, Olimbek.

---

1. Долзарблиги:

Бугунги кунда юрт тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Айниқса, ўлкамизда чор Россияси мустамлакачилик тизимининг оқибатлари, совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши олиб борилган кураш тўғрисида илмий жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда турли-туман маълумотлар келтирилмоқда. Шунга қарамай, ушбу мавзуни тўла ўрганилган деб бўлмайди. Чунки, сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотлар илм-фан учун маълум бўлмаган кўпгина янгиликларни очиб бердики, улар илмий жамоатчиликда қаршилик ҳаракатига нисбатан турлича фикрларнинг юзага келишига сабабчи бўлмоқда. Бу эса, ушбу даврни илмий ва холисона ўрганиш долзарб вазифага айланганлигидан далолат беради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу мақола тарихийлик, илмийлик, ва ҳудудий ёндошувлар каби тарихий методлар асосида ўрганилган бўлиб, унда Сурхон воҳасида совет режимининг ўрнатилиши ва унга қарши курашнинг бошланиши тўғрисидаги маълумотлар берилади.

Сурхон воҳасида совет режимининг ўрнатилиши бўйича илк тадқиқотлар 1920-30 йиллардаёқ бошланган эди. Даставвал бу мавзу Ф.Хўжаев, Г.Сафаров, Г.Агабеков, Н.Е.Какурин каби совет ва партия арбоблари, чекистлар, қизил қўмондонларнинг эсдаликлари кўринишида чоп этилди. Кейинроқ, 1950-1980 йилларда бу соҳада йирик тадқиқотлар олиб борилди. Чунончи, А.И.Эшонов, Б.Ғ.Ғафуров, М.И.Иркаев, Н.Н.Прохоров, А.И.Зевелев, Р.А.Омонов, Э.Ю.Юсупов, Ю.А.Поляков сингари тадқиқотчилар муҳим изланишлар олиб бордилар. Ушбу тадқиқотларнинг илмий қийматини инкор этмаган ҳолда, уларнинг бир томонлама ёритилганлигига, яъни, миллий кучлар салбий, совет ҳукумати эса фақат ижобий тусда ёзилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу боис бундай асарлар танқидий нуқтаи назардан туриб ёритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чет эл адабиётларида бу мавзу бўйича Раковска-Ҳармстон Тереза, С.Жонатан, Н.Б.Раксой ва бошқалар, четга кетиб қолган юртдошларимиздан – Боймирза Ҳайит, Шаҳобиддин Яссавий, Закий Валидий Тўғон ва шу сингари тадқиқотчиларнинг асарлари муҳим аҳамиятга эга. Негаки, уларда совет режимининг ўрнатилиши объектив ёритилади.

Мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотлар орасида Д.Алимова, Қ.Ражабов, Н.Назаров, И.Умаров, А.Холмирзаев, Н.Ҳайитқулов, Т.Усмоновларнинг тадқиқотларига алоҳида тўхталиш лозим. Айтиш жоизки, уларнинг ишлари холисона руҳда ёзилган бўлиб,

бугунги кун талабларига тўла жавоб беради. Шу билан бирга, янгидан-янги маълумотларнинг аниқланиши, илгари эълон қилинмаган архив материалларининг чоп этилиши мазкур давр бўйича жиддий изланишлар олиб борилишини талаб қилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Россиянинг Биринчи жаҳон урушида қатнашиши, фронтлардаги мағлубиятлар ва оғир иқтисодий қийинчиликлар "халқлар турмаси" деб ҳисобланган улкан империяни инқирозга учратди. 1917 йил февраль ойининг охирларида Петроград шаҳрида бўлиб ўтган инқилобий воқеалар подшо ҳокимиятини ағдариб ташлади. Аммо бу билан вазият тинчимади. Мамлакатда ҳокимият учун кураш бошланди. Подшо ҳокимияти ўрнига чиқиб келган Муваққат ҳукумат 1917 йил 25-26 октябрда (янги сана билан 7-8 ноябрда) большевиклар томонидан қурол кучи ёрдамида ағдарилди. Россияда В.И.Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси ҳокимият тепасига келди. Мамлакатда совет режими ўрнатилди.

Большевиклар партияси чор Россиясининг миллий камситиш, мустамлакачилик, талончилик ва зўравонлик сиёсатини давом эттирди. Ҳатто, бунга қўшимча тарзда миллий эътиқодларни поймол этиш, ҳур фикрли зиёлиларни йўқ қилиш, миллий тил, маданият ва адабиёт давомийлигини тўхтатиш, ўзларига қарши чиққан ҳар қандай озодлик чиқишлари, ғоялар ва маданий-маънавий қарашларни таг-томири билан йўқ қилиш учун ҳамма усуллардан кенг фойдаланди.

Мустамлака марказидаги сиёсий бўҳронлар ўз навбатида Сурхон воҳасида ҳам акс-садо бера бошлади. 1917 йилнинг 13 мартида Термиз гарнизони зобит ва аскар депутатларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Термиз-Паттакесар қўмитаси тузилганлиги эълон қилинди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, бу пайтда Термизнинг жанубий қисмидаги Паттакесар қишлоғидаги туб аҳоли Бухоро амирлиги қонунлари асосида бошқарилар ва амир томонидан тайинланган бекларга бўйсунарди. Шундай қилиб шаҳарда ягона бошқарув тизими таркиб топмаган эди.

1917 йилнинг 15 мартида Термиз гарнизони зобит ва аскар депутатлари кенгашининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Термиз-Паттакесар ҳарбий қўмитасининг вазифалари белгилаб олинди. Қўмитанинг доимий иш жойи сифатида 546-Қозон дружинасининг биноси белгиланади. 1917 йилнинг 21 апрелида Термизда ишчи ва аскарларнинг бирлашган митинги бўлиб ўтади. 31-Амударё бригадаси ҳарбий қўмитаси ишчилар иттифоқи билан алоқа боғлайди ва 22 апрелда зобитлар уйида Ишчи-аскар депутатлари совети тузилганлиги эълон қилинади. Совет раислигига Преображенский (Тошкентда ўлдирилган 14 комиссарнинг бири), котиблигига эса К.Ф.Круликовский сайланади (у кейинчалик Термизда яшаб вафот этган). Ҳайъатнинг таркиби 10 кишидан иборат қилиб белгиланади.

Термиз шаҳар аскар ва ишчи советлари таъсирида 30 апрел куни Паттакесар деҳқон депутатлари совети тузилади. 1917 йилнинг 7 майида Термиз шаҳар ишчи аскар ноиблари советига деҳқон депутатлари совети ҳам қўшилади ва Термиз-Паттакесар ишчи аскар ва деҳқон ноиблари совети ташкил топади. Ўша пайтда ушбу қўмита шаҳардаги энг нуфузли ташкилот эди. Шаҳар аҳолиси барча масалаларда ушбу ташкилотга мурожаат қиларди. Бироқ ташкилот таркибида бирорта ҳам маҳаллий миллат вакиллари йўқ эди [1]. Шу боис мусулмонлар Термиздаги ҳокимиятни ишчи ва солдат депутатлари советига берилишига қарши эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, 1917 йилнинг кузига келиб Сурхон воҳасида аҳолининг ҳокимиятни советларга берилишини талаб қилувчи фаол чиқишлари кузатилмаган. Аксинча, жойлардан келиб турган хабарлар ва телеграммаларда Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ҳақида гапирилар, большевиклар ва бошқа экстремистларнинг ҳокимиятни советларга бериш ҳақидаги талаблари фош этилар, мамлакат тақдирини ҳал қиладиган Таъсис мажлисини чақириш ғояси қўллаб-қувватланарди [2]. Аммо, Петроградаги давлат тўнтариши ҳақидаги хабарлар Термизга ҳам етиб келгач, рус большевиклари ва уларга эргашган рус ишчилари 31 октябрдан 1 ноябрга ўтар кечаси (янги сана билан 13-14 ноябрь) Термиздаги Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Қўмитаси

вакилларини қамоққа олдилар. Шаҳарнинг рус аҳолиси қисмида ҳокимият Преоблицкий бошчилигидаги советлар қўлига ўтади.

1917 йил 2-5 декабрида Термизда ишчи, солдат ва деҳқонлар съезди бўлиб ўтади ва унда ҳокимият Советлар қўлига ўтганлиги эълон қилинади [3]. Ҳокимият Термиз-Паттакесар шаҳар депутатлар совети қўлига ўтиши билан ағдарилган Муваққат ҳукуматнинг барча бўғинлари тугатилиб, ўрнига аввало жазо органлари ва совет бошқарув тизими ўрнатилди. Бу тасодифий эмасди. Большевиклар ҳукмронлиги нафақат ағдарилган синфлар, балки большевиклар билан келишмайдиган маҳаллий зиёлилар устидан зўравонлик қилингандагина сақланиб қолиши мумкин эди.

Совет режимининг зўравонлик сиёсати маҳаллий аҳолини ўзига қарши қилиб қўйди. Бунинг устига большевикларнинг Термиздаги асосий таянчи бўлган рус гарнизони ҳам жиддий қийинчиликларга дуч келди. Сабаби, 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин Термиздай чекка жойда рус аскар ва зобитларини ушлаб турадиган куч йўқолганлиги оқибатида ҳарбийларнинг кўпчилиги ўз ватанларига қайтиб кетади. Уларнинг изидан рус тилли аҳоли ҳам оммавий тарзда Россияга кўча бошлайди. Шаҳарда пахта заводи, транспорт идораси, “Шеробод” акционерлик жамияти ишчилари, ўтроқ бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар тарк этмадилар [4].

Қайд этиш керакки, гарчи совет манбаларида Бухоро амирининг Термизга ҳужум қилиш хавфи ҳақида кўп бора айтилган бўлсада, амир шаҳарни тинч йўл билан эгалламоқчи бўлди. Негаки, Янги Термиз амирлик аҳолисининг фидокорона меҳнати ва халқнинг йиғиб берган маблағи ҳисобига қурилган, шу боис бу шаҳарни вайрон бўлишига йўл қўя олмас эди. Ана шуни ҳисобга олиб, амир олдин русларга ўз ихтиёрлари билан Термизни тарк этишлари учун имкон берди. Аммо большевиклар Термизни қўлдан чиқармаслик учун қўшин тузишга киришдилар. Термиз-Паттакесар шаҳар совети 1917 йил 28 ноябрда воҳада қизил гвардия бўлинмаларини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу бўлинмалар дастлабки аксилсовет чиқишларини бостиришда фаол иштирок этди. 1918 йилнинг 2 февралида Термиз шаҳрида Қизил армия қисмлари тузилди. Шу вақтнинг ўзида Фавқулодда комиссия органлари ва инқилобий трибуналлар ташкил этилди. Пролетариат диктатурасининг бу жазо органлари ўзга фикр, озодлик ва демократияни бўғишда муҳим қурол бўлди [5]. Термизда большевикларнинг маҳаллий аҳоли билан тўқнашувлари тез-тез содир бўлиб турди.

Зўравонликка жавобан Бухоро амири 1917 ноябридан 1918 йил мартигача Термиздаги совет ҳокимиятига қарши уч марта ялпи сафарбарлик ўтказди. Айниқса, 1918 йил 2 мартида Туркистон ХКС Раиси Ф.Колесовнинг Бухорога муваффақиятсиз юришидан кейин вазият ўзгарди. 1918 йил мартида амир Термиздаги совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш мақсадида Когондан Термизгача бўлган темир йўлларни буздириб ташлайди. Бухоро амири 1918 йилнинг ёзида шаҳарни қамал қилади. Шундан сўнг Термизнинг бошқа ҳудудлар билан алоқаси узилиб қолади. Озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж молларининг етишмаслиги, Бухоро амирининг ҳужум қилиш эҳтимолидан саросимага тушган кўплаб рус тилли аҳоли шаҳарни тарк этади. 1918 йил ёзида шаҳарда тахминан 300-400 оила қолган бўлиб, уларнинг умумий сони минг кишидан кўпроқ эди. Бу ҳам етмагандек, 1918 йилда Афғонистон подшоси Ҳабибуллохон Совет Россиясидан Термизни Афғонистон ихтиёрига беришни талаб қилади. Хуллас, Термиз шаҳри Бухоро амирлиги, Афғонистон ва Совет Россияси ўртасидаги талаш майдонига айланиб қолган эди [6].

Совет давлати билан Бухоро амирлиги ўртасидаги алоқаларнинг бузилиши Амударё бўйидаги рус чегарачиларининг аҳволини оғирлаштириб қўйди. Амир жангчилари чегарачиларга вақти-вақти билан ҳужум қилиб туришларини ҳисобга олган рус чегарачилари Термиз томон чекинишга мажбур бўлишди. Қаттиқ тўқнашувларда уларнинг кўпчилиги ҳалок бўлди. Чегара қўшинларидан фақат С.А.Малиновский бошлиқ Қуйи Панж отрядигина Термизга ёриб ўтади. Айваж чегара отряди эса узоқ қаршиликлардан сўнг Афғонистон орқали шаҳарга етиб келади. Шаҳар мудофаа комитети раиси қилиб С.А.Малиновский тайинланади. 1918 йилнинг 20 мартидан шаҳарда ҳарбий ҳолат жорий этилади. 1918 йилнинг 12 августида шаҳарда аскар, ишчи ва деҳқон советларининг янги таркиби тузилиб унга

И.Федин раис этиб сайланади. Шу йилнинг декабрида Термизда Бухоро компартияси бўлими тузилади ва унга А.Н.Кортунов етакчи этиб сайланади.

1917-1918 йилларда Туркистондаги совет раҳбарияти маҳаллий аҳолини бошқарувга умуман яқин йўлатишмади. Негаки, уларнинг асосий қисми буюк рус шовинизми таъсирида бўлиб, туб аҳолини менсимас эди. Жумладан, Термиз Советида Константин Курликовский, Захар Черкасов, Антон Левичев, Борис Канаш, Антон Картунов, Иван Зайцев каби большевиклар фаолият кўрсатар, улар орасида бирорта ҳам туб аҳоли вакили йўқ эди [7].

Аммо кўп ўтмай, Термиздаги совет раҳбарлари ўртасида ҳокимият учун кураш қизиб кетади. Чунончи, 1918 йил апрелида Самарқанддан ёрдам учун етиб келган қизил отряд бошлиғи Салтановский ва унинг жангчилари безорилик ва аёлларга тегажоғлик сингари жиноятларни содир қилишди. Иш шу даражагача бориб етдики, Салтановский ўз отряди кассири Карповни ҳам ўлдиради. Салтановский Термиз қалъасида исён кўтармоқчи бўлганида қўлга олинади. Унинг устидан очиқ суд уюштирилди. Термиз ҳарбий трибуналининг қарори билан Салтановский, Горбунов, Феоктистов ва яна бир киши отиб ташланади [8].

1919 йил 19 январда Тошкентда ҳарбий комиссар Осипов томонидан ҳарбий исён кўтарилади. Исён вақтида 14 нафар Туркистонлик комиссар отиб ўлдирилди. Осиповнинг мақсади совет ҳокимиятини тугатиш эди. Лекин бу режаларни амалга ошира олмади. Осипов исёни Тошкент темир йўл ишчилари ва бошқа кучлар ёрдамида бартараф этилди.

Исён бостирилгандан кейин Термиз қалъасида норозилик митинги ўтказилади. Шунда қалъа коменданти Марусин ҳам сўзга чиқиб жангчиларни советларга қарши қайрай бошлади. Уни минбардан туртиб туширдилар. Трясин исмли зобит эса қизил аскарларни икки қатор сафга тизиб, черковдан попни чақирди ва “смирно” вазиятида поп қўлидаги бутни тавоф қилишга мажбурлади. Улар орасида мусулмон аскарлар ҳам бор эди. Фақат комиссар Снегирёвнинг етиб келиши билан бу иш тўхтатилди.

1919 йилнинг июлида Мураев бошчилигидаги бир отряд Термизга келди. Лекин бу отряднинг мақсади ёрдам бериш эмас, балки Термиз қалъасидаги қурол-яроғ ва аскарларнинг бир қисмини олиб кетиш эди. Табиийки, қамал ҳолатида турган Термиз Совети бунга қаршилик қилади. Шунда Мураев одамлари бир кечанинг ўзида тўрт кишини, Совет раиси Федин, аъзолари Коновалов, Гоппер ва Чернишевларни ўлдиришади. Аскарларнинг бир қисмини ўз томонларига оғдириб олишди. Лекин исёнчилар ўз ниятларига эриша олмайдилар. К.Ф.Курликовский ва С.А.Малиновский бошчилик қилган шаҳар гарнизони ва рус аҳолиси исёнчиларга қарши чиқишди. Мураев ҳеч нарсани ололмай жўнаб қолди.

Амир қўшинлари ва оқ гвардиячилар Карки шаҳрига ҳужум қилишганида уларга собиқ исёнчи комиссар Осипов ва инглиз генерали Ламкарт раҳбарлик қилишди. Вазиятдан фойдаланмоқчи бўлган Термиздаги рус зобитларининг бир қисми уларнинг томонига ўтмоқчи бўлишди. Буни сезиб қолган Термиз ЧК сининг махсус бўлим ходимлари 15-20 нафар собиқ подшо зобитларини қўлга олиб, Тошкентга жўнатишади. Улар орасида 31-Амударё чегара бригадасининг собиқ командири, генерал-майор Акко ҳам бор эди [9].

Содир бўлган воқеаларнинг барчаси большевикларга аччиқ ҳақиқатни – совет режимини ушлаб туришда рус амалдорлари ва зобитларига мутлақо ишониб бўлмаслигини кўрсатди. “Кўзи очилган” большевиклар йўл қўйилган хато ва камчиликларини тузатиш учун 1919 йилдан эътиборан маҳаллий аҳолини давлат бошқаруви ва армия сафларига ола бошладилар. Шу мақсадда 1919 йилнинг январида Тошкентда Мусулмонлар бюроси ташкил қилинди. Ўша ойда унинг Термиздаги бўлими ҳам тузилади.

Термиз шаҳар Мусбюроси шаҳар партия қўмитаси қошида эди. Унга Ҳасан Амирхонов ва Ҳайбулла Алимбоевлар бошчилик қилдилар. Мусбюро Термиз шаҳридаги корхоналарда ишловчи мусулмонлар, асосан, фарғоналикларни бирлаштирди. Бухоро амирлигининг фуқаролари бу ташкилотга расман кирмасалар ҳам Янгиариқ қишлоғидан икки киши – Оллоёр Мўминов ва Ражаб Қулмўминовлар ҳар жума куни шаҳар паркидаги бўладиган йиғилишда яширинча келишар эди. Бу ташкилотнинг ревизори Исмоил Табиев бўлган. Мусбюронинг хўжалик ҳисобидаги ўз чойхонаси бор эди. Мусбюронинг асосий

вазифаси аҳоли ўртасида Совет ҳукуматининг мақсадини тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдан иборат бўлган. Уларнинг фаол иштироки билан маҳаллий аҳолининг кўпгина киши Қизил армия сафларига кўнгилли сифатида ёзилдилар [10].

Маҳаллий ёшлар орасида коммунистик мафкурани тарғиб этиш ва уларни совет тузумига жалб этиш мақсадида 1919 йилнинг март ойида Термизда ёшлар қўмитаси тузилади. 1919 йилнинг кузида Термизда коммунистик ёшлар иттифоқи (комсомол – коммунистический союз молодёжи) ташкилий жиҳатдан шаклланади. Унинг ишида Василий Титарь, Борис Канаш, Андрей Жидких, Константин Кульбацкий, Василий Кортунов, Исмоил Табеев ва Мурод Тўрахўжаев фаол иштирок этди. Улардан фақат М.Тўрахўжаевгина туб аҳоли вакили эди. М.Тўрахўжаев кейинчалик 1923 йилда округ комсомол комитетининг биринчи котиби, 1929 йилда округ ижроия қўмитасининг раиси бўлди [11].

1919 йилнинг 26-31 декабрида Тошкентда БКП нинг III съезди бўлиб ўтди. Съезд партия бўлимлари қошида инқилобий қўмиталар тузишни лозим топади. Шундай қўмита Термизда ҳам тузилади. Қўмитанинг асосий вазифаси оммани қуролли қўзғолонга тайёрлашдан иборат эди [12].

Гарчи Амир Олимхон русларга қарши “ғазовот” эълон қилган бўлсада, уйига қайтаётган рус аҳолисига тегинмасликни буюрди. Ваҳоланки, амир 1918 йилнинг март ойидаёқ шаҳарни қўлга киритиш имконига эга эди. Шунга қарамай, амир Термизда қон тўкилмаслиги учун бутун чораларни кўрди. Қолаверса, шаҳарнинг Бухоро қисмидаги жомеъ масжиди ҳам ишлаб турди. Паттакесар бозорида рус аҳолиси ўзлари учун зарур бўлган озиқ-овқат ва бошқа кундалик маҳсулотларни олиб турди. Термиздаги мавжуд вазият советларга қўл келиб, большевикларнинг асосий кучлари етиб келгунча вақтдан ютиш ва жон сақлаб туриш имконини берди.

1920 йил 2 сентябрда Қизил Армиянинг ҳужуми натижасида Бухоро амирлиги ағдарилди. Амир Олимхон Бойсунга чекинишга мажбур бўлди. 1920 йил 6 октябрда Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилганлиги расман эълон қилинди. Шу муносабат билан Термизда шаҳар совети қайта ташкил қилинади. Унга Чори Беркалиев раис этиб сайланади. Термиз ревкомининг биринчи раиси эса Ёдгор Абдураҳмонов бўлди [13].

Сурхон воҳасида ҳам Совет ҳокимиятини ўрнатиш чоралари кўрила бошланди. Шу мақсадда Термизга Қизил армиянинг йирик кучлари жойлаштирилади. Бу қўшин Сурхон воҳасидаги совет ҳокимиятининг таянчига айланади. Шеробод беги Тўхтамишни ағдариб ташлаш мақсадида ташкил этилган Шеробод инқилобий қўмитаси ҳам Термизда тузилган. Шерободда совет ҳокимиятини ўрнатиш учун Гончаренко бошчилигида махсус отряд тузилади. Бу ишда большевиклар томонига ўтган маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам ёрдам беришди. Улардан тузилган отрядга Ёдгор Абдураҳимов ва Ҳасан Амирхоновлар етакчи этиб тайинланди. 1920 йилнинг 11 сентябрида Бухородан келган Қизил Армия қисмлари Бойсунни забт этиб, Амир Олимхонни Душанбе томон қочишга мажбур қилади. Термизда шакллантирилган кучлар эса 1920 йилнинг 29 сентябрида Шерободга ҳужум қилиб уни эгаллайди.

Қизил Армиянинг босқини ўлкада қаршилик ҳаракатини келтириб чиқарди. Амирнинг буйруғи билан Олимбек Бойсун ва Шерободдаги қўшинларга бош қилиб қўйилди. Шерободлик Мирза Абдулмўминбек қўшин йиға бошлади. 1920 йилнинг октябрь ойи бошларида Миён Сафиюллоҳ Ўроқхон ташаббуси билан Хўжанқон қишлоғида чақирилган юрт оқсоқолларининг кенгашида босқинчиларга қарши Муқаддас уруш эълон қилинади. Мамлакат бўйлаб миллий озодлик ҳаракати бошланди. Жўра оқсоқол қишлоқма-қишлоқ кезиб, элни курашга чақирди [14]. Натижада 1920 йилнинг 17 октябрь куни уларнинг минг кишилик қўшини Шерободни озод қилди. Аммо миллий кучларнинг асосий қисми Бойсунга кетганидан фойдаланган большевиклар 10 ноябрь куни яна Шерободни эгаллаб олишди [15].

Шунга қарамай, шерободлик ватанпарварлар жонажон шаҳарларини қайтариб олиш учун яна бир бор уриниб кўришди. Навбатдаги ҳужум муваффақиятли кечди. 1920 йилнинг 27 ноябрида Шерободга қилинган ҳужум душман аскарларини довдиратиб қўйди. Термиз гарнизони бошлиғи Малиновский томонидан Бухоро Халқ Совет Республикаси Инқилобий

қўмитаси (Ревком) ва ички ишлар нозири номига жўнатилган бир махфий ҳужжатда айтилишича, «Шеробод шаҳри атрофидаги бизнинг қисмлар (Шеробод гарнизони) га қарши душман турли милтиқлар билан қуролланган 7000 кишидан иборат кучни ташлади, улар орасида Денов, Юрчи ва Ҳисор шаҳарларининг аҳолиси бор эди. Душман кучларининг тазйиқи остида Шеробод гарнизони 27 ноябрда Шерободни ташлаб чиқди ва Ангор қишлоғига чекинди. Шеробод шаҳрида бўлган жанг қатнашчиларининг фикрига қараганда, амир қўшинларининг мутаассиблиги (аслида жасорати) шу даражага бориб етганки, улар бизнинг артиллерия ва пулемётдан тинмай ўт очишимизга қарамасдан, фақат олға ташланишарди» [16].

1920 йилнинг 4 декабрида Бухорога юборилган бошқа бир ҳужжатда ёзилишича, Қизил Армиянинг 8–полки батальонлари 27 ноябрда Шерободни ташлаб чиққач, аввал Ангор, сўнгра Термиз томонга қочди. Миллий кучлар душманни Термизга қадар таъқиб этиб, Шеробод беклигини озод этди [17].

Эришилган ғалабалар халқни руҳлантириб юборди. Барча бекликларда кўнгилли аскарларни тўплаш авж олиб кетди. 1920 йилнинг 4 декабрида Қизил армиянинг айғоқчилик хизмати берган хабарга кўра, Саййид Олимхон шимолий йўналишдаги Деновдан то Душанбега жами 34740 жангчи, 7 пулемёт ва 2 тўпдан иборат йирик кучларни шакллантиришга муваффақ бўлди. Аммо улар яхши қуролланмаган, жанговор тайёргарлиги ёмон аҳволда бўлиб, бор-йўғи 4000–5000 киши қуролланган эди [18].

Туркфронт қўмондонининг буйруғига асосан 1920 йилнинг 27 ноябрида Ҳисор экспедицион отряди шакллантирила бошланди. Дивизия командири М.Марсов унинг қўмондони этиб тайинланди. Экспедиция таркибида: М.Е.Роганов раҳбарлигидаги икки отлиқ полки бўлган 1-отлиқ дивизия, В.Г.Дьяконовнинг 1-отлиқ батареяси, отряднинг командири этиб тайинланган В.М.Ионовнинг Туркистон отлиқ дивизияси, 1-Туркистон дивизиянинг 3-бригадаси 16-кавалерия полки, 1-Туркистон дивизиясининг 5- ва 6-кавалерия полки ва артдивизионнинг битта взводи бор эди [19]. Бу кучлар билан қизил аскарлар 1920 йилнинг 17 декабрида ҳужумга ўтишди.

Қизил армия қўмондонлиги Бойсун йўналишида жиддий қаршилик кўрсатилишига қарамай, шаҳар ва қишлоқларни бирин-кетин ишғол қила бошлади. 1-Туркистон кавалерия полки Бузғолахона дарасида амирнинг 10000 кишилик қўшинини тор-мор этди. 4 январда душман қўшини Дарбандни жанг билан эгаллади. Олимбек Дарбандни қўлдан чиқаришни истамай, Бойсундан 3000 кишилик қўшин жўнатди. Аммо амир қўшинлари 150 нафар йигитини йўқотиб, Бойсун томон чекинди.

5 январь куни қизил аскарлар Сайроб, Хўжабулғон, Даҳанаижом ва Тўда қишлоқларини эгаллашди. Шундан сўнг Волков бошчилигидаги 6-полк аскарлари Бойсунга кириб келди. Олимбек бор кучлари билан шаҳарни сақлаб қолмоқчи бўлди. Шаҳар кўчаларида қирғинбарот жанглар авж олди. Денов, Сарижўй ва Ҳисордан келган кўнгилли аскарлар Бойсуннинг ҳар қарич ери учун жон-жаҳдлари билан жанг қилишди. Яхши тайёргарликка эга бўлмаган ватанпарварлар жуда катта талофатлар кўрди. Қаттиқ қаршиликка қарамай, шаҳарни сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Олимбек омон қолган аскарлари билан чекинишга мажбур бўлди [20]. Қаттиқ тўқнашув вақтида қўлга тушиб қолган Мулло Болта, Хўжамшукур тўқсабо ва Мулло Ҳазратқуллар 1921 йил 6 январь куни эрталаб ҳозирги Кўктепада, халқни кўз ўнгида отиб ташланди [21].

Бойсуннинг эгалланиши билан Бойсундаги қизил аскарлар гуруҳи жануб томон бурилиб, Шерободни забт этишга юборилди. Бу шаҳар учун 1920 йил 17 декабрдан бошлаб Термиз йўналишидан келган Қизил армия қисмлари жанг олиб бораётган эди. Бу кучларга Термиз ревкоми Малиновский бошчилик қилди. Фақат қўрғонбеги Абдулмўминбекнинг қаттиқ қаршилиги туфайли Шерободни эгаллаб бўлмаётган эди. Ёв қўшинининг шимол томондан ҳам бостириб кириши Шерободнинг тақдирини ҳал қилди. 1921 йил 7 январь куни Шеробод икки томондан қилинган қаттиқ ҳужум натижасида босиб олинди. Большевикларнинг расмий ҳужжатларида кўрсатилишича, Шерободдаги 8000 кишилик мужоҳидлар армиясида ҳар ўн кишига биттадан милтиқ тўғри келарди, бунинг устига ҳар

милтиққа 3 - 5 дона ўқ бор эди, холос [22]. Қолаверса, уларнинг жуда катта қисми кўнгиллилардан ташкил топган ва жанговор тайёргарлиги паст эди. Абдулмўминбек ўз аскарларини шаҳардан чиқариб юборишга эришди. Лекин ўзи қўрғон дарвозаси учун бўлган тенгсиз олишувда қаҳрамонларча ҳалок бўлди [23].

10 январда В.М.Ионов бошчилигидаги Самарқанд отряди Чироқчи ва Китобни, 11 январда 1-Бухоро кавполки ва 61- Туркистон полкининг 28-сонли бронепоезди отлиқ разведка отрядлари Яккабоғни эгаллаб олишади [24].

Гарчи қизил аскарлар тактик устунликни қўлга киритишган бўлишса-да, стратегик ташаббус ҳали уларнинг қўлида эмас эди. Шероботдан чиққан қўшин Бойсундаги Олимбек кучлари билан бирлашади. 1921 йилнинг 12 январида 12 минг кишилик қўшин Бойсунни ёв қўлидан тозалаш учун ҳужум бошлайди. Олимбек жанглар давомида шаҳарнинг шарқий қисмини душмандан икки ҳафтага озод қилишга муваффақ бўлди. Бойсун учун бўлган жангларда дивизия қўмондони М.Марсов ўлдирилади [25]. Аммо миллий кучларнинг талофати жуда катта эди. Советларнинг расмий маълумотларига қараганда, амир қўшинларидан 3000 киши бу жангда ҳалок бўлган эди [26].

Қизил Армия қўмондонлиги ҳалок бўлган М.Марсов ўрнига В.М.Ионовни Ҳисор экспедициясига бошлиқ этиб тайинлади. 1921 йилнинг 11 февралида қизил аскарлар Бандихон дараси томон юриш бошлади. Бу ерда Амир Олимхон томонидан бойсунликларга ёрдам учун юборилган 10 минг кишилик қўшин тор-мор этилди.

1921 йил 13 февралда жўнатилган қизил аскарларнинг разведка маълумотларига қараганда, «Денов ва Юрчи шаҳарлари ва атроф қишлоқларда қаршилик Бўри бойвачча бошчилигида 5000 кишилик қўшин тўпланди. Бу кўшин таркибида тахминан 500 кишилик туркман, 200 кишилик афғон, 300 кишилик Фарғона милий озодлик иштирокчилари бўлиб, қолганлари Бухоро амирининг доимий сарбозлари, турк ва шербачча полклари, маҳаллий аҳоли вакиллари эди. Миллий озодлик қатнашчилари Душанбедан келишди. Улар Шерматнинг одамлари бўлиб, амирнинг илтимоси билан Кўршермат (Шермуҳаммадбек) томонидан Шарқий Бухорога жўнатилган эди. Деновда 5 та пилта тўп ва 2 пулемётга эга қўшин бор. Миршоди қишлоғида (Деновдан 20 чақирим жануби–ғарбда) Деновдаги қўшиннинг бир қисми – 1400 кишилик гуруҳ бор, бу гуруҳ Бўрибойваччага бўйсунади.

Бир ой аввал амир Душанбеда эди, касал бўлиб қолгач, Қурғонтепага жўнаш тараддудига тушди, Лекин вазиятни кўриб яна Душанбе шаҳрида қолди. Бу пайтда унинг олдига Кобулдан 10 кишилик афғонларнинг делегацияси ташриф буюрди ва тез орада амирга мадад келишини маълум қилишди».

Афсуски, Афғонистондан ҳеч қандай қуролли кучлар ёрдамга юборилмади. Қизил Армиянинг тажрибали жангчилари билан бўлган шиддатли жангда амир қўшинлари бу гал ҳам дош бериша олмади. 1921 йил 15 февралда душман Деновни эгаллади. 16 февраль куни Юрчи, Сариосиё ва Сарижуй ҳам тортиб олинди. Ҳужум қилиб келаётган совет қўшинлари Регарда шиддатли қаршиликка дуч келдилар, лекин бу шаҳар ва сўнгра Қоратоғ ҳам улар томонидан эгалланди [27].

1921 йил 20 февралдан бошлаб Ҳисорга кираверишда шафқатсиз жанглар қизиб кетди. «Известия» газетаси ўша кунларда ушбу сатрларни ёзган эди: «Амир ҳукмронлик қилаётган ҳудуд кундан–кунга қисқармоқда. У баҳорга келиб ё тоғларга чиқиб кетиши, ё Бухоро худудини тарк этиши лозим бўлди. Унинг ихтиёрида фақат Шарқий Бухоронинг Ҳисор, Душанбе ва Файзобод вилоятлари қолди. Унинг ихтиёрида фақат 600 нафар аскар бор».

Ҳисор шаҳри таслим бўлгач, душман 21 февраль куни Душанбе шаҳрига юриш бошлади. Шаҳар мудофааси учун ёшу-қари, бутун амалдорлар ва руҳонийлар ёппасига жалб этилди. Икки кунлик қаршиликдан сўнг шаҳар эгалланди. Амир Олимхон 20 февралда Душанбени ташлаб чиққач, аввал Кўлоб вилоятига чекинди. 1921 йил 5 мартда Амир Олимхон Чубек деган жойдан Афғонистон давлатига ўтиб кетди. 1921 йилнинг март ойи охирларига келганда бутун Шарқий Бухорода совет ҳокимияти ўрнатилди [28].

4. Хулоса.

Хулоса қиладиган бўлсак, Сурхон воҳаси аҳолиси 1920 йилнинг сентябридан то 1921 йилнинг февралига қадар Олимбек, Абдулмўминбек, Миён Сафиюллоҳ, Хўжамшукур тўқсабо, Жўра оқсоқол бошчилигида Бойсун ва Шерободда истилочиларга қарши мардонавор қаршиликни ташкил қила олган эдилар. Уларнинг жасорати душманни ҳарбий низомнинг барча қоидаларига тўлиқ риоя қилишга ва шиддаткор ҳужумини секинлатишга мажбур қилди.

Шу билан бирга, большевиклар ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлашда жиддий қийинчиликларга дуч келдилар. Қизил аскарларнинг зўравонлиги халқнинг сабр-косасини тўлдириб юборди. Ҳозирги Тожикистон Республикаси ҳамда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари худудида кўплаб қўрбоши дасталари тузилди. Тўғри, уларнинг кўпчилиги собиқ амир амалдорлари ёки йирик дин арбоблари бўлишган. Лекин шунга қарамасдан, улар босқинчиларга қарши курашга отланган юртдошларининг ҳаракатини яхлит бир йўналишда бирлаштира олган эдилар.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Турсунов С., Қобулов Э., Муртозоев Б., Пардаев Б., Умаров И. Термиз шаҳри тарихи. – Тошкент: Yangi nashr, 2019. –Б. 239. (Tursunov S., Qobulov E., Murtozoev B., Pardaev B., Umarov I. History of Termez. –Tashkent: Yangi nashr, 2019. –P. 239.)
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. –Б. 42-43. (New history of Uzbekistan. 2 books. Uzbekistan during the Soviet colonial period. –Tashkent, 2000. –P. 42-43.)
3. Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. –Термиз: Жайхун, 1993. –Б. 50. (Safarov Sh. Termez and Termezids. –Termiz: Jayxun, 1993. –P. 50.)
4. Холмирзаев А. Ҳаёт манзаралари. –Тошкент: Санъат, 2008. –Б. 28. (Xolmirzaev A. Landscapes of life. –Tashkent: San'at, 2008. –P. 28.)
5. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Ташкент, 2000. –С. 66-67, 79-80. (Turkestan at the beginning of the 20th century: on the history of the origins of national independence. –Tashkent, 2000. –P. 66-67, 79-80)
6. Турсунов С., ва бошқалар. Термиз тарихи. –Б. 240. (Tursunov S., and others. History of Termez. –P. 240.)
7. Халияров Х., Бычков Д., Блинников А. Сурхандарьинская область. – Ташкент, 1974. – С.18. (Khaliyarov X., Bychkov D., Blinnikov A. Surkhandarya region. – Tashkent, 1974. – P.18.)
8. Холмирзаев А. Термиз тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Санъат, 2008. –Б. 104. (Xolmirzaev A. Plates from the history of Termez. –Tashkent: San'at, 2008. –P. 104.)
9. Холмирзаев А. Термиз тарихидан лавҳалар. –Б. 106-107. (Xolmirzaev A. Plates from the history of Termez. –P. 106-107.)
10. Холмирзаев А. Ҳаёт манзаралари. –Б. 30. (Xolmirzaev A. Landscapes of life. –P. 30)
11. Халияров Х.,и др. Сурхандарьинская область. –С. 18. (Khaliyarov X., and others. Surkhandarya region. –P. 18.)
12. Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. –Б. 51. (Safarov Sh. Termez and Termezids. –P. 51.)
13. Халияров Х., и др. Сурхандарьинская область. –С. 19. (Khaliyarov X., and others. Surkhandarya region. –P. 19.)
14. Умаров И. Бадаш: тарих ва анъана. Термиз: Сурхоннашр, 2018. –Б. 118. (Umarov I. Badash: history and tradition. Termez: Surkhannashr, 2018. –P. 118.)
15. Умаров И. Миллий мустақиллик учун курашганлар. // "Ўтмишга назар" журнали. – Тошкент, 2021 йил 11-сон, 4-жилд. –Б. 60. (Umarov I. Those who fought for national independence. // Look to the past. –Tashkent, 2021, volume 4, issue 11. –P. 60.

16. Ражабов Қ. Бухорога Қизил армия босқини ва унга қарши кураш (1920-1924 йиллар). –Тошкент: Маънавият, 2002. –Б. 60. (Rajabov Q. The invasion of Bukhara by the Red Army and the struggle against it (1920-1924). –Tashkent: Manaviyat, 2002. –P. 60.)
17. Ражабов Қ. Бухорога Қизил армия босқини ва унга қарши кураш. –Б. 61. (Rajabov Q. The invasion of Bukhara by the Red Army and the struggle against it. –P. 61.)
18. Тимошков С.П. Борьба с интервентами, белогвардейцами и басмачеством в Средней Азии // Шумов А.С., Андреев А.Р. Басмачество. –Москва: Эксмо-Алгоритм. 2005. –С. 433-434. (Timoshkov S.P. Fight against interventionists, White Guards and Basmachism in Central Asia // Shumov A.S., Andreev A.R. Basmachism. –Moscow: Eksmo-Algorithm. 2005. –P. 433-434.)
19. Эркаев М. История гражданской войны в Таджикистане. –Душанбе, 1963. –С. 200. (Erkaev M. History of the Civil War in Tajikistan. –Dushanbe, 1963. –P. 200.)
20. Ҳайит Н., Усмон Т. Кураш йиллари. –Тошкент: Меҳнат, 1992. –Б. 19-20. (Hayit N., Usmon T. Years of struggle. –Tashkent: Mehnat, 1992.–P. 19-20.)
21. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Тошкент: Akademhashr, 2011. – Б. 120-121. (Tursunov S., Rashidov Q. Boysun. –Tashkent: Akademhashr, 2011. –P. 120-121.)
22. Турсунов С., Турсунов А., Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Yangi nashr, 2014. –Б. 227. (Tursunov S., Tursunov A., Togaeva M. Excerpts from the history of Sherabad. –Tashkent: New edition, 2014. –P. 227.)
23. Холмирзаев А., Умаров И. Унутилган жасорат ёхуд Шеробод мудофааси ҳақида тарихий қайдлар // «Сурхон ёшлари» газетаси. 2017 йил. 31 август. –Б. 14. (Kholmirzaev A., Umarov I. Forgotten Heroism or Historical Notes on the Defense of Sherabad«Surxon yoshlari» newspaper. 2017. August 31st. –P. 14.)
24. История гражданской войны в Узбекистане. Том II. – Ташкент, 1970. –С. 316 - 317. (History of the civil war in Uzbekistan. Volume II. – Tashkent, 1970. –P. 316 - 317.)
25. Ражабов Қ., Ражабова С. Бухоро амирлиги таркибидаги Бойсун беклиги ҳамда Бойсунда Қизил Армияга қарши кураш // «Бойсун баҳори» - миллий маънавиятимиз дурдонаси (Халқаро илмий анжуманга бағишланган мақолалар тўплами). –Термиз: Сурхон-Нашр, 2017. –Б. 25. (Rajabov Q., Rajabova S. The Boysun principality of the Bukhara Emirate and the struggle against the Red Army in Boysun «Boysun bahori» - milliy manaviyatimiz durdonasi (collection of articles dedicated to the International Scientific Conference). –Termiz: Surxon-Nashr, 2017. –P. 25.)
26. Гафуров Б., Прохоров Н. Н. Падение Бухарского эмирата. –Сталинабад, 1940. –С. 60–61. (Gafurov B., Prokhorov N. N. Fall of the Bukhara Emirate. –Stalinabad, 1940. –P. 60–61.)
27. Турсунов С., Турдиев Т. Денов. –Тошкент: Фан, 2009. –Б. 208. (Tursunov S., Turdiev T. Denov. –Tashkent: Fan, 2009. –P. 208.)
28. Умаров И. Миллий мустақиллик учун курашганлар.–Б. 57. (Umarov I. Those who fought for national independence. –P. 57.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Рахбар Эргашевна Холиқова,
Тарих фанлари доктори, профессор
Тошкент давлат техника университети
tdtu.uzrahbarkholikova@mail.ru

РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ СИЁСИЙ АГЕНТЛИГИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН

For citation: Rahbar Kholikova, FROM THE HISTORY OF THE ACTIVITIES OF THE POLITICAL AGENCY OF THE RUSSIAN EMPIRE IN THE BUKHARA EMIRATE. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.20-31

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-2

АННОТАЦИЯ

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигига нисбатан Чор Россияси хукумати ҳарбий ҳаракатларни олиб боришдан мақсади нафақат сиёсий ҳарбий-стратегик мақсадларни балки иқтисодий манфаатларини ҳам мақсад қилиб қўйганлиги бизга маълум.

1886 йили январь ойида Россия подшоси буйруғи асосида Бухорода Россия императорлиги сиёсий агентлиги ташкил этилиши унинг Бухоро амири ва вазирлари устидан назорат олиб бориши унинг Бухоро ички ишларига аралашуви кучайиб ҳатто Бухоро давлати мансабларига ходимлар ва амалдорларини тайинлаш ҳам унинг қўлига ўтди. Чор Россияси ҳукумати ушбу ташкилотга жуда катта диққат ва эътибор билан қараган. Жумладан сиёсий агентнинг ҳуқуқи ва вазифалари тўғрисида Низомнинг кейинчалик шахсан подшоҳ Николай II томонидан 1901 йил 5 майда имзоланишининг ўзи Бухорода ташкил этилган Сиёсий агентликнинг Чор Россияси сиёсий ҳаётидаги қай тарзда аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Бухоро амирлигида очилган Сиёсий агентлиги Бухоро амирини юридик ҳужжатларсиз тўла чоризм измига тушуришга муваффақ бўлди ва амирни чор Россияси томонидан қўйиладиган барча вазифаларни тўла бажаришга амирликдаги барча ички ишларни ҳам сиёсий агент розилиги асосида амалга оширишга мажбур қилиб қўйди.

Бу эса Чор Россияси ҳукумати ва унинг Туркистон ўлкасидаги маъмурларининг аста-секинлик билан Бухоро амирлиги иқтисодиётига кириб келиб унинг устидан тўла ҳукмронликни қўлга киритганлигини кўрсатади. Тадқиқот ишида айнан шу жараёнлар РДҲТА манбалари ва адабиётлар асосида таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, Сиёсий агентлик, Чор Россияси, иқтисодий муносабатлар, Низом, дипломатик маҳкама, шартнома, Александр III фармони, темир йўллар, савдо муносабатлари, хирож йиғими, сиёсий муносабатлар.

Раҳбар Эргашевна Халикова,
доктор исторических наук,
профессор, Ташкентский государственный
технический университет имени И.Каримова
e-mail: tdtu.uzrahbarkholikova@mail.ru

ИЗ ИСТОРИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПОЛИТИЧЕСКОГО АГЕНТСТВА РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ

АННОТАЦИЯ

Нам известно, что в начале второй половины XIX – начале XX веков по отношению к Бухарскому эмирату царская Россия ставила перед собой цель ведения военных действий не только в политических, стратегических целях, но и в экономических интересах.

Учреждение политического агентства Российской империи в Бухаре по приказу русского царя в январе 1886 года подвергло его вмешательству во внутренние дела Бухары вследствие его контроля над эмирами и министрами Бухары и даже передало в его руки назначение офицеров и чиновников Бухарского государства.Правительство царской России относилось к этой организации с большой осторожностью и вниманием. В частности, последующее подписание Устава о правах и обязанностях политического агента царем Николаем II 5 мая 1901 года показывает важность политического агентства, созданного в Бухаре, в политической жизни царской России. Политический агент России в Бухаре также вмешивался в вопросы внутренних дел и системы управления в эмирате и оказывал свое влияние.Его политическая агентура, которая была открыта в Бухарском эмирате, сумела довести бухарского эмира полностью подчинится царизму без юридических документов и вынудила Эмира осуществлять все внутренние дела в эмирате на основании согласия политического агента, чтобы в полной мере выполнять все обязанности, возложенные на него царской Россией.

Это свидетельствует о том, что правительство царской России и его администраторы в Туркестанской крае постепенно вошли в экономику Бухарского эмирата и получили полный контроль над ним. В исследовательской работе эти же процессы анализируются на основе источников и литературы РГВИА.

Ключевые слова: Бухарский эмират, политическое агентство, царскаяРоссия, экономические отношения, устав, дипломатический суд, договор, указ Александра III, железные дороги, торговые отношения, сбор налогов, политические отношения.

Rahbar Kholikova,
Tashkent State Technical University
named after I. Karimov, professor,
doctor of Historical Sciences.
e-mail: tdtu.uzuzrahbarkholikova@mail.ru

FROM THE HISTORY OF THE ACTIVITIES OF THE POLITICAL AGENCY OF THE RUSSIAN EMPIRE IN THE BUKHARA EMIRATE

ABSTRACT

It is known to us that at the beginning of the second half of the XIX – early XX centuries in relation to the emirate of Bukhara, the Tsarist Russia set the goal of conducting military actions not only for political, strategic purposes, but also for economic interests.

The establishment of the political agency of the Russian Empire in Bukhara on the basis of the order of the Russian tsar in January 1886 subjected him to interference in the internal affairs of Bukhara due to his control over the emirs and ministers of Bukhara even passed into his hands the appointment of officers and officials of the Bukhara state. The government of tsarist Russia treated

this organization with great care and attention. In particular, the subsequent signing of the Charter on the rights and duties of a political agent by Tsar Nicholas II on may 5, 1901, shows the importance of the political Agency established in Bukhara in the political life of tsarist Russia. Russia's political agent in Bukhara also interfered in the internal Affairs and governance of the Emirate and exerted his influence. His political Agency, which was opened in the Emirate of Bukhara, managed to bring the Emir of Bukhara to submit completely to tsardom without legal documents and forced the Emir to carry out all internal Affairs in the Emirate on the basis of the consent of the political agent in order to fully perform all the duties assigned to him by tsarist Russia.This shows that the Government of Tsarist Russia and its administrators in the Turkic country gradually entered the economy of the emirate of Bukhara and gained full control over it.In the research work, these same processes are analyzed on the basis of Russian State Archive of Military History sources and literature.

Index Terms: Bukhara Emirate, political agency, tsarist Russia, economic relations, charter, diplomatic court, treaty, decree of Alexander III, railways, trade relations, tax collection, political relations.

Методлар ва унинг ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқот иши умум қабул қилинган тарихий методлар –тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Россия-Бухоро муносабатлари, Бухородаги Россия императорлигининг сиёсий агентлиги фаолиятини тарихий акс эттирувчи манбаларни ўрганилганлиги ҳамда бу борада мустақиллик йилларида олимлар ва ёш тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган кўпгина тадқиқотлартаҳлили шунингдек тадқиқот жараёнида кўплаб манбалар илмий муомалага жалб этилганлиги кўриб ўтилган.

Чор Россияси томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиё хонликлари босиб олиниб, ушбу ҳудудларда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди ва ҳарбий - бошқарув тизими жорий этилди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги чор Россиясининг қарам давлатларига айлантирилди. Ўлкада ҳарбий бошқарув тизими ҳукм сурганлиги учун, ушбу даврга оид бўлган барча расмий маълумотлар, ёзишмалар ва ҳужжатлар бевосита Россиядаги ҳарбий вазирлик ва унга тааллуқли бўлган ташкилотларга жўнатилган. Мана шунинг учун ҳам, ушбу ҳужжатларнинг аксарияти бугунги кунгача РДҲТА заҳирасида сақланмоқда.

РДҲТАнинг Туркистон ҳарбий округи штаби фонди (1396) жамламаларида Бухоро тўғрисидаги хариталар, Бухоро ҳукмдорлари тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг расмлари (1396-фонд, 2 рўйҳат, 1485-дело), Бухоро хонлиги тўғрисидаги[1] сиёсий, иқтисодий маълумотлар, уларнинг умумий баёни (1396-фонд, 2 рўйҳат, 2138-дело), Бухоро амирлигининг ҳарбий ҳолати, унинг қўшинлари, қўшинларнинг таркиби ҳамда уларга ажратилган маблағ ва тўланган маош тўғрисидаги маълумотлар (1396-фонд, 2 рўйҳат, 1701-ва 1745-дело), Бухоро тўғрисида рус сиёсий агентлиги томонидан юборилган маълумотномалар ва ҳисоботлар ҳамда уларнинг расмий ёзишмалари (1396-фонд, 2 рўйҳат, 1668-дело), Бухорода рус ҳукумати сиёсатига қарши ташвиқотлар тўғрисида зобит Туголиннинг рапорти (1396-фонд, 2 рўйҳат, 2091-дело), Бухоро амирлигининг ички аҳволи тўғрисидаги ўта махфий ҳисобланган маълумотлар (1396-фонд, 2 рўйҳат, 1795-дело) мавжудлиги аниқланди.

РДҲТАнинг «Бош Штаб» фонди (400-фонд) жамламаларидан эса Бухорода Рус консуллиги ва Рус сиёсий агентлигининг ташкил этилиши тўғрисидаги маълумотлар (400-фонд, 1-рўйҳат, 878-дело), Россия ҳукумати томонидан Бухоро билан Амударё бўйлаб темир йўл линияси ўтказишини ўрганиш бўйича ўзаро ёзишмалари ва шартномалари (400 фонд, 24-рўйҳат, 879-дело), Панж округида маҳаллий бошқарув органининг очилиши тўғрисидаги маълумотлар (400-фонд, 1-рўйҳат, 1024-дело), Бухоро элчиларининг ўзаро ёзишмалари (400-фонд, 24-рўйҳат,1451-дело), 1890 йилда Буҳоро ҳинд ва афғон товарларининг кириб келиши тўғрисидаги маълумотлар (400-фонд, Осиё бўлими, 105-дело), Бухоро амирлигининг

бюджети ва Бухородаги рус манзилгоҳлари тўғрисидаги (400-фонд, 1-рўйҳат, 4458-дело) каби маълумотлар мавжуд.

Ушбу фактлар ва маълумотлар бугунги кунда, ўзининг қиймати ва аҳамияти жиҳатдан ўта муҳимдир. Зеро, мана шундай маълумот ва фактлар тарихимизнинг, жумладан XIX аср охири, XX аср бошларидаги Бухоро амирлиги тарихини янада ойдинроқ ёритиш ва ҳаққоний тарзда таҳлил этишга ёрдам беради.

Ўрганилаётган мавзуга оид адабиётларни таҳлил қиладиган бўлсак, мустақиллик йилларида республикамиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўплаб асарлар пайдо бўлди, улар янгича услубий ёндашувлар асосида яратилганлиги, масалага миллий ва умуминсоний маифаатлар ҳамда тарихий ҳақиқат мезони нуқтаи назаридан қаралганлиги билан ундан олдин яратилган асарлардан ажралиб туради.

О. Масалиеванинг “Бухоро хонлиги тарихи манбашунослигининг айрим жиҳатлари” номли мақоласида Бухоро хонлиги (амирлиги) тарихи манбашунослигининг XX асрдаги айрим жиҳатлари кўриб чиқилган.Бухоро хонлиги(амирлиги) тарихи манбашунослиги шарқшунослик тадқиқотлари негизида олиб борилган. Шарқшунос олимлар хужжатларни ва шарқ қўлёзмаларини ўрганишда катта эътибор беришганлиги бу соҳада айниқса А.Семёнов, А.Фитрат, П.Иванов, О.Чехович, М.Абдураимов, А.Вильданова каби бир қатор олимлар бир қанча ёрлиқлар ва ёзишмаларни илмий истеъмолга киритганлигини ёритган.

Б.Болтаевнинг “Из истории строительства здания русского политического агентства в Бухаре” номли мақоласида Россия императорлигининг сиёсий агентлигининг ташкил топиши, унинг илк бор эски Бухорода, Аркда ўз фаолиятини бошлагани, сўнгра Янги Бухоро (Когон)га кўчиб ўтиб, давом эттирганлиги, бу агентлик учун бино қуриш ишлари сиёсий агент Н.Чарыков кетиб, ўрнига П.М.Лессар келиб, ўз иш фаолиятини бошлаган даврга яъни 1890 йилларни охирига тўғри келиши ҳақида ёзади. Лессар келгандан, қурилиш ишларини ўз назоратига олганлиги ва Бухоро ҳукумати билан инженер Габерьфельд, Россия императорлигининг сиёсий агентлиги учун Янги Бухорода (Когон)да қуриладиган бинолар ҳақида келишув имзоланганлигига тўхталиб ўтади. Шунингдек, муаллиф Россия императорлигининг сиёсий агентлиги, Николай подшо томонидан имзоланган Низом асосида, Бухоро ҳукумати билан барча сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича, тўла мулоқот олиб бориш ҳуқуқига эга эканлиги, бу эса амирликда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишида ҳал қилувчи омилга айланганлиги тадқиқотда ёритиб берилади [2].

Мустақиллик йилларида МДҲ ва Марказий Осиё давлатларида ҳам бизнинг томонимиздан тадқиқ этилаётган мавзуга яқин бўлган масалалар ўз аксини топган мақолалар яратилди. О.А.Черновнинг “Деятельность Российского политического агента Н.В.Чарыкова в Бухарском эмерате” номли мақоласида Бухоро амирлигида Россия императорлигининг сиёсий агенти сифатида фаолият олиб борган Н.В.Чарыков Бухоро ҳукумати билан барча сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича тўла мулоқот олиб бориш ҳуқуқига эга бўлганлиги,ўз фаолияти давомида Бухоро амирлиги ҳудудида Россия манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали ҳаракатлар олиб борганлиги таҳлил қилинади[3].

Тожикистонлик тарихчилардан Ж.Х.Джурабаев ўзининг “Изучение политической истории Бухарского эмирата в советский и постсоветский периоды” номли тадқиқотида Бухоро хонлиги тарихининг турли жабҳаларига бағишланган совет ва постсовет даври тарихий асарларининг тарихшунослигини ёритишга ҳаракат қилади. Совет даврида ижод этган тарихчиларнинг Бухоро хонлигидаги сиёсий –иқтисодий муносабатлар, аҳоли ҳаёти, турмуш тарзи, ер эгалигининг турли кўринишлари, қишлоқ хўжалигининг ҳолати, ҳунармандчилик ва бошқа йўналишларини ўзида акс эттирган фундаметал асарларини таҳлили муаллиф тадқиқотидан ўрин олган[4].

О.А.Қиличевнинг “Россия императори сиёсий агентлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги ёзишмалар, Россия-Бухоро муносабатлари тарихини ўрганиш манбаси” номли тадқиқот иши айнан биз ўрганаётган мавзу доирасидаги мавзу бўлиб, диссертацияда Россия императори сиёсий агентлиги ва Бухоро амирлиги девонхоналарининг фаолияти ҳамда

ҳукуматлараро ёзишмаларини олиб бориш жараёнлари (мактубларни расмийлаштириш, таржима ва тасдиқлаш тартиби) далиллар асосида ёритилиб,унда тегишли қоғозларнинг турлари ва уларнинг фарқлаш усуллари аниқланган. Ёзишмаларда қўлланилган Россия императори сиёсий агентлиги ходимларининг шарқона шакл ва мазмунга эга муҳрлари, имзо ва штампларининг (муҳр диаметри геометрик шакли ва ёзувлари) ҳақида маълумотлар келтирилган[5].

Тадқиқот натижалари:

Чор Россияси ҳукумати Бухоро амирлигининг катта ҳудудларини босиб олгач ва қолган ҳудудларда амирлик тузумини сақланишига имкон яратгандан сўнг, турли хил йўллар билан Бухоро амирлиги устидан ўзининг ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилди.

Айниқса, 1868 йилги ва 1873 йилги шартномалар имзолангандан сўнг, Бухоро ҳудудига рус фуқароларининг кириб келиши кучайгандан кейин, ушбу масалага эътибор янада кучайди. Энг аввало, чор Россияси ҳукумати ва унинг Туркистон ўлкасидаги маъмурлари Яқин Шаркда инглиз-рус рақобатини кучайишига имкон бермаслик, Бухоро ички бозорларида тўла ҳукмронликка эга бўлиш ва амирлик ҳудудидаги рус фуқаролари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун катта эътибор қаратди.

Бухоронинг номигагина ўз мустақиллигини сақлаб туриши чор Россияси ҳукуматига жуда қўл келарди. Чунки ҳар бир соҳада Туркистон ўлкасида ислоҳот ўтказиш рус ҳукуматидан жуда катта ҳаракат ва маблағни талаб қиларди. Чоризм амирликни расман ички мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда секин-асталик билан, ҳеч қандай катта сарф-харажатларсиз, унинг иқтисодини ўзининг мустамлакачилик сиёсатига тўла бўйсундириб, ўз манфаатларига хизмат қилдиришни мақсад қилиб белгилаган эди. Хулласи калом, чоризм сиёсатининг асосий вазифаси Ўрта Осиё давлатларини аста-секинлик билан империя билан бирлашиб кетишини таъминлашдан иборат эди.

XIX асрнинг 80- йилларидан бошлаб Бухоро амирлиги ҳудудида савдо ишларини олиб бораётган рус савдогарлари Бухоро ички бозорларида ўз мавқеларини янада мустаҳкамлаш ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, имконият даражасида амирлик ички бозорларига хориж савдогарлари ва маҳсулотларининг кириб келишини олдини олиш ва уни камайтириш борасида Рус ҳукуматидан ҳамда унинг Туркистондаги амалдорларидан чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб қила бошлашди.

Жумладан, 1883 йил 30 сентябрда Тошкент шаҳридаги бир гуруҳ савдогарлар ва ишбилармонлар Туркистон генерал-губернаторига ёзма равишда ариза билан мурожаат қилиб, ундан уларни қўллаб-қувватлашини ва Россия ҳукуматидан Хива, Бухоро ва Кобулда савдо консулликларини ташкил этилишида амалий ёрдам ва розилик олиб беришни сўрашди[6].

Ушбу хатнинг асл нусхаси 1883 йил 25 ноябрда Туркистон генерал-губернатори генерал-лейтенант Черняев томонидан шахсан Ташқи ишлар вазирига жўнатилди[7].

Генерал-лейтенант Черняев томонидан ушбу хатга қўшимча ёзилган иловада қайд этилишича, ушбу савдо консуллик пунктларининг Бухоро, Хива ва Кобулда очилишидан Ҳарбий вазирлик ҳам манфаатдор эканлигини ва Ҳарбий вазирлик бунга қизиқаётганлигини маълум қилади, чунки ушбу консуллик пунктлари очилган тақдирда, ҳарбий вазирлик доимо Бухоро ва Афғонистондан ўзи учун аниқ ва тўғри сиёсий ва Ҳарбий характердаги маълумотларни олиб туришига кенг имконият яратилади дейилади [8].

Худди шу мазмундаги хат Бош штаб бошлиғи ёрдамчиси томонидан 1884 йил 6 февралда Ташқи ишлар вазирлигининг Осиё Департаментага юборилди[9].

Ушбу ёзишмалар шуни кўрсатадики, рус ҳарбий маъмурлари савдо уйлари, консуллик пунктлари очилишидан энг аввало ўзлари учун қимматбаҳо ва аниқ ҳарбий-сиёсий маълумотлар олишни мақсад қилиб қўйганлар.

Туркистон генерал губернатори 1885 йил июнь ойида Россия Ҳарбий вазири номига хат йўллаб, унда 1873 йилги шартнома шартларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида, Тошкентда Бухоро амирлиги учун элчихона очишга бино бериш, унинг ўрнига амир беғараз

манфаат асосида амирлик пойтахтида Россия дипломатик агенти фаолияти учун бино беришга келишилганлигини инобатга олган ҳолда уни амалга оширилишига рухсат беришни сўрайди [10]. Мана шу тариқа ўзаро ёзишмалар ва ҳаракатлар натижасида Бухоро Амирлигида Рус агентлиги очилишига эришилди.

1873 йили Бухоро ва Россия ўртасида тузилган дўстлик шартномасига асосан, 1886 йилдан бошлаб подшо Александр III фармонига биноан, асосан, Бухорода Россия сиёсий агентлиги ўз фаолиятини бошлади, Бу ташкилотни бошқарадиган сиёсий агент эса Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тайинланди.

1886 йил январь ойида Россия подшоҳи Александр III буйруғи асосида Бухорода Россия давлати ваколатхонаси - Россия императорлиги Сиёсий агентлиги тузилди. Ушбу янги маҳкама тепасида Сиёсий агент турган бўлиб, у Россия ташқи ишлар вазирлиги томонидан тайинланиб, бир вақтнинг ўзида у Туркистон генерал-губернаторлиги ҳамда Ҳарбий вазирлик ва Ташқи ишлар вазирлигига бўйсунган.

1886 йил март ойида генерал-майор Гродеков Бухоро Амиригахат жўнатиб, унда Бухорода Россия императорлигининг сиёсий агентлиги очилиши ва унинг сиёсий агенти тайин этилганлигини маълум қилади [11].

Генерал-майор худди шу хатни Бухоро Амирига жўнатгани тўғрисида Бош штабнинг Осиё бўлимига ёзма равишда 1886 йил март ойида 117-сон билан қайд этилган мактубни жўнатади.

1886 йил 3 мартда Россия империясининг Бухоро Амирлигидаги биринчи сиёсий агенти қилиб Н.В. Чарыков тасдиқланди.

О.А.Черновнинг “Деятельность Российского политического агента Н.В.Чарыкова в Бухарском эмерате” номли мақоласида дипломант Н.В.Чарыковнинг Бухоро амирлигидаги фаолияти таҳлил қилиниб Бухоро амирлигида Россия империясининг геосиёсий ва иқтисодий қизиқишларини амалга оширишда фаол бўлган шахслардан бири эканлиги кўрсатиб ўтилади.

Чарыков иш фаолиятини дастлабки кунларида Бухоро амири билан Зарафшон-Каспийорти темир йўлини қуриш борасида музокаралар олиб борди. Ташқи ишлар вазири Н.Г.Гирс Россия императори Александр III га ёзган ахборотида айнан шу музокара Чарыковга юклатилганлиги тўғрисида ахборот беради. Николай Валерьевич Бухоро амирига қуриладиган йўллар ташқи савдони ривожланишига йўл очиши янги иш ўринларини пайдо бўлишига хизмат қилишига ишонтиради [12].

Бир сўз билан айтганда, Бухоро иқтисодиётининг ички бозорларида иқтисодий соҳада ҳукмронликни қўлга киритиш учун авжга чиққан Россия-Англия рақобати уларнинг ўзаро кескин курашларига олиб келди ва ушбу курашни бевосита бошлаган руслар бунда аста-секинлик билан тўла устунликка эришишга ва Бухоро ички бозорларининг тўла назоратини ўз қўлларига киритишга муваффақ бўлишди. 1881 йилга келиб, Бухоро бозорларида руслар ва рус товарлари тўла гегемонликни қўлга киритиб, ягона монопол ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ушбу ҳолат юзага келганлигининг исботини ўша пайтда Россия императорлигининг сиёсий агенти бўлган Чарыковнинг қуйидаги сўзларидан ҳам яққол кўришимиз мумкин. “Рус товарлари амирликда бошқа давлат товарларига қараганда анча устунликка эга. У аста-секинлик билан хорижий давлатлар товарларини бирин-кетин сиқиб чиқариб, уларни ўрнини жуда тез прогрессив усулда эгаллаб олмоқда. Ўзга давлат товарларини эса Амударё орти ва Ҳиндикушга чиқиб кетишига эришди” [13].

Чор Россияси ҳукумати, энг аввало унинг Туркистон ўлкасидаги маъмурлари Бухоро амирлигининг ички ва ташқи иқтисодий масалалари ва ҳаётига тўғридан-тўғри аралашиб, дастлабки ютуқларга эришгач амирлик ички бозорларини деярли тўла қўлга киритиб, савдо оборотини кўрсатгичларини ошириб олгандан сўнг, зўр бериб бу кўрсатгичларни кўпайтиришга ҳаракат қила бошлашди. Ушбу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун янгидан – янги имкониятлар қидира бошланди. Энг муҳими, ушбу ютуқлардан рус ҳукумати билан бир қаторда, ундан рус буржуазияси ҳам катта манфаатдор эди. Мана шунинг учун ҳам, XIX

асрнинг 80-90-йилларида б у борада рус буржуазияси ҳам рус ҳукумати олдига ўзининг янги талабларини қўя бошлади. Натижада Ўрта Осиёда темир йўллар қурилиши ва флотилия шаклланишига эришилди[14].

Чарыков фаолиятида қулликни йўқ қилишга қилган ҳаракатлари ҳам кўрсатиб ўтилади. Бизга маълумки 1873 йил 28 сентябрда Россия билан Бухоро ўртасида дўстлик шартномаси имзоланди. Ушбу шартнома Туркистон генерал-губернатори, генерал-адъютант Фон Кауфман ва Бухоро амири Саййид Музаффар ўртасида тузилган эди. Бу шартнома "дўстона шартнома" деб аталган бўлиб, 18 бўлимдан иборат бўлган [15].

Шартноманинг ўн еттинчи бўлимида, Бухоро амири томонидан амирлик ҳудудида қуллик бекор қилинганлиги расмий равишда қонуний шарт сифатида белгиланганлиги билан ажралиб туради. "Русия империяси подшоҳига ёқиш учун ва императори аъзам жаноблариниг обрўсини кўтариш учун Амир Саййид Музаффар жаноби олийлари қарор қилади: бугундан эътиборан Бухоро ҳудудида абадул-абадгача инсонпарварлик қонунига зид одамлар билан савдо қилиш бекор қилинади. Шу қарорга биноан Саййид Музаффар ўзининг бекларига шу мазмунда қатъий буйруқ жўнатади. Агарда Бухоро чегарасидаги шаҳарларга юқоридаги зикр этилган фармонга қарши Бухоро фуқаролари учун бошқа қўшни давлатлардан қуллар олиб келтирилса, улар билан савдо қилиш хат орқали тўхтатилади. Амир фармонига риоя этмай олиб келтирилган одамлар эса ўз хўжайинларидан олиб, озод қилинади" [16].

Чарыков Бухородаги қуллик Америкада негрлар устидан олиб бориладиган қулликдан мусулмончиликда эътироф этилган инсонийлик муносабатлари билан ажралиб туришини англайди. Чунки Чарыков буни айни қулларнинг давлат ишларида ишлаб юқори лавозимга эга бўлганлигини гувоҳи бўлади. Рус дипломати қулларни уч тоифага бўлади: биринчи тоифа бу ҳарбий қўшинда хизмат қилувчи қуллар (сарбозлар таркибидаги); иккинчи тоифа бу турли давлат хизматларида ишлайдиган қуллар; учинчи тоифа хусусий шахслар хизматида бўлган қуллар. Учинчи тоифадаги қуллар хеч қандай шартсиз озод этиладиган қуллар. Иккинчи тоифадаги қуллар давлат сирларини билганлари учун давлат томонидан пуллар билан таъминлаб турилган. Биринчи тоифадаги қуллар шахсан амирни илтимоси билан қулликдан озод этилмаган. Н.В.Чарыковнинг тавсияси билан улар ўз озодликларини қўлга киритиши мумкин бўлган аммо шундай бўлишига қарамай улар ҳарбий хизматдан озод этилмаган. Бухоро қўшинлари таркибининг 10дан 1ини ташкил этган сарбозлар-олдинги қуллар бўлиб, амир қўшиннинг бу қисмини йўқотишни ҳоҳламаган. Чарыков қўшин раҳбарларини розилиги билангина сарбоз-қулларни озод этишга ваъда беради. Албатта Чарыковнинг бундан кўзлаган мақсади бор эди: булар биринчидан Бухоро амири билан муносабатларини ёмонлаштиришни ҳоҳламасди. Иккинчидан норози сарбоз-қулларнинг фаолияти Россия империясига хавф туғдирмасди.

Бу билан биз кўриб турибмизки Н.В.Чарыков амирликда қулликни бартараф этишда Бухоро амири билан муносабатларини бузмай, Россия манфаатларини ҳамиша устун қўяган ҳолда ҳаракат қилган. Чарыков шунингдек, зиндон фаолиятини хам ўз назоратига олади. Асирларни зиндондан турмага кўчиртиради. Рус сиёсий агенти Бухорода Россия таъсирини ўтказиш учун, ҳар қандай кичкина имкониятдан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.Сиёсий агент Чарыков Бухоро давлатида рус шифокорларига ишлаш учун имконият яратиб беришга эришади.Бунинг натижасида амирликда дифтерия эпидемияси бартараф этилади.

Чарыков Бухорода ичимликларни тақиқлаш тўғрисида қонун ташаббускорларидан бири бўлиб чиқди. Худди Россиядаги сингари Бухородаги темир йўллар ишга тушгандан сўнг унинг бекатларида ресторан ва барлар ташкил этилди. Натижада аҳоли орасида ҳам ичувчилар кўпайди. Чарыков Россия-Бухоро темир йўлларини қурилиши ва унинг тармоғининг кенгайиши тарафдори бўлса ҳам ичкиликнинг кўпайиши маҳаллий аҳоли ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини ҳоҳламаган деб муаллиф ўз мақоласида тўхталиб ўтади. У Бухоро амирлигида турли спиртли ичимликларни тайёрлаш ва сотишни тақиқлаш ва темир

йўл бекатларида ҳам бу хилдаги маҳсулотларини сотишга рухсат бермаслик тўғрисидаги қонун проектини таклиф қилади [17].

Бу ҳолатни тартибга солиш учун “Бухоро хонлигида вино ишлаб чиқариш ҳақидаги қоидалар” (1893 й), “Бухоро хонлигидаги кучли қувватли ичимликларни сотиш қоидалари” (1889 й), “Бухоро хонлигида кучли қувватли ичимликларни сотиш жойларини уларнинг турлари ва сони ҳамда янги савдо жойларини ташкил қилиш тартибини белгилаш ҳақидаги қоидалар”ишлаб чиқилган[18].

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, чор Россияси ҳукумати ушбу ташкилотга жуда катта диққат ва эътибор билан қараган. Жумладан, сиёсий агентнинг ҳуқуқи ва вазифалари тўғрисида низомнинг кейинчалик шахсан подшоҳ Николай II томонидан 1901 йил 5 майда имзоланишининг ўзи Бухорода ташкил этилган сиёсий агентликнинг чор Россияси сиёсий ҳаётида қай тарздаги ахамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Бухорода фаолият кўрсатган Россия императорлиги сиёсий агентлиги низомга кўра энг аввало Бухоро ҳукумати билан барча сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича тўла мулоқот олиб бориш ҳуқуқига эга эди. Шунингдек, сиёсий агент Амир ва унинг вазирлари томонидан Россияга нисбатан олиб борилаётган барча масалалар юзасидан назорат ўрнатиши лозим бўлган.

Россиянинг Бухородаги сиёсий агенти амирликдаги ички ишлари ва бошқарув тизими масалаларига ҳам аралашиб ўз таъсирини ўтказиб турди.

Жумладан, 1914 йил 3 май куни сиёсий агент Ташқи ишлар вазири Сазонов топшириғи асосида Бухоро Амири билан учрашиб, Бухоро ҳукумати тизимидаги амалдорлар ва уларнинг фаолияти ҳамда уларни маош билан таъминлаш масаласи бўйича музокара олиб борди ва пировард натижада, Амир томонидан амалдорларга қатъий маош белгилаш масаласини ҳал қилди. Бухоро амири Амири Саййид Олимхон 1914 йил июлда барча 11 та мустақил амлокдорликлардаги амлоқдорларга қатъий маош белгилаганлигини эълон қилди [19].

РДҲТА ҳужжатларда қайд этилишича, Бухоро амирлиги қўшбегиси Мирза Насрулло Қўшбеги маълумотлари асосида Россия сиёсий агентлигининг берган ҳисоботига кўра 1912 йилда амирликдаги беклар ва амалдорларга фақатгина хирож йиғини орқали келадиган даромад (кирим) 4.400.000 рублни ташкил этган. Амир хазинасига закот орқали йилига 825.000 рубл, аминона (ер солиғи) орқали эса 375.000 рубл келиб тушган [20].

Бухоро шахрида жойлашган Россия императорлигининг сиёсий агентлиги орқали Бухоро амири ҳар йили Эски Бухородаги рус-тузем касалхонасининг фаолиятини таъминлаш учун 31.172 рубл, Эски Бухородаги аёллар амбулаториясининг фаолияти учун 10.500 рубл, рус-тузем мактаби учун 1.400 рубл, Эски Бухоро полицияси учун 19.634 рубл, Қарши ва Ғузордаги ветврачлар учун 9.110 рубл, Чоржўйдаги ветврачлар учун 3730 рубл, Эски Бухородаги почта-телеграф конторасы учун 18.635 рубл, врач Поздняковга тайинланган нафақа учун 3000 рубл, ветврач Кошкиннинг беваси учун тайинланган нафақа учун 600 рубл, Самарқанд почта тракти фаолияти учун 3.340 рубл, поездларни қўриқловчи қоровуллар учун 3.500 рубл, Туркистон генерал-губернатори ҳузуридаги техник фаолият учун 1.400 рубл, тахт вориси Мир-Мансур харажатлари учун 9000 рубл, генерал Бобобек ва Жўрабек авлодларига тайинланган нафақа учун 2.800 рубл, Зарафшон дарёси суви оқимини тартибга келтириш ва унинг тақсимотини назорат қилиш учун 17.336 рубл миқдорида маблағ сарфланган[21].

Шунингдек турли хил таъмирлаш ишларига, нафақаларга, чигирткаларга қарши курашга ва врачларга сарфланган ҳаражатларни қўшиб ҳисоблаганда, 1912 йилда амир томонидан жами 412.745 рубл маблағ харажат қилинган. Бунга қўшимча равишда Қарши, Шаҳрисабз ва Душанбеда қурилаётган касалхоналарнинг ҳар бирига 12000 рублдан, умумий ҳисобда қўшимча 36000 рублни ҳам қўшиб ҳисобланганда бир йилда а мир томонидан 448.745 рубл 19 копеек маблағ сарфланган[22].

Россиянинг Бухородаги сиёсий агенти мана шу каби кўплаб амирлик ички сиёсатига тааллуқли ишларга ўз таъсирини ўтказиб, ушбу ҳудудда Рус ҳукумати мавқеини оширишга муваффақ бўлди.

Низомга биноан сиёсий агентга Бухорода истиқомат қилувчи рус фуқароларига нисбатан қозилик қилиш ҳуқуқи ҳам берилган эди.

Қозилик ҳуқуқи қуйидагича шаклланган эди. 1887 йил 27 май куни подшоҳ Александр III буйруғи асосида сиёсий агентга Бухоро Амирлиги ҳудудидаги рус фуқаролари содир этган жиноятлар ва ҳаракатларни кўриб чиқиш юклатилди [23].

1888 йил 11 майда Россия подшоҳи томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ Бухорода истиқомат қилаётган руслар ўртасида юзага келган барча фуқаролик ишларини кўриб чиқиш сиёсий агент ва Самарқанд вилояти суди зиммасига юклатилди [24].

1889 йил 9 майда подшоҳ Александр III Давлат Кенгаши фикрини тасдиқлаб, сиёсий агентнинг судьялик ҳуқуқи масаласини яна бир бор қайта кўриб чикди. Бухоро амирлиги ҳудудида рус фуқаролари томонидан содир этилган барча жиноий ишлар ва ҳаракатлар ҳамда барча фуқаролик ишлари Янги Чоржўй шаҳри суди ва Самарқанд вилояти судьяси зиммасига юклатилди. Сиёсий агент ҳуқуқи эса руслар ва бухороликлар ўртасида юзага келган низоларни ҳал этиш билан чеклаб қўйилди.

1893 йил 15 мартда Александр III томонидан Давлат Кенгашининг Бухоро амирлигида рус қозилиги бўйича янги таклифи кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Унга кўра Бухоро амирлиги ҳудудидаги барча рус фуқаролари ва бухороликлар ўртасида келиб чиққан барча фуқаролик ишлари бўйича жавоб берувчи бухороликлар бўлганда, ушбу ишларни кўриб чиқиш ва жазолаш, ҳукм чиқариш бўйича қозилик ҳуқуқи сиёсий агентга юклатилди [25]. Ушбу ҳолатда сиёсий агент барча ишларни кўриб чиқиш жараёни ва ҳукм чиқариш ҳолатларида, маҳаллий урф-одат ва хусусиятларга амал қилган ҳолда, Бухоро ҳукумати билан муроса ва келишилган ҳолатда иш юритиши таъкидлаб кўрсатилган эди.

Чор Россияси подшоҳи Александр III томонидан Бухородаги сиёсий агент фаолияти тўғрисидаги низом ва тартибларнинг шахсан бир неча бор кўриб чиқилиши ва унга ҳатто қозилик ҳуқуқлари берилишининг ўзи, Рус ҳукумати томонидан Бухородаги сиёсий агентга Бухоро амирлиги ҳудудида Россия манфаатларини ва Бухородаги рус ишбилармонлари манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида жуда катта масъулият юкланганлигидан далолат беради.

Сиёсий агент 1910 йилга қадар Ташқи ишлар вазирлигига бўйсунган бўлса, шу йилдан сўнг Туркистон генерал-губернаторига ва у орқали Россия Ҳарбий ишлар вазирлигига бўйсундирилди.

Амир ҳукумати Россия давлати билан ҳал қилинадиган барча масалаларни худди мана шу сиёсий агентлик орқали амалга оширди. Россиянинг Бухорода ўз сиёсий агентлигини очганлиги муносабати билан Бухоро Амирлиги ҳам Тошкентда ўз ваколатхонасини ишга туширди. Лекин бу ваколатхонани Россия-Бухоро муносабатларига деярли ҳеч қандай таъсири бўлмади.

Хулосалар:

Хулоса тариқасида айтиш мумкинки, Бухорода очилган Россия императорлиги сиёсий агентлиги Бухоро Амирни чор Россияси томонидан қўйиладиган ҳар бир талабни тўла бажаришга ва керак бўлганда Амирликдаги барча ички ишларни ҳам сиёсий агент розилиги асосида амалга оширишга мажбур қилиб қўйди.

1895 йил бошига келиб Бухоро Амирлиги ўз божхона тизимидан ҳам маҳрум бўлди. 1894 йили Россия ҳукумати Бухородаги сиёсий агентлик ва Туркистондаги амалдорлар ҳамда буржуазия талабларини инобатга олиб, ягона божхона тизимини шакллантиришга киришди. Ўша йили Россия-Бухоро божхона чизиғи бекор қилинди. Натижада Амирликнинг барча божхона тизими Россия божхона тизими тасарруфига ўтказилди. Бухоро ички бозорлари шу кундан бошлаб Россия ички бозорлари таркибига киритилди.

Бир сўз билан айтганда, Бухоро иқтисодиётининг ички бозорларида иқтисодий соҳада ҳукмронликни қўлга киритиш учун авжга чиққан Россия-Англия рақобати уларнинг ўзаро кескин курашларига олиб келди ва ушбу курашни бевосита бошлаган руслар бунда аста-секинлик билан тўла устунликка эришишга ва Бухоро ички бозорларининг тўла назоратини ўз қўлларига киритишга муваффақ бўлишди. 1881 йилга келиб, Бухоро бозорларида руслар

ва рус товарлари тўла гегемонликни қўлга киритиб, ягона монопол ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Бу ҳолат бир томондан, Бухоро Амирлиги иқтисодий ҳаётига берилган жуда катта зарба бўлса, иккинчи томондан, унинг халқаро ҳуқуқлари поймол қилиниши эди. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши ўз навбатида Бухоро хазинасини жуда катта даромаддан маҳрум бўлишига ҳам олиб келди. Чор Россияси ҳукуматининг мустамлака сиёсати натижасида жуда катта микдордаги даромад ҳеч бир меҳнатсиз Россия хазинасига ўтишига кенг йўл очилди. Бу ҳолат халқаро ҳуқуқий жиҳатдан олиб қаралганда, куппа-кундуз куни давлат хазинасини очиқчасига "талаш" деб баҳоланиши мумкин.

Ўша пайтдаги баъзи бир ҳисоб-китобларга қараганда, мана шу қарорнинг (1895 йил 1 январдаги) қабул қилиниши ва унинг кучга кириши натижасида, Бухоро Амирлиги бир йилда амирлик хазинасига келиб тушадиган тахминан икки миллион рубл миқдоридаги тушумдан маҳрум бўлди[25].

Иқтибослар /Сноски/ References:

1. Изоҳ: РДҲТА фондларида сақланган ҳужжатларнинг аксариятида Бухоро амирлиги "Бухоро хонлиги" деб юритилган. Маҳаллий манбаларда ва Бухородаги иш юритиш ҳужжатларида эса Бухоро амирлиги дейилган.
2. Болтаев Б.Из истории строительства здания русского политического агентства в Бухаре."XIX аср охири -XX аср бошларида Бухоро "/2016 йил 4-5 апрель. 17-19 бетлар (Boltaev B. From the history of the construction of the building of the Russian political agency in Bukhara. "Bukhara in the late XIX-early XX centuries" / April 4-5, 2016. Pages 17-19.).
3. Чернов О.А. "Деятельность Российского политического агента Н.В.Чарыкова в Бухарском эмерате "Известия Саратовского университета. 2008. Т. 8. Сер. История. Международные отношения, вып. 1. 52-56стр. (O.A Chernov "Activity of the Russian political agent N.V.Charykov in the Bukhara emerat" Izvestia of the Saratov University.2008. T. 8. Ser. History. International relations, vol. 1. 52- 56 p.)
4. Джурабаев Д.Х. Изучение политической истории Бухарского эмирата в советский и постсоветский периоды // Историография, исторические источники, методы исторического исследования –. С.51 (JurabaevD.Kh. Study of the political history of the Bukhara Emirate in the Soviet and post-Soviet periods // History, historical sources, methods of historical research - p. 51).
5. Қиличев О.А. "Россия императори сиёсий агентлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги ёзишмалар. Россия-Бухоро муносабатлари тарихини ўрганиш манбаси". Тарих фанлари номзоди(Phd)дисс.автореферати. Т.2018.Ўша муаллиф Бухоро амирлигидаги рус тузем мактабларида таҳсил олган ўқувчилар хусусида.. " XIX аср охири –XXаср бошларида Бухоро". Бухоро-2016.107-109 бетлар (Kilichev O.A. "Correspondence between the Political Agency of the Russian Emperor and the Emirate of Bukhara.The source of studying the history of Russian-Bukhara relations". Ph.D. T.2018.The same author about students studying in Russian schools in the Emirate of Bukhara. "The end of the XIX century - the beginning of the XX century Bukhara". Bukhara, 2016.107-109 pages).
6. РДҲТА, 400-жамғарма, 1-рўйхат, 878-иш, 10-бет. Яна қаранг: Хатамов З.Х., Туркестанский сборник как источник изучения истории Афганистана. // Автореферат канд. дисс. - Фергана, 1993, с. 20.(Russian State Archive of Military History, Fund 400, List 1, Case 878, p.10. See also: Khatamov 3. Turkestan collection as a source for studying the history of Afghanistan. // Abstract of Cand. diss. -Fergana, 1993, p. 20)
7. РДҲТА, 400-жамғарма, 1-рўйхат, 878-иш, 11-бет (Russian State Archive of Military History, Fund 400, List 1, Case 878, p.11).
8. РДҲТА, 400-жамғарма, 1-рўйхат, 878-иш, 11-бет (Russian State Archive of Military History, Fund 400, List 1, Case 878, p.11).

9. РДҲТА, 400-жамғарма, 1-рўйхат, 878-иш, 11-бет (Russian State Archive of Military History, Fund 400, List 1, Case 878, p.11).
10. РДҲТА, 400-жамғарма, 1-рўйхат, 878-иш, 28-бет (Russian State Archive of Military History, Fund 400, List 1, Case 878, p.28).
11. РДҲТА, 400-жамғарма, 1-рўйхат, 878-иш, 34-бет. (Russian State Archive of Military History Fund 400, List 1, Case 878, p.34).
12. Чернов О.А. “Деятельность Российского политического агента Н.В.Чарыкова в Бухарском эмерате “Известия Саратовского университета. 2008. Т. 8. Сер. История. Международные отношения, вып. 1. 52-56 стр. (O.A Chernov“Activity of the Russian political agent N.V. Charykov in the Bukhara emerat” Izvestia of the Saratov University. 2008. T. 8. Ser.History.International relations, vol. 1.52-56 p.)
13. ЎзМА. И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 10-иш, 27-28-29-бетлар (UzNA. Fund I-3, List 1, Case 10, pages 27-28-29).
14. Бухорода темир йўллар қурилиши ва унинг амалга оширилиши ҳамда ундан кўзланган мақсадлар тўғрисида Россия-Бухоро тарих чоррахасида номли монографиянингIV 2-§ идабатафсил тўхталган (IV § 2 of the monograph “Russia-Bukhara at the crossroads of history” deals in detail with the construction and implementation of railways in Bukhara and its objectives).
15. РДҲТА, 400-жамғарма, 1-рўйхат, 3801-иш, 51-58-бетлар. Сборник действующых трактатон, конвенций и соглашений. Издание второе. Том 1., с. 421-426 (Russian State Archive of Military History, Fund 400, List 1, Case 3801, pp. 51-58. Collection of existing treatises, conventions and agreements. Second edition. Volume 1., p. 421-426).
16. Холиқова Р.Э. Россия-Бухоро тарих чоррахасида. «O’qituvchi», НМИУ.2005.149-бет (Xoliqova R.E. At the Russia-Bukhara historical crossroads. “Teacher”, 2005, p.149).
17. Чернов О.А. “Деятельность Российского политического агента Н.В.Чарыкова в Бухарском эмерате “Известия Саратовского университета. 2008. Т. 8. Сер. История. Международные отношения, вып. 1. 52-56стр (O.A Chernov“Activity of the Russian political agent N.V. Charykov in the Bukhara emerat” Izvestia of the Saratov University. 2008. T. 8. Ser. History. International relations, vol. 1.52-56 p).
18. Ҳамидова М,. Мухиддинова Ф. Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи тарихи. –Тошкент, 2011. 348-бет (Hamidova M,. Muxiddinova F. History of state and law of Uzbekistan. Tashkent-2011, page 348).
19. ЎзМА, И-3-жамғарма, 2-рўйхат, 9-иш, 46-48-бетлар. (UzNA, Fund I-3, List 2, Case 9, pages 46-48).
20. РДҲТА 400-фонд,1-рўйхат, 4458-иш, 1-2 варақлар (Russian State Archive of Military History 400-fund, List 1, Case 4458, 1-2 sheets).
21. РДҲТА 400-фонд,1-рўйхат, 4458-иш, 4-бет (Russian State Archive of Military History 400 Fund, List 1, Case 4458, Page 4).
22. РДҲТА 400-фонд,1-рўйхат, 4458-дело, 5-бет (Russian State Archive of Military History 400 Fund, List 1, Case 4458, Page 5).
23. ЎзР МДА И-1-жамғарма, 29-рўйхат, 842-иш. 14-бет (UzNA. Fund I-1, List 29, Case 842, pages 14).
24. ЎзР МДА И-3-жамғарма, 1-рўйхат; 18-иш. 338-бет (UzNA. Fund I-3, List 1, Case 18, pages 338).
25. РДҲТА, 1396, 2-рўйхат, 1668-иш, 3-9-бетлар.; ЎзРМДА, И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 18-иш, 340-341-бетлар (Russian State Archive of Military History, 1396, Fund, List 2, Case 1668, Page 3-9.; UzNA.Fund I-3, List 1, Case 18, pages 340-341).
26. Айни С. Тарихи амирони манғитияи Бухоро. С. 130.; Яна қаранг: Ҳотамов Н. Свержение эмирского режима в Бухаре. стр. 19. Ayni S. History of the Emir of Bukhara. P. 130. ; See also: Ҳotamov N. Overthrow of the Emir's regime in Bukhara. P. 19.
27. РДҲТА, 400-жамғарма, 1-рўйхат, 1537-иш, 14а-14а, 126а-1276-бетлар. Russian State Archive of Military History, Fund 400, List 1, Case 1537, pp. 14a-14a, 126a-1276.

28. Логофет Д. Н. Страна бесправия. -Спб., 1909, стр.5. Logofet D. N. A country of misery.- Spb., 1909, p.5.
29. ЎзМА. И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 170-иш, 14-18-бетлар. (UzNA. Fund I-3, List 1, Case 170, pp. 14-18).

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Лалихон Мухамеджанова,
ЎзМУ профессори
Lalixon@list.ru, lalixonm@gmail.com

XIX АСРНИНГ ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА ЖАДИДЧИЛИКНИ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ҲАРАКАТИ СИФАТИДАГИ МОҲИЯТИ

For citation: Lalikhon Mukhamedzhanova, THE EMERGENCE OF THE JADID MOVEMENT IN THE LATE XIX TH - EARLY XX TH CENTURIES AND THEIR SIGNIFICANCE AS A NATIONAL AWAKENING. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.32-46

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-3

АННАТОЦИЯ

Мазкур мақолада жадидчиликни вужудга келиши ва унинг маърифатпарварликни ёйилишида миллий уйғониш харакати сифатидаги моҳияти очиб беришга харакат қилинган.

Жадидчилик бўйича жуда кўп илмий тадқиқотлар олиб борилган. Шунинг учун мақолада биз фақат жадидчиликнинг баъзи қирраларига, асосан очилмаган жихатларига мурожаат қилишни мақсадга мувофиқ деб ўйладик.

Мақолада жадид маърифатчилигининг тўрт асоси: ғоявий - мафкуравий, эмансипатив-феминистик, ахлоқий-эстетик, моддий - маблағий асослари алоҳида кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Маърифатчилик, жадидчилик, ғоявий - мафкуравий, эмансипатив-феминистик, ахлоқий-эстетик, моддий – маблағий, Қуръони Карим, Ҳадиси шариф, миллий уйгониш, виждон, иймон.

Лалихон Мухамеджанова,
Профессор Национального университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Lalixon@list.ru, lalixonm@gmail.com

ВОЗНИКНОВЕНИЕ ДВИЖЕНИЯ ДЖАДИДИЗМА В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ КАК НАЦИОНАЛЬНОЕ ПРОБУЖДЕНИЕ

АННАТОЦИЯ

В этой статье делается попытка пролить свет на возникновение джадидизма и его значение как национального движения пробуждения в распространении просвещения.

По джадидизму было проведено множество научных исследований. Поэтому в статье мы сочли целесообразным затронуть лишь некоторые аспекты джадидизма, в основном нераскрытые аспекты.

В статье выделяются четыре основы: просвещения - идеологическая, освободительно-феминистская, морально-эстетическая, материально-финансовая.

Ключевые слова: Просвещение, джадидизм, идейно-идеологический, освободительно-феминистский, морально-эстетический, материально-финансовый, Священный Коран, хадисы, национальное пробуждение, совесть, вера.

Lalikhon Mukhamedzhanova,
Professor of the National university
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
lalixon@list.ru, lalixonm@gmail.com

THE EMERGENCE OF THE JADID MOVEMENT IN THE LATE XIX TH - EARLY XX TH CENTURIES AND THEIR SIGNIFICANCE AS A NATIONAL AWAKENING

ABSTRACT

This article attempts to shed light on the emergence of Jadidism and its significance as a national awakening movement in the spread of enlightenment.

There have been many scientific studies on Jadidism. Therefore, in the article we considered it appropriate to touch upon only some aspects of Jadidism, mostly undisclosed aspects.

The article identifies four foundations: enlightenment - ideological, liberation-feminist, moral and aesthetic, material and financial.

Index Terms: Enlightenment, Jadidism, ideological, liberation-feminist, moral-aesthetic, material-financial, Holy Quran, hadith, national awakening, conscience, faith.

---

1. Долзарблиги:

Ўзбек жадидчилик тарихи, маърифатчилик харакатининг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти, халқнинг маънавий бирлиги, маданият тараққиётига қўшган хиссасига доир фикрлар, жадидчиликнинг тарихий ва мантиқийлик асослари, унинг диалектик тамойиллари ифодаланган.

Ушбу мақолада биз жадидчиликни вужудга келиши ва унинг маърифатпарварликни ёйилишида миллий уйғониш харакати сифатидаги моҳияти очиб беришга, маърифатпарвар файласуф шоиралар, шоирларининг ижоди, маърифатчилик фаолияти ва ахлоқий қарашларини холисона илмий тадқиқ этиш; уларнинг меросларини ўтган давр ва бугунги кун вазифаларидан келиб чиққан холда ижтимоий – маънавий тамойиллар ва омилларнинг назарий ва амалий аҳамиятини кўрсатиб беришдан иборат.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Минтақамизда жадидчиликнинг юзага келиши, унинг ривожи, жадидчиликнинг халқ манфаатлари билан уйғунлиги, истиқлол ва маърифатнинг умуммиллий аҳамиятига доир назарий масалалари Э. Каримов, А.Жалолов, Б.Қосимов, Н.Каримов, Ш.Юсупов, П.Турдиев, Ҳ.Болтабоевлар томонидан олиб борилган филологик тадқиқотларда ўз аксини топган;

О.Шарофиддинов, Б.Қосимов, Н.Каримов, М.Қодирова, У.Долимов, Ф.Ҳусаинова, Л.Қаюмов ҳамда Т.Жалолов сингари адабиётшунос олимлар Фитрат, Беҳбудий, Исҳоқхон Ибрат, Фурқат, Дилшод Барно, Анбар Отин, Нозимахоним каби шоир ва шоиралар ижодидаги бадиий-эстетик асосни тадқиқ этганлар;

Б.Эргашев, Ш.Ғойибова, М.Нурматова, Г.Маҳмудова, Ф.Ҳусаинова, Г.Солижоноваларнинг илмий-тадқиқотларида маърифатпарварлик ҳаракатининг фалсафий, эстетик ва бадиий ахамияти ҳамда ахлоқий тафаккур тараққиётида тутган ўрни илмий-нуқтаи назардан тахлил қилинган;

Жадидчиликнинг санъат билан ҳамкорлиги, айниқса жадид драммасининг тарбиявий аҳамияти, ўзбек драматургиясининг илк шакллари билан боғлиқ масалалар М.Қодиров, М.Раҳмонов, Ш.Ризаев, Б.Насриддиновлар каби санъатшунос олимларнинг илмий тадқиқотлари эркали атрофлича баён этилган;

Жадидчиликнинг умумхалқ манфаатлари билан уйгунлиги, мустақиллик ва истиқлол ғояларининг назарий асоси, инсонпарварлик ва гуманизм тамойилларининг янгича кўринишига доир муаммолар Ж.Уволворт, Боймирза Ҳайит, Зиё Кук Али сингари чет эл зиёлилари томонидан қаламга олинди.

Дилшод Барно, Анбар Отин, Нозимахоним, Увайсий, Нодирабегим сингари мумтоз шоираларимизнинг адолат, маърифат, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари эса адабиётшунос олимлар Л.Қаюмов, М.Қодирова, Ф.Ҳусаинова, М.Мухторовлар томонидан пухта ва юксак илмий асосга эга бўлган манбаларда ўз аксини топган

Мақолада жадидчиликни вужудга келиши ва унинг маърифатпарварликни ёйилишида миллий уйғониш харакати сифатидаги моҳияти очиб беришга харакат қилинган. Туркистон давридаги ўзгаришлар асосан архив ҳужжатлари асосида обеъктивлик тамойиллар асосида далиллар билан изоҳлаб берилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Туркистон тарихида жадидчилик ҳаракати алоҳида мавқега эга, унинг ўрганилиши том маънода мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг бошланди ва бу ўрганишнинг узоқ вақт ҳамда кўп томонлама давом этиши табиий ҳол. Жадидчиликнинг келиб чиқишига ва моҳиятига доир фикр билдириш ҳамда бу борадаги фикр алмашинувлар мустақиллик йилларининг бошларида ўрганила бошланди.

Бунинг учун биз аввало ижтимоий - сиёсий муҳит ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб ўйлаймиз. Чунки айнан шу муҳит жамият ёки миллат - тарихида ё илғор, ё реакцион ғояларнинг пайдо бўлишига олиб келади.- жадидчиликнинг вужудга келишида эса у илғор ғояларнинг туғилишига шароит яратди. Шу ўринда мазкур шарт-шароитларнинг асл сабабларига бир оз тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз

Темурийлар салтанати ўрнида вужудга келган ўзбек хонликлари бир мунча фурсат Туркистондаги инқирозга чек қўйгандек бўлди. Лекин кўп ўтмай ўзаро урушлар бошланди: Бухоро амирлиги ўзидан ажралиб чиққан Қўқон хонлигини тан олгиси келмас, янги хонлик эса Бухородан иложи борича яна бирон ҳудудни қўлга киритмоқчи бўларди. Охир - оқибат уч хонлик ўз ҳудудларини тарихий чегаралар ҳисобидан кенгайтиришни тўхтатиб, бир-бирининг ҳудудига кўз олайтиришни муҳим харбий - сиёсий масала деб қарай бошлайдиган холатга келиб қолдилар. Бу пайтда эса рус чоризми Сибирни ва қозоқ даштларининг бир қисмини қўлга киритиб, Қўқон ва Хива хонликларига чегарадош мамлакатга айланган эди. Кучли, марказлашган, энг қудратли харбий анжомлар ва қуроллар билан таъминланган, бунинг устига, мустамлакачилик бўйича “катта тажрибага” эга рус чоризми учун Ўрта осиё хонликлари “тайёр луқма” эди. Уларнинг “тайёр луқма” ҳолатига келишидаги асосий сабабларни - қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, Ўрта Осиё хонликлари қудратли Россия давлати учун кўл етгудек жойда, юқорида айтганимиздек, чегарадош эди.

Иккинчидан, бу хонликларда ҳарбий тактика ниҳоятда эски, ибтидоий, стратегия, умуман, йўқ ҳисоби эди. Харбий кучларнинг бўлинишидан тортиб, хужум ва мудофаада жанг олиб бориш усуллари замонавий талабга мутлоқо жавоб бермасди. Қурол-аслаҳа ҳам техник жихатдан эскирган, хонликлар қўшинларининг асосий қисмини ташкил этган пиёда аскарлар - сарбозлар ва навкарлар алмисоқдан қолган пилта милтиқлар билан қуролланган, харбий техника эса қўхна замбараклардан иборат эди.

Учинчидан, амирлик ва хонликларда ҳали ҳам Ўрта асрлардаги ижтимоий - сиёсий тартиблар сақлаб қолинган, ҳар қандай илғор фикр ва таклиф тож-тахтга ҳавф солувчи душманлик ёки ҳукмдорни беобрў қилишга қаратилган хатти - ҳаракат тарзида тушуниларди. Сарой ўз ҳаёти билан, амалдорлар ва боёнлар ўз хаёти билан яшарди, уларнинг маишатлари оддий халқнинг қашшоқ турмушидан жуда катта фарқ киларди. Хуллас юқори табақа халқдан кескин ажралиб қолган, бошқача қилиб айтганда, Туркистонда миллий парокандалик хукмрон эди.

Тўртинчидан, дин пешволари, руҳонийлар, сўфий - қаландарларнинг асосий кўпчилик қисми реакцион кайфиятга берилган бўлиб, ҳар қандай ҳаётий янгиликни “бидъат” деб эълон

қилардилар. Улар тарғиб қилган диний - шаърий яшаш тарзи оддий инсоннинг фақат жонли меҳнат қуроли, диний ақидалар қули бўлиб ҳаёт кечиришини тақозо этарди ; шариат аҳкомлари Қуръони Карим оятларини, Ҳадиси шариф ривоятларини зимдан инкор қиларди; дин билан давлат яхлит бир занжирга айланган бўлиб, шариат пешволарининг барча нопокликлар ва адолатсизликларини оқлабгина қолмасдан, баъзан ҳатто мавжуд ҳақсизликни янада кучайтирилишига интилар эдилар.

Бешинчидан, Ўрта Осиё хонликларидаги таълим тизими давр талаби ва эҳтиёжлари асосида ислоҳ қилиниши ўрнига, аксинча, Ўрта асрлардаги ҳолатидан ҳам қуйи даражага тушиб қолган эди. Қишлоқ ва маҳалла мачитлари мактабларидаги таълим "Ҳафтияк" ни тушириш, нари борса "Қуръон" оятларини ёд олишнинг ўзи билангина чекланарди. Бу хақда жадидчилик ҳаракатининг отаси Исмоил Гаспрали 1898 йилда мана бундай деган эди: "Бизим мусулмонларимиз ёлғиз бир миқдор каломи шариф ўқимоқ ва баъзан бир икки сатр қораламоқ таҳсили учун беш сония мактаба воруб келурлар ва олажақ бу таҳсил ёшлиғи(ни) ва замон таҳсили(ни) фавт (барбод) этурлар.[1]

Олий мактаблар бўлмиш мадрасалардаги аҳвол ҳам бундан аъло эмасди: уларда Ўрта асрларда - Темурийлар даврида ўқитилган фалсафа, мантиқ, риёзиёт (математика), фалакиёт, тиббиёт сингари дунёвий фанлар куфрга элтувчи илмлар сифатида рад этилиб, таълим тизимидан фақат Қуръонни ёд олиш ва бадиий адабиётгина жой олган эди, бор олий таълим шулар билан чекланарди. Натижада илм фан ривожи, техникавий тараққиёт хақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.Чор Россиясининг хужумлари Ўрта Осиё хонликларида аҳволнинг нафақат ҳарбий - сиёсий, балки ижтимоий - иқтисодий жиҳатдан ҳам ёмонлигини ҳар томонлама кўрсатиб берди. Буни атоқли ўзбек шоири Мақсуд Шайхзода ўзининг машҳур "Тошкентнома" асарида минг афсус билан шундай ифодалаган :

Деди отахонлар: -
Ўрусга қарши
Яроқсиз бўп қолди бизнинг аслаҳа. ...
Ўзаро низонинг дарду марази
Тинкамиз қуритди хуноба қилди.
Талашган хонларнинг кеку ғарази
Етди юрт бошига, хароба қилди [2]

Ана шу "ўзаро низолар", "дарду маразлар" - мағлубиятга олиб келган сабабларнинг асосида Туркистон мусулмонлари орасида ёлғон, мунофиқлик, алдамчилик, фириб сингари иллатларнинг ниҳоятда чуқур томир отиб кетганлиги, ҳатто ўша давр Туркистон халқлари менталитетининг бир қисмига айланиб қолганлиги ётарди.Туркистонликлар аста - секин ўзларини ўраб турган ижтимоий-сиёсий, маънавий-эътиқодий муҳитдаги ахлоқсизликнинг турли-туман кўринишларига кўника бориб, шу ҳолга тушиб қолган эдилар. Туркистоннинг буюк фарзандларидан бири, улуғ қозоқ мутафаккири Абай ўзининг ахлоқшуносликка доир "Насихатлар" рисоласида бундай аҳволни халқ бошига келган умумий бир офат деб тушунади: "Афсус - афсус - деб ёзади у,- қасам, шарт, (ваъдага вафо - Л.М.), адолат, ор - номус, андиша каби ажойиб фазилатлардан бир йўла махрум бўлиб қолганмизми-а? Эхтимол ўғрини тийиш мумкиндир - у, аммо анови иғвогарлар, бузуқларнинг гапига қулоқ соладиган тентак бойларни ким тияди, ким?[3]

Шундай қилиб, рус босқинчилари билан олиб борилган уруш ва бу урушдаги тўлиқ мағлубият ҳамда ундан кейинги даврлардаги кўзғолонлар Туркистоннинг нақадар қолоқ эканини, ижтимоий-сиёсий аҳволи ночорлигини, маънавий - ахлоқий жихатдан ҳам, Абай айтганидек, ниҳоятда тубанлашиб кетганини кўрсатди. Хўш, бундан кейин нима қилиш керак? Эндиликда бошқа халқлар билан тенгма-тенг қадам ташлашлари, озод яшашлари учун туркистонликлар нима қилишлари лозим? Ана шу саволга ўша даврда энг тўғри, реал ва замонавий жавобни берганлардан бири Абдурауф Фитрат бўлди. У ўзининг "Оила" асарида шундай деб ёзади: "Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир. Лекин ана шу қурол-аслаҳамиз синиб, занг босиб, чириб кетган. Шундай қурол билан бу дунёда бизга на саодат ва на роҳат оор.... "[4]

Хўш, ана шу “қурол - аслаҳани” ким янгилаши мумкин? Бу юмушни сарой аҳли ҳам, дин пешволари ҳам бажара олмаслиги, хаммага беш қўлдек аён эди, уни фақат мутлақо янгича ғояларга асосланган умуммилллий бир ҳаракатгина амалга ошира биларди. Абдурауф Фитратнинг ўзи мансуб бўлган жадидчилик ана шундай ҳаракат сифатида майдонга чиқди.

Машхур жадидшунос олим, профессор Бегали Қосимов “Миллий уйгониш” деб номланган китобида “жадидчилик” истилоҳининг келиб чиқиши ҳақида тўхталиб, шу муносабат билан унинг моҳияти тўғрисида ҳам фикр билдиради:“Жадидчиликнинг” асосида “жадид” сўзи ётади. “Жадид”нинг маъноси “янги” демакдир. У шунчаки “янги” ё бўлмаса, “янгилик тарафдори” дегани эмас. Балки “янги тафаккур“, "янги инсон”, “янги авлод” сингари кенг маъноларни ўзида мужассам этган.[5]

Мазкур таърифни “жадидчилик” истилоҳининг энг тўғри, ҳаққоний ва нисбатан мукаммал талқини дейиш мумкин. Бегали Қосимов айни шу китобда жадидчиликнинг характер – йўналиши хақида ҳам қисқа, лекин лўнда ва объектив фикр билдиради:

"Жадидчилик - деб ёзади у, - оқим эмас, ҳаракат. Ижтимоий, сиёсий, маърифий ҳаракат.”[6] Зеро Ватан, миллат ва давр олдида турган улкан ижтимоий - сиёсий, маънавий - маърифий муаммоларни Туркистон халқларини маърифатли қилиш, улар хаётини қайтадан ахлоқийлаштириш, маданийлаштириш ва замонавийлаштириш йўли билангина ҳал этиш мумкин эди. Бундай миқёсли ва тарихий вазифани тор доираларга мансуб ёки муайян табақавий қарашларга асосланган оқим ҳал қилолмасди. Бутун Туркистон халқларини, “Русия туркларини” ягона сафга бирлаштира оладиган харакат лозим эди. Жадидчилик ана шундай ҳаракат сифатида майдонга чиқди. Буюк қримтатар алломаси Исмоилбек Гаспрали XIX асрнинг охирларида асос солган бу харакат ва унинг «Таржумон» газетаси мазлум Туркистон ҳаётида мисли кўрилмаган ўзгаришлар қилди, ҳатто жаҳон тажрибасида кўрилмаган шиддатли ижтимоий-маърифий тўлқинни вужудга келтирди, жадид алломалари Туркистонда миллий - минтақавий уйғониш жараёнини бошлаб бердилар, улар яратган илмий - педагогик, фалсафий-ахлоқий, бадиий - публистик асарлар, янгича мактаблар, янги театр, янги адабий-бадиий жанрлар минтақавий ва умумжаҳоний миқёсда катта аҳамиятга эга бўлди.

И. Гаспралининг миллат озодлиги йўлидаги фидойилиги туфайли кўплар унга миллатнинг отаси деб таъриф берган эдилар: Гаспрали маърифатпарварлик қарашларининг Туркистондаги давомчиларидан бири Маҳмудхожа Беҳбудий устози ҳақида шундай деган эди: у “Русиядаги турк-татар халқларини жуда оз тарихий муддатда хайр-хўшлик йўли билан яхлит бир миллий оилага бирлаштирмоққа нойил ўлди”[7].

Маҳмудхожа Беҳбудийнинг бу фикрларидан хам шуни билсак бўладики, қримтатар фарзандлари, жумладан, И. Гаспралиниг миллий озодлик йўлидаги ҳаракатларини ижобий баҳолаш билан бирга унинг қайсидир маънода туркий халқлари бирлаштиришга эришган хамда миллий озодлик йўлида ўз ғоялари билан издошларини эргаштира олган.

Жадидчилик билан бевосита ёки билвосита боғлиқ ўнлаб йирик тадқиқотлар ва китоблар яратилганки, уларда мазкур ҳаракатнинг жуда кўп жиҳатлари таҳлилдан ўтказилган. Шу боис биз фақат илмий ишимизнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, жадидчиликнинг баъзи қирраларига, асосан очилмаган жихатларига мурожаат қилишни мақсадга мувофиқ деб тилаймиз.

Аввало, биз жадидчилик ҳаракатининг моҳиятига эътибор килайлик: у маърифатпарварлик эмас, балки маърифатчилик эди. "Маърифатчилик” иборасига истеъдодли олим Ш.Ризаев алоҳида урғу бериб, уни атрофлича таҳлилдан ўтказган[8]. Дархақиқат маърифатпарварлар асосан маърифат ҳомийлари тарзида, ташқаридан» туриб, яъни халқнинг истеъдодли фарзандларини қўллаб - қувватлаш орқали ва ўз асарлари ёрдамида билвосита фаолият кўрсатган бўлсалар, маърифатчилар бир пайтнинг ўзида ҳам ҳомийлар, хам маърифатнинг қора меҳнатчилари эди. Назарий йўналиш билан амалиётнинг ана шундай чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилиши жадид маърифатчилари учун Оврўпа маърифатпарварлари асрлар мобайнида босиб ўтган йўлни бир неча ўн йил ичида «кесиб чиқиш» имконини яратди. У фидойилик эвазига бунёдга келди. Биринчи Президент

Каримов И.А бу хақда шундай дейди:- “XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракати ҳақида гапиргандим. Ўша ҳаракатнинг намояндалари бойлик учун, шон - шухрат учун майдонга чиқишдими? Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Таволлоларга мактаб очганлари, халқни ўз ҳақ - ҳуқуқларини танишга даъват этганлари учун биров маош тўлаганми? Биров уларга ойлик берганми?Албатта йўқ! Улар ўт билан ўйнашаётганларини, истибдодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Билатуриб, онгли равишда мана шундай йўлдан борганлар. Чунки виждонлари, иймонлари шунга даъват этган.”[9] Жадид маърифатчилиги том маънодаги кенг миқёсли уюшган ҳаракатга айланди. Якка - якка тарздаги индивидуал ҳомийликка асосланган маърифатпарварликка нисбатан у изчиллиги, тезкорлиги ва оммавийлиги билан бутун минтақани қамраб олди. Жадидчилик ҳам бундан мустасно эмас. Шу маънода унинг тўрт асосини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Булар- ғоявий -мафкуравий асос, эмансипатив-феминистик асос, ахлоқий-эстетик асос, моддий - маблағий асос. Энди уларнинг моҳиятини қисқача таърифлаш ва шархлашга ўриниб кўрамиз.

1.Ғоявий-мафкуравий асос. Табиийки, ҳаракатнинг асосида ғоя ётади, ғояни ниятнинг фалсафийлашган, ижтимоийлашган ва сиёсийлашган кўриниши дейиш мумкин. Ҳаракат мобайнида бу ғоя бойиб, ривожланиб, мукаммаллашиб, тизимлийлик хусусиятига эга бўлиб боради ва охир оқибатда шароит тақозоси билан муайян ғоялар тизимига айланади. Ҳаракат миқёсли бўлиши, умуммиллий ёки умумминтақавий даражага кўтарилиши учун мазкур ғоялар тизими миллий ғоя шаклини олиши шарт. Чунки ана шу миллий ғоя мафкурага айланиш хусусиятига эга. Қудратли мафкурагина харакатни ижтимоий куч сифатида майдонга чиқаради, унга илғор сиёсий тус бағишлайди. Ана шундай мафкуранинг ибтидосида юқорида зикр этганимиз, Исмоилбек Гаспралининг номи туради.

Исмоилбек Гаспрали - жадидчилик мафкурасини - умумтуркий миллий ғояни яратиш масаласини биринчи бўлиб ўртага ташлади. Ҳатто, 1895 йили «Таржумон» газетасида чоп этилган мақолаларидан бирини тўғридан - тўғри «Ғоя» деб номлади. Унда Гаспрали шундай деб ёзган эди: “Халқлар ҳаётидаги барча буюк воқеаларнинг таг заминида у ёки бу ғоя ётади. Энг улуғ кашфиётлар, аввало улар хақидаги орзу-ниятлардан бошлангандир... Таассуфки, Русиянинг мусулмон жамиятида асл ва чинакам ғоя, орзу йўқ. Улар ёлғиз шу куннинг, шу дақиқанинг манфаати, шу биргина қоринни тўқлаб олиш манфаати билан яшайдилар ва ҳозиргидан бир неча баробар яхшироқ мехнат қилмоқ ва янада яхшироқ яшамоқ мумкинлигини билмайдилар. Бизда тушни таъбир қилувчи рисолалар, гул ва булбул хақидаги кўшиқлар, ўзи бир қарич, соқоли қирқ қарич полвон ҳақидаги китоблар кўп, аммо миямизни қоплаб олган туманни тарқатувчи, аҳволимизни тушунтириб берувчи, тараққиёт ҳусусида, келажак ҳусусида ўйлашга, илгарига интилишга мажбур этадиган бирор китоб йўқ. Бас шундай экан, маорифга, тараққиётга интилишни ўз олдимизга вазифа ва орзу килиб қўймоқ керак эмасми? Биз бу муқаддас, мўътабар ғоя билан иш тутсак, янгидан жонланамиз, руҳланамиз, хаётимиз гўзаллашади, фикрларимиз, интилишларимиз эзгу ва мақсадли бўлади, орамизда эътиборли, фаолиятли кишилар, ижодкор ва жамоатчи арбоблар юзага келади. Эзгу ғоялар бизга ҳам куч, ҳам восита берадилар.”[10]

Шундай қилиб, маорифга, тараққиётга интилиш ғояси туркий халқларни жонлантириши, руҳлантириши, яъни уларда миллий руҳни уйғотиши керак эди. Ана шу руҳ миллий ғоянинг мафкурага айланишини таъминларди, аслида ҳам шундай бўлди. Орадан 12 йил ўтгач, 1907 йили «Таржумон» газетасининг 36- сонида чоп этилган «Туркчилик» деган мақоласида Исмоилбек шундай деб ёзади: «Русия ҳудудида яшовчи кўп миллионли турк қавми ўз шахсий, миллий маданий қиёфасига эга бўлишга хақлидир... Етар энди, бировларнинг сарқитлари билан қаноатланмоқ, ўзимизники бўлмоғи керакдир... Виз ўз тарихи тонгидаёқ ёзувига (Ўрхун ва уйғур ёзувлари) эга бўлган, кейин ҳам уни илм ва тафаккурдаги улкан муваффақиятлар билан безаган қабила сифатида яшаб келдик ва шундай яшаяжакмиз.»[11]

Кейинчалик Абдурауф Фитрат, 1917 йилда эълон қилинган “Юрт кайғуси Темур олдинда” деган сочма шеърида буюк соҳибқирон Амир Темурни ижтимоий - ахлоқий идеал сифатида олиб қараб, унга шундай деб мурожаат қилади:

“Сенинг зиёратингга келдим султоним! Эзилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним, ўртанган жоним учун бусағангдан даво излаб келдим, хоқоним!..

Қоронғуликлар ичра ёғдусиз қолган ўзбек кўзлари учун тупроғингдан сурма олғоли келдим....

Эй арслонлар арслони!

Менинг ёзуқларимдан ўт,

Менинг қўлимни тут,

Белимни боғла, муқаддас фотиҳангни бер!

Сенинг дунёга сиғмаган ғайратингга онт ичаманки, Туроннинг эски шараф ва улуғлиғини қайтармасдан бурун оёғларингда ўтирмасман.” [12] Мазкур парчаларда жадидчилик ҳаракатининг яна бир муҳим хусусиятини - жадидлар томонидан миллий-минтақавий, ижтимоий - ахлоқий қадриятларга алоҳида эътибор берилганини, улардан умуммиллий ғояни яратишда идеал сифатида фойдаланишга ҳаракат қилинганини кўриш қийин эмас. Бундан ташқари ушбу парчаларни мантиқий изчиллик нуқтаи назардан таққосласак, шу таққослашнинг ўзи ҳам ғоянинг тадрижий тарзда миллий руҳга, ифтихор ҳиссини уйғотувчи омилга айланиб борганини, энди сўзлар ва жумлалар миллий мафкуравий даъват тусини олганини кўрамиз.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Исмоил Гаспрали туркий халқларнинг тил бирлиги - умумтуркий тил масаласини ҳам миллий ғоя ва мафкуранинг ажралмас қисми сифатида олиб қарайди, унга жуда катта эътибор беради: «Тил бирлиги масаласи бизим хаётимизда ҳаёт - мамот масаласидир. Ва биз бу масалада бир қадам ҳам орқага чекинмаймиз!» - деб ёзган эди у.[13]

Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати туфайли тобора бир - биридан йироқлашиб бораётган туркий халқларни умумий тил, умумий мақсад ва умумий вазифалар орқали бир миллат қилиб бирлаштириш ғояси жадидчиликнинг ҳаракатлантирувчи кучини ташкил этарди. Ана шундай тарзда бирлашган ва уюшган миллат, юқорида айтганимиздек, юксак маърифатга, замонавий илмий тараққиётга, маданиятга эришиб, тамаддун жиҳатидан жаҳоннинг илғор, буюк миллатлари билан тенглашиши ва пировард натижада миллий мустақиллик ва озодликни қўлга киритиши керак эди. Жадидчилик - маърифатчилик ҳаракатининг бу муҳим асоси - ғоявий мафкуравий пойдевори бугунги кунда ҳам биз таянадиган нуқталарга эга, замонавий миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда ундан фойдаланишимиз давр тақозосидир.

2.Эмансипатив-феминистик асос**.** Жадидчиликни умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарган яна бир муҳим омил унинг эмансипатив - феминистик асосидир.

Янги инсонни, янги Туркистонликни вояга етказиш учун фақат маърифатпарварлик билан шуғулланиш кифоя қилмасди. Зеро, усули жадида мактаблари тарбияси, янгича ахлоқ ва фикрлашга йўналтирилган даъватлар, матбуот шаклидаги янгича ҳаёт тарзи ёш авлод руҳига, унинг қон-қонига сингиб кетиши учун оилавий тарбияни, оналарни ва бўлажак оналар - қизларни ёрдамга чақириш керак эди. Жадид маърифатчилари буни дарҳол англаб етдилар ва Оврўпо маърифатпарварлари қилолмаган ишни амалга оширдилар. Хотин - қизлар эмансипацияси масаласини дадил ўртага ташладилар ва бу билан хотин-қизлар томонидан феминистик ғояларнинг илгари сурилишига эришдилар. Натижада Туркистон аёлини - онани биринчи навбатда янгича тарбия йўлига ва умуман, жадидчилик-маърифатчилик ҳаракатига тортишдек долзарб вазифа амалга ошира бошланди. Асрлар мобайнида ҳақ-ҳуқуқлари топталган, ўзини фақат уй ҳизматкори, эр ва қайнонанинг чўриси сифатидаги ҳолатидан, ижтимоий ҳаётдан четлатилган, тўрт девор ичида эрксизликдан азоб чеккан Туркистонлик хотин - қизлар том маънодаги уйғониши, ҳам миллий-маънавий, ҳам ижтимоий-сиёсий уйғониши йўлини қатъий равишда ўртага ташладилар. Жадид аёллар лаббай деб жавоб бердилар. Ана шу тарихий жараён - ҳолатнинг образли, бадиий ифодасини

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг «Оқ гул» тўпламига киритган лапар шаклидаги қўшиқларидан бирида жуда яхши ифодалаган.

Унда бир томондан, эрлар тилидан хотин-қизлар эмансипацияси нима сабабдан Туркистон учун зарурлиги, миллат тушунчаси аёллар иштирокисиз тўлиқ ижтимоий мазмун касб эта олмаслигини ачиниш ва даъват шаклида берилади. Иккинчи томондан, қизлар (бўлажак оналар) тилидан аёллар ҳақ-ҳуқуқда эрлар билан тенгликка эришганларидагина, ҳуррият фақат эркаклар учун эмас, балки хотин-қизларга ҳам бирдек тегишли бўлгандагина улар эркинликка чиқишлари ва "Миллий бурчни ўтамакка илму санъат" касб этишлари мумкинлиги - буларнинг ҳаммаси эса эркаклар ёрдамисиз амалга ошмайдиган ижтимоий ҳодисалар эканлиги айтилади. Яна шуниси эътиборлики, мазкур лапар- шеърдаги "ҳуррият", "миллий бурч", "маориф", "мактаб", "дин", "ўқув", "асар", иборалари хотин-қизлар тилида кенг маънодаги феминистик ғояларни - миллат ҳаётида ижтимоий - маънавий мавқе эгаллашга, лозим бўлса, бошқарув фаолияти билан ҳам шуғулланишга нафақат ҳақли, балки бурчли эканликларини англатади. Буни илғаб олиш учун, бизнингча ўша лапар шеърдан қуйидаги бир неча бандни келтиришнинг ўзиёқ кифоя қилади:

Эрлар
Ўқумаслар бизни қизлар маърифатсизлар,
Ўз ҳолидин хабарсиз бир оиладирлар.
Ўзлари маҳбус, қўллари боғлу доми ғафлатда,
Диллари сезмас, кўзлари кўрмас жоҳиладирлар.
Қ и з л а р
Нечук дерсиз бизни қизлар маърифатсизлар,
Ўз ҳолидин хабарсиз бир жоҳиладирлар.
Бизни маҳбус, қўлимизни боғлу, кўзни кўр қилган
Дин хоини мозоринда хок иладирлар.
Э р л а р
Ўқув надир, мактаб надир бесамардирлар,
Маорифнинг чашмасиндан хушксардирлар.
Туғмиш бизни энг муқаддас онамиз, аммо
Ўзлари оналиқ шарафиндин бехабардирлар.
Қ из л ар
Ўқув фарздир, мактаб йўқдир, на ўқур қизлар,
Мактаб очуб бердингизми, кирмадик бизлар?
Оналиқни қадрин билмоқ илм ила эркан,
На деб ўқув чорасини қилмадингизлар?
Э р л а р
Танда ғайрат, кўзда ибрат дилда ҳиммат йўқ,
Илму адаб, хулқу исмат, ору иффат йўқ.
Хотун дунёсида сиздек, жоним оналар
Миллий бурчин ўтолмаган ҳеч миллат йўқ.
Қ и з л а р
Танда ғайрат, кўзда ибрат, дилда ҳиммат кўп,
Миллий бурчни ўтамакка илму санъат йўқ.
Руҳонийлар, ота, оналар миллата масъул,
Чунки бизнинг йўлимиз масдуд, ҳеч ҳуррият йўқ.[14]

Ушбу шеър - ашулада бадиий ифодасини топтан ўзаро таъна, ҳар икки томоннинг ижтимоий мавқеидан қониқмаслиги ва хотин- кизларнинг эрксизлик чангалидан чиқишига, умуммиллий эркка интилиши жадидчилик ҳаракати учун мисли кўрилмаган миқёсийлик бахш этди, унинг муайян маънода эмансипатив-феминистик хусусиятга эга бўлишини таъминлади. Бу жараёнда ҳам эркак, ҳам аёл зиёлилар фаол иштирок этдилар.

Агар Ҳамза Ҳакимзоданинг юқоридаги лапар-шеърида эркаклар томонидан эмансипатив ғоялар илгари сурилгани ва уни қизлар қўллаб- қувватлаб, ўзларининг

феминизмга мойилликларини билдирган бўлсалар, худди шу йилларда улкан миллатпарвар шоира ва мутафаккир Анбар Отин “Қаролар фалсафаси” асарида жадидчилик феминизмининг, жадид зиёли аёллари илгари сурган феминистик ғояларнинг асосий хусусиятларини шундай ифодалайди:

“. .. Ул замонда аёллар ҳар қанча ҳусн ва латофат ила озод юрурлар ва аларга ҳеч киши ола кўз ила ёмон назар солмас...”- дейди Анбар Отин [15] кейин у мана бу сатрларни ёзади:

“Ул вақт қизлар илми дунёвий тахсилига муяссар бўлуб урфон тахтида қарор топиб эллар ва улуғлар сафиға дохил бўлурлар, алар ғайрат ва меҳнатда эрларға ҳамфо ва ёвар бўлуб, обрў топиб, ҳурмат ва икромға сазовор бўлурлар” [16] Ушбу парчадаги биз ажратиб кўрсатган ўринларга диққат билан назар солинса, феминистик қарашлар яққол кўзга ташланади: “Эллар ва улуғлар сафиға дохил”лик - элнинг улуғлари яъни рахбарлари бўлмоқ, юрт бошқарувида иштирок этмоқ деган маъноларни англатади; “обрў топиб, ҳурмат ва икромга сазовор бўлмоқ” ҳам ижтимоий фаолият, жамият ҳаётидаги фаоллик орқали рўёбга чиқарилган ҳодисадир. Жадид зиёли аёлларининг бундай мулоҳазалари кўпчилик эркак зиёлилар томонидан на фақат фикран қўллаб-қувватланди, балки ҳар жиҳатдан амалиётга татбиқ этишга ўринилди; доимо аёлларга ёрдам қўллари чўзилди; маънавий ҳомийлик қилинди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида шоир, ношир, китобдор Миръазам Иброҳим Давроннинг хотин-қизлар эмансипацияси йўлида кўрсатган фидойилигини келтириш мумкин. Иброҳим Даврон тўплаб, 1914 йили ўзи Қўқонда нашр эттирган «Ашъори нисвон» (аёллар шеърлари) деган китобнинг чоп этилиши Туркистон хотин-қизлари ҳаётида на фақат янги адабий воқелик, балки улкан ижтимоий ходиса ҳам эди. Китобга ёзилган сўзбошисида эса у ўша давр Туркистон аёллари ҳақидаги аччиқ ҳақиқатни баён этади: “Бизда бечора хотинларға ҳайвон муомаласи, баъзан, балки аксар ҳайвонларға кўрилмамуш (суистеъмоллар) булара раво кўрилур” [17]

Китобда ўша даврдаги 23 нафар аёл шоиранинг шеърлари жой олган. Ҳажман унча катта бўлмаган (60 саҳифадан иборат) бу китоб ўша давр учун ҳар жиҳатдан янгилик эди: Иброҳим Даврон аёллар шеърларини чоп этиши баробарида улар учун расмлар ҳам чизган. «Шоираи нажиба», «Табиий бир тепалик», «Ҳасратли шоира», «Хаёл оламида», «Китоб ўқиб йиғлаган хотин», «Ўш (Имом ота водийсида) бир шоиранинг мозори», «Оҳанги ошиқона», «Скрипка ушлаган бир киз» деб номланган бу расмларда китобга кирган баъзи шоиралар шеърлари мазмуни ифодаланиши билан бирга умуман Туркистон аёлининг аянчли аҳволи, айни пайтда орзу хаёллари акс этган. Мазкур китоб хақида алоҳида тадқиқот олиб борган истеъдодли олим ва ёзувчи марҳум Тўхтасин Жалоловнинг ёзишича, бу расмлар ҳақида мутахассислар томонидан билдирилган фикрларда Оврўпа тасвирий санъати шакли билан Шарқ минатюраси хусусиятлари моҳирона, профессионал уйғунлаштирилган; ўзбекона миллий руҳнинг янгича ифодавий шаклда намоён бўлиши кишини ҳайратга солади.[18] Иброҳим Давроннинг бу ҳизматларини ва «Ашъори нисвон»га ёзган сўзбошисини Тўхтасин Жалолов юксак баҳолаб, шундай дейди: «Ҳеч қандай шубҳасиз айтиш мумкинки, Давронгача бирор шоир кўп хотинликка қарши овоз берган эмас, ҳеч ким хотинларнинг ақлу идрок, зеҳн ва закосига бунчалар юксак баҳо берган эмас, ҳеч ким бу мазлумалар ҳолига бунчалар ачиниб, уларнинг фарёд ва фиғонларини бутун халққа етказишга ўринган эмас.»[19]

Дарҳақиқат, бу китобни тузиш ва нашр этиш билан Иброҳим Даврон биринчи марта ўзбек аёлларига – эскилик, жаҳолат, илмсизликка маҳкум этилган хотин-қизларга бутун Туркистон минбаридан сўз берган эди. Жадид мутафаккирлари, зиёли эркаклар томонидан туркистон аёлларининг ижтимоий - ҳуқуқий аҳволига ачиниш, уларнинг бундай инсон зотига номуносиб забун ва қолоқ ҳаётини ўзгартишга бўлган интилишлари ана шу эмансипация ҳамда феминизмга асос бўлди.

Шундай қилиб, эмансипатив-феминистик ғояларга ва шу ғояларга асосланган амалиётларга жадидчиликнинг яна бир муҳим омили, мазкур ҳаракатнинг умуммиллийлигини таъминловчи қудратли куч деб қараш мақсадга мувофиқ.

Ахлоқий - эстетик асос. Маълумки, ахлоқ инсонни қотилликдан, ёлғондан, нопокликдан, худбинликдан асрайдиган, уни ҳилмли, шафқатли, табиат ва атрофдагилар билан келишиб, илоҳий ҳамда инсоний идеалларга интилиб, уларга иқтидо қилиб яшайдиган зот бўлиб умр кечиришини таъминлайдиган энг устувор маънавий ҳодиса. Бундан ташқари ахлоқ инсонни бунёдкорликка, моддий-маънавий қадриятларни яратишга, шу қадриятлар хазинаси бўлмиш Ватанни севишга ҳамда асрашга чорлайди, унинг зиммасига муқаддас вазифаларни ва шу вазифаларнинг масъулиятини юклайди. Шунинг учун ҳам маърифатчи-жадидлар ахлоқий қадриятлар ва ахлоқий тарбияни биринчи ўринга қўйдилар. Зеро,“маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний ёзганидек, “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидур.”[20]

Авлоний назарда тутган тарбия, энг аввало, ҳар бир туркистонликка янгича ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар билан ёндошувни тақозо этарди. Чунончи, у ахлоқшунослик, педагогика, диншунослик ва руҳшунослик нуқтаи назаридан ниҳоятда қимматли бўлган. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида ахлоқ илмига доир бир неча янги тушунчаларни киритади. Бу ҳақда ахлоқшунос Абдулла Шер шундай деб ёзган эди: «Фатонат, диёнат, шарм, ҳаё сингари мусулмон Шарқи учун анъанавий бўлган фазилатлар шарҳи билан биргаликда Авлоний виждон, Ватанни суймак сингари Туркистон минтақаси учун янги талқинда тақдим этилган фазилатлар ҳақида алоҳида тўхталади» [21]

Тарбия масаласига шунга ўхшаш мафкуравий ёндашув Фитратда ҳам яққол кўзга ташланади. «Агар саодат, иззат, осойишталик, роҳат, шараф, номус ва эътибор керак бўлса,- деб ёзади у,- тезроқ авлод тарбияси усулларини билиб олиб, болаларимизни шу усул ва қоидалар асосида тарбия этишимиз лозим.» [22] Бундай ёндошувни, шунга ўхшаш фикрларни жуда кўпчилик жадид мутафаккирларида учратиш мумкин.

Бугунги кунда ҳам ёшлар тарбияси энг муҳим вазифа сифатида саналади. Президент Ш.М.Мирзиёев ёшлар тарбиясига тўхталиб: “Агар фарзандларимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқа унинг юриш - туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму хунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак,бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас.” –деб бежизга таъкидламади [23].

Жадидчилик ҳаракатининг ғоявий-мафкуравий ва ахлоқий эстетик асосини дастлаб «Таржумон» ва бошқа газеталар ташкил этган бўлса, кейинчалик янги воситалар қидиришга тўғри келди. Чунки газета - журналларни кўпчилик ўқиш имкониятидан маҳрум эди: бировларнинг уларни сотиб олишга қурблари етмаса, бошқаларга саводсизлик халақит берарди. Бадиий адабиётдан фойдаланиш ҳам шундай аҳволда эди. Бунинг устига, ҳар қандай маърифий тараққиётни, халқ хаётидаги янгича ўзгаришларни, фан-техника ривожидан фойдаланишни бидъат ва куфр деб эълон қилган қадимчилар Туркистонда ҳақиқий ижтимоий- маънавий зулматни-реакцияни жорий қилиш учун жон-жахдлари билан курашардилар. Улар динийликни моҳиятан ахлоқийликдан ажратиб ташлашга, ўрта асрлардаги мутаассибона ақидапарастлик ғояларини XIX аср охирларидаги Туркистон учун шариат қоидаларига ўраб тақдим этардилар; Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифдаги исломнинг ахлоқий асосларини сукут билан инкор қилардилар.

Қадимчилар қўлидан келган барча қабиҳликларни ишга солардилар. XIX аср охирларида қадимчи муфтийлар томонидан чиқарилган фатволарда «Зинрер» машинасида тикувчилик қилган одамларнигина эмас, «Зинрер» да тикилган кийимни кийган кишилар ҳам, газета ёки журнал чиқарган ва уларни ўқиган одамларгина эмас, ҳатто газета - журнал ўқиган кимсалар билан гаплашганлар ҳам кофир деб эълон қилингани тарихдан маълум. Фожеа шунда эдики, фатволарда кофирларни кўрган жойда ўлдирганлар савобга қолиши, жаннатий бўлиши таъкидланарди. Айниқса Бухоро муфтийсининг 1918 йил 25 февралда чиқарган машъум фатвосидан сўнг бутун мамлакат бўйлаб минглаб эмас, ўн минглаб зиёлилар, муллаваччалар, маърифат ихлосмандлари ўлдирилгани қадимчиларнинг нақадар инсофсиз ва қаттол эканликларини яна бир бор намойиш қилди. Баъзи бир тахминларга кўра, Қарши беги Беҳбудийни ҳам амирнинг фармонини кутиб ўтирмасдан, ўша фатво асосида қатл эттирган. (Хожи Муиннинг 1922 йил «Инқилоб» журналининг 1-сонида босилган

мақоласида Беҳбудий амирдан фармон келгандан сўнг ўлдирилган, деган фикр келтирилади.) [24]

Жадидлар ўзлари учун вужудга келган ана шундай оғир бир шароитда маърифатчилик ҳаракатини нафақат давом эттириш, балки янада кучайтириш ва кенгайтириш йўлини танладилар. Бу-театр эди. Мазкур янги ўзбек театри ва драмасига юқорида тилга олганимиз Туркистон жадидларининг раҳнамоси Маҳмудхўжа Беҳбудий асос солди. Унинг 1911 йилда ёзилган «Падаркуш ёхуд ўқумаган боланинг ҳоли" (Туркистон маишатидан олинган ибратнома), 3 парда 4 манзарали, миллий биринчи фожеа» деб аталган пьесаси чор цензурасининг узоқ қаршиликларидан сўнг, 1913 йили Самарқандда алоҳида китобча шаклида нашр этилиб, 1914 йил 15 январда илк бора саҳнага қўйилди. «Ойина» журналининг ўша кунларда хабар беришича, 320 ўринлик театр залига яна 50 та қўшимча жой қилиниб, чипталар баланд нархларда аввалдан сотилган, уч-тўрт юз киши эса томошага киролмай, қайтиб кетишга мажбур бўлган.[25] «Падаркуш» пьесасининг нашр этилиши 1913 йилда Тошкентда ҳам ҳаваскор театр труппаси вужудга келишига турки бўлади. Дастлаб Абдулла Авлоний раҳбарлик қилган бу труппа 1914 йил охирида "Турон" тўдаси деган расмий ном олди. 1915 йили эса Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Қўқонда ўз труппасини ташкил этди.[26] Шундай қилиб, икки йилнинг нари-берисидаги жуда қисқа муддат ичида Туркистон ўлкасидаги асосий йирик шаҳарларда театр ҳукмрон санъат турига айланди. Жадидлар пьесани "ибратнома", театрни "ибратхона" деб атадилар. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўзи "Ойина' журналида чоп этилган (1914йил, 29 сон) "Теётр надур" мақоласида шундай деб ёзади:

"Сўзни қисқаси, теётр хоналари масхарабозхона бўлмай, балки ибратхонадир. Ва онда мўшаххис булатурғонлар "ўюнчи ва масхарабоз" бўлмай, балки мушаххис ва муаллими ахлоқдурлар." [27]

Тошкент жадидларининг раҳбари Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳам худди шу йилнинг 27 февралида "Колизей" театри биносида "Турон" труппасининг расмий очилиши муносабати билан сўзлаган нутқида шунга яқин фикр билдириб, шундай дейди:

"...баъзи кишиларимиз тиётирға, эҳтимолки, ўйинбозлиқ ёхуд масхарабозлуқ кўзлари ила боқурлар. Ҳолбуки, тиётирнинг асл маъноси ибратхона ёки улуғлар мактаби деган сўздур. Тиётр саҳнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинғон бир уйға ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса, ўзининг хусн ва қабиҳини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур. Ва бу саҳнада кўзига ёмон кўринган паст одатлардин ва бузуқ ахлоқлардин узр килмоқға ҳаракат қилур."[28]

"Ибратхона" мазмунини ифодаловчи ибораларни биз Оврўпо маърифатпарварлигида ҳам учратамиз. Чунончи, буюк олмон мутафаккир- шоири ва драматурги Фридрих Шиллер 1784 йили ёзган мақолаларининг бирини «Die schaubuhne als eine moralische anstalt betrashtet» - «Театрнинг ибратхона сифатида олиб қаралиши» деб атайди. [29] Бу жадидларнинг жаҳон адабиёти ва санъати тарихидан бохабарлигидан, ўз даври маданияти билан ҳамқадамлигидан далолат беради.

Хуллас, театр жадид зиёлилари учун ўзига хос, янги ва қулай минбар вазифасини ўтай бошлади. Улар саҳнадан туриб Туркистон аҳлини жаҳолат ва нодонлик қаъридан чиқишга, юксак ахлоқийликка, маърифатта, замонавий цивилизациядан йироқ турмасликка чақирар эдилар. Шу жиҳатдан Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси сўнггидаги зиёли монологи дастурий аҳамиятга эга: «Дунёда тараққий қилган халқ илм воситаси ила тараққий қилади. Асир ва забун бўлганлар беилмликдан, - дейди у саҳнадан халқ - томошабинга мурожаат қилиб. "Модомики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўқутмаймиз, бул тариқа ямон ҳодисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо ҳукмфармо бўлса керак. Бу ишларни йўқ бўлмоқиға ўқумоқ ва ўқутмоқдан бошқа илож йўқдур.»[30]

Ана шу парчани барча жадид спектакллари учун умумий лейтмотив дейиш мумкин. Беҳбудий бошлаб берган оврўпача драма жанри жуда тезкорлик билан ривожлана бошлади. «Падаркуш» дан сўнг, кейинги уч-тўрт йил ичида Абдурауф Шаҳидий, Нусратулла Қудратулла, Ҳожи Муъин, Абдулла Бадрий, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Ғулом Зафарий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Хуршидлар ўз

пьесаларини яратдилар.[31] Натижада, юқорида айтганимиздек, театр Туркистоннинг йирик шаҳарларида оммавий томоша тусини олди, халқнинг маърифий-ахлоқий савиясини, бадиий-эстетик дидини юксалтиришда ва янги ғояларни таргиб этишда мислсиз ҳизмат қилди.

Моддий-маблағий асос. Жадидчилик ҳаракатининг моддий - маблағий асосини кўп ҳолларда жадидлар ўзлари яратишга ҳаракат қилдилар. Улар бутунлай янгича педагогик қарашларга асосланган «усули савтия» мактабларини очишга ўз маблағларини ва бу мактабларда таълим беришга вақтларини аямадилар. Исмоил Гаспралидан тортиб, Абдулла Авлоний, Исхоқхон Ибрат, Ҳамза ва бошқалар шулар жумласидан. Айни пайтда ўзларини миллат фарзанди ҳисоблаган, янгича фикрлайдиган Туркистон бойлар ҳам анчагина эди. Улар маблағларини янгича мактаблар очиш учун сарфлашни ўзларининг ватанпарварлик бурчлари деб билардилар. Ана шундай маърифатпарвар бойларнинг умумлашган - типик бадиий қиёфасини Ҳожи Муъин Шукрулла ўзининг «Эски мактаб, янги мактаб" пьесасида, айниқса яққол, бўртиб кўзга ташланадиган қилиб яратган. Пьеса каҳрамонларидан бири Комилбой монологи шу жихатдан диққатга сазовор: «...Ушбу замонда ўзга миллатларга асир бўлмай, роҳат билан яшамоқ учун замонавий илм ва ҳунарларни билмоқ лозимдир.. ..Ҳозир биз, туркистонийлар, диний ва дунёвий илм ва ҳунарлардан лозимина хабардор эмасмиз. Эски мактабу мадрасаларимиз бўлса, бойқуш уясига ўхшаш харобалардан иборатдур. Мадрасаларимизда дунёвий илм нари турсин, лоақал диний илмларнинг асли бўлган тафсир ва ҳадис ўқитилмайдур.. .. Инқироздан қутилмоқ учун биргина йўл борки, ул хам маориф йўлидан иборатдур.. .. Ва ҳам алоҳида янги мактаблар очмоқ учун қўлимиздан келгунча ғайрат қилайлук, токи болаларимиз бора-бора инқироз балосидан қутилсинлар,» - дейди у.[32] Асардаги Комилбой образининг ҳаётдаги жонли мисоли сифатида буюк ёзувчимиз Ойбекнинг қайнотаси олима ва адиба Зарифа Саидносированинг отаси 1937 йилда узоқ йиллик қамоқ ва сургунлардан сўнг, қатл этилган истиқлол фидойиси Саидносир Миржалиловнинг шахсини келтириш мумкин. Жадидчилик харакатининг ривожида бундай тарққийпарвар-маърифатпарвар бойларнинг хизматлари катта бўлди.

Жадидчилик ҳаракати моддий-маблағий асосининг маълум маънодаги қоимлиги ва узвийлигини таъминлашда юқорида келтирилган икки омил-маърифатчилар фидойилиги ва маҳаллий бойлар хайрия-ионаларидан ташқари "Жамияти хайрия"ларнинг пайдо бўлиши жадид театри йўлга қўйилиши билан вужудга келган моддий манба ҳам муҳимдир; булар - "Томошалар"ва "Испектакл"лардан, яъни театр спектаклларидан тушган маблағлар эди. Мунаввар қори Абдурашидхонов "Самарқанд" газетасининг 1913 йил, 20-23 август сонида эълон қилган "Тошкандда мусулмон жамияти" мақоласида:

"Учинчи йўлда шаҳар боғининг ёзлик театрусида бир мартаба испектакл қўйиб, олти юз сўмга яқин фойда қилди. Бунинг устига, ушбу августнинг 8 - куни рамозон муносабатида Шайх Ховолди Тақур боғида бир мартаба "Томоша кечаси ясади, ушбу томоша кечасининг даромад ва буромади ушбу тариқа бўлди,"- деб қуйидаги ҳисоб китобни келтиради:

Сотилган билетлардан 1387 сўм 54 тийин.

Чойхонадан дохил 59 сўм 42 тийин.

Жамъи даромат 1446 сўм 96 тийин

Масорифи билет маркази 126 сўм 14 тийин.

Бошқа масорифлар 233 сўм 65 тийин.

Жамъи масориф 359 сўм 79 тийин

Жамиятга қолган хос фойда 1087 сўм 17 тийин." [33]

Мазкур турдаги маблағ йиғишни Беҳбудийнинг «Падаркуш» асари билан боғлиқ ҳолда ҳам кўриш мумкин. Спектаклнинг 1914 йил 7 майда иккинчи бор намойиш қилинишидан тушган маблағ ва сарф-ҳаражатлар «Ойина» журналининг 30-сонидаги ҳисоботда батафсил келтирилади: чипталардан тушган барча пул 384 сўм 50 тийин бўлиб, 184 сўм 50 тийин спектакл қўйиш жараёнидаги харажатлар учун, қолган 200 сўмнинг ҳаммаси Самарқанд музофоти шаҳар ва қишлоқларидаги мактабларни ислоҳ қилишга ва уларни моддий таъминлашга сарфланган. Шуниси диққатга сазоворки, спектаклда иштирок этган ҳаваскор актёрлар - ҳарф терувчи Абдулла Бадрий, муаллим Ҳожи Муъин, баққол

Хошимқул, мошиначи-тикувчи Раимқул, рангфуруш Абдусалом бойвачча, коммерсант Мардонқул, савдогар Акобир Шомансуровлар томошадан тушган фойдадан бир сўм ҳам олмаганлар.[34] Спектаклдан тушган маблағни шу тарзда сарфлаш жадид театрининг Тошкент, Қўқон, Каттақўргон, Андижон ва бошқа шаҳарлардаги ҳаваскор ва доимий труппалари учун ҳам бир анъана умумий тусини олди.

Бу ўринда яна шуни таъкидлаш лозимки, жадидлар ҳайрия ишларини йўлга қўйишда, театрни ривожлантиришда ва шулар орқали маърифат учун маблаг йиғишда ажойиб табдиркорлик намуналарини ҳам кўрсатдилар.

Демак, театр ва оммавий томошалар жадидчилик ҳаракати учун нафақат ахлоқий-эстетик асос, балки моддий-маблағий омил сифатида ҳам улкан аҳамиятга эга бўлди.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биз юқорида қисқача шархлаб берган тўрт асос жадидчиликни мустаҳкам ва кенг ёйилган эволюцион харакатга айлантирди.

Жадидчилик - энг аввало миллий озодлик ғоясига асосланган ижтимоий-сиёсий ва маънавий - маърифий, жаҳолатга, нодонликка ва асрий қолоқликка, минтақани қамраб олган ёлғонга қарши умуммиллий ҳаракатдир.

Жадидчилик ҳаракати маърифатчилик табиатига эга эканлиги билан ажралиб туради. Яъни жадидлар ўзлари илгари сурган ғояларга фақатгина ҳомийлик қилиш билан эмас, балки ғояларни амалга оширишда бевосита раҳбарлик қилиш, унинг иштирокчиси бўлиб, “қора ишчилар” сифатида фаолият кўрсатдилар. Бу жиҳат ҳаракатнинг тактик ва стратегик дастури фидоийлик, ватанпарварлик асосига эга эканлигидан далолат беради.

Мазкур ҳаракат унинг Ғарбда вужудга келган XVII - XVIII асрлардаги маърифатпарварлик оқимларидан ҳам жиддий фарқ қилади. Бу фарқ, биз ишимизни бош қисмида айтиб ўтганимиздек, жадидларнинг фақат хотин-қизлар орасида маърифат тарқатиш ва улар эмансипациясини амалга ошириш йўли билан эмас, балки феминистик ғояларнинг илк бор ўртага ташланишини таъминлаши, хотин-қизларнинг ўз эрки ва ҳуқуқлари учун ўзлари “дарғалик” қилиб курашиши лозимлигини исботлаб, бу борада уларга кўмак беришларида ҳам кўринади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Қосимов Бегали. Исмоилбек Гаспрали – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси.1992. – 28б. (Kosimov Begali. Ismoilbek Gasprali - T. : Publishing house of G. Guloma, 1992. – 28p.)
2. Шайхзода М. Тошкентнома. Ўзадабийнашр – Т.: 1958.21-22 б. (Shaikhzoda M. Tashkentnom. O'zadabiynashr - T: 1958.21-22 b).
3. Абай. Танланган асарлар.- Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.64 б. (Abay. Selected works. - T.: Publishing house of literature and art G. Gulom, 1995. 64 b).
4. Фитрат. Абдурауф. Оила. - Т: Маънавият 1998.60 б. (Fitrat. Abdurauf. Oila. - T: Spirituality 1998. 60 p.)
5. Қосимов Бегали. Миллий уйгониш - Т: Маънавият. 2002. 5б.(Kosimov They ran. National Awakening T: Spirituality. 2002.5p)
6. Қосимов Бегали. Миллий уйгониш - Т: Маънавият. 2002. 6б. (Kosimov Begali. National Awakening T: Spirituality. 2002.6p.)
7. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. -Т.:“Маънавият” 2009 йил, -Б.8. (Mahmudhoja Behbudi. Selected works. -T.: "Spirituality" 2009, -P.8.)
8. Шуҳрат Ризо. Маърифатпарварликдан маърифатчиликкача.// Тафаккур.Ж - 1995.-№1. 74-79 b. (Shukhrat Rizo. From enlightenment to enlightenment // Tafakkur J. - 1995.-№1. 74-79p).
9. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. - Т.: Ўзбекистон. 1998. 37 б. (Karimov I.A. Towards a just society. - T. : Uzbekistan. 1998.37 p.)

10. Қосимов Бегали. Исмоилбек Гаспирали.Т: Ғ.Ғулом номидаги Нашриёт матбаа бирлашмаси, 1992. 26-27 б. (Kosimov They ran. Ismoilbek Gaspirali. T. : Publishing house of G. Gulam, 1992.26-27 p.)
11. Қосимов Бегали. Исмоилбек Гаспирали.Т: Ғ.Ғулом номидаги Нашриёт матбаа бирлашмаси, 1992. 32 б. (Kosimov They ran. Ismoilbek Gaspirali. T. : Publishing house of G. Gulam, 1992.32p.)
12. Фитрат Абдурауф. Танланган асрлар I жилд - Т: Маънавият, 2000. 33-35 б. (Fitrat Abdurauf. Selected centuries Volume I - T: Spirituality, 2000.33-35 p.)
13. Қосимов Бегали. Исмоилбек Гаспирали.Т: Ғ.Ғулом номидаги Нашриёт матбаа бирлашмаси, 1992.- 34 б. (. Kosimov They ran. Ismoilbek Gaspirali. T. : Publishing house. G. Guloma, 1992. -- 34 p.)
14. Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. - Т: Фан, 1988. Т.5. 31б. (Hamza. Complete Works. Five volumes. - T: Fan, 1988. V.5. 31p.)
15. Дилшод,Анбар отин. Ўзбек шоиралари баёзи.— Т.: Фан, 1994. 158б. (Dilshod, Anbar otin. Bayozi of Uzbek poets. - T. : Fan, 1994.158p.)
16. Дилшод, Анбар отин. Ўзбек шоиралари баёзи.— Т.: Фан, 1994. 160б. (Dilshod, Anbar otin. Bayozi of Uzbek poets. - T. : Fan, 1994.160p.)
17. Жалолов Тўхтасин. Ўзбек шоиралари.Т: Ғ.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 130б. (Dzhalolov T. Uzbek poets. T. : Publishing house of literature and art named after G. Guloma, 1980.130p.)
18. Жалолов Тўхтасин. Ўзбек шоиралари. - Т: Ғ.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 131б. (Dzhalolov T. Uzbek poets. - T. : Publishing house of literature and art named after G. Guloma, 1980.131p.)
19. Жалолов Тўхтасин. Ўзбек шоиралари.Т: Ғ.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 131б. (Dzhalolov T. Uzbek poets. T. : Publishing house of literature and art named after G. Guloma, 1980.131p.)
20. Авлоний А. Танланган асарлар. 2 томлик. - Т: Маънавият, 1998. Т 2. 38б. (Avlonius A. Selected Works. 2 volumes. - T: Spirituality, 1998. T 2. 38b.)
21. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Ўқув қўлланма. -Т: Янги аср авлоди, 2010. 158б. (Abdullah Sher. Ethics. Textbook. - T: New Age Generation, 2010. 158b).
22. Фитрат Абдурауф. Оила. – Т.: Маънавият, 1998. 112 60 б. (Fitrat Abdurauf. Family. T: Spirituality. 1998.112 60b.)
23. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари “YOSHLAR NASHRIYOT UYI”, 2019. - Б.89 ("Youth publishing house" from national revival to national uprising, 2019. -P.89.)
24. Беҳбудий Махмудхўжа.Танланган асарлар.Тузатилган ва тўлдирилган 2-нашри. - Т.: Маънавият, 1999.- 280б Behbudi Mahmudhoja. Selected works. Revised and enlarged 2nd edition. T. : Manaviyat, 1999. -- 280B.
25. Ризаев Шухрат. Жадид драмаси. - Т.: Шарқ нашриёт -матбаа концернинг бош тахририяти, 1997. 53-54 б. (Rizaev Shukhrat. Jadid drama. - T.: Publishing house "Shark", 1997. 53–54 b.)
26. Ризаев Шухрат. Жадид драмаси. - Т.: Шарқ нашриёт -матбаа концернинг бош тахририяти, 1997. 78 б. (Rizaev Shukhrat. Jadid drama. - T.: Publishing house "Shark", 1997. 78 p.)
27. Беҳбудий Махмудхўжа. Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 1999. 175б. (Behbudi Mahmudhoja. Selected works. - T.: Spirituality, 1999.175b.)
28. Абдурашидхонов Мунаввар қори. Танланган асарлар.Т. : Маънавият, 2003. 153-154 б. (Abdurashidkhonov Munavvar kori. Selected works of T.: Manaviyat, 2003.153-154 p.)
29. Schillers Werke.gn funf banben Erzter band, Afban-Verlag, Berlin und Weimar, 1969. – 237 p.
30. Беҳбудий Махмудхўжа. Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 1999. 49, 50 б (Behbudi Mahmudhoja. Selected works of T.: Spirituality, 1999.49, 50 p.)

31. Ризаев Шухрат. Жадид драмаси. - Т.: Шарқ нашриёт - матбаа концернинг бош тахририяти, 1997. 129 Б. (Rizaev Shukhrat. Jadid drama T.: Publishing house "Shark" - editor-in-chief of the magazine "Typography Concert", 1997. 129 p.)
32. Ризаев Шухрат. Жадид драмаси -Т.: Шарқ нашриёт - матбаа концернинг бош тахририяти, 1997. 260 б. (Rizaev Shukhrat. Jadid drama T.: Publishing house "Shark" - editor-in-chief of "Printing House Concert", 1997. 260 p.)
33. Абдурашидхонов Мунаввар қори. Т анланган асарлар.Т: М аънавият, 2003. 150 б. (Abdurashidkhonov Munavvar kori. Selected Works. T. : M anaviyat, 2003.150 b.)
34. Абдурашидхонов Мунаввар қори. Т анланган асарлар. - Т: Маънавият, 2003. 78 б. (Abdurashidkhonov Munavvar kori. Selected Works. - T.: M anaviyat, 2003.78 b.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Барно МашрабжоновнаУбайдуллаева,
Ўзбекистон Миллий университети
Тарих факультети "Антропология ва этнология"
кафедраси проф.в.б., тарих фанлари доктори
barnomashrab@mail.ru

ЎЗБЕКЛАРНИНГ РЕПРОДУКТИВ ОРИЕНТАЦИЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА УНИНГ БОЛА ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ (XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ)

For citation: Barno M. Ubaydullaeva, CHANGE IN THE REPRODUKTIVE ORIENTATION OF UZBEKS AND ITS IMPACT ON THE UPBRINGING OF CHILDREN (THE SECOND HALF OF THE XX CENTURY – THE BEGINNING OF THE XXI CENTURY). Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.47-58

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-4

АННОТАЦИЯ

Маълумки, репродуктив ориентация ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маънавий холати бир-бири билан узвий алоқадор. Мақолада ўзбекларнинг репродуктив ориентациясидаги ўзгаришлар давр ва шарт-шароитлар негизида ўрганилиб, оилада бола сонининг тарбия мазмуни ва шаклига таъсир кўрсатиши кўриб чиқилган. Ўзбекларда этнодемографик хусусиятларни тадқиқ этиш учун жалб этилган маълумотлар XX асрнинг иккинчи ярми -- XXI аср бошларига тегишлидир. Маълумотлар Ўзбекистонинг турли ҳудудларида олиб борилган этнографик экспедицияси давомида тўпланган.

Калит сўзлар: репродуктив, ориентация, оила, бола, ўзбек, фарзанд, тарбия, туғилиш, халқ, демографик.

Барно Машрабджоновна Убайдуллаева,
и.о. профессор кафедры "Антропологии и этнологии"
Исторического факультета Национального
университета Узбекистана, доктор исторических наук

ИЗМЕНЕНИЕ РЕПРОДУКТИВНОЙ ОРИЕНТАЦИИ УЗБЕКОВ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ВОСПИТАНИЕ ДЕТЕЙ (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XX ВЕКА- НАЧАЛО XXI ВЕКА)

АННОТАЦИЯ

Репродуктивная ориентация и социально-экономическое и культурно-духовное состояние общества неразрывно связаны. В статье исследуются изменения репродуктивной ориентации узбеков в зависимости от времени и условий, а также рассматривается влияние количества детей в семье на содержание и форму воспитание. Данные, использованные для изучения этнодемографических особенностей узбеков, относятся ко второй половине XX -

началу XXI века. Данные были собраны во время этнографической экспедиции по разным регионам Узбекистана.

Ключевые слова: репродуктив, ориентация, семья, дети, узбек, ребенок, воспитание, рождение, народ, демография.

Barno M. Ubaydullaeva,
Acting Professor of the Department
of Anthropology and Ethnology of the
Faculty of History of the National University of
Uzbekistan, Doctor of Historical Sciences

CHANGE IN THE REPRODUKTIVE ORIENTATION OF UZBEKS AND ITS IMPACT ON THE UPBRINGING OF CHILDREN (THE SECOND HALF OF THE XX CENTURY – THE BEGINNING OF THE XXI CENTURY)

ABSTRACT

Reproductive orientation and the socio-economic and cultural-spiritual state of society are inextricably linked. The article examines the changes in the reproductive orientation of Uzbeks on the basis of period and conditions, and considers the impact of the number of children in the family on the content and form of upbringing. The data involved in the study of ethnodemographic features in Uzbeks date back to the second half of the XX century and the beginning of the XXI century. The data were collected during an ethnographic expedition to different parts of Uzbekistan.

Index Terms: reproductive, orientation, family, children, Uzbek, child, upbringing, birth, nation, demography.

Кириш (Introduction)

Маълумки, дунёдаги барча халқларда кишиларнинг оилага, оиладаги фарзандлар сонига бўлган муносабати бир хил эмас. Бу муносабатлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, диний миллий психологик омилларга боғлиқдир. Шу омиллар таъсирида халқнинг оилада болалар сонига мақбул мезонига доир қарашлар – яъни репродуктив ориентацияси шаклланади. Туғилиш биологик жараён бўлса ҳам жамиятнинг репродуктив ориентациясига боғлиқ равишда у ўзгариб туради. Социологлар ва демографлар бола кўриш мотивларини уч гуруҳга – иқтисодий, социал ва психологик мазмундаги мотивларга ажратганлар[29, С. 75].

Репродуктив ориентация натижаси оиланинг демографик холати ўзгаришига олиб келади ва бу албатта оилавий тарбиянинг мазмуни ва сифатига таъсир кўрсатмай қолмайди. Ўзбекларда репродуктив ориентациянинг ўзгариши ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, диний омиллар билан бир қаторда психологик (менталитет) омиллар билан ҳам боғлиқдир. Этнодемографик жараёнларнинг ўзига хос тарзда кечиши оилавий муносабатлар мазмуни ва бола тарбияси хусусиятларига ҳам катта таъсир кўрсатишин аниқлаш учун вазифалар сифатида:

- этнографик материаллар ва социологик сўровлар орқали а) халқнинг бола сонига бўлган муносабатини, репродуктив установкаларни белгилаш; б) ўзбекларда оила шакли ва тарбия ўртасидаги алоқани; в) оилада бола сони ва тарбия шакли ҳамда мазмунидаги боғлиқликни кўрсатиш;
- бошқа халқлар билан қиёслаган ҳолда ўзбекларда репродуктив установкаларнинг ўзига хослигини асослаш;
- ўзбекларда репродуктив ориентациядаги ўзгаришларни турли омиллар билан боғлиқ тарзда даврий ракурсда очиб бериш белгиланди

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature Review). Ўзбекларда репродуктив ориентация ва тарбиянинг боғлиқлиги масаласи бўйича алоҳида этнологик тадқиқот йўқ. Аммо оиладаги репродуктив установкалар, халқнинг этнодемографик хусусияти, бола сони турлича бўлган оилада тарбия хусусиятлари каби масалалар у ёки бу соҳа вакиллари томонидан тадқиқ этилган. Биз бу тадқиқотларни мазмунига кўра ажратдик:

- социологик ва фалсафий мазмундаги тадқиқотлар;
- демографик мазмунга қаратилган тадқиқотлар;
- оилавий муносабатлар ва бола тарбиясига қаратилган этнологик тадқиқотлар;
- оилада бола сонининг тарбиявий салоҳияти ўрганилган педагогик ишлар;
- масаланинг у ёки бу жиҳатига оид маълумотлар келтирилган мақолалар.

Ўзбек оиласининг социологик жиҳати У.Тоштемиров[32, 33] томонидан ўрганилган бўлса, оилада бола тарбиясининг ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқлиги фалсафий жиҳатдан М.Сангилов ўрганган [26]. Бундан ташқари, Р.Убайдуллаева монографиясида Ўзбекистондаги аёлларнинг оилавий ҳаёт, бола тарбияси, бола сонига муносабатига доир баъзи социологик сўров натижалари келтирилган [34]. Аммо бу ишларда ҳам ўзбек оиласида бола туғилиши ва тарбияси ўртасидаги муносабатни ўрганиш мақсад қилинмаган.

Ўзбекистондаги демографик хусусиятлар, О.Б.Ата-Мирзаев, М.Р.Бўриева, Ф.К.Камилова ва В.В.Коротеева тадқиқотларида [1, 2, 6, 13, 16] ўрганилган. Яна бир неча мақола доирасида бу масала кўриб чиқилган [18, 31]. Аммо бу тадқиқотлар ўзбеклар эмас, балки бутун Ўзбекистондаги халқлар демографик холатини кўрсатишга бағишланган. Шунингдек, тарбия билан алоқадорлик жиҳатлари ўрганилмаган. Биз ушбу масалани қиёсий ўрганиш учун бошқа халқлар мисолида ўрганилган айрим хорижий тадқиқотларни ҳам кўриб чиқдик [7, 11].

Т.А.Жданко, С.П.Поляковларнинг Марказий Осиё халқлари бағишланган тадқиқотларида [9, 25] ўзбекларда оила шакли, бола сони ва бола тарбиясига оид айрим маълумотлар бор. Шу каби маълумотларни этнографлар С.М.Мирхосилов, Л.Ф.Моногароваларнинг ишларида [21, 22] ҳам кўриш мумкин.

Оила педагогикасига бағишланган Н.Сафаров, А.Э. Измайлов, А.К.Мунавваров каби олимларнинг ишларда ҳам бола сонининг тарбия сифатига таъсирига оид маълумотлар учрайди[28, 12, 23]. Шунингдек, И.Каткова, А.Маматохунова, Н.К.Туреева, Ҳ,Х. Мамадалиевларнинг мақолаларида[15, 32] оилада бола туғилишига муносабатнинг социологик аспекти кўриб чиқилган. Аммо кўрсатиб ўтилган ишларда репродуктив ориентация сабаблари ва тарбияга таъсири масаласи эътибордан четда қолади.

Тадқиқот методологияси (Research methodology). Тадқиқот методлари: интервью (чуқурлашган суҳбат), бевосита кузатув, социологик сўров (опрос)лардир. Асосий метод ахборотчилардан олинадиган этнографик сухбат бўлди. Этнографик маълумотлар 1998−2018 йиллар давомида Сурхондарё, Наманган, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг айрим туманларида олиб борилган экспедициялари вақтида йиғилган. Этнографик маълумотлар йиғиш жараёнида турли ёшдаги кишилар ва уларнинг оила аъзолари билан суҳбатлар олиб борилди. Этнографик суҳбатлар муаллиф томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилган махсус саволлар орқали амалга оширилди.

Социологик маълумотлар тадқиқотчи томонидан тузилган анкета саволлари асосида тўпланди. Социологик сўровларга Сурхондарё, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри маҳаллаларидан 700 нафарга яқин респондентлар жалб қилинди. Ушбу материаллар илмий адабиётлар ва статистик маълумотлар билан умумлаштирилиб тарихий изчиллик, қиёслаш методи орқали таҳлил этилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Тадқиқотлар кўрсатадики, ўзбекларда репродуктив ориентация, оилада бола сонига бўлган муносабат ҳам турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий омиллар таъсирида ўзгариб келмоқда. Мазкур ўзгаришларга таъсир қилган омиллар хусусиятлари ва ўзгаришлар даражаси ҳамда характерига қараб, даврий жиҳатдан учга бўлинди:

– 1951-йилдан то 1970-йилларга қадар;

– 1970-йиллардан мустақиллик даври – 1991 йилга қадар;

– Мустақиллик даври, 1991–2010 йиллар.

Биринчи даврда собиқ СССР таркибида бўлган барча Ўрта (Марказий) Осиё халқлари сингари ўзбеклар ҳам серфарзанд эди. Ўзбек оиласида бола сони чекланмаган. Кўпчилик

ўзбек оилаларида 8–9 нафар, айрим оилаларда эса 10 нафардан ортиқ ва ҳатто 20 нафар фарзанд туғилган[45].

Демографик маълумотларга кўра, Республикада энг юқори туғилиш 1962–1968 йилларга тўғри келиб, ҳар минг киши ҳисобига туғилган болалар сони 38–40 нафарни ташкил этган. Оила аъзоларининг ўртача сони ҳам ошиб борган. Масалан, 1939 йили Ўзбекистонда ҳар бир оилада ўртача 4,3 нафар киши яшаган бўлса, 1959 йили бу кўрсаткич 4,6 нафарга, 1970 йили эса 5,3 нафарга етди[6, Б.114]. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бу маълумотлар фақат ўзбекларга нисбатан эмас, балки Ўзбекистондаги барча аҳолига нисбатан олинган. Бундан ташқари, ўзбек оиласида кўп бола туғишга мойиллик ва интилиш бўлса-да, лекин болалар ўлимининг кўплиги ва бошқа омиллар (масалан, урушдан кейинги қийинчиликлар, аёллар соғлигининг ёмонлиги, маиший турмуш даражасининг пастлиги ва ҳ.к.) таъсирида туғилишнинг умумий даражаси нисбатан паст бўлган.

Маълумки, совет даврида партия ва давлатнинг ижтимоий-демографик сиёсати аҳолининг табиий ўсиши ва ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган эди. Айниқса, уруш йилларида камайган аҳолини кўпайтириш мақсадида давлат томонидан бир қатор чора-тадбирлар белгиланган эди. Хусусан, 1944 йилда СССР Олий Кенгаши томонидан ҳомиладор, кўп болали ва ёлғиз оналарга давлат ёрдамини, шунингдек кўп болали оналарга эса “Қаҳрамон она”, “Оналик шарафи”, “Оналик медали” каби орден ва медаллар бериш ҳақида махсус кўрсатма берилди [20]. Умуман, аҳолининг Нуфус соҳасидаги сиёсат – туғилишни кўпайишига рағбатлантириш партия умумий ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, кейинги даврларда ҳам давом эттирилди [25, Б.15]. Мазкур сиёсатнинг таъсири ўлароқ, Ўзбекистонда оилалар сони тез суръатлар билан кўпайиб борган. 1959–1989 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари бўйича, ушбу даврда оилаларнинг миқдори 168 мингдан 341 мингга етди, яъни икки баробар кўпайди. Йиллик ўсиш эса ўртача 2,4 фоизни ташкил этди [6, Б. 30].

XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда аёллар ва болалар учун қатор янги консультация ва шифохоналар қурилди. Шунингдек, ҳомиладор аёллар учун махсус шифохоналар, туғруқхоналар, мактабгача ёшдаги болалар учун муассасалар, санатория ва дам олиш уйларининг сони кўпайди.

Бир томондан, кўп фарзанд кўришга интилиш, иккинчи томондан, болалар ўлимининг камайиши натижасида XX асрнинг 70-йилларига қадар етти нафар ва ундан кўп фарзандли оилалар салмоғи ортиб борган. Оилада иложи борича кўпроқ фарзанд кўришга интилиш нафақат ўзбеклар, балки бутун Марказий Осиё халқлари учун ҳам хос хусусият эди.

“Инсон ҳаётда болалар учун яшайди – мақсад шу”, дейди кўпчиликнинг фикрини ифодалаб Ш.Содиқов [44]. Авлодлар давомийлигини сақлаш, фарзандлар кўриб, уларни тарбиялашни ҳаётдаги асосий мақсад, деб тушуниш нафақат ўзбеклар, балки аксарият шарқ халқларига хос хусусият бўлиб, масалан, японлар ўз болаларининг фақатгина эмоционал эҳтиёжларини қондириш учунгина эмас, балки улар фарзанд кўрмасалар оилавий ворисликни давом эттира олмаган, бахтсиз кишилар бўлиб қолишлари мумкинлиги учун ҳам севадилар” [17, с. 83].

Ўзбекларда ҳам бефарзандлик бахтсизлик саналади ва фарзанд кўришга инсонийлик бурчи, яшашнинг моҳияти сифатида қаралади. Жамоачилик муносабатлари кенг ёйилгани учун, кўп қариндош-уруғлари бор, серфарзанд кишиларнинг ҳам жамоада нуфузи юқори бўлган. Тўй, маъракa маросимлари, турмушдаги бошқа қийинчиликларда ҳам кўпчилик бўлиш ёрдам берган. Аксинча, қариндош-уруғлари ва фарзандлари кам бўлган кишилар руҳан ўзларини ёлғиз ҳис қилганлар. Қишлоқ аҳолисининг кўплиги, қишлоқ турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари ана шундай жамоачилик муносабатларининг сақланиб келишига сабаб бўлган. Шу билан бирга қишлоқда ер-жойларнинг мўллиги, ёрдамчи хўжалик юритиш имконияти ҳам болаларнинг кўпайишига шароит яратган.

Аёлнинг жамиятдаги ўрни ҳам оиладаги фарзандлар сонига катта таъсир қилади. Ўзбек аёли асосан она ва уй бекаси тимсоли бўлиб келган. Гарчи совет тузуми даврида аёлларни ижтимоий меҳнатга жалб қилишга қаттиқ ҳаракат қилинса-да, 1970 йилларга қадар

аксарият ўзбек оилаларида аёллар ўз анъанавий вазифаларида қолдилар. Биз тадқиқ этган серфарзанд оилаларнинг деярли барчаси уй бекаларидир [42]. Шу ўринда ислом динининг таъсирини ҳам айтиб ўтиш лозим, чунки совет тузуми даврида коммунистик ғоялар тарғиб қилиниб, атеистик тарбия бериш учун қанча куч-ғайрат сарфланмасин, ўзбеклар орасида ислом динининг таъсири ҳали кучли эди. Ислом эътиқоди эса мусулмонларни иложи борича кўпайишга ундаган.

Ўрганилаётган даврда ўзбек оилаларининг кўп фарзандли бўлишига яна бир сабаб, аёлларнинг ҳомиладорликдан сақловчи воситалар ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги ва умуман бундай воситаларнинг то 1970 йилларга қадар жуда камлиги ҳам эди. XX асрнинг 80-йиллари сўнгида Ўзбекистонда икки миллиондан ортиқ оналар “Қаҳрамон она” унвонига, “Оналик шуҳрати” орденига ва “Оналик” медалига сазовор бўлган [13, б.57].

Иккинчи даврда эса, яъни XX асрнинг 70-йилларидан бозор иқтисодига қадар бўлган даврда, кўп фарзандли оилалар ўз тажрибаларида муайян қийинчиликларни кўрдилар. Бошқа томондан, жамиятда юз берган ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар, кишилар маълумот даражасининг ошиши уларнинг дунёқарашига таъсир кўрсатди. Уларда фарзандлар сонига бўлган муносабат яъни, репродуктив ориентация ўзгара бошлади. Кўп ўзбек оилалари оилани режалаштириш зарурлигини тушуна бошладилар. Шунинг учун ҳам 1940–1970 йилларда туғилганларнинг аксарияти оилада 4–6 нафар болани мақбул деб ҳисоблаган [41].

XX асрнинг 80-йилларида маҳаллий аҳолининг репродуктив репродуктив ориентациясини ўрганган тадқиқотчилар ҳам “Марказий Осиё аҳолиси кўпфарзандликка бўлган муносабатларда кескин ўзгаришлар чегарасида турган”ликларини ёзганлар [4, с.19].

Аёлларнинг иш билан бандлиги ҳам туғилишга акс таъсир кўрсатади, яъни аёллар ижтимоий меҳнатга қанчалик кўп жалб қилинса, туғилиш даражаси пасайиб боради. Маълумотларга кўра, 1950 йилдан – 1980 йилга қадар ишчи ва хизматчи аёллар салмоғи 18 фоиздан 43 фоизга етган [8, с.12]. Натижада туғилиш даражаси ҳам камайиб борди.

Т.А.Жданко “Урбанизация ва илмий-техник тараққиёт каби ижтимоий ривожланишни белгилайдиган кучли омиллар таъсирида Марказий Осиё халқларида ҳам кўпфарзандликка нисбатан бўлган қарашларнинг турғунлиги ўзгара бошлади”, – деб ёзади [9, с. 478]. Умуман, XX асрнинг 80–90-йилларида Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар шаҳар ва қишлоқ аҳолиси орасида болалар сонини онгли равишда тартибга солиш тўхтовсиз ўсиб бораётганлигини кўрсатган [15, с.18].

Учинчи даврда XX асрнинг 90-йилларидан бошланади. Шу даврдан Ўзбекистон Республикаси босқичма-босқич бозор муносабатларига ўта бошлади. Бу аҳолининг турмуш тарзига, оилаларнинг иқтисодий имкониятларига маълум даражада ўз таъсирини кўрсата бошлади. Давлат томонидан ижтимоий муҳофаза чора-тадбирлари кўрилишига қарамай, дастлабки босқичда кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг иқтисодий аҳволи бирмунча оғирлашиб, озиқ-овқат ва уй-жой муаммосига дуч келдилар. Айнан шу нарса ўзбек оилаларида бола сонининг камайишига асосий сабаб бўлди, дейиш мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиб бориши ижтимоий ишлаб чиқаришда банд аёллар салмоғининг янада ошиб боришига сабаб бўлди. Агар 1990 йилда жами ишчи-хизматчиларнинг 44 фоизини аёллар ташкил этган бўлса, 1992 йили бу кўрсаткич 47 фоизга етди [8, с.13]. Натижада туғилиш даражаси ҳам камайиб борди. Шунингдек, бозор иқтисоди шароитида аёлларнинг оила даромадини кўтаришдаги ҳиссаси ва масъулияти ҳам ортиб бормоқда.

Туғилишнинг камайиб бораётганлиги турли ёшдаги аёллар орасидаги туғиш ҳолатида ҳам кўзга ташланади. 1991–2005 йиллар орасида 20 ёшгача бўлган аёлларда туғилиш 4,7 мартага, 20–24 ёш гуруҳидаги аёлларда эса 1,8 мартага қисқарди [3, б. 56]. Бундан ташқари, оилаларда 4-чи ва 5-чи ва ундан кейинги фарзандлар туғилишининг қисқариб бориши ҳам кузатилмоқда. Масалан, 2005 йилда оилаларда 4-чи ва ундан кейинги фарзанд бўлиб туғилган чақалоқлар жами чақалоқларнинг 4,5 фоизини ташкил этди, холос. 1989 йилда бу кўрсаткич мос равишда 15,1 – 9,2 – 18,4 фоизга тенг эди [32, б. 17].

Ўзбек оилаларида болалар сони камайиб боришига яна шаҳар турмуш тарзининг кенг ёйилиши, болаларни ўқитиш, уйли-жойли қилиш каби муаммолар ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки анъанага кўра, ўзбек оиласида фарзандни уйлантириш ёки турмушга бериш ва у билан боғлиқ маросимларни ўтказиш, ўғилларни уй-жойли қилиш ота-онанинг бурчи ҳисобланади. Ўтказилган этнологик тадқиқотлар аксарият ўзбек оиласида бу анъана давом этишини кўрсатди [43].

Республикада 2000–2002 йилларда олиб борилган социологик тадқиқотлар натижасига кўра, аёлларнинг асосий қисми оилада ўртача 2–3 нафар болани маъқул деб кўрсатишган [24, б. 59].

2006 йилда "Ижтимоий фикр" маркази томонидан ўтказилган сўровда маълум бўлишича, респондентларнинг 36,4 фоизи оилада тўртта фарзанд бўлишини, 26,5 фоизи иккита фарзанд бўлишини, 23,0 фоизи эса 3 нафар фарзанди бўлишни афзал, деб билади[35, б. 356].

XXI аср бошларида ўзбек оиласида бола сонига бўлган муносабатнинг ўзгариб бораётганлигини олиб борилган этносоциологик тадқиқот натижалари ҳам тасдиқлайди. Унга кўра, сўровда қатнашган ота-оналарнинг 49,5 фоизи ҳозирги шароитда оилада иккита фарзанд бўлса етарли, деб ҳисоблайдилар. 46,5 фоиз ота-оналар "ҳар ким ўз аҳволига қараши керак", деган фикрни билдирганлар. Уч нафаргача бола кўришни маъқул кўрувчилар 2,5 фоизни, уч нафардан ортиқ бола кўришни маъқул деб билувчилар 1,5 фоизни ташкил этди [49].

Ёш авлод оилаларида фарзанд туғилишининг камайишига XX аср охири ва XXI аср бошларидан давлат томонидан олиб борилган аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш, аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлари; аёллар орасида тушунтириш ишларининг олиб борилиши, ҳомиладорликнинг олдини олувчи турли воситаларнинг кенг ёйилиши ва режа асосида бепул тарқатилиши ҳам сабаб бўлган. Хусусан, 1999 йили Республика репродуктив саломатлик маркази ташкил этилди [40, б. 5].

Юқорида келтирилган маълумотлар ўзбек оиласида XX асрнинг 90-йилларига туғилиши жуда юқори даражада бўлганини кўрсатади. Ўтган асрнинг 80 йилларида оила масаласини ўрганган М.Сангилов Ўрта Осиё республикалари оилаларининг серфарзандлигига:

1) оилалар моддий даромадининг ва турар жой, маиший шароитларнинг кескин яхшиланганлиги; 2) турмуш маданиятининг тез ўсаётганлиги, соғлиқни сақлашнинг ривожланиши, болалар ўлимининг кескин камайганлиги; 3) кўп фарзандликнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши [27, б. 28], каби омиллар сабаб бўлган деб кўрсатади. Бир томондан, бу фикрлар тўғри, аммо айнан шу шароитлар СССРдаги бошқа республикаларда ҳам бор эди. Аммо туғилиш даражаси уларда анча кам бўлган. Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 1959-1969-йил туғилиш ҳар минг кишига Белорусияда 19,2; Молдовада 29,8; Болтиқбўйи мамлакатларида 12,3 -ни ташкил этган ҳолда, Ўрта Осиёда бу кўрсаткич, 45,2 га етган [4, с. 24].

Ёки Ўзбекистонда 1970 йилларда ҳар минг кишига туғилган болалар сони 33,6 фоизни, 1980 йилда 33,9 фоизни, 1986 йилда 37,9 фоизни ташкил этган бўлса, СССРда бу кўрсаткич ўртача 17,4 фоиз; 18,3 фоиз ва 20 фоизни ташкил этган [13, 57]. Демак, юқоридагиларнинг ўзи серфарзандликнинг кўпайишига асосий омил бўла олмайди. Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларда серфарзандликка ундовчи энг муҳим омил анъанавий ижтимоий турмуш тарзи ва шунга боғлиқ тарздаги миллий психологик хусусиятдир.

Социологларнинг фикрича, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлиги, оиланинг биринчи навбатда моддий аҳволни яхшилаш, маълумот даражасини ошириш, маданий эҳтиёжларни қондиришга интилиши, вақтнинг танқислиги ва бошқалар бола туғишни чегаралаб қўяди [29, с. 71]. Бинобарин, Ўзбекистонда ҳам айнан шу каби омиллар оилада бола сонининг камайиб боришига сабаб бўлди.

Аксарият социологлар кам даромадли оилаларда даромад кўпайиши билан туғилиш ҳам ортиб боради ва муайян даражага етгач, даромаднинг ўсиб бориши энди туғилишга таъсир қилмай қолади ва ниҳоят даромад юксак даражада бўлганда унинг яна ортиб бориши туғилишнинг камайишига олиб келади деган хулосани беради [36, с. 191]. Бу хулоса, энг умумий тарзда, кўплаб мамлакатлар мисолидаги хулосадир. Аслида даромадларнинг ўсиши туғилишга бевосита эмас, балки билвосита таъсир кўрсатади, яъни даромаднинг ошиши кишилар маълумот даражаси ошишига ва дунёқараши кенгайишига сабаб бўлади. Бу эса бола тарбиясига нисбатан масъулиятнинг ошишига ва шу тариқа оилада бола сонининг камайишига олиб келади.

Тадқиқотлардан маълум бўлдики, оилада бола сонига боғлиқ равишда тарбия шакли, мазмуни ва характери ҳам ўзгаради. Мутахассисларнинг фикрича, оилада болалар сонининг ўзгариши оиладаги психологик вазиятга таъсир қилиб, эр-хотин ўртасида, ота-оналар ва болалар ўртасида ўзаро муносабатлар характерини сифат жиҳатидан ўзгартиради [34, с.34].

Таъкидлаш лозимки, бола тарбияси мазмуни ва шаклига нафақат оиланинг демографик холати балки, оиланинг шакли ҳам таъсир кўрсатади.

Маълумотлар XX асрнинг 70-йилларида бўлинмаган оилалар ўзбекларда бошқа қардош халқларга нисбатан кўпроқ эканлигидан далолат беради. Жумладан, катта оилалар ўзбекларда 25 – 35 фоиздан иборат бўлса, тожикларда 21 фоиз, қирғизларда 19,5 фоиз, қорақалпоқларда 20,5 фоизни ташкил этган [21, с. 8].

Мутахассисларнинг фикрича, оилаларнинг бўлиниб кичиклашиб бориши, мураккаб уч авлодли оилаларда муаммоли вазиятларнинг барҳам топишига олиб келади. Шу билан бирга, оила таркибининг соддалашуви, ундаги аъзолар сонининг камайиши уларнинг ҳаётини нисбатан оғирлаштиради, болалар тарбияси билан боғлиқ қийинчиликларни туғдиради. Авлоддан-авлодга ўтувчи анъаналарни узатиш – ворислик тизими муайян даражада бузилади [38, с. 35].

Социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, шаҳарларда бўлинмаган оилалар кўпинча ёш оилаларнинг мустақил уй-жойларга эга бўлгунларига қадар, ота-оналари билан бирга яшашлари натижасида вужудга келган. Ота-оналарнинг ёшларга уй ишларида, болалар тарбиясида ёрдамлашишларидан ташқари, уй-рўзғор юритишни, бола тарбиялашни ҳам ўргатишлари уларга маъқул кўринган [33, б. 26].

1960 йилларда бир гуруҳ этнографлар Тошкент ва Самарқанд вилоятларини ўрганиб, Тошкент вилоятининг қишлоқларида тадқиқ этилган оилаларнинг 70 фоизи, Самарқанд вилоятида эса ўрганилган оилаларнинг 85–95 фоизи кичик оилалардан иборат эканини қайд этганлар [39, с. 95].

Педагог ва психологлар орасида кўп ва кам болали ёки якка фарзандли оилалардаги тарбия муҳити, шарт-шароитлари ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Айрим мутахассисларнинг фикрларига кўра, кўп болали оилада ўсган болалар атрофдагилар билан тез алоқага киришиб кета оладилар ва синфдаги болаларга ҳам осонлик билан ўрганадилар, уларда эгоизм йўқ ва катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилишда қийинчилик бўлмайди [19, с. 57]. Педагог Н.Сафаровнинг фикрича, ёлғиз ёки кам болали оилада тарбия фақат “энига” қараб амалга оширилса, кўп болали оилада бола тарбияси “бўйига” ҳам теранлашади [28, с. 44].

Кўп болали оилаларда фарзандларни нафақат ота-оналар тарбиялайди, балки болаларнинг ўзларини ўзлари тарбиялаш жараёни ҳам давом этади. Катта болалар кичикларга доимий эътибор берадилар, ғамхўрлик қиладилар, айни пайтда уларнинг ўзлари ҳам тарбияланадилар. Бундай оилаларда меҳнат тарбияси имкониятлари катта бўлади[43]. Масалан, 9 болали Муртозовлар оиласида ота-оналари ишда бўлгани учун катта ёшли болалар кичикларига қараган. Болаларга иш тенг тақсимланган ва улар доимо меҳнат билан машғул бўлишган [47].

Тошкент шаҳри Мевазор маҳалласида яшовчи 10 нафар фарзанднинг онаси С.Солиева ҳам ўзи ишлагани учун болаларига ишларни тақсимлаб кетгани ва тўнғич ўғли бошқа болаларни назорат қилгани ҳақида сўзлаб берди. Болалар бир-бирлари билан жуда иноқ

бўлишган, ўзига юклатилган вазифани бажариб бўлган каттароқ болалар укаларига ёки сингилларига ёрдамлашган [48].

Кўп болали ўзбек оиласида нафақат маънавий қадриятлар, шу билан бирга ижтимоий-маданий меъёрлар ҳам ўзлаштирилган. Одатга кўра, кўп болали оила турли ёшдаги болалардан иборат бўлган ва болалар орасида ўзаро фаол мулоқот юз берган. Болалар муҳити доимо ўзини-ўзи тарбиялаш ва ўзаро тарбиянинг кучли омили бўлган[43]. Аммо бошқа томондан, серфарзандлик шахсий ва ижтимоий характердаги муайян қийинчиликларни туғдиради. Кўп болали оилаларда ота-оналар, айниқса она учун жисмоний ва руҳий оғирлик ва ташвиш янада ортади. Педагогларнинг фикрича, бу каби оилаларда онанинг болалар билан мулоқотини ўстириш имконияти ва бўш вақти қисқаради, уларнинг қизиқишларига эътибор бирмунча сусаяди [30, с.197].

Бундан ташқари, кўп болали оилаларда болаларнинг ҳаммасига ҳам бирдек муносабатда бўлиш қийин. Тадқиқотчилар Марказий Осиё халқларида кўп болали оилаларда тўнғич ва кенжа фарзанддан бошқалари эътибордан четда қолганлигини таъкидлаб, “каттасини тарбияла, кичиги ўзи ўрганади” деган мақол борлигини қайд этганлар [12, с. 142]. Шунингдек, ёши ёки жинсига боғлиқ тарзда ота-она бирон фарзандига ортиқроқ меҳр қўйиши мумкин. “Бу эса бошқа фарзандларнинг рашкини қўзғатади” [47]. Аммо шунга қарамай, серфарзанд оилаларнинг ижобий жиҳатлари кўп. Кўп болали оилаларда ўзаро ёрдам, аҳиллик, кенгфеъллилик, босиқлик каби хусусиятлар очиқ кўринади. Айни пайтда бундай оилаларда ўсган болаларда ўта камтарлик, кўпроқ бошқаларнинг фикрига бўйсуниш каби хислатлар қарор топиши мумкин[43].

Икки ёки уч фарзандли оилалардаги ижобий ҳолат шуки, ота-оналар болалар парвариши ва тарбиясидан ортган вақтларини ижтимоий фаолият, хизмат иши ва шахсий эҳтиёжлар учун ажратишга ҳаракат қилади.

Якка фарзандга бўлган муносабат кўп болали оилада ўсган болаларга бўлган муносабатдан тубдан фарқ қилади. Ёлғиз фарзандли оилаларда моддий, маънавий ва вақт жиҳатидан ота-оналарда устунлик бўлади. Шунинг учун ҳам кўп болали оилага нисбатан бир болали оилада боланинг қизиқиш ва эҳтиёжларини қондиришга кўп вақт сарфланади, бу эса, албатта, боланинг ҳар жиҳатдан ўсишига таъсир қилмасдан қолмайди. Педагог ва психологлар бундай оилаларда тарбиявий имкониятлар юқори деб ҳисоблайдилар. Чунки “Бола қанча кам бўлса, унга индивидуал ёндашув кучаяди” [23, б. 64]. Яна оилада якка фарзанд бўлган болаларнинг интеллектуал даражаси юқори бўлиши қайд этилган [30, с. 198]. Якка фарзандлар ота-оналари томонидан кўп меҳр ва эътибор кўрадилар, шунингдек, ота-оналари уларнинг қобилиятини ўстириш, ички дунёси ва кечинмаларига кўпроқ аҳамият бериш имкониятига эга бўладилар [37, с. 66]. Лекин бошқа томондан, “оилада битта фарзанд бўлиши, унинг тарбиявий салоҳиятини кескин тарзда ёмонлаштиради” [30,с. 193]. Халқ орасида ҳам якка фарзанд тарбияси ҳақида салбий фикрлар мавжуд, жумладан, бундай болалар одатда эркатой, худбин бўлиши ҳолатлари ҳам кузатилган. Аммо тадқиқотлар жараёнида якка фарзандни ҳам меҳрибон ва яхши хулқ-атворли инсон қилиб тарбиялаган оилалар кам эмаслиги аниқланди [43].

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).

Келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, XX асрнинг 70-йилларига қадар ўзбек оиласида туғилиш даражаси кўтарилиб, ўзининг юқори даражасига чиқди. Бу ҳолатнинг сабаблари сифатида тиббий хизмат сифати яхшиланган боис, болалар ва оналар ўлимининг камайганлиги; қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ишлаб чиқаришда болалар меҳнатидан фойдаланиш зарурияти; ҳомиладорликдан сақловчи воситалар ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги; аёлларга аввало уй бекаси, бола тарбияловчи сифатида қаралиши; ўзбек халқининг серфарзанд ва боласиз кишиларга бўлган муносабатнинг фарқланиши; йигит-қизларнинг эрта турмуш қуриши натижасида фарзанд кўриш даври узайганлиги ва бошқа шу каби омилларни кўрсатиш мумкин.

1980 йиллардан бошлаб аёлларни меҳнатга жалб қилишнинг кенгайиши, маълумот даражасининг ошиши, шаҳар жойларда уй-жой муаммоси пайдо бўлиши, ҳомиладорликдан

сақловчи воситалар қўллана бошлаши ва бошқа шу каби омиллар таъсирида туғилишда пасайиш тенденцияси кузатилади.

1991 йилдан – туғилишнинг камайиши янада кескинлашди. Бунга, бир тарафдан, бозор муносабатларига ўтилиши ва иқтисодий муаммолар, бошқа тарафдан, давлатнинг оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом авлод тарбиясига оид олиб борган сиёсати, яъни бу борада тарғибот ишларининг олиб борилиши, акушерлик ва гинекология хизмати сифатининг юксалиши, контрацепция воситаларини оммавий қўллаш имконияти, иқтисодий табақлашувнинг чуқурлашуви, бола тарбиясининг мураккаблашуви ва аҳоли онгида оилада бола сонига нисбатан масъулият ҳиссининг ортиши каби омиллар сабаб бўлди.

Оила тарбия муҳити бўлгани учун унинг катта ёки кичиклиги, яъни ундаги болалар сони ҳам тарбия имкониятларига таъсир қилади. Кўп болали ва кам болали ёки якка фарзандли оилаларнинг тарбиявий салоҳияти турлича ва ҳар бирида тарбияга оид ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари мавжуд. Мазкур хусусиятларни ўрганиб айтиш мумкинки, икки ёки уч фарзандли оилалар ҳозирги кунда ҳар жиҳатдан қулай тарбиявий имкониятларга эга.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Ата-Мирзаев О. Б. Актуальные задачи комплексного исследования региональных проблем народонаселения Средней Азии //Региональные демографические исследования. –Ташкент, 1978. –С. 29 – 37 (Ata-Mirzaev O.B. Actual tasks of a comprehensive study of regional population problems in Central Asia // Regional demographic studies. –Tashkent, 1978. –P. 29 - 37).
2. Ата-Мирзаев О. Б., Артыкбаев Р. Д., Каштаненкова И. И. Проблемы развития городской семьи в Узбекистане// Региональные особенности воспроизводства населения и демографической политики. – Ереван, 1983. – С. 6 – 15 (Ata-Mirzaev OB, Artykbaev RD, Kashtanenkova I. Ya. Problems of urban development in Uzbekistan // Regional features of reproductive health and demographic policy. - Yerevan, 1983. - p. 6-15.).
3. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети ва тарбия муаммолари // Оналик ва болалик – давлат сиёсатининг устувор йўналиши. – Тошкент, 2001. –Б. 50–58. (3. Bekmurodov M. Uzbek mentality and problems of education // Motherhood and childhood - a priority of state policy. - Tashkent, 2001. –P. 50-58).
4. Бондарская Г. А. Рождаемость у народов СССР // Сто нации и народности СССР. – М., 1985. – 103 с. (4. Bondarskaya GA Fertility among the peoples of the USSR // Hundred nations and nationalities of the USSR. - M., 1985. - 103 p.)
5. Бўриев О. Оила ва социалистик турмуш тарзи. – Т.: Ўзбекистон, 1982. – 30. (Boriev O. Family and socialist way of life. – T.: Uzbekistan, 1982. - 30 p.)
6. Бўриева М. Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Тошкент: Университет, 1997. – 178 б. (Borieva M. R. Family demography in Uzbekistan. - Tashkent: University, 1997. - 178 p.)
7. Вербицкая О. М. Сельское население Российской Федерации в 1939-1959гг. (Демографические процессы и семья): Автореферат дис... докт. ист. Наук. – Москва, 2002 50 с (Verbitskaya OM Rural population of the Russian Federation in 1939-1959. (Demographic processes in the family): Author's abstract. Dis. .. Cand. Econ. ist. Science. - Moscow, 2002 50 p.)
8. Женщины в Республике Узбекистан. –Ташкент, «Госкомпрогнозстат», 1993. – 206 с. (Women in the Republic of Uzbekistan. - Tashkent, "Goskomprognozstat", 1993. - 206 p.)
9. Жданко Т. А. Состав семьи // Семейный быт народов СССР. – М.: Наука, 1990. – С.475 – 489.(Zhdanko TA Composition of seven // Family life of the peoples of the USSR. - M. : Nauka, 1990. -- S.475 - 489.)

10. Захарова О.Д. Демографическиая ситуация в СССР в 80-е годы // Социологические исследование. – Москва, 1991. – № 4. – С. 40 –51.(Zakharova O.D. Demographic situation in the USSR in the 80s // Sociological research. - Moscow, 1991. - No. 4. - P. 40-51.)
11. Змеева С А Социально- демографическое поведение населения современной России: Автореферат дис... канд. соц. наук. Саратов, 2010. 23 с. (Zmeeva SA Socio-demographic behavior of the population of modern Russia: Abstract of the thesis. .. cand. social the science. Saratov, 2010.23 p.)
12. Измайлов А. Э. Народная педагогика: педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Педагогика, 1991. – 250 с. (Izmailov A. E. . Folk pedagogy: pedagogical views of the peoples of Central Asia and Kazakhstan. - M. : Pedagogika, 1991. -- 250 p
13. Камилова Ф. К. Демографический потенциал Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1991. – 143 с.(Kamilova FK Demographic potential of Uzbekistan. - Tashkent: Uzbekistan, 1991. − 143 p.
14. Каримова В.М. Ўзбекистонда оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш механизмлари // Оила: ижтимоий ҳимоя омиллари – Тошкент, 2007. – Б. 8–9. (Karimova V.M. Mechanisms of social protection of families in Uzbekistan // Family: factors of social protection - Tashkent, 2007. - P. 8-9.)
15. Каткова И., Маматохунова А. Некоторые аспекты формирования современных многодетных семей // Демографическая ситуация в СССР. – М., 1976. – С. 6 – 18. (Katkova I., Mamatoksunova A. Some aspects of the formation of modern multinational families // Demographic situation in the USSR. - M., 1976. - p. 6 - 18.)
16. Коротеева Б.В. Этносоциальные аспекты рождаемости у населения многонационального города /https://journal.iea.ras.ru/archive/1980s/1986/no6/1986_6_013_Koroteeva. (10.03.21) (Koroteeva B.V. Ethnosocial aspects of fertility among the population of a multinational city / https://journal.iea.ras.ru/archive/1980s/1986/no6/1986_6_013_Koroteeva. (10.03.21)
17. Латышев И.А. Семейная жизнь японцев. – М.: Наука, 1985. – 288 с. (Latyshev I.A. Family life of the Japanese. - M. : Nauka, 1985. -- 288 p.)
18. Максакова Л. Демографическая ситуация в Узбекистане с точки зрения социальной безопасности / https://cyberleninka. ru/article/n/ demograficheskaya-situatsiya-v-uzbekistane-s-tochki-zreniya-sotsialnoy-bezopasnosti (13.03.21) (Maksakova L. The demographic situation in Uzbekistan from the point of view of social security / https://cyberleninka.ru/ article/n/demograficheskaya-situatsiya-v-uzbekistane-s-tochki-zreniya-sotsialnoy-bezopasnosti (13.03.21)
19. Мария Земска. Семья и личность. – М.: Прогресс, 1986. – 133 с. (Maria Zemskaya. Family and personality. - M. : Progress, 1986. - 133 p.)
20. Мать-героиня. Большая российская энциклопедия // https://bigenc.ru/domestic_history/text/2194843 (07.03.21) (Hero mother. Great Russian Encyclopedia // https://bigenc.ru/ domestic_ history/text/2194843 (07.21.21)
21. Мирхасилов С. Социально-культурные изменения и их отражение в современном семье сельского населения Узбекистана // Советская этнография. – Москва, 1979. – № 1. – С. 3 –14. (Mirkhasilov S. Socio-cultural changes and ix reflection in the modern family of the rural population of Uzbekistan // Soviet ethnography. - Moscow, 1979. - No. 1. - p. 3-14.
22. Моногарова Л.Ф. Воспитание детей // Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М., 1969. – С. 212–222. (Monogarova L.F. Raising children // Ethnographic essays of the Uzbek rural population. - M., 1969. - p. 212-222.)
23. Мунавваров А. К. Оила педагогикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. –112. б. (Munavvarov A. K. Family pedagogy. - Tashkent: Teacher, 1994. –112. p.)
24. Назарова Ҳ., Мамадалиева Ҳ. Оиланинг ижтимоий-демографик хусусиятлари // Оила. – Тошкент, 2005. – № 2. – Б. 57–59. (Nazarova H., Mamadalieva H. Socio-demographic characteristics of the family // Family. - Tashkent, 2005. - No. 2. - P. 57-59.)

25. Партия XXVII съезди материаллари. – Тошкент, 1987. – 35 б. (Materials of the XXVII Congress of the Party. - Tashkent, 1987. - 35 p.)
26. Поляков С.П. Традиционализм в современном среднеазиатском обществе. – М., 1989. – 109 с. (Polyakov S. P. Traditionalism in modern medieval society. - M., 1989.-109 p.
27. Сангилов М. Оила ва коммунистик тарбия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 160 б. (Sangilov M. Family and communist education. - Tashkent: Teacher, 1988. - 160 p.)
28. Сафаров Н. Прогрессивные идеи и опыт народной педагогики Узбекистана. – Тошкент: Фан, 1989. – 156. (Safarov N. Progressive ideas and experience of folk pedagogy in Uzbekistan. - Tashkent: Fan, 1989. - 156.)
29. Савинов Л.М. Семья и общество: история, современность и взгляд в будущее. – Саранск: Изд. Мордов. ун-та, 1992. –144 с. (Savinov L.M. Family and Society: History, Present and Outlook. - Saransk: Ed. Mordov. University, 1992. –144 p.)
30. Титаренко В. Я. Семья и формирование личности. – М.: Мысль, 1987. – 352 с. (Titarenko V. Ya. Family and personality formation. – M., 1987.- 352 p.)
31. Турдиев Ш. М. Современные тенденции демографического развития в Узбекистане https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennye-tendentsii-demograficheskogo-razvitiya-v-uzbekistane (13.03.21) (Turdiev Sh.M. Modern trends in demographic development in Uzbekistan https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennye-tendensii-demograficheskogo-razvitiya-v-uzbekistane (13.03.21)
32. Туреева Н.К., Мамадалиева Ҳ.Х. Туғилиш ва унинг оила билан боғлиқлиги // Оила: ижтимоий ҳимоя омиллари. – Тошкент, 2007. –Б. 17–18. (Tureeva N.K., Mamadalieva Kh.Kh. Birth and its relation to the family // Family: factors of social protection. - Tashkent, 2007. –P. 17-18.)
33. Тоштемиров У. Социалистик оила. – Тошкент, 1977. – 140 б. (Toshtemirov Y. Socialist family. - Tashkent, 1977. -- 140 p.)
34. Тоштемиров У. Современная социалистическая семья и тенденции её развития. – Ташкент, 1982. – 97 с. (Toshtemirov Y. Modern socialist family and development trends. - Tashkent, 1982. - 97 p.)
35. Убайдуллаева Р. А. Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият. – Тошкент: Фан, 2006. – 444 б. (Ubaidullaeva R. A. Independent Uzbekistan: women, family and society. - Tashkent: Fan, 2006. - 444 p.)
36. Харчев А. Г. Брак и семья в СССР. – М., 1979. – 286 с. (Kharchev A. GRAMM. Marriage and family in the USSR. - M., 1979. - 286 p.)
37. Хоментаускас Г. Т. Семья глазами ребенка. – М.: Педагогика, 1989. –160 с. (Khomentauskas G. T. Family through the eyes of a child. - M. : Pedagogy, 1989. –160 p.)
38. Шмелева М.Н. Некоторые проблемы этнографического изучения современной городской семьи русских // Проблемы и методы исследований современной семьи. – М.: Инс. этнол. и антропол. РАН, 1997. – С.35 – 48. (Shmeleva M.N. Some problems of ethnographic study of the modern Russian semi-Russian language // Problems and methods of research of the modern semi-Russian language. - M. : Ins. ethnol. and anthropolis. RAS, 1997. - pp. 35 - 48.)
39. Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М., 1969. – 196 с.(Ethnographic sketches of the rural population of Uzbekistan. - M., 1969. - 196 p.)
40. Ўзбекистон Республикаси. Минг йилликнинг ривожланиш мақсадларига хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича миллий ҳаракат дастури доирасида эришиш. – Тошкент, 2005. – 160 б. (Republic of Uzbekistan. Achievement of the Millennium Development Goals within the framework of the national program of action for the advancement of women. - Tashkent, 2005. - 160 p.)
41. Тадқиқотчи қайдлари. Сурхондарё вилояти, 1998–2001 йиллар. (Notes of the researcher. Surkhandarya region, 1998-2001)

42. Тадқиқотчи қайдлари. Наманган, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри, 2007 йил.(Notes of the researcher. Namangan, Surkhandarya regions and the city of Tashkent, 2007)
43. Тадқиқотчи қайдлари. Сурхондарё, Наманган, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри маҳаллалари бўйлаб олинган, 1998−2018 йиллар. (Notes of the researcher. Received in Surkhandarya, Namangan, Fergana, Bukhara, Samarkand, Khorezm regions and makhallas of Tashkent 1998-2018.)
44. Тадқиқотчи қайди. Тошкент шаҳар “Мевазор” маҳалласи, 2007 йил. (Researcher's note. Mahalla Mevazor, Tashkent, 2007)
45. Тадқиқотчи қайдлари, Сурхондарё в. Денов, Ангор туманлари, 2007 йил. (Notes of the researcher, Surkhandarya p. Denau, Angor County, 2007).
46. Тадқиқотчи қайди. Термиз шаҳар “Юлдуз” маҳалласи, 2008 йил. (Researcher's note. Termez city, Yulduz mahalla, 2008)
47. Тадқиқотчи қайди. Термиз шаҳар Учқун маҳалласи, 2009 йил. (Researcher's note. Uchkun makhalla of the city of Termez, 2009)
48. Тадқиқотчи қайди. Тошкент шаҳар “Самарқанд дарвоза” маҳалласи, 2010 йил. (Researcher's note. Tashkent, makhalla Samarkand Darvoza, 2010)
49. Социологик сўров натижалари, 2007 йил.(The results of a sociological survey, 2007.)
50. Hamdamovich, RA (2020). OZBEKLARDA FARZAND TARBIYASI VA OILAVIY MUNOSABATLAR MASALASINI ORGANILISHI TARIXSHUNOSLIGI. O'tmishga nazar jurnali, 9 (3). Хамдамович, Р.А. (2020). ИСТОРИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ДЕТСКИХ И СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ. Журнал прошлого, 9 (3). Hamdamovich, RA (2020). HISTORICAL STUDIES OF CHILDREN'S RAISING AND FAMILY RELATIONS IN UZBEKISTAN. Journal of the Past, 9 (3)
51. Ubaydullayeva B.M. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL 11 (1), 643-649. (2021). Б.М. Убайдуллаева АКАДЕМИКА: МЕЖДУНАРОДНЫЙ МНОГОДИСЦИПЛИНАРНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ЖУРНАЛ 11 (1), 643-649. (2021 г.).
52. XX asr boshlarida O‘zbekistonning tog‘li tumanlarining etnik tarkibi (Sangzor-Zomin viloyati misolida) AD Bababekov - Nazariy va amaliy fanlar, 2019 - elibrary.ru. Этнический состав горных районов Узбекистана в начале XX века (на примере Сангзор-Зааминского района) А.Д. Бабабеков - Теоретические и практические науки, 2019 - elibrary.ru. Ethnic composition of mountainous areas of Uzbekistan in the early twentieth century (on the example of Sangzor-Zaamin region) AD Bababekov - Theoretical and practical sciences, 2019 - elibrary.ru
53. Obshchestvennyy kontrol kak faktor sotsializatsii detey v uzbekskoy maxallesi BM Ubaydullaeva - Sovremennye gumanitarnye issledovaniya, 2014 - elibrary.ru; Jamoatchilik nazorati o'zbek mahallalaridagi bolalarni ijtimoiylashtirish omili sifatida B.M.Ubaydullaeva - Zamonaviy gumanitar tadqiqotlar, 2014 - elibrari.ru; Public control as a factor in the socialization of children in the Uzbek mahalles BM Ubaydullaeva - Modern humanitarian research, 2014 - elibrari.ru

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Дилдора Алиназарова,
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси
катта ўқитувчиси, Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
orator8787@mail.ru

УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ДАВРИЙ НАШРИЁТ ТИЗИМИДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР

For citation: Dildora Alinazarova, STRUCTURAL CHANGES IN THE FERGHANA VALLEY PERIODIC PRINTING SYSTEM IN THE POST-WAR YEARS. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.59-67

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-5

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада кенг манбалар таҳлили асосида урушдан кейинги йилларда Фарғона водийси даврий матбуот тизимидаги таркибий ўзгаришлар кўриб чиқилади. Урушдан кейинги йилларда водий даврий матбуотида сезиларли таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, маблағни тежаш мақсадида кўплаб шаҳар ва вилоят газеталари ёпилди, шу билан бирга, икки ёки ундан ортиқ туманлараро газеталар бирлаштириб очила бошланди. кўпроқ газета таҳририятлари, СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1957 йил 11 сентябрдаги 19-сонли “Давлат ва жамоат арбоблари номларини ҳудудларга, вилоятларга, туманларга, шунингдек, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари, корхоналар, колхозлар, муассасалар ва ташкилотларга беришни тартибга солиш тўғрисида”ги Фармонига асосан Фарғона водийсидаги бир қатор газета ва журналлар номи ўзгартирилди.

Калит сўзлар: совет ҳокимияти, даврий нашрлар, Фарғона водийси, туманлараро газеталар, газеталар номини ўзгартириш, “Знамя Труда”, “Чуст ҳақиқати”, журналлар, агитатор дафтарлари, даврий нашрлар, бюллетенлар.

Дилдора Алиназарова,
старший преподаватель кафедры «История Узбекистана»,
Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека
orator8787@mail.ru

СТРУКТУРНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ В СИСТЕМЕ ПЕРИОДИЧЕСКОЙ ПЕЧАТИ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ В ПОСЛЕВОЕННЫЕ ГОДЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе анализа широкого круга источников рассмотрено структурные изменения в системе периодической печати Ферганской долины в послевоенные годы.

В послевоенные годы были осуществлены существенные структурные изменения в периодической печати долины, для экономии денежных средств, были закрыты много городские и районные газеты, в то же время стали открываться межрайонные газеты с помощью объединения двух или более редакций газет, согласно Указу Президиума Верховного Совета СССР от 11 сентября 1957 года № 19 «Об упорядочении дела присвоения имён государственных и общественных деятелей краям, областям, районам, а также городам и другим населённым пунктам, предприятиям, колхозам, учреждениям и организациям», было совершено переименование ряда газет и журналов Ферганской долины.

Ключевые слова: советская власть, периодическая печать, Ферганская долина, межрайонные газеты, переименование газет, «Знамя труда», «Чуст хақиқати», журналы, блокноты агитаторы, периодические сборники, бюллетени.

Dildora Alinazarova,
senior lecturer of the department "History of Uzbekistan",
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
orator8787@mail.ru

STRUCTURAL CHANGES IN THE FERGHANA VALLEY PERIODIC PRINTING SYSTEM IN THE POST-WAR YEARS

ABSTRACT

Based on an analysis of a wide range of sources, this article examines the structural changes in the system of periodicals in the Fergana Valley in the post-war years.

In the post-war years, significant structural changes were made in the periodical press of the valley, in order to save money, many city and regional newspapers were closed, at the same time, inter-district newspapers began to open by combining two or more newspaper editorial offices, in accordance with the Decree of the Presidium of the Supreme Soviet of the USSR from On September 11, 1957, No. 19 "On streamlining the assignment of names of statesmen and public figures to territories, regions, districts, as well as cities and other settlements, enterprises, collective farms, institutions and organizations", a number of newspapers and magazines of the Fergana Valley were renamed.

Index Terms: soviet power, periodicals, Fergana Valley, interdistrict newspapers, renaming of newspapers, "Znamya Truda", "Chust haqiqati", magazines, agitator notebooks, periodicals, bulletins.

---

1. Актуальность.

В эпоху радикальных реформ в обществе, при определении планов на будущее, важно смотреть в прошлое, изучать историю поколений и повседневную жизнь населения.

В связи с тем, что наша история ранее писалась под влиянием господствующей идеи, одностороннего подхода к происходившим событиям, многие события и инциденты освещались с классовой точки зрения, а события советской истории освещались искажённо. В частности, все достижения считались продуктом социалистической системы, а ее негативные последствия иногда преувеличивались или частично отражались в исследованиях советской эпохи. Поэтому необходимо концептуально и методологически переосмыслить эту страницу нашей истории, более глубоко изучить ее на основе источников. Необходимо изучить и анализировать различные исторические источники, критически оценить, правильно интерпретировать и раскрыть правдивую и полную картину нашей истории. Раскрытие некоторых аспектов структурных изменений в системе периодических изданий Ферганской долины в послевоенные годы остается одной из самых актуальных проблем и сегодня.

2. Методы и степень изученности

В процессе исследования использовались такие научные методы исследования, как исторический и сравнительный анализ, проблемно-хронологический, объективность, систематизация и междисциплинарный подход.

Среди исследований советского периода можно выделить научные труды таких учёных, как М.Авшаровой, Т.Э. Эрназарова, Р.Аминовой, Т.Джураева, З.И. Юлдашева, Р. А. Сафарова, А. Хакимова, А. И Акбарова, А.Бобохонова и других. В данных работах рассмотрены и проанализированы этапы развития периодической печати в Туркестане в 1870-1925 гг., история печати Узбекистана 1925-1977 годах [1].

В годы независимости особое внимание следует уделить брошюрам [2], учебным пособиям [3], фундаментальным публикациям [4], монографиям [5] и коллективным научным работам [6], написанным с использованием новых методологических подходов, научно-исследовательским работам и научным статьям, прямо или косвенно затрагивающие данную тематику.

3. Результат исследования

К маю 1945 г. структура советской печати представляла собой чётко разработанную систему военной и тыловой прессы, рассчитанной на условия военного времени. Закончилась война, страна залечивала раны, восстанавливалась нормальная мирная жизнь. И сразу расширилась тематика и идеологическая функция публикаций: стройки, промышленность, село, быт… Газета явила собой новую страницу истории области, республики, государства.

Высвободившихся из сферы военной печати журналисты, денежные средства, полиграфическая техника и бумага направлялась в центральные и местные газеты. Постепенно увеличивался объем изданий, шло восстановление сети республиканских, а затем и областных, молодежных газет, начали появляться всё новые издания различных уровней. В 1946 г. в СССР выходило 7039 газет, разовый тираж которых составлял около 30 млн экземпляров, тогда как в 1942 г. и вплоть до окончания Второй мировой войны издавалось ежегодно немногим более 4,5 тыс. газет, а их разовый тираж составлял 18 млн экземпляров[7]. Рост темпов выпуска газет тоже можно проследить на примере областных и районных газет Ферганской долины. Если в годы войны издавалось 38 газет, то после войны их число выросло на 42 [8].

В послевоенные годы периодическая печать стала инструментом организации восстановления разрушенного хозяйства. В многочисленных партийных постановлениях были определены задачи каждой группы изданий, ориентированных на конкретную читательскую аудиторию. Так, многотиражные газеты должны были освещать темы внутрипартийной жизни и деятельности организации в целом, социалистического соревнования, бороться с нарушителями трудовой дисциплины. Городские газеты нацеливались на всестороннее освещение жизни промышленных предприятий, культурных учреждений, городского хозяйства. Одним из главных задач районных газет была идейно-политическое воспитание населения, организация его на решение местных вопросов.

Одной из таких районных газет Ферганской долины была газета «Сталин юлы». 20 ноября 1931 года впервые в Чустском уезде началось издание газеты. Она называлась «Ижтимоиёт» («Обществоведение») и считалась изданием исполнительного комитета уезда Чуст-Пап. Данная газета с 10 октября 1932 именовалась «Чуст хакикати» («Чустская правда»), а в 1933-1960 гг. «Сталин йўли» («Сталинский путь») [9]. Начиная с 22 мая 1960 года до настоящих дней, газета выходит под названием «Чуст хакикати» [10]. С момента выпуска газеты общее число её дошло до 6,5 тысяч [11].

Типография, образованная в 1936 году в Чусте многие годы, была занята лишь изданием газеты уезда «Чуст хакикати». Среди почётных типографов можно назвать К.Халикова, И.Шодиева, К.Зоидова, С.Вахобова, Т.Эргашева, М.Вахобова, М.Турахонова, которые внесли большой вклад в развитии типографии города [12]. Издание газеты «Чуст хакикати» проходило нелегко. Несколько раз номера газеты отпечатывали в типографии

«Ударник» города Намангана, а когда не хватало краски, использовались и ресурсы Андижанской типографии «Коммунист» [13].

Ещё одной из газет, которая имела большое влияние на жизни жителей долины была газета «Знамя труда». История этой кокандской городской газеты началась в очень далёком 1917 году и называлась тогда «Известия». 11 мая выходит ее первый номер. К сожалению, до нас не дошли имена тех, кто трудился над ее выпуском. Не сохранилось и самих газет. Время менялось стремительно, как и события тех лет, менялся сам ход истории. Менялась и газета, менялись ее названия. До 30 мая 1930 года это - «Кокандское эхо», затем «Знамя труда». В годы второй мировой войны газета закрылась, а спустя несколько лет после ее окончания, а точнее в 1952 году, снова стала издаваться [14].

Газета продолжает летопись родного города. Ее герои – это простые труженики, люди с повседневными радостями, проблемами, буднями и праздниками. Газета жила для читателя, для своего героя, слушала ему, помогала решать наболевшие вопросы. А для некоторых она была последней инстанцией, последней надеждой. Потому, что «Знамя труда» - это люди, посветившие свою жизнь самому интересному и древнейшему на земле делу - журналистике. С блокнотами в руках они всегда были (и остаются) слушателями пульса жизни города. Первый асфальт на окраинах, новая продукция заводов и фабрик, уникальная врачебная операция, ритм новостроек - всюду успевали газетчики, чтобы утром об этих новостях узнали горожане.

Помимо районных и городских газет, в долине функционировали журналы, блокноты агитаторы, периодические сборники и бюллетени. В том числе, в одной только Ферганской долине издавались 5 периодических сборников, а именно: «Сборник трудов Андижанского государственного медицинского института» [15], «Труды Андижанского государственного педагогического института» [16], «Учёные записки института имени Хамза Хакимзаде Ниязи» Наманганского педагогического института, «Учёные записки Ферганского государственного педагогического института» [17] и «Учёные записки Кокандского государственного педагогического института» [18].

В соответствии с Указом Президиума Верховного Совета СССР от 11 сентября 1957 года № 19 «Об упорядочении дела присвоения имён государственных и общественных деятелей краям, областям, районам, а также городам и другим населённым пунктам, предприятиям, колхозам, учреждениям и организациям» [19] органами государственной власти и государственного управления Советского Союза союзных и автономных республик, краев и областей, произведены переименования городов и населённых пунктов, административно-территориальных единиц, учреждений, организаций, предприятий, строек и колхозов, которым ранее были присвоены имена Сталина, членов антипартийной группы и других лиц.

Конечно же, после этого Указа Президиума Верховного Совета СССР были рассмотрены переименования газет и журналов, потому что, многие районные и низовые газеты носили имена Сталина и Ленина.

Следующий приказ, тоже является как бы продолжением вышеуказанного документа. Для исполнения Указа, от 20 ноября 1959 года был издан приказ по Министерству культуры УзССР № 461 «Об организации межрайонных газет с 1 января 1960 года». В соответствии с принятым данного решения, с 1 января 1960 года половинного формата газеты «Правда», 4 полосные, выходившей с периодичностью 104 номера в год (гонорар за номер 200 рублей, цена 1 экз. 15 копеек и стоимость подписной платы в год 15 рублей 60 копеек) [20], было приказано начальнику Главиздата Министерства культуры УзССР Т.Юсупову и начальникам областных управлений культуры, обеспечить в периоде до 1 января 1960 года организацию следующих межрайонных газет за счёт прекращения выпуска нижеперечисленных районных газет:

а) по Наманганской области: организовать газету «Хосил учун» - орган Наманганского областного комитета, Тюракурганского и Касансайского районных комитетов КП Узбекистана. Прекратить издание с 1 января 1960 года районных газет «Хосил

учун» Тюракурганского и «Сталинчи» Касансайского районов, а также газеты «Ленин байроғи» Наманганского района, обслуживаемый областными газетами [21].

б) по Андижанской области: организовать следующие межрайонные газеты: 1. «Пахта учун кураш» - орган Андижанского областного комитета Кургантепинского, Ворошиловского и Джалял-кудукского районных комитетов КП Узбекистана; 2. «Коммунизм учун» - орган Андижанского областного комитета Сталинского, Холдевонбекского и Бузского районных комитетов КП Узбекистана; 3. «Коммунизм сари» - орган Андижанского областного комитета Хаджиабадского и Мархаматского районных комитетов КП Узбекистана; 4. «Коммунист» - орган Андижанского областного комитета Пахта-абадского и Избаскентского районных комитетов КП Узбекистана; 5. «Ленинчи» - орган Андижанского областного комитета Алтынкульского, Андижанского и Ленинского районных комитетов КП Узбекистана; 6. «Пахта ғалабаси» - орган Андижанского областного комитета Балыкчинского и Чинабадского районных комитетов КП Узбекистана [22].

Прекратить издание с 1 января 1960 года районные газеты – «Ленин учқуни» Кургантепинского, «Пахта учун кураш» - Ворошиловского, «Учкун» - Джалалкудукского, «Сталинчи» - Сталинского, «Коммунизм сари» - Мархаматского, «Коммунист» - Избаскентского, «Пахта учун» - Пахтаабадского, «Ленинчи» - Ленинского, «Социалистик мехнат» - Алтынкульского, «Андижон ҳақиқати» - Андижанского, «Пахта ғалабаси» - Балыкчинского и «Ғалаба» - Чинабадского районов [23].

в) по Ферганской области: 1. Объединить газету «Коммунизм сари» Ахунбабаевского района с Маргеланской городской газетой и впредь газету «Магелан хакикати» - считать органом Маргеланского и Ахунбабаевского районного комитетов КП Узбекистана; 2. Объединить газету «Коммуниз юлы» Фрунзенского района с Кокандской городской газетой «Янги Фаргона» и отныне считать газету «Янги Фаргона» - органом Кокандского городского и Фрунзенского районного комитетов КП Узбекистана.

Помимо этого, стоит отметить и экономическое функционирование редакции газет. Согласно, приказу министерства культуры УзССР № 461 «Об организации межрайонных газет с 1 января 1960 года», с 1 октября 1959 года были установлены новые размеры гонорара по газетам за номер, а именно: «За Коммунизм» и «Наманган хакикати» - орган Наманганской области – 2000 р., было запрещено редакциям газет производить какие-либо доплаты из гонорарного фонда штатным работникам редакции за работы, которые входят в круг их служебных обязанностей, в том числе за титульное редактирование как штатным, так и внештатным сотрудникам. Были установлены, что за принятый к печати, набранный, но неопубликованный материал, гонорар работникам редакций газет и журналов не выплачивается. Выплата гонорара внештатным сотрудникам за неопубликованные материалы, могли производиться лишь в отдельных случаях, и только по решению редколлегий [24].

Здесь стоит отметить и о существование добровольных рабочих и крестьянских корреспондентов в советский период. Они всегда оценивались в литературе как проявление инициативы масс и как новация советской печати. Со стороны власти, народным корреспондентам ставились реальные задачи, и они неоднократно менялись. В ходе наших исследований, мы столкнулись с архивным документом, раскрывающим материалы III съезда рабселькоров Узбекистана от 12 октября 1964 года [25]. По указанию ЦК, согласно постановлению ЦК КПСС «Об улучшении руководства массовым движением рабочих и сельских корреспондентов советской печати» от 30 августа 1958 г. на местах проводятся конференции, совещания, школы рабочих и сельских корреспондентов. Уже в названии этого постановления была дана важная характеристика движению рабселькоров советской печати и что это явление должно быть непременно массовым.

В хрущевский период власть вновь решила обратиться к помощи рабселькоровского движения, которое в послевоенное десятилетие пришлось реанимировать. Специалисты, как правило, акцентируют свое внимание на становлении и развития движения рабселькоров. Между тем его развитие в 1953 - 1964 гг. имела свои особенности. Этому доказательством

служит массовость участников, т.е. на основе списка делегатов республиканского съезда рабселькоров по Ферганской и Андижанской областям [26], мы можем увидеть такой исторический момент, во-первых, это «общественно-политическое движение трудящихся, активно участвующих в работе большевистской печати» и, во-вторых, рабселькоровское движение, рассматриваемое как неограниченность свободы печати, которой пользовались в советской стране все трудящиеся. В работе республиканского съезда с Андижанской области участвовали 18 делегатов и с Ферганской области 20 делегатов, то есть по одному представителю из каждой редакции газет области.

Официально проводился ещё приём журналистов и внештатных авторов в Союз журналистов СССР. В архивных источниках хранятся все протоколы заседания Секретариата правления Союза журналистов Узбекистана, одним из них является протокол от 27 августа 1974 года № 8/31. Здесь можно найти ряд интересных фактов, о том как бывший декан нашего факультета НУ Уз Гога Абрарович Хидоятов, тоже был принят в ряды союза журналистов СССР, как внештатный автор. Он сотрудничал с органами печати с 1959 года [27].

В 70-е годы прошлого столетия сформировался солидный состав лекторской группы союза журналистов Узбекистана. В список лекторов, по теории и истории печати, по вопросам телевидения и радио вошли: Абдуллаев В.К, Шамаксудов А.Ш и Тагаев А.Т. – доценты ТашГУ (сейчас НУУз), Алякринская А.И и Каримов А.К. – старшие преподаватели ТашГУ, Нестеренко Ф.П – к.и.н., ст.пред.ТашГУ, Пидаев Т.Р. - к.и.н. заведующий кафедрой журналистики ТашГУ, Рихсиев Б. – преподаватель ТашГУ и Эрназаров Т.Э. – д.и.н., заведующий кафедрой теории и практики партийной и советской печати ТашГУ [28].

По инициативе этих лекторов организовывались семинары по повышению правовых, экономических знаний журналистов. На заседании Секретариата Правления Союза журналистов Узбекистана рассматривались отчёты о проделанных работах в этой сфере. 28 ноября 1974 года был выслушан отчёт Наманганской областной организации о работе по повышению экономических знаний журналистов. Докладывал Л.Хамраев – председатель бюро областной журналистской организации. В обсуждении приняли участие Есенбаев, Исмаилов, Уваров, Назиров, Кариев. Было решено одобрить работу, проводимую бюро Наманганской областной организации о работе по повышению экономических знаний журналистов и рекомендовать редакциям областных газет «Наманган хакикати» и «Наманганская правда» провести летучки по теме «Экономическая учёба журналистов и её действенность», а также обратили внимание на то, как сказывалась учёба на их компетентности в вопросах экономики, содержании и уровне публикуемых материалов [29].

Действительно, в Ферганской долине, в том числе в бюро Ферганской областной журналистской организации Союза журналистов Узбекистана был сформирован определённый опыт по руководству университетами и школами рабселькоров и он, как основной план мероприятий на 1974 год был включён в план союза журналистов Узбекистана [30]. А также, практика творческой работы первичных журналистских организаций Ферганской областной организации Союза журналистов Узбекистана, организация экономической учёбы журналистов Наманганской областной организации Союза журналистов Узбекистана тоже были включены в план работы союза журналистов Узбекистана. Помимо этого, со стороны Союза были запланированы республиканские творческие семинары на темы «Соревнование и печать», «Мастерство фотожурналиста и качество фотоиллюстрации в районных и городских газетах» и т.д. [31].

Необходимо отметить, что основной работой правления Союза журналистов было обобщение опыта местной печати и обмен с ними. По инициативе союза журналистов, с первого номера 1975 года были заведены рубрики «Никто не забыт, ничто не забыто» (или «журналисты на войне»). Начали публиковаться материалы о журналистах – участниках Второй мировой войны (о тех, кто не вернулся в редакцию, и о тех, кто воевал и 70-е годы XX века выполнял долг на трудовом фронте) [32].

4. Выводы

Делая выводы из всего вышесказанного можно сказать, что послевоенные годы были осуществлены существенные структурные изменения в периодической печати долины, т.е. расширилась тематика и идеологическая функция публикаций: стройки, промышленность, село, быт; для экономии денежных средств, были закрыты много городские и районные газеты, в то же время стали открываться межрайонные газеты с помощью объединения двух или более редакций газет;

Согласно Указу Президиума Верховного Совета СССР от 11 сентября 1957 года № 19 «Об упорядочении дела присвоения имён государственных и общественных деятелей краям, областям, районам, а также городам и другим населённым пунктам, предприятиям, колхозам, учреждениям и организациям» [33], было совершено переименование ряда газет и журналов Ферганской долины. Как пишут многие специалисты, пишущие по этой тематике о «свободе мысли и слова», то мы, говоря о цензуре того периода, должны отметить, что партийный и государственный «контроль» над прессой был и это явно не секрет.

Награждение журналистов или оказание им материальной помощи, проведение различного рода семинаров, конференций и встреч на уровне республики и бывшего Советского Союза, организации 70-е годы прошлого столетия состава лекторской группы союза журналистов Узбекистана даёт нам сегодня ряд идей по форме организации работ в периодической печати республики. Это один из положительных аспектов проделанной работы в области журналистики послевоенных лет.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Авшарова М. Русская периодическая печать в Туркестане (1870-1917). Библиографический указатель литературы. – Т., 1960; Эрназаров Т.Э. Туркистонда вақтли матбуот (1870-1925 йиллар). -Т.: Ўздавнашр, 1959; Эрназаров Т.Э. Расцвет народной печати в Узбекистане. Т.: Узбекистан, 1968; Эрназаров Т.Э. Акбаров А.И. История печати Туркестана (1870-1925). - Т.: Ўқитувчи, 1976; Эрназаров Т.Э. Акбаров А.И. История печати Узбекистана (1925 – 1952). - Т.: Ўқитувчи, 1977; Эрназаров Т.Э. Акбаров А.И. История печати Узбекистана (1952-1977). - Т.: Ўқитувчи, 1978; Аминова Р., Джураев Т. Узбекистан в годы Великой Отечественной войны (1941-1945). –Т.: Издательство «Фан», 1966; Юлдашев З.И. Развитие книгоиздательского дела в Узбекистане. - Т.: Узбекистан, 1969; Сафаров Р. А. Пресса Узбекистана в коммунистическом строительстве. -Т., 1973; (Avsharova M. Russian periodicals in Turkestan (1870-1917). Bibliographic index of literature. - T., 1960; Ernazarov T.E. Turkistonda vaqtli matbuot (1870-1925 yillar). -T.: Uzdavnashr, 1959; Ernazarov T.E. The flourishing of the popular press in Uzbekistan. T.: Uzbekistan, 1968; Ernazarov T.E. Akbarov A.I. History of the press of Turkestan (1870-1925). - T.: O'qituvchi, 1976; Ernazarov T.E. Akbarov A.I. History of the press of Uzbekistan (1925 - 1952). - T.: O'ituvchi, 1977; Ernazarov T.E. Akbarov A.I. History of the press of Uzbekistan (1952-1977). - T.: O'qituvchi, 1978; Aminova R., Dzhuraev T. Uzbekistan during the Great Patriotic War (1941-1945). –T.: Fan Publishing House, 1966; Yuldashev Z.I. Development of book publishing in Uzbekistan. -T.: Uzbekistan, 1969; Safarov R. A. Press of Uzbekistan in communist construction. -T., 1973)
2. Алимова Д.А. Джадидизм с Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. - Т.: Ўзбекистон, 2000. (Alimova D.A. Jadidism from Central Asia. Ways of renewal, reforms, the struggle for independence. -T.: Uzbekistan, 2000.)
3. Лукашова Н.М. Материалы по изучению истории Узбекистана. -Наманган, 2001; Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2002; Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. - Т.: Akademnashr, 2019. (Lukashova N.M. Materials for the study of the history of Uzbekistan. - Namangan, 2001; Nurmonov A. O'zbek tilshunosligi tarikhi. - T. : Uzbekistan, 2002; Shamsutdinov R., Muminov H. O'zbekiston tarikhi. - T.: Akademnashr, 2019).

4. Чуст тарихи / Нажмиддин Файзиддин ўғли Муҳаммад Хаким ва бошқ. - Чуст: Чуст шаҳар босмахонаси, 1995; Дусткораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. - Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009; Фарғона журналистикаси / тузувчи ва масъул муҳаррир М.Обидов. - Т.: Шарқ, 2009; Каримов И.А. Узбекистан на пороге достижения независимости. - Т.: Узбекистан, 2011; Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Китоблар 1-3. - Т.: Akademnashr, 2017; (Chust tarikhi / Nazhmiddin Fayziddin o'gli Muhammad Hakim va boshq. - Chust: Chust shahar bosmahonasi, 1995; Dustkoraev B. O'zbekiston journalistikasi tarikhi. - T. : G'ofur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2009; Fargona journalism / tuzuvchi va mas'ul muharrir M.Obidov. - T. : Sharq, 2009; Karimov I.A. Uzbekistan is on the verge of achieving independence. - T. : Uzbekistan, 2011; Shamsutdinov R. Ikkinchi zhahon urushi va front gazetalari. Kitoblar 1-3. - T. : Akademnashr, 2017)
5. Абдуазизова Н. Тафаккур шажараси. Ноширлик тарихидан лавхалар. -Т.: Маънавият, 2008; Шодмонова С. Туркистон тарихи - матбуот кўзгусида. - Т.: Yangi nashr, 2011; Расулов А. Исокбоев А. Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий хаётида татарлар. -Т.: Turon-iqbol, 2019. (Abduazizova N. Tafakkur Shazharasi. Noshirlik tarikhidan lavkhalar. -T. : Manaviyat, 2008; Shodmonova S. Turkiston tarikhi - matbuot kozgusida. - T. : Yangi nashr, 2011; Rasulov A. Isokboev A. Turkiston izhtimoy-siyosiy, madaniy khayotida tatarlar. -T. : Turon-iqbol, 2019)
6. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). К. 2. Ўзбекистон 1939-1991 йилларда / масъул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ. – Т.: Ўзбекистон, 2019; Очерки по истории государственности: политика, экономика, культура. –Т.: Turon-iqbol, 2020. (O'zbekiston tarikhi (1917-1991 yillar). K. 2. O'zbekiston 1939-1991 yillarda / masul muqarrirlar: R. Abdullaev, M. Rakhimov, Q.Razhabov; O'zbekiston Respubliki Fanlar academyasi tarikhi institute. O'zbekistonning eng yangi tarikhi masalalari bo'yicha muvofiqlashtiruvchi- metodik markaz. - T.: O'zbekiston, 2019; Essays on the history of statehood: politics, economics, culture. –T.: Turon-iqbol, 2020.
7. Асташкин Д.Ю. Идеологические функции советской печати в 1945-1953 гг. (на примере газеты «Новгородская правда») // Вестник Новгородского государственного университета, 2008. - № 49. – С. 4. (Astashkin D.Yu. Ideological functions of the Soviet press in 1945-1953 (on the example of the newspaper "Novgorodskaya Pravda") // Bulletin of the Novgorod State University, 2008. - No. 49. - P. 4).
8. НА Уз, ф. Р-1619, оп.11, д.1716, л.4. ((National Archive of Uzbekistan, fund R. 1619, list 11, case 1716, page 4)
9. Мухаммад Хакимзаде ўгли и др. Чуст тарихи. -Чуст: Чуст шахри босмахонаси, 1995. - Б.102. (Muhammad Hakimzade ugli and others. Chust tarikhi. -Chust: Chust shahri bosmahonasi, 1995. -B.102)/
10. Чуст хақиқати, 2021. 21 март. (Chust khakikati, 2021.21 March.
11. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т.9. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2005. -Б. 663 (Uzbekistan national encyclopedia. T.9. - T. : Davlat ilmiy nashriyoti, 2005. -B. 663
12. Архив межучредительного личного состава Чустского района (АМЛСЧР). Ф. 42, оп.1, д.9, л.8 и обратная сторона (Archive of the inter-constituent personnel of the Chust region. F. 42, l.1, c.9, p.8 and the reverse side)
13. АМЛСЧР, ф. 50, оп.1, д.3, лл. 3-5. (Archive of the inter-constituent personnel of the Chust region. F. 50, l.1, c.3, pp.3-5 and the reverse side)
14. Фарғона журналистикаси / Тузувчи ва масъул муҳаррир М.Обидов. - Т.: Шарқ, 2009. - Б.103-104 (Farg'ona journalism / Tuzuvchi va mas'ul muharrir M.Obidov. - T. : Sharq, 2009. - B.103-104)
15. НА Уз, ф. Р-1619, оп.11, д.2449, л.35. (National Archive of Uzbekistan, fund R. 1619, list 11, case 2449, page 35)

16. НА Уз, ф. Р-1619, оп.11, д.2449, л.36. (NAUz, fund R. 1619, list 11, case 2449, page 36)
17. НА Уз, ф. Р-1619, оп.11, д.2449, л.37. (NAUz, fund R. 1619, list 11, case 2449, page 37)
18. НА Уз, ф. Р-1619, оп.11, д.2449, л.38. (NAUz, fund R. 1619, list 11, case 2449, page 38)
19. НА Уз, ф. Р-400, оп.1, д.2830, л.1. (NAUz, fund R. 400, list 1, case 2830, page 1)
20. НА Уз, ф. Р-2487, оп.1, д.106, л.153. (NAUz, f.R. 2487, l.1, c.106, p.153)
21. НА Уз, ф. Р-2487, оп.1, д.106, л.154. (NAUz, f.R. 2487, l.1, c.106, p.154)
22. НА Уз, ф.Р-2487, оп.1, д.106, лл.153-154. (NAUz, f.R. 2487, l.1, c.106, pp.153-154)
23. НА Уз, ф. Р-2487, оп.1, д.106, л.154. (NAUz, f.R. 2487, l.1, c.106, p.154)
24. НА Уз, ф. Р-2487, оп.1, д.106, лл. 154- 155. (NAUz, f.R. 2487, l.1, c.106, pp.154-155)
25. НА Уз, ф. Р- 2364, оп.1, д.59 а, лл. 34-35. (NAUz, f.R. 2364, l.1, c.59, pp.34-35)
26. НА Уз, ф. Р- 2364, оп.1, д.59 а, л.60. (NAUz, f.R. 2364, l.1, c.59, p.60)
27. НА Уз, ф. Р-2364, оп. 1, д. 234, л. 36. (NAUz, f.R. 2364, l.1, c.234, p.36)
28. НА Уз, ф. Р-2364, оп.1, д. 234, л.61. (NAUz, f.R. 2364, l.1, c.234, p.61)
29. НА Уз, ф. Р- 2364, оп.1, д. 234, лл. 63, 66. (NAUz, f.R. 2364, l.1, c.234, pp. 63, 66)
30. НА Уз, ф. Р-2364, оп.1, д. 233, лл. 29-30. (NAUz, f.R. 2364, l.1, c.233, pp. 29-30)
31. НА Уз, ф. Р-2364, оп.1, д. 233, л. 30. (NAUz, f.R. 2364, l.1, c.233, p. 30)
32. НА Уз, ф. Р-2364, оп.1, д. 234, л. 99 (NAUz, f.R. 2364, l.1, c.234, p. 99)
33. НА Уз, ф. Р-400, оп.1, д. 2830, л.1. (NAUz, f.R. 400, l.1, c.2830, p.1)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Қахрамон Алманов,
Т.ф.ф.д.(Phd)
Гулистон давлат университети
Илҳом Жураев,
ўқитувчи Гулистон давлат университети
almanov20111988@gmail.com

XX - XXI АСР БОШЛАРИДА МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ХЎЖАЛИК ТУРМУШ ТАРЗИ ВА МОДДИЙ МАДАНИЯТИ

For citation: Kakhramon Almanov, Ilhom Juraev, ECONOMIC LIFESTYLE AND MATERIAL CULTURE OF THE POPULATION OF MIRZACHUL OASIS AT THE BEGINNING OF XX - XXI CENTURIES. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.68-75

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-6

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Марказий Осиё ҳудудида йирик воҳалардан бири Мирзачўл воҳаси аҳолисининг тарихи хусусида фикр мулоҳазаларини тарихий манбаларга асосланган холда ёритиб, баъзи хулосаларни бериб ўтган. Ушбу хулосаларга таяниб биз бу воханинг маданий ҳаёти тўғрисидаги муҳим маълумотларга эга бўлишмиз мумкин.

Калит сўзлар: Мирзачўл, Нурота, Беговот, Қўштамғали, Уяс, Қирқтол, Боёвут, Зак (Дизак), чалоп.

Кахрамон Алманов,
Гулистанский Государственный Университет
д.ф.н.и. (доктор философии)
Илҳом Жураев,
учитель Гулистанский государственный университет
almanov20111988@gmail.com

ХОЗЯЙСТВЕННЫЙ УКЛАД ЖИЗНИ И МАТЕРИАЛЬНАЯ КУЛЬТУРА НАСЕЛЕНИЯ МИРЗАЧУЛЬСКОГО ОАЗИСА В XX – НАЧАЛЕ XXI ВВ.

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор освещает историю народов Мирзачульского оазиса, одного из крупнейших оазисов Средней Азии, на основе исторических источников и приводит некоторые выводы. На основании этих выводов, мы можем получить важную информацию о культурной жизни данного оазиса.

Ключевые слова: Мирзачул, Нурата, Беговот, Куштамгали, Уяс, Кирктол, Бойовут, Зак (Дизак), чалоп.

Kakhramon Almanov,
Ph.D
Gulistan State University
Ilhom Juraev,
teacher Gulistan State University
almanov20111988@gmail.com

ECONOMIC LIFESTYLE AND MATERIAL CULTURE OF THE POPULATION OF MIRZACHUL OASIS AT THE BEGINNING OF XX - XXI CENTURIES

ABSTRACT

In this article, the author discusses the views of the population of Mirzachul oasis, one of the largest oases in Central Asia, based on historical sources and draws some conclusions. Based on these conclusions, we can gain important information about the cultural life of this oasis.

Index Terms: Mirzachul, Nurata, Begovot, Kushtamgali, Uyas, Kirqtol, Boyovut, Zak (Dizak), chalop.

1. Долзарблиги:

Ўрта Осиёдаги йирик даштлардан бир бўлмиш Мирзачўл деярли бир миллион гектарлик текисликни эгаллаб, бирмунча қуруқ ва кескин иқлим шароити билан минтақа халқлари тарихида ўзига хос ўрин эгаллаган. Шимолда Сирдарё дарёсининг ўрта оқими билан чегараланган Мирзачўл жанубда ва жануби-шарқда Туркистон тоғ тизмалари ва Нурота тоғигача чўзилиб, шимоли-ғарбда эса Қизилқум чўлига туташиб кетган. Ўзининг бирмунча кескин иқлими ва табиий шарт-шароитидаги бир қатор ноқулайликлар туфайли Ўрта Осиёнинг нисбатан кам аҳоли ҳудудларидан бири сифатида билинган Мирзачўл воҳаси қадимги давр ва ўрта асрларда муайян бир сиёсий-иқтисодий ва маданий марказ бўлишдан кўра кўпроқ кўчманчи чорвадор аҳоли учун мавсумий қўналға вазифасини бажариб келган. Шу билан бирга ўрта асрларда айрим ҳукмдор сулолаларнинг бу ерни Сирдарё дарёси орқали сув билан таъминлаб деҳқончиликка мос ҳудудга айлантиришга ҳаракат қилган ҳоллар ҳам бўлган.

XX аср бошларида Мирзачўл ва атрофлари нисбатан аҳоли масканлари Беговот, Қўштамғали, Уяс, Қирқтол, Боёвут ва ҳ.к. қишлоқларда истиқомат қилувчи маҳаллий ўзбек аҳоли билан бирга бу ерда қозоқлар ва тожикларнинг ҳам ота-боболари истиқомат қилиб келишган[1]. XIX аср охирлари – XX аср бошларида Сирдарё вилояти ва унга қўшни ҳудудларга руслар ва яна бир қатор рус тилли халқларнинг кўчириб келтирилиши, XX асрнинг иккинчи ярмида эса чўлнинг ўзлаштирилиши ва янги аҳоли масканларининг барпо этилиши натижасида Мирзачўл аҳолиси ҳам сон жиҳатидан, ҳам этник таркиб жиҳатидан кўпая борган. Айниқса, янги ташкил этилган аҳоли масканларига асосан Фарғона водийси, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидан чўлқуварларнинг кўчириб келтирилиши натижасида бу ерда ўнлаб жамоа хўжаликлари (колхоз), совет хўжаликлари (совхоз) ва қишлоқлар пайдо бўлган.

Мирзачўлдаги янги аҳоли масканларида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келтирилган аҳоли кўп ҳолларда аралаш маҳаллалар сифатида яшай бошлаган бўлсалар-да, айрим ҳолларда ҳар бир вилоят ёки туман аҳолиси имкон қадар ўз юртдошлари (вилоят, туман, қишлоқ) билан алоҳида маҳалла ёки қўшни бўлиб яшашга интилишган. Ўтган қарийб ярим асрлик вақт мобайнида турли вилоятлардан кўчириб келтирилган аҳоли орасида кўп жиҳатдан умумийлик кузатилса ҳам айрим урф-одатларда, маросим ва тадбирларда, уй-рузғор тутишда бирмунча ўзига хосликлар ҳам сақланиб қолганлиги кўзга ташланади. Бу ҳолат айниқса, Фарғона водийси ва мамлакатимиз воҳаларидан кўчирилган аҳоли бирмунча сезилиб туради. Масалага Мирзачўл аҳолисининг ҳам қадимдан яшаб келаётган маҳаллий аҳолиси ва XX асрнинг ўрталаридан келиб жойлашган ўзбек аҳоли таом маданияти мисолида қараб чиқилса ўзига хос ранг-баранглик борлиги сезилади. Шу ўринда айтиб ўтиш керак,

воҳа аҳолисининг миллий таомлари, умуман олганда, овқатланиш маданияти Ўрта Осиё халқлари, хусусан, бошқа ҳудудларда яшовчи ўзбекларникидан катта фарқ қилмаса-да, айрим ўзига хосликлари борлиги кўринади. Шунингдек, Мирзачўлга XX асрнинг турли йилларида Фарғона водийси, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидан кўчириб келинган аҳолининг ҳар бирида бирмунча фарқли таомлар бугунгача сақланиб келаётганини ҳам айтиб ўтиш керак.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидан кўчирилган аҳоли масканлари аҳолисининг уй-рузғор тутишлари, кундалик турмуш тарзида умумийлик бўлганидек, таом пишириш маданиятида ҳам бирмунча ўхшашликлар борлиги кўзга ташланади. Хусусан, уларда овқат турлари, сут маҳсулотларининг номланиши ва бошқаларда анчагина ўхшашликлар бор. Жумладан, Мирзачўлнинг маҳаллий аҳолиси ва водий ўзбеклари сут маҳсулотларидан бири – қатиқнинг суви суздириб олиниб, туз қўшилиб тайёрланган тури “сузма” деб юритилса, воҳалардан кўчган аҳоли ушбу маҳсулотни “чакки” деб атайдилар[2]. Шу билан бирга, қатиқ ёки сузмага сув ва туз қўшилиб тайёрланган суюқ салқин ичимлик водийдан кўчган ўзбек аҳолиси томонидан “айрон” деб аталса, воҳаликлар уни “чалоп” деб номлайдилар. Шунингдек, ушбу салқин ичимликнинг тайёрланиши водий ва воҳа аҳолисида бирмунча фарқланиб, биринчиси уни асосан қатиқдан тайёрласа, воҳаликлар, айниқса, Қашқадарёдан кўчирилган аҳоли уни “чакки”, яъни сузмадан тайёрлашади.

Қуйида Мирзачўлнинг асосан ўзбек аҳолисига хос бир қатор хамирли овқатларга тўхталиб ўтамиз:

1. Кескан ош – угра. Сузма ёки қатиққа тилим-тилим қилиб кесилган хамир бўлаклари қўшилиб тайёрланиб, мурч, тўғралган хом пиёз, ивитилган нўхот қўшиб ейиладиган овқат. Кескан ош кўпинча енгил ҳазм бўладиган, шамоллаш ва тўмов қарши фойдали овқат сифатида тановул қилинади. Худди шунга ўхшаш емак тури Фарғонадан кўчган аҳоли орасида “угра” деб юритилади. Ушбу таом тури Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғоти-т-турк” асари (XI аср)да қуйидагича таърфиланади: “үгрä – угра оши. Бу тутмочдан майинроқ, лаззатлироқ”[3].

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Маҳмуд Кошғарий ҳам угра таомининг турларига қисқача таъриф берар экан, улардан битта турини касал ёки касалмандроқ кишиларга ичирилишига урғу берганлиги диққатга сазовордир. Кошғарий “угра”, “тутмоч” каби хамирли овқатлар билан бирга яна бир қанча шунга ўхшаш таомлар тўғрисида “қийма үгрä – бир хил хамир номи; уни чумчуқлар тили каби юпқа ва қинғир қилиб кесилади”, “сармачуқ – угра ошининг бир тури. Хамирни гўхатдай майдалаб, кесиб тайёрланади. Буни касал ва касалга ўхшашлар ичишади” деб ёзган бўлиб[4], бундан кўринадики, қадимги туркларга хос бундай одат бугунги кунгача сақланиб қолган.

2. Тутмоч – угранинг бир тури. Бу овқат Мирзачўлга кўчган фарғоналик аҳоли вакиллари орасида бирмунча сақланиб қолган[5]. Ушбу овқат тури қадимги туркларларда анча кенг тарқалган хамирли емаклардан бири ҳисобланган. Жумладан, бу ҳақда қуйидагича батафсил маълумот келтирган: “тутмач – туркларнинг машҳур овқати. Бу оқат Искандар Зулқарнайнга нисбатли овқатдир. Шундайки, Искандар зулматидан чиққач, озиқлари камайиб қолган одамлар очликдан қўрқиб, унга: “Бизни оч қуйма, оч тутма”, деган гап мазмунида “Бизни тутма, оч, қўйиб юбор, бизлар юртимизга кетайлик”, - деганлар. Искандар билимдонлар билан кенгашган ва улар шу овқатни тайёрлаганлар. Бу овқат гавдага қувват бериб, юзни қизартирар, тезда ҳазм бўлмас экан. Бу овқат ейилгач, сувидан ҳам ичилар эди. туркlар бу овқатни кўргач, “тутмач”, деб атадилар. Асли тутма ач, яъни “оч тутма” демакдир[6].

Хамирли таомлар қадимдан туркий халқларда кенг истеъмол қилинадиган емак тури бўлганлигини Маҳмуд Кошғарий келтирган кўплаб бошқа маълумотлар ҳам тасдиқлайди. “Девону луғати-т-турк”да тилга олинган тутмач, яъни уваланган хамир солиб пиширилган суюқ умоч оши билан боғлиқ анъаналар Фарғона водийсида бошқа вилоятларимизга қараганда бирмунча яхшироқ сақланиб қолган. Хусусан, 1928 йилда Наманган вилоятининг

Косонсой туманида этнографик изланишлар олиб борган М. Андреев маҳаллий аҳолининг севимли таомларидан бири “тутмоч” эканлигига урғу берган[7].

3. Юпқа, жупқа – юмалоқ қилиб кесилган юпқа хамир, лавашнинг бир тури. Ўлчами ва ясалиши ҳам лаваш билан деярли бир хил. Қиздирилган қозонга лаваш кўринишидаги “юпқа” ташланиб, унинг икки томони бир неча алмаштирилиб чалароқ пиширилиб олинади ва устига қаймоқ суртиб олиб қўйилади. Навбатдагиси ҳам худди шундай чала пиширилиб олингач, олдинги “юпқа”нинг устига тахланиб, қаймоқ суртилади. Шу тариқа бир оила учун таъбга кўра 30-40 дона “юпқа” тайёрланади.

Юпқага суртиладиган қаймоқ кўпинча бироз туриб қолган бўлиши ва хамирга суртишдан олдин алоҳида қозончага солиниб, бироз иситиб олинади. Ўзбекистоннинг кўплаб вилоятларида “юпқа” Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё аҳолисиникидан бирмунча фарқли тайёрланади. Жумладан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “юпқа – хамирни чалпакка ўхшатиб ёйиб, устига ёғда қовурилган қийма, сабзи солиб, қозонда пишириладиган таом; чўзма”[8] деб келтирилган ушбу таом анъанавий усулда пиширилса, айтиб ўтилган вилоятларда у, юқорида таърифлангандек фақат қаймоқ қўшиб пиширилиши кўзга ташланади. Бироқ, “юпқа”нинг “ғилминди” ёки “ҳилминди” деб аталадиган бошқа бир тури бирмунча бошқачароқ усулда тайёрланади. Ғилминди деб устига сут, шакар аралаштирилиб тайёрланган қуюқ атала (бўтқа) суртилган юпқага айтилади. Лаваш кўринишидаги юпқа хамир қиздирилган қозонда бироз тоблантирилиб, юмшоқ ҳолида экан қозондан олингач, устига атала қуйилади ва ўртасидан букилиб, ичидаги масаллиқ оқиб кетмаслиги учун хамирнинг четлари бир-бирига ёпиштириб чиқилади. Шу тариқа ярим тайёр ғилминди қозондаги иссиқ ёғда бироз қизартиб олиниб дастурхонга тортилади.

Юпқа таомининг тарихи узоқ даврларга бориб тақалиб, лаваш сингари XI – XII асрларга тегишли туркий тилли ёзма асарларда учрай бошлайди. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий асарида бу ҳақда қуйидагича маълумотлар учрайди: “jупқа – юпқа. Бу сўзнинг “ф” варианти ҳам бор”, “ jywқа – юпқа. Ҳар бир юпқа нарса. Мақолда шундай келган анасї тэwлуг jywқа йапар, оғлы тэтук қоша қапар – онаси ҳийла қилиб, юпқа нон ёпса, боласи зийраклик қилиб қўша-қўша (иккита-иккитадан) оғзига солади”, “jуға – қат-қат нон”[9]. Бундан кўринадики, деярли минг йил олдин ҳам туркий халқларда ушбу таом ҳам номи, ҳамда ясалиш усули билан бугунги ўзбекларникидан катта фарқ қилмаган.

3.Тадқиқот натижалари:

Ушбу емак турларини таёйрлаш усули деярли барча этник жамоаларда, хусусан, турмуш тарзида бир вақтлар чорвачилик устувор бўлган кўчманчи ўзбек уруғлари ва қозоқларда ўхшаш бўлиб, айримлари қуруқ қозонда қотириб олинса, айримлари эса қозонга ёғ суртилиб, ёғланган иссиқ қозонга икки томони тез-тез алмаштириб ташлаб олинган ҳолатда пиширилган. Шунга ўхшаш ҳолат мамлакатимизнинг бир қанча ҳудудларида кўзга ташланади. Масалан, Фарғона водийси ўзбекларининг “турк” уруғи орасида анча кенг сақланиб қолган. Улар хамирдан катта ва юпқа қилиб, айлана шаклда ясалган нонни қозонда ёғ солмасдан, қотириб олиб, “чевати” деб атаган бўлсалар, худди шу йўсинда қозонда пиширилиб олинган нонни фарғоналик қурамалар “юқма”, қипчоқлар эса “жупқа” (юпқа) деб атаганлар[10].

4. Қатлама. “Ёғли хамирдан қатламлаб ёғ суриб, юпқа ёйиб ёғда пиширилган нон, яъни қатлама”. Мирзачўл аҳолиси орасида қатлама тайёрлашда бирмунча фарқлиликлар ҳам борлиги кўзга ташланади. Масалан, Қашқадарёдан кўчган аҳоли қатламанинг бир неча қават қилиб тайёрлаб, қизиган ёғда қовуриб пиширилиб, устига шакар сепиб ейишади. Бу таом кўпинча тўй-ҳашамларда дастурхонга тортилади.

Алишер Навоий ўзининг “Муҳокаматул-луғатайн” асарида “қатлама” сўзи қуйидагича овқат турлари билан бирга келтириб ўтилган: “Ва яна баъзи емаклардин қаймоғ ва **қатлама** ва буламоғ ва қурут ва улоба ва манту ва қуймоғ ва уркамочни ҳам туркча айтурлар”[11].

5. Чалпак – қатламанинг бир тури. Ш. Раҳматуллаев бу таом турига шундай изоҳ берган: “Чалпак хамирни юпқа ёйиб, ёғда пишириладиган овқат... Бу от ўзбек тилида чăл - феълининг “парчала” - маъносидан кучайтириш (такрор) маъносини ифодаловчи - пă

қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига –к қўшимчасини қўшиб ясалган: (чăл + пä = чăлпä)+ к = чăлпăк[12]. С. Артиқбаев Тошкент воҳаси ўзбек ва қозоқ халқларининг анъанавий таомлари тўғрисида қуйидагича маълумот келтиради: "...қозонда ноннинг бир тури сифатида тайёрланадиган чавати, қотирма, чалпак, чўзма, қатлама XX асрда ҳам аҳоли ўртасида кенг тарқалган. Уларни тайёрлаш усуллари ўзбек, қозоқ, тожик ва бошқа этник жамоаларда жуда ўхшаш. Ўзбеклардаги чалпак қозоқларда шалпак деб юритилади"[13].

Ушбу емак тури билан боғлиқ маълумотга Алишер Навоийнинг "Вақфия" асарида қуйидагича мисолда дуч келамиз: "...барот бўлғай, **чалпак** ўттуз ботмон, ҳалво йигирми ботмон, қишнинг тўрт ойидаким, қавс ва жади ва далв ва ҳут бўлғай, ҳар куни ўтмак юз ададким, йигирми ботмон уч тангалик эт билан мураттаб қилғайлар"[14].

6. Умоч – хамирли овқат тури. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "Умоч – уваланган хамир солиб пиширилган суюқ ош" деб таърифланади[15]. Алишер Навоий ушбу овқат тури бўйича шундай таъриф берган: "Яна тутмоч ва умоч ва кумоч ва толғонни ҳам туркча айтурлар". "Навоий асарлари луғати"даги изоҳга кўра: умоч (ёвғон умоч), умоч (қаттиқ хамирни сувга увалаб пиширилган суюқ овқат[16].

Бир қатор фарғоналик тарихчиларнинг таъкидлашича, Фарғона вилоятининг Олтиариқ тумани Повулғон қишлоғида "Умоч ота" номи билан боғлиқ зиёратгоҳ мавжуд бўлиб, ўз вақтида у ҳақда ёзувчи Анвар Обиджон шундай фикр билдирган эди: "Умоч отани "Омоччи ота" сўзи билан боғлашга ҳам уринишади. Бундай кимсалар яқин ўтмишда "Умоч" деган таом бўлганини, баъзи бир кампирлар ҳозирда ҳам пишириб туришларини билмасликларига гувоҳи бўлдим.

Бу шундай овқатки, аёллар намланган кафтларида унни уқалаб, хамир шаклига келтиришади. Кафтидан пилта-пилта бўлиб тўкилган хамир бўлакчаларини ғалвирдан ўтказишади. Ғалвирда қолган каттароқ бўлакчаларни яна кафтда ишқалаб майдалашади. Бармоқдан қайчилаб ташлаган тирноқ бўлакларини эслатувчи бу майда хамирчалар сутга солиб қайнатилса, "Умоч" деган ўта мазали таом пайдо бўлади"[17].

7. Кулчатой – шилпилдоқ. Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг кўпгина қишлоқларида севиб истеъмол қилинадиган хамирли овқат тури. Ушбу овқат қозоқларнинг энг севимли таоми бешбармоққа ўхшаб кетади. Юпқа ёйилган, тўртбурчак қилиб кесиб пиширилган хамир устига қўй ёки мол гўшти, сабзи-пиёз аралаштирилиб тайёрланган масаллиқ қўйилиб, катта товоққа сузилиб дастурхонга тортилади. Зоминликларда кулчатой шўрваси билан бирга ейиладиган тури ҳам бор[18].

Келтирилган ушбу таомларнинг деярли барчаси нисбатан оддий овқат турлари бўлиб, кўпроқ одатий ҳаётда, оила аъзолари учун тушлик ёки кечки овқат сифатида тайёрланади. Меҳмонлар учун эса одатда умуман бошқа таомлар дастурхонга тортилиб, бу билан меҳмоннинг иложи борича кўнглини олишга ҳаракат қилинади.

Маълумки, Ўрта Осиёда ўтроқ аҳоли меҳмон учун имкон қадар палов тайёрлашга ҳаракат қилинади. Ўтмишда чорвачилик билан машғул бўлган этник жамоаларда эса, хусусан, фарғоналик қирғиз, қипчоқ, қурама, турк, юзларда ва яна бир қатор ўз уруғ номини сақлаган ўзбекларда меҳмон ҳурматига қўй сўйиш одати бўлган. Хонадон эгалари даставвал сўйилган қўйнинг жигари ва ёғидан қовуриб, меҳмон дастурхонига тортишган. Сўнгра қўй гўштидан шўрва тайёрлаган. Туркий халқларнинг кўпчилигида мавжуд бўлган меҳмон учун пишган гўштнинг энг "ҳурматли" қисмини улашиш одати эътиборга сазовордир.

Бу одат мамлакатимизнинг бир қанча воҳаларидаги қишлоқларда бўлгани каби Фарғона водийсидаги қипчоқ, турк, юз, қурама каби ўз уруғ номини биладиган ўзбекларда ҳам мавжуд. Бир қатор тадқиқотчиларнинг ёзишича, пиширилган гўштнинг қайси қисми "ҳурматли" ёки "фахрли" ҳисобланиши борасида туркий халқларда умумий, шунингдек, бирмунча фарқли ёндашувлар ҳам мавжуд бўлган. Масалан, XX аср бошларида яримўтроқ ва яримкўчманчи ўзбекларда, айниқса, қипчоқ ва қарлуқларда қўйнинг орқа оёқ қисмидаги иликли суяги ("тўқмолоқ") ҳамда тўши ва гўштли қовурғаси энг "фахрли" қисмлари ҳисобланган. Кўпчилик қирғиз уруғларида эса қўйнинг думғаза (уча)си энг "фахрли" қисми

саналган[19]. Бунга ўхшаш урф-одатлар Мирзачўл воҳасининг ўзбек аҳолисида ҳам бирмунча сақланиб қолган.

Қисқаси, Мирзачўлнинг ҳам маҳаллий аҳолиси, ҳам XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу ерга кўчиб келган аҳоли томонидан асосан уй шароитида тайёрланадиган хамирли овқатлар орасида “угра”, “чевати, чапати”, “чалпак”, “қатлама”, “юпқа”, “ғилминди” каби енгил таомлар ёки ноннинг яқин турлари сақланиб қолган. Уларнинг бир қисми асосан енгил-елпи тановул қилиб олиш мақсадида тайёрланса, бир қисми эса маросимий таомлар билан биргаликда дастурхонга тортилади. Хусусан, чалпак кўпроқ таъзия билан боғлиқ маросимларда, қатлама эса тўй-ҳашамларда меҳмонлар дастурхонига тортиқ қилинади. Юпқа, ғилминди каби таомлар эса кўпинча оилада, бола-чақанинг енгил тамадди қилиб олиши учун тайёрланади.

4. Хулосалар:

Хуллас, Мирзачўл аҳолисининг моддий маданияти билан таом маданиятини хамирли овқатлар мисолида қисқача танишиб чиқиш шундан дарак берадики, воҳада мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан келган аҳоли маданиятида ўзбек халқига хос умумийлик кўзга ташланади. Шу билан бирга, бу масалада ҳам аҳолининг ота-боболардан мерос анъаналарни давом эттириб келаётганликлари, халқимиз ўтмишидаги ҳам ўтроқ деҳқонларга, ҳам кўчманчи чорвадорларга хос анъаналарнинг ўзаро қоришган ҳолда давом этаётганлигига гувоҳ бўламиз.

Хамирли овқатлар билан боғлиқ яққол кўзга ташланиб турган хусусият – бу орадан қарийб минг йил вақт ўтганига қарамай, аждодларимиз Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоий тилга олган “угра”, “тутмоч”, “юпқа”, “қатлама”, “чалпак”, “умоч” каби емак турлари бугунги кунда ҳам аждодлардан мерос ўлароқ халқимиз дастурхонини безашда давом этмоқда.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Голодная степь. 1867-1917 / История края в документах. Отв. ред. Станишевский А.В. – М. “Наука” 1981. – С. 58-59, 101-102; (Golodnaya step. 1867-1917 / History of the region in documents. Otv. ed. Stanishevskiy A.V. - M. Nauka 1981. - P. 58-59, 101-102;)
2. Алибеков У. Ю.Маматов Ш.М. Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши, этноэкологик муаммолари (ёҳуд рус иммигрантларининг тарихий тақдири хусусида) // ; Эрбутаева У.С. XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўл қозоқларининг ижтимоий-иқтсодий хаёти ва демографияси //. (Alibekov U. Yu.Mamatov Sh.M. Assimilation of Mirzachul, ethno-ecological problems (or on the historical fate of Russian immigrants) //; Erbutaeva U.S. Socio-economic life and demography of Mirzachul Kazakhs in the late XIX - early XX centuries //)
3. Дала материаллари. Сирдарё вилояти Сардоба тумани Чубар қишлоғи, Алманов Сайдулла 82 ёш.(Field materials. Almanov Saydulla, 82, Chubar village, Sardoba district, Syrdarya region)
4. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. 1- том. - Т.: Фан, 1960. – Б. 147.(Kashgari, Mahmud. Office of Turkish words (Devonu-lug'ot it-turk) / Translator and publisher S. M. Mutallibov. 1- tom. - T. : Fan, 1960. - Б. 147)
5. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк). .., 3- том, б. 188; 1- том, б. 480.(Kashgari, Mahmud. Office of Turkish words (Devonu-lug'ot it-turk) / Translator and publisher S. M. Mutallibov. 3- tom. - T. : Fan, 1960. - Б. 147)
6. Дала материаллари. Жиззах вилояти Бахмал тумани,Чубар қишлоғи Имомурадов Зафар Маматқобилович (чўпон)62 ёш.(Field materials. Imomuradov Zafar Mamatkobilovich (shepherd) 62 years old, Chubar village, Bakhmal district of Jizzakh region)
7. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. 1- том.. .., б. 422; Абдулаҳадов Н., Тошпўлатов

И., Носирова У., Журабаев У. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги лексик бирликлар тадқиқи. .., б. 27.(Kashgari, Mahmud. Office of Turkish words (Devonu-lug'ot it-turk) / Translator and publisher S. M. Mutallibov. 1- tom.. .., b. 422; Abdulahadov N., Toshpulatov I., Nosirova U., Jurabaev U. The study of lexical units in Mahmud Kashgari's "Devonu lug'otit turk". .., p. 27.)

8. Андреев М. Поездка летом 1928 г. В Касансайский район (Север Ферганы) // Известия общества для изучения Таджикистана и иранских народностей за его пределами. Том I. – Т., 1928. – С. 122; Абдулаҳадов Н., Тошпўлатов И., Носирова У., Журабаев У. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги лексик бирликлар тадқиқи. .., б. 27.(Andreev M. Travel letom 1928 g. V Kasansayskiy rayon (Sever Fergany) // Izvestiya obshchestva dlya izucheniya Tadjikistana i iranskix narodnostey za ego predelami. Tom I. - T., 1928. - p. 122; Abdulahadov N., Toshpulatov I., Nosirova U., Jurabaev U. The study of lexical units in Mahmud Kashgari's "Devonu lug'otit turk". .., p. 27.)
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ю ҳарфи. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 87.(Annotated dictionary of the Uzbek language. The letter Yu. A. Edited by Madvaliev. - T. : “National Encyclopedia of Uzbekistan” State Scientific Publishing House, 2008. - B. 87.)
10. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. 3- том. - Т.: Фан, 1963. – Б. 34, 40, 41.(Kashgari, Mahmud. Office of Turkish words (Devonu-lug'ot it-turk) / Translator and publisher S. M. Mutallibov. 3- tom. - T. : Fan, 1963. - Б. 34, 40, 41)
11. Абдулаҳадов Н., Тошпўлатов И., Носирова У., Журабаев У. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги лексик бирликлар тадқиқи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2013. – Б. 26.(Abdulahadov N., Toshpulatov I., Nosirova U., Jurabaev U. A study of lexical units in Mahmud Kashgari's Devonu lug'otit turk. - T. : “Yangi asr avlodi”, 2013. - Б. 26)
12. Алишер Навоий. 20 жилдлик. 10-жилд. — Т.: Фан, 1992. – Б. 17; Тоғаев Т.М. Алишер Навоий асарлари тилидаги таом номлари // “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал journal.fledu.uz, № 5/2019. – Б. 28.(Alisher Navoi. 20 volumes. Volume 10 - T. : Fan, 1992. - Б. 17; Tog'aev T.M. Food names in the language of Alisher Navoi's works // Scientific-methodical electronic journal "Foreign languages in Uzbekistan" journal.fledu.uz, № 5/2019. - B. 28.)
13. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. I жилд. – Т.: Университет, 2000. – Б. 409.(Rahmatullaev Sh. Etymological dictionary of the Uzbek language. I skin. - T. : Universitet, 2000. - Б. 409)
14. Артикбаев С. Значение традиционной пищи в развитии узбеко-казахских этнокультурных взаимоотношений в Ташкентском оазисе // www.ziyouz.com кутубхонаси, 65-бет.(Artikbaev S. Significance of traditional cooking in the development of Uzbek-Kazakh ethnocultural interactions in the Tashkent oasis // www.ziyouz.com library, page 65)
15. Навоий асарлари луғати. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1972. – Б. 625; Тоғаев Т.М. Алишер Навоий асарлари тилидаги таом номлари. .., б. 29.(Dictionary of Navoi works. - T. : G'. Gulom Publishing House of Literature and Art, 1972. - B. 625; Tog'aev T.M. Names of dishes in the language of Alisher Navoi's works. .., p. 29.)
16. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. У ҳарфи. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006-2008. – Б. 284.(Annotated dictionary of the Uzbek language. U harfi. A. Edited by Madvaliev. - T. : “National Encyclopedia of Uzbekistan” State Scientific Publishing House, 2006-2008. - B. 284.)
17. Тоғаев Т.М. Алишер Навоий асарлари тилидаги таом номлари. .., б. 30.(Tog'aev T.M. Names of dishes in the language of Alisher Navoi's works. .., p. 30.)
18. Абдулаҳадов Н., Тошпўлатов И., Носирова У., Журабаев У. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги лексик бирликлар тадқиқи. .., б. 28.(Abdulahadov N.,

Toshpulatov I., Nosirova U., Jurabaev U. The study of lexical units in Mahmud Kashgari's "Devonu lug'otit turk". .., p. 28.)

19. Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси. – Т.: Akademnashr, 2012. Б. 208.(Toychiboev B., Kashkirli Q. Zaamin's language encyclopedia. - T.: Akademnashr, 2012. B. 208.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Қахрамон Алманов,
Т.ф.ф.д.(Phd)
Гулистон давлат университети
almanov20111988@gmail.com

ЖИЗЗАХНИНГ ХОНЛИКЛАР ДАВРИДАГИ АҲАМИЯТИ ВА МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

For citation: Kakhramon Almanov, Significance of Jizzakh in the period of khanates and coverage in sources. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.76-81

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-7

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Марказий Осиё ҳудудида йирик воҳалардан бири Жиззахнинг хонликлар давридаги тарихи хусусида фикр мулоҳазаларини тарихий манбаларга асосланган холда ёритиб, баъзи хулосаларни бериб ўтган. Ушбу хулосаларга таяниб биз бу воҳанинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти тўғрисидаги муҳим маълумотларга эга бўлишмиз мумкин.

Калит сўзлар: Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Саброн, Ясси Халилия, Зак (Дизак), Илонўтти, дўлдой.

Кахрамон Алманов,
Гулистанский Государственный Университет
T.f.f.d. (доктор философии)
almanov20111988@gmail.com

ЗНАЧЕНИЕ ДЖИЗАКА В ПЕРИОД ХАНСТВ И ОСВЕЩЕНИЕ ЕГО В ИСТОЧНИКАХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор приводит свои взгляды на историю Джизака, одного из крупнейших оазисов Средней Азии, в период ханств, основываясь на исторических источниках, делает некоторые выводы. На основании этих выводов, мы можем получить важную информацию о политической, экономической и культурной жизни данного оазиса.**Ключевые слова:** Ташкент, Бухара, Самарканд, Саброн, Яссы Халилия, Зак (Дизак), Илонотти, Долдой.

Kakhramon Almanov,
Gulistan State University
Ph.D
almanov20111988@gmail.com

SIGNIFICANCE OF JIZZAKH IN THE PERIOD OF KHANATES AND COVERAGE IN SOURCES

ABSTRACT

In this article, the author examines the history of Jizzak, one of the largest oases in Central Asia, during the period of the Khanate, based on historical sources, and draws some conclusions. Based on these findings, we can obtain important information about the political, economic and cultural life of this oasis.

Index Terms: Tashkent, Bukhara, Samarkand, Sabron, Yassy Khaliliya, Zak (Dizak), Ilonotti, Doldoy.

---

1. **Долзарблиги:**

Давлатимиз улкан тарихий ютуғини қўлга киритгандан сўнг, турли соҳаларда тубдан ўзгаришлар амалга оширилди. Давлатимизнинг дунёдаги ўрнини белгилаб олиш зарурати тарихимизни холисона ёритиб дунёга танитишни тоқазо этди. Барчага аёнки, миллий ғурур ва дахлдорлик ҳиссининг асосий заминларидан бири бу – тарихий хотирадир. Ифтихор билан таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Марғилон, Андижон ва бошқа кўплаб қадимий шаҳарлари бой тарих ва кўҳна маданиятга эга эканлигини жаҳоннинг барча йирик тарихчи олимлари бирдек эътироф этадилар.

Уларнинг орасида Жиззах алоҳида мавқеда туради. Марказий Осиёдан ўтган деярли барча карвон йўлларининг туташган нуқтасида жойлашган Жиззах тарихда жуда кўп суронли воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Бу кўҳна шаҳар ҳамма замонларда ҳам стратегик жиҳатдан ўта муҳим аҳамият касб этган. Мустақиллик йилларида миллий тарихимизни тиклаш йўлида олиб борилаётган тадқиқот ва эришилган муваффақиятлар анчагина бўлсада, бироқ, бугунги дунёнинг глобаллашув жараёнлари жадаллик билан ривожланиши тарих фани олдига улкан ва янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Бу вазифалар ушбу мавзунинг ҳам долзарблигини кун тартибига чиқариб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев, «Ўзбекистон саёҳат ва зиёрат учун қулай мамлакат ҳисобланади. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу қўним топганлар. Улар қолдирган бой маънавий маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта» -деб фикрлар билдирганлар[1]. Бундан ташқари, 2018 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга мурожаатномада “миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кўпайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим[2].

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги[3]Қарори ҳамда 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги[4]Қарорига тегишли фан ва таълим соҳаларига оид вазифаларни амалга оширишда, моддий, маданий ва археологик мерос обектларини ўрганиш, муҳофаза қилиш ва тарғиб этишда муайян даражада хизмат қилади.

Марказий Осиёнинг икки дарёси Аму ва Сирдарё оралиғидаги минтақада қадим ва ўрта асрларда содир бўлган тарихий-маданий жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий юксалишлар, турли даврларда халқ фаровонлиги ва тараққиётини кўзлаб ўтказилган кўплаб ислоҳотлар, шунингдек, юксалиш ва инқироз ҳолатлари, чет эл босқинчиларига қарши озодлик курашлари юртимизнинг серқирра ва ранг - баранг тарихидан далолат беради.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, ушбу мавзуни кенг, ҳар томонлама, тўлақонли ўрганишни долзарб вазифа деб ҳисоблаймиз.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

XV аср охирларида темурий шахзодалар ва мулкдор зодагонлар ўртасидаги низо-фитналар, тахт учун курашнинг авж олиши натижасида темурийлар салтанати деярли мустақил бўлиб олган бир неча вилоятларга бўлиниб кетади.

Темурийларнинг ўзаро урушлари кучайган пайтдан фойдаланган Шайбонийхон ***Ўтрор, Саброн, Яссы*** (Туркистон) ва бошқа шахарларни эгаллагач, 1499 йили Сирдарёдан ўтиб, Жиззах, Қарши ва Шахрисабзгача бостириб келиб, катта ўлжа билан Дашти Қипчоқга қайтиб кетади. Темурийлар салтанатини сакдаб крлиш мақсадидаги Захириддин Мухаммад ибн Умаршайх Мирзо — Бобўрнинг саъй-харакатлари хам зое кетди. 1501 йил апрель ойида Зарафшон буйидаги ***Сарипул*** қишлоғи яқинида бўлган жангда Бобур қўшинлари енгилади.

Бобур Мирзо Самарқандни тарк этиб, Тошкентга тоғаси Махмудхон хузурига йўл олади. Бобур Мирзо йўлда отдан йиқилиб, бошидан жарохатланади ва минг азоб уқубатлар билан Илонўтти дарасидан ўтиб, Жиззахга келади.

Бобур Мирзо бу воқеаларни шундай тасвирлайди: „Кеч намозгар Илонўттида тушуб, от ултуруб, этни шишлаб, кабоб қилиб, отни лахза тиндуруб, отландук. Тонгдин бурунроқ ***Халилия*** кентига келиб тушдук. Халилиядан Зак (Дизак) келинди, ул фурсатда Закта Хофиз Мухаммадбек дўлдойнинг ўгли Тохир дўлдой эди.

Семиз этлар ва майда этмаклар, арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон. Андок, усраттин мундок, арзонлик, ва андок, балияттин мундок амонликқа келдик. Умримизда мунча фароғат қилмайдур эдук. Уч-тўрт кун ***Дизакта*** истирохат қилдук. Андин сўнг ***Ўратепа*** сари азимат қилдук[5]. 1503 йили Жиззах Шайбонийхон тамонидан егалланди ва бутун XVI аср давомида Шайбонийлар тамонидан бошқарилади.

Бухора хонлиги ташкил топгандан сўнг хонлик таркибидаги йирик шахарлардан бирига айланади Бухора хони Абдуллахон II олиб борган қонли жанглардан бири 1557 йилда Илонутти дарасида бўлди. Абдуллахон II Илонутти дарасидаги жангда катта харбий майорат кўрсатди ва жангда ғалаба қозонади[6]. Ҳофиз Таниш Бухорий ўзининг Абдулланома асарида яна қуйидагиларни хам ёзиб қолдирган эди.Бобо султон 1578 йилда Самарқанд сари қўшин тортади. Бу хабар Абдуллахон II га етиб келгач, ўз биродарлари, аркони давлатлари хамда аъёнлари билан душманларга қарши бориш хақида маслахатлашади. Абдуллахон II қўшинлари 1578 йил 10 июнь, шанба куни Конигилдан чиқиб, Жиззах томон юрадилар. Икки томоннинг илғор кучлари Жиззахдан 24 км жануби-шарқда жойлашган ***Работы Малик*** (Работ қишлоғи)да тўқнашадилар ва Бобо султоннинг илғор қисми енгилиб, бир қисми асирга олинади, бир қисми орқага қочадилар. Абдуллахон II асирга олинганлардан душманларининг сони ва кайфиятини билиб олади ва Дизак (Жиззах) мавзеига келиб, баланд чодир тикиб, 10 кун катта жангга тайёргарлик куради, Жиззахда икки кун туй беради. Бу урушларда Жиззах хам катта талафот кўради. Аҳоли хозирги эски бозордаги Ўратепага кўчишга мажбур бўлган[7].

Абдуллахон II пул ислоҳоти ўтказиб, олтин ва кумуш пул зарб этишни йўлга қўяди. Бу пуллар хонликнинг бутун худудида, жумладан, Жиззахда хам муомалага киритилади. Натижада Жиззахда савдо-сотик, хунармандчилик ишлари ривожланди, тегирмонлар жувозхоналар, савдо-содиқ расталари, работлар, хонақохлар, масжидлар қурилди.

Абдуллахон II даврида Зарафшон дарёсидан Жиззахгача Туятортар номли каналнинг қайта тикланиши, қурилиши натижасида Жиззах воҳасида деҳқончилик ишлари янада ривож топди. Ғаллачилик, боғдорчилик ишлари ривожланди.

Буғдой, арпа, жўхори, полиз ва сабзавот экин майдонлари кенгайди. Чорвачилик хам қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи сифатида ривожланади. Гўшт, сут, жун, тери ва бошқа чорвачилик махсулотлари етиштириш ўсди. Хўкизлардан ер хайдашда, омоч ва мола тортишда кенг фойдаланилган.

Хотам Бозоровнинг „Жиззах овози“ газетасининг 2000 йил 15 апрель сонида чоп қилинган „Жиззах музофотининг қадимги хокимлари хақида“ги мақоласида баён қилинишича, XVII асрнинг биринчи ярми аштархонийлар сулоласи учун ***Ўратепа, Зомин, Жиззах*** худудлари стратегик ахамиятга эга бўлган жойлардан бири хисобланган.

Ушбу маколада ёзилишича, агар шундай булмаганида, Бухоро хони Нодир Мухаммадхоннинг ўғли Абдулазизхон (1645—1681) ўзини Бухоро хони деб эълон қилиниши ва тож кийдирилиш маросимини Ўратепанинг сарой даҳасида ўтказмаган бўларди[8]. Бундан кўриниб турибдики Жиззах хонликлар даврида мухим стратрегик ахамиятга ега бўлган йирик шахар бўлган. Айнан Жиззах бу даврда йирик шахар бўлганлигини да олиб борилган археологик тадқиқотлар хам тасдиқлмоқда.

Бухора хонлигида XVII асрда бошланган ўзаро ички урушлар натижасида малум худудлар тушкунликга учрайди бу холат Жиззахга хам ўзининг тасирини ўтказмай қолмаган.Қадимги Жиззахнинг маркази бўлган нинг вайрон бўлишига сабаб бўлди ва марказ Ўрдага кўчади айнан мана шу даврдан қадиги Жиззахнинг маркази бўлган да хайот малум узилишлар билан бутунлай тўхтаганлигини тадқиқотчилар тамонидан тасдиқланди.

1709 йилда Қўқон атрофида яшаб турган ўзбек қабилаларидан бири - минглар хокимиятни ўз қўлларига оладилар ва ўз етакчиси Шохрухбийни хокимият тепасига кўтарадилар.

Шу тариқа, 1710 йилда Қўқон хонлиги ташкил топади. Узоқ йиллар давомида Зомин, Жиззах, Ўратепа ва Хужанд учун Бухоро ва Қўқон хукмдорлари ўртасида кирғин барот урушлар бўлиб турди. Мазкур худудлар икки хонлик ўртасида уруш майдонига айланиб, қўлдан қўлга ўтиб турди.

Шохрухбийнинг ўғли Қўқон хони Абдурахимбий (1721 -1733) даврида Хўжанд, Ўратепа, Зомин, Жиззах Қўқон хонлиги тасарруфига олинади.Қўқон хонлари Хўжанд вилоятига хамда Ўратепа, Зомин ва Жиззахга хокимлар тайинлайди. Норбутабий (1798-1810) даврида Ирисқулбий Ўратепага ҳоким этиб тайинланади[9]. Кейинрок, Жиззахга Фозилбий келади ва Бухоро хонлари хужумидан сақланиш учун бир қатор тадбирларни амалга оширади. У Жиззахда туриб, жиззахлик, зоминлик кучли, жасур ва мерган йигитларни туплаб, аскарлар сонини купайтиради. Жиззах ва Зомин қалъаларининг атрофидаги деворларни таъмирлаш, бузилган жойларни қайта тиклаш ишларини уюштиради. Эрон шохи Нодиршох, кўп жойларни босиб олган бўлса хам, Фозилбийни ўзига буйсундира олмади.

Фозилбий бир неча марта Бухорога қарши урушларда қатнашди. Масалан, 1747 йили Фозилбий Нурота, Кеш, Ургут, Хисор, Шахрисабз хокимлари билан биргаликда Бухоро хонлигининг сусайиб қолганлигидан фойдаланиб, унинг худудига бостириб кирадилар[10].

Фозилбий ва унинг ўғиллари Худоёрбий, Бобобий даврларида Ўратепа, Зомин, Жиззах худуди анча кенгаяганлигни кўришимиз мумкин бу даврди Жиззах худидидаги аҳолининг турмуш тарзи хам анча юқори бўлган. Жиззах шарқий томондан Хожабоғирғонсой, Нов, Хужанд**,** шимоли-шарқ томонидан Сирдарё, Бекобод, Ховосни уз ичига олиб, шимолдан Тошкент билан, ғарбдан Самарканд билан чегарадош бўлиб, Жиззах, Ём, Пишоғор, Зомин каби шахарлар билан доимий алоқада бўлган.

Худоёрбий вафот этганидан кейин Жиззахни хам Бухоро хони Шохмурод босиб олади ва Ўратепага Худоёрбийнинг укаси, Жиззахнинг собиқ хокими Бобобийни, Хужандга Бекмуродбийни хоким этиб тайинлайди.

3.Тадқиқот натижалари:

Бухоро хони Шохмурод вафот этганидан кейин Бобобий (баъзан уни Бобо Парвоначи деб хам тилга оладилар) Жиззах шахрини Бухоро хонидан тортиб олиш режасини тузади. Режага асосан у Жиззахни қамал қилади. Бу вақтда Жиззахда Мухаммад Аминхўжанинг ўғли Мухаммад Юсуфхўжа хокимлик қиларди, қамал

вақтида эса у Каттақўрғонда эди.Бу хабарни эшитгач, хоким тезда Жиззахга етиб келади. Урушда Бобобий енгилади. Кўп ўтмай Бекмуродбий ўзинииг амакиси Бобобийни ўлдириб, унинг ўрнига Ўратепага хоким бўлади. 1826 йилдан Бухорода амир Насруллонинг хокимлиги бошланиб, Пишоғор хокими Атолиқбекни Бухорога чакиртиради. Бухоро амири Насрулло ўз хокимиятини мустахкамлаш мақсадида Жиззахни Атоликбекдан тортиб олади. Бунга, биринчидан, Атолиқбек рози бўлмаган бўлса, иккинчидан, Жиззах шахри аҳолиси ўз норозилигини билдиради.

Бу вазиятдан фойдаланган Қўқон хони Мухаммад Алихон (1822 — 1842) Ўратепа ва унинг худудларини босиб олади. Атолиқбек Шахрисабзга қочиб кетади. Кўп ўтмай Ўратепа ҳокимлиги Исобекка ўтади. Зомин, Ём хам унга буйсунарди. 1849 йилнинг охирларида Ўратепага Абдуғаффорбек хоким этиб тайинланади.

1. Хулосалар:

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки XVII — XIX асрлар жаҳон тарихида моддий ва маданий юксалиш даври булган бир даврда Ўрта Осиё хонликлари бу ижобий жараёнлардан четда колиб қолоқликка, турғунликка юз тутди. Асрлар мобайнида бир бутун бўлиб келган мамлакатнинг, бир иктисодий ва маданий маконда яшаб келган алҳолининг учга бўлиниб кетиши, хонликлар ўртасидаги урушлар, хар бир хонлик ичидаги ўзаро ҳокимият учун тинимсиз давом этган ички кураш вилоят ва туманларни, колаверса бутун мамлакатни хонавайрон қиларди. Ўзаро урушлар оқибатида у ёки бу кабилаларнинг яшаб турган жойидан кўчирилиши этник низоларни келтириб чикарарди, уларнинг бир бутун халқ, бўлиб, жипслашиб яшашига рахна соларди. Давлат даражасида хам, вилоятлар даражасида хам ягона халқ, ягона Ватан, тушунчасининг қадри англаб етилмади. Аҳоли хон ва амалдорларнинг зўравонлигидан, ўзбошимчалигидан азоб чекарди, турмуш даражаси ночор эди. Афсуски бу холат Жиззах шахри учун хам хос эди. Хонликлардаги ижтимоий-сиёсий беқарорлик қўшни мамлакатларни босиб олишни кўзлаётган Чор Россияси учун жуда қўл келди. Хонликлардаги парокандалик уларнинг Чор Россияси тамонидан босиб олиниши ва мустамлака бўлишига олиб келди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев. Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш масалалари ҳақида. // Халқ сўзи. 2017 йил 4 октябрь. №199 (6893)-сон.(See. President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoev. On issues of further development of tourism in Uzbekistan. // People's word. October 4, 2017. №199 (6893) -son.)
2. 2017-2021-yillarda O’zbekiston Resoublikasi rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha Harakatlar strategiyasi”(Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 ")
3. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 17-fevraldagi PQ-2789-sonli “Fanlar akademiyasi faoliyati, ilmiy-tadqiqot ishlarini tashkil etish, boshqarish va moliyalashtirishni yanada takomillashtirish chora tadbirlari to’g’risida”gi Qarori(Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 17, 2017 No PP-2789 "On measures to further improve the activities of the Academy of Sciences, the organization, management and funding of research")
4. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 28-noyabrdagi PQ-4038-son “O’zbekiston Respublikasida milliy madaniyatni yanada rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to’g’risida”gi Qarori(Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated November 28, 2018 No PP-4038 "On approval of the Concept of further development of national culture in the Republic of Uzbekistan")
5. Бобур З. М. Бобурнома,1 қисм. Т, “Ўздавлатнашр ”,1998, 115-бет (Bobur Z. M. Boburnoma, 1 part. T, Uzdavlatnashr, 1998, p.115)

6. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. I- жилд. Т, “Шарқ”, 1999,8.-бет. 141-143- бет.(Hafiz Tanish al-Bukhari. I- skin. T, Sharq, 1999, p. Pp. 141-143.)
7. Ҳайдаров Ҳ. Усмонов Қ. Жиззах тарихи. Т, “Ўқитувчи”, 2009, 71-72 бет.(Haydarov H. Usmonov Q. History of Jizzakh. T, “Teacher”, 2009, pp. 71-72.)
8. Бозоров Ҳ. Жиззах музофатиниг қадим ҳокимликлари ҳақида. “Жиззах овози” газетаси,2000 йил,15 апрел сони.(Bozorov H. About the ancient khokimiyats of Jizzakh province. Jizzakh ovozi newspaper, April 15, 2000.)
9. Ҳайдаров Ҳ. Усмонов Қ. Жиззах тарихи. Т, “Ўқитувчи”, 2009, 74-75 бет. (Haydarov H. Usmonov Q. History of Jizzakh. T, “Teacher”, 2009, pp. 74-75.)
10. Бозоров Ҳ. Жиззах музофатиниг қадим ҳокимликлари ҳақида. “Жиззах овози” газетаси, 2000, 15 апрел сони.(Bozorov H. About the ancient khokimiyats of Jizzakh province. Jizzakh ovozi newspaper, April 15, 2000.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Жамшид Хасан ўғли Адилов,
Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти
Тарихшунослик ва манбашунослик маркази
кичик илмий ходими
jamshid8880@bk.ru

АЛЕКСАНДР БЕКОВИЧ-ЧЕРКАССКИЙНИНГ ХИВА ХОНЛИГИГА ЮРИШИ РОССИЯЛИК ШАРҚШУНОСЛАР ТАДҚИҚОТЛАРИДА

For citation: Jamshid Hasan ugli Adilov, ALEXANDER BEKOVICH-CHERKASSKY'S CAMPAIGN TO THE KHANATE OF KHIVA IN RESEARCHES OF RUSSIAN ORIENTALISTS. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.82-88

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-8

АННОТАЦИЯ

Мақолада 1714-1717 йилларда Россия томонидан Хива хонлигини бўйсундириш мақсадида ташкил этилган Александр Бекович-Черкасский бошчилигидаги ҳарбий юриш тарихини Россия империси даврида фаолият юритган шарқшунослар – Василий Владимирович Бартольд ва Николай Иванович Веселовскийлар томонидан ўрганлиши тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилган.

Хусусан, таҳлил давомида Василий Владимирович Бартольд ва Николай Иванович Веселовскийларнинг Александр Бекович-Черкасскийнинг Хива хонлигига қарши юриши тарихини қандай манбалар асосида ёритганликлари, унинг мақсади ва вазифасига доир қарашлари таҳлил этилган. Мақолада шунингдек, Александр Бекович-Черкасскийнинг Хива хонлигига қарши юришини қисқа тарихи ҳам келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Александр Бекович-Черкасский, Хива хонлиги, Россия давлати, Пётр I, Шерғозихон, юриш, Каспий денгизи, Амударё, Б.В. Лунин, шарқшунослик, Н.И. Веселовский, В.В. Бартольд, тарихшунослик.

Жамшид Хасан угли Адилов,
Младший научный сотрудник
Центра историографии и источниковедения
Института истории Академии наук Узбекистана
jamshid8880@bk.ru

ПОХОД В ХИВИНСКОЕ ХАНСТВО АЛЕКСАНДРА БЕКОВИЧА-ЧЕРКАССКОГО В ИССЛЕДОВАНИЯХ РОССИЙСКИХ ВОСТОКОВЕДОВ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается с точки зрения историографии изучение востоковедами – Василием Владимировичем Бартольдом и Николаем Ивановичем Веселовским истории военного похода во главе с Александром Бековичем-Черкасским, организованной Россией в 1714-1717 годах с целью подчинения Хивинского ханства.

В ходе исследование было проанализировано, труды Василия Владимировича Бартольда и Николая Ивановича Веселовского по изучении истории похода против Хивинского ханства Александра Бековича-Черкасского. В частности, было изучена источниковая база трудов востоковедов, их взгляды на цель и задачу похода. В статье также приводится краткая история похода Александра Бековича-Черкасского против Хивинского ханства.

Ключевые слова: Александр Бекович-Черкасский, Хивинское ханство, Российское государство, Петр I, Шергазихан, поход, Каспийское море, Амударья, Б.В. Лунин, востоковедение, Н.И. Веселовский, В.В. Бартольд, историография.

Jamshid Hasan ugli Adilov,
Junior Researcher Center of Historiography and Source Studies
Institute of History of the Academy of Sciences of Uzbekistan
jamshid8880@bk.ru

ALEXANDER BEKOVICH-CHERKASSKY'S CAMPAIGN TO THE KHANATE OF KHIVA IN RESEARCHES OF RUSSIAN ORIENTALISTS

ABSTRACT

The article examines from the point of view of historiography the study by orientalists Vasily Vladimirovich Bartold and Nikolai Ivanovich Veselovsky of the history of the military campaign led by Alexander Bekovich-Cherkassky, organized by Russia in 1714-1717 with the aim of subjugating the Khanate of Khiva.

In the course of the study, the works of Vasily Vladimirovich Bartold and Nikolai Ivanovich Veselovsky on the study of the history of the campaign against the Khanate of Khiva by Alexander Bekovich-Cherkassky were analyzed. In particular, the source base of the works of orientalists, their views on the purpose and task of the campaign were studied. The article also provides a brief history of Alexander Bekovich-Cherkassky's campaign against the Khanate of Khiva.

Keywords: Alexander Bekovich-Cherkassky, Khiva Khanate, Russian state, Peter I, Shergazikhan, campaign, Caspian Sea, Amu Darya, B.V. Lunin, Oriental studies, N.I. Veselovsky, V.V. Bartold, historiography.

1.Долзарблиги:

Александр Бекович-Черкасскийнинг Хива хонлигига қарши уюштирган юриши Россия давлати ҳукмдорлари ва сиёсий доиралари учун Ўрта Осиё давлатлари билан олиб борилган алоқаларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган эди. Ушбу юриш тақдири кейинчалик Россия империясининг Ўрта Осиёга нисбатан олиб борган сиёсатининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлганлиги юриш тарихининг тадқиқ этиш долзарблиги ва аҳамиятини белгилайди. Шу ўринщда юриш тарихига қисқача тўхталиб ўтсак.

1714 йилгача Хива ва Россия давлатлари ўрасидаги алоқалар амалда асосан савдо-сотиқ юзасидан олиб борилган элчилик муносабатларидан иборат бўлган бўлса-да, муносабатлар фақат савдо-сотиқ нуқтаи назаридан олиб борилган деб бўлмайди. Хиванинг Россия билан XVIII асрдаги алоқалари баъзида сиёсий аҳамият касб этган бўлиб, бунга ёрқин мисол сифатида 1700 йилда Хива хони Шониёзнинг Пётр I га Хивани Россия тобелигига қабул қилиниши сўраб мурожаат қилганлигини кўришимиз мумкин. Албатта, бу "тобелик" Шониёзнинг ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун қилган сиёсий "ўйини" эди. Амалда эса бу "тобелик" номинал хусусият касб этарди[1]. Бу каби ҳодисалар икки давлат ўртасидаги муносабатлари тарихида ўзига хос воқеа бўлиб қолди. Айнан 1714 йилда Ўрта Осиёнинг

олтинлари ва Ҳиндистонга борадиган йўлни аниқлаш мақсадида Пётр I буйруғига кўра икки ҳарбий юришни ташкиллаштиришга қарор қилинди.

Булар княз А. Бекович-Черкасский ва И. Бухголц юришлари эди. Улардан бири Астрахан–Хива йўналишида шарқий Каспий соҳили бўйлаб княз А. Бекович-Черкасский бошчилигида, иккинчи гуруҳ эса Тоболдан Иртиш бўйлаб юқорига подполковник И. Бухголц бошчилигида йўл олиши керак эди[2].

И. Бухголц бошчилигидаги юриши 1715 йилда Тоболскдан йўлга чиққан бўлиб, юриш аъзоларининг бир қисми қалмоқлар ҳужумига учрагандан сўнг 1716 йилда бўлажак Омск шаҳарига асос солиниши билан чегараланиб, амалда муваффақиятсиз якун топади.

Князь Александр Бекович-Черкасский юриши эса уч босқичда амалга оширилган бўлиб:

Биринчи босқич – Каспий денгизини тадқиқ этиш бўйича экспедиция ташкил этилган (1714 й. ноябрь – 1715 й. октябрь); топографик, рекогносцировка ишлари амалга оширилган;

Иккинчи босқич – Каспий денгизига иккинчи экспедиция ташкиллаштирилган (1716 й. сентябрь – 1717 й. февраль). Экспедиция давомида бир қанча қалъалар қурилган;

Учинчи босқич – Хива хонлигига қарши ҳарбий юриш амалга оширилган (1717 й. июнь – август).

А. Бекович-Черкасский бошчилигидаги гуруҳ дастлаб Каспий бўйида бир мунча фаолият юритиб, баъзи топографик маълумотларга эга бўлади. Аммо унинг 1717 йилда Хивага уюштирилган юриши у учун аянчли якун топади. Хива хони Шерғозихон Хивага қадар етиб келган кучли рус қўшинини 5 қисмга бўлиб жойлаштириш баҳонаси билан уларни кучсизлантириб, 1717 йилнинг августида қириб ташлаш ёки асирга олишга буйруқ беради. А.Бекович-Черкасский ҳам ўлдирилади. Пётр I юришнинг ҳалокати ва Ўрта Осиёга нисбатан режаларини барбод бўлганлиги тўғрисида 1717 йилнинг сентябрида хабар топади[3].

Ушбу ҳодиса икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг кескин тарзда ёмонлашувига олиб келади. Унинг таъсири Россия ва Хива хонлиги ўртасидаги кейинги муносабатларда ҳам ўз аксини топади. Хусусан, Шерғозихон томонидан 1720 йилда Петербургга савдо алоқаларини тиклаш мурожаати билан Аваз Муҳаммад бошчилигида юборилган элчилик муваффақиятга эриша олмайди. Аваз Муҳаммад император буйруғи билан ҳибсга олиниб, у ерда 1721 йилда вафот этади[4]. Фақатгина Субхонқулибек элчилиги 1727 йилда савдо алоқаларини тиклашга эришади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу юриш тарихи Россия империяси ва совет давридаги кўплаб тадқиқотлар предмети сифатида ўрганилган эди. Хусусан, дастлаб XVIII асрнинг иккинчи ярмидаёқ юриш тарихи россиялик тарихчи олимлар томонидан тадқиқ этила бошланган бўлиб[5], кейинчалик юриш тарихини ёритувчи кўплаб тадқиқотларнинг[6] вужудга келиши ушбу мавзунинг долзарблигини намоён этади. Қолаверса, ҳозирги даврда ҳам Александр Бекович-Черкасскийнинг Хива хонлигига қарши юриши ўзбекистонлик ва хорижий тадқиқотчиларнинг диққат марказидадир[7].

Шу ўринда экспедиция тарихини ёритишда рус шарқшуносларининг ўзига хос ўрнини таъкидлаш лозим. Зеро, Б.В. Лунин таъкидлаганидек: “XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистондаги тарихий шарқшуносликни ривожлантириш йўлидаги дастлабки қадамлар ва ютуқлар В.В. Григорьев, Н.И. Веселовский ва айниқса В.В. Бартольдга мансуб эди” [8]. Машҳур рус шарқшунослари Н.И. Веселовский (1848–1918), В.В. Бартольд (1869–1930) ларнинг асарларида юриш тарихи турли тадқиқот ва манбаларга асосланган ҳолда ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Николай Иванович Веселовский ўзининг Хива хонлиги тарихига бағишланган асарида[9] А. Бекович-Черкасскийнинг юриши тўғрисида батафсил маълумот беради. Бу асар аслида Н.И. Веселовскийнинг магистрлик диссертацияси бўлиб, тадқиқот асосан рус элчилари ва сайёҳлари маълумотига асосланган ҳолда яратилган. В.В. Бартольднинг таъкидлашича, асарнинг ютуғи ва камчилиги айнан шу омил билан боғлиқдир[10]. Н.И.

Веселовский дастлаб А. Бекович-Черкасскийнинг юришига бағишланган тадқиқотларни келтириб ўтади, сўнгра юришга сабаб бўлган омиллар, Петр I нинг бу юришдан кўзлаган мақсади, юришга тайёргарлик жараёни, унинг таркиби, юришнинг бориши ва ҳалокати асосан рус манба ва тадқиқотларига таянган ҳолда ёритилади[11]. Ушбу тадқиқот аслида Россия империясининг 1873 йилдаги Хивага юриши вақтида ёзила бошланганлиги тадқиқотдаги маълум бир масалаларга бўлган ёндашувларга салбий таъсир этган. Хусусан, юриш аслида тинчликпарвар мақсадларни кўзлагани бир неча бор таъкидланган[12]. Ваҳоланки, Н.И. Веселовскийнинг ўзи бундан аввал юриш мақсадини изоҳлашда "У (Петр I – Ж.А.) Ўрта Осиёда рус ҳукмронлигини ўрнатмоқчи эди" [13], деб таъкидлайди. Н.И. Веселовский юришнинг мағлубият сабабларидан бири сифати А. Бекович-Черкасский руҳий ҳолатининг бузилишини кўрсатиб ўтади[14]. Н.И. Веселовский юриш аҳамияти ҳақида фикр билдирар экан, юриш фақатгина илмий аҳамият касб этганлигини таъкидлайди[15].

Василий Владимирович Бартольд бошқа рус тарихчиларидан фарқли равишда юриш тарихини нафақат рус, балки Европа ва Шарқ манбаларига асосланган ҳолда ёритишга, Н.И. Веселовскийдан фарқли равишда ўзидан аввал яратилган тадқиқотларни такрорламасликка ҳаракат қилади. В.В. Бартольд ўзининг бир қатор асарларида юриш тарихига боғлиқ маълумотлар бериб ўтади[16]. Аммо юришнинг тарихи батафсил равишда, унинг Европа ва Россияда шарқнинг ўрганилишига доир асарида ёритилади[17].

В.В.Бартольд бу тадқиқотида А.Бекович-Черкасский экспедициясининг уюштирилишига сабаб бўлган омиллар ва унинг мақсадини рус ва Хива манбаларига асосланган ҳолда кўрсатиб ўтади. Бунда у экспедиция Ўрта Осиё хонликларини бўйсундириш, Амударё ўзанини ўзгартириш каби мақсадларни кўзлаганлигини таъкидлайди[18]. В.В. Бартольд Хоразм тарихчилари Шермуҳаммад Мунис Хоразмий ва Муҳаммад Ризо Огаҳийларнинг "Фирдавс ул-иқбол" асарида "юришнинг мақсади Шайх-Жали тоғларидан қазиб олинадиган олтинларни қўлга киритиш учун Хива хонлигини босиб олишдан иборат эди", деб кўрсатган[19].

Шунингдек, В.В. Бартольд ўз асарида экспедиция фаолияти натижасида бунёд этилган учта қалъа ва уларнинг жойлашуви ҳақида ҳам маълумот беради[20]. У юриш тарихини Н.И. Веселовскийга нисбатан қисқа ва лўнда тарзда ёритган. Аммо Н.И. Веселовскийдан фарқли равишда фақатгина рус манба ва тадқиқотлари билан чекланиб қолган эмас. Ҳолбуки, турли манбаларни солиштириш тадқиқотни ҳар томанлама таҳлил этиш имконини беради.

Умуман олганда, В.В. Бартольднинг асарида экспедиция тарихи нисбатан объектив тарзда ёритилган бўлиб, баъзи рус тадқиқотлари учун хос бўлган шовинизм ва славянфиллик каби тадқиқотларга салбий таъсир этувчи омиллардан холилиги билан ажралиб туради. Зеро, Б.В. Лунин В.В. Бартольднинг ижодига баҳо берар экан: "Биз ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, Бартольд учун на Шарқ олдида бош егиш, на унга нисбатан менсимаслик ҳисси хос бўлган" [21], деб таъкидлайди. Бу билан Б.В. Лунин В.В. Бартольднинг тадқиқотларида юқорида қайд этилган омиллар йўқ эканлигига урғу беради.

4.Хулосалар:

Александр Бекович-Черкасский юриши тарихини ёритишда россиялик шарқшунос олимларининг ўрни катта бўлганлигини таъкидлаб, уларнинг бир вақтнинг ўзида рус тадқиқотлари, хориж ва маҳаллий манбаларга мурожаат эта олгани мавзуга ўзгача ёндашиш имкониятини берган. Албатта, юқорида таъкидланган россиялик шарқшунослар ўз даврининг ижтимоий-сиёсий талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўша даврда уларга маълум бўлган манбалар асосидагина мавзуни тадқиқ этганлиги бу ишларда баъзи ноаниқликлар ва камчиликларни пайдо бўлишига сабаб бўлган. Лекин россиялик шарқшунос олимлари тадқиқотларини тарихшунослик нуқтаи назаридан, танқидий ўрганиш бугунги кунда Ўрта Осиё тарихини ва хусусан, Александр Бекович-Черкасскийнинг Хива хонлигига қарши юришини тадқиқ этишда қўл келади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Гуломов Х.Г. Средняя Азия и Россия: истоки формирования межгосударственных отношений. Ташкент: Университет, 2005. 39-40-бетлар. (Gulomov X.G. Central Asia and Russia: the origins of the formation of interstate relations. Tashkent: University, 2005. Pp. 39-40.)
2. Bregel Y. An Historical atlas of Central Asia. Boston: Brill, 2003. P. 58.
3. Гуломов Х.Г. Средняя Азия и Россия: истоки формирования межгосударственных отношений. Ташкент: Университет, 2005. 48-бет. (Gulomov X.G. Central Asia and Russia: the origins of the formation of interstate relations. Tashkent: University, 2005. P. 48.)
4. Гуломов Х.Г. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX века... 222-223-бетлар. (Gulomov X.G. Diplomatic relations of the Central Asian states with Russia in the XVIII - first half of the XIX century... Pp. 222-223.)
5. Миллер Г.Ф. Известие о песочном золоте в Бухарии, о чиненных для оного отправлениях и о строении крепостей при реке Иртыше. – СПб.: Тип. при Имп. Академии наук, 1760; Соймонов Ф.И. Описание Каспийского моря и чиненых на оном российских завоеваний, яко часть истории Государя императора Петра Великого. – СПб., 1763; Могутов В. Редкое и достопамятное известие о бывшей из России в Великую Татарию экспедиции, под именем посольства. – СПб., 1777; Голиков И.И. Деяния Петра Великого, мудрого преобразователя России, собранныя изъ достоверныхъ источниковъ и расположенныя по годамъ. В 12 т. – М.: Унив. тип., 1788. (Miller G.F. News about sand gold in Bukhara, about the shipments repaired for it and about the structure of fortresses at the Irtysh River. - SPb.: Type. at Imp. Academy of Sciences, 1760; F.I. Soymonov. Description of the Caspian Sea and the Russian conquests made on it, as part of the history of the Sovereign Emperor Peter the Great. - St. Petersburg, 1763; Mogutov V. A rare and memorable news about an expedition from Russia to Great Tartary, under the name of the embassy. - St. Petersburg, 1777; Golikov I.I. The Deeds of Peter the Great, the Wise reformer of Russia, collected from reliable sources and arranged by year. In 12 vols. - M.: Univ. type., 1788.)
6. Сементовский Н. Путешествие в Хиву преображенскаго полка капитана-поручика князя Александра Бековича Черкасскаго, в 1716 г., в феврале месяце // Финский Вестник. 1846. Т. X. – С. 15–21; Попов А.Н. Сношения России с Хивою и Бухарою при Петре Великом // Записки Императорского Русского Географического общества. – СПб., 1853; Голосов Д. Поход в Хиву в 1717 году отряда под начальством лейб-гвардии Преображенского полка капитана князя Александра Бековича-Черкасского // Военный сборник. 1861,. № 10. – С. 306-364; Галкин М.Н. Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю. – СПб., 1868; Абаза К.К. Первые походы в Хиву. Поход князя Бековича-Черкасского // Родник. 1888. № 11. – С. 409–421; Ўша муаллиф. Завоеваніе Туркистана. – СПб.: Тип. Стасюлевича. 1902; Желябужский Е. Очерки и завоевание Хивы. – М.: Тип. Мамонтова, 1875; Мак–Гахан Дж.А. Военные действия на Оксусе и падение Хивы. – М.: В Университетской тип. (Катков и К°), 1875; Брикнер А.Г. История Петра Великого. – СПб., 1882. Т. 1-2; Гродеков Н.И. Хивинский поход 1873 года. Действия Кавказских отрядов. – СПб.: Русская старина. 1883; Чихачев П. Записка о возможности осуществления Россией экспедиции в Индию. - Сборнике географических, топографических и статистических материалов по Азии. Выпуск XXIII, – СПб., 1886; Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии: в 3-т. – СПб.: Типо-литография Комарова, 1906-1908. Т. 1-3; Жуковский С.В. Сношении России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. – Пг., 1915. (Sementovsky N. Journey to Khiva of the Preobrazhensk regiment of Captain-Lieutenant Prince Alexander Bekovich Cherkasskago, in 1716, in February // Finnish Bulletin. 1846. T. H. - pp. 15-21; Popov A.N. Relations of Russia with Khiva and Bukhara under Peter the Great // Notes of the Imperial Russian Geographical Society. - St. Petersburg, 1853; Golos D. A campaign to Khiva in 1717

of a detachment under the command of the Life Guards of the Preobrazhensky regiment of Captain Prince Alexander Bekovich-Cherkassky // Military Collection. 1861,. No. 10. - pp. 306-364; Galkin M.N. Ethnographic and historical materials on Central Asia and the Orenburg Region. - St. Petersburg, 1868; Abaza K.K. The first trips to Khiva. The campaign of Prince Bekovich-Cherkassky // Rodnik. 1888. No. 11. - C. 409-421; Shsha muallif. The conquest of Turkistan. - St. Petersburg: Type. Stasyulevich. 1902; Zhelyabuzhsky E. Essays and the conquest of Khiva. - M.: Mamontov Type, 1875; McGahan J.A. Military operations on the Oxus and the fall of Khiva. - M.: In the University type. (Katkov and Co.), 1875; Brickner A.G. The History of Peter the Great. - St. Petersburg, 1882. Vol. 1-2; Grodekov N.I. Khiva campaign of 1873. Actions of the Caucasian detachments. - St. Petersburg: Russian Antiquity. 1883; Chikhachev P. Note on the possibility of Russia's expedition to India. - Collection of geographical, topographic and statistical materials on Asia. Issue XXIII, - St. Petersburg, 1886; Terentyev M.A. The History of the Conquest of Central Asia: in 3-t. - SP6.: Komarov's Typo-lithography, 1906-1908. T. 1-3; Zhukovsky S.V. Russia's relations with Bukhara and Khiva over the last tercentenary. - Pg., 1915.)

7. Адилов Ж.Х. Экспедиция Александра Бековича-Черкасского в Среднюю Азию: историографическая динамика// O‘zbekiston tarixi. 2014. №4. 47-61-бетлар; Ўша муаллиф. Александр Бекович-Черкасскийнинг Ўрта Осиёга уюштирган экспедицияси тарихшунослигига доир // Историческая наука в контексте интеллектуального развития Центральной Азии (очерки историографии и источниковедения) / Отв. ред. д.и.н. Д.А. Алимова. – Ташкент, Yangi nashr. 2014. Б. 93-99. Ўша муаллиф. Марказий Осиёда Россия ҳукмронлигини ўрнатишга дастлабки қадам: Александр Бекович-Черкасский экспедициясига янги ёндашувлар (Ватан тарихшунослиги мисолида)//Очерки историографии истории государственности Узбекистана. Том 2. Ташкент: Navro‘z, 2019. 91-109-бетлар. Ўша муаллиф. Экспедиция Александра Бековича-Черкасского в современной российской историографии// Сборник тезисов XXX Международного Конгресса по источниковедению и историографии стран Азии и Африки: К 150-летию академика В. В. Бартольда (1869-1930). 19–21 июня 2019 г., Восточный факультет СПбГУ. С. 25-27. (Adilov J.Kh. Alexander Bekovich-Cherkassky's expedition to Central Asia: historiographical dynamics// O'zbekiston tarixi. 2014. No. 4. Pp. 47-61. The same. The expedition of Alexander Bekovich Cherkassky to Central Asia, organized by him, dates back to his historiography // Historical science in the context of intellectual development of Central Asia (essays on historiography and source studies) / Ed. D.A. Alimova. - Tashkent, Yangi nashr. 2014. Pp. 93-99. The same. The first step to establishing Russian domination in Central Asia: Alexander Bekovich-new approaches to the Cherkassky expedition (on the example of the homeland historiography)// Essays on the historiography of the history of the statehood of Uzbekistan. Volume 2. Tashkent: Navro'z, 2019. Pp. 91-109. The same. The Expedition of Alexander Bekovich-Cherkassky in Modern Russian Historiography// Collection of theses of the XXX International Congress on Source Studies and Historiography of Asia and Africa: To the 150th anniversary of Academician V. V. Bartold (1869-1930). June 19-21, 2019, Faculty of Oriental Studies of St. Petersburg State University. pp. 25-27.)
8. XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (Тарихшунослик очерклари). Масъул муҳаррир Д.Алимова. II қисм. – Тошкент: ФАН, 1994. – Б. 288. (In the first thirty years of the XX century, the science of history in Uzbekistan (essays of historiography). Responsible editor D.Alimova. Part II. - T.: Science, 1994. – P. 288.)
9. Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времён до настоящего. – СПб.: Тип. брат. Пантелеевых, 1877. (Veselovsky N.I. An essay of historical and geographical information about the Khanate of Khiva from ancient times to the present. - St. Petersburg: Type. brother. Panteleevs, 1877.)
10. Бартольд В.В. Н.И. Веселовский как исследователь Востока // Сочинения. т. IX. – М.: Наука, 1977. – С. 656-657. (Bartold V.V. N.I. Veselovsky as a researcher of the East // Works. vol. IX. - M.: Nauka, 1977. - Pp. 656-657.)

11. Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времён до настоящего... – С. 165-175. (Veselovsky N.I. An essay of historical and geographical information about the Khanate of Khiva from ancient times to the present... Pp. 165-175.)
12. Ўша асар... – С. 171, 173. (Ibid. P. 171, 173.)
13. Ўша асар... – С. 167. (Ibid. P. 167.)
14. Ўша асар... – С. 173. (Ibid. P. 173.)
15. Ўша асар... – С. 174-175. (Ibid. Pp. 174-175.)
16. Бартольд В.В. Очерки истории Туркменского народа // Сочинения. т. II. ч. 1. – М.: Наука, 1963. – С. 613; Ўша муаллиф. Место прикаспийских областей в истории мусульманского мира // Сочинения. т. II. ч. 1. – М.: Наука, 1963. – С. 764; Ўша муаллиф. События перед хивинским походом 1873 года // Сочинения. т. II. ч. 2. – М.: Наука, 1964. – С. 764. (Bartold V.V. Essays on the history of the Turkmen people // Works. vol. II. part 1. - M.: Nauka, 1963. - P. 613; The same. The place of the Caspian regions in the history of the Muslim world // Works. vol. II. part 1. - M.: Nauka, 1963. - P. 764; The same. Events before the Khiva campaign of 1873 // Works. vol. II. part 2. - M.: Nauka, 1964. - P. 764.)
17. Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и России // Сочинения. т. IX. – М.: Наука, 1977. – С. 393-396. (Bartold V.V. History of the study of the East in Europe and Russia // Works. vol. IX. - M.: Nauka, 1977. - pp. 393-396.)
18. Ўша асар... – С. 393. (Ibid. P. 393.)
19. Ўша асар... – С. 394. Мунировр Қ. Хоразмда тарихнавислик. – Тошкент: “Ғ.Ғулом”, 2002. – Б. 69. (Ibid. P. 394. Munirov Q. Historiography in Khorezm. - Tashkent: "G'.Gulom", 2002. – P. 69.)
20. Ўша асар... – С. 394. (Ibid. P. 394.)
21. Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане: Туркестанский кружок любителей археологии (1895–1917гг.). – Ташкент, 1958. – С. 211. (Lunin B.V. From the History of Russian Oriental Studies and archeology in Turkestan: Turkestan circle of archeology lovers (1895-1917). – Tashkent, 1958. – P. 211.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Дилзода Алимкулова,
Санъатшунослик фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент.
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва
дизайн институти, dilaalimkulova@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИГА НАЗАР

For citation: Alimkulova Dilzoda, NATIONAL AND CULTURAL FEATURES OF THE TERMS OF APPLIED ARTS. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.89-94

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-9

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Ўзбекистонда тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари ривожи асосан XX асрда шаклланганлиги ва ривожланганлигини ҳамда Ўзбекистоннинг анъанавий бадиий маданияти XX асрда мураккаб тарихий, сиёсий, маданий, диний, ижтимоий-иқтисодий вазиятларни ўзида акс эттирганини ёритган. XX аср Ўзбекистон тасвирий санъатини ўрганишда асосан ҳар ўн йилликни алоҳида ажратиб ўрганиш тўғри ҳисобланиши айтилган. Масаланинг ушбу жиҳати шу пайтга қадар халқаро доирада нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: тасвирий санъат, жанр, XX аср, бадиий маданият, рангтасвир, рассомлар, авангард.

Дилзода Алимкулова,
Доктор философии по искусствоведению (PhD), доцент.
Национальный институт художеств и дизайна
имени Камолиддина Бехзода, dilaalimkulova@gmail.com

ВЗГЛЯД НА ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОЕ ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор отмечает, что развитие видов и жанров изобразительного искусства в Узбекистане формировалось и развивалось в основном в XX веке, а традиционная художественная культура Узбекистана в XX веке отражала исторические, политические, культурные, религиозные, социально-экономические ситуации. При изучении изобразительного искусства Узбекистана XX века говорится, что уместно изучать каждое десятилетие отдельно. Данный подход к этому вопросу послужит дополнительным материалом к ранее опубликованным работам в международных научных кругах.

Ключевые слова: изобразительное искусство, жанр, XX век, художественная культура, живопись, художники, авангард.

Dilzoda Alimkulova,
Doctor of Philosophy in Art History (PhD),
Associate. National Institute of Arts
and Design named by Kamoliddin Behzod,
dilaalimkulova@gmail.com

A LOOK AT THE FINE ART OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

In this article, the author notes that the development of types and genres of fine art in Uzbekistan was formed and developed mainly in the twentieth century, and the traditional artistic culture of Uzbekistan in the twentieth century reflected historical, political, cultural, religious, socio-economic situations. When studying the fine arts of Uzbekistan of the twentieth century, it is said that it is appropriate to study each decade separately. This approach to this issue will serve as additional material to previously published works in international scientific circles.

Index Terms: fine art, genre, twentieth century, art culture, painting, artists, avant-garde.

---

1. Долзарблиги:

Маълумки, Ўзбекистонда тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари ривожи асосан XX асрда шаклланди ва ривожланди. Ўзбекистоннинг анъанавий бадиий маданияти XX асрда мураккаб тарихий, сиёсий, маданий, диний, ижтимоий-иқтисодий вазиятларни ўзида акс эттирди.

XX аср Ўзбекистон тасвирий санъатини ўрганишда асосан ҳар ўн йилликни алоҳида ажратиб ўрганиш тўғри ҳисобланади. XX асрнинг биринчи чораги яъни 1920 йиллар тасвирий санъатидаги ижодий эркинлик ижтимоий ўзгаришлар тасвирий санъат турларини нафақат Европа ёки рус санъатидан кўчириш, балки миллий қадриятлар фонида уларни ўзлаштириш, маданий мерос талқинида акс эттиришга олиб келди. Александр Волков, Александр Николаев (Усто Мўмин), Ўрол Тансиқбоев, Николай Карахан каби рассомларнинг илк асарларидаёқ Европа санъати шаклларидаги миллий анъаналар билан ижодий изланишлар уйғунлигини кўриш мумкин. 1930 - йиллар санъати эса қатъий сиёсий ва ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ, 1940 йиллар санъати Иккинчи Жаҳон Уруши йиллари билан боғлиқ мавзулар ўзгаришини кузатамиз. 1950 йиллар санъати эса "муз эриш" даври билан белгиланади. 1960 йиллардан бошлаб, профессионал бадиий таълим олиб қайтган рассомлар ижоди билан фарқланади. Мазкур жараён, ўтган аср иккинчи ярмида ижод этган Чингиз Ахмаров, Раҳим Ахмедов, Бахтиёр Бобоев, Рўзи Чориев, Абдулҳақ Абдуллаев ва бошқа кўплаб рассомлар ижоди билан белгиланади.

1970 йиллар санъати "Янги тўлқин" рассомларининг ижодий изланишлари билан боғлиқ бўлган. Алишер Мирзаев, Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Евгений Мельников каби кўплаб рассомларнинг асарларида эса шарқона бадиий дунёқараш намоён бўлади. Миллий рангтасвирдаги бу каби жараёнлар нафақат номлари тилга олинган йирик рассомлар ижодида, балки номи танилмаган, аммо ўрганишга муҳтож бўлган кўплаб ижодкорлардан: Маннон Саидов, Абдулҳақ Абдуллаев, Лутфилла Абдуллаев, Евгений Мельников, Александр Перов, Зокиржон Иноғомов каби ижодкорларнинг асарларидан топиш мумкин. 1980 йиллар тасвирий санъати эса "Қайта қуриш" давридаги мураккаб иқтисодий ва сиёсий жараёнлар билан боғлиқ холда ривожланди.

Мустақиллик даври Ўзбекистон рангтасвиридаги янги тенденцияларни таҳлил этиш, замонавий рассомлар таянган образли-эстетик концепцияларни аниқлаш учун аввалambор, XX аср бошларида шаклланган бадиий-услубий жараёнларни тадқиқ этиш муҳимдир. Санъатшунос мутахассисларнинг олдида янгиланган илмий маълумотлар ва методология ёрдамида кам ўрганилган рассомлар ижодини ёритиш долзарб бўлиб, уларни миллий рангтасвир ривожи тарихига қўшган ҳиссасини ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, Ўзбекистонда тасвирий санъат қарор топиши тарихи рус ва совет рассомларининг ҳудудга келиши билан боғлиқ иккита даврни ажратиш лозим.

Биринчи даврда, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонга илмий экспедициялар таркибида рус рассомлари ҳам келган. Уларнинг ижоди муҳитнинг ривожланиши ва шу асосда маҳаллий аҳолида бадиий иштиёқнинг шаклланишига сабаб бўлиб, тасвирий санъатнинг янги турларига жалб этилиши содир бўлган. Рус рассомларининг аксарияти яхши мутахассис бўлиб, бадиий мактаблар ва студияларда, шунингдек, Тошкент эркаклар ва аёллар гимназияси, Реал билим юрти, Тошкент кадетлар корпусида дарс берган. Айнан шу вақтда Туркистонда тасвирий санъатнинг ривожига асос солинган. Бунда С.П. Юдин, И.С. Казаков, В.К. Развадовскийнинг хизматлари катта. Уларнинг реалистик, академик анъаналари эса Туркистон рассомларининг ёш авлоди санъатида ривожланмай қолган. Этнографизм ҳамда Шарқ манзараси, тимсолий ва академик идрок этишга устуворлик берилиб, бунга мойиллик А.Исупов, А.Волков, О.Татевосян каби янги авлод ижодида, яъни XX асрнинг биринчи чорагида рус бадиий мактабларида таълим олган рассомларнинг ишларида намоён бўлган.

Иккинчи давр XX асрнинг биринчи чорагини қамраб олган. Маҳаллий тасвирий санъат Туркистонга келган авангардчи рассомларнинг таъсирида шакллана бошлаган, чунки улар шарқда мавжуд бўлган авангард санъатни ҳисобга олаётган янги бадиий тизимни яратиш учун бу маконда янги услубий воситаларни топганлар. Мазкур икки даврнинг вакиллари Туркистон авангардига асос солган. Бу оқим учун Шарқ мусаввирлиги, айниқса, миниатюранинг Рус-Европа санъати анъаналари билан уйғунлиги хосдир. И. Мазел, М.Курзин, В.Уфимцев, Н.Кашина, Е.Коровай, Н.Карахан, А.Волков, А.Николаев (Усто Мўмин), А.Исуповлар мазкур йўналишнинг вакиллари бўлган.

Танқидчилар, экспертлар ва музей ходимларининг ушбу давр санъатига бўлган катта эътиборига қарамай, мазкур даврдаги Ўзбекистон рангтасвири махсус ўрганилмаган. XX аср Ўзбекистон тасвирий санъати ўзига хос ноёб тарихий-бадиий ходиса сифатида монография, альбом, каталог ва илмий мақолаларда тадқиқ этилган. Унинг алоҳида муаммолари ва жиҳатлари В.Чепелев [1],, Ф.Шмит [2],, Р.Тоқтош [3], С.Горшенина [4], Н.Аҳмедова [5], А.Ҳакимов [6], Ж.Боулт, Т.Мкртичев, М.Яновская, Б.Чухович каби олимлар ишларида ўрганилди. Юқорида санаб ўтилган тадқиқотчиларнинг ишлари муҳим ёрдамчи манбага айланди. Ўзбекистон замонавий санъатини совет даври санъатшунослигидаги услуб ва ёндашувлар асосидаги таҳлилларни замонавий талаблар ва мезонлар асосида янгилаш талаб этилмоқда. А.Ҳакимов ва Н.Аҳмедоваларнинг тадқиқотларида ўзбек тасвирий санъатини ўрганиш борасидаги янги назарий ёндашувлари, унинг маънавият, анъаналар, замонавий жараёнлар билан боғлиқлиги ўз ифодасини топиб, миллий санъат масалаларини ўрганиш борасида рассомларнинг жаҳон санъатидаги тенденцияларига бўлган муносабатларини таҳлил этишга эътибор қаратадилар.

Қўлёзмалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ва Ўзбекистон Давлат санъат музейи архивида сақланадиган журнал, газета ва даврий нашрлар ўрганилган давр санъатининг ривожланишига таъсир кўрсатган тарихий, маданий ва ижтимоий жараёнларни тушунишда муҳим манба бўлди шунингдек, кўплаб халқаро, республика ва шахсий кўргазмаларнинг каталогларига алоҳида эътибор қаратилди. Қўшимча материал сифатида етакчи санъатшунослар ва рассомлар билан суҳбатлар фикр-мулоҳазаларидан фойдаланилди.

3. Тадқиқот натижалари:

1920-йиллар Ўзбекистон тасвирий санъатида Ғарб модернизми, рус авангарди, Шарқ декоративизми йўналиш ва оқимлари етакчилик қилган “Ўзбек авангарди” феномени вужудга келганлигини, Ўзбекистон тасвирий санъати икки туркумга бўлинган ҳолда, яъни Ғарб ва Шарқ санъати анъаналарини уйғунлаштириш тарихан қисқа бўлган давр кесимида (1920–1930-йиллар) вужудга келганлигини ҳамда Ўзбекистонда авангард тенденциялари

ҳудудий жиҳатдан марказдан йироқ бўлганлиги боис, «Социалистик реализм» йўналиши 1932-йилда расман қарор топганига қарамай, деярли 1935 йилгача давом этганлигини исботловчи илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институтининг ФА-А1-ГО21 113-2014-0912160526 "XIX-XXI аср бошларига оид Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатида анъаналарнинг давомийлиги" мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган. Натижада, илмий хулосалар XX аср бошида ўзбек рангтасвирида юзага келган янги тенденциялар, уларнинг ўзига хос ва ривожланиш динамикаси хусусиятларини очиб беришга хизмат қилган.

"Ўзбек авангарди" анъаналари тасвирий ифода сифатида рангтасвир ва графика санъатига 1980-йилларнинг сўнгидан бошлаб, бугунги кунга қадар эстетик жиҳатдан таъсири асосидаги бадиий музейлар экспозициясини тузишда фойдаланилган. Натижада, рангтасвир асарларининг таснифи илмий журналларда чоп этилган ва музейнинг «Ўзбекистон рангтасвири» бўлимида мавжуд илмий картотекалардаги маълумотларга қўшимчалар киритилган.

Ўлкада рус рассомлиги мактабининг фаолияти маҳаллий рассомлар учун тасвирий санъатнинг улар учун янги бўлган дастгоҳли рангтасвир турларини ўзлаштиришни осонлаштирди. Ўзбекистонда бу даврда пайдо бўлган мактаблар ва студиялар Тошкент ва Самарқандда тасвирий санъатнинг ривожига катта ҳисса қўшган. Мутахассис-рассом миллий кадрлар шаклланишининг бошланғич босқичида бу нарса айниқса муҳим аҳамият касб этган. Шундай қилиб, Туркистон-Ўзбекистон минтақасига келиб қолган ва ижодий салоҳияти турлича бўлган авангардчи рассомлари ўлка тасвирий санъатининг ривожланиши жараёнига таъсир кўрсатиб, 1920-1930 йиллардаги Ўзбекистон тасвирий санъатида ўз услубини яратишга муваффақ бўлган.

Ҳаётни эркинлаштириш рассомларнинг нафақат ижодий изланишлари, балки турли ижодий уюшмаларнинг ишидаги фаол иштирокида намоён бўлган. 1926 йилда Тошкентда Инқилобий Россия рассомларининг ассоциацияси филиали ташкил топган (ИРРА, рус тилида – АХРР) мусаввирликнинг турли жанрлари, ҳайкалтарошлик, графика соҳасида ижод қилган Ўзбекистон тасвирий санъати вакилларини бирлаштирувчи биринчи ташкилотдир. ИРРА нафақат рассомларни бирлаштириш, балки сиёсий ва ғоявий долзарб муаммоларни – "қаҳрамонона реализм" ғояларини кенг тарғиб этиш, маҳаллий рассомларни жалб этиш ва инқилоб мафкураси руҳида тарбиялаш каби вазифаларни ўз олдига қўйган эди.

1927 йилдан Тошкентда "Мастера нового Востока" ("Янги Шарқ усталари"), "Ассоциация работников изобразительного искусства" ("Тасвирий санъат ходимларининг ассоциацияси") номли ижодий уюшмалар иш бошлади. Рассомларнинг барчаси атрофдаги воқелик содир бўлаётган воқеалар динамикасини ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, бадиий талқини асосида акс эттирган. Республиканинг маданий ҳаётида фаол бўлган рассомлар ўз бадиий кўргазмаларини уюштириб, маҳаллий аҳоли орасида тасвирий санъатнинг оммалашувига хизмат қилган.

Ўзбекистон рассомлари биринчи уюшмаларининг асосий аҳамияти шундаки, улар нафақат тасвирий санъатнинг қарор топиши ва шаклланишида қатнашиб, балки бу жараёнга замонавий жаҳон танденцияларини олиб кирган.

1930 йилларда маданият ва санъатнинг ижодий методи сифатида "социалистик реализм" эълон қилиниб, унинг моҳияти мавжуд тузумни идеаллаштиришдан иборат бўлган. Ижод партиявийлик тамойилларига бўйсундирилган эди. 1930 йилларнинг охирига келиб, социалистик реализм совет санъатининг асосий негизига айланди. Аммо 1930 йилларнинг биринчи ярмида Ўзбекистон рассомлари тасвирий санъатда миллий шаклни топишга интилиб, уни замон талабига мослаштиришга ҳаракат қилган ва уларнинг асарлари давр мафкурасига сунъий равишда бўйсундирилган бўлса-да, бадиий ўзига хосликни ифода этган. 1930-1935 йиллар рассомлиги, шунингдек, бутун бошли бадиий тизимда социалистик менталитетининг шаклланиши билан характерланган. Социалистик қурилиш мавзулари ва инқилобий сюжетларга бурилиш 1930 йиллардаги совет тасвирий санъати учун хос бўлган. Совет санъатида мураккаб ижтимоий муаммолар, хато ва камчиликларни бекитиш

тенденциялари кучайиб борган. Социалистик ва “буржуа” мафкуралар, дунёқарашларнинг яширин кураши бошланиб, усталардан ички “қайта қуриш”ни талаб этган. Социалистик реализм методига асосланган бадиий маданият ривожланиши йўллари тўғрисида барча рассомлар ҳам бир фикрда бўлмаган. Рассомларнинг аксарияти ўзига хос миллий санъат асарларини яратишни мақсад қилиб, индивидуал услубга эга бўлишга ҳаракат қилган. Негаки, замонавий ва тарихий мавзулардаги тематик ишларда социалистик ўзгаришларни акс эттириш, портрет жанрини ривожлантириш, даврнинг доҳийлари ва қаҳрамонларини тасвирлаш талаби рассомларнинг қарашларига зид бўлган.

Ўз ижодида замонавий мавзулардан фойдаланган бир қатор рассомлар Ғарбий Европа санъатига қизиқишларини намоён этган. Бундай таъсирни А.Волков, О.Татевосян, Ў.Тансиқбоев, Н.Кашина, М.Курзин, П.Беньков, Н.Карахан, В.Маркова каби рассомларнинг ижодида кузатиш мумкин. 1932-1938 йилларда Ўзбекистонда рассомлар раҳбарлигидаги бадиий бригадалар фаолият кўрсатган. 1935 йилда Тошкентда А.Волков ва М.Курзин раҳбарлигида иккита асосий бригада мавжуд бўлган. А.Волков бригадаси вакиллари Ў.Тансиқбоев, Н.Карахан, А.Подковиров, П.Шёголевлар бўлиб, уларнинг ижоди авангард ва миллий анъаналарни уйғунлаштириш асосида ривожланган. Авангардга хос силлиқлиликни, ритмни амалий санъат намуналаридан: гиламлар, каштачилик ҳамда абр матоларида кўрдилар. Буларнинг натижасида рассомлар гуруҳи энг янги авангард оқимлари йўлидан кетди.

М.Курзин бригадаси рассомларидан Н.Кашина, М.Курзин, Е.Коровай, В.Уфимцевлар асосан футуризм, супрематизмда ижод этиб, бу оқимлар эса 1920 йиллар рус санъатига яқин бўлган. Биламизки, футуристлар ўтмишни тан олмаганлар ва ижодий услубларида Шарққа эътибор қаратмаганлар. Асосан ўша давр учун замонавий Ўзбекистонни тасвирлаганлар.

Самарқандда бу йилларда П.Беньков мактаби билан бир қаторда Е.Коровай, В.Еремян, Г.Никитинларнинг ижодий гуруҳи ўз концепцияларига эга бўлган. П.Беньков Ўзбекистонга ўзи билан импрессионизмга хос манераларни олиб келган. Қаттиқ мафкуравий босим ва соцреализмнинг қарор топиши бадиий вазиятни тамомила ўзгартириб юборган эди. Мавзувий режаларнинг талаб қилиниши ижодий қарашлари шаклланиб бўлган етук рассомларда ички қаршилик туғдирар эди. Битта кўргазмадан кейингисигача бўлган давр ичида улар ўз қарашларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлган. Мазкур рассомларнинг ёркин индивидуаллиги давлат мафкурасига зид кела бошлаган эди, чунки унинг энг муҳими – совет маданияти ғоявий таркибининг бирлиги асосида ривожланаётган санъатнинг тамойилларини ишлаб чиқиш ҳисобланган. Натижада, рассомлар республиканинг колхозлари ва турли қурилишларига бориб, ҳисобот кўргазмаларини ўтказишга мажбур бўлган. Бундай тадбирларда ҳар доим социалистик санъат қандай бўлиши кераклиги ҳақида қизғин мунозаралар олиб борилган. Ушбу чоралар ҳокимият учун ижодий жараённи назорат қилишга имкон яратган.

Айтиб ўтилган рассомлар асарларини таққослаш ва кўриб чиқиш натижасида ўша давр рассомларининг ижодий изланишларида мақсадлилик, бетакрор индивидуаллик аҳамиятлидир. Табиийки, бу изланишлар енгил кечмади ва охир-оқибат ғалаба қозона олмади. Лекин шунга қарамай, замонавий рассомлар учун манба ҳисобланади. Музейлар тўплами эса рассомлар ижодига янгича қараш орқали ўзбек санъати анъаналарининг нақадар кенглигини англаш имкониятини берди. Энг асосийси, ижодкорлар бугунги санъат учун Ғарб ва Шарқни қай тарзда ижодда бирлаштиришни намойиш этдилар.

4. Хулосалар:

- Ўтган аср бошларидаги рангтасвир қисқа давр мобайнида яшаган ва гуллаган бўлса-да, унинг замонавий санъатимизга бўлган таъсирини кузатиб келмоқдамиз. 1930 йиллардаги сиёсий тузум нафақат рангтасвирга, балки барча санъат соҳаларига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Орадан бир неча ўн йилликлар, деярли бир аср ўтиши билан ўтган аср бошидаги санъат фалсафаси, унинг бадиий, ғоявий, шаклий ва бошқа жиҳатлари ўз

кўринишини анча ўзгартирган, айрим ҳолларда сақлаган ҳолда бугунги рассомларимиз ижодида давом этмоқда.

- Ўтган аср боши санъатига мурожаатни асосан 1930 йиллардан кейин 1980 йилларда, орадан бир неча авлод вакиллари ўтгандан кейингина кузатамиз.
- 1990 йиллардан бошлаб, Ўзбекистон рангтасвиридаги янги тенденциялар: бир томондан, совет мафкураси рад этилиши бошқа томондан миллатнинг маънавий янгиланиши шароитида шаклланди. Ўзгараётган иқтисодий-ижтимоий воқелик нафақат жамият ҳаётида, балки ижодкорлар онгида ўзига хос янгиланишлар имкониятини туғдирди.
- Ўзбекистон рангтасвирида миллий хусусият, азалий қадриятлар, қадимий маданий бойликлар, улуғ аждодлар меросини чуқур ўрганиш билан тўлдириш борасидаги тажрибалар ўзига хос бадиий феномен бўлди.
- Ўтган аср бошида яратилган ноёб асарларнинг бугунги кундаги рангтасвирига таъсири, ўхшашлиги мазкур йиллардаги санъат бугунги кун санъатига боғлиқлигини кўплаб рассомлар ижодида бугунги кун ва тарихий давр дунёқарашларига мос, яъни ҳар бир давр ижодкори ўз дунёқараш ва давридан келиб чиқиб, асосан шаклий, услубий ва семантик ўхшашликларда бажармоқдалар.
- Ўзбекистон санъати фалсафасига назар, усталар ижодига бўлган қизиқиш, бугунги авлод ижодида тарихий санъатнинг ҳамоҳанглигини намоён этади. Тарихий-сиёсий ўзгаришлар, миллий ўз-ўзини англаш жараёнида бадиий меросга интилиш мақсадида ижодкорлар тасвирий санъатнинг авангард тенденцияларига, Шарқ эстетикасига мурожаат этиб, ҳиссиётларнинг талқини ва Шарқ оҳангларини фалсафий қатламларда ўрганиб, ифода этиб келмоқдалар.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Чепелев В. Искусство Советского Узбекистана. – Л.: Изд. Ленинградского областного союза советских художников, 1935. – 130 с. (1. Chepelev V. The Art of Soviet Uzbekistan. - L.: Publishing house of the Leningrad Regional Union of Soviet Artists, 1935. - 130 p.)
2. Шмит Ф. О национальной форме живописи Узбекистана. 1937. Архив библиотеки ГМИ. – Инв №166.–40с. (2. Schmit F. About the national form of painting of Uzbekistan. 1937. Archive of the GMI Library. - Inv No. 166.-40s.)
3. Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. – М.: СХ, 1976. – 608 с.
1. (3. Art of Soviet Uzbekistan. 1917-1972. - Moscow: Sh, 1976. - 608 p.)
4. Горшенина С. Синяя птица Среднеазиатского авангарда.//Ижтимоий фикр.–Тошкент, 1998.–№1.–С.125-138. (4. Gorshenina S. The blue bird of the Central Asian avant-garde.//Izhtimoi fikr–-Toshkent, 1998.-No. 1.-pp.125-138.)
5. Ахмедова Н. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. – Ташкент: 2004. –205 с. (5. Akhmedova N. Painting of Central Asia of the twentieth century: traditions, identity, dialogue. - Tashkent: 2004. -205 p.)
6. Хакимов А. Искусство Узбекистана история и современность. Институт искусствознания, АН РУз. – Ташкент, Издательство журнала «San’at». 2010. – 504 с. (6. Khakimov A. Art of Uzbekistan, history and modernity. Institute of Art History, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent, "San'at" magazine publishing house. 2010. -- 504 s.)
7. (ORCID 0000-0003- 3586-766X).
8. Култашева Н. Development of portrait of Uzbekistan during the early 20th century. Journal jf Contemporary Issues in Business and govemment. Vol.27https://cibg.org.au/article_9884.html
9. Абдураҳмонов И. He Interpretation Of Images On Dualism, Totemisv, Animism And Fetishism. https://doi. 0rg/10,37547.
10. Максумова Ф. Понимание истины. www.eprajournals.com

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Fazilat Akramova,
Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti,
"O'zbekiston tarixi" kafedrasi o'qituvchisi,
Fazilat_3110@mail.ru

FARG'ONA VODIYSIDA YENGIL SANOATNING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI TARIXI

For citation: Fazilat Akramova, THE HISTORY OF THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF LIGHT INDUSTRY IN THE FERGANA VOLLEY. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.95-99

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-10

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada sobiq Sovet davlatida olib borilgan iqtisodiy siyosat masalalari, xususan, bu siyosatning O'zbekiston iqtisodiyoti uchun mustamlakachilik oqibatlari yoritilgan. Shuningdek, ushbu maqolada O'zbekistonning iqtisodiy rayonlaridan biri sifatida XX asrning 80-yillarida Farg'ona vodiysi sanoatida yuzaga kelgan muammolar ko'rib chiqilib, ularning oqibatlarini turli jihatlarda tahlil qilishga harakat qilinadi.

Kalit so'zlar: Mustamlakachilik siyosati, iqtisodiy siyosat, iqtisodiy rayonlashtirish, ixtisoslashuv, xom ashyo bazasi, Farg'ona vodiysi, paxtachilik manfaatlari, ijtimoiy-iqtisodiy muammolar, texnologik jihozlar, ijtimoiy-iqtisodiy inqiroz.

Фазилат Акрамова,
преподаватель, кафедры "История Узбекистана",
Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека,
Fazilat_3110@mail.ru

ИСТОРИЯ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещаются вопросы экономической политики проведённой в бывшем советском государстве, в частности колониальные последствия этой политики для экономики Узбекистана. А также, в этой статье рассматриваются проблемы, возникшие в 80-годах XX века в промышленности Ферганской долины как одной из экономических регионов Узбекистана и сделано попытка анализировать их последствия в разных аспектах.

Ключевые слова: Колониальная политика, экономическая политика, экономическая районирование, специализация, сырьевая база, Ферганская долина, интересы хлопководства, социально-экономические проблемы, технологическое оборудование, социально-экономический кризис.

Fazilat Akramova,
lecturer of the department "History of Uzbekistan",
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Fazilat_3110@mail.ru

THE HISTORY OF THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF LIGHT INDUSTRY IN THE FERGANA VOLLEY

ABSTRACT

This article highlights the issues of economic policy carried out in the former Soviet state, in particular the colonial consequences of this policy for the economy of Uzbekistan. And also, this article examines the problems that arose in the 80s of the twentieth century in the industry of the Fergana Valley as one of the economic regions of Uzbekistan and makes an attempt to analyze their consequences in different aspects.

Index Terms: Colonial policy, economic policy, economic zoning, specialization, raw material base, Fergana Valley, interests of cotton growing, socio-economic problems, technological equipment, socio-economic crisis.

---

1. Актуальность.

С конца 20-х годов XX столетия в общесоюзном распределении труда велась политика специализации хозяйств союзных республик по определенным отраслям. Согласно этой политике бывшие союзные республики разделённые на экономически районы должны были специализированы на производство одного продукта, иногда только какую-то часть продукта. Эта политика была направлена на то, что все союзные республики были между собой неразрывно связаны и ими было легко управлять через центр. В этой цепи Узбекистан выполнял роль сырьевой базы.

2. Методы и степень изученности.

В ходе исследования использованы такие методы научного познания междисциплинарного характера, как сравнительно-исторический, системный, структурно-системный, синхронный, диахронный, проблемно-хронологический и объективный анализы.

3. Результат исследования.

Андижанская, Наманганская и Ферганская области были единым экономическим убежищем не только Ферганской долины, но и ведущую роль и в экономике союза. Его площадь 19,2 тыс. кв. км, составляет 4,3 % площади всей Республики 26,1 % всего населения приходится сюда.

По своему промышленному потенциалу Ферганская долина занимала одно из первых мест в Узбекской ССР. В 80-е годы в этом регионе работало более 300 предприятий, из них в Андижанской области 105 (1986 г), в Наманганской области 81 (1986 г), в Ферганской области 122 (1990 г). В Ферганской долине было расположено 26 % предприятий легкой промышленности, она перерабатывала 31,9 % нефти, производимой в Республике, выпускала 90,1 % шелка ткани, 28,1 % хлопкового волокна, 45,7 % трикотажного белья, 18 % железно-бетонных конструкций и деталей, 39,5 % кожаной обуви, 31,9 % консервированных продуктов, 22,0 % винных изделий. По объему производства растительного масла занимала первое место в Республике (этот объём составлял 42,3 % масла выпускаемой в Республике). [1]

С внешней стороны, казалось, что промышленность Ферганской долины развита и многоотраслевая. В том числе, в этом регионе существовали такие виды промышленности как; переработка сельскохозяйственного сырья (Коканд, Маргилан, Фергана, Андижан, Наманган), машиностроение (Андижан), металло-ремонт, химия (Коканд, Фергана), производство строительных материалов (Фергана, Алтыарык).

Фахмутдин Ходжаевич Ходжаев (1968-1975 гг.) – министр легкой промышленности Узбекской ССР, руководил легкой промышленностью объединяющей крупные предприятия текстильной и легкой промышленности.

Под его руководством построены новые предприятия (Наманганский комбинат шелковых и костюмных тканей, Наманганский комбинат авровых тканей, Самаркандский фарфоровый завод, Маргиланский комбинат авровых тканей и многие другие.

Анализ данных показывает, что в том регионе промышленность была развита односторонне, способности и потребности населения к работе не были учтены и в производстве потребительских товаров было организовано в узком объёме. Все его отрасли были организованы на основе хлопковых интересов. В результате долгие годы в промышленности Ферганской долины были развиты такие отрасли, которые основаны на сельскохозяйственном сырье, перерабатывающие минеральные удобрения и первичные перерабатывающие и производящие полуфабрикаты. Например, свыше 72 % валового продукты промышленности связаны с отраслями сельского хозяйства, в том числе 22,5 % приходится хлопкоочистительной отрасли. [2]

Промышленные предприятия были построены не в тех регионах, где густо сконцентрированы рабочие силы и сырьё, а в регионах, откуда из тысячи километров привозились продукты. Несмотря на то, что в Ферганской области каждый год выращивалось более полмиллиона тонн хлопка и рабочей силы было в достаточно, не было построено ни одного крупного предприятия производящего готовую продукцию. В то же время были построены ряд крупных химических предприятий, существование которых не было целесообразным в густонаселенных регионах.

Долгие годы в экономике Ферганской долины доминировало отрасль «Б» (производящий потребительские товары) промышленности, а не «А» (производящий средства производства) Так, в 80-е годы в промышленности доля легкой промышленности составляло 53,1 %. Опыт других стран показал, что развитие легкой промышленности являлась средством развития тяжелой промышленности и в то же время считался средством обеспечения занятости населения трудом. Но, исходя из того, что доминирующее место в легкой промышленности Ферганской долины занимала отрасль по очистке хлопка, это не способствовало развитию таких отраслей как прядильное, вязание, трикотажная и швейная привело развитию отрасли первоначальной переработки хлопка сырца. [3]

Несмотря на то что, в Ферганской долине были сконцентрированы большая часть предприятий промышленности, это не дало никаких возможностей для решения общественно-экономических проблем и развитию экономики. Причиной того было то, что производительность была односторонней, то есть направлена на развитие, в основном, хлопка-сырца.

С технологической точки многие существующие станки в Ферганской долине устарели, требовали реставрации. Так, в частности технологические оборудования Ферганскую нефтеперерабатывающего завода Кировского завода по переработке ваты, Алтыарикского нефтеперерабатывающего завода Кокандского комбината стройматериалов, Маргиланского атласного объединения и Андижанского обувного предприятия от 30-40 % до 70 % были устаревшими, не отвечали требованиям. Даже в Кувинском цементном комбинате до сих пор пользовались оборудованиями 1932 года, сам комбинат именно в этом году приступил к работе. И в других предприятиях долины были оборудования 30-40 летней давности. Вообще, в 80-е годы, в многих предприятиях Ферганской долины оборудования не отвечали требованиям времени. Хотя, для конкурентоспособности продукции промышленного предприятия и для того, чтобы продукция отвечала требованиям потребителя, требовалась каждые 4-5 лет обновлять их новыми современными видами технологий. [4]

В 80-е годы рост производительности труда промышленности Ферганской долины снизился. Если в 1981-1985 годы средний годовой рост промышленности в Андижанской области составлял 0,2 %, в Наманганской области – 7,3 %, Ферганской области – 1,25 %, то в 1985-1989 годы (XII пятилетка) произошел резкий спад и этот показатель составлял – 0,2 %, 0,05 % и 1,8 %. [5]

Статистические данные показали, что рост объема общей производительности

продукций в Ферганской долине, в сравнении с прошлой пятилеткой резко упал. В том числе, рос средней годовой производительности в 1981-1985 годы в Андижанской области составляло – 7,85 % в Наманганской – 7,3 %, в Ферганской – 4,55 %, то во второй половине 80-х годов этот показатель соответственно составлял 4,45 %, 4,15 %, 3,7 %. [6]

Как и в прошлые десятилетия, и в этот период незначительность производства годовых продукций в составе валового продуктах промышленности, не дало возможности удовлетворить потребностей населения Ферганской долины. Только в одной Ферганской долине каждый год производилась продукция на 200 миллионов рублей, а потребность была на 300 миллионов рублей. В результате в Ферганскую область более 1200 разновидностей привозились из разных концов Союза и регионалов республики. В 1988 году из вне Республики в Ферганскую область привезено 8 тысяч 502 продуктов на 45 миллиона. [7]

Это наблюдалось и в других регионах, например, в Андижанскую область привозилось более 100 разновидностей, в Наманганскую область более 120 видов продукций простого народного потребления. Среди них продукты ежедневной потребности, в том числе, из Украины толкучки, штука по 2 рубля, из Латвии швейная игла штука по 1 рублю, черенок лопатки по 2 рубля 50 копеек из РСФСР, кучачки-штука по 10 копеек из Латвии, их можно было производить за небольшие средства из местного сырья и отходов. Но эти возможности и потребности не учитывались. [8]

Как заключение можно сказать, что главная причина общественно-экономического кризиса 80-х годов XX века в Ферганской долине была колониальная политика бывшего Советского Союза, организация экономических районов и союзных республик, не учитывая их потребностей. Централизованности управления республик бывшего Союза, не умение организации с учетом коренных интересов и возможностей развития Ферганской долины привело к проблемам не только в экономике, но и общественно-политических направлениях. [9]

Назначение Ферганской долины СССР базой по подготовке хлопка-сырца и шелка, то что эти продукции не перерабатывались в районах долины и были установлены очень низкие цены на продукции привело к общему обеднению населения Ферганской долины и снижению экономически-бытового образа жизни.

4. Выводы. Таким образом, в 80-е годы XX века Узбекистан был в составе бывшего СССР и кризис, охвативший все отрасли народного хозяйства усилился. Этот кризис охватил все регионы республики и он особенно, в резком виде представился в районах Ферганской области. Корни безвыходного положения того времени непременно были связаны политикой советского государства, которая велась противоположно объективным закономерностям экономического развития. Нарушения не только экономической политики, но и из-за односторонней шовинистической политики и из-за несправедливого отношения в общественно-национальной политике привело в общественно-экономической, экологической а в ряде других отраслях к плачевному состоянию. Это особенно резко представилось в густо населенной Ферганской долине.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Аминова Р. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари. –Т.: Фан, 1991, 48-бет. (Aminova R. Qayta qurish sharoitida O’zbekistonda sotcial rivojlanishning dolzarb muammolari. –T.: Fan, 1991, 48-bet.)
2. Зиёдуллаев С. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари. –Т.: Фан, 1987, 8-бет. (Ziyodullayev S. O’zbekiston ekonomikasining regional problemalari. –T.: Fan, 1987, 8-bet.)
3. Итоги всесоюзной переписи населения 1979 года. Том 1. Статистический сборник. –М., 1989 г. – Стр. 18. (Results of the 1979 all-union population census. Volume 1. Statistical collection. M. 1989 p. eighteen.)
4. Илмий-техника тараққиёти ва Фарғона водийсининг социал-иқтисодий ривожланиши

муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференцияси тавсиялари. // Коммунист. 1990, 20 март. № 55 (16216). (Ilmiy-texnika taraqqiyoti va Farg'ona vodiysining sotcial-iqtisodiy rivojlanishi muammolariga bag'ishlangan ilmiy-amaliy konferentsiyasi tavsiyalari. // Communist. 1990, March 20. No. 55 (16216).

5. Зиёдуллаев С. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари. –Т.: Фан, 1987, 17-бет. (Ziyodullayev S. O'zbekiston ekonomikasining regional problemalari. –T.: Fan, 1987, 17-bet.).
6. Коммунист, 1986, 17 декабрь. (Communist, 1986, December 17.).
7. Наманган ҳақиқати, 1986, 16 декабрь. № 239 (13563). (7. Namangan haqiqati, 1986, December 16. No. 239 (13563).
8. Экономическое и социальное развитие Ферганской области за четыре года двенадцатой пятилетки (1986-1989 гг.). –Т., 1990. – Стр. 24. (Economic and social development of the Fergana region for four years of the twelfth five-year plan (1986-1989) –T., 1990. – P. 24.)
9. Раҳимов М., Легай Александр. Меҳнатнинг ижтимоий муаммолари. –Т.: Фан, 1992, 73-бет. (Rahimov M., Legay Aleksandr. Mehnatning ijtimoiy muammolari. –T.: Fan, 1992, 73-bet.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Мурот Мирзаевич Алланазаров,
Термиз давлат университети ўқитувчиси
E-mail: allanazarovm@tersu.uz

БУТУНБУХОРО МАРКАЗИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР АРБОБЛАР ФАОЛИЯТИ

For citation: Murat Mirzaevich Allanazarov, ALL BUKHARA CENTRAL EXECUTIVE COMMITTEE AND NATIONAL STAFF ACTIVITIES. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.100-105

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-11

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада БХСР МИҚнинг ташкил топиши (1921 йил 18-23 сентябрь) ва тугатилиши (1924 йил 18 ноябрь) масалаларига бағишланган. Шунингдек, унда Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа Пўлатхўжаев, Порсо Хўжа Хасан Хўжаев каби миллий раҳбар арбобларнинг олиб борган фаолияти илмий ва архив манбалари асосида ёритиб берилган.

Хусусан, Бухоро Иқтисодий Кенгашининг таркиби ва Ф.Хўжаев бошчилигида олиб борилган иқтисодий сиёсатнинг мазмун-моҳияти, Бухорода демократик давлат тузишга кўмаклашиш ниқоби остида келган большевиклар бу ердаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётга аралашиб, уни Россия манфаатларига буриб юборишга ҳаракат қилганликлари архив материаллари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: БХСР, БХСР МИҚ, миллий раҳбар арбоблар фаолияти, Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа Пўлатхўжаев, Порсо Хўжа Хасан Хўжаев, БХСР конституцияси, Бутунбухоро халқ вакиллари қурилтойи, хусусий мулк, фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат бюджети.

Мурат Мирзаевич Алланазаров,
Преподаватель Термезского
государственного университета
E-mail: allanazarovm@tersu.uz

ВСЕБУХАРСКИЙ ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ИСПОЛЬНИТЕЛЬНЫЙ КОМИТЕТ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ КАДРОВ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена образованию (18-23 сентября 1921 г.) и роспуску (18 ноября 1924 г.) Центральной исполнительный комитет БНСР (ЦИК БНСР). Он также охватывает деятельность национальных лидеров, таких как Файзулла Ходжаев, Усмон Ходжа Пулатходжаев, Порсо Ходжа Хасан Ходжаев на основе научных и архивных источников.

В частности, состав Бухарского экономического совета и содержание экономической политики, проводимой под руководством Ф. Ходжаева, над предлогом помощи в создании в Бухаре демократического государства большевики, вмешиваясь в политическую, социально-экономическую жизнь, хотели подчинить всё интересам России, что анализировано на основе архивных материалов.

Ключевые слова: БНСР, ЦИК БНСР, деятельность национальные руководители, Файзулла Хаджаев, Усман Хаджа Пулатхаджаев, Парса Хаджа Хасан Хаджаев, Конституция БНСР, Всебухарский курултае народных представителей, собственность, демократических прав гражданина, государственный бюждет.

Murat Mirzaevich Allanazarov,
Assistant teacher, Termez State University
E-mail: allanazarovm@tersu.uz

ALL BUKHARA CENTRAL EXECUTIVE COMMITTEE AND NATIONAL STAFF ACTIVITIES

ABSTRACT

The article is devoted to the formation (September 18-23, 1921) and the dissolution (November 18, 1924) of the Central Executive Committee of the BNSR (CEC BNSR). It also covers the activities of national leaders such as Fayzulla Khodjaev, Usmon Khoja Pulatkhodjaev, Porso Khodja Khasan Khodjaev based on scientific and archival sources.In particular, it is analyzed on the basis of archival materials of the BukhTSIK and led by Usman Khadzha Pulatkhadzhaev and Pars Khadzha Khasan Khadzhaeva their contribution to economic and political activities.

In particular, the composition of the Bukhara Economic Council and the content of the economic policy pursued under the leadership of F. Khodzhaev, over the pretext of helping to create a democratic state in Bukhara, the Bolsheviks, interfering in political, socio-economic life, wanted to subordinate everything to the interests of Russia, which was analyzed on the basis of archival materials.

Index Terms: BNSR, CEC BNSR, activities of national leaders, Fayzulla Khadzhaev, Usman Khadzha Pulatkhadzhaev, Parsa Khadzha Khasan Khadzhaev, Constitution of the BNSR, All-Bukhara Kurultai of People's Representatives, property, democratic rights of citizens, state budget.

---

1. Кириш ва долзарблиги:

Мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёни барча соҳаларни ўзига қамраб олган бўлиб, ижтимоий фанлар, жумладан тарих фани олдига ҳам муҳим вазифаларни қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкилаганларидек: “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меъросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир” [1,Б.29].

Шу жиҳатдан олиб қараганда Бухоро Халқ Совет Республикасидаги миллий раҳбар арбоблар фаолияти мавзусини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Бутунбухоро Марказий Ижроя Қўмитаси (Бутунбухоро МИҚ) ва миллий раҳбар арбоблар фаолиятини холисона ёритиш долзарблигича қолмоқда.

2. Методлар ва ўрганиш даражаси:

Мақолада умумий қабул қилинган методлар-холислик, тарихий таҳлил, қиёсий-мантиқий таҳлил, хронологик кетма-кетлик тамойиллари асосида БХСР МИҚ ва миллий раҳбар арбобларининг фаолияти (Ўзбекистон Миллий архиви 47-фонд материаллари асосида) баён этилади.

Мақола учун бирламчи маълумотлар Ўзбекистон Миллий архивининг 47-фонди ҳужжатлар ташкил этади. БХСР МИҚ ва миллий раҳбар арбоблар фаолияти тўғрисидаги

маълумотларни Файзулла Хўжаев, Қаҳрамон Ражабов, Шодмон Хайитов ва Иброхим Алимов каби олимларнинг тадқиқотларида учратамиз.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон Республикаси Марказий архиви ҳужжатларида келтирилишича БХСР Бутунбухоро Марказий Ижроя Қўмитаси, Бутунбухоро халқ вакилларининг II қурилтойида 1921 йил 23 сентябрда сайланган. 1921 йил 18-23 сентябрда бўлган Бутунбухоро халқ вакиллари II-қурилтойида демократик руҳдаги БХСР конституцияси қабул қилинди. Бухоро тарихидаги дастлабки конституция фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Конституцияда давлатни идора этиш усули, халқнинг барча табақа вакиллари иштироки таъминланди. Хусусий мулк ва савдо-сотиқ эркинликлари конституцияда ўз ифодасини топди. Бухорода ўрнатилган тузум халқ демократик республикаси эди. БХСРнинг Конституцияси барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқ берди, миллий тенгсизликни йўқотди. Конституцяига кўра, БХСРнинг олий органи Бутунбухоро халқ вакиллари қурилтойи бўлиб, у ҳар 2000 сайловчига бир вакил сайланадиган 350 аъзодан иборат эди. Қурилтой йилига бир марта чақирилар ва унда республика конституциясини қабул қилиш, ўзгартиришлар киритиш, ҳукуматнинг ҳисоботи ва давлат бюджетини тасдиқлаш каби муҳим масалалар кўрилар эди [2,Б.154].

Конституцияга кўра, қурилтойлар орасида қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи олий орган Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси ҳисобланади. Қурилтойда Бутунбухоро Марказий Ижроия қўмитаси раиси қилиб, Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев) сайланди (1922 йил августда бўлган III қурилтойда бу лавозимни Порсо Хўжаев эгаллади). Конституцияга мувофиқ, Халқ Нозирлар Шўроси давлат ҳокимиятини ижро қилувчи ва бошқарувчи олий орган сифатидаги ўз вазифасини сақлаб қолди [3,Б.145].

1920 йил сентябрда БХСРнинг дастлабки молия нозири лавозимига тайинланган Усмон Хўжа (1878-1968 йй) Бухородаги жадидчилик ҳаракати ва Ёш бухороликлар партиясининг энг кўзга кўринган вакилларидан бири, таниқли давлат ва жамоят арбоби ҳисобланади.

Усмон Хўжа Бухоро шаҳрида йирик савдогар оиласида туғилган. У дастлабки таълимни Бухоро мадрасаларида олди ва Бухорода илк жадид мактабларидан бирини очди. 1908 йилда яқин дўсти Ҳомид Хўжа Меҳрий билан Истанбулга бориб, диний ва дунёвий таҳсил олган. Истанбулда унинг укаси Отаулла Хужаев (Ота Хўжа; Отахўжа Пўлатхўжаев) ҳам таҳсил олган. БХСР тузилгач Усмон Хўжа Молия нозири (1920 й.), Иқтисодий назорат нозири (1921 й.), БХСР МИҚнинг биринчи раиси (1921 йил август-1922 йил бошлари) каби масъул лавозимларда ишлаган [4,Б.251-252].

Бухоро республикасида иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилашда Усмон Хўжа ҳам ҳудди Абдулқодир Муҳитдинов сингари катта рол ўйнаган. Усмон Хўжа 1921 йил охирларида Шарқий Бухоро (Душанбе атрофи)да истиқлолчилар сафига ўтган ва 1922 йил бошларида Қобул, кейинчалик Истанбул ва Анқарага бориб, Бухоро Республикасининг мустақил миллий армияси учун замонавий қуроллар сотиб олишга ҳаракат қилган. Усмон Хўжа муҳожирликда яшаганида Туркистон мустақиллиги учун курашни мафкура майдонига кўчирган. 1927-1932 йилларда Истанбулда “Янги Туркистон” журналини нашр қилдирган. У Туркистон тарихи ва Бухоро иқтисодиётига оид кўплаб асарлар муаллифидир. Усмон Хўжа муҳожирликда асосан Туркия бир муддат, Афғонистон (1922-1923), Польша (1939-1945), Покистон (1951-1957) давлатларида яшаган. Усмон Хўжа ўз умрининг сўнги йилларини Истанбулда ўтказди ва 1968 йилнинг 28 июлида шу шаҳарда вафот этди. Туркия республикасида обрў-эътиборли инсонлар, ҳукумат раҳбарлари вафот этганда турк миллий байроғига ўраб дафт этишади. Ватандошимиз Усмон Хўжа ҳам ана шундай ҳурматга сазовор бўлган инсонлардан биридир. Усмон Хўжанинг ҳоки Истанбул-Султонтепа (Ускудор)даги ўзбеклар қабристонига қўйилган [5,Б.27].

Қурилтойда миллий масалага ҳам катта эътибор берилди. Бутунбухоро МИҚ ҳузурида Омонгелди Омонов бошчилигида туркман бўлими тузилди [6,Б.566]. Кейинчалик шу асосда Туркман автоном вилояти ташкил қилиниб, унга миллий мухторият ҳуқуқи

берилди. Шарқий Бухоро ҳудудида ҳам ўзбекларнинг лақай уруғи ва тожик халқи учун уларнинг она тилларида фаолият юритувчи турли маданий-маърифий ва бошқа муассасалар очилди. Бутунбухоро халқ вакилларининг II қурилтойида ер-сув ислоҳотини ўтказиш борасидаги ҳукумат сиёсатига анча тузатишлар киритилди ва бу соҳада олиб борилаётган қатъий чора-тадбирлардан либераллашув томон қадам ташланди. Ушбу қурилтойда Бутунбухоро марказий инқиловий қўмитаси раиси А.А.Муҳитдинов нутқ сўзлаб, унда қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: “Шариятга биноан мусулмонларнинг ҳеч қандай мулки унинг розилигисиз тортиб олиниши мумкин эмас, мен ер эгаларининг қўлларида мавжуд бўлган ерларини аввалги ҳолда қолдиришини ёқлаб фикр билдираман” [7,“Бухоро ахбори”, 1921 йил 25 сентябрь].

Демак Бухоро иқтисодиётида вақф мулклари катта роль ўйнаган. Бухорода вақф мулкларини тартибга солиш билан боғлиқ мураккабликлар бу йўналишда алоҳида лойиҳа ишлаб чиқишни тақозо қилган. Ушбу лойиҳа БХСР Маориф халқ нозири А.Фитрат томонидан 1922 йил ёзида ишлаб чиқилган бўлиб, у 19 моддадан иборат бўлган.

1923 йил 14 августда бўлган Бутунбухоро МИҚ Фавқулодда сессияда Конституцияга ўзгартириш киритишга ҳам муваффақ бўлдилар. 1923 йил 11-17 октябрда бўлган Бутунбухоро IV қурултойи Конституцияни ўзгартириш тўғрисидаги бу қарорни тасдиқлади. Унга биноан барча савдогарлар, мулкдор ва собиқ амалдорлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Аммо ишчи ва косибларнинг сайлов ҳуқуқи кенгайтирилди. Шунингдек, қурултойда “Совет қурулиши тўғрисида” махсус қарор қилиндики, бу жамиятдаги ижтимоий беқарорликни кучайтирди [8,Б.42]. Жамият тобора сиёсийлашиб борди. Бухорода ўтказилаётган демократик ислоҳотларнинг тақдири хавф остида қолди. Марказнинг талаби билан мамлакатда сунъий равишда социалистик қайта қурилишларни амалга оширишга киришилди.

1924 йил 18-20 сентябрда Бутунбухоро халқ вакилларининг V қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой 19 сентябрда БХСРни БССРга айтантириш ҳақида қарор қабул қилди. Қурултойда Ф.Хўжаев ҳукуматнинг иши тўғрисида ҳисобот берди ва “Ўрта Осиёнинг миллий давлат чегараланиши тўғрисида” маъруза қилди [9,Б.287-299]. Қурултой қатнашчилари халқ ҳукуматининг 4 йиллик иш фаолияти якунларини чиқариб Ўрта Осиёда миллий республикалар тузиш зарурлигини ёқлашди [10,Б.456].

БХСР МИҚ раҳбар арбобларидан бири Порсо Хўжаев (Порсо Хўжа Ҳасан Хўжа ўғли) ҳаётининг энг ёрқин даври БХСР фаолият кўрсатган 1920-1924 йилларга тўғри келади [11,Б.33]. 1920 йил сентябрда БХСР тузилгач, Порсо Хўжаев дастлаб Хатирчи ва Кармана вилоятлари инқилобий қўмитаси раиси (1920-1921), БХСР Зироат деҳқончилик нозири ва нозир муовини (1921), Бухоро Марказий касабалар иттифоқи раиси (1922), сўнгра БХСР МИҚ раиси (1922 август-1924 йил ноябрь) каби масъул лавозимларда ишлаган. Бухоро республикасида ер-сув ислоҳотларини ўтказиш ва янги тузумни қарор топтиришда жонбозлик кўрсатган. БХСРнинг бошқа раҳбар арбоблари Файзулла Хўжаев, Абдулқодир Муҳитдинов, Абдурауф Фитрат қаторида Порсо Хўжаев ҳам Марказнинг шовинистик сиёсатига қарши курашган.

Порсо Хўжаев БХСР МИҚ раиси лавозимига муттасил 3 марта сайланган ва бу лавозимда икки ярим йил фаолият кўрсатган. Ўрта Осиёда миллий ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, 1925 йил февралда Ўзбекистон ССР тузилгач, Порсо Хўжаев номзоди дастлаб Ўзбекистон ССР МИҚ раиси лавозимига кўрсатилган. Лекин Марказ вакили М.И.Калинин Порсо Хўжаев номзодини рад этиб, бу лавозимга фарғоналик деҳқон Йўлдош Охунбобоев сайланишига эришган. Порсо Хўжаев эса Бухоро шаҳри ижроия қўмитаси раисининг муовини (1925-1926; 1927-1928) Бухоро округида ер ислоҳоти бўйича комиссия раиси (1926-1927) каби лавозимларда ишлаган. У 1928 йил март ойидан нафақага чиққан ва 1929 йилдан Тошкент шаҳрида яшаган. Бироқ ўша йили ўтказилган “тозалаш” компаниясидан кейин партиядан ўчирилган ва ижтимоий фаолиятдан четлаштирилган..

Тарихчи Қаҳрамон Ражабовнинг ёзишича Порсо Хўжаев 1937 йил 9 сентябрда 70 ёшида Тошкентда қамоққа олинган ва 1937 йил 25 октябрда Тошкент шаҳрида отиб ташланган. Порсо Хўжаев вафотидан сўнг оқланган (1962 йил 26 ноябрь).

4. Хулоса:

Шундай қилиб, юқоридаги маълумотлар, таҳлиллар юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. БХСР МИҚ раҳбар арбоблари Усмон Хўжа Пўлатхўжаев, Порсо Хўжа Ҳасан Хўжа ўғли каби давлат ва жамоат арбобларининг асарлари нашр этилса бугунги кун авлод вакиллари улардан баҳраманд бўлар эди;

2. БХСР МИҚ раҳбар арбоблари хотираси абадийлаштирилиб, уларнинг номлари ўзлари туғилиб ўсган шаҳар ва қишлоқлардаги кўчалар ва мактабларга қўйилса, улар яшаган жойларда хотира ховзалари ўрнатилса;

3. БХСР МИҚ раҳбар арбоблари фаолияти ҳақида ОТМ тарих факультетларида махсус курслар ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I-жилд, -Т:. “Ўзбекистон”, 2017. 592-бет. (Mirziyoev Sh.M. We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. Volume I, -T :. “Uzbekistan”, 2017. p.592.)
2. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. №2, -Т:. “Шарқ”, 1999. 208-бет. (New lines on current issues in the history of Uzbekistan. Periodic collection. №2, - T:. Sharq, 1999. p.208.)
3. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. –Т:. “Ўзбекистон”, НМИУ, 2019. 560-бет. (History of Uzbekistan (1917-1991). Two books. The first book. 1917-1939. –T :. “Uzbekistan”, NMIU, 2019. p.560.)
4. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Т:. “Шарқ”, 2000. 688-бет. (New history of Uzbekistan. The second book. Uzbekistan during the Soviet colonial period. –T :. Sharq, 2000. p.688.)
5. Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. –Т:. “ABU KONSALT”, 2011. 36-бет. (Rajabov Q., Hayitov Sh. Osman Khoja. –T :. ABU CONSULT, 2011. p.36.)
6. Туркистан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. –Т:. “Шарқ”, 2000. С.672 (Turkistan in the early twentieth century: the history of the origins of national independence. –T :. Sharq, 2000. S.672)
7. “Бухоро ахбори” газетаси, 1921 йил 25 сентябрь. (Bukhara Akhbori newspaper, September 25, 1921.)
8. ЎзМА, 47-жамғарма, 1-рўйхат, 382-иш, 42-варақ. (National Archives of Uzbekistan, Fund 47, List 1, Case 382, 42 pages.)
9. Хўжаев Ф. Танланган асарлар, 1-том. –Т:. “Фан”, 1976. 536-бет. (F.Khodzhaev. Selected Works, Vol. –T :. “Fan,” 1976. p.536.)
10. История Бухарский народной советской Республике (1920-1924 гг). Сборних документов. Издательство, “Фан” –Т:. 1976. С.481. (History of the Bukhara People's Soviet Republic (1920-1924). Collection of documents. Izdatelstvo, “Fan” –T :. 1976. S.481.)
11. Алланазаров М. Порсо Хўжаев. // “Muhofaza” журнали. –Т:. 2006. №5. 48-бет. (Allanazarov M. Porso Xo'jaev. // “Muhofaza” magazine. –T :. 2006. №5. Page 48.)
12. Алламуратов Ш. А. XIX АСР ОХИРИ–XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА АМУДАРЁ ФЛОТИЛИЯСИНИНГ ЎРНИ //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2019. – №. 21. (Allamuratov S. A. THE ROLE OF THE AMUDARYA FLEET IN THE ECONOMIC LIFE OF THE EMIRATE OF BUKHARA AT THE END OF THE 19TH CENTURY-THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY //Ўтмишга назар журнали. – 2019. – Т. 21. – №. 2)

13. Allanazarov M. M. ACTIVITY OF NATIONAL CADRES OF THE LEADERS BUKHARA PEOPLE SOVIET REPUBLIC AND PROBLEMS OF RETRAINING OF CADRES //Ўтмишга назар журнали. – 2019. – Т. 21. – №. 2.
14. Алланазаров М. Вопросы подготовки кадров в системе народного образования БНСР //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5/S. – С. 95-99. (Allanazarov M. Questions of personnel training in the system of public education of the BNSR // Society and innovations. - 2021. - T. 2. - No. 5 / S. - S. 95-99.)
15. Алламуратов Ш., Джураева У. Ремесленные и торговые отношения в бекствах восточной Бухары в конце XIX–начале XX вв //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 3/S. – С. 105-110. (Allamuratov Sh., Dzhuraeva U. Handicraft and trade relations in the beks of eastern Bukhara in the late 19th – early 20th centuries // Society and innovations. - 2021. - T. 2. - No. 3 / S. - S. 105-110.)
16. Allamuratov S. A., Dzhuraeva U. C. IRRIGATION AND RECLAMATION WORKS IN THE SURKHAN OASIS //Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL). – 2021. – Т. 2. – №. 05. – С. 88-95.
17. Алланазаров М. БХСР маориф тизимидаги кадрлар тайёрлаш масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5/S. – С. 95-99. (Allanazarov M. Questions of personnel training in the system of public education of the BNSR // Society and innovations. - 2021. - T. 2. - No. 5 / S. - S. 95-99.)
18. Алламуратов Ш. А. БУХОРО АМИРЛИГИНГ АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИ ВА КЕЧУВЛАРИ ОРҚАЛИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2021. – Т. 4. – №. 4. (Allamuratov Sh. A. Trade relations through the Amudarya water road and crossings of the Emirate of Bukhara // Vzglyad v proshloe. - 2021. - T. 4. - №. 4.)
19. Алланазаров М. М. БХСР РАҲБАР АРБОБЛАРИНИНГ ЕР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2019. – №. 21. (Allanazarov M. M. Activities of the leaders of the Bukhara People's Soviet Republic in the field of land and agriculture // Взгляд в прошлое.– 2019. – №. 21.)
20. Турсунов Н. Н., Алламуратов Ш. А. Развитие торговых отношений и ремесел в бекствах Восточной Бухары //Бюллетень науки и практики. – 2021. – Т. 7. – №. 3. – С. 348-353. (Tursunov N.N., Allamuratov Sh. A. Development of trade relations and crafts in the beks of Eastern Bukhara // Bulletin of Science and Practice. - 2021. - T. 7. - No. 3. - S. 348-353.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Гулмира Байирбековна Азаматова,
Жиззах политехника институти
g.azamatova1987@bk.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ ҲАРАКАТЛАРИ МАСАЛАЛАРИ ВА МИГРАНТЛАР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

For citation: Gulmira B.Azamatova, ANALYSIS OF POPULATION MIGRATION MOVEMENTS AND ACTIVITIES OF MIGRANTS IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.106-111

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-12

АННОТАЦИЯ

Мақолада аҳоли миграцияси ва мазкур жараёнда мигрантларнинг иштироки ёритилган. Аҳолининг яшаш жойини ўзгартиришга олиб келувчи бир неча ўзига хос ҳолатларни ўз ичига олган жараён миграциядир. Жамият ривожланган сайин миграция ҳаракати ижтимоий – иқтисодий зарурат бўлиб бориши ва кучайиши одат тусига кириб қолган. Дунё миқёсида глобаллашув шароитида аҳоли миграцияси жараёнини ўрганиш, тадбиқ этиш, тартибга солиш зарурати масалалари ёритиб берилди. Шунингдек, республикамизда миграция ҳолатлари, кўчиб келган ва кўчиб кетган аҳоли, мигрантларнинг пул ўтказмалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: миграция, аҳоли миграцияси, эммиграция, пул ўтказмалари, меҳнат миграцияси, миграция жараёнлари, миграция сальдоси, Жаҳон Банки, мигрантлари, оммавий миграция, хорижда меҳнат қилиш.

Гульмира Байирбековна Азаматова,
Джизакский политехнический институт
g.azamatova1987@bk.ru

АНАЛИЗ МИГРАЦИОННЫХ ДВИЖЕНИЙ НАСЕЛЕНИЯ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МИГРАНТОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается миграция населения и участие мигрантов в этом процессе.Миграция- это процесс, который включает в себя несколько конкретных ситуаций, которые приводят к смене места жительства населения.По мере развития общества миграционное движение стало привычным делом становиться социально-экономической необходимостбю.Была подчеркнута необходимость изучениея, реализации и регулирования процесса миграции населения в условиях глобализации.Также анализируется миграционная ситуация в стране, количество мигрантов, денежные переводы мигрантов.

Ключевые слова: миграция, миграция населения, эммиграция, денежные переводы, трудовая миграция, миграционный баланс, Всемирный банк, мигранты, массовая миграция, работа за рубежом.

Gulmira B. Azamatova,
Jizzakh Polytechnic Institute
g.azamatova1987@bk.ru

ANALYSIS OF POPULATION MIGRATION MOVEMENTS AND ACTIVITIES OF MIGRANTS IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

The article discusses population migration and the participation of migrants in this process. Migration is a process that involves several specific situations that lead to a change in the place of residence of the population. As society develops, migration has become a socio-economic necessity and a habit. The need to study, implement and regulate the process of population migration in the context of globalization was highlighted. It also analyzes the migration situation in the country, the number of migrants, the remittances of migrants.

Index Terms: migration, population migration, emigration, remittances, labor migration, migration processes, migration balance, World Bank, migrants, mass migration, work abroad.

1.Долзарблиги:

Аҳолининг яшаш жойини ўзгартиришга олиб келувчи бир неча ўзига хос ҳолатларни ўз ичига олган жараён миграциядир. Жамият ривожланган сайин миграция ҳаракати ижтимоий - иқтисодий зарурат бўлиб бориши ва кучайиши одат тусига кириб қолган. Миграциялар ўта мураккаб ижтимоий жараён бўлиб, халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётининг кўп соҳаларини ўз ичига олади [1]. Истиқлол илк йиллари Ўзбекистонда 1991 йил ялпи миграция ҳажмида 772 минг 339 киши иштирок этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 309 минг 344 кишини ташкил қилган ёки шу даврда миграцияда иштирок этувчилар миқдори 2,7 баробарга камайган. Ушбу йиллар давомида республика бўйича 10 миллион 603 минг 102 киши миграцияда иштирок этди.Шундан 4 миллион 506 минг 283 киши мамлакатда кўчиб келиш жараёнида, 6 миллион 096 минг 819 киши эса кўчиб кетиш жараёнида қатнашганлар ҳисобланади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мустақиллик йилларида республикамиз аҳолисининг миграция ҳаракатлари фуқароларнинг ўз ихтиёрлари ва танловларига асосан рўй бера бошлади[2].Умумий аҳоли миграциясида 2016 йилга келиб, кўчиб келганларга нисбатан кўчиб кетганлар 1 миллион 590 536 кишига кўп бўлди. 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон доимий аҳолиси сони 32,1миллион кишини ташкил этиб, 1991 йилга нисбатан 11,5 миллион кишига яъни 55.9 фоизга ўсган.Шундан 16121 минг киши ёки 50,2 фоизини эркаклар ва 15999,5 минг киши ёки 49,8 фоизини аёллар ташкил этади[3]. Мазкур йилда республика бўйича кўчиб келганлар сони 157,1 минг кишини (155,0 минг киши республика ҳудудларидан, 2,1 минг киши хорижий мамлакатлардан), кўчиб кетганлар сони эса 177,7 минг кишини (155,0 минг киши республика ҳудудларига, 22,7 минг киши хорижий мамлакатларга) ташкил этди. Миграция салдоси минус 20,6 минг киши бўлиб, 2016 йилга нисбатан 5,6 минг кишига камайган. Ўзбекистон аҳолиси 2018 йил 1 январь ҳолатига 32 млн 653 минг 9 кишини ташкил этиб 2017 йилга нисбатан 1.7 фоизга ўсган.2018 йил январь-июнь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 83,3 минг кишини (82 минг киши республика ҳудудларидан, 1,3 минг киши хорижий мамлакатлардан), кўчиб кетганлар сони эса 88,6 минг кишини (82 минг киши республика ҳудудларига, 6,6 минг киши хорижий мамлакатларга) ташкил этди. Миграция сальдоси минус 5,3 минг киши бўлиб, 2017 йилнинг мос даврида минус 9,6 минг киши бўлган.

2019 йил январ-июн ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 78,9 минг кишини (77,5 минг киши республика ҳудудларидан, 1,4 минг кишини (77,5 минг киши республика ҳудудларига, 4,9 минг киши хорижий мамлакатларга) ташкил этиб миграция салдоси минус 3,5 минг киши бўлиб, 2018 йилнинг мос даврида минус 6,2 минг киши бўлган. 2019 йил биринчи чорагида эса Ўзбекистон Республикасидан бошка хорижий мамлакатларга миграция оқими 2,8 млн. кишини ташкил килди. Бу кўрсаткич 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 0,9 марта камайган[4].Агар мамлакатларда тинч даврларда кўчиб кетганлар нисбати кўчиб келганлардан ортиқ бўлса, ушбу давлат тараққиёт даражаси нисбатан паст бўлиб чиқади[5].

3. Тадқиқот натижалари:

Миграция мамлакат тараққиёти ва ижтимоий ўзгаришларининг омилларидан бири бўлибгина қолмай, айни пайтда доимий назоратни талаб қиладиган кўплаб муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. 2017 йилга келиб, Ўзбекистон ҳукуматининг миграция борасидаги сиёсатида жиддий ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади[6]. Бу борада бир неча амалий ишлар амалга оширилмоқда.Жумладан, Ўзбекистон фуқаролари учун хорижда меҳнат фаолиятини олиб боришига қулай шароит яратилмоқда. Глобаллашув жараёни аҳоли миграциясининг жадаллашишига ўз таъсирини кўрсатиб ривожланаётган давлатлар учун иқтисодий- ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни вақтда у ёки бу даражада бўлсада, ҳозирги кунда бирон та ҳам давлат миграция жараёнларидан четда қолаётгани йуқ. Шу билан биргаликда, мигрантларнинг кўчиб келиши ёки кетишлари мамлакат аҳоли демографиясига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Миграция жараёнига тарихий ва миллий анъаналар ҳам таъсир кўрсатади[7]. Ривожланиш шароитида аҳолининг чет элга меҳнат қилиш мақсадида чиқишлари, хорижий малакали мутахассисларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиш учун келишлари каби аҳоли ҳаракатланишини табиий ҳодиса сифатида қабул қилиш мумкин. Хорижда меҳнат фаолиятини олиб бораётган мигрантлар албатта, ўз ватанларига пул жўнатмаларини амалга оширади.Жумладан, Ўзбекистон Республикасида 2005 йили хориждан ишловчи мигрантларнинг расмий пул жўнатмалари ҳажми 800 миллион АҚШ долларини ташкил этди[8]. Меҳнат мигрантларининг пул ўтказмаларига эътибор қаратар эканмиз, маълумотларга кўра, 2006 йилда Ўзбекистонга юборилган пул ўтказмаларининг 56, 6 % фоизи Россия Федарацияси улушига тўғри келган[9].Бу даврда Россиядан мигрантлар томонидан хорижга юборилган пул ўтказмаларининг катта қисми ҳам айнан Ўзбекистон Республикасига тўғри келган. Россия Федерациясидан Ўзбекистонга пул ўтказмалари динамикасининг таҳлили 2006-2017 йиллар давомида бу жараённинг бир текис кечмаганлигини, жаҳон молиявий иқтисодий инқирози бошланган даврда пул ўтказмалари миқдори бир мунча пасайган бўлса, кейинги даврларда мунтазам ўсиш тенденцияси кузатилганини кўрсатади. 2013 йилга келиб Россиядан Ўзбекистонга юборилган пул ўтказмалари ҳажми рекорд даражага етиб, 6, 63 миллиард АҚШ долларга тенг бўлди[10]. Сўнгги йилларга келиб Россиядан Ўзбекистонга мигрантлар томонидан пул жўнатмалари миқдори ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин: 2014 йил - 5,6 АҚШ доллари, 2015 йилда - 3 миллиард АҚШ доллари, 2016 йилда - 2,7 миллиард АҚШ доллари, 2017 йилда 3,9 миллиард АҚШ доллари. Халқаро Миграция Ташкилоти маълумотларига кўра, Россия 2019 йилда 11,6 миллион мигрантларни қабул қилган. Уларнинг катта қисми Украинадан (3 миллиондан ортиқ), Қозоғистондан (қарийиб 2,5 миллион) ва Ўзбекистондан (1,1 миллион) келган мигрантлардир. Россия халқ хўжалиги ва давлат хизмати академиясининг 2019 йил июнь ойи учун “Россия Федерациясидаги иқтисодий вазият мониторинги” ҳисоботига кўра, Ўзбекистондан Россияга вақтинчалик миграция ҳажми ўсиўда давом этмоқда.2019 йил 1 июнь ҳолатига кўра, 2,1 миллион Ўзбекистон фуқароси Россияда бўлган.Таққослаш учун, 2018 йил 1 декабрь ҳолатида 1,8 миллион киши, 2017 йил эса -1,7 миллион киши эди[11].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлиги асраш-давр талаби” мавзусидаги анжуманда Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида меҳнат миграцияси бўйича муҳим келишувга

эришилганлигини таъкидлаб, “Бизнинг бу борадаги позициямиз аниқ: одам қаерда бўлса ҳам ишлаши, оиласи, бола-чақасини боқиши керак. Лекин у ҳалол меҳнат қилиши, қонуний йўл билан даромад топиши лозим.Бунинг учун давлатимиз барча шароитларни яратиб беришга тайёр”[12], деб алоҳида урғу берди. Жаҳон Банки тадқиқотида маълум қилинишича, паст ва ўрта даромадга эга давлатлардан бўлган меҳнат мигрантлари 2018 йилда ўз юртларига катта миқдордаги 529 миллиард АҚШ доллари пул ўтказишган[13]. Ўзбекистон Республикаси мигрантлар сони (эмиграция) бўйича ҳам, бизга келувчилар (иммиграция) борасида ҳам кучли ўнликка кирмайди.Ўзбекистонлик мигрантлар, хусусан меҳнат мигрантлари асосан 5 йўналиш – Россия, Қозоғистон, Туркия, Жанубий Корея ва АҚШга йўл олади. АҚШ ва Туркияга йўл олган Ўзбекистонлик мигрантлар томонидан 2018 йилда ушбу мамлкатлардан жўнатилган пул ўтказмалари 30 фоизгча ошди.Мигрантлар жамиятнинг ажралмас қисми, улар ўз юртлари ва ҳозирда яшаётган давлатларининг барқарор ривожи учун хизмат қилади. Бу ҳақда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш 2019 йил 18 декабрь куни нишонланган Халқаро мигрантлар куни муносабати билан йўллаган баёнотида маълум қилади. Жаҳонда ватанини тарк этган ва хорижга йўл олган 272 миллион атрофида мигрант мавжуд.Улар дунё аҳолисининг маълум бир қисмини ташкил этади. Бугунги кунда қочоқлар оқимининг кўпайиши оммавий миграцияга сабаб бўлмоқда. Экспертларнинг фикрича, оммавий миграцияга ва қочоқлар оқимининг кўпайишига урушлар, ижтимоий-сиёсий инқирозлар ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши каби турли хил сабабларни келтириш мумкин. Бу сабаблар глобал аҳамият касб этади албатта[14]. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг таъкидлашича, қочоқлардан фарқли ўлароқ мигрантлар бошқа мамлакатларга ҳаётидан хавфсирагани учун эмас, балки пул топиш ёки таълим учун йўл олади.Улар томонидан уйларига юборилаётган пул ўтказмалари ҳажми ривожланаётган давлатларга кўрсатилаётган расмий ёрдам миқдоридан уч баравар кўпдир.2018 йил мигрантлар томонидан амалга оширилган пул ўтказмалари эса 689 миллиард долларни ташкил этган. БМТ Бош котиби А.Гутерриш: “Хавфсиз, тартибга солинган ва қонуний миграция умумманфаат учун хизмат қилади. Миграция масалаларидаги миллий устуворликлар эса халқаро ҳамкорлик асосида самаралироқ амалга оширилади”, — деб таъкидлайди ўз баёнотида.

Бугунги кунда миграция жаҳон ҳамжамиятини хавотирга солаётган долзарб муаммоларнинг бирига айланди. Миграцияга хос бўлган муаммолар кишилик жамияти шаклланган дан бери мавжуд ва ўтмишда миграцияни вужудга келтирган омиллар айни кунларда ҳам сақланиб турибди, ҳатто уларнинг долзарблиги янада ортган, чунки ҳозирги замон технологияларининг тараққиёти ахборот ва алоқа билан боғлиқ муаммоларни ҳал этади. Давлатлар ўртасидаги демографик ва иқтисодий тафовутлар чуқурлашуви, одамларнинг чегаралардан ўтиши кўринишидаги “табиий реакция” ни вужудга келтирди. Шу сабаб миграция муаммолари миллий ва халқаро даражада олиб бориладиган давлат сиёсати муҳокамаларида марказий ўрин тутади. Миграция муаммолари ижтимоий ривожланиш масаласи бўйича 1995 йил Копенгагенда ўтказилган олий даражадаги Бутунжаҳон учрашувларида, Аёллар муаммоси бўйича Пекинда 1995 йилда ўтказилган Бутунжаҳон 4-конференциясида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳоли пунктлари бўйича Истанбулда бўлиб ўтган 2-конференциясида ва шунингдек, 2001 йили Дурбанда ўтказилган ирқчилик, ирқий камситиш, ксенофобия ва келишмовчиликнинг бошқа кўринишларига қарши курашга бағишланган Бутунжаҳон конференциясида кўриб чиқилган.

4.Хулосалар:

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гарчи бугунги кунда миграция жараёнларининг асосий қисми ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келсада, миграциянинг мамлакатлар ижтимоий ҳаёти ва иқтисодиётидаги глобаллашуви ўзининг ижобий ва салбий жиҳатларига эгадир.Мамлакатимизда хорижда меҳнат қилиб, малака орттириб қайтган фуқароларимизнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга, улар билан манзилли ишлаш тизимини яратилиши, шунингдек, хорижда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш, мигрантларни рағбатлантириш, кредит бериш

тизимининг йўлга қўйилганлиги - мамлакатимизда аҳоли миграцияси жараёнларига берилаётган эътибордир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Муртазаева.Р.Ҳ.Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик.Т–2019.228-Б.].(Murtazayeva R.H. Interethnic relations and tolerance in Uzbekistan.T-2019.P.228.)
2. Ҳайдаров С.А.Жиззах вилоятида аҳоли миграция ҳаракатларининг вужудга келиш масалалари.Ўзбекистон Гоеграфия Жамияти Ахборотномаси.40-жилд,Тошкент-2012,89-б.(Khaydarov S.A.Issues of migration in Jizzakh region. Bulletin og the Geographical Society of Uzbekiston. Volume-40, Tashkent-2012,P.89).
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистикаси қўмитаси маълумотлари. -Т.: 2017 йил.(The State Committee of the Republic of Uzbekistan on Statistics.-T.: 2017 year.)
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистикаси қўмитаси маълумотлари. -Т.: 2018 йил.(The State Committee of the Republic of Uzbekistan on Statistics. -T.: 2018 year.)
5. Ҳайитов Ш.А.Ҳозирги босқичда миграция жараёнларининг назарий методологик таҳлили. “Жаҳон тарихининг долзарб муаммолари” мавзусида Республика миқёсида онлайн илмий-амалий анжумани. Бухоро,2020, 324-бет.(Khayitov Sh.A.Theoretical and methodological analysis of migration processes at the present stage.Republican online scientific-practical conference on “ Current issues of world history”.Bukhara,2020,P.324.)
6. Муйдинов Д. Ўзбекистон Республикасининг халқаро миграция жараёнларидаги иштирокининг сиёсий- ижтимоий жиҳатлари.Шарқ машъали. № 1–2, 2019 йил,121-б.(Muydinov D. Political and social aspects of the participation of the Republic Uzbekistan in international migration processes.Sharq mash’ali. № 1–2, 2019 year,P.121.)
7. Бобожонова Н.Аҳоли миллий таркибинингўзгаришига миграция жараёнларининг таъсири. Ижтимоий фикр- инсон ҳуқуқлари.№1(65),2014.119-б.(Bobojonova N. Influence of migration processes on the change of the national composition of the population. Public opinion.Human rights№1(65),2014.P.119.)
8. Джунайдуллаев Д.А.Ўзбекистон минтақалрида аҳоли миграцияси ва уни тартибга солишни такомиллаштириш.иқтисод фанлари номзоди даражасини олиш учун ёзилган диссертация.Тошкент.ЎзМУ.2012 йил, 112- б.(Djunaydullayev D.A.Improving population migration and its regulation in the regions of Uzbekistan.dissertation for the degree of candidate os economic sciences.Tashkent.NUU.2012 year,P.112)
9. Юсупова С.Н.Ўзбекистонда меҳнат миграцияси масаласи: муаммо ва ечимлар.Ilmiy xabarnoma.2017 / № 4, Андижон 2017 йил, 66- б.(Yusupova S.N.The problem labor migration in Uzbekistan:problems and solutions.Scientific notice. 2017 / № 4, Andijan.2017 year.P.66.)
10. International money transfer services market in Uzbekistan.Prepared for international development center.Prepared by antimonopoly policy for support of competition and entrepreneurshi p. Canada, 2013.P.41.
11. https://kun.uz.24.07.2019.Россиядаги ўзбекистонлик мигрантлар сони рекорд даражага яқинлашди.(https://kun.uz.24.07.2019.The number of Uzbek migrants in Russia has reached a record high)].
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлиги асраш-давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил, 16 июнь.(Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the conference “ Ensuring social stability, preserving the purity of our sacred religion – the need of the hour//”Xalq so’zi”, 2017 year,june 16.)
13. kun.uz//Жаҳон.2018 йилда мигрантлар томонидан юртларига рекорд миқдорда пул ўтказилди.10442.09.04.2019.(kun.uz//World.In 2018, migrants sent a record amount of money home. 10442.09.04.2019)

14. Муйдинов Д.Н. Коронавирус пандемиясининг Европа Иттифоқи давлатларининг миграция сиёсатига таъсири. Шарқ мамлакатларидаги халқаро муносабатларнинг замонавий трансформацияси. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами (Тошкент, 16 май 2020 йил),209-б.(Muydinov D.N. The impact of the coronavirus pandemic on migration policies in EU countries.Modern transformation of international releations of the East.Tashkent,May 16.2020year)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Sayyora Melisovna Atadjanova
M.Ulug‘bek nomidagi O‘zMU dotsenti
tarix fanlari nomzodi.
Sevar Egamnazarovna Gaibnazarova
Toshkent shahridagi Milliy tadqiqotlar
MEI universiteti katta o'qituvchisi

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИ

For citation: Sayyora M.Atadjanova, Sevar E.Gaibnazarova, DEVELOPMENT OF NEW TYPES OF TOURISM IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.112-118

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-13

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada O‘zbekistonda turizmning rivojlanishi va uning yangi yo‘nalishi bo‘lmish ekoturizm arxiv materiallari va ilmiy adabiyotlar asosida tahlil qilinadi. O‘zbekistonda hozirgi bosqichda ekoturizmni rivojlantirish bo‘yicha material berilgan va respublikada ekoturizmni rivojlantirish bilan bog‘liq muammolar ko‘rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: ekologik turizm, ekomarkaz, qo'riqxona, turizm yarmarkasi, jahon iqtisodiyoti, infratuzilma, kelishuvlar, sayyohlik kompaniyalari.

Сайёра Мэлисовна Атаджанова
доцент, кандидат исторических наук
Национального университета Узбекистана
Севар Эгамназаровна Гаибназарова
старший преподаватель
Национального исследовательского университета
МЭИ в г. Ташкенте

РАЗВИТИЕ НОВЫХ ВИДОВ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе архивных материалов и научной литературы проделан анализ развития туризма в Узбекистане и его нового направления - экотуризма. Предоставлен материал по развитию экотуризма на современном этапе в Узбекистане и рассмотрены проблемы сопутствующие развитию экотуризма в республике.

Ключевые слова: экологический туризм, экоцентр, заповедник, туристическая ярмарка, глобальная экономика, инфраструктура, соглашения, туристические компании.

Sayyora M. Atadjanova
Associate Professor,
of the National University of Uzbekistan
Sevar E. Gaibnazarova
senior lecturer
National Research University
MEI in Tashkent

DEVELOPMENT OF NEW TYPES OF TOURISM IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article analyzes the development of tourism in Uzbekistan and its new direction, ecotourism, based on archival materials and scientific literature. The material on the development of ecotourism at the present stage in Uzbekistan is provided and the problems associated with the development of ecotourism in the republic are considered.

Index Terms: ecological tourism, eco-center, nature reserve, tourism fair, global economy, infrastructure, agreements, travel companies.

1.Актуальность темы:

Туризм сегодня является одной из ведущих и наиболее динамичных отраслей мировой экономики. За быстрые темпы роста он признан экономическим феноменом столетия.

По данным Всемирной туристской организации (ВТО), число прибытий в 2000г. составило 698 млн. человек, а величина поступлений от туризма -478 млрд. долл. США. По прогнозам экспертов ВТО, число поездок в мире к 2010г. может достичь 1 млрд. туристских прибытий, из которых 546 млн. придется на Центральную и Восточную Европу, включая страны СНГ и Балтии, где туризм будет развиваться опережающими темпами по сравнению с Европейским регионом в целом[1].

Развитие туризма в республике является одной из экономических отраслей национальной экономики, способного в перспективе создать тысячи новых рабочих мест, ускорить развитие регионов, повысить доходы и качество жизни населения, что в свою очередь приведет к улучшению имиджа и инвестиционной привлекательности страны.

2.Методы и степень изученности: Были использованы общепринятые научные методы при написании статьи, включая исторический, концептуальный, проблемный, сравнительно-аналитический и логический подходы к проблеме. Данная тематика изучается как со стороны специалистов в области экономики, так и со стороны исследователей историков. Экономисты исследуют проблему туризма, её инфраструктуры и выработку механизмов развития туризма в стране. Среди которых следует отметить Дуровича А.П., Дехтярь Г.М., Ибрагимову, Н. М., Файзиеву Ш., Голышеву Е., Пугач И., Асланову Д.Х. Алимова М.Т. Историки-исследователи, в свою очередь исследовали и проанализировали общие тенденции развития туризма и перспективы, среди них стоит отметить, Хамидова О.Х., Очилову Х.Ф., Бобожонову Д., Тухлиева И.С., Жиянова У., Саидову А.Ф. и других.

3. Результаты исследования: Свое развитие туристическая отрасль в Узбекистане начала в 90-х годах XX века, с развития рыночной экономики в независимом Узбекистане.

В связи с этим, для активизации новой отрасли экономики, а именно туристической деятельности, руководство Республики Узбекистан предприняло ряд шагов для развития инфраструктуры международного туризма в республике. Об этом свидетельствуют тот факт, что ещё в начальные годы независимости страны, специальным постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан «О развитии инфраструктуры международного туризма», были созданы условия развития внутренней структуры туристической отрасли и повышения качества сервисного обслуживания. Отдельным постановлением Кабинета Министров от 20 октября 1992 года «О вопросах организации деятельности Национальной

компании «Узбектуризм», в декабре 1992 года было создано внешнеторговое объединение «Узинтурсервис». Основная задача которой заключалась в проведении в целом по компании экспортно-импортных операций, а также оказание различных удобств по приему иностранных гостей и предоставления им различных услуг[2].

Национальная компания «Узбектуризм» в 1993 году в качестве полноправного члена была принята во Всемирную Туристическую Организацию. Это открыло широкие возможности для установления тесных контактов с туристическими компаниями многих стран мира, и подняло их взаимодействие на качественно новый уровень. При этом, Узбекистан, как и многие другие страны мира, стал постоянным участником Международной туристической ярмарки (ITB) ежегодно организуемой Всемирной Туристической Организацией[3].

Итак, создав необходимую инфраструктуру туризма в стране и войдя в орбиту международного туризма, Узбекистан начал строить и осуществлять широкую сеть сотрудничества с туристическими компаниями и фирмами зарубежных стран и также продвигать туристический продукт во всех направлениях.

Новая отрасль начала быстро развиваться и уже в первые годы независимости показала неплохой результат, о чем свидетельствуют следующие показатели. Если в 1998 году общее число туристов посетивших нашу республику составляло 6131 человек, то соответственно в 1999 году – 6940; в 2000 году – 11155; в 2001 году – 21174; в 2002 году – 16792; а в 2003 году – 10490 человек[4].

В 2016 г. число действующих туристических фирм составило 433 единицы, по сравнению с 2012 г. на 75 фирм больше. Число лиц, которым были оказаны туристические услуги в 2012 г., составило 511,6 тысяч человек, а в 2016 г. – 465,4 тысячи[5].

Из года в год в мире наблюдается устойчивая тенденция роста числа международных туристов. Например, в 2018 году этот показатель достиг 1,4 млрд., а туристский экспорт составил 1,7 трлн. долларов США. Таким образом, страна, обладающая туристическим потенциалом, просто обязана развивать туриндустрию. Узбекистан, безусловно, относится к числу таких стран[6].

По данным Всемирной туристической организации (ЮНВТО), туризм занимает четвертое место в мировом экспорте товаров и услуг, а по доходности – третье место. Его доля в мировом ВВП составляет 10%[7].

Международный туризм продолжает демонстрировать устойчивый и неослабевающий рост, превышающий темпы роста глобальной экономики, и не имеет сколько-нибудь значительных признаков ослабления с учетом того, что количество прибытий по всему миру, как ожидается, будет расти на 3.3% с 2010 по 2030 год, и достигнет 1.8 миллиардов к 2030 году, согласно долгосрочному прогнозному отчету ЮНВТО Туризм на пути к 2030 г. В период с 2010 по 2030 год туристские прибытия в развивающихся странах (+4.4% в год), как ожидается, будут расти удвоенными темпами по сравнению с развитыми экономиками (+2.2% в год). За исключением Афганистана, китайских автономных регионов Внутренняя Монголия и Синьцзян-Уйгурский автономный район, и Туркменистана, совокупный объем международных туристских прибытий в регионе ЦАРЭС в 2018 году оценивается Всемирным советом по туризму и путешествиям (ВСТП) на уровне немногим менее 20 миллионов, с прогнозом роста за десять лет до 2028 года почти в 5%. Несмотря на это, рассматриваемая в глобальном контексте совокупная доля стран ЦАРЭС (исключая Китайскую Народную Республику) составляет менее 2% мирового туризма[8].

Новым поворотом в развитии инфраструктуры туризма, а также в целях обеспечения его развития, создания благоприятных условий и предпосылок для развития частного сектора и увеличения туристских потоков в республику Указом Президента Республики Узбекистан от 2 декабря 2016 года № УП–4861 «О мерах по обеспечению ускоренного развития туристской отрасли Республики Узбекистан» образован уполномоченный государственный орган – Государственный комитет Республики Узбекистан по развитию туризма, а также принятыми более 30 решениями Главы государства и Правительства страны предоставлены

существенные налоговые льготы и другие преференции субъектам туристской деятельности, отменен и упрощен въездной визовый режим, внедрены инновационные технологии в сфере туризма, созданы условия для эффективного продвижения национального туристского потенциала на внутренним и внешних рынках[9].

Особое место у туриндустрии стран занимает экологический туризм. Сейчас во всем мире наблюдается тенденция развития этого сектора туристической отрасли. Но часто экотуризм воспринимается только как модное веяние туристической индустрии. Экотуризм прививает любовь к природе, повышает экологическую культуру путешественников, «уважает» интересы местного населения и способствует охране природы [10].

В странах запада экотуризм из года в год приобретает всё большую популярность. Практически каждый путешественник выбирает для своих маршрутов экологически чистые тропы. В современном мире, сегодня начинает приобретать популярность экологический вид туризма. Среди народа его еще называют «дикий поход», который, в целом, всегда пользовался популярностью, но среди ограниченного количества местного населения республики. Этот вид отдыха теперь, заинтересовывает все больше и больше иностранных туристов. Это можно объяснить суетой повседневной жизни и желанием отдохнуть в тишине на территории живой, нетронутой промышленностью, чистой природой. Согласно статистическим данным, большая часть туристов предпочитает непосредственно живое общение с природой[11].

Проводить больше времени в нетронутых уголках природы, ходить по тропам вслед за животными, сейчас становиться не только полезно, но и модно. Люди стали предпочитать отдых вместе со своей семьей на территории заповедников, лесных чащ или же гор. В народе данный вид этого туризма называют «зеленым» или же «мягким» [12].

В Узбекистане имеются привлекательные для приезжающих гостей уникальная природа, многообразные ландшафты (степи, пустыни, горы, плато), различные участки флоры, редкие геологические залежи, многочисленные памятники зодчества, хранящие многовековую историю нашего края.

Еще одним достоянием природы нашего края считается Угам-Чаткальский государственный национальный природный парк, расположенный в Ташкентской области. Чаткальский биосферный заповедник расположен на юге Угам-Чаткальского национального парка. Заповедник делится на два участка - Бошкизилсой и Майдонтол. Первый простирается на южных склонах Чаткала, второй - на северных склонах и ледниках. Живописные ландшафты заповедника представлены горными цепями, украшенными арчевыми лесами, высокогорными альпийскими и ксерофитными лугами и ветреными степными зонами. Чаткальский заповедник весь испещрен горными узорами, пещерами и шумными водопадами. А в южной части Майдонтола на скалах у берегов Терексая в урочище Карасау можно наблюдать древние наскальные рисунки - Терексайские петроглифы. Еще в Чаткальском заповеднике проводятся очень интересные орнитологические туры[13].

Проекты Экофорума ННО Узбекистана содействовали вовлечению местного населения в деятельность по экологическому туризму на территории Угам-Чаткальского национального парка. ННО «Родничок» способствует развитию молодежного экотуризма в горных районах Ташкентской области. Множество летних лагерей, пансионатов и домов отдыха расположено именно здесь, так как это живописное место, кажется, просто создано для комфортного времяпрепровождения. С 2017 года парк входит в Список Всемирного наследия ЮНЕСКО, а его заповедная часть закрыта для свободного посещения.

Одним из мест активно посещаемых мест экотуризма является Экоцентр «Джейран», созданный в 1997 году. Расположен он в пустыне Кызылкум, в 40 километрах от Бухары. Работу его регулирует Госкомприроды Республики Узбекистан. Это заповедный питомник, в котором разводятся исчезающие виды животных. В экоцентре изучали и разводили джейранов, этот редкий вид животных, разрабатывали методы рационального использования популяции[14].

Экоцентр активно сотрудничают с международными природоохранными организациями, учебными заведениями и экодвижением. Различные, всемирно известные исследовательские центры регулярно присылают своих специалистов для обмена опытом и обучения на базе экоцентра. Судя по отзывам туристов можно посетить экоцентр вместе с семьей, жить на территории и наслаждаться биоразнообразием этого места, а можно приехать в качестве волонтёра и принять активное участие в деятельности центра. Это, в свою очередь позволяет сблизится с природой, почувствовать себя единым целым, стать причастным в решении всемирной задачи возрождения и сохранения популяции редчайших животных, а также внести свой посильный вклад в природоохранную миссию[15].

Природно-климатический потенциал республики очень разнообразен и богат- горы с многочисленными пещерами, ледники и озера в Ташкентской области и Ферганской долине, степи, пустыни и оазисы в Навоиской и Бухарской областях, горные пейзажи в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях, аридные ландшафты Кызылкума, крупные водоемы с богатой орнитофауной в Каракалпакстане, Джизакской и Сырдарьинской областях. А также тугайные леса в дельте реки Амударья, и недавно открытый Китабский заповедник, свидетельствующий о появлении жизни на нашей планете, регион «экологической катастрофы» у Аральского моря, Нуратинские горы и озеро Айдаркуль, и множество других мест природы[16].

В целях продвижения туристического продукта и облегчения процедур по его продвижению, были приняты ряд мер в этом направлении.

Во исполнение Указа Президента Узбекистана Ш. Мирзиёева «О мерах по дальнейшему развитию сферы туризма в Республике Узбекистан» с 1 октября 2019 года режим «Открытое небо» был введен в международных аэропортах «Карши», «Нукус» и «Термез» с применением «пятой свободы воздуха» [17].

Также, согласно указу, режим «Открытое небо» вводится в аэропорту «Бухара» — с применением «пятой свободы воздуха» при перевозке граждан иностранных государств.

Пятая степень «свободы воздуха» - это право в отношении регулярных воздушных перевозок, предоставляемое одним государством другому, в соответствии с которым назначенный перевозчик имеет право выгружать и принимать на борт на территории страны-партнера по соглашению пассажиров, почту и грузы, следующие из третьего государства или в него[18].

В целях развития и расширения туристической сферы в республике была разработана и утверждена Концепция развития сферы туризма в Республике Узбекистан в 2019-2025 годах (Приложение N 1) к Указу Президента РУз. от 05.01.2019 г. N УП-5611. Целью которой является преобразование туризма в стратегическую отрасль национальной экономики. В ней затронуты вопросы дальнейшего совершенствования нормативно-правовой базы в сфере туристской деятельности, имплементация международных норм и стандартов, дальнейшей либерализации визового режима для граждан экономически стабильных и безопасных государств, обеспечивающих основной поток туристов в республикух[19].

Немаловажным является вопрос разработки новых туристских программ с учетом перспективных видов туризма (паломнический, познавательный, экологический, этнографический, гастрономический, спортивный, лечебно-оздоровительный, сельский, индустриальный, деловой и другие) для создания разнообразного, привлекательного и конкурентоспособного в разное время года туристского продукта Республики Узбекистан, в том числе путем создания в регионах страны тематических туристских зон и кластеров. Для обеспечения безопасности туристов на территории республики планируется создание специализированных подразделений органов внутренних дел по обеспечению безопасного туризма на территориях, обладающих наибольшим туристским потенциалом, оснащения их современными техническими и транспортными средствами[20].

В этом направление проделана работа по претворению в жизнь новых преобразований.

В органах внутренних дел этому направлению деятельности уделяется пристальное внимание. В частности, Управлением координации обеспечения безопасного туризма МВД проводится эффективная работа по обеспечению безопасности иностранных туристов, оказанию необходимой помощи для них в маршрутных линиях их посещения.

Еще один важный вопрос в данном деле – внешний вид сотрудников. Он в центре внимания подразделений по обеспечению безопасного туризма. Недавно разработан проект образца новой формы сотрудников туристических подразделений. Форменная одежда нового образца, проходит тестирование у сотрудников службы Ташкента и столичной области[21].

Необходимо отметить, что в Управлении координации обеспечения безопасного туризма МВД Республики Узбекистан начал свою деятельность "Call-центр", основной задачей которого является приём по телефону обращений туристов и оперативная организация оказания им необходимой помощи в рамках полномочий органов внутренних дел.

Call-центр оснащен современным информационно-коммуникационным оборудованием и соединен с дежурными частями региональных управлений обеспечения безопасного туризма ГУВД-УВД г. Ташкента, Ташкентской, Бухарской, Самаркандской, Сурхандарьинской, Кашкадарьинской и Хорезмской областей[22].

Помощь окажут квалифицированные специалисты, свободно владеющими узбекским, русским и английским языками, и которые работают круглосуточно без выходных.

4. Заключение: Экотуризм является одним из новых направлений туризма сегодня. И в этом направление наше правительство принимает много усилий по совершенствованию его сервиса, отвечающего международным стандартам. В данной области ведется активная работа над масштабными проектами, направленные на расширение туристических маршрутов, организацию обслуживания туристов, защиту окружающей среды. Для этих целей организованны и проводятся мастер-классы, тренинги, семинары для гидов обслуживающего персонала и владельцев гостевых домов.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Большая Ленинградская библиотека «Индустрия туризма» Электронный ресурс// http://www.6yket.ru. (Big Leningrad Library "Tourism Industry" Electronic resource // http://www.6yket.ru.).
2. Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы, Т.-2002 г. С174. (Nuriddinov E.Z. International cooperation of the Republic of Uzbekistan with European countries, T.-2002. P.174.).
3. Atadjanova S.M. Development of tourism in Central Asia (on the example of Uzbekistan and Kazakhstan)// EPRA International Journal of Research Development (IJRD) Volume: 5, Issue:4, April 2020.-P.242.).
4. Текущий архив Национальной компании «Узбектуризм». Папка Кыргызстан. С.17. (Current archive of the National Company "Uzbektourism". Folder Kyrgyzstan. P.17.).
5. Гаибназарова З.Т. Перспективы развития туристического потенциала Узбекистана//Научные исследования экономического факультета. Электронный журнал. Том 10. Выпуск 1. С.96. https://archive.econ.msu.ru/ (Gaibnazarova Z.T. Prospects for the development of the tourism potential of Uzbekistan // Scientific research of the Faculty of Economics. Electronic journal. Volume 10. Issue 1. P.96. https://archive.econ.msu.ru/).
6. Селиманова С.М., Турсунова С. Р. Обеспечение безопасности туризма органами внутренних дел Республики Узбекистан// Academic research in educational sciences Volume 2 | Issue 2 | 2021 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 P.1104. (Selimanova S.M., Tursunova S.R. Ensuring the safety of tourism by the internal affairs bodies of the Republic of Uzbekistan // Academic research in educational sciences Volume 2 | Issue 2 | 2021 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 P.1104.).
7. Там же. С.94. (Ibid. P.94.).

8. Содействие региональному сотрудничеству в области туризма в рамках ЦАРЭС 2030 предварительное исследование. 2019. С.5-6. (Promoting Regional Tourism Cooperation Under CAREC 2030 Scoping Study. 2019. Pages 5-6.).
9. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 1, С. 3. (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 1, P. 3.).
10. Лесько Е.Г. Потенциальные преимущества и недостатки экологического туризма// Состояние и перспективы развития туризма в славянских государствах. Секция V. Материалы конференции С.248. https://elib.gstu.by/ (Lesko E.G. Potential advantages and disadvantages of ecological tourism // State and prospects of tourism development in the Slavic states. Section V. Conference materials P.248. https: //elib.gstu.by/).
11. Преимущества и недостатки экотуризма http://www.greeceabout.ru/content/ (The advantages and disadvantages of ecotourism http://www.greeceabout.ru/content/).
12. Там же. (Ibid.).
13. Чаткальский биосферный заповедник// https://uzbekistan.travel/ru/ (Chatkal Biosphere Reserve // https://uzbekistan.travel/ru/).
14. “Экоцентр "Джейран"//https://canaan.travel/attractions/28-bukhara/ ("Ecocenter" Jeyran "//https://canaan.travel/attractions/28-bukhara/).
15. Там же. (Ibid.).
16. Перспективы развития экотуризма в Узбекистане// https://uznews.uz/ru/article/ (Prospects for the development of ecotourism in Uzbekistan // https://uznews.uz/ru/article/).
17. Евгения Юн. Потенциал экотуризма в Узбекистане: от воспитательной функции до высоких технологий //«Правда Востока». 10 июля 2020. (Evgeniya Yun. The potential of ecotourism in Uzbekistan: from educational function to high technologies // Pravda Vostoka. 10 july 2020.).
18. О мерах по дальнейшему развитию сферы туризма в Республике Узбекистан, 19 август 2019// https://tma.uz/ru/ (On measures for the further development of the tourism sector in Uzbekistan, August 19, 2019 // https://tma.uz/ru/).
19. Там же. (Ibid.).
20. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 14 января 2019 г., N 1-2, ст. 5.
21. Проходит тестирование образца новой формы сотрудников органов внутренних дел, служащих в сфере туризма https://iiv.uz/ru/news/
22. Начал свою деятельность "Call-центр" Управления координации обеспечения безопасного туризма МВД Республики Узбекистан 6 января 2021 г.// https://iiv.uz/ru/news/

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

A.A. Aloxunov,
FDU Jahon tarixi kafedrasi
katta o‘qituvchisi, PhD

ANDRONOVO MADANIYATINING O‘RTA OSIYO CHORVADOR JAMOALARINING MODDIY MADANIYATDA AKS ETISHI

For citation: A.A. Alokhunov, REFLECTION OF THE ANDRONIAN CULTURE IN THE MATERIAL CULTURE OF CATTLE BREEDING COMMUNITIES IN CENTRAL ASIA. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.119-123

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-14

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada Yevroosiyoning chorvador urug‘ jamoalari – Andronovo madaniyati sohiblarining so‘nggi bronza davrida O‘rta Osiyo hududlariga kirib kelishi va mahalliy aholi bilan birlashib ketishi to‘g‘risidagi ma’lumotlar Qadimgi Xorazmning Tozabog‘yob hamda Farg‘ona vodiysining Qayroqqum madaniyati arxeologik materiallari asosida tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: neolit, chorvachilik, chorvador qabilalar, bronza davri, Yevroosiyo cho‘l va dasht qabilalari, Andronovo madaniyati, Tozabog‘yob madaniyati, Qayroqqum madaniyati.

А.А.Алохунов,
Старший преподаватель
кафедры всемирной истории
ФерГУ, PhD

ОТРАЖЕНИЕ АНДРОНОВСКОЙ КУЛЬТУРЫ В МАТЕРИАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЕ СКОТОВОДЧЕСКИХ ОБЩИН СРЕДНЕЙ АЗИИ

АННОТАЦИЯ

В статье на основе археологических материалов Тазабагябской культуры Древнего Хорезма и Кайраккумской культуры Ферганской долины анализируются данные о притоке в Среднюю Азию Евразийских скотоводческих сообществ – носителей андроновской культуры и их интеграции с местным населением в эпоху поздней бронзы.

Ключевые слова: неолит, скотоводство, скотоводческие племена, бронзовый век, Евразийские пустынные и степные племена, Андроновская культура, Тазабагябская культура, Кайраккумская культура.

A.A.Alokhunov,
PhD, Senior Lecturer of the
Department of World History, FerSU

REFLECTION OF THE ANDRONIAN CULTURE IN THE MATERIAL CULTURE OF CATTLE BREEDING COMMUNITIES IN CENTRAL ASIA

ABSTRACT

Based on the archaeological materials of the Tazabagyab culture of Ancient Khorezm and the Kairakkum culture of the Fergana Valley, the article analyzes data on the influx of Eurasian cattle breeding communities – carriers of the Andronov culture into Central Asia and their integration with the local population in the Late Bronze Age.

Index Terms: Neolithic, cattle breeding, cattle breeding tribes, Bronze Age, Eurasian desert and steppe tribes, Andronovo culture, Tazabagyab culture, Kairakkum culture.

---

1. Dolzarbligi:

Neolit davrining (mil.avv VII-IV ming yilliklar) muhim kashfiyoti bo‘lgan chorvachilik inson tomonidan yovvoyi hayvonlarni ovlash va ularni xonakilashtirish maqsadida qo‘lga o‘rgatishdan boshlangan. Eng avval it, so‘ngra cho‘chqa, qo‘y va keyinchalik qoramollar va otlar xonakilashtirilgan.

Daryo bo‘yi, cho‘l va tog‘ oldi, ko‘l atroflarida ovchilik, baliqchilik bilan shug‘ullangan jamoalarning madaniyatlari rivojlanib borgan sayin chorvachilik ham rivojlanib bordi. Qulay geografik sharoitda ba’zi qabilalarda chorvachilik dehqonchilikni surib chiqara borib, xo‘jalikda etakchi o‘rinni egallaydi. Biroq chorvachilik xo‘jalikning maxsus sohasi sifatida rivojlanishi uchun alohida sharoit zarur, birinchi navbatda, keng tabiiy yaylovlar kerak. Mana shunday sharoitda bu bosqichda dala dehqonchiligi va chorvachilikning rivojlanishi ularni bir-biridan ajratib yuboradi. Xo‘jalikning va shu bilan birga, butun madaniyatning rivojlanishida ma’lum darajada bir-biridan ajraluvchi ikkita yo‘l, madaniyatning ikkita tarixiy tipi – dehqonchilik va chorvachilik paydo bo‘ldi. Biroq shu bilan bir qatorda, ma’lum darajada bo‘lsa ham, dehqonchilikda uy hayvonlari boqilgani kabi, chorvachilikda ma’lum darajada dehqonchilik bilan shug‘ullanildi. Buni biz Andronovo va Qayroqqum madaniyati misolida ko‘rishimiz mumkin.

2. Metodlar va o‘rganilganlik darajasi:

Maqola umume’tirof etilgan tarixiy-taqqoslash, tizimlashtirish, retrospektiv va statistik tahlil kabi usullar asosida bayon etildi.

3. Tadqiqot natijalari:

Ta’kidlash lozimki, bronza davrida O‘rta Osiyoning barcha hududlarida ham qadimgi dehqonchilik sivilizatsiyasi tarqalmagan edi. Miloddan avvalgi II ming yillikda O‘rta Osiyoning shimolida joylashgan Yevroosiyo dashtlarida ikkita tarixiy-madaniy jamoalar g‘arbda Yog‘ochband (srubnoy), sharqda esa Andronovo madaniyati sohiblari yashaganlar.

Quyi Volgadan sharqqa tomon cho‘zilgan dashtlarda yashagan bronza davri qabilalari ilmiy adabiyotlarda Andronovo madaniyati sohiblari deb yuritilib, bu madaniyatga oid yodgorlikni birinchi bor 1914 yilda Ya.A.Tugarinov Achinsk stansiyasi yaqinidagi Andronovo qishlog‘ida olib borilgan qazishmalar natijasida topgan va 1920-1923 yillarda S.A.Teplouxov uni “Andronovo madaniyati” nomi bilan fanga kiritgan [11. B.391].

Andoronvo madaniyati sohiblarining qaysi tilli xalqlar bo‘lganligi to‘g‘rsida turli fikrlar mavjud. Jumladan, A.A.Asqarov “Andronovo madaniyatining bir qism aholisi turk tilli bo‘lganligi” xususidagi g‘oya bilan chiqdi [3. B.200-204].

Qozog‘istonlik arxeolog K.M.Baypakov ham Andronovo madaniyati aholisining bir qismi turk tilli bo‘lgan, degan fikrni olg‘a surmoqda. Bu g‘oyalarning asosi Qadimgi Xitoy yilnomalarida keltirilgan yozma manbalar hisoblanadi. Ma’lumki, ushbu yilnomalarda Xitoyning shimolida miloddan avvalgi III-I ming yilliklarida “di” – “ti” – “tiek” – “tieuk” – “turk” xalqlari yashaganligi asos qilib olingan [4. B.258.].

So‘nggi yillarda yaratilgan ko‘plab adabiyotlarda Andronovo madaniyati aholisini oriylar bilan bog‘lash ham kuchaydi. Bu g‘oya muallifi K.F.Smirnov bo‘lib, uni E.E.Kuzmina qo‘llagan edi. S.S.Chernikov esa Andronovo madaniyatining juda keng hududda tarqalganligini inobatga olib, har xil tilli xalqqa oidligi to‘g‘risida yozgan. Yaqinda M.H.Isomiddinov ham S.S.Chernikovning

haqligini ta’kidlab, Andronovo madaniyati aholisining hammasi eron tilli bo‘lmaganligi xususida yozdi [12].

Andronovo madaniyati sohiblari chorva boqish, dehqonchilik qilishga qulay joylarga, ya’ni daryo sohillaridagi keng o‘tloq erlarga o‘rnashardilar.

S.G.Klyashtorniyning tadqiqotlariga ko‘ra, Andronovo madaniyati sohiblari uncha katta bo‘lmagan daryolar bo‘ylaridagi manzilgohlarda yashaganlar. Olimning fikricha, bunday manzilgohlarda, dastlab, 10-20 tagacha yarim erto‘lalar mavjud bo‘lgan bo‘lsa, keyingi davrlarda maydoni 200-300 metr kvadrat bo‘lgan turar joylar mavjud bo‘lgan. Har bir turar joyda 30-50 kishidan iborat oila jamoalari istiqomat qilgan [8. S.71-73].

B.Eshov ko‘chmanchi madaniyat sohiblari bo‘lgan andronovoliklarda ham davlatchilikning ko‘chmanchilarga xos qandaydir shakllari mavjud bo‘lganligi haqidagi taxminni ilgari suradi. Buni ularning manzilgohlaridan dehqonchilik bilan bog‘liq bo‘lgan mehnat qurollari (omoch, bronza o‘roq, tosh yanchg‘ich va boshqalar) topilganligi bilan izohlaydi [13. B.82].

Andronovo madaniyati yodgorliklari g‘arbiy Qozog‘istondan to Baykalning janubi-g‘arbiga cho‘zilgan cho‘l va dasht hududlarda uchraydi. Ular keng tarqalgan hududlar Volgadan to Mongoliyagacha, Ural tog‘i janubidan to O‘rta Osiyogacha cho‘zilgan cho‘l mintaqalari edi.

Yevroosiyo mintaqalariga xos bo‘lgan bu madaniyat quyi Amudaryo bo‘ylarida ham tarqalgan. Bu hududga kelib o‘rnashgan xalq qoldirgan moddiy madaniyat arxeologiya fanida Tozabog‘yob madaniyati deb yuritiladi.

Qadimgi Xorazmning Tozabog‘yob madaniyati chorvador qabilalar qisman qadimgi suv havzalarining pastqam va zaxkash qismlarida ibtidoiy dehqonchilik bilan ham shug‘ullanganliklarini ko‘rsatadi. Mazkur madaniyatga xos bo‘lgan yarim erto‘la turar joylar, qo‘lda yasalgan va turli geometrik naqshlar bilan bezatilgan sopol idishlar Qozog‘iston va Sibirning cho‘l zonalaridagi sopol buyumlarga o‘xshaydi. Shularga asoslanib, S.P.Tolstov tozabog‘yobliklarni Andronovo qabilalarining avlodlari deb hisoblagan. Arxeologik manbalarda bu davrlarga oid yodgorliklardan ikki hudud aholisi o‘rtasida keskin to‘qnashuvlar sodir bo‘lganligiga guvohlik beruvchi ma’lumotlar uchramagan [2. B.61].

Andronovo (Tozabog‘yob) madaniyati qabilalariga xos bo‘lgan xususiyat: aholi yarim erto‘la shaklidagi kulbalarda yashagani; mozorlari yorma go‘r bo‘lib, murdalar oyoq-qo‘llari bukilgan, chapga yonboshlatilgan, boshi janubi-g‘arbga qaratilgan holda, ko‘pincha kiyim-kechagi, jezdan yasalgan bezak buyumlari bilan dafn etilganligi bilan xarakterlanadi.

Tozabog‘yob madaniyatiga xos bo‘lgan xususiyatlar Zarafshon daryosi etaklarida yashagan chorvador qabilalar o‘rtasida ham mavjudligi aniqlandi. Quyi Zarafshon urug‘ jamoalari yashagan yarim erto‘la va chaylalar, ular yasagan sopol idishlarning shakli va naqshlari, ishlov berish va pishirish texnologiyasi tozabog‘yobliklarnikidan deyarli farq qilmaydi. Bunday o‘xshashliklar, har ikkala jamoaning o‘zaro yaqin iqtisodiy, madaniy va etnik aloqada bo‘lganliklaridan dalolat beradi.

CHo‘l va dasht hududlarida yashagan qabilalarga xos yodgorliklar Farg‘ona vodiysida ham bir qadar keng o‘rganilgan. Bular jumlasiga Vodil va Karamko‘l qishloqlaridan topilgan qadimgi qabristonlarni, Xo‘jand viloyatidagi Qayroqqum makonlari va Dahana qabristonlarini kiritish mumkin [14. P.37-48.].

Sirdaryo bo‘ylarida, Farg‘ona vodiysining g‘arbiy qismida A.P.Okladnikov va B.A.Litvinskiylar tomonidan bronza va ilk temir davriga taalluqli Qayroqqum madaniyati topildi. Olimlar tomonidan XX asrning 50-yillari o‘rtalarida taqir ustida joylashgan 60 dan ortiq makonlar o‘rganildi [1. B.65]. Bu makonlarda minglab sopol bo‘laklari, bronza va toshdan ishlangan mehnat qurollari, hayvon suyaklari, kullarning qoldiqlari topildi.

Qayroqqumliklarning asosiy mashg‘ulotlari chorvachilik bo‘lsa-da, qabilalar xo‘jaligida dehqonchilik ham muhim ahamiyat kasb etgan. Turar joy qoldiqlari, tosh o‘choqlar, jez va misdan yasalgan ro‘zg‘or buyumlari va jangovar qurollar, sopol idishlar, bolta, pichoq, tesha, o‘q-yoylar, paykonlar, qarmoqlarning ko‘plab topilishi aholining dehqonchilik, chorvachilik va ovchilik bilan shug‘ullanganliklaridan dalolat beradi [9. S.151; 5. B.90-92]. Shu bilan birga, aholining Farg‘onadagi Chust madaniyati va janubdagi dehqonchilik madaniyatlari bilan mustahkam aloqada bo‘lganligi kuzatiladi.

Chorvachilikda hayvonlarning tarkibi turlicha bo‘lib, poda, asosan, andronovoliklarga o‘xshab yirik va mayda shoxli hayvonlardan iborat bo‘lgan. Chorvada ot muhim o‘rin egallab, transport vazifasini bajargan [10].

Kulolchilikda sopol idishlar qo‘lda (lepnaya) yasalib, dag‘al ishlov berilgan. Sopol idishlar Tozabog‘yob sopollariga o‘xshasa-da, Qayroqqum sopollari ichida quloqli, ba’zan esa tarnov jo‘mrakli xillari ham uchraydi. Sopol topilmalarining o‘ndan bir qismi chizma, taroq iz bilan naqshlangan. Idish gullari o‘z xarakteri bilan geometrik kompozitsiyalardan iborat.

Qayroqqum madaniyatida metallurgiya xunarmandchiligining yuksak darajada bo‘lganligini arxeologik topilmalar tasdiqlaydi. Ko‘pgina makonlar ustida olib borilgan qazishmalar paytida oybolta va cho‘kich yasaydigan tosh shakllari, ma’dan parchalari, shlaklar va ko‘pgina bronza predmetlari topilgan. B.A.Litvinskiyning yozishicha, 15 ta punktda metall eritish o‘choqlari va shlaklar uyumi topilgan. Ayniqsa, madaniy qatlami buzilib ketgan makonlarda, taqir yuzasida ikki tig‘li yaproqsimon pichoqlar, xanjar, iskana, qarmoq, igna, bigiz, ikki parrakli bronza paykonlari ko‘plab uchraydi. Qayroqqum makon va mozorlaridan topilgan arxeologik materiallarning tipologik tahliliga ko‘ra, bu madaniyat bronza davrining oxiri va ilk temir davri ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayoti haqida tasavvur beradi [7. S.50].

Mutaxassislar fikricha, Qayroqqum manzilgohlaridan topilgan kulolchilik idishlari, bronza buyumlari O‘rta Osiyoning ushbu davrga oid Andronovo, Tozabog‘yob madaniyatlari topilmalariga juda o‘xshab ketadi. Ana shu o‘xshashliklarga asoslangan mutaxassislar ularni Qozog‘iston-Sibir topilmalari bilan solishtirib, Qayroqqum yodgorliklari guruhini miloddan avvalgi II ming yillikning ikkinchi yarmi – I ming yillikning birinchi va ikkinchi choragi bilan davrlashtirdilar [10].

Yuqorida Farg‘ona vodiysida bir necha mozor-yodgorlik, jumladan, Vodil, Karamko‘l, Yapagi, Chakka kabi qabristonlar borligi haqida aytib o‘tildi. Bu qabristonlarda B.Z.Gamburg va N.G.Gorbunovalar tomonidan arxeologik tadqiqotlar o‘tkazilishi natijasida, Vodil qabristonidagi qabrlarning 32 tasi tekshirilganda ulardan naqshli sopol idish parchalari, jezdan ishlangan bir necha bilaguzuk, isirg‘alar, bargsimon o‘q uchlari va boshqa buyumlar topildi. Vodil qabristonidagi topilmalar ko‘p jihatdan Andronovo madaniyatiga o‘xshab ketishi aniqlandi [6. S.130-135]. Demak, Andronovo madaniyati qabilalariga xos bo‘lgan xususiyatlarning vodiy mozor-qo‘rg‘onlarida ham uchrashi bu madaniyatning vodiyda ham keng yoyilganligidan darak beradi.

Farg‘ona vodiysi cho‘l va dasht qabilalari madaniy xo‘jalik faoliyatida chorvachilik dehqonchilikka nisbatan yuksak rivojlangan. Ammo ular qadimgi Xorazm Tozabog‘yob qabilalari singari dehqonchilikda sezilarli xo‘jalik taraqqiyotiga ko‘tarila bilmagan.

Bronza davri cho‘l va dasht hududlari qabilalarining madaniyatini S.P.Tolstov va M.A.Itina Xorazmning Tozabog‘yob madaniyati deb atasa, Farg‘ona vodiysi yodgorliklarini B.A.Litvinskiy Qayroqqum madaniyati deb ataydi. A.Asqarov esa cho‘l va dasht hududi bronza davri yodgorliklarini Andronovo madaniyatining Tozabog‘yob varianti, E.E.Kuzmina Andronovo madaniyatining O‘rta Osiyo varianti, Yu.A.Zadneprovskiy, N.G.Gorbunova va boshqalar esa Andronovo yodgorliklari deb ataydilar [1. B.59]. Cho‘l va dasht hududi chorvador qabilalarining madaniy merosi qanday nom bilan aytilishidan qat’i nazar, materiallarining bir-biriga aynan o‘xshashligi, xronologik bir davrga tegishli ekanligi masalasida ko‘pchilik olimlar bir xil fikrda qolmoqdalar.

4. Xulosalar:

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, miloddan avvalgi II ming yillik ikkinchi yarmi davomida Yevroosiyo dashtlarining chorvador aholisi ijtimoiy-iqtisodiy zaruriyat tufayli, ya’ni chorva mollariga o‘tlov-yaylovlar qidirish, harbiy qurollar ishlab chiqarish uchun metall xom ashyosiga ega bo‘lish va shu kabi manfaatlar ishtiyoqida janubga, jumladan, O‘rta Osiyo hududlariga guruh-guruh bo‘lib kirib kela boshlaydi. Ular, dastlab, mahalliy aholi egallamagan, chorva boqish uchun qulay bo‘lgan tog‘ yonbag‘irlarida, adir va dashtlarda, tog‘li dara va tog‘ soylari havzalarida o‘rnashadilar. Qo‘nim topgan ko‘chmanchi chorvadorlar ko‘chmanchilik xo‘jaligining o‘ziga xos xususiyati tufayli hech qachon o‘troq xalqlardan ajralgan holda hayot kechirmadilar. Tarixning barcha davrlarida hayotiy zarurat ko‘chmanchi chorvadorlarni o‘troq dehqon aholi bilan ham iqtisodiy va siyosiy, ham madaniy jihatdan o‘zaro uzviy bog‘lab turgan. Shunday qilib,

ko‘chmanchi qabilalar bilan o‘troq aholi o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlar qadimgi davrlardan boshlab vujudga kelgan va butun tarixiy taraqqiyot davomida rivojlangan.

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. Asqarov A. Jo‘raqulov. Eneolit va bronza davrida O‘rta Osiyo. Samarqand, 1984. – B. 65.
2. Asqarov A. O‘zbekiston tarixi (Eng qadimgi davrlardan eramizning V asrigacha). – T., 1994. – B. 61.
3. Asqarov A. O‘zbek xalqining etnogenezi va etnik tarixi. – T.: Universitet, 2007. – B. 200, 204.
4. Asqarov A. O‘zbek xalqining kelib chiqish tarixi. – T.: O`zbekiston, 2015. – 680 b.
5. Aloxunov A. Farg‘ona vodiysining Qayroqqum madaniyati yodgorliklari. FarDU Ilmiy Xabarlar, 5/2017. – B. 90-92.
6. Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г. Новые данные о культуре эпохи бронзы в Ферганской долины // СА. – М., 1957. – № 3. – С. 130-135.
7. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. – М. – Л. 1962. – С. 50.
8. Кляшторный С.Г. Савинов Д.Г. Степные империи Азии, Снб 1994. – С. 71-73.
9. Литвинский Б.А. Кайрак-кумская культура Северного Таджикистана. В.кн.: История таджикского народа. Т.1., - Душанбе, 1998. – С. 151.
10. Литвинский Б.А., Окладников А.П., Ранов В.А. Древности Кайрак-кумов. – Душанбе, 1962. 262 с.
11. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. 1-jild. A-Beshbaliq. – T., 2000. – B. 391.
12. SHaydullaev SH.B. O‘zbekiston hududida davlatchilikning paydo bo‘lishi va rivojlanish bosqichlari (Baqtriya misolida). Tarix fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. –Samarqand, 2009.
13. Eshov B.J. Ko‘chmanchi davlatchilik haqida ayrim mulohazalar. O‘ZMU xabarlari. Maxsus son. – T.: Universitet, 2013. – B. 82.
14. Alokhunov A. Thoughts In Regard To Location Of Pastoralists Monuments In Fergana Valley. European Journal of Business & Social Sciences. (EJBSS), Vol-07, Issue-10 July 2019. – P. 37-48.
15. Isamiddinov M. The history of emergence of Sughd Cities // EPRA International Journal of Research and Development. Volume:5, Issue:10, October 2020 India. – P. 125–128.
16. Mirsoatova S.T. New data on the late paleolithic of the Fergana valley // Евразийский союз ученых (2020. – № 10 (79/4). – P. 25–29.
17. Farmanova G.K. The role of the geographic environment and climatic conditions in the formation of economic-cultural type of population when during ancient and antic period // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10, Issue 11, November 2020. – P. 1612–1622. Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01639.0.
18. Rakhmatillayev H. Ethnodynamics of the city population of the Fergana valley of the first half of the XX century // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:5, May 2020. – P. 532–535.
19. Arslonzoda R. Memoirs as asourse on the history of Uzbekistan in the second half of the 19th – early 20th centuries // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:10, October 2020. – P. 119–124.
20. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance. ERPA International Journal of Research and Development. 2020; Vol. 5 (7). – P. 104–108. DOI: https://doi.org/10.36713/epra4787
21. Yuldashev S. Visit of chinese ambassador dung wan to Fergana // The history of the Fergana valley in new researches. – Fergana, 2021. – P. 123 – 131. https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1240

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Рахматжон Арслонзода Арслонбоевич
Фарғона давлат университети,
Жаҳон тарихи кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АРХИВ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

For citation: Rakhmatjon A.Arslonzoda, LEGAL BASIS OF ARCHIVAL CASE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.124-132

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-15

АННОТАЦИЯ

Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда архив иши ҳуқуқий асосларининг шаклланиш жараёни таҳлил этилади. Архив иши бўйича қабул қилинган қонунлар ва қарорларни таҳлил этиш асносида республикада архив қонунчилигининг вужудга келиши ва тобора такомиллашиб бориши очиб берилади. Архив ишига доир янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишини тақозо этган омиллар кўрсатиб ўтилади. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий майдоннинг яратилишиши архивларнинг амалий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатганлиги таъкидланади.

Калит сўзлар: архив иши, ҳуқуқий асос, қонун, қонуности ҳужжатлар, битим, қарор, “Ўзархив” агентлиги, Миллий архив фонди, миллий архивлар, давлат архивлари, идоравий архивлар.

Рахматжон Арслонзода Арслонбоевич
Ферганский государственный университет,
доцент кафедры всемирной истории,
кандидат исторических наук

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ АРХИВНОГО ДЕЛА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В статье освещается процесс формирования правовых основ архивного дела в Узбекистане в годы независимости. В ходе анализа принятых в этой сфере законов и постановлений раскрывается основные вехи зарождения и совершенствования архивного законодательства в республике. Раскрываются факторы, обусловившие принятие новых нормативных документов по архивному делу. Подчеркивается, что создание в Республике Узбекистан правового поля оказало плодотворное влияние на практическую деятельность архивов.

Ключевые слова: архивное дело, правовая основа, закон, подзаконные акты, соглашение, постановление, агентство “Узархив”, Национальный архивный фонд, национальные архивы, государственные архивы, ведомственные архивы.

Rakhmatjon A. Arslonzoda,
Fergana State University,
Associate Professor of World History,
candidate of historical sciences

LEGAL BASIS OF ARCHIVAL CASE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

The article highlights the process of forming the legal foundations of archiving in Uzbekistan in the years of independence. In the course of the analysis of the laws and regulations adopted in this area, the main milestones in the emergence and improvement of archival legislation in the republic are revealed. The factors that determined the adoption of new normative documents on archiving are revealed. It is emphasized that the creation of a legal framework in the Republic of Uzbekistan has had a fruitful impact on the practical activities of archives.

Index Terms: archiving, legal basis, law, by-laws, agreement, decree, Uzarchiv agency, National Archive Fund, national archives, state archives, departmental archives.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг халқимизнинг ўз тарихига бўлган қизиқиши беқиёс даражада ортди. Совет даврида обдон сохталаштирилган Ватанимиз тарихини холисона, янги концептуал-методологик асосда ўрганиш муҳим аҳамият касб этди. Бу ҳол халқнинг тарихий хотираси бўлмиш архивлар фаолиятини тубдан яхшилаш вазифасини кун тартибига қўйди.

Истиқлолга эришган Ўзбекистон ҳуқуқий давлат барпо этиш сари йўл тутди. Бунинг мазмуни шундан иборатки, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устивор бўлмоғи даркор. Бу архив иши соҳасига ҳам тааллуқлидир. Шунинг учун мустақил Ўзбекистонда архив ишининг ҳуқуқий асосларини яратишга эътибор қаратилди.

Архив ишининг ҳуқуқий асоси деганда соҳага тегишли қонунлар ҳамда уларга мос равишда чиқарилган қонуности ҳужжатлар – Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, ҳукумат қарорлари, низомлар, қоидалар ва йўриқномалар, шунингдек, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан имзолаган ва кучга кирган иккитомонлама ёки кўптомонлама шартномалар тушунилади.

Мазкур мақоланинг асосий мақсади мустақиллик йилларида Ўзбекистонда архив қонунчилигининг вужудга келиш жараёнини очиб беришдан иборат. Ҳозирги кунга қадар ушбу мавзу тарих ва архившунослик фанида махсус ўрганилмаган. Ш.А.Ҳайитов ва А.Ҳ.Ҳамроевларнинг “Ўзбекистон Республикаси архив қонунчилиги” (2008) номли китобчаси амалда архивлар фаолиятига доир қонун ва қарорлар тўплами бўлиб, унда мазкур қонунчилик ҳужжатлари илмий жиҳатдан таҳлил этилмаган. Мавзуга доир айрим маълумотлар М.С.Исакова қаламига мансуб “Ўзбекистонда архив ишининг вужудга келиши ва ривожланиши” (2012) номли монографияда [8] ҳамда ушбу сатрлар муаллифининг ўз ҳамкасблари М.Ф.Расулов ва Н.М.Ҳамаевлар билан биргаликда эълон қилинган “Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда архив иши” (2014) номли мақоласида [7] учрайди.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолани ёзишда расмий ҳужжатлар, яъни Ўзбекистоннинг архив ишига доир қонунлари ва республика ҳукуматининг мазкур масала бўйича қабул қилган қарорлари асосий манба бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, мақолани таълиф этишда электрон

ресурслар ҳамда мавжуд илмий адабиётлар жалб этилди. Қўйилган вазифани ҳал этиш жараёнида тарих фанида кенг қўлланиладиган ретроспектив усул, тизимли ёндашув, муаммовий-хронологик ва қиёсий таҳлил каби методлардан фойдаланилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ республика ҳукумати архивлар фаолиятига алоҳида эътибор берди. 1992 йил 19 июнда ҳукумат "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси ("Ўзбошархив") тўғрисидаги Низом" ни тасдиқлади ҳамда "Республика марказий давлат архивлари тармоғини тасдиқлаш тўғрисида" қарор қабул қилди. Низомда республикада архив тизимини бошқарувчи давлат органи – Бош архив бошқармасининг ваколатлари ва функциялари белгилаб берилди. Қабул қилинган қарорда эса республикада 3 та марказий давлат архиви – Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси кино, суратли ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилди [7. Б. 318-319].

СССР тарқалиб кетгач, ундан мерос бўлиб қолган архив ҳужжатларини янги ташкил топган мустақил давлатлар ўртасида тақсимлаш масаласи кўндаланг бўлди. Бу борада 1992 йил 6 июлда Москва шаҳрида МДҲга аъзо бўлган 10 та давлат (шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси) раҳбарлари "Собиқ СССРнинг давлат архивларига ворислик қилиш тўғрисида" битим имзоладилар. Битимга кўра, ҳар бир давлат ўз ҳудудида жойлашган архивларни ўз тасарруфига олишига келишиб олинди. Айни вақтда собиқ собиқ республикаларнинг улар ҳудудида яратилган, аммо турли сабабларга кўра бошқа архивларга олиб кетилган архив ҳужжатларини қайтариб олиш ҳуқуқи эътироф этилди. Агар ҳужжатларни яхлит архив комплекслари таркибидан ажратиб олишнинг иложи бўлмаса, унда улар мазкур ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини олиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур битимга биноан мустақиллик йилларида Ўзбекистонга Россия Федерацияси ва бошқа постсовет республикалари архивларидан минглаб ҳужжатларнирнг кўчирма нусхалари олиб келинди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда [8. Б. 119].

Ўзбекистонда архивлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратишда Олий Мажлис томонидан 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган "Архивлар тўғрисида" ги Қонун муҳим қадам бўлди. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, халқаро меъёрий ҳужжатлар ҳамда МДҲ ва олис хориж мамлакатларининг қонунчилик тажрибаси эътиборга олинди. Ушбу қонун Ўзбекистонда қабул қилинган архив ишига доир дастлабки қонунчилик ҳужжати эди.

В 2014 году Университет Инха открыл свой филиал в Ташкенте и продолжает развиваться и расширяться. К сентябрю 2016 года в нем было всего 694 студента и три факультета. Университет нацелен на развитие человеческого капитала и создание высококвалифицированных специалистов в области технологий, промышленности и бизнеса. Университет Инха является продуктом сотрудничества с участием правительства Узбекистана, различных национальных компаний и Университета Инха в Корее. Студенты университета получают гранты от компаний-учредителей, которые представляют телекоммуникационную, транспортную, энергетическую, горнодобывающую, химическую и финансовую отрасли. Обладатели гранта обязаны работать с грантодательской организацией в течение 5 лет. Ожидается, что Университет Инха создаст кадры для корейских компаний, которые работают не только в Узбекистане, но и в остальной части Центральной Азии, а узбекские студенты, заканчивающие обучение в этом Университете, будут иметь

квалификацию не только для работы с узбекскими организациями в области технологий, промышленности и бизнеса, они также будут квалифицированными для работы с корейскими компаниями, которые находятся в Узбекистане и других странах Центральной Азии[35].

Также следует отметить, что в направлении сотрудничества в образовательном секторе, одним из главных событий 2018 года стало подписание трехсторонних соглашений между Университетом Пучон, Министерством высшего и среднего специального образования и Министерством дошкольного образования Республики Узбекистан об открытии филиала Университета Пучон в городе Ташкенте[36].

Пучонский университет является одним из престижных университетов Южной Кореи. На сегодняшний день в ВУЗе действуют 26 факультетов. Университет предлагает широкий спектр учебных программ по следующим направлениям: инженерия, наука о природе, гуманитарные науки и искусство по степеням бакалавра, магистра и доктора наук, а также подготовительные курсы. Также, в университете имеется факультет дошкольного образования и специальный Корейский языковой центр для иностранных студентов. Учебное заведение является наполовину частным, наполовину государственным и его учредителями являются министерство высшего и среднего специального образования, министерство дошкольного образования РУз и университет Пучон (Республика Корея) [37].

Основными задачами университета определены:

- подготовка высококвалифицированных кадров в сфере дошкольного образования, архитектуры и дизайна, а также других востребованных направлениях образования в соответствии с перспективами социально-экономического развития страны, а также задачами, определенными Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах (новые специальности, исходя из потребности отраслей экономики могут быть открыты уже с 2019/2020 учебного года);
- внедрение в систему дошкольного образования, архитектуры и дизайна, а такжедругих востребованных направлений образования передового зарубежного опыта по организации учебно-воспитательного процесса на основе современных образовательных технологий, содействие развитию открытой информационно-образовательной среды;
- осуществление научно-исследовательской деятельности в сфере дошкольного образования, архитектуры и дизайна, а также других востребованных направлениях образования с учетом имеющихся проблем и потребностей рынка труда;
- содействие развитию в республике системы дошкольного образования, архитектуры и дизайна, а также других востребованных направлений образования, установлению тесного взаимодействия между научно-исследовательскими и образовательными учреждениями, другими предприятиями и организациями[38].

В рамках «Стратегии партнерства Республики Корея для Республики Узбекистан на 2016–2020 годы» Корея активно содействует Узбекистану в улучшении и развитии человеческих ресурсов для обеспечения национальной конкурентоспособности[39]. Центры профессионального обучения были созданы в Ташкенте и Самарканде. Еще три Центра открыты в Шахрисабзе, Ургенче и Ферганской долине. В Центрах предлагаются шестимесячные программы переподготовки по специальностям и профессиям, востребованным на рынке труда. Это инициатива KOICA, она называется Корейской программой «Друзья мира» (World Friends Korea - WFK) [40]. Создание Центров профессионального обучения является частью стратегии Узбекистана по превращению к 2030 году в страну с доходом выше среднего. Правительство Узбекистана борется с безработицей, и существует потребность в квалифицированных и переподготовленных рабочих, как для текущих, так и для будущих государственных проектов. Корея помогает в создании и работе этих образовательных центров. Тем самым он создает рабочие места и одновременно готовит квалифицированный персонал для корейских предприятий и совместных проектов с правительством и предприятиями Узбекистана.

Инициативы правительства Кореи в области образования влияют не только на узбекскую общественность, они также стимулируют взаимодействие между южнокорейцами и узбеками. World Friends Korea, поставщик волонтерских услуг за рубежом, предлагает восемь различных добровольных программ, в рамках которых южнокорейских добровольцев отправляют в страну, нуждающуюся в помощи. Согласно статистике, предоставленной WFK, в октябре 2017 года 561 гражданин Кореи участвовал в ее программах, разработанных для Узбекистана. 374 добровольца внесли свой вклад в сферу образования, 38 занимались здравоохранением, 14 - сельским хозяйством и рыболовством, 20 - государственным управлением, а 15 - промышленной энергетикой. Помимо улучшения условий жизни и ускорения прогресса в странах, которым он помогает, WFK посредством своих программ также служит инструментом культурного обмена, который способствует взаимопониманию между странами.

Очевидно, что Корея взаимодействует с Узбекистаном на разных уровнях образования. Такой подход представляет собой «беспроигрышную» ситуацию и для правительств Кореи и Узбекистана, и для узбекской общественности. Южная Корея в настоящее время участвует в развитии энергетики Узбекистана, в частности, газового сектора: «Узбекнефтегаз» совместно с Kogas построили Устюртскийгазохимический комплекс[41].

В Узбекистане запланировано строительство гигантской солнечной электростанции мощностью 4 гигаватта, которое, как ожидается, будет завершено к 2030 году. Корея также согласилась инвестировать 300 миллионов долларов в проект солнечной энергетики в Самарканде. Корея также участвует в развитии автомобильной и текстильной промышленности в Узбекистане. Кроме того, Корея активно участвовала в обновлении и развитии инфраструктуры Узбекистана; это повлекло за собой строительство и реконструкцию дорог, реконструкцию аэропорта и модернизацию энергетической и обрабатывающей промышленности[42].

Сотрудничество также распространилось на другие отрасли, требующие высококвалифицированного персонала, такие как электронное правительство и телекоммуникации. В качестве стратегических партнеров Узбекистан и Корея участвовали в создании более 400 совместных предприятий и многочисленных многомиллионных совместных инвестиционных проектах в различных областях и отраслях[43]. Такое партнерство и глубокое стратегическое взаимодействие могут быть невозможны без сотрудничества в сфере образования, и через образовательные каналы выполняются следующие функции:

1) Компаниям требуются высококвалифицированные специалисты в различных областях для инициирования и реализации этих инвестиционных проектов. Правительство Кореи помогло удовлетворить эту потребность посредством различных стипендиальных программ и создания высших учебных заведений. Такие меры подготовили новые кадры для проектов не только в Узбекистане, но и в остальной части Центральной Азии.

2) Корея вносит свой вклад в построение собственного имиджа дружественный, стратегический партнер Узбекистана. Этому способствует взаимодействие с узбекской общественностью, создание рабочих мест и предоставление возможностей для получения образования. Узбекистан в настоящее время нуждается в возможности трудоустройства и образования для своего населения[44].

3) Благодаря постоянному и интенсивному сотрудничеству между правительствами и различными организациями корейская культура и язык получили распространение и популяризацию. Это, в свою очередь, способствовало взаимопониманию между представителями узбекской и корейской культур.

4) Обучая узбекских специалистов, работающих в различных правительственных министерствах и ведомствах, Корея предоставила узбекскому правительству лиц, имеющих квалификацию для содействия проектам, инициированным Кореей.

5) Долговременные и взаимовыгодные партнерские отношения на правительственном уровне и постоянное взаимодействие Кореи с узбекской общественностью позволили Корее вызвать благоприятное восприятие. Это, в свою очередь, служит основой для дальнейших проектов.

Следует подчеркнуть, что корейское правительство использует смешанный подход к выбору общественности для своей публичной дипломатической политики. С одной стороны, Корея сильно ориентирована на молодых, талантливых людей с техническими и административными навыками. В основном Корейское правительство предпочитает людей, заинтересованных в работе с корейскими предприятиями и совместными узбекско-корейскими предприятиями. Далее эта избирательность распространяется на государственных служащих, работающих в настоящее время в назначенных руководящих органах[45].

С другой стороны, Корея применяет более массовый подход к взаимодействию с общественностью Узбекистана, поддерживая языковые и культурные центры, а также открытием центров профессионального обучения. Такой смешанный подход способствует созданию благоприятных условий для взаимодействия между странами. Кроме того, в контексте использования Кореей образования в качестве инструмента социального обеспечения в своих отношениях с Узбекистаном, можно заметить, что образование служит мощным стимулом, поскольку оно может обеспечить занятость и даже помочь людям осуществить свои мечты. Образованная рабочая сила также способствует развитию страны[46].

На пути своего нового развития Узбекистан, как страна с богатой историей и культурой сотрудничает с надежным партнером как Южная Корея. За 30 лет дипломатических отношений, сделаны значительные достижения по сотрудничеству в самых разнообразных сферах. Следует особо подчеркнуть, цель сотрудничества в сфере образования является вклад в развитие узбекского общества по укреплению системы технического и профессионального образования, воспитание высококвалифицированных специалистов, которые будут отвечать требованиям нового века информации и знаний[47].

Южная Корея – страна утренней свежести благодаря образованию превратилась из бедной страны в видного игрока в мировой экономике. Несмотря на несколько национальных кризисов, она удивительно выросла с момента обретения независимости в 1945 году. За успехами Кореи стоят страсть народа к образованию и огромные государственные инвестиции.

Многие особенности наших национальностей схожи с точки зрения культуры и традиций. Для Узбекистана очень важно сотрудничество с Южной Кореей, как в сфере образования, так и в других сферах. Кроме того, Узбекистан весьма заинтересован в дальнейшем расширении международного партнерства и дружбы в экономической, социальной и других сферах[48].

Чтобы повторить успех Южной Кореи и раскрыть широкий экономический и интеллектуальный потенциал нашего народа очень важно обеспечить эффективное управление при реализации международных проектов, а также создать наиболее благоприятные условия для расширения присутствия корейского бизнеса, нацеленного на расширение гуманитарных и торговых связей. В целом это зависит от нас и нашего правительства.

4. Заключение.

Из всего вышесказанного можно сделать несколько выводов. Во-первых, опыт Кореи ясно показывает, что образование, или, в более общем плане, накопление человеческого капитала, действительно чрезвычайно важно для быстрого экономического развития. Быстрое накопление человеческого капитала является необходимым условием быстрого и устойчивого экономического развития.

Во-вторых, поскольку вид человеческого капитала, необходимого для экономического развития, меняется с течением времени, то это то, что необходимо для того, чтобы система

образования смогла удовлетворить этот меняющийся спрос. Подводя итог поворотным моментам в корейском деле, можно сказать, что изначально была потребность в умеренно образованной рабочей силе, которая умела бы читать и писать и была бы достаточно дисциплинирована, чтобы работать надежно. Система образования смогла обеспечить такую рабочую силу за счет всеобщего начального образования. Когда по мере развития промышленной структуры возникла потребность в более образованной и умеренно квалифицированной рабочей силе, система образования была готова удовлетворить и этот спрос, так как она уже перешла на обширные программы среднего образования и профессионального обучения. В итоге, потребности рынка труда в высокообразованном человеке, в квалифицированной рабочей силе, пригодной для работы в высокотехнологичных отраслях, удовлетворила система образования посредством расширения высшего образования, не теряя при этом качества.

В-третьих, важно отметить, что частный сектор финансирует более половины расходов на образование. Такой механизм распределения расходов, как представляется, не позволил системе образования слишком сильно отстать.

Южная Корея является одним из важнейших партнеров Узбекистана. За последние тридцать лет между двумя республиками было налажено прочное политическое и экономическое партнерство, разработана нормативная база для двустороннего и многостороннего сотрудничества. Южная Корея имеет сильный положительный имидж в Центральной Азии и вместе с Россией, Китаем, США, Японией и ЕС является одним из крупнейших инвесторов в Узбекистане. Республика Корея - Центральная Азия и Центральная Азия плюс Япония представляют новые форматы регионального и межрегионального сотрудничества. Однако важно, чтобы узбекско-корейские двусторонние и центральноазиатско-корейские многосторонние соглашения активно реализовывались, расширялся спектр сотрудничества между странами-участницами. Прочное сотрудничество между Узбекистаном и Южной Кореей имеет жизненно важное значение для экономической и технологической модернизации и связей региона и могло бы способствовать более тесным торговым связям, экономическому развитию и инвестиционным отношениям.

В заключении следует отметить, что Узбекистан за 30 лет сотрудничества с Южной Кореей достиг значительных успехов в самых разнообразных сферах. Цель сотрудничества в сфере образования является развитие узбекского общества по укреплению системы технического и профессионального образования, воспитание высококвалифицированных специалистов, которые будут отвечать требованиям нового века информации и знаний.

Наши народы схожи с точки зрения культуры и традиций. Для Узбекистана очень важно сотрудничество с Южной Кореей, как в сфере образования, так и в других сферах. Кроме того, Узбекистан весьма заинтересован в дальнейшем расширении международного партнерства и дружбы в экономической, социальной и других сферах, и чтобы раскрыть широкий экономический и интеллектуальный потенциал нашего народа очень важно обеспечить эффективное управление при реализации международных проектов, в том числе и по внедрению новых инновационных технологий в образование.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Указ Президента Республики Узбекистан, о стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. http://www.lex.uz.ru.docs.3107042.
2. Узбекистан - Южная Корея: Новый этап отношений стратегического партнерства http://www.uza.uz.ru.politics.uzbekistan-yuzhnaya-koreya-novyy-etap-otnosheniy-strategiche-23-11-2017.
3. Jisoon Lee. In Search for Fundamentals for Prosperity. South Korea. 2019. 15-17 p
4. Yong Zhao and Kenneth A. Frank. Factors Affecting Technology Uses in Schools: An Ecological Perspective. New York. Free Press. 2018. 102 p

5. Nina M. Stukalenko, B. B. Zhahina, A.K. Kukubaeva and others. Studying innovation technologies in modern education. NY. 2016. 36 p
6. Larry Cuban. School Reform and Classroom Practice: Tech Innovations. NEPC (National Education Policy Centre). 2015. 65 p
7. Maciej Grzybowski. Educational technologies in South Korea. South Korea. General and professional education. 2017. 3-9 p
8. Lee Jeong Ku. Korean Higher Education: A Confucian Perspective. NJ. Edison: Jimoondang International. 2018. 131 p
9. Сун Дон Ги. Ўзбекистон Республикасива Жанубий Корея муносабатлари иқтисодий, маданий алоқаларнинг йўлга қўйилиши ва истиқболлари. Тошкент. 2000 й. б 97
10. Mirzohid Rakhimov, Sung Dong Ki. Uzbekistan and South Korea: towards a special relationship. NY. TheCACI. 2016. 2 p.
11. К.С.Асирбабаева. Республика Узбекистан и Республика Корея: процессы модернизации и перспективы сотрудничества. Ташкент. 2007 г. С 122
12. Шарапов А.А. Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлари тизимида (ХХР, Япония, жанубий Корея мисолида). Тошкент. 2008 й. б 23-44
13. Sonja Sheridan, Joanna Giota, You-Me Han, Jeong-Yoon Kwon. A cross-cultural study of preschool quality in South Korea. 2007. 3p
14. Lee, Kyung Woo. Conceptual curriculum models for early childhood education in South Korea. United States. Temple university. 1980 y. 144 p
15. Kim, Jonghun. Making "strong performers and successful reformers": global impact of oecdpisa and curriculum reform in south Korea. United States. The University of Wisconsin – Madison. 2016 y. 67-68 pp
16. So, Young-Hee Lee. Culture-oriented and future-oriented counselor education: a preliminary study for the development of counselor education in Korea. United States. University of Michigan. 1975 y. 34-35 pp
17. Sonja Sheridan, Joanna Giota, You-Me Han, Jeong-Yoon Kwon. A cross-cultural study of preschool quality in South Korea. 2007. 5-7 pp.
18. EriksVarpahovskis. Education as a Soft Power Tool: Korea's Approach toward Uzbekistan. NationalResearchUniversity, 2017. 10p.
19. Бэк Бом Хым. Внешняя политика Республики Корея в Центральной Азии. Ташкент. 2006 г. с 103-109
20. http://uzbekistonovozi.uz.ru.articles.index.php?month=02&year=2017&ELEMENT_ID=6632
21. https://www.uzdaily.uz.en.post.53537
22. www.naver.com – информационно-аналитическое э-издание Кореи.
23. www.nate.com – информационно-аналитическое э-издание Кореи.
24. https://kun.uz.ru.news.2018.04.14.novyj-etap-sotrudnicestva-uzbekistana-i-uznoj-korei-v-sfere-doskolnogo-obrazovania
25. https://uzbekistan.lv.
26. Language policies in present-day Central Asia. Schlyter. International Journal on Multicultural Societies, 2001. 11p.
27. Korean of Central Asia: past and present. Yong & Han. Koreans in post-soviet Central Asia, 2015. Chapter 4. 22p
28. Korea aims for 200,000 foreign students by 2023. ICEF, 2015 at http://monitor.icef.com.2015.10.korea-aims
29. D-2: обучающиеся в университетах или учреждениях для получения степени бакалавра или магистра
30. D-4: обучающиесянаязыковыхкурсах
31. Field report: demand for education up sharply in Uzbekistan. ICEF, 2015 at http://monitor.icef.com.2012.11.field-report

32. Колотырина, Екатерина Алексеевна. Национальные инновационные системы в условиях нарастания неопределенности мировой экономики. Опыт Республики **Корея**. Москва. 2018 г. с 44-45
33. Толстокулаков, Игорь Анатольевич. Политическая модернизация в посттрадиционном обществе: на примере Южной Кореи. Владивосток. 2009 г. с 69-70
34. Uzbekistan and South Korea furthering strategic partnership. Lee K. The Korea Post, 2014. http://www.koreapost.com.news.article
35. Пак Хи Су. Политика государств Корейского полуострова в области образования: сравнительный анализ. Владивосток. 2005 г. с 112-113
36. https://www.uzdaily.uz.ru.post.37247
37. http://uza.uz.ru
38. https://president.uz.ru.
39. Country Partnership Strategy of South Korea for the Republic of Uzbekistan 2016-2020. ODA Korea, 2017. 3p.
40. Kim, J. Samarkand Vocational Training Center of Uzbekistan. KOICA Inside, 2017. 14p.
41. Sheludyakova, M. Economist: South Korea stakes on Tashkent. Sputnik, 2016. 67 p
42. Lee, K. Uzbekistan and South Korea furthering strategic partnership. The Korea Post, 2014. 44 p
43. Lee, J. Uzbekistan, Korea upgrade economic partnership. The Korea Herald, 2015. 32 p
44. Field report: demand for education up sharply in Uzbekistan. ICEF, 2014 at http://monitor.icef.com.2012.11.field-report
45. Lee, JeongKyu. A study of the development of contemporary Korean higher education. United States. The University of Texas at Austin. 1997 y. 67 p
46. Kim, JinEun. An analysis of the national planning process for educational development in the republic of Korea, 1945-70. United States. The University of Wisconsin – madison. 1973 y. 143-144 pp
47. БэкБомХым. Внешняя политика Республики Корея в Центральной Азии. Ташкент. 2006 г. С 103
48. С. А. Закирова. Диверсификация и повышение эффективности экономического сотрудничества Узбекистана с Республикой Корея.Ташкент. 2005 г. с 21-22

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Ravshan Hamdamovich Abduzohirov,
Mirzo Ulug`bek nomidagi O`zbekiston Milliy universiteti
Tarix fakulteti "Antropologiya va etnologiya" kafedrasi o`qituvchisi
ravshan_abduzohirov93@mail.ru
Matluba Abdusamatovna Jo`rabekova,
Mirzo Ulug`bek nomidagi O`zbekiston Milliy universiteti
Tarix fakulteti 3-kurs "Antropologiya va etnologiya"
yo`nalishi talabasi

O`ZBEKLARDA BOLA TUG`ILISHI BILAN BOG`LIQ IRIM-SIRIM MAROSIMLAR VA ULARNING TARIXIY TARAQQIYOTIDAGI O`ZIGA XOSLIKLAR

For citation: Ravshan H.Abduzokhirov, Matluba A.Jurabekova, CEREMONIES RELATED TO THE BIRTH OF A CHILD IN UZBEKS AND FEATURES OF THEIR HISTORICAL DEVELOPMENT. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.147-154

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-17

ANNOTATSIYA

Ushbu ilmiy maqolada kishilik jamiyatida bola tug`ilishi va u bilan bog`liq hodisalar, irim-sirimlar, marosimlar insonlar tomonidan qadim zamonlardan turli tarzda qabul qilinganligi yoritib berilgan. Bolaning tug`ilishi va tug`ilgandan keyin ham turli xil marosimlar o`tkazish odatlari vujudga keladi. Bunday marosimlar o`zbeklarda ham mavjud bo`lib, ularni mahalliy aholi irim-sirimlar deb atashadi. Ularni amalga oshirish marosimiy tarzda amalga oshiriladi. Mahalliy xalq tomonidan asrlar davomida shakllanib kelgan va hozirda ham amal qilib kelinayotgan bunday irim-marosimlar genezisi-kelib chiqishi haqida so`ralganda turli afsona va rivoyatlar bilan javob berishadi. Bularning ko`pchiligi ibtidoiy davrlarga borib taqalishi va hozirda milliy an'analar yaxshi saqlanib qolgan hududlardagina saqlanib qolganligini ko`rishimiz mumkin.

**Kalit so`zlar.** Irim-sirim, marosim, bola tug`ilishi, chaqaloq, ismlar, magik xususiyatlar, muloqot magiyasi, chilla, chilla davri, beshik, jinxo`r, bobo-momo, ota-ona, farzand, yovuz ruhlar, it ko`ylak, ko`z tegish va boshqalar.

Равшан Хамдамович Абдузохиров,
Преподаватель кафедры "Антропологии и этнологии"
Исторического факультета Национального университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
ravshan_abduzohirov93@mail.ru
Матлюба Абдусаматовна Джурабекова,
Студентка 3-го курса направлении
"Антропология и этнология" Исторического
факультета Национального университета

Узбекистана имени Мирзо Улугбека

ЦЕРЕМОНИИ, СВЯЗАННЫЕ С РОЖДЕНИЕМ РЕБЕНКА У УЗБЕКОВ И ОСОБЕННОСТИ ИХ ИСТОРИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ

АННОТАЦИЯ

В этой научной статье описывается рождение ребенка в человеческом обществе и связанные с ним события, ритуалы и церемонии, которые люди по-разному воспринимали с древних времен. При рождении и после рождения ребенка бывают разные обычаи. Подобные обряды существуют и у узбеков, и местные жители называют их суевериями. Их выполнение проходит церемониально. На вопрос о происхождении и происхождении подобных ритуалов, которые местные жители создавали на протяжении веков и практикуются до сих пор, они отвечают различными мифами и легендами. Мы видим, что многие из них относятся к первобытным временам и сейчас сохранились только в тех местах, где хорошо сохранились национальные традиции.

Ключевые слова. Ритуалы, церемонии, рождение ребенка, младенец, имена, магические свойства, магия общения, чилла, период чилла, колыбель, джинксор, бабушка и дедушка, родители, ребенок, нечисть, собачья рубашка, зрительный контакт и другие.

Ravshan H. Abduzokhirov
Lecturer at the Department of “Anthropology and Ethnology”
Faculty of History, National University
Of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
ravshan_abduzohirov93@mail.ru
Matluba A. Jurabekova
3rd year student of the direction "Anthropology and Ethnology"
of the Faculty of History of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

CEREMONIES RELATED TO THE BIRTH OF A CHILD IN UZBEKS AND FEATURES OF THEIR HISTORICAL DEVELOPMENT

ABSTRACT

This scientific article describes the birth of a child in human society and the events, rituals and ceremonies associated with it, which have been accepted by people in different ways since ancient times. There are different customs at birth and after the birth of a child. Such rituals also exist among the Uzbeks, and the locals call them superstitions. Their implementation is done in a ceremonial way. When asked about the genesis and origin of such rituals, which have been formed by the local people for centuries and are still practiced today, they answer with various myths and legends. We can see that many of these date back to primitive times and are now preserved only in areas where national traditions are well preserved.

Index Terms: Mysteries, ceremonies, birth of a child, baby, names, magical properties, communication magic, chilla, chilla period, cradle, jinxor, grandparents, parents, child, evil spirits, dog shirt, eye contact and others.

---

1. Dolzarbligi:

Mustaqillik yillarida turli sohalarga bo`lgani kabi xalqning ma’naviy madaniyatining bir qismi bo`lgan bola tug`ilishi va u bilan bog`liq irim-sirimlar va marosimlarga e’tibor toboro ortdi. Nafaqat Markaziy Osiyo mintaqasida balki butun dunyoda bola bilan bog`liq qarashlar ilmiy tadqiqotlarning bosh markazida bo`lib kelmoqda. Bu esa o`z navbatida irim marosimlarni o`rganish g`oyat muhim sohalardan biri ekanligidan dalolat beradi.

2. Metodlar va o`rganilganlik darajasi:

Irim marosimlarning qadimgi davrlardan hozirgi kungacha yetib kelishi, ulardagi o`ziga xos xususiyatlarni ochib berish uchun turli metodlardan foydalangan holda o`rganish maqsadga muvofiq deb o`ylaymiz. Maqola umum qabul qilingan tarixiy-etnografik metodlardan keng foydalangan holda yoritildi. Bunday metodlarga – tarixiylik, qiyosiy-tahlil, xolislik va boshqa metodlar kiradi. Bu kabi metodlar tadqiq etilayotgan mavzuni yoritib berishga muhim omil bo`lib xizmat qiladi.

XX asr oxiri XXI asr boshlarida Markaziy Osiyo xalqlarini o`rganish turli tadqiqotchi olimlar tomonidan keng tadqiq etildi. Mavzu bo`yicha Maxmud Sattor "O'zbek udumlari", A.Mardonova "Обычаи и обряды детского цикла и таджиков верховых Зеравшана в прошлом и ностаяшем", U.Beyazova "Cocuk sagligi ve geleneksel yaklasimlar. Cocuk kulturu", U.Qoraboyev "O'zbek xalqi bayramlari" va boshqalar tadqiqotlar olib borganlar.

3. Tadqiqot natijalar:

Uzoq vaqt davomida Markaziy Osiyo xalqlari orasida ko'p avlodlar davomida oila farovonligining belgisi sifatida bolaga alohida e'tibor qaratilgan. Biroq XX asrning 1-choragigacha Markaziy Osiyo xalqlarining ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy qoloqligi, turli epedimiyalar va kasalliklar, tibbiy yordamning yetishmasligi chaqaloqlar o'limining yuqori bo'lishiga olib keldi. Xalq hayotida bolalarning salomatligi va uzoq umr ko'rishini ta'minlash uchun turli sehrli marosimlar keng qo'llanilgan. Birinchi qirq kun-chilla davri tug'ish paytida bo'lgan ayol uchun o'ta xavfli hisoblanadi. Ba'zi sehrli marosimlar ona va bolani yovuz ruhlar ta'siridan himoya qilishi mumkin deb ishonilgan [6].

Masalan, Qashqadaryo vohasida yashovchi aholi o'rtasida homiladorlik, chaqaloq tug'ilishi, uning chilla davri va beshik to'ylari bilan bog'liq bir qator irimlar vujudga kelganki, ular tarixan qadimiy bo'lishiga qaramay hozirda ham ko'pchilik tomonidan ayniqsa, keksa otaxon-momolari bor xonadonlarda yashab kelmoqda. Bunday irim-udumlarning aksariyati taqiqlovchi irimlardan bo'lib, ular hali tug'ilmagan chaqaloqni yovuz ruhlar xurujidan, ''yomon'' ko'zlardan va hasadgo'y kishilarning ziyon–zulmatidan himoya qilish uchun xizmat qiladi. Quyida ulardan ba'zilarini ko'rib o'tamiz. Xususan, Qamashi tumanidagi Badaxshon qishlog'ida chaqaloqning tug'ilishi yaqinlashganligidan xabardor bo'lgan kishilarning ro'molchalari yig'ib olingan. Bu narsa o'z mohiyatiga ko'ra muloqot magiyasi bilan aloqadordir. Ya'ni, ro'molchasini bergan shaxs bola tug'ilishiga xayrixoh bo'lib, unga nisbatan hech qanday yomon niyati yo'qligi, agar biror yomon niyati bo'lsa berilgan ro'molcha orqali ana shu niyati o'ziga qaytishini anglatgan [7].

Ayol va tug'ilajak chaqaloqning hayotini turli-tuman xavf-xatarlardan saqlash maqsadida amal qilinadigan irim-sirimlar O`zbekistonning markaziy va janubiy vohalarda yaxshi saqlanib qolgan. Xususan, homilador ayol ko'p saqich chaynamasligi lozim, sababi chaqaloqning qulog'i yiringlab og'rib qolishi mumkin, arqon yoki ip ustidan sakrab o'tnmasligi lozim, chunki chaqaloqning kindigi bo'yniga o'ralib nobud bo'lishi mumkin deb qaralgan. Cho'pon tayog'ining ustidan farzand kutayotgan ayol xatlasa bola xunuk tug'iladi, supurgi yoki taxta o'qlog' ustidan sakrasa bolaga zarar yetishi mumkin ekan. Yuqoridagilardan tashqari xomilador ayol yolg'iz yurmasligi, mozorga, suv bo'yiga, xilvat joylarga bormasligi kerak ekan [2]. Bunday irimlarga xalq orasida yuksak ishonch ko`zga tashlanadi. Buning natijasi ham bo`lgan albatta. Masalan, yangi tug`ilgan bolaning qulog`idan chirk kelsa, onaga sen homilador vaqtingda saqich chaynagansan, shu sababli chaqaloqni qulog`i og`riyapti deya tana qilishadi. Shu sababli homilador ayollarning ko`pchiligi saqich chaynashdan tiyilishadi.

Shunga o'xshash irim va marosimlarni qadimdan turkiy xalqlar orasida mavjud ekanligini ko'rishimiz mumkin. Xususan, ko'zi yoriyotgan vaqtida bo'lg'usi onaga tug'ish oson bo'lishi uchun erining tuflisiga suv solib qo'yish odati bo'lgan. Bunga tug`ruq og`rig`ining biroz kamayadi degan qarashlar sabab bo`lgan. Xalq orasida homilador ayol tukli hayvonlarga qarasa bolaning tanasi tukli bo'ladi deb hisoblangan. Tukli chaqaloqlarning chilla davrida tuproqqa bulash ishlari amalga oshirilgan. Soz tuproq bilan bola tanasini ishqalab yuvish natijasida tuklar to`kiladi. Homilador ayol qo'rqinchli va xunuk narsalarga qaramasligi kerak. Chunki, bolaning ularga o'xshab qolishligi mumkinligiga ishonganlar. Bir vaqtning o'zida tug'ilgan ikki chaqaloq yuzma-yuz keltirilmaydi, chunki ularning chilla davrlari aralashib, ularni nobud qilishi mumkin.

Homiladorlik vaqtida onaning yuzida dog'lar paydo bo'lsa, tug'ruq vaqtida o'z sochlari bilan yuzini artsa dog'lar yo'qoladi deb ishonganlar. Hozirda taraqqiy etgan tibbiyot sohasi shuni ko`rsatadi-ki, homiladorlik vaqtida turli garmonal o`zgarishlar natijasida ba'zi ayollar yuzlariga dog`lar tushadi va tug`ruqdan so`ng qonning yangilanishi natijasida yuzdagi dog`lar yo`qolishini kuzatiladi. Tug'ilgan chaqaloqni sabr-toqatli bo'lishligi uchun ona dastlabki uch soat ichida farzandiga sut bermasligi kerak. Chaqaloq tanasiga tuz surish lozim, shunda umr bo'yi undan ter hidi kelmaydi [9].

Ilgari ayollar o'z uylarida ko'zi yorigan. Shu sabab, mahalladan bitta momo barcha tug'ilajak chaqaloqlarga doyalik qilgan[4]. Ko'zi yoriyotgan ayol hovliga chiqmasligi kerak bo'lgan, chunki u yerda bo'lgan yovuz ruhlar unga zarar yetkazishi mumkin, sovuq kunlarda qo'shnilarga tuz berish, umuman tuzni uydan olib chiqish yomon oqibatlarga olib kelishi mumkin deb ishonilgan. Chunki, Markaziy Osiyo aholisi orasida non va tuz e'zozlangan. Sovuq kunlarda tuzni birovga berilsa, non va tuzdan ayrilib qoladi degan qarash mavjud bo`lgan.

Homilador ayolga murdani ko'rish, axlat tashlanadigan joylarda yurish, mag'zava to'kilgan yoki hayvonlar so'yilgan yerlardan o'tish ham mumkin bo'lmagan[8]. Homilador ayol oynaga ko'p qaramasligi, sochini qirqmasligi uqtirilgan. Agar oynaga ko'p qarasa bolasi xunuk tug'ilishi, agar ko'p saqich chaynasa bolasining qulog'i og'rishi, sovuq oqar suvga cho'milsa suv parilari unga ziyon yetkazishi mumkin ekan[8].

Samarqand viloyataining ba'zi tumanlarida esa vafot etgan odam bor uyga kelishga ruxsat etilgan bo'lsada, buning o'ziga xos shakli bo'lib, homilador ayol vafot etgan odamni qabristonga eltgunlariga qadar o'tirishiga ruxsat berilmagan. Ya'ni bir kelib ketishi shart bo`lgan. Aks holda bolasiga ziyon yetadi degan qarash mavjud bo'lgan.

Toshkent o'zbeklari orasida farzand kutayotgan ayol ma'lum sabablarga ko'ra vafot etgan odam bor xonadonga borsa og'ziga tuz solib olishi zarur bo'lgan.

Toshkentlik o'zbeklar orasida oziq-ovqat mahsulotlarini ta'qiqlash bilan bog'liq e'tiqodlar mavjud. Masalan, tug'ruqdagi ayolga qirq kun davomida ''sovuq'' ovqat beriladi. Janubiy vohalarda esa aksincha, issiq taomlar iste'mol uchun beriladi. Bu kabi o`ziga xosliklar geografik joylashuv ta'siri ostida vujudga kelgan. Xalq orasida Oziq-ovqat ta'qiqlarini buzish tug'ilmagan bolaning tashqi ko'rinishiga ta'sir qilishi bilan tahdid qilingan. Homiladorlik paytida ayol baliq (bola soqov tug'ilishi mumkin), quyon go'shti (yangi tug'ilgan chaqaloq quyonning tashqi belgilariga ega bo'lishi mumkin – quyon labi) va tuya go'shti iste'mol qilmasligi kerak (bu ta'qiq bola tug'ilishi kechikishi bilan bog'liq). Xususan, respondentlar ma'lumotlariga ko`ra, tuya go`shtini iste'mol qilgan homilador ayol, tug`ruqni kechikib ketganligi, homilani 11 oygacha ko`tarib yurganligini ta'kidladi. Buning natijasida tug`ruqni tezlashtirish uchun turli qarashlar mavjudligini aytdi. Masalan, tuya junini suv qo`shib, ba'zida choy kabi damlab ichishsa, tug`ruq jarayoni tezlashadi deyishadi. Shahrisabzlik respondent Nodira Hamroyeva momolari aytgan ushbu usuldan foydalangan holda 11 oylik homilani ko`tarib yurishdan xalos bo`lgan ya'ni farzandini dunyoga keltirganini takror-takror ta'kidladi.

O'rta Osiyoning ko'plab xalqlarida keng tarqalgan urf-odatlar bo'yicha farzand kutayotgan ayol va chaqaloqning yostig'i ostiga piyoz, pichoq va non, pichoq qo'yilgan. Eshik tutqichiga esa odatda qalampir osib qo'yilgan. Ular yovuz ruhlar o'tkir narsalarni va o'tkir hidlarni yoqtirmasligiga ishonishgan[6].

Homilador ayolning homilasi surunkasiga turmasa yoki tug'ilgan chaqaloq tez fursatda nobud bo'lsa, chaqaloq tug'ilishi zahotiyoq onasidan uzoqlashtiriladi. Yovuz kuchlarni aldash maqsadida "bolani sotib olish" nomli ramziy marosim o'tqaziladi. Bu marosimda bola serfarzand badavlat kishilar xonadoniga olib boriladi va chaqaloq ularning qo'lidan ramziy ravishda "sotib olinadi". Sotib olish jarayonida tarozining bir pallasiga bolaning soch tolasi, ikkinchisiga esa bolaning ota-onasi kumush tanga, hozirda esa pul qo'yadilar. Tarozi pallalari tenglashgani- dan so'nggina pul uy egasiga berilgan va go'yoki chaqaloq undan sotib olingan. Bunday bolalarga esa odatda ramziy ravishda "Sotiboldi, Adashboy, Sotqinoy" deb ism qo'yilgan [1].

Yangi tug'ilgan chaqaloqning kiyinishi ham aholi orasida alohida ahamiyatga ega bo'lib, u bilan bog'liq udumlar shakllangan. Bunda kiyinish marosimi ancha murakkab kechgan. Yangi ko'ylak avval ustunga (bola qoziqdek mustahkam bo'lib o'sishi uchun), keyin itga kiyg'iziladi,

shundan keyingina kiyim bolaga kiydiriladi va shunday deyiladi: “Itdek tez yur, birini kiyib yuztasini yirt, ko’ylakning umri qisqa sening umring uzoq bo’lsin”.

A.L. Troitskayaning so’zlariga ko’ra xuddi shunday marosimlar bola tug’ilganidan keyin yoki kindigi qirqilganidan keyin o’tkazilgan[6].

Ba’zi qishloqlarda chaqaloq tug’ilganidanoq unga kiydiriladigan “it ko’ylak” bu chaqaloqqa xavf solishi mumkin bo’lgan balo qazolar itga yopishsin degan maqsadda qilingan. Chunki itlar kasallikka oson chalinmaydigan chidamli hayvon hisoblangan[8].

Oilada bola tug’ilishidanoq chilla davriga katta etibor berilgan chaqaloq tug’ilganidan so’ng yo’ldosh tushganidan boshlab, keyingi 6, 8 haftalik muddat chilla davri hisoblangan. Farzand ko’rgan ayol va uning chaqalog’i chilla davri davomida maxsus sharoitda saqlanib turli ins-jinslar va kasalliklardan himoyalangan. Chilla davrida kasofat, baxtsizlik sodir bo’lmasligi uchun ona va bola yolg’iz qoldirilmagan, xonada esa chiroq yonib turishi kerak bo’lgan. Bunday xona chillaxona deyilgan. Chilla davrida bolaning ota-onasi shomdan keyin ko’chaga chiqishmagan, shom paytidan so’ng uyga kelgan har qanday odam bola yotgan xonaga kiritilmagan. Shuningdek, xonadonning boshqa a’zolari ham go’dakka, uning ota onasiga ko’rinmasligi ham kerak bo’lgan. Bunda momolar dastlabki yigirma kunni kichik chilla, dastlabki qirq kunni esa katta chilla deb atagan. Bu paytda bolaning yuvilgan kiyimlari qorong’uda qoldirilmagan. Har kuni nomozshom chog’i isiriq tutatish odati bo’lgan. Agar zarurat bo’lib ona va bola qorong’uda qolib ketsa bolaning qo’yniga non solib qo’yilgan. Bosh kiyimiga ko’zmunchoq taqilgan. Bu bilan bolaga qorung’uda ins-jins ilashsa bu ins-jinslar nonni yesin, bolaga tegmasin, ko’zmunchoqni olsin, bolaga ziyon yetqazmasin degan niyat bo’lgan[4].

Chilla davrida chillaxonaga farzandi ko’p vaqtdan beri yo’q ayollar kiritilmagan, shuningdek bola qo’rqoq bo’lmasin deb yuvilgan kiyim va boshqa narsalar baland dorga ilinmagan. Chaqaloqning kiyimlari yuvilganda qattiq siqilmaydi, agar bunday qilinsa bolaning qorni og’rib qolishi mumkin deb irim qilganlar. Chaqaloq bor uyga issiq non, issiq choy shuningdek, xom go’sht olib bormasliklari lozim. Qo’ni-qo’shnilar yoki qarindoshlar yuqorida aytilgan narsalarni olib borishsa ona-bolaga yomon niyat qilgan bo’ladi. Chillali chaqaloq bor uy egalari bolaga ziyon yetmasin deb uyga hech kimni kiritilmasligi kerak edi.

Yomon niyatli ko’zi bor kishilarning nazari va niyatlari kesilsin deb chaqaloq yotgan uyning orqasiga o’roq ilib qo’yilgan[7]. Chilla davrida bolaning onasi yaqinda vafot etgan odam bor uyga borishi taqiqlangan. Chunki vafot etgan odamning uyi ham qirq kungacha chillaxona sifatida hisoblanadi va chillalar birlashib qoladi degan qarash bo’lgan.

Chilla davrida bola kasallikka chalinsa Toshkent o’zbeklari orasida bug’doydan foydalanib davo choralari ko’rilgan. Bug’doy afsonaga ko’ra bolaning tez tiklanishiga xizmat qilgan. Bunda bolaning ko’ylaklaridan biriga oz miqdorda bug’doy solib tugilan. Tugilgan bug’doy suvga solib qo’yilgan. Suvga solingan bug’doyning o’sishi bolaning ham tez tuzalishiga xizmat qiladi deb ishonishgan.

Chilla davrida bolaning kasalligini oldini olish uchun toq sonli (3, 5, 7, 9 ta) qurbaqalarni qaynatib shu suvga bolani cho’miltirganlar. Agar chilla davrida ona kasallikka chalinsa u xuddi shu suvda cho’milib, o’sha suvdan uch qultum ichishi kerak bo’lgan.

Chilla davrida bola tez-tez kasallikka chalinsa yupqa pishirish odati bo’lgan. Yupqa ham yangi tug’ilgan chaqaloqni “yovuz” ruhlardan himoya qiladi degan qarash bo’lgan.

Shuningdek yana bir odat e’tiborga molikki bunda uchta sham yoqiladi va har birining yoniga bittadan taom qo’yilgan. An’anaga ko’ra qo’yiladigan ovqatlar yupqa, uch dona somsa, kulcha (kichik non) kabilar bo’lgan. Bular ham chaqaloqni kasallikdan forig’ qiladigan ilohiy taom deb qaralgan ekan.

Xalqimiz orasida bolani beshikka solishga oid turli irim-marosimlarni ko’rishimiz mumkin. O’zbek xalqi orasida bolani beshikka solishda qarindosh-urug’lar va mahallada hurmatli-e’tiborli, uvali-juvali, nikohi buzilmagan ayollar tanlab olingan. Bulardan biri Doya momo va bolaning katta buvisi bo’lishi shart edi. Bolani beshikka solish jarayonida “Qo’rqmas botir bo’lgan, sog’lom o’sgin, uzoq yashagin” - deb tilaklar bildirib turilgan. Ba’zi xonadonlarda esa bolaga yangi beshik olinmagan, balki ko’p bolali qo’shnilardan olib ishlatilgan. Birinchi bola tug’ilgandan so’ng

beshikni chaqaloqning ona tomonidagi bobo-buvilari olib kelishi shart edi. Odatda bolani beshikka solish uchun “baxtli kunlar” –dushanba, chorshanba va juma kunlari tanlangan. Agar oilada ko’p bola tug’ilsa va beshik bir boladan ikkinchisiga o’tib u bola “baxtli” hisoblanadi. Agar aksincha oilada bola vafot etgan bo’lsa, unda vafot etgan bola yotgan beshik bexosiyat baxtsizlik olib keluvchi beshik sifatida aybdor qilingan. Chaqaloqni beshikka yotqizishdan oldin Doya momo maxsus mato yoqib beshik atrofida uch marta aylantirib “ Mening qo’lim senga tegsin, qayg’u emas, mening qo’lim emas azizlarning qo’li, Fotima va Zuhraning qo’li Xudo nomi bilan sizning uyqungiz ayiqnikidek bo’lsin, archa kabi uzoq umr ko’ring”- deb niyat qilingan. Bola beshikka solinadigan kuni Qishloqning barcha ayollari chaqirilgan. Beshikka yotqizishdan oldin o’z navbatida ko’zgu, taroq, toshbo’ron, supurgi, kamon va kichkina kulcha non qo’yishgan. (Tosh va supurgi oyog’iga, qolganlari yostiq ostiga) qo’yilgan. Har safar uyda non pishirilganda eski kulcha non yangisiga almashtirilgan. Beshikka ko’zgu va taroq solinishiga sabab esa bu buyumlar chaqaloq boshini yumaloq shaklga keltiradi degan ishonchi bo’lgan.

Samarqandda beshikka solish marosimini bolaning buvisi amalga oshirgan. Buvi chaqaloqni qo’liga olib, so`ngra esa beshikga avval ong, keyin chap tomondan yotqizish davomida:

O’ngga bo’l, chapga bo’l

Ilohim katta bola bo’l

deya xirgoyi qilgan. Undan so’ng esa bola qulog’iga pichirlab uning ismini aytgan. O’qlog’ni chaqaloqning o’ng va chap tomonlariga tekkazib, bolaga “onang baqirsa qo’rqma, otang baqirsa qo’rqma, akang baqirsa qo’rqama, opang baqirsa qo’rqma” deb xirgoyi qilgan.

Shundan so’ng qarindoshlar beshik ustidan turli shirinliklar va mayizlar sochishgan. Bolalar esa ularni yig’ib olishgan. Shuni ta’kidlash kerakki bir qancha e’tiqodlarning o’zi beshik bilan bog’liq. Masalan, beshikni sotish qattiq taqiqlangan. Bo’sh beshikni tebratish mumkin bo’lmagan. Chunki bu oila uchun yomonlik belgisining alomati deb hisoblangan. Chaqaloqning kindigi tushgandan so’ng uni chaqaloq beshigining bosh tarafiga ilib qo’yganlar. Agar oilada farzandlar soni ko’p bo’lgan bo’lsa, barcha kindiklar birgalikda osib qo’yilgan. Bunda barcha bolalar birgalikda ahil-inoq bo’lsinlar degan tilak ifodalangan. Chaqaloqqa ism qo’yish inson hayotidagi eng muhim voqea hisoblanadi. Qadimda podsho, xon va boshqa nufuzli amaldorlar o’z farzandlariga ism qo’yish uchun olim, munajjimlar bilan maslahatlashishgan. Islom diniga e’tiqodi baland kishilar mulla-eshon chaqirib chaqaloqning qulog’iga azon ayttirib,so’ng unga ism qo’ydirishgan. Ism tug’ilgan bolaning qaysi urug’dan, qanday sulolaning nechanchi avlodi ekanligi, u tavallud topgan vaqti, joyi, salomatligining ahvoli, bola tanasidagi alohida belgilar va boshqa omillarga qarab qo’yilgan[5].

Odatda oilaning 1-farzandiga momo-buva, qolganlariga ota-ona ism tanlaydi. Ism go’zal ma’noli bo’lib u bola tarbiyasiga ham o’z ta’sirini ko’rsatishi, bolani yomon xulq-atvordan asrab turishi lozim[4].

Kishilarga ism qo’yish tarixi totemizm, shomonlik, afsungarlik, ajdodlar e’tiqodi kabi qadimiy-diniy e’tiqod va topinishlar bilan bog’liq. Bazi ismlar bolaga og’irlik qiladi degan mulohazaga ham borilgan. Xatto bola bu og’ir ismni ko’tarolmay baxtsizlikka uchrashi mumkin deya irim qilingan. Bizga ma’lumki, ba’zi chaqaloqlar badanida qandaydir ortiqcha belgilar bilan tug’iladi. Masalan, xol, toj, qizil tamg’a, ortiqcha barmoq va shunga o’xshash. Bu nuqson va belgilar bolalarga ism berishda hisobga olinmasa, ular bolaning sog’lig’i, hayoti va kelajak turmushiga xavf tug’diradi deb tushunilgan. Shuning uchun ham ularga o’sha ortiqcha belgilar nomidan yasalgan ismlar qo’yilgan. Chunonchi, Xolboy, Xolbibi, Anor, Toji, Tojixon kabilar. Farg’ona vodiysi O’zbeklarida boshqa mintaqalarda yashovchi O’zbek va Tojiklarda bo’lgani kabi muqaddas ziyoratgoh va qadamjolarga nazr-niyoz qilinishi natijasida tug’ilgan chaqaloqlarga ham maxsus ism qo’yilgan bo’lib, ular bolani kelgusi hayotida turli balo-qazolardan himoya qilishlariga ishonishgan. Bunday tarzda tug’ilgan chaqaloqlarga odatda Xazratqul, Pirimqul, Xo’jamberdi, To’raqul, Pirniyoz kabi ismlar qo’yilgan[5]. Xususan, Qashqadaryo viloyati Chiroqchi tumanida Pirnazarovlar sulolasi mavjud bo`lib, tuman aholisi orasida o`z obro`-e`tiboriga ega oilalardir.

Shuningdek bolaga tug’ilgan fasli, oyi, mavsumiga qarab ham ism qo’yish odati ham bo’lgan. Masalan, Bahor, Navro’z, To’ychi, Bayram kabi. Qozoq, Qoraqalpoq, O’zbeklarning

ayrim urug'larida bola tug'ilgan zaxoti bolaning otasi o'tovdan tashqariga chiqib, taomilga ko'ra ko'ziga birinchi bo'lib ko'ringan narsa yoki jonivorning nomini qo'yish an'anasiga amal qilingan. Shu tariqa Qo'chqor, Arslon, Burgut, Qaldirg'och, Bo'riboy, Ovulbek kabi ismlar paydo bo'lgan[5].

Yolg'iz farzand yoki ketma-ket tug'ilgan bolalarga Hamro, Yo'ldosh, Ergash, Tirkash kabi ismlar qo'yilish ananasi bo'lgan. Agar shunday ismlar qo'yilmasa bolalar uzoq umr ko'rmaydi deb ishonilgan. Masalan, sorovnomalar natijasida Qashqadaryo viloyati Chiroqchi tumanida o`z o`rniga ega bo`lgan Hamroyevlar sulolasi Shajarasiga ko`ra Mullo Hamro Ramazonbekning yolg`iz o`g`li ekan. Agar ketma-ket ikki o'g'il tug'ilsa ikkinchisiga Jo'ravoy, ikki qiz tug'ilsa Jo'ragul, egizak farzandlardan so'ng qiz tug'ilsa Xadicha, o'g'il tug'ilsa Tohir yoki Yunus, tug'ruq chog'ida ona vafot etsa tug'ilgan farzand agar qiz bo'lsa Nusxa, agar o'g'il bo'lsa Yodgor deb ism qo'yilgan.

Ko'p yillar farzand ko'rmasdan so'ng farzandli bo'lgan yoki bolalari tug'ilmasdan vafot etgan oilalar farzandlariga Tursunboy, Ko'paysin, Berdi, Toshtemir, Toshpo'lat, Oytosh, Tilov, To'xtasin, Turg'un, Mahkam kabi ismlar qo'yishgan. Ketma-ket qiz farzand ko'rganlar keyingi farzandi o'g'il bo'lsin deb O'g'iloy, Qizmon, Adash, Yanglish kabi ismlar qo'yishgan. Biror belgi yoki Nuqson bilan tug'ilgan farzandlarga o'sha nuqson yoki belgi oti qo'yilgan. Masalan, nafas olishda nafasi tomoqdan xirillab o'tsa - Xurram; chaqaloqning nafas olishi qiyin bo'lsa – Ochil, tanasida oq dog'i bo'lsa Oppoq, Oqmamat, Oqqo'zi, tanasida qizil xol bo'lsa – Nor, Normamat, Norboy, Norgul, tanasida xol bo'lsa - Xol, Xolyor, Xolida, Xolmomo, Xolchuchuk, agar bola biror kamchilik bilan tug'ilsa – Qudrat, Karomat, Xosiyat, Xislat, Hikmat kabi ismlar qo'yilgan. Agar chaqaloq injiq bo'lsa va o'zini yaxshi his qilmasa kimdir bolani "jinxo'r" qilgan deb ishonilgan. Bunday hollarda birinchi navbatda bolani xavfli odamlardan himoya qilishga uringanlar. Agar qabul qilingan davolash usullari yordam bermasa va bola yomon o'ssa, yomon uxlasa, uning ismini o'zgartirish zarur bo'lgan. Ism o'zgartirganda kasallik keltirgan yovuz ruhlar bolani taniy olmasligi uchun ikkita ism qo'yishga harakat qilishgan[6].

Bolaga ism qo'yish marosimiga kichik dasturxon tuzalib, qishloqdagi biror mulla taklif qilingan. Mulla chaqaloqni qo'lga olib har ikki qulog'iga azon o'qib bolaning ismini o'ziga ham aytadi. Ism qo'yilgach uy egasi mullaga atalgan sarpo yoki boshqa sovg'alarni berib kuzatib qo'yadi. Shu bilan ism qo'yish marosimi tugallanadi.

4. Xulosa.

Hozirgi kunda bolaga ism qo'yishda muayyan an'analar, tarixning murakkab sinovlaridan o'tgan odatlarga rioya qilmay shunchaki urf ketidan quvish tufayli yosh ota–onalar biror kitob qahramoni, kino yulduzi, atoqli shaxslar ismlarini o'rni bo'lsa bo'lmasa farzandlariga qo'yib, oqibatda ularni noqulay ahvolga solmoqdalar. Bunday ismlar qo`yilishiga bugungi kunda aholi migratsiyasining ham ta'siri katta. Masalan, Rossiya Federatsiyasida ishlab qaytgan migrant bilan suhbat jarayonida ularning farzandlarining birini ismi Vladimir ekanligi ma'lum bo`ldi. Bunday ism qo`yishga sabab, migrant bo`lib yurgan kezlari og`ir vaziyatlarda Vladimir ismli shaxs unga yordam bergan ekan. Shu sababli o`z o`g`lining ismini uning nomiga qo`yishni niyat qilganligini suhbat jarayonida aytib o`tdi. Farzandga munosib ism qo`yish ota-onaning mas'uliyatli vazifalaridan biri hisoblanadi. Shuning uchun avvalo ota-onalar bu ishning qanchalik mas'uliyatli ekanligin anglab yetishlari, farzandlariga eng munosib bo`lgan va kelajakda ularning hijolat tortishlariga sabab bo`lmaydigan go`zal va ma'noli ism tanlashlari lozim. Bunda shuningdek, o`zimizning milliy qadriyat va an'analarimiz hisobga olinishligi, Yoshi ulug` insonlar bilan maslahatlashib ism tanlash muhim ahamiyatga ega.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Adhamjon Ashirov. O'zbek xalqining qadimiy e'tiqod va marosimlari. Toshkent – 2007. Адхамджон Аширов. Древние верования и обряды узбекского народа. Ташкент - 2007. (Adhamjon Ashirov. Ancient beliefs and ceremonies of the Uzbek people. Tashkent - 2007.)
2. Зунунова Г.Ш. Материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиций (XX – начало XXI в.) Тошкент – 2013. Г. Ш. Зунунова. Материальная культура узбеков

Ташкента: трансформация традиций (XX – начало XXI в.) Тошкент – 2013. (Zununova G.Sh. Material culture of Uzbeks in Tashkent: transformation of traditions (XX - early XXI centuries) Toshkent - 2013.)
3. Elbars. Z. Turk toplumunda Cocuk anlayisi ve cocug'a bakis. Istanbul-1999. Эльбарс. З. Понимание ребенка в турецком обществе и взгляд на ребенка. Стамбул-1999. (Elbars. Z. The understanding of the child in Turkish society and the view towards the child. Istanbul-1999.)
4. Guljaxon Mardonova. Nur to'la uy. Toshkent-2008. Гюляксон Мардонова. Дом, полный света. Ташкент-2008. Guljaxon Mardonova. A house full of light. Tashkent-2008.
5. Maxmud Sattor. O'zbek udumlari. Toshkent -2007. Махмуд Саттор. Узбекская таможня. Ташкент -2007. (Mahmud Sattor. Uzbek customs. Tashkent -2007.)
6. A. Mardonova Обычаи и обряды детского цикла и таджиков верховых Зеравшана в прошлом и ностаяшем. Т-1984. (A. Mardonova Customs and ceremonies of the children's cycle and Tajiks riding Zeravshan in the past and in the past. T-1984.)
7. Soyibnazar Davlatov O'zbek xalqining qadimgi etiqod va marosimlari. O'quv qo'llanma. Toshkent-2018. Сойбназар Давлатов Древние верования и обряды узбекского народа. Учебное пособие. Ташкент-2018. (Soyibnazar Davlatov Ancient beliefs and ceremonies of the Uzbek people. Study guide. Tashkent-2018.)
8. Usmon Qoraboyev O'zbek xalqi bayramlari.Toshkent-2002. Усмон Карабаев Праздники узбекского народа Ташкент-2002. (Usmon Karabaev Holidays of the Uzbek people. Tashkent-2002.)
9. Beyazova U. Cocuk sagligi ve geleneksel yaklasimlar. Cocuk kulturu.Istanbul -1997. У. Беязова Здоровье ребенка и традиционные подходы. Детская культура. Стамбул -1997. (U.Beyazova Child health and traditional approaches. Child culture.Istanbul -1997.)
10. Dala tadqiqotlari yozuvlari. Записи полевых исследований. (Field research records.)
11. Hamdamovich, RA (2020). OZBEKLARDA FARZAND TARBIYASI VA OILAVIY MUNOSABATLAR MASALASINI ORGANILISHI TARIXSHUNOSLIGI. O'tmishga nazar jurnali, 9 (3). Хамдамович, Р.А. (2020). ИСТОРИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ДЕТСКИХ И СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ. Журнал прошлого, 9 (3). Hamdamovich, RA (2020). HISTORICAL STUDIES OF CHILDREN'S RAISING AND FAMILY RELATIONS IN UZBEKISTAN. Journal of the Past, 9 (3).
12. BM Ubaydullayeva ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL 11 (1), 643-649. (2021). Б.М. Убайдуллаева АКАДЕМИКА: МЕЖДУНАРОДНЫЙ МНОГОДИСЦИПЛИНАРНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ЖУРНАЛ 11 (1), 643-649. (2021 г.).
13. XX asr boshlarida O'zbekistonning tog'li tumanlarining etnik tarkibi (Sangzor-Zomin viloyati misolida) AD Bababekov - Nazariy va amaliy fanlar, 2019 - elibrary.ru. Этнический состав горных районов Узбекистана в начале XX века (на примере Сангзор-Зааминского района) А.Д. Бабабеков - Теоретические и практические науки, 2019 - elibrary.ru. Ethnic composition of mountainous areas of Uzbekistan in the early twentieth century (on the example of Sangzor-Zaamin region) AD Bababekov - Theoretical and practical sciences, 2019 - elibrary.ru
14. Obshchestvennyy kontrol kak faktor sotsializatsii detey v uzbekskoy maxallesi BM Ubaydullaeva - Sovremennye gumanitarnye issledovaniya, 2014 - elibrary.ru; Jamoatchilik nazorati o'zbek mahallalaridagi bolalarni jtimoiylashtirish omili sifatida B.M.Ubaydullaeva - Zamonaviy gumanitar tadqiqotlar, 2014 - elibrari.ru; Public control as a factor in the socialization of children in the Uzbek mahalles BM Ubaydullaeva - Modern humanitarian research, 2014 - elibrari.ru

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Жалолиддин Аннаев,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
jaloliddinannaev@gmail.com

ТАРМИТА-ТЕРМИЗ БУДДАВИЙЛИК МАДАНИЯТИ

For citation: Jaloliddin Annaev, BUDDHIST CULTURE OF TARMIDH -TERMEZ. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.155-162

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-18

АННОТАЦИЯ

Мақолада XX асрнинг 20-30 ва 60-80-йиллари, ўтган асрнинг 90-йиллари – XXI аср бошларида Тармита-Термиз буддавийлик ёдгорликларининг археологик ўрганилиши тарихи ва тадқиқотлар натижалари ёритилган. Тармита-Термизнинг буддавийлик маданиятига оид маълумотлар дастлаб ёзма манбалар асосида ёритилган бўлиб, археология материаллари XX асрнинг 20-30-йилларида экспедициялар ташкил этилиши натижасида илк бор қўлга киритилган. Бу борада Б.П. Денике бошчилигидаги Шарқ маданиятлари музейи экспедицияси (Москва), Г.В. Парфёнов, М.Е. Массон раҳбарлигида ТАКЭ ҳодимлари тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этган. Натижада Тармита-Термиз буддавийлик тарихига доир археология материалларининг қўлга киритилиши ва ўрганила бошланиши аҳамияти ҳамда мазкур ҳудудда тадқиқотларнинг давом этиши кузатилади.

Ўтган асрнинг 60-80-йилларида Б.Я. Ставиский раҳбарлигидаги бирлашган экспедиция (Давлат Эрмитажининг Шарқ бўлими ва Шарқ халқлари санъати музейи) ҳодимлари, Г.А. Пугаченкова ва З.А. Ҳакимов, Л.И. Альбаум ва В.А. Козловский томонидан амалга оширилган кенг кўламли археологик изланишлари натижасида буддавийлик меъморчилиги, санъати, ёзув намуналари ва моддий маданиятига оид муҳим илмий материаллар қўлга киритилган.

XX асрнинг 90-йиллари ва XXI аср бошларида эса Тармита-Термиз буддавийлик санъати, моддий маданияти, меъморчилиги ва танга топилмалари, қадимги ҳинд, бақтрия ва «номаълум» ёзув намуналари, шунингдек, Ўрта Осиё ҳудудига буддавийлик таълимотининг кириб келиши ва тарқалиши масалалари маҳаллий ва ҳалқаро экспедициялар тадқиқотларида илмий асосланди.

Калит сўзлар: Тармита-Термиз, буддавийлик, Зўрмола, Қоратепа, Фаёзтепа, буддавийлик санъати, Бақтрия, Ўрта Осиё, қадимги ҳинд ёзувлари, бақтрия ёзуви, «номаълум» ёзуви, «Ҳукмдор вихараси», «Отли монастири».

Жалолиддин Аннаев,
Доктор философии по истории (PhD),
Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

jaloliddinannaev@gmail.com

БУДДИЙСКАЯ КУЛЬТУРА ТАРМИТЫ-ТЕРМЕЗА

АННОТАЦИЯ

В статье освещены история и результаты археологических исследований буддийских памятников Тармиты-Термеза 20-30-х гг., 60-80-х гг. и 90-х гг. прошлого века – начале XXI в. Первоначальные данные по буддийской культуре Тармиты-Термеза были получены из письменных источников. Первые археологические материалы были получены в 20-30-е гг. XX в., с организацией первых экспедиций. Важную роль сыграли исследования экспедиции Музея восточных культур (Москва) под руководством Б.П. Денике, исследования Г.В. Парфенова, а так же сотрудников ТАКЭ под руководством М.Е. Массона. В результате этих исследований была осознанна вся важность археологических материалов в изучении истории буддизма Тармиты-Термеза, и продолжение здесь археологических исследований.

В 60-80-е годы прошлого века, в результате обширных археологических работ объединенной экспедиции (Отдел Востока Государственного Эрмитажа и Музей искусства восточных народов) под руководством Б.Я. Ставиского, затем Г.А. Пугаченковой и З.А. Хакимова, а также Л.И. Альбаума и В.А. Козловского, были получены бесценные научные материалы по буддийской архитектуре, искусству, древней письменности, духовной и материальной культуре.

В 90-е гг. XX в. – начале XXI в. буддийское искусство, материальная культура, архитектура, монетные находки, образцы древнеиндийской, бактрийской письменности и «неизвестного» письма Тармиты-Термеза, а также вопросы распространения буддийского учения на территорию Средней Азии, нашли отражение в многочисленных работах местных и зарубежных исследователей.

Ключевые слова: Тармита-Термез, буддизм, Зурмала, Каратепа, Фаязтепа, буддийское искусство, Бактрия, Средняя Азия, древнеиндийское письмо, бактрийское письмо, «неизвестное» письмо, «государева вихара», «Лошадиный монастырь».

Jaloliddin Annaev,
Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences,
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
jaloliddinannaev@gmail.com

BUDDHIST CULTURE OF TARMIDH -TERMEZ

ABSTRACT

The article highlights the history and results of archaeological research of Buddhist monuments of Tarmidh-Termez in the 20-30s and 60s-80s of the XX century, 90s of the last century - the beginning of the XXI century. Data about the Buddhist culture of Tarmidh-Termez was first published on the basis of written sources, and archaeological materials were first obtained in the 20-30s of the XX century as a result of organizing expeditions. In this regard, an important role was played by the research of the expedition of the Museum of Oriental Cultures (Moscow) under the leadership of B.P. Denike, G.V. Parfenov, employees of TAKE under the leadership of M.E. Masson. As a result of these studies, the importance of acquiring and studying archaeological materials on the history of Buddhism in Tarmidh-Termez, the emergence of research in the field of material culture is observed.

In the 60s and 80s of the last century, as a result of extensive archaeological exploration by a joint expedition (the Department of the East of the State Hermitage and the Museum of Oriental Art) led by B.Ya. Stavisky, G.A. Pugachenkova and Z.A. Khakimov, as well as L.I. Albaum and V.A. Kozlovsky obtained important scientific materials on Buddhist architecture, art, ancient inscriptions and material culture.

In the 90s. XX century - the beginning of the XXI century Buddhist art, material culture, architecture, numismatic finds, samples of ancient Indian, Bactrian and the "unknown" inscriptions of Tarmidh-Termez, as well as the spreading of Buddhist teachings in the territory of Central Asia, were reflected in the research of local and international expeditions.

Index Terms: Tarmidh-Termez, Buddhism, Zurmola, Karatepa, Fayaztepa, Buddhist art, Bactria, Central Asia, ancient Indian, Bactrian and "unknown" inscriptions, “Governor's vihara”, “Horse monastery”.

1.Долзарблиги:

Мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарида, Окс-Амударёнинг энг муҳим кечув қисми яқинида асос солинган Тармита-Термиз 1220 йилда Чингизхон бошчилигидаги мўғул қўшинлари томонидан вайрон қилинган даврга қадар Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихида муҳим иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий марказларидан бири ҳисобланган. Эски Термиз ҳудудида XX асрнинг 90-йилларига қадар ва мустақиллик йилларида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, ушбу кўҳна шаҳар узоқ ва бой ўтмишга эга эканлиги исботланган.

Тармита-Термизнинг қадимги даври тарихида тутган муҳим ўрни мил. I асрдан III асрнинг ўрталаригача ҳукмронлик қилган Кушон давлати билан боғлиқ. Машҳур ҳукмдор Канишка даврида Кушон подшолиги қадимги дунёнинг қудратли империяларидан бирига айланган.

Кушонлар даврида дунё динларидан бири ҳисобланган буддавийлик таълимоти кенг тарқалади. Мазкур дин эса унинг марказларидан бири ҳисобланган Тармита-Термиз мафкуравий ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган. Бунинг далили сифатида археологик тадқиқотлар натижасида Сурхон воҳаси ҳудудида Қоратепа, Фаёзтепа, Зартепа, Зўрмола ступаси каби бир нечта буддавийлик иншоотларининг аниқланишини келтиришимиз мумкин.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, милодий I асрнинг бошларидан Тармита-Термиз буддавийлик таълимотини Марказий Осиёда тарқалишида ўзига хос «кўприк» вазифасини бажарган. Мил. 629-630 йилда Бақтрия-Тохаристон ўлкаси бўйлаб саёҳат қилган хитойлик буддавий роҳиб Сюань Цзан ҳам Тами (Термиз) мулклигида 12 та, Чағониён (Сурхондарёнинг ўрта ва юқори оқими бўйида жойлашган мулклик)да эса 5 та буддавийлик иншоотлари мавжуд бўлганлигини ўз асарида таъкидлаб ўтган.

XX асрнинг 90-йилларига қадар ва айниқса, мустақиллик йилларида Тармита-Термиз ёки умуман, Сурхон воҳаси буддавийлик ёдгорликларининг кенг ўрганилишига қарамасдан, мазкур ҳудуд буддавийлик тарихи ва маданияти билан боғлиқ кўпгина масалалар, шу жумладан, Бақтриянинг шимолий ҳудудларига буддавийликнинг кириб келиши даври ва мазкур ҳудудда илк буддавийлик иншоотларининг барпо этилиши, буддавийлик иншоотларининг меъморий тарҳи тузилишини қадимги ҳинд буддавийлик ёдгорликлари билан таққослаш, илк ўрта асрлар ва араблар истилоси даврида буддавийлик таълимоти тақдири ҳамда у билан боғлиқ ёдгорликларининг ҳолати етарли даражада ечилмаган ва баҳс-мунозаралигича қолмоқда.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тармита-Термиз буддавийлик ёдгорликлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар Сюань Цзян маълумотларида[1], А.А. Сталь-Гольштейн[2] ва В.В. Бартольд[3] ишларида келтирилган.

XX асрнинг 20-30-йилларида Тармита-Термиз буддавийлик ёдгорликларида Б.П. Денике бошчилигидаги Шарқ маданиятлари музейи экспедицияси (Москва)[4], Г.В. Парфёнов[5], М.Е. Массон раҳбарлигида ТАКЭ ҳодимлари тадқиқотларни олиб боришган[6].

Ўтган асрнинг 60-80-йилларида Б.Я. Ставиский раҳбарлигидаги бирлашган экспедиция (Давлат Эрмитажининг Шарқ бўлими ва Шарқ халқлари санъати музейи) томонидан Қоратепа диний марказининг жанубий ва қисман шимолий тепаликларида қазишма ишлари амалга оширилган[7]. Қазишмалар жараёнида Қоратепада аниқланган

қадимги ёзув намуналари Т.В. Грек, В.А. Лившиц, Я. Харматта, В.В. Вертоградова, Х. Хумбах, тасвирий санъат обидалари В.А. Мешкерис, нумизматика топилмалари Е.В. Зеймаль, В.Г. Луконин, Б.И. Вайнберг ва Т.Л. Раевская, сопол буюмлар, тасвирий санъат ва меъморий безак намуналари Н.С. Сычева ва В.Л. Сычевлар томонидан ўрганилган ҳамда умумлаштирилган тадқиқотда ўз аксини топган[8].

Г.А. Пугаченкова ва З.А. Ҳакимов тадқиқотлари туфайли (1964–1965 йй.) "Зўрмола" минораси буддавийлик ступаси эканлиги аниқланган[9].

1968–1976 йиллари Л.И. Альбаум ва В.А. Козловский томонидан Фаёзтепа – буддавийлик монастири кашф этилган[10].

XX аср 90-йиллари ва XXI аср бошларида эса Шимолий Бақтрия, шу жумладан, Тармита-Термиз буддавийлик ёдгорликлари, меъморчилиги, моддий маданияти, буддавийлик эпиграфикаси, шунингдек, Сурхон воҳаси ҳудудига буддавийлик таълимотининг кириб келиши ва тарқалиши масалалари Г.А. Пугаченкова[11], Б.Я. Ставиский[12], Л.И. Альбаум[13], Э.В. Ртвеладзе[14], Б.А. Литвинский[15], В.В. Вертоградова[16], Т.К. Мкртычев[17], К. Абдуллаев[18], Ш.Р. Пидаев[19], Ж. Фусман[20], Т.Ж. Аннаев[21], М.С. Болганова[22], В.С. Соловьев[23], Р. Саломон[24], А. Ивамото[25], шунингдек, Ўзбекистон-Япония[26], Ўзбекистон-Жанубий Корея[27] ҳамда Ўзбекистон-Франция экспедицияси[28] тадқиқотларида ўрганилди.

Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбараси яқинида Т. Аннаев бошчилигидаги археологик гуруҳи ҳамда мазкур мақола муаллифи иштирокида олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўндан ортиқ буддавийлик ғорсимон иншоотлари[29] ва Чингизтепа ҳудудида иккита буддавийлик ибодатхонаси тадқиқ этилди[30]. "Фаёзтепа харобалари таъмирлаш ва сақлаш" халқаро лойиҳаси доирасида эса мазкур ёдгорликда қайта тадқиқот ишлари амалга оширилди[31].

3. Тадқиқот натижалари:

Буддавийлик эпиграфикаси таҳлили асосида, Окс-Амударёдан шимолда буддавийлик таълимоти кириб келган ва ўрнашган дастлабки аҳоли манзилгоҳи бу Тармита-Термиз бўлганлиги аниқланган.

Мустақиллик йилларида қайта амалга оширилган тадқиқотлар натижасида, Фаёзтепада мил. авв. I асрнинг охири ва мил. I асрнинг биринчи ярмида мавжуд бўлган илк буддавийлик иншооти излари кузатилди. Мил. I асрнинг биринчи ярмида, унинг ўрнида, ўлчамлари 118,40x53,00-54,00 метр бўлган мажмуа бунёд этилганлиги аниқланди ва мазкур иншоот Ўрта Осиё ҳудудида барпо этилган илк буддавийлик монастири сифатида ўз тасдиғини топди. Шунингдек, мазкур иншоот тарихида мавжуд бўлган 4 та қурилиш-таъмирлаш босқичлари қайд этилди[32].

Ш. Пидаевнинг фикрига кўра, мил. I асрнинг иккинчи ярмида[33] эса Қоратепа шимолий тепалигида ерусти буддавийлик иншооти барпо этилган. Кушонлар даврида у Тармита-Термизнинг навбатдаги иккинчи буддавийлик мажмуаси вазифасини бажарган.

Буюк кушонлар даврида Тармита-Термизда яна учта буддавийлик мажмуасига асос солинган. Улардан биринчиси бу "Зўрмола минораси" номи остида маълум бўлган улкан буддавийлик ступаси, иккинчиси эса ўрта асрлар даври Термизининг рабод қисмидан шимолий тарафда жойлашган иншоот бўлиб, ҳозирги кунда ундан фақатгина ертўла хона қисми сақланиб қолган[34]. Учинчиси эса Чингизтепа буддавийлик иншоотлари мажмуасидир[35].

Тадқиқотларга кўра, илк ўрта асрлар даврида Қоратепа ва Фаёзтепа буддавийлик мажмуаларининг аҳамияти аста-секин пасайиши билан бир қаторда Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбарасидан шимолий ва шарқий ҳудудда ҳамда Дунётепа атрофида мил. IV-V асрларда янги буддавийлик монастири барпо этилганлиги аниқланди[36].

Тармита-Термиз буддавийлик мажмуалари, хусусан, Фаёзтепа буддавийлик иншоотининг меъморий тарҳи тузилиши ўрганиш асосида мил.авв. I асрга оид қадимги Ҳиндистоннинг Тахти Бахан ва Жамолгир монастирларига ўхшаш меъморчилик белгилари кузатилди. Тармита-Термиз буддавийлик иншоотларининг шаклланишида қадимги ҳинд

буддавийлик меъморчилиги анъаналари билан бир вақтда маҳаллий бақтрия (Тахти Сангин, Ойхоним, Саксонохур ва Холчаён мисолида айланма йўлакли ҳовли) меъморчилиги анъаналари ҳам катта аҳамиятга эга бўлганлиги аниқланди.

Фаёзтепа тарҳи сингари, ички ҳовли бўйлаб йўлак-галерея ва хоналар ёки унинг атрофида бир қатор хоналар бунёд этиш усули мил. авв. VII-IV асрларга оид Олтин 10 иншоотларининг бирида (Шимолий Афғонистон) ва Сурхон воҳаси Қизилча 6 уй-қўрғонининг меъморий ечимида ўз аксини топганлиги кузатилди. Меъморий тарҳнинг бундай тузилиши илк ўрта асрлар Шимолий Тохаристонда (Болаликтепа, Зангтепа) ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолганлиги қайд этилди.

Қоратепа буддавийлик марказининг "жанубий", "ғарбий" тепаликларидаги, Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбараси атрофида аниқланган ғорсимон иншоотлар мисолида Тармита-Термиз ҳудудида Бомиён ва Шарқий Туркистондаги сингари ўзига хос ғор меъморчилиги мактаби мавжуд бўлганлиги асосланди.

Сурхон воҳаси буддавийлик иншоотлари даврлаштирилиши ва аҳоли манзилгоҳларида қайд этилган буддавийликка оид топилмаларнинг даврий санасига оид маълумотларнинг таҳлили асосида, мазкур таълимотнинг Тармита-Термиздан Шимолий Бақтрияда тарқалишининг уч асосий йўналиши аниқланди.

Амударёнинг юқори оқими ўнг соҳили буддавийлик таълимотининг ёйилишидаги биринчи йўналиш бўлган. Чунки, Фаёзтепа ва Қоратепа буддавийлик мажмуаларидан сўнг даврий жиҳатдан Айритом буддавийлик иншооти[37] ва эҳтимол, Уштур мулло ҳам ўрин эгаллаган[38].

Буддавийлик таълимотининг Тармита-Термиздан тарқалишининг иккинчи йўналиши Сурхондарёнинг юқори оқими ҳавзаси бўйлаб амалга ошган. Ушбу йўналиш бўйлаб буддавийлик иншоотлари Далварзинтепа шаҳрида қазиб ўрганилган[39]. Бошқа иншоотлар ва аҳоли манзилгоҳларида эса буддавийлик билан боғлиқ бўлган алоҳида топилмалар қайд этилган.

Буддавийлик таълимотининг Тармита-Термиздан тарқалишининг учинчи йўналиши "Темир дарвоза" томон йўналган. Ушбу йўналиш бўйича Тармита-Термиздан 30 км радиусда буддавийлик иншоотлари, 70 км радиусда эса буддавийлик санъати намуналари аниқланган. Янада шимол томонга, "Темир дарвоза" теварагидаги Поёнқўрғон ва бошқа ёдгорликларда (асосан қалъа типидаги иншоотлар) буддавийлик кўринишидаги нақшлар билан безатилган ҳунармандчилик маҳсулотлари ва санъат намуналари учрамаслиги билан ажралиб туради[40].

4.Хулосалар:

XX асрнинг 90-йилларига қадар ва мустақиллик йилларида Сурхон воҳаси буддавийлик ёдгорликларининг ўрганилиши натижасида буддавийлик меъморчилиги, санъати, моддий маданияти ва эпиграфикасига оид муҳим илмий маълумотлар қўлга киритилган. Ушбу маълумотлар Шимоли-ғарбий Бақтрия, шу жумладан, Тармита-Термиз буддавийлик маданияти тарихига доир билимлар доирасининг кенгайиб бориши ва илмий қарашларнинг ривожланишида долзарб аҳамиятга эга.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида буддавийлик таълимотини Сурхон воҳаси, хусусан Тармита-Термиз ҳудудига кириб келиши ва илк буддавийлик иншоотларининг барпо этилиши даври санасига аниқлик киритилди, шунингдек мазкур ҳудуд буддавийлик иншоотларининг меъморий тарҳи тузилишини ўрганиш асосида маҳаллий ва қадимги ҳинд буддавийлик меъморчилиги анъаналарига хос белгилар мавжудлиги қайд этилди. Буддавийлик эпиграфикаси таҳлили ва аниқланган меъморий тарҳи тузилиши асосида Тармита-Термиз буддавийлик ёдгорликларнинг асосий вазифаси масаласи ойдинлик киритилди.

Араб истилосига қадар Фаёзтепа ва Қоратепа буддавийлик иншоотларининг алоҳида қисмларида ҳаёт давом этганлиги, Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбараси яқинида буддавийлик ғорсимон иншоотларнинг аниқланиши Тармита-Термизда илк ўрта асрлар

даври буддавийлик марказлари ҳолати ва таълимоти тақдири масаласини ўрганиш имконини берди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Si-Vu-Ki: Buddhist records of the Western world, translated by from Chinese of Hiuen Tsiang (A.D. 629) by Samuel Beal. Vol. I. – London. Trübner & Co., Ludgate hill, 1884. – P. 38; Ртveладзе Э.В. Маршрут Сюань-Цзаня по Средней Азии // Материалы Тохаристанской экспедиции. – Елец: 2011. Вып.8. – С. 189.
2. Сталь-фон-Гольштейн А. Сюань-Дзань и результаты современных археологических исследований // ЗВОРАО. – СПб.: 1911. Т. XX. Вып. 1. – С. 9–22; Elisseeff Serge. “Stael-Holstein's Contribution to Asiatic Studies.” Harvard Journal of Asiatic Studies. Vol. 3, No. 1. Harvard-Yenching Institute, 1938. – Pp. 1–8.
3. Бартольд В.В. Работы по исторической географии и истории Ирана / Сочинения. Том VII. – М.: Наука, 1971. – С. 469.
4. Стрелков А.С. Зурмала или Катта-тюпе // Культура Востока. – М., Вып. I. 1927. – С. 27–30; ўша муаллиф. Les Monument preislamique de Termez. Vol.3, #4, – Zurich. «Artibus Asiae», 1928–1929. – Pp. 216–224.
5. Ставиский Б.Я. К предыстории археологического изучения Каратепе в Старом Термезе (работы летом 1936 года) // Краеведение Сурхандарьи. – Ташкент, 1989. – С. 70–76; Грек Т.В., Пчелина Е.Г., Ставиский Б.Я. Кара-тепе–буддийский пещерный монастырь в Старом Термезе. – М.: Наука, 1964. – С. 83–84.
6. Труды ТАКЭ / Отв. ред. Массон М.Е. – Ташкент. Т. I. 1940. – 215 с.; Труды ТАКЭ / Отв. ред. Массон М.Е. – Ташкент. Т. II. 1945. – 226 с.
7. Кара-тепе–буддийский пещерный монастырь в Старом Термезе. – М.: Наука, 1964. – 111 с.; Буддийские пещеры Кара-тепе в Старом Термезе. – М.: Наука, 1969. – 185 с.; Буддийский культовый центр Кара-тепе в Старом Термезе. – М.: Наука, 1972. – 177 с.; Новые находки Кара-тепе в Старом Термезе. – М.: Наука, 1975. – 175 с.; Буддийские памятники Кара-тепе в Старом Термезе. – М.: Наука, 1982. – 199 с.; Буддийские комплексы Кара-тепе в Старом Термезе. – М.: ИВЛ, 1996. – 341 с.
8. Ставиский Б.Я. Четверть века на Каратепе. – Ташкент: Узбекистан, 1986. – 66 с.
9. Пугаченкова Г.А. Две ступы на юге Узбекистана // СА. – М., 1967. №3. – С. 257–263.
10. Альбаум Л.И. Раскопки буддийского комплекса Фаязтепа (по материалам 1968–1972 гг.) // Древняя Бактрия. – Л., Наука, 1974. – С. 54.
11. Pugachenkova G.A. The Buddhist monuments of Airtam // Silk Road art and archaeology. Vol. 2. Kamakura-shi, – Japan. 1991/ 92. – Pp. 23–41; Древности Южного Узбекистана / Отв. ред. Г.А. Пугаченкова. – Токио, 1991. – 342 с.
12. Staviskii B., Mkrtychev T. Qara-Tepe in Old Termez: On the History of the Monument // Bulletin of the Asia Institute, Vol. 10. 1996. – Pp. 219–232; Ставиский Б. Я. Судьбы буддизма в Средней Азии. – М.: Наука, 1998. – 209 с.
13. Альбаум Л.И. Живопись святилища Фаязтепа // Культура Среднего Востока (с древнейших времен до наших дней). Изобразительное и прикладное искусство. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 18–28; ўша муаллиф. Фаязтепа // КИДУ. Кн: 1. – М.: 1991. – С. 107–112.
14. Ртveладзе Э.В. К периодизации буддийского комплекса в Айртаме // ОНУ. 1995. №. 5-8. – С. 72–77; ўша муаллиф. Термиз ва унинг Ўрта Осиёдаги аҳамияти // Термиз – буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.10; ўша муаллиф. Кушанское царство: династии, государство, народ, язык, письменность, религии. – Ташкент: Историческая библиотека, 2019. – 130 с.
15. Литвинский Б.А. Буддизм в Средней Азии // ВДИ. – М., 2001. №4. – С. 188–199.
16. Вертоградова В.В. Индийская эпиграфика из Кара-тепе в Старом Термезе. Проблемы дешифровки и интерпретации. – М.: ИВЛ, 1995. – С. 28–33.

17. Мкртычев Т.К. Буддизм в Термезе // Термез древний и новый город на перекрестке великих дорог. –Ташкент: Шарк, 2001. – С. 27–56; ўша муаллиф. Буддийское искусство Средней Азии. – М.: ИКЦ «Академкнига», 2002. – 286 с.
18. Abdullaev K. The Buddhist culture of Ancient Termez in old and recent finds // Parthica. Incontri di culture nel mondo Antico. – Pisa-Roma. Fabrizio Serra editore, 2013. – Pp. 157–189.
19. Пидаев Ш.Р. Тармита-Термез 1220 йилгача: шаҳарнинг вужудга келиши ва тадрижий ривожланиши // Термез буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 11–27; ўша муаллиф. Исследование ступы Фаязтепа // Консервация и реставрация руин Фаязтепа. Обобщающий отчет. – Ташкент: 2006. – С. 33–42; Пидаев Ш. Р., Баратова Л.С. Новые данные к истории средневекового Термеза // Древние цивилизации на Среднем Востоке. Археология, история, культура. Материалы международной научной конференции. – М.: Наука, 2010. – С. 82–83; ўша муаллиф. Қадимги Ўзбекистонда буддавийлик ва буддавий мерос. – Тошкент: O'zbekiston, 2011. – 117 б; Pidaev Sh., Kyuzo K., Eiichi I. Buddhist cultural heritage. – Osaka: Shobo, 2019. – 95 p.
20. Pidaev Sh, Annaev T et Fussman G. Monuments Bouddhiques de Termez. – Paris: College de France. Publications de L'Institut de civilazion indienne. Diffusion de Boccard. Fascule 79,2. 2011. – Pp. 3–280.
21. Жалол Аннаев, Тухташ Аннаев. Архитектурно-планировочная структура и датировка буддийского монастыря Фаязтепа // Традиции Востока и Запада в античной культуре Средней Азии. – Ташкент: Ноширлик ёғдуси, 2010. – С. 53–66.; Jaloliddin Annaev. Age Determination of Buddhist cult complexes of Northwestern Bactria-Tokharistan // The American Journal of Social Science and Education Innovations. Vol. 03, Issue 06-03. 2021. – P. 19-26. (№ 23: Scientific Journal Impact Factor: 5.8).
22. Болганова М.С. Архитектура буддийских памятников Средней Азии: Автореф. дис. канд. арх. наук. – Ташкент: ТАСИ, 2011. – 40 с.
23. Соловьев В.С. Искусство раннесредневекового Тохаристана. – Елец. 2007. – 129 с.
24. Scherrer-Schaub C., Salomon R., Baums S. Buddhist Inscriptions from Termez (Uzbekistan): A New Comprehensive Edition and Study // Indo-Iranian Journal. Vol.55. – USA. 2012. – Pp. 139–170.
25. Iwamoto A. A Study on the Prosperity and Decline of Buddhist Sites in Northern Bactria: Kara Tepe and Zurmala // The Rissho international journal of academic research in culture and society. – Tokyo: 2019. – Pp. 151– 178.
26. Пидаев Ш.Р., Кюдзо К. О работах узбекистано-японской экспедиции на Кара-тепе в 1998 году // ОНУ. 1999. № 9-10. – С. 82–84; ўша муаллифлар. Термез. – Токио, 2001. – 56 с. (япон тилида); ўша муаллифлар. Археологические исследования буддийского центра Каратепа в Старом Термезе // Археологические исследования в Узбекистане-2000 года. – Самарканд. 2001. – С. 114–122; ўша муаллифлар. New finds of Uzbek Archaeology. – Tokyo: 2002. – 170 p.; ўша муаллифлар. Археологические работы на Каратепа в Старом Термезе // Археологические исследования в Узбекистане-2003 года. – Тошкент. ЎзМЭ, 2004. Вып. 4. – С. 147–158.; Kara Tepe – Buddhist Complex Of Termez 2014–2017. – Osaka: Shobo, 2020. – 242 p.; Zurmala: A Stupa in Termez // Basic Research Report. – Tokyo: Rissho University, 2017. – 10 p.
27. Uzbekistan. Kushan Dynasty and Buddhism. – Seoul: National Research Institute of Cultural Heritage, 2013. – 219 p.
28. Leriche P., Pidaev Sh. Termez in Antiquity. After Alexander: Central Asia before Islam // Proceeding of the British Academy. Oxford University, – London. 2007. – Pp. 179–211. fig.8.; Пидаев Ш. Р., Баратова Л.С. Новые данные к истории средневекового Термеза // Древние цивилизации на Среднем Востоке. Археология, история, культура. Материалы международной научной конференции. – М.: Наука, 2010. – С. 82–83.

29. Чориев З., Аннаев Т., Муртазоев Б., Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 67–78.
30. Пидаев Ш.Р., Лериш П., Папахристу О. Новые данные о раскопках в Старом Термезе // Археологические исследования в Узбекистане-2000 г. – Самарканд. 2001. – С.105–114; Пидаев Ш.Р., Лериш П. Археологические работы Узбекистано-Французской экспедиции на городище Старого Термеза в 2002 году // Археологические исследования в Узбекистане-2002 г. – Ташкент. Абдулла Қодирий номидаги Халқ меъроси нашриёти, 2003. №3. – С. 134–143; Аннаев Т., Лериш П., С. Де Понбриand, Аннаев Дж., Холиков З., Худаёбердиев Ш. Археологические работы на крепости Чингизтепа и Чингиз-2 городища Старого Термеза // Археологические исследования в Узбекистане-2013-2014 гг. – Самарканд. 2016. Вып.10. – С.63–67.
31. Пидаев Ш. Р. Исследование ступы Фаязтепа // Консервация и реставрация руин Фаязтепа. Обобщающий отчет. – Ташкент: 2006. – С. 33–42.
32. Жалол Аннаев, Тухташ Аннаев. Архитектурно-планировочная структура и датировка буддийского монастыря Фаязтепа // Традиции Востока и Запада в античной культуре Средней Азии. – Ташкент: Ноширлик ёғдуси, 2010. – С. 53–66.
33. Пидаев Ш. Р. Қадимги Ўзбекистонда буддавийлик ва буддавий мерос. – Тошкент: O'zbekiston, 2011, – Б. 34.
34. Воробьева-Десятовская М.И. Новые надписи с письмом кхароштхи из Термеза // ВДИ. –М., 1974. №1, – С. 118-119.
35. Pidaev Sh, Annaev T et Fussman G. Monuments Bouddhiques de Termez. – Paris: College de France. Publications de L'Institut de civilazion indienne. Diffusion de Boccard. Fascule 79,2. 2011.– Pp.128–129.
36. Аннаев Ж. Пещерные сооружения у мавзолея ал Хаким ат-Термизий// Материалы Международной научной конференции «Актуальные проблемы механики и горного машиноведения, развития науки и интеграции ВУЗов». Международный нучный журнал. Наука, образование, техника, №2 (30), часть 2. – Ош, 2009. – С.15–18.; Jaloliddin Annaev. History and culture of the Buddhist monuments of Bactria-Tokharistan // International journal of scientific & technology research. Vol. 9, Issue 04. 2020. – P. 1378-1381. (№ 41: SCImago: 15), (№3: Scopus: 0.2)
37. Ртвеладзе Э. В. К периодизации буддийского комплекса в Айртаме // ОНУ. 1995. №. 5-6-7-8. – С. 72–76.
38. Зеймаль Т.И. Буддийская ступа у Верблюжьей горки (к типологии ступ правобережного Тохаристана) // Прошлое Средней Азии. – Душанбе, Дониш, 1987, – С. 70–86.
39. Пугаченкова Г.А. Новое в изучении Далварзинтепа // СА. – М., 1971. №4, – С. 197; Пугаченкова Г. А., Тургунов Б.А. Буддийские святилище в загородной зоне // Дальверзинтепе-кушанский город на юге Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1978. – С. 90–97; Тургунов Б.А. Раскопки второго буддийского храма на Дальверзинтепе. (Предварительное сообщения) // Античные и раннесредневековые древности Южного Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1989. – С. 81–95; Ильясов Дж. К вопросу о датировке буддийских храмов на Далварзинтепа // Археология и художественная культура Центральной Азии. – Ташкент: 1995. – С. 26–28.
40. Аннаев Т., Тиловов Б., Худойбердиев Ш. Бойсун археологик ёдгорликлари. – Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. – 40 б.; Абдуллаев К. К атрибуции тронных изображений в кушанской коропластике (по материалам крепости Паенкургана в Северной Бактрии) // ВДИ. – М., 2000. №2, – С.18–30; ўша муаллиф. Раскопки на Паенкургане в Байсунском районе (северная Бактрия) // Археологические исследования в Узбекистане -2000 год. – Самарканд. 2001. – С. 25–30.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Зарифа Аннаева,
Термиз давлат университети

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УНИНГ ЕЧИМИ БОРАСИДАГИ ҲАРАКАТЛАР

For citation: Z.M. Annaeva, ENVIRONMENTAL PROBLEMS IN UZBEKISTAN AND ACTIONS FOR ITS SOLUTION. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.163-167

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-19

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда экологик муаммолар асосий таҳдидлардан бири эканлиги, мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган сиёсат ва амалий тадбирлар хусусида маълумотлар берилган. Шунингдек, глобал миқёсдаги экологик муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик муносабатларни ўрнатиш юзасидан табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорлик тизимининг шакллантириш, табиий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шартшароитлар яратиш; экологик муаммоларни ҳал этишдаги ҳамкорликнинг тажриба, миллий асосий йўналишлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда халқаро ташкилотларнинг аҳамиятини ошириб бориш; - атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг битим ва дастурларини ишлаб чиқиш; Ўзбекистоннинг табиат муҳофазаси соҳасида давлатлараро ҳамкорлик экологик вазиятни маҳаллий, миллий, регионал ва глобаль даражада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш каби таклифлар тавсия этилган.

Калит сўзлар: экология, атроф-муҳит муҳофазаси, экологик инқироз, экологик таҳдид, экологик муаммо, экоҳаракат, экологик партия, экологик сиёсат.

Зарифа Аннаева,
Термезский Государственный Университет

ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ И ДЕЙСТВИЯ ПО ЕГО РЕШЕНИЮ

АННОТАЦИЯ

В статье представлена информация о том, что экологические проблемы являются одной из основных угроз в Узбекистане, политике и практических мерах, принимаемых в нашей стране для решения экологических проблем. А также формирование системы международного сотрудничества в области использования и охраны природы, создание природных, социальных, экономических и политических условий для налаживания международного сотрудничества в решении экологических проблем в глобальном масштабе; Опыт сотрудничества в решении экологических проблем, национальных приоритетов, повышение роли международных организаций в охране окружающей среды; - разработка

соглашений и программ международного сотрудничества в области охраны окружающей среды; Были внесены предложения, например, о межгосударственном сотрудничестве в области охраны природы в Узбекистане, с особым акцентом на улучшение экологической ситуации на местном, национальном, региональном и глобальном уровнях.

Ключевые слова: экология, охрана окружающей среды, экологический кризис, экологическая угроза, экологическая проблема, экологическое движение, экологическая партия, экологическая политика.

Zarifa Annaeva,
Termez State University

ENVIRONMENTAL PROBLEMS IN UZBEKISTAN AND ACTIONS FOR ITS SOLUTION

ABSTRACT

The article provides information that environmental problems are one of the main threats in Uzbekistan, policy and practical measures taken in our country to solve environmental problems. As well as the formation of a system of international cooperation in the use and protection of nature, the creation of natural, social, economic and political conditions for the establishment of international cooperation in solving environmental problems on a global scale; Experience of cooperation in solving environmental problems, national priorities, increasing the role of international organizations in environmental protection; - development of agreements and programs of international cooperation in the field of environmental protection; Proposals were made, for example, on interstate cooperation in the field of nature protection in Uzbekistan, with a particular focus on improving the environmental situation at the local, national, regional and global levels.

Index Terms: ecology, environmental protection, ecological crisis, ecological threat, ecological problem, ecological movement, ecological party, ecological policy.

1.Долзарблиги:

Инсоният учинчи минг йилликка илғор технологиялар, юксак ишлаб чиқариш салоҳияти, фан ва техника соҳасида мисли кўрилмаган ютуқлар билан бирга улкан экологик муаммолар қуршовида қадам қўйди. Қолаверса, дунё жаҳон суръатлар билан ўзгариб бормоқда. Шунинг учун кечаги мезонлар билан ҳозирги вазиятни объектив баҳолаш имконияти йўқ. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати, унга таъсири, муҳофаза қилиш, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланишни баҳолаш механизми ёки кенг маънода умумлаштирилган таҳлиллар сўнгги йигирма йилда катта одимлар билан ривожланди. 1992 йилда Рио-де-Жанейрода БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш борасида анжумани ўтказилди.[1] Ушбу анжуманда қабул қилинган резолюциялар Ўзбекистон учун экологик мувозанатга эришишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий ва экологик йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бормоқда.

Юртимиз мустақилликка эришгач, собиқ тоталитар тузумдан табиий ресурсларни беқарор бошқариш, шунингдек коммунал, саноат манбалари ва ерларни суғоришда фойдаланилган сувлар ҳисобига зарарланиш каби мураккаб экологик муаммоларни мерос қилиб олди. Бу мамлакат табиий ресурслари ва атроф-муҳитни бошқариш соҳасида сезиларли даражада кўпгина муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган қишлоқ хўжалиги, энергетика ва саноат тизимларидаги жиддий таркибий муаммолар ҳисобига рўй берди. Мустақил Ўзбекистонда халқ фаровонлиги, Ватан тараққиёти ва юрт тинчлиги йўлидаги кенг кўламли ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ўзгаришлар, стратегик ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчил амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда «Кучли

давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилиб, давлат ва жамият қурилиши тизими динамик ривожланмоқда. Мавжуд бой табиий ресурслар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича зарур шарт-шароитларни яратиш барқарор ривожланишни таъминловчи асосий омиллардан саналади. Бу, шунингдек, мамлакат аҳолиси саломатлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланишини чуқур англаган ҳолда мустақилликнинг дастлабки кунларидан қулай табиий муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга киришилди. Мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимизда экологик муаммоларни ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича бой тажриба тўпланди. Бу йўналишда республикада ёқилҚи ва энергиядан фойдаланиш технологияларини яхшилаш; тежамкор қурилма ва технологияларни такомиллаштириш ва жорий этиш; қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликни ислоҳ қилиш; Оролбўйи минтақасидаги экологик муҳитни реабилитация қилиш бўйича кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Мураккаб ва кенг кўламли экологик муаммолар кўптармоқли ва комплекс ёндашувни ҳамда бозор муносабатларининг шаклланиш шароитида ўта чегараланган ички ресурсларни талаб этади. Бу муаммоларни ечишда ташқи молиявий манбаларни жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ халқаро молия институтлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик асосида халқаро экологик майдонга интеграциялашувни бошлади.

2. Методлар ва мавзуга оид адабиётлар таҳлили:

2017 йилда инсониятга экологик ва геосиёсий муаммолар хатар солади. Бундай фикрга Давос шаҳридаги бутун жаҳон иқтисодий форуми мутахассислари келишди. Мутахассислар ҳаммаси бўлиб 30 та глобаль хатар ҳамда улар орасидаги нисбатни кучайтириши ёки ўзгартириши мумкин бўлган 13 та тенденцияни белгилаб олишди. Хатарлар 5 та: иқтисодий, экологик, геосиёсий, ижтимоий ва технологик тоифаларга бўлинган.

Бизнинг фикримизча, узоқ муддатли иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг ўта муҳим ва самарали йўли, бу уни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлашдадир. Бутун ҳудудда халқаро-ҳуқуқий нормаларни тан олинишининг бирдан-бир асосий йўли икки ва кўп томонлама шартнома ҳамда келишувларни имзолашдир. Бугунги кунда Ўзбекистон турли соҳалардаги халқаро муносабатларни тартибга солувчи кўплаб конвенция ва келишувларни имзолади ҳамда кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистон Рио Декларациясини имзолади, Иқлим ўзгариши Конвенцияси, Киото Протоколи, Монреал Протоколига Лондон, Копенгаген, Монреал, Пекин тузатишлари, Чўлланишга қарши кураш бўйича БМТ Конвенцияси, Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция, Базель Конвенцияси, Ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси Конвенцияси, Бонн Конвенцияси, Рамсар Конвенцияси, Бутунжаҳон ва маданий меросни муҳофаза қилиш Конвенцияси ва бошқа кўплаб экологик йўналишдаги халқаро шартномаларга қўшилди. Ҳозирги кунда ушбу халқаро ҳужжатларда юклатилган мажбуриятларни бажариш бўйича сезиларли ўсишга эришилди. Ўзбекистон Республикаси томонидан олиб борилаётган экологик сиёсат натижасида инсон саломатлигига хавфлилик даражаси юқори бўлган ҳудудларда атрофмуҳит сифати яхшиланди ва экотизим барқарорлашди. Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни соғломлаштириш, яъни кичик сув ҳавзаларини, ичимлик суви сувўтказгичларини қуриш ишлари самарали амалга оширилмоқда. Охирги 20 йилда атмосферага ифлослантирувчи чиқиндиларни ташлаш 2,1 бараварга, заҳарли оқава сувлар 2 бараварга камайди. Пестицидлардан фойдаланиш охирги 5 йилда 5 бараварга қисқарди. Ҳозирги пайтда пахта яккаҳокимлигига барҳам берилиб, пахтазорлар умумий экин майдонининг 40 фоизини ташкил этаётир. Миллий қўриқхона, боғ, буюртма қўриқхона ва экологик марказлар ривожланди. Ўзбекистоннинг халқаро конвенциялардаги иштироки истиқболлари ҳақида сўз борар экан, юқоридаги конвенцияларда белгиланган мажбуриятлар ижроси назоратини кучайтириш билан бирга «Трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисида»ги (ЭСПО), «Турғун органик ифлослантирувчи моддалар

тўғрисида»ги (Стокгольм), «Саноат фалокатларининг трансчегаравий таъсири», «Узоқ масофаларда ҳавонинг трансчегаравий ифлосланиши», «Атроф-муҳитга алоқадор масалалар бўйича ахборотга эга бўлиш, адолатли ҳал этишга ва қарорлар қабул қилиш жараёнига жамоатчиликнинг қатнашишига розилик бериш тўғрисида»ги (Орхус) конвенцияларига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши масаласини ижобий ҳал этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бутун жаҳонда хавф солаётган муаммолардан бўлган экология масаласига давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак" асарида [2] жуда муҳимлиги эътироф этилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" [3] китобида экологик таҳдидлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилган. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида экологик омиллар моҳияти атроф муҳитнинг организмлар фаолиятига ўзига хос таъсир этувчи маълум шароитлари ва элементлари мажмуи [4] деб тариф берилган. Инсон фаровонлигини экологик инқироз ҳисобига ошириш яқин келажакда ўзининг салбий оқибатларини кўрсатиши аниқ [5]. Унинг ягона йўли экологик иқтисод ёки яшил иқтисодга ўтишдир. Жаҳонда хавф солаётган таҳдидлардан экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича, бутун жаҳон хамжимяти биргаликда бир ёқадан бош чиқарган ҳолда[6] ҳал этилиши лозимлигин алоҳида таъкидлаш зарур.

Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев ".... Мамлакатимизда экологиянинг жиддий муаммоларни ҳал қилиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаётганлиги" ҳақида тўхталиб ўтилган [7].

3. Тадқиқот натижалари:

Экологик таназзулнинг келиб чиқишига асосий сабаб эса иқтисодий ўсиш ва жамиятнинг истеъмолчилик салоҳиятининг ошганлигидир. Яна бир муаммо, ҳануз жаҳон ҳамжамияти глобал биосферадан фойдаланишнинг ҳуқуқий мақомини белгилагани йўқ. Инсониятнинг умумий бойлиги бўлган табиатдан оқилона фойдаланишнинг якдил механизми ишлаб чиқилмади. Она Сайёрамиз заҳираларидан фойдаланишнинг аниқ ҳисоби олиб борилмаяпти. Ернинг биосфера қобиғидан фақатгина энг ривожланган давлатларгина фойдаланишмоқда. Ғарб мамлкатлари ва АҚШ глобал экологик салоҳиятдан фойдаланишдаги юқори улушидан воз кечгилари йўқ. Бу эса уларнинг деградацияси ва талон-тарож бўлишига олиб келмоқда. Агарда атрофга боқсангиз дунё барқарор ривожланишга тескари равишда ҳаракат қилмоқда. Инсон фаровонлигини экологик инқироз ҳисобига ошириш яқин келажакда ўзининг салбий оқибатларини кўрсатиши аниқ. Унинг ягона йўли экологик иқтисод ёки яшил иқтисодга ўтишдир. Буни ЮНЕП бир неча маротаа ўз маърузаларида қайд этган эди. Яшил иқтисод бу қувватни тежовчи буюмларни ишлаб чиқариш, муқобил энергиядан фойдаланиш, атмосферага заҳарли газларни чиқармайдиган, электр қуввати билан юрадиган транспортдан фойдаланиш, сувни тежаш, тупроқ унумдорлигини оширишда кимёвий моддалардан фойдаланмаслик ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Мутахассисларнинг фикрига кўра бугунги кундаги мавжуд экотехнологиялардан самарали фойдаланилса электр қувватини 2 баробар, 2025 йилга келиб автомобиллар томонидан ёқиладиган ёнилғини 50 фоизга камайтириш мумкин. Қолаверса, Ер заҳираларидан фойдаланиш ҳуқуқи, эркинлиги ва мажбуриятларини ишлаб чиқиш вақти келди.

2011 йилниг декабрь ойида Европа қўмитаси 2050 йилгача мўлжалланган «2050 йилнинг энергетик йўл харитаси"ни ишлаб чиқди. Унга кўра 2050 йилга келиб ҳавога чиқарилаётган карбонот ангидрид миқдори 1990 йилга нисбатан 80%га камайтирилиши, қайта тикланадиган қувват манбаини ишлаб чиқарадиган электр қувватидан 75% га фойдаланиш режаси белгиланганди. Мазкур ҳужжатнинг кучга кириши бугунги кунда Европада шамол, қуёш қувватидан, шунингдек биоёқилғидан самарали фойдаланишга ва уларни ишлаб чиқарилишининг арзонлашувига олиб келди.

Бугунги кунда юртимизда экологик хавфсизликни таъминлаш учун изчил институционал ва ташкилий чоралар кўрилмоқда. Айтиш жоизки, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган ҳамда тегишли халқаро нормаларга мос ҳуқуқий база яратилган. Мамлакатимиз БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиёт соҳасидаги энг муҳим конвенциялари, Барқарор Ривожланиш Мақсадларига қўшилиб, зиммасига олган барча мажбуриятларни бажариб келмоқда. Табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилган, мақсадли давлат дастурлари, миллий ҳаракат режалари ҳаётга татбиқ этилаётир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим қисми бўлган ушбу хайрли ишларда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

4. Хулоса ва таклифлар Умуман олганда дунё миқёсидаги экологик муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик муносабатларни ўрнатишда қўйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

- табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорлик тизимининг шакллантириш, табиий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шартшароитлар яратиш;
- экологик муаммоларни ҳал этишдаги ҳамкорликнинг тажриба, миллий асосий йўналишлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда халқаро ташкилотларнинг аҳамиятини ошириб бориш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг битим ва дастурларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистоннинг табиат муҳофазаси соҳасида давлатлараро ҳамкорлик экологик вазиятни маҳаллий, миллий, регионал ва глобаль даражада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш ва барқарор ривожланишга ўтиш учун биосферанинг экологик салоҳиятидан ўйлаб, режа асосида, унга зарар етказмаган ҳолда фойдаланиш лозим.

Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Правда Востока, 1992 год 7 сентября (The Truth of the East, 1992 September 7)
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатьий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.: Ўзбекистон, 2017, 19-б. (Mirziyoev Sh.M. Critical analysis, strict discipline and personal responsibility should be the daily rule of every leader’s activity. - T. : Uzbekistan, 2017, 19-p.)
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Молия.2002. 11-14-б. (Karimov I.A. Uzbekistan on the threshold of the XXI century: threats to security, conditions of stability and guarantees of development. -T. : Finance.2002. 11-14-p.)
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Т.: Давлат илмий.2005. 164б. (National Encyclopedia of Uzbekistan. -T. : State Scientific.2005. 164p.)
5. UNEP, 2011, Towards a Green Economy: Pathways to Sustainable Development and Poverty Eradication, (предварительныйвариант), http://www.unep.org/greeneconomy
6. Плеханов С.И. Солнце – это жизнь, а не батарейка. Химия и жизнь, №8 стр. 2012, с.2-5 (Plekhanov S.I. The sun is life, not a battery. Chemistry and Life, No. 8 p. 2012, p. 2-5).
7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатьий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.: Ўзбекистон, 2017, 19-б. (Mirziyoev Sh.M. Critical analysis, strict discipline and personal responsibility should be the daily rule of every leader’s activity. - T. : Uzbekistan, 2017, 19-p.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Сардор Сайриддин ўғли Аҳмедов,
Термиз Давлат университетининг
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

СУРХОНДАРЁ ТОЖИКЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ КИЙИМЛАРИ

For citation: Sardor S. Akhmedov, TRADITIONAL CLOTHING OF SURKHANDARYA TAJIKS. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.168-173

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-20

АННОТАЦИЯ

Миллий кийимлар – халқ маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, уларни кузатиш асосида турли халқларнинг анъаналарини ўрганиш мумкин. Кийим тайёрлаш кўп жиҳатдан аҳоли яшаб турган ижтимоий муҳит, географик шароит ва хўжалик шакллари билан боғлиқ бўлган. Жумладан, Сурхон воҳаси тожик аҳолисининг анъанавий кийимлари асосан пахта ва жундан тайёрланган. Ушбу мақолада Сурхон воҳаси тожикларининг анъанавий кийимлари ва уларнинг аҳоли ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзлар: курта, пешчак, билакузук, кифтаки, сирға, зебигардон.

Сардор Сайриддин оглы Ахмедов,
Преподаватель кафедры Всемирной истории
Термезского государственного университета

ТРАДИЦИОННАЯ ОДЕЖДА СУРХАНДАРЬИНСКИХ ТАДЖИКОВ

АННОТАЦИЯ

Национальные одежды являются неотъемлемой частью народной культуры, и на основе их наблюдения можно изучать традиции различных народов. Производство одежды во многом было связано с социальной средой, географическими условиями и хозяйственными формами, в которых проживало население. В частности, традиционная одежда таджикского населения Сурханского оазиса в основном изготавливалась из хлопка и шерсти. В данной статье представлена сведения о традиционной одежде таджиков Сурханского оазиса и их значение в социальной жизни населения.

Ключевые слова: курта, пешчак, браслет, кифтаки, серьги, зебигардон.

Sardor S. Akhmedov,
Lecturer at the Department of World History
Termez State University

TRADITIONAL CLOTHING OF SURKHANDARYA TAJIKS

ABSTRACT

National clothes are an integral part of folk culture, and on the basis of their observation, one can study the traditions of various peoples. The production of clothing was largely associated with the social environment, geographic conditions and economic forms in which the population lived. In particular, the traditional clothing of the Tajik population of the Surkhan oasis was mainly made of cotton and wool. This article presents information about the traditional clothing of the Tajiks of the Surkhan oasis and their importance in the social life of the population.

Index Terms: kurta, peschak, bracelet, kiftaki, earrings, zebigardon.

1. Долзарблиги:

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг анъанавий кийимлари бўйича кўпгина тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, Сурхон воҳасига хос бўлган кийимларни ўрганиш алоҳида илмий тадқиқот даражасига қадар кўтарилган. Шу билан бирга воҳа тожикларининг кийим-кечак тайёрлаш усуллари, шунингдек, бу соҳадаги удум ва маросимлар етарлича тадқиқ этилган эмас. Мазкур соҳада олиб борилган тадқиқотлар ҳам муаммони етарлича қамраб олмайди. Бу эса масаланинг долзарб эканлигидан далолат беради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

2. Гучетль А.Р. Идентичность: интердисциплинарный анализ//Новые технологии. – 2012. - №1. (Guchetl A.R. Identity: interdisciplinary analysis // New technologies. - 2012. -№1.)
3. Жаде З. А. Проблема идентичности в современных социальных теориях// Философия и общество, 2007.-№2 (Zhade Z. A. The problem of identity in modern social theories // Philosophy and Society, 2007.-№2)

4. Жаде Г. А. Геополитическая идентичность России в условиях глобализации. Автореф. дисс…д. полит. н. – Краснодар, 2007. (Jade GA Geopolitical identity of Russia in the context of globalization. Abstract of the thesis. diss. .. d. polit. n. - Krasnodar, 2007.)
5. Мармилова М.А Проблема культурной идентификации личности в современном мире//Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук.- 2014. (Marmilova MA The problem of cultural identification of the individual in the modern world // Actual problems of the humanities and natural sciences. - 2014.)
6. Мансуров Т. З. Теоретико-методологические подходы к проблеме региональной идентичности в политической науке //Ученые записки Казанского университета. Серия Гуманитарные науки Выпуск № 1 / том 153 / 2011. (Mansurov TZ Theoretical and methodological approaches to the problem of regional identity in political science // Scientific notes of Kazan University. Series Humanities Issue No. 1 / volume 153/2011.)
7. Фарукшин М.Х., Зазнаев О.И. Политическая идентичность в контексте политической культуры. – Казань: Центр инновац. технол., 2009. (7. Farukshin M.Kh., Zaznaev O.I. Political identity in the context of political culture. - Kazan: Center for Innovation. tehnol., 2009.)
8. Тимофеев И.Н. Политическая идентичность России в постсоветский период: альтернативы и тенденции. – М.: МГИМО-Университет, 2008. (8. Timofeev I.N. Political Identity of Russia in the Post-Soviet Period: Alternatives and Trends. - M. : MGIMO-University, 2008.)
9. Попова О.В. Особенности политической идентичности в России и странах Европы // Политические исследования. – 2009. – № 1. (9. Popova O.V. Features of political identity in Russia and European countries // Political studies. - 2009. - No. 1.)
10. Tishkov V. (2000) Forget the ‘Nation’: Post-nationalist Understanding of Nationalism. Ethnic and Racial Studies, vol. 23, no. 4, pp. 625–650.
11. Renan E. (2006 [1882]) Chto takoye naciya? [What is a nation?]. Khronos (http://www.hrono.ru/statii/2006/renan_naci.php).
12. Hamdamovich, RA (2020). Ozbeklarda farzand tarbiyasi va oilaviy munosabatlar masalasini organilishi tarixshunosligi. O'tmishga nazar jurnali, 9 (3). Хамдамович, Р.А. (2020). Историческое изучение детских и семейных отношений в узбекистане. Журнал прошлого, 9 (3). Hamdamovich, RA (2020). Historical studies of children's raising and family relations in Uzbekistan. Journal of the Past, 9 (3).
13. Ubaydullayeva B.M. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL 11 (1), 643-649. (2021). Б.М. Убайдуллаева АКАДЕМИКА: МЕЖДУНАРОДНЫЙ МНОГОДИСЦИПЛИНАРНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ЖУРНАЛ 11 (1), 643-649. (2021 г.).
14. XX asr boshlarida O‘zbekistonning tog‘li tumanlarining etnik tarkibi (Sangzor-Zomin viloyati misolida) AD Bababekov - Nazariy va amaliy fanlar, 2019 - elibrary.ru; Этнический состав горных районов Узбекистана в начале XX века (на примере Сангзор-Зааминского района) А.Д. Бабабеков - Теоретические и практические науки, 2019 - elibrary.ru; Ethnic composition of mountainous areas of Uzbekistan in the early twentieth century (on the example of Sangzor-Zaamin region) AD Bababekov - Theoretical and practical sciences, 2019 - elibrary.ru

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Назокат Мамасоатовна Бозорова,
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси
илмий тадқиқотчиси

ТАРИХ ДАРСЛАРИДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИГА ОИД МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

For citation: Nazokat M. Bozorova, METHODS OF USING WORLD WAR II SOURCES IN HISTORY LESSONS. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.186-191

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-23

АННОТАЦИЯ

Таълим самарадорлигига бўлган эътиборнинг кучайиши жараёнида Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиш, миллий ифтихор руҳини сингдиришга ёрдам беради. Айниқса, мактабларда тарих фанини ўқитишда тарихий манбалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Негаки, манбалардан дарс жараёнида фойдаланиш ўқувчиларда тарихнинг муайян даврига нисбатан қизиқишини ортишига, унинг тасаввурларини кенгайтиришига ёрдам беради. Шу билан бирга ўқувчиларда ижодкорлик руҳиятини ўстиришга кўмаклашади. Ушбу мақолада тарих фанини ўқитишда манбалардан фойдаланиш методикаси ёритиб берилади.

Калит сўзлар: Тарих дарслари, баҳолаш, умумтаълим мактаблари, ахборот-коммуникация технологиялари, таълим самарадорлиги, ижодкорлик.

Назокат Мамасоатовна Бозорова,
Научный соискатель
кафедры Всемирной истории
Термезского государственного университета

МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСТОЧНИКОВ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ В УРОКАХ ИСТОРИИ

АННОТАЦИЯ

Углубленное изучение истории Узбекистана в процессе повышения внимания к эффективности образования поможет привить дух национальной гордости. Использование исторических источников становится все более важным, особенно при преподавании истории в школах. Так как, использование источников на уроках помогает повысить интерес учащихся к тому или иному периоду истории, расширить их воображение. В то же время это помогает развивать творческий дух у учащихся. В данной статье описана методика использования источников в преподавании истории.

Ключевые слова: уроки истории, оценивание, общеобразовательные школы, информационно-коммуникационные технологии, эффективность обучения, творчество.

Nazokat M. Bozorova,
Scientific applicant of the Department
of World History of Termez State University

METHODS OF USING WORLD WAR II SOURCES IN HISTORY LESSONS

ABSTRACT

In-depth study of the history of Uzbekistan in the process of increasing attention to the effectiveness of education will help to instill a spirit of national pride. The use of historical sources is becoming more and more important, especially when teaching history in schools. Since the use of sources in the classroom helps to increase the interest of students in a particular period of history, to expand their imagination. At the same time, it helps to develop a creative spirit in students. This article describes a methodology for using sources in history teaching.

Index Terms: history lessons, assessment, general education schools, information and communication technologies, learning effectiveness, creativity.

---

1. Долзарблиги:

Мамлакатимиз умумтаълим мактабларида тарих дарсларини ўқитишда иккинчи жаҳон урушига оид манбалардан фойдаланиш методикасини қарор топтириш, тарих дарслари сифат ва самарадорлигини мустаҳкамлаш, дарсларда ўқувчиларнинг тарих фанига бўлган қизиқишини оширишда турли методик усулларни кенг тарғиб қилишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” каби устувор вазифалар белгилаб берилган. Шунинг ўзи ушбу масаланинг нечоғлик долзарб вазифага айланганлигидан далолат беради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолани ёритишда ҳудудий ёндошув, қиёсий ва статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди. Унда тарих дарсларида иккинчи жаҳон уруши йиллари мавзусини ўрганишда манбалардан фойдаланиш методикаси ёритилади.

Тарих дарсига қўйиладиган замонавий талабларнинг ошиши, дарс турларининг ранг-баранглиги, тарихий манбаларга эътиборнинг кучайиши, замонавий педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг кундалик эҳтиёжга айланиши бугунги таълимнинг асл манзарасидир. Қолаверса, таълим самарадорлигига бўлган эътиборнинг заруратга айланиши жараёнида Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиш, ёшларни ўтмишимизнинг бой маданий ва маънавий мероси, жаҳон илмий тафаккури ва маданиятига қўшган ҳиссаси билан таништириш, маданиятимизнинг беназир алломалари номларини ҳурмат билан тилга олиш, улар билан фахрланиш, миллий ифтихор руҳини сингдиришга ёрдам беради. Шу боис, давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланди. Мазкур муҳим ва долзарб масаланинг самарали ечимини топиш учун ёш авлоднинг тарихий онгини шакллантириш каби вазифа кун тартибидан жой олиши зарур. Бунинг учун, назаримизда, энг аввало тарих дарси билан боғлиқ бўлган ўқув жараёнида ижодкорлик муҳитини вужудга келтириш лозим. Ўқувчи тарихий ҳодиса-воқеалар, тарихий саҳна-манзараларни чуқур англаши учун унда ижодкорлик руҳини уйғотиш йўлларини излаш керак. Акс ҳолда мавҳум тасаввур билан ёки ёдлатиш усули орқали ўргатишга ўхшаган методлар замон талабига мутлақо жавоб бермайди.

Яна бир муҳим омил, ўқувчилар фаолиятини муайян тартиб асосида ташкил этиш, яъни олдинги дарсларда ўтилган мавзуларни кейинги дарслар мазмуни билан мунтазам тарзда иложи борича узвийлигини излаб топиш зарур. Бу ишни ташкил этар эканмиз, дарсларда тарихий манбалардан оқилона фойдаланиш лозим бўлади. Хусусан, тарих дарсларида иккинчи жаҳон урушига оид бўлган асарлар, фотосуратлар, ҳужжатли фильмлар, аудио ёзувлар, жангчи хатлари ва бошқа манбалардан фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ана шундай манбалар қаторида С.Турсунов, Т.Пардаев, И.Умаров [1; 2; 3] каби тарихчи олимларнинг асарларини кўрсатишимиз мумкин. Дарсларни методик жиҳатдан ташкил этишда Ж. Йўлдошев, С. Усмонов [4], Т.Тошпўлатов, Я. Ғаффоров [5] кабиларнинг асарларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3. Тадқиқот натижалари:

Албатта, ҳар бир педагог учун муҳимроқ бўлган яна бир омил – тарих дарсларида ўқувчилар жамоаси орасида ўзаро дўстона муҳитни вужудга келтириш муҳим аҳамият касб этади. Ижодкорлик руҳини уйғотиш деганда нима назарда тутилади? Бунда тарих дарсида қўлланиладиган ижодий топшириқлар орасида тарихнинг маълум бир мавзуларида ижодий ишларни ёзиш муҳим ўрин эгаллайди. Ижодий иш ёздириш орқали бир вақтнинг ўзида ўқувчиларда ёзма нутқни ривожлантириш, тарихий саналар, воқеалар, шахслар ва тарихий жойларни тасаввур қилиб, уни ёзма ифода этиш ижодий ҳамда тарихий тафаккур шакллантирилади. Ижодий ёзма ишлар учун танланадиган мавзулар ҳам албатта маълум талаблардан келиб чиқиши лозим. Жумладан, мисол тариқасида қуйидагича мавзуни танлаш мақсадга мувофиқ: «Мен иккинчи жаҳон уруши тарихига ҳақида нималарни биламан? (масалан, ўзбекистонликларнинг урушга қўшган ҳиссаси). Бундай мавзуни ёритишда, табиийки, ўқувчи 1941-1945 йиллардаги воқеаларга хаёлан ташриф буюриши, уруш жараёни, воҳанинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, воҳа аҳолисининг уруш йилларидаги турмуши, воҳадан қанча кишилар жангга кетганлиги, фронт ортида туриб меҳнат қилган кишилар сони ҳақида маълумотларни келтириши керак. Масалан, уруш йилларида қаҳрамонлик кўрсатган шерободлик Тилло Файзиева, Вера Вялочкина, Анна Шумихина, А.И.Фомина, А.Ф.Марченко каби ўнлаб аёлларнинг номлари ҳарбий-тарихий солномаларда қайд этилганлигини [6] мисол тариқасида келтирилиши мумкин. Натижада, у бир вақтнинг ўзида бошқа фанлардан олган билимларини ҳам қайта тиклаш, эсга олиш, ўзаро боғлаш амалларини ишга солади.

Шу мазмунда тарих дарслари доирасида ижодий ёзма ишлар учун мавзулар ранг-баранг бўлиши ўқувчининг қизиқишини оширади, мисол учун, «Маҳалламиз фахри», «Сурхон воҳаси аёлларининг фронт ортида кўрсатган қаҳрамонликлари», «Уруш номинг ўчсин жаҳонда». Бу мавзуларни ёритишда ўқувчи албатта тарихнинг ўша даврини тасаввур қилиб, ўша давр руҳини сезиб, маълум даражада ўзини ўша давр мулозими сифатида кўрсатиши лозим бўлади.Бунинг учун ўқувчилар 1941 йилнинг 15 октябрига қадар вилоят бўйича 800 хотин-қиз “Фронтга кетган йигитларнинг ўрнини олиш керак” деган чақириқ билан чиққанлиги [7], урушнинг дастлабки ойларида МТСи қошида ташкил қилинган қисқа муддатли тракторчилар тайёрлаш курсини Шеробод туманидан 83, Жарқўрғон туманидан 62, Бойсун туманидан 70 хотин-қиз трактор бошқариш сирларини ўрганганлиги [8] ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши лозим.

Тарих дарсларида ўқувчилар фаоллигини ошириш мақсадида ўқитувчи албатта яна бир жиҳат – синфдаги муҳитни тўғри баҳолашни инобатга олиши керак. Айнан шу ўринда дарс мазмунидан келиб чиқиб муаммоли вазиятни юзага келтириш мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаш жоизки, муаммоли вазиятни ўқув машғулотларининг барчасида шакллантириш мумкин. Уни дарс жараёнида қанча кўп шакллантириш ўқитувчига боғлиқ. Муаммоли вазиятнинг аҳамияти шундаки, у ўқувчилар диққатини бир жойга (муаммога) қаратади ва ўқувчиларни изланиш, фикрлашга ўргатади. Муаммоли вазиятни яратганда ўқитувчи ўқувчилар ўз диққатларини нималарга қаратишлари кераклигини айтиши мақсадга мувофиқдир. [9] Бунинг учун ўқитувчи:

1. «Сиз яшаб турган маҳаллангизда урушга ўз ҳиссасига қўшган қаҳрамонлардан кимларни биласиз?» деган саволни қўйиб муаммоли вазиятни яратади ва ўқувчиларнинг фикрларини эшитади. Барча фикрларни эшитгач, саволга якуний хулоса эълон қилинади.

2. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган кишиларни қаҳрамонликларини таҳлил қилинг. Нима учун фашизм енгилди? Бу савол билан ўқитувчи иккинчи муаммоли вазиятни вужудга келтиради. Ўқувчилар ечим жараёнида ўқитувчи билан бирга ҳаракат қилиб, муаммо юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этиб, муаммонинг ечимига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Тарих дарсларида ижодкорлик руҳини уйғотишда харита билан ишлаш ҳам яхши самара беради. Бунинг учун харита биланишлаш, харита орқали у ёки бу воқеалар ривожини кузатишни ўргатиш шогирдлар қалбида тарихий ҳодисаларга нисбатан синчковлик туйғусини уйғотади. Қуйида харита орқали ижодий ишни ташкил қилиш учун топшириқлардан намуналар келтирилади.

Иккинчи жаҳон уруши бўлиб ўтган ҳудудлар харитасини ишлаш.

Ушбу жараёнда ўқитувчининг асосий вазифаси нимадан иборат бўлади? Аввало, ўқувчилар мустақил ҳолда харита ишлаганда уни турли расмлар, иллюстрация ва изоҳлар билан тасвирлашларига алоҳида аҳамият бериш керак. Иккинчидан, харита тузишда ўқувчиларга география фанидан харита тузишга қўйиладиган талабларни эслатиш ва зарурат туғилганда уларни тушунтириш лозим. Тарих дарси машғулотларида ўқувчиларнинг ижодкорлик руҳини ривожлантиришда синфда баҳс, мунозара ва, энг самаралиси, дебатлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Дебатлар ўқувчиларни танқидий фикрлаш, турли масалаларни ўрганиш ва ўзлари ҳақ эканлигига бошқаларни ишонтиришга ўргатади [10].

Бу ҳолда ўқитувчига қўйиладиган талаб асосан ўтказиладиган дебатнинг мавзуси аниқ, тасдиқловчи тугалланган фикр шаклида бўлишини ташкил этиш ва таъминлашдан иборат бўлади. Мисол тариқасида, тарих дарсларида қуйидаги мавзуларда дебат ўтказиш мумкин:

1. Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон халқи ўз ҳиссасини қўшдилар.

2. Урушда иштирок этган барча халқларнинг бирдамлиги урушнинг ғалаба билан якунланишига сабаб бўлди.

3. Фронт ортида кишиларнинг меҳнати жангчилар қаҳрамонликларига сабаб бўлди.

Тарих дарсларида дебат ўтказиш учун ўқувчилар ва ўқитувчининг ўзи ҳам махсус тайёргарликка эга бўлиши ҳамда дебатнинг мавзуси олдиндан эълон қилиниши шарт. Албатта, ўқувчиларнинг тарихий онг, тарихий хотирасини шакллантиришда уларнинг ижодий фикрлаши, мустақил билим эгаллаш кўникмаларини ривожлантириш жуда муҳим. Шу ўринда ўқувчиларнинг ўзларида мавжудбилим, кўникма ва малакаларни турли вазиятларда қўллаш орқали янги маълумотларни ўзлаштиришда дарсда ташкил этилиши мумкин бўлган дидактик ўйинлар ҳам катта роль ўйнайди. Бундай ўйинлар асосан жамият ҳаётидан олинади.

Ўқувчиларнинг ижодий изланиши, мустақиллиги, мантиқий фикрлашини ривожлантириш, қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларни қондиришда шубҳасиз ижодий ўйинларяхши самара беради. Тарих дарсларида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни ўқувчилар гуруҳининг ўзаро ҳамкорликда аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ижодий изланиш ва қўллаш орқалиҳал этишга қаратилган дидактик ўйинлар табиий ҳолда ўқувчининг ижодий руҳини уйғотади ҳамда ривожлантиради. Чунки бундай дидактик ўйинли дарсларда ўқувчилар ҳамкорликда ишлаб, ўз билимларини янгивазиятларда қўллаб, янги билимларга эга бўладилар. Натижада ўқувчиларда ўз билим вақобилиятларига ишонч ҳосил бўлади, ҳар бирўқувчи сидқидилдан ҳар қандай пухта тайёргарлик муваффақият гарови эканлигини англаб, чинакам билим олишга жиддий киришади.

Умуман олганда, тарих дарсларида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш масаласи ёшлар маҳаллий иккинчи жаҳон уруши тарихига оид бўлган манбаларга қизиқиши, жумладан, ўз тарихига бўлган муҳаббат туйғуларини шакллантириш муаммолари ва уларнинг ечимига йўналтирилади. Аммо бу фақат шу тор доирадаги вазифалар дегани эмас. Айнан тарих дарсларида ёшлар фаоллигини ошириш масаласини назарда тутиб, ўқитувчи

шогирдларининг ҳар қандай ҳаётий воқеага шахсий фикри, хулосаси ҳамда муносабатини ифодалашини шакллантириб ривожлантира боради. Юқорида таъкидлаганимиздек, ижодкорлик муҳитини яратишда барча дарсларда бўлгани каби тарих дарсларида ҳам муаммоли вазиятлар алоҳида аҳамиятга эга. Муаммоли ўқитиш ўқитувчидан маҳорат талаб қилади ва табиийки, ўқувчини ҳам шунга ундайди. Муаммоли вазиятни вужудга келтириш, маҳаллий иккинчи жаҳон урушига оид манбалар билан ишлашда муаммони ҳалқилиш учун ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш, мустақил фикр юритишга жалб қилиш ўқитувчининг ўзидан ҳам ижодкорликни талаб этади. Бундай жараёнда ўқувчилар изланишлар, ўрганишлар натижасида манбалардан унумли фойдаланиш орқали мустақил фикрлаш ва мустақил тафаккур юритишни ўзлаштира оладилар.

Тарих фани ўқитувчиси ҳамиша бир қоидани ёдда тутиши лозим. Бу қоиданинг талқинига кўра, тарих фани, энг аввало, ҳар бир фуқарони, айниқса, ёшларимизни халқ ўтмишининг мазмуни ва моҳиятини англаш,бой маънавий ва маданий меросимизни қадрлаш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, пировард улар билан юрак-юракдан ифтихор қилишга ўргатади. Ўзимизнинг бой ўтмиш меросимиздан руҳий мадад ва ибрат намунасиниолишга кенг ва бепоён имкон яратади. Одамлар қалбида эзгулик ва яхшилик туйғуларини шакллантириб, бугунги авлод кимларнинг авлоди эканини ойдинлаштириб, кимларнинг зоти ва ворислари эканини англашга йўналтиради.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтиш мумкинки:

1) Бугун фанни ўқитиш методикасида таълимнинг турли усул ва воситалари илмий жиҳатдан асослаб берилган. Ўқитувчи танлаган дидактик материалнинг мазмун ва характеридан келиб чиқиб, унга мос тарзда усулва воситаларни қўллаб, таълимий фаолиятига тўғри жорий қилишни йўлга қўйса, ўқувчинингфаоллигини ошириш масаласининг ечими енгилроқ бўлади;

2) Иккинчи жаҳон урушига оид манбаларидан фойдаланишда дарс ишланмасини тайёрлаш жараёнида ўқитувчи албатта ўқувчиларнинг билиш имкониятларини инобатга олса, уларнинг тарихий билимларини шакллантириш нисбатан осон кечади.

Иқтибослар/Сноски/ References:

1. Турсунов С., Пардаев Т. Унутилмас жасорат. –Тошкент, 1995. (Tursunov S., Pardaev T. Unforgettable courage. –Tashkent, 1995.)
2. Соатов О., Турсунов С., Умаров И., Тошев К. Фронтдан келган хатлар. –Тошкент: Тафаккур, 2020. (Soatov O., Tursunov S., Umarov I., Toshev K. Letters from the front. –Tashkent: Tafakkur, 2020.)
3. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). –Тошкент, 2014. (Umarov I., Rakhmonov H., Khudoyberdiev E. Ethnic history and ethnocultural processes in the Surkhan oasis (on the example of the xatak tribe). –Tashkent, 2014.)
4. 4.Йўлдошев Ж., Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш. – Тошкент, 2008. (Yuldashev J., Usmonov S.A. Introduction of modern pedagogical technologies. – Tashkent, 2008.)
5. Тошпўлатов Т., Ғаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. –Тошкент: Университет, 1999. (Toshpulatov T., Gafforov Ya. Methods of teaching history. – Tashkent: University, 1999.)
6. Турсунов С. Хотира - барҳаёт, қадр - мангу. –Тошкент: Фан, 2010. – Б.10-11. (Tursunov S. Memory is eternal, dignity is eternal. –Tashkent: Fan, 2010. –P. 10-11.)
7. Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 203. (Tursunov S., Qobilov E., Pardaev T., Murtazoev B. Surkhandarya in the mirror of history. –Tashkent: Sharq, 2000. – P. 203.)
8. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Тошкент: Akademnashr, 2011. – Б. 108-110. (Tursunov S., Rashidov Q. Boysun. –Tashkent: Akademnashr, 2011. – P. 108-110.)

9. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари (ўқув қўлланма). – Тошкент: Фан, 2006. –Б.36. (Tolipov O., Usmonboeva M. Application bases of pedagogical technologies (textbook). –Tashkent: Fan, 2006. –P. 36.)
10. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. –Б.37. (Tolipov O., Usmonboeva M. Application bases of pedagogical technologies –P. 37.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Элбек Ботиров,
ЎзМУ ўқитувчиси
elbekalisherovich91@gmail.com

МАРКАЗИЙ ОСИЁ БОЖХОНА ИШИ ЭВОЛЮЦИЯСИ: САВДО ЙЎЛЛАРИ, НАЗОРАТ МАСКАНЛАРИ ВА БОЖ ЙИҒИМЛАРИ ТАРИХИДАН

For citation: Elbek Botirov, CUSTOMS EVOLUTION IN CENTRAL ASIA: FROM THE HISTORY OF TRADING ROADS, POSTS AND CUSTOMS TARIFFS. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.192-198

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-24

АННАТОЦИЯ

Мазкур мақолада Марказий Осиё божхона тарихига доир маълумотлар таҳлили қилиниб, минтақада мавжуд савдо йўллари, назорат таянч масканлар, хонликлар даврида мавжуд карвон-саройларнинг божхонага доир вазифалари, товар ва йиғимлар миқдори, чегара давлатлар билан савдо муносабатлари, транзит савдода воситачилик ва бож масалалари каби жараёнлар ёритиб берилган. Марказий Осиёда божхона соҳасидаги ташкилий-бошқарув хусусиятлари, қонунчилик нормалари (диний қоидалар асосида), иқтисодий-молиявий жиҳатлар ўрганиб чиқилди, манбалар таҳлил қилинди. Ўрта Осиё хонликларида мавжуд божхоналар товар-пул муносабатлари ва иқтисодий ҳаётга таъсири очиб берилди.

Калит сўзлар: савдо йўллари, дастлабки бож масканлари, “божкиромлик”, “тариф” мазмуни, карвон-сарой, маҳаллий бож йиғимлари, транзит савдо, воситачилик тушунчаси, божсиз товарлар ва имтиёзлар, кантрабанда.

Элбек Ботиров,
Преподаватель
Национального университета Узбекистана
elbekalisherovich91@gmail.com

ЭВОЛЮЦИЯ ТАМОЖЕННОСТИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ: ИЗ ИСТОРИИ ТОРГОВЫХ ДОРОГ, КОНТРОЛЬНЫХ МЕСТ И ТАМОЖЕННОГО СБОРА

АННАТОЦИЯ

В статье анализируются данные таможенной истории Центральной Азии, охватывающие существующие торговые пути в регионе, контрольные базы, таможенные пошлины караван-сараев в период ханства, количество товаров и сборов, торговые отношения с приграничными странами, посредничество и таможня в транзитная торговля. Изучены организационно-административные особенности в сфере таможенного дела в Центральной Азии, правовые нормы (основанные на религиозных правилах), экономические

и финансовые аспекты, проанализированы источники. Выявлено влияние сложившихся обычаев Среднеазиатских ханств на товарно-денежные отношения и хозяйственную жизнь.

Ключевые слова: торговые пути, первичные таможенные посты, «божкиром», «тариф» содержание, караван-сарай, местные таможенные пошлины, транзитная торговля, концепция посредничества, беспошлинные товары и льготы, контрабанда.

Elbek Botirov,
Teacher at the National University of Uzbekistan
elbekalisherovich91@gmail.com

CUSTOMS EVOLUTION IN CENTRAL ASIA: FROM THE HISTORY OF TRADING ROADS, POSTS AND CUSTOMS TARIFFS

ABSTRACT

The article analyzes the data of the customs history of Central Asia, covering the existing trade routes in the region, control bases, customs duties of caravanserais during the Khanate period, the number of goods and fees, trade relations with border countries, mediation and customs in transit trade. The organizational and administrative features in the field of customs in Central Asia, legal norms (based on religious rules), economic and financial aspects are studied, sources are analyzed. The influence of the established customs of the Central Asian khanates on commodity-money relations and economic life is revealed.

Key words: trade routes, primary customs posts, “bojkirom”, “tariff” maintenance, caravanserai, local customs duties, transit trade, mediation concept, duty-free goods and benefits, smuggling.

---

1. Долзарблиги

Бугунги кунгача божхона тарихи мавзуси доирасида комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган. Иқтисодиёт, молия ва солиқ мавзусида олиб борилган тадқиқотларда божхона иши ва божхона йиғимлари тарихи ҳақида қисман эслатилиб ўтилган. Мавзуга оид кам олиб борилган тадқиқотлар ҳам мазмунан яқинроқ бўлган илмий мақолалар билан чекланиб қолинган. Ҳусусан, Ўрта Осиёда мавжуд давлатларнинг қўшни мамлакатлар билан олиб борган иқтисодий муносабатлари ва савдо-сотиқ ишлари ёритилган бўлиб, божхона иши, четдан олиб кириладиган товарлардан бож йиғимлари, божхона назорат пунктлари ҳақида, протекционизм ҳақида етарлича таҳлилий маълумотлар берилмаган.

2. **Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақолада Марказий Осиё сиёсий ва иқтисодий тарихининг бир қисми бўлган божхоналар тарихи бўйича манбалар ва адабиётлар тарихшунослик жиҳатдан қиёсий таҳлил қилинган. Тарихийлик жиҳатдан Марказий Осиё божхоналар тарихига оид тадқиқотлар изчил ўрганилмаган. Манбаларда берилган маълумотларда асосан карвон йўллари ва карвон-саройлар ҳақида маълумолар учраб туради. Ислом даври манбаларида келтирилган маълумотларда ўрнатилган тартибга кўра бож ва солиқ йиғимлари тавсифи, олиниши тартиби ва қандай мақсадларда ишлатилиши белгилаб берилган [1]. Вақтлар ўтиши билан божхона тизими тартиб қоидалари мукаммалашиб борди. Бу ҳолат мустамлака даврида яққол намоён бўлади. Н. Халфин, Т. Бурнашев, Г. Гильмерсен, Г.Томпсон, О. Петров, Ю.Соломиен, С. Бороздин каби рус тарихчилари [2] олиб борган илмий ишларида империя даврида ташкил қилинган божхона идоралари фаолияти танқидий таҳлили олиб борилди. Туркистон давридаги ўзгаришлар асосан архив ҳужжатлари асосида обеъктивлик тамойиллар асосида далиллар билан изоҳлаб берилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Жамият тарихининг дастлабки вақтларда ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши, меҳнат тақсимотларини рўй бериши, товар-пул муносабатларини ривожланиши тарихда божхона тизимини пайдо қилди ва соҳанинг тубдан ўзгаришига олиб келди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни олди-сотди жараёнлари маҳаллий бож йиғимлари тўплайдиган махсус

жойлар, чегара ҳудудларда эса мавжуд хозирги божхона масканларига ўхшаш кўрик назорат пунктларини ташкил топишига, асосан шаҳар ва бозорларга кириш қисмларида, дарё бўйлари, ёки дараларнинг бошланиш жойларида қад ростлаганини кўришимиз мумкин. Қадимги даврлардан савдо-сотиқнинг ривожланиши савдогарлар томонидан ҳар бир чегара назоратчиларга ихтиёрий ёки мажбурий шаклда берилган тўловларни келтириб чиқарди. Имтиёзлар учун қилинадиган бу ҳаракат кейинчалик совдо-сотиқда бож тарифларининг шаклланишига, “Шоҳ йўли”, “Лазурит йўли” каби трансминтақавий савдо йўлларининг ривожланиши эса дастлабки бож қоидаларини вужудга келтирди. Қадимги Миср давлатида Элифантида, Искандария ва Пелусия каби шаҳарларда Қадимги Месопатамияда Бобил, Урук ва Ашшур, Қадимги Рим давлатида эса Остин ва Аквинк шаҳарларида Қадимги Хиндистон ва Хитой давлатлари ҳудудларида Хараппа, Артхашастра, Нанкин, Сиан шаҳарлари, Ўрта Осиё ҳудудида Темир-қапиғ Темир дарвоза, Дарбанд ва Тавка-қалъасида бож тарифларини ундирадиган махсус жойлар бўлганини археологик ёдгорликлар исботлаб бермоқда.

Савдо сотиқдаги ташкилий-бошқарув тизими ривожланиши, давлат бюджетини тўлдириш ҳамда халқаро дипломатик муносабатларни тартибга солиш масалалари бож-тариф сиёсатида ўзгаришлар бўлиб турган. Давлат эҳтиёжи учун керакли озиқ-овқат, қурол-яроғ каби муҳим товарлар хаттоки божсиз мамлакатга олиб келингани, иттифоқчи мамлакатлар учун бож тарифлари пасайтирилганини кўришимиз мумкин. Дастлаб савдо товарларидан олинадиган оддий йиғимлар кейинчалик божхона сиёсатида қўлланиладиган “тариф” сўзининг қўлланилишига олиб келди (“тариф” сўзи араб саркардаси Тариф ибн Маллук номи билан боғлиқ равишда вужудга келган, ҳозирги Испания жанубида Тариф шаҳри ўша давр учун савдогарлардан бож тўловлари олинадиган порт-шаҳар эди).

Ўрта Осиё давлатларида чегаралар тоғлар, дарёлар, жарликлар, чўллар ва дашт дўнгликлари яъни табиий-географик жойлар орқали белгиланган бўлиб, чегараланиш нисбий бўлган. Кўчманчиларда эса, маълум ўтлоқлар билан белгилангани кўришимиз мумкин. Ўзбекистон минтақаси шимол ва жануб тамондан келадиган тоғ ва тоғ олди ҳудудларида Бойсун (Темир тарвоза) ва Бахмал (Илон ўтди дараси) тоғлари даралари шунингдек, сув хавзаларида (Амударё, Сирдарё ва Зарафшон) кечув жойлари (Шуроб, Чоржуй, Келиф ёки Керки) қулай жойларида ташқи алоқаларда (элчилик, савдо ва сайёҳлик) назорат таянч пунктлари мавжуд бўлган.

М. Исҳоқов тамонидан Муғ қалъаси архив ҳужжатларини ўрганиши натижасида “бож” сўзига алоқадор ҳужжатни изоҳлаб беради. А-13 ҳужжатида “Панжикент божкироми ва халқи номидан Тархонга” хабар юборилгани хақида маълумот учрайди [1]. Бу ҳужжатдан кўринадики, илк ўрта асрларда “божкиромлик” мансаби мавжудлиги, унинг асосий вазифаси солиқ, бож ва хирож билан шуғулланганини билишимиз мумкин. Ўрта асрлар шаҳарларига ҳос бўлган хусусият бўлган уч қисмли шаҳар таркибда бўлган рабод қисми албатта йирик шаҳарларга кириш қисмида молиявий назорат жиҳатдан муҳим бўлган. Сабаби, шаҳар бозорлари асосан рабод қисмида жойлашганини ҳисобга олсак, бу сотиладиган товарлардан солиқларни йиғиб олиш имконини берган.

Ислом динининг шарқ мамлакатларига кенг ёйилиши, савдо-сотиқ масалаларида ислом молияси асосида ташкил қилиниши бож йиғимларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Дастлаб бож йиғимлари савдогарнинг диний эътиқодига қараб: мусулмонлардан ушрнинг чораги ($^1/_4$), яъни 2,5 % ёки 5 дирҳам ёки ярим мисқол олтин, зиммийлардан (Ислом мамлакатларида яшовчи бошқа дин вакиллари-Э.Б) ушрнинг ярми ($^1/_2$), яъни 5 % ёки 10 дирҳам ёки бир мисқол олтин, мусулмонлар уруш эълон қилган ҳудуддан келганлар (аҳл балад ал-ҳарб ёки ҳарбий) учун эса тўлиқ, яъни 20 дирҳам ёки икки мисқол ушр олинган. Шунингдек, ислом давлати ҳудудига кириб келаётган буғдой ва ёғ маҳсулотларига мусулмонларда эҳтиёжнинг катталиги учун 5%, мош, нўхот, ясмиқ, ловияларга эса – 10% бож йиғими тайин этилган.

Муғуллар босқини тижорат муомаласидаги махсус божларни йиғиш принципи, уларнинг қийматини белгилашда умумий ном билан “тамға” атамаси билан номланган. Унга кўра, мўғул империясига тегишли бўлган ҳудудларда савдогарлар улуслар чегараларини

кесиб ўтишганда (товарларни қуруқлик орқали олиб ўтиш) ёки портга киришганда (агар товарлар денгиз орқали этказилган бўлса), махсус амалдорлар бўлган тамғачилар уларнинг молларини баҳолаб, уларнинг қийматининг маълум фоизини ундиришган ва йиғиш амалга оширилганлигининг белгиси сифатида, давлат ёки хазинага маблағ тушишини англатувчи, хон ёки хон оиласининг тамғасини - қадоқлаш тамғаларини қўйишади [2]. Темурийлар давлати даврига келиб ислом савдо қоидалари асосида турк-муғул одатлари сақланиб қолди. Бир кунлик масофада карвонсаройлар қурилиб, савдогарларнинг хавфсизлиги таъминланган. Ҳукмдорга аталган товарлар махсус қизил белги "тамға" билан барча бож солиқларидан озод қилинган [3].

XVI аср бошларида нуфузли мусулмон руҳонийларининг тамғаларига душманона муносабатда бўлишларига қарамай, у Ўрта Осиёда асосий савдо солиғи сифатида фойдаланишни давом эттирди. Шайбонийхон давлати ўзининг ҳуқуқий сиёсатида ясоқ қонунлари ва шариат нормаларини самарали бирлаштирган. XVIII асрдан савдо алоқалари кучайгани сари транзит бож масалалари ҳам долзарб муоммога айланиб борган. Ҳусусан, Россия Оренбургидан Ҳиндистонга борадиган учта карвон йўли маълум бўлган, биринчиси Балх, иккинчиси Бадахшон ва учунчиси Қандахор орқали йўл бўлган [4]. Т.С. Бурнашевнинг маълумот беришича, Бухородан Хиндистонга ўтадиган савдо карвонлари қирқдан бир миқдорида (2,5%) транзит божи, Инглиз ва рус савдогарлари эса ўз маблағидан йигирмадан бир миқдорида (5 %) солиқ тўлаган [5].

Хива хонлигида ички ва ташки транзит савдо алокаларида мамлакатда яшовчи афғон савдогарлари каби тожиклар, хиндлар ва эронлик савдогарлар катта рол уйнаган. Г. Гильмерсеннинг "Хива, в нынешнем своем состоянии" мақоласида карвонлардан бож солиғи пул билан олиниши ва аниқ солиқ микдори белгиланмаганлиги, солиқ аввал Урганчда, кейинчалик Хивада олинганлигини хабар килади [6]. Г.И.Данилевский Хивада мусулмон савдогарлардан 2%, рус савдогарларидан 5% бож солиги олинганлигини таъкидлайди.

Г.Томпсон Бухорода бож солиғи олинишига ўз эътиборини қаратган. Бухорода ҳамма келтириладиган товарлардан 1%, олиб чикиладиган товарлардан эса 10% солиқ олинган. Тинчлик даврларида бож солиғидан келадиган фойда йилига 1000 дукатни ташкил қилган. Худди шундай, Хива хони хазинасига тушадиган бож солиғи фойдаси йилига 100 дукатгача етган. Шундан кўриниб турибдики, Хивада Бухорога нисбатан савдо айланиши анча паст бўлган [7].

1843 йили «Мануфактур и торговля» журналида нашр килинган мақола Хива оркали Россия Эрон ва Бухоро билан савдо килиши ва Хивадан кетадиган туядан бир золотникдан, Хивага кириб келадиган товарлардан эса 1/40 миқдорда солиқ олиниши хабар килинган. Бозорларда ва савдо бўладиган жойларда бож солиғи олинган. Сотилган туя учун хазинага 3 рубл, от, хўкиз ва қорамол учун 1 рубл, қуйдан 50 копек солиқ олинган [8].

Уруш даврларида тузиладиган сулҳ шартномаларида ҳам иқтисодий муносабатлар ҳам акс этиб, асосан давлат ҳом ашё товарлари ёки йирик савдогарларнинг манфаатли шартлари устуворлик касб этган. Масалан, Хива хонлиги хатто Эрон шохи Нодиршохнинг ўғли Ризоқулидан «Рус компанияси»га савдо қилиш учун имтиёзлар бериш хакида фармон хам олгани ёки 1873 йилги Гандимиён сулҳ шартномасида божсиз товарларни олиб кериш шартлари белгилаб берилган эди. Савдо сотиқда бож йиғимларини четлаб ўтиш, суний равишда кўтариш, хукуматнинг эътиборсизлик ҳоллари ҳам бўлган. Хусусан, чорва моллари божсиз хайдаб кирилаётганлиги, турли йўллар билан Эрондан Бухорога кейинчалик Бухородан Хитойга кўпроқ тақиқланган опиум жўнатилганлиги, шоли румолларни Кандаҳорда катта бож солиғи солингани туфайли бошқа йўллар билан олиб келиб сотилиши, амалдорларнинг ҳукумат учун зарур товарлар сифатида божсиз олиб кириши ҳолатлари кузатилади.

XX аср бошларида бозор муносабатлари ва саноатни ривожланиши билан биргаликда божхона сиёсати янги бозорларни эгаллаб олишга ёрдам берувчи воситаларидан бирига айланди. Янги савдо йўлларининг ташкил этилиши, савдо айланмаларини ошиши, ташқи иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг ўзгариши, шунингдек Туркистон ўлкаси Эрон, Афғонистон,

Хитой, Бухоро, Хива давлатлари билан савдо алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришда географик жойлашуви жиҳатдан чегарадош ва қулай имкониятларга эга бўлди. Шу мақсадда чегара постларини ўрнатилишига, чет давлатлардан кириб келадиган махсулотларга катта бож йиғимларини белгиланишига, божхона ва товар тарифларини тартибга солишни такомиллаштиришни, уларнинг сонини кўпайтиришни талаб қилди. Божхона тартибларини яна бир бор ислоҳ қилинишига асосий сабаб савдо оқимларини назорат қилиш учун божхона идоралари ва божхона ишларини ташкил этиш амалиёти такомиллаштириш зарурлигини туғдирди.

Октябр тунтариши ҳамда Оренбург воқеалари натижасида Туркистонда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазият кескин издан чиқди. Айнан бу вазиятда Буюк Британия ва АҚШ давлатлари ҳам Ўрта Осиё ҳудудларини ўз мустамлакаларига айлантариш борасида уринишлар амалга оширилди. Биринчи жаҳон урушидан кейинги иқтисодий инқироз даврида савдо-саноат ва бошқа соҳалар совет ҳокимиятининг ўз монополиясининг ўрнатилиши нитижасида кўплаб озиқ-овқат, чорва махсулотлари кантрабанда йўли билан қўшни давлатларга олиб чиқиб кетила бошлади.

Ушбу жараёнларни назоратга олиш мақсади Совет ҳокимияти Туркистонда чегара ва божхона ишларига алоҳида эътибор қаратишга мажбур бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон Миллий архивида Туркистонда божхона иши фаолиятини ёритишда Р-8, 9, 18, 21, 43, 45, 49, 69, 70, 73, 330, 331, 1616, 2027 фондлари муҳим аҳамият касб этади. Фондлардаги ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида Туркистон ўлкасида божхона бошқармалари ва чегара олди назорат постларини ташкил қилиш, чет эл товарларидан олинадиган бож йиғимлари, божхона бўйича қонун-қоидалар, низомлар ҳамда товарларни ноқонуний олиб кириш – кантрабанда ва унга қарши кураш чоралари каби маълумотларни олишимиз мумкин. Фондлардаги мавжуд ҳужжатларда кантрабанда бўйича суд қарорлари мувжуд бўлиб, советларнинг ўлкада божхона сиёсатини олиб бориш жараёнларида қонундан чиқиш, миллатчилик, коррупция ҳолатларига йўл қуйганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, ўлкада мавжуд сиёсий аҳволни таранглиги ҳамда Туркистон ўлкасида ўрнатилган мавжуд ҳукуматнинг молиявий жиҳатдан танг аҳволи марказлашган божхона тизимини ўз вақтида ташкил қила олмадилар. Чегара постларини қониқарсиз аҳволи, соқчи ва божхона хизматчиларга маошлари ойлаб давомида берилмасликлари уларни ноқонуний хатта-ҳаракатларни олиб боришига сабаб бўлди. Архив ҳужжатларида сақланиб қолган маълумотларда, хусусан, Туркман бўлимининг III-тоифали Хиваобод божхона масканида бўлаётган воқеалар ҳақида Тошкент Божхона Бошқармасига Каспийорти отряди 4-бўлим 30-чегара бригадаси командирининг - “Охирги вақтларда чегарабўйи бригадалари жуда кўп қонунбузарликлар қилмоқда. Соқчилар контрабанда товарларини тутиб қолиб, мустақил равишда ўзларига қайтадан сотмоқдалар... Ҳар бир чегарачининг мақсад ва орзуси контрабандачиларни ушлаш ва улардан пул ундириб олиш бўлди... Тез орада чегара қўриқчиларидан ишончлари қолмади... Маошлари ойлаб хаттоки йиллаб берилмаслиги туфайли турли шартлар эвазига контрабанда товарларини ўтказиб юбормоқдалар, бошқа жойларда эса қонуний йўллар билан ушлаб, мусодара қилиш тазйиқи остида пул ундириб олмоқдалар...”,[9] – каби ҳисоботлари ўша давр аҳволини яққол кўрсатиб бермоқда.

XX асрнинг 20-йиллари охирига келиб, давлат саноат фаолиятига тобора кўпроқ аралашиб, деярли барча корхоналарни босқичма-босқич миллийлаштирди. Ерга хусусий мулкчилик йўқ қилинди, ташқи савдо монополлаштирилди. Давлат деярли барча фаолият соҳаларини назорат қилди, бошқарувнинг маъмурий тартибини жорий қилган ҳолда, маъмурий ва бюрократик аппаратни яратди. Ташқи савдо монополлаштириш фонида қонунчилик ҳам ўзгариб борди. Божхона қонунчилигида товарларни ташиш устидан назоратни кучайтириш ва ташқи савдо бўйича давлат монополияси тўғрисидаги қарорларни бажариш йўналишида кескин ўзгаришлар юз берган эди.

4. Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, дастлабки вақтларда карвон-саройлар бож йиғимларини тўплашда назорат масканларидан ташқари савдогарларни тўхтаб дам олиш вазифаси,

шаҳарга кириш жойида мавжуд бож йиғиладиган, транзит савдо олди сотди келишувлари бўладиган жой сифатида шунингдек, маълум вақтларда эса душманга қарши мудофаани ташкил қиладиган жой сифатида ҳам ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек:

- Ислом динининг ёйилиши савдогарларда савдо-сотиқ муносабатлари, солиқ ва бож йиғимларида шариат асосида олиб борилишига олиб келди;
- Давлат чегараларини табиий-географик жойлар билан белгиланиши ва қўриқланмаслик баъзи ҳолларда контрабанда товарларини бож йиғимисиз кириб келишига ёки олиб чиқилишига имкон берган;
- Давлат сиёсий тарқоқ вақтларида маҳаллий хукумат фақат товарлардан бож солиғи йиғишни ўз вазифаси деб билган, савдогарларни қароқчилардан химоя килмаган ва уни ўз вазифаси деб хисобламаган ҳолатлари такрорланиб турган;
- Транзит савдо ривожланиши ҳудудларда этник хилма-хилликни арманлар, ҳиндлар, эронликлар, татарлар, нўғойлар, кошғарликлар каби элат вакилларини сонини кўпайтирди;
- Савдо муносабатларни давлат тамонидан тартибга солиниши расмий равишда Марказий Осиёда божхоналарни ташкил этилишига сабаб бўлди;
- Советлар ҳокимияти Туркистон ўлкасида ўрнатилгач божхона сиёситида янгича тартиб қоидаларни вужудга келтирди;

Ўрта асрларда Осиё минтақасида янги ҳуқуқий нормалар асосида ташкил қилинган йирик империалистик давлатлар (Турк ҳоҳонлиги, Араб халифалиги, Чиғатой улуси, Амир Темур давлати, Ўрта Осиё хонликлар даври) божхона функциялари мамлакат иқтисодий манфаатларини тўла таъминлаш, бу ҳудудда ўз иқтисодий ривожланишни қарор топтириш мақсадида бож тизимини диний ва уруғ-қабила қоидалари асосида олиб борилган бўлса, Россия империяси ва советлар ҳукмронлиги остида мустамлакачиларнинг мақсадларига хизмат қилувчи бож сиёсатини юритди.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Қуръони Карим. Шайх Алоуддин Мансур таржимаси. “Шарқ юлдузи” журнали. Тошкент., 1991-1993 йй; Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя. “Адолат” нашриёти, Тошкент., 2000; Абу Йусуф Йаъкуб Ибрахим ал Куфи. Китаб ал-Харадж. Санкт-Петербург., 2001; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарқ» НМАК, 2012. (Koran. Translated by Sheikh Alouddin Mansur. Zvezda Vastoka. Tashkent., 1991-1993; Burkhoniddin Marginoni. Al-Hidoya. "Adolat", Tashkent, 2000; Abu Yusuf Yakub Ibrahim al Kufi. Kitab al-Kharaj. St. Petersburg., 2001; Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. Tafsiri Hilol. - Tashkent: Shark NMAK, 2012.)
2. Бурнашев Т.С. Путешествие от Сибирской линии до города Бухары в 1794 и обратно в 1795 году //Сибирский вестник. -СПб., 1818; Гильмерсен Г. Хива в нынешнем своем состоянии. Выр. «Отечественные записки». 1840; Бороздин С.С. Политика российских властей в отношении мусульманского населения Туркестана и Бухары:1867-1914 гг. Автореферат дис.кандидата исторических наук. Екатеринбург, 2012; Халфин Н.А.Политика России в Средней Азии (1857–1868гг)., Москва: Наука,1960; Петров Ю.Н. История таможни. Москва., 2010; Соломиен А.Ю. История таможенного дела и таможенной политики России. Санк-Петербург., 2011 (Burnashev T.S. Travel from the Siberian line to the city of Bukhara in 1794 and back in 1795 // Siberian Bulletin. -SPb., 1818; Gilmersen G. Khiva in its current state. Exp. Otechestvennye zapiski. 1840; Borozdin S.S. The policy of the Russian authorities in relation to the Muslim population of Turkestan and Bukhara: 1867-1914. Abstract of candidate of historical sciences. Yekaterinburg, 2012; Khalfin N.A. Russian Policy in Central Asia (1857-1868), Moscow: Nauka, 1960; Yu.N. Petrov Customs history. Moscow., 2010; Solomien A.Yu. The history of customs and customs policy in Russia. St. Petersburg., 2011)

3. Исҳоқов М. Унутилган подшоликда хатлар. Тошкент, 1992. – Б.32. (Is'hakov M. Forgotten kingdom letters. –Tashkent, 1992. –P.32.)
4. Ботиров Э. Муғуллардан Темрийларгача: божхона ва бож солиқлари тарихидан. Ўтмишга назар, 2020 йил, Махсус сон, 2-қисм. –Б.208-213. (Botirov E. From the Mongols to the Timurids: a vantage of the history of customs and customs tariffs.. Looking to the past, 2020, SI, pp. 208-213).
5. Ботиров Э. Ўзбекистонда божхона ва бож йиғимлари тарихидан. Ижтимоий фанлар ва таълим инновациялари// АҚШ журнали. 3-сон., 2021 – Б. 74-78. (Botirov E. From the history of customs and customs taxes in Uzbekistan. - The American journal of social science and education innovations/№3., 2021 P-74-78 http://theamericanjournals.com/index.php/tajssei/article/view/45)
6. Витевский В.Н. Неплюев И.И. Оренбургский край в прежним его составе до 1758 г. Вып. 4. – Казань: 1895. – С.785. (Vitevsky V.N, Neplyuev I.I. Orenburg territory its former composition until 1758. 4. - Kazan: 1895. - P. 785.)
7. Бурнашев Т.С. Путешествие от Сибирской линии до города Бухары в 1794 и обратно в 1795 году //Сибирский вестник. -СПб., 1818. Ч. III. -С. 120. (Burnashev T.S. Travel from the Siberian line to the city of Bukhara in 1794 and back in 1795 // Siberian Bulletin. -SPb., 1818. Part III. –P.120.)
8. Гильмерсен Г. Хива в нынешнем своем состоянии. Выр. «Отечественные записки». 1840.— С. 105. (Gilmersen G. Khiva in its current state. Exp. Otechestvennye zapiski. 1840. –P.105.)
9. Алимова Р.Р. Ўрта Осиё хонликларининг қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатлари (XVI-XX аср бошлари рус тарихшунослиги ва манбалари асосида). Т.,2017. Б-84. (Alimova R.R. Diplomatic, trade and economic relations of the Central Asian khanates with neighboring countries (based on Russian historiography and sources of the 16th - early 20th centuries). T., 2017. – P.84.)
10. Сведения о Хивинском ханстве. Выр. из жур. "Мануфактур и торговля". 1843. Хмыр. кол. Т. 9. -С.105,129,130,149. (Information about the Khiva Khanate. Exp.magazines. "Manufactures and Trade". 1843. Khmyr. I.9.–P. 105,129,130,149.)
11. ЎзМА 330-фонд, 1-рўйҳат, 1-йиғмажилд, 78-варақ (National Archive of Uzbekistan, fund R.330, list 1, case 1, page 78.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

С.И. Габриэльян,
Тарих фанлари номзоди,
доцент жаҳон тарихи кафедраси
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
gabsofya@yandex.ru

БРИТАНИЯНИНГ ТАМАКИ МОНОПОЛИЯСИ ВА XIX АСРНИНГ ОХИРИДА ЭРОНДА МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК КУРАШИ БОШЛАНИШИ

For citation: S.I.Gabrielyan, BRITISH TOBACCO MONOPOLY AND THE BEGINNING OF THE NATIONAL LIBERATION STRUGGLE IN PERSIA AT THE LATE OF THE XIX CENTURY. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.199-210

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-25

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Эрон инқилобидан олдин рўй берган воқеалар кўриб чиқилган. Эроннинг ғарб давлатлари мустамлака давлатига айланиши миллий-озодлик харакатлари бошланишига олиб келди ва XIX асрнинг охирига келиб турлича шаклларда ифодаланди. Халқ, либерал ва диний харакатларнинг тазйиқи остида, давлатни Буюк Британиянинг хомашё манбаига айлантириб қуйган тамаки монополиясини, шоҳ бекор қилишга мажбур бўлди. Мақолада Россиянинг ушбу монополияни йўқ қилишга қаратилган дипломатик кураши ҳам батафсил йоритилган.

Калит сўзлар: Эрон, тамаки монополияси, дин, Эрон либерал буржуазияси.

С.И. Габриэльян,
Кандидат исторических наук,
Доцент кафедры всемирной истории
Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека
gadsofya@yandex.ru

БРИТАНСКАЯ ТАБАЧНАЯ МОНОПОЛИЯ И НАЧАЛО НАЦИОНАЛЬНО-ОСВОБОДИТЕЛЬНОЙ БОРЬБЫ В ПЕРСИИ В КОНЦЕ XIX В.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются события, предшествующие началу иранской революции. Превращение Ирана в полуколонию западных государств привело к началу национально-освободительного движения, которое приобретало в конце XIX века различные формы. Под нажимом народного, либерального и религиозного движений шаху пришлось аннулировать

Табачную монополия, которая превращала страну в сырьевой придаток Великобритании. В данной статье подробно освещается и дипломатическая борьба, проводимая со стороны России по аннулированию этой монополии.

Ключевые слова: Иран, табачная монополия, Регия, либеральная иранская буржуазия

S.I. Gabrielyan,
Doctor of Philosophy in History,
Associate Professor
National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek
gabsofya@yandex.ru

BRITISH TOBACCO MONOPOLY AND THE BEGINNING OF THE NATIONAL LIBERATION STRUGGLE IN PERSIA AT THE LATE OF THE XIX CENTURY

ABSTRACT

The article deals with the events preceding the beginning of the Iranian revolution. The transformation of Iran into a semi-colony of Western states led to the beginning of the national liberation movement, which acquired various forms at the end of the 19th century. Under the pressure of popular, liberal and religious movements, the shah had to abolish the Tobacco Monopoly, which turned the country into a raw material appendage of Great Britain. This article also highlights the diplomatic struggle being waged by Russia to annul this monopoly.

Index Terms: Iran, tobacco monopoly, Regia, liberal Iranian bourgeoisie

---

1.Актуальность

В XIX в. персидским шахом были отданы в руки иностранным дельцам и предпринимателям важные концессии и монополии. В стране приосходило разбазаривание двором казенных поступлений при общем упадке в административной системы не могли не породить в стране внутреннее недовольство, сопровождавшееся формированием буржуазно-либерального течения. Персия превращалась в сырьевой придаток западных государств. Это вызывало недовольство народа и приводило к зарождению национально-освободительного движения в стране.

2.Методы исследования и обзор литературы.

В качестве основных методологических подходов для написания статьи использованы объективно-исторический, историко-сравнительный, логический методы, позволившие учесть объективные и субъективные факторы в изучении основных событий, происходивших на Среднем Востоке в конце XIX в., в целом и в Персии, в частности.

Проблема британского проникновения в Иран в конце XIX- начале XX в. привлекала внимание ученых разных стран. Этой теме посвятил большинство своих работ известный английский иранист Э. Броун, среди которых наиболее значительной является «Персидская революция 1905-1909 гг.»(Browne, 1910). Автор, всесторонне осветил политику вмешательства и агрессии Англии и России в Иран. Следующей работой, которая анализирует европейскую политику на Среднем Востоке является монография Стенли Стембриджа «Парламент, пресса и колонии, 1846-1880».

Особое внимание заслуживает работа профессора Лондонского университета Р.Л. Гривс «Персия и оборона Индии. 1884-1892». Она открыла новую страницу в исследовании данной проблемы. По мнению автора, задачей англичан являлось осуществление, и поощрение таких мер, «которые могли бы улучшить правление в Иране, в армии и жизни народа так, чтобы персы в случае надобности не стали призывать их как избавителей». Иран же должен был стать «буферным государством», служившим внешними укреплениями в обороне Индии.

Особо упомянуть работу Н.Кедди «Религия и восстание в Иране»(Keddy, 1966). Данный труд наиболее глубоко и всесторонне осветил вопросы миссии британского посла Генри Друммонда Вольфа в 1888 г., его деятельность в получении ряда крупных концессий.

К данной проблеме свое внимание привлекали многие видные ученые, монографии которых приводятся в тексте данной статьи.

3.Результаты исследования

Конец XIX в. в Иране характеризовался накалом антифеодальных и антиимпериалистических тенденций, ростом классового недовольства зарождавшейся молодой иранской буржуазии и связанной с ней буржуазно-либеральной интеллигенции - носительницы передовой по тем временам идеологии.

Это недовольство вскоре выливается в одно из крупных революционных выступлений, охвативших почти всю страну, в борьбу иранского народа против английской табачной монополии.

В такой "взрывоопасной" политической обстановке шах предпринял антинародный акт, предоставив в марте 1890 г. майору Джеральду Талботу концессию на монополию по скупке, переработке и продаже табака сроком на 50 лет.

қолган. Ёдгорликнинг жануби шарқий томонида мустаҳкамланган иншоот бўлиб, уни маҳаллий аҳоли "Девсолган" деб аташади. Ер ости сувларининг юқори бўлганлиги сабабли ёдгорликнинг энг пастки маданий қатламини ўрганишнинг имкони бўлмаган.

Ҳазорасп туманидан 17 км шарқда жойлашган Хумбузтепа ёдгорлигининг умумий майдони 4,6 га бўлиб, милоддан аввалги IV милодий IV асрларда бутун Хоразм воҳасини идиш-товоқ билан таъминлаган марказ бўлган. В.А.Лившиц хулосасига кўра "Хум" сўзи қадимги форс тилида йирик сопол идиш, шунингдек пиширишга тайёрланган ҳар қандай лой идиш, бундан ташқари – идишни пиширишга мўлжалланган майдонча маъноларини англатади[11].

Хумбузтепа ёдгорлигидаги изланишлар, уни архиак ва антик даврнинг илк босқичларида Хоразмнинг катта ҳудудини сопол буюмлар билан таъминлаб турган марказлардан бири бўлган деган хулосани беради.

Қирққиз тепа қалъаси антик даврга оид бўлиб, Ҳазорасп туманидаги Қораянтоқ қишлоғида жойлашган. У тўғри тўртбурчак шаклда қурилган. Мудофаа девор ва хандақ билан ҳимояланган. Ҳозирги пайтда бу ер қабристонга айлантирилган[12].

Ҳазорасп туманида меъморий обидалардан XVIII асрга оид Жума масжиди, XVI- XIX асрларга оид Музроб шоҳ Хоразмий мақбараси[13], XVIII- XIX асрларга оид Исмоил Эшон бобо[14], Шайх Ҳусайин бобо, Шайх Қосим эшон мақбаралари сақланиб қолган. Бугунги кунда улар аҳоли томонидан зиёратгоҳ жойларга айлантирилган.

Хоразм вилояти Боғот тумани ҳудудида жойлашган Қалажиқ қалъаси ҳам ўша даврларда бунёд қилинган ёдгорликлардан саналади. Қалажиқ қалъасининг қадимги даврлардаги довруғи бугунги кунда ҳам йўқолган эмас. Қадимий қалъа тўғрисида бир қатор афсоналар сақланган. Халқ орасида қалъа "Довуд қалъа" номи билан машҳур. Қалъани темирчи усталар пири Довуд пайғамбар макони деб ҳисоблашади. Халқимиз ўтмишдан то ҳозиргача бу ёдгорликни муқаддас санаб, доимо зиёрат қилиб, эъзозлаб, фарзандларига қалъа тарихини, унинг муқаддас хусусиятларини баён қилиб келишади. Темирчи усталар учун бу ёдгорликнинг аҳамияти ўзгача. Халқимиз совет мустамлакаси даврида ҳам бу ёдгорликка зиён етказишларига йўл қўйишмаган ва доимо зиёратчилар билан гавжум бўлган. Қалъа ёнидаги шўр кўл ва унинг балчиғини шифобахшлиги одамларни бу ерга янада кўплаб жалб қилган ва унинг муқаддаслигини исботлаган. Маҳаллий аҳолининг қалъада баъзида темирга ишлов бериш жараёни товушининг эшитилиб туришининг таъкидланиши унинг ғаройиботларга бойлигини янада оширган.

Қалажиқ қалъаси Боғот туманидан 17 км жанубда, ҳудуддаги қум барҳанлари орасида жойлашган. Қалъа ўзига хос қурилиш услуби ва мудофаа тизими билан Хоразм ҳудудида бунёд этилган бошқа қалъалардан фарқ қилади. "Қалажиқ"- сўзи "кичик қалъа" деган маънони беради. Бу ерда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қалъанинг Қадимги Хоразм давлатининг жанубий чегарасидаги мудофаа қўрғони, яъни ҳарбий истеҳком вазифасини бажарганлиги аниқланган[15]. Шу сабаб қалъа мудофаасига катта эътибор беришган. Қалъа икки қатор мудофаа деворига эга бўлган.

Бугунги кунда қалъа ёнидаги кўл суви ва қум шифобахш бўлиб, уларда инсон саломатлигини мустаҳкамлайдиган фойдали маъданлар бойлиги аниқланган. Қалажиқ қалъасида ташкил этилган оромгоҳ нафақат вилоятимизнинг балки, қўшни вилоятлар аҳолисининг севимли масканига айланган[16]. Бундай қадимий жойларни авайлаб, асраб келажак авлодга бекаму-кўст етказиш бугунги кунда ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчларидан бирига айланган.

Боғот тумани ҳудудида кичик Қалажиқ қалъа номли яна битта ёдгорлик мавжуд. У Қалажиқ қалъасидан 1,5 км. шимоли-шарқий ҳудудда жойлашган. Бу қалъа мил.авв. IX-XI асрларда мавжуд бўлган[17]. У тўғри тўртбурчак шаклда қурилиб, 2 га. ҳудудни ташкил қилган.

Шовот туманида милодий I-IV асрларга оид қадимий ёдгорлик- Воянган қалъаси сақланиб қолган. У тўғритўртбурчак шаклда қурилган бўлиб, икки қурилиш босқичи аниқланган. Қалъа 1949-50 йилларда Я.Ғ.Ғуломов томонидан ўрганилган. 1973-74 йилларда

Воянганни Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиалининг Тарих, тил ва адабиёт институти археология бўлими ходимлари М.Мамбетуллаев, М.Кдырниязовлар томонидан тадқиқ қилинган[18].

Шовот туманидаги антик даврга оид Шовот Тупроққалъаси тадқиқ қилинган. У ерда М.Мамбетуллаев тадқиқот ишлари олиб борган[19]. У Анбар-Маноқ қишлоғида жойлашган[20]. Қалъа айлана тарзда қурилган бўлиб, 5 гектарни эгаллаган. Қалъа мудофаа девор ва буржлар билан мустаҳкамланган. Учта қурилиш босқичига эга. Милодий IV асрдан бу ерда ҳаёт тўхтаган.

Шовот туманида қадимий меъморий обидалар ҳам сақланиб қолган: XIV асрга оид Шовот Ан Сабroний[21], 1870 йилга оид Қум Авлиё бобо, XIX асрга оид Насият бобо мақбаралари, Юсуф Ҳамадонийнинг рамзий мақбараси. Бу ёдгорликлар бугунги кунда ободонлаштирилиб, зиёратгоҳларга айлантирилган.

Гурлан туманида меъморий ёдгорликлардан XVIII асрга оид Сайид ота масжиди, 1910-1914 йилларда қурилган Гавдонбой уйи, XVI-XIX асрларга оид Усмон Саид бобо мақбараси сақланган.

Хонқа туманидаги 1766 йилда бунёд қилинган Сайид ота масжиди бор[22]. Масжид усти ёпиқ ҳовли, хонақоҳ, айвон ва унга кираверишдаги қўшимча хоналардан иборат. Бундан ташқари, масжид олдида устунли айвонлар ҳам мавжуд. Ушбу хонақоҳ ҳовлисининг марказида қудуқ ҳам сақланиб қолган. Хонақоҳ тепаси гумбаз билан ёпилган. Дарвозадаги араб ёзувлари орасида масжиднинг қурилган йили қайд этилган[23].

Янгиариқ туманида антик даврга оид қадимий қалъалар сақланиб қолган. Олмаотишган–I қалъаси Янгиариқ тумани Каттабоғ қишлоғида жойлашган[24], 1 га. ҳудудни эгаллаган. Африғийлар даврида қурилган қалъа айлана тарзда бунёд қилинган бўлиб, мудофаа девори хом ғиштдан ишланган. Бугунги кунда қалъа ҳудуди қабристонга айлантирилганлиги сабабли кенг тадқиқот олиб бориш имкони бўлмаган[25].

Олмаотишган–II қалъаси Олмаотишган–I қалъасидан 130-150 м. жанубда жойлашган[26] бўлиб, 4,5 га ҳудудда бунёд қилинган. Қалъа тўғри тўртбурчак шаклда қурилган. Қалин мудофаа девори ва буржлар билан мустаҳкамланган. Учта қурилиш босқичи аниқланган[27].

Янгиариқ туманидаги Остона қишлоғида XIV асрга оид Шайх Мухтор Валий меъморий мажмуаси[28] ва XIV- XIX асрларга оид ноъмалум мақбара қолдиқлари сақланган.

Қўшкўпир туманидаги меъморий ёдгорликлардан XVIII- XIX асрларга оид Иморат бобо меъморий мажмуаси сақланган. У жойда Сайид Шафоат Азиз мақбараси, Мирмуҳаммад Азиз мақбараси ва яна бир номсиз мақбара мавжуд[29]. Бу мақбаралар қабристон орасида жойлашган бўлиб, бугунги кунда зиёратгоҳга айлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги “2017 - 2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги қарори воҳанинг туристик салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлди. Ушбу дастур ижроси доирасида бугунги кунда ҳудудда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 майда қабул қилинган “Хоразм вилоятидаги “Нуриллабой” тарихий мажмуасини реконструкция ва реставрация қилиш тўғрисида”ги қарори асосида ушбу масканда кенг кўламли таъмирлаш ишлари олиб борилди. Натижада бадиий галерея, амфитеатр, қабуллар уйи, ҳунармандлар маркази, миллий услубдаги овқатланиш шохобчаларини ўз ичига олган ажойиб сайёҳлик мажмуаси бунёд этилди.

Халқаро тажрибадан маълумки, сайёҳларга намунали хизмат кўрсатишда меҳмонхона хўжалиги муҳим ўрин тутади. Вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурида ихчам меҳмонхоналар ва меҳмон уйлари тизимини ривожлантириш кўзда тутилган. 2014 йилда вилоятда 39 та меҳмонхона фаолият юритган бўлса, қисқа вақт ичида уларнинг сони 60 тага етди. Эътиборли жиҳати, вилоятда чет эл инвестициясини жалб қилган ҳолда ташкил қилинган меҳмонхоналар сони кўпаймоқда.

Ҳудудларнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш сайёҳларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашни талаб қилади. Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Урганчдан Хивагача 31,7 километр узунликдаги темир йўл қурилиши, миллий услубдаги замонавий вокзал барпо этилиши Хива шаҳрини халқаро туризм марказларидан бирига айлантиришга хизмат қилади.

Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш, туристларни воҳанинг ноёб тарихий-маданий ва меъморий мерос объектлари билан кенг таништириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туристлар оқимини янада кўпайтириш, ҳудудда замонавий туризм инфратузилмасининг изчил ривожланишини таъминлаш, замонавий талабларга мувофиқ кўрсатиладиган туризм, меҳмонхона ва транспорт хизматлари турларини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги “2019-2020 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 119-сон қарори билан Урганч шаҳридаги Шовот канали бўйида - «Шовот» кичик туризм зонасини ҳамда Хива шаҳрида «Ғовук кўл» кичик туризм зонасини ташкил этиш ҳамда уларда замонавий меҳмонхона комплекслари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туризм аҳамиятига эга бўлган бошқа объектларни қуриш, шунингдек, замонавий муҳандислик инфратузилма объектларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Буюк Британиянинг “The Telegraph” нашри сайтида чоп этилган “Ҳар бир инсон ҳаёти давомида кўриши керак бўлган 35 шаҳар” номли мақолада Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган жаҳоннинг қадимий ва энг гўзал шаҳарлари саралаб олинган. Ушбу рўйхатдан Хива шаҳри ҳам ўрин олганлиги қувонарлидир.

Ҳудуднинг туризм салоҳиятини, тарихий-маданий хусусиятлари, табиий-иқлим шароитларини тарғиб қилишда турли халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш, хорижий давлатлар вакилларини таклиф қилган ҳолда фестиваллар танловлар уюштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, анъанавий тарзда ўтказилаётган “Қовун сайли”, “Рақс сеҳри”, “Хоразм маданияти кунлари” каби фестивалларга хорижий мамлакатлардан ташриф буюраётган қатнашчилар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани қувонарлидир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни/Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 2019 йил 5 октябр (www.lex.uz) (Law of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated October 4, 2019 "On approval of the National Register of Immovable Cultural Heritage" / National database of legislation dated October 5, 2019 (www.lex.uz).
2. Юсупов Ҳ., Абдурасулов М., Бобожонов Д. Хива шаҳрига саёҳат (йўл кўрсаткич). – Урганч: Қуванчбек-Машҳура, 2018. – Б.3-4. (Yusupov H., Abdurasulov M., Bobodjonov D. Journey to Khiva (guide). - Urgench: Kuvanchbek-Mashhura, 2018. – P.3-4.)
3. Маданий мерос департаменти Хоразм вилояти бошқармаси жорий архиви. Обидалар паспортлари (Current archive of the Khorezm regional department of the department of cultural heritage. Monument passports)
4. Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент, 1959. – Б.11. (Gulomov Ya.G. Irrigation history in Khorezm. - Tashkent, 1959.- P.11.)
5. Эгамбердиева Н. Хива туманидаги маданий мерос объектлари // Маданий мерос объектларини асраш, қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг долзарб муаммолари конференция тўплами. – Урганч, 2019. – Б.118-121. (5. Egamberdieva N. Objects of cultural heritage in the Khiva region // Topical issues of preservation, restoration, protection and use of cultural heritage objects. Conference materials. ¬ - Urgench, 2019. - P.118-121.)

6. Абдурасулов А., Абидова З. Хоразм қадамжолари ва зиёратгоҳлари. – Тошкент: Янги нашр, 2016. – Б.26. (Abdurasulov A., Abidova Z. Khorezm shrines and shrines. ¬– Tashkent: New edition, 2016. - P.26.)
7. Маньковская Л., Булатова В. Памятники зодчество Хорезма. – Ташкент, 1978. – С.31. (Mankovskaya L., Bulatova V. Monuments architecture of Khorezm. - Tashkent, 1978. -- p. 31.)
8. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-том, – Тошкент, 2005. – Б.131. (National encyclopedia of Uzbekistan. Volume 9, - Tashkent, 2005. - P. 131.)
9. Собиров Қ. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. – Тошкент: 2009. – Б.61; Мамбетуллаев М. Городище Кят (Левобережный) и Зарликишанбаба // Археологические исследования в Каракалпакии. – Нукус, 1981. – С.65-76. (Sobirov K. Rural and urban defensive structures of Khorezm. - Tashkent: 2009. - p. 61; Mambetullaev M. Settlement Kyat (Left Bank) and Zarlikishanbaba // Arcseological research in Karakalpakstan. - Nukus, 1981. - pp. 65-76.)
10. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.10 – том, – Тошкент, 2005. – Б.88. (National encyclopedia of Uzbekistan, volume 10, - Tashkent, 2005. - P.88.)
11. Андреев М.С., Перова Е.М. Ягнобские тексты с приложением ягнобско-русского словаря, составленного Андрееым М.С., Лившицем В.А и Писарчик А.К. – Москва–Ленинград, 1957. – Б.362. (Andreev M.S., Perova E.M. Yagnob textures with the addition of the Yagnob-Russian word, composed by Andrey M.S., Livshits V.A. and Pisarchik A.K. - Moscow - Leningrad, 1957. - P. 362.)
12. Собиров Қ. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. –Тошкент, 2009, – Б.66. (Sobirov K. Rural and urban defensive structures of Khorezm. –Tashkent, 2009. - P.66.)
13. Маньковская Л., Булатова В. Памятники зодчества Хорезма. – Ташкент, 1978. – С.158-160. (Mankovskaya L., Bulatova V. Monuments of architecture of Khorezm. - Tashkent, 1978. - P. 158-160.)
14. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4 том, – Тошкент, 2004. – Б.247. (National encyclopedia of Uzbekistan. Volume 4, - Toshkent, 2004. - P.247.)
15. Ходжаниёзов Ғ. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. – Тошкент: 2007. – Б.70. (Khodzhaniyozov G. Defensive structures of Ancient Khorezm. - Tashkent: 2007. -- p. 70.)
16. Қалажиқ қалъа паспорти / Хоразм вилояти маданий мерос департаменти жорий архиви. (Passport Galajik kala kala / current archive of the Department of Cultural Heritage of the Khorezm region.)
17. Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент, 1959. – Б.88. (Gulomov Ya.G. Irrigation history in Khorezm. - Tashkent, 1959. -- p. 88.)
18. Мамбетуллаев М., Кдырниязов М. Городище Воянган. //Археология Приаралья. – Вып.2, 1982. – С. 86-91. Mambetullaev M., Kdyrniyazov M. Voyangan settlement. // Archeology of the Aral Sea region. - Issue 2, 1982. -- p. 86-91.)
19. Мамбетуллаев М.Топраккала Шаватская (раскопки 1979-1980 гг.) // Археология Приаралья. – Вып.3, –Ташкент, 1986. – С.42-46. (Mambetullaev M. Toprakkala Shavatskaya (excavations 1979-1980) // Archeology of the Aral Sea region. - Issue 3, - Tashkent, 1986. - P.42-46.)
20. Собиров Қ.Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. – Тошкент, 2009. – Б.59. (Sabirov K. Defensive structures of villages and cities of Khorezm. - Tashkent, 2009. -- p. 59.)
21. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9 том, – Тошкент, 2005. – Б.681. (National encyclopedia of Uzbekistan. Volume 9, - Toshkent, 2005. - P.681.)
22. Абдурасулов А., Абидова З. Хоразм қадамжолари ва зиёратгоҳлари. – Тошкент: Янги нашр, 2016. – Б.70. (Abdurasulov A., Abidova Z. Khorezm shrines and shrines. - Tashkent: New edition, 2016. - P.70.)
23. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7 том. - Тошкент, 2005. – Б.419. (National encyclopedia of Uzbekistan. 7 t. - Tashkent, 2005. - p. 419.)

24. Собиров Қ. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 60. (Sobirov K. Rural and urban defensive structures of Khorezm. - Toshkent: Fan, 2009. -- P. 60.)
25. Мамбетуллаев М. Городище Алмаатышкан. // Вестник КК АН Уз. – №4. – Нукус, 1982. (Mambetullaev M. Almaatyshkan settlement. // Bulletin of KK AN Uz. - No. 4. - Nukus, 1982.)
26. Собиров Қ. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 60. (Sobirov K. Rural and urban defensive structures of Khorezm. - Toshkent: Fan, 2009. -- P. 60.)
27. Матрасулов Ш., Собиров Қ. Олмаотишган ёдгорлигидаги археологик тадқиқотлар. // Археологические исследования в Узбекистане, 2001. – Самарканд, 2002. – С.104-107. (Matrasulov Sh., Sobirov K. Archaeological excavations at the Alma-Ata monument. // Archaeological research in Uzbekistan, 2001. - Samarkand, 2002. - P.104-107.)
28. Абдурасулов А., Абидова З. Хоразм қадамжолари ва зиёратгоҳлари. – Тошкент, Янги нашр, 2016. – Б. 60. (Abdurasulov A., Abidova Z. Khorezm shrines and shrines. - Tashkent, New edition, 2016. -- P. 60.)
29. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9 том, – Тошкент, 2005. – Б. 680.(National encyclopedia of Uzbekistan. Volume 9, - Toshkent, 2005. -- P. 680.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Нилуфар Джураева,
Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири

МАЪРИФАТПАРВАР ЖАДИДЛАРНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

For citation: Nilufar Dzhuraeva. THE VIEWS OF THE ENLIGHTED JADID ON WOMEN. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.220-225

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-27

АННОТАЦИЯ

Мақолада XX аср бошларига келиб, Туркистонда Россия мустамлакачилигининг большевистик истибдод билан алмашиниши жараёни ўлка халқларининг эрк, озодлик курашидаги янги тўлқиннинг кўтарилишига сабаб бўлганлиги, бу ҳаракатга жадидлар маънавий раҳнамолик қилганлиги таҳлил этилган. Жадидлар томонидан маданий-маърифий мазмунга эга бўлган маърифатпарварлик ғоялари Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлганлиги, бу ўзгаришлар негизида аёлларга муносабатда ҳам илғор ғоялар илгари сурилганлиги ёритилган.

Калит сўзлар: Туркистон, Россия мустамлакачлиги, совет даври, истибдод, жадидлар, аёлларга муносабат, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, маданий ҳаёт, маънавият, маърифат.

Нилуфар Джураева,
кандидат исторических наук, доцент
Узбекский государственный университет мировых языков
Заведующий кафедрой истории Узбекистана

ВЗГЛЯДЫ ПРОСВЕЩЕННЫХ ДЖАДИДОВ НА ЖЕНЩИН

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется, что процесс замены русского колониализма большевистским угнетением в Туркестане в начале XX века привел к новой волне борьбы за свободу народов региона, которую возглавили джадиды. Было отмечено, что просветительские идеи джадидов, имевшие культурно-просветительское содержание, вызвали существенные изменения в общественно-политической и духовно-культурной жизни Туркестана, и на основе этих изменений были выдвинуты передовые идеи в отношении женщины.

Ключевые слова: Туркестан, русский колониализм, советское время, угнетение, джадиды, отношение к женщинам, социально-политические, культурная жизнь, духовность, просвещение.

Nilufar Dzhuraeva,
Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
Uzbek State University of World Languages
Head of the Department of History of Uzbekistan

THE VIEWS OF THE ENLIGHTED JADID ON WOMEN

ABSTRACT

The article analyzes that the process of replacing Russian colonialism with Bolshevik oppression in Turkestan at the beginning of the twentieth century led to a new wave of struggle for the freedom of the peoples of the region, led by the Jadids. It was noted that the educational ideas of the Jadids, which had a cultural and educational content, caused significant changes in the socio-political and spiritual-cultural life of Turkestan, and on the basis of these changes, advanced ideas regarding women were put forward.

Index Terms: Turkestan, Russian colonialism, Soviet times, oppression, Jadids, attitudes towards women, socio-political processes, cultural life, spirituality, enlightenment.

1.Долзарблиги:

XX аср бошларига келиб, Туркистонда Россия мустамлакачилигининг большевистик истибдод билан алмашиниши жараёни ўлка халқларининг эрк, озодлик курашидаги янги тўлқиннинг кўтарилишига сабаб бўлди. Бу ҳаракатга жадидлар маънавий раҳнамолик қилди ва уларнинг асосий шиори "мустамлакага, жаҳолатга қарши маърифат билан курашамиз" деган ғояни ўзида мужассамлаштирган эди. Жадидлар томонидан маданий-маърифий мазмунга эга бўлган маърифатпарварлик ғояларининг кенг тарқалиши эса, Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлди. Давлат раҳбари томонидан юрт истиқлоли, халқнинг озодлиги ва эркинлиги, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида фидокорлик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга беқиёс ҳисса қўшган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов каби жадидларнинг "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирлангани уларнинг ижтмоий-сиёсий ва маданий соҳадаги қарашлари, илмий-маънавий меросининг долзарб тарихий аҳамият касб этишини англатади. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад қилиб белгиланганини таъкидлади: "Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда Учинчи Ренессансни йигирманчи асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар". . ..."Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим"[1], - деди Президент. Бу эса, мавзунинг долзарблигини белгилайди.

2. Методлар:

Мавзуга оид маълумотларни таҳлил қилишда тарихий-қиёсий услуб, манбаларга холисона ёндашиш орқали тараққийпарвар жадидларнинг хотин-қизлар масаласидаги қарашлари илмий ўрганилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Жадидчилик ҳаракати, маълумки, Марказий Осиё минтақаси ижтимоий ривожланишининг туб бурилиши босқичида юзага келди. Мазкур ҳаракат иштирокчилари асосий эътиборни бутун ижтимоий тизимни ўзгартиришдан кўра, маънавият соҳасини янгилашга қаратдилар. Жадидлар ўз қарашларидаги миллий ғоя таркибий қисмларига - қолоқлик, турмушдаги консерватизм билан кураш; миллийликни сақлаган ҳолда, кундалик турмушдан тортиб ҳамма соҳаларда –маориф, диний қарашлар, таълим, маданият ва

санъатнинг янги турларини жорий этиш; аҳолига тарихий онгни сингдириш каби ислоҳотлар ўтказишни киритдилар. Жадидлар раҳбарлик қилган маърифатпарварлик оқими халқни саводли қилиш, ўзлигини чуқурроқ ҳис қилиш, миллий истиқлол учун фидойи жонкуярларни тарбиялашни мақсад қилган экан, бу борада таълим-тарбия ҳамда маориф соҳасига алоҳида эътибор қаратиш, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш маърифатпарварларнинг устувор йўналишларидан бири эди.

Тараққийпарвар жадидлар илгари сурган энг муҳим масалалардан яна бири, бу хотин-қизлар озодлиги масаласи эди. Бу муаммони ҳал этиш масаласи маърифатпарвар жадидлар томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмида муҳим ижтимоий масала сифатида кўтарилган бўлса-да, реакцион кучлар таъсири туфайли хотин-қизлар ҳуқуқсизлигини сақлаб қолишга қаратилган урф-одатлар қонун сифатида сақланиб келмоқда эди. Хотин-қизларни маориф тизимига жалб этиш зарурият эканлиги ғоясини илгари сурган Беҳбудий шундай ёзади: “.....Аёл энг ҳурматга сазовор инсондир. Унга эркинлик берилиши, маълумот олиш учун имконият яратилиши, моддий ва маънавий неъматлардан баҳраманд бўлиши лозим. Шариат аёлнинг маълуот олишини таъқиқламайди, аксинча буюради” [2].

Жадидлар томонидан илгари сурилган хотин-қизлар озодлиги ғояси, уларнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётдаги таҳқирланишига қарши норозилик ҳаракати муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди. Улар хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга жалб этишда ва уларни маърифатли қилишда муҳим ҳисса қўшишди. Бу борада миллий тараққийпарварлар хотин-қизларнинг маориф соҳасига жалб қилишга алоҳида эътибор қаратдилар[3], уларни маърифатли қилиш, барча ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларда тўла ҳуқуқ билан иштирок этишларига эришиш учун ҳаракатга раҳнамолик қилдилар[4]. Жадидлар жамиятнинг интеллектуал даражаси кўпроқ хотин-қизлар аҳволининг қай даражада эканлиги билан боғлиқ деб ҳисоблаган ҳолда, жамиятни тубдан ўзгартириш ёки янгидан тузиш учун биринчи навбатда мусулмон оламида хотин-қизларининг ўрни ва ролига қарашларни ўзгартириш билан боғлиқ бўлган маданий-маърифий ва маиший соҳаларни ислоҳ қилишдан бошлаш лозим деб таъкидлашди[5].

Жадидлар аёллар озодлиги, жинслараро тенгҳуқуқлиликни мусулмон оилавий тараққиёт шаклидан келиб чиқиб, тасаввур қилдилар.

Жадидчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий мусулмон аёллари ва қизлари ҳаётини замонавийлаштириш муаммоларига алоҳида эътибор беради[6]. Ўз “Саёҳат хотиралари”да бу масалага доир бирор нарса, ҳодиса ёки ҳолатни тасвирларкан, уларни ё очиқ, ё ботиний тарзда юртимиздаги муқобили билан қиёслайди: гоҳ ўзи мулоҳаза юритади, гоҳ эса китобхонни ўзи тақдим этган талқин асосида мушоҳадага ундайди. Поездда кетиб бораркан, тубандаги манзарага диққат қилади: “Тарафайн тамоман ҳеч ҳосиласиз буғдой, арпа... Рус хотин-қизлари қўлларида кетмон, қатор-қатор ишламоқда ва қаторимизга қўл соллаб, баёни хўш омади этарлар. Бизнинг саҳро хотинларига қараганда алар жабркаш эканлар. Кеч хотунлар ишдан қайтмоқда. Ўтун, ўт ва асбоб орқаларида кўтарган, баъзи хотунлар аробасини чоптириб кетмоқда, аммо бизнинг саҳро хотунларининг ғийбат сўйламоқдан бошқа иши йўқ”[6]. Албатта, Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон оналарининг “жабркаш” бўлишларини асло истамаган. Аксинча у кемада кўрган ҳолларини таъсирланиб ёзган: “Парахўдға бизнинг Туркистон аёлларининг аҳволи ниҳоят қаттиқ ва асафликдур. Бу ханжор ила аёлларни судрамоқ ва аларни оёқлар остида ва парахўдни энг ёмон жойларида сақламоқ, “дум”ларига ўралтируб, парахўд нардбонидан йиқитмоқ...гуноҳдур. Ҳамда аларнинг боиси кулфат ва азият ва касалликлар бўлур. Бу бечора аноларимизни бу ҳолат ила келтирулмаса яхшидур. Фаранжи-чоршофлари бўлсун, бу “дум-қуйруқ”лар нимага керак? Қирқилсун бу думлар, токи азият ва меҳнатлари озайсун”[6]. Бу парчада жадидларнинг, “паранжи-чачвонларга ўралиб, минг азобда ҳажга борган аёлларнинг аҳволига ачинган ҳолда, уларнинг паранжининг орқасига тикиб қўйилган узун енглари-“дум-қуйруқ”ларга илашиб, параход нарвонларидан қулаш манзаралари беихтиёр кулги уйғотиши, бу кулги эса фожеавий кулги, яъни қолоқлик, жаҳолат меваси бўлган ҳолат кулгиси”[7] эканлиги ҳақидаги фикрлари ўз ифодасини топган.

Эътиборли томони шундаки, Беҳбудий аёлларни “аноларимиз” деб атайди, зеро у аёл сиймосида миллат онасини, янги бўғунни дунёга келтириш ва истиқболга мувофиқ тарбиялашга масъул зотни кўради.

Дарвоқе, аввалги кўчирмадаги “аммо”га кейингисидаги чақириқларни қўшсак, гўё Беҳбудий анча илгарироқ “ҳужум”га даъват қилгандек туюлар. Бироқ, яхшироқ ўйлаб кўрилса, бунинг янглиш тасаввур эканлиги очиқ кўринади. Гап шундаки, Беҳбудий паранжини оловга отишга чақираётгани йўқ: бу “дум-қуйруқ”ларни ислоҳ қилишга чақиради. Айни шу нуқтада Беҳбудийнинг, большевиклардан фарқли ўлароқ, вайронкор эмас, бунёдкорлик ғояси бўртиб кўзга ташланади[8].

Маҳмудхўжа Беҳбудий сайёҳ сифатида араб аёлларининг туриш-турмушига алоҳида эътибор қаратиб, шундай ёзади: “Ерли арабларда қаторда кўп бўлур, саҳрои хотунлари қочмайди. Шаҳарлиларини Туркистонга нисбатан “ярим сатр” (ярим ўралган), аммо ўзларини яхши тутарлар”[6]. Бу ерда Беҳбудий аёлга хос иффат, ҳаёни либосгагина боғлиқ эмаслигини таъкидлайди. Унинг эътиборини тортган нуқталардан яна бири шуки, араб аёллари: “жомеъларида дасталар ила муслималар келиб номоз ўқимоқда... Масжид равоқларининг кунжида ўз уйида тикиш тикиб ўтиргани кўриладур, аммо фаражи илан”[6]. Булардан кўринадики, унинг учун ҳаёт тимсоли, аммо муҳими шаклда эмас-мазмунда, моҳиятда.

Маҳмудхўжа Беҳбудий жамиятда соғлом муҳит бўлишида, унинг ҳар томонлама равнақ топишида аёлларнинг роли нечоғли улкан эканлигини англаган ҳолда, Туркистон аёлларининг маърифатли, илмли бўлишини истайди. Сайёҳнинг кемада кўргани зиёратга бораётган носори ўқувчи қизлар ёҳуд икки йилда иброний тилини мукаммал ўрганиб, ҳозирда иброний газеталарига мақолалар бостираётган рус аёли ҳақида ҳавасланиб ёзиши, Туркистон аёлларининг аксарияти илмдан мосуво қолаётганидан ўкиниши бунинг ёрқин далилидир. “Тараққий этган миллатларни, -деб ёзади Беҳбудий,- оналари [10] ўқитар экан, биз аввал онамизни ўқитуб, анга тил ўргатмоғимиз керак. Чунки бизни илм ва тилсизлигимиз алардандур”[9].

Мунавварқори бу борада шундай деган эди: “Маҳаллий зиёлилар хотин-қизларни озод қилиш масалаларида коммунистлар билан бир фикрда бўлди. Буни қуйидагилар исботлаб турибди:

1907 йилдаёқ зиёлилар ташаббуси билан ўғил ва қизлар учун умумий бўлган янги усулдаги мактаб очилган. Бундан ташқари аёллар учун махсус усули жадид мактаблар ҳам ташкил этилган эди. Февраль инқилоби вақтида ўқитувчиларнинг биринчи қурултойи чақирилиб, унинг делегатлари таркибига аёллар ҳам киритилади. Қурултойда ўқитувчилар семинариясини очиш тўғрисида зиёлилар билан диндорлар ўртасида кураш авж олади. Мана шундан кейин зиёлилар шаҳар думаси ва таъсис мажлисига аёллардан делегатлар юбориш масаласида ҳам зиёлилар диндорлар билан кураш олиб боради. Марказда чақирилган умуммусулмон Қурултойида Убайдулла Хўжаев Туркистон аёлларини озод қилиш масаласини кўтаради. Бу далиллар шундан гувоҳлик бериб турибдики, маҳаллий зиёлилар аёлларни озод қилиш учун курашган. Лекин уларда масалани қатъий ва бутун борлиғи билан кенг қўйиш учун етарли куч ва таянч йўқ эди. Бу масалани тўла-тўкис ҳал этиш шўро ҳукумати зиммасига тушади. Унда бунинг учун етарли куч ва имконият бор эди. Кўпчилик тараққийпарварлар шўро ҳукуматининг бу тўғридаги тадбирларини маъқуллаш билан қўллаб-қувватлайди. Тараққийпарварлар аслида аёлларни озод қилиш тарафдорлари бўлса-да, уни амалга ошириш усули хусусида бир хил фикрда эмас эдилар. Баъзи бирлари фирқа томонидан қўлланилган “Ҳужум”ни маъқулласа, бошқалари эса уни номаъқул топиб қуйидагиларни таклиф этади:

“Ҳужум”нинг бор кучини мактаб ва курсларга ҳамда қорихоналарга, ташкилотларга йўналтириб, у ердаги аёлларни озод қилиш керак. Шундан сўнг ҳамма аёлларни иш ёки мактабларда ўқиш билан таъминлаш зарур”. Мана бу усул, уларнинг фикрича, жуда мақбул ва фойдалик бўлган. Ҳозиргача ҳам фирқали ва тараққийпарварлар орасида бу усулни маъқуллаб, то умумий мажлисларда дакки емагунча ўз аёлларини очмай келганлар бор.

Бунга улар ҳукуматдан қўрққанидан расмий равишда мажбур бўлган бўлса-да, амалда ўз аёлларини паранжига янада маҳкамроқ ўради.

Агар энди менинг бу масала тўғрисидаги шахсий фикримга келсак, мен кўп вақтдан бери аёлларни анча тезроқ озод қилиш, мактабларда эркаклар билан тенглик асосида ўқитиш ва ишга жалб этиш, уларнинг ҳуқуқларини эркакларга тенглаштириш йўлида турли хил усулларни қўллаш билан ишлаб келмоқдаман. Ўзимнинг умр йўлдошимни 1923-24 йилларда очган эдим. У шундан кейин ўқишга кирган. Мен яна шунинг тарафдориманки, 50 ёшдаги аёлларни паранжи ташлашга мажбур қилиш керак эмас, акс ҳолда уларнинг кўпчилиги кўчага чиқишдан кўра ўзларининг қулликда бўлишини афзал кўради".[11]

Жадидчилик ҳаракати баъзи-бир тарихий адабиётларда айтилганидек, олдин маданий-маърифий ҳаракат бўлиб, кейин ижтимоий-сиёсий ҳаракатга ўсиб ўтгани йўқ. У ўз мақсад ва моҳиятига кўра, дастлабки куниданоқ, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва ислоҳотчилик ҳаракати бўлган. Жадидлар хотин-қизларга нисбатан жабр-зулм кўрсатилишига қарши чиқиб, аёлларни ҳимоя қилган ҳолда уларнинг шахс эканлигини тан олишди. Хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудий шундай деган эди: "Аёл бу инсоният билан боғлиқ шахсдир. Аёл донишмандларни туғиб, тарбиялаб, улуғ шахслар даражасига етказди" [2].

Ўрта Осиё жадидчилик ҳаракатининг машҳур вакилларидан бири Абдурауф Фитрат ўзининг "Оила" асарида оиланинг миллат ва жамият асосини ташкил этишини таъкидлаб, унинг давлат, ҳуқуқ, маърифат билан боғлиқ томонларини муҳокама қилади. У оила ҳаётининг янги низомини ишлаб чиқиш зарурлигини, чунки миллат тарбияси оила ҳаётидан бошланиши ҳақидаги ғояларини илгари суради [12].

1918 йил октябрда эркаклар ва аёлларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида юридик тенглиги Туркистон АССР конституциясига киритилган бўлса ҳам, шариат ва одат қонунлари асосида яшайдиган мусулмон жамияти аёлни фақат уй бекаси, деб қабул қилар эди. Бундай мавжуд тарихий шароитда хотин-қизлар тенглигини таъминлаш мушкул масала ҳисобланарди [13].

Шунинг учун ҳам, жадидлар томонидан хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга жалб этишга доир дастлабки тадбирлардан бири эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлилигига эришишнинг зарурий шарти сифатида уларни таълимга жалб қилиниши ташкил этилган.

4.Хулосалар:

Хулоса қилиб, айтганда, жадидлар аёлларнинг сиёсий, ҳуқуқий саводхонлик даражасини юксалтириш учун таълим соҳасини ислоҳ қилиш муҳим эканлигини асослаб бердилар. Жадидчилик ҳаракатида хотин-қизларни маданий-маърифий жараёнларга жалб этишнинг илмий-назарий асослари кўрсатиб берилиши аёлларнинг ҳар томонлама камол топишига ва оила ҳамда жамиятдаги мавқеини таъминлашда муҳим омил бўлди. Хотин-қизларни ривожланиш жараёнига интеграциялашуви натижасида жамият ривожланишининг самарадорлиги ошди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи// https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020 (Speech by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the ceremony dedicated to the Day of Teachers and Trainers // https://uza.uz/ru/posts/president-of-the-republic-of-the - representation-savkat-mirziev)
2. Жадидлар ҳаракати//http://jadid.my1.ru/publ/1-1-0-10 (Jadid movement // http: //jadid.my1.ru/publ/1-1-0-10)
3. Туркистон газетасидаги "Хотин-қизлар маорифи" номли мақола (An article in the Turkestan newspaper "Women's Education").

4. Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. -Т.:Ўзбекистон, 2003. – Б.102. (Safaeva S. Women's problems: social and national aspects.-T.: Uzbekistan, 2003. - P. 102.)
5. Қаранг. Алимова Д. Марказий Осиё тарихшунослигида гендер тузилмаси мавжудми (мустамлака, совет ва ҳозирги замон). //Ўзбекистон тарихи. 2008. №2.-61 бет. (жами 59-69бетлар); Беҳбудий М. Хифз-и сиҳат-и оила. // Ойна.1914.№ 48-50; А.Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 1998; А.Авлоний. Туркий гулистон ёки ахлоқ. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. (See D. Alimova. Is there a gender structure in the historiography of Central Asia (colonial, Soviet and modern)? // History of Uzbekistan. 2008. No. 2.-61 p. (total pages 59-69); Behbudiy M. Xifz-i sihat-i oila. // Oyna. 1914.№ 48-50; A. Fitrat. Family or family management procedures. - Tashkent: Spirituality, 1998; A. Avlonius. Turkish gulistan or morality. - Tashkent: Teacher, 1992)
6. Яхшилиқов Ж., Убайдуллаева Н. Жадидчилик ва Беҳбудий. –Тошкент: Фан, 2004. –Б. 112. Беҳбудий М. Танланган асарлар. – Т., 1997. – Б.16 (Yashshilykov J., Ubaidullaeva N. Jadidism and Behbudi. –Tashkent: Fan, 2004. –B. 112. Behbudiy M. Selected Works. - T., 1997. – P.16.)
7. Худойқулов М. Жадидлар ҳажвиёти.// “Соғлом авлод учун”, 1997, 2-сон. – Б.24. (Khudoikulov M. Jadid comedy. // "For a healthy generation", 1997, issue 2. – P.24)
8. 8.Мухторова Ш. Беҳбудийнинг “аммо”си. // “Ёш куч”, 2001, 6-сон. – Б.8 (Mukhtorova Sh. "No" Behbudi. // "Young Power", 2001, no. 6. – P.8)
9. Беҳбудий М. Тил масаласи.Танланган асарлар. – Б.170 (Behbudiy M. Language edition. Selected works – P. 170)
10. *Мунаввар қори Абдурашидхонов 1878 йилда Тошкент шаҳар Шайх Хованди Таҳур даҳа Дархон маҳалласида зиёли оиласида дунёга келди. Отаси Абдурашидхон Сотиболдихон Олимхон ўғлидир (айрим манбаларда ва халқ оғзида Абдулмажидхон ўғли, вафоти 1885 й.). У ўзи яшаб турган маҳалладаги Эшонқули додхоҳ мадрасасида ва ўз ҳовлисида мактаб очиб, 40 нафар ўқувчига дарс берган. Онаси Хосият отин (1845-1931) Тошкентнинг машҳур зиёлиларидан Хонхўжа Шораҳимхўжаев (1841-1941)нинг қизи, машҳур ўқитувчилар - Ҳасанхўжа ва Эшонхўжа Хонийларнинг ҳамшираси бўлиб, ўз ҳовлисида хотин-қизларни ўқитган. (*Munavvar kori Abdurashidkhonov was born in 1878 in Sheikh Khovandi Takhur in the city of Tashkent in the Darkhan mahalla into an educated family. His father was Abdurashidkhon Sotiboldikhon Olimkhan oglu (in some sources and folklore Abdulmajidkhan oglu, died in 1885). He opened a school in the Eshanquli dodhoh madrasah in the neighborhood and in the backyard, teaching 40 students. His mother, Khosiyat Otin (1845-1931), was the daughter of Khankhodja Shorahimkhodjaev (1841-1941), a famous Tashkent intellectual, and a nurse of the famous teachers Hasankhodja and Eshankhodja Khaniy, who taught women in her yard.)
11. 11.Муравварқори Абдурашидхонов. Хотираларимдан. (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). – Т.: Шарқ, 2001. – Б.62-63. (Muravvarkori Abdurashidkhonov. From my memories. (Excerpts from the history of Jadidism). - T.: Shark, 2001. – P.62-63.)
12. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 1998. (Fitrat A. Family or family management procedures. - Tashkent: Manaviyat, 1998).
13. Дўстмуҳамедова Д.Жадидчилик ва гендер// Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.№3 (31)/2005. – Б.164 (Dostmukhamedova D. Jadidism and gender // Public opinion. Human rights. No.3 (31) /2005. – P.164)
14. Джураева Н. ОТНОШЕНИЕ К ЖЕНЩИНЕ В ВОЗЗРЕНИЯХ ДЖАДИДОВ ТУРКЕСТАНА. Исторические науки. // https://cyberleninka.ru/article/n/otnoshenie-k-zhenschine-v-vozzreniyah-dzhadidov-turkestana (Dzhuraeva N. ATTITUDE TO WOMEN IN THE VIEWS OF THE JADIS OF TURKESTAN. Historical sciences. // https://cyberleninka.ru/article/n/otnoshenie-k-zhenschine-v-vozzreniyah-dzhadidov-turkestana)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Отабек Юлдошевич Дуланов,
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

СУРХОН ВОҲАСИ ЖУЗЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАРИ

For citation: Otabek Y. Dulanov, TRADITIONAL DISHES OF JUZES OF SURKHAN OASIS.Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.226-231

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-28

АННОТАЦИЯ

Миллий таомлар – моддий маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, уларни кузатиш асосида турли халқларнинг анъаналарини ўрганиш мумкин. Овқат тайёрлаш кўп жиҳатдан аҳоли яшаб турган ижтимоий муҳит, географик шароит ва хўжалик шакллари билан боғлиқ бўлган. Жумладан, Сурхон воҳаси жузларининг анъанавий таомларини асосан донли, сабзавотли, сутли, гўштли таомлар ташкил этади. Ушбу мақолада Сурхон воҳаси жузларининг анъанавий таомлари ва уларнинг аҳоли ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзлар: жуз, таом, “ер тандир”, умоч ош, қатлама, ғилминди, Бибисешанби.

Отабек Юлдошевич Дуланов,
Преподаватель кафедры Всемирной истории
Термезского государственного университета

ТРАДИЦИОННЫЕ БЛЮДА ДЖУЗОВ СУРХАНСКОГО ОАЗИСА

АННОТАЦИЯ

Национальные блюда – неотъемлемая часть материальной культуры, и наблюдая их можно изучить традиции различных народов. Приготовление пищи во многом была связана с социальной средой населения, географическими условиями и формами хозяйства. В частности, традиционная кухня джузов Сурханского оазиса состоит в основном из зерновых, овощей, молочных и мясных блюд. В данной статье представлена сведения о традиционной кухне джузов Сурханского оазиса и их роли в социальной жизни населения.

Ключевые слова: джуз, блюдо, “земляной тандыр”, суп умач, катлама, гилминди, Бибисешанби.

Otabek Y. Dulanov,
Lecturer at the Department of World History,
Termez State University

TRADITIONAL DISHES OF JUZES OF SURKHAN OASIS

ABSTRACT

National dishes are an integral part of material culture, and by watching them one can study the traditions of various peoples. Cooking was largely associated with the social environment of the population, geographic conditions and forms of economy. In particular, the traditional cuisine of the Juzes of the Surkhan oasis consists mainly of cereals, vegetables, dairy and meat dishes. This article provides information about the traditional cuisine of the Juzes of the Surkhan oasis and their role in the social life of the population.

Index Terms: juz, dish, “earthen tandoor”, umach soup, katlama, gilmindi, Bibiseshanbi.

1. Долзарблиги.

Инсоннинг жисмоний ривожи, куч-қуввати ҳамда саломатлиги, қолаверса, ақлий камолоти ривожланишида асосий манба бўлган таомлар халқ маданиятининг ажралмас таркибий қисмларидан бирини ташкил қилади. Ҳар бир халқ жамият тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланиш жараёнида турли-туман таомларни яратган. Шубҳасиз, ҳар қандай этнос анъанавий таомлари ҳам ушбу халқ турмуш тарзи, аввало хўжалик машғулотлари, миллий ва диний қарашлари асосида, маҳаллий табиий шарт-шароитга боғлиқ ҳолда ўзгариб, ривожланиб боради. Қолаверса, моддий маданиятнинг муҳим компонентларидан бири бўлган халқ анъанавий таомлари, уларнинг тайёрланиш усуллари, ҳатто таомлар билан боғлиқ анъана ва маросимлар ушбу халқ хўжалигининг йўналиши ва этнос турмуш тарзига боғлиқ ҳолда шаклланиб борган. У ёки бу этник жамоанинг хўжалиги ҳаётида, турмуш тарзидаги ҳар қандай ўзгариш унинг анъанавий таомларида ҳам ўз аксини топган.

Илмий адабиётларда ўзбек халқи анъанавий таомлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда таомлардаги этник ва иноэтник компонентлар масаласи маълум даражада ёритилган Бироқ, айнан Сурхон воҳасида юз (жуз)ларнинг анъанавий таомларининг тавсифи ва таснифи ҳамда уларнинг маҳаллий хусусиятлари муаммоси махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса ушбу масаланинг долзарб эканлигидан далолат беради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу мақола тарихийлик, ҳудудий ёндошув ва қиёсий-таҳлил каби тарихий методлар асосида ўрганилди. Унда илмий манбалар ва дала материаллари асосида Сурхондарё вилоятида яшовчи жуз қавмининг анъанавий таомлари ҳақидаги маълумотлар берилади.

Сўнгги йилларда Сурхондарё вилояти аҳолисининг анъанавий таомларига бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Бу борада, айниқса, С.Н.Турсунов, Э.Қобилов, Т.Пардаев, И.Умаров, М.Файзуллаева томонидан олиб борилган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, С.Турсуновнинг илмий изларишларида Сурхон воҳаси аҳолиси, шу жумладан, жуз қавмининг анъанавий таомлари тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилади [1, 2]. И.Умаровнинг тадқиқотларида воҳадаги туркий уруғларнинг таомларида анъанавийлик масалалари, уларнинг фарқли томони кўриб чиқилади [3]. М.Файзуллаева эса Сурхон воҳасида ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналарни ўрганади [4].

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадқиқотларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, уларда илк бор воҳа аҳолиси таомларнинг турлари, уларнинг тайёрланиши ва масаллиқлари ҳақида кенг тушунча берилади. Таъкидлаш жоизки, бу борадаги тадқиқотлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Таомлар билан боғлиқ манбалар янги маълумотлар билан бойимоқда.

3. Тадқиқот натижалари.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг биринчи ярмида Сурхон воҳасида деҳқончилик билан машғул бўлган ўзбек чиғатойлар ва тожиклар таомларида асосан донли ҳамда сабзавотли таомлар кенг ўрин олган бўлса, чорвачилик билан шуғулланган дўрмонлар, жузлар, қатағонлар эса қатиқ-сут, ёғ ва гўштни кўпроқ истеъмол қилишган.

Сурхондарё жузларида дон ва донли маҳсулотлардан таом тайёрлаш муҳим аҳамият касб этган. Ярим ўтроқ чорвадор аҳоли ун ва ёрмаларни ёрғучоқларда тортган бўлсалар,

ўтроқ аҳоли эса сув ҳамда ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган тегирмонларда тортганлар [5]. Буғдой тоғли ҳудудларда лалми усулда етиштирилган бўлса, дарё бўйларида ва унга туташ ҳудудларда суғорма усулда етиштирилган. Сурхондарё, Қоратоғдарё, Хўжаипоқдарё, Обизарангдарё, Тўпаланг дарёсининг ёқаларида донли экинлардан кўпроқ шоли етиштирилган [6].

Деҳқончилик маҳсулотларидан таомлар тайёрлаш кенг ривожланган бўлиб, ўсимликлардан тайёрланадиган таомлар хилма-хиллиги билан ўзига хос ўринга эга бўлган. Чунончи, XX асрнинг бошларида воҳада арпа ун, жўхори ун, буғдой ун, маккажўхори унларидан турли хилдаги таомлар ҳамда нонлар тайёрланган.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг биринчи ярмида жузлар тайёрлайдиган нонининг кўпгина турлари мавжуд бўлиб, «оби нон» «жиззали нон», «сутли нон», «патир нон» «қозон патир», «ёғли нон», «лочира нон» каби турлари машҳур бўлган. Шунингдек, воҳада ўрганилаётган даврда жўхори унидан «зоғора нон», арпа унидан «арпа нон», тариқ унидан «тариқ нон», «тариқ зоғора», ҳамда камбағал оилалар эса қурғоқчилик келган йилларда кепакдан «кепак нон» истеъмол қилишган.

Тандирлар ўрнатилишига қараб бир-биридан фарқланган. Масалан, «ер тандир»лар турк, қарлуқ, қатағон, барлос каби этник гуруҳларда бўлса, «девор тандир»лар эса ўтроқ аҳоли бўлган чиғатой, хўжаларда учрайди. Нон ёпишда тандир яхши қиздирилиб, енглик кийиб, рапида ёрдамида ёпилади. Азалий турмуш тарзи чорвачилик бўлган жуз, дўрмон ва қўнғиротларнинг нон пиширишда «това тошлар»дан фойдаланганликлари кузатилади.

Жузларда нон ва ноннинг асосий масаллиғидан бири бўлган хамиртуруш билан боғлиқ ўзига хос қатор иримлар бўлган. Масалан, қишлоқда бир киши вафот этган кун хамир қилинган хонадон қишлоқда ўлим яна давом этмасин деб, ирим қилиб супрасига хамиртуруш қолдирмаган. Шунингдек, шанба куни хамиртуруш сўраб келган кишига берилмаган. Икки «чиллали хонадон» бир-бирига чилласи тушади деб хамиртуруш бермаган.

Жузларнинг чорвадор аҳолиси дашт ва тоғларда мол боқиб юрган кезларда тандир қуришнинг имкони бўлмайди, шу боисдан нон турларидан «кўмма нон» истеъмол қилганлар. Кўмма нон ҳам патир нон каби хамиртуруш қўшилмасдан тайёрланади. Лекин уни раслашда бироз узунчоқроқ ва қалинроқ ҳолга келтирилади. Кўмма нонни воҳа тожиклари «нони кўмоч» деб атаганлар [7]. Ўзбек қипчоқларида ҳам кўмма нон кўплаб истеъмол қилинган [8].

Ўз навбатида шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, нон, кулча ва патирлардан ташқари қатламалар ҳам тайёрланган. Қатламани Қоратегин ва Дарвоз тожиклари «қатмол» деб атаганлар [9]. Қатлама тўй ва меҳмон дастурхони учун қадимдан тайёрлаб келинган бўлиб, уни қилишда хамир сут ёки сувда қорилиб зувала қилинади. Сўнгра хамир ўқлов ёрдамида юпқа қилиб ёйилади. Ёйманинг юзига ёғ (сариёғ, эритилган қўй ёғи ёки қаймоқ) суртиб бироз вақт ўраб қўйилади. Сўнгра қатлама хамирини нон катталигида ясаб, ёғда пиширилади. Шўрчи, Қумқўрғон, Олтинсой туманларида фотиҳа тўйи кунлари куёв томони 30 тадан 60 тагача қатлама пишириб юборган. Тадқиқ этилаётган жойда юпқа ҳам буғдой унидан тайёрланган [10]. Элшунос олимлардан Б.Х. Кармишева, К. Шониёзовларнинг таъкидлашича, бу таом Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам тановул қилинган [11]. Хусусан, Юқори Зарафшон тожиклари юпқани «тунук» деб номлашган [12].

Юпқа учун тайёрланган хамир шафтоли катталигида бўлакчаларга бўлиниб, бўлакча хамирларга ун сепиб, хамир юпқа қилиб ёйилади. Пиширишдан олдин юпқалардан ун қоқиб ташланади. Қозон ички деворлари озгина ёғланиб, қиздирилади. Аввал биринчи юпқанинг икки томони ёпилади, кейин унинг устига иккинчи юпқа қўйилади ва қозоннинг қизиган юзасига ағдарилади. Сўнгра биринчи юпқанинг устига учинчиси қўйилади. Иккинчи юпқа пишгандан кейин учинчиси ҳам ағдариб қўйилади. Шу асосда даста шаклда тўртинчи, бешинчи, олтинчи ҳамда бошқа юпқалар пиширилади. Минтақада юпқани тайёрлашда ёғларнинг ишлатилиш хилига қараб қаймоқли юпқа, сариёғли юпқа, ширали юпқа, пиёзли юпқа каби турлари мавжуддир [13].

Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой туманларидаги жузларнинг қишлоқларида ҳамирли таомлар орасида «ғилминди» машҳур бўлган [14]. Бу таом буғдой унидан юпқа сингари

тайёрланган. Фақат, ёғланмаган қиздирилган қуруқ қозонда қотириб олинган. Иккинчи қозонда эса ун билан сув яхшилаб аралаштирилиб қайнатилган, сўнгра сут солиб атала тайёрланган. Бу жараёнда қозон тагига олмаслиги учун қўзғаб турилган. Қотириб олинган юпқаларга озгина миқдорда атала суртиб, тўртбурчак шаклида тугиб, қиздирилган ёғда пиширилган. Ғилминди таоми Зарафшон ҳавзаси қипчоқларида ҳам кенг тарқалган бўлиб «ғилбинди» [15], Юқори Зарафшон тожикларида эса «ғилмунди» [16] деб аталган. Ҳозирда ҳам бу таом тансиқ таомлар сирасига киради [17].

Воҳада буғдой унидан «умоч ош» ва «умоч палов» деб номланган таом пиширилган [18]. Умоч ошнинг қатиқли умоч, сутли умоч каби турлари мавжуд. Умоч ош Ўзбекистон [19] ва қолаверса, Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг тарқалган [20]. Таомни тайёрлашда эланган ун каттароқ идишга солиниб, унга оз-оздан шўр сув сепиб, буғдой донларидек бўлгунга қадар идишда қўл билан ишқаланади. Сўнгра уларни элаб, унидан ажратиб олиниб, қайнаб турган сувга солиб, яна қайнатилади. Қатиқ куйиб кетмаслиги учун, бироз совутилгач, кейин солиниб, аралаштирилиб истеъмол қилинади. Сутли умоч ош эса, сутга қайнатилади ва пишгач табга кўра туз солинади. Агар таом пишмасдан туз солинса, сут «ириб» кетади. Шунингдек, воҳада сутли умоч ошни «Бибисешанби» маросимида ҳам пиширилган. Ўз навбатида шуни ҳам таъкидлаш керакки, Республиканинг бошқа минтақаларида бўлгани сингари воҳада ҳам бу таомдан эркакларнинг ейиши тақиқланган [21].

Халқона қарашларга кўра, бибисешанба ошини тайёрлаш учун етти хонадондан бир сиқимдан ун олиниб, камига маросим ўтказаётган хонадон қўшади. Ривоят қилишларича, қадимда, бой хонадон бекаси етти хонадондан ун олиб келиб Бибисешанби учун ош тайёрлаётганда хонадон соҳиби келиб, биз бой бўла туриб бировлардан ун олиб ош қилаяпсанми деб, ош пишаётган қозонни ўчоқдан тепиб тушириб юборган. Шу сабабдан Бибисешанбининг ошини эркаклар тановул қилиши мумкин эмас экан [22].

Умоч палов пиширишда аввал тайёрланган умоч хамир ёғда яхшилаб қовуриб олинган. Шундан кейин зирвак тайёрланади, яъни гўшт ёғда яхши қовурилгач, пиёз сап-сариқ рангга киргунча пиширилади. Сўнгра тўғралган сабзи солиниб, жигар ранг бўлгунча қовурилади. Кейин сув солиб, паст оловда қайнатилади. Туз ва зираворлар ҳам сув қайнагандан сўнг солинади. Умоч палов мазали бўлиши учун зирвак узоқроқ қайнатилади. Қовуриб олинган умоч зирвак юзига бир қатлам қилиб солиниб, кейин устига меъёрига қараб сув қуйилади. Умоч паловга икки марта туз солинади. Зирвагига ҳамда қовурма умоч суви қайнаган вақтида тузи меъёрида солинади. Қовурма умоч сувини тортгач, уни қозоннинг ўртасига тўплаб, бир оз буғлангач, дамга қўйилади ва ўчоқдан чўғ тортиб олинади. Дамлаш жараёни умочнинг миқдорига қараб амалга оширилади.

Сурхон воҳасида юз (жуз)ларда буғдой унидан «кесган ош» ва «кесган палов» таоми ҳам тайёрланган. Кесган ошни воҳа тожиклари «оши угро», Шўрчи, Олтинсой ва Қумқўрғон туманлардаги юз ўзбек уруғлари «шулла» деб атаганлар [23]. Таомни тайёрлашда юпқа қилиб ёйилган хамир маҳорат билан ингичка қилиб кесилган. Қозонга эса сув, пиёз, ловия (ёки мош, нўхат), солиб қайнатилган. Қайнаб турган қозонга кесилган хамирлар секинлик билан солиниб, маълум вақт яна тўхтамасдан қайнатилган. Таом пишгач, бироз дам берилиб, кейин қатиқ билан ейилади. Кесган ошни ингичка қилиб кесган юқори Зарафшон тожиклари бу таомни «оши тўппа» деб атаганлар [24]. Кесган палов таоми эса, кесиб тайёрланган хамир қиздирилган қуруқ қозонда қотириб олинади. Сўнгра умоч палов таоми сингари пиширилади. Лекин умоч ўрнига қотириб олинган кесган ишлатилади.

4. Хулосалар:

Хулоса қиладиган бўлсак, миллий таомлар ҳар бир халқ моддий маданиятининг ажралмас қисмидир. Моддий маданиятнинг муҳим компоненти бўлган анъанавий таомлар ўзига хос тафовутларга эга эди. Сурхон воҳаси жузларининг таомлари бугунги кунга қадар анъанавийликни йўқотган эмас. Айниқса, мавсумий ёки маросим таомларини тайёрлаш жараёнида кўплаб одамлар иштирок этган. Бу эса одамларни ўзаро жипслаштириб, аҳил-иноқ яшашларида муҳим роль ўйнаган.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Турсунов С., Пардаев Т, Қурбонов А., Турсунов Н. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. –Тошкент, 2006. (Tursunov S., Pardaev T, Qurbonov A., Tursunov N. History and culture of Uzbekistan - Surkhandarya ethnography. – Tashkent, 2006)
2. Турсунов С., Пардаев Т., Маҳмадиёрова Н. Сурхондарё – этнографик макон. –Тошкент, 2012. (Tursunov S., Pardaev T., Mahmadiyorova N. Surkhandarya is an ethnographic place. – Tashkent, 2012)
3. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). –Тошкент, 2014. (Umarov I., Rakhmonov H., Khudoyberdiev E. Ethnic history and ethnocultural processes in the Surkhan oasis (on the example of the xatak tribe). –Tashkent, 2014).
4. Файзуллаева М. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар (Сурхон воҳаси мисолида). – Тошкент: YANGI NASHR, 2010. (Fayzullaeva M. Traditions related to Uzbek cuisine (on the example of Surkhandarya oasis). - Tashkent: YANGI NASHR, 2010.)
5. Дала ёзувлари. 2020 йил. Шўрчи тумани Оқтумшуқ, Бахштепа қишлоқлари. (Field records. 2020. Oktumshuk, Bakhshtepa villages of Shurchi district.)
6. Дала ёзувлари. 2019-2020 йиллар. Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Узун, Сариосиё туманлари. (Field records. 2019-2020. Kumkurgan, Shurchi, Oltinsoy, Denov, Uzun, Sariosiya districts.)
7. Дала ёзувлари. 2020 йил. Денов тумани Сина, Куёвсу қишлоқлари. (Field records. 2020. Sina, Kuyovsu villages of Denau district.)
8. Шаниязов К.Ш. О традиционной пище узбеков // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. –Ташкент, 1972. –С. 97. (Shaniyazov K.Sh. About the traditional food of the Uzbeks // Ethnographic study of the life and culture of the Uzbeks. –Tashkent, 1972. –P. 97.)
9. Кисляков Н.А. Таджики Каратегина и Дарваза. –Душанбе, 1976. –С. 231. (Kislyakov N.A. Tadjiks Karategin and Darvaz. –Dushanbe, 1976. –P. 231)
10. Дала ёзувлари. 2020 йил. Шўрчи тумани Ялти қишлоғи. (Field records. 2020. Yalti village of Shurchi district.)
11. Шаниязов К.Ш. О традиционной пище узбеков. –С. 100; Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана// Труды АН ТаджССР. –Сталинабад, 1954. Т. XXVIII. –С. 143. (Shaniyazov K.Sh. About the traditional food of the Uzbeks. –P. 100; Karmysheva B.Kh. Uzbeks-Lokays of Southern Tajikistan // Proceedings of the Academy of Sciences of the Tajik SSR. –Stalinabad, 1954. T. XXVIII. –P. 143.)
12. Материальная культура таджиков верховьев Зарафшана. –Душанбе, 1973. –С. 147-148. (Material culture of Tajiks in the upper reaches of Zarafshan. –Dushanbe, 1973. –P. 147-148)
13. Дала ёзувлари. 2020 йил. Олтинсой тумани Жобу қишлоғи. (Field records. 2020. Jobu village of Altynsay district)
14. Дала ёзувлари. 2020 – 2021 йил. Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Сариосиё, Узун туманлари. (Field records. 2020 - 2021. Kumkurgan, Shurchi, Altynsay, Denau, Sariosiyo, Uzun districts)
15. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. –Ташкент, 1974. –С. 275. (Shaniyazov K.Sh. On the ethnic history of the Uzbek people. –Tashkent, 1974. –P. 275)
16. Материальная культура таджиков верховьев Зарафшана. –С. 148-149. (Material culture of tajiks in the upper reaches of Zarafshan. –P. 148-149)
17. Маҳмудов К. Ўзбек тансиқ таомлари. –Тошкент, 1989. –Б.25. (Mahmudov K. Uzbek delicacies. –Tashkent, 1989. –P.25)
18. Дала ёзувлари. 2020 - 2021йил. Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Сариосиё, Узун туманлари. (Field records. 2020 - 2021. Kumkurgan, Shurchi, Altynsay, Denau, Sariosiyo, Uzun districts.)

19. Худойшукуров Т., Маҳмудов О., Убайдуллаев Р. Ўзбек миллий таомлари. –Тошкент, 1995. –Б. 41. (Khudoyshukurov T., Mahmudov O., Ubaydullaev R. Uzbek national dishes. – Tashkent, 1995. –P. 41)
20. Кисляков Н.А. Таджики Каратегина и Дарваза. –С. 234. (Kislyakov N.A. Tajiks Karategin and Darvaza. –P. 234)
21. Дала ёзувлари. 2021 йил. Сариосиё тумани Сўфиён қишлоғи. (Field records. 2021. Sufiyon village of Sariosiyo district)
22. Дала ёзувлари. 2021 йил. Шўрчи тумани Саксонкапа, Ободон қишлоқлари. (Field records. 2021. Saxonkapa, Obodon villages of Shurchi district.)
23. Дала ёзувлари. 2020 – 2021 йиллар Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Сариосиё, Узун туманлари. (Field records. 2020 - 2021 Kumkurgan, Shurchi, Altynsay, Denau, Sariosiya, Uzun districts.)
24. Материальная культура таджиков верховьев Зарафшана. –С. 154. (Material culture of Tajiks in the upper reaches of Zarafshan. –P. 154)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Расулжон Дусчанов,
Ўзбекистон Миллий университети
Тарих факультети
Манбашунослик ва архившунослик
кафедраси ўқитувчиси
E-mail: rasuljonduschanov5@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДА СОЛИҚЛАРНИНГ БАЪЗИ ТУРЛАРИ

For citation: Rasuljon Duschanov, SOME TYPES OF TAXES IN THE UZBEKISTAN SSR. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.232-238

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-29

АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат бюджети мамлакатнинг кирим ва чиқимининг асосий кўрсаткичи бўлиши билан бирга маблағларни қайта тақсимловчи улкан молиявий механизм бўлиб, совет давлатида давлат бюджети иттифоқ бюджети, иттифоқдош республикалар бюджети, маҳаллий бюджетлардан иборат бўлганлиги, бу тизимда даромадлар қуйидан юқорига, тақсимот эса юқоридан қуйига қараб амалга оширилганлиги ёритиб берилган. Шунингдек, иккинчи жаҳон уруши йиллари давлат бюджетини тўлдириш мақсадида солиқларни ошириш, тўловларни ундириш эҳтиёжлари келиб чиққанлиги асослаб берилган. Шу мақсадда ҳарбий даврга мўлжалланган солиқлар жорий қилинган. Ойлик маошларидан иқтисод қилиш мақсадида ташкилот, муассаса ва корхоналарда асосий ҳисобланмайдиган штат бирликлари тугатилган. Давлат бюджетига келиб тушаётган маблағларни тезлаштириш мақсадида қишлоқ хўжалик солиғи бир ой аввал тўланиши белгилаб қўйилганлиги тарихий мисоллар асосида таҳлил қилиб берилган.

Калит сўзлар: Мол-мулк, даромад олувчи, солиқ ставкаси, ҳарбий солиқ, солиқ суммаси, тушим, маҳаллий солиқ, йиғим.

Расулжон Дусчанов,
Преподаватель кафедры
Источниковедение и архивирование,
Исторический факультет
Национальный университет Узбекистана
E-mail: rasuljonduschanov5@gmail.com

НЕКОТОРЫЕ ВИДЫ НАЛОГОВ В УЗБЕКИСТАНСКОЙ ССР

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется, что государственный бюджет является основным финансовым механизмом перераспределения денежных средств, а также ключевым показателем доходов и расходов страны. Утверждалось также, что во время Второй мировой войны возникла необходимость в повышении налогов и сборов с целью пополнения государственного бюджета. Для этого были введены налоги на военный период. В целях экономии на заработной плате в организациях, учреждениях и на предприятиях упразднены непрофильные штатные единицы. В целях ускорения поступления средств в государственный бюджет анализ основан на исторических примерах, согласно которым сельскохозяйственный налог планируется уплатить за месяц вперед.

Ключевые слова: Имущество, получатель дохода, налоговая ставка, военный налог, сумма налога, доход, местный налог, сбор, арендная плата за землю.

Rasuljon Duschanov,
Lecturer of the department
Source study and archiving Faculty of History
National University of Uzbekistan
E-mail: rasuljonduschanov5@gmail.com

SOME TYPES OF TAXES IN THE UZBEKISTAN SSR

ABSTRACT

The article analyzes that the state budget is the main financial mechanism for the redistribution of funds, as well as a key indicator of the country's income and expenditure. It was also argued that during the Second World War, it became necessary to increase taxes and fees in order to replenish the state budget. For this, taxes were introduced for the war period. In order to save on wages in organizations, institutions and enterprises, non-core staff units have been abolished. In order to accelerate the receipt of funds in the state budget, the analysis is based on historical examples, according to which the agricultural tax is planned to be paid one month in advance.

Index Terms: Court, repression, property, recipient of income, tax rate, military tax, tax amount, income, local tax, levy, rent for land.

---

1. Долзарблиги:

Давлат бюджети мамлакатнинг кирим ва чиқимининг асосий кўрсаткичи бўлиши билан бирга маблағларни қайта тақсимловчи улкан молиявий механизм бўлиб, совет давлатида давлат бюджети иттифоқ бюджети, иттифоқдош республикалар бюджети, маҳаллий бюджетлардан иборат бўлди. Бу тизимда даромадлар қуйидан юқорига, тақсимот эса юқоридан қуйига қараб амалга оширилди. Урушдан кейинги йилларда совет солиқ тизими кўринишидан содда бўлсада, чалкашликлар ва хатоликлардан иборат бўлиб қолди. У соҳавий йўналишлар жиҳатидан ички мураккаб тармоқлашган таркибга эга бўлди. Уруш йиллари жорий қилинган солиқлар аста - секинлик билан тугатилиб, қишлоқ хўжалиги каби солиқлар ўз ўрнида қолди. Қишлоқ хўжалиги солиқлари вақти - вақти билан ўзгартириб борилди. Мавзунинг ўрганилиши собиқ иттифоқ давридаги солиқ сиёсати тарихини ўрганишда долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар:

Ушбу мақолада тарихийлик, ҳудудий ёндошув ва қиёсий-таҳлил каби тарихий методлар, илмий манбалар асосида собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон ССР да солиқларнинг баъзи турлари ҳақидаги маълумотлар илмий баён этилган.

3. Тадқиқот натижалари:

СССРда 1941 йил 21 ноябрда “Бўйдоқлар, ёлғиз ва фарзандсиз фуқароларни солиққа тартиш” ҳақида СССР Олий Кенгашининг Президиуми фармони қабул қилинган[1]. Ушбу

фармон 12 моддадан иборат бўлиб унда бўйдоқлар, ёлғиз ва фарзандсиз фуқароларни солиққа тортиш, уларни солиқдан озод қилиш тартиблари ҳамда имтиёзлари ҳақида батафсил маълумот берилган. Фармоннинг 1-моддасига эътибор қаратадиган бўлсак, бунда аҳолини солиққа тортиш 1941 йил 1 октябрдан тўлаш маълум қилинган лекин қарор 1941 йил 21 ноябрда "Бўйдоқлар, ёлғиз ва фарзандсиз фуқароларни солиққа тартиш" ҳақида СССР Олий Кенгишининг Президиуми қарори қабул қилинганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари солиқни тўланишида учта жиҳатини мавжудлигини инобатга оладиган бўлсак яъни ёшга, ойлик маошга, имтиёзга қараб белгиланган.

Фуқаролар никоҳда бўлмаганликлари, белгиланган ёшга тўлганликлари ва оилада болаларнинг борлиги усусидаги ҳужжатларни тақдим этган тақдирда улар бу солиқдан озод қилинган. Никоҳдаги фуқароларнинг никоҳи бузиладиган бўлса, 20 кун ичида бухгалтерияга бу ҳақида маълумот етказишлар шарт бўлган[2]. Бу солиқдан имтиёзлар фармон қабул қилинган вақтда аҳолининг 4 та тоифасига берилган бўлса, кейинчалик 7 та тоифаси қўшилган булар боласи бедарак йўқолганлар, ногиронлар, шимол халқлари, гипофизар касалликларига учраганлар, овчилар, қишлоқ хўжалиги аъзоларига ва шаҳарда қишлоқ хўжалиги асосида яшовчиларга нисбатан белгилангандир.

"Бўйдоқлар, ёлғиз ва фарзандсиз фуқароларни солиққа тартиш" ҳақидаги фармоннинг иккинчи моддасига эътибор берадиган бўлсак, унда эркаклар 20 ёшдан 50 ёшгача, аёллар эса 20 ёшдан 45 ёшгача солиққа тортилиши белгилаб қўйилган, бундан кўришимиз мумкинки эркаклар оилали бўлмаса 30 йил давомида, аёллар эса 25 йил давомида солиққа тортилиши керак бўлганлиги белгилаб қўйилган.

Бўйдоқ, ёлғиз ва кичик оилали СССР фуқароларидан олинадиган солиқ иш ҳақи олинадиган жойда ҳисобланиб, даромад солиғи билан бир вақтда ушлаб қолинар эди. Бошқа фуқаролардан (ҳунармандлар, бино эгалари, хусу-сий амалиёт билан шуғулланувчилар) ушбу солиқ бевосита молия органлари томонидан мазкур йилда даромад солиғини ҳисоблаш учун аниқланган даро-мад суммасидан 6 фоиз миқдорда ундирилган. Солиқлар бир йилда 4 маро-таба тенг қисмларга бўлиб тўланган[3]. Шунингдек бу солиқни тўлашда фуқа-ролар тоифага ҳам бўлинди ва улар белгиланган миқдорда солиқ тўлайдиган бўлдилар. Солиқ суммалари қаттиқ ва фоизли ставкаларда белгиланди. Маса-лан, ишчилар ва хизматчиларга бир ойлик маоши 150 рубль бўлганда солиқ миқдори 5 рубль, маош 150 рублдан ошса ойлик маошининг 5 фоизи тўлана-диган бўлди. Адабиёт ва санъат соҳасида ишлайдиган кишиларга ҳам ойлик маошининг 5 фоизи миқдорида солиқ белгиланди. Қолган фуқаролар, хусу-сан колхоз, деҳқон хўжаликларига кирувчи шахслар йилига 100 рубль тўлаш-лари керак бўлган. Солиқларга суммаси алоҳида турлари ҳам белгиланди, масалан, солиққа тортилмаган фуқаролар йилига 60 рубль тўлашлари белгилаб қўйилди[4]. 1945 йилга келганда бу солиқлардан бюджетга 3,4 млрд. рубль келиб тушган[5]. 1944 йилга келиб унинг миқдори боласиз фуқаролар учун 150 сўм, бир болаликлар учун 50 сўм ва икки болаликлар учун 25 сўмга етди. Айнан шу йили қонун "Кам болали фуқаролар солиғи", деб ўзгартирилди ва демографик пасайишни олдини олиш мақсадида унда "Қаҳрамон оналар" имтиёзлари белгиланди[6].

Бу солиқнинг ундирилишига эътибор қаратадиган бўлсак, 9-моддада белгиланишича, тўловчилар солиқни тўрт муддатда яъни 1-апрел, 1-июль, 1-октябрь ва 15-декабргача тўлаши кераклиги белгилаб қўйилган. Солиқ солишга жалб қилинган фуқароларнинг фарзандлари туғилганда, солиқ йиғиш бола туғилгандан кейин кейинги тўлов муддатидан бошлаб тўлатилган.

1990 йил "Бўйдоқлар, ёлғиз ва кам оилали СССР фуқароларидан олинадиган солиқни босқичма –босқич тугатиш тўғрисида"ги СССР Қонуни чиқди. Унга кўра бу солиқни тугатиш 1990 йил 1 ииюлдан 1993 йил 1 январгача амалга ошириладиган бўлди[7].

Ҳарбий солиғи[8] (1941-1945) ларда – аҳолидан йиғилган солиқ, 1942 йил 1-январда СССР Қуролли Кучлари Президиумининг 1941 йил 29 декабрдаги Фармони билан даромад ва қишлоқ хўжалиги солиқларига қўшимча тўловлар ўрнига киритилган. Ҳарбий солиқни йиғиш иккинчи жаҳон уруши даврида давлат харажатларини молиялаштириш учун аҳолидан

маблағ жалб қилиш зарурати туфайли келиб чиққан. Тўловга 18 ёшга тўлган фуқаролар жалб қилинган.

Ҳарбий солиқдан қуйидагилар озод қилинганлигини кўришимиз мумкин:

- армиянинг барча тармоқларининг шахсий, кичик қўмондонлик ва қўмондонлик хизматчилари;
- Қизил Армияда ва денгиз флотида ва чегара қўшинларида бўлган ўрта, катта ва юқори қўмондонлик таркибидаги ҳарбий хизматчилар;
- давлатдан ёрдам олган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари;
- 60 ёш ва ундан катта эркаклар; 55 ва ундан катта аёллар;
- пенсиясидан бошқа даромад манбаи бўлмаган нафақахўрлар[9].

Ҳарбий солиқ ставкалари тўловчилар тоифаларига кўра фарқланган. Ишчилар ва хизматчилар ва солиққа тортишда уларга тенглаштирилганлар даромад солиғи билан йиллик солиқни ҳисобга олган ҳолда уруш солиғини белгиланган миқдорда тўлайдилар; колхозчилар ва якка деҳқонлар - ҳар бир давлат аъзосидан ҳар йили 150-600 рубл; мустақил даромадга эга бўлмаган бошқа фуқаролар - ҳар йили 100 рубл. Ҳарбий солиқ аҳолининг бошқа барча солиқ тўловларидан ошиб кетган миқдорда олинган, бу уруш йилларида 72,1 миллиард рублдан ортиқ бюджет даромадларини сафарбар қилишга имкон берди. 1945 йил 6-июлда СССР Қуролли Кучлари Президиумининг Фармони билан уруш солиғи бекор қилинганлигини кўришимиз мумкин.

1953 йил 8 августда СССР Олий Советининг “Қишлоқ хўжалиги солиғи тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди. Унга кўра Колхоз хўжаликларини қишлоқ хўжалиги солиғини сезиларли даражада камайтиришни кўзда тутувчи колхоз хўжалиги колхозчилари умумий даромади суммаси қанча бўлишидан қатъий назар колхоз ҳовлисининг шахсий фойдаланиш фондидаги ҳар 100 гектар уй-жой ерига 1953 йил 1 июлдан қатъий ставкалар бўйича қишлоқ хўжалиги солиғини жорий этиш бўйича умумий қоидалар кўрсатиб ўтилди. Унга кўра Қишлоқ хўжалиги солиғини тўловчиларга қишлоқ хўжалиги артеллари аъзолари, аралаш ишлаб чиқариш хўжалик артеллари (саноат колхозлари), балиқ овлаш артеллари, якка тартибдаги деҳқон хўжаликлари, қишлоқ советларига маъмурий жиҳатдан бўйсундирилган ва қишлоқ ҳудудларидан ер участкалари ажратилган колхоз аъзоси бўлмаган фуқаролар хўжаликлари киритилди.

Солиқ миқдорини ҳисоблашда ер участкаси умумий майдонидан қурилиш билан банд бўлган, шунингдек, бута, ўрмон, жамоат фойдаланувидаги кўллар, жарлик, қирлар ҳисобдан чиқарилади. Колхоз хўжалиларидан солиқ ҳар 100 гектар ер майдони учун белгиланган ставка бўйича ҳисобланди.

Совет солиқ тизимини ўзгартирган, янгиликлар киритган қонун 1953 йил 8 августдаги СССР Олий Совети Президиумининг “Қишлоқ хўжалиги солиғи тўғрисида”ги Қонун[10] қишлоқ хўжалиги солиқларини тартибга солувчи бўлиб қолди. Бу қонунга кўра колхоз аъзолари, фуқоролар хўжаликлари, солиқ тўловчиларига айланишди. Қишлоқ хўжалиги солиғи ҳар бир хўжалик фойдаланувига топширилган ер-майдонлари ҳисобидан келиб чиқди. Қурилиш билан банд бўлган ерлар, ўрмонлар, бутазорлар, умумий фойдаланувдаги йўллар ҳисобга олинмади. Ташкилот ва корхоналар ишчилари ва ҳизматчиларига якка тартибдаги ва жамоавий боғ ва экин майдонлари учун ажратилган ерлар, қўрғондан ташқари ерлар ҳисобга олинмади. 50 $м^2$ кам ер майдонларидан ҳам солиқ ундирилмади. Солиқ 0,01 га ер майдонидан қатъий норма асосида ҳисобланди[11]. Ҳар бир иттифоқдош республикалар учун солиқнинг ўртача меъёри белгиланди.

Солиқлар мамлакат бўйича қуйидагича белгиланди.

“Қишлоқ хўжалиги солиғи тўғрисида”

№	Иттифоқ республикалари	100 гектар ер учун солиқ ставкаси рублда.		
		Республика бўйича ўртача ставка	Вилоятлар учун ўртача ставкага кўра чегара доираси	
			Энг паст ставка	Энг юқори ставка
1	**РСФСР**	8,5	3	11
2	**Украина ССР:**			

	Шарқий вилоятлар	8,5	5	12
	Ғарбий вилоятлар	4	2	6
3	**Белоруссия ССР:**			
	Шарқий вилоятлар	6	3	9
	Ғарбий вилоятлар	3	2	5
4	**Ўзбекистон ССР:**			
	Суғорма ерлар	22	-	-
	Лалми ерлар	8	-	-
5	**Қозоғистон ССР**	8	4	13
6	**Грузия ССР**	13	4	25
7	**Озарбайжон ССР**	12	6	18
8	**Литва ССР**	3	-	-
10	**Молдавия ССР:**			
	Чапқирғоқ туманлари	8	-	-
	Ўнгқирғоқ туманлари	4	-	-
11	**Латвия ССР**	4	-	-
12	**Қирғизистон ССР**	9	4	13
13	**Тожикистон ССР:**			
	Суғорма ерлар	22	-	-
	Лалми ерлар	8	-	-
14	**Арманистон ССР:**	13	-	-
15	**Туркманистон ССР:**			
	Суғорма ерлар	20	-	-
	Лалми ерлар	8	-	-
16	**Эстония ССР**	4	-	-
17	**Карело-Фин ССР**	5	-	-

Юқоридаги жадвалдан кўриш мумкинки 2 та Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССРда суғориладиган ерлар учун бир хилда ҳисобланган яъни 22 рубл ва Туркманистон ССР эса бу кўрсаткич 20 рублни ташкил этган. Лалми ерларидан олинадиган солиқ 8 рублни 3 та давлатда ҳам бир хил бўлган. Энг кам тўланадиган солиқ Литва ССР бўйича бўлиб, 3 рубл тўланган.

ЎзССР Министрлар Совети “1959 йилги қишлоқ хўжалиги солиғини ўтказиш ҳақида”[12] ги қарорида кўрсатилишича 1959 йилда ўртача вилоятларда таморқа ерларига ставка белгилаб қўйилди Булар қуйигача бўлди.

№	Вилоят номлари	Суғориладиган ерлар	Лалмикор ерлар
1	Тошкент	23	8
2	Фарғона	22	8
3	Андижон	23	8
4	Наманган	23	8
5	Самарқанд	23	8
6	Бухоро	21	8
7	Қашқадарё	22	8
8	Сурхондарё	23	8
9	Хоразм	18	8
10	Қорақалпоғистон АССР	18	8

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, суғориладиган ерлардан олинадиган солиқ 4 тоифага бўлинган бўлиб, яъни Тошкент, Андижон, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларига 23 сўм қилиб белгиланган. 2-тоифага Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари – 22 сўм, 3-тоифга Бухоро вилояти – 21 сўм, 4-тоифага Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм вилояти – 18 сўм миқдорида солиқ белгиланган. Суғорилмайдиган ерларга Қорақпағистон АССР ва 9 та вилоятга бир хил нар яъни 8 сўм қилиб қўйилган.

РСФСР Министирлар Советига эса зарур ҳолатларда қишлоқ ҳўжалиги солиқ ставкаларини ўзгартириш ҳуқуқи берилди. Иттифоқдош республикалар Вазирлар Кенгашига,

автоном Республикалар Вазирлар Кенгашига, ўлка ва вилоят Кенгаши ижрокомлари, республика ўлка ва вилоят ставкаларидан келиб чиқиб, зарур ҳолатларда хўжалик даромади, иқтисодий хусусияти ва қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигидан келиб чиқиб алоҳида қишлоқлар учун солиқ ставкаларини белгилаш имкони ҳам берилди. Алоҳида ҳудуд учун солиқ ставкаларини белгилашда, ер майдонларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экишга ишлатилганлиги ва бозорларнинг мавжудлиги инобатга олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги солиғи бўйича кенг тизимли имтиёзлар ўрнатилган бўлиб, унга кўра солиқ тўловларидан қишлоқ мактаблари ўқитувчилари, агрономлар, зоотехниклар, гидротехник-лар, ер қурувчилар, мелиораторлар, ветеринарлар, врачлар ва фельдшерлар, ўрта медик персоналлар, колхоз, совхоз ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхона ва ташкилот раҳбарлари озод этилди. Солиқ имтиёзлари табиат фалокатларидан азият чеккан хўжаликларга, вақтинча моддий қийинчиликни бошдан ўтказаётганларга ҳамда кўчманчи хўжаликларга берилган. Молиявий солиқ органлари томонидан ҳисобланган ва фуқоролар томонидан бир хил миқдорда 2 марта қишлоқ хўжалиги ғазнасига 15 август ва 15 октябргача пул маблағи тўланди[13].

4. Хулосалар: Иккинчи жаҳон уруши йиллари давлат бюджетини тўлдириш мақсадида солиқларни ошириш, тўловларни ундириш эҳтиёжлари келиб чиқди. Шу мақсадда ҳарбий даврга мўлжалланган солиқлар жорий қилинди. Ойлик маошларидан иқтисод қилиш мақсадида ташкилот, муассаса ва корхоналарда асосий ҳисобланмайдиган штат бирликлари тугатилди. Давлат бюджетига келиб тушаётган маблағларни тезлаштириш мақсадида қишлоқ хўжалик солиғи бир ой аввал тўланиши белгилаб қўйилди. Уруш йиллари колхоз бозорларида нархлар ошиб, фашистлар ҳужумига учраган шаҳар аҳолисининг қишлоқларга кўчиши, улар билан мол – мулкнинг кўчирилиши сабабли “Мулк солиғи”, “Қишлоқ хўжалик солиғи”, “Даромад солиғи” каби солиқлар кўтарилди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Сборник законов СССР. 1938-1961. – Москва. Изд. Советов народных депутатов СССР, 1971. - с. 656. (Collection of laws of the USSR. 1938-1961 biennium - Moscow. Ed. Councils of People's Deputies of the USSR, 1971. - p. 656.)
2. Жўраев Ш., Бобоев С. Маҳаллий солиқлар тарихи. – Бухоро. 2004. – 54-55-бетлар (Zhoraev Sh., Boboev S. History of local taxes. - Bukhara. 2004. -- P. 54-55.)
3. Толкушкин А.В. История налогов в России. – Москва. Юристъ, 2001. –С.252. (Tolkushkin A.V. History of taxes in Russia. - Moscow. Lawyer, 2001. –P.252.)
4. Григорьев В.В. Эволюция имущественного налогообложения физических лиц в России в XX веке // Евразийская адвокатура. -№1, 2018. – С.12. (Grigoriev V.V. Evolution of physical taxation of individuals in Russia in the XX century // Eurasian advocacy. -№1, 2018. - p.12.)
5. Толкушин А.В. История налогов в России. – Москва. Юристъ, 2001. –С.225. (Tolkushin A.V. History of taxes in Russia. - Moscow. Lawyer, 2001. –P.225.)
6. Жўраев Ш., Бобоев С. Маҳаллий солиқлар тарихи. – Бухоро. 2004. - 47 бет. (Zhoraev Sh., Boboev S. History of local taxes. - Bukhara. 2004. -- 47 p.)
7. Майбуров И.А, Теория и история налогообложения. Учебник. – Москва. ЮРИТИ – ДАНА, 2007. –С.64-65. (Mayburov IA Theory and history of tax evasion. Textbook. - Moscow. YURITI –DANA, 2007. –P.64-65.)
8. https://ru.wikipedia.org/wiki
9. https://ru.wikipedia.org/wiki.
10. Сборник законов СССР. 1938-1961. – Москва. Изд. Советов народных депутатов СССР, 1971. - С. 682. (Collection of laws of the USSR. 1938-1961 biennium - Moscow. Ed. Councils of People's Deputies of the USSR, 1971. - P. 682.)
11. Толкушкин А.В. История налогов в России.- Москва. Юрист, 2001. – С. 267. (Tolkushkin A.V. History of taxes in Russia.- Moscow. Lawyer, 2001. -- p. 267.)

12. ЎзМА, Р-837,-Фонд, 38-рўйхат, 8514-йиғмажилд, 55-варақ. (UzMA, R-837, -Fond, list 38, collection 8514, p. 55.)
13. Толкушкин А.В. История налогов в России.- Москва. Юрист, 2001. – С. 269. (Tolkushkin A.V. History of taxes in Russia.- Moscow. Lawyer, 2001. -- p. 269.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Хуршид Жуманазаров
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Фанлар академияси Тарих институти

ТАБИБЛАРНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИДАГИ ЎРНИ

For citation: Khurshid Jumanazarov, THE ROLE OF HEALERS IN THE UZBEK MEDICAL TRADITION. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.239-245

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-30

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбекларнинг анъанавий билимлар мажмуида табиб шахсининг қиёфаси таҳлил қилинган. Табибларнинг кишилар орасида тутган ўрни ва функцияси асосида жамиятнинг уларга бўлган муносабати ўрганилган. Шу билан бир қаторда табибларнинг бугунги кундаги фаолият дала этнографик маълумотлари асосида ёритилган. Табибларнинг фаолият турига кўра таснифланиши ва туркий халқларда табиб маъносини англатувчи атамалар келтириб утилган. Шунингдек, этнографик кузатувларлар асосида бугунги кунда яшаб қолган табиблик турлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: табиб, сартарош, уста, мистик, эмпирик билимлар, жарроҳ, аттор, кўз табиби (каҳҳол), синиқчи.

Хуршид Жуманазаров
Доктор философии по истории (PhD)
Институт истории Академии наук Республики Узбекистан

РОЛЬ ЦЕЛИТЕЛЕЙ В УЗБЕКСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ТРАДИЦИИ

АННОТАЦИЯ

В этом статье проанализирована личность лекаря в традиционным узбекском медицинским комплексам знаний. Изучено отношение общности в основе места лекаря среди людей, и их функции. Обращено внимание способам лечения лекаров, традиции, известным династиям в этой профессии и их истории. Показана классификация лекарей и термины, означающие понятие термина лекарь у тюркских народов. Также, исследовано виды народной медицины в основе этнографическим наблюдений.

Ключевой слова: целитель, парикмахер, мастер, мистик, эмпирические знание, хирург, лавочник, окулист (каххол), костоправ

Khurshid Jumanazarov
Doctor of Philosophy in History (PhD)
Institute of History of academy of science of the republic of Uzbekistan

THE ROLE OF HEALERS IN THE UZBEK MEDICAL TRADITION

ANNOTATION

Quackery's appearance was analyzed in Uzbek traditional knowledge in the article. Relations of society were studied based on the role of quicker in the society and functions. The present activities of physicians-bonesetters on the base of field ethnographic notes were elucidated. The classification of the healers according to the type of activity and the term "healer" in the Turkic peoples. Therefore, folk medicine types were investigated by ethnographic observations which are still living.

Key words: quack, hairdresser, master, visionary, empiric sciences, sawbones, shopkeeper, ocular (kahhol), chiropractor

---

1.**Долзарблиги:**

Табиблик касби ва табибларнинг фаолияти халқ табобати ҳаракатлантирувчи кучдир. Улар тиббий илмларни ўзлаштириш, таҳлил қилиш, келажакка етказиш ва ўзлари қўлга киритиган ютуқлар асосида янги қарашларни соҳага сингдириш вазифаларини бажаради. Мавзунинг ўрганилиши халқ табобати тарихини янги маълумотлар билан бойитишда долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар:

Ушбу мақолада тарихийлик, ҳудудий ёндошув ва қиёсий-таҳлил каби тарихий методлар, илмий манбалар асосида ўзбек халқ табобатидаги табибларнинг ўрни ҳақидаги маълумотлар илмий баён этилган.

3.Тадқиқот натижалари:

Табиб сўзининг маъноси ва келиб чиқиши борасида бир қанча тиббий ва тарихий адабиётларда маълумотлар келтирилган[16, 18:197]. Мавжуд адабиётларда табиб номи билан бирга ҳаким атамаси ҳам учрайди. Табиб (طَبِيبٌ) сўзининг асоси арабча тиб бўлиб, "даво" шаклида ишлатилади. Тиб сўзининг ўзи эса "ислоҳ қилиш", "тузатиш" маъноларида ҳам келади. Тиб қилди деганда "беморни ислоҳ қилди", "тузатди" каби маънолар тушунилган. Тиб сўзининг иккинчи маъноси "моҳирлик", "ҳозиқлик"дир[32:6]. Ҳаким атамаси эса ҳикмат сўзидан олинган бўлиб, у "донишмандлик", "донолик" маъноларида ишлатилади[24:64]. Тарихдан маълумки, ўзбеклар азалдан табобат билан шуғулланувчи мутахассисларни табиб, бу соҳада етук олим бўлганларни ҳаким деб атаб келганлар[11]. Туркий халқларда табиб маъносини англатувчи бир қанча бошқа сўзлар ҳам бўлган, жумладан, отачи, эмчи, атасағун номлари билан атаганлар[17:71-114]. Табиб шахсини талқин қилишда, уларнинг жамиятда бажарадиган функцияси муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан табиб – инсон тана аъзоларини яхши биладиган, касаллик турлари ҳақида тўлақонли билимга эга бўлган ва гиёҳларнинг хусусияти, дори тайёрлаш амалини эгаллаган шахсдир. Ҳаким сўзи табибнинг синоними бўлиб, табобат илмини моҳирона эгаллаган шахсга нисбатан айтилади. Қадимда ҳам табиблар халқ орасида юксак ҳурмат билан тилга олинган. Сабаби – инсонлар энг оғир дамларда, ўзи учун қадрли бўлган соғлиғи ёмонлашганда уларга мурожаат қилишган.

Халқ табобатига хос жиҳатлардан бири – бошқа касб эгаларининг ҳам даволаш амали билан яқиндан шуғулланишидир. Масалан, сартарошлар[22:69], темирчи усталар[9:21] – жарроҳлик, қон олиш, массаж қилиш, тиш олиш, хатна қилиш ва бошқа усулларни яхши билганлар. Улар халқ томонидан алоҳида эъзозланиб, уста деб аталган[21:19]. Бу касб эгалари табибликка даъво қилмасаларда, ўз касб сирлари билан бирга табобатга доир билимларини ҳам шогирдларига мерос қолдирганлар. Тиббий билимларнинг турфа хиллиги ва касалликнинг хусусиятларига қараб табиблар ҳам соҳаларга бўлинади. Табибларни туркумлашда бирламчи ҳолат уларнинг ихтисослигидир. Қарийб барча халқларда табиблар фаолият турига кўра ўхшаш.

Олимлар халқ табобати билан шуғулланувчиларни иккита катта гуруҳга ажратадилар. Масалан, З. Грзивакс[1:17] "маънавий табиблар" ҳамда "тана хасталиклари табиблари, фолбинлар"га ажратади. Ж. Собиески[3:2] эса "шифобахш гиёҳлар билан даволовчилар",

“илоҳий, ғайритабиий кучлар асосида даволовчилар” кўринишида бўлишни маъқул кўради. Ўзбек халқ табобати тарихига оид бошқа адабиётларда табиблар қуйидагича туркумланган: мистик ва эмпирик табиблар[24:65], аралаш турдаги табиблар[14:236], маҳаллий дин ёрдамида, сеҳр-жоду усули билан ёки ўз тажрибаси, эгаллаган билими асосида тузатувчи табиблар[2:24]. Мистик табиблар ҳам алоҳида усул ва касбий атрибутларга эга бўлганлар. Улар даволаш усулларига кўра халқ орасида: бахши, фолбин, азайимхон, садқоқчи, дуохон, парихон ва ҳ.к каби номлар билан аталади[30:13]. Мистик табибларнинг даволаш жараёни бир-бирига ўхшаш ва бу жиҳат уларнинг касбий атрибутларида ҳам яққол кўринади. Улар тасбеҳ, чилдирма, ойна, қамчи, пичоқ[29:42] ва бошқа воситалардан фойдаланадилар.

Эмпирик табобат йиллар давомида изланишлар ва машаққатли тажрибалар ёрдамида инсонни дарддан фориғ этувчи дорилар, даволаш усуллари, тавсияларни ўзида жамлаган. Бу турдаги табиблар табиий воситалар (гиёҳлар, ҳайвон тана аъзолари, минераллар) асосида тайёрланган дорилар ёрдамида касалларни даволайдилар. Эмпириктурдаги табиблар маълум вақт давомида шогирдлик муддатини ўтагач, устозлар олдида имтиҳон топширган ва оқ фотиҳа олгиб, мустақил фаолият юритганлар. Эмпирик табобатнинг мистик табобатдан фарқи шундаки, мистик табобат атроф-муҳит, табиат ҳодисаларининг ғайритабиий томонларини талқин қилиб ёки инсон тафаккури илғай олмаган жараёнларга эътибор қаратиб, ундан шифо тиласа, эмпирик табобат атроф-муҳитдан табиий доривор воситаларни қидиради. Айрим халқларда эмпирик табобат вакиллари баъзи касб эгаларига ёки аҳолининг маълум тоифасига хизмат кўрсатишади ва шу асосда ихтисослиги бўйича турларга бўлинади. Масалан, Эронда фуқаро табиблари, денгизчилар табиби, қуруқликдаги ҳарбий кучларда хизмат қилувчи табиблар ва ҳоказоларга ажратилади[11:13]. Тадқиқот давомида эмпирик табибларнинг умумий даволаш усуллари ва ихтисослигига кўра гуруҳларга ажратиб ўрганилди.

Синиқчилар. Айрим ҳолларда улар шикастабанд[27:10], солувчи, уста[20:265] номлари билан юритилади. Синиқчилар суякнинг синиши, дарз кетиши, чиқиши ва этнинг лат ейиши каби жароҳатларни даволайдилар. Синиқчилар ташҳис қўйишда бемор билан ўзаро оғзаки суҳбатга эмас[4:47], балки кузатиш ва лат еган жойни ушлаб кўришга катта эътибор беришади. Шикастабандлар суякларни жойлашуви, жароҳатда қай даражада лат еганини катта тажриба ва кучли зеҳн ёрдамида аниқлашган. Улар ҳайвонларнинг суякларини ўрганиб[6:13] ёки қоп ичидаги йирикроқ майдаланган полиз экинларини (масалан, қовоқ) пайпаслаб териб чиқиб тажриба орттирганлар. Синиқчиларнинг муолажаси қуйидагича: улар бемор суягининг синган ва чиққанига қараб тухум сариғи, гилмоя, тахтакач (унинг ўрнига тожикларда[19] ва Хоразмнинг[9:30] баъзи жойларида қамиш новдаси ишлатилган) ёки таёқ ёрдамида беморнинг лат еган жойини дока билан боғлайди. Уқаловчи табиблар пай чўзилиши ёки эт эзилиши юз берса, уқалаш муолажасини қўллаган ва улар халқ орасида силоқчи номи билан танилган[13:16]. Рентген нурлари орқали ташҳис қўювчи аппаратлар билан жиҳозланган травматолог, ортопед каби тиббиёт хизматларининг юзага келиши ва муолажа жараёнида гипсдан фойдаланилиши маълум муддат синиқчилар фаолиятига таъсир ўтказди. Моштабиб Абдужаббор Муҳаммад Собир ўғли: “Рентген нурлари орқали аниқ ташҳис қўйишни инкор қилиб бўлмасада, айрим ўзгаришларни нур ёрдамида ҳам билиш қийин ва гипс бизнинг об-ҳавога ҳамда бемор мижозига мос келишини инобатга олиш зарур”[5:15], –дейди. Чунки, тиббиёт таклиф қилган гипслаш усули ҳам сиқиб оғриқ бериши ва суяк нотўғри битиши каби ҳолатлардан фориғ эмас.

Жарроҳлар. Жарроҳлик амал, дасткори деб ҳам номланган[31:146-149]. Жарроҳлик танага ёғоч бўлаклари, тикан ва кейинчалик қурол ўқи санчилиши туфайли пайдо бўлиб, ибтидоий одамларнинг ўзига хос жарроҳлик кўникмаларини ишлаб чиқишига олиб келди[8:5]. Ўзбек халқ табобатида жарроҳлар тиш олиш, хатна қилиш, қон олиш ва бошқа мураккаб амалларни бажарганлар. Баъзи ҳолатларда кишилар темирчи, сартарошларга[15:137] ҳам шу мақсадда даво истаб боришган.

Жарроҳлик қуроллари махсус ишлов беришни, айрим воситалар билан тозалашни талаб қилади. Илгари табиблар асбобларини темирчиларга буюртма асосда тайёрлатган ва

амалиётдан олдин олов, пиёз билан тозалаган бўлсалар[14], ҳозир соҳани тиббиёт жарроҳлиги тўла қамраб олган. XX асрда табобатга қаратилган давлат сиёсати тиббиётни биринчи даражага кўтариб, табиб жарроҳларни содда, оддий амалиёт билан чекланиб қолишларига сабаб бўлди.

Доригарлар, атторлар. Аксарият табиблар беморлар учун зарур дориларни ўзлари тайёрлашган ва қийматига қараб айрим дориларнинг таркиби, тайёрлаш усулини қаттиқ сир сақлашган. Илгари Шарқнинг йирик бозорларида беморларни қабул қилишга махсус мослашган хоналар ва дори сотиладиган растларга жой ажратилган. Масалан, 1740 йилда Хива бозорида дори билан савдо қилувчи 80 та дўкон фаолият юритган[25:28]. Бозорларда гиёҳ савдоси бугунги кунга қадар сақланган. Кузатишлар натижасида маълум бўлдики, республиканинг турли бозорларида савдо қилувчилар фақатгина гиёҳларни териб келиб сотишади, уларнинг айримлари содда дориларни тайёрлашни билсада, мураккаб дорилар тайёраш кўникмасига эга эмас.

Жамиятда тиббий амалиётга бўлган эҳтиёжнинг сақланиб қолиши табибларга нисбатан талабни ошириб, уларнинг мавқеини ҳам мустаҳкамлади. Оқибатда малакали табиблар беморлар билан банд бўлиб, вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида оддий дориларни тайёрлаш ва доривор гиёҳларни териш каби юмушларга бошқаларни жалб қила бошладилар. Гиёҳ тўплаш шогирдлари ёки тоғда шу ишни касбига айлантирган кишилар орқали бажарилади. Оқибатда, табибдан ажралмаган ҳолатда гиёҳ терувчи, махсус дори тайёрловчи – доригарлар пайдо бўлган.

Атторлар ҳам жамиятда керакли дорилар билан таъминловчи сифатида танилиб, асосан чекка ҳудудларда яшовчи аҳолини турли доривор гиёҳлар билан таъминлаган. Улар маҳаллий ва четдан келтирилган маҳсулотларни етказиб бериб, камдан-кам ҳолатларда гиёҳларни ўзлари тўплаганлар[23:115]. Атторлар турли савдо вакиллари қаторида тилга олинади ва бозорларда уларнинг ўз дўконлари бўлган, улар нафақат доривор гиёҳлар, балки бошқа маиший ва хўжалик буюмлари билан ҳам савдо қилишгани айтилади[26:258]. Атторларнинг аксарияти бошланғич тиббий билимдан хабардор бўлиб, гиёҳ номлари, қандай хасталикларга даво бўлишини билишган. Атторлар ўз мижозларига эга бўлган. Агар мижоз сўраган дори ўзида бўлмаса, бошқалар орқали ҳам топиб беришга ҳаракат қилган. Барча доригар ва атторлар табиблар билан яқин муносабатда бўлган. Сабаби, биринчидан, таниқли табиб узоқдаги мижозлар билан атторлар орқали алоқа қилса, иккинчидан, машҳур табибнинг дорисига эгалик қилиш аттор учун реклама вазифасини ўтаган, учинчидан, аттор учун айрим дориларни қўллаш бўйича табиб фикри зарур бўлган. XIX асрнинг сўнги чорагида ташкил этилган дорихоналар атторлар фаолиятини чеклаб, дори тарқатиш вазифасини йўққа чиқарган.

Кўз шифокорлари. Кўзкасалликлари билан шуғулланувчи табиблар бўлиб, улар каҳҳол деб аталган. XVI асрга оид қозилик ҳужжатларида Самарқандда кўз табиблари муолажа билан шуғулланган ҳақида маълумот берилади[28:28]. XIX асрда Фарғона водийсида фаолият юритган тиббиёт вакили В. Кушелевский водийда катарактани (кўз гавҳарининг хиралашуви) муваффақиятли даволаган маҳаллий табибнинг муолажа амалиёти ва унинг тиббий анжомлари ҳақида маълумот берган[14:262-2634]. Муаллифнинг ёзишича, бу амалиётни бошқа маҳаллий табиблар билан бир қаторда, кўпгина рус шифокорлари ҳам бевосита кузатиб бориб, амалиёт муваффақиятли бажарилганлигини ўз эсдаликларида қайд этганлар. Тошкентда яшаган афғон табиб шифо сўраб келган ўн уч ёшли қизнинг кўзини фақат гиёҳлар билан ўттиз кун давомида муолажа қилиб даволаган[12]. Шунингдек, Чодакда яшаган Суқсур Холмат қизининг кўз касалликларини мувафаққиятли даволагани, жумладан, кўзига оқ тушган кишиларни найқамиш орқали, жарроҳлик йўли билан тузатгани ҳақида ҳам маълумотлар учрайди[7:53].

Эмпирик билимларга асосланган табиблик касбининг пайдо бўлиши инсонларнинг кундалик эҳтиёжидан келиб чиққан бўлса, уларни турли соҳаларга бўлиниши одамнинг жисмоний тузилиши (анатомия)нинг мураккаблиги ва аъзоларда кечадиган хасталикларнинг турли-туманлигидан. Илгари табиблар инсондаги барча дардларга қарши курашиб келган,

сўнгра иқлимнинг таъсири, кишиларнинг хўжалик тури, атрофдаги гиёҳларнинг турфа хиллиги ва айрим жойларда фақат бир касалликларни кўп кузатилиши ёки бир географик ҳудудда оммавий равишда касалликларни тарқалиши ҳам табибларни соҳалар бўйича мутахассис бўлиб етишишига сабаб бўлди.

Хулосалар:

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тарихнинг маълум даврида юз берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ҳам табобатнинг тараққиётига таъсирини ўтказди. Жумладан, тинимсиз урушлар, аҳолини оммавий кўчиши ёки диний қарашлар натижасида маълум даврда ва доирада айрим табобат соҳасига талабни кучайишига (уруш ва кўчиш жараёнида лат ейишлар, жароҳатларни кўпайиши) ёки бошқа соҳаларни турғунликка учрашига (инсон танасини ёриб кўришнинг таъқиқланиши) сабаб бўлган. Тиб илмига давлат томонидан эътибор қаратилиши: турли китобларнинг таржима қилиниши, табибларга тажрибалар ўтказиш ва таълим олиш учун шароит яратилиши ҳам табобат соҳасини юксалтирди. Лекин, Шарқ табобатида табибларнинг алоҳида соҳаларга бўлиниши нисбий жараёндир. Улар бир соҳада табиб бўлсада, доимо бошқа йўналишдаги тиббий билимларга эҳтиёж сезишади. Жумладан, жарроҳлар амалиётдан ташқари инсон суякларининг тузилиши, оғриқ қолдирувчи гиёҳларни билиши зарур. Шарқ табобати инсон организмини яхлит ҳолича ўрганади ва даволайди. Бу халқ табобати бир ғоя остига жамланган мураккаб тармоқли билим эканлигини кўрсатади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Grzywacz Z. Traditional Kazakh medicine in change. – Poznan, 2010.
2. Hohmann S. Ouzbekistan. Instrumentalisation politique de la medecine traditionnelle // Le Courrier des pays de l'Est. – 2008. – № 3.
3. Sobiecki J. The intersection of culture and science in South African traditional medicine // Indo-Pacific journal of phenomenology. –2014. – № 14.
4. Suprapto A. Study on traditional bone healing (research report). – Surabaya: Health Services and Technology Research and Development Center, 1996.
5. Абдужаббор Муҳаммад Собир ўғли. Асрлар ошган табобат. –Тошкент: Davr-press, 2007.(Abdujabbor Muhammad Sabir гпдш. Centuries-old medicine. –Tashkent: Davr-rress, 2007.)
6. Абилқасимов Э. Қазақтин халиқ медицинаси. – Алмати: Атамура, 1993.(Abilqasimov E. Kazakh folk medicine. - Almaty: Atamura, 1993.)
7. Баҳромзода Ў. Чодак (қишлоқ тарихидан лавҳалар). – Наманган: Наманган, 2000. (Bahromzoda O`. Chodak (plates from the history of the village). - Namangan: Namangan, 2000)
8. Бромлей Ю., Воронов А. Народная медицина как предмет этнографических исследований // СЭ. – 1976. – № 5. (Bromley Y., Voronov A. Traditional medicine as a subject of ethnographic research // SE. - 1976. - No. 5)
9. Ғойибов М. ва бошқ. Хива табобати. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 1995.(Goibov M. and other. Khiva treatment. - Tashkent: Abu Ali ibn Sino, 1995.)
10. Жовлиев А. Темур ва Темурийлар салтанати даврида Ўзбекистон ҳудудида жарроҳликнинг ривожланиши // Оила шифокори. 2000 йил 21 апрель.(Zhovliev A. Development of surgery on the territory of Uzbekistan during the reign of Temur and the Temurids // Family doctor. April 21, 2000.)
11. Жураев А. Халқ табобати. – Тошкент: Шарқ, 2008. (Jurayev A. Folk medicine. - Tashkent: Sharq, 2008.)
12. Икром Мавлон. Олдингдан оққан сув // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1984 йил 13 июль.(Ikrom Mavlon. Water from Olding // Literature and art of Uzbekistan. July 13, 1984.)
13. Кадыров А. Об узбекской народной медицине // Сборник научных трудов Министерства здравоохранения Уз ССР ТГМИ. Т. 20. – 1961.(Kadyrov A. About Uzbek

folk medicine // Collection of scientific papers of the Ministry of Health of the Uzbek SSR TGMI. T. 20. - 1961.)
14. Кушелевский В. Материалы медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Т. 1. – Новый Маргелан, 1891. (Kushelevsky V. Materials of medical geography and sanitary description of the Fergana region. T. 1. - New Margelan, 1891.)
15. Логофетъ Д. Бухарское ханство – под русским протекторатом. Т. 2. – Спб.:Издат. В.Березовский, 1911. (Logofet D. Bukhara Khanate - under the Russian protectorate. T. 2. - SPb.: Publishing house. V. Berezovsky, 1911.)
16. М. Г. Сартовская медицина // ТВ. – 1912. – № 208; (M.G. Sart medicine // TV. - 1912. - No. 208;)
17. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. Т. 1. – Тошкент: Фан, 1960. (Mahmoud Kashgari. Devonian dictionary of Turkish. T. 1. - Tashkent: Science, 1960.)
18. Минибаева З. Народная медицинская терминология у башкир Курганской области // Материалы IV Всероссийской науч. конф. – Уфа, 2010.(Minibaeva Z. Folk medical terminology among the Bashkirs of the Kurgan region // Materials of the IV All-Russian scientific. conf. - Ufa, 2010)
19. Монаков Н. Возможность использования способов иммобилизации, применяемых народной медициной в Таджикистане // Известия АН Таджикской ССР ОЕН. Т. 7. – Сталинабад, 1954. (Monakov N. Possibility of using the methods of immobilization used by folk medicine in Tajikistan // News of the Academy of Sciences of the Tajik SSR OEN. T. 7. - Stalinabad, 1954.)
20. Мўминова Г. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917–1991 йиллар). – Тошкент: Yangi nashr. 2015. (Muminova G. History of the health care system in Uzbekistan (1917-1991). - Tashkent: New edition. 2015.)
21. Мўминова Г. Халқ табобати тарихидан // Сиҳат-саломатлик. –1999. –№ 1.(Muminova G. From the history of folk medicine // Health. –1999. –№ 1)
22. Назаров С. ва бошқ. Абу-л-Косим Аз-Захравий ўрта аср амалий жарроҳлигининг асосчиси // Ўзбекистон тиббиёт журнали. – 2002. – № 2–3. (Nazarov S. and other. Abu-l-Qasim Az-Zahravi, the founder of medieval surgery // Uzbek Medical Journal. 2002. № 2–3)
23. Огудин В. Атторы – аптекари народной медицины Мусульманского Востока // ЭО. – 2001. – № 2. (Ogudin V. Attors - pharmacists of traditional medicine of the Muslim East // EO. - 2001. - No. 2)
24. Сейфульмулюков И. К вопросу о табибизме в Узбекистане // Медицинская мысль Узбекистана. – 1928. – № 9–10. (Seyfulmulukov I. On the issue of tabibism in Uzbekistan // Medical thought of Uzbekistan. - 1928. - No. 9-10)
25. Собиров Р. Хоразм анъанавий табобатида доривор ўсимликларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш. – Хива: Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2011. (Sobirov R. Study and use of medicinal plants in traditional Khorezm medicine. - Khiva: Publishing Department of Khorezm Mamun Academy, 2011)
26. Сухарева О. Квартальная община позднефеодального города Бухары. –Москва: Наука, 1976. (Sukhareva O. Quarter community of the late feudal city of Bukhara. –Moskov: Science, 1976).
27. Ўролов А. Ўтмишдаги даволаш ва шифобахш муассасалар. – Тошкент: Фан, 1990. (O`rolov A. Medical and medical institutions of the past. - Tashkent: Fan, 1990).
28. Усмонов Ш. Илк шифо масканлари // Фан ва турмуш. – 1998. – № 6. (Usmonov Sh. Early Healing Homes // Science and Life. - 1998. - № 6.)
29. Халмуратов Б. Пичоқ рамзи // Moziydan sado. – 2013. – № 4. (Khalmuratov B. The symbol of the knife // Echo from History. - 2013. - № 4.)
30. Халмуратов Б. Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида шомонлик эътиқоди: Фал. фан. док. дис. (PhD) автореф. –Тошкент, 2018.(Khalmuratov B. The Uzbek people's belief in shamanism in the traditional way of life: Fal. fan. doc. dis. (PhD) author's ref. –Tashkent, 2018).

31. Ҳасанов М. X–XVII асрлардаги табобатга оид форс тилида ёзилган назмий манбалар: Тар. фан. док. ... дис. – Тошкент, 2006. (Hasanov M. Poetic sources on medicine in the X-XVII centuries in Persian: Tar. fan. doc. ... dis. - Tashkent, 2006.)
32. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Тиб ва дам. 18-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2010. (Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. Hadith and life. Medicine and rest. 18-juz. - Tashkent: Sharq, 2010).

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Камола Сайфиддиновна Жураева,
Тошкент давлат шарқшунослик университети
мустақил тадқиқотчиси
Kamosha_2008@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ СИЁСАТ АЛОҚАЛАРИ: ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

For citation: Kamola S.Juraeva, FOREIGN POLICY RELATIONS OF UZBEKISTAN: HISTORY AND MODERNITY. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.246-253

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-31

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг замонавий ислоҳотлари ҳақида сўз боради. Муаллиф давлат бошқарувининг ташкил етилган моделларини уларни белгиловчи ва белгиловчи сиёсий омиллар жиҳатида ўрганишнинг ўзига хослигига, бир томондан, мавжуд салоҳиятга, иккинчи томондан, замонавий Ўзбекистонда бу моделлардан бой тарихга ега мустақил давлат тузилмаси сифатида фойдаланиш имкониятларининг чегараларига еътибор беради. Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсати консептуал даражада таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ислоҳотлар, Ўзбекистон, ташқи сиёсат, инвестиция, технология, Марказий Осиё, халқаро ташкилотлар

Камола Сайфиддиновна Жураева,
самостоятельный соискатель
Ташкентского государственного
университета востоковедения
Kamosha_2008@mail.ru

ВНЕШНЕПОЛИТИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются современные реформы Узбекистана. Автором уделены внимание особенность изучения сложившиеся модели государственного управления в аспекте обусловливающих их политических факторов и определить, с одной стороны, имеющийся потенциал, а с другой, пределы возможностей применения этих моделей в современном Узбекистане как самостоятельном государственном устройстве с богатой историей. Проанализированы на концептуальном уровне современная внешняя политика Узбекистана.

Ключевые слова: реформы, Узбекистан, внешняя политика, инвестиции, технологии, Центральная Азия, международные организации.

Kamola S. Juraeva,
independent applicant of the
Tashkent state university of oriental studies
Kamosha_2008@mail.ru

FOREIGN POLICY RELATIONS OF UZBEKISTAN: HISTORY AND MODERNITY

ABSTRACT

This article discusses the modern reforms of Uzbekistan. The author pays attention to the peculiarity of studying the established models of public administration in the aspect of the political factors that determine them and determine, on the one hand, the existing potential, and on the other, the limits of the possibilities of using these models in modern Uzbekistan as an independent state structure with a rich history. The modern foreign policy of Uzbekistan is analyzed at the conceptual level.

Index Terms: reforms, Uzbekistan, foreign policy, investment, technology, Central Asia, international organizations.

1.Актуальность:

Актуальность темы исследования определяется продолжающимся совершенствованием государственного управления, начало которому положили административные реформы нового Узбекистана и первого десятилетия XXI века. Основные теории и концепты, которые были использованы при определении методологии государственного реформирования не только в Узбекистане, но и в других странах, до сих пор привлекают внимание ученых и остаются дискуссионными. Узбекистан, занимая ключевое геостратегическое положение в центре Евразии, во многом определяет характер межрегиональных отношений в Центральной Азии. Необходимость административной реформы в Узбекистане предполагала постановку вопроса о переосмыслении роли государства в современном политическом процессе с учетом влияния политических факторов на ход реформы административной системы. После прихода к власти президента Узбекистана Шавката Мирзиёева начался период перемен и развития. В начале 2017 г. была представлена «Стратегия действий по пяти направлениям дальнейшего развития Узбекистана на 2017–2021 гг.», которая стала дорожной картой системного реформирования республики на пять лет. [1]

Стратегия включила в себя пять основных направлений. Одним из них стала либерализация экономической жизни, включающая комплекс мер по усилению защиты частной собственности, укреплению свободы экономической деятельности, сокращения государственного регулирования экономики, модернизации финансово-банковской системы, а также расширению внешнеэкономических связей. Центр перспективных управленческих решений в феврале 2020 г. провел анализ реформ МИД ряда стран, включая Узбекистан. Выводы исследователей раскрывают некоторые аспекты реформы внешнеполитического ведомства.

Во внешнеполитической части Стратегия, в частности, содержала следующие направления:

13. Schmidt H. Archaeological excavations in Anau and Old Merv. – «Explorations in Turkestan. Expedition of 1904, Prehistoric civilizations of Anau. Origins, growth, and influence of environment». Ed. By R. Pumpelly, vol. I. Washington, 1908, p. 156-157.
14. Rapin Cl., Isamiddinov M., Khasanov M. Koktepe ville jumelle de Maracanda. Dossiers d`Archeologie. n. 341/sept.-oct. 2010. p.21.
15. Yuldashev S. Visit of chinese ambassador dung wan to Fergana // The history of the Fergana valley in new researches. – Fergana, 2021. – P. 123 – 131. https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1240
16. Farmanova G.K. The role of the geographic environment and climatic conditions in the formation of economic-cultural type of population when during ancient and antic period // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10, Issue 11, November 2020. – P. 1612 – 1622. Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01639.0.
17. Rakhmatillayev H. Ethnodynamics of the city population of the Fergana valley of the first half of the XX century // EPRA International Journal of Research and Development. Volume:5, Issue:5, May 2020. – P. 532 – 535.
18. Arslonzoda R. Memoirs as asourse on the history of Uzbekistan in the second half of the 19th – early 20th centuries // EPRA International Journal of Research and Development. Volume:5, Issue:10, October 2020. – P. 119 – 124.
19. Mirsoatova S.T. New data on the late paleolithic of the Fergana valley // Евразийский союз ученых (2020. – № 10 (79/4). – P. 25 – 29.
20. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance. ERPA International Journal of Research and Development. 2020; Vol. 5 (7). P. 104-108. DOI: https://doi.org/10.36713/epra4787

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Абдуғаппор Абдусаматович Инсопов,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети доцент в.б.
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

For citation: Abdugappor A.Insopov, HISTORY OF FORMATION AND DEVELOPMENT OF PUBLIC ORGANIZATIONS IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.277-285

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-35

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада нодавлат нотижорат ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи жараёнида Марказий Осиё ва жаҳон миқёсидаги ривожланишининг қиёсий таҳлили, мустақиллик йилларида бу ташкилотларни ўсиш кўрсатгичлари, мустақилликнинг илк йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоялашдаги ўрни, фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги иштироки таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Фуқаролик жамияти, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижтимоий шериклик, демократия, жамоат ташкилоти, ижтимоий ҳимоя, қўмита, хусусий жамият, ассоциация.

Абдугаппор Абдусаматович Инсопов,
и.о. доцент, доктор философии по истории (PhD)
Национальный университет Узбекистана
имени Мирзо Улугбека,

ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье дается сравнительный анализ истории становления и развития ННО в Центральной Азии и во всем мире, роста этих организаций в годы независимости, роли социальной защиты в первые годы независимости, участия в гражданских общество.

Ключевые слова: гражданское общество, неправительственные организации, социальное партнерство, демократия, общественная организация, социальная защита, комитет, частное общество, ассоциация.

Abdugappor A.Insopov,
Acting Associate Professor,
Doctor of Philosophy (phd) in Historical Sciences
Faculty of History, Department of Contemporary
History of Uzbekistan, National University of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek.

HISTORY OF FORMATION AND DEVELOPMENT OF PUBLIC ORGANIZATIONS IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article provides a comparative analysis of the history of the formation and development of NGOs in Central Asia and around the world, the growth of these organizations during the years of independence, their role in social protection in the early years of independence, their participation in civil society.

Index Terms: Civil society, non-governmental organizations, social partnership, democracy, public organization, social protection, committee, private society, association.

Мавзунинг долзарблиги:

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ бозор иқтисодиёти шароитида ҳуқуқий давлат барпо этиш орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади. “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш” ғояси олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосини белгилаб берди.

Жаҳон амалиётидан маълумки, фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиш жараёни турли хилдаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни катта аҳамият касб этади.

Масала моҳиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 29 декабр 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашни давом эттирамиз. Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратиш зарур. Айниқса, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича таклиф ишлаб чиқиш, ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга ижтимоий буюртма асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари кенг жалб этилади. Бундай ҳамкорликни, энг аввало, таълим, маданият, тиббиёт, экология, қурилиш, кадастр, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш каби муаммоли соҳаларда кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, Қонунчилик палатасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг доимий вакили институтини жорий этишни таклиф қиламан. Ушбу вакил қуйи палата йиғилишларида иштирок этиш, қабул қилинаётган қонунларга таъсирчан жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик масалаларини киритиш бўйича таклифлар бериш ваколатига эга бўлиши зарур, деб ҳисоблайман” деб нодавлат нотижорат ташкилотларининг бугунги кундаги аҳамиятини таъкидлаб ўтади.[1] Бу ўз навбатида нодавлат нотижорат ташкилотиларини фуқаролик жамияти қуриш жараёнидаги иштирокини ҳамда республика ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотлардаги ўрнини ва долзарблигини белгилаб берилаётганлигидан далолат беради.

Ўрганилганлик даражаси ва услублари:

Ўзбекистонда бундай тузилмаларнинг ташкил топиши ва ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш асносида бевосита тарихий хронологик жиҳатдан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Жамоат ташкилотларининг, яъни нодавлат нотижорат ташкилотларини пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласи узоқ тарихий жараённи ўз ичига олади. Бу борада олиб борилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, қадимдан бошлаб инсониятнинг диний,

сиёсий ва касбий ҳолати билан боғлиқ бўлган жамоат ташкилотлари ташкил этилиб, улар турли даврларда фаолият юритганлар.

Ўрта Осиёда жамоат ташкилотларининг турли кўринишлари қадимги даврга, яъни бронза даврига бориб тақалади. Маълумки, зардўштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто"да ҳам бу борадаги маълумотлар қайд этиб ўтилади. Академик А.С.Сагдуллаевнинг фикрича, Авестонинг Яшт китобида Ўрта Осиёда қабилалар сиёсий бирлашмаси таркиб топганлиги таъкидланади.[2]

Бундан ташқари Россиялик олим С.С.Юрьев ўз монографиясида антик давлатларнинг сиёсий ҳаётида бугунги кундагидек жамоат ташкилотлари бўлмаса-да, мил. авв. VII-VI асрларда Аттика жамоасида махсус сиёсий тизимдаги бирлашмалар бўлганлиги ҳамда улар Аттика аристократияси манфаатларини ифодаловчи ўзига хос сиёсий тузилма бўлганлигини таъкидлайди.[3] Эр.авв. V асрда Афинада олигархларнинг демократия қурилишига қарши қаратилган махфий жамоаси (гетерийлар) ташкил топганлиги ва шу асосда кейинчалик V асрнинг 40-йилларида Афинада олигархлар партияси пайдо бўлганлигини ҳам қайд этиб ўтади. Муаллиф томонидан римликларнинг 12 жадвал қонунларида оммавий-ҳуқуқий тусдаги коллегиялар бўлганлиги ва улар 2 турга, яъни диний ва касаба уюшмалари шаклида бўлиб, асосан, ҳунармандлик цехлари, камбағалларнинг хайрия ташкилотлари, тижорат уюшмалари ва бошқа ташкилотлар кўринишида намоён бўлганлигини таъкидлаб ўтади.

Тадқиқот натижалари:

Тадқиқотчилар томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлар пайдо бўлиши масаласи хайрия жамғармалари билан боғлиқ тарзда ўрганилади. Қадимги Римда Юстиниан (583-565 йиллар) пандектларида ёзилишича, Рим ҳуқуқида юридик шахсларни тўртта тури мавжудлиги ва шулардан бири "хайрия муассасалари" эканлиги қайд этилган. [4] Рим ҳуқуқига оид манбаларда юридик шахс мақомига эга бўлган кўпгина хайрия муссасасалари фаолият юритганлиги таъкидлаб ўтилади. Бундай муассасаларга черковлар, касалхоналар, мактаблар, меҳрибонлик уйлари, харбийлар учун маҳсус касалхоналар каби ташкилотлар кирганлиги кўрсатиб ўтилган. Мазкур ташкилотларнинг характерли жиҳати шунда эдики, улар ҳам жамоат муассасаларига ҳам муассасага хос хусусиятларга эга бўлганлар. [5]

Уларнинг жамоат ташкилотига хос хусусиятини қуйидагиларда кўриш мумкин: биринчидан, (collegia teniorium)нинг асосида жамоат ташкилотчилигини ётиши, иккинчидан, унинг аъзолари ҳуқуқ ва мажбуриятларда тенг бўлганлиги ва уларни бошқарганлиги, учинчидан, (collegia teniorium)нинг қўйилган мақсад ва вазифалар унинг фаол аъзоларининг шаҳсий хоҳиш истаги орқали амалга оширилганлиги.[6]

Кейинчалик, яъни XVII аср бошларида Англияда "Қашшоқлар тўғрисида" (The Statute of Charitable Uses, 1601), "Ҳомийлик тўғрисида"ги (The Elizabethan Poor Law, 1601) қонунлар қабул қилинган ва бунга кўра ишсизлар ва қашшоқларни ижтимоий ҳимоялаш, улар учун уй-жойлар қуриш ва бошқа имкониятларни яратиш учун хизмат қилган. [7]

Шу билан бирга тадқиқотчи Ш.Н.Назаров нодавлат нотижорат ташкилотларни шаклланиши ва ривожланишига қисман эътибор беради ва жамоат ташкилотларини том маънодаги кўриниши Ғарбий Европада, аниқроғи, Францияда сиёсий партия шаклида XVII аср охири XVIII асрларда кенг ривожланди ҳамда аста-секинлик билан Шимолий Европа давлатларига кириб келганлигини қайд этиб ўтади. [8]

Ўрта асрлар тарихига эътибор қаратилса, фозил жамият ва унга эришиш масалаларини кўплаб Ўрта Осиёлик мутафаккирлар ўз асарларида талқин қилганликларини кўриш мумкин. Хусусан, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Али Ибн Сино, Аҳмад Югнакий, Абу Наср Форобий асарларида ўз ифодасини топганлигини кўриш мумкин. Ўз даврининг етук донишманди Абу Наср Форобий (870-950 й.й.) ўз қарашларида давлат ва жамиятни фарқли жиҳатларини таърифлаб, жамият ҳақида фикрларbни ёзади.[9] Шарқ алломалари фуқаролик жамияти ва унинг таркибий тузилиши ҳақидаги билимларини IX асрдаёқ илмий асослаб берганликларини кўриш мумкин.

Шу билан бир қаторда ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Каримда ҳам ихтиёрий равишда бирлашма, уюшмалар бўлганлиги ҳақида сўз юритилиб, хусусан, ушбу

муқаддас китобнинг 106 - “Қурайш” сурасида Қурайш қабиласининг карвон савдосини ташкиллаштиришда ўзаро жамоа бўлиб бирлашганликлари қайд эътиб ўтилади.[10] Шу билан бир қаторда ислом динида бева-бечораларга раҳм кўрсатиш, уларга ҳомийлик қилиш масаласи асосий ўринни эгаллаган. Шу туфайли ислом динидаги фарзлардан бири бўлган закот – бу мол-мулк ва олинган даромаддан бериладиган хайр садақа, эҳсон бўлиб ҳисобланган. Закот фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш манбаси, яъни ҳозирги замонавий жамоат ташкилоти сифатида хизмат қилган.

Тарихий манбаларга эътибор қаратсак, Ўрта Осиёда бу каби сиёсий, диний, ижтимоий, иқтисодий турдаги бирлашма ва уюшмалар асрлар давомида мавжудлиги ва улар маҳаллалар кўринишида ҳам мунтазам таркиб топганлигини кўриш мумкин. Бунга мисол сифатида ҳунармандчилик маҳаллалари, савдо уюшмалари, деҳқонлар (миришкорлар) уюшмалари, жамиятни муайян ижтимоий муаммони ҳал қилишдаги ҳашарларни келтириш мумкин. Россия империяси мустамлакачилиги даврида турли хилдаги жамият ва адабий тўгараклар, хусусан, маҳаллий аҳоли орасида бедилхонлик, навоийхонлик, бобурхонлик, машрабхонлик ва бошқа ўзаро уюшган кечалар фаолияти йўлга қўйилган.

Совет ҳукмронлиги йилларида ҳам бу каби жамоат ташкилотлари, турли хилдаги уюшмалар фаолият кўрсатди. Масалан, биринчи ер-сув ислохотини амалга ошириш давомида ҳамма жойларда, қишлоқ ва овулларнинг ерсиз ва кам ерли маҳаллий деҳқонларини бирлаштирган “Қўшчи” уюшмалари ташкил этила бошланди. Лекин таъкидлаш жоизки, “Қўшчи” Туркистон деҳқонлари уюшган биринчи ташкилот эмас эди. 1918 йилдаёқ Тошкентда “Деҳқон” иттифоқи вужудга келган эди. Ўшанда Тошкент ва шаҳар атрофидаги туманлар деҳқонлари ҳамда савдо доираларининг турли қатламлари янги ҳокимиятнинг муайян кескин чораларига қаршилик кўрсатишига ҳамда ўз мулкларини сақлаб қолишга ҳаракат қилган эди. Ташкилот деҳқонлар оммасининг озчилик қисмини қамраб олган бўлиб, маҳаллий характерга эга эди. 1919 йили Туркистон республика ва Ер ишлари Халқ Комиссарлигининг кўмаги билан камбағаллар қўмиталари - “Комбед”лар тузилди. “Қўшчи” уюшмаси камбағалларнинг қўмиталари ва иттифоқлари ўрнига вужудга келган эди. Ушбу уюшма қишлоқ ва овулларда совет ҳокимиятининг таянчи, “меҳнаткаш деҳқонларни синфий тарбиялашнинг ўзига хос мактаби” сифатида ер-сув ислоҳоти давомида “меҳнат билан шуғулланмайдиган хўжаликлар” ҳамда уларнинг мол-мулкини аниқлашда, советлар сиёсатидан норози бўлган деҳқонлар чиқишларини бостиришда ва уларнинг олдини олишда ҳам қатнашди. Уюшма кооперация ишига ўз ҳиссасини қўшган бўлса ҳам, унинг фаолиятидаги асосий эътибор қишлоқнинг бой қатламлари билан кураш олиб бориш ва қишлоқни “социалистик асосда қайта қуриш”га қаратилган эди.[11]

Шу билан бир қаторда 1920 йилларда Рабземлес, Ишчиларга ёрдам берувчи халқаро ташкилот (МОПР), “Йўқолсин саводсизлик”, “Худосизлар иттифоқи” каби жамоат ташкилотлари ҳамда илмий-техник ва ижодий жамиятлар ҳам фаолият қўрсатган. [12]

Маҳаллий миллат вакилларидан бўлган жадидлар ҳам ўз навбатида Туркистонда истеъдодли ёшларни чет элга ўқишга юбориш мақсадида Мунавварқори ва бошқа зиёлилар ташаббуси билан 1909 йилда Тошкентда Туркистон “Кўмак” ҳайрия жамияти ҳамда Бухоро жадидлари томонидан Бухоро ва Истамбулда “Ҳамма учун билим тарқатувчи Бухоро фойдалик жамият”лари ташкил этилган.[13] Ушбу хайрия жамиятлари орқали кўплаб ёшлар чет элда билим олиш имкониятига эга бўлганлар.

Бундан ташқари, бу даврда “Муслималар маориф”, “Иттифоқ” “Тарбияи атфол”, “Жамият тараққиёти маорифи Бухоро”, “Жамияти хайрия”, “Имдодия”, “Нашри маориф” жамиятлари ўлкада саводхонлик даражасини ошириш ва бошқа миллат аёлларини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳизмат қилган. [14]

Гарчи бу ташкилотлар расман жамоат, давлатга қарашли бўлмаган деб ҳисобланса-да, амалда тегишли ҳукуматни қатьий назорати остида бўлган.

1924-1925 йилларда Ўзбекистонда комсомол, касаба уюшмаси, хотин-қизлар қўмитаси каби кейинчалик яна кўплаб бошқа шу мафкуравий характердаги турли жамоат ташкилотлари юзага келди, қолаверса, бу ташкилотлар коммунистик мафкурани туб жой

аҳоли вакилларига сингдиришни ўз олдиларига биринчи навбатдаги мақсад қилиб қўйган эдилар. Айниқса, комсомол коммунистик партиянинг асосий таянчи сифатида ўсиб келаётган авлодни юқорида таъкидланган руҳда тарбиялашни ўзига бош мақсад сифатида белгилаган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан шу даврда ташкил этилган жамоат ташкилотлари фаолиятига эътибор қаратилса, у ҳолда шу намоён бўладики, халқнинг турмуш даражаси, оддий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш асосий мақсад қилиб белгиланмаганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин эди.

Собиқ иттифоқ таназзулга учраш арафасида, аниқроғи, 1990-йилларда Ўзбекистонда жамият манфаатларини кўзлаб фаолият юритувчи турли даражадаги нодавлат нотижорат ташкилотлар юзага кела бошлади. Шундай ташкилотлардан бири “Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек номидаги Республика фонди” ва биринчи бўлиб 1991 йил 21 июнда адлия идораларидан давлат рўйҳатига олинган Ўзбекистон ишбилармон аёллари “Тадбиркор аёл” уюшмаси ташкил этилган.[15]

Шу ўринда жамоат бирлашмалари, жамоат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари тушунчаларига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу масала аксарият ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, лекин ҳозирга қадар бу масалага оид маълум тушунчалар борасида якдил фикрга келинмаган. Тадқиқотчи Д.Р.Ҳолманова ўз ишида жамоат бирлашмаси атамаси нодавлат нотижорат ташкилотлари атамасига нисбатан анча олдин вужудга келганлиги ва у кенгроқ мазмунга эга эканлигини эътироф этади. [16] Бундан ташқари, асосий қонун ва қонуности ҳужжатларда жамоат бирлашмаси атамаси кенг қўлланилишини изоҳлаган ҳолда, бу тушунчани кенгроқ ҳуқуқий ва илмий маънода тушунишни мақсадга мувофиқ деб билган ҳолда уларни таснифлайди. Баъзи олимлар томонидан берилган фикр-мушоҳадаларда жамоат ташкилоти ва нодавлат нотижорат ташкилотлар тушунчалари синоним эканлиги қайд этиб ўтилади. [17]

Тарихга эътибор қаратилса, ҳозирда кенг қўлланиб келинаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар турли даврларда турлича атамалар билан номланган. Булар илк бора “жамият”, “қўмита”, “хусусий жамият”, “иттифоқ”, “ўртоқчилик”, “кооператив”, “клуб”, “ассоциация” деб таъкидланган бўлса, XX асрга келиб фанда “хусусий – фойда олишни ўз олдига қўймаган жамият” атамаси пайдо бўлди.[18] XX аср ўрталарида, аниқроғи, 1945 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми имзолангандан сўнг “нодавлат ташкилот” атамаси ушбу Низомнинг 10-боб 71-моддасида дастлаб ишлатилган. [19]

Совет давлатида эса “ихтиёрий жамият”, “оммавий ташкилот” атамалари кенг тарқалган эди. 30-йиллардан бошлаб тарихий адабиётларда “жамоат ташкилоти” атамаси кенг қўлланилиш жараёни бошланди. Совет даврида илк бора 1991 йил 31 май СССР Олий Совети томонидан тасдиқланган СССР ва республикалар фуқаролик қонунчилигида “нодавлат” тушунчаси истеъмолга киритилган эди. [20]

Бу борада чет эл тажрибасига эътибор қаратилса, у ҳолда бу атама Бразилияда “фуқаролик жамияти”, Германияда “ассоциациялар сектори”, Францияда “ижтимоий ҳўжалик”, Мисрда “фуқаролик тизими”, Японияда “ижтимоий коорпорация”, Буюк Британияда “хайрия ташкилоти” атамалари ишлатилади. [21]

Ўзбекистонда эса “жамоат ташкилотлари” ёки “нодавлат нотижорат ташкилотлар”, шунингдек, “фуқаролик жамияти институтлари” тушунчалари билан номланади. “Нодавлат нотижорат ташкилотлар” атамаси эса илк бора “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида” ги қонун қабул қилингандан сўнг кенг қўлланила бошланди. Умумий маънода бу фикрларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирга келиб турли номлар билан аталадиган ушбу ташкилотларга нисбатан том маънода учинчи сектор сифатида қаралади.

Республикада 1 январь 1991 йилда 95 та нодавлат нотижорат ташкилотлар ташкил этилган. [22] Бу миқдор мустақилликнинг илк йилларида жамиятда бундай ташкилотларни салмоғи анча паст бўлганлиги ва энди ривожланиш босқичига ўтаётганлигидан далолат беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2000 йил 1 январда бу ташкилотлар жами 2585 тани ташкил этган. Бунда ўсиш кўрсатгичлари жадаллик билан ривожланганлигидан далолат беради. [23]

Республикада нодавлат нотижорат ташкилотларни ривожланиши асосан 12 ноябрь 2010 йилдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид Концепция" қабул қилингандан сўнг амалга оширила бошланди.

Бунда асосан нодавлат нотижорат ташкилотларга эҳтиёжни тоборо ортаётганлиги асосий сабаб бўлиб ҳисобланса, иккинчидан бу борада давлат томонидан ҳам жиддий қадамлар қўйила бошланганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат нодавлат нотижорат ташкилотларни жамият ҳаётига кириб боришига сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатганлиги билан ҳам ифодаланади. Адлия органлари рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлар 2016 йилга келиб 8417 тага ошганлигини кўриш мумкин. [24]

Юқорида қайд этилган мулоҳазалар, маълумотлар таҳлилига асосланган ҳолда Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларни ривожланишини қуйидаги босқичларга бўлиш мақсадга мувофиқ:

Биринчи босқич: қадимги яъни бронза давридан араблар истилосигача бўлган давр ҳисобланиб, бунда асосан жамиятда инсонлар томонидан умумий тарзда ўзаро уюшган ҳолда мавжуд муаммолар ҳал қилинган.

Иккинчи босқич: Араблар истилосидан XIX аср 2-ярмигача бўлган давр бўлиб, бунда инсонларни савдо карвонларини ташкиллаштиришда ўзаро жамоа бўлиб бирлашишлари, ислом динидаги ижтимоий жиҳатдан қийналган бева бечораларга закот, хайр-садақалар берилиши шунингдек, ҳунармандчилик маҳаллалари, деҳқонлар (миришкорлар) уюшмалари, муайян ижтимоий муаммони ҳал қилишдаги ҳашарлар ҳисобланади. Бундан ташқари, IX-XII асрлардаги фозил жамият қуришдаги шарқ алломалари илмий асарлари, ғоялари асосида фаолият юритган турли хилдаги жамоавий уюшмалар киради.

Учинчи босқич: Россия империяси мустамлакачилиги даври ҳисобланиб, бу даврда асосан жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, маънавий қийинчиликлар туфайли ўзаро турли хилдаги уюшмаларни вужудга келиши ва фаолият юритиши ҳисобланади. Бунда жадидлар томонидан ташкил этилган хайрия фондлари, ижтимоий, маданий ва турли хилдаги жамиятлар алоҳида аҳамияга эга ҳисобланади.

Тўртинчи босқич: совет ҳукмронлиги даври бўлиб, бу даврда кўплаб жамоат ташкилотлари фаолият юритган ва улар асосан совет кишиларини тарбиялашга хизмат қилган. Пионер, Комсомол, Радиоҳаваскорлар, "Билим" илмий техник жамияти, Ихтирочилар ва рационализаторлар илмий техник жамиятлари, Динамо, Спартак, Шахматсеварлар жамияти, Кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти, Ўзбекистон Қизил Хоч ва Қизил Яримой жамияти ва бошқалар ҳисобланади.

Бешинчи босқич: мустақиллик даври ҳисобланиб, демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамият асосларини барпо этишга хизмат қиладиган нодавлат ташкилотларни юзага келиши, ҳуқуқий асосларини яратилиши ҳисобланади.

Хулоса:

Шу ўринда эътиборли жиҳати шундаки, нодавлат нотижорат ташкилотларни ўсиш кўрсаткичи уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш имконини беради. Тўғри, бугунги кунда жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган фуқаролик жамиятининг асоси бўлган бундай ташкилотлар амалда қай даражада самарали фаолият юритиши кераклигини қўйидаги ҳулосалар орқали изоҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Нодавлат нотижорат ташкилотларни вужудга келишини тарихий зарурият эканлиги билан бир қаторда уларнинг пайдо бўлишида ижтимоий, иқтисодий сабаблар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Баъзи тадқиқотчилар томонидан эса сиёсий сабаблар ҳам кўрсатилади. Ижтимоий сабаб нодавлат нотижорат ташкилотларни аҳолига кўрсатадиган ижтимоий ҳизматлари тизимли тарзда амалга оширилиши ҳақиқат ҳисобланса, уларнинг аҳолига иқтисодий ҳизматлари арзонлиги, қўшимча иш ўринларини яратиши билан иқтисодий

сабабни қўллаш мумкин. Сиёсий ёки ҳуқуқий сабаблар эса демократик жамият барпо этишдаги ўрнини белгилаб беради ва жамиятда плюрализмни шаклланиши кўринишида ифодаланади.

Юқорида кўрсатилган сабаблар нодавлат нотижорат ташкилотларни пайдо бўлишида муҳим ҳисобланса-да, энг асосийси, ижтимоий сабаб эканлигини кўриш мумкин. Чунки нодавлат нотижорат ташкилотларни тарихини ўрганиш жараёнида ҳомийлик асосида вужудга келганлиги ўз исботини топади. Ҳомийлик асосида эса, албатта, ижтимоий жиҳатдан ночор аҳолини моддий қўллаб-қувватлаш эканлигини инобатга олган ҳолда ижтимоий сабаб муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўрта Осиё ҳусусан Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлар ташкил этилиши ва фаолияти қадим даврлардан бошлаб йўлга қўйилганлиги бугунги кундаги бундай ташкилотларни самарали фаолиятини йўлга қўйишда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Иқтибослар/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020. -№276 (7778). – Б. 3. (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev to the Oliy Majlis // People's speech, 2020. -№276 (7778). - B. 3.)
2. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. Дарслик - Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – Б. 86. (Eshov B.J., Odilov A.A. History of Uzbekistan. Textbook - Tashkent: New Age Generation, 2014. - P. 86)
3. Юрьев С.С. Правовой статус общественных объединений. - М: Инжинер ин-кварто, 1995. –Б. 12. (Yuriev S.S. Legal status of public associations. - M: Engineer in-quarto, 1995. –P. 12.)
4. Холмонова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни. Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2012. - Б.19. (Holmonova D.R. The role of non-governmental non-profit organizations in the system of public associations in the Republic of Uzbekistan. Yu.f.n. diss to get an academic degree. - Tashkent, 2012. - P.19.)
5. Топилдиев В.Р. Рим ҳуқуқи., Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. -Б. 78-79. (Topildiev V.R. Roman law., Tashkent: Yangi asr avlodi, 2013. -P. 78-79.)
6. Ўша жойда. (. In the same place.)
7. Ҳолмонова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни. ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2012. Б.-19. (Holmonova D.R. The role of non-governmental non-profit organizations in the system of public associations in the Republic of Uzbekistan. yu.f.n. diss to get an academic degree. - Tashkent, 2012. P.-19.)
8. Назаров Ш.Н. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоат ташкилотларининг роли (назарий ва ҳуқуқий масалалари) ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2009. Б.-14. (Nazarov Sh.N. The role of public organizations in the formation of civil society in Uzbekistan (theoretical and legal issues) diss to get an academic degree. - Tashkent, 2009. P.-14.)
9. Форобий Абу Наср. Фозил Одамлар шаҳри. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси, 1993. –Б.186. (9. Pharoah Abu Nasr. City of Fozil People. - Tashkent: People's Heritage named after Abdulla Qodiri, 1993. –P.186.)
10. Закиров И. Турабеков Т. Некоторый аспекты влияния мусульманского и традиционно-обычного прав на законодательство Республики Узбекистан о негосударственных некоммерческих организациях. //Давлат ва ҳуқуқ, 2003. - №4. – Б. 23 (Zakirov I. Turabekov T. Some aspects of the influence of Muslim and traditional customary law on the legislation of the Republic of Uzbekistan on non-governmental non-profit organizations. // State and law, 2003. - №4. - P. 23)

11. Эшов Б.Ж., Юнусова Х.Э. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б.325-326; Ҳолмонова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни. Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2012. - Б.-20. (Eshov B.J., Yunusova X.E. and others. History of Uzbekistan. –Tashkent: Yangi asr avlodi, 2015. - P.325-326; Holmonova D.R. The role of non-governmental non-profit organizations in the system of public associations in the Republic of Uzbekistan. Yu.f.n. diss to get an academic degree. - Tashkent, 2012. - P.-20.)
12. Назаров Ш.Н. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоат ташкилотларининг роли (назарий ва ҳуқуқий масалалари) Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2009. - Б.15. (Nazarov Sh.N. The role of public organizations in the formation of civil society in Uzbekistan (theoretical and legal issues) Yu.f.n. diss to get an academic degree. - Tashkent, 2009. - P.15.)
13. Отажонов Ш.ва бошқалар. ТоШДУ илм ва маърифат маскани. – Тошкент: Университет, 1995. – Б. 12. (13. Otajonov Sh. And others. Tashkent State University of Science and Enlightenment. - Tashkent: Universitet, 1995. - P. 12.)
14. Насретдинова Д.М. Туркистон маданий ҳаётида татар-бошқирд аёлларининг тутган ўрни (XIX аср охири XX асрнинг биринчи чораги). Т.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2011. - Б.67; Абдуллаев Д.Н. Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийликнинг ривожланиш тарихи (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даража олиш учун дисс. автореф – Тошкент, 2019. - Б.-16. (14. Nasretdinova D.M. The role of Tatar-Bashkir women in the cultural life of Turkestan (late 19th century, first quarter of the 20th century). T.f.n. diss to get an academic degree. - Tashkent, 2011. - P.67; Abdullaev D.N. History of the development of charity and sponsorship in Uzbekistan (second half of the XIX century - early XX century). Ph.D. in History for a Ph.D. avtoref - Toshkent, 2019. - P.-16.)
15. Ҳолмонова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни. Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2009. - Б.-20. (15. Holmonova D.R. The role of non-governmental non-profit organizations in the system of public associations in the Republic of Uzbekistan. Yu.f.n. diss to get an academic degree. - Tashkent, 2009. - B.-20.)
16. Ҳолмонова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни. Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2009. - Б.-12. (16. Holmonova D.R. The role of non-governmental non-profit organizations in the system of public associations in the Republic of Uzbekistan. Yu.f.n. diss to get an academic degree. - Tashkent, 2009. - P.-12.)
17. Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Тошкент: Шарқ, 2002. –Б. 183-185; Индина И, Индина Е ва бошқалар. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларига солиқ солиш ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. – Тошкент: DEKORPELIG AF, 2003. –Б. 10. (Odilqoriev H.T. Constitution and civil society. - Tashkent: Sharq, 2002. –B. 183-185; Indina I, Indina E and others. Taxation of non-governmental non-profit organizations in Uzbekistan and their accounting. - Tashkent: DEKORPELIG AF, 2003. –P. 10.)
18. Ҳолмонова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни. Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2009. - Б.23. (18. Holmonova D.R. The role of non-governmental non-profit organizations in the system of public associations in the Republic of Uzbekistan. Yu.f.n. diss to get an academic degree. - Tashkent, 2009. - P.23.)
19. http://otetrad.ru/article-500.html.
20. www.google.com/amp/tass.ru/info/671635/amp
21. Ҳолмонова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни. Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2009. - Б.23. (Holmonova D.R. The role of non-governmental non-profit

organizations in the system of public associations in the Republic of Uzbekistan. Yu.f.n. diss to get an academic degree. - Tashkent, 2009. - P.23.)

22. Махсумов С., Зоҳидова М. Ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси ошиб бормоқда. //Халқ сўзи, 2013. -№51 (5725). – Б.2.; Маҳкамова Ф. Демократик ислоҳотларнинг муҳим мезони. // Халқ сўзи, 2014. -№40 (6475). –Б. 2.; Мирзо Ғ. Учинчи секторнинг ҳуқуқий майдони. // Жамият, 2015. -№14 (442). –Б. 3.; Маҳаллий ҳокимият органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг самарали тизимини шакллантириш: Бугунги ҳолат ва ривожланиш истиқболлари. / Маъсул муҳаррир Каримов А. – Тошкент: Munis design group, 2016. –Б.4. (Maxsumov S., Zohidova M. There is a growing sense of commitment to reform. // Xalq so'zi, 2013. -№51 (5725). - B.2. ; Mahkamova F. An important criterion of democratic reform. // Xalq so'zi, 2014. -№40 (6475). –B. 2. ; Mirzo G. The legal area of the third sector. // Society, 2015. -№14 (442). –B. 3. ; Forming an effective system of social partnership between local authorities and non-governmental organizations: Current situation and prospects for development. / Responsible editor Karimov A. - Tashkent: Munis design group, 2016. –.4)
23. www.minjust.uz.; http://turkistonpress.uz/article/16952.
24. Халқ сўзи, 2016 йил 26 февраль, № 40 (6475).; Маҳаллий ҳокимият органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг самарали тизимини шакллантириш: Бугунги ҳолат ва ривожланиш истиқболлари. / Маъсул муҳаррир Каримов А. – Тошкент: Munis design group, 2016. –Б.4. (People's Speech, February 26, 2016, № 40 (6475). ; Forming an effective system of social partnership between local authorities and non-governmental organizations: Current situation and prospects for development. / Responsible editor Karimov A. - Tashkent: Munis design group, 2016. –P.4.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Elyorjon Zokir o‘g‘li Karimov,
O‘zMU Tarix fakulteti
O‘zbekiston tarixi kafedrasi o‘qituvchisi

O‘ZBEKISTONDA IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARI DAVRIDA EVAKUATSIYA QILINGAN SANOAT KORXONALARI ISHINING TASHKIL ETILISHI

For citation: Elyerjon Z. Karimov, ESTABLISHMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES EVACUATED DURING THE SECOND WORLD WAR IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.286-291

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-36

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada Ikkinchi jahon urushi yillarida Ittifoq xalqlari, xususan o‘zbek xalqining boshiga tushgan og‘ir kunlar va uni yengib o‘tishda xalqimiz tomonidan ko‘rsatilgan mislsiz jasoratlar sanoat korxonalarining evakuatsiya qilinishi va uning joylashtirilishi misolida ko‘rsatib berilgan. Eng so‘nggi yillarda olib borilayotgan ilmiy-tadqiqot ishlarining natijalariga asoslanib, mazkur davr ushbu maqola misolida bir taraflamalilikdan chekingan holda xolisona yoritib berishga harakat qilindi.

Kalit so’zlar: Ikkinchi jahon urushi, o‘zbek xalqi, jasorat, sanoat korxonalari, evakuatsiya.

Эльёржон Зокир оглы Каримов,
Преподаватель кафедры истории Узбекистана
Исторический факультет
Национального университета Узбекистана

УЧРЕЖДЕНИЕ ПРОМЫШЛЕННЫЕ ПРЕДПРИЯТИЯ ЭВОКУИРОВАННЫЙ ВО ВРЕМЯ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

Эта статья иллюстрирует лишения, с которыми столкнулись народы Союза во время Второй мировой войны, особенно узбекский народ, и беспримерное мужество, проявленное нашим народом в их преодолении, на примере эвакуации и перемещения промышленных предприятий. По результатам недавних исследований была сделана попытка объективно охватить этот период, избегая односторонности в примере данной статьи.

Ключевые слова: Вторая мировая война, узбекский народ, отвага, промышленные предприятия, эвакуация.

Elyerjon Z. Karimov,
History Faculty of the National University of Uzbekistan
Lecturer at the Department of History of Uzbekistan

ESTABLISHMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES EVACUATED DURING THE SECOND WORLD WAR IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article illustrates the hardships faced by the peoples of the Union during the Second World War, especially the Uzbek people, and the unparalleled courage shown by our people in overcoming them, as exemplified by the evacuation and relocation of industrial enterprises. Based on the results of recent research, an attempt has been made to cover this period objectively, avoiding one-sidedness in the example of this article.

Index Terms: World War II, Uzbek people, courage, industrial enterprises, evacuation.

---

1. Долзарблиги:

1941 – 1945-yillarda bo‘lib o‘tgan “Ulug‘ Vatan urushi”da ko‘pmillatli O‘zbekiston xalqi jang maydonlarida va front ortida ulkan matonat va jasorat namunalarini ko’rsatib, insoniyatning fashizm balosi ustidan qozonilgan buyuk g‘alabasini ta’minlashga munosib hissa qo‘shdi. O‘sha g‘oyat og‘ir va suronli davrda yutimiz frontning mustahkam ta’minot bazasiga aylandi. Bu yerdagi sanoat korxonalari harbiy sohaga moslashtirilib, ularning butun faoliyati front ehtiyojlari uchun yo‘naltirildi. “Ulug‘ Vatan urushi” yillarida jang olib borilayotgan yoki dushman tomon bosib olishi ehtimoli yuqori bo‘lgan hududlardan industriya-sanoat korxonalari – zavod va fabrikalar xavfsiz hududlarga, ya’ni Ittifoqning sharqiy hududlariga, jumladan O‘zbekistonga evakuatsiya qilindi. Evakuatsiya qilingan korxonalarni tiklash va ularning ishining tashkil etilishida xalqimiz yuksak vatanparvarlikni namoyon etdilar. Aynan mana shu masalaga to‘xtalgan prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyev quyidagicha fikrlarini bildirib o‘tgan edilar: “O‘sha olovli yillarda O‘zbekistonda yetti yoshdan yetmish yoshgacha butun xalqimiz “Hamma narsa front uchun, hamma narsa g‘alaba uchun!”, - deb yashadi, orom va halovatdan voz kechib, tinimsiz og‘ir mehnat qildi. Respublikamiz frontning mustahkam ta’minot bazasiga aylandi”[1]. Urush yillarida xalqimiz tomonidan amalga oshirilgan buyuk ishlarni, uning kuchli iroda va qahramonligini, o‘sha davr haqiqatini kelgusi avlodlarga aniq misollar asosida yetkazish, ularni vatanparvarlik va jasorat ruhida tarbiyalash borasida bugungi mustaqil O‘zbekistonimizda sezilarli ishlar amalga oshirilmoqda.

2. Metodlar:

Ushbu maqolada tarixiylik, qiyosiy tahlil kabi tarixiy metodlar, ilmiy manbalar asosida O‘zbekistonda Ikkinchi jahon urushi yillari davrida evakuatsiya qilingan sanoat korxonalari ishining tashkil etilishi ilmiy o’rganilgan.

3.Tadqiqiot natijalari:

Fashistik Germaniyaning 1941-yil 22-iyunda hech qanday da’volarsiz, urush e’lon qilmay turib Ittifoq (SSSR) hududiga bostirib kirishi natijasida butun Ittifoq xalqlari juda katta talafot ko’rdi. Urush boshlangach, okkupatsiya qilingan hududlardagi ishlab chiqarish vositalarining saqlanib qolinishi dolzarb vazifalardan biri edi. Urushning dastlabki kunlaridanoq g‘arbiy hududlardagi sanoat korxonalarini sharqiy hududlarga ko‘chirib o‘tkazish bo‘yicha hukumat qarori qabul qilindi. Bu bo‘yicha 1941-yil 29-iyunda SSSR XKS va VKP (b) ning maxsus qo‘shma qarori qabul qilindi. Unga ko‘ra evakuatsiya qilinmaydigan va joyida qoldirilgan, dushman tomon foydalanishi mumkin bo‘lgan barcha industriya korxonalari va inshootlar yo‘q qilinishi yoki foydalanib bo‘lmaydigan tarzda ishdan chiqarilishi shart edi[2].

Yuqoridagi qaror bo‘yicha ko‘chayotgan aholiga fashistik Germaniya armiyasiga birorta ham texnika, bir burda ham non, bir litr ham yoqilg‘i qoldirmaslik talabi qo‘yildi[3]. Bu o‘rinda 1941-yil 7-avgustdagi Davlat Mudofaa qo‘mitasining “Evakuatsiya qilingan korxonalarni joylashtirish tartibi to‘g‘risida”gi va 1941-yil 25-oktabrdagi SSSR XKS ning “Volga, Ural, O‘rta Osiyo va Qozog‘istonga ko‘chirilgan korxonalarni tiklash grafigi to‘g‘risida”gi qarorlari evakuatsiya jarayonini tartibga solib turuvchi asosiy huquqiy hujjatlar bo‘ldi. Urush yillarida SSSR Reja qo‘mitasining evakuatsiya masalalari bo‘yicha mas’ul lavozimlarida ishlagan R.S. Livshits xotiralariga ko‘ra, “Rossiya janubidagi metallurgiya korxonalarining asosiy asbob uskunalarini evakuatsiya qilishning imkoni bo‘lmadi. Chunki domna pechlari va po‘lat quyish uskunalarini

umuman ko‘chirib bo‘lmasdi”[4]. Bunday holatda esa odatda ko‘chirib bo‘lmaydigan industriya uskunalari portlatilib, yo‘q qilib yuborilgan.

1941-yil ikkinchi yarmidan front yaqinidagi hududlardan Sharqqa 2600 ga yaqin sanoat korxonlari, 11 mingdan ortiq texnikalar, ko‘plab kolxoz va sovxoz mulklari hamda 10 mln ga yaqin ishchi-kuchlari ko‘chirildi. Barcha mulk va odamlarni bir hududdan boshqa bir hududga ko‘chirish temiryo‘lchilar zimmasiga tushdi. Evakuatsiya jarayonlarida 1,5 mln ga yaqin temiryo‘l vagonlari ishga solindi. XX asrning 40-yillarida O‘zbekiston va Ittifoqning boshqa qismlarini ikkita temiryo‘l tizimi, ya’ni Toshkent – Orenburg va Turkiston – Sibir temiryo‘llari bog‘lar edi. Bundan tashqari Toshkent – Krasnovodsk temiryo‘li orqali Kaspiy dengiziga chiqish imkoni ham bo‘lgan. Evakuatsiya jarayonida har bir fabrika va zavodning asbob-uskunalari anchagina hajmda bo‘lar edi. Masalan, birgina Chkalov nomidagi aviatsiya zavodining Toshkentga evakuatsiya qilinishida har birida taxminan 100 vagondan iborat 18 ta eshelon ishtirok etdi[5].

Urush yillarida Markaziy Osiyoda yetakchi hisoblangan Toshkent temiryo‘lining nufuzi oshdi. Toshkent temiryo‘li Sovet Ittifoqining asosiy temiryo‘llari ro‘yxatiga kiritilgandi[6]. O‘rta Osiyoning to‘rt respublikasi tarkibiga kiruvchi, 11 viloyatga xizmat qiluvchi Toshkent temiryo‘li ham harbiy holatga o‘tkazildi. O‘zbekistonga ko‘chirilgan 104 ta zavod va fabrika orasida Leningrad to‘qimachilik mashinalari zavodi, “Rostselmash”, “Qizil Oqsoy”, Sulsk nasos va Dnepropetrovsk karborund zavodlari, Moskvadagi “Elektrokabel” va “Podyomnik” zavodlari, Temiryo‘llar xalq komissarligining mashinasozlik zavodi, Kiyevdagi “Transsignal” zavodi, Stalingrad kimyo kombinati va boshqalar bor edi[7]. O‘zbekistonning quruq sanoat yelimiga talabi va uni ishlab chiqarishga kerak bo‘lgan chiqindi xomashyosining mavjudligi hisobga olinib, Toshkentga “Moskleyprom” korxonasi ham evakuatsiya qilindi[8].

Sanoat korxonalarini ko‘chirishda harbiy jihatdan ushbu hududlarga dushman armiyasi va aviatsiyasi yaqin vaqt ichida borolmasligi inobatga olindi. Iqtisodiy tatrafdan esa korxonalarni qabul qilayotgan hududdagi sanoat potensiali, urushgacha mavjud infratuzilmaning qay darajada rivojlanganligi va kadrlar ta’minotiga ahamiyat berildi. Jumladan, O‘zbekistonga evakuatsiya qilingan sanoat korxonalari va fabrikalarning asosiy qismini qishloq xo‘jaligi, og‘ir va o‘rta mashinasozlik, elektrotexnika korxonalari hamda yengil va oziq-ovqat sanoati korxonalari tashkil etdi. Ko‘chirib o‘tkazilgan korxonalarni tezlik bilan ishga tushirish doimo qattiq nazorat olib borilgan. 1941-yil 9-noyabrdagi Davlat Mudofaa Qo‘mitasining qaroriga ko‘ra, ko‘chirilgan korxonalarni ishga tushirish vaqti va ularning ishlab chiqarish hajmi 1941-yil noyabr-dekabr oylari va 1942-yilning dastlabki oylari uchun aniq belgilab berildi[9].

O‘zbekistonga evakuatsiya qilingan asbob-uskunalar asosida 47 ta yangi korxonalar barpo etilib, mavjud mahalliy korxonalar quvvati bir necha barobar oshirildi[10]. Bunda odatda asbob-uskunalari to‘liq yetib kelmagan va bir sexda joylashgan, bir soha korxonalari bir-biriga qo‘shib yuborilgan. Ushbu holat ma’lum ma’noda ishlab chiqarishni to‘g‘ri tashkil etilishiga olib keldi. Bu kabi zavodlarning birlashtirilishida quyidagi ijobiy natijalarni ko‘rsatib o‘tish mumkin edi: yagona boshqaruv direktorlarning mas’uliyatini oshirgan, yagona zavodda ishlab chiqarish quvvati yuqoriroq bo‘lgan va eng asosiysi, zavod front uchun kerakli harbiy mahsulotlarni tezroq bera boshlagan. O‘zbekistonga ko‘chirilgan korxonalarni qabul qilish, joylashtirish va ishga tushirish masalalarini tezkorlik bilan hal qilish maqsadida maxsus komissiya tuzildi[11]. Respublika viloyatlarida esa respublika komissiyasiga bo‘ysunuvchi viloyat komissarlari faoliyat olib bordi. Komissiyalar fabrika va zavod rahbarlari bilan bevosita aloqa o‘rnatib, korxonalarning joylashuv hududlari, ishga tushirish vaqti, ularni xomashyo va ishchi kuchi bilan ta’minlash bilan bog‘liq masalalarni hal etardi.

O‘zbekistonga evakuatsiya qilingan va aniq korxonaga biriktirilmagan mutaxassislar kasbiy faoliyatiga qarab, respublikada mavjud korxonalarga yuborildi. Evakuatsiya qilingan aholi sanoatdan tashqari O‘zbekiston iqtisodiyotining boshqa sohalarida ham faoliyat olib bordi. Xususan, 1941-yilda O‘zbekistonda qand lavlagi ekishning boshlanishi bilan bu sohada tajribali evakuatsiya qilingan kolxozchilardan 5 ming nafari Farg‘ona, Toshkent va Samarqand viloyatlariga yuborildi[12]. O‘zbekistonga evakuatsiya qilingan korxonalarni joylashtirish va ishga tushirish birinchi galdagi vazifa etib belgilandi. Natijada 1942-yil yanvaridayoq Moskvadan ko‘chirilgan

Chkalov aviatsiya zavodi o‘zining birinchi mahsulotini bera boshladi. Karborund zavodi esa rejaga nisbatan 5-6 marta tezroq ishga tushirildi[13]. Toshkentga Ukrainaning Zaporoje viloyatidan evakuatsiya qilingan karborund zavodida ishlab chiqarish quvvatlari tiklanibgina qolmasdan, qo‘shimcha 2 ta yangi sex barpo etildi. Zaporojeda 30 oyda qurlgan zavod, Toshkentda 5 oyda ishga tushirildi[14].

Evakuatsiya qilingan korxonalarni maxsus moslashtirilgan inshootlarga joylashtirish ham muammo edi. Qisqa vaqt ichida ko‘chirilgan 100 dan ortiq korxonaga ishlab chiqarish binolarini qurib berishga respublikaning imkoniyati deyarli yo‘q edi. Yuzaga kelgan binolar taqchilligini qisman bo‘lsa-da hal etishga harakat qilindi. 1941-yil 11-sentabrdagi SSSR XKK ning qaroriga ko‘ra, urush davri sharoitida vaqtinchalik sexlar yoki imoratlar qurilishida mahalliy materiallardan foydalanishga ruxsat etildi[15].

Ma’lumki, O‘rta Osiyoda mahalliy qurilish materiali, asosan, xom g‘isht hisoblanardi. Xalq uslubida va mahalliy qurilish materiallaridan tezlik bilan qurilgan zavod binolari arxitektura va texnik talablardan ancha yiroq edi. Shunday bo‘lsa-da, bu usul bilan qurilgan binolar sanoat inshootlariga bo‘lgan talabni tez, arzon va asosiysi, respublikaning o‘z kuchi bilan qondirilishiga imkon berdi. Tezlik bilan korxonalarning ishga tushirilishi respublikamiz shaharlari hayoti va qiyofasi, shaharliklar turmush tarziga o‘ziga xos o‘zgarishlar kiritdi.

Evakuatsiya qilingan korxonalarni ishga tushirishda transport, bino, ishchi kuchi masalalarini hal etishning o‘zi kifoya emas edi. Yuzlab zavodlarni ko‘chirib keltirib, yangi joyda ishga tushirish uchun anchagina mablag‘ zarur edi. Dastlab ko‘chirilgan korxonalarning yoqilg‘i fondlari bo‘lmay, benzin yoki kerosinning yetishmasligi temiryo‘llardan asbob-uskunalarni olib chiqib ketishni qiyinlashtirgan. Shu sababli O‘zbekiston SSR fondlaridan ularga moliyaviy yordam berildi[16]. Ko‘chirib keltirilgan korxonalarni joylashtirish va ularni ishga tushirish ishlariga respublika budjetidan 450 mln rubl pul sarflandi[17].

Urush yillarida O‘zbekistonga aholi evakuatsiyasi turli yo‘nalishlardan tashkil etildi. Geografik joylashuv va transport tizimi qulayligi nuqtayi nazaridan aksariyat aholi va dastgohlar O‘zbekistonga shimoldan, ya’ni Volgabo‘yi va Orenburg tomondan evakuatsiya qilindi. Shuningdek ahamiyati kamroq janubiy yo‘nalish ham bo‘lgan. Janubiy yo‘nalishda aholi yoki dastgohlar dastlab Kaspiy dengizi orqali Turkmanistondagi Krasnovodsk portiga, bu yerdan Ashxabod temiryo‘li orqali O‘zbekistonga evakuatsiya qilingan[18].

Umumiy ma’noda olib qaraydigan bo‘lsak, Ikkinchi jahon urushi yillarida O‘zbekistonga yuzdan ortiq sanoat korxonasining ko‘chirilishi va ularning tezlik bilan ishga tushirilishi Ittifoq harbiy salohiyatining oshirilishiga qo‘shilgan salmoqli hissa bo‘ldi. Bu davrda amalga oshirilgan evakuatsiya o‘z mohiyatiga ko‘ra ulkan tashkilotchilik va ishlab chiqarish tadbiri bo‘ldi. Bu borada amerikalik jurnalist L. Sultsberger 1942-yil 20-iyuldagi “Life” jurnalidagi maqolasida evakuatsiya jarayonini tarixning buyuk voqealaridan biri ekanligi haqida fikr bildirgan edi[19].

Marshal G.K. Jukov evakuatsiyani “Ikkinchi jahon urushining yirik janglari qatoriga qo‘shish mumkin”, – deb fikr bildirgan edi[20]. 1941–1942-yillardagi evakuatsiya jarayoni qo‘pol kamchiliklar, ma’muriy buyruqbozlik va yo‘qotishlar bilan amalga oshirilgan bo‘lsa-da, u o‘zining asosiy maqsadiga – tinch aholi ma’lum qismini fashist bosqinchilaridan asrab qolish, sanoat va qishloq xo‘jaligini Sharqqa ko‘chirish va bu yerda ishlab chiqarishni tashkil etishni uddaladi.

Evakuatsiya qilingan yengil sanoat sanoat korxonalarini joylarda ishga tushirish bir muncha qiyinchiliklar bilan olib borildi. Mablag‘lar, asosan, og‘ir sanoat korxonalarini barpo etish va tiklashga ajratilib, yengil sanoat korxonalari nisbatan e’tibordan chetda qolardi. Mavjud vaziyatda esa yengil sanoat tezlik bilan frontni kiyim-kechak bilan ta’minlashi zarur edi. Boshqa sanoat tarmoqlari kabi yengil ham urush manfaatlaridan kelib chiqib harbiy jihatdan qayta qurildi. Ikkinchi jahon urushiga qadar yengil sanoat korxonalarining front uchun mahsulot ishlab chiqarish salmog‘i unchalik ham katta emas edi. Endilikda ichki imkoniyatlardan kelib chiqib harbiy mahsulot ishlab chiqarishni ancha ko‘paytirishga to‘g‘ri keldi. Harbiy mahsulotlar ishlab chiqarishni ko‘paytirish uchun korxonalar fuqarolik mahsulotlari ishlab chiqarishni keskin kamaytirdi. Shu yo‘l bilan ozod etilgan ishlab chiqarish quvvatlari harbiy buyurtmalar bajarilishini ta’minlashga yo‘naltirildi. Shuning uchun ma’lum darajada front ta’minoti bilan bog‘liq mahsulotlar ishlab chiqarish

hajmining ortishi kuzatildi. Natijada 1941 – 1942-yillar oralig‘ida aholiga sotish uchun mo‘ljallangan trikotaj mahsulotlari 16 foizgacha va poyabzal 8 foizgacha qisqardi[21]. 1943-yildan boshlab ko‘chirilgan korxonalarning to‘liq ishga tushirilishi va ta’minot bo‘yicha ba’zi muammolarning hal etilishi bilan yengil sanoat quvvatlari tiklana boshladi. Xususan, 1945-yilda O‘zbekiston qattiq charm buyumlar ishlab chiqarish bo‘yicha O‘rta Osiyo respublikalari o‘rtasida birinchi o‘rinni, ichki trikotaj va poyabzal ishlab chiqarish bo‘yicha ikkinchi o‘rinni egalladi.

4. Xulosa:

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, urush boshlanishi bilan respublika sanoat korxonalari ishlab chiqarish quvvatlari harbiy buyurtmalarni ishlab chiqarishga qaratildi. Bu vazifani amalga oshirish uchun xalq iste’moli tovarlari va umuman tinchlik davrida ishlab chiqariladigan mahsulotlar qisqartirildi. Sanoat korxonalarining xavfsiz hududlarga evakuatsiyasi jarayoni natijasida armiyani qurol-yarog‘ va boshqa kerakli mahsulotlar bilan muttasil ta’minlanishi hamda sanoat uchun zarur va foydali qazilmalar ta’minoti masalalari nisbatan ijobiy hal etildi. Bundan tashqari amalga oshirilgan industrial evakuatsiya fashistlarga okkupatsiya hududlardagi sanoat korxonalari imkoniyatlaridan foydalanishga imkon bermadi. Evakuatsiya qilingan sanoat korxonalarini qabul qilish, joylashtirish, kadrlar bilan ta’minlash va umuman ish jarayonini tashkil etishda O‘zbekiston iqtisodiyoti, xalqimizning insonparvarligi, g‘alaba yo‘lidagi irodasi, birdamligi, matonati kabi fazilatlar o‘ta muhim ahamiyat kasb etdi. “Ulug‘ Vatan urushi” yillari davrida ota-bobolarimizning front va front ortidagi ko‘rsatgan jasoratlari bugungi yosh avlodning qalbida mangu saqlanadi.

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning “9-may – Xotira va qadrlash kuni”ga bag‘ishlangan “Ajdodlar jasorati – mardlik maktabi va g‘urur va iftixor manbai” mavzusidagi tantanali marosimidagi nutqidan // Xalq so‘zi gazetasi, 10-may, 2019-yil, 96-son. (President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. From the speech of Mirziyoyev at the solemn ceremony "May 9 - Day of Remembrance and Honor" on the theme "Courage of the ancestors - a school of courage and an object of pride" // Newspaper "Khalk Sozi", May 10, 2019, p. 96. last.)
2. Ради жизни на земле. Великая Отечественная война 1941 – 1945 гг. в документах и свидетельствах. Сост. Мазур В. и др. – Екатеринбург: Уральский рабочий, 1995. – С. 72. (For the sake of life on earth. Great Patriotic War 1941-1945 in documents and certificates. Compiled by Mazur V. et al. - Yekaterinburg: Ural worker, 1995. - p. 72.)
3. Куманев Г. Война и эвакуация в СССР // Новая и новейшая история. Москва, 2006. № 6. – С.19. (Kumanev G. War and evacuation in the USSR // New and new history. Moscow, 2006. No. 6. P.19.)
4. Чуриков А.В. Эвакуация и реэвакуация тяжелой промышленности в СССР – системный фактор экономической мобилизации в 1941 – 1945 годах. Мобилизационная модель экономики: исторический опыт России XX века: сборник материалов II всероссийской научной конференции. – Челябинск: 2012. – С. 311. (Churikov A.V. Evacuation and re-evacuation of heavy industry in the USSR - a systemic factor of economic mobilization in 1941-1945. The mobilization model of the economy: the historical experience of Russia in the XX century: collection of materials of the II All-Russian scientific conference. - Chelyabinsk: 2012. -- p. 311.)
5. Вторая Мировая война. Краткая история. – Москва: Наука, 1985. – С. 127. (5. Second World War. Short story. - M. : Nauka, 1985. -- P. 127.)
6. O‘zR MA. 91-fond, 8-ro‘yxat, 310-yig‘ma jild, 24-varaq. (NA RU. Fund 91, List 8, Volume 310, pp.)
7. O‘zbekistonning yangi tarixi. 2-kitob. O‘zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida. B. 440. (New history of Uzbekistan. Book 2. Uzbekistan in Soviet times. -P. 440.)

8. O‘zR MA. 387-fond, 32-ro‘yxat, 3260-yig‘ma jild, 171-varaq. (NA RUz. Fund 387, List 32, Volume 3260, Page 171.)
9. Экономическая жизнь СССР (хроника событий и фактов). Книга первая. – Москва: Советская энциклопедия, 1984. – С. 337. (Economic life of the USSR (chronicle of events and facts). Book one. - M. : Soviet encyclopedia, 1984. -- p. 337.)
10. Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т.1. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 114. (Uzbek SSR during the Great Patriotic War. Vol. 1. - Tashkent: Fan, 1981. -- p. 114.)
11. Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т.1. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 115. (Uzbek SSR during the Great Patriotic War. Vol. 1. - Tashkent: Fan, 1981. -- p. 115.)
12. O‘zR MA. 837-fond, 32-ro‘yxat, 2784-yig‘ma jild, 287-varaq. (NA RUz. Fund 837, list 32, collection 2784, p. 287.)
13. Вклад трудящихся Узбекистана в победу Великой Отечественной войны. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 61. (The contribution of the working people of Uzbekistan to the victory of the Great Patriotic War. - Tashkent: Fan, 1975. -- P. 61.)
14. Зинич М. Трудовой подвиг рабочего класса в 1941 – 1945 гг. (по материалам отраслей машиностроения). – Москва: Наука, 1984. – С. 42. (Zinich M. Labor feat of the working class in 1941-1945. (based on materials from the mechanical engineering department). - M. : Nauka, 1984. -- p. 42.)
15. Директивы КПСС и Советского правительства по хозяйственным вопросам. Т. 2. – Москва: Наука, 1970. – С. 58. (Directives of the CPSU and the Soviet government on economic issues. T. 2. - M. : Nauka, 1970. - p. 58.)
16. O‘zR MA. 837-fond, 32-ro‘yxat, 2787-yig‘ma jild, 108-varaq. (NA RUz. Fund 837, list 32, collection 2787, p. 108.)
17. Hakimov G. O‘zbekistonga urush vaqtida ko‘chirib keltirilgan korxonalarni tiklash va ishga tushirish tarixidan // Fashizm ustidan qozonilgan g‘alabada O’zbekistonning tarixiy hissasi (Ilmiy-nazariy konferensiya materiallari). – Toshkent: Fan, 1995. – P. 205. (Khakimov G. From the history of restoration and operation of enterprises relocated to Uzbekistan during the war // Historical contribution of Uzbekistan to the victory over fascism (Materials of the scientific-theoretical conference). - Tashkent: Fan, 1995. -- P. 205.)
18. O‘zR MA. 837-fond, 32-ro‘yxat, 2787-yig‘ma jild, 213-varaq. (NA RUz. Fund 837, list 32, collection 2787, p. 213.)
19. Куманев Г. Говорят сталинские наркомы. – Смоленск: Русич, 2005. – С. 33. (Kumanev G. Let's talk about Stalin's drugs. - Smolensk: Rusich, 2005. -- p. 33.)
20. Куманев Г. Война и эвакуация в СССР // Новая и новейшая история. Москва, 2006. № 6. С.20. (Kumanev G. War and evacuation in the USSR // New and new history. Moscow, 2006. No. 6. P.20.)
21. История Второй мировой войны (1939 – 1945 гг.). Т.6. – Москва: Воениздат, 1965. С. 75-76. (History of the Second World War (1939-1945). T.6. - Moscow: Military Publishing, 1965. – P. 75-76.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Сайёра Турғуновна Мирсоатова,
тарих фанлари номзоди
Фарғона давлат университети

ҚОПЧИҒОЙ УСТАХОНАСИ МУСТЬЕ ДАВРИ КОМПЛЕКСИНИНГ МАДАНИЙ-ДАВРИЙ ХОСЛИГИ ҲАҚИДА

For citation: Sayyora T. Mirsoatova, ABOUT THE CULTURAL AND PERIODIC CHARACTERISTICS OF THE MOUSTERIAN PERIOD COMPLEX OF THE KOPCHIGOY WORKSHOP. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.292-297

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-37

АННОТАЦИЯ

Фарғона водийси Ўрта Осиёнинг тош даври чақмоқтош устахоналарини ўрганишда муҳим ўрин тутади. 20-асрнинг 60-70-йилларида Олтой тоғ тизмасининг Данғидарё дараси ичидан палеолит даври устахонаси – Қапчиғай топилган ва ўрганилган. Бу йерда, чақмоқтош чиқаётган жойларда очиқ усулда хомашё қазиб олиниб, тош қуроллар ясалган. Қапчиғай етагида ўрта ва сўнгги палеолит даврига оид кўплаб тош буюмлар йиғилган. Ушбу мақола Капчигай силикасини қайта ишлаш сехининг маданий мансублигини аниқлашга бағишланган. Ишда олинган хулосалар замонавий тадқиқот усуллари ва инновацион ёндашувлар ёрдамида амалга оширилди.

Калит сўзлар: тошга ишлов бериш устахоналари, Қапчиғай, мустерий, сўнгги палеолит, технокомплекслар, маданий-хронологик талқин, ўзаклар, тош қуроллар.

Сайёра Тургуновна Мирсоатова,
кандидат исторических наук
Ферганского государственного университета

О КУЛЬТУРНО-ХРОНОЛОГИЧЕСКИЙ ПРИНАДЛЕЖНОСТИ МУСТЬЕРСКОГО КОМПЛЕКСА КАПЧИГАЙСКОЙ МАСТЕРСКОЙ

АННОТАЦИЯ

Ферганская долина занимает важное место в изучении кремнеобрабатывающих мастерских каменного века Средней Азии. В 60-70-годы XX столетия внутри Дангидарьинского ущелья Алтайского горного хребта была найдена и изучена палеолитическая мастерская - Капчигай. Здесь у выходов кремня добыча сырья осуществлялись открытым способом и изготовлялись каменные орудия. В подножьях Капчигая была собрана многочисленные каменные изделия эпохи среднего и позднего палеолита. Данная статья посвящается к определению культурной принадлежности Капчигайскойкремнеобрабатывающей мастерской. Заключения, полученные в работе,

осуществлялись с использованием современных методик исследования и инновационных подходов.

Ключевые слова: камнеобрабатывающие мастерские, Капчигай, мустье, поздний палеолит, технокомплексы, культурно-хронологическая интерпретация, нуклеусы, каменные орудия.

Sayyora T. Mirsoatova,
Associate Professor of Department of History
of Uzbekistan of the Fergana State University,
candidate of historical sciences

ABOUT THE CULTURAL AND PERIODIC CHARACTERISTICS OF THE MOUSTERIAN PERIOD COMPLEX OF THE KOPCHIGOY WORKSHOP

ABSTRACT

The Ferghana Valley occupies an important place in the study of Stone Age workshops in Central Asia. In the 60-70th of the last century, a Paleolithic Kopchigay was discovered and studied in the depths of Dangidara, which belongs to the Olay range. Raw materials were extracted from the silica deposits here in an open way and stone weapons were made. Many Mousterian and stone products of the Late Paleolithic period were collected from the foothills of Kopchigay. This article will focus on the cultural identity of the stone-cutting workshops of the Kopchigay workshop. The conclusions were made using modern methods and a new approach to writing the article.

Index Terms: Flint-working workshops, Kopchigay, Mousterian, Late Paleolithic, technocomplexes, cultural epoch, interpretation, cores, stone weapons.

---

1. Долзарблиги:

Ўрта Осиё ҳудуди тош даври устахоналарини ўрганишда Фарғона водийси ўз ўрнига эга минтақалар сарасига киради. Ўрта Осиёда тошга ишлов бериш устахоналарини ўрганиш ишлари 1956 йилда П.Т. Конопля томонидан Фарғона шаҳридан 40 км жануброқда жойлашган Данғидарадаги Қапчиғой устахонасининг очилиши билан бошланган. [3: С. 3] 1958-1959 йилларда ёдгорлик ЎзР ФА Тарих ва Археология Институтининг А. П. Окладников бошчилигидаги гуруҳи томонидан ўрганилган [6: С. 5-11].

Маълум бўлишича, бу ердаги Қопчиғой тепалигининг ғарбий ва жанубий этакларида кўплаб кремний бўлаклари орасида кўп сонли тош буюмлар сочилиб ётарди. Бу ердаги кремний конларидан очиқ усул ёрдамида хом-ашё синдириб олинган ва тош қуроллар ясалган. Қопчиғой этакларидан кўплаб мустье ва сўнгги палеолит даврига оид тош буюмлар йиғиб олинди. А.П. Окладниковнинг таъкидлашича, “мустье даври учун ушбу ёдгорлик бутун МДҲ ҳудудларида ибтидоий одамларнинг ишлаб чиқариш фаолияти маҳсули бўлган ягона манба ҳисобланади” [7: С. 55] Ушбу устахона таснифга кщра том маънодаги устахоналар туркумига киради. [12:P.1474]

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

1964 йилда юқорида тилга олинган гуруҳ Фарғона водийсида археологик тадқиқот ишларини давом эттирди. Асосий вазифа Қопчиғой устахонасини янада синчиклаб ўрганиш ва бошқа янги ёдгорликларни қидириб топишдан иборат эди. Натижада, Қопчиғой устахонасининг шимолий этакларида қора рангли кремний конлари борлиги ва бу ерда палеолит даври одамларининг хом-ашёни бирламчи ишлов бериш орқали қўлга киритган устахона бўлганлиги аниқланди. Ундан бироз юқорида, Холкомайн сойи бўйлаб бир нечта ғорлар топилди ва ушбу ғорлардан бирида (Қопчиғой 1 ғори) мустье даври маданияти қолдиқлари аниқланди. Мустье даврига оид топилмажойлар Фарғона шаҳри атрофидаги адирликларда ва Сўх дарёси бўйларидан ҳам топилди [2: С. 28-35].

Маълумки, технокомплексларнинг маданий-даврий талқини кўп жиҳатдан улардаги алоҳида олинган тош буюмларнинг тўғри тасниф қилинишига боғлиқдир. Ўтган асрдаги

техник-типологик услубларнинг эскирганлиги ва палеолит даври индустриялари моҳиятини тўлиқ очиб бера олмаслиги сабабли, Қопчиғой устахонаси тош буюмларини таснифлашда қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Ушбу мақола 1958-1959 ва 1964 йилларда Қопчиғой устахонасидан йиғиб олинган ва М.Р. Қосимов томонидан "Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии" [2: С. 26] номли монографиясида батафсил тадқиқ қилинган мустье даврига оид комплекснинг маданий-даврий хослиги масалалари палеолитшуносликнинг замонавий услублари нуқтаи-назаридан янгича талқинига бағишланган. Натижада, ушбу комплекснинг маданий-даврий талқини борасида янгича қарашлар илгари сурилади.

Қопчиғой устахонаси Чотқол тизмалари этакларидаги Ангрен устахоналаридан 250-300 км жанубий-шарқда ва Қоратов устахоналаридан 600-800 км шарқроқда жойлашган.

Табиий-географик шароитларига кўра, Қопчиғой устахонаси жойлашган Фарғона водийси деярли барча томондан, шимолий-ғарбда Чотқол, Қурама, шимолий-шарқда Фарғона ва жанубда эса Олой ҳамда Туркистон тоғ тизмалари билан ўралган ёпиқ тоғли ботиқда жойлашган. Бу ерда фақат биргина тор йўлак ғарбда ботиқнинг тоғли занжирини узиб, шу ердан Сирдарё дарёси Фарғона водийсидан оқиб чиқади ва Ялангчўл (Голодностеп) кенгликларига қараб йўналади [4: С. 4-39] Фарғона водийсининг ландшафтида ғарбдан шарққа қараб чўзилган Олой тизмаси водийни ўраб турган энг йирик тоғ тизмаси ҳисобланади. Унинг улкан музлик ва қорлари Сўх ва Шоҳимардон тоғлари водийсининг муҳим ерларини сув билан таъминлайди. Водийга оқиб кирадиган дарёлар ҳар иккала соҳилларида чуқур каньонларга ўхшаш тизмаларни ҳосил қилади. Бу ердаги чуқур ва тармоқли дараларда карстли ва очиқ ғорлар ҳамда харсанг айвонлар учрайди. Улар дарахтзорлар, бутазорлар ва мевали дарахтлар билан қопланган.

Олой тоғларининг шимолий этакларида жойлашган Данғи ана шундай даралардан бири ҳисобланади. Бу дарадан Холкомайн дарёси оқиб ўтади. Данғи дараси бир неча ўнлаб чақирим масофага чўзилган ва у водийга чиқиш жойида анча кенгаяди. Дарадаги йўл бўйлаб юқорига кўтарилиш жуда қулай бўлган. Ундан шимолроқда тоғлар билан ўралган водий бошланади. Тоғнинг энг тепасида қора рангли кремнийларнинг конлари ёки қоялари мавжуд. Ушбу монолитлар ёрилиб плиткасимон майда бўлакларга парчаланиб кетган. Бу кремний қояларнинг пайдо бўлиши, тошкўмир даврига тўғри келади ва улар табиий таъсирлар туфайли ўзгаришларга учраган [2: С. 259-260]. Кремний олиш ва унга ишлов бериш учун энг қулай жой - Қопчиғой тоғи чўққисига яқин жойдаги текис майдон ҳисобланган. Бундай текис жойлар унинг тоғ ён бағирларида ҳам учрайди. Айнан, ана шундай жойларда палеолит даври одамлари кремнийни очиқ усул билан қўлга киритганлар ва унга ишлов берганлар.

Таъкидлаш жоизки, Қопчиғой тоғининг жануби ғарбий ён бағрида булоқ бўлиб, у афтидан, қадимда ҳам ҳукм сурган ва қопчиғойлик усталарни сув билан таъминлаган.

3. Тадқиқот натижалари:

Қопчиғойнинг мустье даврига оид тош буюмлар тўплами 2310 тани ташкил қилади. Улар бу ердаги сўнгги палеолит даври комплексидан ўзининг сақланиш даражасига кўра фарқ қилади. Қуйидаги жадвалда М.Р. Қосимовнинг илмий ишларидан фойдаланилган ҳолда ушбу комплекснинг тип-варақаси келтирилган:

Жадвал №1.

Қопчиғой устахонасининг мустье даври комплекси тош буюмлари

№	Буюмларнинг номи	Сони	%
1.	**Нуклеуслар:**	323 та	14 %
А.	Гардишсимон нуклеуслар ва уларнинг тановорлари	102 та	31,6 %
Б.	Тўртбурчаксимон неуклеуслар	36 та	11,1 %
В.	Тухумсимон шаклли нуклеуслар	11 та	3,4 %
Г.	Қўпол призматик нуклеуслар	174 та	53,9 %
Д.	Нуклеуссимон бўлаклар	95 та	4,11 %
Е.	Нуклеусларнинг зарб майдонларидан синдириб олинган йўнилғилар	2 та	0,09 %
	Тош қуроллар:	375 та	16,23 %

2.	Митти қўл чўқморлари	4 та	1 %
3.	Қўпол чопқувчи қуроллар	15 та	4 %
4.	Пайконлар ва уларнинг тановорлари	44 та	11,74 %
5.	Қирғичлар ва уларнинг тановорлари	53 та	14,2 %
6.	Тош бигизлар	3 та	0,8 %
7.	Кесгичлар	8 та	2,13 %
8.	Ретушланган пластиналар	90 та	24 %
9.	Ретушланган учириндилар	158 та	42,13 %
10.	Ушатғичлар	2 та	0,09 %
11.	Ретушланмаган пластиналар	84 та	3,63 %
12.	Ретушланмаган учириндилар	1243 та	53,8 %
13.	Тош парчалар	41 та	1,77 %
14.	Тош синиқлари	145 та	6,28 %
Жами:		2310 та	100 %

Жадвалда келтирилган тош буюмларни қуйидаги техник элементларга ажратиш мумкин:

Мустье леваллуа: 149 та учириндилар олишга мўлжалланган тошбақасимон леваллуа нуклеус (уларга тухумсимон, тўртбурчак ўзаклар ва уларнинг тановорлари киритилди, негаки, фикримизча ушбу типлардаги тайёр нуклеусларнинг барчаси леваллуа типидадир). Бу нуклеуслар тўпламдаги барча ўзакларнинг 46,13 % ни ташкил қилади.

Сўнгги мустье: ушбу гуруҳга 174 та (барча нуклеусларнинг 53,86 % ни ташкил қилади) қўпол призматик ўзаклар киритилди.

Тишсимон мустье: бу ҳақда тўпламдаги ретушланган буюмларнинг барчаси тўлиқ типологик таҳлил қилинганидан сўнггина аниқ фикр айтиш мумкин. Аммо, тадиқотчилар томонидан Қопчиғойдаги ретушли буюмларнинг фақат айримларигина типологик жиҳатдан ўрганилган ва тўлиқ статистика қилинмаган. Шу сабабли, фақат айрим классификация қилинган предметларга ва чизмаларга кўра, баъзи хулосаларни айтиш мумкин, холос. Муаллифларнинг нашр қилинган асарларидаги маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, Қопчиғойнинг мустье даври комплексиясидаги ретушланган буюмлар орасида тишсимон типидагилар кўпчиликни ташкил қилади [2: Табл. I-VIII. С. 133-140]. Шунингдек, ёдгорликнинг мустье даври тўпламида ординар, юпқалаштирувчи, ўткирлаштирувчи, ўтмаслаштирувчи ҳамда микроретушлар ҳам учрайди. Аммо, чизмаларга кўра, бу ерда тишсимон ретуш катта ўринни эгаллайди.

Сўнгги палеолит: юқорида таъкидлаганимиздек, тўплам нуклеусларининг катта қисмини қўпол призматик ўзаклар эгаллайди. Аммо, расмларда келтирилишича, тўпламда такомиллашган призматик нуклеуслардан чақмоқлаб олинган тўғри елкали пичоқсимон пластиналар ҳам кўзга ташланади [2: Табл. I-VIII. С. 133-140]. Тўпламда мустьенинг охири ҳамда сўнгги палеолит даврининг бошлари учун хос бўлган бир қатор элементлар ҳам учрайди. Улар қаторига тўпламдаги оддий, бурчакли ва ретушланган учириндиларнинг қирраларида шакллантирилган кесгич қуроллар серияларини [2: С. 133-140], қирраларидан бири ўтмаслаштирувчи, иккинчиси эса ўткирлаштирувчи микроретушлар ёрдамида ишлов берилган пичоқ-пластиналарни ва айрим пичоқсимон ва тўғри елкали пластиналарни киритиш мумкин.

М.Р.Қосимов таъкидлаганидек, Қопчиғойнинг мустьега оид тўпламида тошларни чақмоқлаш техникасидаги архаик элементларнинг сўнгги палеолитга хос прогрессив элементлари билан ҳамоҳангдир. Бироқ, уларнинг сақланиш даражаси, яъни ташқи патинаси бу буюмларнинг синхронлигини кўрсатади. Буни ўз вақтида А.П. Окладников ва М.Р. Қосимовлар ҳам таъкидлаб ўтишган [6: С. 5-11]. Аммо, ушбу тўпламни мутахассислар фақатгина мустье даврига оидлигини айтганлар, холос. Бироқ, у мустьенинг қайси босқичига тегишлилиги эътироф этилмаган. Қопчиғойнинг асосий тадқиқотчиси бўлган М.Р. Қосимов ўз асарларида ушбу тўпламни гоҳ мустьенинг бошлари, гоҳ шу даврнинг охирлари билан саналашга мойиллик билдирган. Унинг таъкидлашича : “тўпламдаги йўнилғиларнинг архаик кўринишга эгалиги бир томондан ашель даври анъаналари сақланиб қолганлигини кўрсатса

(яъни тўпламни илк мустье даври билан саналашга ундаса), тўпламдаги прогрессив элементларнинг мавжудлиги уни мустьенинг охирлари билан саналаш мумкинлигини кўрсатади [6: С. 5-11]. Шу жойнинг ўзида М.Р. Қосимов тўпламдаги архаик элементлар бу ердаги тошларни чақмоқлашга тайёрлаш, уларни текислаш ва қулай ҳолатга келтириб олиш учун амалга оширилган буюмларга хос бўлиб, белгиловчи аҳамиятга эга бўлмаслиги ҳам мумкин, деган. Аммо, муаллиф ишонч билан Қопчиғойнинг мустье даври комплексини унинг финал босқичига оид деб айта олмаган.

Маълумки, ибтидоий усталар устахоналарга, яъни сифатли хом-ашё конларига келишиб, ўзлари учун зарур бўлган тош бўлакларини синдириб олиб кетиш мақсадида ташриф буюрганлар. Демак, ибтидоий жамоадаги маълум бир гуруҳнинг маълум бир вақтдаги ҳаёти ушбу устахоналарда меҳнат қилиш билан кечган. Бу жойларга ибтидоий усталар кунлик ёки қисқа муддатга мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлари билан олиб келганлар. Ана шу ўртача истеъмол талабларини қондириш мақсадида тошларга иккиламчи ишлов беришиб, кам сонли қуролларни ҳам ясаганлар. Баъзан улар қўлга киритилган тайёр ёки ярим тайёр хом-ашёни ўз маконларига ташиб олиб бориш учун кўпчилик бўлиб ҳам ташриф буюришганлар.

Гап шундаки, устахоналарда ибтидоий кундалик ҳаёт учун керакли нарсаларнинг миқдори улар яшаган маконлардагига нисбатан анча паст бўлган. Негаки, тош даврининг моҳир сангтарош усталари баъзан ўзига керакли бўлган ягона тош қуролни ясаш учун бир неча ўнлаб тош бўлакларини чиқитга чиқариб юборганлар. Айнан, ўша кераксиз ёки чиқит учириндиларини ёхуд тош парчаларини синдириб олиш учун ибтидоий усталарга ўз даврининг ёки ўзи тегишли бўлган маданиятнинг такомиллашган техник услубларини кўрсатиши ёки қўллаши талаб қилинмаган ва бунга устанинг вақти ҳам бўлмаган. Шунинг учун тошга ишлов бериш устахоналарида турли босқичда ёки турли даражада ишлов берилган тош буюмларни кўплаб учратиш мумкин. Бир-икки синдириб, ёки устага керак бўлмаган тош бўлагини эҳтиётсиз уриб синдирганлари мутахассисга архаик элементдек кўриниши табиий ҳолдир.

Тошга ишлов бериш устахоналарини замонавий услублар ёрдамида ўрганишда, уларни санасини белгилашда хатога йўл қўймаслик учун бу жойлардан усталар ташлаб кетган чиқитларни эмас, балки баъзи сабабларга кўра (синиб қолган ёки тушиб қолган бўлиши мумкин) прогрессив техник элементларни қидирмоқ лозимдир.

4. Хулосалар:

Қопчиғой устахонаси материалларининг **маданий хослиги** масаласи янада мунозорали ва деярли ишланмаган муаммолардан биридир. Бу ердаги айрим алоҳида олинган материалларни тадқиқотчилар Фарғона водийсидаги Аирибаз, Қалъача, Карамкўл, Сўх [2:С.133-140] ва Қайроққум топилмажойлари (Хўжа Ягона, Хўжа-Ғор ва ҳ.к.) буюмларидан тортиб [8: С. 59], Қоратов устахоналари материалларигача [2: С. 138], Тошкент воҳасидаги Хўжакент [8: С. 59-71], Обирахмат [5: С. 21-27], Чирчиқ ҳавзаси топилмажойларида ҳамда Жанубий Қозоғистондаги илк палеолит даврига оид топилмажойлар ва устахоналарнинг мустье даврига оид комплексларидаги буюмлар билан ҳам қиёслаганлар [1: С.70-75]. Бундан ташқари, Қопчиғойнинг тош буюмлари Қримдан Мўғилистонгача [10: С. 34] ва ҳатто, Яқин ҳамда Ўрта Шарққача [11: Р. 142] бўлган ёдгорликлар материаллари билан аналогия қилинган. Ушбу кенг аналогиялар орасида Қопчиғойнинг мустье комплекси материалларини Тошкент воҳаси ёдгорликлари тош буюмлари билан қиёслаш ҳақиқатга яқинроқдир.

Қопчиғой устахонасининг мустье даври комплексида асосан леваллуа типидаги учириндилар ҳамда қўпол ва баъзан пичоқсимон пластиналар чақмоқлаш амалга оширилган. Устахонанинг чақмоқлаш техникасида нафақат вертикал, балки воситачи орқали чақмоқлаш техникаси ҳам мавжуд бўлган. Тўпламда пайконлар учрамайди. Бироқ, айрим тишсимон ретушли қирғичлар мавжуд. Уларнинг айримлари конвергент дежете типига хосдир. Қопчиғой устахонасининг мустье даври комплексини устозларимиз таъкидлаганларидек, айнан ўрта палеолит даври билан, аммо, шу даврнинг охирлари ёки финал босқичлари билан

саналаш учун асослар етарлидир. Маданий жиҳатдан эса, Қопчиғой индустриясининг мустье даври комплекси Оҳангарон водийсидаги ёдгорликлар, хусусан, Жарсой топилмажойи билан бир хил бўлиши мумкин.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Alpysbaev Kh.A. Lower Paleolithic locality in Maly Karatau \\ Bulletin of the Academy of Sciences of the Kazakh SSR. 1959. Issue. 2.
2. Kasymov M.R. Flint-working workshops and mines of the Stone Age in Central Asia. Publishing house "FAN", Tashkent. 1972.
3. Hemp P.T. Traces of people of the ancient stone age in South Fergana \\ Fergana truth. March 23, 1958
4. Litvinsky BA, Okladnikov AP, Ranov VA Antiquities of the Kairakkum. Dushanbe. 1962.S. 4-39.
5. Nasreddinov Kh.R. Grotto Obirakhmat \\ YMKU, vol. 5. Tashkent. Publishing house "FAN". 1964.
6. Okladnikov A.P., Kasymov M.R., Konoplya P.T. Kapchigai Paleolithic workshop \\ YMKU, vol. 5. Tashkent. Publishing house of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. 1964.
7. Okladnikov A.P. Works of the Paleolithic detachment in 1958 \\ Preliminary report, IAN UzSSR, SON, Tashkent. 1958. No. 4.
8. Okladnikov A.P. Study of the monuments of the Stone Age in Tajikistan. \\ MIA, 66.M.-L. : 1968.
9. Okladnikov A.P. Khodjikent cave - a new Mousterian monument in Uzbekistan \\ KSIA, No. 82, Moscow: 1961.
10. Okladnikov A.P. Paleolithic Mongolia. \\ Report at an extended meeting of the Paleolithic sector of the LOIA of the USSR Academy of Sciences. February 22-28, 1965 Garrod D. The paleolithic of southern Kurdistan. Bull. Of the American school of prehistorie research, 6. 1930.
11. Ergashev O, Baxronov A. New classification of knapping workshops of the central Asoan stone age -Jurnal of critical Reviews ISSN- 2394-5125. VOL 7, ISSUE 7, 2020. P.1473-1476
12. Yuldashev S.B. Early arab invasions of Fergana // «Евразийский Союз Ученых» научный журнал. – Москва, – 2020. – № 8 (77/4). – P. 31–35.
13. Isamiddinov M. The history of emergence of Sughd Cities // EPRA International Journal of Research and Development. Volume:5, Issue:10, October 2020 India. – P. 125–128.
14. Mirsoatova S.T. New data on the late paleolithic of the Fergana valley // Евразийский союз ученых (2020. – № 10 (79/4). – P. 25–29.
15. Farmanova G.K. The role of the geographic environment and climatic conditions in the formation of economic-cultural type of population when during ancient and antic period // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10, Issue 11, November 2020. – P. 1612–1622. Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01639.0.
16. Rakhmatillayev H. Ethnodynamics of the city population of the Fergana valley of the first half of the XX century // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:5, May 2020. – P. 532–535.
17. Arslonzoda R. Memoirs as asourse on the history of Uzbekistan in the second half of the 19th – early 20th centuries // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:10, October 2020. – P. 119–124.
18. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance. ERPA International Journal of Research and Development. 2020; Vol. 5 (7). – P. 104–108. DOI: https://doi.org/10.36713/epra4787

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Ғайрат Абдулхакимович Мамаражабов,
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси
Email: Turon-1980@mail.ru

ЎЗБЕК ҲУНАРМАНДЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ КИЙИМЛАРНИ ЯРАТИШДАГИ ФАОЛИЯТИ

For citation: G'ayrat A. Mamarajabov, ACTIVITIES OF UZBEK ARTISTS IN CREATING NATIONAL CLOTHES. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.298-303

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-38

АННОТАЦИЯ

Сурхон воҳаси ҳунармандлари томонидан пахтадан турли хилдаги матолар тўқиган. Чорвачилик билан шуғулланган дўрмон, юз, қўнғирот ва шу каби уруғлар аҳолиси кўпроқ жундан мато тўқиганлар. Кийим ўзбек халқининг аньанавий кийимлари ва тақинчоқлари моддий маданиятнинг муштарак бир қисмини ташкил этиб, халқимизнинг миллий хусусиятлари, урф-одатлари ҳамда эстетик дидини намоён этган. Бошқа халқлар кийимлари сингари ўзбекларнинг анъанавий кийимлари узоқ тарихий жараёнлар давомида ўзига хос хусусиятда шаклланиб, ривожланиб келган. Ушбу мақолада ўзбек ҳунармандларининг миллий кийимларни яратишдаги фаолияти ҳақида маълумотлар берилади.

Калит сўзлар: ҳунарманд, миллий кийимлар, олача, бўз, хонатлас, банорас, шойи, беқасам, адрас, сўси, чопон, желак, чакмон, кебанак, пўстин.

Гайрат А.Мамараджабов,
Старший преподаватель кафедры
Всемирной истории
Термезского государственного университета

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ УЗБЕКСКИХ РЕМЕСЛЕННИКОВ В СОЗДАНИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ОДЕЖДЫ

АННОТАЦИЯ

Ремесленники Сурханского оазиса ткали из хлопка различные материи. Населения из племени дурман, джуз, кунград и другие, занимаясь скотоводством, больше ткали материи из шерсти. Традиционная одежда и украшения узбекского народа - это и общая часть материальной культуры, отражающая национальные особенности, обычаи и эстетический вкус нашего народа. Как и одежды других национальностей, традиционные узбекские одежды формировались и развивались в течение длительного исторического процесса. В данной статье представлена информация о деятельности узбекских мастеров по созданию национальной одежды.

Ключевые слова: ремесленник, национальные одежды, алача, бязь, ханатлас, банорас, шелк, бекасам, адрас, суси, чапан, джелак, чакмон, кебанак, тулуп.

G'ayrat A. Mamarajabov,
Senior Lecturer, Department of World History,
Termez State University

ACTIVITIES OF UZBEK ARTISTS IN CREATING NATIONAL CLOTHES

ABSTRACT

Craftsmen of the Surkhan oasis wove various fabrics from cotton. The populations of the durman, juz, kungrad and other tribes, engaged in cattle breeding, more often weaved wool. Traditional clothes and jewelry of the Uzbek people are also a common part of material culture, reflecting national characteristics, customs and aesthetic taste of our people. Like the clothes of other nationalities, traditional Uzbek clothes were formed and developed over a long historical process. This article provides information on the activities of Uzbek masters to create national clothing.

Index Terms: artisan, national clothes, alacha, byaz, khanatlas, banoras, silk, bekasam, adras, susi, chapan, jelak, chakmon, kebanak, sheepskin coat.

1. Долзарблиги.

Сурхон воҳаси ҳунармандлари қадим замонлардан бошлаб табиий муҳит ва яшаш шароитидан келиб чиққан ҳолда кийим-кечак тайёрлаганлар. Шу боис тоғ қишлоқлари билан воҳа ва чўлда яшовчи аҳолининг кийим-кечаклари ўртасида фарқ бўлган. Жумладан, Шеробод ва Бойсуннинг тоғли минтақаларида яшовчи хўжалар қора тўн кийганлар, бу эса уларнинг жамиятдаги мавқеини ифодалаган. Ёш болалар, эркаклар, қизлар ва қарияларнинг кийимлари ҳам табиий муҳит ва ижтимоий мавқеига қараб тусланган. Шу билан бирга, XX аср ўрталаридан бошлаб анъанавий кийимлардаги трансформациялар жараёни асосан аёллар либосларида кузатилади. Сўнгги тадқиқотлар ушбу ҳудуд аҳолисининг кийим-кечакларида бошқа ҳудудларга хос бўлмаган хусусиятларга эга эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса мазкур масаланинг долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу мақола тарихийлик, ҳудудий ёндошув ва қиёсий-таҳлил каби тарихий методлар асосида ўрганилди. Унда илмий манбалар ва дала тадқиқотлари асосида Сурхондарё вилояти ҳунармандларининг миллий кийим-кечаклар тайёрлашдаги фаолияти ҳақида маълумотлар берилади.

Туркий халқларнинг энг қадимги кийим-бошлари ҳақида “Девону луғотит турк” асарида қайд этилган [1]. Бошқа халқлар кийимлари сингари ўзбекларнинг аньанавий кийимлари узоқ тарихий жараёнлар давомида, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда урф-одат, маросим, анъаналар таьсирида даврлар ўтиши давомида ўзига хос хусусиятда шаклланиб, ривожланиб келган. Бу борада элшунос олимлардан Г.П.Васильева, Б.Х. Кармишева [2], О.А. Сухарева [3], Р.Я. Рассудова [4], К.Н.Задихина [5], С.Н.Турсунов, Т.Р.Пардаев [6], И.Умаров [7] ва бошқаларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга. Айтиш жоизки, бу мавзуни ўрганиш тўхтаб қолган эмас ва ҳанузга қадар давом этмоқда.

3. Тадқиқот натижалари:

XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ҳудуди, қолаверса, Сурхон воҳаси ҳунармандлари томонидан кийим-кечаклар учун зарур бўладиган матолар асосан уй шароитида тайёрланган. Ҳудуд аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан кўпроқ машғул бўлганлиги учун матолар пахта ва жундан, баъзи ҳолларда эса ипакдан тайёрланган. XX асрнинг бошларига қадар Денов маркази, Вахшивор, Сангардак, Хонжиза, Сина, Шўрчи, Қарлуқ каби ҳудудларда терига ишлов бериб, бош, устки ва оёқ кийимлар ҳамда шу каби бошқа кийимлар ишлаб чиқариш ўзига хос тарзда ривожланган [8].

Сурхон воҳаси ҳунармандлари томонидан пахтадан турли хилдаги матолар тўқиган. Чорвачилик билан шуғулланган дўрмон, юз, қўнғирот ва шу каби уруғлар аҳолиси кўпроқ жундан мато тўқиганлар.

Умуман, халқона кийимлар учун асос бўлган матоларни тайёрлашда ҳам бадиий услуб аста-секин ўзгариб борди, аммо XX асрнинг 20-йиллари охиридаёқ тўқиш техникасида муайян силжишлар содир бўлган. Чунончи, маҳаллий усталар томонидан ишлаб чиқариладиган матоларга фабрика ипларининг қўшилиши, жумладан, маҳаллий усулда тайёрланадиган алачаларга Россия фабрикаларида тайёрланган ипларни қўшиб тайёрлаш уларнинг юқори сифатли, нафис ва текис матога айланишига олиб келган [9]. Лекин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ишлаб чиқарилган матолар ўзининг анъанавий кўринишини сақлаб қолди. Бу даврда воҳа аҳолиси кийимлари авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадимий матолардан – олача, бўз, хонатлас, қалами, банорас, шойи, беқасам, адрас, сўси ва бошқа матолардан тикилган.

XX аср бошларида расм бўлган ўзига хос чизиқ ўтказиш услуби давом эттирилган ва ривожлантирилган. Аёллар ва болалар учун кийим тикишда ишлатиладиган беқасамнинг оч пушти ранги пайдо бўлган. 30-йилларда нимшойи матоларни ишлаб чиқаришда гулбосма усулда мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган рус фабрикаларида ишлаб чиқарилган арзон ип газламаларнинг кўплаб келтирилиши муносабати билан маҳаллий матолар кескин камайиб кетган [10].

1940 йилларга келиб Республикадаги тўқимачилик комбинатлари ва фабрикаларида чит, сатин, мая, шифон, батист, крепсатин, кашемир каби матолар ишлаб чиқарила бошланган ва бу маҳсулотларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли томонидан кийим-кечаклар ва уй-рўзғор буюмлари учун харид қилинган.

Сурхон воҳаси ҳунармандлари томонидан Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Сариосиё ҳамда Узун туманларида ўзбеклар билан бирга Денов, Сариосиё, Узун туманларидаги Сина, Хонжиза, Хўжаасмин, Чош, Ҳурватан, Киштут, Дебодом, Десурх, Пастикалон, Пуштиварақ, Маланд, Хуфар каби қишлоқларидаги тожикларнинг кийим тикишидаги маросим ва урф-одатлари ҳар хил бўлса-да, лекин кийимларнинг тикилиш услуби деярли бир хил бўлган [11].

Тарихий-этнографик адабиётлардан маълумки, ўзбек миллий кийимларининг тараққий этиб, ўзгариб бориши доимий жараён бўлса-да, лекин кийим-кечаклардаги жиддий бурилишлар XIX аср сўнгги чорагида ва XX асрда юз берган. Айниқса, улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва фан-техника тараққиёти даври ҳисобланган XX асрда ўзбек миллий кийимлари ривожида «инқилобий» ўзгаришлар содир бўлиб, уларнинг конструктив-технологик ва композицион қурилишида янги усуллар, бичимлар пайдо бўлган [12]. Ўзбек халқи анъанавий кийимларининг трансформациясини махсус тадқиқ қилган С. Давлатованинг ёзишича, бу даврда бир томондан, Ўзбекистон ҳудудида содир бўлган турли тарихий жараёнлар, хусусан, ўзбеклар турмуш тарзига рус ва Европа маданиятининг жадал кириб келиши минтақа халқларининг маънавий ҳаётига совет мафкурасининг мажбуран жорий этилиши билан бирга техника тараққиётидаги қатор ўзгаришлар ҳам миллий кийимларнинг тикилиши, бичими, шакли ва кийимлар учун ишлатиладиган мато турлари ҳамда мато тайёрлаш технологиясининг жиддий ўзгаришига олиб келган.

Умуман олганда, воҳа аҳолиси анъанавий миллий кийимларининг эволюцияси ва трансформациясини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, тадқиқот даврида эркакларнинг кийим-бошлари аёлларникига қараганда кўпроқ ўзгаришларга учраган бўлса-да, лекин айнан воҳа эркаклари кийимларида Республикамизнинг бошқа ҳудудларига қараганда миллийлик устун аҳамият касб этган.

Воҳада эркакларнинг енгил кийимларидан бири кўйлак бўлиб, кўйлаклар ўйма ёқа, елка ёқа ҳамда кифтаки деб номланиб, ёқалари қўлда тикилган ҳошиялар ёки жияклар билан безатилган. Бўйи тиззадан пастга туширилган бўлиб, енглари кенг ҳамда узун бўлган [13].

Эркакларнинг кийим тагидан киядиган енгил ич кийимларидан бири яктак кўйлакдир. Яктак кўйлакнинг ёқаси ичидан тўртбурчак шаклда қўшимча мато қўйилиб, олди очиқ

бўлган [14]. Енгил кийимлардан бўлган тик ёқали кўйлак, узун ва кенг енглари, бўйи ҳамда узун олд ёқаси билан фарқ қилган [15].

Воҳа эркаклари киядиган иштон чолбар, пойжома деб аталиб, узун ва кенг бўлиб, липа, оғ (ғиштак) ҳамда пойчадан иборат бўлган. Иштоннинг тикилиш услуби воҳада деярли бир хил бўлган. Хусусан, липасига иштонбоғ ўтказилиб, оғи катта бўлиб, пойча оралиғида осилиб турган. Пойчалари эса тиззадан паст, тўпиғдан баланд ҳолда тикилган. Эркакларнинг иштонлари асосан бўздан тикилган [16].

XX асрнинг 30-40-йилларидан бошлаб эркаклар кийимларида айрим ўзгаришлар содир бўлган бўлиб, эркаклар иштонининг ўрнига шимлар кийиш расм бўла бошлаган. Маҳаллий эркаклар орасидан чиққан партия раҳбарлари, ўқитувчилар орасида қора ва кўк рангдаги мовут ёки жундан икки ёни чиқариб тикилган галифе шимларни почаси тор, қора ёки жигар ранг этик билан бирга кийиш расм бўлган. Ёзда эса енгил китель ва қаттиқ матодан тикилган шим кийилган. Баъзида китель билан пастки қисми қайтарилган узун шим ҳам кийилган. Лекин ўз навбатида шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, янги русумдаги кийимларнинг кириб келиши миллий бичимдаги кийимларни буткул сиқиб чиқара олмаган ва миллий ҳамда замонавий бичимдаги кийим-бошлар ўзаро уйғунликда кийилган. Чунончи, воҳада ҳам Республиканинг бошқа регионларида бўлгани сингари бу даврда эркаклар европача фасондаги костюм-шимларни олди ҳамда ёқаси кашталанган миллий бичимдаги кўйлаклар билан бирга кийган [17].

Умуман олганда, XX асрнинг биринчи ярмига қадар воҳада эркаклар устки кийимини чопон, желак, чакмон, кебанак, пўстин ташкил этган. Воҳада чопон, яъни тўн устидан кийиладиган енгил уст кийимлардан бири желакдир [18]. Воҳанинг айрим ҳудудларида яктак [19] деб аталган.

Желак пахтасиз авра-астар ёки аврадан иборат енгил кийим бўлиб, ёши катта кишилар чопон устидан кийиб юрганлар. У кишига кўрк бахш этиш билан бирга чопонларни тезда кир бўлишдан сақлаган. Шимолий Сурхон воҳасида тадқиқ этилаётган даврда ёз фаслларида чопон кийилмасдан, кўйлак устидан желак кийилган [20].

Сурхон воҳаси ҳунармандлари томонидан қадимий кийими бўлган чакмон [21] қўй ёки туя жунидан хонаки усулда тўқилган матодан тикилган астарсиз, фақат аврадан иборат, чопонга ўхшаган кийимдир. Чакмон кенг ва узун тикилиб, этаклари, ёқаси ва енг учларига чироз жияк тикилган. У чопон устидан кийилиб, белбоғ боғланмаган. Воҳада чакмоннинг тивитли, босма ва қоқма каби турлари бўлган [22]. Чакмон Марказий Осиё халқларининг анъанавий кийимларидандир [23].

4. Хулосалар:

Хулоса қиладиган бўлсак, воҳа аҳолиси анъанавий миллий кийимларининг эволюцияси ва трансформациясини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, тадқиқот даврида эркакларнинг кийим-бошлари аёлларникига қараганда кўпроқ ўзгаришларга учраган бўлса-да, лекин айнан воҳа эркаклари кийимларида Республикамизнинг бошқа худудларига қараганда миллийлик устун аҳамият касб этган. Тарихий-этнографик адабиётлардан маълумки, ўзбек миллий кийимларининг тараққий этиб, ўзгариб бориши доимий жараён бўлса-да, лекин кийим-кечаклардаги жиддий бурилишлар XIX аср сўнгги чорагида ва XX асрда юз берган. Айниқса, улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва фан-техника тараққиёти даври ҳисобланган XX асрда ўзбек миллий кийимлари ривожида «инқилобий» ўзгаришлар содир бўлиб, уларнинг конструктив-технологик ва композицион қурилишида янги усуллар, бичимлар пайдо бўлган.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 1-жилд. –Тошкент, 1960. – Б. 333. (Makhmud Koshgari. Devonian dictionary is Turkish. Volume 1 - Tashkent, 1960. – P. 333).
2. Этнографические очерки узбекского сельского населения. Отв. ред. Г. П. Васильева, Б. Х. Кармышева. – Москва: Наука, 1969. (Ethnographic sketches of the Uzbek rural

population. Resp. ed. G. P. Vasil'eva, B. Kh. Karmysheva. - Moscow: Nauka, 1969.)
3. Сухарева О.А. Древние черты в формах головных уборов народов Средней Азии // ТИЭ. –М.-Л., 1954. Т. XXI. –С. 250-289. (O. A. Sukhareva Ancient features in the forms of headdresses of the peoples of Central Asia // TIE. - M.-L., 1954. T. XXI. -P. 250-289)
4. Рассудова Р.Я. Сравнительная характеристика мужской одежды населения Ферганско-Ташкентского региона (XIX–XX в.) // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. — Москва, 1989. – С.146. (Rassudova R. Ya. Comparative characteristics of men's clothing of the Fergana-Tashkentsk region (XIX – XX centuries). // Traditsionnaya odejda narodov Sredney Azii i Kazaxstana. - Moscow, 1989. – P.146.)
5. Задыхина К.Н., Сазонова М.В. Мужская одежда узбеков Хорезма конца XIX – начала XX в. // Костюм народов Средней Азии. –М., 1979. –С. 151-168. (Zadykhina K.N., Sazonova M.V. Male clothes of Uzbeks of Khorezm of the late 19th - early 20th centuries // Costume of the peoples of Central Asia. –M., 1979. –P. 151-168)
6. Турсунов С., Пардаев Т., Маҳмадиёрова Н. Сурхондарё – этнографик макон. –Тошкент, 2012. (Tursunov S., Pardaev T., Mahmadiyorova N. Surkhandarya is an ethnographic place. – Tashkent, 2012)
7. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). –Тошкент, 2014. (Umarov I., Rakhmonov H., Khudoyberdiev E. Ethnic history and ethnocultural processes in the Surkhan oasis (on the example of the xatak tribe). –Tashkent, 2014)
8. Дала ёзувлари. 2019 – 2020 йиллар. Шўрчи, Олтинсой, Денов, Сариосиё, Узун туманлари. (Field records. 2019 - 2020. Shurchi, Oltinsoy, Denau, Sariosiyo, Uzun districts)
9. Сухарева О.А. Художественные ткани // Рукопись Института искусствознания. Инв. 291.–С.18. (O. A. Sukhareva Artistic fabrics // Manuscript of the Institute of Art History. Inv. 291.– P. 18.)
10. Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. –Б. 115-116. (Davlatova S. Kashkadarya national costumes: tradition and modernity. –Tashkent: Yangi asr avlodi, 2006. –B. 115-116)
11. Дала ёзувлари. 2019 -2020 йиллар. Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Сариосиё, Узун туманлари. (Field records. 2019 - 2020. Kumkurgan, Shurchi, Oltinsoy, Denau, Sariosiyo, Uzun districts)
12. Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. – Б. 113. (Davlatova S. Kashkadarya national costumes: tradition and modernity. – P. 113)
13. Дала ёзувлари. 2020 йил Олтинсой тумани Лўкка, Бодиҳаво, қишлоқлари; 2020 йил. Узун тумани Хўжаасмин, Хавот қишлоқлари. (Field records. 2020 Lokka, Bodihavo, villages of Altynsay district; 2020. Uzun district Khojaasmin, Khavat villages)
14. Дала ёзувлари. 2020 йил Қумқўрғон тумани Жийдали, Жонбош қишлоқлари; 2021 йил. Сариосиё тумани Тоғчиён, Газарак қишлоқлари. (Field records. 2020 Jiydali, Jonbosh villages of Kumkurgan district; 2021. Togiosiyon, Gazarak villages of Sariosiyo district (Field records. 2020 Jiydali, Jonbosh villages of Kumkurgan district; 2021. Togiosiyon, Gazarak villages of Sariosiyo district)
15. Дала ёзувлари. 2019 йил. Шўрчи тумани Ободон, Шалдироқ қишлоқлари; 2020 йил. Узун тумани Чақар, Бешкапа қишлоқлари. (Field records. 2019. Obodon, Shaldirak villages of Shurchi district; 2020. Chakar, Beshkapa villages of Uzun district)
16. Дала ёзувлари. 2020 йил. Денов тумани Даҳана, Дунётепа қишлоқлари; 2021 йил. Қумқўрғон тумани Кал, Хўжамулки қишлоқлари. (Field records. 2020. Dahana, Dunyotepa villages of Denau district; 2021. Kal, Khojamulki villages of Kumkurgan district)
17. Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари... – Б. 125. (Davlatova S. Kashkadarya national clothes. .. - B. 125)
18. Воҳанинг Қумқўрғон тумани Хўжамулки, Оқжар қишлоқларида, Шўрчи тумани Оқтумшуқ, Ободон қишлоқларида, Узун тумани Чақар, Серҳаракат қишлоқларида «желак» деб аталади. Дала ёзувлари. 2019, 2020, 2021 йиллар. (In the villages of

Khojamulki and Akjar of Kumkurgan district of the oasis, in the villages of Oktumshuk and Obodon of Shurchi district, in the villages of Chakar and Serharakat of Uzun district it is called "jelak". Field records. 2019, 2020, 2021.)

19. Воҳанинг Олтинсой тумани Қумпайкал, Қарлуқ қишлоқлари; Денов тумани Сина, Даҳана қишлоқлари; Сариосиё тумани Хуфар, Сўфиён қишлоқларида «яктак» деб аталади. Дала ёзувлари. 2019, 2020, 2021 йиллар. (Qumpaykal, Qarluq villages of Oltinsoy district of the oasis; Sina, Dahana villages of Denau district; In the villages of Khufar and Sufiyon of Sariosiya district it is called "yaktak". Field records. 2019, 2020, 2021)
20. Дала ёзувлари. 2020 йил Олтинсой тумани Ипоқ, Бўлак, Обшир қишлоқлари. (Field records. 2020 Ipoq, Bulak, Obshir villages of Altynsay district)
21. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобурнома. –Тошкент, 1989. –Б. 244, 366. (Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. –Tashkent, 1989. –B. 244, 366)
22. Дала ёзувлари. 2019 йил. Олтинсой тумани Қарлуқ, Зардақўл, Чинор қишлоқлари; 2020 йил. Денов тумани Ўшор, Куёвсу, Ойбарак қишлоқлари. (Field records. 2019. Qarluq, Zardakul, Chinor villages of Altynsay district; 2020. Oshor, Kuyovsu, Oybarak villages of Denau district)
23. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. –Ташкент, 1974. –С. 255-256. (Shaniyazov K.Sh. On the ethnic history of the Uzbek people. –Tashkent, 1974. –S. 255-256.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Салимахон Мадьярова,
Тарих фанлари номзоди, катта ўқитувчи
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
madyarova-75@mail.ru

ТУРКИСТОН ОЛИМЛАРИ ТУРМУШИНИ ЯХШИЛАШ КОМИССИЯСИ

For citation: Salimaxon Madyarova, COMMISSION FOR LIFE IMPROVEMENT OF TURKESTAN SCIENTISTS. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.304-311

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-39

АННОТАЦИЯ

Мақолада социалистик жамиятини барпо этаётган ва совет фанини йщлга қўяётган совет ҳукуматининг илмий соҳадаги мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратгани, бу борада бир қанча чора-тадбирларни амалга оширгани, мазкур тадбирлари доирасида Туркистон ўлкасида ҳам олимлар турмушини яхшилашнинг янги тизимини шакллантириш билан боғлиқ тадбирлари хусусида сўз юритилади.

Тадқиқотда асосий эътибор XX асрнинг 20-йилларида совет ҳукуматининг Туркистон олимларига бўлган муносабати, уларнинг моддий жиҳатдан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар XX асрнинг 20-йилларида фаолият олиб борган Туркистон олимлар турмушини яхшилаш комиссияси фаолияти билан боғлиқ масалаларга қаратилади. Шунингдек, Туркистон олимлари турмушини яхшилаш комиссияси асосан совет илмий муассасаларида фаолият олиб борган (дастлабки йилларда 200-300 атрофида) илмий ходимларга мўлжалланган, комиссия фаолиятининг совет ҳукумати томонидан олиб борилган ижтимоий сиёсатининг ажралмас бир қисми бўлганлиги, марказий ва ўлкада фаолият олиб борган комиссиялар таъминотидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар кўрсатиб ўтилади.

Калит сўзлар: Туркистон, совет ҳокимияти, Халқ маорифи нозирлиги, илмий ходимлар, совет ҳукумати, миллий зиёлилар, миллий комиссия, Давлат илмий кенгаши, Туркистон олимлар турмушини яхшилаш комиссияси, ЎзАкадем(ик)марказ, ижтимоий сиёсат, тоифа, академик паёқ, озиқ-овқат, уй-жой.

Салимахон Мадьярова,
Кандидат исторических наук,
старший преподаватель Национальный университет
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
madyarova-75@mail.ru

ТУРКЕСТАНСКАЯ КОМИССИИ ПО УЛУЧШЕНИЮ БЫТА УЧЕНЫХ

АННОТАЦИЯ

В статье излагается, что советское правительство, строившее социалистическое общество и создававшее советскую науку, уделяло особое внимание решению существующих экономических проблем в научной сфере, в этой связи предпринимало ряд мер, в рамках которых также упоминаются мероприятия, связанные с формированием новой системы улучшения жизни ученых в Туркестане.

Основной акцент в исследовании сделан на отношении советского правительства к ученым Туркестана в 20-е годы XX века, меры связанные с их материальным обеспечением раскрываются на примере деятельности комиссии по улучшению жизни туркестанских ученых. Также указывается, что комиссия предназначалась в основном для научных работников, работающих в советских научных учреждениях (в первые годы около 200-300), что создание комиссии было неотъемлемой частью социальной политики Советского правительства, а также сходства и различия в снабжении комиссий, действовавщих в Центральных и местных регионах.

Ключевые слова: Туркестан, советское государство, Комиссариат Народного Просвещение, научные сотрудники, национальная интеллегенция, национальнқе комиссии, Государственнқй Ученый Совет, Туркестанская комиссия по улучшению быта ученых, Узакадем(ик)центр, социальная политика, категория, академическая пайка, жилище.

Salimaxon Madyarova,
Candidate of Historical Sciences,
Senior Lecturer National University of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
madyarova-75@mail.ru

COMMISSION FOR LIFE IMPROVEMENT OF TURKESTAN SCIENTISTS

ABSTRACT

This article is devoted to that the Soviet government, which was building a socialist society and promoting Soviet science, paid special attention to solving the existing economic problems in the field of science, took a number of measures in this direction, and took measures to improve the lives of scientists in Turkestan.

The main focus of the study is the attitude of the Soviet government to Turkestan scientists in the 1920s, the measures taken to provide them with financial support through the work of the Turkestan Commission for the Improvement of the Lives of Scientists. It is also pointed out that the this commission was mainly intended for researchers working in Soviet scientific institutions (around 200,300 in the early years), that the establishment of the commission was an integral part of the Soviet government's social policy, and similarities and differences in the provision of commissions in the center and the country.

Index Terms: Turkestan, Soviet government, Ministry of Public Education, researchers, Soviet government, national intellectuals, national commission, State Scientific Council, Turkestan Commission for Improving the Lives of Scientists, UzAcademy, social policy, category, academic stake, food, home place.

Кириш. Ўзбекистон тарих фанида шу кунга қадар етарлича ўрганилмаган ёки нотўғри талқин этилган қатор масалаларга шу жумладан совет даври билан боғлиқ масалаларга доир қатор тадқиқотлар яратилди ва яратилмоқда. Ана шундай масалалар қаторида совет ҳокимиятининг ижтимоий соҳада амалга оширган сиёсати ҳам ўрин олган.

Совет ҳокимияти XX асрнинг 20 йилларда илмий соҳада олиб борган сиёсатида совет фанини ривожланишида муҳим ўрин тутган олимлар моддий таъминоти масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Бунинг учун қатор тадбирларни йўлга қўйди. Ана шундай тадбирлардан бири – марказдаги каби Туркистонда ҳам Олимлар турмушини яхшилаш

комиссиясини вужудга келтириш бўлди. Бироқ, XX асрнинг 20-йилларида фаолият юритган Туркистон олимлари турмушини яхшилаш комиссияси фаолияти республика тадқиқотчилари томонидан алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган. Тарихимизнинг ўрганилмаган саҳифаларини тўлдириш, унинг ривожланиш босқичларидаги ютуқ ва камчиликларни, кўрсатиб бериш бугунги кун тарихчилари олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Республикада айнан Туркистон Олимлари турмушини яхшилаш комиссияси фаолияти алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган бўлсада, тадқиқотчилар Е.А. Долгова, О.А Хабибрахманова, Е.В.Шальнев каби россиялик тадқиқотчилар ишларида[2] XX асрнинг 20-йилларида бевосита Туркистон илмий муҳитига таъсир кўрсатган совет ҳукуматининг соҳада илмий соҳада амалга оширилган тадбирлари, жумладан Олимлар турмушини яхшилаш марказий комиссияси (Цекубу), совет ҳокимиятининг пул уй-жой масалалари билан боғлиқ янги маълумотлар ва илмий хулосалар берилган.

Тадқиқот методологияси. Мақоланинг методологик асосини тарихий тадқиқотларнинг базавий тамойиллари, биринчи навбатда илмий ҳолислик ва тарихийлик ташкил этади. Унда янги методологик концепция ва ёндошувлар, мавзуга доир замонавий тадқиқотларнинг ютуқларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Социалистик жамиятини барпо этаётган ва совет фанини йўлга қўяётган совет ҳукумати илмий соҳадаги мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратди ва бу борада бир қанча чора-тадбирларни амалга оширди. Ана шундай тадбирлардан бири 1921 йилнинг 10 ноябрида РСФСР Халқ нозирлари кенгаши томонидан Олимлар турмушини яхшилаш марказий комиссияси – (Цекубу)нинг ташкил этилиши бўлди. 1921 йилнинг 6 декабрида ушбу комиссиянинг олимлар учун бериладиган академик таъминотга доир қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, РСФСР ХКС томонидан тасдиқланган. Ушбу таъминот 3 қисмдан: ҳар бир меҳнатга яроқсиз оила аъзосига учун ярим паёқдан ортиб борувчи академик паёқ, илмий ходимнинг малака даражасига қараб белгиланадиган пул ҳамда кенг истеъмолда бўлган маҳсулотлар бўлиб, бу таъминотни 1922 йил 1 январдан бошлаб бериш кўзда тутилган[3]. Бироқ, Туркистонда фаолият олиб бораётган илмий ходимларнинг турмуш даражаси совет ҳукуматининг марказий шаҳарларидаги илмий ходимларидан анча оғир эди. 20-йиллар бошларида Туркистон Халқ маорифи нозирлиги қошидаги янгидан вужудга келтирилган илмий жамият ва муассасаларнинг моддий ҳолатини умуман қониқарли деб бўлмас эди. Аксарият ҳолларда илмий тадқиқот ва экспедициялар илмий жамиятларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.

1922 йилнинг 10 июнида Россия Фанлар академияси қошидаги Ўлкашунослик Марказий бюроси Петроград бўлими Туркистон Маориф халқ комиссарлиги илмий Кенгашига ёзган мактуби орқали “Ўлкани ўрганиш маҳаллий жамиятларининг Биринчи Умумроссия маҳаллий конференциясида асосий фан арбобларига академик паёқ бериш тўғрисидаги масала кўтарилиб, Марказий комиссия рўйхати бўйича 337 та паёқ чиқарилгани, Москва ва Петроградга ишлашга келган жойлардан олимлар учун ҳам 50 та вақтинчалик академик паёқлар тақдим қилиниши, бироқ, техник қийинчиликлар сабабли бу паёқлар жойларга берилмаганини[4] маълум қилади.

1922 йил 21 июнда эса Марказий комиссиянинг “Маҳаллий Кубулар Низоми тўғрисида”ги 16-сонли қарори қабул қилиниб, тасдиқланган. Мазкур низом тасдиқлангандан сўнг, РСФСР ХКС қошидаги Москвадаги Олимлар турмушини яхшилаш марказий комиссиясининг 1922 йил 24 июль кунги мажлисида Туркистон давлат университетидан марказга вакилининг университет олимларини моддий томондан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги маълумоти тингланган. Мажлис “Туркистондаги илмий ходимларнинг оғир моддий ҳолатини ҳисобга олиб, Цекубунинг заҳира фондидан академик паёқлар чиқариш билан бир ўлчовли” ёрдам бериш ҳамда Марказий комиссиянинг 1922 йил 21 июндаги 16-сонли қарорига мувофиқ, Цекубуда тасдиқланган Маҳаллий Олимлар турмушини

яхшилаш комиссиялари Низоми асосида Туркистон илмий ходимлари учун алоҳида комиссия ташкил этиш таклиф қилинган[5]. Кўп ўтмай, Туркистон Халқ нозирлари кенгаши қарорига мувофиқ вақтинчалик Туркистон олимларини турмушини яхшилаш комиссияси – (Туркубу) ҳам ташкил этилган[6].

1921 йилнинг охирларида Марказий комиссиянинг илмий ходимларни уларнинг малакасига мувофиқ, 5 та тоифаларга ажратилган бўлиб, 1-тоифага илмий стажига эга, ҳеч бўлмаганда битта мустақил илмий ишга эга бўлган ёш олимлар, 2-тоифага олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларнинг илмий ва илмий-ўқув ишларига эга ўқитувчи ва илмий ходимлари, 3-тоифага катта илмий ва педагогик стажга эга бўлган, анчагина илмий ишларига эга, илмий мутахассис тайёрлашга раҳбарлик қила оладиган йирик олимлар, 4-тоифага ўз соҳасида танилган, Россия илмий мактаб ва йўналишларининг йирик вакиллари бўлган олимлар, 5-тоифага эса илмий ишлари жаҳон миқёсида аҳамиятга эга машҳур олимлар киритилган[7].

Марказий комиссия томонидан ишлаб чиқилган ушбу қарорга мувофиқ, вақтинчалик Туркистон комиссияси ҳам ўз рўйхатидаги олимлар учун 0 (ноль)дан бошлаб, ундан юқори тоифаларни белгилаган. 0-тоифага янгидан илмий иш бошлаётганлар киритилган. Туркистон учун энг юқори тоифа 4-тоифа бўлиб, унга Россиядаги йирик ва ташаббускор олимлар, йирик илмий йўналиш ва мактаб вакиллари киритилган[8]. Тоифаларнинг фанлар йўналиши бўйича тақсимлашини қуйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин[9]:

Фанлар		0-тоифа	1-тоифа	2--тоифа	3- тоифа	4- тоифа	Жами	%
Туркубу бўйича:		113	73	40	11	2		
1	Шундан: Аниқ фанлар	27	19	11	3	1	61	25, 5
2	Амалий фанлар	57	39	19	6	йўқ	121	50, 6
3	Ижтимоий фанлар	29	15	10	2	1	57	23, 9

Жадвалдаги кўрсаткичлардан ижтимоий фанлар йўналишидаги олимлар тоифага киритилганлар сони бўйича энг кам фоизни ташкил қилганиини кўриш мумкин.

Туркистон комиссияси раиси Н.Димонинг 1922 йилнинг 15 ноябридан 1923 йилнинг 1 мартигача бўлган давр оралиғидаги фаолияти тўғрисидаги Туркистон ХНКига берган хисоботига кўра, шу кунги фаолиятига қадар комиссия Туркистон республикаси илмий ходимлари топширган 330 та сўровномаси билан танишиб чиққан. Бунга қадар марказий комиссиядан ҳар ойда Туркистон олимлари учун 200 паёқ ажратиб келинган. Бу даврда комиссиянинг озиқ овқат фондида кишмиш, гуруч, ун, тузланган гўшт каби маҳсулотлар мавжуд бўлган. Комиссия фаолиятининг дастлабки 3 ойи давомида илмий ходимларга ёрдам тариқасида жами 2365 п. 27 ф (яъни 2 ½ вагон) озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатган[10].

Комиссиядан рўйхатдан ўтадиган олимлар сони ортиб бориши билан академик таъминотни етишмовчилиги ҳоллари кузатилган. Бундай вазиятларда маҳсулотлар фақат юқори тоифадаги (яъни 1-4 тоифадаги) олимларга берилган. Улардан ортган махсулотни 0 тоифадаги ёш олимлар ўртасида тақсимлашга тўғри келган. Марказий комиссиянинг 1922 йил 23 ноябр кунги қарорида “ҳамма илмий иш биан шуғулланаётганларнинг иқтисодий таъминот (озиқ-овқат ҳам пул билан) билан таъминланишини кенг ёйиш” эътироф этилган. Шунингдек, унда “илмий ходимлар тоифасига ОЎЮларининг илмий иш билан шуғулланаётган, лекин ҳали илмий ишларига эга бўлмаган лаборант ва бошқа ўқитувчилар ҳам киради”, дейилади. Ушбу қарордан сўнг келгусида паёқлар сонини умумий 270 тагача

етказиш лозим, деб ҳисоблади. Шунингдек, Марказий комиссия томонидан илмий ходимларининг оилаларига ҳам кенг ҳажмларда оқ паёқ (1 оилавий оқ паёқ оддий паёқнинг ТАССР олимларининг ½ га тенг) жорий қилгани ва уларнинг сонини 200 та деб қатъий тартибда қайд этилганини ҳисобга олиб, Туркубу ўзининг илмий ходимлар таъминот фондига 540 оилавий оқ паёқни киритиш таклифини беради.

Комиссия олимлар маънавий бирлигини таъминловчи фан, маориф ва санъат ходимлари учун олимлар уйини ташкил қилиш, шунингдек, комиссия республика олимларини даволанишларига ёрдам берувчи санатория ва курорт шаклидаги ёрдам кўрсатиш вазифасини ҳам ортга сурилмайдиган вазифалар қаторига киритган. Бундан ташқари, Туркистон комиссияси Туркистон ХНКга хат юбориб, вақтинчалик комиссия ўрнига доимий комиссия ташкил қилиш, унинг таркибини халқ нозирликлари вакиллари билан кенгайтириш, Олимлар уйини вужудга келтириш, марказдан олимлар учун олинаётган 200 та паёққа қўшимча равишда яна 70 та ойлик тўланадиган академик паёқ ҳамда 270 та уларнинг оила аъзоларига, жами 340 паёқ масаласини Туркистон Халқ нозирлиги кенгашида кўриб чиқиш учун тақдим этади/ ХНК бу таклифлар юзасидан алоҳида резолюция лойиҳаси ишлаб чиққан. Унга кўра, Туркистон давлат ва хўжалик ташкилотларидан биттадан вакил киритиш лозим топилган [11].

1923 йил 31 мартдаги ХКСнинг кичик кенгашида проф. Н. Димо комиссия фаолияти ва унинг келгуси режалари тўғрисидаги маърузасидан сўнг мажлис илмий ходимларнинг фавқулодда оғир ҳолатини қайд этган ҳолда Молия кўмитаси томонидан маблағ топиш вазифаси топшириш тўғрисида қарор қабул қилган[12].

1923 йилдаги Давлат илмий кенгаши томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлардан бирида ҳам молиявий қийинчиликлар мавжудлиги қийинчиликлардан айниқса, миллий комиссиялар қийналаётганликлари айтилиб: “бу жуда оғриқли масаладир, керакли маблағнинг етишмаслиги илмий комиссиялар ишларини ярмини бажаришларига ёки охирига етказмаслигига сабаб бўлмоқдаки, бу Давлат илмий кенгаши ходимлари орасида тушкун кайфиятни келтириб чиқармоқда[13], дейилади.

Давлат илмий кенгаши маблағнинг етишмаслиги айниқса, миллий ва махсус комиссиялар ишига салбий таъсир қилаётгани, ходимлари меҳнатига 40-50% (бу ҳам маълум кечикишлар билан) ҳақ тўланаётганини, бу ҳолатни яхшилаш кераклигини[14] таъкидлаб ўтади.

Туркистон ҳукумати олимларнинг моддий қийинчиликлари борасида бир неча бор марказий комиссияга мурожаат билан чиққан. Мисол учун, 1923 йил апрелида Туркистон ҳукумати ҳисоботларидан бирида шундай дейилади: “Марказий комиссия билан олиб борилган шахсий музокаралар жараёни шуни кўрсатдики, Туркистон комиссиясининг моддий таъминотини (паёқ ва пул бирликлари бўйича) кучайтириш бўйича бир неча бор хабардор қилинишига қарамай, Марказий комиссияда жойлардаги таъминотни кенгайтириш имконияти бўлмаяпти. Бу масала яқин кунларда Марказий комиссия йиғилишига қўйилди. Бироқ, ижобий натижага катта умид йўқ”[15].

Дарҳақиқат, Туркистон ҳукуматининг бу умидсизлиги ўз исботини топди. Марказий комиссиянинг 1923 йил 3 май кунги йиғилишида Туркистон комиссиясининг Туркистон олимларининг оғир моддий ҳолатидан келиб чиқиб, улар учун ажратилаётган паёқлар сонини 540 тагача ошириш, эксперт комиссияси томонидан 135 та илмий ходимни 1 дан 4-гача тоифа бўйича пуллик таъминотга киритиш ҳамда Туркистон илмий ходимлари учун Марказий комиссия санатроияларидан 10 та жой ажратиш тўғрисидаги 3 банддан иборат талабномаси[16] кўриб чиқилган. Бироқ, мажлисда “Марказий комиссиянинг имкониятларини ниҳоятда чекланганлиги” туфайли сўралган 540 паёқ ўрнига уни “250 тагача ошира олиши, Туркистон олимларидан қўшимча пуллик таъминотга киритилишини иложи йўқлиги, санаториялардаги жойлар сони ҳам чегараланганлиги” тўғрисида қарор қабул қилинган. Кўп ўтмай, Марказий комиссия Туркистон комиссияси таркибидаги олимлар учун сўралган мазкур паёқлар сонига 50 та, 1923 йилнинг 16 майидан эса яна 35 та қўшимча паёқ ажратган. Шундай қилиб, 1923 йилнинг ўрталарига келганда Туркубунинг

умумий озиқ-овқат фонди 285 та академик паёқни ташкил қилган[17]. Туркистон Озиқ-овқат Халқ нозирлиги (Туркнаркомпрод)нинг тарқатилиши муносабати билан барча илмий ходимларга бериладиган академик паёқ бериш вақтинча тўхтатилган.

1924 йилнинг 5 февралида ҳам Давлат илмий кенгашининг "Махсус штат комиссияси" йиғилиши ўтказилиб, унинг қарорига мувофиқ, ҳар бир миллий комиссияда (5 та комиссияда) ҳар бирида 1 тадан вакил қолиши кўрсатилган. Музей ходимлари ҳам қисқартирилган. Масалан, Фарғона област музейида 1 та мудир, 1 та илмий ходим, 1 битта хизматчи, жами илмий комиссияларда ҳаммаси бўлиб 12 та ходим қолдирилган холос[18].

Давлат Илмий кенгаши Махсус штат комиссиясининг 1924 йилнинг 11 феврал кунги йиғилишида эса штат ва маблағ лойиҳаси кўриб чиқилган. Давлат илмий кенгаши таркибида фаолият юритувчи ходимлар ойлик маоши уларнинг разрядларига қараб белгиланган. Жумладан, қисқартиришлардан сўнг, 5 та илмий комиссиялар (Педагогика, Ўзбек, Қирғиз, Туркман ва Тожик миллий комиссиялари)ининг ҳар бирида биттадан илмий ходим қолдирилиб, уларнинг ҳар бирига 105.47 р.дан ойлик маош белгиланган. Қадимий ёдгорликлар ва санъатни мухофаза қилиш қўмитаси таркибидаги ҳар бир музейда биттадан мудир, 1 ёки 2 тадан илмий ходим, 2 тадан хизматчи қолдирилган холос. 122 р.дан 21 рублгача бўлган суммани ташкил этган[19].

1924 йилинг 13 май кунги Илмий Кенгаши Академмаркази йиғилишида маҳаллий тиллардаги дарсликларни яратишдаги мавжуд қийинчиликлар жумладан, бу йўналишдаги ишлар учун Давлат нашриёти томонидан миллий комиссиялар ходимларига оз миқдорда қалам ҳаққи (гонорар) белгилангани, бу ҳам тартибсиз йўлга қўйилгани сабабли дарслик муаллифларининг ишлашдан бош тортаётгани ва тайёр қўлёзмаларини комиссияларга топширмаслик ҳоллари учраётгани айтиб ўтилади[20].

Комиссия ташкил этилгандан сўнг, бир неча илмий ходимга илмий иши учун мувофиқ келадиган хонадонлар ажратиш, вафот этган олимлар оиласига нафақа бериш, Туркистон олимлари учун Марказий санаторияларидан ўрин ажратиш, Туркистон Халқ нозирлари кенгаши қарори асосида Туркистон илмий арбобларининг уй-жой ҳуқуқлари ҳақидаги низомни амалиётга тадбиқ қилиш қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларга ҳам киришган. Масалан, комиссия ўз фаолиятининг дастлабки чорагида проф.Молчанов, М. Левитинская, ва ўқитувчилар Е.Коровин, А.Диваевлар учун уларнинг илмий ишига мувофиқ келадиган квартира берилиши тўғрисида, Туркистон Халқ нозирлиги кенгаши қарорига мувофиқ Туркистон илмий арбобларининг уй-жой ҳуқуқлари ҳақидаги низомни амалиётга тадбиқ қилиш қилиш тўғрисида керакли жойларга мурожаат билан чиққан[21].

ЎзССР Академмарказида 1925 йилнинг биринчи чорагида умумий ҳисоб билан 7 та ходим фаолият олиб борган. Шундай 6 таси илмий, 1 таси техник ходимни ташкил қилган[22]. Маориф нозирлиги таркибидаги баъзи милий комиссия раисларини ҳам ҳатто яхшироқ яшаши ва ишлаши учун етарли шароит бўлмаган. Мисол учун Шу йилга оид ҳужжатларида бирида кўрсатилишича, Туркман миллий комиссияси раиси Саҳат Муродов Маориф комиссарлиги ёнидаги Туркистон МИҚ ётоқхонасида яшаган. Шу йилнинг май ойида Тожик илмий комиссияси раиси Нисар Муҳамад шу кунгача уйи йўқлиги, Халқ маорифи комиссарлиги қошида яшаб келаётгани, яшаб турган жойи яшаш ва ишлаш учун умуман яроқсизлиги, бу унинг соғлигида акс этаётгани, шунинг учун Халқ маорифи нозирлиги квартира беришини сўраб нозирликка мурожаат қилган. Шунингдек, Давлат илмий кенгаши йиғилишида маҳаллий илмий ходимлардан Арабоев, Исҳоқов ва Назировларнинг хонадон берилишига оид аризалари ҳам кўриб чиқилган[23].

Ўзакадеммарказ раиси Абдужабборов Халқ маорифи нозирлиги хайъатига илмий ходимларнинг уй-жойи масаласи билан боғлиқ мурожаатида бошқа республикаларда олимлар учун хонагина эмас, бутун бир олимлар уйи борлигини[24] ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади.

1925 йил 22 июлда ЎзССР МИҚнинг мажлисида ЎзССР ХКСнинг "Илмий ходимларнинг турар жой шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори лойиҳаси муҳокама қилиниб, лойиҳани ўзгартиришларсиз нашр этиш

тўғрисида қарор қабул қилинган[25]. Бироқ, олимлар учун ажратиладиган уй-жой муаммоси ҳам 20-йилларда етарлича ҳал этилмади.

Хулоса ва таклифлар. Социалистик жамиятни барпо этиш ҳамда коммунистик ғояларни вужудга келтиришда илм кишиларининг ролини катта эканлигини англаган совет ҳукумати бутун мамлакатда рўй бераётган иқтисодий қийинчиликларга қарамай, олимлар моддий таъминотини яхшилашга қарор қилди. Бу каби вазифаларни бажариш учун нафақат марказда, балки бошқа совет республикаларида ҳам олимлар турмушини яхшилашга хизмат қилувчи комиссияларни вужудга келтирди. Бу тизимни яратиш орқали "эски илмий мактаб" вакилларини ҳам совет ҳокимиятига ҳайрихох бўлишларига ва у билан келишиб ишлаши ҳам инобатга олинган.

Шундай қилиб, Туркистон олимлар турмушини яхшилаш комиссияси 1931 йилга қадар фаолият олиб борди. Комиссия ўзининг қисқа муддатлик фаолияти давомида қатор тадбирларни амалга оширишга муваффақ бўлган бўлсада, Москва ва Ленинград шаҳарларидаги Марказий комиссия сингари ўлкадаги олимларни ўз вақтида ва етарли даражада таъминлай олмади. Комиссияни вужудга келтиришда ва уни фаолиятини йўлга қўйиш совет ҳокимиятининг марказий органларининг андозаларига асосида амалга оширилди. Маҳаллий имкониятлар, Ўлкага тадбиқ қилинган бу тизим жараёнида республикадаги мураккаб иқтисодий қийинчиликлар етарлича инобатга олинмади.

Бизнингча, ўрганилаётган ва ундан кейинги даврда фаолият олиб борган олимлар, шу жумладан ижтимоий фан соҳаси вакилларининг ижтимоий ҳолати билан боғлиқ қизиқарли ва етарлича ўрганилмаган қатор масалалар мавжуд. Мазкур мақолада ушбу масалаларнинг айримлари хусусида сўз юритилди. Мавзу билан боғлиқ масалаларни келгуси тадқиқотларимизда янада кенгроқ ёритиб, уларга аниқлик киритиб борилади.

Иқтибослар / Сноски / References

1. Dolgova E.A. Pover and Cekubu and creative Intellegence in the socio-economic circustances of the 1920 s: pozitions, statues, decorations // Observatory of culture. 2018.№1.15. Pp.119-127; Khabibrakhmanova O.A. Sientific Intellegence of 20-30-s: Change of structure, transformation of identity // Scientific notes of Kazan States University T.152, B.3. S..2. 2010. P.122;-128; Shalnev E.V. Cash security problem of Soviet scientists in 1920-1930 // Izv. Penz. gos. pedagog. univ im. V.G. Belinskogo. 2011. №23. P. 617-62.
2. Khabibrakhmanova O.A. Sientific Intelegence… P.123.
3. National Archive of the Republic Of Uzbekistan, fund R-34, 1- list, case 1180, page 163.
4. National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund R-34, 1-list. case 1586, page 6.
5. National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund R-25. 1-list. case 1028, page 30.
6. Khabibrakhmanova O.A. Sientific Intelegence... page 124.
7. National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund R-25, list 1, case 1028, page 1.
8. Ibid. page 3.
9. Ibid. page 30
10. Ibid. page 1.
11. Ibid. page 37.
12. Ibid. page 49.
13. National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund R-34, list 1, case 2169, page 15.
14. National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund R-34, list 1, case 1594, page 2.
15. National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund R-25, list 1, case 1028 page 42.
16. National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund R-34, list 1, case 2118, page 15.
17. National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund R-25, list 1, case 1028, page 53.
18. National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund R-34, list 1, case 2118, page 15.
19. National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund R-25, list 1, case 1028, page 53.
20. National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund R-34, list 1, case 2118. page 15.
21. National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund R-34, list 1, case 2098, page 14.

22. Ibid. page 14.
23. National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund R-34, list 1, case 2100, page 79.
24. Ibid. page 2.
25. National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund R-34, list 1, case 2630, page 71.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Олтиной Масалиевна Масалиева,
Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
masalieva1971@mail.ru

ЯПОНИЯ ДАВЛАТИДА БУХОРО ХОНЛИГИ ТАРИХИГА ҚИЗИҚИШ

For citation: Oltinoy M. Masalieva, INTEREST IN THE HISTORY OF THE BUKHARA KHANATE IN JAPAN. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.312-315

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-40

АННОТАЦИЯ

Бухоро хонлиги тарихига дунё мамлакатларида ҳар доим қизиқиш билан қараганлар. Японияда давлати ҳам ўтган асрлардаёқ Бухоро хонлиги билан қизиққанлиги сўнгги тадқиқотлардан маълум бўлмоқда. Мазкур мақолада япониялик профессор Хисао Комацунинг мазкур масалага қўшган ҳиссаси алоҳида тилган олинди. Мақолада шунингдек, Бухоро амирлигининг Хитой давлати (Чин сулоласи) билан олиб борган дипломатик ва савдо алоқалари тўғрисида маълумот берувчи япон тадқиқотчиси Тору Сагучининг асари ҳақида қисқача маълумот берилган.

Калит сўзлар: Бухоро хонлиги, Япония, Хисао Комацу, Тору Сагучи, Хитой давлати, Чин сулоласи.

Олтиной Масалиевна Масалиева,
Кандидат исторических наук, доцент
Узбекский государственный университет мировых языков
masalieva1971@mail.ru

ИНТЕРЕС К ИСТОРИИ БУХАРСКОГО ХАНСТВА В ЯПОНИИ

АННОТАЦИЯ

История Бухарского ханства всегда с интересом рассматривалась в странах мира. Недавние исследования показывают, что Бухарское ханство интересовало японское государство и в прошлые века. В этой статье упоминается вклад японского профессора Хисао Комацу в эту проблему. В статье также кратко рассказывается о работе Тору Сагучи, японского исследователя, который предоставляет информацию о дипломатических и торговых отношениях Бухарского эмирата с китайским государством (династия Цин).

Ключевые слова: Бухарское ханство, Япония, Хисао Комацу, Тору Сагучи, Китайское государство, династия Цин.

Oltinoy M. Masalieva
Doctor of philosophy, Associate Professor
Uzbek State University of World Languages
masalieva1971@mail.ru

INTEREST IN THE HISTORY OF THE BUKHARA KHANATE IN JAPAN

ABSTRACT

The history of the Bukhara khanate has always been viewed with interest in the countries of the world. Recent research shows that the Japanese state was also interested in the Bukhara Khanate in the past centuries. In this article, the contribution of the Japanese professor Hisao Komatsu to this issue is mentioned. The article also gives a brief account of the work of Toru Saguchi, a Japanese researcher who provides information on the diplomatic and trade relations of the Bukhara Emirate with the Chinese state (Chinese dynasty).

Index Terms: Bukhara Khanate, Japan, Hisao Komatsu, Toru Saguchi, State of China, Chinese Dynasty.

---

1. Долзарблиги: Хорижда чоп этилган Ўзбекистон тарихи, жумладан Бухоро хонлиги тарихига оид тарихий асарлар, тадқиқотлар ва мақолаларни ўрганиш муҳимдир. Чунки, улар халқимиз тарихи бутун жаҳонда қай тарзда талқин бўлганлиги ҳақида муайян тасаввур беради.

2.Методлар: Мақола умумэътироф этилган тарихий таҳлил, тизимлаштириш, ретроспектив таҳлил каби усуллар асосида баён этилган.

Тадқиқот натижалари: Тадқиқотлардан маълумки, Бухоро хонлиги тарихи Япония давлатида ҳам ўрганилган. Бу ҳақида Токио чет тиллар университети профессори, Ўзбекистон тарихи бўйича мутахассис Хисао Комацу маълумотларидан ҳам билиш мумкин.

Японияниng Санкт-Петербургда фавқулодда муваққат ишлар вакили бўлиб ишлаган, ўша даврда ёш дипломат бўлган Ниши Токужиро (1847–1912) Японияга қайтгач, 1880-йилда тахминан тўрт ой давомида Россия Туркистонида кўп саёҳат қилди. Дипломат ҳатто 1880-йил сентябрида Россия протекторати остидаги Бухоро хонлигига ташриф буюрганида, у амир Музаффарнинг ўзи билан учрашиш имконига эга бўлди. Амирнинг Япония билан савдо қилиш имконияти ҳақидаги саволига ёш Ниши шундай жавоб қайтарди: “Бу жуда қийин. Биз билан Бухоро ўртасидаги масофа жуда узоқ, аммо Япония Форс билан савдо-сотиқни очиб, Форс орқали Туркистонга борадиган карвон йўллари таъминланса, савдо-сотиқни очиш мумкин бўлади”.[1]

Профессор Хисао Комацу япониялик дипломатнинг расмий ҳисоботлари Японияниng Марказий Осиё билан дастлабки алоқалари Японияниng Марказий Осиёдаги сиёсий манфаатларининг дастлабки мисолларидан бири деб ҳисоблайди.

Демак, Бухоро хонлигига қизиқиш ўша даврларнинг ўзидаёқ бошланган.

Профессор Хисао Комацу Тошкентга бир неча марта ташриф буюрганида у билан Бухоро хонлиги тарихига Японияда қандай муносабат билдиришлари ҳақида суҳбатлашган эдим. Профессор ўша даврда ўзи бу масала билан махсус шуғулланмаганлиги ва Японияга қайтса албатта бу ҳақида суриштириши мумкинлигини айтган эди, орадан вақт ўтиб профессор менга бир китоб жўнатдилар, бунинг учун профессордан миннатдорман.

Бу китоб япон тадқиқотчиси Тору Сагучининг “Қўқон хонлигининг шарқий савдоси” номли тадқиқоти бўлиб, XX аср 60 йилларида “Тойо Бунко илмий департаменти эсдаликлари”да эълон қилинган экан [2].

У аслида Тору Сагучининг “XVIII-XIX асрлардаги Шарқий Туркистоннинг ижтимоий тарихи” деб номланган тадқиқотидан олиниб, инглиз тилида чоп этилган эди[3].

Т.Сагучининг “Қўқон хонлигининг шарқий савдоси” тадқиқоти 3 бўлимдан иборат бўлиб, унда асосан Қўқон хонлигининг Хитой билан савдо алоқалари акс эттирилган бўлиб, жумладан Бухоро амирлиги билан Хитой ўртасидаги муносабатлар ҳам тилга олинган [4]

У ўз тадқиқотида Хитой тарихий ҳужжатлари – Хитой сулоласи солномаларидаги маълумотларни А.Бернс маълумотлари билан қиёсан ўрганиб, ўз хулосаларини беради.

Т.Сагучи фойдаланган ҳужжатлардан бири-Қошғардаги Хитой дипломтик корпусининг империал комиссионери (савдо ишларида воситачи) На-уан-ченг (Na-yen-ch-eng) ҳисоботларидир[5]. Мазкур ҳисобот На-уан-ченг муҳаррирлигида 1834 йилда нашр этилган.

На-уан-ченгнинг ҳисоботларида айтилишича; "Бадахшон ва Бухорога тааллуқли қабилалар барчаси Қўқондан ташқарида жойлашган ва улар савдо қилиш учун Қўқон территорияси орқали ўтадилар ва бу қабилалар савдо орқали кун кечирадилар"[6]. Сагучи бу маълумотга изоҳ бериб, қуйидагича ёзади: Бухоро ва Бадахшон ташқарисидаги қабилалар Шарқий Туркистон билан савдо олиб боришда Қўқон орқали ўтардилар[7].

Кейинчалик, инглиз олими С.А.Адшеад "Ўрта Осиё жаҳон тарихида" номли китобида япон олими Т.Сагучининг тадқиқотидан фойдаланиб, қуйидагича ёзади: Умархон (1798-1822) ва Муҳаммад Алихон (1822-1842) ҳукмронликлари даврида Қўқон, Эрон, Ҳиндистон, Хитой ва Россияни боғловчи ҳудуд бўлган эди"[8].

Т.Сагучи бошқа Хитой солномалари - ҳисоботларига асосланиб ёзишича, Бухоро амирлиги Хитойга қарашли Ёркент орқали савдо ва элчилик алоқаларини олиб борганлигини таъкидлаган.

Бухоронинг Шарқий Туркистон билан савдоси 1760 йилда Бадахшон элчиси ўзининг йўлида ватанидан то Пекингача сафар қилган вақтида бошланган бўлиб, элчилар Хитойнинг топшириғига кўра Ҳиндистон ва Бухорога савдо қилиш таклифи билан жўнатилган эди.

Ҳужжатларда айтилишича, бу вакиллар ҳукумат номаси ва совғаларни Бухоро бошлиғига топширишга жўнатилган эди.

Хсию тучих (Hsi-yu tuchih)нинг ҳисоботига кўра: Бухоро (Pu-ha-erh) Бадахшон (Pa-ta-k'o-shan) нинг ғарбида жойлашган. Чин сулоласи забт этилган Шарқий Туркистон (Hui-pi) га 1760 йилда Бухорога ҳадялар билан элчи жўнатди. 1764 йилда Бухоронинг бошлиғи A-pu-le-ko-erh (Абулхайр) Чинга Бадахшоннинг султон шоҳи орқали Наврўзбек (No-lo-ssi pieh-ko) ва Тойирбекларни (Ta-ya-erh pieh-ko) элчилар сифатида жўнатди. Т.Сагучи : "албатта, 1816 йилда Бухоронинг хирож топширганлиги тўғрисидаги биринчи расмий хабарни қайд этишимиз лозим"-деб ёзади, ҳамда Хсиу- кун (Hsiu-kun) нинг 1821 йилдаги ҳисоботини келтиради: "Саид амир Ҳайдар (Se-i-te e-mi-erh-ai-ta-erh), Бухоронинг беги (амири - М.О.) Қашғарнинг беги Ҳакимга мактуб жўнатиб, унда бундан аввалроқ 1816 йилда Бухоронинг беги қашғардаги Хитой ҳукуматига ўлпон (хирож) жўнатганлиги, аммо ҳалигача Хитой императори аъло ҳазратларидан расмий ҳукумат мактуби ёки совғалар қабул қилингалиги ҳақидаги хабарни олмадик".

Т.Сагучи мазкур хабарга изоҳ бериб қуйидагича ёзади: " Бухоро беги Сайид Амир Ҳайдар 1821 йилда Қашғардаги бек Ҳакимга ёзишича, у 1816 йилда Хитой давлатига ўлпон топширган бўлсада аммо ҳадяларни қабул қилганлиги ҳақидаги мактубни олмаган. Бу хабардан маълум бўладики, 1816 йилда Бухоро амири Чин сулоласига ўлпон тўлаган. Негадир Хитой давлатининг ҳукмдорлари Бухоронинг элчиси билан савдо масаласини ҳал қилмаганлиги Бухоро томонида норозиликка, қаноатланмаслигига сабаб бўлди. Биз бу ҳодисага батафсил тўхталмаймиз, чунки бизнинг мақсадимиз Бухоро биринчи марта 1816 йилда Хитой сулоласига ўлпон тўлаганлигини кўрсатишдир,"[9] деб ёзади. Фикримизча, бу масала алоҳида тадқиқотни талаб этади.

Шу ўринда Б.Аҳмедовнинг қуйидаги фикрларини эслатиш ўринли: "Ўрта Осиё билан Шарқий Туркистон ҳамда Хитой ўртасида XVII- XVIII асрларда мавжуд бўлган ўзаро муносабатлар тўғрисида З.М.Бобурнинг "Бобурнома", Маҳмуд ибн Валининг "Баҳр ул-асрор", Санг Муҳаммад Бадахшийнинг "Тарихи Бадахший", Мирзо Олим Тошкандийнинг "Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин", Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг "Тарихи Шоҳруҳий", Қурбон Али Аёғузийнинг "Таворихи ҳамсаи шарқий" асарларида ноёб маълумотлар учратамиз... Юқорида зикр этилган асарларнинг гувоҳлик беришича, Хитой

давлатининг ҳукмдорлари Синьцянда мустаҳкам ўрнашиб олиб, Ўрта Осиё хонликларига ҳам ўзларининг сиёсий таъсирини ўтказишга ҳаракат қилганлар.

Мазкур асарлардаги маълумотлар орасида 1757 йилда Чин империяси томонидан Шарқий Туркистоннинг истило этилиши, Чин қўшинларининг Абдулкаримхон даврида Ўрта Осиёга бостириб кириши, шунингдек 1825-1864 йилларда нақшбандия –хожагон тариқатига мансуб қашғарлик хожалар: хожа Жаҳонгир (1825-1826), Муҳаммад Юсуфхожа (1830), Эшонхон тўра (Каттахон тўра), тарихда "Етти хожалар исёни" номи билан машҳур бўлган Валихон Тўра бошчилигидаги Чин империясига қарши қўзғолон (1857)ларни алоҳида таъкидлаш мумкин[10].

4.Хулоса:Дунёнинг турли мамлакатларида Бухоро хонлиги (амирлиги) тарихининг турли масалаларига тааллуқли мақола, расмий хабар, адабий, тарихий асарлар нашр этилган, илмий тадқиқотлар олиб борилиб, диссертациялар ҳимоя қилинган, Япония давлати ҳам бундан мустасно эмас.

Японияда Бухоро хонлиги тарихига қизиқиш ўтган асрлардаёқ бошланган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Hisao Komatsu. Abdurreshid Ibrahim and Japanese Approaches to Central Asia, in Selçuk Esenbel ed., Japan on the Silk Road: Encounters and Perspectives of Politics and Culture in Eurasia, Leiden-Boston:-Brill, 2018, pp.145-154.
2. Saguchi T. The Eastern Trade of the Khokand khanate. Chapter VI. Memories of the Research department of the Toyo Bunko (The oriental library). Tokyo.1965. №24.
3. Saguchi T. The Social History of Eastern Turkestan in the 18-19 th centuries (in japanese).Tokyo 1963.
4. Қаранг: Масалиева О. Бухоро амирлиги ва Хитойнинг XVIII-XIX асрлардаги ўзаро муносабатлари (Т.Сагучи асари асосида) // Ижтимоий фикр. 2004 йил. №4.–Б.141-144; Масалиева О. Бухоронинг Қўқон орқали савдосида ипак йўлининг ўрни.// Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси. Андижон. 2004 йил.–Б.166-168; Масалиева О. Бухоро амирлигининг Хитой билан алоқалари // Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти тизимида. Республика илмий-назарий анжуманининг илмий тўплами.–Т., 2004.–Б.71-73.
5. Na-yen-ch-eng tsou-i Na Wen-i rung tsou-i 80 bks/ Edited by Na-yen-ch-eng tsou-i. Published in 1834.
6. Saguchi T. The Eastern Trade.. 106 бет.
7. Ўша асар 106 бет.
8. Central Asia in world history. By S.A.Adshead.-New Zealand, 1995.-P.196-197.
9. Saguchi T. The Eastern Trade... –P.108-109.
10. Аҳмедов Б.Тарихдан сабоқлар. Т.1994. 273 бет.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Рахмон Мухаммадиев,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси
m.raxmon@nuu.uz

ЛИДЕР ШАХС ФЕНОМЕНИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

For citation: Rakhman Mukhammadiev, THE PHENOMENON OF THE PERSONALITY OF A LEADER AND ITS PLACE IN THE PROGRESS OF SOCIETY. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.316-321

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-41

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада лидер шахс феномени, унинг кишилик жамияти тараққиётида тутган ўрни, ўтмишда яшаб ўтган сиёсий раҳбар шахсларнинг кўпчиликни бошқариш маҳорати, ўз атрофдагиларни маълум бир мақсад йўлида бирлаштира олиш қобилияти каби масалалар, турли даврларда лидер шахслар фаолиятини ўрганиб таҳлил қилган ва улар ҳақида ўзлари яшаган жамият ҳаётини акс эттирган асарлар яратган тарихчи олимлар, файласуфлар, нотиқлар фикрлари ўрганилган.

Калит сўзлар: Лидер феномени, ҳокимият, раҳбарлик, жамият, давлатчилик, давлат арбоби, сиёсий элита, гуруҳ, етакчилик маҳорати, назария.

Рахмон Мухаммадиев,
Национальний университет Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, Преподаватель
кафедры «История Узбекистана»
m.raxmon@nuu.uz

ФЕНОМЕН ЛИЧНОСТИ ЛИДЕРА И ЕГО МЕСТО В ПРОГРЕССЕ ОБЩЕСТВА

АННОТАЦИЯ

В статье исследуется феномен лидерства, его роль в развитии человеческого общества, способность бывших политических лидеров управлять общественностью, объединять общество для достижения определенной цели, деятельность лидеров в определенный период исторического развития, в том числе в жизни общества, а также мнения историков и ученых того периода, которые создали произведения, в которых отражается их жизнь.

Ключевые слова: Феномен лидерства, власть, руководства, общества, государственности, государственный деятель, политическая элита, группа, лидерских качеств, теория.

Rakhman Mukhammadiev,
National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek, Lecturer at
the Department of History of Uzbekistan
m.raxmon@nuu.uz

THE PHENOMENON OF THE PERSONALITY OF A LEADER AND ITS PLACE IN THE PROGRESS OF SOCIETY

ABSTRACT

The article examines the phenomenon of leadership, its role in the development of human society, the ability of former political leaders to manage the public, unite society to achieve a specific goal, the activities of leaders at certain period of historical development, including in the life of society, as well as the opinions of historians and scientists of that period who have created works that reflect their lives.

Index Terms: The phenomenon of leadership, power, leadership, society, statehood, statesman, political elite, group, leadership qualities, theory.

1. Долзарблиги:

Ғарбий Европа ва АҚШнинг кўплаб етакчи илмий тадқиқот муассасалари томонидан лидерлик феноменини ўрганиш, етакчилик муаммосини таҳлил қилиш каби илмий тадқиқотлар бир неча йиллардан буён амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотлар натижасида тарихчи олимлар, файласуфлар, нотиқлар ўз асарларида лидерларнинг шахсий хусусиятларини, улар яшаган давр, муҳит ва шароитдан келиб чиққан ҳолда ўрганиб, турли тавсиявий тушунчаларни ишлаб чиқдилар. Буларнинг барчаси лидерлик муаммосини умумий ўрганиш ва тегишлича фикр хулосаларни шакллантиришга ёрдам беради.

Ўзбекистонда совет ҳокимияти йилларида лидерлик муаммосини ўрганиш бир томонлама, сиёсий раҳбар шахсларни коммунистик мафкурага хизмат қилиш учун тайёрлаш мақсадида ўрганилди ва шунга мувофиқ йўриқномалар ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда лидерлик муаммосини ўрганишга бўлган эътибор фақатгина мустақиллик йилларида кўпроқ аҳамият касб эта бошлади. Сабаби бугунги мафкуравий курашлар авж олган бир даврда давлат бошқарувини тўғри ташкил қила оладиган, халқаро муносабатларда жамият манфаатларини ҳимоя қила олувчи кучли раҳбар шахсларга эҳтиёж юқори. Шу нуқтайи назардан ҳам лидер шахс феномени ўрганиш, унинг давлат бошқаруви ва жамият тараққиёти йўлида тутган ўрни масаласини очиб бериш бугунги кунда ҳам долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Шубҳасиз, ўтмишга мурожаат қилиш - бу бизнинг давримиз муаммоларини ҳал қилиш йўлларини топишга ёрдам берадиган энг муҳим услубий қўлланмадир. Шу билан бирга сиёсий раҳбарнинг ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида ўзига хос хусусиятлари ва маълум жиҳатларини тарихий таҳлил қилишнинг ўзига хос услублари мавжуд. Бу ўзига хос жиҳатлар, тарихнинг ўзгаришига қараб транцформацияга учраб боради. Мақолада лидер шахс феномени, унинг тарихи, сиёсий етакчи шахсларнинг давлат бошқаруви, жамият тараққиётидаги тутган ўрни масаласи, тарихийлик, ҳамда қиёсий таҳлил тамойиллари асосида ёритилган.

Мавзу ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб бир қатор хорижлик олимлар томонидан фаол равишда ўрганилиб келмоқда. Жумладан, Жан Блондель, Г.Глеасон, Дональд Карлайсле, Жеймс Макгрегор Бёрнс, А.Вильсон каби тадқиқотчиларнинг асарларида давлат

ва жамият бошқарувида сиёсий лидерларнинг феномениал аҳамияти, уларнинг раҳбарлик маҳорати масалаларига кенг ўрин берилган [1].

МДҲ мамлакатларида Д.Дудкина, Н.Горбачева, Д.Калетаев, Б.Лисин, А.Федоров, В.Золотовларнинг тадқиқотларида сиёсий лидерларнинг маълум бир тарихий шароитда етакчи сифатида майдонга чиқиш сабаблари, совет ҳокимиятининг кадрлар сиёсати, маҳаллий раҳбар кадрлар ва уларнинг бошқа миллий республикалардаги раҳбарлар билан ўзаро муносабатлари таҳлиллари баён қилинган [2].

3. Тадқиқот натижалари:

Шахслар биографияси бўйича мутухассис канадалик олим А.Вильсоннинг таъбири билан айтганда, алоҳида шахслар фаолиятини ўрганиш тарихий воқеалар ривожи ва даврий ўзгаришларни аниқроқ тасаввур қилиш имконини беради [3]. Кўпинча тадқиқотчилар бошқа маълумот ва манбалар бўлмаган ҳолатда тарихий шахсларга мурожаат қилишган ва деярли ҳар доим етакчилик муаммосига катта аҳамият беришган, чунки тарихнинг маълум бир даври, қоида тариқасида шу даврда яшаган тарихий етакчи шахс даври сифатида қабул қилинган. Бу бежиз эмас албатта, тарихда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, сиёсат ва давлат бошқарувида муҳим ўрин тутган тарихий шахсларнинг ўзи яшаган даври уларнинг номлари билан бирга тилга олинади. Мисол учун, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абдуллахон иккинчи, Амир Шоҳмурод ва бошқаларни номи ўзи яшаган давр билан чамбарчас боғлиқ.

Бу ёндашувнинг муаммоли жиҳати шундаки, лидер шахслар яшаган даврнинг муаммолари ҳисобланган, ижтимоий ҳаракатлар, ҳокимият тузилиши ва унинг бошқарув функцияси тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолиб кетади. Шу билан бирга, ушбу ёндашувнинг рад этилиши, кейинчалик шахсларнинг цивилизация ривожланишидаги ролини нотўғри баҳоланишига олиб келади. Масалан, инглиз тарихчиси Томас Карлайл қаҳрамонлар тарихнинг ижодкорларидир, деб кўрсатади ва ўзининг “Тарихдаги қаҳрамонлар ва қаҳрамонликлар” асарида бу ҳақда қуйидаги фикрларни илгари суради: “Бутун жаҳон тарихи, бу дунёда киши томонидан қилинган ишлар тарихи, менинг тушунишимча, ҳақиқатда бу ерда, ер юзида меҳнат қилган буюк кишилар тарихидир... бу дунёда қилинган ишларнинг ҳаммаси, ҳақиқатда, бу дунёга юборилган буюк кишилар фикрларининг сиртқи моддий натижасидир, бу фикрларнинг амалга ошуви ва тимсоли, мужассамидир. Бу кишиларнинг тарихи чиндан ҳам бутун жаҳон тарихининг асосидир” [4]. Муаллиф фикрига кўра, инсоният тарихи буюк шахсларнинг фаолият босқичларига мувофиқ турли даврларга бўлинади. Айтишимиз мумкинки, етакчи-қаҳрамон ўз даврининг алоҳида ажралиб турувчи типик шахси, у бошқаларда учрамайдиган хислатлар соҳиби ҳисобланади.

Америкалик сиёсий тарихчи Жеймс Макгрегор Бёрнс лидерларни ҳокимиятга келиш йўлларига қараб турларга ажратган. У лидерларнинг икки турини - “ишбилармон” (transactional) ва “мослашувчан” (transforming) алоҳида ажратиб кўрсатади. “Ишбилармон” раҳбар ҳокимиятга интилувчан бўлиб, унинг сайлов олди дастуридан ўрин олган барча режалари фақатгина бойликка чанқоқлик, шон-шараф, обрў қозониш йўлида сайловчилар овозини олишдан иборат бўлади. “Мослашувчан” раҳбарнинг асосий мақсади эса, биринчи навбатда одамлар ҳаётини яхшилаш учун кенг кўламли ўзгаришларга қаратилган бўлади [5]. Бёрнс ҳар қандай раҳбарни биринчи навбатда шахс деб қарайди ва унинг шаклланиш жараёнига, яъни тарбияси, таълими, оилавий муносабатлар каби жиҳатларига алоҳида эътибор беради. Раҳбар ҳаётининг бурилиш нуқталари, унинг сиёсатчи сифатидаги характери ва ўз мақсади йўлидаги интилишлари шаклланишига таъсир кўрсатган воқеалар, ҳақиқий тарихий шароитлар кўпинча орқа фонда қолиб кетади деб ҳисоблаган.

Совет даври тарихшунослигида етакчиликка бўлган муносабат ва ушбу мавзу боғлиқ масалаларни ўрганиш усуллари мунтазам равишда ўзгариб турган. Узоқ вақт давомида лидерлик муаммоси фақат психология соҳасида ўрганилган. XX асрда лидерлик феноменини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, раҳбарнинг янада аниқроқ психологик қиёфасини яратиш учун кўплаб тадқиқотлар қилинди. Аммо, замонавий тадқиқотчилар ҳам, анча вақтгача лидер-ҳукмдор ғоясидан чиқиб кета олмадилар, хусусан, Россиялик олимлар ва МДҲ

давлатларидаги тадқиқотчилар ҳам етакчиликни асосан, совет даври сиёсатчилари мисолида ўрганиб келишди. Жумладан, Карл Маркс, Фредрих Энгелснинг давлатчилик бўйича синфийлик назарияси тарафдори бўлган Георгий Плехановнинг буюк шахслар бўйича фикрлари 1960 йилларга қадар совет даври тадқиқотчилари учун асосий назария бўлиб келди. Плехановнинг фикрича "Буюк кишиларни буюк қилган нарса, унинг шахсий хусусиятлари буюк тарихий воқеаларга индивидуал физиономия беришида эмас, балки уни буюк қилган нарса шуки, унда ўз замонасининг умумий ва ўзига хос сабаблари таъсири остида пайдо бўлган катта ижтимоий эҳтиёжларга хизмат қилиш учун уни энг қобилиятли қиладиган хусусиятлар борлигидир... буюк киши ҳақиқатдан ҳам етакчидир, чунки у бошқалардан фарқли равишда узоқни кўради ва унинг ҳоҳиши бошқаларникидан кучлироқдир. У жамият ақлий тараққиётининг ўзидан олдинги раҳбарлари навбатга қўйган турли вазифа ва муаммоларни ҳал қилади, ижтимоий муносабатларнинг ўзидан олдинги ривожланиши туфайли вужудга келган янги ижтимоий эҳтиёжларни кўрсатиб беради ва шу эҳтиёжларни қондиришга ташаббус кўрсатишни ўз зиммасига олади [6].

Раҳбарнинг янада аниқроқ ажаралиб турувчи хусусиятлари совет даври ижтимоий психологиясининг асосчиларидан бири Б.Д.Паригиннинг илмий тадқиқотларида батафсил ёритилган. 1971 йил Б.Д.Паригин ўзининг "Ижтимоий-психологик назария асослари" асарида совет фани учун расман тасдиқланган сиёсий лидер ва раҳбарнинг асосий ажралиб турадиган хусусиятларини асослаб берди. Улар қуйидаги хусусиятлар эди: "1) лидер гуруҳдаги шахслараро муносабатларни тартибга солади; лидер - гуруҳдаги расмий муносабатларни ўзига хос ижтимоий ташкилот сифатида ифодалайди; 2) лидерлик кичикроқ муҳитда мавжуд бўлиб, яъни унинг фаолият соҳаси асосан кичик гуруҳлар ҳисобланади, раҳбарлик макромуҳитнинг элементи бўлиб, раҳбарнинг фаолияти кенг ижтимоий тузумга асосланган; 3) гуруҳ аъзоларининг фаолиятлари натижасида лидер - етакчи ўз-ўзидан пайдо бўлади, юқори турувчи тузулмалар томонидан раҳбарнинг тайинланиши эса ўз-ўзидан содир бўлмайди; 4) раҳбарликка нисбатан солиштирганда лидерлик бирмунча беқарор ва кўпроқ гуруҳдагиларнинг кайфиятига боғлиқ; 5) раҳбар ўзига бўйсунувчиларни лидерда мавжуд бўлмаган турли хил мажбурловчи чоралар тизими орқали тартибга солади; 6) раҳбар томонидан қарорлар қабул қилиш жараёни анчайин мураккаб ва у кўп ҳолларда гуруҳга мансуб бўлмаганларнинг ҳам манфаатларини ҳисобга олишга мажбур, етакчи эса тўғридан-тўғри ўзи қарор қабул қилаверади" [7].

Мустақиллигимиз шарофати билан айниқса, охирги йилларда Ўзбекистонда ҳам лидерлик мавзусига, хусусан сиёсий етакчилик мавзусини тадқиқ қилишга бўлган эътибор кучайди. Бунинг исботи, биринчидан илмий журналларда, республика ва халқаро миқёсдаги конференция тўпламларида чиқаётган мунозарали характердаги мақолалар бўлиб, уларда ўтмишни ўрганишга, уни холисроқ ёритишга ҳаракат қилинмоқда. Иккинчидан бугунги кунда кўплаб тарихчи тадқиқотчиларимиз томонидан, Ўзбекистоннинг совет даври раҳбарлари бўлган Акмал Икрамов, Усмон Юсупов, Нуриддин Муҳитдинов, Амин Ниёзов, Собир Камолов, Шароф Рашидов каби сиёсий арбобларнинг фаолиятлари ўрганилиб тадқиқ қилинмоқда.

Замонавий тадқиқотларда миллий етакчилар, миллий манфаатларнинг ифода этувчиси бўлганлиги сабабли миллий даражадаги сиёсий раҳбарларга нисбатан етакчилик масаласи кенгроқ ўрганила бошланди. Аммо, етакчилик соҳасидаги назарий ишланмаларнинг сезиларли даражада кўп бўлишига қарамай, ушбу ҳодиса билан боғлик кўплаб муаммолар мавжуд. Хусусан, миллий етакчилик, миллий лидер феномени каби муаммоли масалалар ҳали ҳам яхши ўрганилмаган.

Миллат - бу маълум бир мамлакат ва фуқаролик жамиятининг вакиллари бўлиб, миллатига кўра эмас, балки битта давлатга қарашли кишилар жамоасидир. Қозоғистонлик сиёсатчи Дархан Калетаев ўзининг "Умумжаҳон етакчисининг феномени: тарих ва бугун" номли мақоласида таъкидлаганидек, "Европа жамиятидаги фуқаролар онгида "давлат-миллат" ва "миллий лидер" тушунчалари бир-бирининг мантиқий давоми ҳисобланади". Шундай қилиб, XX асрда "миллат" ва "шахс" тушунчаларининг иккита асосий термини

битта - “миллат лидери” ёки “миллий лидер”га бирлаштирилган [8]. Миллий етакчилик маҳорати миллатга давлатни ривожлантириш учун стратегик ва ишонарли йўналиш бериш, ҳамда фуқароларни уни амалга ошириш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарурлигига ишонтириш қобилиятидир. Яъни, миллат бошқа ҳалқлар билан ривожланиши ва ўзаро самарали муносабатда бўлиши учун “умумий массада” келажакдаги ўзгаришларни олдиндан кўра биладиган ва бу ўзгаришларга мувофиқ одамлар ҳаётини бошқаришга қодир бўлган раҳбарлар бўлиши керак.

Ҳақиқий давлат раҳбари етакчи сифатида барча давлат идораларининг фаолиятини энг муҳим миллий манфаатлар - ҳимоя қилиш, бу мамлакатда яшаётган халқларнинг фаровонлиги ва эркин ҳаётини таъминлашга йўналтиради. Соддароқ қилиб айтганда, агар оддий сиёсий раҳбар ўз ҳаракатлари ва режаларини қисқа муддатли даврларга йўналтирса, унда миллий лидер буни ўн йилликлар форматида кўриб чиқиб, ўз мамлакатини узоқ муддатга ривожлантиришнинг энг мақбул йўналишларини белгилаб беради” [8].

Ўзи танлаши ёки тайинланиш йўли билан раҳбарлик курсисини эгаллаган Марказий Осиёнинг кўплаб совет даври раҳбарларининг сиёсий ҳаракатлари анча чекланган эди. Уларга кўпинча юқоридан миллий қарашларни тарғибот қилиш ёки жамоатчилик билан фаол алоқалар олиб бориш айби қўйилган. Бу раҳбарларнинг сиёсий фаолияти кўпинча рамзий маънога эга бўлиб, улар асосан юқоридан берилган топшириқларни бажаришга мажбур бўлишган. Аслида улар жамоат арбоблари бўлиб, жамоатчилик орасида эса улар сиёсатчилар деган қараш мавжуд эди. Совет даври Марказий Осиё республикалари раҳбарлари фаолияти ўрганиш бу фикрларни тўғри ёки нотўғри эканлигини исботловчи энг яхши усул ҳисобланади [9].

Бугунги кундаги тарихчи тадқиқотчилар томонидан ўз ечимини кўтаётган масалалардан бири лидерлик феноменини миллий ва маҳаллий давлатчилик негизида ўрганишдан иборат. Халқимизнинг бой тарихини ҳар томонлама ўрганиш, шу билан биргаликда Ватанимиз ўтмишининг маълум бир даври билан ҳаёти ва фаолияти бевосита боғлиқ бўлган миллий қаҳрамонлар, давлат ва жамоат арбобларини ҳам билиш, ўрганиш, ҳамда улар тўғрисида тарихий ҳаққонийлик замирида туриб сўз юритиш тарихчи тадқиқотчилар олдидаги муҳим вазифалардан бирига айланиши лозим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йил 19 октябр куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда таъкидлаганларидек: “Тарихга тўхталсак, бир нарсани унутмаслигимиз лозим. Кимдир бизга ёқмаса, уни тарихдан олиб ташламаслигимиз керак.” [10].

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, лидер-етакчилик феномени узоқ ўтмишга эга бўлиб, даврлар ўтиши билан унинг бошқарувчилик хусусиятлари замон ва жамият ривожига қараб ўзгариб борган. Кишилик жамиятида давлатчилик пайдо бўлганидан бошлаб, лидерлар ҳаёти ва фаолиятин ўрганиш, уларни бошқарув услубларини жорий қилиш каби масалалар ўз даври тадқиқотчилари томонидан ўрганилиб, таҳлил қилинган.

Давлатчилик шаклланиб, унда бошқарув шакли жорий қилинган даврдан бошлаб, уруғ, қабила, уюшмалар, миллатни, халқни бирлаштириш, бошқариш учун доимо кишилар орасидаги нуфузли, кўпчиликни маълум бир мақсадлар йўлида бирлаштира олиш қобилиятига эга шахслар доимо етакчиликка муносиб кўрилган. Ватанимиз тарихининг барча даврларида бўлгани каби, совет ҳокимияти йилларида ҳам ўз халқи манфаатларини ҳимоя қиладиган миллий лидерлар етишиб чиқган. Миллий лидерларимиз фаолиятларини ҳар томонлама ўз даври нуқтайи назаридан чуқур ўрганиш ва холис таҳлил қилиш зарур.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Блондель Ж. Политическое лидерство. Путь к всеобъемлющему анализу. - Москва: Российская академия управления, 1992. - 135 стр. (Blondel J. Political leadership. The path to comprehensive analysis. - Moscow: Russian Academy of Management, 1992. - pp. 135.); Gregory Gleason (1986) Sharaf Rashidov and the dilemmas of national leadership,

Central Asian Survey, 5:3-4, 133-160.; Donald S. Carlisle (1986) The Uzbek power elite: Politburo and secretariat (1938-83), Central Asian Survey, 5:3-4, 91-132.; James MacGregor Burns. Leadership. - New York etc.: Harper & Row, Cop. 1978. - IX, 530 P.; Вильсон А. Биография как история. - Москва: Наука, 1970. - 16 стр. (Wilson A. Biography as history. - Moscow: Science, 1970. - pp. 16.)

2. Дудкина Д. Советская кадровая политика и местный государственный аппарат (1917-1991 гг.): Автореф. дисс… канд. ист. наук. - Самара, 2002. - 24 с.; Горбачева Н.С. Методология исследования политического лидерства // Философия права. - Москва, 2015. №5, - С. 19.; Калетаев Д. Феномен национального лидера: история и современность // - Москва: Центр Азии, 2009. - № 10. - С. 8-10.; Лисин б.К. Социологические очерки кадровой политики КПСС / В. 3 ч. Ч. 1. - Москва: Изд. Палеотип, 2009. - 100 с.; Федоров А.В. Кадровая политика СССР в завершающем этапе индустриальной модернизации (конец 1950-1980-е гг.): Автореф. дисс… канд. ист. наук. - Москва, 2005. - 22 с.; Золотов В.А. Политическая элита СССР: социальный состав, образовательный и культурный уровень (1953-1991 гг.): Автореф. дисс… докт. ист. наук. - Москва, 2006. - 34 с. (Dudkina D. Soviet personnel policy and the local state apparatus (1917-1991): Author’s abstract. diss. .. cand. ist. sciences. - Samara, 2002. - 24 p.; Gorbacheva N.S. Research methodology of political leadership // Philosophy of law. - Moscow, 2015. No. 5, - P. 19.; Kaletaev D. The phenomenon of national leader: history and modernity // - Moscow: Center of Asia, 2009. - № 10. - P. 8-10.; B.K. Lisin Sociological essays on the personnel policy of the CPSU / V. 3 h. Part 1. - Moscow: Publishing house. Paleotype, 2009. - 100 p.; Fedorov A.V. Personnel policy of the USSR in the final stage of industrial modernization (late 1950-1980s): Author’s abstract. diss. .. cand. ist. sciences. - Moscow, 2005.- 22 p.; Zolotov V.A. Political elite of the USSR: social composition, educational and cultural level (1953-1991): Author’s abstract. diss. .. doct. ist. sciences. - Moscow, 2006.- 34 p.)
3. Вильсон А. Биография как история. - Москва: Наука, 1970. - С. 1. (Wilson A. Biography as history. - Moscow: Science, 1970. - P. 1.)
4. Карлейль Т. Герои, почитание героев и героическое в истории. - Москва, 2008. - IV, С. 7. (Carlyle T. Heroes, the veneration of heroes and the heroic in history. - Moscow, 2008. - IV, P. 7.)
5. James MacGregor Burns. Leadership. - New York etc.: Harper & Row, Cop. 1978. - IX, 530 P.
6. Плеханов Г.В. Шахснинг тарихдаги масаласига доир. - Тошкент: Ўздавнашр, 1956. - Б. 45. (Plexanov G.V. Concerning the question of the person in history. - Tashkent: Uzdavnashr, 1956. - P. 45.)
7. Парыгин Б.Д. Основы социально-психологической теории. - Москва: Мысль, 1971. - 351 с. (Parygin B.D. The basis of socio-psychological theory. - Moscow: Mysl, 1971. - pp. 351.)
8. Калетаев Д. Феномен национального лидера: история и современность. - Москва: Центр Азии, 2009. - № 10. - С. 8-10. (Kaletaev D. The phenomenon of a national leader: history and modernity. - Moscow: Sentr Azii, 2009. - № 10. - P. 8-10.)
9. Gregory Gleason (1986) Sharaf Rashidov and the dilemmas of national leadership, Central Asian Survey, 5:3-4, - P. 135.
10. Кимдир бизга ёқмаса, уни тарихдан олиб ташламаслигимиз керак - Шавкат Мирзиёев. - https://kun.uz/40182667.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Олтиной Масалиевна Масалиева,
Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
masalieva1971@mail.ru

САЙЙИД МУҲАММАД НОСИР ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

For citation: Oltinoy M. Masalieva, SAYYID MUHAMMAD NASIR AND HIS MANUSCRIPTS PRESERVED IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.322-325

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-42

АННОТАЦИЯ

Бухоро амири Музаффарнинг ўғилларидан бири Саййид Муҳаммад Носир (Носириддин ал-Ханафий ал-Хусайний ал-Бухорий) бўлиб, у тахт даъвогари сифатида Бухоро аркида яшаган, лекин тахтга ўтирмаган. Аркда унинг қўрғони ва шахсий кутубхонаси бўлган. Мазкур мақолада шахзода Саййид Муҳаммад Носир ҳаёти ва фаолияти, жумладан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган асарлари ҳақида қисқача тўхталинган.

Калит сўзлар: Бухоро хонлиги, амир Музаффар, Саййид Муҳаммад Носир, Носириддин ал-Ханафий ал-Хусайний ал-Бухорий, Анжумани тарих, “Туҳфат [ҳоди] - ал-зоирийин”, “Қунуз ал-аткия”, “Таҳқиқоти арк Бухоро салотин ва амирои у”, “Осори ас-салотин”.

Олтиной Масалиевна Масалиева,
Кандидат исторических наук, доцент
Узбекский государственный университет мировых языков
masalieva1971@mail.ru

САЙИД МУХАММАД НАСИР И ЕГО РУКОПИСИ, СОХРАНИВШИЕСЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

Одним из сыновей эмира Бухары Музаффара был Сайид Мухаммад Насир (Насириддин аль-Ханафи аль-Хусейни аль-Бухари), который жил в Бухарской арке как претендент на престол, но не взошел на престол. В арке находился его замок и личная библиотека. В статье кратко рассказывается о жизни и творчестве принца Сайида Мухаммада Насира, в том числе о его произведениях, хранящихся в рукописном фонде Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ключевые слова: Бухарское ханство, Амир Музаффар, Сайид Мухаммад Насир, Носириддин аль-Ханафи аль-Хусейни аль-Бухари, «Анжумани тарих», «Тухфат [ходи] - аз-заириин», «Кунуз аль-Аткия», «Таҳқиқоти арк Бухоро салотин ва амирои у», «Осори ас-салотин».

Oltinoy M. Masalieva
Doctor of philosophy, Associate Professor
Uzbek State University of World Languages
masalieva1971@mail.ru

SAYYID MUHAMMAD NASIR AND HIS MANUSCRIPTS PRESERVED IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

One of the sons of the Emir of Bukhara Muzaffar was Sayyid Muhammad Nasir (Nasiriddin al-Hanafi al-Husseini al-Bukhari), who lived in the Bukhara arch as a claimant to the throne, but did not ascend the throne. In the arch was his castle and personal library. This article briefly describes the life and work of Prince Sayyid Muhammad Nasir, including his works kept in the manuscript fund of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

Index Terms: Bukhara khanate, Amir Muzaffar, Sayyid Muhammad Nasir, Nosiriddin al-Hanafi al-Husseini al-Bukhari, “Anjumani tarix”, “Tuhfat [hodi] - al-zairiyin”, “Kunuz al-atkiya”, “Taxqiqoti ark Bukhara salatin va amiroi u”,“ Osori as-salotin ”.

---

1. Долзарблиги: Юртимиздаги бой ёзма меросни сақлаш, ўрганиш ва кенг тарғиб этиш ишларини янги сифат босқичига кўтариш, Ўрта Осиё ҳудудидан етишиб чиққан аллома ва мутафаккирларнинг турли соҳалар бўйича яратган асарларини тадқиқини кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳозирги даврдаги долзарб масалалардан биридир.

Саййид Муҳаммад Носир Бухоро амири Музаффарнинг ўғли бўлиб, унинг номи манбаларда баъзан Носириддин ал-Ханафий ал-Хусайний ал-Бухорий ёки Муҳаммад Носир тарзида ҳам учрайди. Унинг ҳаётига оид маълумотлар кам. У тахт даъвогари сифатида Бухоро аркида яшаган. Аркда унинг қўрғони ва шахсий кутубхонаси бўлган [1]. 1920 йил Бухоро амирлиги ағдарилгач, у “Анжумани тарих” га аъзо бўлган. У бир неча асарлар муаллифидир. У “қадимги тарих китобларини кўп мутолаа қилганлиги, аввал “Тухфат-уз-зоирийин” ва “Қунуз ал-аткия” да ҳазрати авлиёуллоҳ зикрини жамлаган бўлсам, энди Бухоро амирлари зикрини муфассал тарихини тасниф қиламан”[2], деб ёзади.

2.Методлар: Мақола умумэътироф этилган тарихий таҳлил, тизимлаштириш, ретроспектив таҳлил каби усуллар асосида баён этилган.

Тадқиқот натижалари: Саййид Муҳаммад Носирнинг асарларидан бири **“Туҳфат [ҳоди] - ал-зоирийин**”(Зиёратчиларга туҳфа)[3] асаридир. Муаллиф мозорларни икки турга ажратиб ёзган:1. Бухоро шаҳридаги; 2. Бухоро шаҳри ташқарисидаги мозорлар.

Мозорларга дафн этилган азиз-авлиёлар ва улуғ зотларнинг қабрлари тўғрисида муҳим маълумотлар берилган.

Мазкур асар нусхаси Садри Зиёнинг “Мажмуаи тазкор” (Тазкиралар мажмуаси) асари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 2193 рақами остида сақланмоқда. Бу нусха охиригача тугалланмаган, хати насталиқ, 20 варақ. 1328) 1910 йилда Бухоро литографиясида чоп этилди.

Асарда тасаввуф шайхларининг қисқача таржимаи ҳоли, уларнинг баъзи карoматлари, муридлари, мозори ҳақида маълумотлар берилган.

2003 йилда эса мазкур асарнинг “Бухоро қисми” Х.Тўраев томонидан рус тилига таржима, сўз боши ва изоҳлар ва факсимилеси билан чоп этилди[4].

2008 йилда С.А.Заҳидова номзодлик диссертациясида XIX аср охири XX аср бошларида Бухорода шаҳар маданияти тараққиётини ёритар экан, “Тухфат-уз-

зоирийин”маълумотларидан юз йилдан ортиқ вақт мобайнида фойдаланиб келинаётганлигига қарамай, бу муҳим тарихий асар махсус монографик ёки диссертацион тадқиқот объекти мавзуси сифатида тадқиқ этилмаган [5] деб ёзади.

“Қунуз ал-аткия” ҳам муқаддас қадамжолар ҳақидадир. Тадқиқотчи олим А.Х.Хамраев “Тухфат ал-зоирин” ва “Кунуз ал-аткия” худди авлиёлар ҳаёти ҳақидаги “Тарихи муллазода”нинг давомига ўхшайди”[6], деб баҳо берган.

Саййид Муҳаммад Носирнинг **“Таҳқиқоти арк Бухоро салотин ва амирои у”** (Бухоро султонлари ва амирлари Арки ҳақида тадқиқот) [7] асари ҳижрий 1340 – милодий 1921-22 йиллар давомида анъанавий терма (компилятив) усулда ёзилган. Асар муқаддима, Афросиёб ва бошқалар ҳақида афсонавий ҳикоя, Бухоро ва унинг арки ҳақида тарихий маълумотлар берилган.

Асарда шайбонийлар ҳукмдорлар ҳақида маълумот бўлмасада, аштархонийлар ва манғитлар ҳукмронлик қилган даврда Аркда қурдирилган қурилишлар ҳақида маълумотлар берилган.

Қўлёзма охирида (40-42 варақларда)ги маълумотлар муаллифнинг шахсий кузатишлари асосида ёзилганлиги учун ҳам қимматли.

Бу асардан М. С. Андреев, О. Д. Чеховичлар “XIX аср охири-XX аср бошларида Бухоро Арки (Кремль) асарини ёзишда фойдаланишган [8].

2009 йилда қўлёзманинг факсимиле нусхаси матннинг ўзбекча ва русча таржималари билан биргаликда нашр этилди [9].

Саййид Муҳаммад Носирнинг асарларидан яна бири **“Осори ас-салотин”**(Султонлар асарлари) бўлиб, ЎзРФА ШИ хазинасида 1422 рақами остида сақланмоқда. Бу асар насталиқ хатида ёзилган, биз фойдаланган нусҳа литографияга тайёрланган бўлиб, 54 варақдан иборат, охирги саҳифалар етишмайди яъни Бухорода манғитлар ҳукмронлиги қисми мавжуд эмас[10].

Шуни айтиш жоизки, А.Х.Ҳамраев ўз тадқиқотида айнан 1422 рақамли юқорида тилга олинган қўлёзмадан фойдаланганлигини ёзган. А.Ҳамраев қўлёзмани манғитлар қисмида “муаллиф ўзининг ҳикояларини амир Шоҳмуроддан бошлаб амир Ҳайдар ҳукмронлиги билан тугаллайди. Асар панегиризм[11] руҳида ёзилган”[12], дейди.

Саййид Муҳаммад Носир асарини 1904 йилда ёзишга киришган. Асар уч қисмдан иборат. 1.Шайбонийлар (4а-16б). 2. Аштархонийлар (16б-54а) 3. Манғитлар (54а). Муаллиф асарни ёзишда Равзатус-сафо, Тарихи Муқимхони, Тарихи Важиз, Тухфаи-хоний, Тарихи Муин, Мажмуаи қози каби асарлардан фойдаланганлигини ёзади.

Асарда Боқимуҳаммадхон ҳазрати олийларининг дунёдан ўтишлари ҳақида ҳикоя. 18б-19а варақлар, Валимуҳаммадхоннинг Бухоро салтанати тахтига чиқиши зикри (19а-20а варақлар), Валимуҳаммадхон билан Муқимхон жанг қилиши ва ўлдирилиши зикри (20а-23б варақлар), Бухорои шариф тахтига ҳазрат Саййид Надр Муҳаммадхоннинг чиқиши баёни (23б-24а варақлар), Фазоил нишон ҳазрат Саййид Мир Абдулфайзхоннинг подшо бўлиши ва ҳ.к. ёритилган.

4.Хулоса: Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Бухоро амири Музаффарнинг ўғли Саййид Муҳаммад Носир ўзидан бой илмий мерос қолдирди, унинг асарларини ўрганиш Бухоро хонлиги тарихини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Собрание Восточных Рукописей. История. 233-бет.
2. اثار السلاتين, 4- бет.
3. تحفته هادی الذائرین
4. Мухаммад Насриддин Ал-Ханафи Ал-Хасани Ал-Бухари. Тухфат аз-заирин. Перевод, предисловие, комментарии-Х.Тураев // Document de travail de I’IFEAC.T. №2 (Avril 2003).49с.

5. Захидова С.А. XIX аср охири XX аср бошларида Бухорода шаҳар маданияти тараққиёти. (Носируддин ибн амир Музаффарнинг “Туҳфат уз-зоирийн” асари маълумотлари асосида): Автореф. тар. фан. ном. – Т., 2008. – Б.5.
6. Хамраев А.Х. К вопросу о земельно-водных отношениях в Бухарском ханстве в XIX веке.–Т.:Среднеазиат. Гос.уни.тип. №3.1948.–С.10.
7. Қўқон қоғози. 1а бетда Фитрат белгиси ва 4та кутубхона муҳри. Кўчирилган вақти – 1340 ҳижрий /1921-1922 милодий йиллар. Қўлёзма, хати-насталиқ. 42 варақдан иборат. Ўлчами 15х23. СВР. IX. № 6997. СВР. История. № 620. Рақами 19.
8. Андреев М.С., Чехович О. Д. Арк (Кремль) Бухары в конце XIX-начале XX вв.–Душанбе.:Изд-во Дониш,1972.–С.163.
9. Саййид Муҳаммад Носир ибн Музаффар.Таҳқиқоти арки Бухоро. Форс тилидан таржима, сўзбоши, изоҳлар ва кўрсаткичлар Ғ.Каримовники. Перевод с персидского, введение, комментарии и указатели С.Гуломова.–Т.,2009.–С.106.
10. اثار السلاتين Ўлчами 14х23. СВР,I. №239. СВР.История. № 600. Рақами 1422.
11. Панегиризм-маддоҳлик.
12. Хамраев А.Х. К вопросу о земельно-водных отношениях в Бухарском ханстве в XIX веке.–Т.:Среднеазиат. Гос.уни.тип. №3.1948.–С.10.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Дилмурод Турсунмуродович Маллаев,
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси
mallayevdil@mail.ru

СУРХОН ВОҲАСИ УЙ-ЖОЙЛАРИ: ТАРИХИЙ АНЪАНАЛАР

For citation: Dilmurod T. Mallaev, HOUSING OF SURKHAN OASIS: HISTORICAL TRADITIONS. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.326-331

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-43

АННОТАЦИЯ

Сурхон воҳасидаги маданий-маиший иншоотларининг меъморчилик композицияларида сўнгги ўрта асрлар давридаги қурилиш анъаналари кузатилади. Доимий турар-жойларни қуришда ҳудуднинг табиий-географик хусусиятлари эътиборга олинган. Аҳоли ўз уйларини асосан сой бўйларида, анҳор ёқаларида бунёд этишган. Сурхон воҳаси усталари уй-жойлар қуришнинг турли усулларини билишган. Ушбу мақолада Сурхон воҳаси усталари томонидан турар-жойлар қурилиши бўйича қўлланилган услублар ҳамда маҳаллий уй турлари тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Калит сўзлар: синч девор, сандал, пахса уй, Сайид Оталиқ мадрасаси, Денов, Вахшивор, Бодиҳаво.

Дильмурод Турсунмуродович Маллаев,
Преподаватель кафедры Всемирной истории
Термезского государственного университета

ЖИЛИЩА СУРХАНСКОГО ОАЗИСА: ИСТОРИЧЕСКИЕ ТРАДИЦИИ

АННОТАЦИЯ

Архитектурные композиции культурно-бытовых объектов Сурхандарьинского оазиса отражают строительные традиции позднего средневековья. При строительстве постоянного жилья учитывались природно-географические особенности региона. Люди строили свои дома в основном на берегах рек и ручьев. Мастера Сурханского оазиса знали разные методы по строительству дома. В данной статье представлена информация о методах, применяемых мастерами Сурханского оазиса при строительстве жилья, а также о местных типах домов.

Ключевые слова: синч, сандал, пахсовый дом, медресе Саид Оталик, Денов, Вахшивор, Бодихаво.

Dilmurod T. Mallaev,
Lecturer at the Department of World History

Termez State University

HOUSING OF SURKHAN OASIS: HISTORICAL TRADITIONS

ABSTRACT

The architectural compositions of the cultural and household objects of the Surkhandarya oasis reflect the building traditions of the late Middle Ages. During the construction of permanent housing, the natural and geographical features of the region were taken into account. People built their homes mainly on the banks of rivers and streams. The masters of the Surkhan oasis knew different methods for building a house. This article provides information on the methods used by the craftsmen of the Surkhan oasis in the construction of housing, as well as on local types of houses.

Index Terms: sinch, sandal, pakhsa house, madrasah Said Otalik, Denov, Vakhshivor, Bodikhavo.

---

1. Долзарблиги:

Сурхон воҳасида анъанавий уй-жойлар, маданий-маиший иншоотларининг қурилиш тарҳи, дизайни, меъморчилик композицияларида сўнгги ўрта асрлар даврида бунёд этилган маданий-маиший иншоотларнинг қурилиш анъаналари изларини кузатишимиз мумкин. Воҳа ҳунармандлари тоғли ҳудудларда доимий турар-жойларни асосан сой бўйларида, анҳор ёқаларида бунёд этишган бўлиб, уйларни қуришда ҳудуднинг табиий-географик хусусиятлари эътиборга олинган. Хусусан, уй-жойлар қуриладиган ҳудудга қуёш ёруғлиги тушиш ҳолати, дарадан ўтадиган совуқ шамол йўлидан сақлаш, ёмғир ва селнинг сойга тез оқиб тушиши, уйларни сувга ва деҳқончилик қиладиган ҳудудларга яқинроқ жойларда қуриш, қолаверса табиий офатлардан сақланиш каби масалаларга эътибор қаратилган. Шу билан бирга, қурилиш бўйича аждодларимиз томонидан тўпланган тажрибалар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ҳанузга қадар кўп жойларда қадимги анъаналар асосида уй-жой қурилиши давом этиб келмоқда. Бу эса ўтмиш аждодларимизнинг иншоотлар қурилиши юзасидан қўллаган усул ва уларнинг бой тажрибаларини ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу мақола тарихийлик, қиёсий-таҳлил ва ҳудудий ёндошувлар сингари тарихий методлар асосида ўрганилди. Унда илмий манбалар ва дала материаллари асосида Сурхон воҳаси усталарининг анъанавий турар-жой қурилиш услублари тўғрисида маълумот берилади.

Ўзбекистон ҳудудида уй-жойлар қурилиши қадимий тарихга эга бўлиб қадимги турар-жойлар табиий шароитни ҳисобга олган ҳолда барпо қилинган. Шунингдек, ҳар бир қурилган бино қурилишида ундан фойдаланиш манфаатлари тўлиқ ҳисобга олинган.

Сурхон воҳасида қурилиш ва меъморчилик анъаналари ўз даврида бир қатор олимларнинг диққатини ўзига жалб этди. Жумладан, совет даврида В.И. Нильсен [1], Г.А.Пугаченкова [2,3,4], Э.В. Ртвеладзе [5], Т.Ж.Аннаев [6] ва шу каби олимлар шаҳарсозлик, бинокорлик, турли ижтимоий-маданий, сиёсий ва диний аҳамиятга эга иморатларнинг ички ва ташқи кўриниши, уларнинг қурилиш услублари ҳақида қимматли маълумотлар келтирадилар.

Мустақиллик йилларида ҳам бу мавзу ўз долзарблигини йўқотмади. Аксинча, Сурхон воҳасида яшовчи кўчманчи, ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи ҳамда ўтроқ аҳолининг турар-жойлари, маҳаллий усталарнинг ўтов, капа, лочиғ каби турар-жойларни қуриш бўйича тўплаган тажрибалари ва улар томонидан қўлланган услублар бўйича бир қатор жиддий тадқиқотлар олиб борилди. Бу борада С.Турсунов, Э.Қобилов, Т.Пардаев, Н.Турсунов [7, 8, 9], Ҳ.Кичкилов, А.Боқиев [10], И.Умаров, Ҳ.Раҳмонов, Э.Худойбердиев [11] каби тадқиқотчилар жуда кўплаб маълумотлар тўпладилар ва илмий жамоатчиликка тақдим қилдилар. Сурхон воҳаси бинокорлигининг ўзига хос хусусиятлари ва шаҳарсозлик

маданияти тарихи бўйича А.Турсунов тарих фанлари бўйича фалсафа доктори диссертациясини ёқлади [12]. Шундай бўлсада, бу борадаги тадқиқотлар ҳали тўхтаган эмас. Негаки, олиб борилаётган археологик қазишмалар ва ўтказилаётган дала тадқиқотлари фанга бир қатор янгиликларни тақдим этмоқда. Шу боис бу масала ўз долзарблигини сақлаб келмоқда.

3. Тадқиқот натижалари:

Сурхон воҳаси ҳунармандлари тоғли ҳудудларда доимий тураржойлар асосан сой бўйларида, анҳор ёқаларида бунёд этилган бўлиб, уйларни қуришда ҳудуднинг табиий-географик хусусиятлари эътиборга олинган. Хусусан, уй-жойлар қуриладиган ҳудудга қуёш ёруғлиги тушиш ҳолати, дарадан ўтадиган совуқ шамол йўлидан сақлаш, ёмғир ва селнинг сойга тез оқиб тушиши, уйларни сувга ва деҳқончилик қилинадиган ҳудудларга яқинроқ жойларда қуриш, қолаверса, табиий офатлардан сақланиш каби масалаларга эътибор қаратилган.

Хусусан, бунга Сурхон воҳаси усталари томонидан Денов марказида XVI асрда икки қават қилиб қурилган Сайид Оталиқ мадрасаси ва Катта Вахшивор қишлоғида 1713 йилда шоир Сўфи Оллоёр томонидан қурдирилган масжидни мисол келтиришимиз мумкин. Масжид хонақоҳ, икки томони айвон ва қўшма хоналардан ташкил топган. Хонақоҳ ва айвон томи тўсин билан ёпилган бўлиб, синчли пахсадан қурилган. Шимоли-шарқий томони ҳашаматли бўлиб, меҳробсимон равоқлар ишланган. Хонақоҳдаги меҳроб равоқи анча чуқур бўлиб, унинг икки томонидаги тўрт равоққа бўртма чизиқлар тортилган. Бундай безаклар жануби-ғарбий айвон деворида ҳам мавжуд. Айвондаги еттинчи ва хонақоҳдаги олтинчи устун ўйма ва рангли нақшлар билан безатилган [13]. Бундай иншоотлардаги қурилиш услублари Денов, Юрчи каби беклик марказларида ҳамда Вахшивор, Сина, Сангардак каби ўтроқ аҳоли яшайдиган қишлоқлардаги уй-жойлар қурилишида акс этганлигини кўришимиз мумкин. Сурхон воҳаси ҳунармандлари томонидан доимий тураржой, уй томи пахса, хом ғишт, гувала яъни «бўрикалла», шапати [14], тоғли ҳудудларда синч девор, тош девордан иборат бўлган [15]. Дастлаб бир хонали, икки хонали XX аср бошларига келиб «хўржин том», «боми том», «обдовли том» ва болохонали уйлар вужудга кела бошлаган.

Сурхон воҳаси усталарининг уй-жой қурилишида ўзига хос усуллари бўлган. Масалан, уй қуришни бошлашдан олдин кун ўнгланиб, ҳафтанинг хайрли ва хосиятли кунлари аниқланган, шундан сўнг қўй сўйилиб, қўни-қўшнилар чақирилган. Меҳмондорчиликдан сўнг уй деворига тошни биринчи бўлиб бадавлат, ёши улуғ кекса киши қўйган, қолганини ёшлар давом эттирганлар. Вахшивор, Бодиҳаво каби қишлоқларда уй қурилишига чақирилганларнинг ҳаммаси биринчи куни ўзлари билан бирга уй девори учун биттадан тош келтирганлар. Уй қурилишини уй эгаси ўз оила аъзолари билан бошлаган. Уй пойдеворининг биринчи қаторини уй эгасининг ўзи қалаб, қолганига ҳашар уюштирган. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, ота-боболари қадимдан одатда уй қуришда ишни бинонинг «қибла» томонидан бошлашган [16].

Тоғли ҳудудларда уйлар асосан бир томонга, яъни сой томонга қаратиб қурилган. Сойдан тоққа томон баландлик бўлиб бориши уйларнинг бу тартибда қурилишига олиб келган. Уйларнинг олд томони эса шу баландлик ҳисобига қаватма-қават бўлиб тоғ томон ортиб боради. Бу ҳудудда уйларнинг тоққа қаратиб қурилиши яхши натижа бермайди. Чунки тоғдан келадиган қор ва ёмғир сувлари тўппа-тўғри уй ичкарисига кирса, иккинчидан тоғ ён бағрига қурилган уйнинг орқа девори бўлмаганлиги сабабли уйнинг томи баландлик ҳисобига ёпилади. Бу эса уйнинг олд томонини бошқа ёққа ўзгартиришга имкон бермайди. Уйларнинг орқа деворларини тоғ ҳисобига қурилишининг асосий сабаби шундаки, бунда биринчидан, қурилиш ашёлари ва ишчи кучи тежалган бўлса, иккинчидан, юқори қаватда жойлашган турар-жойлар олдига кенг ҳовли бунёд этилган. Тоғларда асосан тоғ ён бағирларида бунёд этилган молхона, отхона, омборхона кабиларнинг томи ҳовли тарзда ишлатилган. Чунки, тоғ ён бағрида тиккаликда қурилган уй-жойларнинг пастки қисмлари шу хонадоннинг ҳовлиси вазифасини ўтаган.

Албатта, уйни ёпишда ёғоч (асосан арча, тол ёки терак) тўсинлар тоқ (3, 5, 7, 9, 11, 13) қўйилган. Масалан, ошхона, даҳлизлар учун уч ёки бешта ёғоч (хори) ишлатилса, меҳмонхона ва бошқалари учун етти, тўққиз, ўн биттагача қолаверса, уйнинг хоналари катталашишига қараб ундан ҳам кўп ишлатилган. Томнинг ёғочи (хари) устидан васса қўйилиб, васса устидан чий, бўйралар ёки қамиш тўшаб сомон лой билан сувалган. Ҳар йили ёмғир ва қор сувлари ўтиб кетмаслиги учун сомон аралаштирилган лой билан суваб турганлар. Қиш фаслида қор ва музларнинг том устида узоқ вақт туриб қолишининг олдини олиш мақсадида том устига вақти-вақти билан туз сепиб турилган [17].

Сурхон воҳаси усталари уй қуришда асосан маҳаллий қурилиш ашёларидан фойдаланилган. Тоғли ҳудудларнинг юқори қисмини ўрмонзорлар ташкил этганлиги сабабли бу ҳудудда пахса девор ўрнига синч девор кенг қўлланилган. Синч девор жуда қулай ва мустаҳкам бўлганлиги билан ажралиб турган. Синч деворда токча, тахмон ўрнатиш қулай бўлган. Тоғли ҳудуд аҳолиси шамол эсадиган ва сел келадиган томонига тош девор ёки қўш синчли девор қуришган. Шунингдек, синч деворли уйларнинг хоналари кенг ва баланд бўлади. Синч девор тагсинч, каллак, устун, забаррав, устунгўша, қалама, ховонда, пуштак, бачки каби қисмлардан ташкил топган.

Уйсозлар тоғли ҳудудларда синч девордан ташқари кесак, яъни гувала деворлардан ҳам фойдаланишган. Бу ҳолатни воҳанинг тоғ олди қишлоқларида кузатишимиз мумкин. Сурхон воҳасида пахсали уйлар қурилиши қоратегинлик усталар томонидан бажарилган, кейинчалик эса маҳаллий усталар ҳам бу анъаналарни ўзлаштириб давом эттирганлар [18]. XX асрнинг биринчи чорагида Сурхон воҳаси уйсозлари томонидан Миршоди, Элбаён, Хўжамулки каби қишлоқларида пахсали уйлар қурилган. Пахса уй баландлиги 70-80 см ли устма-уст ётқизилган қатор қатламдан ташкил топиб, бу уйларнинг бўйи беш қадам, эни уч қадам, деворларнинг қалинлиги икки ёки уч қарич бўлиб сирти кесилмаган. Биринчи қаторда фақат эшик ўрни қолдирилган. Иккинчи қаторда дераза, токча, эшик ўрни қолдирилса, учинчи қаторда дераза, дарча, эшик, токчаларнинг усти беркитилгандан сўнг айлантириб чиқилган. Пахсали уйларнинг бурчаклари ярим айлана шаклда бўлиб, тўрт бурчагига девор ёпиштирилган ҳолда тўрт устун ўрнатилган. Том хариси эса шу устунларга қўйилган. Буни айрим тадқиқотчилар қишда бўлиб турадиган бўрон, қор ва ёмғир суви бино бурчакларини ювиб кетмаслигини назарда тутиб қилинган, деб таъкидлайдилар [19].

XX асрнинг 40-йилларидан анъанавий шаклда қурилган, лекин тузилишида замонавий кўринишлар бўлган янги уйлар воҳанинг Юрчи ҳамда Денов марказларида барпо этила бошланган. Сурхон воҳаси усталари томонидан қурилган уйларда тоғли ва тоғ олди ҳудуд аҳолиси билан чўл ҳудудида яшовчи аҳолининг турар-жойлари ички тузилиши, жиҳозланиши айрим этник ва худудий жиҳатлари билан фарқ қилган. Тоғли ҳудуд аҳолисида ўтроқликка хос хусусият уй жиҳозларида ўзига хос ўринга эга. Хусусан, уйлар даҳлизли, дарчали ҳамда ён деворларида токчалар бўлиши билан ажралиб турган. Уйнинг ички томонини безашда аввал ерга чий (бўйра) тўшалиб унинг устига кигиз ёки гилам тўшалган.

XX асрнинг биричи чорагида айрим ҳовлилар ички ва ташқи ҳовлилардан иборат бўлиб, ички ҳовли аёллар ва оиланинг тан маҳрамлари учун бўлса, ташқи ҳовлида эса асосан бир неча хонали меҳмонхоналар бўлиб, ташриф буюрган меҳмонлар шу ташқи ҳовлида кутиб олиниб, шу ердан кузатилган. Хонадон бекалари эса юзлари номаҳрамга тушмасин, деб ташқи ҳовлига ўтишмаган [20]. Айрим тадқиқотчиларнинг қайд этишича, ҳовлиларнинг ички ва ташқи қисмларга бўлиниши қадимги Юнонистон ва Рим каби давлатларда ҳам мавжуд бўлиб, ислом дини ўзидан анча аввал мавжуд бўлган аёлларнинг жамиятда ажралиб яшаш шаклини қонунлаштирган [21].

Бу уйларда қиш фаслида сандал (танча) лардан фойдаланганлар. Сандал томонлари тенг тўрт оёқли курсидан иборат бўлиб, у асосан хонанинг ўртасига ўрнатилган. Сандал устига кўрпа, чойшаб ёпиб қўйилган. Воҳанинг Киштут, Хўжаасмин каби қишлоқларида эса доимий тураржой уйнинг тепа қисмидан мўри, яъни туйнук қўйилган ҳамда уйнинг ичида чой ва овқат тайёрланган. Туйнукдан тутун чиқиб, ҳаво янгиланиб, алмашиб турган.

Шунингдек, ҳовлида узум токлари кўтарилиб, «войиш» (ишком) қилинган ҳамда мевали ва баъзан эса мевасиз дарахтлар экилган. Баъзи ҳовлилар девор билан ўраб олинган. Кўпгина ҳолларда чўл ҳудудларда ярим ўтроқ тарзда яшовчи жуз, қўнғирот, дўрмон уруғлари асосан бир хонали уйларда яшашган. Бу уйларни шамоллатиш учун олди ва орқа томонларидан ярим қулоч баландликда деворларини бир ёки икки жойидан тешилиб туйнук ясалган, уйлар дарчасиз ва токчасиз бўлган [22]. Сандал ўчоқ қиш фаслида бутун оиланинг асосий ўтириб суҳбатлашиш, овқатланиш, исиниш, жун титиш, урчуқ йигириш, қолаверса, ётиш учун ҳам асосий жой ҳисобланган.

XX асрнинг 50-йиллари охирига келиб воҳа аҳолисининг анъанавий уй-жойлари ўрнига замонавий қурилиш ашёларидан бунёд этилган янгича типдаги уйлар қурилиши удумга кира бошлаган.

4. Хулосалар:

XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярмида Сурхон воҳаси усталари томонидан қурилган турар-жойлар тараққиётига этноижтимоий жараёнлар ҳам таъсир қилган. Мазкур жараёнлар биринчи навбатда ўлкада рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган. Айнан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар воҳа аҳолиси анъанавий турар жойларининг ўзига хос трансформациялашувига сабаб бўлган. Трансформацион жараёнлар кўпроқ аҳоли бадавлат қатламининг турар-жойларида ўз аксини топган.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Нильсен В.И. Некоторые сырцевые купольные постройки по юге долины Сурхандарьи // ИМКУ, №3. –Ташкент, 1962. (Nielsen V.I. Some adobe domed buildings in the south of the Surkhandarya valley // IMKU, №3, –Tashkent, 1962.)
2. Дальварзинтепе. Кушанский город на юге Узбекистана. –Ташкент, 1974. (Dalvarzintepe. Kushan city in the south of Uzbekistan. –Tashkent, 1974.)
3. Пугаченкова Г.А. Термез, Шахрисабз, Хива. –Москва, 1976. (Pugachenkova G.A. Termez, Shakhrisabz, Khiva. –Moscow, 1976.)
4. Пугаченкова Г.А. Ртveладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Очерки истории и культуры // Древность и средневековье. –Ташкент, 1990. (Pugachenkova G.A. Rtveladze E.V. Northern Bactria-Tokharistan. Essays on history and culture // Antiquity and the Middle Ages. –Tashkent, 1990.)
5. Ртveладзе Э.В. Обнаружение средневекового селения Навандак в области Саганиан // ИМКУ. Вып. 14. –Ташкент, 1978. –С.114-118. (Rtveladze E.V. Discovery of the medieval village of Navandak in the Saganian region // IMKU. Issue 14. –Tashkent, 1978. –P. 114-118.)
6. 6.Аннаев Т. Дж. Раскопки на Талитагора и некоторые вопросы водоснабжения древнего Термеза и его округи. ИМКУ. Вып. 19. — Ташкент, 1984. — С. 169—178. (Annaev T.J. Excavations at Talitagora and some issues of water supply of ancient Termez and its surroundings. YMCU. Issue 19. - Tashkent, 1984. – P. 169-178.)
7. Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарихи. –Тошкент, 2004. (Tursunov S., Qobilov E., Pardaev T., Murtazoev B. History of Surkhandarya. - Tashkent, 2004.)
8. Турсунов С., Пардаев Т., Қурбонов А., Турсунов Н. Ўзбекистон тарихи ва маданияти-Сурхондарё этнографияси. –Тошкент, 2006. (Tursunov S., Pardaev T., Qurbonov A., Tursunov N. History and culture of Uzbekistan - Surkhandarya ethnography. – Tashkent, 2006.)
9. Турсунов С., Пардаев Т., Пайғамов А., Нарзуллаева Н. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. –Тошкент, 2013. (Tursunov S., Pardaev T., Paygamov A., Narzullaeva N. History of material culture of Surkhandarya oasis. –Tashkent, 2013.)
10. Кичкилов Ҳ., Боқиев А. Ўзбек қўнғиротларининг ўтовлари ва уларнинг жиҳозланиши. «Жайҳун» журнали. Термиз, 2005. № 1. (Kichkilov H., Bakiev A. Grass of Uzbek bells and

their equipment. «Jayhun» journal. Termez, 2005. № 1.)
11. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). –Тошкент, 2014. (Umarov I., Rakhmonov H., Khudoyberdiev E. Ethnic history and ethnocultural processes in the Surkhan oasis (on the example of the xatak tribe). –Tashkent, 2014.).
12. 12.Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида урбанизация жараёнлари (тарихий таҳлил, 1991-2010 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси. –Термиз, 2021 йил. (Tursunov A. S. Urbanization prosses south regions Uzbekistan (historical analysis. 1991-2010 yy.). Dissertation abstract of the doctor of philosophy (Phd) on historical sciences. –Termez, 2021.)
13. Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. –Ташкент, 1982. –С. 68-69. (Arshavskaya Z.A., Rtveladze E.V., Khakimov Z.A. Medieval monuments of Surkhandarya. - Tashkent, 1982. –P. 68-69.)
14. Дала ёзувлари. 2020 йил. Шўрчи тумани Ялти, Тўла қишлоқлари. (Field records. 2020. Yalti and Tola villages of Shurchi district.)
15. Дала ёзувлари. 2020 йил. Узун тумани Хонжиза, Хўжаасмин қишлоқлари. (Field records. 2020. Uzun district, Khanjiza, Khojaasmin villages.)
16. Устаев Ш. Дни недели в поверьях народов Южного Узбекистана / Труды Байсунской научной экспедиции. Вып. 3. –Ташкент, 2007. –С. 179-184. (Ustaev Sh. Days of the week in the peoples of South Uzbekistan / Proceedings of the Boysun Scientific Expedition. Issue 3. –Tashkent, 2007. –P. 179-184.)
17. Дала ёзувлари. 2021 йил. Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи. (Field records. 2021. Sangardak village of Sariosiyo district.)
18. Дала ёзувлари. 2021 йил. Денов тумани Ҳазорбоғ, Хайрабод қишлоқлари. (Field records. 2021. Hazarbog, Khayrabad villages of Denau district.)
19. Воронина В.Л. Узбекское народное жилище // СЭ. –Москва, 1949. –№2. –С. 68. (Voronina V.L. Uzbek national dwelling // SE. –Moscow, 1949. –№2. –P. 68.)
20. Дала ёзувлари. 2021 йил. Сариосиё тумани маркази. (Field records. 2021. Sariosiyo district center.)
21. Воронина В.Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. –Москва, 1963. –С. 13. (Voronina V.L. Folk traditions of architecture of Uzbekistan. –Moscow, 1963. –P. 13.)
22. Дала ёзувлари. 2021 йил. Қумқўрғон тумани Чаёнтепа қишлоғи. (Field records. 2021. Chayontepa village of Kumkurgan district.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Орифхужа Одилович Муминов,
ЎзР ФА Миллий археология
маркази кичик илмий ходими
Muminov86@bk.ru

ҚАДИМ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА КЕШ ВОҲАСИНИНГ АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

For citation: Orifhuja O. Muminov, KESH OASIS IN ANCIENT AND EARLY MEDIEVAL TIMES HISTORY OF ARCHAEOLOGICAL RESEARCH. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.332-338

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-44

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Қашқадарё воҳаси тарихини ўрганилиш масалалари ёритилган бўлиб, кўплаб археологик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган илмий янгиликлар баён қилинган. Кеш воҳаси XX аср бошларидан бугунги кунга қадар кенг кўламда ўрганилган. Воҳа тарихини ёритишда М.Е.Массон, С.К.Кабанов, В.Д.Жуков, Н.И.Крашенинникова, Р.Ҳ.Сулейманов, В.Ртвеладзе, А.С.Сагдуллев, М.Х.Исамиддинов ва А.А.Раимқуловларнинг хизматлари тўғрисида қисқача ёритилган. Қуйида бу масала юзасидан олинган илмий хулосаларининг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Қашқадарё воҳаси, Гава, Гау, Ерқўрғон, Шуллуктепа, Китоб - Шахризабз воҳасини, Наутака.

Орифхужа Одилович Муминов,
Национальный центр археологии при
Академии наук Республики Узбекистан
младший научный сотрудник
Muminov86@bk.ru

ИСТОРИЯ АРХЕОЛОГИЧЕСКОГО ИЗУЧЕНИЯ КЕШСКОГО ОАЗИСА В ДРЕВНОСТИ И РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается история Кашкадарьинского оазиса и научные открытия, сделанные в результате многочисленных археологических исследований. Кешский оазиса широко изучается с начала XX века до наших дней. При изучении истории озиса коротко освящется исследования М.Е. Массона, С.К. Кабанова, В.Д. Жукова, Н.И. Крашенинниковой, Р.Х. Сулейманова, В.Ртвеладзе, А.С. Сагдуллева, М.Х. Исамиддинова и А.А. Раймкулова. Ниже анализируются успехи и недостатки научных выводов по данному вопросу.

Ключевые слова: Кашкадарьинский оазис, Гава, Гау, Еркурган, Шуллуктепа, Китаб-Шахризабзский оазис, Наутака.

Orifhuja O. Muminov,
National Center for Archeology at
Academy of Sciences of the Republic
of Uzbekistan, researcher
Muminov86@bk.ru

KESH OASIS IN ANCIENT AND EARLY MEDIEVAL TIMES HISTORY OF ARCHAEOLOGICAL RESEARCH

ANNOTATION

This article deals with the study of the history of the Kashkadarya oasis and the scientific discoveries made as a result of many archeological researches. The Kesh oasis has been extensively studied since the early twentieth century to the present day. M.E.Masson, S.K.Kabanov, V.D.Zhukov, N.I.Krasheninnikova, R.H.Suleymanov, V.Rtveladze, A.S.Sagdullev, M.H.Isamiddinov and A. A brief account of the services of A. Raimkulov. The following is an analysis of the strengths and weaknesses of the scientific findings on this issue.

Index Terms: Kashkadarya oasis, Gava, Gau, Yerkurgan, Shulluktepa, Kitab-Shakhrisabz oasis, Nautaka.

1.Долзарблиги:

Қашқадарё воҳаси (Жанубий Сўғд) Марказий Осиёнинг қадимий тарихий географик ҳудудларидан биридир. Воҳанинг бой тарихи кўплаб тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Қашқадарё вилояти кўп сонли археологик ва меъморчилик ёдгорликлари, халқ ҳунармандчилиги марказлари кенг тарқалган ўлкадир. Воҳанинг қадимий тарихи ҳам муҳим воқеаларга бой. Вилоят қадимги савдо йўллари чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу тўғрисидаги маълумотлар ёзма манбаларда ҳам кенг сақланган. Қашқадарё воҳаси (Ёки вилоятнинг шарқий қисмига) Авестода келтирилган Гава, Гау (“Сўғдийлар яшайдиган макон”) Гава Сўғда (“Сўғд макони”) тушунчаси тегишли бўлганлигини тахмин қилиш мумкун. Ушбу сўзнинг ўзи Қашқадарёнинг шарқий қисмидаги (Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманлари) кўпгина замонавий атамаларда сақланиб қолган (Гавдара, Гавтепа, Гавмард, Гавмурда, Говмардтепа, Гавтоғлари, Гавчўққиси ва бошқалар). Булар кўп ҳолларда жойлар, маконлар, қишлоқларнинг номларидир. [7, 9-14 б]. Мавзунинг ўрганилиши воҳага доир археологик маълумотларни бойитишда долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар:

Ушбу мақола тарихийлик, қиёсий-таҳлил ва ҳудудий ёндошувлар сингари тарихий методлар асосида ўрганилди. Унда илмий манбалар ва дала материаллари асосида қадим ва илк ўрта асрларда Кеш воҳасининг археологик ўрганилиш тарихи тўғрисида маълумот берилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Мавзунинг ўрганилиши узоқ тарихга эга бўлиб, қўлга киритилган натижалар ва тадқиқотлар хусусиятига кўра уни шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин.

Қашқадарё воҳасини археологик жиҳатдан ўрганилиш даврини шартли равишда биз уч босқичга бўлиб оламиз:

Биринчи босқич: 1870-1940-йиллар.

Иккинчи босқич: 1946-1991-йиллар.

Учинчи босқич: Мустақиллик даври.

Биринчи босқич: 1870-йилларида Чор Россияси томонидан Қашқадарё воҳаси босиб олинганидан сўнг Россия ҳукумати вакиллари ва ҳаваскор қадимшунос ҳарбийлари томонидан, 1895 йилда В.В.Бартолд томонидан ташкил этилган Туркистон ҳаваскор археологлар тўгараги аъзолари Л.И.Зимин (1927) ва И.Кастане (1917) каби тадқиқотчилар Жанубий Суғд яни Қашқадарё воҳасида археологик тадқиқот ишларини олиб борди [2, 6-8 б]. Юқорида келтирилган тадқиқотлар ва экспедитсиялардан ташқари ўз навбатида Жанубий Суғд-Қашқадарё воҳаси ҳудудларида тадқиқотлар олиб борган олимлар: М.Е.Массон (1977),

Крашенинникова (1968, 1977), Усманова (1973, 1977), Лунина, Столярова (1977), Пругерлар (1970) ўз изланишларининг маҳсулларида: Еркўрғон, Суллуктепа, 47-номсиз тепалик, Талисортепа, Олтинтепа, Косонтепа, Арабтепа, Занжир Сарой, Қалайи Зоҳаки Марон, Китоб, Шаҳрисабз, каби кўплаб ёдгорликларни ўрганилганлик даражасини бойитишда салмоқли ҳисса қўшдилар.

Иккинчи босқич: ушбу босқич урушдан кейинг йиллардан бошланиб Қашқадарё воҳаси, хусусан, Еркўрғон, Шуллуктепа, Китоб, Шаҳрисабз, Қалайи Зоҳаки Марон, Касби, Арабтепа, Овултепа, Хонтепа, 47-номсиз тепалик ва бошқа шаҳар харобаларини ўрганишда муҳум археологик изланишлар даври бўлди дейишимиз мумкин. 1946 йилда А.И.Тереножкин бошчилигидаги Амударё археолигик экспедитсияси отряди Қашқадарёнинг қуйи оқимидаги ҳудудларда археологик қидирув ишларини олиб борди, натижада фавқулодда кўплаб археологик ёдгорликлар аниқланди [9]. Триноч-кин билан бир вақтда (1946) С.К. Кабанов Жанубий Суғд-Қашқадарё воҳасида узоқ йиллар давом этилажак изланишларини бошлаб юборди. С.К. Кабанов Қашқадарё воҳасида 1946-1981 йиллар давомида изланишлар олиб борди. Изланишлари давомида у Қашқадарё воҳаси Суғднинг муҳим бўғини бўлганлигини, антик ва ўрта асрлар шаҳар ёдгорликлари Еркўрғон, Шуллуктепа, Қалайи Зоҳаки Марон, Косонтепа ва бошқа ёдгорликларда олиб борилган татқиқотлар асосида очиб берди [3].

Учинчи босқич: Ушбу босқич мустақиллик йилларини ўз ичига олган бўлиб, 1991 йил 31 август санасида Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини элон қилгач Республика биринчи Призиденти И.А.Каримов томонидан тарих хусусан археология сохасига кучли этибор берилди. Натижада Қашқадарё воҳасидаги археологик изланишлар янги босқичга кўтарилди. 80-йилларда Қашқадарё археологик экспедициясига рахбарлик қилган Р.Х.Сулаймонов ушбу экиспидитсия ишини янада изчил давом эттирди ва бу экиспидитсияга 2000 йилга қадар рахбарлик қилди. Ушбу давр мобайнида Еркўрғон, Шуллуктепа, 47-номсиз тепалик, Талисортепа, Олтинтепа, Косонтепа, Арабтепа, Занжир Сарой, Қалайи Зоҳаки Марон, Китоб, Шаҳрисабз, Кунжутлитепа, Еркўрғон, Қўштепа, Тўрткўлтепа каби ёдгорликларда изланишлар олиб борилди [1]. 2000 йилдан бошлаб эса ушбу экспедицияга А.А.Райимқулов раҳбарлик қилиб келмоқда. Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ ўрта асрларда “Кеш” деб номланган қадимги Наутака шаҳри. Бу шаҳарни “Дилкаш”, Қуббатул илм вал-абад деб эъзозланган бу шаҳар муайян даврларда тақдир тақозоси билан жаҳон тарихидаги баъзан шонли, базида фожеали муҳим воқеалар марказида бўлиб келди. XX аср бошида Китоб -Шахризабз воҳасини археологик нуқтаи назардан ўрганиш бошланди, айниқса Шаҳрисабзнинг Ўрта осиёдаги қадимий ва санъат ёдгорликларни ҳимоя қилиш уюшмаси томонидан муҳофазага олинган меъморий бидаларнинг ўрганилиши диққатга сазовордир. 1925 йилда Шахризабзга В.В.Бартолд, В.А.Вяткин санъат тарихчиси Б.Денике, немис санъатшуноси Э.Кон-Винерлар келишди. Туркистон шарқшунослик институти талабаси А.Е.Миджи рус география жамиятининг Тошкентдаги Туркистон бўлими этногрфия ва археалогия соҳаси мажлисида Китоб ва Шаҳрисабз қадимги ёдгорликлар тўгрисида ахборат берди [7]. 1926 йилда Тарихий топографияни ўрганиш учун Шаҳрисабзга А.Ю.Якубовиский жўнатилди. 1930-йилларда Шаҳрисабз обидаларни Я.Ғ.Ғуломов, Т.М.Мирғиёсов, С.К.Кабанов, С.А.Судаков ва суратчи Н.С.Ложкин томонидан ўрганилди. 1936 йилда Архитектор М.Ф.Маур Самарқанд қадимий ва санъат ёдгорликларни ҳимоя қилиш қўмитаси йўли билан тамирлаш мақсадида меъморий обидалар аҳволи билан танишишди. 1938 йилда эса Москва архитектура институтининг махсус биргадаси уларнинг тарихини аниқлади. 1930 йилларнинг охирида шаҳарнинг батафсил плани яратилиб, унга барча маҳаллалар киритилди. 1940 йилда Шаҳрисабзда Ўз ССР Санъатшунослик институтидан архитекторлар В.А.Воронина ва Г.Н.Гачановлар ишлашди. Тарих факултети археология кафедрасининг асосчиси М.Е.Массон 1942 йилда архитектор Г.А.Пугаченкова билан бу ерга Шаҳрисабзни тарихий-археологик ва маданий тарихий меъморий нуқтаи назардан ўрганиш мақсадида экспедиция уюштирди. 1948 йилда О.А.Сухарева Шаҳарни этногрфик нуқтаи назардан ўрганди. Қашқадарё ҳавзаси обидаларни М.Е.Массон бошлаб берди. У 1932-йилда

Шаҳрисабз воҳасини ўрганар экан, Қашқадарё водийсида келгусида ўтказилажак йирик тарихий-археологик ишларнинг мавзу режасини тузди. Урушдан кейинги йилларда Қашқадарё воҳаси шарқий қисми обидаларини ўрганилиш тарихини уч даврга бўлиш мумкин.

I-давр 1940-1950 йиллар.

II-давр 1960-1970 йиллар.

III-давр 1980-1990 йиллар.

Тадқиқотлар турли йўналишда олиб борилди. Кеш воҳаси ҳудудидаги манзилгоҳларининг археологик ўрганилишининг илк босқичи С.К.Кабанов 1946-1950 йилларда олиб борган археологик экспедитсиялари билан боғлиқ. Илк темир даврига оид ёдгорликлар С.К.Кабанов томонидан бундан 60-йил олдин ўрганилганлиги ва булар Танҳоздарё ва Яккабоғдарёнинг қуйи қисмларида топиб текширилган эди. Қашқадарё воҳасининг қуйи қисмида ўтмиш обидаларни аниқлаш ва тадқиқ этиш бобида узоқ йиллар иш олиб борган С.К.Кабанов манбалардаги бу икки қарашга муносабат билдирмайди, аммо Наутака ва Ксениппани ҳозирги Қашқадарё вилоятининг юқори ёки қуйи қисмида тўғри келиши масаласида бахс юритади. С.К.Кабанов Наутакани ҳам Ксенпани ҳам шаҳарлар тарзида эмас вилоятлар сифатида қарайди. Ёзма манбаларда икки вилоят Наутака ва Ксениппа маълум дейди С.К.Кабанов. Унинг фикрига кўра Наутака воҳанинг юқори қисми, Ксениппа эса қуйи қисми яни Ксениппа Нахшаб (Қарши) Наутака эса Кеш (Шаҳрисабз) ҳудудига тўғри келади. [3, С. 25]. М.Е.Массон эса бунга зид фикрни қўллаб-қувватлайди, яни унингча Ксениппа воҳанинг юқори қисми, Наутака бўлса қуйида жойлашган. Қадимшунос олим бунда Навутоқнинг-қуйи вилоятнинг асосий шаҳри еркўғон шаҳри харобаси ўрнига тўғри келишини қайд этади.Наутака ва Ксениппанинг қайси бири Кеш ёки Нахшабга тўғри келиши тўғрисида олимлар изланишлар олиб бориб бир тўхтамга келишгани йўқ. Кешда Қайнарсой тизмаси булоқлари асосида шаклланган Шўробсойнинг қуйи оқимида Узунқир, Сангиртепа, Подаётоқтепа бир-бирига яқин жойлашган. ТошДУ Ўрта Осиё археалогияси кафедрасининг 1976-1979 йилларда А.С Сагдуллаев томонидан олиб броган тадқиқотлари натижасида Қашқадарё воҳасининг шарқий қисмида ҳам бир қатор илк темир даври ёдгорликлари очилди. Даратепа ёдгорлигида ўтказилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида ушбу ҳудуд учун хос бўлган мил.авв. VII-IV асрларга оид турли турар жойлар тузулиши қазиб ўрганилди [7]. 1981-1984 йилларда Н.И.Крашенинникова бошчилигидаги экспедитсия томонидан Шўробсойнинг ўрта оқимида мил.авв. I минг йиллик биринчи яримига оид Сангиртепа, Узунқир, Подаётоқтепа ёдгорликлари очиб ўрганилди, ҳамда уларнинг мудофа деворларни ўрганиш борасида тадқиқотлар ўтказилди.

Кеш воҳасида турли йилларда кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, бу тадқиқотлар натижасида воҳанинг қадимги ва илк ўрта асрлар тарихига доир қимматли маълумотлар тўпланган. Воҳанинг ўрта асрлар тарихига оид муҳим маълумотлар IX-XII аср манбаларида келтирилган. Мазкур манбаларда Кеш воҳасининг географик жойлашуви, воҳа аҳолисининг турмуш тарзи, воҳадаги иқтисодий-ижтимоий ҳаёт, Кеш шаҳрининг тузилиши борасида асосли маълумотлар келтирилган. Ибн Ҳавқал, Ал Муқаддисий каби тарихчилар айнан шундай қимматли маълумотларини ўз асарларида келтириб ўтган. Араб сайёҳи ва географи Ибн Ҳавқал ўзининг “Ернинг суврати” асарида Кешнинг тоғли ўлка эканлиги, қиши қаттиқ ёзи эса бошқа ҳудудларга нисбатан салқин, тоғ ўсимликларга бойлиги ва ундан кўплаб сойларнинг оқиб тушиши ва ахолиси ушбу сой бўйларида деҳқончилик қилиши, қолган ҳудудларида чорва молларини боқиши ҳақида малумот беради. Нахшабни табиятини тарифлар экан уни кафтдек кўриниб турувчи паст текслиқда жойлашганлигини, Кеш тоғларидан оқиб тушувчи сойлар асосида деҳқончилик қилиши ҳақидаги малумотларни келтириб ўтади. Истахрийнинг “Йўллар ва мамлакатлар асарида” Кеш ва Нахшабга Самарқанд, Бухоро ва Балхдан келувчи савдо карвонлари йўлларини тасвирлаб ўтилган. Юқорида келтирилган тадқиқотлар ва экспедитсиялардан ташқари ўз навбатида Жанубий Суғд-Қашқадарё воҳаси ҳудудларида тадқиқотлар олиб борган олимлар: М.Е.Массон (1977), Крашенинникова (1968, 1977), Усманова (1973, 1977), Лунина, Столярова (1977), Пругерлар

(1970) ўз изланишларининг маҳсулларида: Еркўрғон, Суллуктепа, 47-номсиз тепалик, Талисортепа, Олтинтепа, Косонтепа, Арабтепа, Занжир Сарой, Қалайи Зоҳаки Марон, Китоб, Шаҳрисабз, каби кўплаб ёдгорликларни ўрганилганлик даражасини бойитишда салмоқли ҳисса қўшдилар [2, 8].

Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари боис бунёд этилган тенгсиз меъморий обидалар ҳамиша бу шаҳар тарихига бўлган қизиқишларнинг марказида бўлсада, Кеш воҳасининг (Китоб, Шаҳрисабз) қадимий археологик ёдгорликларини ўрганиш ҳам эътибордан четда қолмади. XX асрнинг 70-80 йилларида ТошДУ олимлари томонидан, кейинги йилларда ЎзР ФА Археология институти томонидан археологик тадқиқотлар олиб борилган.

Кеш-Шаҳрисабзнинг қалъа деворлари Ўзбекистоннинг энг ноёб археологик ёдгорликларидан биридир. Шаҳрисабз ҳисорининг узунлиги 1680 м, эни эса 1200 дан 1250 метргача, шаҳарнинг умумий майдони 210 га бўлиб, ҳозирги кунларгача қалъа деворининг айрим қисмларигина кучли емирилган ҳолатда етиб келган.

Қалъа деворларида 1963-1964 йилларда ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) Ўрта Осиё археологияси кафедраси Кеш археологик-топографик экспедицияси томонидан (КАТЭ) З.И.Усманова бошчилигида илк бора археологик қазишмалар олиб борилган. Қўлга киритилган маълумотларга кўра, мудофаа деворларининг энг баланд сақланган жойи 11-метрни, қалинлиги эса 3,5-9 метрни, мудофаа буржлар билан биргаликдаги қалинлиги эса 17,5 метрни ташкил этган. Деворларнинг умумий узунлиги 5,6 км бўлиб, унда жами 70 та мудофаа буржлари ҳисобга олинган. Шу даврда шаҳарнинг шимолий Китоб дарвозаси яқинида тадқиқот олиб борилган ва қалъа илк қурилган даврида унинг девори 7-13 см қалинликдаги қатламли пахсадан бунёд этилганлиги аниқланган [10]. Афсуски, ушбу тадқиқотлардан кейин орадан ўтган эллик йил давомида бу буржларнинг деярли барчаси бузилиб кетган.

1982 йилда қазишмалар яна давом эттирилди. А.А.Раимқулов томонидан Оқсарой бош пештоқининг шимол томонида, Китоб дарвозаси яқинида мудофаа деворлари кўндалангига кесиб ўрганилди. Кесма тоза ер қатламигача қазиб тушилди. Деворнинг юқори қисмида 2 м баландликда гувалакдан қилинган таъмир девор мавжуд. Мудофаа девори баландлиги 120-130 см бўлган махсус шиббаланган тупроқ қатламидан ҳосил қилинган мустаҳкам пойдевор устига қурилган. Пойдеворнинг остида 1 м қалинликдаги маданий қатлам бўлиб, унинг таркибида XI-XII асрларга оид сопол парчалари мавжуд. Бу маданий қатламнинг остида эса тоза ер қатлами. Қалъа деворининг илк қурилган даврдаги қалинлиги 7 м бўлган [5; 6].

ТошДУ олимлари томонидан Шаҳрисабз ҳудудидаги Кўк гумбаз масжиди тагидан XI-XII асрларга оид маҳобатли бино қолдиқлари топилган. Маълум бўлишича, Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган бу масжид XI-XII асрларда қурилган қадимги масжид тархи асосида бунёд этилган. Бу бинони Кеш (Шаҳрисабз) ҳудудида қорахонийлар даврида қурилган маҳобатли меъморий иншоотлардан бирининг қайта тикланган намунаси сифатида талқин қилиш мумкин [10]. А.С.Сагдуллаевнинг фикрига кўра, IX-XII асрларда Кеш арк ва мустаҳкамланмаган шаҳристондан иборат кичикроқ шаҳар бўлиб, унинг маркази Шаҳрисабзнинг жануби-ғарбий четида жойлашган Чоштепа ўрнида бўлган [7].

Хуллас, Шаҳрисабз шаҳри ҳудудида узоқ йиллар тадқиқотлар олиб борган З.И.Усмонованинг охирги хулосасига кўра, қалъа мудофаа деворлари шаҳарда ҳукмронлик қилган барлос уруғи беклари томонидан XIII аср охирлари – XIV аср бошларида бунёд этилган [10]. Мустақиллик йилларида воҳа ҳудудини археологик жиҳатдан ўрганишда хориж тажрибасидан ҳам фойдаланилди. Хусусан 2011-йилда то бугунги кунга қадар Туркия-Ўзбекистон қўшма археологик экиспидитсияси Қашқадарё воҳаси ҳудудидаги ёдгорликларни ўрганишда изчил ишлар олиб бормоқда. Мисол тариқасида Еркўрғон ва Ялпоқтепа ёдгорликларда олиб борилган татқиқотларни келтириб ўтишимиз мумкун. Бизнинг фикримизча, Кеш-Шаҳрисабз қалъаси деворлари айнан ҳоразмшоҳлар қурилиши учун хос бўлган қатламли пахсадан XIII аср бошларида бунёд этилган [5]. 1378 йилда Амир Темур Кеш-Шаҳрисабз қалъа деворларини қайтадан қуришга киришганда Ҳофизи Абрў

томонидан айтилган қадимги деворлар (банди-қадим) бўлганлигини ва улар XI-XII асрларда қурилган бўлиши мумкинлигини аввал М.Е.Массон [4] кейинчалик Ш.С.Камолиддинов ҳам эътироф этганлар. Шунинг учун биз томонимиздан билдирилган фикр М.Е.Массон ва Ш.С.Камолиддиновнинг тахминлари ва эътирофларини аниқлаштирган, дея оламиз.

Шаҳарнинг Хоразмшоҳлар даврида қурилганлигини тўғрисидаги фикрни тасдиқлашга хизмат қилувчи яна бир жиҳат – бу шаҳарнинг бош тархи бўлиб, у анчайин Хоразм воҳасида антик даврдан бошлаб то ўрта асрларгача кенг тарқалган ва доимий амалда бўлган тўғри тўртбурчакли қалъалар кўринишида барпо этилган. Шу нуқтайи-назардан фикр юритадиган бўлсак, Кеш–Шаҳрисабз қалъаси тархи, шаҳар дарвозалари жойлашуви ундан бир неча юз йил кейин – XVI асрда Хива марказида қурилган Ичан қалъанинг тархи билан айнан бир хил.

4.Хулосалар:

Тадқиқотларда асрлар давомида Шаҳрисабз қалъаси майдони ўзгариб турганлиги ҳам аниқланган. М.Е.Массоннинг фикрича, қалъанинг жанубий деворлари XVIII асрдаги инқироздан кейин, Шаҳрисабз беги Назарбек даврида, шаҳарнинг қадимий деворларидан 450 м ичкарида қурилган ва Амир Темур давридаги ҳисор XVIII асрдаги қалъадан анча катта бўлган [4]. Мақоланинг хулоса қисмига тўхталадиган бўлсак. Қашқадарё воҳаси Республикамиз ҳудудида яхши ўрганилган тарихий минтақалардан биридир. Мисол учун: 1940 – йилларда М.Е.Массон томонидан воҳада археологик тадқиқотлар олиб борилди. С.К.Кабанов томонидан эса 1946-1950 йилларда археологик қидирув ишлари олиб борилди. 1955 йилда В.Д.Жуков Киндиклитепа манзилгоҳида қазишмалар ўтказди. 1970-1980 йилларда Н.И.Крашенинникова томонидан олиб борилган изланишлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кейинги даврларда ҳам бундай экспедитсиялар амалга оширилди. Булар қаторида Р.Ҳ.Сулейманов, В.Ртвеладзе, А.С.Сагдуллев, А.А.Раимқулов ва М.Х.Исамиддиновларни келтириб ўтишимиз жоиз. Айнан мана шу олимларнинг археологик тадқиқотлари, илмий изланшлари Қашқадарёнинг шарқий (Кеш) ғарбий (Қарши) воҳаси шаҳарларини ёшини аниқлашда ва Ўрта Осиё шаҳарсозлик маданиятида тутган ўрнини белгилашда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилди. Бироқ воҳа ҳудудида барча ёдгорликлар тўла қонли ўрганилган деб бўлмайди. Воҳанинг шаҳар тураржойлари, айрим ёдгорликларнинг монументал қурулиш қисимлари, шаҳарларнинг тарихий локализатсияси ва бошқа масалаларда жавобини топмаган масалалар етарлича ва биз ишонамизкий кейинг татқиқотлар бу саволларга ҳам жавоб топа олади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент.: 2015. (Askarov A. History of the origin of the Uzbek people. - Tashkent. : 2015.)
2. Исамиддинов М.Х., Р.Х. Сулейманов. Еркурган. – Ташкент. 1988. (Isamiddinov M.Kh., R.Kh. Suleimanov. Yerkurgan. - Tashkent. 1988.)
3. Кабанов С.К. В оазисах и степях Кеша и Нахшаба. – Ташкент. Ўзбекистон, 1988. (S.K. Kabanov In the oases and steppes of Kesh and Nakhshab. - Tashkent. Uzbekistan, 1988.)
4. Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции (КАТЭ) по изучении восточной половины Кешской области УзССР 1966 г. // Археология Средней Азии. Сборник научных трудов ТашГУ. – Ташкент.: 1977. (Masson M.E. Works of the Kesh archaeological and topographic expedition (KATE) on the study of the eastern half of the Kesh region of the UzSSR in 1966 // Archeology of Central Asia. Collection of scientific works of Tashkent State University. - Tashkent. : 1977.)
5. Раимқулов А.А., Сиддиқова Г.Х. Кеш-Шаҳрисабз шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши // Ўзбекистон археологияси. – Самарақанд. 2010. (Raimqulov A.A., Siddikova G.X. Formation and development of Kesh-Shakhrisabz urban planning culture // Archeology of Uzbekistan. - Samarkand. 2010.)

6. Райимқулов А.А. Жанубий Суғднинг VIII-XIV асрлар даври тарихий топографияси. – Самарқанд. 2018. – 251 б. (Rayimqulov A.A. Historical topography of South Sughd in the VIII-XIV centuries. - Samarkand. 2018. - 251 p.)
7. Сагдуллаев А.С. Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент.: Шарқ, 1998. (Sagdullaev A.C. Excerpts from the history of ancient Kesh-Shahrisabz. - Tashkent. : Sharq, 1998.)
8. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент. 2000. (Suleymanov R.Kh. Ancient Nakhshab. - Tashkent. 2000.)
9. Тереножкин А.И. Согд и Чач // КСИИМК. XXXIII, М-Л., 1950. (Terenozhkin A.I. Sogd and Chach // KSIIMK. XXXIII, ML., 1950.)
10. Усманова З.И. Историческая топография Шахрисабза в свете новых данных // Археология Средней Азии. Сборник научных трудов ТашГУ. - Ташкент, 1977. (Usmanova Z.I. Historical topography of Shakhrisabz in the light of new data // Archeology of Central Asia. Collection of scientific works of Tashkent State University. - Tashkent, 1977.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Дилдора Валижон қизи Мўсинова,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Таянч докторанти

МУСОХОНХОЖА ДАҲБЕДИЙНИНГ "БАДР УЛ-АСРОР ВА САНАД УЛ-АБРОР" АСАРИ ҲАҚИДА

For citation: Dildora V. Musinova, ABOUT MUSAHONKHOJA DAHBEDIY'S WORK "BADR UL-ASROR AND SANAD UL-ABROR". Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.339-342

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-45

АННОТАЦИЯ

Мақолада Самарқандда тасаввуф таълимоти, айниқса нақшбандия тариқати тарихида муҳим ўрин тутиши, Муҳаммад Мусохонхожа Даҳбедий ва унинг бой илмий мероси тасаввуф таълимотида тутган ўрни ёритилган. Тадқиқот давомида унинг “Бадр ул-асрор ва санад ул-аброр” номли асарининг Мавлоно Муҳаммад ибн Боқи нақшбандий томонидан 1192/1778 йилда кўчирилган нодир нусхаси аниқланди. Ушбу асар етти бобдан иборат, бўлиб нақшбандия силсиласи, маориф, эътиқод ва тавҳид, маърифат, ҳақиқат ва сулук одобига доир масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: Тасаввуф, Даҳбед, Бадр ул-асрор ва санад ул-аброр, қўлёзма.

Дилдора Валижон кизи Мусинова,
Международная исламская академия Узбекистана, Докторант

О РАБОТЕ МУСАХОНХОЖА ДАХБЕДИЙ "БАДР УЛ-АСРОР И САНАД УЛ-АБРОР"

АННОТАЦИЯ

В статье подчеркивается важная роль мистицизма в Самарканде, особенно в истории тариката накшбандийа, роль Мухаммада Мусаханходжа Дахбеди и его богатое научное наследие в мистицизме. В ходе исследования была обнаружена редкая копия его произведения «Бадр уль-асрор и санад уль-аброр», скопированная Мауляной Мухаммадом ибн Баки Накшбанди в 1192/1778 году. Работа состоит из семи глав, в которых освещаются вопросы накшбандийа, просвещения, веры и единобожия, просвещения, истины и этикета пиявки.

Ключевые слова: Суфизм, Дахбед, Бадр уль-асрар и санад уль-аброр, рукопись.

Dildora V. Musinova,
Doctoral Student, International
Islamic Academy of Uzbekistan

ABOUT MUSAHONKHOJA DAHBEDIY'S WORK "BADR UL-ASROR AND SANAD UL-ABROR"

ABSTRACT

The article highlights the important role of sifism in Samarkand, especially in the history of the naqshbandiya tariqa, the role of Muhammad Musakhanhoja Dahbedi and his rich scientific heritage in mysticism. During the research, a rare copy of his work "Badr ul-asror and sanad ul-abror" copied by Mawlana Muhammad ibn Baqi Naqshbandi in 1192/1778 was identified. This work consists of seven chapters, in which the issues of naqshbandiya series, education, faith and monotheism, enlightenment, truth and leech etiquette are covered.

Index Terms: Sufism, Dahbed, Badr ul-asrar and sanad ul-abror, manuscript.

---

1. Долзарблиги

XVII-XIX асрларда Самарқандда тасаввуф таълимоти тарихига оид манбаларни ўрганиш бугунги кунда тасаввуфшунослик тадқиқотларида муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса бу борада қўлёзма ва тошбосма манбалар ҳамда тарихий ҳужжатларни ўрганиш, таржима ва тадқиқот олиб бориш мавзуни ёритишдаги асосий босқичлардан саналади.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Самарқандда тасаввуф таълимотида, айниқса нақшбандия тариқати тарихида муҳим ўрин тутиши, ушбу тариқатда фаолият олиб борган Муҳаммад Мусохонхожа Даҳбедий ва унинг бой илмий мероси тасаввуф таълимотида тутган ўрни ёритилган. Тадқиқот давомида унинг “Бадр ул-асрор ва санад ул-аброр” номли асари тўғрисида сўз боради. Муҳаммад Мусохонхожа Даҳбедий ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш борасида юртимиз олимлари [7, 8, 10, 11] ва хорижлик тадқиқотчилар [5] томонидан кўпгина тадқиқотлар амалга оширилган.

Бу борада олиб борилган изланишларда тадқиқот жараёнида кўплаб манбалар илмий муомалага жалб этилган.

Шундай бўлсада мазкур давр тарихига доир бўлган кўпгина манбалар ҳали ҳануз ўз тадқиқотчиларини кутиб турганлиги ҳам муҳимдир.

Мана шундай манбалардан бири Муҳаммад Мусохонхожа Даҳбедий қаламига мансуб бўлган “Бадр ул-асрор ва санад ул-аброр” асаридир.

3. Тадқиқот натижалари:

XVII-XIX асрларда Самарқандда тасаввуф таълимотининг нақшбандия каби тариқати муҳим ўрин тутганлиги билан аҳамиятлидир.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида нақшбандия силсиласи муршидларидан бири Даҳбедий хожаларининг таниқли намояндаси Муҳаммад Мусохонхожа бўлиб, 1708 йилда Даҳбедда туғилади. Мусохонхожа отаси ҳамроҳлигида Ҳижоз зиёрати асносида Ҳисорга қўниб, шу ерлик тоғаси Ризохожага инобат келтириб, иршод олади. Ҳиндистоннинг Жаҳонобод шаҳрига ташриф буюриб, Мирзо Жони Жонон орқали устози Муҳаммад Обид Жаҳонободий билан учрашади [3] ва унга қўл бериб, шогирд тушади.

1160/1746 йилда Ҳазрати шайх Муҳаммад Обид вафот этгач [7: – Б. 85; 6: – Б. 43-46.], унинг ўрнига 35 ёшлик аллома Мусохонхожа Даҳбедий нақшбандия-мужаддидия тариқати-сулукининг раҳбари бўлади. Кўп ўтмай нақшбандия, қодирия, суҳравардия ва чиштия каби тўрт силсиладан тузилган бу тариқатнинг пешвоси бўлган Мусохонхожа нақшбандия силсиласини Ҳиндистондан [9] Даҳбедга олиб келади.

Абу Тоҳирхожа "Самария" асарида: "Самарқанд ва унинг атрофида бўлган бузғунчилик ва вайронагарчилик вақтида Ҳазрати Мусохонхожа Ҳиндистон мамлакатига кетиб, унда Ҳазрати Миён Муҳаммад Обид соҳибга мурид бўлиб, Ҳазрати Миён аждодларининг "Алфи соний" тариқатини янгилаб, шариф боболари силсиласини давом эттирди" [1, 2: – В. 56-57.], деб таъкидлаб ўтилган.

Мусохонхожа Даҳбедийнинг "Касир ул-фавоид", "Жоми Жаҳон намои", "Айн ул-маъони", "Бадр ул-асрор ва санад ул-аброр", "Зубдат ул-ҳақоиқ", "Наводир ул-маориф", "Дар фазилати Пайғамбар", "Дурр ул-макнун", "Маҳзан ут-тааруф", "Канз ул-фавоид" каби кўплаб асарлари замонасида машҳур эди.

Ҳазрат Муҳаммад Мусохонхожа Даҳбедий 1190/1776 йилда вафот этади ва Махдуми Аъзам даҳмасининг марказида дафн этилади.

Мусохонхожа Даҳбедий ҳақидаги манбаларда нақшбандия-мужаддидия тариқати шайхи, балки бир неча илмий асарларни тасниф этган етук олим сифатида ҳам айтиб ўтилган. У тасаввуф тарихи, унга доир илмий қарашлар, тавҳид, эътиқод, маърифат каби масалалар тўғрисидаги мулоҳазаларни баён этган.

Х.Юлдашходжаев тадқиқотида Мусохонхожа Даҳбедий асарлари услуби ва қўйилган масалаларни ёритилишига кўра таҳлил қилинганда, қуйидаги масалаларга асосий эътибор қаратилгани аниқланган:

1. Хожагон-нақшбандия-мужаддидия силсиласи тарихини ёритиш;
2. Тасаввуфий истилоҳлар шарҳи;
3. Тавҳид ва зикр масаласи;
4. Пир-мурид ва шайх-мурид муносабатларига доир масалалар;
5. Муридлар (толиби сулуклар) учун ёзилган қўлланмалар.

Мусохонхожа Даҳбедийнинг "Касир ул-фавоид", "Жоми Жаҳон намои", "Айн ул-маъони", "Бадр ул-асрор ва санад ул-аброр", "Зубдат ул-ҳақоиқ", "Наводир ул-маориф", "Дар фазилати Пайғамбар", "Дурр ул-макнун", "Маҳзан ут-тааруф", "Канз ул-фавоид" каби асарлари қиёсий таҳлили қилинганда юқоридаги билдирилган мулоҳаза тўғри эканини англаш мумкин.

А.Маҳкамов Ўзбекистон Миллий архиви фондидаги фонд №Р-2412 рўйхат-1, иш-543 рақам остида "Бадр ул-асрор ва санад ул-аброр" асари сақланиши [8: – Б. 219-223.] ҳақида маълумот бериб ўтган.

Ўзбекистон Миллий архиви фондида Евгений Карлович Бетгернинг шахсий фонди (Фонд №Р-2412) сақланади. 1862-1956 йилларга оид доимий сақловдаги № 1 Рўйхат тузилиб 566 сақлов бирлигида ҳужжатли материаллар киритилган. Рўйхат олти бўлимдан иборат. Е.К.Бетгер шахсий фондини ўрганиш учун қулайлик яратиш мақсадида унинг манбаларида зикр этилган шахсларнинг номлари рўйхати тузиб чиқилган. Рўйхат алифбо шаклида тузилган бўлиб, 229 атоқли шахслар номлари киритилган.

Мусохонхожа Даҳбедийнинг "Бадр ул-асрор ва санад ул-аброр" ("Сирлар ойи ва яхшилар таянчи") – بدر الأسرار و سند الأبرار асари етти бобдан иборат, биринчи боб – қирқ ҳадиснинг икки хил тўплами ва нақшбандия силсиласи ($1^б$-$79^а$); иккинчи боб – илоҳий илм ($79^б$-$126^а$); учинчи боб – маъориф ($126^б$-$156^а$); тўртинчи боб – эътиқод ва тавҳид ($156^б$-$168^а$); бешинчи боб – маърифат ($168^б$-$177^а$); олтинчи боб – ҳақиқат ($177^б$-$204^а$); еттинчи боб – одоб ($204^б$-$264^а$) тўғрисида сўз юритилган.

Асарда эътибор тариқат вакилларининг одоб ва ахлоқига оид масалаларга қаратилган.

Асарнинг бошқа икки қўлёзма нусхаси ФА ШИ фондида 1845 ва 10602/I3 рақамлари остидаги нусхаси илмий тадқиқотларда [10: – Б. 74; 11] аниқланган. "Бадр ул-асрор ва санад ул-аброр" асар номи "Дурар ул-асрор ва санад ул-аброр" тарзида келтирилган. Аммо биз танишган архив фондидаги нусхада асар номи "Бадр ул-асрор ва санад ул-аброр" экани қайд этилган.

"Бадр ул-асрор ва санад ул-аброр" асарининг архив нусхаси форс тилида, настаълиқ хатида кўчирилган. Қўлёзма китоб муқоваси (ўлчами: 20х14 см.) яхши сақланган. Китобнинг ҳар бир саҳифасида 15 қатордан иборат матн (ўлчами: 16х8 см.) жойлаштирилган. Қўлёзмадаги назм, боб, мактуб, мира, манқул аст каби сўзлар қизил сиёҳда ёзилган. Китобнинг $264^б$ варағида колофон келтирилган. Китоб хаттот Мавлоно Муҳаммад ибн Боқи нақшбандий томонидан 1192/1778 йилда кўчирилган.

4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида, Муҳаммад Мусохонхожа Даҳбедийнинг нақшбандия-мужаддидия тариқати тарихи, сулук одобларига оид масалаларни ўзида мужассамлаштирган асарлари мантиқий кетма-кетликда баён этилган. "Бадр ул-асрор ва санад ул-аброр" асарининг Архивда сақланаётган нусхаси муаллифга энг яқин даврда кўчирилган. Асар етти бобдан иборат, нақшбандия силсиласи, илоҳий илм, маориф, эътиқод ва тавҳид, маърифат, ҳақиқат ва одоб тўғрисида батафсил баён юритилган.

Иқтибослар / Сноски /References

1. Abu Tahirkhoja. Samaria. Manuscript. In Persian. Nasta'liq. Dimensions: 16 x 25 cm. 90 pages. Copied in 1835 by the author. In the personal library of Komilkhon Kattaev inv. № 27.
2. Abu Tahirkhoja. Samaria. Editorial Board: B.C.Ahmedov et al. – T.: Kamalak, 1991.
3. Maqsudi Bukhari. Ravayih ul-quds. Manuscript, Nasta'liq, in Persian. In the personal library of Komilkhon Kattaev. inv. № 7.
4. Muhammad Musakhonhoja Dahbediy. Badr ul-asror and sanad ul-abror. Manuscript. In 1192/1778 the calligrapher Mawlana Muhammad ibn Baqi Naqshbandiy was copied by. 268 pages. National Archive Fund of Uzbekistan №R-2412 list-1, case-543.
5. Anke von Kugelgen. Die entfaltung der nagshbandiya mugaddidiya im mittleren transoxanien vom 18. Bis zum begiwn des 19. Jahrhunderts: Ein stuck detektivarbait // Muslim Culture in Russia and Central Asia from the 18th to the Early 20th Centuries vol. 2. Berlin. Klaus schiwars Verlag. 1998.
6. Amonov M.U. Sources on the doctrine and history of naqshbandiya-mujaddidiya in Central Asia in the XIII-XIX centuries and their classification. Journal "Imam Bukhari saboqlari". Issue 2 of 2020.
7. Kattaev K. Catalog of ancient and rare books inherited from Makhdumi Azam Dahbedi and his famous descendants. Colorful, photo-illustrated scientific album-edition. The first book. – T.: Tafakkur Bostoni, 2015.
8. Mahkamov A. Documentary legacy of librarian Evgeny Karlovich Betger in the National Archives of Uzbekistan (1887-1956) // "Internet and information and library resources in science, education, culture and business", Proceedings of the International Conference. – Tashkent: Alisher Navoi National Library of Uzbekistan Publishing House, 2021. – 364 p.
9. Nosiriddin Bukhari. Tuhfat uz-zoyirin. Toshbosma. In Persian. – Buxoro. 1328/1909.
10. Yuldashkhodjaev X.X. The role of Musakhan Dahbidi in the development of the naqshbandiya-mujaddidiya tariqa (XVIII century). Dissertation for the degree of Candidate of Historical Sciences. – T.: 2008. – 156 б.
11. Catalog of Sufi works of the 18th-19th centuries. from the collections of the Institute of Oriental Studies. Abu Raikhan al-Biruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. – T.: Stutgart: Steiner, 2002.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Темур Аброр ўғли Мўминов,
Ўзбекистон Миллий университети
Тарих факультети таянч докторанти
temurmominov7@mail.ru

ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ВА УНИНГ ДАВРИ

For citation: Temur A. Muminov, IBRAHIM MUMINOV AND HIS PERIOD. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.343-352

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-46

АННОТАЦИЯ

Мақолада Шўро Истибдоди даврида зиёлиларга нисбатан олиб борилган репрессив сиёсат ёритилган. Зиёли инсонлар доимо ҳақиқат учун курашганлар. Манбаларда таъкидланишича,, Катта қирғин“ йилларида жами 6 миллион киши ҳибсга ташланган. Шундан 2 миллион шўрпешона инсонлар хоки турли лагерларда қолиб кетган. Инсоният тарихида бирор давлат советлардек ўз халқига шафқатсизлик қилмаган. Муаллиф Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий – сиёсий, фалсафий тафаккури тарихи бўйича йирик олим, тарихчи, фаннинг йирик ташкилотчиси, таниқли давлат ва жамоат арбоби И.Мўминовнинг ҳаёти ҳамда илмий фаолиятини XX аср ижтимоий сиёсий жараёнлар призмасида таҳлил қилади.

Калит сўзлар:зиёли, қатағон, фалсафий тафаккур тарихи, мустабид тузум, қатағон қурбонлари, фалсафа мактаби, сиёсат, фанлар академияси, илмий салоҳият, сиёсий маъруза, зиёлилар съезди, миллатчи, халқпарвар, ҳақиқат, давлат арбоби, мафкура.

Темур Аброр оглы Муминов,
Национальный университет Узбекистана
Базовый докторант исторического факультета
temurmominov7@mail.ru

ИБРАГИМ МУМИНОВ И ЕГО ПЕРИОД

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется репрессивная политика, проводившаяся против интеллигенции в период советской режима. Образованные люди всегда боролись за правду. Согласно источникам, всего за годы «Великой резни» было арестовано 6 миллионов человек, из которых 2 миллиона трупов остались в лагерях. В истории человечества нет государства, которое было бы столь же беспощадно к своему народу, как советы.

Автор анализирует жизнь и научную деятельность великого ученого, историка, великого организатора науки, известного государственного и общественного деятеля И. Муминова в призме социально-политической жизни XX века.

Ключевые слова: интеллектуал, репрессии, история философской мысли, диктаторский режим, жертвы репрессий, философская школа, политика, академия наук,

научный потенциал, политический дискурс, конгресс интеллектуалов, националист, правда, государственный деятель, идеология.

Temur A. Muminov,
National University of Uzbekistan
Basic doctoral student of the Faculty of History
temurmominov7@mail.ru

IBRAHIM MUMINOV AND HIS PERIOD

ABSTRACT

The article analyzes the repressive policies pursued against intellectuals during the soviet occupation. Educated people have always fought for the truth. According to sources a total of 6 million people were arrested during the years of "Great massacre" of which 2 million corpses were left in camps. There is no state in the history of mankind which has been as ruthless to its people as the soviets. The author analyzes the life and scientific activity of the great scientist, historian, great organizer of science, famous statesman and public figure I.Muminov on the history of socio – political and philosophical thought of the peoples of Central Asia in the prism of socio – political tendencies of the twentieth century.

Index Terms: intellectual, repression, history of philosophical thought, dictatorial regime, victims of repression, school of philosophy, politics, academy of sciences, scientific potential, political discourse, congress of intellectuals, nationalist, nationalist, truth, statesman, ideology.

---

1. Долзарблиги:

"Фанга муҳаббат ҳақиқатга муҳаббат деган гап, шу боисдан ҳам ҳалоллик олим фазилатининг асоси саналади" дея ёзган эди Л.Фейербах, ўз қайдларида. Ҳақиқатга интилиш, унинг рўёби учун хизмат қилиш асл донишманд олимларнинг асосий идеали саналган.

Йирик олим, фанимизнинг катта ташкилотчиси, республиканинг кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоби, талантли устоз, Ўзбекистонда фалсафа мактабининг асосчиси, ЎзФА академиги, Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Иброҳим Мўминов ана шундай аъмол билан яшаган улуғ инсонлардан эди.

XX асрда инсоният тарихи саҳифаларини мудҳиш тоталитар режим,, қатағонлари" билан тўлдирган совет воқелигини атрофлича ўрганиш давом этмоқда. Аслида тарихий воқеликларини англаш, мушоҳада қилиш доимо зарур: Биз совет даврига, у давр кишилари фаолиятига баҳо берганимизда, уларни қайта баҳолаганимизда бугуннинг кўзи, бугуннинг мезони билан ёндашмаслигимиз даврнинг мураккабликларини доим ёдда тутишимиз, халқимиз тарихига катта ҳурмат билан қарашимиз лозим.

2021 йил Президентлик сайлови муносабати билан Ш.Мирзиёев Бухоро вилояти сайловчилари ҳузурида ўтказилган учрашувида зиддиятли шўро даври фанимиз ривожига катта ҳисса қўшган забардаст олим Иброҳим Мўминов ҳақида алоҳида ҳурмат билан тўхталиб ўтди.

Дунё бугун буюкларнинг таржимаи ҳолини қайтадан кашф қилмоқда. Ўзбекистон тарихидаги улуғ сиймоларнинг кечмишини ўрганиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб.

Иброҳим Мўминов ва Ҳабиб Абдуллаев каби алломаларимиз ҳаётини тадқиқ этиш XX аср ўзбек фани тарихи саҳифаларини янги маълумотлар билан бойитиши аниқ.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Муаллиф мақолани ёзишда тарихийлик ва холислик методларидан фойдаланди. Мустабид тузум тарихини ёритишда ҳаққонийлик бош мезон сифатида олинди. Табиийки, қиёсий таҳлил адабиётларни ўрганишда муҳим омил бўлди.

Иброҳим Мўминов ва унинг даврини ўрганишда ЎзФА нинг архив фондлари (Ф-1) материаллари, олимнинг танланган асарлари тўплами, "Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида" китоби, Н.Каримовнинг 1937 – 38 йиллардаги "Катта қирғиннинг фожиаси

оқибатлари” асарларидан фойдаланилди. О.Файзуллаевнинг “ХХ аср ўзбек зиёлилари”, Саид Шермуҳамедовнинг “Қомусий олим” рисолаларида академик И.Мўминовнинг ҳам инсоний, ҳам илмий қирралари самимий ёритилган.

Бундан ташқари, Эдвард Оллвортнинг “Замонавий ўзбеклар”, Ш.Эргашевнинг “Эрк истар кўнгил”, Ф.Раззоқовнинг “Шароф Рашидов: Ҳаёт ва мамот” китоблари ўша даврга янгича муносабати билан алоҳида ажралиб туради. Н.А Муҳитдиновнинг “Кремелда ўтган йилларим” мемуари кўп тарихий воқеаларга ойдинлик киритишда муҳим роль ўйнади. Бир гуруҳ тарихчи олимлар томонидан тайёрланган “Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар)” китоби ҳам бу давр тадқиқотчиси учун муҳим манбавий аҳамиятга эга.

3.Тадқиқот натижалари:

Тарихга назар ташласак тақдирнинг залворли оғир синовлари кўпроқ халқнинг улуғ фарзандлари, зиёлилари бошига тушганини кўрамиз. Зиёли инсонлар доимо ҳурфикрлилик ва ҳақиқат учун бевосита ёки билвосита курашганлар.

Дунё ва ўзбек фалсафасида, тарихшунослигида зиёлилар масаласини ўрганиш, тадқиқ қилиш доимо долзарб бўлиб келган.[1]

Халқимизнинг ҳассос шоири Эркин Воҳидов зиёлилар ҳақида шундай ёзган эди: “Зиёли нур эгаси демакдир. Бу нур илм нури, одоб нури, юксак инсоний ахлоқ нури, теран маданият, олий тафаккур, мустаҳкам ички интизом, собит эътиқод, салим руҳият нуридир. Бу нур манбаи инсон қалбида. Қалб гавҳарини асраб – авайлаган инсон бахтиёр ва олижанобдир. У ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам қадр – қимматини билади. Зиёли инсонга манманлик бегона, ўз халқини қандай иззат қилса, бошқа халқларни ҳам шундай ҳурмат қила олади, ички маданияти унчалик ривожланмай қолган одамларга нисбатан кечиримли бўлади.

Лекин бари – бир салкам бир аср мобайнида юритилган қатағон сиёсати сўнгида ҳам, зиёлилар бошида шунча тегирмон тоши юритилганидан кейин ҳам, халқ тарихи, тили қадриятларини топташлар охирида ҳам ўз қалб зиёсини йуқотмаган юртдошларим олдида бош эгаман”[2]

Дарҳақиқат, бугун тарихимизнинг ана шундайин асл фарзандлари бўлмиш зиёлиларнинг чигал тақдирини ўрганиш жадал бошланганини қутлаш керак.

ХХ аср ўзбек фани ривожида муҳим роль ўйнаган донишманд олим Иброҳим Мўминовнинг долғали ҳаёти ва фаолияти мустабид даврнинг ҳақгўй, ҳалол инсонларга бўлган шафқатсиз сиёсатининг ёрқин ифодаси эди.

Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий – фалсафий тафаккури тарихи бўйича йирик олим, тарихчи, ўзбек маданиятининг чуқур билимдони, фанимизнинг йирик ташкилотчиси, таниқли давлат ва жамоат арбоби И.Мўминовнинг ҳаёти, ҳамда илмий фаолиятини ХХ аср ижтимоий сиёсий жараёнлар призмасида таҳлил қилиш орқасидан кўп саволларга жавоб топилиши тайин.

Инсоният тарихида ХХ асрнинг ўз ўрни ва салмоғи бор. Катта – кичик урушлар, сиёсий катаклизмлар, буюк ихтиролар ва кашфиётлар... Синфий курашлар ва унинг оқибатлари. Мустабид тузумнинг қатағон сиёсатлари, аср қиёфасини белгиловчи бу оғриқли масалаларни узоқ санаш мумкин.

Жорж Оруэлнинг “1984” романи ана шу жамиятнинг ҳақиқий башарасини юксак бадиий маҳорат билан аёвсиз фош қилган.[3]

Совет Иттифоқи даврида таъқиқда бўлган Жорж Оруэлнинг дунёга машҳур романида воқеликнинг барча қирралари, хусусан одамлар онгини назорат қилувчи тоталитар режим ҳақида санъаткорона ҳикоя қилинади.

Жамиятни орқага тортадиган, бузадиган энг катта душман қўрқувдир. Мустабид шўро тузуми даврида зўрлик, тазйиқ ва қўрқитиш Тизим сифатида шакллантирилди. Қўрқув салтанати мафкураси ҳар бир фуқаронинг онг ва шуурини тизгинлаб олди. 2005 йил РКП(б)нинг 1929 – 1934 йилларда Ўрта Осиёдаги ички назорат бўйича айғоқчилик маҳфий ҳужжатлари нашр этилган. Шунда барча жадидларнинг ким билан суҳбатда бўлгани, қандай яширин ташкилотлар тузганлиги ҳақида айғоқчилик стенограммасида баён этилган [4] Элбек, Отажон Ҳошим, Фитрат ва Чўлпон, Абдулла Қодирий каби зиёлилар ғайриинсоний

қийноқлардан сўнг отиб ташланган. Ўзининг фожей қисматини олдиндан сезган Абдурауф Фитрат “Абулфайзхон” драмасида: “Ҳокимият қон билан суғориладиган бир дарахтдир, қон оқиб турмаган ерда у қуриб қолади” – дея ҳасрат билан ёзган эди.

Коммунист раҳбарлар Ўзбекистонда зиёлиларнинг 1926 йили бўлиб ўтган биринчи қурултойидаёқ ҳурфикрли шахсларни кўзини остига ола бошлайди.

Ғарбнинг машҳур тарихчиси Эдвард Оллворт ўзининг “Замонавий ўзбеклар” китобининг “Эски ва янги замонавийлик” дея номланувчи иккинчи қисмида шундай фактларни келтириб ўтади: “Зиёлиларнинг 1927 йили бўлиб ўтган иккинчи қурултойида Александров деган кимса “Зиёлиларнинг мафкуравий курашдаги ошиғич вазифалари” деган монологини ўқиб эшиттиради. Унда йўқсилларга ёт мафкурага қарши илм – фандан фойдаланиш; Шарқ аёлларини озод қилиш; зиёлиларни коммунистик партия раҳбарлигида бирлаштириш, шўролар ҳокимиятини тарғиб қилиш сингари вазифалар қўйилган эди. Ўша даврдан бошлаб минтақа тарихида зиёлиларни бўйсундириш бошланди. Илгари жадидлар ҳокимиятга эътироз билдирган бўлса, энди ҳокимиятга қарши чиқиш энг хавфли машғулотга айланаётган зулматли ва ҳуқуқсиз давр бошланаётган эди”[5]

Таассуфки, шўролар давридаги “катта қирғин”лар коммунистик партиянинг XX съездида қоралганлигига қарамай совет давлати ҳам, кейин унинг вориси бўлмиш Россия Федерацияси раҳбарияти ҳам бу сиёсатга расмий муносабатда хаспўшлаш сезилади.

“1937 – 1938 йиллардаги Катта қирғин Совет давлати тонгида Ленин бошлаб берган, кейин Сталин изчил давом эттирган қатағон сиёсатининг авж нуқтасидир. Тарихчиларнинг бир қисми Совет давлатининг бу ғайриинсоний сиёсатини ҳокимият учун кураш натижаси, иккинчи қисми эса бошланажак Иккинчи Жаҳон уруши арафасидаги тарихий зарурат, деб ҳисоблайдилар. Бундан бўлак фикр ва қарашлар ҳам йўқ эмас. Аммо мамлакат халқига қарши қаратилган бу қирғиннинг келиб чиқиш сабаблари қандай бўлмасин, у моҳиятига кўра, Совет давлатининг ўз халқига нисбатан амалга оширган қирғини – геноцидидир”[6]

Беломор – Болтиқ канали, Соловец лагери, Москва – Волга канали ва Колимдаги олтин конлари шахталарида айбсиз айбдорлар кафансиз кўмилдилар. КПСС нинг XX съездида Н.С. Хрушчев “Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатлари тўғрисида”ги тарихий маърузасини қилди. Ёпиқ мажлисда сўзланган маъруза кўпчиликни саросимага солганди. Бу тарихий ҳақиқатни тиклаш сари ташланган илк қадам эди. Афсуски, ноҳақ қатағон қилинганларни реаблитация қилиш ишлари охирига етмай қолди. Бу жараёнлар ҳақида ўзбек халқининг асл фарзандларидан бири Нуриддин Муҳитдинов ўзининг ниҳоятда фактик материалларга бой “Кремелда ўтган йилларим” китобида қимматли маълумотлар бериб ўтади.[7]

1985 йилда Шўролар давлатида бошланган қайта қуриш сиёсати натижаси ўлароқ тарихимиз саҳифаларидаги “ Оқ доғ”ларни тадқиқ этиш яна янгидан бошланди.

Давлат архивлари махсус фондлари, Давлат хавфсизлик комитетида сақланаётган архив ҳужжатлари кенг жамоатчиликка ошкор қилинди. Масквада Д.Волкоганов, А.Солженицин, Э.Радзиниский китоблари қўлма – қўл ўқилди. Ўзбек матбуотида ҳам Наим Каримов, Мажид Ҳасаний, Бегали Қосимов, Ислом Турсунов, Шерали Турдиев, Ислом Усмонов, Қаҳрамон Ражабов, Эркин Юсупов, Набижон Боқий, Аброр Хидировларнинг мақолалари чоп этилди. Қатағоннинг сабаб оқибатлари таҳлил этила бошланди. Бироқ кейинги сиёсий жараёнлар тўлқинида бу масала яна тугал ечимини топмасдан қолаверди. Мустақиллик даврида “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ва “Шаҳидлар хотираси” жамоат фондлари томонидан кўпгина савоб ишлар амалга оширилди. Мустабид даврда ноҳақ қатағон қилинган улуғ ёзувчимиз Абдулла Қодирийга “Мустақиллик ордени”нинг дастлабкиси тақдим этилди. Чўлпон, Фитратлар ҳам мустақил Ўзбекистоннинг орденлари билан тақдирланди.

Ҳар бир давр тарихий шахсларга ўз баҳосини беради. Ўзбекистон президенти Ш.Мирзиёев бошлаган кенг қамровли ислоҳотлар натижаси ўлароқ тарихимиздаги адолатни қайта тиклаш ишлари бошланди. Жадид бобокалонларимизга эҳтиром кўрсатилиб, давлат мукофотлари берилди.

Миллий истиқлолчилик ҳаракатлари етакчиларидан Иброҳим Лақайнинг номи тўла оқланди. Бу ишлар жасоратга йўғрилган ҳаракатларнинг натижаси эди.

2021 йил Президентлик сайлови муносабати билан Ш.М.Мирзиёев Бухородаги сайловчилар билан ўтказилган учрашувида шўро даврида фанимиз ривожланишига катта ҳисса қўшган забардаст олим Иброҳим Мўминов ҳақида алоҳида тўхталиб, уларнинг номини абадийлаштириш хусусида ўз фикрларини айтиб ўтгани айни тарихий адолатни қарор топиши бўлди.

Кейинги йилларда совет даври тарихини ўрганишда бир томонлама нигилистик ёндашувлар ҳам кўзга ташланди. Давр қандай бўлмасин тарихчи ҳис туйғуларга берилмасдан масалани комплекс ўрганиб хулосалар бермоғи лозим.[8]

Ўзбекистон тарихининг Ш.Рашидов раҳбарлик қилган босқичи халқимиз орасида катта қизиқиш уйғотувчи ва айни пайтда, ўта зиддиятли даврлардан бири. Халқ орасида бу даврга нисбатан муносабат ўта мураккаб, ёрқин ва оғир таасуротларга бой. Шу боис Ш.Рашидов даврини ўрганиш, унга кўпчиликни қаноатлантирадиган объектив баҳо бериш жуда мураккаб иш ҳали тарихчилар, сиёсатшунослар, файласуф олимлардан кўп саъй ҳаракат талаб қилинади. Айни ана шу даврда И.Мўминов фаннинг энг қалтис ва нозик соҳаси саналмиш ижтимоий гуманитар соҳада фаолият кўрсатди.

“Бу давр тарихи – умумий маънода ўзбек халқининг XX аср мустақилликгача бўлган даври тарихи. Бу тарих – анъанавийлик билан модернизация, миллийлик билан большевикча байналмилаллик, исломий анъаналар билан коммунистик даҳрийлик ўртасидаги кураш тарихи. Бу кураш адабиёт ва санъатни, фан ва маорифни, миллий онг ва эътиқодни, кундалик турмуш ва урф – одатларни, хуллас ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган ва бутун XX аср бўйлаб давом этган чинакам кураш эди. Бу курашнинг энг буюк натижаси ўзбек халқининг ўзлигини, ўз миллий ғурурини сақлаб қолиши, Ватан деган муқаддас тушунчанинг халқимиз онгида чуқур илдиз отиши ва албатта, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши бўлди “. [9]

Дарҳақиқат тоталитар тузум шароитида ҳам миллат тақдири учун астойдил куюнган фидоий шахслар кўп бўлган. Айниқса, ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи зиёлилар гарданига бу пайитда оғир юк тушган. Коммунистик мафкура бу фанларни ўз,, исканжасига“ олиб қўйганди. Бу соҳа олимларига,,ривожланган социализм“ ютуқларини тарғиб қилиш юклатилган. Шу мавзудаги,,илмий ишлар“ рағбатлантирилган.

Қадимий тарихни ўрганиш аёвсизларча,,феодал ўтмишга сажда қилиш“ деб қораланган.

ЎзКП(б) МҚ бюроси 1950 йил 1 сентябрда,,Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг иши тўғрисидаги масалани тинглаб, мазкур иш юзасидан қабул қилинган қарор“ида Республика Фанлар академиясининг гуманитар фанлар бўлими ва унинг институтлари,,ўз ишларини ВКП(б) МҚнинг масалаларига доир қарорига мувофиқ равишда қайта қурмадилар“, бу институтларга,,сиёсий ишончга сазовор бўлмаган ва буржуа объективизми ҳамда космополитизм ғоясини ташиб юрадиган кишилар жойлашиб олганлар“– деб кўрсатиб ўтди. [10]

1952 йил 21.22 февралда бўлиб ўтган ЎзКП(б) МҚнинг X Пленуми республикада ижодий ва илмий муассасалардаги,,миллатчилар“,,,пантуркчилар“, космополитларни “фош қилиш” бўйича жуда катта сафарбарлик эълон қилди. Республиканинг биринчи раҳбари А.Ниёзов нутқида Туроб Тўла, Темур Фаттоҳ (кейинчалик Ўзбекистон ССР мадҳиясининг муаллифлари), Ойбек, Мақсуд Шайхзодаларнинг,,буржуа миллатчилик қарашларининг намоён бўлиши“да айбландилар.

Олимлар В.Зоҳидов,,жиддий буржуа миллатчиликка оғишда“, тарихчи А.Бобохўжаев пантуркизмни тарғиб қилишда иқтисодчи О.Аминов эса буржуа миллатчилари билан алоқада бўлганликда айбландилар.

Республика биринчи раҳбарининг, айниқса Ўзбекистон халқлари тарихини ёритиш масаласидаги танқидлари жуда кескин ва шафқатсиз бўлган. Маърузада таъкидланишича, бир қатор муаллифлар,,Чор Россиясининг Шарқдаги босқинчилик сиёсати оқибатларини

характерлаб, масаланинг фақат бир томонини – чоризм томонидан Ўзбекистон ва Ўрта Осиё халқларининг миллий жиҳатдан жабрланганлигини таъкидлаб кўрсатганлар, аммо Ўзбекистоннинг Россияга **қўшилганлиги** (таъкид бизники Т.М) прогрессив аҳамиятга эга бўлган воқеа эканини мутлақо қониқарсиз ёритганлар. Тарихчи олимлар,,тарихнинг мана шу актуал масалаларини чуқур ёритиб бериш ўрнига кўпинча узоқ давлатлардаги тарих ва маданиятни ўрганишга берилиб кетмоқдалар“. (11)

Пленумда,,Ўзбекистон халқлари тарихи“ китобининг иккинчи жилдида Темур давлатининг маданияти ва аҳамиятини ошириб кўрсатилганлиги,,фош этилди“. Бундан ташқари, 1898 йилда Муҳаммад Али (Дукчи Эшон) бошчилигидаги қўзғолон тарихчилар ёзганидек, ўз характери билан халқ озодлик ҳаракати эмас, балки реакцион феодал – миллатчилик ҳаракати эди, дея коммунистик баҳо берилди.

Авж отига минган комфирқа тарихчи олимларни қаттиқ танқид қилиб,,,Бизда тарих масалаларида яна бошқа муҳим камчиликлар ҳам бор. Ўзбекистон тарихи совет даври ҳақида бирорта ҳам йирик асар ёзилган эмас.,, Ўзбекистон халқлари тарихи“нинг совет даврига бағишланган III жилди ва,, Ўзбекистон КП(б) тарихи очерклари“ жуда секин ёзилмоқда.

Бизнинг тарихчиларимиз ВКП(б)нинг раҳбарлик ва йўл кўрсатувчилик ролини, Ўзбекистонни социалистик негизда ўзгартиришда буюк рус халқи, ВКП(б) Марказий Комитети, улуғ йўлбошчиларимиз Ленин ва Сталин берган ғоят катта ёрдамини ҳар томонлама кўрсатиб беришга алоҳида эътибор қилишлари керак“ [12] дея олимларга тарихни қандай ёзиш кераклиги ҳақида махсус,,кўрсатма“ берилди.

Орадан кўп ўтмай 1952 йил 17 мартда Ўзбекистон КП(б) МҚ бюросининг 1950 йил 1 сентябрдаги,,ЎзССР Фанлар академиясининг иши тўғрисида“ги қарорининг қониқарсиз бажарилаётгани ҳақида“ қарор қабул қилинди.

Унда тарихчи А.Бобохўжаев, файласуф В.Зоҳидов, адабиётшунос О.Усмонов, ёзувчи Ойбек, Ҳ.Ёқубов ва бошқаларга оғир айблар қўйилди.

Мустабид тузумнинг қонсираган қатағон тегирмони яна шиддат билан айлана бошлайди.

Ўзбекистондаги илм – фан учун ана шундай оғир бир даврда унга етакчилик қилиш Ҳабиб Абдуллаевга юклатилди. У ниҳоятда зиёли, миллатпарвар шахс эди. 1958 йилда Ҳ.Абдуллаев СССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланди. 1960 йилда СССР Министрлар Совети қошидаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари бериш комитетининг аъзоси, Франция Геология жамияти аъзоси, Буюк Британия Минерология жамияти ҳақиқий аъзоси бўлди.

Ўз даврида у Н.С.Хрушчёвнинг назарига тушганди. Ҳабиб Абдуллаев билан узоқ вақт суҳбатлашиб, Бу йигит менга Ўрта Осиёни кашф этди дея юксак баҳо берганди.[13]

Шу йилларда Ҳабиб Абдуллаевнинг ёнида вице – президент сифатида фаолият юритган Иброҳим Мўминов у билан ҳаммаслак, ҳамфикр сифатида жуда кўп савоб ишларни қилдилар. Ана шу саъй – ҳаракатнинг натижаси ўлароқ кўплаб ёшлар Москва, Ленинград каби шаҳарлардаги нуфузли институт ва университетларга талаба ва аспирант сифатида юборилган. Кейинроқ ана шу ёшлар Фанлар академиясида шу пайтгача ҳукм суриб келган турғун бир вазиятни ўзгартириб юборди. Ўзбек фанининг номи жаранглай бошлади. Шахссизлик гирдобида шахс бўлиб яшаш ниҳоятда мушкул.

Ўзбек халқининг бу буюк икки фарзанди илм – фан учун кўп ишлар қилиши мумкин эди. Лекин, замона,,зўрлари“ Р.Мельников,Зоя (Зуҳра) Раҳимбобоева ва уларнинг бошқа, шотирлари Ҳ.Абдуллаевни 49 ёшида умрини хазон қилди. И.Мўминов домла эса қачадан – канча армонлари кўнглида қолиб 66 ёшда ҳаётдан кўз юмишди.

Таниқли олим, академик Наим Каримов ёзувчи Р.Рауповнинг Ҳ.Абдуллаев ҳақидаги роман – хотира китобига сўнги сўзида шундай ёзади:,,Шуниси ачинарлики, инсон қанчалик юксакка кўтарилса, унинг оёғидан тортувчи кимсалар шунчалик кўп бўлади. Бундай кимсалар жамият тараққиётига тўғаноқ бўлиб турган унсурларга эмас, балки ўзининг улкан меҳнати билан, илмий ва ижодий салоҳияти билан шу жамиятга фойда келтираётган шахсларга қарши бирлашадилар. Ҳабиб Абдуллаев яшаган замон эса бундай ғаламисларнинг

ҳатти – ҳаракати учун катта майдон яратибгина қолмай, айни пайтда уларни уюштириб ва йўналтириб ҳам турди“.[14]

1953 йил мартидан Сталиннинг ўлими билан даҳшатли бир давр якун топди. Хрушчёв,,оттепель“и (истилоҳ ёзувчи Илья Эренбург томонидан биринчи истеъмолга киритилган) бошланди.

Н.С.Хрушчёвнинг,,Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатлари тўғрисида“ги маърузаси КПССнинг XX съезд“нинг ёпиқ мажлисида тингланди. Маърузада тарихий адолатни тиклаш, партия сиёсатида шахсга сиғиниш оқибатларининг зарари ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди. Жамиятда аста – секинлик билан эврилишлар бошланди.

Ана шундай шароитда 1956 йил 10-13 октябрда Тошкентда Республика зиёлиларининг I съезди чақирилади. Мазкур съезд ташаббускорларидан бўлган Н.Муҳитдинов ўз хотираларида ёзади.,, Ўша даврда Республика аҳолиси 8 миллионга яқин кишини ташкил этган. Зиёлиларнинг сони тубандагича бўлган. Рассомлар уюшмаси 80 аъзо ва 25 аъзоликка номзоддан иборат. Композиторлар уюшмаси 26 аъзога эга эди. Ёзувчилар уюшмаси 100 дан зиёд таниқли адиблар, шоирлар, драматургларни ўз сафларида бирлаштирганди. Техник зиёлиларнинг ташкил топиши муҳим мувоффақиятлардан ҳисобланарди. Ўша йили бизда олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган 125 минг киши ишларди. Шундай қилиб, Ўзбекистон зиёлилари анчагина салмоқли армияни ташкил этарди; унинг таркибида 25 минг муҳандис ва техник, 10 минг агроном, заотехник, ирригатор, 24 минг шифокор, 60 мингдан зиёд ўқитувчи ва бир неча минг ижодий зиёли бор эди.

...Съездга 1200 делегат сайланди. Буларнинг сафларида Академиянинг 39 академиги ва мухбир аъзолари (И.Мўминов съезднинг президиум аъзоси бўлган), 89 фан докторлари ва 165 фан номзодлари, 249 муҳандис ва техниклар, 274 олий ўқув юртлари ва маориф ходимлари, 17 ёзувчи, 52 санъат арбоби, 108 шифокор – Ўзбекистонда яшовчи 20 дан зиёд вакиллари бор эди“.[15]

Съездда асосий битта масала КПСС XX съезди ва Ўзбекистон зиёлиларининг вазифалари муҳокама қилинди. 40 дан зиёд киши сўзга чиқди. Республика зиёлиларига, бутун халқига Мурожаат қабул қилинди.

Йиғилишда ноҳақ репрессияга учраган қурбонлар ҳақида очиқ ахборот берилди. Н.Муҳитдинов маърузаси бўйича Марказқўм Бюро аъзолари ўртасида ихтилоф келиб чиқди. Марказқум иккинчи котиби Р.Е.Мельников оқланган шахсларнинг номларини ва оқлаш жараёнининг бориши ҳақидаги жумлаларни умуман ўчириб ташлашни таклиф қилган. Лекин Н.Муҳитдинов ўз фикрида қолган.

Урушдан кейинги йилларда мамлакатда ва Ўзбекистонда, айниқса, адабиёт ва санъат, маданият соҳасида ҳаддан ошишлар бўлган. Миллатчи, аксилсоветчи сифатида шубҳа остига олинган йирик олимлар, шоирлар ва ёзувчилардан иборат 60 кишилик рўйхат тузилгани, бу рўйхатни қандай қилиб бекор қилинганлиги ва одамларни бўҳтон – туҳматдан қутқаришга муваффақ бўлганлиги ҳақида Н.Муҳитдинов кейинчалик хотираларида ёзади.

Давр ўзгараётган эди. 1952 йил ЎзКП(б) МҚнинг X Пленумидаги қатағонлардан фарқли ўлароқ, зиёлилар съездида ҳар бир халқнинг тарихи, унинг яқин ўтмиши ва ҳозирги аҳволини баҳолашда янгича ёндашиладиган бўлди.,, Минг йиллик тарихга, ўзига хос маданиятга эга умуминсоний қадриятнинг нуфузли қадимий бешикларидан бири бўлган, дунёга юзлаб мутафаккирлар, олимлар, шоирлар, ёзувчилар, давлат арбоблари, саркардалар ва бошқа буюк шахсларни берган Ўрта Осиё халқларининг (бошқа халқлар каби) тарихини ёппасига ёмонлаш ва уни менсимасликни қатъий даф қилиш зарур бўлиб, энди буларнинг ҳаммасини қайтадан ўрганиш, уларнинг тарихдаги муносиб ўрнини қайтадан тиклаш керак эди, илло миллий ифтихорни тўғри тараққий эттириш, энг аввало, ана шунга асосланади“.[16]

Юқорида келтириб ўтган тарихий воқеаларни Иброҳим Мўминов бевосита иштирокчиси бўлган.

,,Давр – менинг тақдиримда “ деган ибора бор. И.Мўминов ана шундай оғир давр синовларига бардош бериб, илм – фанга ҳалол хизмат қилди. XX аср ўзбек фанида ўзига хос ном ва из қолдирди.

Республикада фалсафа фанининг ўқитилиши ҳамда бу соҳада илмий–тадқиқотларнинг янги даври Иброҳим Мўминовдан бошланганини бугун кўпчилик эътироф этади, албатта.

,, У киши дея ёзади профессор О.Файзуллаев, совет мафкураси ҳукмрон бўлган замонда миллий ифтихоримизни илмий равишда жаҳон миқёсига кўтаришни Ўзбекистон Фанлар академияси вице – президенти сифатида ўзининг асосий илмий ташкилотчилик вазифаси деб билди. Барча ижтимоий фанлар соҳасида бу вазифани бажариш ҳар бир олим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биларди. Бу ишлар осон кўчмади, албатта. Қалтис иш ёмон натижаларга олиб бормаслиги учун устоз усталик билан, байналминалликни ривожлантириш учун, аввало, миллийликни бойитиш зарур, деган услубда иш олиб бордилар. У кишининг шогирдлари бўлган бизлар бу йўлнинг ниҳоятда оқилона эканлигини тушунар эдик “. [17]

Азим тоғларнинг виқори узоқдан яхшироқ кўринади, деганларидек И.Мўминов домла яшаган даврдан қанчалик узоқлашмайлик улар қолдирган мерос шунчайин улуғворлик касб этиб бораверади. Домла умр мазмунини эл–юртга ҳалол хизмат қилишда деб билгани шубҳасиз.

Умр узоқ яшаш билан эмас, балки мазмунли яшаш билан ўлчанади, абадиятга муҳрланади.

Домла қисқа умри давомида миллат учун кўп ишлар қилишга улгурди.

1957 йилда унинг ташаббуси билан Тарих ва археология институтидаги Фалсафа ва ҳуқуқ шуъбаси асосида Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида фалсафа ва ҳуқуқ бўлими очилади. 1958 йилда Ўзбекистон ФА ҳузуридаги Фалсафа ва ҳуқуқ бўлими асосида Фалсафа ва ҳуқуқ институти очилади. Бу институтнинг очилиши ва илмий йўналишни белгилашда унинг биринчи раҳбари Иброҳим Мўминовнинг роли ниҳоятда катта бўлади.

1959 йилда,,Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий – фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар“ ўзбек тилида нашр этилади. Китобда Ибн Сино, Беруний, Умар Ҳайём, Улуғбек, Бедил каби мутафаккирлар асарларидан намуналар берилган.

И.Мўминов феноменининг энг муҳим нуқталаридан бири шубҳасиз миллий тарихий меросга муҳаббат ва уни бор бўйи билан тиклаш бўлди. 1958 – 1968 йилларда И.Мўминовнинг бевосита раҳбарлиги остида ва фаол иштирокида Абу Али Ибн Синонинг беш жилдлик,,Тиб қонунлари“ китоби, Абу Райҳон Берунийнинг,, Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар“,,,Ҳиндистон“ ва,,Геодезия “ асарлари, Хоразмий, Фаробий, Наршахий, Байҳақий, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг асарлари чоп этилди.

1958 йилда Ўзбекистон ФА нашриёти И.Мўминов, В.Зоҳидов, М.Хайруллаев, Ҳ.Расулов, А.Ортиқов, Ж.Бобоев томонидан ёзилган ўзбек тилидаги биринчи фалсафа дарслигини босмадан чиқарди.

Фан инсон руҳини юксалтирадиган улуғ йўлдир. Домла И.Мўминов ўзининг ҳаётидаги барча ютуқларини, ташвишларини фандан айро билмас эди.

,,Синфий курашга асосланган жамиятида,,холис “ ижтимоий фан бўлиши мумкин эмас “. [18] Тарих фани партиявий бўлган ва шундай бўлиб қолади – дея,,доҳий “ Ленин,,сабоқ “ берган.

Марксча – ленинча методология бутун ижтимоий фанларни ўз исканжасига олган бир шароитда И.Мўминов таҳрири остида ва иштирокида тарих ва адабиётшуносликка оид бир қатор ишлар чоп этилди. Ўзбекистон тарихи бўйича тўрт жилдли китоб, бир жилдли қомусий нашр, икки жилдли,,Самарқанд тарихи “ шулар жумласидандир.

Бу китоблар ўша оғир мафкуравий шароитда ёзилганига қарамай, ўз илмийлиги, фактик материалларга бойлиги билан ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Фалсафа фанининг жамият ҳаётидаги ўрни беқиёс. Таассуфки,,,совет – рус фалсафаси, фалсафий фикр йўналиши на фақат Ғарб ва Шарқ фалсафасини бир – бирига қарама – қарши қўйиш, балки барча фалсафий оқимлар, мактабларни марксча –ленинча деб аталган

фалсафага қарама – қарши қўйиш билан тавсифланадики, бундай методология амалда фалсафий фикрлар турғунлигини барқарор қилиб қўйди ва асосан бир андоза доирасида (стандарт) файласуфлар авлодини тарбиялаб вояга етказди. Ўша фалсафа большевистик мафкура дастёрига айланиб, ўзига хос мутаассиблик дини сифатида намоён бўлди. Бундай фалсафа намоёндаларининг кўпчилиги ўзлари буни хоҳламаган ҳолда нафақат фалсафа фанида, шу билан бирга ижтимоий ва гуманитар фанларда ақидапараст – харфхўрлар ва фундаменталистлар сифатида майдонга чиқдилар. Улар фалсафага компаративистлар (қиёсловчилар) нинг ўз вақтида огоҳлантиришларига қулоқ солмадилар, "буржуа мафкурачилари" деб уларга тавқилаънат тошларини отишдан нарига ўта олмадилар. Натижада илмийликдан узоқлашиб, чинакам совет мафкураси югурдакларига айланиб қолдилар.[19]

Шундай шароитда И.Мўминов мавзуни мозийдан танлаб, кўҳна Шарқ ижтимоий фалсафий фикрлар тарихини ўрганишга бел боғлайди. Ўзидаги кўп саволларга ўтмиш мутафаккир файласуфлар асарларидан жавоб излайди.

И.Мўминов,,Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ " деган ўзбек ота сўзига амал қилиб, миллий ифтиҳорларни ўрганишдек қалтис иш ёмон натижаларга олиб бормаслиги учун усталик билан, дипломатик услубда иш олиб бордилар.

Домла Ўзбекистон, Ўрта Осиёда яшаб ижод қилган олимларимиз меросини кенгроқ ўрганиш мақсадида Самарқанд, Душанбе, Москвада махсус илмий конференциялар ташкил этдилар.

Машҳур донишмандлардан бири,,Кишининг қалби унинг қилган ишларида акс этади " дея ёзган эди. Дарҳақиқат, академик И.Мўминов бир умр халқ манфаати учун заҳмат чекди. Ундан катта бир илмий мактаб мерос қолди.

,,Доно одамнинг хислати уч нарсада намоён бўлади: биринчиси, бошқаларга берган маслаҳатига ўзи амал қилади, иккинчиси, ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормайди ва учинчиси, ўз атрофидаги одамларнинг нуқсонларига сабр – тоқат билан чидайди " [20]. Буюк рус ёзувчиси Лев Толстойнинг бу қайдлари айни донишманд Иброҳим Мўминовнинг суврати ва сийратидаги нозик ҳилқатларни акс эттириши шубҳасиз.

Иқтибослар/Сноски/Refereces:

1. Likhachev Dmitry. Selected Works on Russian and World Culture. St. Petersburg, 2006, st 370;
2. Khasanov B. National intelligentsia of Uzbekistan and historical processes 1917 - early 50s T, 2000. Art 170;
3. Gulomova M. Perfection of Uzbek intellectuals. T, 1992;
4. Valiev A. Formation and development of the Soviet intelligentsia in Central Asia. T, 1965;
5. Akilov K, Gulyamova M. Soviet intelligentsia of Uzbekistan in 2 volumes, T, 1978;
6. Science in Uzbekistan in 2 volumes, T, Fan, 1974 volume 2 Social sciences.
7. Kormilitsyn A. Essays on the history of intelligence and prosperity of Uzbekistan since ancient times, T. 2003
2. Erkin Vohidov. Suffering Tashkent, Uzbekistan, 1992, pp. 80-81
3. Georges Orwell1984, T.2020
4. Shakhnoza Madaeva. Identity anthropology. Tashkent,, NOSHIR ", 2015. 145 pages.
5. The modern uzbeks. Edward A Allworth / Edward Allworth's book, Modern Uzbeks: Old and New Modernity (Part 2). Translated from the English by Zaynab Muhammad Dost. Master of International Relations, Westminster University, Independent Analyst, London, UK, 2019. /www.uzanalitics.com
6. Naim Karimov. Causes and factors of the "Great Massacre". Tashkent,, Fan "2013, 67 pages
7. Nuritdin Muhitdinov My years in the Kremlin I book Tashkent,, Uzbekistan "1995
8. D.A. Alimova. History as history, history as science. T, "Uzbekistan" 2008. Vol. 1, p. 94.
9. Shuhrat Ergashev. Erk istar ko'ngil.T,,, Uzbekistan "2017, 6 pages

10. Uzbekistan during the Soviet colonial period., T, Sharq, 2000, 513 pages
11. Red Uzbekistan. 1952, 24 February.
12. Red Uzbekistan. 1952, 24 February.
13. Nuritdin Muhitdinov My years in the Kremlin I book Tashkent,, Uzbekistan "1995, 265 pages
14. R.Raupov. Column. T, Science and Technology, 2005, 235 pages.
15. Nuritdin Muhitdinov My years in the Kremlin Book I Tashkent, Uzbekistan 1995, 267 pages
16. Nuritdin Muhitdinov My years in the Kremlin Book I Tashkent, Uzbekistan 1995, 275 pages
17. Omonulla Fayzullaev. "El ardoqlagan olim", Voice of Uzbekistan newspaper, October 23, 2003
18. Complete Works of V.I Lenin. 23 vol. 45 pages.
19. Ibrahim Karimov. Spirituality, philosophy and life. T. Fan, 2007, 187 pages.
20. V.Vorontsov. Tafakkur gulshani. T, 1981, 184 pages.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Акмал Ғаниевич Муҳаммадиев,
Миллий археология маркази
кичик илмий ходим
muhammadiyev.kml@gmail.com

ПАЛЕОЛИТШУНОСЛИКДА ХОМ-АШЁДАН ФОЙДАЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ЎРГАНИЛИШИ (МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ)

For citation: Akmal G. Mukhammadiev, EXPLORING THE USE OF RAW MATERIAL STRATEGIES IN THE PALEOLITHIC (ANALYSIS OF METHODS). Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.353-358

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-47

АННОТАЦИЯ

Палеолит даври индустрияларини ўрганишда турли хил тадқиқот усуллари қўлланилган. Маълумки ушбу тадқиқот методлари доимий равишда такомиллашиб бориб, янги тадқиқот йўналишларига ҳам асос солинган. Шунингдек, тадқиқот методларининг шаклланишида тарихни ёритишдаги ёндашув ва концепцияларнинг ҳам ўз ўрни бўлган. Мақолада тадқиқот методлари ва концепцияларнинг такомиллашиб бориши таҳлил қилинади. Хом-ашёдан фойдаланиш стратегияси концепцияси билан боғлиқлиқ бўлган замонавий тадқиқот усулларининг аҳамияти кўрсатиб берилади.

Калит сўзлар: методлар, палеолит, хом-ашё стратегияси, типология, технология, экспериментал трасология, хом-ашё бирликлари.

Акмал Ганиевич Мухаммадиев,
Национальный археологический центр
младший научный сотрудник
muhammadiyev.kml@gmail.com

ИЗУЧЕНИЕ ИЗПОЛЬЗОВАНИЕ СЫРЬВОЙ СТРАТЕГИИ В ПАЛЕОЛИТЕ (АНАЛИЗ МЕТОДОВ)

АННОТАЦИЯ

При изучении палеолитических индустрий использовались различные методы исследования. Известно, что эти методы исследования постоянно совершенствуются и открываются новые направления исследований. В формировании исследовательских методов немалаважную роль сыграли различные подходы и концепции. В статье анализируется развитие методов и концепций исследования. Подчеркивается важность современных методов исследования, связанных с концепцией стратегии использования сырья.

Ключевые слова: методы, палеолит, сырьевая стратегия, типология, технология, экспериментальная трасология, сырьевые единицы.

Akmal G.Mukhammadiev
National Archaeological Center
junior researcher
muhammadiyev.kml@gmail.com

EXPLORING THE USE OF RAW MATERIAL STRATEGIES IN THE PALEOLITHIC (ANALYSIS OF METHODS)

ABSTRACT

In the study of the Paleolithic industries, various research methods were used. It is known that these research methods are constantly being improved and new research directions are being opened up. Numerous approaches and concepts have played an important role in the formation of research methods. The article analyzes the development of research methods and concepts. The importance of modern research methods related to the concept of a strategy for the use of raw materials is being emphasized.

Key words: methods, Paleolithic, raw material strategy, typology, technology, experimental traceology, raw material units.

1.Долзарблиги:

Бугунги кунда палеолитшуносликда замонавий тадқиқот методлари ва ёндашувларнинг катта қисми хом-ашёдан фойдаланиш стратегияси тушунчаси билан боғлиқ. XIX-асрнинг 70-йилларида петроархеологияга асос солиниши билан соҳада бошланган ўзгаришлар, 70-90-йилларда янги илмий қарашларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Муаммони ўрганишга йўналтирилган алоҳида илмий тадқиқотчилик тизими яратилди, такомиллашди ва улар билан боғлиқ тушунча ҳамда атамалар шаклланди. Хом-ашёдан фойдаланиш стратегиясини ўрганишда қўлланилаётган тадқиқот усуллари турлича номланади ҳамда уларнинг юзага келишига турли концепциялар асос бўлган. Шу туфайли бевосита методларнинг ривожланишини ўрганиш концепцияларни таснифлашни ҳам талаб қилади. Мақолада ушбу тадқиқот методлари ва концепциялар ривожланишига тўхталиб ўтамиз.

2.Методлари:

Мавзуни тадқиқ этишда тарихийлик, объективлик, хронологик кетма-кетлик ва тарихий изчиллик тамойилларидан фойдаланилди.

3.Тадқиқот натижалари:

Тадқиқот усулларини такомиллашиб боришини шартли равишда бир нечта босқичга ажратиш мумкин. Дастлабки босқич 1970-йилгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олади. Ушбу даврда индустрияларни ўрганишда қўлланилган таҳлил усуллари энди шакллана бошлаган бўлиб, улар ҳали тизимлаштирилмаган эди. Расмий равишда илк тадқиқот методи сифатида типология қайд этилади [5]. Лекин тадқиқотларда типология билан бир қатор бошқа усуллар ҳам биргаликда қўлланилган. Масалан, индустриядаги қурол типларини ажратишда уни ишлаб чиқариш техникаси (технологик) ва қандай вазифада фойдаланилганлик (функционал) масаласига тўхталиб ўтишган. Европа палеолитшунослигида типологик ва экспериментал тадқиқотлар ягона жараён сифатида ривожланган бўлса, собиқ иттифоқда узаро бир-бирига боғлиқ ҳолдаги алоҳида соҳа сифатида қаралди. Америка палеолитшунослик мактабларида экспериментал ва этнографик ёндашув устун бўлиб, типологик метод кенг қулланилмади. Палеолитшунослик мактаблари шаклланишининг илк босқичига хос бўлган ушбу фарқланиш хусусияти, илмий изланишларнинг кейинги ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

1930-йилда С. А. Семенов томонидан эксперимантал-трасологияга асос солиниши билан типологик методнинг ягона тадқиқот усули сифатидаги устуворлигига чек қўйилди. Эндиликда маълум турдаги қуролларнинг қай тартибда ясалганлиги ва қандай вазифаларни бажарганлиги масаласига аниқлик киритиш имкони пайдо бўлди. Типологик, эксперимантал ва функционал трасологик методларнинг ривожланиши билан янги тадқиқот усули

технологик методга асос солинди. Технологик методга оид илк хулосаларда учринди-йўнилғалар шакли ва ишлаб чиқариш техникаси ўртасидаги боғлиқликка эътибор қаратила бошланди.

Хом-ашёдан фойдаланиш масаласи дастлаб типологик метод доирасида кўтарилган эди. Бунда қуроллар морфологиясидаги фарқларнинг юзага келишига сабаб сифатида хом-ашё сифати кўрсатилди. Бу борадаги дастлабки фикрлар Г. А. Бонч-Осмоловскийга тегишли [4]. Экспрементал ва функционал трасологиянинг ривожланиши билан хом-ашёнинг табиий-физик хусусиятларига боғлиқ бўлган технологик ва функционал талаб ҳақидаги фикрлар илгари сурилди [3]. Қуролларни фақат морфологик хусусиятларига кўра эмас, балки технологик ва функционал жиҳатдан ҳам тадқиқ этиш талаби қўйилди. Айнан шу жараёнда хом-ашёнинг қуроллар морфологиясига таъсири ўрганила бошланди. Эндиликда қуроллар морфологиясининг хом-ашё хусусиятлари билан боғлиқлиги ҳақидаги фикрлар анча асосли тарзда баён этилди.

Маълумки тошга ишлов бериш жараёни тоғ жинсларининг хусусиятига боғлиқ бўлган. Қуролларга хом-ашёнинг табиий-физик хусусиятлари имкон берган технологик усулларда ишлов берилган. Бунда қуроллар морфологияси қадимги устанинг мақсади ва хом-ашёнинг табиий хусусиятлари билан чегараланган технологик талаб томонидан бошқарилади. Қуроллар морфологияси устанинг ҳоҳиши ва мақсадига боғлиқ ҳолда шаклланган бўлсада, аслида бу жараён устага маълум бўлган хом-ашёнинг табиий-физик хусусиятларидан фойдаланиш эди. Тадқиқотларнинг аҳамиятлилиги, деярли бир хил ёки бир-бирига яқин бўлган изотроп тоғ жинслари хусусиятларидан қадимги усталарнинг қай даражада фойдалана олганлигини аниқлашда ҳам эди [2]. Аниқланган хулосалар эса қадимда усталар тошга ишлов бериш жараёнида хом-ашё танловини амалга оширганлигини кўрсатар эди.

Тошга ишлов бериш жараёнида хом-ашёнинг табиий хусусиятлари алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ва бу борада танлов амалга оширилганлиги ҳақидаги илмий хулосалар масалага чуқурроқ ёндашиш талабини қўйди. Натижада 1970-йилларда петроархеология соҳасига асос солинди. Ушбу метод 1970-80 йилларда Францияда П.-И. Демарс [8; 9], собиқ иттифоқда В. Ф. Петрунь тадқиқотларида кенг қулланила бошланди.

Лекин, соҳадаги тадқиқотлар ҳам хом-ашёдан фойдаланиш борасидаги муаммоларга узил–кесил аниқлик кирита олмади. Асосий мунозарали ва ечимсиз масала фойдаланилган хом-ашё хусусиятларини аниқлаш тартиби ва мезонларида эди. Таҳлил ёндашуви ва методлар хом-ашёдан фойдаланишда танлов қайси мезонларга таяниб амалга оширилганлигини аниқлаб бера олмади. Яъни, танловда кўпроқ хом-ашё сифати аҳамиятли бўлганми ёки унинг миқдорига қараб танлаб олинганми деган муаммо ўз ечимини топмади.

В. Ф. Петрунь тоғ жинсларининг хом-ашё сифатидаги яроқлилик даражасини объектив кўрсатиб берувчи ягона мезонлар тизимини яратишга ҳаракат қилди. Унинг тадқиқотлари экспериментал таҳлилга асосланган бўлиб, тоғ жинсларини босимга чидамлилигини баҳолаш орқали уларнинг мустаҳкамлиги ва чақмоқлашга яроқлилигини аниқлашга қаратилган [6]. Лекин алоҳида турдаги тоғ жинс учун олинган натижалар кўрсаткичидаги катта фарқ ва уларнинг чақмоқлаш жараёнида кескин ўзгариши ушбу ёндашувни археологик коллекцияларни ўрганишга қуллаш самарадорлигини йўққа чиқарди. Шунингдек бу кўрсаткичлар қайроқтош ҳолидаги хом-ашё хусусиятларига ҳам мос эмас эди. Натижада хом-ашёнинг сифати ва уни саралашнинг ҳар бир ҳолат учун алоҳида баҳолаш мезонлари тизимини яратишга эҳтиёж туғилди. Бошқа бир тадқиқотчи П.-И. Демарс ҳам хом-ашёси турларини таққослашда визуал таҳлил энг самарали метод бўлиб қолаётганлигини таъкидлаб ўтди [12]. Натижада тадқиқот усулларини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш, улардан янгича йўналишда фойдаланиш зарурати келиб чиқди.

Инглиз-америка этноархеология мактабларида хом-ашё стратегияси экологик муҳитни ўзлаштириш муаммоси доирасида ўрганилади. Илмий тадқиқотлар йўналиши ўзлаштириш ёки яшаш интенсивлиги концепцияси тушунчаси билан ифодаланади [10]. Тош хом-ашёси манбалари экологик муҳитни ўзлаштиришдаги омиллардан бири сифатида

қаралади. Хом-ашё манбалари ва манзилгоҳ ўртасидаги ҳудудий боғлиқлик ҳамда масофа жамоалар томонидан ўзлаштирилган ҳудудларни белгилаш учун манба бўлиб хизмат қилади. Ўзлаштириш интенсивлигида тошга ишлов бериш жараёнининг давомийлигига алоҳида эътибор қаратилиб, у манзилгоҳларда яшаш босқичлари ва суръатини аниқловчи мезон вазифасини ўтайди. Индустриялар иккита алоҳида технологик босқич сифатида ўрганилади ҳамда артефактлар "нуклеусларни чақмоқлаш стратегияси" ва "қуроллардан фойдаланиш стратегияси" тушунчалари доирасида таҳлил қилинади.

Француз тилидаги илмий адабиётларда моҳияти жиҳатидан яқин бўлган "chaîne opératoire" – ишлаб-чиқариш занжири концепцияси юзага келди. Концепция Анри Леруа-Гуран томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, асосан Ж-М. Женест ва Э. Бойдо томонидан тош буюмларни тадқиқ этишга мослаштирилди [7; 11; 13]. Ушбу қарашларга кўра хом-ашёни танлаш стратегияси, нуклеусларни чақмоқлаш стратегияси ва қуроллар ишлаб чиқаришдан уларни ташлаб юборишгача бўлган жараёнларда ўзгаришлар кетма-кетлиги муҳим аҳамият касб этади. Концепция тош буюмлар шаклини ўзгаришида илк тажриба-синов аҳамиятига эга бўлган йўнилғини олишдан тортиб то қуролларни охирги тузатиш босқичигача бўлган жараёнларни бир бутунлигини таъкидлайди.

Хом-ашё стратегияси асосини юқорида санаб ўтилган иккала концепциялар ташкил этади. Бугунги кунда индустрияларни тадқиқ этишда ўзининг мукаммал илмий тавсифи туфайли хом-ашё стратегияси концепцияси кенг қулланилаётган бўлсада ўзлаштириш интенсивлиги концепцияси ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмади.

Юқорида санаб ўтилган концепциялар доирасида бир қатор тадқиқот методлари яратилган. Моҳиятдан бир-бирига яқин бўлган ушбу таҳлил усуллари номланиши бир-биридан фарқ қилади. Хом-ашёдан фойдаланиш стратегияси бугунги кунда иккинчи тартибли ремонтаж (second order refit), "чамаланган кичик хом-ашё бирлиги миқдори таҳлили" (minimum analytical nodule analysis), алоқадорликни аниқлаш методи (la méthode des rapprochements), хом-ашё гуруҳлари ёки хом-ашё бирликлари методи (raw material group, raw material unit), трансформацион таҳлил (transformation analysis) каби таҳлил усуллари доирасида ўрганилмоқда. Ушбу тадқиқот усулларини умумий ном билан хом-ашё бирликлари методи деб номлаш мумкин [1].

Таҳлилий ёндошув ва натижаларни солиштиришдаги сезиларли фарқни ҳисобга олмаганда методларнинг қуллаш алгоритми деярли бир хил. Яъни хом-ашё бирлиги бўйича саралаш ҳамда аниқ технологик ва планиграфик боғлиқликни ўрганиш. Ёки манзилгоҳ маданий қатламларидаги хом-ашё бирликларини транформацион кетма-кетлигини қайта тиклаш ва планиграфик боғланиш сифатида аниқ технологик алоқадорликни ўрнатиш, маълум доирадаги технологик жараённинг тўлиқлигини баҳолаш. Соддароқ қилиб тушинтирганда коллекция таркибидаги артефактлар ранги, тузилиши ва бошқа шу каби петрографик хусусиятлари ҳамда уларнинг юзасидаги негатив изларига қараб хом-ашё гуруҳларига ажратилади. Технологик ва планиграфик таҳлил ҳар бир гуруҳда алоҳида юритилади. Тадқиқотлар ишлаб чиқариш жараёнидаги мавжуд ва етишмаётган элементларни аниқлаш имконини беради. Натижада манзилгоҳга олиб келинган ва чиқиб кетган маҳсулотлар оқими, тури, босқичлари ва суръати ҳамда усуллари ҳақида ҳам малумотлар олиш мумкин. Бугунги кунда хом-ашё бирликлари методини қуллаш натижасида олинган хулосалар ишончлилигини баҳолаш талаблари ишлаб чиқилган. Хулосалар петрографик, планиграфик ва технологик методни комплекс қуллаш натижасида қулга киритилганда самарадор бўлиши белгиланган.

Хом-ашё бирликлари методи 1970-йилларда асос солинган ремонтаж методига яқин. Шу туфайли европа палеолитшунослигида мазкур методнинг шаклланиши ва қулланилиши кўпроқ ремонтаж усулидан кенг фойдаланилган илмий тадқиқотлар билан боғлиқ. Ремонтаж усулидан фарқли равишда хом-ашё бирликлари методи кенг доирадаги технологик жараённи қайта тиклайди. Ремонтаж методида артефактларни бир-бирига бирикиши (аппликация) кўзатилиб, у тор доирадаги технологик жараённи намоён қилади. Хом-ашё бирликлари методида эса гуруҳлардаги алоҳида элементлар ўртасида узаро бирикиш ҳолати кўзатилиши

шарт эмас. Бунда узаро бирикмайдиган элементлар ҳам петрографик белги-хусусиятига кўра битта маълум бир хом-ашё бирлигига мансуб бўлиши мумкинлиги инкор этилмайди ҳамда битта гуруҳга киритилиши мумкин. Ремонтаж методи хулосалари эса орқали қўлга киритилган натижаларни солиштириш ва тасдиқлаш учун зарур.

Хом-ашё бирликлари методи кўпроқ хом-ашё хусусияти турлича бўлган манзилгоҳларда қўлланилганда яхши самара бериши мумкин. Артефактлар гуруҳларга макро ва микроскопик ҳолда аниқлаштириладиган петрографик белги-хусусиятлари - ранги, тузилиши, юза қисми ва бошқалардан келиб чиқиб ажратилади. Алоҳида маълум бир хом-ашё бўлагидан олинган артефактлар тўплами хом-ашё гуруҳлари, хом-ашёдан синдирилган бир артефактга нисбатан эса хом-ашё бирлиги атамаси қулланилади. Ушбу ҳолатда хом-ашё бирликлари ва ремонтаж методи бир-бирини тулдирган ҳолда, маданий қатлам тузилишини таҳлил қилишда яхши натижа беради ҳамда маданий қатламни археологик манба сифатидаги ишончлилигини белгилайди. Аввалги тадқиқотлардан фарқли равишда артефактларнинг битта хом-ашё гуруҳи доирасида тўплам ҳосил қилиши хулосаларни анча ишонарли ва асосли тарзда баён қилиш имконини беради. Планиграфик қайта тиклаш манзилгоҳ маданий қатламлари сатҳида битта хом-ашё туридан олинган артефактларни жойлашиш хусусиятини ўрганиш орқали, ишлаб чиқаришнинг аниқ бир технологик жараёнида узаро боғлиқликни аниқлашга қаратилади. Артефактларни хом-ашё турлари бўйича ажратиш ва маданий қатлам сатҳида жойлашуви боғлиқлигини ўрганиш манзилгоҳда инсонлар яшаш интенсивлиги, кичик даврий босқичлар орасидаги фарқлар, маданий қатламларга постдепозицион жараёнлар таъсири ҳақида хулосалар чиқариш имконини беради. Артефактлар ўртасидаги аниқланган асосли боғлиқлик ҳолати мураккаб тузилишли кўп қатламли ёдгорликлар, бузилган қатламлар ҳамда кам сонли топилмага эга манзилгоҳларни ўрганишда анча самарали қулланилиши мумкин.

Хом-ашё бирликлари методини қуллаш орқали ёдгорлик маданий қатламлари ўрганилганда (алоҳида хом-ашё турларига мос тош артефактларнинг маданий қатлам сатҳида тарқалиши ва аниқланган боғлиқликнинг ҳудудий тақсимоти) манзилгоҳда яшаш интенсивлиги, динамикаси, алоҳида даврларга тегишли комплексларни бир-биридан фарқлаш, постдепозицион жараёнларнинг коллекциялар таркиби ва маданий қатламлар шаклланишига таъсири, хом-ашёдан фойдаланиш стратегияси ва транспортировка усуллари, экологик минтақаларни ўзлаштириш фаолиятининг ташкиллаштирилиши масалаларини ўрганиш мумкин.

4.Хулосалар:

Олиб борилган изланишлар хом-ашё бирликлари методида таҳлилий ёндашув бир қатор ўзига хосликка эга эканлигини кўрсатмоқда. Таҳлил жараёнида бажариладиган вазифаларни фарқлаш ва хом-ашё методи билан ишлашнинг таянч алгоритмлари асосида олинган маълумотларни кўздан кечириш усуллари доимо бир хилда амалга оширилади. Яъни, артефактларни петрографик белгиларига кўра аниқ кетма-кетлик ёки мезонлар асосида ажратиб олиш, технологик боғлиқликни планиграфик боғлиқлик билан таққослаш ёки манзилгоҳ ҳудудида алоҳида хом-ашё бирлигининг трансформацияси босқичларини қайта тиклаш, тор доирадаги технологик таркибни тўлиқлигини баҳолаш ҳамда олинган маълумотлардан мобиллик тизими ва импорт-экспорт жараёнларини қайта тиклашда фойдаланиш.

Хом-ашё бирликлари методи тош даври индустрияларини технологик нуқтаи-назардан тадқиқ этишда анча бой маълумотларни бериши мумкин. Тадқиқот натижасида манзилгоҳда синдирилган маълум бир алоҳида хом-ашё бирликлари турининг тахминий ёки аниқ миқдори, улчамини белгилаш, алоҳида хом-ашё гуруҳларида тошга ишлов бериш жараёнининг қайси босқичлари амалга оширилганлиги аниқлаш, хом-ашё бирликларини синдириш жараёни кетма-кетлиги ва ишлов бериш усулларини қайта тиклаш, хом-ашё сифатининг ишлов бериш жараёнига таъсири борасида маълумотларни қўлга киритиш мумкин. Шу билан бирга хом-ашё бирликлари методи технологик тадқиқотларни таҳлил имкониятларини аниқлаш ва манбани ишончлилигини текшириш воситаси сифатида ҳам

намоён бўлиб, тош индустрияларни кенг технологик контекстини тарихий манба сифатида баҳолашда анча самарали усули ҳисобланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Белоусова Н.Е. О методе сырьевых единиц // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. Т. XXI. Новосибирск: Изд-во Ин-та археологии и этнографии СО РАН, 2015. С. 19–22. [Belousova N.E. On the method of raw units. // Problems of archeology, ethnography, anthropology of Siberia and adjacent territories. T. XXI. Novosibirsk: Publishing house of the Institute of Archeology and Ethnography SB RAS, 2015. p. 19-22].
2. Гиря Е. Ю. Технологический анализ каменных индустрий. Методика микро-макроанализа древних орудий труда.// Археологические изыскания., Вып 44. С-Пб-1997. Часть 2., С. 11. [Girya E. Yu. Technological analysis of stone industries. Methods of micro-macroanalysis of ancient tools. // Archaeological research., Issue 44. C-Пб-1997. Part 2., p. 11.]
3. Матюхин А. Е. Открытия последних лет и проблема наидревнейших орудий (Критический обзор литературы) // Советская археология. 1972. № 3. С. 364-373. [Matyukhin A.E. Discoveries of recent years and the problem of the most ancient tools (Critical review of literature) // Soviet archeology. 1972. No. 3. p. 364-373.]
4. Мороз П. В. Сырьевой фактор в верхнем и финальном палеолите Забайкалья // Труды исторического факультета Санкт-Петербургского государственного университета. 2014. Т. 18. С. 246. [Moroz P.V. Raw material factor in the Upper and Final Paleolithic of Transbaikalia // Proceedings of the Faculty of History of St. Petersburg State University. 2014. Vol. 18, p. 246.]
5. Муҳаммадиев А. Ғ., Норқобилов Т. Палеолитшуносликда хом-ашё масаласи: тадқиқот методлари ва талқин // – “Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар” мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент., 2020. 197-202 б. [Muhammadiev A. G., Norqobilov T. The problem of raw materials in Paleolithic studies: research methods and interpretation // - Republican scientific-practical conference on "Material and spiritual heritage and universal values." - Tashkent., 2020. 197-202 p.]
6. Петрунь В. Ф. К петрофизической характеристике материала каменных орудий палеолита// МИА. 1971. № 173. С. 282-297. [Petrun, V.F. On the petrophysical characteristics of the material of stone tools of the Paleolithic, MIA. 1971. No. 173. P. 282-297.]
7. Boeda E., Geneste J.-M., Megnen L. Identification de chaines opératoires litiques du Paléolithique ancien et moyen // Paléo, 2 - 1990. P.43-80.
8. Demars P.-Y. L’utilisation du silex au Paléolithique supérieur: choix, approvisionnement, circulation. L’exemple du Bassin de Brive. Paris: CNRS, 1982.
9. Demars P.-Y. Les matières premières. In: La Chapelle-aux-Saints et La Préhistoire en Corrèze. Bordeaux: La Nef (L’Assotiation pour la Recherche Archéologique en Limousin). 1990. P. 23-28.
10. Dibble, H. L., N. Rolland. On Assemblage Variability in the Middle Paleolithic of Western Europe.// The Middle Paleolithic: Adaptation, Behavior, and Variability. University Museum Press. University of Pennsylvania., Philadelphia. 1992. pp. 1-28.
11. Geneste J.-M. Analise litique d’industries mouteriannes du Périgord: une approch technologique du comportement des groupes humains au Paléolithique moyen //. - Bordeaux: Université de Bordeaux I, 2 vol, 1985. 572 p.
12. Pigeot N. Magdaleniens D’Etiolles. Economie de debitage et organisation sociale. P., 1987. 170 p.
13. Leroi-Gougban A. Milieu et techniques. Evolution et Techniques II 3e édition revue et corrigée //. - Paris. I vol, 1971. - 503 p.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Абдикамил Нарбеков,
Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тарих факультети, Тошкент, Ўзбекистон
abdikamil@gmail.com

ДИНИЙ ФУНДАМЕНТАЛИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ МУАММОЛАРИ

For citation: Abdikamil Narbekov, PROBLEMS OF COMBATING RELIGIOUS FUNDAMENTALISM AND EXTREMISM. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.359-365

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-48

АННОТАЦИЯ

Мақолада диний фундаментализм ва экстремизм тушунчаси, моҳияти, мазмуни ва ҳавфи, мамлакатимизда намаён бўлиши ва сабаблари, унга қарши олиб борилаётган кураш усулларида амалга оширилган ўзгаришлар ва уларнинг демократик мазмуни ёритилган.

Мустақиллик қўлга киритилганидан кейин халқимизнинг миллий-маънавий сарчашмаларимизга бўлган эътибори натижасида диний қадриятларимизнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеи мустаҳкамланди. Диний уйғониш биз учун муқаддас бўлган ислом дининг бунёдлкорлик мазмуни билан бирга, ички ва ташқи деструктив кучларнинг ғараз мақсадлари йўлида ундан фойдаланишини ҳам келтириб чиқарди. Мамлакатимизни дунёвий ўзандан чиқариб, конституциявий тузимни ўзгартириш, диндорларнинг назоратида бўлган давлат тузиш учун курашувчи кучлар юзага келди. Ҳукуматимизнинг олиб борган оқилона ва қатъий сиёсати натижасида вайронкор кучлар мақсадига эриша олмадилар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган диний сиёсат конституциявий тизимни мустаҳкамлаш, бағрикенглик ғояларини ижтимоий ҳаётда қарор топтириш ва фуқаролар тотувлигини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: экстремизм, фундаментализм, ислом республикаси, дунёвий давлат, динийлик, ақидапарастлик, мутаассиблик, жаҳолат, маърифат, “пушаймонлик аризалари”.

Абдикамил Нарбеков,
кандидат исторических наук, доцент
Национальный университет Узбекистана
Исторический факультет, Ташкент, Узбекистан
abdikamil@gmail.com

ПРОБЛЕМЫ БОРЬБЫ С РЕЛИГИОЗНЫМ ФУНДАМЕНТАЛИЗМОМ И ЭКСТРЕМИЗМОМ

АННОТАЦИЯ

В статье проанализированы понятие, сущность, содержание и угроза религиозного фундаментализма и экстремизма, их проявления и причины в нашей стране, изменения в методах борьбы с ними и их демократическое содержание.

После приобретения независимости Узбекистана возросла интерес нашего народа к национальным и духовным истокам, что сказалось в усилении роли и значения религиозных ценностей в общественной жизни. Процессы религиозного пробуждения народа способствовали укрепению ислама и вместе этим появились силы которые стремились использовать её в узких корыстных целях. Началась борьба с целью свержения светского государства, насильственного изменения конституционного строя, за создание исламского государства. В результате разумной и решительной политики, проводимой нашим правительством, деструктивные силы не достигли своей цели.

Проводимая в нашей стране религиозная политика служит укреплению конституционного строя, внедрению идей толерантности в общество и поддержанию согласия граждан.

Ключевые слова: экстремизм, фундаментализм, исламская республика, светское государство, религиозность, фанатизм, невежество, просвещение, «раскаяние».

Abdikamil Narbekov,
Doctor of Philosophy in History, Associate Professor
National University of Uzbekistan
Faculty of history, Uzbekistan, Tashkent
abdikamil@gmail.com

PROBLEMS OF COMBATING RELIGIOUS FUNDAMENTALISM AND EXTREMISM

ABSTRACT

The article analyzes the concept, essence, content and threat of religious fundamentalism and extremism, their manifestations and causes in our country, changes in the methods of combating them and their democratic content.

After the acquisition of independence of Uzbekistan, the interest of our people in national and spiritual origins has increased, which has affected the strengthening of the role and importance of religious values in public life. The processes of the religious awakening of the people contributed to the strengthening of Islam, and at the same time, forces appeared that sought to use it for narrow selfish purposes. A struggle began with the aim of overthrowing the secular state, forcibly changing the constitutional order, for the creation of an Islamic state. As a result of the reasonable and decisive policy pursued by our government, the destructive forces did not achieve their goal.

The religious policy pursued in our country serves to strengthen the constitutional order, introduce the ideas of tolerance into society and maintain the consent of citizens.

Index Terms: extremism, fundamentalism, Islamic republic, secular state, religiosity, fanaticism, ignorance, enlightenment, “repentance”.

1.Долзарблиги:

Мақолада мамлакатимизда халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланганлиги таъкидланади. Ҳукуматимиз томонидан белгиланган вазифаларни бажарилиши ўтмишдан меърос бўлиб қолган ва ҳозирги даврда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларга қарши курашда самарали воситалар ишлаб чиқишни талаб этади. Халқимизнинг диний эътиқоди ва эркинликлари билан боғлиқ муаммолар ҳам уларнинг қаторида долзарб аҳамиятга эгадир.

Белгиланган вазифаларни бажарилишига тўсқинлик қилувчи кучлардан бири бу диний фундаментализм ва экстремизм ҳисобланади. Диний фундаментализм ва экстремизм

халқимизнинг диний билимларнинг етарли эмаслигии, ислом динининг маънавий ҳаётимизда тутган беқиёс ўрнига эгалигидан фойдаланиб ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартириш ва диндорларнинг назоратида бўлган давлат тузишга интилади. Уларга қарши олиб борилаётган кураш ва унинг демократик мазмунга эга эканлиги масалалари қиёсий таҳлил тамойиллари асосида ёритилган.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеининг ортиб бориши, халқимизнинг миллий-маънавий сарчашмаларимизга, шу жумладан ислом динига нисбатан муносабатининг янада ортиши, диний экстремизм ва фундаментаизм ғояларининг мамлакатимизга кириб келиши, конституциявий тузумни ўзгартириш мақсадида амалга оширган ғайри қонуний фаолияти ва унга қарши кураш масалалари қиёсий таҳлил тамойиллари асосида ёритилган.

Ўз ўрнида ушбу мавзу бир қатор мамлакатимиз олимлари С.С. Саиджалолов, Шермуҳамедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж., Очилдиев А., Тулепов А., Ҳасанбоев Ў., А.Нарбеков ҳамда ҳорижий мамлакатлар олимларнинг Ефимова Л. М., Желтов В.В., Юлдашева Г. кабиларнинг илмий тадқиқот ишларида диний экстремизм ва фундаментализм ва унга қарши кураш хусусида бир қанча маълумотлар келтирилган [1].

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистонда халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш давлат сиёсатининг устувор вазифаси ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ва келгусида ҳаётга тадбиқ этилиши режалаштирилган ислоҳотлар ана шу мақсадга хизмат қилади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташабуси билан қабул қилиниб ҳаётга тадбиқ этилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, жамият ва давлатни ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Унинг асосий ғояси “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ”, – деб эълон қилинганлиги фикримизни тасдиқлайди [1].

Белгиланган мақсаднинг улуғворлиги ва кўлами иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётда ўтмишдан меърос бўлиб қолган ва ҳозирги даврда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларга қарши самарали воситалар ишлаб чиқишни талаб этади. Халқимизнинг диний эътиқоди ва эркинликлари билан боғлиқ муаммолар ҳам уларнинг қаторида долзарб аҳамиятга эга.

Мустақиллик қўлга киритилиши арафасида республикамизда юз берган демократик ўзгаришлар таъсирида миллий онгнинг уйғониши, миллий маданиятимиз, тилимиз, урф-одат ва анъаналаримизни қайта тиклашга устуворлик берилиши ҳамда халқимизнинг бу масалаларга қизиқиш билан қараши, ижтимоий ҳаётда ислом динининг ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Лекин диний билимлар соҳасида илмий тадқиқот ишларининг олиб борилмаганлиги, фуқароларнинг диний соҳада билимсизлиги ва уларнинг асосан диний маросимларни бажариш даражасида қолди. Вужудга келган вазиятдан диний фундаментализм ва мутаассиблик ғояларини тарқатувчи вайронкор кучлар унумли фойдаланди. Фундаментализм ва экстремизм ғоялари билан қуролланган мазҳаблар мамлакатимизга суқилиб кириб келди. Улар конституциявий тузумни ўзгартириб, халқимизни диний жаҳолат ва хурофот ҳукмрон бўлган тартибга қайтариш учун, яширин ёки очиқ кураш олиб борган. Мамлакатимизда демократик қадриятлар хавф остида қолган вазиятда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов олиб борган оқилона сиёсати туфайли мустақиллигимизга таҳдид бартараф этилди [2].

Мамлакатимиз тараққиётини диний ўзанга буриб юбормоқчи бўлган вайронкор кучлар манфур мақсадларини очиқ кураш воситасида амалга ошира олмаганларидан кейин улар яширин қўпорувчилик йўлга ўтди. Мамлакатимиз бўйлаб яширин экстремистик гуруҳлар ташкил этиш, диний фундаментализм ва экстремизм ғоларини тарғибот ва ташвиқот қиладиган адабиётлар

тарқатиш орқали ўзларига тарафдорлар гуруҳларини ташкил этишга ҳаракат қилдилар. Шунингдек имконият даражасида қўпорувчилик амалиётини ташкил этиш орқали аҳоли кенг қатламларида саросима ва қўрқув уйғотишга ҳаракат қилдилар. Айнан шу мақсадда 1999 йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилган портлашлар уюштирилди, 1999 йил 15 ноябрь куни Тошкент вилояти Охангарон туманида, 2000 йил 18 июль куни Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида, 2001 йил июль ойида Сурхондарё вилояти Сариосиё ва Узун туманларида қуролланган гуруҳларининг чегара постларига ҳужумлари ташкил этилди. 2005-йилнинг май ойидаги Андижон воқеалари эса диний мутаассиблик ва терроризмнинг ҳақиқий қиёфасини яна бир марта намоён қилди. Унинг ташкилотчи ва иштирокчилари мамлакатимиздаги барқарорликни қуролли фитна ва хориждаги «демократия» учун ёлланма курашчилар ёрдамида бузишга уриниб кўрдилар. Ислом байроғи остида конституциявий тузумни ағдариб ташлашга даъватлар халқимизнинг ғазаб тўлқинига урилиб, парчаланиб кетди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан малакатимизда диний фундаментализм ва экстремизмга қарши курашда куч воситасини қўллаш етарли даражада самара бермаётганлиги сабабли уларга қарши кураш воситалари ва усуллари ўзгартирилди. Ақидапарастларга қарши қонуний кураш олиб бориш, агар зарурий чора-тадбирлар кўриш билан бирга, маърифий-ғоявий таъсир кўрсатиш. Адашиб мутаассиблик йўлига кириб қолганларни соғлом турмушга қайтаришга устуворлик берилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганларидаек, “Мамлакатимизда “жаҳолатга қарши – маърифат” деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолади” [3].

Мамлакатимизда диний экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш ишлари янада такомиллаштирилди. Диний масалар билан шуғулланадиган давлат идоралари ҳокимликлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, халқ маорифи муассасалари, жамоат бирлашмалари фаолияти мувофиқлаштирилди. Уларнинг тизимли равишда олиб бораётган ишлари ва самарадорлиги устидан назорат ўрнатилиб, ваколатлари ва масъулиятлари оширилди.

Масаланинг диққатга сазавор жиҳати шундаки давлатимиз турли диний оқимларга бошқаларнинг таъсирида ёки тажрибасизлик сабабли, ҳар-хил оқимларга кириб қолганларга нисбатан бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойили асосида ёндошилди. Уларни “пушаймонлик аризалари” орқали соғлом ҳаётга қайтриш амалиёти йўлга қўйилди.

Диний экстремистик оқимларга кириб қолганлар билан индивидуал иш олиб борилиб, уларнинг шахсий йиғмажилдлари, дин уламолари, яқин қариндошлари ва қўни-қўшнилари, маҳалла аҳли фикрлари ўрганилиб чиқилиши натижасида 2017 йилда 18 мингдан ортиқ шахс махсус ҳисобдан чиқарилди. Уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун биринчи навбатда жамиятдан бегоналаштирмаслик, моддий турмушини ташкил этиши учун иш билан таъминлаш, оилаларида мавжуд ижтимоий-маиший муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш, жамиятга интеграциялаштириш бўйича ишлар олиб борилиши белгиланди. Президент Шавкат Мирзиёев йўлдан адашганларни соғлом турмушга қайтариш соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида гаприб қуйидагиларни таъкидладилар, “Адашганлар ҳақида гапирганда, жамоатчилигимиз, имом-хатибларимиз, керак бўлса, туман ҳокимига бориб, “Бу йигитга иш беринг, уй беринг, у ўзи асли ёмон одам эмас экан, кимнингдир ноинсофлиги, адолатсизлиги туфайли шу куйга тушибди”, деб айтишдан қўрқмасин” [4]

Адашган фуқароларимизга ғамхўрлик кўрсатилиши билан бирга ўз иҳтиёри билан эмас, балки бировнинг таъсирида ёки ноиложликдан ҳорижга кетган ва оғир аҳволга тушиб қолган фуқароларимиз ҳам эътибордан четда қолдирилмаяпти. Маслан, 2019-2021 йилларда “Меҳр-1,2,3,4,5” операциялари доирасида Сурия, Ироқ ва Афғонистонда оғир аҳволга тушиб, чорасиз қолган 531 нафар асосан аёллар ва болалар ватанимизга олиб келинди Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди [5].

Диний фундаментализм ва экстремизмга қарши курашда мамлакатимизда амалга оширилган ўзгаришлар фуқарларимизни бу иллатнинг мазмун моҳияти тўғрисида тўғри тасаввур

хосил қилишлари муҳимдир. Шу боис, биз унинг ижтимоий-сиёсий ва диний воқелик сифатида назарий жиҳатдан қандай мазмунга эга эканлигини талқин қилиш талаб этилади.

Диний фундаментализм ва экстремизм бугунги кунда халқаро хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган глобал муаммо эканлиги барчамизга маълум. У ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига кўра ривожланган, ривожланаётган, ўтиш давридаги (Совет давлати бўлиниб кетганидан кейин вужудга келган янги мустақил давлатлар) ва бошқа давлатлар учун ҳам бир ҳилда хавфлидир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев мустақил Ўзбекистонимиз учун унинг нақадар ҳавфли эканлиги тўғрисида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: “Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақларида тобора кескинлашиб бораётган қонли можаро ва зиддиятлар, терроризм ва экстремизм ҳавфи биздан доимий огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда”[6].

Халқаро миқёсда фундаментализм ва экстремизм турли кўринишда ўзини намаён қилади. Масалан, Европа давлатларида сепаратизм, миллатчилик ва шовинизм, Яқин Шарқ, Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиё минтақаларида диний эътиқод (асосан ислом дини) софлигини сақлаб қолиш, ислом байроғи остида ҳалифалик давлатини барпо этиш, ислом республикасини тузиш ва ҳ.к.

Динда фундаментализм ва экстремизм диний дунёқараш пайдо бўлиши билан юзага келган ижтимоий воқеликдир. Фақат у турли тарихий даврларда хилма-хил кўриниш, шакл ва мазмунда намоён бўлади.

XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб ислом давлатларида диний тикланиш ва жонланиш ходисаларига нисбатан “фундаментализм” атамаси қўллана бошлаган. Диний фундаментализм муайян диний эътиқод, тарихий давр ёки биргина минтақага хос ижтимоий ҳодиса емас. Мазкур воқелик ҳар қандай динга хос хусусият бўлиб, турли тарихий даврларда диннинг ажралмас йўлдоши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Диний фундаменталистлар диний ақидаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, илоҳий башорат ва мўжизаларни жузъий тушунишни инкор қиладилар. Ҳозирги даврда кишиларда зиддиятли ҳис-туйғу уйғотувчи “ислом фундаментализми” атамаси шу вақтдан бошлаб кенг ёйилган.

Шарқ мамлакатларида диний фундаментализм ва экстремизм диний-сиёсий ҳаракат кўринишини олди. Шунинг учун экстремистик руҳдаги диний оқимлар ўта жанггарилик, муросасизлик ғоялари билан қуролланган, дунёвий ғоялар ва диндаги модернистик йўналиш тарафдорларини таъқиб этувчи, ҳатто террорчилик воситасида жисмонан йўқ қилишгача борувчи ашаддий ақидапарастлар ҳаракати сифатида баҳоланди.

Диний фундаментализм ва экстремизм Айрим қудратли давлатлар бой табиий ресурсларга эга ривожланаётган давлатлар назорати жиловини маҳкам ушлаб туриш учун сиёсий режимни алмаштириш ва уларга тазйиқ ўтказиш мақсадида диний фундаменталистик ва террорчилик кучларидан фойдаланаётганлиги ҳам бор гап. Афғонистон, Ироқ, Жазоир, Ливия, Миср ва Суриядаги воқеалар фикримизнинг исботидир. Лекин расмий ҳокимият ағдариб ташланган мамлакатларда тинчлик ўрнатилиши ўрнига экстремистик гуруҳлар ўртасида ҳокимият назоратини ўз қўлига олиш учун ўзаро кураш давом этмоқда. Бу тўқнашувлар минтақавий ва халқаро ҳавсизликка таҳдид солувчи асосий кучга айланди.

Экстремизмнинг илмий адабиётда ягона бир таърифи мавжуд эмас. Шунга қарамай, экстремизм деганда радикал қарашларга эга бўлган, ўз ғояси ёки фикрини бошқаларга ҳар қандай воситалар билан сингдиришга интиладиган кишиларнинг эътиқоди тушунилади.

Диний экстремизм деганда диннинг ижодий табиатини инкор этувчи, дунёвий хатти-ҳаракатларни диний мафкура мақсадларига бўйсундиришга уринувчи ҳаракат тарафдорлари назарда тутилади.

Диний экстремизмнинг бирламчи хусусияти шундаки, у жамиятда қабул қилинган ижтимоий норма ва қадриятларни инкор қилади ёки уларга қарши курашади. У сиёсий саҳнага чиқиш, ҳокимиятни қўлга олиш ёки уни назорат қилиш, давлат бошқарув услубини диний ўзанга буришга ҳаракат қилади. Диний экстремизм ҳодисаларни фақат яхши ёки ёмон, қора ёки оқ деб баҳолашга одатлангани учун дунёвийлик, демократия ва плюрализм тамойилларини инкор этади.

Диний экстремизмнинг манбаи мутаассиблик (фанатизм)дир. Мутаассиблик кишиларнинг муайян нарса, фикр ёхуд ғояга кўр-кўрона, унинг чуқур моҳиятига етмасдан, бутун вужуди билан қаттиқ ишониши, уни бошқа ҳамма нарса ва ғоялардан тўғрироқ деб билиши натижасида бошқаларга ҳам турли воситалар билан сингдиришга ҳаракат қилишидир.

Жамиятда мутаассиблик қуйидаги сабаблар натижасида вужудга келади:

а) аҳоли моддий турмуши даражасининг пастлиги ва ижтимоий муносабатларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;

б) диний маърифат ва таълимни ташкил этишдаги камчиликлар ёки унинг йўқлиги, диний жаҳолатни юзага келтирувчи сабабларга қарши самарали кураш олиб боришга эътиборнингн сустлиги[7].

Диний экстремизм ва фундаментализмнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

а) диннинг софлигини сақлаб қолиш ниқоби остида, ғараз мақсадли диний ташкилотлар ва гуруҳларнинг сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш ва диндорлар назоратида бўлган ҳукуматни тузишга интилишлари;

б) диннинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш мақсадида уни заифлаштирувчи ҳар қандай жараёнларга қарши кураш олиб бориш.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда диний экстремизм ва фундаментализмга қарши кураш олиб боришда демократик тамойилларга устуворлик берилиши жамиятда фуқаролар тотувлиги, барқарорлик ва тинч ҳаётни таъминлашга хизмат қилади. Давлатнинг ижтимоий соҳада масъулиятини оширирадди ва унга нисбатан фуқароларнинг ҳурмат ва эҳтиромини мустаҳкамлайди.

4.Хулосалар:

Хулоса тариқасида айтиш жоизки, истиқлол туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий, маънавий ва диний меросини ўрганиш ҳамда ундан халқнинг бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди.

Ижтимоий ҳаётда муқаддас динимизга нисбатан муносабатда уни фундаментализм ва экстремизмнинг вайронкор ғоялари билан боғлаш ҳатодир. Мақола диний экстремизм ва фундаментализмнинг ислом дини билан ҳеч қандай алоқаси йўқ эканлигини исботлашни мақсад қилиб қўйган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимиз биздан қонун ва адолат устуворлигини амалда таъминлашни кутмоқда // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т., 2018. – Б.213,129// Mirziyoev Sh.M. Our people expect us to ensure the rule of law and justice in practice // We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. Volume 1 - T., 2018. - P.213,129 //.
2. Қаранг: А.В.Нарбеков Диншунослик асослари. Ўқув қўлланма. – Т., 2012. – Б.214. // See A.V. Narbekov Fundamentals of Religion. Study guide. - T., 2012. - P.214.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи 2021 йил 25 янв. // Mirziyoev Sh.M. Address of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis // People's speech 2021, January 25.
4. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т., 2018. – Б.479.// Mirziyoev Sh.M. Let's be more united and work resolutely for the fate and future of our country // We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. Volume 1 - T., 2018. - P.479.
5. https://www.gazeta.uz/uz/2021/04/30/mehr/

6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., 2016. – Б.9. // Mirziyoev Sh.M. Together we will build a free and prosperous state of Uzbekistan. - T., 2016. - P.9.
7. Narbekov A. V. Dinshunoslik asoslari: O‘quv qo‘llanma. – T., 2008. – P 216. // Narbekov A.V. Fundamentals of Religion: Textbook. - T., 2008. - P 216.
8. https://informburo. kz/stati/ uzbekistan.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Бахтиёр Сафарович Назиров,
Денов тадбиркорлик ва педагогика
институти ўқитувчиси
Email: baxtnazir-1@mail.ru

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ

For citation: Bakhtiyor S.Nazirov, HISTORICAL ANALYSIS OF REFORMS IMPLEMENTED IN THE SPHERE OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN THE YEARS OF INDEPENDENCE. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.366-371

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-49

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида умумдавлат миқёсида амалга оширилаётган ислоҳотлар Республикамизнинг турли ҳудудларда оммавий спортни кенг кўламда ривожлантириш имконини берди. Бунинг натижасида спортчиларимиз томонидан халқаро спорт мусобақалари ва Олимпия ўйинларида улкан муваффақиятлари қўлга киритилмоқда. Мазкур мақолада Сурхондарё вилоятида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган ишлар, маҳаллий ёшларнинг жаҳон ареналари, олимпиада мусобоқаларида эришаётган ютуқлари чуқур таҳлил этилади.

Калит сўзлар: жисмоний тарбия ва спорт, оммавий спорт, кураш, бокс, таэквондо, Олимпиада, Паралимпия ўйинлари.

Бахтиёр Сафарович Назиров,
Преподаватель Денауского института
предпринимательства и педагогики

ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ РЕФОРМ, ОСУЩЕСТВЛЁННЫХ В СФЕРЕ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ И СПОРТА ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

Реформы, осуществляемые в общегосударственном масштабе в области физического воспитания и спорта в Узбекистане, позволили развить массовый спорт в различных регионах страны. В результате наши спортсмены добиваются больших успехов на международных спортивных соревнованиях и Олимпийских играх. В данной статье представлен углубленный анализ работы, проведённый в Сурхандарьинской области в области физического воспитания и спорта, достижений местной молодежи на мировых аренах, Олимпийских играх.

Ключевые слова: физическое воспитание и спорт, массовый спорт, кураш, бокс, тхэквондо, Олимпийские, Паралимпийские игры.

Bakhtiyor S. Nazirov,
Lecturer at the Denau Institute
of Entrepreneurship and Pedagogy

HISTORICAL ANALYSIS OF REFORMS IMPLEMENTED IN THE SPHERE OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN THE YEARS OF INDEPENDENCE

ABSTRACT

Reforms carried out on a national scale in the field of physical education and sports in Uzbekistan have made it possible to develop mass sports in various regions of the country. As a result, our athletes achieve great success in international sports competitions and the Olympic Games. This article presents an in-depth analysis of the work carried out in the Surkhandarya region in the field of physical education and sports, the achievements of local youth in the world arenas, the Olympic Games.

Index Terms: physical education and sports, mass sports, kurash, boxing, taekwondo, Olympic, Paralympic games.

I.Долзарблиги:

Мустақиллик йилларда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар соҳанинг ривожланиш истиқболларини белгилаб берди. Жисмоний тарбия, спорт, саёҳат (туризм) ва халқ миллий ўйинларининг ижтимоий – тарбиявий, маданий ва тарихий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда уларни оммалаштириш, янгидан спорт иншоотларини қуриш, зарур шарт – шароитлар яратишга жиддий равишда киришилди. Аҳолининг барча қатламлари ва тоифаларида жисмоний тарбия ва спортни кенг ёйиш, футбол, кураш, теннис ва бошқа спорт турларини ривожлантиришда миллий ўйинларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида спорт соҳасида эришган ютуқлари ва юзага келган муаммоларини ўрганиш долзарб вазифа сифатида кўтарилди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу мақола тарихийлик, илмийлик, қиёсий-таҳлил ва ҳудудий ёндошувлар сингари тарихий методлар асосида ёритилган бўлиб, унда мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида спорт соҳаси бўйича эришилган ютуқлар ҳақида маълумот берилади.

Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятидаги спорт турларининг ривожланиши бўйича бир қатор жиддий тадқиқотлар амалга оширилди. Бу борадаги йирик изланишлар Ж.Тошпўлатов [1, 2], С.Турсунов, Т.Пардаев О.Бегимқулов, Н. Маҳмадиёрова [3, 4, 5] сингари тадқиқотчилар томонидан олиб борилди. Ушбу тадқиқотларнинг илмий аҳамияти юқори бўлишига қарамай, Сурхондарё вилоятидаги спорт соҳаси бўйича охирги йилларда эришилган ютуқлар ва сақланиб қолаётган муаммолар ҳақида кўпроқ изланишларни ўтказиш лозимлиги сезилади. Негаки, сўнгги икки-уч йил ичида Республика, шу жумладан, вилоят спортида жуда кўплаб янгиликлар содир бўлди. Бу эса, вилоятдаги спорт тараққиётини кенг кўламда ва илмий жиҳатдан ўрганиш кераклигидан далолат беради.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 февралдаги «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимиз спорти ривожида янги даврни бошлаб берган бўлиб, унга биноан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил қилинди. Аҳоли кенг қатламларини спорт билан шуғулланишга жалб этиш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, шаҳар ва туманларда оммавий спорт тадбирлари ва мусобақалар ўтказиш,

Миллий олимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар ва ассоциациялар билан биргаликда истеъдодли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини ошириш, кадрлар тайёрлаш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш унинг асосий вазифалари этиб белгиланди

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида соҳада сифат ўзгаришлари сезилди. 2017 йилнинг ўтган даврида маҳаллий ва халқаро спорт мусобақаларида Республика спортчилари томонидан 483 та олтин, 394 та кумуш, 536 та бронза, жами 1 минг 413 та медаль қўлга киритилди. Республикада халқаро миқёсдаги мусобақалар муваффақиятли ўтказилди. 2017 йил май ойида Тошкентда ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатида спортчиларимиз ўн вазн тоифасидан тўққизтасида олтин медалга сазовор бўлдилар [6].

Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари томонидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича белгиланган вазифалар юзасидан муайян ишлар бажарилди. Бу борада асосий билим маскани бўлган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Чирчиқ шаҳрига кўчирилди. Натижада институт малакали спортчи ва мураббийларни ўқитиш ҳамда тайёрлаш учун зарур инфратузилмага эга бўлди, замонавий спорт шаҳарчаси барпо этиш имконияти яратилди. Шунингдек, институтда 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб сиртқи таълим олиш йўлга қўйилди [7].

Мустақиллик йилларида ўзбек кураши тамомила янги ривожланиш босқичига қадам қўйди. Шу асосда ўзбек курашининг нафақат мамлакатимизда ривожлантириш, балки халқаро спорт мусобақалари тоифасига киритиш борасида ҳам амалий тадбирлар бошлаб юборилди. 1993 йилдан бошлаб Шаҳрисабзда Амир Темур, Термизда эса Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб Президент совғини учун халқаро кураш мусобақалари ташкил этилди. Ушбу халқаро мусобақаларни ҳар томонлама қизиқарли ўтишини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятида ҳам қатор ташкилий ишлар амалга оширилди. Жумладан, вилоят ҳокимлиги қарорига кўра, 1993 йилда миллий курашнинг бухороча тури бўйича Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий турнир ўтказилиши муносабати билан «Алпомиш» (собиқ «Спартак») ўйингоҳи тўла таъмирдан чиқарилди. У шарқона услубдаги деворлар билан ўраб олинди, шарҳловчи учун хона, муҳташам дарвоза қурилди. Шу йилдан бошлаб миллий кураш бўйича ҳар икки йилда ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро хотира мусобақалари ўтказиб келинмоқда [8].

2017 йилда Сурхондарё вилояти спортчилари Республика, Осиё ва жаҳон миқёсидаги жами 31 та спорт мусобақаларида қатнашиб, 72 та олтин, 49 та кумуш, 55 та бронза, жами 176 та медални қўлга киритди. Совриндорларнинг 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Жумладан, каратэнинг комбат айкидо тури бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида ангорлик Покиза Жовлиева олтин медални қўлга киритди. Спортнинг муайтай тури бўйича ёшлар ва катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида термизлик Мадинабону Қодирова бронза медалга сазовор бўлди. Қолаверса, Бонура Самадова, Дилфуза Муртазоева, Маржона Алимова, Муниса Аҳматжонова, Камола Азимова, Мавжуда Тоштемирова, Дилдора Нурманова каби спортчи қизларимиз ўзлари танлаган спорт тури бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлишди.

Вилоят спортнинг таэквандо тури эришилган ютуқлари ҳақида сўз борганда Наимова Гулжанойнинг машаққатли меҳнатини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Наимова Гулжаной Абдулло қизи 2001 йил 1 январида Сурхондарё вилояти Узун туманида таваллуд топган. 10 ёшдан бошлаб спорт машғулотларига қатнай бошлаган. Ёш бўлишига қарамай тинимсиз меҳнат қилди. Машғулотларга катта қизиқиш билан қатнашиб, таэквандо сирларини пухта ўзлаштирди. Икки карра Ўзбекистон чемпиони бўлди. 2017 йилнинг октябрь ойида Норвегияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида қатнашиб, яхши натижаларга эришди.

2017 йили Кореянинг Сеул шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида узунлик Гулжаной Наимова юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, таэквандонинг WTF йўналишида кумуш медални қўлга киритди [9]. Пара-таэквондочи Гулжаной Наимова Токио-

2020 Паралимпия ўйинларида аёллар ўртасида **+58 кг вазн** тоифасида Бразилия вакилига қарши кечган баҳсда **8:4 ҳисобида** ғалаба қозониб, олтин медаль соҳибига айланди [10].

2018 йил давомида вилоятда спортчиларга шарт-шароит яратиб бериш ва рағбатлантириш мақсадида 1.086.200.000 (бир миллиард саксон олти миллион икки юз минг) маблағ ажратилган бўлса, оммавий спорт ва жисмоний тарбия тадбирлари ҳамда спортчиларни мусобақаларга иштирокини таъминлаш мақсадида жами бюджет ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 960,2 млн. сўм пул маблағлари ажратилди. Юқори натижага эришган бир қатор спортчилар бошқарма ташаббуси билан 2018 йилнинг 27 октябр куни Термиз шаҳридаги Санъат саройида вилоят ҳокими томонидан муносиб рағбатлантирилди. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги самарали меҳнатлари учун тизимда фаолият юритиб келаётган 3 нафар устоз мураббийлар Ботиров Абдужаббор, Муҳамадиева Сайёра ва Амонтурдиев Бахтиёрларга “Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси” кўкрак нишони берилди.

2018 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят терма жамоаси спортчилари Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, кубоклари ҳамда Халқаро турнирларда жами 804 медалларни қўлга киритдилар. Шундан:

Ўзбекистон чемпионати ва кубокларида: 685 та медал (228 та олтин, 209 та кумуш ва 248 та бронза);

Осиё ва Жаҳон чемпионати ва кубоклари ва халқаро турнирларда: 119 та медал (41 та олтин, 40 та кумуш ва 38 та бронза)лар қўлга киритилди [11].

2019 йил якунлари бўйича Республика, Осиё ва Жаҳон миқёсидаги мусобақаларида жами 719 медалларни қўлга киритилди. Жумладан, Ўзбекистон чемпионатида 137 та олтин, 164 та кумуш, 162 та бронза, жами 463 та медаллар, Ўзбекистон Кубогида 30 та олтин, 48 та кумуш, 47 та бронза, жами 125 та медаллар, Ўзбекистон турнирларда 21 та олтин, 16 та кумуш, 31 та бронза, жами 68 та медаллар, Осиё чемпионатларда 13 та олтин, 3 та кумуш, 4 та бронза, жами 20 та медаллар, Жахон чемпионатларда 8 та олтин, 5 та кумуш, 2 та бронза, жами 15 та медаллар, Халқаро турнирларда 14 та олтин, 6 та кумуш, 8 та бронза, жами 28 та медаллар қўлга киритилди [12].

2020 йилда вилоят миқёсида 23 404 та спорт тадбирлари ташкил этилган бўлиб, ушбу тадбирларга 1 570863 нафар аҳоли жалб этилди. Ушбу аҳолининг 321 763 нафари аёллар, 370 873 нафари вояга етмаганлар (18 ёшгача), 733 950 нафар ёшлар (18-30 ёш), 68 132 нафар кекса ёшдаги фуқаролар ҳамда 76 145 нафар касаллиги мавжуд ва семизлик даражаси юқори бўлган фуқаролар ташкил этди [13].

Сурхондарё вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси тасарруфида ҳозирги кунда 15 та шаҳар ва туманларнинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилган бўлиб, уларда жами 35 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда. Бошқарма тасарруфида 25 та спорт талим муассасаси фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 3таси мактаб-интернат, 4таси ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби, 17 таси болалар-ўсмирлар спорт мактаби ҳамда биттаси болалар-ўсмирлар футбол маҳорати мактабидир.

Вилоятда жами 4574 та спорт иншооти мавжуд бўлиб, шундан 31 та ўйингоҳ, 3758 та спорт майдончалари, 774 та спорт заллари ва 11 та сузиш хафзалари спортчи ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Шунингдек, бошқарма тасарруфидаги спорт таълим муассасаларида спорт турлари бўйича жами 525 нафар тренер (шундан 116 нафари хотин-қиз) фаолият олиб боришади. Улар вилоят бўйича 16463 нафар спортчига (3540 нафари қизлар) сабоқ бериб келишмоқда [14].

Спорт турлари бўйича вилоятда 22 та олимпия, 4 та миллий, 19 та ноолимпия спорт турлари, жами 45 та федерация мавжуд. Вилоятда 41 та спорт тури бўйича 8068 та бўлим(секция)ларда 140 888 нафар (шундан 57 831 нафари хотин-қизлар) мунтазам спорт билан шуғулланиб келмоқда. Жорий йилда спорт турлари бўйича 151 нафар спортчи Ўзбекистон миллий терма жамоасининг асосий ва захира таркибига киритилган.

2020 йилнинг I чораги якунларига кўра вилоят спортчилари республика, Осиё, жаҳон ва халқаро турнирларда жами 92 та медалга (30 та олтин, 25 та кумуш, 37 та бронза) сазовор бўлишди.

Қорабайир зотли отларни кўпайтириш, ёшларни от спортига кенг жалб этиш, мамлакатимизда ушбу спорт турини янада ривожлантириш борасидаги ишлар тизимли равишда йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 5-августдаги "Сурхондарё вилоятида қорабайир зотли отларни етиштириш ва оммалаштириш ҳамда от спорти турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5213-сон Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорни ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 4 октябрда Термиз туманидаги 65 гектарлик ҳудудга эга бўлган отчопар майдонида «Қорабайир отлари» маҳорат мактабининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди [15]

Сурхон воҳасининг фахрли спортчиларидан бири Баҳодир Жалолов 2021 йилда Токиода ўтказилган ёзги олимпиада ўйинларида бокс мусобақаси бўйича олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, Сурхоннинг Барчиной қизларидан бири Гулжаҳон Токиода ўтказилган параолимпиа ўйинларида теквонда спорт мусобақасида олтин медални олиш шарафига муяссар бўлди.

4. Хулосалар:

Мустақиллик йилларида Сурхон воҳасининг спортчилари дунё спорт майдонларида юртимизнинг байроғини баланд кўтариб мамлакатимиз спортини юксак даражада ривожланишига ўзларининг муносиб улушларини қўшишди.

Мустақиллик йилларида спорт Ўзбекистон миллий маданиятининг таркибий қисми сифатида ривожлантирилди. Спорт аҳолини, хусусан ёшларни жисмоний ва ахлоқий тарбиялашнинг, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ва мамлакатимиз шуҳратини кенг ёйишда алоҳида ўрин тутадиган соҳага айланди. Мустақиллик йилларида аҳолининг барча қатламлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш мақсадида қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Ушбу тадбирлар асосида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш тажрибаси тўпланиб борди.

Мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Натижада республикада соҳанинг моддий-техник таъминоти анча мустаҳкамланди. Шундай шароитда Сурхондарёда ҳам кўплаб спорт иншоотлари барпо этилди.

Мустақиллик йилларда вилоят спортчиларининг нафақат республика мусобақаларида балки халқаро спорт мусобақалари ва олимпия ўйинларида иштироки учун кенг йўл очилди. Сурхондарёлик спортчилар кўплаб халқаро мусобақалар ва олимпия ўйинларида муносиб иштирок этиб Ўзбекистон байроғини жаҳон ареналарида кўтаришга ўзларининг улушини қўшди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Тошпўлатов Ж. Сурхондарёда жисмоний тарбия ва спорт. –Термиз, 1991. (Toshpulatov J. Physical culture and sports in Surkhandarya. –Termiz, 1991.)
2. Тошпўлатов Ж. Чавандоз ўзбегим йигитлари. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. (Toshpulatov J. The riders are Uzbek guys. –Tashkent: Yangi asr avlodi, 2009.)
3. Турсунов С., Пардаев Т., Махмадиёрова Н. Сурхондарё – этнографик макон. –Тошкент: Akademnashr, 2012. (Tursunov S., Pardaev T., Maxmadiyorova N. Surkhandarya is an ethnographic place. –Tashkent: Akademnashr, 2012.)
4. Турсунов С., Пардаев Т., Турсунов А., Тоғаева М. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида номоддий маданият тарихи. –Тошкент: Муҳаррир, 2012. (Tursunov S., Pardaev T., Tursunov A., Togaeva M. History of intangible culture in the southern regions of Uzbekistan. –Tashkent: Muharrir, 2012.)
5. Турсунов С.Н., Пардаев Т., Бегимқулов О. Ўзбек миллий кураши тарихи ва анъаналари. – Термиз: Сурхоннашр, 2015. (Tursunov S.N., Pardaev T., Begimqulov O. History and traditions of Uzbek national wrestling. - Termez: Surkhannashr, 2015.)
6. https://sputniknews-uz.com/20170508/Boks-boyicha-Osiyo-chempionatida-Ozbekiston-bokschilari-mutloq-galaba-qozonishdi-5359933.html

7. https://lex.uz/docs/3302673
8. Турсунов С., Қобулов Э., Муртазоев Б., Пардаев Т., Умаров И. Термиз шаҳри тарихи. – Тошкент: YANGI NASHR, 2019. –Б. 266. (Tursunov S., Qobulov E., Murtazoev B., Pardaev T., Umarov I. History of Termez. –Tashkent: YANGI NASHR, 2019. –P. 266.)
9. https://ru.wikipedia.org/wiki/Наимова,_Гулжаной_Абдулло_кизи
10. https://uznews.uz/uz/article/33947/
11. Сурхондарё вилояти Жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг йиғма ҳисоботи, 2018 йил, 9-баённома, 4-варақ. (Summary report of the Department of Physical Culture and Sports of Surkhandarya region, 2018, Protocol 9, page 4.)
12. Сурхондарё вилояти Жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг йиғма ҳисоботи, 2019 йил, 7-баённома, 2-варақ. (Summary report of the Department of Physical Culture and Sports of Surkhandarya region, 2019, Protocol 7, page 2.)
13. Сурхондарё вилояти Жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг йиғма ҳисоботи, 2020 йил, 8-баённома, 3-варақ. (Summary report of the Department of Physical Culture and Sports of Surkhandarya region, 2020, Protocol 8, page 3.)
14. Сурхондарё вилояти Жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг йиғма ҳисоботи, 2020 йил, 8-баённома, 5-варақ. (Summary report of the Department of Physical Culture and Sports of Surkhandarya region, 2020, Protocol 8, page 5.)
15. 15.https://uza.uz/uz/posts/termizda-qorabayir-otlari-mahorat-maktabi-ish-boshladi_307406

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Аслиддин Ортиқов,
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
“Театр безаги ранг тасвири” кафедраси мудири

ЎЗБЕК КИНЕМАТОГРАФИЯСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАРАЁНИ: САНЪАТ ЁКИ САНОАТ ТУРИ СИФАТИДА

For citation: A. Ortikov, MODERN PROCESS OF UZBEK CINEMATOGRAPHY: AS AN ART OR INDUSTRY. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.372-376

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-50

АННОТАЦИЯ

Мақолада кино санъати, унинг мазмун-моҳияти, кино санъатининг пайдо бўлиш тарихи, кино тарихининг кўп йиллик тажрибалари, оддий фотосуратнинг ҳаракатга кирган кўринишлари “Поезднинг келиши”, “Сув сепаётган одам”дан, то замонавий рангли фильмларнинг ҳозирги пайтдаги эришган ютуқларигача бўлган давр таҳлил этилган.

Бугунги кино санъатининг мустақил санъат соҳаси эканлиги эътироф этилгани ҳолда, экрандаги бу мўъжизавий санъатнинг эстетик жиҳатлари, гўзал моҳияти таърифлаб берилган. Шунингдек, кинематографияни қатъиян саноатга боғлаб, унинг молиявий манфаатдорлик хусусиятларини биринчи ўринга қўювчилар танқидий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: кино санъати, кино тарихи, фотосурат, эстетика, фильм, киноматография, замонавий, саноат, молиявий манфаатдорлик.

Аслиддин Артыков,
Заведующий кафедры
Театрального декоративного живописи
Национального института
искусства и дизайна имени Камолиддина Бехзода

СОВРЕМЕННЫЙ ПРОЦЕСС УЗБЕКСКОЙ КИНЕМАТОГРАФИИ: КАК ИСКУССТВО ИЛИ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется история возникновения кинематографа, его содержание, многолетний опыт истории кино, движение обычной фотографии от «Прибытия поезда», «Человека, брызгающий водой» к течению. достижения современных цветных пленок.

Признавая, что современное киноискусство - это самостоятельная область искусства, на экране описываются эстетические аспекты этого чудесного искусства, прекрасная сущность. Он также был критически проанализирован теми, кто уделяет первоочередное

внимание характеристикам его финансовых интересов, строго связывая кинематографию с отраслью.

Ключевые слова: кинематография, история кино, фотография, эстетика, кино, кинематография, современник, индустрия, финансовый интерес.

A. Ortikov,
Head of the Department of Theatrical Decorative Painting
National Institute art and design named after Kamoliddin Bekhzod

MODERN PROCESS OF UZBEK CINEMATOGRAPHY: AS AN ART OR INDUSTRY

ABSTRACT

The article analyzes the history of the emergence of cinema, its content, many years of experience in the history of cinema, the movement of ordinary photography from the "Arrival of the train", "The man splashing water" to the current. advances in modern color films.

Recognizing that contemporary cinema is an independent field of art, the aesthetic aspects of this wonderful art, a beautiful essence, are described on the screen. He has also been critically reviewed by those who prioritize the characteristics of his financial interests, strongly linking cinematography to the industry.

Index Terms: cinematography, cinema history, photography, aesthetics, cinema, cinematography, contemporary, industry, financial interest.

---

1. Долзарблиги:

Маълумки, кино санъати муайян воқелик чизгиларини ифодалаш учун яралган экан, унинг нарсалар моҳиятига кириб бориши, нутқ ва товушлар, мусиқа ва табиат манзаралари ҳамда тасвирий ифода воситалари билан биргаликдагина ҳаётни тўла-тўкис, мужассам ҳолда кўрсата олиш қобилиятини четга суриб қўйиш мумкин эмас. Реал воқеликда кўриш ва эшитиш мумкин бўлган ҳар қандай мураккаб тасвир ва товуш мужассамини етказа билиш қобилияти кинода мавжуд экан, кино томошабинни воқеа ичига кириб боришга, кўрганларнинг барчасини ҳис этишга, кинематография бошқа санъат турларига қараганда, ҳаётга ҳам анча яқин ва шубҳасиз. У миллионлаб томошабинларга тушунарли бўлган ўз тилига ҳам эгадир. Мавзунинг ўрганилиши кино санъатининг мазмун-моҳияти ва тарихини ёритишда долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар:

Ушбу мақола тарихийлик, илмийлик, қиёсий-таҳлил каби тарихий усуллар асосида ёритилган бўлиб, унда ўзбек кинематографиясининг замонавий жараёни, шаклланиш тарихи ҳақида маълумот берилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Кино санъатини пайдо бўлиш тарихига кўра, бундан бир неча йил аввал Эски шаҳарнинг Чорсу майдони гузарида аллақандай асбоб-ускуналар кўтарган одам пайдо бўлган. У ҳеч бир сўзсиз, одамлар у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган гузар бўйида оппоқ бўз газламасини ёйиб юбориб, айни лаҳзаларда, йўловчилар шу пайтгача қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган томошага гувоҳ бўлган. Ғаройиб манзаралардан эси оғиб қолай деган тасодифий томошабинлар экран олдида тўпланиб қоладилар. Экранда эса паровоз пайдо бўлиб, у яқинроқ кела бошлайди, паровоз яқинлашгани сайин унинг бўй-басти кенгая бошлагач, одамлар шовқин кўтарганларича чор тарафга ҳай-ҳайлаб қочиб қолади. Бу манзараларни ўз кўзи билан кўрганларнинг гувоҳлик беришича, Туркистонда илк киносеанслар шундай бошланган эди.

Бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда, эндиликда, бу манзара анчагина ғайритабиий кўринса-да, асл ҳақиқат, яъни, бундан юз йигирма йилларча аввал турли мамлакатларда томошабинлар оппоқ экрандаги воқеалар тасвирини кўриб, худди шундай ёки шунга ўхшаш аҳволга тушиб қолган эдилар.

Дарҳақиқат, ушбу маълумотлар ўта ноёб бўлиб, улар кино санъатининг пайдо бўлиши, унинг бошқа санъат соҳаларига сира ўхшамаган, ўзига хос йўлдан ривожлана бошлаганидан дарак беради. Бундан шуни англаш мумкинки, бадиийликка бўлган эҳтиёж янги техника воситаларини кашф этиб бермаган, балки янги кашф этилган техник ихтиро бадиий бир соҳанинг янгидан пайдо бўлиши ва ривожланишига асос солди. Кинонинг дастлабки тасвирлари хатти-ҳаракатлар йиғиндисидангина иборат эди. Уларда отларнинг чопиши, араваларнинг бориши, темир йўлдан поезднинг келиши, спорт мусобақалари иштирокчиларининг ҳаракатлари акс этарди. Бу қисқа-қисқа тасвирларда ҳали воқеа, сюжет деган элементлар режиссёр ва актёрлар таъсири йўқ эди.

Кино ибтидосидаги дастлабки тасмаларни қаерда бўлса, шу ерда намойиш қилинган. Тасвирлар кўпинча ярим қоронғи, ғира-шира ошхоналарда намойиш қилинар, илк томошабинлар ҳам тасодифий одамлар, асосан, кўчадан ўтиб бораётган йўловчилар бўлган.

Бинобарин, тадқиқотчи Р.Копилованинг қуйидаги сўзларида у шундай ёзади: “Кинематограф бир неча маротаба қайта туғилди: дастлаб, у техник ихтиро сифатида пайдо бўлган бўлса, кейинчалик, у томоша-аттракцион тусини олди ва ниҳоят, ўзининг махсус бадииятига эга бўлган санъат соҳаси сифатида бунёдга келди”[1]. Мана шундай илмий-техникавий тараққиёт асосида экран соҳаси келиб чиқди. Техника тараққий топиб, ривожлангани сайин, кино бадиияти ҳам ўсиб-кенгайиб борди, аввалига, тасвирлар овозсиз намойиш қилинган бўлса, эндиликда, аста-секин кинода овоз, ранг юзага келди, экраннинг ҳажми кенгая бошлади.

Кино тарихининг юз йилдан ортиқ вақт мобайнидаги тажрибаларини кўздан кечирсак, оддий фотосуратнинг ҳаракатга кирган кўринишлари “Поезднинг келиши”, “Сув сепаётган одам”дан, то замонавий рангли фильмларнинг ҳозирги пайтдаги эришган ютуқларигача бўлган даврда турлича ривожланиш босқичларини бошдан кечирганлигига гувоҳ бўламиз.

Бугунги кино санъатининг мустақил санъат соҳаси эканлигига шубҳа билан қаровчи киши бўлмаса керак. Шу билан бирга, экрандаги бу мўъжизавий санъатнинг эстетик жиҳатларини, гўзал моҳиятини инкор қилмаган ҳолда, кинематографияни қатъиян саноатга боғлаб, унинг молиявий манфаатдорлик хусусиятларини биринчи ўринга қўювчилар ҳам йўқ эмас.

Масалан, Ўзбекистонда ҳар йили 50-60 та тўлиқ метражли бадиий фильм – шуларнинг 70-80 фоизи хусусий киностудияларда – ишлаб чиқарилмоқда. Баъзи маълумотларга қараганда, ўзбек фильмлари нафақат миллий, қолаверса, қўшни мамлакатлар кино бозорига ҳам дадил кириб бормоқда. Таниқли киношунос А.Мальро ўзининг “Кино руҳияти ҳақида очерклар” китобида шундай фикрни қайд этади: “Ким нима дейишидан қатъий назар, охир-оқибатда кинонинг саноат тури эканлигини тан олишга мажбурмиз. Хуллас, кино ҳақида баҳс-мунозаралар ҳали-ҳануз тўхтамаётгани ҳам бу санъатнинг, ниҳоятда, ўзига хослигидан бир дарак”[2].

Ҳақиқатдан ҳам, фильм – саноат тури сифатида студияларда ишлаб чиқарилади. Яъни, бу киномаҳсулот ишлаб чиқариш учун техника воситаларининг бир жойда жамланишини англатади. Энди, бунга улкан молиявий маблағни ҳамда турли хил мутахассисларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб меҳнат қилишларини қўшинг. Хўш, кинонинг маълум ютуқларга эришишида унинг бадиий санъат тури сифатидаги ёки саноат тури сифатидаги хусусиятлари бир-бирига халақит қиладими? Бу саволга қайсидир маънода: “Ҳа, албатта, халақит қиладиган томонлари ҳам бор”, деб жавоб бериш мумкин. Киномаҳсулот ишлаб чиқариш учун катта-катта пул маблағларини ўртага тикадиган продюссерларни фильмнинг бадиий жиҳатлари кўп ҳам қизиқтиравермаслиги табиий. Шу билан бирга, фильмнинг сифатли чиқиши учун суратга олиш ишларида ҳозирги замон ускуналарининг аҳамиятини ҳам инкор этиб бўлмайди. Ваҳоланки, ушбу санъат учун катта молиявий маблағлар ажратаётганлар фильмдаги бадииятни на кучайтириш, на камайтириш қобилиятига эга эмаслар. Албатта, бу ишлаб чиқарилаётган барча кинофильмларнинг савияси ва сифати сонига яраша яхши дейишга асос бўла олмайди. Афсус билан қайд этиш лозимки, прокатга чиқарилаётган аксарият фильмларнинг на ижтимоий юки, на айтилмоқчи бўлган гапи – ғоясининг тайини

бор. Улар маиший, яъни қайнона-келин муносабатлари, ёндим-куйдим, қўйди-чиқди сингари олди-қочди мавзуларни ғоя қилиб олиб, томошабинга ҳеч қандай маънавий озуқа бермайдиган, аммо қаерини “қитиқлаш”ни биладиган баъзи олғир режиссёрларнинг пул ишлаш воситасига айланиб бўлди.

"Ўзбеккино” Миллий агентлигининг янги раҳбарияти иш бошлаши биланоқ бундай енгил-елпи фильмларнинг катта экранга чиқиши олдини олиш учун уларга лицензия бериш тартибини қайта кўриб чиқиб, эксперт комиссиясини тузди[3]. Мақсад енгил-елпи фильмларнинг катта экранга чиқиб кетиши йўлига тўсиқ қўйиш ва томошабиннинг ортидан эргашадиган эмас, томошабинни эргаштирадиган фильмлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Дархақиқат, талабнинг бундай қаттиқ қўйилаётгани ҳаммага ҳам ёқаётгани йўқ. Ҳар йили 5-6 та енгил енги-елпи фильмларни қаторлаштириб ташлаб, уларни катта экранга олиб чиқиш учун эшик қолиб, тешикдан киришга уринаётган айрим шоввозлар энди “муомала” билан иш битмаётганини кўриб, турли жойларга шикоят қилишдан ҳам тонмаётгани кўриниб турибди. Бу каби фильмларни тасвирга олувчи режиссёр ва продюсерларнинг мақсади эса фильмга ўз маблағидан ёки ҳомий сарфлаган пулни прокатдан чиқариб олиш. Бировнинг дидини ўлдираётгани, руҳан майиб-мажруҳ қилаётгани, ҳали суяги қотмаган бола онгида, ҳаёт қайнона билан келиннинг можаросидан иборат экан-да, деган ўта юзаки ва сохта тушунчаларни пайдо бўлиши мумкинлиги эса уларни қизиқтирмайди. Энди бундай фильмлар таъсирида ўсган боладан қандай ватанпарвар ёки юртпарвар инсон чиқишини тасаввур қилиш қийин.

Бугунги кунда кино саройида намойиш этилаётган фильмлар прокати масаласида кинопродюссер Жасур Шодмоновнинг фикрига кўра, прокат гувоҳномаси (аудиовизуал асарларни рўйхатга олганлик давлат гувоҳномаси) олган фильмларни Кино саройида томошабинга кўрсатиш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Лекин уларни томошабин қандай қабул қилиши бошқа масала. Баъзи ҳамкасбларимизнинг фильмига сарфлаган пулини чиқариб ололмагани учун Кино саройи раҳбариятини айблаётганини ҳеч тушуна олмаяпман. Улар кино у ёки бу фильм сеансларига томошабинни мажбурлаб кирита олмайди[4]. Бу фикрга кинорежиссёр Абдувоҳид Ғаниев: - Мен ҳам айрим ҳамкасбларнинг прокат гувоҳномаси ололмаётгани учун “Ўзбеккино” раҳбарияти устидан, уни қўлга киритиб, киносига одам тушмаётгани учун эса Кино саройи раҳбарияти устидан шикоят қилиб, ҳар хил идораларга, чет эл радиоларига шикоят қилиб юрганини эшитдим. Инсоф билан айтганда, биз режиссёрлару продюссерлар Кино саройи раҳбарияти устидан шикоят қилиш ўрнига шунчалик шароит яратиб бергани учун раҳмат айтишимиз керак. Улар яхши, томошабоп фильмларни жон-жон деб кўрсатади, чунки фильмларимизнинг кассабоплиги уларга ҳам фойда-ку. Шу пайтгача мен томошабин кўп кўраётган бирорта фильм прокатдан олиб ташланганини эшитганим йўқ[5].

Кино санъати ва саноатининг ривожи кўп жиҳатдан унинг инфратузилмаси қандай экани билан ҳам боғлиқ. 90-йилларда кинотеатрларга томошабин кирмай қўйган ва уларни ялпи хусусийлаштириш бошланганда Кино саройини сақлаб қолиш қийин эди.

Айни пайтда Кино саройида ҳар бир фильм премьерасини ўтказиш маданий ҳаётдаги воқеага айланиб қолди – деди кинорежиссёр ва сценарийнавис Баҳодир Одилов[6]. Ҳар бир режиссёр ўз фильмини ўша ерда кўрсатгиси келади. Бу табиий. Лекин бунга эришиш осон бўлгани йўқ. Томошабинни кинозалларга қайтариш учун етарли даражада сервис ташкил этиш баробарида кино намойиши маданияти ҳам зарур эди. Бугунги кино саройида буларнинг ҳаммаси мавжуд. Яқинда “Ўзбеккино” Миллий агентлигида жорий йилнинг 9 ойлик якунларига бағишланган мажлисда республика бўйича миллий кинофильмлар прокати қониқарсиз аҳволда экани кескин танқид қилиниб, ишни ташкил қилишда Кино саройида амалга оширилаётган ишлардан ўрнак олиш зарурлиги айтилди.

4. Хулоса:

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, бу ҳам олди-қочди киносига томошабин топа олмаган айрим режиссёрларнинг қуруқ туҳматларига билвосита жавоб бўлса ажаб эмас.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Б.Аҳмедов. Кино санъати тарихига бир назар. «Шарқ юлдузи» журнали. 2011 йил, 2 сон. (B. Akhmedov. Let's take a look at the history of cinematography. Sharq Yulduz magazine. 2011, issue 2.)
2. Экран санъатида тасвирий ечим ва унинг асослари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. –Тошкент, 2008. (Visual solution in screen art and its foundations // National encyclopedia of Uzbekistan. State Scientific Publishing House. –Tashkent, 2008.)
3. Кинопродюссер Жасур Шодмонов билан суҳбат. (Interview with film producer Jasur Shodmonov.)
4. Кинорежиссёр Абдувоҳид Ғаниев билан суҳбат. (Interview with filmmaker Abduvakhid Ganiev.)
5. Кинорежиссёр ва сценарийнавис Баҳодир Одилов билан суҳбат. (Interview with film director and screenwriter Bakhodir Adilov.)
6. http://www.gov.uz/uz/press/culture/

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Аҳмаджон Оринов,
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
“Театр безаги ранг тасвири” кафедраси доценти

СЦЕНОГРАФИЯДА ЁРУҒЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

For citation: Ahmadjon Orinov, VALUE OF LUMINANCE IN STENOGRAPHY. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.377-381

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-51

АННОТАЦИЯ

Мақолада саҳнада қўйиладиган барча спектаклларнинг мазмуни ва моҳиятини томошабинга етказишда саҳна ёруғлигини роли, режиссёр, актёр, рассом, саҳна безаги ва либос рассомлари ҳамда нур бериш усталари бир бўлиб, спектакл саҳна юзини кўргунга қадар изчил изланишлар олиб бориши ёритилган. Ёруғлик бериш жараёни ҳам алоҳида аҳамият касб этгани ҳолда, ҳар бир саҳна ўзгаришида ранглар маълум бир ҳолатларга асосланган ҳолда ёритилиши таъкидланган. Спектаклнинг бошидан охиригача чироқ устаси қўлидаги режага асосан, қисмларга бўлган ҳолда саҳна безакларини ёритиб бориши томошабинларга театр мазмун-моҳиятини теранроқ англашида ҳам муҳим роль ўйнаши очиб берилган.

Калит сўзлар: саҳна, ёруғлик, стенография, спектакль, безак, томошабин.

Ахмаджон Оринов,
Доцент кафедры Театрального декоративного
Живописи Национального института
искусства и дизайна имени Камолиддина Бехзода

ЗНАЧЕНИЕ ЯРКОСТА В СТЕНОГРАФИИ

АННОТАЦИЯ

В статье описывается роль сценического освещения в донесении до аудитории содержания и сути всех представлений. Хотя процесс освещения также имеет особое значение, подчеркивается, что цвета освещаются в зависимости от конкретных обстоятельств при каждой смене сцены. От начала до конца спектакля, согласно плану, который находится в руках мастера по свету, освещение сценических декораций по частям играет важную роль в том, чтобы дать зрителям более глубокое понимание сути театра.

Ключевые слова: сцена, освещение, стенография, спектакль, оформление, аудитория.

Ahmadjon Orinov,
Associate Professor of the Department
of Theater Decorative Painting
National Institute art and design
named after Kamoliddin Bekhzod

VALUE OF LUMINANCE IN STENOGRAPHY

ABSTRACT

The article describes the role of stage lighting in conveying the content and essence of all performances to the audience. Although the lighting process is also of particular importance, it is emphasized that the colors are illuminated according to the specific circumstances at each scene change. From the beginning to the end of the performance, according to the plan in the hands of the lighting master, lighting the stage sets in parts plays an important role in giving the audience a deeper understanding of the essence of the theater.

Index Terms: stage, lighting, shorthand, performance, design, audience.

1.Долзарблиги:

Саҳнада қўйиладиган барча спектаклларнинг мазмуни ва моҳиятини томошабинга етказишда саҳна ёруғлигини роли катта. Бунда саҳна ижодкорларининг барчаси бирдам ҳамфикр бўлади. Режиссёр, актёр, рассом, саҳна безаги ва либос рассомлари ҳамда нур бериш усталари бир бўлиб, спектакл саҳна юзини кўргунга қадар изчил изланишлар олиб боради. Ёруғлик бериш жараёни режа асосида белгиланиб, ҳар бир саҳна ўзгаришида ранглар маълум бир ҳолатларга асосланган ҳолда ёритилади. Спектаклнинг бошидан охиригача чироқ устаси қўлидаги режага асосан, қисмларга бўлган ҳолда саҳна безакларини ёритиб боради. Театрда, фильмнинг тасвирий ечимида, шунингдек, телекўрсатувларда ҳам ёруғликнинг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда саҳнада кўплаб ёритиш асбобларидан фойдаланиш жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Саҳнанинг орқа қисми, шаффоф матодан тикилган пардалар, мойбўёқ билан ишланган безаклар, ёритиш ускуналари ва рангли фильтрлар орқали ёритилса, юқори самарага эришилади. Саҳнани ёритишда кўпчилик хатолар ва муваффақиятсизликлардан қутулиш мумкин.

2. Методлар:

Ушбу мақола тарихийлик, илмийлик, қиёсий-таҳлил каби тарихий усуллар асосида ёритилган бўлиб, унда сценографияда ёруғликнинг аҳамияти ҳақида маълумот берилади.

3.Тадқиқот натижалари:

Саҳнани ёритиш маҳорати йилдан йилга янги услубларга таянган ҳолда олиб борилмоқда. Ёритиш маҳоратини, янги иш тажрибаларини, энг қисқа ва тўғри, осон ёритиш усуллари бўлажак театр, кино ва телекўрсатув ижодкорларига ёрдам бермоқда. Режиссёрлар, сценографлар замонавий янги услубларда ижод қилишмоқда. Кўплаб спектакллар, санъат асарлари жаҳон тажрибалари асосида яратилмоқда.

Ёритиш маҳоратини ўргатишда жаҳон андозаларига ва тажриба услубларига кўпроқ эътибор қаратиш керак. Саҳнада рангларнинг роли муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳамма безакларни рангли тайёрлаш шарт эмас. Демак, ёритиш воситалари орқали рангларни тақсимлаш театр ёки кино харажатларига путур етказмаслигини назарда тутиш лозим. Ёруғлик - бу образ, шодлик, фожиа ва бошқалар. Ёруғлик деярли саҳнанинг жони деб таърифласа муболаға бўлмайди. Ҳозирги замон театрлари, замонавий саҳна ёритиш усукуналари билан таъминланган.

Спектаклларни яратиш жараёнида саҳнанинг техник имкониятларини билиш ва ҳисобга олиш, декорацияларни безатиш ўзига хос бадиий ечимларга олиб келади. Шунингдек, спектаклни ёритиш осон кечади. Монтаж ишларини тайёрлашда саҳна безаги ҳақида тасаввурга эга бўлиш, зарур бўлганда саҳна безаклари чироқлар орқали ёритилади. Безак қисмлари кенг кўламда ёритилади ва тегишли ранглар берилади. Ёруғлик бериш

асосан режа асосида ҳар бир саҳна ўзгаришида ранглар маълум бир ҳолатларга асосланган ҳолда ёритилиши мумкин.

Театр аввало маънавият, маърифат ўчоғи. Шу маънода уни инсон руҳини поклантирувчи, уни ўйлантириб, фикрлашга ундовчи "тарбия мактаби" деб аташлари ҳам бежиз эмас. Саҳна ҳам ҳудди ҳаётнинг ўзига ўхшайди. Гоҳ драма, гоҳ комедия, гоҳ фожеа…. Саҳнанинг сири ҳам сеҳри ҳам шунда. Турфа воқеа-ҳодисалар, ўзининг танимаган-билмаган, турли миллатга мансуб, турли тақдирга эга одамлар ҳаёти, қувончи ва ташвишлари кузатилади. Жаҳон андозаларига мос келувчи театр саҳналари, устахоналари ёритиш жиҳозлари билан таъминланган бўлиши керак. Ўзбекистонда маънавиятни юксалтириш учун, театр ва телевидение санъатини ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашга, шу саҳий заминда яшаётган барча миллат ва элатлар тенглиги, дўстлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга, янги ижодий асарлар яратишга илҳом беради. Ҳозирги пайтда қайси йўлдан қандай бориш кераклигини театрларнинг бадиий раҳбарлари мустақил ҳал қилишмоқда. Мавзулар, услублар ва усуллар хилма-хиллиги театрнинг олға силжишига омилдир. Театр арбоблари ўз фаолиятида актёр ижросида, саҳналаштириш услубида миллий анъаналарга алоҳида эътибор бериш орқали давр нафасини акс эттиришга интилмоқда. Сўнгги театр мавсумлари режиссёр ва рассомлар ўз фаолиятларини анча жонлантирганликларини кўрсатмоқда.

Театрнинг мамлакатимиз тарихи ва ўтмиши ҳақида ҳикоя қилувчи спектакллари бунинг ёрқин далилидир. Шу жиҳатдан, А.Ориповнинг «Соҳибқирон» ва У.Азимнинг «Кундузсиз кечалар» спектакллари диққатга лойиқдир. Спектакл режиссёрининг мақсади - подшоҳнинг кўп қиррали образини, қудратли буюк давлат қуришдек ягона ният билан ёнаётган инсоннинг мураккаб, изтиробли кечинмалари моҳиятини ёритишдан иборат. Саҳнада умумлашма муҳит яратилган, унда ифода воситалари билан воқеалар ўрни ва вақти белгиланган. Оддий ихчам декорацияларни эркин жойлаштириш, асосий эътиборни Амир Темур сиймосига қаратиш имконини беради. Ёруғлик воситаси қаҳрамонни умумий фондан ажратиб, томошабинларга яқинроқ қилиб кўрсатади. Оҳиста босилган қадам товушлари қулоққа аранг чалинади. Ола-чалпак шуълаларнинг живир-живири, сояларнинг лопиллаши ёвузликдан дарак берувчи муҳитни янада кучайтиради. Режиссёр рассом шу тарзда барча саҳна воситаларидан: нур, товуш, мусиқадан унумли фойдаланган.

Спектакл, аввало, ҳар бир воқеанинг, эпизоднинг моҳиятини ифодалашга қодир саҳна воситаларига бойлиги билан ўзига жалб қилади. Тасвирий воситалар, мусиқа, пластиканинг мураккаб оҳангдошлигидан спектакл образи яратилади. Рассом ранг, нур, буюмлар, ранг-баранг либосларнинг ўзаро уйғунлигидан ажойиб декорация яратади. Рассом меҳнатисиз, жонли тасвирларсиз қуруқ саҳнада ҳаёт аксини асло тасаввур қилиб бўлмайди. Мусаввирнинг ўтли нигоҳи билан меҳр чашмаси ва гўзал туйғуларига йўғрилган саҳна асари дунёга келади. Саҳна безаклари, ҳар қандай декорация ёрдамида томошабинлар кўз ўнгида тарих саҳифалари ва коинот, нурлар билан ёритилган сиймолар намоён бўлади.

Саҳнада жонли ҳаракат актёр ёки декорация гавдаланади. Улар нур, ёруғлик таъсирида томошабиннинг ҳаяжонини оширади. Саҳнада шаҳар, бино, сарой, ҳужра, воқеалар фақат бир хил декорацияда кўрсатилади, катта-катта ҳарсанг тошлар, савлат тўкиб турган дарахтзорлар, сув тўлдириб қўйилган кўзалар, оқаётган булоқлар, тошлар абадият тимсоли, дарахтлар - мангу тириклик рамзи, сув - поклик ҳаллоллик белгиси бўлиб қолади. Ана шу тилсиз гувоҳлар ҳаётнинг мазмунидан сўзлайди. Ўткинчи дунёда унинг буюклигидан ҳикоя қилади. Мана шу предметларни жонлантиришда нур, ёруғлик, прожекторлар, софитлар ёрдамида ҳар хил рангдаги фильтрларнинг ўрни катта. Саҳнадаги предметни ёритишда совуқ-иссиқ тонга, ярим сояларга эътибор бериш керак.

Ҳозирги пайтгача тасвирланган безатиш принциплари воқеа жойлари кўринишининг асосан соф томонини тасвирлашдан бошланган. Бу усулда ҳосил қилинган декорация содда бўлганлиги учун актёрга ҳам кўп қулайлик яратмас эди. Декорация қисмлари мизансаҳнани ва актёрнинг айрим саҳнавий ҳолатларини очиб бериш маъносида саҳналаштирувчи режиссёрнинг ижодий фикрини кенг маънода намойиш этиш имконини беради. Декорация

қурилмалари юзасидан асосий эътибор уларнинг нафақат тасвирий томони, балки актёрга ёрдам берадиган ишдаги фойдали томонга қаратилади. Тавсия этилаётган безак қурилмаларини юқорида сўз юритилаётган безак қисмлари билан уйғунлаштирган ҳолда қўллаш мумкин бўлади. Уларни ҳар қандай саҳна, эстрада супаси ва бошқаларда қўллаш мумкин. Асоси тасвирий эмас, балки ишчанлик ишлаб чиқаришга мўлжалланган декорация қисмлари актёрнинг рол ижроси учун кўпроқ қулайлик яратади, тасвирий декорацияларга нисбатан анча афзалликларга эга бўлади. Гап шундаки, биз воқеа жойини қандай деталлар билан тасвирламайлик, бу тасвирда маълум шахсга ёки гурухга (дидига) ҳос бўлган индивидуаллик, шахсийлик хусусиятлари яққол сезилиб тураверади. Бу бирортага маъқул бўлган декорация бошқасига ёқмаслиги мумкин ёки умуман тушунарли бўлмаслиги мумкин.

Таниқли саҳна рассоми Г.Бримм томонидан яратилган саҳна безагида ранглар гармонияси, соя-ёруғлик ўйини бирламчи тарзда ифодаланган. Унинг “Нодирабегим”, “Юлдузли тунлар”, “Зебуннисо” каби спектаклларининг саҳна безаклари бунинг яққол мисолидир. “Нодирабегим” спектаклининг саҳна безаклари ҳақида санъатшунос Д.Қодирова шундай ёзади, “Рассом ўта ихчам, рамзий тасвирлар билан ёруғлик ва зулмат, маърифат ва жаҳолат курашини ифода қила олган. Спектаклнинг сўнгги кўринишини юқори қисми куйиб кулга айланган беш устун, қора пардалар ва ридолар каби оддий воситалар билан образли қилибкулли кўкка совурилган хон саройи тасвирини ярата олган”[10]. Шу билан бирга устоз мусаввирнинг ижодини давом эттириб келаётган иқтидорли рассом Б.Тўраев ҳам ўзига хос саҳна тасвир услуби билан алоҳида ўринга эга. “Унинг фалсафий-мажозий сарларини ҳам, портретларини ҳам шунчаки томоша қилолмайсиз, ҳар бир шакл, ранг-тимсол, улар фикрлайди – тинглашга маҳкумсиз, асарни узоқ-узоқ ўқийсиз: инсонга ҳеч нарса бегона эмас – хаёл, гўзаллик, эзгулик, табассум, алдов, ўйин, ёвузлик, у ҳамма сифатларнинг соҳиби, ҳамма нарсага қодир, фақат ўзини англашга қодир. Мусаввирнинг мақсадиҳаёт изтироблари, оғриқларини бир лаҳза унуттириш эмас, сизни бир лаҳза инсоний ташвишлардан чалғитиш эмас, руҳингизни парвозга чорлаш, нафратингизни безовта ҳайрихоҳликка айлантиришдир”[6].

Саҳна санъати - бу оммавий санъат ҳисобланиб, оммавий томошабинга тушунарли бўлиши ва унинг эътиборини тортиши ва унга маълум тасаввур уйғотиши керак. Чизма декорациялар қанчалик яхши ишланган бўлмасин, улар актёрга боғлиқ бўлмаган ҳолда идрок этилаверади, негаки улар икки ўлчамли ёки ясси бўлади, актёр уч ўлчамли ёки ҳажмли, шунинг учун ҳажмли ашёларнинг ясси тасвири билан доим ҳам боғланавермайди, ундан тушиб қолаверади. Ҳаётда биз инсонни, уни ўраб турган ҳажмли олам ўртасида кўрамиз, бу ерда ҳар бир қисм, ҳар бир ашё у билан маълум ўзаро алоқада бўлади. Бу муносабат шакл ва ранга, гоҳ ҳажм ва материалга, гоҳ тезлик ва статиклик (осойишталикка) асосланади. Саҳнада ҳам ҳудди шундай. Шартли ихчам ҳаётни бераётиб, биз шартли ҳажмни ҳам беришимиз керак, унинг олдида актёр ўзини ҳаётдаги ҳақиқий ҳажм олдидаги хақиқий инсон сифатида ижобий ҳис қила олсин.

Декорацияда ёруғлик асосан актёр учун хизмат қилади, шунинг учун агар у унга қулай бўлса, унга ўрганиб, киришиб кетади ва томошабинга спектаклнинг айрим қисмларидан эмас, балки ундан батафсил тасаввур олишига имкон беради. Албатта безакни қандай қилиб бўлса ҳам ҳеч бирортасига ўхшамайдиган қилиш шарт эмас. Бу кулгили бўлиши мумкин. Негаки саҳнадаги актёр ҳам ҳаммамизга ўхшаган инсон, фақат у ўзи тасвирлаётган қиёфага ишонишга мажбур қилади. Шу маънода театр саҳнасида нур ва соялар ҳам ҳар жиҳатдан ниҳоятда кучли бўлиб, ўзининг саҳнада актёр билан алоқада мақсадга мувофиқлиги ва хаётийлигига ишонишга мажбур қилиши керак. Бутун спектаклнинг бирлиги, уюшқоқлиги, уйғунлиги (бир ансамбл бўлиб олишлиги) унинг ишончлилиги ва тамошабинга мукаммал тасаввур бера олишлигига боғлиқ.

Республикамизда барча соҳалар каби театр санъати ҳам ҳукуматнинг ғамхўрлигидан кэнг равнақ топмоқда ва бу санъат соҳасига кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли спектакллами саҳналаштиришда рассомлик ва дизайн имкониятларидан фойдаланиш янада кенгаймоқда. Театр ва рассомлик санъатида саҳна безаклари турли воситалар ва уларни ҳар

хил йўллар билан тайёрлаш ҳамда ўрнатиш ишлари кенг қамровли ва кўп қиррали, ўз навбатида, ўта муҳим масъулиятли фаолиятлардан биридир. Унинг мураккаб техник воситалари ва уни ишлатиш йўллари саҳна ходимларидан тортиб то раҳбарларгача масъулиятли вазифаларни юклайди. Спектаклларнинг мазмуни ва моҳиятига қараб, саҳна безакларини жой-жойига қўйиш режиссёр ва ёритиш усталаридан, айниқса, декорациялар учун масъул бўлган рассомлардан катта истеъдод, ижод талаб этади. Бу билан томошабинларнинг завқини ошириш, театрлаига бўлган қизиқишларини кенгайтириш, энг муҳими, эса, маънавий ва маърифий маъданиятни янада чуқур сингдиришга хизмат қилади.

4.Хулосалар:

Умуман олганда, юқорида ёруғликнинг саҳна асарида ифодали кўринишлар ҳосил қилиши ва унинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Жаҳон театрлари амалиётида ана шундай воситалардан фойдаланиш спектаклларни янада жозибалироқ бўлганлигига мисоллар жуда кўп. Бизнинг театрларимизда ҳам бу каби ифодавий воситалардан кўп фойдаланилади. Ёруғлик саҳна ва актёрларни бир бутун олам каби ифодалайди. Турли ҳодисалар, вазиятлар, ҳолатлар тасвирининг уларга алоқаси йўқдек. Саҳна безаги асарларида ёруғлик масалаларига доир мазкур мақола замонавий жараёнда ижод этувчи режиссёрлар фантазиясини янада кенгайишига хизмат қилади деган умиддамиз.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2017 йил 31 май. ПҚ-3022 сон. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further develop and improve the field of culture and arts." May 31, 2017. PQ-3022.)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони. 1998 йил 26 март 4-сон. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the development of theatrical art in Uzbekistan." March 4, 1998, No. 4.)
3. Сосновская А. Художник театра и кино. – Т. : Изд-во лити искусство, им. Г. Гуляма. 1982. (A. Sosnovskaya. Theater and cinema artist. - T. : Publishing house of art lithi, im. G. Gulyama. 1982.)
4. Абдумаликов Ш.Р. «Замонавий театр саҳна безаги санъати». ТДПИ. П.2005. (Abdumalikov Sh.R. "Contemporary theatrical art". TDPI. P.2005.)
5. Абдумаликов Ш. «Саҳна техникаси ва технологияси». – Т.: 2009. (Abdumalikov Sh. "Stage equipment and technology". T: -2009.)
6. Саид А. «Фикрлаётган суратлар». Театр журнали. 2001. № 6 сон. (A.Said. "Thinking Pictures." Theater magazine. 2001. № 6)
7. Базанов В.В. «Сцена, техника, спектакл». М.И963. (Bazanov V.V. "Stage, technique, performance". M.I963.)
8. Базанов Б.Б. Техника и технология сцены. - Л., «Искусство», 1976. (B.B.Bazanov. Technique and technology of the stage. - L., "Art", 1976.)
9. Масуренков Д. Мастеравизуальних эффектов — Москва. 2002. (.D. Masurenkov. Master of Visual Effects - Moscow. 2002.)
10. Қордирова Д. «Атоқли саҳна мусаввири». Театр журнали. 2002. №5 (D.Qordirova. "Famous stage artist". Theater magazine. 2002. №5 son. 11. Ibrohimov. B. B. "Stage equipment and decoration technology". – T: 2010.) сон.
11. Иброҳимов. Б. «Саҳна техникаси ва безаклар тайёрлаш технологияси». – Т.: 2010. (Ibrohimov. B. B. "Stage equipment and decoration technology". – T.: 2010.)
12. Козловский В.И, Фрезе Э.П. «Художник и театр». – М. 1975. (Kozlovsky V.I., Frese E.P. "Artist and Theater". M. 1975.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Хабибжон Олимжонов,
Ўзбекистон Миллий университети
Тарих факультети таянч докторанти,
olimjonov_1860@mail.ru

ТУРКИСТОН ЎЛКА ВИЛОЯТЛАРИДА КУТУБХОНАЛАРНИНГ ОЧИЛИШИ

For citation: Xabibjon Olimjonov, OPENING OF LIBRARIES IN TURKESTAN REGION. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.382-391

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-52

АННОТАЦИЯ

XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг вилоят ва шаҳарларида жамоатчилик ёки маҳаллий маъмурият томонидан тузилган кутубхоналар ва ўқув хоналари ташкил этила бошланди.

Мазкур мақолада 1889–1910 йилларда Туркистоннинг ўлка ва вилоятларида ташкил қилинган оммавий кутубхоналар тарихи баён қилинади. Хусусан Фарғона ҳарбий губернаторлиги, Сирдарё ва Каспийорти вилоятлари, Самарқанд ҳарбий губернаторлиги ва Сирдарё вилоятида ташкил қилинган кутубхоналар фаолияти кенг ёритилган.

Тадқиқотда архив ҳужжатлари, мусамлака ва совет даври китоблари ва мустақиллик йилларида олиб борилган илмий-тадқиқот маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Таянч иборалар: ҳужжат, архив, архив фонди, кутубхона каталоги, универсал ўнлик классификацияси.

Хабибжон Олимжонов,
Базовый докторант исторического факультета
Национального университета Узбекистана
olimjonov_1860@mail.ru

ОТКРЫТИЕ БИБЛИОТЕК В ТУРКЕСТАНСКОМ КРАЕ

АННОТАЦИЯ

В начале XX века библиотеки и читальные залы, созданные государственной или местной администрацией, начали создаваться в провинциях и городах Туркестана.

В статье рассказывается об истории публичных библиотек, созданных в провинциях и краях Туркестана в 1889–1910 гг. В частности, широко освещалась деятельность Ферганской военной губернаторской, Сырдарьинской и Прикаспийской областей, Самаркандской военной губернаторской и библиотек Сырдарьинской области.

В исследовании широко использовались архивные документы, книги советской эпохи и данные исследований, проведенных за годы независимости.

Ключевые слова: документ, архив, архивный фонд, библиотечные каталоги, универсальная десятичная классификация.

Xabibjon Olimjonov,
Basic doctoral student of the Faculty of History
of the National University of Uzbekistan
olimjonov_1860@mail.ru

OPENING OF LIBRARIES IN TURKESTAN REGION

ABSTRACT

In the early twentieth century, libraries and reading rooms set up by the public or local administration began to be established in the provinces and cities of Turkestan.

This article describes the history of public libraries established in the provinces and territories of Turkestan in 1889–1910. In particular, the activities of the Fergana military governor's office, Syrdarya and Caspian regions, Samarkand military governor's office and libraries in Syrdarya region were widely covered.

The study made extensive use of archival documents, books of the Soviet era and research data conducted during the years of independence.

Index Terms: document, archives, archive fund, library catalogs, universal decimal classification.

1.Долзарблиги:

Ўзбекистон халқининг бениҳоя бой ва ранг-баранг маданияти неча минг йиллар давомида ёрқин тарихий воқеалар силсиласида, ўлкамизнинг бетакрор табиати ва турли маданиятларнинг бир-бирига илҳомбахш таъсири натижасида шаклланиб, равнақ топиб келмоқда. Қадимдан Ўзбекистон ҳудудида турли даврларда ўзига хос цивилизациялар вужудга кели, У ерда ҳайратомуз гўзалликка эга кутубхоналарга асос солинган. Буюк алломалар ва шоирлар улардан фойдаланиб, кўплаб асарлар ёзиб қолдирганлар. Бу ноёб миллий, тарихий-маданий мерос, ҳақли равишда бутун инсоният хазинаси бўлиб, айни пайтда халқимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасидан далолат беради.

Президентимиз Ш.Мирзиёев 2020 йил 20 февралда Туркия Республикаси Президенти девонининг Халқ кутубхонаси очилиш маросимида сўзлаган нутқида: “Дунёда ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти ¬ китоб ва кутубхоналарда, десак, адашмаган бўламиз”[12] дея, таъкидлаган эди. Шунга мувофиқ Президентимизнинг юртимизда кутубхоналар, кутубхонашунослик фанлари ва кадрлар тайёрлашга доир талаб ва кўрсатмалари, илмий-назарий ғоялари ҳамда хулосалари мақоланинг методологик асосини ташкил қилади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқотда адабиётларнинг етарлилик даражаси, мавзунинг жаҳон тарихи билан боғлиқлигига диалектик ва аналитик тарзда ёдашилди. Шунингдек, инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий истиқлол ғоясига асосланиш тамойиллари, миллий қадриятлар, халқ анъаналари ва урф-одатлари, диний эътиқодлари, турли ижтимоий табақалар тарихий-маданий тараққиёти нуқтаи назаридан ёндашув назарий-методологик тамойиллар[1], тушунчаларининг мазмуни[4] тадқиқотни ёритишнинг асосий калити ҳисобланади.

Мавзуига оид тадқиқотлар Россия империяси олимлари Н.В.Дмитровский, А.И.Добросмысов, В.В.Бартольд, В.Л.Вяткин, С.И.Лахтин, О.Лидский, В.И.Межов[6], совет даври олимларидан Е.К.Бетгер, А.Г.Касымова, А.И.Кормилыцин, О.Ғ.Қосимова[2], мустақиллик йилларидаги тадқиқотчилар Э.А.Охунжонов, Э.Йўлдашев, М.М.Матякубова, Л.С.Холназарова, С.Б.Шадманова тадқиқотлари[3]да Туркитонда ўлка вилоят ва шаҳарларда кутубхона ва ўқув хоналарининг очилишига доир маълумотлар ўз аксини топган.

3. Тадқиқот натижалари:

XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг вилоят ва шаҳарларида жамоатчилик ёки маҳаллий маъмурият томонидан тузилган кутубхоналар ва ўқув хоналари ташкил этила бошланди. Масалан, 1898 йилда Ўш оммавий кутубхона ва ўқув хонаси очилади[24].

Янги Марғилон шаҳар оммавий кутубхонаси 1899 йил 14 январда Фарғона вилояти губернаторининг қарорига мувофиқ ташкил қилинади (ҳозирги Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази).

Кутубхона очилганда ўқув хонасида китоблар кам бўлган, аммо шунга қарамай қисқа фурсат ичида китоблар кўпайиб, ўқув хонасидан фойдаланувчилар сони ортиб борган. Бу вақтда кутубхона жамғармаси 3000 нусхадаги китоблардан ташкил топган бўлиб, китобхонлар доираси фақат шаҳар зиёлиларидан иборат бўлган. Аҳолининг бошқа қатламлари учун кутубхона хизматидан фойдаланишнинг имконияти йўқ эди.

Қўқон шаҳар бошлиғининг 1900 йил 24 октябрда Фарғона вилояти губернаторига йўллаган 520-сонли мактубида шу йили Қўқон шаҳарида кутубхона очилганлиги, шунингдек кутубхонадан фойдаланиш тартиб-қоидалари ва низоми ишлаб чиқилганлиги маълум қилинади[24].

Бундай мактуб Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига 1901 йил 26 январда ҳам йўлланади, фақат бу мактубни Наманган уезди бошлиғи юборади. Мактубда Наманган оммавий кутубхонаси очилганлиги ва кутубхона протоколи нусхаси тақдим этилаётганлиги маълум қилинган. Дастлаб кутубхонада 250 нусхага яқин китоблар бўлган ва уларнинг рўйхати тузилиб, каталоглаштирилган.

1907 йилда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг буйруғига асосан Скобелев шаҳрида кутубхона очилади. 1908 йил 18 ноябрда Скобелев оммавий кутубхонасининг 144-сонли протоколи ишлаб чиқилади ва кутубхонанинг фаолияти тартибга солинади ҳамда у расмий фаолият юритувчи муассасага айланади.

Машҳур библиограф Н.А.Буровнинг ЎзМАда сақланаётган Р-2752 рақамли шахсий фондида Ўратепа шаҳар оммавий кутубхонасининг ташкил этилишига оид ҳужжатлар мавжуд.

Н.А.Буров Ўратепа шаҳар оммавий кутубхонасиниг ташкил этилиши, бинога кўчирилиши, кутубхонанинг таъмирланиши, жиҳозланиши, китоблар билан тўлдирилиши, маблағ билан таъминланиши, маблағларнинг сарфланиши ва хайр-эҳсонга оид маълумотларни батафсил ёзиб қолдирган.

Ўратепа шаҳар оммавий кутубхонасининг ташкил этиш жараёни бироз мураккаб даврда бошланади. Россия империяси томонидан 1867 йилда Тошкент шаҳри босиб олингандан кейин ўз мустамлакачилик ҳукмронлигини қарор топтириш мақсадида Россия империяси таркибида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этиш тўғрисида қонун қабул қилади. Қонунга кўра, Зарафшон округи Самарқанд вилоятига айлантирилади ва Самарқанд вилоятига қарашли Ўратепа шаҳри ташкил қилинади.

Ўратепа шахрида кутубхона 1907 йилда маҳаллий жамиятнинг китоб мутолаа қилишга ва шахсий кутубхоналар ташкил этишга мойиллиги бўлган вакиллари – зиёли кишилар орасида пайдо бўлади. Бироқ бу иш кўп йиллар давомида ортга сурилиб қолади. Фақат 1909 йилда маҳаллий полиция ходими бўлган Арцишевский томонидан Самарқанд вилояти губернаторига мактуб йўллаб Ўратепа шаҳрида оммавий кутубхона ўқув залини ташкил қилишга рухсат сўрагунга қадар, албатта. 1909 йилнинг баҳорида губернатор ветеринар врач Соболев ёрдами билан Арцишевскийга кутубхона очишга розилик билдиради[20].

Шуни таъкидлаш ўринлики, Туркистон генерал-губернаторлигида кутубхоналарнинг кенг очилиши ва фаолият юритишида Россия Ички ишлар вазирлигининг 1896 йил 4 сентябрдаги “Туркистон генерал-губернаторлигида умумий ва халқ-оммавий кутубхонаси ҳамда бепул ўқув хоналари тўғрисида”ги 4580-сонли хати сабаб бўлди. Ушбу хатнинг нусхаси барча вилоят ва уезд марказларига юборилиб, унда жойларда кутубхоналар ташкил этиб, низомлари тасдиқланиши сўралган. Мазкур хатга мувофиқ, Фарғона, Самарқанд ва

Сирдарё вилоятларининг Лепсинск, Омск, Казала ва Пржевалск шаҳарларида оммавий кутубхоналар очилади ва низомлари тасдиқланади[30].

Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, Туркистон генерал-губернаторининг 1897 йил 10 майдаги 3150-сонли хатига асосан Еттисув (Семирченск) вилоятининг Лепсинск[8] шаҳрида умумий кутубхона ва ўқув хонаси очилади[26]. Шу билан бирга, шаҳарда китоб дўкони ва шахсий кутубхона ўқув хоналари ҳам очилади.

Акмола вилояти ҳарбий губернатори, генерал М.А.Левинцов[12] нинг 1897 йил "Омск шаҳар кутубхонаси" тўғрисидаги 1840-сонли қарорига асосан очилган. 1897 йил 2 сентябрда кутубхонанинг низоми ишлаб чиқилган[14].

Сирдарё вилояти Казала[11] шаҳар оммавий кутубхонаси 1899 йил 28 октябрда очилган. 1900 йил 15 сентябрда "Казала оммавий кутубхонаси тўғрисида"ги низом ишлаб чиқилган[16].

1900 йилда яна бир кутубхона Пржевалск[7] шаҳар кутубхонаси очилади. Пржевалск шаҳар кутубхонасига ҳам бошқа кутубхоналар сингари кутубхонанинг низомини ишлаб чиқиш ва ҳарбий губернаторга тақдим этиш вазифаси қўйилади. Ушбу вазифадан келиб чиқиб, 1901 йил 15 майда "Пржевалск шаҳар кутубхонаси тўғрисида"ги низоми[29] тасдиқланади ва жаҳон адабиётининг нодир нашрлари сақланган ўқув хонаси иш бошлайди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича 1913 йилда Қоракўл туманида амлокдор Ғулом Қодир билан Қози Икром бир мактаб очиб ўз болаларини ва хоҳловчиларнинг болаларини ўқитишни ташкил этган. Бу ерда Сулаймонхўжа томонидан газета тарқатилиб, китоблар келтирилиб, кутубхона иши йўлга қўйилган.

Сирдарё вилояти генерал-губернатори генерал-лейтенант М.Я.Романов [10] томонидан [5] 1907 йил 19 декабрда Авлиёота [9] шаҳар кутубхонаси устави тасдиқланади. Устав 29 банддан иборат бўлган [18].

Туркистон генерал-губернаторининг 1899 йил 18 декабрда 16468-сонли буйруғига асосан Амударё кутубхонаси очилади ва унинг вақтинчалик низоми қабул қилинди. Кутубхонанинг ўқув хонаси Ўрта Осиё темир йўлларига қарашли Фароб бекатида жойлашган[27].

Шу йили анчадан буён фаолият кўрсатиб келаётган Перовский кутубхонасига машинист Александр Константинович Андреев бошлиқ этиб тайинланади[17]. Кутубхонада китоб мутолаасига қизиқувчи ҳар қандай шахсга манзур келувчи китоблар мавжуд бўлган.

1907 йилда Сирдарё вилояти Амударё уездида Петро-Александровск кутубхонаси ташкил топади. Шу йили 28 мартда Кутубхона низоми муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Низом 25 банддан иборат бўлган[15].

Кутубхоналар қатъий тартиб-қоидаларга амал қилган, кутубхоналарда империя Ички ишлар вазирлиги томонидан рухсат берилган адабиётларгина сақланган. Вазирлик ҳатто китоб дўконларидаги китобларнинг мазмуни тўғрисидаги маълумотларни назоратга олган бўлиб, ноқонуний китоб сотишга йўл қўйилмаган. Кутубхоналар директор ёки кутубхоначи томонидан бошқарилган ҳамда кутубхона ҳисоботини тўғри ва ўз вақтида юритилишига масъул бўлган. Девонхона томонидан ҳисоботлар йил якунида ва ҳатто, ярим йилликда ҳам талаб қилинган. Кутубхона директори ва ходимлари вилоят ғазнасидан маош билан таъминланган. Ойлик маош кутубхона ходимининг лавозимидан келиб чиқиб: директор 45 рублдан 50 рублгача, ходимлар эса 15 рублдан 18 рублгача, кутубхона қоровули, боғбон, фаррошлар эса 5 рублдан 8 рублгача мояна олишган[25].

Бу даврда ҳар бир вилоят ва шаҳар кутубхоналари учун алоҳида низомлар ишлаб чиқилиб, ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланган. Кутубхона низомларида китобхонларга хизмат кўрсатиш, китобхон дафтарчасини тўғри юритиш, сотиб олинган китоблар ва обуна бўлган газета–журналларнинг нусхалари рўйхатини тузиш, кутубхона тадбирларини ташкиллаштирш, кутубхона таркибида бўлимлар ташкил қилиш, ўқув хоналарини очиш, кутубхоналарда китобхон клубларини ташкил этиш, китоб кўргазмаларини тайёрлаш бўйича тартиб-қоидалар қаттий белгилаб қўйилган эди.

Кутубхоналар империя ҳарбиялари томонидан доимий назорат қилиб турилган. Бунинг учун алоҳида назорат комиссия ҳам тузилган. Россия империясининг Туркистонда кутубхонашунослик соҳасидаги фаолиятидаги ўзига хос хусусиятлари шундан иборат эдики, жамиятдаги барча воқеа–ҳодисаларга, шу жумладан кутубхоначилик иши масалаларига ҳам сиёсий нуқтаи назар билан қараш, кутубхоналар фаолиятига нисбатан кескин танқидий муносабатда бўлиш сиёсатини юритдилар. Бунинг сабабларидан бири Туркистонда кутубхоначилик ишини мафкуралаштириш натижасида, кутубхоналар фаолиятига тор синфий ёндашув асосида таърифлаш ва умуминсоний қадриятларга етарли баҳо бермаслик билан боғлиқ эди. Бу қадриятлар орасида аҳолини китобга ва китобхонликка жалб қилиш, маҳаллий халқ фарзандларини маърифатли қилиш муҳим ўрин эгаллайдики, Россия ҳарбийлари бу қадриятларни инобатга олишмади, улар Туркистон кутубхоналарини маҳаллий аҳоли тушунадиган ва ўқий оладиган китоблар билан бойитиш ўрнига, хорижий тиллардаги адабиётлар билан бойитишга ҳаракат қилишди. Шу сабабли кутубхоналарнинг деярли барча аъзоларини асосан ҳарбийлар ва зобитлар ташкил қилган. Бу эса маҳаллий аҳоли вакилларининг ўз уйларида сақлаб келадиган китобларини ўқишдан бошқа чораларини қолдирмади.

Ўлка генерал-губернаторлари мустамлакачилик ҳаракатларини барча соҳалар қатори маорифда ҳам намоён этдилар. Самарқанддаги кўплаб кутубхоналар таланиб, ўрнидан бошқа мақсадларда фойдаландилар. Аммо ҳақиқатга қарши чиқиб бўлмаганидек, маҳаллий аҳоли қадимий анъаналарига содиқ қолган ҳолда, империянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши тинимсиз кураш олиб борганлар. Шундай миллий – озодлик курашлари Самарқанд, Жиззах, Еттисув ва Ўратепа шаҳарларида бир неча бор амалга оширилган. Қўзоғлончиларнинг талабномаларида кутубхоналар ва таълим муассасаларини ташкил этиш мурожаати ҳам бор эди. Бундай қўзғолонлар натижасида кўплаб ҳудудларда бепул кутубхоналар, ўқиш хоналари ҳамда таълим муассасалари ва уларнинг кутубхоналари ташкил қилинади. Бу кутубхоналарнинг қайта тикланишига маҳаллий аҳоли вакиллари, ҳарбий қисм командирлари ва шарқшунос олимлар бош қўшган.

1905 йил 26 апрелда Ўрта Осиё темир йўлларининг Черняев бекатида темир йўл хизматчилари учун кутубхона очилади. Кутубхона низоми Самарқанд ҳарбий губернатори генерал-майор Гескет томонидан 1906 йил 23 майда тасдиқланади. Низом 34 банддан иборат бўлиб, кутубхона фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат саналган[19].

Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторининг 1910 йил майдаги 6-сонли қарорига мувофиқ Жиззах шаҳар кутубхонаси очилади[23]. Кутубхонани очишда уезд бошлиғи подполковник Рукин ва Жиззах шаҳар депутатлари кенгаши халқ маслаҳатчиси Мулла Юсуф Абдуллабоев жонбозлик кўрсатади. 1911 йилда кутубхонанинг йиллик харажатлар тақсимоти ишлаб чиқилади ва кутубхона ҳисобига 200 рубль ажратилади. Бу маблағ кутубхонанинг фаолиятини юритиш ва фондларини бойитишга ишлатилган.

Самарқанд вилояти мусулмонлар кутубхонаси ва ўқув хонаси 1907 йил 12 сентябрда (Ҳижрий 1326 йил 1 рамазони) маҳаллий мусулмон аҳоли ташаббуси билан очилган. Кутубхонада 200 нусха тарихий ва илмий китоблар бўлиб, хусусан, Қуръони Карим таржимаси ҳамда китоблар, 15 нусхадаги газета ва журнал бўлган. Китоб ва газеталар асосан араб, форс ва рус тилларида эди. Кутубхона хизматларидан Арабистон ярим ороли шаҳарлари, мусулмон динининг марказлари Макка ва Мадинадан ҳамда Истанбул, Санкт-Петербург, Москва каби 15 га яқин жаҳоннинг энг бой кутубхоналаридан олимлар келиб фойдаланган. Кутубхонанинг ташкил этилишида кутубхона бошлиғи Маҳмудхўжа Беҳбудий ва кутубхона ходими, котиб Абдухолиқовларнинг хизматлари сингади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий асос солган мазкур кутубхона ҳар йил якунида ҳисобот топшириб турган. 1908 йилдаги Туркистон генерал-губернатори девонхонасига йўлланган Самарқанд вилояти мусулмонлар кутубхонасининг ҳисоботи икки (ўзбек ва рус) тилида ёзилган. 1908 йилдаги кутубхона ҳисоботига кўра, аъзолик бадаллари ва хайр-эҳсонлардан жами 970 рубль 75 копейк даромад кўрган бўлса, чиқимлар 604 рубль 24 копейкани ташкил

этганлиги[21] қайд қилинган. Мазкур муассасадан асосан педагоглар ва мактаб ўқувчилари кенг фойдаланган.

Самарқанд шаҳар оммавий кутубхонаси (хозирги кундаги А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят илмий кутубхона) 1909 йилда ташкил этилган[22] бўлиб, кутубхонанинг асосчиларидан бири археолог В.Вяткин, биринчи бошлиғи В.Андреев. Кутубхонада китоб сақлаш, адабиётларга ишлов бериш, китобхонларга хизмат кўрсатиш, даврий матбуот, маълумот-библиография, техника ва қишлоқ хўжалиги адабиётлари, оилавий ўқув хонаси, санъат, хорижий адабиётлар, илмий методик, каталог ва картотекалар, ўлкашуносликка доир адабиётлар бўлимлари ҳамда ҳуқуқий ахборот марказлари мавжуд бўлган. 1911 йилда кутубхонада 2 минг нусхага яқин адабиёт бўлиб, оммавий кутубхоналарга методик марказ вазифасини ҳам бажарган.

Мустамлакачилик даврида илмий жамият ва шахсий кутубхоналар ҳам ташкил топди.

4.Хулосалар:

Шундай қилиб Россия империяси ўлкани босиб олгунга қадар ҳам маҳаллий аҳоли вакиллари уйларида, мадраса, масжид ва саройларда кутубхоналар мавжуд бўлган. Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингач ўзбек хонликлари тугатилиб ўрнида Туркистон генерал-губернаторлиги тузилади. Янги тузилган ҳукумат чекланмаган ҳокимиятга эга бўлганлиги боис ўзбилармонларча сиёсат юритади. Бу сиёсатнинг барча йўналишлари подшо ҳукумати манфаатлари учун хизмат қилиши лозим эди. Кутубхоналар ҳам ана шу сиёсатнинг бир қисми эди. Юқорида таъкидланганидек, Фарғона вилояти шаҳар ва марказларда ташкил этилган кутубхоналар ҳам аввалдан мавжуд бўлган масжид, мадраса ва шахсий кутубхонлар негизида ташкил қилинган.

Хулос мазкур кутубхона ва бошқа шу каби кутубхоналар тарихи хозирги кундаги Ўзбекистонда фаолия юритаётган кутубхоналарнинг шаклланиши ва ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилган. Кутубхоналар олис тарих саҳифаларидан ҳикоя қилувчи илмий-маърифий масканлар бўлиб, уларнинг фаолияти бевосита илмий-тадқиқотга таянади. Кутубхонада олиб бориладиган илмий-тадқиқот самараси китобларда, аудиовизуал тасмаларда, видеоёзувларда, кинофотофоно ҳужжатларида сақланиши мақсадга мувофиқ. Тобора ривожланиб бораётган, замонавий коммуникациялар асрида бошқа фан тармоқлари каби кутубхона илмини ҳам автоматлашган бошқарув тизимига ўтказиш, уларнинг интернет саҳифаларини бойитиш, кутубхона сервис хизматини яхшилаш, китобхонлар билан ишлаш ва уларга хизмат кўрсатиш фаолиятларини такоммилаштириш замон талаби эканлигини исботламоқда.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ахунджанов Э.А. Историка-типологическое исследование истории книги и книжного дела в Туркестане: древность средние века дис. …д-ра.истор.наук. – Ташкент, 1998. – С. 376–408. (Akhundzhanov E.A. Historian-typological study of the history of books and book business in Turkestan: antiquity of the Middle Ages dis.. .. Dr. of History. ¬¬¬¬¬¬¬-Tashkent, 1998. - P. 376-408.)
2. Беггер Е.К. Берегите книгу // Известия (Ташкент), 1919, 21 ноября. Шу муаллиф. К 50-летнему юбилею Туркестанской публичной библиотеки (1870–1920 гг.). // Известия (Ташкент), 1920, 16 мая. Шу муаллиф. Туркестанская государственная библиотека (1918–1922 гг.). Краткий исторический очерк // Наука и просвещение (Ташкент), 1922. – №2. – С. 192–203. Шу муаллиф. Государственная публичная библиотека Узбекской ССР // Народное образование в Узбекской ССР за 15 лет (1924–1939). – Ташкент, 1939. – С; 142–156; Касымова А.Г. Дореволюционные библиотеки Узбекистана // Ученые записки (Ташкентский пед. институт), 1966. Т. 71. – С. 64–72; Кормильцин А.И. Библиотеки научно-медицинских обществ дореволюционного Туркестана // Труды (Ташкентский университет), 1966. Вып. 287. – С. 132–136. Шу муаллиф. Библиотеки некоторых научных обществ дореволюционного Туркестана и их значение в

распространении научно-технических знаний // Материалы научной конференции аспирантов ТашГУ. Гуманитарные науки. – Ташкент, 1966. – С 52–64; Яхонтова Н.В. Из истории научных библиотек дореволюционного Туркестана // Ученые записки (Ташкентский пед. институт). – 1966. Т. 71. – С. 73–80; Кормилыцин А.И. История развития библиотечного дела в дореволюционном Туркестане (1868–1917 гг.). Автореф. канд. дисс. – Т.: 1969. – С. 31; Қосимова О.Ғ. Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 1977. – 154 б.; Қосимова О.Ғ. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. Ўқув қўлланма. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2–нчи нашри. VII ва VIII боблар. Т. Есимов иштирокида ёзилган. – Тошкент; “Ўқитувчи”, 1992. – 191 б; Қосимова О.Ғ. У збеки стонда кутубхоначилик иши тарихи. Ўқув қўлланма. – Тошкент; “Ўқитувчи”, 1977. – 154 б.; Қосимова О.Ғ. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. Ўқув қўлланма. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нчи нашри. VII ва VIII боблар. Т. Есимов иштирокида ёзилган. – Тошкент; “Ўқитувчи”, 1992. – 191 б; (Begger E.K. Take care of the book // Izvestia (Tashkent), 1919, November 21. Shu muallif. To the 50th anniversary of the Turkestan Public Library (1870-1920). // Izvestia (Tashkent), 1920, May 16. Shu muallif. Turkestan State Library (1918-1922). A brief historical sketch // Science and education (Tashkent), 1922. - №2. - S. 192–203. Shu muallif. State public library of the Uzbek SSR // Public education in the Uzbek SSR for 15 years (1924-1939). - Tashkent, 1939. - C; 142-156; Kasymova A.G. Pre-revolutionary libraries of Uzbekistan // Uchenye zapiski (Tashkent Pedagogical Institute), 1966. V. 71. - P. 64–72; A.I. Kormilytsin Libraries of scientific medical societies of pre-revolutionary Turkestan // Proceedings (Tashkent University), 1966. Issue. 287. - S. 132-136. That author. Libraries of some scientific societies of pre-revolutionary Turkestan and their importance in the dissemination of scientific and technical knowledge // Materials of the scientific conference of graduate students of Tashkent State University. Humanitarian sciences. - Tashkent, 1966. - From 52–64; Yakhontova N.V. From the history of scientific libraries of pre-revolutionary Turkestan // Scientific notes (Tashkent Ped. Institute). - 1966.T. 71. - S. 73-80; A.I. Kormilytsin The history of the development of librarianship in pre-revolutionary Turkestan (1868–1917). Abstract of the thesis. Cand. diss. - T. : 1969. - S. 31; Qosimova O.G. History of library work in Uzbekistan. Study guide. - T. : “Teacher”, 1977. - 154 p. ; Qosimova O.G. History of librarianship in Uzbekistan. Study guide. Revised and supplemented 2nd edition. Chapters VII and VIII. T. Written with the participation of Esimov. - Tashkent; “Teacher”, 1992. - 191 p. ; Qosimova O.G. It is the history of librarianship in Uzbekistan. Study guide. - Tashkent; "Teacher", 1977. - 154 p.; Qosimova O.G. History of librarianship in Uzbekistan. Study guide. Revised and supplemented 2nd edition. Chapters VII and VIII. T. Written with the participation of Esimov. - Tashkent; “Teacher”, 1992. - 191 p.)

3. Охунжонов Э.О. Туркистонда ўрга аср кутубхоначилик ва библиография ишлари маданияти. – Тошкент, 1994. – 59 б.; Ахунджанов Э.А. Очерки по истории книги и книжного дела в Средней Азии. Древность. Средние века. – Ташкент; “Издательскополиграфическое объединение им. Ибн Сыны”, 1993. – 162 с.; шу маллиф. История книги в Туркестане. Древность. Средние века. – Челябинск, 2009. – 401 с; Йўлдашева Э. Болалар китобхонлигини ўрганишнинг форма ва методлари. Тошкент; 1986; Йўлдашева Э. Болалар кутубхонасида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш. – Тошкент, 1983; Йўлдашева Э. Кутубхонада болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 1986; Йўлдашева Э. Болалар кутубхонасида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2002; Йўлдашева Э. Кутубхона ва ёш китобхон. – Тошкент, 2003.; Матякубова М.М. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Хива хонлигида китобат ва кутубхона тарихи. Тарих фан. ном.. ..Дисс. – Урганч, 2008. – Б. 184; Холназарова Л. С. XIX–XX асрнинг бошларида Бухора китобат ва кутубхоначилик тарихи.: Тар. фан. ном.. ..Дисс. – Бухоро, 2011. – Б. 34; Шадманова С.Б. Даврий матбуотда Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ахволи масалалари (1870-1917й). Тар. фан. док.. ..Дисс. – Тошкент, 2011. – 406 б.

(Oxunjonov E.O. The culture of medieval librarianship and bibliography in Turkestan. - Tashkent, 1994. - 59 p ; Akhundzhanov E.A. Essays on the history of books and book business in Central Asia. Antiquity. Middle Ages. - Tashkent; “Publishing and Polygraphic Association named after Ibn Sons ”, 1993. - 162 p. ; this author. History of the book in Turkestan. Antiquity. Middle Ages. - Chelyabinsk, 2009. -- 401 s; Yuldasheva E. Forms and methods of studying children's reading. Toshkent; 1986; Yuldasheva E. Guide readers to reading in the children’s library. - Tashkent, 1983; Yuldasheva E. Fostering a culture of children's reading in the library. Study guide. - Tashkent, 1986; Yuldasheva E. Guide readers to reading in the children’s library. Study guide. - Tashkent, 2002; Yuldasheva E. Library and young reader. - Tashkent, 2003; Matyakubova M.M. The second half of the XIX century - the history of books and libraries in the Khiva khanate in the early XX century. History fan. nom.. .. Diss. - Urganch, 2008. - Б. 184; Xolnazarova L. S. History of Bukhara literature and librarianship in the XIX-early XX centuries. : Tar. fan. nom.. .. Diss. - Buxoro, 2011. - Б. 34; Shadmanova S.B. Issues of socio-economic and cultural situation of Turkestan in periodicals (1870-1917). Tar. fan. doc.. .. Diss. - Tashkent, 2011. - 406 p.)

4. Беловитская А.А., Омилянчук С.П. Содержанию понятия “Советская книга” (Книга в процессе движения) // Советская историография книги. – М.: 1979. – С. 123.(Belovitskaya A.A., Omilyanchuk S.P. The content of the concept "Soviet book" (Book in the process of movement) // Soviet historiography of the book.- M. : 1979. - P. 123.)
5. Волков С. В. Генералитет Российской империи. Энциклопедический словарь генералов и адмиралов от Петра I до Николая II. Том II. Л—Я. – М., 2009. – С. 690. (Volkov S. V. Generalitet of the Russian Empire. Encyclopedic Dictionary of Generals and Admirals from Peter I to Nicholas II. Volume II. L — I. - M., 2009. -- P. 690.)
6. Дмитровский Н.В. Двадцати пятилетие Туркестанской публичной библиотеки // Туркестанский ведомости, 1895. – № 33, 34, 37; Шу муаллиф. Эпизод истории Туркестанской публичной библиотеки // Кауфманский сборник. – М.: 1910. – С. 129–138; Добросмыслов А.И. Туркестанская публичная библиотека и музей. Исторический очерк II Средняя Азия. – Т.: 1910. Кн. 2. – С. 106–126; Бартольд В.В. Несколько слов о Туркестанской публичной библиотеке // “Туркестанские ведомости”, 7 июня 1902, Шу муаллиф. Туркестанская государственная библиотека и местная мусульманская печать // Записки коллегии востоковедов при Азиатском музее Российской Академии наук. – М.: 1925. Т. 1. – С. 97-105; Вяткин В.Л. Бухарский книжный рынок // “Туркестанские ведомости”. 1897. – № 64. – С. 264; Лахтина С.И. Каталог книг иностранного отделения Туркестанской Публичной Библиотеки. – Т.: “Тип-Лит”. 1891. – С. 31; Лидский О. Алфавитный каталог книг русского отделения Туркестанской публичной библиотеки. Словесность: Теория, критика, история беллетристика, поэзия, драма/Сос.: О.Лидский. – Т.: 1894. – С. 46; Межов В.И. Туркестанский сборник (Материалы касающихся Средней Азии и в особенности Туркестанского края) // Туркестанский сборник. – СПб., 1868. – Т.1. – С. 1–3. (Dmitrovsky N.V. Twenty-fifth anniversary of the Turkestan Public Library // Turkestan Bulletin, 1895. - No. 33, 34, 37; Shu muallif. Episode of the history of the Turkestan Public Library // Kaufman collection. - M. : 1910. - P. 129-138; Dobrosmyslov A.I. Turkestan Public Library and Museum. Historical sketch II Central Asia. - T. : 1910. Book. 2. - P. 106–126; Bartold V.V. A few words about the Turkestan Public Library // Turkestanskie Vedomosti, June 7, 1902, Shu muallif. Turkestan State Library and Local Muslim Press // Notes of the College of Orientalists at the Asian Museum of the Russian Academy of Sciences. - M. : 1925. T. 1. - S. 97-105; Vyatkin V.L. Bukhara book market // Turkestanskie vedomosti. 1897. - No. 64. - P. 264; Lakhtina S.I. Catalog of books of the foreign branch of the Turkestan Public Library. - T. : "Tip-Lit". 1891. --P. 31; Lidskiy O. Alphabetical catalog of books of the Russian branch of the Turkestan Public Library. Literature: Theory, criticism, history, fiction, poetry, drama / Sos. : O. Lidsky. - T. : 1894. - P. 46; Mezhov V.I. Turkestan collection (Materials concerning Central Asia and especially the Turkestan region) // Turkestan collection. - SPb., 1868. - Vol. 1. - P. 1-3.)

7. Қоракўл (Пржевалск) шаҳри–Қирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган шаҳар. 1865 йилда Россия империяси томонидан Қошғар чегарасида қурилган бўлиб, 1872 йилда бу шаҳарда ҳарбийлардан ташқари Тошкентдан, Туркистон вилоятининг бошқа шаҳарларидан келган 150 нафар аҳоли бор эди (асосан татарлар ва ўзбеклар ҳамда 12 нафари рус) 1897 йилда аҳолисининг сони 8108 нафарга етган. (The city of Karakul (Przhevalsk) is a city located in the territory of the Kyrgyz Republic. It was built by the Russian Empire on the Kashgar border in 1865. In 1872, in addition to the military, the city had a population of 150 (mostly Tatars and Uzbeks and 12 Russians) from Tashkent and other cities in the Turkestan region. In 1897, the population reached 8,108.)
8. Лепсинск – Туркистон генерал-губернаторлиги Еттисув вилояти таркибида 1867 йил 14 апрелда ташкил қилинган шаҳар. Ҳозирги кунда Қозоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган. (Lepsinsk is a city founded on April 14, 1867 in the Ettisuv region of the Governor-General of Turkestan. It is currently located on the territory of the Republic of Kazakhstan.)
9. Мил. авв. IV–V асрларда Талас дарёси яқинидаги даштларда саклар ва усунларнинг қабила иттифоқлари шаклланиб, улар Тараз аҳоли пунктига асос солишган. 1856 йилда шаҳар “ Аулие-Ата” – муқаддаси бобо (аждод), деб ўзгартирилган. Бу ном Қорахонийлар сулоласининг асосчиси–Қорахон шарафига қўйилган. Ҳозирда Қозоғистон ҳудудидаги Тароз шаҳрининг 1936 йилгача номи. (Mil. avv. In the IV-V centuries in the steppes near the river Talas formed tribal alliances of Saks and Usuns, who founded the settlement of Taraz. In 1856, the city was renamed "Aulie-Ata" - the holy ancestor. The name is given in honor of the founder of the Karakhanid dynasty - Karakhan. The name of the city of Taraz in the territory of Kazakhstan until 1936.)
10. Михаил Яковлевич Романов (1848—1915) – рус пиёда қўшинининг генерали. 1903 йил 1 январдан Акмала вилояти ҳарбий губернатори, 1906 йил 3 августдан Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори. 1911 йил 20 январда генерал унвонини олган. (Mikhail Yakovlevich Romanov (1848—1915) - General of the Russian Infantry. From January 1, 1903 he was the military governor of Akmala region, from August 3, 1906 he was the military governor of Syrdarya region. On January 20, 1911, he was promoted to general.)
11. Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган шаҳар. Унга 1853 йилда асос солинган ва 1867 йилга қадар 1-Истеҳком қалъа деб аталган. Ҳозирда Қозоғистоннинг Қизилўрда вилоятига қарашли. (A city on the right bank of the Syrdarya. It was founded in 1853 and until 1867 was called the 1st Istehkom Castle. It currently belongs to the Kyzylorda region of Kazakhstan.)
12. Степанов В. С., Григорович П. И. В память столетнего юбилея императорского Военного ордена Святого великомученика и Победоносца Георгия (1769–1869). – СПб., 1869. – С. 29. (Stepanov V. S., Grigorovich P. I. In memory of the hundredth anniversary of the Imperial Military Order of the Great Patriotic War and the Victory of Georgia (1769–1869). - SPb., 1869. - p. 29.)
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти девони халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий газета. 2020 йил 21 февраль. (Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev at the opening ceremony of the People's Library of the Office of the President of the Republic of Turkey Socio-political newspaper "Uzbekistan". February 21, 2020.)
14. ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 15769-йиғмажилд, 8-варақ. (UzNA I-17 fund, list 1, collection 15769, page 8.)
15. ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 16258-йиғмажилд, 7-варақ. (UzNA I-17 fund, list 1, collection 16258, page 7.)
16. ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 16630-йиғмажилд, 3-варақ. (UzNA I-17 fund, 1 list, 16630 collection, 3 pages.)

17. ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 16630-йиғмажилд, 3-варақ. (UzNA I-17 fund, list 1, collection 16630, page 3.)
18. ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 21657-йиғмажилд, 45-варақ. (UzNA I-17 fund, list 1, collection 21657, page 45.)
19. ЎзМА И-18-фонд, 1-рўйхат, 8097-йиғмажилд, 15-варақ. (UzNA I-18 fund, list 1, collection 8097, page 15)
20. ЎзМА И-18-фонд, 1-рўйхат, 8209-йиғмажилд, 15-варақ. (UzNA I-18 fund, list 1, collection 8209, page 15.)
21. ЎзМА И-18-фонд, 1-рўйхат, 8255-йиғмажилд, 9-варақ. (UzNA I-18 fund, list 1, collection 8255, page 9.)
22. ЎзМА И-18-фонд, 1-рўйхат, 8255-йиғмажилд, 9-варақ. (UzNA I-18 fund, list 1, collection 8255, page 9.)
23. ЎзМА И-18-фонд, 1-рўйхат, 8322-йиғмажилд, 2-варақ. (UzNA I-18 fund, list 1, collection 8322, sheet 2.)
24. ЎзМА И-19-фонд, 1-рўйхат, 1167-йиғмажилд, 17-варақ. (UzNA I-19 fund, 1 list, 1167 collection, 17 pages.)
25. ЎзМА И-1-фонд, 11-рўйхат, 1614-йиғмажилд, 141–142-варақ. (UzNA I-1 fund, list 11, collection 1614, pages 141–142.)
26. ЎзМА И-1-фонд, 12-рўйхат, 1865-йиғмажилд, 9-варақ. (UzNA I-1 fund, 12 list, 1865 collection, 9 pages.)
27. ЎзМА И-1-фонд, 12-рўйхат, 70-йиғмажилд, 1–2-варақ. (UzNA I-1 fund, list 12, collection 70, page 1-2.)
28. ЎзМА И-1-фонд, 13-рўйхат, 102-йиғмажилд, 4-варақ. (UzNA I-1 fund, 13 list, 102 collection, 4 pages.)
29. ЎзМА И-1-фонд, 13-рўйхат, 112-йиғмажилд, 25-варақ. (UzMA I-1 fund, list 13, collection 112, page 25.)
30. ЎзМА И-1-фонд, 13-рўйхат, 112-йиғмажилд, 9-варақ. (UzMA I-1 fund, 13 list, 112 collection, 9 pages.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Икромиддин Остонақулов,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси доценти,
тарих фанлари доктори.
Тўлғаной Маматқулова,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси ўқитувчиси

XIX АСР ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ

For citation: Ikromitdin OSTONAQULOV, Tulganoy MAMATQULOVA, THE ROLE OF THE HERITAGE OF ROGGIA MARGINONI IN THE STUDY OF THE HISTORY OF THE FERGANA VALLEY OF THE XIX CENTURY. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.392-396

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-53

АННОТАЦИЯ

Мақолада шоир ва жамоат арбоби Рожий Марғилоний асарларининг XIX аср охирги йиллари Фарғона водийси ижтимоий сиёсий тарихини ўрганишдаги аҳамияти кўрсатилган бўлиб, муаллиф шоирнинг тарихий манзумаларини тарихнавислик учун илмий аҳамиятга эга эканлигига асосий эътибор қаратган.

Калит сўзлар: Фарғона водийси, Марғилон маданий муҳити, Рожий Марғилоний, халқ қўзғалони, қозилик, вақтли матбуот, тарихий жараёнлар, манзумалар, ҳуқуқшунос.

Икрамиддин Останакулов,
Доцент кафедры “Узбекского языка и литература”
института искусства и культуры Узбекистана,
доктор исторических наук
Тулганой Маматкулова,
Преподавательница кафедры “Узбекского языка и литература”
Государственного института искусства и культуры Узбекистана,
доктор исторических наук

РОЛЬ НАСЛЕДИЯ РОДЖИ МАРГИНОНИ В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ XIX ВЕКА

АННОТАЦИЯ

В статье подчеркивается значение творчества поэта и общественного деятеля Роджи Маргилани в изучении общественно-политической истории Ферганской долины в последние годы XIX века.

Ключевые слова: Ферганская долина, культурная среда Маргилана, Раджи Маргилани, народное восстание, судебная контора, периодика, исторические процессы, стихи, юрист.

Ikromitdin Ostonaqulov,
Dotsent of the State Institute of Arts and culture of Uzbekistan
of the Department "Uzbek language and literature",
doctor of historical sciences.
Tulganoy Mamatqulova,
Etiche of the State Institute of Arts and culture of Uzbekistan
of the Department "Uzbek language and literature".

THE ROLE OF THE HERITAGE OF ROGGIA MARGINONI IN THE STUDY OF THE HISTORY OF THE FERGANA VALLEY OF THE XIX CENTURY

ABSTRACT

The article highlights the importance of the works of the poet and public figure Roji Margilani in the study of the socio-political history of the Fergana Valley in the last years of the XIX century.

Key words: Fergana Valley, cultural environment of Margilan, Raji Margilani, popular uprising, judicial office, periodicals, historical trials, poetry, lawyer.

1.Долзарблиги:

Фарғона водийсининг XIX асрга тегишли даври тарихнавислик учун ўрганилиши долзарб бўлган мавзулар қаторида туради. Бу даврда водий ижтимоий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Водий ҳудуди чор Россияси таркибига киритилди. Халқ ҳаётида техноген маданиятнинг бир қатор унсурлари ўз зуҳурини кўрсатди.Темир йўл, почта, газета, театр, маиший техника, европача таълим пайдо бўлди. Шу билан бирга аҳолининг анъанавий турмуш тарзи мусулмон шариатига амал қилган ҳолда давом этди. Илғор фикрли ерли зиёлилар ўз асарларида янги шароитнинг ижобий ва салбий жиҳатларини кўрсатувчи мавзуларни кўтариб чиқдилар. Жумладан, буни Зокиржон Фурқат ижоди мисолида яққол кўриш мумкин.Фурқатга замондош зиёлилардан қози ва шоир Рожий Марғилоний (1834 й.т. – 1918 й.в.э. Марғилон.) ҳам бу даврнинг пешқадам арбобларидан эди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Унинг ижоди ва ижтимоий фаолияти ўша давр водий тарихининг жуда кўп масалаларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.Рожийнинг тасаввуфий шеърлари Яссавий, Навоий, Машраб, Ҳувайдо, Фурқат ва Ҳазиний каби шоирлар ижодига ҳамоҳангдир. Шоирнинг ўзига замондош дарвишлар, қаландарлар ва мажзублар вафотига бағишланган таърих-шеърларида ҳам тасаввуф таълимотининг изларини кўрамиз. Рожий ижтимоий фаолиятини ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан, ижодий меросини эса адабий ва фалсафий жиҳатдан ўрганиш лозим. Ўзбек ва форс-тожик тилларида ёзилган шеърий асарлари 2012 йили "Ҳайрат ул инсон" номи билан нашр этилди.[1]

3. Тадқиқот натижалари:

Рожий ижодига асосан шоир сифатида мурожат қилинган.Филология фанлари номзоди М.МадғозиевРожийнинг поэтик маҳорати бўйича тадқиқот яратган.[2] Т.ф.д. И.Остонақулов Рожийнинг мутасаввиф сифатидаги меросини ўрганиб, бир қатор мақолалар ёзган.[3] Т.ф.н. Н.Абдулаҳатов билан Р.Файзуллаев эса шоир ҳаёти ва ижодига доир монографияларида Марғилон маданий муҳитига тегишли бошқа манбаларни тадқиқ этишга ҳаракат қилишган.[4]. Шунингдек, рус ва хорижлик тадқиқотчиларнинг Марғилон тарихига тегишли асарларида Рожий шаҳсияти ва фаолиятига кегишли ўринлар ҳам талайгина[5].

Бироқ Рожий фаолиятининг Фарғона сиёсий тарихини ўрганишга хизмат қилувчи жиҳатлари илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолиб келмоқда.

Тўлиқ исми Хожажон хожа Низомиддин хожа ўғли бўлган Рожий Марғиноний фақиҳ олим, мутасаввиф шоир эди. У Марғилоннинг Ковак қайрағоч (Ҳозирги Арабгузар) маҳалласида таваллуд топган. Дастлаб Қўқон, Андижон ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб, етук фақиҳ олим, тариқат билимдони ва машҳур мутасаввиф шоир бўлиб етишган.Рожий ҳаётининг 40 йили Қўқон хонлиги даврига, яна шунча йили чоризм бошқаруви вақтига тўғри келди. У узоқ йиллар шаҳар қозикалони мансабида ишлаб, эл-юрт ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилди. 1876 йили Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида (Собиқ Қўқон хонлиги ўрнида) Фарғона области (вилояти) ташкил этилиб, Марғилон яқинидаги Чим қишлоғи кенгайтирилиб ҳарбий қалъа, кўплаб маъмурий ва турар жой бинолари қурилиб, шаҳарга айлантирилди. Шаҳар аввал Янги Марғилон, кейинчалик Скобелев номи билан аталди (Октябрь инқилобидан сўнг Фарғона деб ўзгартирилган). Рожий гарчи Марғилоннинг қозикалони деб аталса-да, амалда бутун Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилоятидаги Бош қозиси ҳисобланган. Вилоятнинг катта-кичик шаҳар ва туман қозилари қозикалонга, яъни Рожийга тобе бир мақомда бўлиб, у водий қозиларининг саёзи (съезди)га раислик қилиб турган.

Катта ҳаёт тажрибаси ва ҳуқуқшунослик илмига эга Рожий Туркистон аҳлини бошқа халқлар билан ўзаро иноқликда, муросаю мадора билан, бағрикенглик асосида яшашга чақирди. Араб ва форс-тожик тилларини ўзбек тилидек мукаммал билган шоир Навоий, Ҳофиз ва Бедил асарларини севиб ўрганди ва уларнинг дақиқ ғазалларига мухаммаслар боғлади. Рожий 1906 йилгача қозикалон вазифасида ишлади, сўнг истеъфога чиқиб, бадиий ижод билан машғул бўлди. Ундан бизга кўпгина ғазал, мухаммас, маснавий, таърих, ҳажвиёт, рубоий ва туюқлар тарқоқ ҳолда етиб келган. Шоир мукаммал қўлёзма девон тузган, мухлислари томонидан Тошкентга литографиясида чоп эттириш учун олиб кетилган ва йўқотилган. Девон қўлёзмаси ҳануз топилгани йўқ. Ҳозирги ҳолатда форсий мухаммас ва тахмислари умумий мероснинг катта қисмини ташкил этади. У арузнинг бир қатор баҳрларида қалам тебратган.

Зокиржон Фурқат “Туркистон вилоятининг газети”да шундай ёзган: “Марғилон шаҳрининг қозийи калони домла Хожажон Қози бирлан маърифат пайдо айладим. Аруз фанида кўп моҳир киши экандур. Туркий ғазал машқида табъи кўп латиф ва равон эрмиш. Амир Алишер Навоийнинг бир ғазалига қилган мухаммаси кўп мустаҳсан кўринди. Писандида атвор ва ҳамида афъол киши экандур. Тариқат йўлига кирган, муҳаббатлик киши экандур”[6].

Рожий нақшбандия ва қодирия тариқатларига риоя қилгани ҳолда, ўз ғазалларида маломатия тариқати тарбия усулларидан ҳам фойдаланган. “Рожий тахаллусининг луғавий маъноси “умидвор”, “умид қилувчи” демакдир. у ерли халқ учун жуда мусибатли, ғам-аламларга тўла мураккаб бир даврда яшади. Чоризм мустамлакаси остида эзилган халқ вакили сифатида тақдир мусибатларидан дод-фарёд чекди. Шу билан бирга инсон бу дунёга фақат ғам чекиш учун келмаганлигини замондошларига аён этиш учун, ҳастадиллар орзусини машрабона, риндона туйғуларда назмга солди. У мол-мулкидан айрилган, ҳуқуқсиз, иқтисодий ночор, аммо ҳамиша эрк-озодликка, завқ-шавқли турмушга интилган, енгилмас халқимиз руҳиятидаги юмор ҳиссини бир дақиқа бўлсин ёдидан чиқармади.

1898 йили юз берган Андижон қўзғалонига Рожийнинг салбий муносабатда бўлганлиги “Дукчи воқеаси”, “Дукчи эшон фожеаси” ва “Таърихи марсия дар вафоти Эшон Бузрукхон” асарларида яққол кўринади. Шоир Муҳаммадали эшон шахсини, унинг фожеасини, унга эргашган одамларнинг алданишлари сабабларини реал воқеликдан келиб чиқиб очиб беради. Чоризм амалдорларининг қўзғалонни бостириш баҳонасида маҳаллий халқни қатли ом қилинишига қарши зоҳирий эмас, балки ботиний равишда курашади. Ҳар қандай тузум ва тартиб ёки шароитда бўлсин диндан сиёсий мақсадда фойдаланиш қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яққол кўрсатиб берган бу асарлар ўша давр воқеаларига объектив-тарихий ёндашиш кераклигини кўрсатади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, адабиётшунос М.Мадғозиев 1973 йили “Хожажон хожа Рожий Марғилонийнинг ҳаёти ва унинг поэтик маҳорати” мавзусида номзодлик тадқиқотини ҳимоя қилган. Рожий Марғилон адабий муҳити билан боғлиқ шоирлар - Муҳаммад Юсуф Ҳазин Хонақоҳий, Мулла Тошболту Ибрат, Муҳаммад Умар Умидий Марғиноний, Аҳмад қори Чаҳорчинорий, Ходимий, Фазлваҳҳоб қори, Омоний Арабоний-Марғиноний, Насимий Марғиноний, Абдуқодир Нозик, Турсунали Надимий, Фаҳмий Марғиноний, Муҳаммад Мусо Бегий Марғиноний каби ижодкорлар билан мулоқот олиб бориб уларга раҳнамолик қилган. “Нечук жонман, паришонман, сару по айбу нуқсонман” деб бошланувчи ғазали Расул қори ва Орифхон Ҳотамов каби ҳофизлар томонидан куйланган.

Рожий ўзининг қозилик лавозимида ишлаган даврида “Туркистон вилоятининг газети”да бир неча мақолалари билан иштирок этди. Жумладан, унинг Янги Марғилон, яъни Фарғона шаҳрида рус тузем мактабининг очилиши водий халқи ҳаётида катта воқеа эканлигини таъкидловчи мақоласи муҳим аҳамият касб этади. “Туркестанский ведомости” газетасида эса Рожийнинг ўлка маорифини ривожлантиришдаги масалаларга муносабати ёритилган. Унинг шарқшунос В.В.Бартольд билан илмий суҳбати тафсилоти ҳам мазкур газетада босилган.

Бундан кўринадики, Рожийнинг кўп йиллик қозилик ва адабий ҳаракат етакчиси сифатидаги фаолияти вақтли матбуот манбалари, архив ҳужжатлари ва тарихий манбалар асосида чуқур ўрганилиши лозим. Бу эса Фарғона водийсининг Фарғона генерал-губернаторлиги давридаги маданияти ва ижтимоий ҳаётини ўрганишда тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

Келгусида Рожийнинг “Йикчи воқеаси”, “Йикчи эшон фожеаси” ва “Таърихи марсия дар вафоти Эшон Бузрукхон” асарларини тарихий манба сифатида алоҳида таҳлил қилиб, Муҳаммадали эшон шахсини, унинг фожеасини, водийда геосиёсий мақсадлар йўлида чет эл интервенциясининг муғомбир сиёсати, унга эргашган ерли аҳоли алданишлари сабабларини тарихий манбаларга қиёслаган ҳолда илмий жиҳатдан очиб бериш лозим.

4.Хулосалар:

Чоризм амалдорларининг қўзғолонни бостириш баҳонасида маҳаллий халқни қатли ом қилинишига қарши ҳуқуқшунос сифатида курашган Рожий каби кўзи очиқ кишиларнинг асосли таҳлилларини бугунги кун ижтимоий воқеаларига солиштирган ҳолда ёритиш долзарблик касб этади.

Ҳар қандай сиёсий тузум шароитда ҳам диндан сиёсий мақсадда фойдаланиш тинчлик ва осойишталикнинг бузилишига, инсон ҳуқуқларининг поймол қилинишига олиб келиб келганлигини XIX асрда Туркистонда содир бўлган тарихий воқеалар мисолида кўрсатиб беришда Рожий, Фуркат, Муқимий, каби ижодкорларнинг бадиий ва публицистик асарларидан фойдаланиш келгуси тарихнавислик тадқиқотлари учун муҳим мавзулар сирасида турибди.

Шунингдек, Рожий билан замондош ижодкорлар меросидан Фарғона водийси маданияти ва халқ санъати тарихини ёритишда ҳам тарихий, аксеологик ва этнографик манба сифатида фойдаланиш галдаги илмий вазифалардан эканлигини таъкидлаш мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Рожий Марғилоний. Ҳайрат ул инсон. “Адиб” нашриёти. 2012. 135 б. [Rojiy Margilani. Amazement is human. Adib Publishing House. 2012. 135 p].
2. Мадгазиев М. Жизнь и поэтическая мастерство Роджи Маргилани. Авт.дисс... на соисткание к.ф.н. Самарканд. 1973. (Madgaziyev M. The life and poetic prowess of Roja Margilani. Author's dissertation. D. in Philosophy, Samarkand. 1973).
3. Остонақулов И. Фарғоналик валийлар. – Тошкент: Моваройуннаҳр, 2001. – 128 б; Остонақулов И. Рожий Марғиноний – фақиҳ ва шоир. // ТИУ илмий-таҳлилий Ахбороти. – Тошкент, 2009. – № 3. – Б.39-44 (Ostonaqulov I. Governors of Fergana. -

Tashkent: Movarounnahr, 2001. - 128 p. ; Ostonaqulov I. Raji Marginoni is a jurist and poet. // TIU Scientific-Analytical Information. - Tashkent, 2009. - № 3. - P.39-44).

4. Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). – Т.: “Sharq”, 2013. – 544 б; Файзуллаев, Р.Абдулаҳатов Н. Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний. – Т.: “NOSHIR” 2014 й. – 380 б; Мадғозиев М., Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Хожажон Хожа Рожий Марғиноний. III. – Т.: “NOSHIR”, 2016. – 528 б; (Fayzullaev R., Abdulahatov N. Muhammad Yusuf Hazin (Khanaqahi Hazrat Marginoni). - T. : “Sharq”, 2013. - 544 p;Fayzullaev, R.Abdulahatov N. Abdussamad oxund Qoil Margilani. - T. : “NOSHIR” 2014 y. - 380 b;Madgoziev M., Fayzullaev R., Abdulahatov N. Khojajon Khoja Roji Marginoni. III. - T. : “NOSHIR”, 2016. - 528 p).
5. Кавахара Я. “Святые семейств” Маргелана в Кокандском ханстве в XIX в. // Журнал “Pax Islamica” Москва, 2010. 1(4) – С.121-140; Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, Сангирова. –Т.: “Маънавият”, 1999. – 110 б; Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886.– 215 с; Бартольд В.В. Сочинения. Т. II, ч. 1: Общие работы по истории Средней Азии. Работы по истории Кавказа и Восточной Европы. М.: издательство восточной литературы, 1963. (Kawahara Ya. "Holy families" of Margellan in Kokand Khanate in the XIX century. // Journal "Pax Islamica" Moscow, 2010. 1(4) - P.121-140;Muhammad Aziz Margilani. Tarihi Azizi / Prepared by, authors of the foreword and comments: Sh.Vakhidov, Sangirova. –T. : “Manaviyat”, 1999. - 110 p; Nalivkin V. A brief history of the Kokand Khanate. - Kazan, 1886.- 215 p.; Bartold V.V.. Works. Vol. II, Part II: General Works on the History of Central Asia. 1: General Works on the History of Central Asia. Works on the History of the Caucasus and Eastern Europe. Moscow: Oriental Literature Publishing House, 1963).
6. Рожий Марғилоний. Ҳайрат ул инсон. “Адиб” нашриёти. 2012. 135 б. Б.6. (Rojiy Margilani. Amazement is human. Adib Publishing House. 2012. 135 p. B.6).

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Зумрад Рахмонқулова,
Тарих фанлари номзоди, доцент
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
zumradrahmankulova@gmail.com

БУХОРО АМИРЛИГИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН (XVIII-XIX АСР БОШЛАРИДА)

For citation: Zumrad Rakhmonkulova, HISTORY OF DIPLOMATIC RELATIONS BETWEEN THE BUKHARA EMIRATES AND THE OTTOMAN STATE (AT THE BEGINNING OF XVIII-XIX CENTURIES). Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.397-406

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-54

АННОТАЦИЯ

Мақолада Бухоро амирлигининг Усмонийлар давлати билан дипломатик муносабатлари масалари ёритилган. Шунингдек, икки давлат ўртасидаги муносабатларга Россиянинг таъсири масаласига тўхталиб ўтилган. XVIII асрда Ўрта Осиё савдогарларининг Россия Бухоро савдо алоқаларидаги ўрни кўрсатиб берилган. Бу даврда Россия ҳукумати ўзининг сиёсий манфаатлари йўлида Ўрта Осиё хонликларининг савдогарлари фаолиятини чеклаб қўйишга ҳам ҳаракат қилган. Бундан ташқари, Россия стратегик хом ашё ҳисобланган металл ва ундан ишланган буюмларни Ўрта Осиёга чиқаришни таъқиқлаган эди. Ўрта Осиё савдогарлари Россияда савдодаги чекловларга қарамай, тадбиркорлик билан иш юритиб, Россиядан ўз мамлакати мудофааси учун зарур хом-ашё ва буюмларни олиб келишган.

Эрназар Масъуд ўғли элчилиги масаласига алоҳида тўхталиб ўтилади. XVIII-XIX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Усмонийлар давлатидаги ижтимоий-сиёсий вазият кўрсатиб берилади.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, Усмонийлар давлати, Дониёлбий, Эрназар Масъуд ўғли, Амир Шоҳмурод, Амир Ҳайдар, дипломатик муносабатлар.

Зумрад Рахмонкулова,
Кандидат исторических наук, доцент
Национальный университет Узбекистана
имени Мирзо Улугбека
zumradrahmankulova@gmail.com

ИСТОРИЯ ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ БУХАРСКИМ ЭМИРАТАМ И ОСМАНСКИМ ГОСУДАРСТВОМ (В НАЧАЛЕ XVIII-XIX ВЕКОВ)

АННОТАЦИЯ

В статье освещаются вопросы дипломатических отношений Бухарского эмирата с Османской империей. Обсуждался также вопрос о влиянии России на отношения между двумя странами. Показана роль среднеазиатских торговцев в русско-бухарских торговых отношениях XVIII века. В этот период российское правительство также пыталось ограничить деятельность торговцев Среднеазиатских ханств в преследовании своих политических интересов. Россия также запретила экспорт стратегических металлов и металлопродукции в Среднюю Азию. Несмотря на ограничения на торговлю в России, торговцы из Средней Азии вели бизнес и импортируют из России сырье и материалы, необходимые для защиты своей страны.

Отдельно будет обсуждаться вопрос о посольстве сына Эрназара Маъсуда. Общественно-политическая ситуация в Бухарском эмирате и Османской империи в начале XVIII-XIX вв.

Ключевые слова: Бухарский эмират, Османское государство, Даниэльби, сын Эрназара Маъсуда, Амир Шах Мурад, Амир Хайдар, дипломатические отношения.

Zumrad Rakhmonkulova,
Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek

HISTORY OF DIPLOMATIC RELATIONS BETWEEN THE BUKHARA EMIRATES AND THE OTTOMAN STATE (AT THE BEGINNING OF XVIII-XIX CENTURIES)

ABSTRACT

The article highlights the issues of diplomatic relations between the Bukhara Emirate and the Ottoman Empire. The issue of Russia's influence on relations between the two countries was also discussed. The role of Central Asian merchants in the Russian-Bukhara trade relations of the 18th century is shown. During this period, the Russian government also tried to restrict the activities of traders of the Central Asian khanates in pursuit of their political interests. Russia also banned the export of strategic metals and metal products to Central Asia. Despite restrictions on trade in Russia, traders from Central Asia did business and import raw materials from Russia to defend their country.

The issue of the embassy of Ernazar Masud's son will be discussed separately. Socio-political situation in the Bukhara Emirate and the Ottoman Empire at the beginning of the 18th-19th centuries.

Index Terms: Emirate of Bukhara, Ottoman state, Danielbi, son of Ernazar Masud, Amir Shah Murad, Amir Haydar, diplomatic relations.

1.Долзарблиги:

XVIII асрда Ўрта Осиёда рўй берган ўзаро қонли низолар ва тўқнашувлар, тож-тахт учун курашлар натижасида Бухорода манғитлар, Хивада қўнғиротлар, Қўқонда минглар сулоласи ҳокимият тепасига чиқди.

Бухоро амири Муҳаммад Раҳимнинг (1748-1758) вафотидан сўнг тахтга Миёнкол ҳокими Дониёлбий (1758-1785) ўтирди. Унинг ҳукмронлиги даврида 1771 йилда Шаҳрисабз ва Ғузорда кўтарилган қўзғолон ҳокимиятни жиддий ларзага солди. Бу қўзғолонни катта куч сарфлаб бостиришга муваффақ бўлган Дониёлбий қўзғолончилар раҳбарларини тутиб қатл эттирди. Дониёлбий сиёсий нотинчлик даврида яшаса-да, дипломатик муносабатларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди. Дониёлбий Усмонийлар ва Россия каби давлатлар билан элчилик муносабатларини муваффақиятли давом эттирди.

Бу даврда Россия ҳукумати ўзининг сиёсий манфаатлари йўлида Ўрта Осиё хонликларининг савдогарлари фаолиятини чеклаб қўйишга ҳам ҳаракат қилган. Бундан ташқари, Россия стратегик хом ашё ҳисобланган металл ва ундан ишланган буюмларни Ўрта

Осиёга чиқаришни таъқиқлаган эди. Бундай сиёсатдан норозилик Бухоро ва Хива хонларининг Россияга юборган элчиликлари фаолиятида катта ўрин эгаллаган[2]. Ўрта Осиё савдогарлари бундай чеклашларга қарамай, тадбиркорлик билан иш юритиб, Россиядан ўз мамлакати мудофааси учун зарур хом-ашё ва буюмларни олиб келишган. Шундайлардан бири Эрназар Масъуд ўғлидир. Эрназар Масъуд ўғлини 1775 йил 27 мартда Россия хукмдори Екатерина II қабул қилади. Эрназар Масъуд ўғли Бухоро ва Россия ўртасидаги савдо-сотиқни кенгайтиришга оид таклифларини баён қилади. Ташқи Ишлар ҳайъати ҳужжатларида Эрназар Масъуд ўғли шахсига доир Россия амалдорлари берган юксак баҳолар келтирилган[3].

Бухоро элчисига кўрсатилаётган ҳурмат Россиядаги бошқа давлатларнинг элчиларини ажаблантиради. Чунки улардан ҳеч бири император саройида бундай эътиборга эга эмас эди. Хусусан, Усмонийлар султонининг Россиядаги вакили шахсан Эрназар Масъуд ўғли билан суҳбатлашади ва бу ҳақда ўз ҳукмдорига ахборот беради. Усмонийлар султони Бухорога одам юбориб, Эрназар Масъуд ўғлини ўз давлатига элчиси сифатида жўнатишни сўрайди. 1779 йилда Бухоро амири Дониёлбий Эрназар Масъуд ўғлини ўзининг Россия ва Усмонийлар давлатидаги элчиси қилиб тайинлайди. Эрназар Масъуд ўғли зиммасидаги асосий вазифа ўша вақтда мусулмон дунёсидаги катта куч-қудратга эга бўлган Усмонийлар билан алоқани мустаҳкамлаш билан боғлиқ эди. Шу билан бир вақтда, Россияда ҳам Бухоронинг таянч нуқталарини барпо этиш, нуфузли сиёсий-ҳарбий, савдо ва саноат доиралари билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш зарур эди.

Бухоро амирининг мактубида, энг аввало, Россия подшосига ҳурмат эҳтиром билдирилиб, сўнг Усмонийлар султонининг номи ёзилган эди. Усмонийлар билан уруш ҳолатида бўлган Россия Усмонийлар Бухоронинг иттифоқчисига айланиши қандай оқибатларга олиб келишини тахмин қилган. Эрназар Масъуд ўғли эса худди шу Россия ҳудудидан Усмонийлар давлатига ўтиши керак эди. Бу Россия манфаатларига мутлақо зид бўлгани ҳолда, Бухоро учун ғоят муҳим ва зарур эди.

3. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада Бухоро амирлиги ва Усмонийлар давлати ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихидан (XVIII-XIX аср бошларида) масаласи, Бу даврда Россия ҳукумати ўзининг сиёсий манфаатлари йўлида Ўрта Осиё хонликларининг савдогарлари фаолиятини чеклаб қўйишга ҳам ҳаракат қилганлиги, Эрназар Масъуд ўғли элчилиги масалалари қиёсий таҳлил тамойиллари асосида ёритилган.

Ўрта Осиё хонликлари ва Усмонийлар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатларга оид дастлабки маълумотлар А.Семёнов, И.Низомиддинов, М.Йўлдошевларнинг илмий изланишларида[4] акс этган. Жумладан, И.Низомиддинов XVII асрда Бухоро хонлиги билан Усмонийлар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатлар ва ўша даврда бу муносабатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатган сиёсий воқеаларни ёритади. М.Йўлдошев эса Бухоро хони Субҳонқулихон (1681-1702) билан Усмонийлар султони Аҳмад II (1691-1695) ўртасидаги ёзишмалар ва элчилик алоқалари масалаларига тўхталиб ўтади.

4. Тадқиқот натижалари:

1780 йил январида Санкт-Петербургга етиб келган Эрназар Масъуд ўғлини Россия ҳукумати амалдорлари зўр ҳурмат эътибор билан кутиб олишади. Юксак лавозимдаги барча амалдорлар элчининг совға-саломларидан баҳраманд бўлишади. Ташқи ишлар ҳайъати раҳбарлари унга Бухоро савдогарларидан олинадиган божнинг камайтирилганини ҳамда Маккага ҳаж қилувчи мусулмонлар учун барча қулайликлар ва йўл хавфсизлиги таъминланишини маълум қилади.

1780 йилнинг апрелида Екатерина II Бухоро элчисини расман қабул қилиб, амир талабларининг бир қисми қабул қилиниши ва шахсий илтимосларининг бажо келтирилишини маълум қилади. Екатерина II Бухоро фуқаролари Россия орқали ҳаж сафарига боришлари учун шароит яратилишини ва элчини Усмонийлар сарҳадларигача кузатиб бориш учун махсус соқчилар ажратилганини ҳам таъкидлайди[5].

Россиянинг ташқи сиёсат маҳкамалари идораларида сақланаётган ҳужжатларида Эрназар Масъуд ўғли «Россия билан яқинлашишни дилдан истайдиган, ақлли, айёр ва тадбиркор, савдогар ҳамда жуда тавозели ва билимдон дипломат» эканлиги кўрсатилади[6]. Элчи паноҳида Маккага кетаётган кўпгина мусулмонлар ҳам рус соқчилари кузатувида Усмонийлар ҳудудига етиб олишади. Натижада, энди ҳаж сафарига отланганларга Эрон орқали эмас, балки Манғишлоқ-Астрахан-Кавказ-Усмонийлар ҳудудлари орқали ўтишга рухсат берилади.

Усмонийлар султони Абдулҳамид I (1774-1789) ҳам Эрназар Масъуд ўғлини ҳурмат билан қарши олади. Усмонийлар султони Дониёлбийнинг элчи орқали билдирган истакларига ижобий жавоб беради. Элчи билан султон ўртасида Бухоро амирлиги ва Усмонийлар муносабатлари билан бирга, дунё сиёсатига доир суҳбатлар бўлиб ўтади. Суҳбатлар мазмунига доир ҳужжатлар XVIII аср охирларидаги Ўрта Осиё давлатлари ва ташқи сиёсати ҳақида қимматли маълумотлар беради[7].

Дониёлбий 1783-1784 йилларда иккинчи марта Абулҳамид I ҳузурига, элчиси Муҳаммад Шариф орқали мактуб жўнатади. Дониёлбий бу мактубларида қадимдан давом этиб келаётган икки давлат ўртасидаги дўстликни давом эттириш кераклигини эътироф этади[8]. Бухоро амирининг бу мактубига Усмонийлар султонининг қандай жавоб берганлиги ҳақидаги манбаларда бирон-бир маълумотни учратмадик.

Усмонийлар бу даврда Россия билан уруш ҳолатида эди. Фақат юқоридаги воқеадан кейингина, Усмонийлар давлати, Кичик Кайнаржа шартномасига норозилик сифатида 1787 йилда Россияга қарши уруш эълон қилди[9]. Усмонийлар Россияга қарши Бухоро амирлиги билан бирга курашиш мақсадида оламдор[10] Маҳмуд Саид оға бошчилигида элчиларни Бухорога юборади. 1786 йилда «номаи ҳумоюн» [11] билан йўлга чиққан оламдор Маҳмуд Саид оға Эрон орқали қийинчилик билан Бухорога етиб келади ва Усмонийлар султони мактубини амир Шоҳмуродга (1785-1800) топширади. Мактубда шундай дейилган эди: «Русия ва Бухоро мамлакатлари орасида жойлашган қозоқ хонлари билан қирғиз халқи каби мусулмон аҳоли оқсоқолларини русларга қарши ҳужум уюштириб, уларга зарар етказиб, ғозийлик савобини олишни ташкил қилишдаги кўмагингизга муҳтожмиз» [12].

Оламдор Маҳмуд Саид оға Бухорога келган пайтида Дониёлбий умрининг сўнгги кунларини яшаётган эди. Мамлакатда ҳақиқий ҳукмдор Шоҳмурод эди. Бухоро амирлиги Россия билан савдо-сотиқ ишларини олиб бораётганликлари учун[13], улар билан орани бузишни истамас эди. Фақат бухороликлар бу фикрларини ошкора баён этмасдан Усмоний элчисига қуйидагиларни баён қилади: «Бизлар сизлар учун дуогўйдирмиз. Москов каби қудратли давлат билан кучларимиз тенг эмасдир. Москов ҳудудида бўлган Сер каби хароба қалъамиз таъмирга муҳтож ҳолатда турган бир пайтда руслар билан урушга кира олмаймиз. Бизнинг ҳозирги пайтда рақибимиз Эрондир. Уларга қарши сафарга чиқишимиз муқаррардир». Бунга жавобан оламдор Маҳмуд Саид оға: «Подшоҳнинг душмани ҳозир Москвадир. Эрон ила бизнинг низомиз йўқдир» [14],- деб Бухородан Истанбул томон йўл олади.

XVIII асрнинг сўнги чорагида Бухоро амирлиги Россия билан иқтисодий алоқаларни яхши йўлга қўйган эди. 1787-1791 йиллардаги Россия-Усмонийлар уруши Россиянинг Бухородаги мавқеига салбий таъсир қилди. Бу ҳолатни ўша пайтларда Бухорода бўлган Усмонийлар элчилари ҳар томонлама ўрганиб чиқади. Юзага келган бундай вазият Усмонийлар султонларини қизиқтирмасдан қолмасди.

Эроннинг сиёсий жиҳатдан кучайиб бораётгани Бухоро манфаатларига зид бўлгани боис амир Шоҳмуродни безовта қилмоқда эди. Шоҳмурод Эрон масаласини Россия кўмагида ҳал қилишга қарор қилди. Шу мақсадда 1797 йил Полвонқул Қўрчи бошчилигидаги элчиларни Россияга жўнатди. Бухоро амири Россиядан кутган ёрдамни ололмади. Чунки Бухоро ва Россия муносабатлари ҳуқуқий асосда мустаҳкамланмаган эди. Россия подшоси Павел I нинг сиёсатида асосий эътибор Европага қаратилган бўлиб, Шарқ масаласи кейинги ўринда турарди. Бу орада 1787 йилда Россия билан урушга кирган Усмонийлар Бухорога, амир Шоҳмуродга иккинчи номани юбориб, ундан «Москов»га қарши

Ўрта Осиёдан туриб ҳужум уюштиришга даъват қилади. Бунга жавобан амир Шоҳмурод элчиси Муҳаммад Бади орқали Истанбулга икки мактуб юборади. У Ўрта Осиёдаги ҳозирги аҳвол тўғрисида кенг маълумот бериб, шундай ёзади: «Бир юз ўттиз йилдан бери Эрон туфайли ҳаж зиёратига отланганда, қийналиб қолмоқдамиз. Оллоҳ таолонинг иноятн билан душмандан ғалаба қозониб ёки истаган бир шаклда сулҳ тузишга эришсангиз, Давлати олия Эронга бир қўшин юборса, бу томонлардаги низоларга чек қўйган бўлур эди. Аҳли исломларнинг жумласи Давлати олияга, дин ва давлат учун жонларини фидо этадилар» [15].

Амир Шоҳмурод мактубини давом эттириб, Усмонийлар султонига Эрон орқали ҳаж зиёратига борувчилар учун кўп қийинчиликлар мавжудлигини яна бир бор таъкидлайди ва масалани биргаликда ҳал қилишга чақиради. Бу даврда Бухоро ва Хивадан ҳажга отланганлар Маккага Манғишлоқ ёки Оренбург, ундан Доғистон ва Эрзурум орқали, баъзан Қрим ва Истанбул йўналишлари бўйича боришган. А.Вамбери ҳам «Ўрта Осиёдан ҳажга отланганлар жуда машаққатли йўлни босиб ўтади»,-деб таъкидлайди[16].

Юқоридаги мактублардан амир Шоҳмурод даврида Усмонийлар ва Ўрта Осиё хонликлари ўртасида янгича муносабат бошланганлигини кўришимиз мумкин.

Бухоро ҳукмдори мактубини топширган элчи Муҳаммад Бади Усмонийлар садраъзамига[17] мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий вазият тўғрисида батафсил маълумот беради ва амир Усмонийлар-Россия уруши тугагунча, унинг Истанбулда қолишини тайинлаганини айтади. Элчи Бухородан чиққанлигига ўн етти ой ҳамда бўлганлиги Бухоро амири урушнинг қандай бораётгани тўғрисида хабарсиз эканлигини билдиради. Муҳаммад Бади амирга элчи юбориб, вазиятдан хабардор қилиш кераклигини таъкидлаганда, садраъзам элчининг бу таклифини маъқул топса-да, яқинда тахтга чиққан Усмонийлар султони Салим III (1789-1808) бунга зарурат йўқлигини таъкидлаб, Бухорога ёзилган «номаи ҳумоюн»ни ишончли бир чопар орқали юборишни маъқул топади.

Салим III Бухоро ҳукмдори Шоҳмуродга қуйидаги «номаи ҳумоюн»ни юборади: «Султонимиз Абдулҳамид даврида руслар хавф солганлиги сабабли Муҳаммад Бади воситасида ва сўнгра ҳалигача Бағдод ва Басра валийси бўлган Сулаймон пошо томонидан русларга қарши ҳужумга қирғиз ва қозоқларга ҳам хабар беришингизни илтимос қилиб мактублар юборилгандир». Салим III нинг мактубидан унинг Бухоро амирлиги ташқи сиёсати маъқул бўлмаганлигини билишимиз мумкин. Усмонийлар давлатининг Россия билан сулҳ тузиши Бухоро амирлиги манфаатларига мос келар эди. Шунингдек, амир Шоҳмурод марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга қатъий бел боғлаб, давлат хавфсизлигини таъминлашни бош вазифаси деб билди.

Салим III мактубида Россия ва Австриядаги мусулмон халқи тўғрисида ҳам фикр юритади: «Оллоҳим мадади ила баҳорда қудратли бир қўшин билан Русияга қарши ҳужум қилишга қарор қилдик. Доғистон хонлари ва черкес, абхаз қабилалари ва қабартой халқи бирлашиб, ҳужумга шай турибдилар. Сизларнинг ҳам тайёр туришларингизни ва Дашти Кабир[18]даги қозоқ ва қирғизларни Русия давлати бирла бўладиган уруш хабарини уларга етказишингизни ва улар ўз ҳудудларида туриб урушга иштирок этишини тавсия қилишингизни, халқларимиз қардошлигини ҳурмат қилишингизни сўраймиз» [19].

Салим III нинг ушбу мактубидан кўриниб турибдики, Усмонийлар Бухоро ҳукмдорини Россияга қарши урушда бирга иштирок этишга чақирган. Усмонийлар элчиси Бухорода амир Шоҳмуроднинг жавобини беш ой кутади.

Бухоро амирлиги ўзини Россияга қарши Усмонийлар билан ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш режаси бордек кўрсатган. Россия ҳукуматининг жосуслари Ўрта Осиёга ташриф буюрган Усмонийлар элчилари Россияга қарши биргаликда курашишга даъват қилмоқда, деган хабарларни бермоқда эди[20].

1796 йил амир Шоҳмурод ўз сиёсатининг туб моҳиятини маълум қилиш ниятида Россия подшосига элчиларини йўллайди. У Усмонийларнинг Бухорони Россияга қарши урушда иттифоқчи бўлишга чақираётганлигини, лекин Бухоро амирлиги тинчлик тарафдори бўлиб, бу урушни хоҳламаслигини таъкидлайди[21]. Усмонийлар давлатининг Россия билан

яхши муносабат ўрнатиши Бухоро амирлиги манфаатларига мос келар эди. Амирнинг бош вазифаси ўзаро манфаатли ташқи сиёсатни ва савдо алоқаларини сақлаб қолиш эди.

Бу даврда Россия ўз таркибидаги баъзи ҳудудларни бой бериш эвазига Усмонийлар билан бўлган низоларни бартараф қилмоқда эди. Усмонийларнинг Англия билан яқинлиги Россияни улар билан ҳисоблашишга мажбур қиларди[22].

XVIII асрнинг бошларига келиб Эрон ва Россия ўртасида низолар авжига чиқди[23]. 1812 йилда Наполеон хавфини бартараф қилган Россия 1813 йилда Кавказ ҳудудига кириб, Эронни муваффақиятсизликка учратади[24]. Мағлуб бўлган Эрон оғир шартлардан иборат Гулистон шартномасини имзолашга мажбур бўлади[25]. Кавказнинг катта ҳудудини қўлга киритган Россия Усмонийлар ва Ўрта Осиё учун катта таҳдид солмоқда эди.

XVIII аср охирларида Усмонийлар давлати Россия билан дипломатик сиёсат олиб боришни маъқул кўриб, Ўрта Осиё хонликлари ҳукмдорларига Россия билан муносабатларини кескинлаштирмасликни тавсия қила бошлади. Усмонийлар давлати 1792 йилги Россия билан тузган сулҳга кўра, урушларга Ўрта Осиёни жалб этмаслик мажбуриятини олган эди[26]. Шунинг учун XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё ҳукмдорларига ёзган мактубларида Россияга қарши очиқ иттифоқ тўғрисида фикр билдирмаган.

1800 йилда Шоҳмурод вафот этгандан сўнг Амир Ҳайдар (1800-1825) тахтга ўтиради. Амир Ҳайдар ҳукмронлигининг дастлабки йиллариданоқ Усмонийлар давлати билан элчилик алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қилади ва тахтга чиққанлигини билдириш учун Девонбеги Эшмуҳаммад ва Мирза Муҳаммадюсуфни Истанбулга юборади. Элчи: “Амир Ҳайдар Ҳазратларининг тахтга чиққанлигини билдиргани келдим”,-дея амирнинг номасини ва совғаларини топширади[27].

Бухоро амирига жавоб тариқасида юборилган номада шундай дейилади: «Амир ҳазратлари, сиз юборган нома ва ҳадялар элчингиз воситасида бизларга етиб келди. Отангизнинг вафотини эшитиб, қайғуга ботдик. Қайғумизни сизнинг тахтга чиққанингиз бир оз бўлсада енгиллаштирди. Изҳор қилган дўстлигингиз давомий бўлсин» [28].

Ўрта Осиёдаги сиёсий воқеаларни Усмонийлар султонлари доимий кузатиб турган. Бухоро амирининг мактубига Салим III (1789-1807) бефарқ бўлмаган. У ҳам Амир Ҳайдар каби икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқалар тарафдори бўлган.

Амир Ҳайдар 1815 йилда Усмонийлар султони Маҳмуд II (1808-1839) ҳузурига элчиси Мирза Муҳаммадюсуфни йўллайди. Амир Ҳайдар мактубида Маҳмуд II га нисбатан айтилган сермулозамат сўзлар ва мақтовлардан сўнг, мақсадга ўтилиб: «Биз ўзимизнинг тақводор ва фазилатли вакилимиз Мирза Муҳаммадюсуф қўриқчибошини Арабистоннинг муқаддас ерларини зиёрат қилишга жўнатдик. Ул зот Доруссаломга, ҳажга Рум орқали боришни ният қилиб, Туркия чегараларига етгунча Русия ҳудудлари орқали ўтиш учун ижозат сўрайди» дейилади[29]. Шу билан бирга мактубда французларнинг Россияга тажовузи даврида унга қарашли ерларда бухоролик савдогарларнинг мол-мулки талангани ва улар орасида юқорида зикр қилинган Мирзанинг ҳам 1.500 тиллолик моллари бўлгани айтилади ва султон ўзининг юксак нуфузидан фойдаланиб, ўша молларнинг эгаларига қайтарилиб берилишига кўмаклашади, деб умид билдиради.

Мактубда Амир Ҳайдар Ост-Индия компанияси билан алоқалар ўрнатилганидан Усмонийлар султонини хабардор қилиб қўяди. Буни биз унинг Усмонийлар султонидан «...бу ерда фиқҳ китобларига муҳтожлик кучайиб кетганлиги», яъни қаттиқ тартиб-интизом ўрнатиш лозимлиги, «Ҳиндистон билан ана шу масалага оид бир қанча китоблар келтирилди-ю, аммо улар кифоя қилмаётибди» [30].

Амир Ҳайдар мактуб охирида сўнгги масала юзасидан Усмонийлар султонига қуйидаги тарзда очиқ мурожаат қилишни лозим топган: «Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ, Хоразм, тарафлари, Балх ва Бадахшон ўлкалари мутлоқ ва бевосита бизнинг мулкимиз бўлиб келгани, бу мамлакатларнинг ҳокимлари қадимдан Бухоро хони тарафидан тайинланиб келинганлиги ва ҳозирда ҳам шундай бўлмоғи лозимлиги маълум. Аммо Хоразм хонларининг баъзан итоатдан чиқиш ҳоллари рўй бермоқда. Бухоро амирлигининг ушбу ҳудудлари, давлати олиянгизнинг итоаткор бир тобеи эканлигимизни инобатга олган ҳолда,

бизнинг мулкимиз эканлигини тасдиқлайдиган бир маншур (фармон) юборилишини сўраймиз» [31].

Амир Ҳайдар Усмонийлар султони томонидан ўзи истаган маншурини ололмайди. Чамаси, Усмонийлар Ўрта Осиёдаги бошқа хонликлар билан алоқаларини бузишни истамаган. Чунки, биргина Бухоро амирлиги эмас, балки бошқа хонликлар ҳам Усмонийлар султонининг ислом оламидаги мавқеини тан олар, у билан алоқалар ўрнатиб келмоқда эди.

Мазкур мактубнинг ёзилган вақти кўрсатилмаган. А.Семенов унда французлар устидан ғалаба қилингани ҳақидаги жумлага асосланиб, у 1815 йилдан кейин ёзилган бўлиши керак, деб ҳисоблайди[32].

5. Хулосалар:

Кутилмаганда Бухоро элчиси Мирза Муҳаммадюсуф Истанбулда вафот этади[33]. Усмонийлар ҳукумати бу ҳолатдан ўнгайсизланиб, элчининг буюмларини Бухорога юборади. Бухоро амирига ёзилган жавоб мактубида Мирза Муҳаммадюсуф вафот этгани туфайли ўз таъзияларини билдирган. Шунингдек, амир сўраган 32 жилд китобни Бағдод волийси Довуд пошонинг аъёни Ҳасан Чалабий орқали жўнатилаётганлиги тўғрисида ҳам хабар берилган. Унда вафот этган Бухоро элчисининг буюмлари унинг оиласига топширилиши қайд этиб ўтилган[34].

Амир Ҳайдар бу хатни олмасдан илгарироқ элчиси мирза Муҳаммад Фозилни Истанбулга йўллайди. Амир Ҳайдарга Усмонийлар томонидан иккинчи бор юборилган жавоб мактубида ҳам сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш тўғрисида бирон-бир сўз айтилмаган. Фақат 35 та китоб совға сифатида юборилганлиги айтиб ўтилган.

Амир Ҳайдар 1820 йилнинг май ойининг бошларида Истанбулга элчи сифатида Муҳаммад Шарифни жўнатади[35]. Муҳаммад Шариф элчилиги Усмонийлар элчилигига жавоб тариқасида, Ҳасан Чалабий билан ҳамроҳликда юборилади. Бу даврда қўшни давлатлардан келган элчиларга хон ўз элчисини қўшиб жўнатар эди. Амир Ҳайдар Усмонийлар султонига жавоҳирлар билан безатилган коса совға қилиб юборади. Оренбург генерал-губернатори П.Эссеннинг Россия ташқи ишлар вазири К.В.Нессельродега йўллаган мактубида Усмонийлар султони Бухоро амирига олтита қимматбаҳо китоблар юборгани ва бунга жавобан амир элчиси Муҳаммад Шариф Эрон орқали ўтиб, султонга махсус мактуб ва совғалар олиб кетаётгани маълум қилинади[36].

Амир Ҳайдар мактубида Усмонийлар султони Маҳмуд II га мактуб ва совға сифатида юборилган Қуръони Карим китоби учун миннатдорчилигини изҳор қилади[37].

Бухоро амирлари Усмонийлар султонларига элчилар юбориб, муаммоли масалаларнинг шаръийлигини аниқлашга ҳаракат қилар ва унинг талқини учун лозим бўлган буюк мужтаҳидларнинг асарларини юборишни сўраганлар. Бу вазифа Амир Ҳайдар Эрон ва Усмонийлар давлатларига юборган Али Ризо элчилигига ҳам топширилган. Бухоро амири мактубида дипломатик ёзишмалар савдо алоқалари йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш, савдо карвонларини таловчиларга нисбатан муайян чора-тадбирлар кўриш мақсадида ёзилаётгани аниқ кўзга ташланади. Бухоро амирлари ёзишмаларида қабул қилинган таомилга кўра, элчига оғзаки топшириқ берилган[38].

Амир Ҳайдарнинг мазкур ёзишмаларида ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатлик истаги, азалдан давом этиб келаётган савдо-сотиқни ривожлантириш, икки ўртадаги манфаатдорли алоқаларни мустаҳкамлашга интилиш ва бу йўлдаги тўсиқларни бартараф қилишга чақириқ эслатилган ҳужжатларнинг ҳаммасига бирдек хосдир. Чунки яқин қўшнилар билан муносабат кескинлашган бир вақтда Усмонийлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш амир дипломатиясининг муҳим вазифаларидан бири эди.

Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Семенов А. История дипломатических отношений между Россией и Бухарой в начале XX в // Известия АН УзССР. 1951. №1. -87 с. (Semenov A. History of diplomatic

relations between Russia and Bukhara at the beginning of the XX century // Izvestia of the Academy of Sciences of the UzSSR. 1951. No. 1. -87 p.)
2. Михалева Г.А. Торговые и дипломатические связи России с Бухарским ханством через Оренбург в конце XVIII-начала XIX в // Автореф. дисс…канд. ист. наук.-Т., 1963. -20 с. (2. Mikhaleva G.A. Trade and diplomatic relations of Russia with the Bukhara Khanate through Orenburg at the end of the 18th-beginning of the 19th centuries // Author's abstract. diss. .. cand. ist. nauk.- T., 1963.-20 p.)
3. Гуламов Х. Из истории дипломатических отношений России с Бухарским ханством в XVIII в.-Т.:Фан. 1992. -82 с. (3. Gulamov H. From the history of diplomatic relations between Russia and the Bukhara Khanate in the 18th century - T. : Fan. 1992.-82 p.)
4. Семёнов А. К истории дипломатических отношений между Россией и Бухарой в начале XIX в. Изв. АН УзССР.1951. №1. с 85-95; Низомиддинов И. Сайёщларнинг ёзганлари. -Т.: Фан. 1960; ўша муаллиф. Ўрта Осиёнинг чет эл Шар=и билан муносабатлари. -Т.: Фан. 1961; ўша муаллиф. XVI-XVIII асрларда Ырта Осиё Щиндистон муносабатлари. -Т.: Фан. 1966; Юлдашев М. К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в XVI-XVII в. -Т.: Фан. 1964. (Semyonov A. On the history of diplomatic relations between Russia and Bukhara at the beginning of the XIX century. Izv. Academy of Sciences of UzSSR. 1951. # 1. from 85-95; Nizomiddinov I. Writings of tourists. -T. : Fan. 1960; ysha author. Central Asia's relations with foreign countries. -T. : Fan. 1961; That author. Central Asian-Indian relations in the XVI-XVIII centuries. -T. : Fan. 1966; Yuldashev M. On the history of trade and ambassadorial relations between Central Asia and Russia in the XVI-XVII centuries. -T. : Fan. 1964.)
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. I китоб. -Т.: Шарқ. 2000. -41б. (New history of Uzbekistan. I book. -T. : Sharq. 2000. -41b.)
6. Гуламов Х. Из истории дипломатических отношений России с Бухарским ханством в XVIII в.-Т.:Фан. 1992. -82 с. (6. Gulamov H. From the history of diplomatic relations between Russia and the Bukhara Khanate in the 18th century - T. : Fan. 1992.-82 p.)
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. I китоб. -Т.: Шарқ. 2000. -41б (New history of Uzbekistan. I book. -T. : Sharq. 2000. -41b)
8. Saray M. Rus işgali devrinde Osmanli devleti ile Turkistan hanlikleri arasindeki ilişkiler. -Ankara., 1994. -18 s.
9. Коллась. История Турции. -СПб., 1882. -97 с. (She was pricked. History of Turkey. -SPb., 1882. -97 p.)
10. Усмонийлар давлатидаги кичик офицер унвони (The rank of junior officer in the Ottoman state.).
11. Муборакнома, ёрлиқ. Султоннинг бирор мансабдорга ташаккур билдириб ёки уни мукофатлашини билдириб ёзган хати. (. Greetings, label. A letter from the Sultan thanking or rewarding an official.)
12. Saray M. Rus işgali devrinde Osmanli Devleti ile Turkistan hanliklari arasindaki siyasi munasebetler. -Ankara., 1994. -20 s.
13. Гуламов Х. Ўша асар. -99 с. (Gulamov X. That work. -99 c.)
14. Saray M. Rus işgali devrinde Osmanli Devleti ile Turkistan hanliklari arasindaki siyasi munasebetler.-Ankara., 1994. -22 s.
15. Saray M. Rus işgali devrinde Osmanli Devleti ile Turkistan hanliklari arasindaki siyasi munasebetler.-Ankara., 1994. -22 s.
16. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. -М., 1874. -372 с. (Vambery A. Travel in Central Asia. -M., 1874. -372 p.)
17. Бош вазир. (Prime Minister).
18. Бу ерда Дашти Қипчоқ назарда тутилмоқда. (Dashti Kipchak is meant here.)
19. Saray M. Rus işgali devrinde Osmanli Devleti ile Turkistan hanliklari arasindaki siyasi munasebetler. -Ankara.,-1994.23 s. (Saray M. Political relations between the Ottoman Empire and the Turkestan khanates during the Russian occupation. -Ankara., - 1994.23 p.)

20. Гуламов Х. Из истории дипломатических отношение России с Бухарским ханством XVIII в. -Т.: Фан. 1992. -101 с. (20. Gulamov H. From the history of diplomatic relations between Russia and the Bukhara Khanate of the 18th century. -T. : Fan. 1992.-101 p.)
21. Гуламов Х. Из истории дипломатических отношение России с Бухарским ханством XVIII в. -Т.: Фан. 1992. -102 с. (Gulamov Kh. From the history of diplomatic relations between Russia and the Bukhara Khanate of the 18th century. -T. : Fan. 1992.-102 p.)
22. Петров Г. Развитие русско-иранский отношений в XVIII веке // Советское востоковедение.Т.15. -М-Л., 1949. с. 328. (Petrov G. Development of Russian-Iranian relations in the 18th century // Soviet Oriental Studies. Vol. 15. -M-L., 1949. 328.)
23. Шеремет В.И. Османская империя и Западная Европа во второй трети XIX в. -М.: Наука. 1986. -179 с.(Sheremet V.I. Ottoman Empire and Western Europe in the second third of the 19th century -M. : Science. 1986.-179 p.)
24. Лавров Н.М. Турция и Иран в 1870-1918 годах. -М., 1950. -25 с. (24. Lavrov N.M. Turkey and Iran in 1870-1918. -M., 1950. -25 p.)
25. Сайкс П. История Персии. -М., 1939. -10 с. (Sykes P. History of Persia. -M., 1939. -10 p.)
26. Миллер А. Турция. Актуальные проблемы новой и новейшей истории. -М.: ИВЛ. 1983. -70 с. (Miller A. Turkey. Actual problems of modern and recent history. -M. : IVL. 1983.-70 p.)
27. Saray M. Rus işgali devrinde Osmanli Devleti ile Turkistan hanliklari arasindaki siyasi munasebetler. -Ankara., 1994. -30 s. (Saray M. Political relations between the Ottoman Empire and the Turkestan khanates during the Russian occupation. -Ankara., 1994. -30 p.)
28. Saray M. Ўша асар.-31 s. (Saray M. The same work.-31 p.)
29. Валиева Д. XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро-Россия дипломатик алоқаларига доир // Шарқшунослик. 1999. №9. Б.121. (Valieva D. On Bukhara-Russian diplomatic relations in the first quarter of the XIX century // Oriental Studies. 1999. №9. -P.121.)
30. Маннонов Б. Ҳофиз Муҳаммад Фозилхоннинг Бухоро сафари // Шарқшунослик.1999.№5. - Б.124. (Mannonov B. Hafiz Muhammad Fozilkhan's visit to Bukhara // Oriental Studies.1999.№5. -P.124.)
31. Маннонов Б. Ўша асар.-124 б. (Mannonov B. That work.-124 p.)
32. Семенов А. История дипломатических отношений между Россией и Бухарой в начале XX в // Известия АН УзССР. 1951. №1. -85 с. (Semenov A. History of diplomatic relations between Russia and Bukhara at the beginning of the XX century // Izvestia of the Academy of Sciences of the UzSSR. 1951. No. 1. -85 p.)
33. Мирза Муҳаммад Юсуф вафотининг санаси аниқ кўрсатилмаган. Ҳасан Чалабий Бухорога 1819 йилнинг бошларида келган. Қаранг: Эрон. Мақолалар тўплами. -Т.: Фан. 1977. 103-104 б. (The date of death of Mirza Muhammad Yusuf is not specified. Hasan Chalabi came to Bukhara in the early 1819s. See Iran. Collection of articles. -T. : Fan. 1977. 103-104 b.)
34. Семенов А. История дипломатических отношений между Россией и Бухарой в начале XX в // Известия АН УзССР. 1951. №1. -87 с. (Semenov A. History of diplomatic relations between Russia and Bukhara at the beginning of the XX century // Izvestia of the Academy of Sciences of the UzSSR. 1951. No. 1. -87 p.)
35. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инвентар №295. 204б-205а-бетлар. (Manuscript fund of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, inventory №295. Pages 204b-205a.)
36. Валиева Д. Ўша асар. -137 б. Баъзи адабиётларда мактуб 1819 йилнинг 24 май куни ёзилган деб кўрсатилган. ЎзР ФАШИда сақланаётган мактубда унинг 1820 йил май ойида ёзилганлиги кўрсатилган. Қаранг: инвентар №295. 204б-205а бетлар; СВР. История. Составители Д.Юсупова., Р.Жалилова.-Т.: Фан. 1998. -405 с. (Valieva D. That work. -137 b. Some literature states that the letter was written on May 24, 1819. The letter, kept in the FASHI of the Republic of Uzbekistan, states that it was written in May 1820. See

inventory №295. Pages 204b-205a; SVR. History. Composers D.Yusupova., R.Jalilova.-T. : Fan. 1998. -405 p.)
37. Валиева Д. Ўша асар. -136 б.(Valieva D. That work. -136 b.)
38. Бекмурадов Х. Туркистон ва Рум муносабатлари// Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган Ўрни. -Т.: Фан. 1996. б 72. (Bekmuradov X. Turkestan-Greek relations // Amir Temur and his place in world history. -T. : Fan. 1996. b 72.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Хасанбой Рахматиллаев,
Фарғона давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси
доценти, тарих фанлари номзоди
arakhmatillayev@list.ru

ТУРКИСТОНДА XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДАГИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАР

For citation: Khasanboy Rakhmatillaev, ETHNIC PROCESSES IN TURKESTAN IN THE SECOND HALF OF THE XIX CENTURY. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.407-412

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-55

АННОТАЦИЯ

Мақолада тарихий манбалар ва адабиётларга асосланган ҳолда Туркистон минтақасидаги этник жараёнлар ёритилган. Жумладан, Зарафшон водийси, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари, ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги Вахш, Кофирниҳон, Панж ва Туркманистон худудига тегишли Мурғоб дарёси воҳаларидаги, Марғилон, Ўзган, Андижон, Наманган, Тошкент, Чимкент, Туркистон, Авлиёота, Пишпак, Сузак, Оқмачит, Амударё соҳилларида жойлашган Хива, Урганч, Кат, Кўҳна Урганч, Хазорасп, Қўнғирот, Хўжайли, Курдар (ҳозирги Чимбой) каби шаҳарлар ва аҳоли масканларида истиқомат қилган аҳолининг этник таркиби тўғрисида маълумот берилган. Шунингдек, Россия империяси Туркистон ўлкасини эгаллагандан кейин ю з бекрган этник жараёнлар, аҳолини кўчириш сиёсати каби масалалар баён этилган.

Калит сўзлар: Туркистон, этник таркиб, Бухоро амирлиги, Хива Хонлиги, Қўқон хонлиги, қозоқлар, туркманлар, ўзбеклар, сартлар, тожиклар.

Хасанбой Рахматиллаев,
Ферганский государственный университет
кафедра всемирной истории доцент,
кандидат исторических наук
arakhmatillayev@list.ru

ЭТНИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ В ТУРКЕСТАНЕ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX ВЕКА

АННОТАЦИЯ

В статье на основе исторических источников и литературы описаны этнические процессы в Туркестанском регионе. В частности, в Зарафшанской долине, Кашкадарьинском и Сурхандарьинском оазисах, в речных оазисах Вахш, Кофирнихон, Пяндж и Мургаб на территории современного Таджикистана, в Маргилане, Узгене, Андижане, Намангане, Ташкенте, Шымкенте, Туркестане, Авлиете, Пишпаке, Сузаке., Сузак, Сузак, Сузак сведения об этническом составе населения, проживающего в таких городах и поселках, как Хива,

Ургенч, Кат, Старый Ургенч, Хазарасп, Кунград, Ходжайли, Курдар (ныне Чимбай). Также охватывает такие вопросы, как этнические процессы и политика переселения, которой подверглась Российская Империя после оккупации Туркестана.

Ключевые слова: Туркестан, этнический состав, Бухарский эмират, Хивинское ханство, Кокандское ханство, казахи, туркмены, узбеки, сарты, таджики.

Khasanboy Rakhmatillaev,
Fergana State University
Department of World History Associate Professor,
candidate of Historical Sciences arakhmatillayev@list.ru

ETHNIC PROCESSES IN TURKESTAN IN THE SECOND HALF OF THE XIX CENTURY

ABSTRACT

The article describes ethnic processes in the Turkestan region on the basis of historical sources and literature. In particular, in the Zarafshan Valley, Kashkadarya and Surkhandarya oases, in the Vakhsh, Kofirnikhon, Pyanj and Murghab river oases on the territory of modern Tajikistan, in Margilan, Uzgen, Andijan, Namangan, Tashkent, Shymkent, Turkestan, Avliet, Pishak., Suzak, Suzak, Suzak information on the ethnic composition of the population living in cities and towns such as Khiva, Urgench, Kat, Stary Urgench, Khazarasp, Kungrad, Khojaili, Kurdar (now Chimbay). It also covers issues such as ethnic processes and resettlement policies that the Russian Empire underwent after the occupation of Turkestan.

Index Terms: Turkestan, ethnic composition, Bukhara Emirate, Khiva Khanate, Kokand Khanate, Kazakhs, Turkmens, Uzbeks, Sarts, Tajiks.

---

1. Долзарблиги:

XIX асрга келиб Бухоро амирлиги ўзбек хонликлари орасида ўзининг худуди, аҳолиси ва табиий ресурлари билан муҳим мавқега эга бўлиб қолган эди. Унинг географик худуди қарийб 200 минг квадрат километрни ташкил этган бўлиб, чегаралари жанубда Амударёнинг сўл қирғоғидан Сирдарёгача чўзилиб, шимолий қисми қозоқ жузлари билан якунланган эди. Амирлик шарқда Помир тоғларидан ғарбда Хива хонлиги худудларигача бўлган ерларни ташкил этган. Бухоро ва Самарқанд каби йирик шаҳарлар амирликнинг марказий қисми ҳисобланиб, Зарафшон водийсида жойлашган эди. Шунингдек, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари, ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги Вахш, Кофирниҳон, Панж ва Туркманистон худудига тегишли Мурғоб дарёси воҳаларидаги заминлар ҳам Бухоро амирлигига таълуқли эди. Унинг пойтахти Бухорои шариф бўлган. Шу билан бирга, йирик шаҳарлардан Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор, Термиз, Шеробод, Хисор, Душанбе, Кулоб ҳисобланган. Бундан ташқари Бухоро билан Хива ўртасидаги Марв ва Чоржўй, хамда Қуқон билан Бухоро амирлиги ўртасидаги Жиззах, Ўратепа ва Хўжанд шаҳарлари улар ўртасида қўлдан-қўлга ўтиб турган эди. XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлигида 2 миллионга яқин аҳоли яшаган. Зарафшон водийсида 300-350 минг, Қашқадарё воҳасида – 500 минг, Сурхондарё воҳасида – 200 минг, Шарқий Бухорода – 500 минг аҳоли яшар эди. Аҳолининг этник жараёни қавм-уруғлардан иборат бўлиб, уларнинг 57 фоизига яқини ўзбекларни ташкил этган. Бундан ташқари ўша даврда ўзбек элати таркибига кирган манғит, сарой, қўнғирот, жабғу, қарлиқ, қалмоқ, найман, қипчоқ, минг, юз қабилалари ҳам кўпчиликни ташкил этган эди [6. 44].

Хива хонлиги эса ўша даврда жанубда Эрон, шарқда Бухоро амирлиги, ғарбда Каспий денгизи, шимолда қозоқ жузлари билан чегарадош эди. Шу билан бирга хонлик ўзининг сувсиз ва поёнсиз Қоракум, Қизилқум саҳролари билан бошқа мамлакатлардан ажралиб турар эди. Амударё соҳилларида жойлашган Хива, Урганч, Кат, Кўҳна Урганч, Хазорасп, Қўнғирот, Хўжайли, Курдар (ҳозирги Чимбой) каби шахарлар хонликнинг йирик шахарлари хисобланар эди. Аҳолининг кўпчилик қисмини ўзбеклар ташкил қилиб, улардан энг кучли ва

кўп сонлилари қўнғирот, найман, қиёт, уйғур, нукуз, қанғли, хитой, ва қипчоқ қабилалар эди. Бундан ташқари хонлик худудида туркманлар ва қорақалпоқлар ҳам яшаган [6. 47].

XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлиги худудий жихатдан Ўрта Осиёдаги йирик давлат бўлган. Хонлик шарқдан Шарқий Туркистон, ғарбдан Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги, шимолдан Россия ўртасида ҳувуллаб ётган Мирзачўл ва Муюнқул чўллари, жанубдан эса Қоратегин, Кўлоб, Дарвоз, Шўғнон каби тоғли ўлкаларни ўз ичига олган холда чегараланиб турар эди. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, хонлик ўзининг серсув дарёлари, сўлим водийлари, серхосил ва унумдор ерлари билан ҳам Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан фарқ қилар эди. Унинг маркази Қўқон бўлиб Марғилон, Ўзган, Андижон, Наманган, Тошкент, Чимкент, Туркистон, Авлиёота, Пишпак, Сузак, Оқмачит каби йирик шаҳарлар ҳам Қўқон хонлиги тасарруфида эди.

Қўқон хонлигида аҳоли маълум даражада зич жойлашган бўлиб, ўша даврда 3 миллионга яқин киши истиқомат қилган. Хонликнинг пойтахти Қўқонда 80 минг, Тошкент шахрида эса 60 минг киши яшаган. Қўқон хонлиги аҳолисининг кўпчилик қисмини ўзбеклар, қолганлари эса тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, уйғурлар, қорақолпоқлар эди. Шу билан бирга улар билан ёнма-ён яхудийлар, татарлар, ҳиндлар ва бошқа элатларнинг вакиллари ҳам яшар эди [6. 48-49]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё аҳолисининг этник таркибига кескин таъсир этадиган воқеалар бўлмаган, яъни Марказий Осиёдаги амирлик ва хонликлар ҳудудларига бошқа ҳудудлардан йирик аҳоли миграциялари бўлмаган. Хонликлар ўртасидаги турли можаролар бўлиб турган бўлса ҳам, лекин кўпсонли маҳаллий аҳоли орасида консолидация (ўзаро яқинлашув) жараёнлари давом этган эди.

Бизга тарихий манбалардан маълумки, Кавказ, Волгабўйи, Сибирь ва Ўрта Осиё устидан хукумронлик қилиш рус подшоларининг азалий орзу-ниятлари бўлган эди. Россия подшоси Иван Грозний ана шу ниятларни амалга оширишни бошлаб берган эди. У XVI асрнинг иккинчи ярмида Қозон, Аштархон ва Сибирь хонликларини босиб олган эди [6. 27].

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Подшо Россияси ўзбек хонликлари тўғрисида аниқ маълумотлар тўплаш ва уларни синчиклаб ўрганишга Пётр I давридан жиддий киришган. Бунинг учун у Хива хонлиги, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигига турли ҳарбий ва илмий экспедициялар жўнатиб, улардаги мавжуд аҳволни хартамонлама ўрганган. Ўрта Осиё ерларига кириб бориш эса XIX асрнинг иккинчи ярмидан яъни подшо Николай 1 давридан (1825-1855) бошланган эди. Шуни таъкидлаш жоизки, Россияни 1853-56 йиллардаги Туркия билан Қрим урушида мағлубиятга учраши, 60-70 йилларда Россияда ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар, АҚШдаги фуқаролар уруши туфайли Россия фабрикаларига келтириладиган пахта толасини кескин камайиши, қолаверса, крепостнойлик бекор қилингандан сўнг ерсиз ёки кам ерли аҳолининг истило қилинган худудларга кўчириш мақсади ҳам хукумат режасида мавжуд бўлган.

Мана шундай ҳолатда Туркистон минтақаси Россия учун энг арзон ҳом ашё манбаи ва тайёр саноат молларини сотадиган бозор сифатида зарур бўлиб қолган эди.

Чор Россиясининг истилочилари, 1853 йилда дастлаб, Қўқон хонлигининг Оқмачит қалъасини эгаллаш билан ўзларининг мустамлакачилик сиёсатларини бошлаган эдилар. Бирин-кетин Пишпак, Тўқмоқ қалъалари, Авлиёота, Туркистон ва сўнг Бухоро амирлигининг худудларини, охири Хива ерларини қўлга олиб, Ўрта Осиёда ўз сиёсий мавқеиларини мустаҳкамлаб оладилар. 1867 йилда таркибида Сирдарё ва Еттисув влоятлари бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги тузилиб, 90-йилларда уни вилоятларининг сони 5 тага етган эди. Туркистон Хазина Палатаси томонидан тузилган ижтимоий хўжалик бошқармаси ҳужжатларида кўрсатилишича, 1884 йилда Қўқон шаҳрида 7711 ҳовли бўлиб, уларда 60 минг ўзбек, 2400 тожик, 420 қирғиз, 410 лўли, 302 рус, 72 дунган, 21 ҳинд, 17 афғон истиқомат қилган [6. 235].

Чор Россияси жуда узоқни ўйлаб иш тутди, яъни қандай қилиб бўлса ҳам ўлка бойлигини Россия манфаатига хизмат эттириш йўлларини қидириб топадиган иқтисодчи, молиячи, инженер-техник ва ирригатор мутахассисларни Туркистонга юбора бошлади.

Шулардан бири А.В.Кривошейн Туркистонда қўйидаги ишларни амалга ошириш кераклигини таъкидлайди, пахтачиликни ривожлантириш, ирригация иншоотларини қуриш, Россия қишлоқларидан аҳолини кўчириб келтиришни жорий этиш каби талабларни қўйди [1. 282]. Шундан сўнг, Россия губерняларидан рус деҳқонларини кўчириб келтириш ва уларни 10 танобдан кам бўлмаган ер билан таъминлаб жойлаштириш қонунлаштирилди [1. 283]. Империянинг қоратупроқли марказий худудларида ер танқислиги туфайли ҳамда рус капитализмининг таянчи сифатида Россиянинг марказий губерняларидан рус деҳқонларини кўчириш бошланиб кетди. 1875-1890 йиллар оралиғида Туркистонга 1300 оила кўчиб келиб, ўлкада 19та рус қишлоғи ташкил топди. 1891-1892 йиллардаги очарчилик туфайли келувчилар сони кўпайиб, яна 25та рус қишлоғлари ташкил топган эди [1. 284]. 1896 йилги "Низом" Туркистонда пахта яккаҳокимлигига йўл очди. Туркистондан Россияга юбориладиган пахтадан бож олинмайдиган бўлди. Солиқ солишда ҳам пахтакорларга айрим имтиёзлар берилди. Бундай сиёсат Туркистонга Россиядан кўчиб келадиган рус деҳқонларини сонининг кўпайишига олиб келди. Натижада, XX аср бошига келиб, Туркистондаги русларнинг сони 197 мингдан ошиб кетди. 1906-1915 йилларда Сирдарё ва Фарғона водийсида рус деҳқонлари учун маҳаллий аҳолининг 749,9 минг таноб ери мусодара қилинди. Россия учун пахта экиладиган майдон 1885 йилда 41,4 минг таноб бўлса, 1915 йилга келиб, унинг миқдори 541,9 минг танобдан ошиб кетган [1. 286]. XX аср бошида ўлканинг биргина Фарғона вилоятида маҳаллий, рус ва чет эл капиталига қарашли 157 та пахта тозалаш заводи фаолият кўрсатар эди. 1916 йилга келиб, Туркистонда пахтанинг Америка навини экиш 7 мартага кенгайган.

Ўлкани Россия билан боғлайдиган темир йўл ишга тушгач, рус ва чет эл капиталининг Туркистонга кириб келиши янада жадаллашди. Биринчи жаҳон уруши арафасида Туркистонда дастлабки электр станциялар пайдо бўлди. Масалан, "Чимиён" нефтни ҳайдаш заводи дизел электр станциясидан қувват оларди. Қовунчи қанд заводи эса хусусий ГЭС ига эга эди. Туркистон ўлкасида электр қувватининг ишлатилиши ҳали бошланғич босқичида бўлган даврда, Ғарбий Европа мамлакатлари эса бу йўлни 30-50 йил олдин босиб ўтишган эди. Капиталистлар қурилиш ишларида арзон ишчи кучига эҳтиёж сезганлари сари подшо маъмурияти ўлкага чет эл фуқароларининг иш излаб келишига тўсқинлик қилмаган. Биргина Фарғона водийсига фақат Қошқардан уйғур ва дунгон халқларидан, 1904 йили 14556 киши, 1905 йили 13337 киши, 1907 йили 25056 киши, 1909 йили 12725 киши, 1911 йили 26463 киши, 1912 йили эса 27174 киши ишлаш учун келган эди. Бундан ташқари, Афғонистон, Эрон, ва Шарқий Туркистондан ҳам иш қидириб келганлар бўлган. Улар асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида, конларда, қурилишларда ва темир йўлларида қора ишчи бўлиб фаолият кўрсатганлар [6. 239-241].

3. Тадқиқот натижалари:

Туркистонда 1897 йилга қадар аҳоли рўйҳати ўтказилмаган, биринчи аҳоли рўйхати ўз хусусиятларига эга бўлсада, ундаги айрим маълумотлардан фойдаланишимиз мумкин. Жумладан ўлканинг энг йирик шаҳри Тошкенда 155,710 киши яшаган, энг аҳоли зич уездлар Қўқон ва Андижон бўлиб, уларда 1кв,км.га 28,3 киши тўғри келган [4. 61].

Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилояти маъмурияти томонидан тўпланган маълумотга кўра вилоят аҳолисининг умумий сони 716,1 минг кишини ташкил этган, улардан ўзбеклар 475,6 минг, шунингдек, қипчоқлар 5,6 минг, турк 5,1 минг, курама 1,4 минг, ва юзлар 0,3 минг киши яшаган. Умуман олганда, кейинчалик ўзбекларнинг умумий сони 493,8 минг кишини (69%), қирғизлар 104,1 минг(14,5%) ва тожиклар 43 минг (6%) ни ташкил этган [5. 38]. Аҳолининг умумий сони бу даврларда жуда тез ўсган. Масалан, 1890 йилда 801,3 минг кишини ташкил этган бўлса, 1891 йилда-801,6 минг, 1892 йилда-822 минг, 1893 йилда-951,7 минг, 1895 йилда-1045,7 кишини ташкил этган.

4. Хулосалар:

аҳоли сонини ғоят ортиши хақиқий ўсиш ҳисобига эмас, балки кўчириш сиёсати билан, Россиянинг марказий қисмидан, Уралдан, Волгабўйидан хамда империянинг жанубий вилоятларидан келган русийзабон халқлар эвазига бўлгандир. Ёки яна бир мисол, 1877

йилда асос солинган шаҳар-Янги Марғилон (Фарғона)да руслар сони, харбийларни қўшиб ҳисоблаганда, махаллий аҳолига қараганда бирмунча кўпроқ бўлган [5. 39]. Шундай қилиб, XIX асрдаги этник жараёнлар натижасида ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, қозоқлар яшаган худудлар стабиллашиб, уларнинг хар бирида уруғ, қабила ва элатларнинг ассимилация ва мужассамлашув жараёнлари давом этган бўлса, иккинчи томондан бу даврда чоризмнинг кўчириш сиёсати билан руслар, украинлар, беларуслар, немислар, еврейлар, арманлар тотарлар [2. 126], ва бошқаларнинг келиб жойлашишлари амалга ошган эди. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, XX аср арафасида ўзбекларнинг манғит, найман, минг, кенагас ва бошқа қабилалари ўзлигини сақлаб қолганлар.

Қолаверса, аҳоли ўзини миллати ёки элатига қараб эмас, балки маълум бир йирик шаҳарга кўчиб келган бўлса, (масалан Тошкентга) уларни маҳаллий аҳоли томонидан Андижонлик, Қўқонлик, Марғилонлик деб аташ анъанаси ҳам кенг тарқалган эди.

Самарқанднинг эски шаҳар қисми маҳаллаларининг номлари ҳозирги кунгача ўша жойнинг туб аҳолисини келиб чиқиш жойи билан “Гузари Андижони”, “Гузари Тошканди”, “Гузари Зомини”, “Гузари Ёмини” ва ҳ.к. деб, аталиб келинади [3].

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Askarov A. Ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people. T.: “University”, 2007.
2. Gaffarov Sh. The fate of the Uighurs and Dungans, resettled to Turkestan // History of the Fergana Valley in new research. Fergana, 2014.
3. Field materials. From a personal interview with Hasanov Muhammadjon, a resident of Samarkand. The interview took place on December 21, 2014.
4. Overview of the Fergana region for the year 1890. New Margilan, 1892. The first general census of the population of the Russian Empire. 1897. T 89. P.61.
5. Rahmatillaev X. Ethnodynamics of the population of the Fergana Valley. Tashkent "YANGI NASHR" 2013.
6. New history of Uzbekistan. Turkestan during the colonial period of Tsarist Russia. Tashkent, 2000.
7. Yuldashev S.B. Ferghana in the VII century: It’s development as a powerful state and its collapse // History Reseach Journal. 2019 vol. 5. Issue 6. – P. 2952–2964.
8. Yuldashev S.B. Samanids of Ferghana // International journal for social studies. 2020. vol. 6. Issue 01. – P. 120–135.
9. Yuldashev S.B. The impact of the Aksu battle on Ferghana // ERPA International Journal of Research and Development. 2020. Vol. 5 (8). P. 60–64. DOI: https://doi.org/10.36713/epra4917
10. Yuldashev S.B. Early arab invasions of Fergana // «Евразийский Союз Ученых» научный журнал. – Москва, – 2020. – № 8 (77/4). – P. 31–35.
11. Isamiddinov M. The history of emergence of Sughd Cities // EPRA International Journal of Research and Development. Volume:5, Issue:10, October 2020 India. – P. 125–128.
12. Mirsoatova S.T. New data on the late paleolithic of the Fergana valley // Евразийский союз ученых (2020. – № 10 (79/4). – P. 25–29.
13. Farmanova G.K. The role of the geographic environment and climatic conditions in the formation of economic-cultural type of population when during ancient and antic period // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10, Issue 11, November 2020. – P. 1612–1622. Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01639.0.
14. Rakhmatillayev H. Ethnodynamics of the city population of the Fergana valley of the first half of the XX century // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:5, May 2020. – P. 532–535.

15. Arslonzoda R. Memoirs as asourse on the history of Uzbekistan in the second half of the 19th – early 20th centuries // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:10, October 2020. – P. 119–124.
16. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance. ERPA International Journal of Research and Development. 2020; Vol. 5 (7). – P. 104–108. DOI: https://doi.org/10.36713/epra4787
17. Yuldashev S. Visit of chinese ambassador dung wan to Fergana // The history of the Fergana valley in new researches. – Fergana, 2021. – P. 123 – 131. https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1240

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Одинахон Рахманова,
тарих фани ўқитувчиси
Фарғона давлат университети,
setoraimohihosa@mail

ОЛИМХОН САЛТАНАТИ ТАРИХИДАН: ШАЙХ ВА СЎФИЙЛАРГА ИШОНЧСИЗЛИК

For citation: Odinakhon Rakhmanova, FROM THE HISTORY OF THE REIGN OF ALIMKHAN: DISTRUST OF THE SHAIKHS AND SUFIS. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.413-417

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-56

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Олимхон ҳукмронлиги даври ва унинг сўфийлар, эшонлар, шайхларга бўлган муносабати, сохта мўжизакорлар ва сохта шайхларнинг сирларининг фош этилиши, шундай ёлғончи саййидзода ва шайхзодаларни имтиҳондан ўтишлари, ишлари шариатга тўғри келмаганларини жазоланиши, шайх ва сўфиларнинг хонга бўлган таъсири, жаҳрия тариқати ва зикрларда хоннинг шахсан иштироки ёритилган. Шунингдек, XIX асрдан бошлаб қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тасаввуф вакиллари ўрни ва мавқеининг ортиб бориши, хонларнинг жумладан Олимхоннинг бунга қарши курашиши каби маслалар ушбу мақолада тахлил этилган.

Калит сўзлар: Олимхон, шайх, жаҳр, зик, саййид, мурид, карамат, дарвеш.

Одинахон Рахманова,
Преподаватель по истории
Ферганский государственный университет,
setoraimohihosa @ mail

ИЗ ИСТОРИИ ПРАВЛЕНИЕ АЛИМХАНА: НЕДОВЕРИЕ К ШАЙХАМ И СУФИЯМ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается период правления Алимхана и его отношения к суфиям, ишанам, шайхам, раскрывание лже-чудотворцев и лже-шайхов, поиск и изучение ханом документов подтверждающих родословность или разрешение на духовное предводительство, проведение экзаменов и наказание шайхов за несоответствию шариату, влияние духовных лидеров и взаимоотношения с ними, участие самого хана в секте джахрия и сеансах зикра. В статье также анализируется возрастающая роль и статус мистиков в политической жизни Кокандского ханства с XIX века, а также борьба ханов, в том числе Алимхана.

Ключевые слова: Алимхан, шайх, джахр, зикр, саййид, мурид, карамат, дервиш.

Odinakhon Rakhmanova,
History teacher
Fergana State University,
setoraimohihosa @ mail

FROM THE HISTORY OF THE REIGN OF ALIMKHAN: DISTRUST OF THE SHAIKHS AND SUFIS

ABSTRACT

This article examines the period of Alimkhan's reign and his attitude towards Sufis, Ishans, Shaykhs, the disclosure of false miracle workers and false Shaykhs, the khan's search and study of documents confirming genealogy or permission for spiritual leadership, conducting examinations and punishing Shaykhs for non-compliance with Shay'ah, the influence of spiritual leaders and relationships with them, the participation of the khan himself in the Jahriya sect and dhikr sessions. The article also analyzes the growing role and status of mystics in the political life of the Kokand Khanate since the XIX century, as well as the struggle of the khans, including Alimkhan.

Ibdex Terms: Alimkhan, Shaikh, Jahr, Zikr, Sayyid, Murid, Karamat, Dervish.

---

1. Актуальность:

Возникновение политического господства ферганских ходжей относиться к XVIII веку, в руках этой группы духовенства в течении некоторого времени находилось верховная власть долины. В первой половине XIX в. представители ходжей занимали видные государственные должности, управляли как полунезависимые владетели Ходжентом и другими городами и районами, вообще играли видную роль в качестве представителей власти и крупного феодального землевладения [1].

Религиозная верхушка играла важную роль в политической и социальной жизни Кокандского ханства, как вначале ее создания и до конца существования. Предпочитала укрепить свое положение, добиваться расположения у хана и народа.

Большинство из них это были выходцы из знаменитых суфийских фамилий, но в основном они не практиковали себя как суфии и были отдалены от нее. Некоторые из них имели какие-то связи с практикующим шайхом Муджаддидийа - Муса-ханом Дахбиди. Впрочем и эта связь родственников не соответствовала реальному положению дел, скорей всего они использовали свое положения для решения практических задач перед ханом и народом, нежели духовной. Для исполнения политических функций были приглашены в Коканд родственники Муса-хана, но и они не занимались распространением идей братства в ханстве. Интерес материальный и освобождения от налогов всегда привлекал ходжей ведь статус саййида им давал большие возможности. Кроме оплаты за выполнения прямых своих обязанностей перед государем, почтенное уважения народа выражалось тоже материально в виде традиционных подношениях, потомки влиятельных ходжей получали приглашения на различного рода важные торжества и естественно не уходили с пустыми руками. Все это способствовала приумножению их доходов и общественного положения религиозного сословия.

2. Методы и степень изученности:

Статья основана на принципах общепринятых исторических методов - исторического, сравнительно-логического анализа, системности, объективности. Данная статья описывает события произошедшие в период правления Кокандского хана Алимхана и его отношении к религиозным представителям, чистка в государстве от лже-чудотворцев, лже-суфиев и лже-шайхов. Ведь со времен правления Эрдонабия и до восхождения на трон Нарбутабия в ханстве появилось много аферистов и самозванцев выдавших себя за потомков святых семей при том, что они не имели подтверждающего документа о родословной, а если и имелись то были поддельными. Они выдавая себя за саййидов и шайхов без разрешения документа на духовное предводительство организовывали собрания не соответствующие шариату. Сами не обладая истинным религиозным учением продавали веру. Пополнив свои богатства вот

таким образом обновляли свой гарем, а доверчивый люд признавал их духовными предводителями и сами того не ведая попадали в сеть шарлатанов.

Проделано много работ по истории Кокандского ханства, изучено достаточное количество рукописей. Но несмотря на это есть проблемы в истории ханства, которым нужно уделить внимание. Суфийские братства или ордена, секты существующие в Кокандском ханстве мало изучены. Изучить духовных лидеров этих сект, их влияние оказывающие на правителей и жизнь народа. Нужно обратить внимание в период правления каких Кокандских ханов существовало большое количество сект и братств, какого направления и толка они придерживались, имена руководителей этих сект и их деятельность.

Для написание данной статьи были проанализированы книги, источники авторов таких как П.П.Иванова, В.П. Наливкина, Дж. С. Тримингэма, Т.К Бейсимбиева, Б.М.Бабджанова, Абдул Карима бухарского, Ниез Мухаммад Хукандия, Исохон тура Ибрата, Мухаммадхакимхон Тура, Мирза Олим Мушрифа.

3. Результаты исследования:

Говоря о личности Алимхана, бухарский историк Абдул-Керим пишет о его неприемлемой жестокости, от его тирании и угнетения его подданные бежали, было убито много неповинных людей, родители не могли распоряжаться своими детьми, дочерей хан отнимал и распоряжался ими по своему усмотрению, вздохи угнетенных доходили до Плеяд, жестокие преследования со стороны хана по отношению к духовенству, пользовавшееся значительным влиянием на население, то можно утверждать насколько был непопулярен хан среди всех слоев местного общества [2].

В подтверждение того, что народ был не совсем прав давая прозвище как тиран, Алим-залим и т.д., Хаким-хан -Тура приводит некоторые факты из государственной деятельности Алим-хана [3]. Например в Фергане не только простой трудящийся народ был безграмотен, но так же среди высшего общества того времени имелись проходимцы, которые странствуя из города в город, из кишлака в кишлак прикрывались ролью проповедников и наставников народа истинно-мусульманской веры. Эти проходимцы показывали народу различного рода фокусы и преподносили их как за чудеса божьи. Сами себя они выдавали если не за святых чудотворцев, то по меньшей меры за праведников и самым наглым образом пользуясь доверием простого люда, выманивали у них всеми силами и неправдами добровольные приношения. Узнав о появление нового чудотворца и проповедника, Алимхан требовал его к себе во дворец и приказывал показывать, и говорить все то, что он делал перед народом. Если на этом экзамене хан не замечал ничего того, что могло бы идти против основ мусульманской религии, праведника отпускали, а иногда даже получали подарки от самого Алимхана. Были праведники, которые проваливали экзамен хана, тогда он требовал от них по меньшей мере публичного покаяния в совершение обмана и надувательства, но чаще всего чудотворец платил за совершения проделок своей жизнью.

В книге Абдул- Керим бухарский описывает про некого шайха жившего в Коканде и имеющего много последователей-муридов. Объезжая города лже-шайх произносил поучения и творил чудеса. Алимхан вызвал к себе шайха и предложил пройти ему по канату натянутому над одним из бассейнов в ханском дворе. Так он хотел проверить и уверовать в святость лже-чудотворца. В своих поучениях шайх учил последователей проходить мост сират, который возвышается над адом и ведёт в рай. Шайх упал в бассейн и хан приказал избить его палками до смерти.

Кроме лже-чудотворцев в ханстве было много лже-нищих, в действительности которые имели достаточно средства и могли бы заниматься более полезным делом [4]. Алимхан свое свободное время проводил изучению саййидов и других обладателей тарханных грамот. Изучая их он пытался выяснить каким образом и когда эти шайхи получали грамоты, освобождающие их от налогов. Алимхан пытался найти оправдания тому чтоб конфисковать у шайхов грамоты и имущество в пользу народа и войска, так чтоб это выглядело как богоугодное дело. В суфийских агиографических рассказах есть история о том, как Алимхан приказал собрать всех таких суфиев в Коканд и велел приготовить блюда

из кошачьего мясо. После подачи блюд Алимхан приказал шайхам показать свои чудотворские способности (карамат), а если они не изъявят показать свои способности то будут изрублены на мелкие кусочки, которые можно будет выбросить из решеток окна. Вдруг один из шайхов Вали-хан-тура взмахнул рукой над посудой в которой было еда вскрикнул: «Брысь, тварь Божья!» и неожиданно кошка ожила и сбежала. Изумленный Алимхан отпустил всех без наказания [5].

В своей книге Абдул-Керим описывая Алимхана говорит о его мужественном, но дерзком характере и о его не доверии к шайхам и суфиям [6]. Такой же отзыв дает Алимхану и Ибрат о сомнениях к достоверности и неприязненному отношению к суфиям. Хотя сам хан принадлежал к секте суфиев джахрия. По мнению автора «Тарихи Фаргона» Ибрата он состоял в секте «отвергаемому сообществу суфиев», то есть к группе предпочитающие громкий зикр [7]. Зикр в буквальном значение «поминание», — духовное упражнение с целью ошущения внутри себя божественного присутствия; ритмичное, повторное поминание имен бога (теомнемия) для достижения сотояния духовной сосредоточенности; зикр ал-авкат — установленное ежедневное поминание; зикр джахри или джали — поминание вслух; зикр ал-хадра — коллективное отправление зикра; зикр хафи — мысленное поминание про себя. Именно зикр джахри проводил каждый вечер в своем дворце хан [8].

Духовный наставник Алимхана Шайх -Насир проводил в ханском дворце с участием самого хана мистические радения (зикр) с громким песнопение (джахриййа), во время которых были равны «шах» и «нищий», таким путем в сознании масс внедрялось иллюзорная идея равенства всех мусульман. Некоторые шейхи и «рассказчики» (нукала) убеждали, что молитвы участников зикра, на котором присутствовали экзальтированный падишах, будут приняты Аллахом. Таким образом, суфизм был сильным средством идеологического воздействия господствующего класса на угнетенных [9].

4. Выводы:

В XIX веке духовенство продолжало играть важную роль в государстве. Поход Алимхана был предпринят с его благословения. Весьма видное место в рядах «служилого сословия» занимало духовенство, как официальное — в виде настоятелей мечетей (имам), судей (казий), преподавателей медресе (мударрис), так и представители различных дервишских орденов. Число странствующих дервишей, занимавшихся самым откровенным обманом, вымогательством, было настолько значительно, что некоторые из ханов были вынуждены вести с ними открытую борьбу [10].

Сфабрикованные родословные сайидов и шайхов экзаменовались, перепоручались ханом мухтасибам и приближенным шайхам. Это мог быть сам Масум-хан тура или знаменитый шейх Мавлави Намангани.

Влияние духовных лиц на государственные дела продалжалось и при Умар-хане. В 40-60 годах XIX века в периоды политической нестабильности авторитет официального духовенства снизился, Ниез Мухаммад Хокандий в совей книге перадает события 1860-1861 гг.: «Люди перестали соблюдать шариат, у шаха иссякли справедливость и правосудие. Улемы не поступая согласно знанию (илм), не успокоились, не обратившись к эмирам (за советом), не стали наставлять шаха на путь фетвы (истинный); что бы ни сказал шах, повторяли за ним. Улемы отдали распоряжение на совершение ереси (бидат) и сделали то, чего не совершали халифы» [11].

Но несмотря на это влияние суфизма на жизнь мусульман было настолько всепроникающим, что при всем желании его невозможно было избежать.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. П.П.Иванов. Очерки по истории Средней Азии (XVI- середина XIX в.) – Москва: Восточная литература. 1958. – С. 185.
2. Boukhary, Mir Abdoul Kerim. Auteur du texte. Histoire de l'Asie centrale : (Afghanistan, Boukhara, Kiva, Khoqand). P. 218

3. Мухаммадхакимхан Тура. Мунтахаб ат-Таворих. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2010. – Б. 305.
4. В.П. Наливкин. Краткая история Кокандского ханства. – Казань: Типография императорского университета. 1886. – С. 93.
5. Б.М.Бабаджанов. Кокандское хантсва: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент: 2010. – С. 490.
6. Boukhary, Mir Abdoul Kerim. Auteur du texte. Histoire de l'Asie centrale : (Afghanistan, Boukhara, Kiva, Khoqand). P. 211-212.
7. Исҳоқхон тўра Ибрат. Тарихи фарғона. – Тошкент: Маънавият. 2005. – Б. 8.
8. Дж. С. Тримингэм / Пер. Азы Ставиской. Суфийские ордены в исламе. – Москва: Наука. 1989. – С. 220.
9. Т.К.Бейсембиев. «Тарихи Шохрухи» как исторический источник. – Алма-Ата: Наука. 1987. – С. 71.
10. П.П.Иванов. Очерки по истории Средней Азии (XVI- середина XIX в.) – Москва: Восточная литература. 1958. – С. 186.
11. Т.К.Бейсембиев. «Тарихи Шохрухи» как исторический источник. – Алма-Ата: Наука. 1987. – С. 71.
12. Yuldashev S.B. Ferghana in the VII century: It's development as a powerful state and its collapse // History Reseach Journal. 2019 vol. 5. Issue 6. – P. 2952–2964.
13. Yuldashev S.B. Samanids of Ferghana // International journal for social studies. 2020. vol. 6. Issue 01. – P. 120–135.
14. Yuldashev S.B. The impact of the Aksu battle on Ferghana // ERPA International Journal of Research and Development. 2020. Vol. 5 (8). P. 60–64. DOI: https://doi.org/10.36713/epra4917
15. Yuldashev S.B. Early arab invasions of Fergana // «Евразийский Союз Ученых» научный журнал. – Москва, – 2020. – № 8 (77/4). – P. 31–35.
16. Isamiddinov M. The history of emergence of Sughd Cities // EPRA International Journal of Research and Development. Volume:5, Issue:10, October 2020 India. – P. 125–128.
17. Mirsoatova S.T. New data on the late paleolithic of the Fergana valley // Евразийский союз ученых (2020. – № 10 (79/4). – P. 25–29.
18. Farmanova G.K. The role of the geographic environment and climatic conditions in the formation of economic-cultural type of population when during ancient and antic period // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10, Issue 11, November 2020. – P. 1612–1622. Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01639.0.
19. Rakhmatillayev H. Ethnodynamics of the city population of the Fergana valley of the first half of the XX century // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:5, May 2020. – P. 532–535.
20. Arslonzoda R. Memoirs as asourse on the history of Uzbekistan in the second half of the 19th – early 20th centuries // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:10, October 2020. – P. 119–124.
21. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance. ERPA International Journal of Research and Development. 2020; Vol. 5 (7). – P. 104–108. DOI: https://doi.org/10.36713/epra4787
22. Yuldashev S. Visit of chinese ambassador dung wan to Fergana // The history of the Fergana valley in new researches. – Fergana, 2021. – P. 123 – 131. https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1240

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Хасанбой Рахматиллаев,
Фарғона давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси
доценти, тарих фанлари номзоди
arakhmatillayev@list.ru

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР

For citation: Khasanboy Rakhmatillaev, ON SOME PROBLEMS AND METHODS IN CREATING THE ANCIENT ETHNIC HISTORY OF CENTRAL ASIA. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.418-423

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-57

АННОТАЦИЯ

Қадимги тарихни ўрганишда археологик усулларни қўллашдан ташқари палеоантропологик ва этнологик усулларни ҳам қўллаш, олинадиган натижаларни кўпайтиришга ва кенгайтиришга ёрдам бериши Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари мисолида очиб берилди. Ибтидоий давр археологик комплексларида группали кўмиш одатларининг бўлмаганлиги сабабли битта-иккита қабрни топилиши билан олинган антропологик материал одам типини ёки турини аниқлашда у қадар ишончли, яхши материал бермайди. Чунки, жисмоний типни аниқлашнинг энг муҳим жиҳати бу антропологик материалнинг кўплиги унинг ишончлилик даражасининг гаровидир. Шу каби масалалар ушбу мақолада тахлил этилган.

Калит сўзлар: Бақтрия, Сўғд, Жарқутон, Кучук-И, Яз-И, Сангир-И, илк темир даври, дафн маросими, инсон суяклари, тозаланган суяклар, зардуштийлик, Чуст, Бургулукский.

Хасанбой Рахматиллаев,
Ферганский государственный университет
кафедра всемирной истории доцент,
кандидат исторических наук
arakhmatillayev@list.ru

О НЕКОТОРЫХ ПРОБЛЕМАХ И МЕТОДАХ СОЗДАНИЯ ДРЕВНЕЙ ЭТНИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

АННОТАЦИЯ

В статье на примере археологического изучения городища Сапаллитепа и Джаркутана, показана преимущества комплексного подхода к изучению древней истории кроме археологического метода, методов палеоантропологии и этнологии. Из-за отсутствия групповых погребальных обычаев в примитивных археологических комплексах антропологический материал, полученный при обнаружении одной или двух могил, не дает

такого надежного и хорошего материала для определения типа или типа человека. Потому что наиболее важным аспектом определения физического типа является обилие этого антропологического материала как гарантия его уровня достоверности. Подобные вопросы анализируются в этой статье.

Rakhmatillaev Khasanboy
Fergana State University
Department of World History Associate Professor,
candidate of Historical Sciences
arakhmatillayev@list.ru

ON SOME PROBLEMS AND METHODS IN CREATING THE ANCIENT ETHNIC HISTORY OF CENTRAL ASIA

ABSTRACT

The article shows the advantages of an integrated approach to the study of ancient history, in addition to the archaeological method, methods of paleoanthropology and ethnology, using the example of the archaeological study of the settlement of Sapallitepa and Dzharkutan. Due to the lack of group burial customs in primitive archeological complexes, the anthropological material obtained by the discovery of one or two graves does not provide such a reliable, good material in determining the type or type of man. Because the most important aspect of determining the physical type is the abundance of this anthropological material as a guarantee of its level of reliability. Similar issues are analyzed in this article.

Index Terms: Bactria, Sogd, Dzharkutan, Kuchuk-I, Yaz-I, Sangir-I, early Iron Age, burial rite, human bones, cleaned bones, Zoroastrianism, Chust, Burguluksky.

1. Долзарблиги:

Ҳар қандай халқ ўзининг тарихини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилганидай, ҳозирги мустақил Ўзбекистонда ҳам ўзининг бой тарихига ва маданиятига эътибор бераётганлиги шубҳасиз. Бунга албатта юртимиздаги тинчлик, қўни-қўшни мамлакатлар билан кенг қамровли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда олиб борилаётган оқилона сиёсат ўз тарихини чуқур ва холисона тарзда, ҳамда теран тафаккур заминида илмий тадқиқ этишга имкон яратиб бермоқда.

Ҳақиқатдан ҳам, давлатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ тарихчилар олдига энг долзарб ва устувор вазифаларни қўйди. Бу вазифалардан бири ўзбек халқининг келиб чиқиши бўлиб, уни ўрганишда энг аввалло археология, этнология ва антропология фанларининг ёрдамисиз ҳеч қандай қадимги тарихни ўрганиб бўлмаслиги аниқдир. Айниқса, тарихни холисона тадқиқ этишда этнология - элшунослик фани ҳам салмоқли ўринга эгадир.

Антропология фани эса, инсониятни энг қадимги даврларидан шу кунимизга қадар жисмоний ўзгариб бориши жараёнларини ўрганади. Бошқача қилиб айтганда инсониятни ташқи кўринишини ўзгариб бориши босқичларини ҳам ҳудудий жиҳатдан, ҳам хронологик жиҳатдан ўрганиш имкониятини беради.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Антропология фани инсоният шажарасидаги энг қадимги маймун-одамнинг ташқи кўриниши, унинг қон таркиби масаласи, кейинги ривожланиш босқичлари, ўрта палеолит даврида неандертал одам билан кроманион одам ўртасидаги яқинлик, яъни Обираҳмат ғоридан олинган суякларнинг генетик таҳлили (ДНК) сининг 4% ҳозирги замон одамига, яъни кроманьинон одамига ўтганлиги аниқланди. Дунёдаги генетик олимларнинг катта меҳнати натижасида қадимги даврлардан қолган одамнинг суяк парчаларини таҳлил қилиб ҳам ДНК сини аниқлаш услублари Европа олимлари томонидан топилди. Айнан шу янги усулни Новосибирсклик олимлар Обираҳмат ғорининг ўрта палеолитдан юқори палеолит даврига оид оралиқ қатламлардан топилган суякларни ўрганишда қўллашди [13: б. 116–125]. Худди шундай таҳлилни улар Олтой тоғларидаги Денисов ғори маттериалларини ўрганиш

даврида ҳам амалга оширдилар. Бу ғорда ҳам ўрта палеолитдан юқори палеолитга ўтиш даври одамларининг суяклари топилган эди ва уни ўрганиш натижаси ҳам Обираҳмат ғори одамларидан олинган анализ натижаларига ўхшаш чиқди [9].

Фақат Денисов ғоридан эмас, жаҳоннинг кўплаб ҳудудларидан топилган одамсимон маймун, одам суяклари ва умуман одамнинг биологик жиҳатдан тараққиёти бўйича биология фанлари доктори, профессор Александр Марков томонидан чиқарилган 3 та китобдан иборат йирик илмий асарда инсониятнинг келиб чиқиши ва унинг тараққиёти таҳлили чуқур анализ қилинган. Бу асар аввало илм аҳли учун, шу билан бирга талабалар учун, ҳамда кенг омма учун тушунарли тилда ёзилган. Шунинг учун бу китобни инсониятнинг энг қадимги тарихини ўрганишда ўрни жуда каттадир [8].

Одамларнинг кейинги тараққиётидаги уруғ-қабилавий ривожланишини жисмоний ҳолатини ҳам, айниқса одамнинг юз ва бош қисмини математик ўлчовлар йўли билан ўрганишни палеоантропология фани амалга оширади ва бу ишнинг охирги натижаси сифатида ўша қадимги давр одамларининг антропологик типи аниқланади, демографик ҳолат, туғилиш, ўлиш, ўртача ёш масаласи, иқтисодий ҳолатнинг таъсири масаласи ўрганилади. Худди шундай усул билан бирин-кетин келган антропологик комплекслар ўрганилиб, этнодинамик ҳолат аниқланади, ёки этнодинамик ҳолат бўйича умумий тасаввур ҳосил бўлади.

Юқорида келтирилган демографик ҳолат, ёш болаларнинг ўлими, аҳолининг ўртача ёши каби масалалар тарихимиздаги жуда кўплаб масалаларни, айниқса мамлакатдаги иқтисодий аҳвол, эпидемик ҳолат, аҳолининг тумуш тарзи каби масалалар билан бевосита боғлиқ бўлади. Айнан шу масалаларни палеоантропологик материалларнинг таҳлили билан солиштирилганда ўша ўртача ўлимни паст ёки баландлиги масаласи тўғри ҳал қилинган бўлади.

Ибтидоий давр археологик комплексларида группали кўмиш одатларининг бўлмаганлиги сабабли битта-иккита қабрни топилиши билан олинган антропологик материал одам типини ёки турини аниқлашда у қадар ишончли, яхши материал бермайди. Чунки, жисмоний типни аниқлашнинг энг муҳим жиҳати бу антропологик материалнинг кўплиги унинг ишончлилик даражасининг гаровидир. Бир даврга оид антропологик материал қанчалик кўп бўлса, маълум бир типни математик усуллар билан корреляция қилиш имкониятини беради ва шу билан бирга ундаги аниқлилик даражаси ҳам ошиб бораверади.

3. Тадқиқот натижалари:

Осиё шароитида энг қадимги шаҳар қабристони А.А.Асқаров томонидан ўрганилган ва худди шу қабристонда мингдан ортиқ қабрлар очилган. Бу қабрлар милоддан аввалги II-минг йилликнинг биринчи чорагидан охирги чорагигача бўлган даврларга оид бўлиб, унинг бирин-кетинлиги масаласини ўрганиш жуда мураккаб масала эди, аммо бу масала қанчалик қийин бўлишига қарамасдан тўғри ҳал этилди [5: б. 172; 6]. Қабристонга 500 йилдан кўп вақт мобайнида одамлар қўйилган бўлиб, табиийки, бунча кўп вақт мобайнида шаҳарсозлик маданияти ҳам аста-секинлик билан ўзгариб борган. Шунинг учун А.Асқаров фақат сополли деҳқончилик маданиятини ривожланиши тарихи давомида яқин 5 та хронологик босқичлар бўлганлигини айнан қабрлардан топилган кулочилик идишларининг хилларини ўзгариш жараёнларига қараб аниқлади. Булар 1) Сополли босқичи, 2) Жарқўтон босқичи, 3) Кўзали босқичи 4) Муллали босқичи ва 5) Бўстон босқичларидир.

Сополли давридаги кўмиш маросими билан Жарқўтон давридаги кўмиш маросими ўртасида жуда катта фарқ бўлган. Сополли даври хронологик жиҳатдан энг қадимги босқич бўлиб, бу даврда уруғ-қабила тизими кенг авж олган давр эди. Шунинг учун бўлса керак, хонадондаги ўлган одамни шу ернинг ўзига, яъни уйнинг хоналарини деворининг тагидан қабр қазиб, ўша ерга кўмиш одати ҳукмронлик қилар эди.

Албатта қабрларни ўрганиш, уларни шаклидан бошлаб, қандай усулда қазилганлиги ва ичига қўйилган майитни қандай ётқизилганлиги, шу билан бирга ёнига қўйилган буюмларнинг кўп ёки озлиги, қандай қўйилганлиги ва ҳ.к.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари бўлмиш Сурхон воҳасида олиб борилган палеоантропологик материални ўрганишдан асоосий мақсад асосан 2 та бўлиши керак эди:

1. Демографик ва морфологик материалларни олиш.

2.Биринчи пунктдаги демографик ва морфологик ўрганишдан олинган материалларни анализ қилиш ҳисобига иқтисодий, ҳаёт кечириш учун шароит масалаларини ҳолати, уни инсониятни кўпайишига таъсири масалалари, қўшни ҳудудлар билан солиштириш натижасида морфологик ва генетик бирлик масаласини ҳал қилиш мумкин.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидан бўлмиш Сурхон воҳасида очилган Сополлитепа ёдгорлиги бронза даврининг бошлариданоқ бу ерда патриархат давридаги йирик патриархат оила яшаганллиги аниқланди. Уларнинг удумига кўра, ўлган ўлик шу хонадоннинг ўзига дафн этилган. Одатда хонанииг деворини тагига, ёки полининг тагидан катакомба шаклидаги ўра қазилиб, майитни она қорнида ётгандай, ғужанак ҳолатга келтирилиб қўйилган [4]. Ўлик аёл киши бўлса, чап ёнбошига, эркак киши бўлса ўнг ёнбошига ётқизилиб, унинг ёнига озиқ-овқат, қўшимча идиш товоқ, тириклигида ишлатган асбоб-ускуналари, қуроллари, аёл киши бўлса, тақинчоқлари билан бирга кўмилган.

Худди шу воҳадаги Жарқўтон ёдгорлигида эса, юртимиздаги энг қадимги шаҳар-давлатнинг илк намунаси очилди. Шаҳарнинг ҳоким саройи, шаҳар аҳлининг ибодати учун керак бўладиган йирик ибодатхонаси, шаҳар аҳли яшайдиган маҳаллалари ва энг муҳими бошқа худди шундай шаҳарлар қазилганда топиш имконияти бўлмаган шаҳар қабристони топиб очилган [14: б. 87–97]. Бу албатта фавқулотда сақланиб қолган ва шунинг учун ҳам унинг аҳамияти бронза давридаги этнодемографик ҳолатни аниқлаш учун аҳамияти жуда катта бўлди [6].

Сополлитепа ёдгорлигида ва шунингдек Жарқўтон ёдгорлигидаги палеодемографик материаллар яхши сақланганлиги сабабли бу объектлар бўйича жуда кўплаб ижтимоий-иқтисодий, тарихий-маданий хулосаларни олиш имконияти туғилди ва буни Россиялик антрополог олимлардан В.П.Алексеев, ўзбек антропологларидан Т.К.Ходжайов ва Ҳ.Ҳ.Ҳалиловлар жуда мукаммал даражада қиёсий ўрганиб, йирик палеоантропологик хулосалар чиқаришга муваффақ бўлдилар [1: б. 399]. Жумладан, Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларининг материалларини ўрганиш, айниқса туғилиш, болалар ўлимининг даврма-давр ўзгариши, кўмилганларнинг ўртача ёши масаласи, умр кўришнинг жуда қисқа эканлиги, қизларнинг эрта турмушга чиқиши масаласи, Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларини жуда ҳам яқинлиги, шу сабабли икки ўртада никоҳ муносабатларининг доимий бўлиб турганлиги, ҳар икки ёдгорликнинг яқинлиги, экологик жиҳатдан, яъни табиий иқлимий ресурсларнинг ўхшашлиги, уларнинг умумий яқинлиги ва ҳатто қариндошлигидан келиб чиққан бўлиши кераклиги муфассал ўрганилди.

Жарқўтон ва Сополлитепа ёдгорликларини ўрганиш, бир-биридан жуда ҳам кам миқдордаги унчалик тўғри келмайдиган белгиларни ҳисобга олмаганда уларни ҳаммаси, қон-қардош халқлар бўлиши мумкинлигини кўрсатади ва яна муҳими, асли келиб-чиқиши жиҳатидан Сополлитепа аҳолиси билан бир бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Юқоорида айтилган локал характердаги ўзига хосликлар одамларда бўладиган морфологик белгиларни авлоддан авлодга томон ўзгариб бориш жараёнлари билан ҳам боғлиқ.

Юқорида келтирилган Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларидан олинган кўпроқ локал характердаги белгиларга эга бўлган антропологик материаллар битта кичик ҳудудда, лекин бирин-кетин келган хронологик босқичларга эга бўлган бўлса, ҳудди шу ҳолатни кенгроқ ҳудудлардаги худди шундай жараёнлар билан солиштирилганда янада муҳим бўлган йирик, кенг қамровли маълумотлар олинди.

Жумладан, шимолий Афғонистон, жанубий Ўзбекистон ва жанубий Тожикистон ҳудудларининг бронза даврига оид археологик обидаларидан олинган антропологик материаллар таҳлил қилинганда уларнинг келиб чиқишида Марказий Эрон ҳудудларидаги аҳолининг антропологик белгилари яққол кўзга ташланиши аниқланган.

4. Хулосалар:

Бундай таҳлилий антропологик хулосалар генетик таҳлилий хулосалар билан ҳам текшириб кўрилганда уларнинг натижалари айнан палеодемографик усуллар билан олинган таҳлилий натижаларга жуда тўғри келади. Булардан ташқари Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбий ҳудудларидаги этнодемографик ҳолатнинг шаклланишида қадимги халқларнинг кўчиши, ҳамда уларнинг йўлларига тўғри келади. Бу дегани қадимги аҳолининг кўчиши, ўз-ўзидан бўлган эмас, балки тарихий шаклланган йўллар орқали силжишганини кузатиш мумкин. Худди шундай аҳоли силжиши милоддан аввалги XXV асрда бўлганлигини археологлардан В.И.Сарианиди Жанубий Туркманистон ҳудудида аниқлаган. Унинг фикрича, Жанубий Туркманистондаги Гонурдепе ёдгорлиги милоддан илгариги XXV асрда Қадимги Шарқ ҳудудларидаги ксеротермик иссиқ иқлимнинг туриб қолиши туфайли қадимги деҳқон жамоаларининг ўз уйларини, ватанларини ташлаб нисбатан салқинроқ бўлган Марв воҳасига кўчиб ўтишгани, Гонурдепа ўрнидаги йирик диний-сиёсий марказни ташкил этишда қатнашганликларини айтган. Бу марказ Авестода Моуру тарзда эслатилганлигини, бу йирик давлатни ташкил топишида жанубдан келган деҳқон жамоалари асосий роль ўйнаганини ёзади [11; 12].

Аҳолининг маълум бир ҳудудда шаклланишига таъсир этадиган омиллардан яна бири тарихий-маданий алоқалар бўлиб, ҳар қандай табиий равишда ҳосил бўлган тарихий-маданий ҳудуд чегарасида қон-қариндошлик алоқаларини кетиши аниқ. Худди шундай тарихий-маданий ҳудудлар ўртасида ҳам қон-қардошлик алоқалари бўлиши тарихимизнинг ҳамма даврларидан ҳам маълум.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Alekseev V.P., Khodzhayov T.K., Khalilov Kh.Kh. Population of the upper reaches of the Amu Darya according to paleoanthropology data. – Tashkent. : Fan, 1984.
2. Askarov A.A. Ancient agricultural culture of the Bronze Age in the south of Uzbekistan. – Tashkent: Fan, 1977.
3. Askarov A.A. The problem of the formation of early urban culture in the south of Uzbekistan and its connection with Hindustan. Ancient cultures of Central Asia and India. – Tashkent: Fan, 1984.
4. Askarov A.A. Copolitepa. – Tashkent: Fan, Tab. 1-11.
5. Askarov A.A. Sapallitepa. – Tashkent: Fan, 1973.
6. Askarov A.A. Ancient agricultural culture of the Bronze Age in the south of Uzbekistan. – Tashkent: Fan, 1977.
7. Isamiddinov M.Kh. Historical anthropology. Textbook. – Tashkent, 2000.
8. Markov Alexander. Human evolution. Volume I. – M. : Astrel: Corpus. 2011.
9. Mirsoatova S.T. Stone Age archeology of Uzbekistan. – Fergana. Fergana Publishing House, 2017.
10. Rahmatillaev X. Ethnodynamics of the population of the Fergana Valley. –Tashkent: NEW EDITION, 2013.
11. Sarianidi V.I. Gonur Depe. City of kings and gods. – Ashgabat, 2008.
12. Sarianidi V.I. Research of Gonur-Depe in 2008-2011 Proceedings of YUTAKE. T. 4. – Ashgabat, 2012.
13. Isomiddinov M.H. Historical anthropology. Textbook. – Tashkent: Navruz, 2019.
14. Askarov A.A. The problem of the formation of early urban culture in the south of Uzbekistan and its connection with Hindustan. Ancient cultures of Central Asia and India. – Tashkent: Science, 1984.
15. Isamiddinov M. The history of emergence of Sughd Cities // EPRA International Journal of Research and Development. Volume:5, Issue:10, October 2020 India. – P. 125–128.
16. Mirsoatova S.T. New data on the late paleolithic of the Fergana valley // Евразийский союз ученых (2020. – № 10 (79/4). – P. 25–29.

17. Farmanova G.K. The role of the geographic environment and climatic conditions in the formation of economic-cultural type of population when during ancient and antic period // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10, Issue 11, November 2020. – P. 1612–1622. Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01639.0.
18. Rakhmatillayev H. Ethnodynamics of the city population of the Fergana valley of the first half of the XX century // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:5, May 2020. – P. 532–535.
19. Arslonzoda R. Memoirs as asourse on the history of Uzbekistan in the second half of the 19th – early 20th centuries // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:10, October 2020. – P. 119–124.
20. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance. ERPA International Journal of Research and Development. 2020; Vol. 5 (7). – P. 104–108. DOI: https://doi.org/10.36713/epra4787
21. Yuldashev S. Visit of chinese ambassador dung wan to Fergana // The history of the Fergana valley in new researches. – Fergana, 2021. – P. 123 – 131. https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1240

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Хайрулла Бозорбоевич Рахматов,
ЎзМУ Жиззах филиали ассистенти
e-mail: xayrulla.raxmatov@gmail.com

БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ХУСУСИДА (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари)

For citation: Khayrulla B. Rakhmatov, ON THE ETHNIC COMPOSITION OF THE POPULATION OF THE BUKHARA EMIRATE (Second half of the XIX century - beginning of the XX century). Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.424-429

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-58

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги аҳолисининг этник таркиби хусусидаги тадқиқотчининг фикр-мулоҳазалари қисқача баён қилинган. Унда асосан Бухоро амирлигининг маъмурий-ҳудудий тузилиши, аҳолиси, аҳоли таркиби, этник гуруҳларнинг жойлашган ҳудуди, сўзлашув тили ҳақида сўз боради.

Шунингдек, муаллиф мақолада XX аср бошларида Бухоро амирлиги воҳаси аҳолисининг этник таркиби ва этнотопонимлар масаласини ўрганишда Зарафшон водийси айниқса муҳим ўрин тутишига эътибор қаратган.

Калит сўзлар: этнос, этногенез, амирлик, чегара, Туркистон, Зарафшон водийси, ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, араблар, афғонлар, топоним, кўнғирот, этнотопоним

Хайрулла Бозорбоевич Рахматов,
Ассистент Джизакского филиала
Национального университета Узбекистана
xayrulla.raxmatov@gmail.com

ОБ ЭТНИЧЕСКОМ СОСТАВЕ НАСЕЛЕНИЯ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА (Вторая половина XIX века - начало XX века)

АННОТАЦИЯ

В статье кратко изложены взгляды исследователя на этнический состав населения Бухарского эмирата во второй половине XIX - начале XX веков. В нём освещается вопросы административно-территориального устройства Бухарского эмирата, его населения, структуры населения, территории этнических групп, языка, на котором они говорили.

Автор также уделяет внимание на то, что Зерафшанская долина сыграла особо важную роль в исследование этнического состава населения оазиса Бухарского эмирата в начале XX века и проблемы изучение этнотопонимов.

Ключевые слова: этнос, этногенез, эмиратство, граница, Туркестан, Зерафшанская долина, узбеки, таджики, туркмены, арабы, афганцы, топоним, кунгират, этнотопоним

Khayrulla B. Rakhmatov,
Assistant of the Jizzakh branch of the
National University of Uzbekistan
e-mail: xayrulla.raxmatov@gmail.com

ON THE ETHNIC COMPOSITION OF THE POPULATION OF THE BUKHARA EMIRATE (Second half of the XIX century - beginning of the XX century)

ABSTRACT

This article includes the researcher's standpoint on the ethnic composition of the population of the Emirate of Bukhara in the second half of the XIX - early XX centuries. It basically, deals with the administrative-territorial structure of the Emirate of Bukhara, its population, population structure, the territory of ethnic groups, the language of communicatio. Furthemore, the author of the article paid special attention to the role of the Zarafshan valley in the study of the ethnic composition and ethno-toponyms of the population of the Bukhara emirate in the early twentieth century.

Index Terms: ethnos, ethnogenesis, emirate, border, Turkestan, Zarafshan valley, Uzbeks, Tajiks, Turkmens, Arabs, Afghans, toponym, bell, ethnotoponym

---

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон тарихи, аждодларимиз маданий мероси, уларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда таълим-тарбия соҳасида ундан кенг фойдаланиш ўсиб келаётган авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, маънавиятнинг асоси бўлмиш тарих, ўтмиш воқелиги миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини юксалтиришга, тарихий хотира эса инсонни ўзлигини танитишга, иродасини мустаҳкамлашга,унинг дунёқарашини кенгайтиришга кўмак берувчи катта куч ҳисобланади.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши натижасида юксак билимли ва интеллектуал ривожланган, маънавий баркамлол авлодни юзагакелтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Мазкур соҳада эришилган ютуқлар ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият томонидан ҳақли тарзда эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликни қўлга киритган кундан бошлаб унинг ҳудудида яшаган халқларнинг этник тарихи, келиб чиқиши, шаклланиш жараёнлари, миллий қадриятларга айланган асрий анъаналарини ўрганишга алоҳида эътибор берила бошланди [1.4-б.].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Одатда, бирор бир халқнинг этногенезини, унинг этник қатламлари таркибини аниқламай туриб, у халқ ҳақида, у таркиб топган ҳудуд ва унинг давлатчилиги ҳақида бирор илмий тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас[2.668-б.].

Этногенез жараёнида этносни белгиловчи ҳудудий омиллар: тил ва этник ном бирлиги, этномаданий бирлик, ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик, этноним ҳамда ўзликни англаш, хусусият, фазилатлар бирлиги, сиёсий уюшма бирлиги, дин умумийлиги ва бошқа бир қатор этник аломатлар муҳим аҳамият касб этади.

Бизга маълумки, Бухоро амирлиги, хусусан, унинг Зарафшон воҳаси қисми этнотопономикасига эътибор қаратган илмий изланишларнинг катта бир қисми собиқ Шўролар даври тарихшунослигига тўғри келади. Зарафшон воҳасининг, хусусан, воҳанинг юқори қисми топонимияси А.Л.Хромов томонидан махсус ўрганилган бўлиб, тадқиқотчи тоғлик ҳудудлардаги юзлаб жой номлари (қишлоқ, мавзе, гидроним, ороним ва ҳ.к.)ни тарихий этимологик жиҳатдан таҳлил қилган. Ушбу тадқиқотчи Зарафшоннинг юқори қисми топонимларининг катта бир қисмини суғдий топонимлар ташкил қилишини таъкидлайди. Дарҳақиқат, воҳанинг ушбу тоғлик ҳудудларидаги кўплаб жой номлари туркий асосда, хусусан, қадимги туркий негизда изоҳланиши диққатга сазовордир. А.Л.Хромовнинг

фикрича, бу ҳолат воҳада қадимдан суғдий ва туркий этнослар ўзаро қўшни ва аралаш яшаган.

1960-1970 йилларда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи, этник таркиби ҳамда минтақалардаги қатор субэтнослар бўйича Б. Аҳмедов, А.Асқаров, К.Ш. Шониёзов, М. Эрматов, Х. Дониёров, Х. Тошев каби олимларнинг фундаментал монография ва тадқиқотлари нашр этилди. Шунингдек, С. Қораев, У. Тўйчиев каби топономист ва элшунос олимларнинг тадқиқотларида ҳам минтақанинг этногенези бўйича муҳим маълумотлар мавжуд.

Академик Б.Аҳмедов эса ўз изланишларида кўчманчи ўзбекларнинг сиёсий фаолияти, уларнинг воҳага кириб келиш ва тарқалиш жараёнларига, шунингдек, Шайбоний сулоласи вакилларининг Зарафшон воҳасида ўтказган ер-сув ислоҳотлари, аҳолининг Нурота ва Зарафшон воҳаларида жойлашуви масалаларига бирмунча тўхталиб ўтган. Йирик этнограф олим К. Шониёзов эса ўзбекларнинг этник тарихида катта ўрин тутган уруғ-қабилаларга, хусусан, ўзбекларнинг қипчоқ ва қарлуқ компонентларига бағишлаб ёзган махсус монографияларида Зарафшон воҳасига эътибор қаратган.

1987 йилда Х.Тошев ўзининг “Зарафшон ўзбекларининг ижтимоий турмуши ва хўжалиги” номли асарида воҳани махсус тадқиқ қилиш жараёнида бу ҳудуд аҳолисининг Бухоро амирлиги давридаги тарихи, маданияти, турмуш тарзига атрофлича тўхталиб ўтган. Тадқиқотда тарихий манбаларга ҳам бирмунча таяниб ўтилган, воҳадаги ўнлаб қишлоқлардан тўпланган этнографик материаллардан фойдаланилган.

Бухоро амирлиги аҳолисининг таркиби, мамлакатдаги этник жараёнлар натижаси бўйича муайян тасаввурлар ҳосил қилиш учун мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотларга мурожаат қилиш керак бўлади. Жумладан, этнограф олимлар А. Қаюмов, О. Бўриев, М. Усмонов каби тадқиқотчилар асосан ўтган асрларда мамлакатимизнинг жанубий вилоятларидаги этник ҳолатга тўхталган бўлиб, уларнинг изланишларида келтирилган ўнлаб атамалар (этнонимлар, этнотопонимлар, патронимлар ва ҳ.к.) XX аср илк чорагида Бухоро амирлигининг марказий вилоятлари, хусусан, Зарафшон воҳасидаги айрим жой номларининг айнан этнотопоними ёки аксинчалиги масаласини аниқлашда амалий ёрдам беради.

3. Тадқиқот натижалари:

Шу ўринда фикримизни Бухоро амирлигига қаратсак: XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлиги чегаралари Амударёнинг сўл қирғоқлари бўйлаб чўзилиб, Шимолий Афғонистон, Жанубий Туркманистоннинг Мурғоб дарёси воҳасидаги ерлар, ҳозирги Тожикистоннинг жанубий районлари, Ўзбекистоннинг марказий қисми, яъни Зарафшон дарёси, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларидаги серҳосил ерлар ва аҳолиси зич жойлашган Бухоро, Самарқанд, Қарши, Чоржўй, Термиз ва Керки каби йирик шаҳарларни қамраб олган. Амирлик ғарбий томондан Хива хонлиги, шарқий томондан эса Қўқон хонлиги билан чегарадош эди. Ўрта Осиё хонликлари орасида Бухоро амирлиги ўзининг ҳудуди, аҳолиси ва табиий захиралари жиҳатидан муҳим мавқега эга эди.

Бизга маълумки, XVI-XVIII асрларда ва ундан кейин ҳам Ўзбекистон ҳудудида расмий тил ўзбек тили эди. Тожик тили ўзбек аҳолисининг маълум қисми учун (хусусан Зарафшон водийсининг айрим шаҳар ва тоғли қишлоқларида) иккинчи тил ҳисобланган [3.273-б.]. Эски ўзбек тили Мовароуннаҳрда тожик-форс тили билан жуда яқин вад доимо узвий алоқада ривожланди. Шунинг учун бўлса керак, Мовароуннаҳр аҳолисининг талай қисми, айниқса, зиёлилар табақаси икки тилда: туркий ва тожик тилида сўзлашар ва ёза олар эди.

Бухоро амирлиги аҳолиснинг катта қисмини ўзбеклар ташкил қилган бўлиб, кўплаб ўзбек уруғлари вакиллари амирликнинг деярли барча ҳудудларида яшаганлар. Аҳоли таркибида бўлган тожиклар Самарқанд, Бухоро, Нурота, Ургут, Китоб каби шаҳарларда, тоғли туманларда, жумладан, Панжикент, Вахш, Ҳисор, Қоратегин, Кўлоб, Шаҳрисабз, Қобадиён, Яккабоғ бекликларида, Зарафшоннинг юқори қисмида истиқомат қилганлар.

Шунингдек, туркманлар ҳам Бухоро амирлиги аҳолисининг сон жиҳатдан катта қисмини ташкил этган. Улар амирликка қарашли бўлган Амударёнинг икки қирғоғида

жойлашган ерларда, яъни, унинг жанубий ва ғарбий ҳудудларида истиқомат қилишган. Кўриб ўтилаётган ҳудуд аҳолисининг кичик қисмини араблар ташкил этган бўлиб, улар асосан Қарши ва Шеробод бекликларида яшаганлар.

Амирликдаги аҳолининг ярмидан кўпроғини ўзбеклар ташкил этиб, улар асосан Зарафшон водийсида, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида ўрнашганлар. Жами аҳолининг 30% ини ташкил этган тожиклар қисман Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида, асосан унинг тоғли ҳудуди бўлган Шарқий Бухородa истиқомат қилганлар. Амударёнинг ўнг қирғоғида, Чоржўй ва Каркида яшовчи туркманлар эса амирлик аҳолисининг 10 % ини ташкил этган. Бундан ташқари, Кармана ва Нуротада ўзбек қабилалари билан бир қаторда қозоқлар, Бухоро ва Самарқанд шаҳрида кўплаб ўзбек ва тожиклар билан бирга яҳудийлар [4. С.89], араблар, лўлилар ва афғонлар умргузаронлик қилганлар.

XX аср бошларида Бухоро амирлиги воҳаси аҳолисининг этник таркиби ва этнотопонимлар масаласини ўрганишда Зарафшон водийси айниқса муҳим ўрин тутади. Таъкидлаш жоиз, юқорида айтиб ўтилган сабаблар: маҳаллий аҳолининг этник мансублик масаласини турлича талқин қилиниши, икки тиллилик, баъзи жойларда тузилган комиссияларнинг ўз ишига масъулиятсизлик билан қараши натижасида йиғилган маълумотларнинг бири-иккинчисига тўғри келмаслиги, ҳатто мутлақо тескари бўлиши каби ҳолатлар ҳам борлигини айтиб ўтиш керак. Жумладан, айрим жойларда аҳоли ўзига берилган “миллатингиз” деган саволга кўпинча “мусулмон” деб жавоб беришлари [5.С.19], айрим жойларда эса бундай саволга ўзлари яшайдиган жой номи билан “самарқандлик”, “бухоролик” деб жавоб қайтаришлари [6.С.17-20.] каби ҳолатлар анча-мунча учрайди.

Бухоро амирлигидаги ўрта даражадаги этник гуруҳлар - уруғларнинг аралаш яшаши ҳолати Амударё дельтасида ва Ўрта Зарафшон воҳасининг ғарбий қисмида кўпроқ кўзга ташланади. Ўзбек уруғлари бу ерларда яхлит ҳудудларни эгаллаб, ёйилиб яшамасдан, балки катта қишлоқларда яхлит уруғ бўлиб жойлашганлар. Бу ҳудудларда сарой, қўнғирот, манғит, қипчоқ, хитой, нукуз, найман, қиёт, асс, дурман, уйшун, жалойир, қанғли, турк, қатағон, кераит, чандир, урганжи ва ҳ.к. уруғ номларидан ҳосил бўлган топонимлар кўпроқ тарқалган [7.С. 5-41, 62-72.].

XX аср бошлари Зарафшон воҳаси этнотопонимлари таркибида “туркман”, “қозоқ”, “қорақалпоқ”, “татар”, “қирғиз”, “ўзбек” этнонимлари билан аталган жой номлари учраши билан бир қаторда мазкур этник гуруҳларнинг таркибий бир қисми бўлмиш уруғ-қабила номларига алоқадор этнотопонимлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, ўзбек ва туркман уруғлари – баят, чандир, халаж, хидир-эли, иғдир; ўзбек ва қорақалпоқ уруғлари – ачамайли, дурман, манғит, митан-муйтен, кенагас, қатағон, қипчоқ, қўнғирот, хитой; ўзбек ва қозоқ уруғлари – найман, олчин ва ҳоказо этнотопонимлар воҳанинг бир неча вилоят ва туманларида учрайди [8. С.147, 149, 154-157, 161-164].

Шу ўринда Ўрта Осиё, хусусан, XX аср бошларида Туркистондаги ҳар бир кичик қишлоқ ёки овулнинг аҳоли таркибига назар ташланса, ҳар қандай аҳоли пунктида битта-иккитадан патриархал гуруҳ (уруғ ёки тармоқ)лар яшаган бўлиб чиқади. Минтақанинг чўл, дашт ва тоғли ҳудудлари (бугунги Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудлари)дан фарқли ҳолда Туркистон ўлкасининг марказий қисми (бугунги Ўзбекистон)даги воҳа ва тоғ, дарё водийларида аҳоли кенг чўлларга нисбатан анча зич бўлганлиги ҳудудда жуда кўп этник ва бошка ижтимоий гуруҳларнинг яқин қўшни бўлиб, ҳатто йирикроқ қишлоқларда, маълум даражада, аралашиб яшашликлари учун ҳам шароит яратган.

XX аср бошларида Самарқанд вилояти топонимлари таркибий жиҳатдан жуда хилма-хил бўлиб, вилоятдаги ўндан ортиқ туманда этнотопонимлар аҳоли пунктлари номларининг ярмидан кўпини, Бухоро вилоятида эса сезиларли бир қисмни, Кармана (бугунги Навоий) вилоятида эса тахминан чорак қисмини ташкил этгани англашилади. Ҳатто Зарафшон водийсининг айрим жойларида (Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида) қабила-уруғ номларидан ҳосил бўлган топонимлар 80%ни ташкил этганлиги кузатилади. Агар Зарафшон воҳасидаги этнотопонимларни анъанавий “92 бовли ўзбек уруғи” рўйхати асосида кўриб чиқилса, 92 та ўзбек уруғидан 63 тасининг номи учраши, улардан 58 таси Самарқанд

вилоятида, 46 таси Бухоро вилоятида, 36 таси эса Навоий вилоятида учраши аён бўлади [9. С.144-184.].

ХХ аср бошларига оид топонимик материаллардан маълум бўлишича, “92 ўзбек уруғи” билан боғлиқ этнотопонимлар Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой, Пахтачи, Иштихон, Пайариқ, Оқдарё, Каттақўрғон, Пастдарғом, Нуробод туманларида, Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Шофиркон, Олот, Қоракўл, Бухоро, Вобкент туманларида, Навоий вилоятининг эса Хатирчи, Нурота ва Кармана туманларида нисбатан кўп учрайди [9.С.184.]. Мазкур этнонимлар билан аталувчи қишлоқлар аҳолисининг кўпчилик қисми ХХ асрда асосан ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида сўзлашишган. Айниқса, бу ҳолат Самарқанд ва Навоий вилоятлари орасида яққол кўзга ташланган бўлса [10.Б.406.], Бухоро вилоятида аксинча, ўзбек тилининг асосан қарлуқ, қисман эса ўғуз лаҳжаларида мулоқот қилганлар. Хусусан, Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл туманларида яшовчи, асли келиб чиқиши туркийларнинг қипчоқ гуруҳига мансуб бўлган бир қатор ўзбек уруғлари (дурман, манғит ва ҳк.)лар қарлуқ ва қарлуқ-ўғуз қоришиқ лаҳжасида сўзлашишга ўтганлар [11. Б.17.].

Аслида, ўзбек уруғларининг катта қисми ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи, асл келиб чиқиши Дашти Қипчоқ билан алоқадор уруғлар бўлса-да, ХХ асрга келиб уларнинг сезиларли бир қисми қарлуқ ва қарлуқ-қипчоқ қоришувидан иборат ўзига хос оралиқ лаҳжани юзага келтиришган. Бунинг замирида албатта муайян тарихий ва этномаданий жараёнлар ётиб, ўрта асрларда Зарафшон воҳасидаги Бухоро, Самарқанд каби йирик шаҳарлар, Каттақўрғон, Иштихон, Ургут, Нурота, Кармана каби кичик шаҳар ёки қўрғонлар, шунингдек, бир неча ўнлаб қишлоқлар аҳолисининг чиғатой туркчаси (ёки қарлуқ лаҳжаси)да сўзлашганликлари омили ётади. Ушбу шаҳар ва қишлоқлар атрофида ўнлаб қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи, ўз этник номини сақлаган аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, улар ХХ аср атрофида тил жиҳатдан қарлуқлашиш жараёнига тортилган эдилар [10.Б. 403-405].

XIX асрнинг иккинчи ярми-ХХ аср бошлари мутлақо янги сиёсий воқеалар, ўзбекларнинг иқтисодий хўжалик ва этномаданий ҳаёти, анъанавий маданияти ва урф-одатларига кириб келган ўзгаришлар билан характерланади [12.Б.578.]. ХХ аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига бўлиниши узоқ асрлар давомида бир халқ бўлиб яшаб келган минтақа аҳолиси ҳаётида этник бирликни иккинчи даражага суриб юборган эди.Совет ҳокимиятининг миллий чегаралаш сиёсати туфайли 1924 йилда Ўзбекистон ССР ташкил этилиб, уч давлат ўртасида бўлиниб кетган кўпчилик ўзбекларни битта республикада тўпланишига олиб келди. Бутун бир миллат ўзбек номи билан юритиладиган бўлди.

4.Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кундаги долзарб вазифа этнос муаммоси билан боғлиқ масалалардир. Минтақа аҳолисининг тарихан таркиб топишидаги узоқ давом этган этногенетик жараёнларни илмий асосли ўрганиш, минтақа этнослари орасида қадимдан давом этиб келган анъанавий ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик фазилатлари, улар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий ва маданий муносабатларни ҳар томонлама ўрганиш лозим.

Ҳар қандай жамият ҳаётида бундай туб, оламшумул ўзгаришлар босқичма-босқич, баъзан бир неча ўн йилликлар ва ҳатто асрлар давомида амалга ошади. Шу боис тарихий ўтмиш сабоқларини ҳисобга олмасдан, минтақамиздаги халқларнинг тарихий тажрибасидаги ижобий ва салбий жиҳатларни чуқур илмий таҳлил қилмасдан, шу жумладан, Ўрта Осиё давлатчилиги тажрибаларини ўрганмасдан, бугунги кунда буюк деб таърифлаш мумкин бўлган ҳозирги ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниш ва баҳолаш мумкин эмас.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Алимова Д.А., АшировА.А. Ўрта Осиё халқларининг этник тарихи ва минтақада юз берган демографик жараёнларнинг манбаларда акс этиши (XVI-XIX аср биринчи ярми)

Т.: “Янги нашр” 2011. 4- б. (Alimova D.A., AshirovA.A. Sources of ethnic history of the peoples of Central Asia and demographic processes in the region (first half of the XVI-XIX centuries) T. : "New edition" 2011. 4-p.)
2. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2010. 668-б. (An explanatory dictionary of basic concepts of spirituality. T. : NMIU named after G. Gulom, 2010. 668 p.)
3. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т.: “Университет”, 2007. 273-б.(Askarov A. Ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people. T. : “Universitet”, 2007. 273-p.)
4. О.А.Сухарева. К истории городов Бухарского ханства. Ташкент: Академии наук УзССР, 1958. – С. 89. (O.A.Sukhareva. On the history of the cities of the Bukhara Khanate. Tashkent: Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1958. -- P. 89.)
5. Абашин С.Н. Этнографическое знание и национальное строительство в Средней. .. – С. 19 (Abashin S.N. Etnograficheskoe znanie i natsionalnoe stroitelstvo v Sredney. .. - C. 19)
6. Сухарева О.А. Бухара XIX – нач. XX вв. – М.: Наука, 1966. – С. 127; Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи историей кварталов). М., Наука, 1976. – С. 17-20. (Sukhareva O.A. Bukhara XIX - beginning. XX centuries - M. : Nauka, 1966. -- P. 127; O. A. Sukhareva Quarter community of the late feudal city of Bukhara (in connection with the history of the quarters). M., Nauka, 1976. -- p. 17-20.)
7. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XXв.) / Материалы к историческойгеографии Средней Азии. Под. Ред. А.Р. Мухаммеджанова. Т.: Университет, 2001. – С. 5-41, 62-72, (Settlements of the Bukhara Emirate (late XIX - early XX century) / Materials for the historical geography of Central Asia. Under. Ed. A.R. Mukhammedzhanov. T. : University, 2001. -- S. 5-41, 62-72,)
8. Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана. .. – С. 147, 149, 154-157, 161-164. (Askarov A. History of the origin of the Uzbek people. T. : “Uzbekistan”, 2015. 578-p.)
9. Туйчиев У. История расселения народов Узбекистана (по данным топонимии Зарафшанской долины): Автореф…канд. дис. Т.,1990; Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана... С. 144-184 (Tuychiev U. The history of the settlement of the peoples of Uzbekistan (according to the toponymy of the Zarafshan valley): Author's abstract. .. cand. dis. T., 1990; Malikov A.M. Türkic ethnonyms and ethnotonyms of the Zerafshan valley. .. pp. 144-184)
10. Ўзбек халқ шевалари луғати. Масъул муҳаррир Ш. Шоабдураҳмонов. Т., 1971. – Б. 406. (Dictionary of Uzbek folk dialects. Responsible editor Sh. Shoabdurahmonov. T., 1971. - B. 406.)
11. Аллабердиев А. Бухоро ўғуз шевалари лексикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: ТошДЎТАУ: 2018. – Б. 17. (Allaberdiev A. Vocabulary of Bukhara Oghuz dialects. Author's abstract of the dissertation of Doctor of Philosophy (PhD) in philological sciences. T. : ToshDO'TAU: 2018. - Б. 17.)
12. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т.: “Ўзбекистон”, 2015. 578-б.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Muhiddin Rajabov,
O‘zMU Tarix fakulteti “Tarixshunoslik,
Manbashunoslik va tarixiy tadqiqot usullari ”
yo‘nalishi II bosqich magistranti

O‘RTA OSIYODA MILLIY-HUDUDIY CHEGARALANISHNING O‘TKAZILISHI: MAQSAD, MOHIYAT VA OQIBAT (XORIJ TADQOQOTCHI OLIMLARI NIGOHIDA)

For citation: Mukhiddin Rajabov, CARRYING OUT NATIONAL-TERRITORIAL DIVISIONS IN CENTRAL ASIA:PURPOSE, ESSENCE AND CONSEQUENCE (THROUGH THE OPINIONS OF FOREIGN SCIENTISTS). Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.430-436

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-59

ANNOTATSIYA

Turkiston azaldan O‘rta Osiyo mintaqasidagi xalqlarning yagona maskani va umumiy vatani bo‘lib kelgan. Turkiston, Buxoro, Xorazm respublikalarining tub aholisi asrlar davomida urf-odatlari, an`analari turmush tarzi, diniy e`tiqodlari jihatidan bir - biriga juda yaqin bo‘lgan bu mintaqa yagona hudud, diniy e`tiqod, o‘z xo‘jaligi va madaniyatining mushtarakligi bilan ajralib turgan. Turkiston hududidagi davlatlarning har birida turkiy xalqlar: o‘zbek, turkman, qoraqalpoq, qozoq, va qirg`iz shuningdek tojik xalqi azaldan tarkib topgan edi. Turkiston mintaqasining xalqlari bu yerni o‘zlarining yagona yurtlari, asl Vatani deb bilgan. Mintaqa xalqlari yagona va bir degan g‘oya avloddan-avlodga o‘tib kelgan, milliy yetakchilarning ijtimoiy - siyosiy va amaliy faoliyatlarida o‘z aksini topgan. Ana shunday qadimiy Turkiston ko‘p yillar davomida mustamlakachiilar zulmi ostida ezildi. Mustamlakachilar o‘lkani boshqarishda avvalo o‘zlariga xizmat qiluvchi mukammal tizimini joriy qilishga intildilar. Bunda ular "bo‘lib tashla - hukumdorlik qil" degan tamoyilga amal qildilar.

Kalit so‘zlar: Turkiston, bolshvek, sovetlar, avtonomiya, panturkizm, panislomizm, bosmachilik, milliy-hududiy chegaralash, primitiv turmush tarzi, bo‘lib tashla - hukumdorlik qil tamoyili, sartlar

Мухиддин Раджабов,
Национальный Университет Узбекистана факультет Истории
магистр 2- курса направления «Историография, источниковедение
и методы исторического исследования»

ПРОВЕДЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО РАЗДЕЛЕНИЯ В СРЕДНЕЙ АЗИИ:ЦЕЛЬ, СУЩНОСТЬ И СЛЕДСТВИЕ (ВЗГЛЯДЫ ЗАРУБЕЖНЫХ УЧЕНЫХ)

АННОТАЦИЯ

Туркестан издавна был единственным местом жительства и общей Родиной народов Среднеазиатского региона. Этот регион, где коренное население Туркестанской, Бухарской, Хорезмской республик на протяжении веков было очень близко друг к другу по своим обычаям, традициям, образу жизни, религиозным убеждениям, отличался единой территорией, религиозными верованиями, общностью своего хозяйства и культуры. В каждом из государств на территории Туркестана издавна проживали тюркские народы: узбеки, туркмены, каракалпаки, казахи, киргизы, а также таджикский народ. Народы Туркестанского края считали эту землю своей единственной, исконной родиной. Идея о том, что народы региона едины и едины, передавалась из поколения в поколение, нашла отражение в социально-политической и практической деятельности национальных лидеров. Такой древний Туркестан долгие годы находился под гнетом колонизаторов. Колонизаторы стремились ввести совершенную систему управления страной, которая в первую очередь обслуживала их. В этом они руководствовались принципом "разделяй - властвуй".

Ключевые слова: Туркестан, большевизм, советы, автономия, пантюркизм, панисламизм, басмачество, национально-территориальное раделение, примитивный образ жизни, принцип «разделяй-властвуй», сарты

Mukhiddin Rajabov,
National University of Uzbekistan Faculty of History
2nd year Master's degree in "Historiography, source studies
and methods of historical research"

CARRYING OUT NATIONAL-TERRITORIAL DIVISIONS IN CENTRAL ASIA:PURPOSE, ESSENCE AND CONSEQUENCE (THROUGH THE OPINIONS OF FOREIGN SCIENTISTS)

ABSTRACT

Turkestan has long been the only place of residence and common homeland of the peoples of the Central Asian region. This region, where the indigenous population of the Turkestan, Bukhara, Khorezm republics for centuries were very close to each other in their customs, traditions, lifestyle, religious beliefs, was distinguished by a single territory, religious beliefs, community of their economy and culture. Turkic peoples have long lived in each of the states on the territory of Turkestan: Uzbeks, Turkmens, Karakalpaks, Kazakhs, Kirghiz, as well as Tajik people. The peoples of the Turkestan region considered their only land, ancestral homeland. The idea that the peoples of the region are united and has been passed down from generation to generation, reflected in the socio-political and practical activities of national leaders. Such an ancient Turkestan has been under the yoke of colonialists for many years. The colonialists sought to introduce a perfect system of government of the country, which primarily served them. In this they were guided by the principle of "divide - rule".

Index Terms: Turkestan, Bolshevism, Soviets, autonomy, pan-Turkism, pan-Islamism, Basmatism, national-territorial division, primitive way of life, “divide and rule” principle, Sarts

---

1. Dolzarbligi:

Ma’lumki, XX asr oxirida jahon tarixida misli ko‘rilmagan voqealar yuz berdi. Bu Sovet Ittifoqining parchalanishi bilan bog‘liq edi. Uning parchalanishi natijasida o‘n beshta suveren davlatlar tashkil topdi va ularning barchasida demokratik tuzumlar o‘rnatildi. Bu davrda tarixga haqqoniy yondashish qaror topdi. Bizning mustaqil O‘zbekistonimizda ham tarix fanining o‘rni va ahamiyati osha bordi. Mustaqilligimizning dastlabki yillarida O‘zbekiston Respublikasi Birinchi prezidenti Islom Karimov tashabbusi bilan tarix fanini rivojlantirshga doir qator qarorlar qabul qilindi. Islom Karimov o‘zlarining bir qator asarlarida tarixga haqqoniy yondashish zarurligini ta’kidlaganlar. Ularning bir qator asarlarida O‘rta Osiyoda amalga oshirilgan milliy hududiy

chegaralanish masalasiga to‘xtalib o‘tgan. Masalan, “O‘zbekiston XXI asr bo‘sag‘asida: xavfsizlikka tahdid, barqaroalik shartlari va taraqqiyot kafolatlari” asarida milliy hududiy chegaralanish masalasiga quyidagicha ta’rif berilgan: “Aslida bolshveklar o‘tkazgan bu milliy hududiy chegaralanish O‘rta Osiyo xalqlari o‘rtasidagi bo‘lajak millatlararo munosabatlar jarayonlar ostiga ma’lum vaqtda portlaydigan mina qo‘yish degan gap edi, ular favqulodda vaziyatda portlab, turli nizo va keskin holatlar keltirib chiqarishi mumkin edi[1].”

Albatta, ularning barchasida tarixga sinfiylik nuqtai nazaridan qarash yakun topdi va tarix fani kommunistik mafkuradan holi ravishda rivojlandi. To bugungi kungacha bo‘lgan davr oralig‘ida bu davlatlardan ko‘plab tarixchi olimlar yetishib chiqdilar Ular o‘z millatlarining haqqoniy tarixini yoritishga astoydil kirishdilar. Bu davrda sovet hukumati tomonidan amalga oshirilgan milliy hududiy chegaralanish masalasiga bo‘lgan qarash o‘zgardi. Mavzuning o’rganilishi sovet hukumatining milliy hududiy chegaralanish siyosatining mohiyatini xolisona baholaninshida dolzarb ahamiyat kasb etadi.

2. Metodlar:

Maqola umum qabul qilingan tarixiy metodlar – tarixiylik, qiyosiy-mantiqiy tahlil, ketma-ketlik, xolislik tamoyillari asosida yoritilgan bo‘lib, unda xorij tadqoqotchi olimlari nigohida O‘rta Osiyoda milliy-hududiy chegaralanishning o‘tkazilishi ko‘rsatilgan. O‘rta Osiyoda milliy-hududiy chegaralanish masalasini tarixiylik nuqtayi nazaridan xolisona baholash, tadqiqot ishini o‘rganish chog‘ida mahalliy manbalardan tashqari xorij tadqiqotchilarining mazkur masalada qarashlariga ham urg‘u berilishi ilmiy tadqiqot ishining asosini tashkil etadi.

3. Tadqiqot natijalari:

Barchamizga ma’lumki, XX asrning 20-yillarida Markaziy Osiyoda o‘tkazilgan milliy-hududiy chegaralanishdan o‘tkazilgan maqsad o‘zbeklar davlatchiligiga bolta urish, ularning mintaqadagi madaniy-siyosiy hukmronligini yo‘q qilish edi; Mazkur masala yuzasidan olib borilgan qator ilmiy izlanishlar asosan o‘zbek tarixshunosligi va Sovet adabiyotlari asosida shakllantirilgan turli monografiya va maqola ko‘rinishida yuqorida keltirilgan sabablar asosida o‘rganilganligini ko‘rishimiz mumkin. Mavzuning Markaziy Osiyo xalqlari hayotida dolzab ekanligini hisobga olgan holda mazkur masala yuzasidan Markaziy Osiyo va G‘arb tarixchilari o‘z asarlarida keltirib o‘tgan ayrim mulohazalarga to‘xtalib o‘tishni tarixiylik nuqtayi nazardan, tarixga xolisona yondashuvni yanada izchillashtirish asnosida yoritishga harakat qildik.

Xususan, 2004-yilda Qig‘iziston Respublikasida chop etilgan “Qirg‘iziston tarixi” nomli monografiyasida ko‘rsatilishicha, O‘rta Osiyoning miliy-hududiy taqsimoti va Qirg‘iz Avtonom viloyatining tuzilishi, uning huquqiy jihatdan cheklanganligidan qat’iy nazar, qirg‘iz xalqining taqdiri uchun katta ahamiyatga ega bo‘ldi. Negaki, asrlar davomida mazkur hudud patriarxal urug‘chilik, qaramlik va Rossiya imperiyasining chekka o‘lkasi bo‘lishi tufayli Turkistonning turli viloyatlarida bo‘linib qolgan qirg‘iz xalqi qaytadan ma’muriy bir butun hududga – avtonom viloyat hududiga birlashtirildi. Cheklangan avtonomiya shaklida bo‘lsa-da, qirg‘iz xalqining bir milliy davlatga birlashishi – xalqning hududiy, iqtisodit, madaniy aloqalarini mustahkamlash va millat bo‘lib shakllanishi uchun qulay sharoit yaratdi. Qirg‘iz xalqi o‘zining milliy davlatchiligini bundan buyon rivojlantirish, davlat hokimyati va davlat boshqaruvi tizimini tuzish imkoniyatiga ega bo‘ldi. Qirg‘izistonning iqtisodiy va madaniy taraqqiyoti tezlashdi. Milliy avtonomiyaning e’lon qilinishi qirg‘iz xalqi tarixidagi keskin burilishlardan biri bo‘lib qoldi.

Mustaqillik davrida sovet hukumati tomonidan milliy hududiy chegaralanish amalga oshirilgan hududlarda ko‘pgina milliy va etnik nizolar kelib chiqdi. Bu o‘z navbatida ko‘pgina xorijiy tadqiqotchi olimlar hamda tarixchilarning e’tiborini o‘ziga tortdi. Mana shunday tarixchilardan biri, Moskva shahrining sobiq meri G. Popovning “Ошибка в проекте Ленинский тупик” asarida mazkur masalaga doir muhim ma’lumotlar berilgan. Bolshveklar rahbarlari bosib olgan o‘lkalarni iloji boricha ko‘proq ushlab turishlari uchun ham bu hududlarni millatlararo nizolar keltirib chiqarishi muqarrar bo‘lgan hududlarga taqsimlashdi. Vaholangki, XX asrning 20- yillariga qadar Markaziy Osiyo hududida O‘zbekiston, Qozog‘iston, Qirg‘iziston va Tojikiston kabi davlatlar mavjud emas edi. Milliy hududiy chegaralanish o‘tkazilishi natijasida mazkur davlatlar o‘rtasidagi chegaralar shunday o‘tkazildiki, millatlararo nizolar bo‘lishini oldindan ko‘zda tutar edi[18].

1936-yil Qirg‘iziston Respublikasi tashkil etilgan vaqtda Qirg‘iziston SSR tarkibiga Farg‘ona vodiysining aholisining ko‘pchiligini o‘zbeklar tashkil etadigan O‘sh va Jalolobod viloyatlari ajratib berildi. O‘sha paytda mazkur hududda yashovchi qirg‘izlar bor yo‘g‘i 10 foizni ham tashkil etmas edi. Bu qaror esa sovet uslubiga monand ifodalanib quyidagicha izohlandi: “Sizlarning qayerda yashashingizning ahamiyati yo‘q – O‘zbekistondami yoki Qirg‘izistondami, chunki bizda umumiy Vatan, hammamiz uchun SSSR mavjud”[18].

Bundan tashqari O‘sh Davlat Universiteti Professori, tarix fanlari nomzodi T. Qodirov hamda tarix fanlari nomzodi, O‘sh Davlat Universiteti dotsenti S.Smadiyarovlarning “Конфлектов в Киргызистане и Центральной Азии” nomli maqolalari 2011- yil iyul oyidagi O‘sh voqealariga bag‘ishlangan bo‘lib, unda ham aynan milliy hududiy chegaralanish masalalarining salbiy oqibatlari haqida xolisona fikr yuritilib, jumladan mazkur maqolada quyidagi fikrlarni uchratishimiz mumkin: “Sovet Ittifoqi parchalanganidan so‘ng O‘rta Osiyoning mustaqil davlatlari o‘rtasidagi munosabatlarni tartibga solishdagi eng qiyin masala bu ular o‘rtasidagi chegaralarni belgilash masalasi bo‘lib qoldi. Mamlakatlar o‘rtasidagi chegaralar masalasi borasida ko‘p bahs va muzokaralar bo‘lib, bu hattoki chegara hududlardagi millatlar o‘rtasidagi nizolarga ham sabab bo‘ldi. Mustaqil, suveren Qirg‘iziston davlati uchun ham milliy chegaralarning belgilanishi uhim ahamiyat kasb etadi. O‘rta Osiyodagi milliy hududiy muammolarning ildizi uzoqqa borib taqaladi. Buning sababi esa 1924-yilda yuqoridan turib amalga oshirilgan milliy hududiy chegaralanishdir…”

Yuqorida keltirilgan xorijiy taqiqotchi olimlar asarlari tahlilidan olinadigan saboq shundan iboratki, hattoki bir davlat ichidagi hududiy nizolar doimo millatlar o‘rtasidagi munosabatlarning yomonlashuviga olib keladi. Sobiq Ittifoq davlatlarining bugungi kundagi mustaqillik davrlarida bunga yo‘l qo‘yib bo‘lmaydi. Ilgari xo‘jaliklar o‘rtasida muammo bo‘lgan yer talashishlar bugungi kunda o‘z-o‘zidan davlatlararo muammoga aylanib qolmoqda[18].

Bundan tashqari www. allbest. ru saytida berilgan Tojikistonning milliy-hududiy chegaralanishiga oid maqolada bo‘lsa yuqorida keltirilgan fikrlardan biroz boshqacharoq fikrlarni uchratish mumkin. 1924-yil 14-oktabrda SSSR MIK ning II sessiyasi milliy-hududiy chegaralanish masalasini hal qildi va Turkmaniston SSR, O‘zbekiston SSR, O‘zbekiston SSR tarkibida Tojikiston ASSR, Qozog‘iston ASSR va RSFSR tarkibida Qoraqirg‘iz va Qoraqalpoq avtonom viloyatlari tashkil etildi.

Bizgacha ma’lum bo‘lgan sovet adabiyotlari Barcha etnik guruhlarga milliy hududlarni berish hamda o‘z taqdirini o‘zi hal qilishi mumkinligi borasidagi bolshveklarning umumiy siyosatiga qaramay, 1920 va 1930-yillarda bir necha millat va elat vakillari o‘z hududlaridan tashqarida qoldi. Ko‘p holatlarda bu guruhlar yo keng tarqalib ketgan yoki bu ozchiliklar boshqa guruh uchun milliy respublika sifatida belgilangan joylarda to‘plangan, masalan, ba'zi millatlardagi aholining uchdan bir qismini tashkil qilgan polyaklar va yahudiylar millat deb hisoblangan. Ukraina yoki Belorussiya SSR hududlari yoki ba'zi shahar va shaharchalarda aholining qariyb yarmi yahudiylar bo`lsada, ammo biron bir hududiy birlik tashkil etilmagan (lekin, Rossiyaning Uzoq Sharqida 1934-yilda yahudiy avtonom viloyati tashkil etilgan). Asosan bu sohalarda yahudiyzabon yahudiyalar uchun yahudiy tilining Belorus SSR davlat tili sifatida belgilanishi va Rossiyaning yirik shaharlarida yahudiy tilida tegishli milliy xalq ta'limi tizimi, shu sohalarda yahudiy adabiyoti va teatrining targ‘ib qilinishi kabi siyosatlar olib borildi[20].

Mazkur davrga oid qator ilmiy tadqiqot ishlari bilan mashhur bo‘lgan amerikalik tadqiqodchi olim Eduard Allwarth o‘zining mashhur “Zamonaviy o‘zbeklar: O‘n to‘rtinchi asrdan to hozirgacha bo‘lgan davr” (“The Modern Uzbeks: From the Fourteenth Century for the Present”) asarida mazkur mavzu doirasida quyidagicha fikr bildirib o‘tgan: 1923-1924-yillarda O‘rta Osiyoda o‘tkazilgan ma’muriy-hududiy chegaralanishdan o‘tkazilishdan bosh maqsad birinchi navbatda o‘zbeklarning O‘rta Osiyo xalqlarini birlashtirish salohiyatiga barham berishdan iborat edi. Buning sababi shunda ediki, yuqorida qayd etilgan xalqlarni birlashtirish g‘oyalari bevosita o‘zbeklar bilan bog‘liq edi. Bu haqida Allwarth shunday deydi: o‘zbeklar madaniy sohada ham, siyosiy sohada ham Markaziy Osiyoning janubiy qismida yuqori mavqeiga ega edi. Ruslar uchun o‘zbeklar uch tomonlama xavf solar edi. O‘zbeklar Markaziy Osiyoning o‘troq aholi yashaydigan mintaqalarida ko‘pchilikni tashkil qiladi va butun janubiy hududlarning ijtimoiy va madaniy hayotida faol ishtirok

etardi. Agar o‘zbeklar o‘zlari yashaydigan hududlarda siyosiy faolitayini davom ettiraversalar ular mintaqa ishlariga bundan buyon ham kuchli ta’sir ko‘rsataverar edi. Markaziy Osiyo xalqlariga nisbatan o‘zbeklarda boshqa etnoslarni assimilyatsiya qilish ehtimoli katta edi. Bunday assimilyatsiya provardida o‘zbeklar yashaydigan hududlarning doirasini kengaytirar va o‘zbeklarning son jihatidan salmog‘ini yanada oshirar edi. Aftidan bunday omillar Rossiyaning va mustabid tuzumning Markaziy Osiyodagi missiyasiga rahna solar edi, shu sababli ushbu masala 1917-yilning martidan keying o‘n yillikda V. I. Lenin va I. V. Stalin tomonidan ilgari surilgan sotsial-demokratik ishchi partiyasining mafkurasi va siyosati yangi sovet hokimiyatining dasturiga aylangan kezda judayam dolzarb masalaga aylandi. Moskvadagi rahbarlar o‘zbeklarning ta’siri kamaytirilsa, Markaziy Osiyoni boshqarish osonroq bo‘lishini va boshqa etnik guruhlarni nazorat qilish imkoniyati keskin ko‘tarilishini yaxshi fahmlar edi, Shu sababli avval mavjud bo‘lgan uchta subyektni tugatib, Markaziy Osiyoni oltita ma’muriy birlikka parchalab tashlashni ko‘zlovchi sovet siyosati bosh maqsad qilib belgilab olindi. Birinchi respublika bo‘lmish Qozog‘iston Respublikasi panislomizmga qarshi qaratilgan bolshveklarning ilk loyihalaridan biri edi.

“Turkiston va Rossiya imperiyasi taqdiri” (“Turkestan and the Fate of the Russian Empire”) asarining muallifi Daniel Brower ruslarning qozoqlarga Chor Rossiyasi davridayoq xayrixoh bo‘lganligi haqida shunday deydi: “Markaziy Osiyoda ruslar ikki xil madaniy zonaga duch keldi: ko‘chmanchi qozoq va qirg‘izlar katta hududlarni egallagan bo‘lsa, o‘troq xalqlar esa eng aholi zich mintaqaga joylashgan edi. K. P. fon Kaufman qirgizlar tabiiy va hanuzgacha primitiv prinsiplarga asoslangan o‘ziga xos turmush tarziga egaligiga ishonchi komil edi. Primitiv turmush tarzi yovvoyilikka yaqin xususiyatni kasb etishi mumkin edi. Biroq uning nuqtayi nazaridan bunday turmush tarzi o‘zida islom dinidan himoya qiluvchi kuchni mujassamlashtirardi. Uning real dalil isbotlarga emas balki batamom G‘arb ijtimoiy nazariyasiga asoslangan qarashi bunday qoloq xalqlar murakkab dinga ega emasligini anglatar edi. Ko‘chmanchilar rasman islom diniga e’tiqod qiladi, aslida bu dindan o‘zini chetga oladi va muayyan diniy e’tiqodga ega emas. Islom dini dasht hududlarida hozirgi Qozog‘iston hududida hukmronlik qilmasligi kerak. Ushbu xaqlarning kalajagi Rossiyaning Turkistondagi islom diniga nisbatan tutgan siyosatiga bog‘liq. U kolonial siyosat olib boorish uchun etnik tafovutarni bilish zarurligiga amin edi. Amaliy faoliyat doirasida rus kuzatuvchilari shunday xulosaga keldi: Sartlar- bu eng avvalo urug‘-aymoqlarga bo‘linishdan voz kechgan savdogarlar, hunarmandlar yoki dehqonlardir. Demak G‘arb andozalari bo‘yicha sartlar Turkistonning tub aholisi orasida eng yuksak ijtimoiy mavqeini egallagan. Turkmanlar, qozoqlar va qirg‘izlar insoniyat taraqqiyotining quyi pog‘onasida joylashgan ko‘chmanchilardir. K.P. fon Kaufman fikricha agar ko‘chmanchilar ma’muriy hududiy jihatdan sartlarga yaqin joylarga joylashtirilsa ular fanatik, monofiq va poraxo‘r mullalar, hojilar, avliyolar va darveshlarning qurbonlariga aylanadi. Shu sababdan mintaqa viloyatlaridagi okruglar va tumanlarning ma’muriy chegaralarini tuzib chiqishda sartlar hamda qirg‘izlarni hududiy jihatdan qat’iy ajratish bosh maqsadga aylandi. K.P. fon Kaufmanning colonial boshqaruvi islom dinini tiyib turish va tub xalqlarning hurmatini qozonish imkonini beradigan bilimlarga asoslangan edi. Buni ro‘yobga chiqarish uchun u birinchi qadamni ushbu hudud va xalqlarning noyob jihatlari bilan tanishishdan boshladi. So‘ngra maxsus institutlar tuzilda va Rossiya hukmronligini o‘rnatish uchun zarur bo‘lgan siyosat yaratildi. Shundan keyin Turkistonni imperiyaning mustahkam hududiga aylantirishni boshlash mumkin edi. Qozoq respublikasini tashkil etishdan bosh maqsad O‘rta Osiyodagi Turkiston va Rossiyadagi Tatariston, Qrim, Boshqirdiston va Kavkaz kabi turk o‘lkalarida to‘siq bo‘ladigan hududni yaratish, islom bayrog‘i ostida g‘oyalarning Turkistondan Rossiyaning turkiy musulmon o‘lkalariga tarqalishining oldini olish edi.”

Tadqiqotchil olim Arne Haugen “”(“The Establishment of National Respublics in Soveit Central Asia”) asarida qozoq dashtida olib borilgan mazkur siyosat haqida quyidagicha xulosa beradi: “Rossiya hukumati Markaziy Osiyoda sivilizatorlik missiyasini cheklangan miqdorda amalga oshirdi. Bir qancha rus maktablari ochildi va eng asosiysi ma’rifat yo‘lida gazetalar chop etish yo‘lga qo‘yildi. Shunga qaramay bu ehtiyotkorona yondashuv edi. Chunki ruslarning ko‘z o‘nggida islom dini dahshatli fanatizmni qo‘zg‘atishi mumkin edi. Islom dini asta-sekin o‘z ahamiyatini yo‘qotishiga umid bog‘lab u nazardan chetda qoldirildi, din e’tiborga olinmadi va

yakkalab qo‘yildi hamda har qanday hujum islom diniga emas uning tashkiliy tuzilmasiga qaratidi. Chor hukumati yuritgan bunday siyosat eng avvalo Markaziy Osiyoning janubiga taalluqlidir. Qozoq dashtlarida vaziyat tubdan farq qilar edi. U yerda janubdagiga nisbatan ruslar amalga oshirgan o‘zgarishlar kuchliroq sezilar edi. Masalan dunyoviy ta’lim dasturi Turkistonga nisbatan qozoq dashtlarida ancha kengroq joriy etilgan edi. Bu tez orada intellektual kamolotga yetishishga va qozoq ziyolilarining paydo bo‘lishiga olib keldi. Shuningdek Qozoq Respublikasining tashkil etilishi O‘rta Osiyodagi bosmachilik harakati Rossiyaning Tatariston, Boshqirdiston, Kavkazdagi turkiy musulmon o‘lkalariga tarqalishining oldini olar edi. Sovetlarning milliy hududiy chegaralanish o‘tkazishga majburlagan sabablar to‘g‘ridan to‘g‘ri panturkizm, panislomizm hamda bosmachilik harakati bilan bog‘liq edi”.

Arne Haugen bu borada shunday deydi: “G‘arb nuqtayi nazariga ko‘ra bosmachilar chet ellik bosqinchilarga ya’ni ruslarga qarshi milliy ozodlik kurashchilaridir”.

Boymirza Hayit fikricha: “Bosmachilik milliy ozodlik kurashchilarining uyushgan sa’yi harakatini o‘zida mujassam etgan”. Olim bunday xulosaga kelishida I. V. Stalinning bayonotiga asoslanganligi birlamchi ahamiyat kasb etganligini anglash qiyin emas. I. V. Stalin bosmachilik arakati Markaziy Osiyo respubliklalarini Sovet hokimiyatidan ajratib olishni maqsad qilgan deb ta’kidlagandi.

4. Xulosalar:

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki, sobiq SSSR parchalanishi natijasida 15 ta mustaqil davlat tashkil topdi va ularda demokratik tuzumlar o`rnatildi. Bu davrda tarixga haqqoniy yondashish qaror topdi. Bizning mustaqil O`zbekistoninizda ham tarix fanining o`rni ahamiyati oshib bordi. Mamlakatimiz rahbarining tashabbuslari bilan tarix fanini rivojlantirishga doir bir qator qarorlar qabul qilindi. O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti ham o`zlarining bir qator asarlarida tarixga haqqoniy yondashish zarurligini ta`kidlaganlar. Ularning bir qator asarlarida O`rta Osiyoda amalga oshirilgan milliy-hududiy chegaralanish masalasiga to`xtalib o`tilgan. Masalan, ularning “O`zbekiston XXI asr bo`sag`asida:xavfsizlikka tahdid,barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari”asarlarida milliy-hududiy chegaralanish masalasiga quyidagicha ta`rif berilgan:”Aslida bolsheviklar o`tkazgan bu milliy-hududiy chegaralanish O`rta Osiyo xalqlari o`rtasidagi bo`lajak millatlararo munosabatlar, jarayonlar ostiga ma`lum vaqtda portlaydigan mina qo`yish degan gap edi, ular favqulodda vaziyatlarda portlab, turli nizo va keskin holatlar keltirib chiqarishi munkin edi.”

Bundan tashqari davlatimiz rahbarining mustaqilligimizning 20 yilligi munosabati bilan chop etilgan asarlari “O`zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida” asarlarida aytib o‘tilishicha, “Biz O`rta Osiyo va hamdo‘stlik to‘g‘risida gapirishimiz mumkin. Bu mintaqa respublikalari o‘rtasidagi chegaralar-juda qaltis masala. Bir vaqtlar bunday chegara, aytish mumkinki, sun’iy ravishda o‘tkazilgan.”

Shunday qilib, sovet davri tarixshunosligida O‘rta Osiyoda amalga oshirilgan milliy-hududiy chegaralanish kommunistik ta’limot ruhida noto‘g‘ri talqin etilgan. Mustaqillik davri adabiyotlarida bu masalaga obyektivroq yondashilmoqda. Ammo ushbu muammo hozirga qadar o‘zining tugal yechimini topganicha yo‘q.

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. Karimov I.A. O`zbekiston XXI asr bo`sag`asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. T: O`zbekiston,1997.
2. O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.T: O`zbekiston, 2009.
3. Alimova D., va boshq. O‘zbekiston tarixi. T.: Sharq, 2000.
4. O.Atamirzayeva, V.Gentshke, R.Murtazayeva. Узбекистан Многонациональный : Историко-Демографический Аспект. T.: Yangi asr avlodi, 2011
5. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. T.: Sharq, 2010.
6. Tursunov X. O‘zbekiston SSRning tashkil topishi. T.: Fan, 1957.

7. O‘zbekistoning yangi tarixi: O‘zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida. Ikkinchi kitob. T.:Sharq, 2000.
8. O‘zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. T.: O‘zbekiston, 2006.
9. O‘zbekiston SSR tarixi. I.Mo‘minov tahriri ostida. T.: Fan,1971.
10. Крыльцов. И. И. Государственное размежевание Средне-Азиатских Республик//Вестник юстиции Узбекистана. 1925. №1.
11. Мухаммедяров Ш.Ф., К истории проведение национально-государствен-ного размежевания Средней Азии в 1924 г.// Советское Востоковедение. 1955. №1.
12. www.credo.ru
13. www.albest.ru
14. Gessen, Masha (2016). Yahudiylar bo'lmagan joyda: Rossiyaning Yahudiy avtonom viloyati Birobidjanning qayg'uli va bema'ni hikoyasi (Bi

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Maftuna Ikrom qizi Rajabova,
Urganch davlat universiteti tarix yo'nalishi
2 – bosqich magistranti

TOLERANTLIK FENOMENINING TARIXIY – NAZARIY TAHLILI

For citation: Maftuna Rajabova, HISTORICAL – THEORETICAL ANALYSIS OF THE PHENOMENON OF TOLERANCE. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.437-445

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-60

ANNOTATSIYA

Maqola tolerantlik tushunchasining genezisi, tarixiy mazmuni va zamonaviy moxiyatini yoritishga bag'ishlangan. Maqolada davrlar almashinishi jarayonlarida atama ma'nolarining kengayib borishi tahlil etiladi. Atamaning nazariy asoslari, zamonaviy jarayonlarga bog'liqligi va istiqbolga, unga munosabat masalalariga doir qarashlar bayon qilinadi. Shuningdek, maqolada jamiyat ijtimoiy hayotida tolerantlik omilini shakllantirish muamosi chuqur tahlil qilinadi. So'nggi yillarda tolerantlik kategoriyasi va uning yoshlar dunyoqarashini shakllantirishdagi o'rnini tadqiq etish zamonaviy, ijtimoiy – falsafiy va tarixiy fanlari oldida turgan dolzarb ilmiy yo'nalishga aylanib ulgurgan.

Kalit so'zlari: tolerantlik fenomeni, genezisi, immunitet, hamjihatlik, ijtimoiy munosabatlar, diniy munosabatlar, tolerantlik kategoriyasi, murosasozlik.

Мафтуна Икромовна Раджабова,
Ургенчский Государственный Университет
направление истории 2 – магистр

ИСТОРИКО – ТЕОРЕТИЧЕСКОЙ АНАЛИЗ ФЕНОМЕНА ТОЛЕРАНТНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье говорится о генезисе, историческом содержании и современной сушности термина толерантность. Автором анализируется расширение значения термина в разные исторические периоды. Кроме того, в статье приводятся взгляды на определение термина, вкулючая теритические основы, взаимосвязь с практическими аспектами ретроспективе будущего развития. В статье также проводится углубленный анализ проблемы формирования фактора толерантности в социальной жизни общества. В последние годы изучение категории толерантности и ее роли формировании мировоз зрения молодежи стало актуальным научнным направлением стоящим перед современными социально – философскими и историческими науками.

Ключевые слова: феномена толерантность, генезис, иммунитет, согласие, социальние отношения, религиозные отношения, категории толерантности, культура толерантности.

Maftuna Rajabova,
Urgench State University 2 – year
master's degree in faculty of history

HISTORICAL – THEORETICAL ANALYSIS OF THE PHENOMENON OF TOLERANCE

ABSTRACT

This article focuses on the genesis historical meaning and modern essence of the term tolerance. The article analyzes the expansion of the term in different historical periods. The article also presents the views on the term, including theoretical foundations, the relationship with practical aspects in retrospect of future development.

The discovering the role in shaping the worldview of young people and the category of tolerance has become a global scientific sphere for socio – philosophical and historical subjects in recent years.

Index Terms: tolerance phenomenon, imunity, genesis, social relations, religious relations, tolerance category, culture of tolerance.

---

1. Dolzarbligi:

So'nggi yillarda tolerantlik kategoriyasi va uning yoshlar dunyoqarashini shakllantirishidagi o'rnini tadqiq etish zamonaviy ijtimoiy – falsafiy va tarix fanlari oldida turgan dolzarb ilmiy yo'nalishga aylanib ulgurgan. Shu o'rinda tolerantlik faqatgina nazariy tushuncha bo'lmay, u eng avvalo ma'lum madaniyat va sivilizatsiyaning muhim elementi ham hisoblanishi alohida ta'kidlanadI. Hozirgi tarixiy jarayonlarda o'sib borayotgan avlodning mafkurasi, qadriyatlar tizimi va dunyoqarashi shakllanishida zamonaviy sharoitlarda kechayotgan o'zgarishlar ham muhim o'rin tutadi. Bu tushunchani nafaqat tarixiy kontekstda shakillantirish, balki boshqa ko'plab fanlar kesimida rivojlantirish va hayotga tatbiq qilish bugungi kunning dolzarb muamolaridan hisoblanadi.

Barcha tarixiy zamonlarda insoniyat odamlar, davlatlar, sivilizatsiyalar o'rtasida hamjihatlik, tinch va totuv munosabatlarni o'rnatish yo'llarini toppishga intilib kelganlar. Garchi bu sohadagi harakatlar hamisha ham muvaffaqiyatli chiqavermagan bo'lsada, har holda madaniy jihatdan o'zaro munosabatlarga intilish, tolerant fe'l – atvor taomili, doimiy maqsad bo'lib qolavergan. O'zbekiston ko'p millatli davlat tipiga mansubdir. Bu yerda asosiy millat o'zbeklar bilan birga o'z madaniyatiga va an'analariga ega bo'lgan yuzdan ortiq millat va elatlar yashaydi. Ana shunday sharoitda ko'pmillatli jipislashgan davlatni etishga millatlararo tolerantlikka erishish siyosatining ahamiyati benihoya kattadir. Shu sababdan ham tolerantlik omilini va madaniyatini rivojlantirish va uni ilmiy jihatdan tahlil qilish hamda uni hayotga tatbiq qilish kerak.

2. Metodlar va o'rganilganlik darajasi :

Maqolada tolerantlik kategoriyasini tarixiy konteksda shakllantirish maqsadida tolerantlik fenomeni tarixiy – nazariy jihatdan ilmiy tahlil qilinadi va bu sohada amalga oshirilgan chora tadbirlar, rejalar va yangiliklar hamda o'z o'rinda bu jarayonga ushbu sohada amaliy ishlarni olib brogan insonlarning munosabati qiyosiy tahlil tamoyillari asosida yoritilagan. Shu bilan bir qatorda maqolani yozishda tarjima va ma'lumotlarni umumlashtirish metodlariddan ham foydalanilgan. O'z o'rnida ushbu mavzu bir qator olimlar Л.В Баева, М.П.Холл, С.К.Бондырова va o'zbek olimlaridan F. Ravshanov, M. Xajiyeva kabilarning ilmiy tadqiqot ishlarida tolerantlik fenomenining nazariy – metodologik asoslari, tolerantlik kategoriyalari, tolerantlik g'oyasi va madaniyati, tolerantlik omilining rivojlanish tarixi xususida bir qator ma'lumotlar keltirilgan.

3. Tadqiqot natijalari :

Bugungi shiddat bilan o'zgarib, yangillanib borayotgan dunyoda o'zaro mehr – oqibat, ishonch va hamdardlikka asoslangan tolerantlik omilining o'rni va ro'li nihoyatda kattadir.

Tolerantlik – bu har bir muayyan shaxs, uning fikri, nuqtai nazarini, har qanday boshqa madaniyat, dunyoqarashni, e'tiqodni ular qanday bo'lsa shundayligicha qabul qilishga hozirligini anglatuvchi murakkab fenomen hisoblanadi. Shuningdek, u bir – biriga o'xshamagan insonlarni birga ahilikda yashashga intilishni ham o'zida namoyon etadi. Tolerantlik jamiyat va davlat hayotining ajralmas bir qismi bo'lib, inson va uning taraqqiyoti tarixida muhim ro'l o'ynaydi. So'ngi yillarda tolerantlik kategoriyasi va uning yoshlar dunyoqarashini shakllantirishidagi o'rnini tadqiq etish zamonaviy ijtimoiy – falsafiy va tarix fanlari oldida turgan dolzarb ilmiy yo'nalishga aylanib ulgurgan. Shu o'rinda tolerantlik faqat nazariy tushuncha bo'lmay, u eng avvalo, ma'lum bir madaniyat va sivilizatsiyaning muhim elementi ham hisoblanishi alohida ta'kidlanadi. Agarda biz madaniyat kategoriyasida biz u yoki bu jamiyatning tarixan shakllangan qadriyatlari, an'ana va normalarining yig'indisini tushunadigan bo'lsak, uning fundamental asosini tolerantlik tashkil etishishga guvoh bo'lishimiz mumkin. Hozirgi tarixiy jarayonlarda o'sib borayotgan avlodning mafkurasi, qadriyatlar tizimi va dunyoqarashi shakllanishi zamonaviy sharoitlarda kechayotgan o'zgarishlar ham muhim o'rin tutadi. Bu tushunchani nafaqat tarixiy konteksda shakllantirish, balki boshqa fanlar kesimida rivojlantirish va hayotga tadbiq qilish bugungi kunning dolzarb muamolardan hisoblanadi. Tolerantlik (lotincha tolerantia – murosa, chidam, sabr – toqat, qabul qilish) – o'zgalarning urf – odati, hayot tarzi, e'tiqodi, qadriyatlari va dunyoqarashiga nisbatan bag'rikeng munosabatda bo'lishni anglatuvchi falsafiy – siyosiy termindir. Xorijiy so'zlar lug'ati tolerantlik tushunchasining ma'nolaridan birini sabr – toqat, kimgadir, nimagadir xurmat – ehtirom qilish deb talqin qilinadi. Moskvada nashr etilgan yangi ensiklopedik lug'at bu tushunchaning uchta ma'nosini bayon etadi. Bu ma'nolardan biri tolerantlik atamasini o'zgalarning fikrlari fe'l – atvoriga va dinlariga sabr – toqat bilan qarash deb ifodalaydi. Oxford lug'ati tolerantlikni '' shaxs yoki buyumni noroziliksiz yoki aralashuvsiz qabul qilishga tayyorlik va bag'rikenglik '' deb ta'riflaydi.

Taniqli rus olimi V. A. Tishkov bu sohada quyidagi ta'rifni beradi : '' sabr – toqat, oshkorolik va erkin fikrlash hislatidir. Shaxsga yoki jamoatga tegishli bo'lgan bu tavsif dunyo va ijtimoiy muhit ko'p qirrali ekanligini, binobarin bu dunyo haqidagi qarashlar turlicha bo'lib, bu turlikdan iborat qilib qo'yilmaganligi yoki biror kimsaga xizmat qilish kerak emasligini bildiradi. O'zbekiston Milliy ensiklopediyasida tolerantlikka quyidagicha ta'rif berilgan : '' Bag'rikenglik, o'zgalarning turmush – tarzi, hulq – atvori, odatlari, his – tuyg'ulari, fikr – mulohazalari va e'tiqodlariga nisbatan toqatli bo'lish. Tolerantlik fenomenini tillar kesimida ko'rib chiqadigan bo'lsak, ingiliz tilida tolerantlik '' shaxs va voqelikni qarshiliksiz (e'tirozsiz) qabul qilishga tayyorgarlik '' ni anglatsa, fransuz tili va madaniyatida '' o'zga insonni ozodligi, uning pozisiyasi, harakati, siyosiy va diniy qarashlarini xurmat qilish '' kabi omilga tayanadi. Xitoy madaniyatida tolerant bo'lish – bu '' o'zgalarga nisbatan muruvvatli va sahiy bo'lish '' ni anglatsa, arab tilida esa, o'zida '' kechiruvchanlik, shafqat, moyillik, marhamatlilik, xayrixohlik va chidamlilik '' kabi omillarni qamrab olgan tushuncha sifatida, fors tilida tolerantlik – '' sabr – toqat, bardosh va murosaga kelish '' ni anglatadi.

Tolerantlik tushunchasi dinlar kesimida ham alohida ahamiyatga ega hisoblanadi. Hindistonda keng yoyilgan Budizm va Jaynizm ta'limotlarida ham bag'rikenglik va murosasozlik targ'ib qilinadi. Jaynizmning Tattvartxasutr kitobida : '' Barcha tirik mavjudotlarni qo'llab – quvvatlang, yaxshilikdan xursand bo'ling, azob – uqubatlarga rahm – shafqat qiling va xayrixoh bo'ling '' deya ta'kidlangan. Bu yerda bu ta'limotlarning asosi rahm – shafqat, bag'rikenglik g'oyalariga asoslanganligini ko'rishimiz mumkin. Qadimgi xitoy an'analarida ham tolerantlik puxta ishlab chiqilgan tushunchalardan biridir. Qadimgi xitoy faylasufi Manszi o'z bitiklarida shunday ta'kidlaydi : '' O'zingizning oqsoqollaringizni hurmat qiling, buni boshqa keksa odamlarga ham qo'llang. Farzandlaringizni seving, bu muhabbatni begonalarga uzating, shunda Osmon ostini boshqarish oson bo'ladi. Shuning uchun ular rahm – shafqat ko'rsatishganda, to'rt dengiz ichidagi barchani himoya qilish uchun yetarli. Agar marhamat ko'rsatilmasa, hatto xotin va bolalarni himoya qilishning iloji yo'q ''. Bu bitiklarda ham avlodlarga nisbatan yani Yoshi katta keksalarni xurmat qilish va ularga nisbatan o'zaro bag'rikeng munosabatda bo'lish kabi yosh bilan bog'liq bo'lgan tolerantlikni ko'rishimiz mumkin. VI – asrda vujudga kelgan Islom dinida ham tolerantlik

xususiyatlari o'zining yorqin ifodasini topgan. Islom dinining muqaddas kitobi '' Qur'oni Karim'' ning Baqara surasi 256 – oyatida shunday ta'kidlanadi : '' Dinda majburlash yo'qdir '' yani bu yerda dinga asta – sekinlik bilan kiriladi va dinga majburlash, zo'ravonlik bilan uni singdirish yoki targ'ib qilish yo'q degan xulosalarni ko'rishimiz mumkin. Bu esa tolerantlikning yorqin misoli bo'la oladi. Tolerantlik fenomenini tarixiy nuqtai nazardan ko'ib chiqadigan bo'lsak, tolerantlik atamasi antik davr va o'rta asrlarga qadar asosan tibbiyot sohasida keng istifoda etilgan maskur tushuncha o'simliklar, hayvonlar va odamlar organizmlarining turli – tuman kasaliklar, jarohatlar va umuman jisman ko'rilgan zararga qarshi hayot uchun kurashish jarayonlariga doir immune (nemischa immunitat, fransuscha immunite, lotincha immunitas – qarshi kurashish) qobiliyatini o'rganish masalalariga aloqador bo'lgan. Keyinchalik esa boshqa fanlar doirasida ham e'tiborli asarlar yaratgan mashhur tibbiyot olimlari va aksincha boshqa fanlar borasida ham diqqatga sazovor bo'lgan fikrlarni bildirgan boshqa soha olimlari maskur tushuncha yoki uning muqobil mazmunini kengroq yani ma'naviy – ma'rifiy va ruhiy (psixologik) ma'nolarda ham qo'llay boshlaganlar (Epimenid, Gorgiy, Aristotel, Epiktet, Ibn Sino va boshqalarni shular jumlasiga kiritishimiz mumkin). Ba'zi tadqiqotchilar tolerantlik haqidagi mulohazalarning tug'ilishini '' Nikomaxov ahloqi '' asarida Aristotel bilan bog'laydilar. Sofiylik ta'limoti tarafdorlari tolerantlikning mazmuni va tarkibiy tomonlarini ochib berishdi. Dunyodagi barcha narsa haqiqiyligi sababli bardoshlilik ular uchun tabiiydir. Bag'rikeng ongning poydevorlaridan biri Sukrot falsafasi edi. Tolerare fe'li (toqat qilmoq, chidamoq, sabr qilmoq) Qadimgi Rimda ham keng qo'lllanilgan. Shunday qilib, Siseron tolerantia so'zini insoniylik munosabatlariga nisbatan bardoshli bo'lgan donishmand ruhiga nisbatan ishlatadi. Tolerantlik tushunchasining ijtimoiy munosabatlarga oid bag'rikenglik ma'nosida qo'llanila boshlashi o'rta asrlar Yevropa uyg'onish davriga to'g'ri keladi (Rene Dekart, Baltasar, Grasian, Gol'bax va boshqalar).

Tolerantlikni olimlar asosan ikki bosqichda yani ikkita tarixiy bosqichda ko'rib chiqadilar. Birinchi bosqich – bu qadimgi davrdan to ma'rifat (renesans) davrigacha bo'lgan juda keng tarixiy bosqichni o'z ichiga qamrab olgan. Bu bosqichni olimlar ko'proq din bilan bog'lashadi. Ikkinchi bosqich esa – bu ma'rifat davridan boshlanadigan bo'lib, liberal tafakkur genezisining turli xil ko'rinishlarida, inson huquq va erkinliklari konsepsiyasi, konstitusionalizmning rivojlanishi, plyuralistik demokratiya tamoyillari va tinchlik, tolerantlik va multikulturalizm madaniyatlari bilan bog'liq zamonaviy modellar yoyilishi bilan izohlanadi. Bu bosqich bugungi zamonaviy davrgacha ham davom etayotgan bo'lib, maskur bosqichni olimlar ko'proq huquq bilan bog'laydilar. Ta'kidlab o'tganimizdek, bu ikkita tarixiy bosqichda tolerantlik tushunchasi ikki xil ma'nodagi munosabatlarga yani birinchi bosqichda ko'proq diniy munosabatlarga va ikkinchi bosqichda esa huquqiy munosabatlarga aloqador bo'lganligi bilan bir – biridan keskin farq qiladi. Tolerantlik 12 turga yoki kategoriyaga bo'linadi/

1) Gender tolerantligi – boshqa jins vakillariga nisbatan ijobiy munosabat, erkaklar va ayollar o'rtasida gender tengligiga erishish, jinsidan qat'iy nazar qonun oldida tengligi va keng imkoniyatlarning yaratilishi. Gender tolerantligi ham tarix bilan bog'liq. Tarixdan bizga ma'lumki, dastlab jamiyat, insoniyat sivilizatsiyasi rivojlanishining qaysidir bosqichida ayollar ustivorligi, boshqa bir bosqichlarida esa erkaklar ustuvorligi bo'lgan. Jamiyatda oxir oqibat umuminsoniy qadriyatlarning rivojlanishi natijasida erkaklar va ayollarning teng huquqligi masalasi ko'tarilgan. Bu jarayonni mamlakatimiz misolida ko'rib chiqishimiz mumkin. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi loyihasi ishlab chiqayotgan davrda birinchi prezidentimiz I.A.Karimov tomonidan alohida modda sifatida '' O'zbekistonda erkaklar va ayollar teng huquqlidir '' degan alohida modda Konstitutsiyamizga kiritiladi. Bu esa gender tolerantligida katta ahamiyatga ega yani barcha jins vakillariga ijobiy munosabatda bo'lish va gender tolerantligiga erishish uchun muhim omil bo'ladi. Xalqaro miqiyosda ko'rib chiqadigan bo'lsak, tolerantlik prinsiplarining bayonnomasi sifatida 1995 – yil 16 – noyabrda YuNESCO Bosh konferensiyasining 5.61 qarori bilan xalqaro shartnoma tasdiqlangan. Ushbu shartnomada gender tolerantligiga tegishli alohida moddalar, tamoyillar va xalqaro konvensiyalar ishlab chiqilgan bo'lib, bunga misol sifatida maskur shartnomadagi '' Ayollarga nisbatan kamsitilishning barcha turlarini yo'q qilish to'g'risidagi konvensiya '' ni ko'rsatib o'tishimiz mumkin. Bu esa gender tolerantligini rivojlantirishda muhim omil hisoblanadi.

2) Yosh bilan bog'liq tolerantlik – insonning yosh bilan bog'liq " kamchilik " lariga nisbatan bag'rikeng munosabatda bo'lish (masalan, qarilarning ayrim jismoniy mehnatga noqobilligi, yoshlarda tajriba va bilimning yetishmasligiga va boshqalarga nisbatan o'zaro tolerant munosabatda bo'lish). Yosh bilan bog'liq tolerantlik tarixdan ham va bugungi jamiyatimizda ham uchrab turganligi bizga ma'lum. Yosh bilan bog'liq tolerantlik jamiyatda, ish faoliyatimizda, oilada va hayotimizning barcha jabhalarda juda muhim ahamiyatga ega. Maskur tolerantlik ayniqsa sharqona qadriyatlarda va bizning o'zbek oilalarimizda " Yoshi katta lar va qariyalarni xurmat qilish hamda e'zozlash, o'zaro bag'rikeng munosabatda bo'lish, bolalar va yoshlarni esa izzat qilish " kabi qadriyatlarning shallanganligda o'zining yorqin ifodasini topgan.

3) Ta'lim tolerantligi – ma'lumotsiz yoki quyi ma'lumotga ega insonlarning fikri va qarashlariga nisbatan chidam, bag'rikeng munosabatda bo'lish. Tarixning bir – nechta bosqichlarida ham jamiyatda turli xil sinfiy tabaqalar hamda turli xil ma'lumotga ega bo'lgan yoki umuman ma'lumotsiz, savodsiz insonlar o'rtasida intolerantlik (tolerant bo'lmagan) munosabatlari ko'p uchraydi. Umuminsoniy qadriyatlarning shakllanishi va inson huquqlari deklaratsiyasi hamda shunga o'xshash huquqiy normalarning rivojlanishi natijasida bu muamo asta – sekinlik bilan bartaraf qilinmoqda. Lekin bugungi kunda ham jamiyatda bunday holatlar uchrab turadi. Inson qanchalik bilimga, ma'lumotga ega bo'lmasin, bu bilimlarni uqimasa va hayotning asl mazmunini tushunmasa, hayotda qollay olmasa maskur bilimlar ham ma'lumot ham hech qanday ahamiyatga ega bo'lmaydi.

4) Millatlararo tolerantlik – turli millat vakillariga bo'lgan munosabat, ayrim millat vakillarining kamchiliklari va salbiy hatti – harakatlari uchun salbiy munosabat qilmaslik, har qanday odamga " milliy aybsizlik prezumpsiyasi " nuqtai nazaridan munosabatda bo'lish. Millatlararo tolerantlik tarixning turli bosqichlarida va bugungi kunda ham muhim ahamiyatga ega bo'lgan va xalqaro munosabatlarda dolzarb muamolardan biri hisoblanadi. Ikkinchi jahon urushi davrida fashizm aybdori sifatida nemis millati qaralmagan. Aybdor sifatida o'sha paytdagi Gitler hukumati ko'rsatilgan. Bu esa millatlararo tolerantlikning xususiyatlarini ko'rsatib beradi. Aynan fashizm, natsizmda esa millatlararo tolerantlikning buzilishini ko'rishimiz mumkin. Millatlararo tolerantlik tolerantlikning asl omillardan biri hisoblanadi. Bugungi kunda ham millatlararo tolerantlikning buzilish holatlarini uchratishimiz mumkin. Masalan, dastlab Xitoyda karonavirus pandemiyasi boshlangan davrda dunyoning ayrim mamlakatlarida xitoyliklarga nisbatan agresiya paydo bo'lgan. Statistik ma'lumotlarga qaraganda xitoy restoranlarga hech kim kirmay qo'ygan va xitoyliklarga nisbatan yomon munosabatda bo'lganlar. Bunga esa tolerantlik ongining shakllnmaganligi sabab bo'lgan.

5) Irqiy tolerantlik – o'zga irq vakillariga nisbatan hech qanday xusumat va cheklovning mavjud emasligi. Tarixning qaysi bir davrlarda irqiy tolerantlikning buzilishi juda kuchli bo'lgan. Masalan, ko'pgina mamlakatlarda qora tanlilarga (negroid irqi vakillariga) nisbatan agresiv munosabatlar kuchaygan. Bugungi kunda esa bu muamolar deyarli bartaraf qilingan va qonunlar bilan himoyalangan.

6) Diniy tolerantlik – o'zga diniy konfessiya vakillariga nisbatan bag'rikeng munosabatda bo'lish. Diniy tolerantlik ham tolerantlikning asl omillaridan biri hisoblanadi. Tolerantlikning birinchi bosqichida yani qadimgi davrdan to ma'rifat (renesans) davrigacha tolerantlik asosan din bilan bog'liq bo'lgan. Shu sababdan ham ko'pchilik tolerantlik deganda asosan diniy bag'rikenglik va millatlararo totuvlikni tushunadi. Mamlakatimizda diniy tolerantlik yaxshi yo'lga qo'yilgan. O'zbekistonda ko'plab diniy konfessiyalar mavjud. Dinlararo tolerantlikni saqlash bo'yicha O'zbekiston din ishlari bo'yicha ko'mitasi mavjud. Bulardan tashqari diniy konfessiyalarni muvofiqlashtirib turuvchi diniy tashkilotlar mavjud. Masalan, shulardan biri O'zbekiston musulmonlar idorasi bo'lib, u barcha islom diniga tegishli tashkilotlarni muvofiqlashtirib turadi. Har bir dinning o'zining diniy tashkilotlari yani masjid, cherkov, senagogalar va boshqalar ham bemalol, hech qanday qarshiliksiz o'z faoliyatini olib boradi.

7) Geografik tolerantlik – yirik shahar yoki poytaxt aholisining kichik provinsiya va qishloq aholisiga nisbatan (yoki aksincha) murosasozligi va hamdo'stligi. Geografik tolerantlik tarixda ham bugungi kunda ham jamiyatimizda ko'p uchrab turadi. Bu masala ko'proq insonlarning tafakkuri

bilan bog'liq masala hisoblanadi. Chunki insonlarning tafakkurini shakllantirmasdan jamiyatni isloh qilib bo'lmaydi.

8) Sinflararo tolerantlik – jamiyatdagi turli ijtimoiy sinflarga nisbatan do'stona va bag'rikeng munosabatda bo'lish. Tarixdan bizga ma'lum, qadimgi davrdan boshlab insonlar o'rtasida sinfiy tabaqalanish mavjud bo'lgan. Masalan, Hindistonda qastalarga bo'linishi, Yunoniston, Rim, Sharqda, Yevropa va boshqalarda ham jamiyatda insonlar turli sinflarga va tabaqalarga ajratilgan (quyi qatlam, o'rta qatlam, boy qatlam, elita qatlam, kambag'al qatlam va boshqalar). Aslida insonlarni teng huquqli deb aytamiz, lekin yana bir tomonlama teng imkoniyatli degan tushuncha ham bor. Bu falsafada ham huquqda ham uchraydi. Masalan, o'qituvchi maktabga darsga kirdi, sinfda 20 ta o'quvchi bor, ularga o'qituvchi bir xil dars beradi va bir xil imkoniyat yaratib beradi. Lekin kimdir uni o'zlashtiradi, kimdir esa o'zlashtirmaydi, kimdir o'zlashtirib, a'lo bahoga o'qib hayotda o'z o'rnini topib ketadi, kimdir esa o'zlashtirmay jamiyatda boshqacha bo'lib ketadi. Lekin imkoniyat bir xil va teng. Bu imkoniyatdan kimdir to'g'ri maqsadda foydalanyapti, kimdir esa foydalanolmayapti. Shuning uchun ham sotsialogiyada stratifikasiya yani tabaqalanish tushunchasi bor. Jamiyatda biz xohlaymizmi yo'qmi, jamiyat har doim tabaqalashadi. Bu tabaqalanish qadimgi dunyoda ham bo'lgan va hatto hozirgi dunyoda ham bor. Masalan, hozirgi dunyoda ijtimoiy yordamga muhtoj qatlam, o'rta qatlam, elita qatlam va boshqa qatlamlar mavjud. Shuning uchun ham tolerantlik bu ko'proq dunyoqarash bilan bog'liq va tafakkur bilan bog'liq tushuncha hisoblanadi. Lekin real hayotda barber jamiyatda tabaqalanish jarayoni bo'ladi. Shunday bo'lsa ham sinflararo tolerantlik jamiyatda turli ijtimoiy sinflar o'rtasida o'zaro murosali, do'stona va bag'rikeng munosabatda bo'lishni ta'minlovchi muhim omil hisoblanadi.

9) Fiziologik tolerantlik – bemor, nogiron, jismoniy va boshqa imkoniyatlari cheklangan insonlarga nisbatan ijobiy qarashning shakllanishi. Jamiyatda insonlar turli xil fizionomaga ega. Kimdir baquvvat, sog'lom, kimdir nimjon, bemor, kimdir esa ozg'in yoki semiz, kimdir esa nogiron, jismoniy yoki ruhiy imkoniyati cheklangan va boshqa turli xil fizionomaga ega bo'lishi mumkin. Shularga nisbatan jamiyat qanday munosabatda bo'lish. Ularga nisbatan tolerantlik bormi yoki ular jamiyatda chekkada qolib ketganmi. Fiziologik tolerantlik asosan shularni o'z ichiga qamrab oladi. Bu narsalar tarixning barcha bosqichlarida bo'lgan. Masalan, Gitlerning siyosatini misol qilishimiz mumkin. Nogiron, jismoniy imkoniyati cheklangan, qariyalar, ruhiy kasallar va shunday boshqa insonlarning o'ldirilishi yani nemis oliy millati bu sog'lom ko'rinishda bo'lishi kerak degan bir g'oya bo'lgan. Qadimgi Yunonistonda ham shunga o'xshash holatni uchratishimiz mumkin. Bular esa fiziologik tolerantlikning buzilishiga olib kelgan.

10) Siyosiy tolerantlik – turli siyosiy partiyalar, harakat va uyushmalarga hamda ularning a'zolari bilan murosasozlik. Siyosiy tolerantlik ham juda katta fenomen yani siz jamiyatda qaysidir bir partiyaga a'zo bo'lganligingiz uchun siz jamiyatda qarshiliklarga uchrashingiz mumkin emas yoki huquqlaringizdan mahrum bo'lishingiz kerak emas. Siz qaysidir bir namoyish uyushtirganingiz uchun va qaysidir bir nomzodni ilgari surishingiz, nomzodga ovoz berishingiz mumkin va boshqa shunday holatlar bo'lishi mumkin. Lekin sizning huquqingiz bundan kelib chiqib poymon qilinishi kerak emas. Shu jihatdan ham siyosiy tolerantlik huquqiy demokratik davlatlarda juda katta o'rinni egallaydi. Siyosiy tolerant bo'lmagan jamiyat demokratiyaga va huquqiy davlatga qadam qo'yishi mumkin emas. Shu sababdan ham siyosiy tolerantlik ham tolerantlikning asl va juda dolzarb omillaridan biri hisoblanadi. Tarixda demokratiya, huquq, konstitutsiya, turli qonunlar, huquqlqr, saylovlar, turli partiyalar, inson huquqlari deklarasiyasi va shunday tushunchalar paydo bo'lgan davrlardan boshlab siyosiy tolerantlik dolzarb masala bo'lib kelgan, Aynan tolerantlikning ikkinchi bosqichida yani bu ma'rifat davridan boshlanadigan bo'lib, liberal tafakkur genezisining turli xil ko'rinishlarida, inson huquq va erkinliklari konsepsiyasi, konstitutsionalizmning rivojlanishi, plyuralistik demokratiya tamoyillari va tinchlik, tolerantlik va multikulturalizm madaniyatlari bilan bog'liq zamonaviy modellar yoyilishi bilan izohlanadigan ko'proq huquq bilan bog'liq bosqichda siyosiy tolerantlikning muhim jihatlarini ko'rishimiz mumkin.

11) Jinsiy – orientasiyaviy tolerantlik noan'anaviy jinsli orientasiyadagi odamlarga nisbatan xolis munosabat. Jinsiy orientasiyaviy tolerantlik yaqin davrlarda tolerantlikning bir kategoriyasi sifatida kiritilgan. Jamiyatimizda biz hoxlamasak ham shunday insonlar uchrab turadi Bu zamonaviy davrning dolzarb muamolardan biri hisoblanadi. Shu sababdan ham bunday insonlar bilan turli xil nizolar kelib chiqmasligi uchun ularga nisbatan tolerant, sabrli va murosali munosabatda bo'lishimiz zarur. Bundan kelib chiqadiki, tolerantlik turli xildagi odamlar o'rtasida o'rtasidagi nizolar va urushlarning oldini olishda ham muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

12) Marginal tolerantlik (marginallarga nisbatan tolerantlik) uysizlar, tilanchilar, giyohvandlar, alkogoliklar va mahbuslarga bo'lgan munosabat. Marginal tolerantlik tarixda ham ko'p uchrab turgan. Dunyoning ko'pgina qashoq mamlakatlarda va hatto boy mamlakatlarida ham marginal qatlamlarni ko'p uchratishimiz mumkin. Bu sosialogiya fanining dolzar muamolaridan biri hisoblanadi. Marginal qatlamlar ma'lum bir sabablar bilan jamiyatda barcha narsasidan ajralib, orqada qolgan insonlar bo'lib, tarixning ko'pgina davrlarida ularga nisbatan shafqatsiz va intolerant munosabatda bo'lganlar. Bu esa ular bilan turli xil nizolar kelib chiqishi va tolerantlikning buzilishiga olib kelgan. Ayniqsa tarixda mahbuslarga nisbatan o'ta shafqatsiz munosabatda bo'lganlar va ularga nisbatan zo'ravonliklar qilingan. Mahbuslarning turli xil jinoyatlari va bazida arzimagan kichik jinoyatlari uchun ham ularga nisbatan keskin jazolar qo'llanilgan va hatto ularni arzimagan jinoyatlari uchun o'lim jazosini berish holatlari ham ko'p uchrab turgan. Keyinchalik dunyoda inson huquqlari tushunchasi vujudga kelib, shakllanganidan keyin bu masalalar nisbatan asta – sekin bartaraf qilingan. Lekin bugungi zamonaviy dunyoda ham bunday holatlar ko'p uchrab turadi. Bu muamolarni bartaraf qilishda insonlar o'rtasida tolerantlik omillarini rivojlantirish muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

Yuqorida tolerantlikning 12 ta kategoriyasini ko'rib chiqdik. Bugungi kunda bu kategoriyar ichida diniy, siyosiy va millatlararo tolerantlikni dolzarb va muhim omil sifatida ko'rsatishimiz mumkin. Chunki bugungi davrda bu omillar dunyoda turli mamlakatlar o'rtasida ko'p uchramoqda va dolzarb muamolardan biri bo'lib kelmoqda. Bu muamolarning yechimi sifatida tolerantlik omillarini rivojlantirishni ko'rsatishimiz mumkin. Bazida turli mamlakatlar o'rtasidagi turli xil diniy, siyosi va millatlararo kelib chiqqan nizolarni bartaraf qilishda, hech qanday kuch ishlatmasdan va hech qanday urushlarsiz birgina murosasoz bo'lish yoki tolerant bo'lish orqali bu muamolarni bartaraf qilish mumkin bo'ladi. Shu sababdan ham jamiyat ijtimoiy hayotida tolerantlik omilining o'rni va ro'li muhim ahamiyatga ega. "Ijtimiy – madaniy faollik " bilan " tolerantlik " quyidagi yo'nalishlarda, nuqtalarda bir – biriga yaqindirlar : birinchidan, ijtimoiy – madaniy faollik ham, tolerantlik ham insonning tashqi aloqalarining, ijtimoiy munosabatlarining in'ikosidir. Aynan tashqi muhit kishining ijtimoiy munosabatlari ijtimoiy – madaniy faoliyat va tolerantlik uchun umumiy makon, o'ziga xos " fon " vazifasini o'taydi. Tolerantlik ham, ijtimoiy – madaniy faollik ham makonda kichadi va shakllanadi. Bu yani inson jamiyatda yashar ekan, faoliyat yuritar ekan bu shu jamiyatda qanday darajada faol yoki nofaol shaklda yashaydi va faoliyat yuritadi. Bulardan tashqari sizning faolligingiz ham, tolerantligingiz ham jamiyat bilan bog'liq. Siz birovga nisbatan tolerant bo'lishingiz mumkin yoki intolerant bo'lishingiz mumkin. Siz birovga nisbatan, ijtimoiy – madaniy jamiyatga nisbatan va insonlarga nisbatan ijtimoiy – madaniy faol bo'lishingiz mumkin yoki nofaol bo'lishingiz mumkin. Bu ikki tushuncha ko'proq nazariy aspektlar hisoblanadi. Zamonaviy dunyoda bugungi XXI – asrda yani globallashuv davri deymiz yoki zamonaviy axborot va texnologiyalarning rivojlanishi davrida ijtimoiy munosabatlar ham o'zgarib, yangi – yangi modefikatsiyalarga uchrab bormoqda. Masalan, ijtimoiy munosabat deganda biz jamiyatda bir – birimiz bilan munosabat o'rnatishimiz yani talabalar, do'stlar, oilalar va boshqalar o'rtasidagi munosabatlarning barchasi ijtimoiy munosabatlarga kiradi. Bugungi zamonda esa turli yangi tendensiyalarning paydo bo'lishi virtual ijtimoiy munosabatlar degan tushunchani ham fanga olib kirdi. Bu aynan internet orqali ommaviy axborot texnologiya vositalari orqali, turli xil ijtimoiy tarmoqlarda va boshqalarda insonlarning faoliyati, faolligi yoki nofaolligi shular bilan bog'liq. Shu sababdan faollik ham ikki qisimga ajralib qoldi yani real faollik bilan virtual faollik degan qisimlarga ajraldi. Tahlil qiladigan bo'lsak, bizning jamiyatimiz ko'proq virtual faol lekin real faollik nisbatan past. Demokratiya rivojlangan mamlakatlarda bu teskarisi bo'lishi kerak. Real

faollik ko'proq real hayotda ko'rinishi kerak. Ikkinchidan, ijtimoiy – madaniy faollik ham, tolerantlik ham insondagi ma'naviy, axloqiy, ijodiy kuchlarga tayanadi. Ushbu kuchlar mohiyatan insonni yangi qadriyatlar, boyliklar yaratishga, mavjud qadriyatlar va an'analarni o'zlashtirishga undaydi. Demak, ijtimoiy – madaniy faollik negizida ham insonning ma'naviy, axloqiy qadriyatlarni o'zlashtirish, yangi boyliklar yaratish, ijod qilish istagi va intilishlari yotadi. Bu yani nimagadir undovchi yoki turtki beruvchi kuch hisoblanadi. Jamiyatda siz qay darajada faol bo'lsangiz, jamiyatda shu darajadagi o'rinni egallaysiz. Uchinchidan, tolerantlik nofaollik, befarqlik, " sen menga tegma, men senga tegmayman " degan qoidaga amal qilish emas, balki u jamiyat hayotida sodir bo'layotgan o'zgarishlarga faol munosabatda bo'lish, "sivilizatsiyalar to'qnashuvi" ga qarshi turish, destruktiv hollarning yoyilishiga yo'l qo'ymaslik, xullas, insondagi yaratuvchanlik hamda madaniy taraqqiyotga yordam beruvchi fazilatlarni qo'llab – quvvatlashdir. Amerikalik siyosatshunos Samuel Xansengtonning «Tamadunlar to'qnashuvi» (yoki sivilizatsiyalar to'qnashuvi) degan asari bor. Shu asarda aynan,turli sivilizatsiyalar, madaniyatlarning XXI – asrga kelib to'qnashuvi va bu to'qnashuvda qanday ijtimoiy, siyosiy, madaniy o'zgarishlar sodir bo'lishini yortib bergan. To'rtinchidan, ijtimoiy – madaniy faoliyat boshqa madaniyatlarga, yondashishlarga ijobiy munosabatda bo'lganda o'zini yaratuvchanlik xususiyatini ifoda etadi. Demak, tolerantlik – ijtimoiy – madaniy faollikni namoyon bo'lish shartidir. xuddi, shuningdek, tolerantlik ham ijtimoiy – madaniy faollik orqali pozitiv voqelikka aylanadi. Ular o'rtasidagi ushbu dialektik bog'liqlik ijtimoiy – madaniy faollik va tolerantlik masalalarini birga olib ko'rish imkonini beradI. Bu yerda aynan o'sha boshqa madaniyatlarga nisbatan siz tolerant, sabrli munosabatda boladigan bo'lsangiz, maskur jamiyatda yaratuvchan ijobiy munosabatlarga olib keladi. Jamiyatda turli xil madaniyatdagi insonlar bo'lishi mumkin. Shularga nisbatan ham inson ijobiy munosabat o'rnatishi bu aynan o'sha dialektik bog'liqlikda kichadi. Demak, yuqoridagi fikrlardan shuni xulosa qilishimiz mumkinki, jamiyat ijtimoiy hayotida tolerantlik omili muhim ahamiyatga ega ekan. Endilikda siyosiy madaniyat va tolerantlik xususida ham qisqacha fikr yuritamiz. Aslida siyosiy madaniyat tushunchasini ilmiy muomalaga XVIII – asrda nemis faylasufi I. Gerder kiritgan bo'lib, zamonaviy siyosatshunoslikda " siyosiy madaniyat " tushunchasi amerikalik nazariyotchi X. Fayer o'zining 1956 – yilda yozgan " Yevropaning buyuk davlatlari boshqaruv tizimi " kitobida tilga oladi. Keyinchalik G. Almond va S. Verba besh mamlakat – AQSH, Buyuk Britaniya, Germaniya, Meksika va Italiya siyosiy jarayonlarini tahlil qilib, o'zlarining "Fuqorolik madaniyati" kitobini 1963 – yilda yozadilar. Ushbu kitoblarda siyosiy madaniyat va tolerantlik tushunchasi to'g'risida bir qancha fikr, mulohazalar yuritilgan.

4. Xulosalar :

Yuqorida tolerantlik kategoriyasi kelib chiqishini tarixiy – nazariy jihatdan tahlil qildik va bu tushunchaga bir qancha ta'riflarni berdik. Ushbu fikrlarga xulosa sifatida A. Avloniyning quyidagi fikrlarini ko'rsatib o'tamiz; 'Odamgarchilikka, insoniylikka putur yetsa deydi A. Avloniy, musulmonlarning diliga ittifoq o'rniga nifoq, adolat o'rniga zulm, muhabbat o'rniga adovat, g'ayrat o'rniga murtadlik, muruvvat o'rniga g'azab, sahovat o'rniga buxl (baxillik), tavoze o'rniga kibr, sadoqat o'rniga bo'hton, shafqat o'rniga hasad, hurmat o'rniga husumat, qanoat o'rniga tama, sabr o'rniga g'urur, iqtisod o'rniga isrof, avf o'rniga dahshat, sa'y o'rniga safohat (nodonlik), g'ayrat o'rniga xurofot (bid'at) aralashadi ". Avloniyning maskur fikrlarida tolerantlik o'zining yorqin ifodasini topgan. Bulardan kelib chiqadiki, tolerantlik kategoriyasini asl mohiyatini tushunishimiz va ularni hayotga tadbiq qilishimiz kerak.

Iqtiboslar / Сноски / References:

1. Баева Л. В. Толерантность : идея, образы , персоналии (Монография) Астраханский университет, 2009. 7 – 19 с, 105 – 124 с. (Baeva L. V. Tolerance : idea, images, personal. Monograph. Astrakhan university, 2009. 7 – 19 p, 105 – 124 p.)
2. Shavkat Mirziyoyev " Milliy taraqqiyot yo'limizning qa'tiyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz". Toshkent –O'zbkiston '' – 2017. 3 -4 b. (Shavkat Mirziyoyev " We

will resolutely continue our path of national development and take to a new level " Tashkent – Uzbekistan 2017. 3 – 4 p)
3. Рерих Н. Л. " О вечности " (Mangulik haqida) 1994 г. 462 с. (Rerix N. L. " About eternity " 1994. 462 page).
4. Панарин А. Народ и элиты : между отчаянием и надеждой / Наш современик – 2001 С. 205 – 216. (Xalq va elita : umidsizlik va umidsizlik o'rtasida) Panarin A. " People and elite : between despair and hope " / Our modern – 2001 205 – 206 page.
5. Шалин В.В. Толерантность (Культурная НОРМА И ПОЛИТИЧЕСКАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ). Краснодар. Периодика Кубани, - 2000. – С. 256. (Tolerantlik madaniy me'yor va siyosiy zarurat) Shalin V. V. " Tolerance (cultural norms and political necessity) / Krasnadar – 2000 256 – page.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Саломова Л.И.
ЎзМУ ўқитувчиси
E-mail: salomovalutfiya95@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИДА САҚЛАНАЁТГАН ТУРКИСТОН АССР ТАРИХИГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ

For citation: Salomova L.I. ANALYSIS OF DOCUMENTS ON THE HISTORY OF TURKESTAN ASSR STORED IN THE NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.446-451

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-61

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ЎзМАда сақланаётган Туркистон АССР тарихига оид график, диаграмма, харита, схема ва чизмалар ҳақида маъумот бериб ўтилган. Ўзбекистон Миллий архивидаги Р-29 Р-215 фондларидан ўрин олган график хужжатлар таҳлил қилинган. Архив ҳужжатларида сақланаётган график ҳужжатлар қимматлилиги даражасида турувчи хужжатлар ҳисобланиб асосан иш режалари, қурулиш чизмалар, шахар қурулиши режалари, канал сихемалари, кўприк қурилиш режалари ва сув сатҳининг босимини билдирувчи диаграмма, ҳужжатлар манбавий жиҳатидан ўрганилди.

Калит сўзлар: График, диаграмма, Ўзбекистон Миллий архиви, фонд, рўйхат, чизма, сув, харита, схема.

Саломова Л.И.
Преподаватель Национального университета Узбекистана
salomovalutfiya95@gmail.com

АНАЛИЗ ДОКУМЕНТОВ ПО ИСТОРИИ ТУРКЕСТАНСКОЙ АССР, ХРАНЯЩИХСЯ В НАЦИОНАЛЬНОМ АРХИВЕ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены виды графических документов, связанных с историей туркестанской аквакультуры, хранящиеся в Национальной академии наук Узбекистана. Даны краткие сведения о схемах, картах, схемах и рисунках. Проанализированы графические документы из фондов Р-29 Р-215 Национального архива Узбекистана. Графические документы, хранящиеся в архивных документах, являются наиболее ценными документами, в основном планы работ, строительные чертежи, планы городов, схемы каналов, планы строительства мостов и диаграммы, показывающие давление воды, документы были изучены из первоисточника.

Ключевые слова: График, диаграмма, Национальный архив Узбекистана, фонд, список, график, вода, карта, схема.

Salomova L.I.
Teacher of the National University of Uzbekistan
E-mail: salomovalutfiya95@gmail.com

ANALYSIS OF DOCUMENTS ON THE HISTORY OF TURKESTAN ASSR STORED IN THE NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article is about the types of graphic documents related to the history of Turkistan water resources stored in Uzbekistan. It provides brief information about the diagram, map, scheme and drawings. Graphic documents of funds R-29 R-215 in the National Archive of Uzbekistan were published. The graphic documents stored in the archive documents were considered as documents of high quality, mainly work plans, plot drawings, urban plots, canal sixemas, bridge construction pilanlair and diagrams indicating the pressure of the water level, documents were studied from the source.

Index Terms: graph, diagram, National Archive of Uzbekistan, fund, list, graph, water, map, scheme.

Кириш:

Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган манбалар орасида Туркистон АССР тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган фонд ҳужжатлари мавжуд. Бизга маълумки, архив ҳужжатлари тарихий ҳодисаларни ўзида мужассам этган. Шунингдек, тарихий жараёнларни ёритишда алоҳида муҳим фактлар тақдим қилади. Ушбу ҳужжатлар асосида у ёки бу тарихий давр ҳақидаги тасаввурлар шакллантирилиб, турли тарихий воқеаларни келтириб чиқарган сабаб ва оқибатлар ҳақида илмий гипотезалар илгари сурилади. Шунинг учун ҳам манбанинг ҳақиқийлиги ва асллиги даражасини аниқлаш уни танқидий ўрганишнинг энг муҳим шартини ташкил этади.

Совет ҳокимиятининг Туркистон АССРда олиб борган ислоҳотларининг асл моҳиятини англаб етишда ушбу архив ҳужжатлари бирламчи тарихий манбалардан ҳисобланади. Мустақиллик даврида мазкур тарихий ҳужжатларни ўрганиш, манбавий аҳамиятини аниқлаш, уларни таҳлил қилиш имконияти яратилди. Бу эса ўз навбатида Туркистон АССР тарихининг ўрганилмаган жиҳатларини тадқиқ этилишига йўл очиб берди. Бу имкониятлардан фойдаланиб Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган Туркистон АССРга оид фондлар таҳлили ва манбавий аҳамияти очиб берилди.

Асосий қисм:

Ўзбекистон Республикасининг архив иши тўғрисидаги қонуни архивидаги График ҳужжатларга қуйдагича тариф берилган;

График ҳужжатлар-фуқаролар, жамият ва давлат учун аҳамияти боис сақланиши лозим бўлган матнли, қўлёзма ва машинада ўқиладиган ҳужжатлар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, киноленталар, фотосуратлар, фотография плёнкалари, чизмалар, схемалар, хариталар, шунингдек бошқа моддий жисмлардаги ёзувларни ўз ичига олади[1].

Архивларда сақланаётган график ҳужжатлар тасвири асосан юришлар натижасида юзага келган чегаралар тасвири, шахарлар хариталари, шаҳарлар тарақиёти йўлида барпо қилинаётган иншоат сихемалари, йўллар, канал, кўприклар қурилиш пилпнлари каби бир қатотар график ҳужжатларни учратишимиз мумкин ушбу ҳужжатлар орқали таихий воқийликни аниқлик билан очиб беришимиз мумкин бўлади.

ЎзМАда сақланаётган Туркистон АССР тарихида назар соладиган бўлсак график ҳужжатларнинг қуйдаги турлари мавжуд.

1. Диаграмма
2. Харита
3. Схема
4. Чизма

Диаграмма, харита, схема ва чизмалар ҳақида қисқача маьумот бериб ўтсак.

Туркистон АССР фаолиятига боғлиқ архив манбаларида кўплаб диаграмма ҳужжатларини учратиш мумкун.

“Диаграмма” сўзи грекчадан олинган бўлиб, сурат, тасвир маъноларини беради. Диаграмма геометрик белгилардан ташкил топган бўлиб, узоқ муддатли фаолият ҳамда натижани аниқ ифодалашда катта ёрдам беради.

Диаграммалар асосан геометрик шакллардан нуқталар, чизиқлар, ҳар хил шакл ва рангдаги шакллар ва ёрдамчи елементлардан (координата ўқлари, белгилар, сарлавҳалар) ва бошқалардан иборат. Диаграммалардаги геометрик мосламаларни таққослаш ва таққослаш турли ўлчамларда амалга оширилиши мумкин: фигуранинг майдони ёки унинг баландлиги, нуқталарнинг жойлашиши, зичлиги, ранг интенсивлиги (ранглар билан ажратилганлиги) ва бошқалар.

Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган Р-29 фонд, 3- рўйхат, 2448-йиғмажилднинг 78-варағида жойлашган диаграмма чизмаси қалам ёрдамида бўялган. Ушбу чизма А4 фарматдаги варағда чизилган Сирдарё вилоятидаги вадаканал чизмаси. Бу чизма тўлқинсимон шакл бўлиб тўлқиннинг тагида зинадек кетма кетликдаги тўртбурчак шакллар бўлиб бу шакллар ранглар билан ажратилган. Малла, қора, сариқ, қизил, кўк, яшил ранглар билан қалам ёрдамида бўялган. Ранглар шунчаки безак учун емас балки қурилишда ишлатилаётган махсулотлар неча фойиздан ишлатилганлиги тўғрисида малъмот еканлигини чизманинг бурчак қисмида алохида келтириб ўтилган иловадан англашимиз мумкин. Афсуски ранглари бир-бирига уйғунлашганлиги сабабли бу ёзувларни ўқишни иложи йўқ.

Р-29 фонд, 3- рўйхат, 2448-йиғмажилднинг 79-варағида ҳам яна бир диаграмма келтирилган бўлиб бу Фарғона вилоятидаги вадаканал диаграммаси бўлиб бу диаграмманинг чизмаси ва ёзувлари тиниқроқ кўрсатилган ойларда тақсимланиши май ойидан бошланиб ноябирда тугаган. Бу чизмада ҳам рангли бўйоқлардан фойдаланган сариқ, яшил, малла, қора, каби, ранглар берилган, варақнинг чети шикасланган.

Кейинги варағида Самарқанд вилояти сув бошқармаси номли чизма олдингиларига ўҳшаган чизма бўлиб март ойидан бошланиб ноябир ойига тугаган.

Архивда учрайдиган график турдаги ҳужжатнинг яна бир тури бу чизиқли диаграммалар ҳисобланади.

Чизиқли диаграммалар ёки графикалар - бу олинган маълумотлар чизиқлар билан боғланган нуқта сифатида тасвирланган диаграммаларнинг бир тури. Баллар ҳам кўринадиган, ҳам кўринмайдиган бўлиши мумкин (синган чизиқлар). Чизиқсиз нуқта (чизмали чизма) ҳам чизиш мумкин. Чизма диаграммаларини қуриш учун тўртбурчаклар кординаталар тизимидан фойдаланилади.

Сихемадаги ўлчамлар (даражалар) сони кўп бўлганда чизиқли диаграммалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, расмий ҳужжатларда статистик малумотларни таҳлил этишда ҳужжатларнинг ўрни беқиёс. Чизиқлар, шунингдек ўсиш суратларини таққослаш зарур бўлганда уларни таққослашда турли кўринишда таҳлил этишда ўзига хос ҳужжат тури ҳисобланади.

Масалан: Р-29-фонд 3-рўйхат, 2448-йиғмажилднинг 4 варағида келтирилган Тошкент ва Байрам-Алининг 1922 йилида бўлган ёғингарчиликнинг ўртача ойлик тебранишлари номли 1-чизма диаграмма ҳужжати сақланган бўлиб ушбу манбада ёғингарчиликнинг ўртача ойлик тебранишлари таҳлили Миллийметр ўлчов бирлигида кўрсатилган[2].

Р-29-фонд, 3-рўйхат, 2448-йиғмажилднинг 5 варағида келтирилган

Тошкент ва Байрам Али учун ўртача ойлик ҳароратнинг ўзгариши номли чизма мавжуд бўлиб бу манбада Байрам Али ва Тошкентнинг 1922 йилги январдан декабргча тасдиқланган ҳароратнинг ошиши ва пасайиши келтирилгн. Чизма ҳужжат йиғмажилднинг 2-жадвали ҳисобланиб ойлар бўйича тақсимланган.

Ер майдонларини ўлчовини олиш учун майдон диаграммаларидан фойдаланмасликнинг иложи йўқ.

Майдон диаграммаси - бу эгри чизиқларни чизиш услуби бўйича чизиқли жадвалларга ўхшаш диаграмма тури. Улардан ҳар бир графика остидаги майдон алоҳида

ранг ёки соя билан тўлдирилганлиги билан фарқ қилади. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, у ҳар бир элементнинг кўриб чиқилаётган жараёнга қўшган ҳиссасини баҳолашга имкон беради.

Харита (юнон. чартес - варақ ёки хат ёзиладиган папирус), карта — Ер юзаси, бошқа осмон жисмлари ёки космик фазонинг математик аниқ белгиланган, кичрайтирилган, умумлаштирилган тасвири. Қабул қилинган шартли белгилар системасида уларда жойлашган объектлар кўрсатилади

Хариталарнинг турлари. Хариталар маштабига, уларда тасвирланган ҳудуднинг кўламига, мазмуни, вазифаси ва тузилишига кўра бир қанча турларга бўлинади. Хариталар масштабига қараб қуйидаги турлаига бўлинади: йирик маштабли — 1:10000 дан 1:200000 гача, ўрта маштабли—1:200000 дан 1:1000000 гача, майда маштабли— 1:1000000 дан кичик. Турли маштабли хариталарда воқеа ва ҳодисалар турли хил аниқликда тасвирланади. Хариталар ҳудуднинг кўламига қараб қуйидаги турларга бўлинади: юлдузлар харитаси, саййоралар ва Ер харитаси, ярим шарлар хариталари, материклар ва океанлар хариталари, таъбиий географик ўлкалар ва денгизлар хариталари, мамлакатлар хариталари, маъмурий бирликлар хариталари, махсус ҳудудлар (қўриқхоналар, саёҳатбоп жойлар) хариталари, шаҳар ва вилоятлар. туманлар хариталари. Мазмунига кўра хариталар иккита йирик гуруҳга бўлинади: умумий географик хариталар ва мавзули хариталар.

Чизма ҳужжатлар. Ҳар бир соҳани пайдо бўлиши ва тараққий топиши учун машаққатли йўллари бўлгани каби чизмалар ҳам кишилик жамияти ривожланиши ва турли ишлаб чиқариш кучларини пайдо бўлиши билан ҳосил бўлган соҳа ҳисобланади[3].

Чизма - қоғоз, калка (қора қоғоз), тахта, Ер сирти ва бошқа нарсаларга чизилган лойиҳа; махсус чизмачилик асбоблари (рейсфедер, сиркул, рейсмус, рейсшина, чизғич ва бошқалар) ёрдамида қалам, туш билан маълум қоидалар асосида чизилган график тасвир. Машиналар, механизмлар, бино ва иншоотлар, вертолёт ва самолётлар, ракета ва космик кемалар, радио ва телевизорлар, хуллас корхоналарда тайёрланадиган, қурилиш майдонларида қуриладиган нарсалар ва объектларнинг қисмларини тайёрлаш, бузилганда таъмирлаш, текшириш учун чизмадан фойдаланилади. Илк чизма Г.Монж 1764 йили ўзи туғилган Бон шаҳрининг планини ҳар хил бурчак ўлчагич асбоблари ёрдамида чизган.

Чизма геометрия фани олий ўқув юртларида ўқитилиши ва уни тараққиѐти Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларидан биринчи бўлиб Россияда амалга оширилган. Россияда чизма геометрияни ўқитиш 1810 йилдан бошланган. Бу фан биринчи марта Петербург йўл-инженерлари корпуси институтида (ҳозирги Петербург темир йўллар траспорти институти) француз тилида ўқитилган. Фанни ўқитиш учун Франциядан мутахассислар таклиф қилинган. Булардан биринчи бўлиб К.Потье келган[4].

Архив ҳужжатларида сақланаётган чизмалар давлат миқиёсида молик бўлган соҳаларнинг чизмалари, ҳисобланиб иш планлари, қурулиш, шахар, канал, ва шу каби чизмалар сақланади бунга мисол қилиб Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган Туркистон АССР тарихига оид Р-215 фонд, 1-рўйхат, 220-йиғмажилд ҳужжатларидан мисол келтириш мумкин. Ушбу ҳужжат 120 варақдан иборат бўлиб, йиғмажилднинг 49-50-варағларидан ўрин олган чизмалар алоҳида алоҳида чизилган. Чизма ариқларнинг узунлиги сув оқими ҳақида акт ҳужжатлари ҳисобланади. Чизмалар қалам ёрдамида одий қоғозда чизилган. Узунлиги 32-162 см, эни 56-32 смни ташкил қилади. 1922 – 1923 йил учун республика бўйича бажарилган ишлар смета ижроси акс етган.[5].

Шу каби чизмаларнинг яна бирини йиғмажилдининг 13 варақида жойлашган Гаробек (ҳозирги Туркманистоннинг Халачи этагидаги шаҳар Карабекаул) жойлашган канал чизмаси тасвирланган бўлиб, чизма чизилган варағнинг узунлиги 65 см. эни 35 см.ни ташкил етган, чизманинг номи қўлёзма ҳарфларда сиёҳ ёрдамида варағнинг узунлиги бўйлаб ёзилган. Чизма 3 қисмга бўлинган тўсиқлар, ариқларни бандлари кўрсатилган. Биринчи асосий чизма каналнинг тўлиқ кўриниши, иккинчи ва учинчи чизма каналнинг ёндан кўриниши акис этган.

Биринчи чизманинг бўйи 17 см эни ҳам 17 смдан иборат. Ушбу чизма тўғри кивадрат шаклида бўлиб шахмат доскасдек оқ қора рангдаги кичкина кивадиратлардан иборат. Пастки

қатлам квадратларда тошлар акс этган. Ўртасидаги квадратлар бўш ва юқориги икки янги квадратларда ҳам тошлар акс этган. Ўртаси бўш махсус қизил ранг ёрдамида ўлчанган.

Иккинчи ва учинчи чизма бир бири билан қўшилган бўлиб жами узунлиги 45см эни 7-9 с, мгача. Бу чизмада қизил ва қора ранг ёрдамида чизилган.

Ушбу чизманинг қоғози махсус чизмалар учун фойдаланиладиган юпқа қоғоздан фойдаланган бўлиб архивлаштириш жараёнида ҳужжатга бироз шикаст етказилган чизма йиғмажилд ҳажмидан бир ярим баравар узунлиги сабабли қатлаб қўйилган.

Ўзбекистон Миллий Архивида сақланаётган Туркистон АССР тарихига оид Р-215-фонд, 1-рўйхат, 220-йиғмажилдиниг 60- варағида Россиядаги Дмитриевский каналини акс этувчи чизма сақланган. Ушбу чизма қора рангда чизилган юпқа чизма қоғозда акс эттирилган бўлиб, чизма варақини бўйи 50 см эни 90 см ташкил этади. Бу чизма уч бўлимга бўлинган.

Биринчи чизмада каналнинг юқоридан тўлиқ кўриниши берилган.

Иккичи чизмада каналнинг ён кўриниши яъни жойлашиши устунлари қай даражада мустахкам қўйилиши ва қай тартибда қойилиши ўлчамлар билан кўрсатиб ўтилган.

Учинчи чизмада устки кориниши акс етган бўлиб чизмада каналнинг жойлашиши ёнидаги ўт-ўлан йўл сувнинг оқими сув ва канал устидан ўтувчи кўприк ўртасидаги масофа акс етган. Масштаб В 0.02 – 1 саж деб келтириб ўтилган. Бундан кўринадики Туркистон даврида диаграмма ҳужжатларида сув ҳажмини ўлчашда сажен ўлчов бирлигидан фойдаланишган. Ушбу канал чизмаларининг Туркистон АССР сув бошқармаси органлари архив фондларида сақланишига кўра, ушбу каналнинг чизмалари тажрибасидан ўлкадаги ирригация тизимини ислоҳ этишда фойдаланишган деб хулоса қилиш мумкин.

Р-215-фонд 1-рўйхат, 20-йиғмажилдиниг 49-варағида Россиянинг Дмитриевский каналининг бўйлама ҳаракати чизмаси ҳам сақланиб қолганини кўриш мумкин. Чизма жуда юпқа варақда қўлёзма шаклида чизилган варақнинг узунлиги 53 см.ни эни эса 30 смни ташкил этади. варақнинг узунлиги 53 см.ни эни эса 30 смни ташкил этади. Махсус чизма сиёҳлари билан ёзилган, шу боис ҳужжат матнини ўқиш бироз меҳнат талаб қилади. чизманинг узунлиги 42 см ташкил қилиб, қолган жойда сарлавҳа ёзилган.

Чизма тоғ шаклидаги чизма бўлиб унда ораси 1 см дан тўгри чизиқ туширилган. Айрим жойига келиб чизма пасайган ва ораси торайган. Айрим жойида эса тўғри чизилган ораси кенгайган[6].

Р-215-фонднинг 1-рўйхатидаги 220-йиғмажилдиниг 65 варағида яна бир чизма акс этган бўлиб, бу чизма Дмитриевский каналининг янги бош қисми охирида пасайиб кетишининг ижро чизмаси номли чизма бўлиб бу чизма чизилган варақнинг узунлиги 64 см ни эни 30 см. Ташкил этади Чизма 6 бўлимга бўлинган бўлиб. Биринчи бўлимда план тўлиқ ҳолда кўрсатилган. Кейинги чизмаларда ушбу планнинг бўлимларга бўлиниб схема чизилишидан бошланиб иш тугагунга қадар бўлган жараёнларни тўлиқ ҳолда кўрсатиб ўтилган[7].

Р-215-фонднинг 1-рўйхатидаги 220-йиғмажилдиниг 103-варағида Карибилт тизимининг Таш хиёбонидаги иквабук вақтларининг одатий ижро чизмаси номли чизма жойлашган бу чизма одатдагидан бошқачароқ қоғозга ҳаво ранг силлиқ қоғозга чизилган варақнинг узунлиги 50 см ени 54 см ни ташкил етади. Чизманинг шакли кема шаклида чизма бўлиб бу чизма ҳам биринчисига умумий план кейингисида ёндан кўриниши ер сатҳида қандай жойлаштирилиши устунлар, тошлар, йўл акс этган.

Учинчи чизма кўндалангига кўриниши устуннинг жойлашиши мустахкамлигини кўриб сув сатхи билан ер ўртасидаги масофалар ўлчаб ҳисобга олингани акс этган[8].

Ўзбекистон Миллий Архивида сақланаётган Туркистон АССР тарихига оид Р-215-фонднинг 1-рўйхатидаги, 220-йиғмажилддаги яна бир чизма шахардан уч верст узоқликда жойлашган каналларидаги сув ўтказгич вазифасини бажарувчи. йиғмажилднинг 20 варағида. жойлашган бўлиб ушбу чизма чизилган варақнинг узунлиги 67 см эни 34 см ташкил қилади чизма одатдагидан қалинроқ чизма қоғозда чизилган варақ юзасини барча жойини чизмалар қоплаган бу чизмада устунлар, тошлар, кўприк кўринишидаги чизмалар. Ўлчовлари қизил,

бўёқ билан бўяб ёзилган қай даражада тўсиқлар қўйилиши, тошлар жойлаштирилиши, кўприк ўтишигача яққол кўриш мумкин бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг архив иши тўғрисидаги қонуни. Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 16 июндаги 119 (5034) - сонида эълон қилинган. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримов Тошкент. ш. 2010 йил 15 июнь,ЎРҚ-252-сон (Law of the Republic of Uzbekistan on archives. This Law was published in the newspaper "People's Word" on June 16, 2010, No. 119 (5034). The first President of the Republic of Uzbekistan I.A. Karimov Tashkent. sh. June 15, 2010, No. LRU-252)
2. ЎзМА Р-29 фонд 3-рўйхат, 2448-йиғмажилднинг 4-варақ (UzNA R-29 fund 3rd list, 4th page of 2448 collection)
3. Муродов Ш., Ташимов Н. Графика тарихи ва тараққиёти. Т., 2010. –Б.41 (Murodov Sh., Tashimov N. History and development of graphics. T., 2010. –P.41)
4. Муродов Ш., Ташимов Н. Графика тарихи ва тараққиёти. Тошкент. 2010. –Б.42-47(Murodov Sh., Tashimov N. History and development of graphics. Tashkent. 2010. –P.42-47)
5. ЎзМА Р- 215фонд 1-рўйхат, 220-йиғмажилд, 12-варақ (UzNA R- 215fund 1 list, 220 volumes, 12 pages)
6. ЎзМА, Р- 215-фонд 1-рўйхат, 220-йиғмажилд, 49-варақ (UzNA, R- 215-fund 1-list, 220 volumes, 49 pages)
7. ЎзМА, Р- 215фонд 1-рўйхат, 220-йиғмажилд, 65-варақ (UzNA, R- 215fund 1 list, 220 volumes, 65 pages)
8. ЎзМА, Р- 215-фонд 1-рўйхат, 220-йиғмажилд, 65-варақ (UzNA, R- 215-fund 1-list, 220-collection, 65-page)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Ойдина Сатимова
Тарих фанлари доктори (phd). Тарих факультети.
Жахон тарих кафедраси. Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
oydinasatimova@gmail.com

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ТУРКИСТОНЛИК АСИРЛАР ТАҚДИРИДАН

For citation: Ойдина Сатимова, ABOUT THE FATE OF THE TURKESTAN PRISONERS OF WAR IN WORLD. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.452-458

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-62

АННОТАЦИЯ

Маълумки, 1930 йилларнинг охиригача Ўрта Осиё аҳолиси турли сабабларга кўра ҳарбий хизматга чақирилмаган. Иккинчи жаҳон уруши бошида Тошкент, Самарқанд, Қарши, Термизда миллий дивизиялар ташкил этилди, лекин аслида у ерда тўлиқ ҳарбий тайёргарлик учун шароитлар йўқ эди. Шу муносабат билан, 1941 йилнинг ёз ва кузидаги мағлубиятлар натижасида Қизил Армия ўз сафларини тўлдиришга муҳтож бўла бошлаганида, Туркистон ўлка аҳолиси энг янги ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа билан таниш бўлмаган ҳолда, тўғри ҳарбий тайёргарликсиз фронтга кетишган.. Ҳаммаси бўлиб, 1941 йилда Қизил Армия сафига зудлик билан 4 847 775 дан ортиқ туркистонликлар (ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар ва тожиклар) чақирилган.

Калит сўзи: қизил армия, концлагер, Гулаг, эмигрант, НКОТ, Туркистон легиони.

Ойдина Сатимова
Доктор историчиских наук(PhD).
Историчиский факультет. Кафедра всемирной истории.
Национальный университет Узбекистана имени
Мирзо Улугбека. Тошкент

О СУДЬБАХ ТУРКЕСТАНСКИХ ВОЕННОПЛЕННЫХ ВО ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЕ

АННОТАЦИЯ

Известно, что до конца 1930-х годов население Средней Азии не призывали на военную службу по разным причинам. В начале Великой Отечественной войны национальные дивизии были сформированы в Ташкенте, в Самарканде, в Карши и в Термезе, но в действительности условий для полноценной военной подготовки не было. В связи с этим, когда Красная Армия в результате поражений летом и осенью 1941 года стала нуждаться в пополнении своих рядов, туркестанцы ушли на фронт без должной военной подготовки, незнакомые с новейшей военной техникой и вооружением. Всего в 1941 году

более 4 847 775 туркестанцев (узбеки, казахи, туркмены, киргизы и таджики) были немедленно призваны в Красную Армию. К сожалению, большинство из них погибли или попали в плен в боях.

Ключевое слово: Красной Армии, концлагер, предателями, ГУЛАГ, эмигрантов, репатриант, добровольцы, НКОТ, Туркестанского легиона.

Ойдина Сатимова,
Doctor of Historical Sciences (PhD).
History faculty. Department of World History.
National University of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek. Toshkent

ABOUT THE FATE OF THE TURKESTAN PRISONERS OF WAR IN WORLD WAR II

ABSTRACT

It is known that until the end of the 1930s, the population of Central Asia was not conscripted for military service for various reasons. At the beginning of World War II, national divisions were formed in Tashkent, Samarkand, Karshi and Termez, but in reality there were no conditions for full-fledged military training. In this regard, when the Red Army, as a result of defeats in the summer and autumn of 1941, began to need to replenish its ranks, the Turkestanis went to the front without proper military training, unfamiliar with the latest military equipment and weapons. In 1941, more than 4,847,775 Turkestanis (Uzbeks, Kazakhs, Turkmens, Kyrgyz and Tajiks) were immediately drafted into the Red Army. Unfortunately, most of them died or were captured in battles.

Index Terms: Red Army, concentration camp, traitors, gulag, emigrants, repatriate, volunteers, NKOT, Turkestan Legion.

---

1. Долзарблиги:

Маълумки, 1930 йилларнинг охиригача Ўрта Осиё аҳолиси турли сабабларга кўра ҳарбий хизматга чақирилмаган. Иккинчи жаҳон уруши бошида Тошкент, Самарқанд, Қарши, Термизда миллий дивизиялар ташкил этилди, лекин аслида у ерда тўлиқ ҳарбий тайёргарлик учун шароитлар йўқ эди. Шу муносабат билан, 1941 йилнинг ёз ва кузидаги мағлубиятлар натижасида Қизил Армия ўз сафларини тўлдиришга муҳтож бўла бошлаганида, Туркистон ўлка аҳолиси энг янги ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа билан таниш бўлмаган ҳолда, тўғри ҳарбий тайёргарликсиз фронтга кетишган.. Ҳаммаси бўлиб, 1941 йилда Қизил Армия сафига зудлик билан 4 847 775 дан ортиқ туркистонликлар (ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар ва тожиклар) чақирилган[1]. Афсуски, уларнинг кўпчилик қисми жангларда ҳалок бўлган ёки асирга тушган.

Ўз навбатида, Туркистон аҳолиси тегишли ҳарбий тайёргарликдан ўтмаганлиги учун замонавий қурол турларига ҳам ишонишмаган. Қурол-яроғ етишмаслиги урушнинг дастлабки босқичида ҳам ўзини сўзини айтган. Шу сабабларга кўра, баъзида туркистонликлар ўзларини ҳимоя қилишлари ёки умуман қуролсиз ҳужумга ўтишлари керак эди. Генерал Собир Раҳимовнинг асраб олинган ўғли, полковник Хуррам Ашуровнинг сўзларига кўра, “Туркистон ҳарбийларига учта аскар учун битта ҳақиқий қурол, қолган икки нафарига ёғочдан ясалган қуроллар берилган; уларга учта аскар учун 15 та ўқ берилди ».

Шу нуқтаи назардан қараганда, Марказий Осиё республикаларидан чақирилган Қизил Армия аскарларининг кўп қисми фашистлар асирлигига тушиб қолишлари бежиз эмас эди. Шу боисдан қуршовга олинганларнинг аксарияти асирга олинган бўлса-да, айрим ҳолларда ўз ихтиёри билан фашистлар тарафига ўтганлар ҳам бўлган. Хусусан, қароргоҳи Минскда бўлган генерал Миршакар қўмондонлигидаги туркистонликлар ўз ихтиёри билан фашистлар томонига ўтган эдилар. Умуман, 1941-1942 йиллар давомида Қизил Армиядан 1 700 000 нафар (бошқа маълумотларга кўра - 1 500 000) туркистонликлар асир олинган[1].

Урушнинг бошиданоқ, совет раҳбарияти томонидан ҳарбий асирларга нисбатан салбий муносабат мавжуд эди. 1941 йил 16 августда 270-сон буйруғи билан маҳбуслар совет жамиятидан ўчирилган. Бир йил ўтгач, 1942 йил 28 июлда 227-сонли "Орқага бир қадам ҳам чекинилмасин!" номли машҳур буйруқ қабул қилинган[2].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Совет раҳбариятининг маҳбусларга муносабати кескин бўлиб, уларнинг ҳаракати "хиёнат","шармандалик" сифатида баҳоланган. Яъни, СССР раҳбарияти нуқтаи назаридан, душман қўлга тушганидан кўра, совет зобити ва аскари ўлгани яхшироқ эди. И.В.Сталиннинг совет маҳбусларига бундай позицияси туфайли, фашистлар концлагерларида ҳам шафқатсиз муносабат шаклланган эди. Баъзи немис ҳарбий асирлари лагерларида ҳар куни беш ёки ўн киши касаллик ёки очликдан ўлишарди. Ҳарбий асирлардан бири Мусо Рамазон ўз хотираларида ёзганидек, мингга яқин маҳбусдан иборат махсус бўлинмалар фақат оммавий қабрларни қазиш учун ишлатилган. Вали Қайюмхон, шунингдек, ҳарбий асирлар лагерларидаги ноинсоний шароитлар ҳақида хабар беради. Судауэн лагерига ташрифида у қарийб ўттиздан қирқ минггача, ўн беш ёшдан олтмиш ёшгача бўлган, тўйиб, чарчаб қолган туркистонликларнинг гувоҳи бўлган. Улар очликдан ва эпидемиядан вафот этишган. У, шунингдек, вазият ёмонроқ бўлган Эбенроде ва бошқа ҳарбий асирлар лагерларига ҳам борган[3].

Профессор Герхард вон Менде Варшава яқинидаги ҳарбий асирлар лагерига ташриф буюрди. У бошқалардан қатл қилиш учун ажратилган етти юзга яқин ҳарбий асирларни кўрди. Булар билимли туркий халқлар эди; Уларнинг аксарияти ўқитувчилар, муҳандислар, шифокор ва бошқалар бўлган. Вон Менде Германия разведка хизмати Абверга мурожаат қилиб, бу ҳарбий асирларни ўлдиришдан сақлаб қолиши мумкинлигини билдирган эди[4].

Шундай қилиб, собиқ Қизил Армия аскарлари ҳарбий асирларнинг энг кўп тоифаси эди; улар алоҳида ва қаттиқ назорат остида сақланган ҳамда уларга бўлган муносабат ниҳоятда шафқатсиз бўлган. Ўз мамлакатига керак бўлмаган одамлар фашистларга ҳам керак эмас эди.

Уруш тугагандан сўнг СССРга қайтган 1,5 миллион собиқ ҳарбий асирлар "Ватан хоинлари" деб эълон қилинган ҳамда ГУЛАГ ларга юборилган. Тахминан 180-200 минг нафар собиқ маҳбуслар СССРга қайтмаган ва улар эмигрантлар сафига қўшилганлар.

Совет маҳбусларининг СССРга қайтиши 1945 йилнинг баҳоридан бошланган. 18 апрел куни Америка ҳарбийлари Германзор пароходига денгиз орқали кўпчилик туркистонлик бўлган репатриантларни юборди. Улардан баъзилари Одессага келганида судсиз ва терговсиз отиб ўлдирилган. Нима бўлаётганини билиб, кўплаб совет маҳбуслари уларни СССРга қайтармасликни сўрашган. Совет маҳбуслари ватанларига қайтганларида уларни қандай тақдир кутаётганини яхши билишарди. Шу билан бирга улар кўпинча бошқа танловга эга эмас эдилар.

Иккинчи жаҳон уруши даврида асирга тушган Ўрта Осиёлик жангчилар “турклар” (туркистонликлар ва озарбайжонлар) деб айтилган[5].

Германиялик тадқиқотчи Герхард вон Менде сўзларига кўра, турк генералларининг ташрифи Совет аскарлари (Осттруппен) дан биринчи кўнгилли қўшинларни тузишда немис расмийларига катта таъсир кўрсатган. Вон Менде, ўз ҳисобларида, ташриф буюрганлар немисларга Биринчи жаҳон урушидаги каби Винсдорфда бўлгани каби "турк-исломий легион" тузишни таклиф қилишган. Аммо уларнинг талклифи инобатга олинмади, чунки фашистлар ҳар бир кавказ ва турк миллати учун алоҳида полклар қурдилар[6].

3. Тадқиқот натижалари:

Тарихшуносликда Париждаги советларга қарши эмиграциянинг таниқли арбоби Мустафо Чўқаев Туркистон легиони ва НКОТни тузишда фаол роль ўйнаган, деган фикрга қўшилиш мумкин эмас. Қозоғистонлик олим Б. Содиқованинг ёзишича, 1941 йил 22 -июн, Германия СССРга ҳужум қилган куни, 300 совет эмигрантлари, шу жумладан М.Чўқаев, Париж яқинида, Компен шаҳрида ҳибсга олинган ва унга уч ҳафта ўйлаб кўришга вақт берилган. 1941 йил 22 июндан 13 июлгача М.Чўқаевдан радио орқали Туркистон халқига

мурожаат қилиш сўралди. У немисларнинг бу талабини рад этиб, одамларнинг психологик ҳолати ва ўз ватанида узоқ вақт бўлмаганлиги сабабли минтақадаги вазиятдан бехабар эканлигини таъкидлайди. Олти ой ўтгач, у Берлинга кўчирилади. Унинг айтишича, концлагерларда сақланаётган туркистонлик маҳбуслар билан шахсан учрашмасдан туриб, у ҳеч қандай чора кўрмайди. Совет ҳарбий асирлари билан ишлаш учун махсус комиссия тузилди. Ҳар бир комиссия алоҳида гуруҳларда ишлади. Улар орасида Аҳмад Темир (Туркия), Алихон Кантемир (Доғистон), Абдураҳмон Шафи Ўлмас (Озарбайжон), шунингдек, туркистонликлардан Мустафо Чўқаев ва Вали Қаюмов бор эди. Суҳбатдаги мавзулардан бири немислар ва совет ҳарбий асирларидан Миллий Армия тузиш масаласи эди[1].

М.Чўқаев 1941 йил ноябрь ойида рафиқаси Мария Яковлевнага ёзган мактубида концлагерлардаги совет ҳарбий асирларининг қайғули аҳволи ва уларнинг юқумли касалликларга чалингани ҳамда тўйиб овқатланмаслик ҳолатлари ҳақида ёзган. У маҳбуслар орасида одамхўрлик ҳолатлари бўлганидан даҳшатга тушди. У Германия олий қўмондонлигига ёзган мактубида немислар ўзларини маданиятли халқ деб билишади, лекин уларнинг ваҳшийликлари XIII асрда Чингизхон қилган ҳаракатлардан даҳшатли. У уларга асирларни ҳайвонлар каби йўқ қилмасликни, балки улардан мақсадларига эришиш учун фойдаланишни маслаҳат берди[8]. Шундай қилиб, М.Чўқаевнинг фикрича, минглаб туркистонликларнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин эди.

У туркистонлик асирларни отиш ўрнига немисларга қуйидагиларни таклиф қилди:

янги Туркистон давлатида кейинчалик фойдаланиш учун Германия таълим муассасаларида малакали мутахассислар тайёрлаш;

маҳбуслардан ҳарбий тузилмаларни ташкил қилиш, лекин уларни фронтга юбормаслик шарти билан, чунки бу керакли натижани бермайди; улар ҳарбий операциялар ўз ватанлари чегараларига етганда, яъни Туркистонни Совет ҳокимиятидан озод қилиш мақсадида қўлланилиши мумкин.

Собиқ ҳарбий асир Ҳамза Абдулменнинг хотираларига кўра, М.Чўқаев ҳарбий асирлардан фойдаланишнинг бошқа усулини - уларни Германияда тамаки етиштириш учун Туркияда ишлатишни таклиф қилган[1].

Бироқ, тез орада М.Чўқаев тўсатдан тиф билан касалланиб қолади. У Берлиндаги Виктория касалхонасига ётқизилган ва 1941 йил 27 декабрда вафот этган. У Берлиндаги мусулмонлар қабристонига дафн қилинади.

Барбаросса режаси муваффақиятсизликка учраганидан сўнг, немислар уларни СССРга қарши урушда ишлатиш мақсадида совет асирларидан махсус ҳарбий қисмлар ("легионлар") ташкил қилдилар. Ҳатто, М.Чўқаев вафотидан олдин, 1941 йил 22 декабрда Вермахт қўмондонлиги Шимолий Кавказ, Озарбайжон, Арманистон ва Марказий Осиёда туғилган маҳбуслар легионини ташкил этиш тўғрисида буйруқ чиқарди. 1942-1943 йилларда. бундай легионлар сони қарийб 300 минг кишини ташкил этди ва 1944 йил бошига келиб бу рақам 1 миллион кишига етди[9]. Ҳаммаси бўлиб 1942–1943 йилларда. 14 та Туркистон, 8 та Озарбайжон, 7 та Шимолий Кавказ, 8 та грузин, 9 та арман, 7 та татар батальони тузилган. "Туркистон легиони" бўлинмаларида Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қорақалпоғистоннинг маҳаллий аҳолиси бор эди[9].

Германия армиясида биринчи Совет фуқаролари Hilfswillige (кўнгиллилар) номи билан танилган. Улар Германия армиясида ошпаз, ҳайдовчи, табиб ва ҳоказо бўлиб хизмат қилар эдилар. Улар кийган кийимлар, дастлабки босқичда, Қизил Армия кийимларидан фарқловчи белги бор эди. Бир мунча вақт ўтгач, улар немис армиясининг кийимларини кия бошладилар; улар фақат " Im Dienst der Wehrmacht (Германия армияси хизматида)" ёзуви билан ажралиб туриши мумкин эди. Бир неча ой ичида ёрдамчи “кўнгиллилар” сони қарийб юз минг кишига етди. Немис қўмондонлари бу одамларни турли вазифаларда "ўз ташаббуси билан" ишлатишган. Қизил Армиянинг собиқ аскарларини ишлатиш ғояси Вермахтда маъқулланмаган. Аммо Остминистериум ва Абвер буни қўллаб -қувватладилар[7].

Легионлар тузилиши Украина ва Польша ҳудудида амалга оширилди. 1942 йил август - сентябрь ойларида бошланган легионларни тузиш бўйича ҳаракатлар 1943 йил август - сентябрь ойларида якунланди.

Легионларни бошқариш учун миллий бирлашма қўмиталари тузилди. Германия Шарқ ишлари вазири Альфред Розенберг Совет Иттифоқини парчалаш лойиҳасини ишлаб чиқди. Шу мақсадда у собиқ миллат маҳбусларидан легионерлар миллий қўмиталарини тузди: украинлар, беларуслар, грузинлар, арманлар, озарбайжонлар ва туркистонликлар.

А.Розенберг Украина, Беларусия, Туркистон, Озарбайжон президентларини тайинлади. НКОТ 1942 йилда ташкил этилган. Уни Берлин қишлоқ хўжалиги университетининг собиқ талабаси, асли Тошкентлик, миллати ўзбек бўлган Вали Қаюмов бошқаради.

НКОТ радиоэшиттиришлари Вена (Австрия) дан Вали Қаюмов, Боимирза Ҳайитов, Саид Каримий, Эргаш Шермат, Вали Зуннун ва бошқалар томонидан олиб борилган.

1938 йилда репрессияга учраган шоир Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг "Гўзал Туркистон" деб ўзгартирилган "Гўзал Фарғона" номли шеъри НКОТ мадҳияси сифатида қабул қилинган. Бу шеър озодлик учун курашга чақирди ва ўз мамлакатини мустақил кўришни истаган легионерлар орасида жуда машҳур эди[10].

Туркистонлик легионерлар учун 1942 йилдан бошлаб НКОТ "Миллий Туркистон" ("Миллий Туркистон") журналини чиқара бошлади. Дастлаб тиражи 15 минг нусхада, кейинчалик 80 мингтагача ошди.Уруш даврида 63 та сон нашр этилган. Журналнинг бош муҳаррири Вали Қаюмов эди, у журналнинг биринчи сонининг таҳририятида: "Бизнинг йўл-оталар йўли, мустақиллик йўли", деб ёзган. Ҳар бир легионер журналнинг навбатдаги сони учун 1 марка миқдорида пул тўлаган. 1942-1945 йилларда НКОТ ёрдами билан ҳар чоракда "Миллий адабиёт" тўплами ва "Янги Туркистон" газетаси нашр этилди.

Собиқ Иттифоқи армиясининг ҳарбий асирларини фашистик армияга қўшилиши мураккаб, зиддиятли жараён бўлиб, Европа давлатлари халқларининг ҳамкорлигидан фарқ қилар эди. Биринчидан, совет ҳарбий асирлари махсус режимда сақланар эди, улар ҳар дақиқада ўлим хавфи остида эди, легион таркибига кирувчи легионерларга эса мунтазам овқат берилиб, дам олишга рухсат берилган ва ҳаёт учун қулай шароитлар яратилар эди. Улар кийимларини тоза сақлаш ва юришни ўргандилар, ҳатто уларга маош ҳам бериб борилган. Бу уларнинг аҳволини енгиллаштиришга, руҳий ва жисмоний азоблардан қутилишга ёрдам берди. Иккинчидан, шу тарзда, улар ўз ҳаётларини сақлаб қолиш умидига ва келажакка бўлган ишончга эга эдилар.

Бироқ, легионерлар орасида фашистлар Германиясининг кучини англаб, шахсий манфаатларини инобатга олган ҳолда, Туркистон легионига қўшилишни танқид қилганлар ҳам бор эди. "Туркистон легиони" нинг кўп аъзолари немислардан қочиб, кейинчалик ўз ватанларига қайтиш билан партизанларга ўтишни режалаштиришган. 1942 йил 3 октябрда Туркистон легиони таркибида жанг қилган Бергенов, Тулебаев ва Хасанов тўрт кунлик жангдан сўнг немислардан қочиб, партизанларга қўшилишди. Уларнинг айтишича, кўплаб легионерлар совет аскарларига ўтишни хоҳлашади. 370 кишидан иборат "Туркистон легиони" аскарлари Абдулла Отахонов бошчилигида 1943 йил сентябрда Речитса (Беларусия) партизанлари билан алоқа ўрнатдилар. 1944 йил январ ойида Файзиевнинг буйруғи билан Черногория партизанларига қарши курашга йўналтирилган "Туркистон легиони" нинг катта отряди (28 киши) фашистларни йўқ қилиб, партизанлар томонига ўтган[11].

"Туркистон легиони" нинг баъзи аъзолари Совет тузумига ва большевиклар ҳукумати томонидан ўтказилган қатағонларга қарши бўлганини инкор этиб бўлмайди. Уруш пайтида туркий халқлар вакиллари томонидан нашр этилган мақола, шеър ва бошқа асарларда большевиклар ва совет ҳукуматига қарши ғазаб мотивлари устунлик қилган, чунки ўзбек миллатининг кўплаб вакиллари "қизил террор", коллективлаштириш ва тасарруф этиш каби кампаниялар гувоҳи бўлган. Улар 1937-1938 йиллардаги қатағон даврида қандай бўлганини ўз кўзлари билан кўришган. уларнинг қариндошлари, устозлари ва ҳамкасблари ҳалок бўлди.

Ва бу ҳис -туйғулар билан улар фронтга юборилди. Шунинг учун ҳам улар "Туркистон легиони" га кириб, ҳеч бўлмаганда фашистлар Германияси тарафида жанг қилиб, ўз Ватанининг адолати ва мустақиллигини тикламоқчи бўлишган. Аммо улар Германия ҳукмронлиги остида ўз ватанларини озод қилиш хаёлотдан бошқа нарса эмаслигини тушунишмади. Фашистик Германиянинг асл мақсади хорижий давлатларни босиб олиш, бойликларни талон -тарож қилиш, бошқа миллат вакилларини йўқ қилиш, тирик қолганларни қулга айлантириш, яъни жаҳон цивилизациясини ғайриинсоний усуллар билан йўқ қилиш ва жаҳон гегемонлиги эди. Бу мақсадларга эришиш учун Германияга бошқа миллат вакилларидан тузилган ҳарбий қисмлар керак эди. 1944 йил охирига келиб "Туркистон легиони" нинг аскар ва офицерлари сони 181 402 нафар кишини ташкил этди; Ҳарбий кийим кийган ва ишчилар батальонларида хизмат қилганлар яна 85 592 нафар кишини ташкил қилган. Ҳаммаси бўлиб 1944-1945 йилларда 266994 та легионер "Туркистон легиони" да хизмат қилган. Легион таркибидаги полклар, батальонлар, компанияларни туркистонликларнинг ўзлари бошқарган, лекин энг юқори қўмондонлик немислар қўлида қолган[12].

"Туркистон легионлари" Италия, Югославия, Польша, Франция, Германиядаги ҳарбий ҳаракатларда қатнашдилар. Совет Иттифоқи ҳудудида улар Беларус, Украина, Орёл ва Брянск вилоятлари ва Қримда жанг қилишган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1943 йилда Германия қўмондонлиги "Туркистон легиони" нинг ҳарбий қисмларини Шарқий фронтдан Ғарбга, Франция ва Италияга ишончсиз бўлганлиги учун ўтказди. Совет Иттифоқига қарши курашганларни "қора фашистлар" деб аташди, агар улар қўлга олинса, ўша ерда отишди. 1944 йил охирига келиб, жангларда 65 минг легионер ҳалок бўлди, 900 киши партизанлар томонига ўтган[13].

"Туркистон легиони" ҳарбий қисмларида разведка ходимлари, диверсантлар, хавфсизлик хизматлари, қурувчилар, хўжалик бўлинмалари бор эди. Мажид Икромов, Йўлчи Охунбоев, Наим Тўра, Мўмин Бўри, Қодирқул Эгамқулов, Маҳмуд Туркканов, Маннон Махкамовлар таълим олган ва "Туркистон легиони" радио разведка курсларида хизмат қилган. Мағлуб бўлиш арафасида фашистлар Германияси раҳбарияти Туркистон легионини "Туркистон давлати" миллий армияси сифатида расман тан олди. Марказий Осиёдан келган муҳожирлар, айниқса собиқ легионерлар, Туркиядан сиёсий бошпана сўраган. Туркияда яшаган ўзбек муҳожирлари раҳбарлари ва Туркистоннинг собиқ талабалари ВКИдан ёрдам сўраган Вали Қаюмовни жуда совуқ кутиб олишди. Улар Мустафо Чўқаевнинг ўлими ҳақидаги хабарга ишонишмади. Собиқ совет ҳарбий асирлари легионерлари ўз тақдирларини Германиянинг Розенхайм, Миттенвалд, Франкфурт-Майн, Фелдкирхин, Мюнхен шаҳарларидаги қочқинлар лагерларида кутишди. Расмий рухсат олмаган ҳолда, собиқ легионерларнинг бир қисми Туркияга яшаш учун кетган. Манисда яшаган собиқ легионерлар орасида Каршибой Хўжа Намангоний, Абдусамад Ўратепа, Эргаш Хўжам, Эргаш Тошкентли, Тошенбет, Умарали Кучар, Аҳмад Шариф ва Абдулаҳад Бошқирд каби машҳурлар бор эди. Бундан ташқари, Туркистон легионининг тирик қолган баъзи аъзолари Ғарбий Европа ва АҚШдан бошпана сўраган. Шарқий Европа мамлакатлари СССР таъсири остида бўлганини ҳисобга олиб, қочқинлар Ғарбий Европа мамлакатларидан бошпана излашга мажбур бўлдилар. НКОТ ва "Туркистон легиони" нинг собиқ аъзолари Ғарбий Германиядаги Мюнхен, Дюсселдорф, Кёлн, Бонн каби шаҳарлардан яшаш учун жой топдилар. УБТнинг нуфузли шахсларидан (Вали Қаюмов, Боймирза Ҳайит ва бошқалар) Германияда бўлиб, ўз қарашларини туркистонлик муҳожирлар орасида тарғиб қилишган. Германияда мингга яқин ўзбеклар яшаган (1973). Асосан, булар Иккинчи жаҳон уруши пайтида асирга олинган, ва ўз ватанига қайтмаганлар ҳисобланган. 1950 йилларда НКОТ аъзолари ва Туркистон легионининг 12 нафар фахрийси АҚШда истиқомат қилиб, "Америка Овози" ва "Свобода" радиостанцияларида ишлашган.

4.Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин туркистонлик ҳарбий асирларнинг тақдири бошқача тарзда кечган. Агар фашистик Германия СССР

устидан ғалаба қозонган бўлса ҳам, у барибир маҳбусларнинг ҳаётини қурбон қилган бўларди, шунинг учун ҳам Туркистон легиони, НКОТ ва шунга ўхшаш ташкилотлар фаолияти ҳеч қандай тарихий истиқболга эга эмас эди. Таъкидлаш лозимки, Иккинчи жаҳон урушидан кейин собиқ туркистонлик ҳарбий асирларнинг асосий қисми чет элдан, яъни АҚШ ва Туркиядан бошпана топган эди. Дарҳақиқат, келажакда НКОТ фаолияти, "Туркистон легиони"нинг ташкил этилиши ва фаолияти тарихи, уларнинг миллий ташкилотлари ва босма нашрлари, шунингдек, маҳаллий аҳоли ҳаёти ва фаолиятини диққат билан ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Хайитов Ш. А. Историческая судьба туркестанских военнопленных второй мировой войны // «Метаморфозы истории» Научный альманах . Выпуск 6. 2015 г. – С.53.((Xayitov Sh. A. Istoricheskaya sudba turkestanskix voennoplennyx vtoroy mirovoy voyny // «Metamorfozy istorii» Nauchnыy almanax. Issue 6. 2015 - P.53.)
2. История второй мировой войны 1939–1945 гг. В 12 тт. Т. 5. М., 1975.С. 166–167. (History of the Second World War 1939-1945. In 12 volumes. T. 5.M., 1975. 166-167.)
3. Halil Burak Sakal. Germany and Turkestanis during the course of the World war II (1941-1945). – Ankara, 2010. – Pp.75
4. Halil Burak Sakal. Germany and Turkestanis during the course of the World war II (1941-1945). – Ankara, 2010. – Pp.77
5. Halil Burak Sakal. Germany and Turkestanis during the course of the World war II (1941-1945). – Ankara, 2010. – Pp.76
6. Halil Burak Sakal. Germany and Turkestanis during the course of the World war II (1941-1945). – Ankara, 2010. – Pp.78.
7. Halil Burak Sakal. Germany and Turkestanis during the course of the World war II (1941-1945). – Ankara, 2010. – Pp.84
8. Садыкова Б. История «Туркестанского легиона» в документах. Алматы, 2002. – С.61.(Sadykova B. History of the "Turkish Legion" in the documents. Almaty, 2002. - P.61).
9. Хайитов Ш. А. Историческая судьба туркестанских военнопленных второй мировой войны // «Метаморфозы истории» Научный альманах. Выпуск 6. 2015 г. – С.59. (Xayitov Sh. A. Istoricheskaya sudba turkestanskix voennoplennyx vtoroy mirovoy voyny // «Metamorfozy istorii» Nauchnыy almanax. Issue 6. 2015 - P.59.)
10. Хайитов Ш. А. Историческая судьба туркестанских военнопленных второй мировой войны // «Метаморфозы истории» Научный альманах. Выпуск 6. 2015 г. – С.61. (Xayitov Sh. A. Istoricheskaya sudba turkestanskix voennoplennyx vtoroy mirovoy voyny // «Metamorfozy istorii» Nauchnыy almanax. Issue 6. 2015 - P.61.)
11. Хайитов Ш. А. Историческая судьба туркестанских военнопленных второй мировой войны // «Метаморфозы истории» Научный альманах. Выпуск 6. 2015 г. – С.62. (Xayitov Sh. A. Istoricheskaya sudba turkestanskix voennoplennyx vtoroy mirovoy voyny // «Metamorfozy istorii» Nauchnыy almanax. Issue 6. 2015 - P.62.)
12. Хайитов Ш. А. Историческая судьба туркестанских военнопленных второй мировой войны // «Метаморфозы истории» Научный альманах. Выпуск 6. 2015 г. – С.63. (Xayitov Sh. A. Istoricheskaya sudba turkestanskix voennoplennyx vtoroy mirovoy voyny // «Metamorfozy istorii» Nauchnыy almanax. Issue 6. 2015 - P.63.)
13. Садыкова Б. История «Туркестанского легиона» в документах. Алматы, 2002. – С.64. (Cadykova B. History of the "Turkish Legion" in the documents. Almaty, 2002. - P.64.)
14. ЎзМА. Р-2661-фонд, 1-рўйхат, 88-иш.41 -варақ. (UzNA. R-2661-fund, 1st list, 88-ish.41 sheet)
15. ЎзМА. Р-2822-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 149-варақ.(UzNA. R-2822 Fund, List 1, Case 8, Sheet 149.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Равшан Бердимуратович Сиддиқов,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
доценти, тарих фанлари номзоди
E-mail:ravsidd@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЗАМОНАВИЙ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ

For citation: Ravshan B. Siddikov, MODERN FOREIGN HISTORIOGRAPHY OF THE REFORM OF THE HIGHER EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.459-465

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-63

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон олий таълим тизимининг ислоҳ қилишни замонавий хорижий тарихшунослиги масалаларига бағишланган ўзбекистонлик ҳамда хорижлик мутахассисларни мақолалари, китоблари ва рисолалари таҳлил қилинган. Халқаро ва нодавлат ташкилотлар, илмий марказлар томонидан ислоҳотларни бориши,босқичлари ва соҳадаги муаммолар кўрсатилган ҳисоботлар ва маърузалар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Олий таълим, ислоҳот, хорижий тарихшунослик, кадрлар тайёрлаш, таълим сифати, квота, молиялаш, икки босқичли тизим, миллий дастур, илмий салоҳият, коррупция, интеграция.

Равшан Бердимуратович Сиддиков,
кандидат исторических наук, доцент
Национального Университета Узбекистана
им. Мирзо Улугбека
E-mail: ravsidd @ mail.ru

СОВРЕМЕННАЯ ЗАРУБЕЖНАЯ ИСТОРИОГРАФИЯ РЕФОРМИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются статьи, книги и брошюры узбекских и зарубежных специалистов посвящённых вопросам реформирования системы высшего образования Узбекистана в современной зарубежной историографии. Рассматриваются доклады и отчеты международных и неправительственных организации, научных центров о ходе реформ, этапах и проблемах в этой области.

Ключевые слова: высшее образование, реформа, зарубежная историография, подготовка кадров, качество образования, квота, финансирование, двухступенчатая система, национальная программа, научный потенциал, коррупция, интеграция.

Ravshan B. Siddikov,
Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
of the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek
E-mail: ravsidd@mail.ru

MODERN FOREIGN HISTORIOGRAPHY OF THE REFORM OF THE HIGHER EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

The article analyzes articles, books and brochures of Uzbek and foreign specialists on the reform of the higher education system of Uzbekistan on the issues of Modern foreign historiography. Reports and conclusions on the progress of reforms, stages and problems in the field have been reviewed by international and non-governmental organizations, scientific centers.

Index Terms: higher education, reform, foreign historiography, personnel training, quality of education, quota, financing, two-stage system, national program, scientific potential, corruption, integration.

1. Долзарблиги:

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ва эришилган натижалар шунингдек, юзага келган муаммоларларни тадқиқ этишга бўлган қизиқиш нафақат мамлакатимиз тадқиқотчилари, шунингдек, хорижий кўплаб ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари ва халқаро ташкилотлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Ўзбекистонда 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни ҳаётга татбиқ этилиши натижасида узлуксиз таълимнинг асосларини яратилиши ҳамда замонавий олий таълим тизимини шаклланиши мамалакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида маълум аҳамият касб этди. Айни вақтда Олий таълим ва кадрлар тайёрлашда ижобий ўзгаришлар билан бирга соҳасини ривожланиши замон талабларидан орқада қолди ва малакали кадрлар тайёрлаш сифати ҳамда педагогик кадрлар салоҳияти билан боғлиқ муаммолар вужудга келди. Бинобарин, глобаллашув даврида таълимни жамиятни барча жабҳаларини инновацион ривожланишидаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда,шуниндек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишда, сўнгги беш йил олий таълим сифатини оширишга қаратилган туб ислоҳотлар ва муҳим қарорлар даври бўлди, натижада жадал ривожланаётган халқаро ҳамкорликдаги унинг муҳим роли, жаҳон таълим маконига интеграциялашуви долзарблиги бир неча бор ўсди. Дархақиқат, босиб ўтилган йўлни танқидий таҳлил қилиш, ушбу мавзуни тарихшунослигини ўрганиш хозирги кунда долзарб ҳисобланади.

2.Метод ва ўрганилганлик даражаси:

Ўзбекистонда олий таълим ислоҳотларининг боришини хорижий тарихшунослигини ёритишда материалларни танлаш ва таснифлаш, фактлар, фикр ҳамда хулосаларни қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, тарихийликнинг бардавомлиги методидан фойдаланилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан Ўзбекистонда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Ушбу мавзунинг назарий ва амалий томонларини ўрганишга бағишланган бир нечта рисола ва мақолалар ёзилди. Шулар жумласига Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, Р.Аҳлиддинов, М.Саидов, Л.Аллаев, Д. Васиева, Р.Уразбаева, С.Каримбеков, Р.Сиддиқов ва

бошқаларнинг олий таълимни ислоҳ қилишни долзарб масалаларини тадқиқ этган илмий ишларни киритиш мумкин. Юқорида санаб ўтилган олимларни ишларида асосан Ўзбекистонда олий таълимни ислоҳ қилишни умумий масалалари ўрганилган[1].

3.Тадқиқот натижалари:

Хорижда эълон қилинган бевосита мустақил Ўзбекистонда олий таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида амалга оширилган ислоҳотларни ўрганишга бағишланган инглиз тилида яратилган илмий тадқиқотларни шартли равишда иккита гурухга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ - хорижда турли илмий марказлар ва халқаро ташкилотлар томонидан тайёрланган илмий ва илмий-оммабоп асарлар бўлиб Ўзбекистонда олий таълим тизимида олиб борилган ислоҳотларни моҳияти ва натижаларини тадқиқ этишда ҳамда соҳада бўлган ўзгаришларни холис ёндошув асосида таҳлил қилишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин[2]. Жаҳон банки томонидан 2007 йилда нашр этилган “Марказий Осиёда олий таълим: модернизациялаш вазифалари” деб номланган тадқиқотда Қозоғистон, Қирғизстон, Тожикистон ва Ўзбекистонда пост совет даврида олий таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ва ўзгаришларни ўрганишга бағишланган дастлабки таҳлилий асар ҳисобланади. Марказий Осиёда охирги ўн йилликларда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётда содир бўлган ўзгаришлар, қайд этилган давлатлар таълим тизимига янгича талабларни шакллантирди. Ўтиш даври иқтисодиётини модернизациялашда таълим ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш умумэътироф этилган хақиқатга айланди. Маълумки, таълим жамиятни барқарор ривожланишида, уни иқтисодий қудратини ва турмуш даражасини ўсишида муҳим аҳамиятга эга. Билимга асосланган иқтисодиётни шакллантириш илғор таълим тизими ва юқори малакали кадрларни тақазо этади.

Марказий Осиё давлатлари олий таълим тизимини янгилашда ўтиш даврида мураккаб вазиятга дуч келди. Иқтисодий қийинчиликлар, молиялашни қисқарганлиги, кадрлар сифатини пасайиши, унинг меҳнат бозори эҳтиёжларига мос эмаслиги ҳамда кам таъминланган аҳоли қатламларини олий таълим олишда имкониятларини чекланиши шулар жумласидандир. Шундай вазиятда Қозоғистон, Қирғизстон, Тожикистон ва Ўзбекистон ўз эҳтиёжлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб олий таълим соҳасида ислоҳотларни бошладилар.

Жаҳон банки ва маҳалий экспертлар гурухи томонимдан тайёрланган ҳисоботда олий таълим соҳасида ислоҳотларни кўлами ва бориши, ўзига хос хусусиятлари ҳамда натижалари акс эттирилган. Экспертлар бевосита Ўзбекистонда олий таълимни мустақиллик арафасидаги аҳволи ва мустақиллик йилларида уни янги шароитга мослаштиришга қаратилган дастлабки тадбирлар ҳамда соҳа олдидаги долзарб масалаларга ўз эътиборини қаратган бўлиб олий таълимни ташкил қилиш, бошқариш ва режалаштириш, шунингдек барча учун олий таълим олиш имкониятлари қай даражада яратилганлиги тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни ҳаётга татбиқ этилиши натижасида – икки босқичли замонавий таълим тизими яратилди. Шундай бўлсада тадқиқотда таъкидланганидек олий таълим муассасаларига қабул квоталари йиллар давомида ўзгаришсиз қолганлиги, профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоялашга ва илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришга етарлича эътибор берилмаганлиги, илмий салоҳиятга ва тайёрланаётган кадрлар сифатига салбий таъсир кўрсатди. Меҳнат бозори ва олий таълим ўртасидаги алоқалар паст даражада бўлганлиги, буюртмачилар томонидан кадрларга аниқ талабларнинг қўйилмаганлиги, давлат таълим стандартларини жорий қилишда ва олий таълим муассасаларида таълим сифатига баҳо беришда нодавлат ташкилотларнинг жалб қилинмаганлиги, республика олий таълим тизимини жаҳон таълим маконига глобаллашув шароитида интеграциялашуви ва халқаролашувига йўл бермади. Ўзбекистон мисолида шуни кўриш мумкинки, ўтган даврда профессор – ўқитувчилар таркиби тез қексайиб борди, лекин кадрлар сиёсатида узвийликни ҳамда тизимли ёндошув ва рағбатлантиришни йўқлиги олий таълимда ёш авлод кадрларни улушини фақат қисқариб боришига олиб келди.

Айтиш мумкинки, Жаҳон банки экспертлари томонидан мустақилликни дастлабки ўн йиллигида Ўзбекистон олий таълим тизимида бўлган ўзгаришларга ва амалга оширилган ислоҳотлар натижасида вужудга келган аҳволга бой статистик маълумотларга асосланган ҳолда холис баҳо берилган ва хисобот илмий тадқиқотларда кенг фойдаланишга лойиқ.

Кейинги тадқиқот Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Ривожлантириш Дастурининг Ўзбекистондаги офиси томонидан тайёрланган таҳлилий тавсиянома 2007-2008 йиллардаги инсон тараққиётига оид Миллий маърузаси доирасида яратилган[3].

Тавсияномада қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” асосида Ўзбекистон олий таълим тизимида амалга оширилган ислоҳотларга қарамасдан ўз ечимини кутаётган кўплаб муаммолар мавжудлиги таъкидланган.Олий таълимни давлат томонидан бошқаришдаги монополияси ва рақобатнинг йўқлиги, олий ўқув юртларида таълим потенциалини яхшилашга ёрдам бериши мумкин бўлган таъсирчан рағбатлантириш воситалари ва омиллари яратилишини жиддий қийинлаштиргани кўрсатилган. Шунингдек буларни барчаси ўқув юртларини меҳнат бозори эҳтиёжларига тезкор мослашишига халақит берди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини жорий қилишда асосий эътиборни 12 йиллик мажбурий таълимни ва янги ўрта махсус касб хунар таълимини шакллантиришга берилганлиги, олий таълимни моддий техника базасини етарлича молиялаштирилмаганлиги, соҳани ночор аҳволга тушиб қолишига ва замон талабларидан орқада қолишига олиб келди. Тавсияномада таъкидланганидек олий ўқув юртларини худудий жойлаштиришдага номутаносиблик мехнат ресурсларини ва мамлакатни иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қилди. Қўшни Марказий Осиё давлатларида олий ўқув юртлари ва талабалар сони мутасил ўсиб борган булса, ҳамда нодавлат хусусий таълим муассасаларига йўл очиб берилган бўлса, Ўзбекистонда аксинча ушбу масалалар эътибордан четда қолганлиги кўрсатилган. Юқорида қайд этилган камчиликлардан келиб чиқиб Ўзбекистон олий таълим тизимини самарадорлигини ва рақобатбардошлигини замон талаби даражасида бўлишига қаратилган таклиф ва тавсиялар ҳам хужжатда ўз аксини топган.

Ўзбекистонда олий таълимни модернизация қилишга бағишланган, охирги йилларда жоп этилган тадқиқотлар орасида Жаҳон банки экспертлари томонидан 2014 ҳамда 2018 йилда ва ундан кейинги йилларда Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Erasmus + миллий офиси томонидан тайёрланган хужжатлар ўзининг кенг қамровлиги билан бошқаларидан фарқ қилиб XX1 асрни биринчи ўн йилликларида соҳада бўлган ўзгариш ва муаммоларни акс эттирган[4]. Ҳужжатларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар натижасида юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини ошганлиги ва уни қондиришда олий таълимни тутган ўрни ҳамда кадрлар салоҳиятини мамлакатни рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган. Шу билан бирга олий таълимга объектив баҳо берилиб ундаги асосий тизимли камчиликлар ва уларни келиб чиқиш сабаблари тахлил қилинган.

Қуйидагилар шулар жумласидандир;

- Олий таълим олиш имкониятларини чекланганлиги ва битирувчиларни билим ва кўникмалари сифатини талабга жавоб бермаслиги:
- Ўзбекистон иқтисодиётини олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини юқорилиги ва уларни етишмаслиги, талаб ва таклиф мутаносиблиги:
- Олий таълимни бир вақтда бир нечта давлат органлари томонидан бошқарилиши (бир бирини такрорлаш) ягона марказни йўқлиги ва университетлар автономлиги ва молиявий эркинлигини чекланганлиги:
- Олий ўқув юртларида давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан таълим сифатини назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш уни халқаро стандартларга мослаштириш:
- Таълимга давлат бюджетидан ажратиладиган харажатлар ИЯМ 8% ташкил қилган ҳолда олий таълимга бор-йўғи уни 0,4фоизи ажратилди.Бу дунёдаги энг паст кўрсатгич ҳисобланади.Ваҳоланки солиштириш мумкин бўлган давлатларда олий таълимга умумий харажатларни 20 фоизи ажратилган.

- Олий таълим муассасаларида таълим сифатининг пастлиги уларда порахўрликнинг авж олиши ва бунинг натижасида мутахассисларни тайёрлаш сифатининг пасайиши ва битирувчиларнинг ўз касбини яхши билмаслигига олиб келди.

Шундай қилиб юқорида келтирилган далиллардан келиб чиқиб Ўзбекистон олий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими инновацион иқтисодиёт талабларига мос ҳолда моденизация қилишга мухтож деган хулоса берилди. Айни вақтда ушбу хулосаларни қанчалик тўғри эканлигини ҳаётни ўзи исботламоқда.

Иккинчи гурух адабиётларига мавзуга оид, тадқиқотчилар томнидан хорижда инглиз тилида чоп этилган мақолаларни киритиш мумкин[5]. Хорижлик тадқиқотчилар томонидан тайёрланган дастлабки мақола Ж, Вейдман ва Б. Йодер қаламига мансуб бўлиб постсовет даврида Мўғилистон ва Ўзбекистонда Совет иттифоқи инқирозидан кейинги ўтган 20 йилда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларни таълим соҳасидаги ислоҳотларга кўрсатган таъсири таҳлил қилинган.

Тадқиқотда қайд этилган давлатларда таълимни ислоҳ қилишга қаратилган ташаббуслар, жумладан, ҳуқуқий-меъёрий, молиявий, тузулмавий ҳамда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб ўқув режа ва дастурларда таълимни барча бўғинларида амалга оширилган ўзгаришлар солиштирилган ва қиёсланган. Шунингдек, ҳар бир давлатни ўзига хос хусусиятлари ва эҳтиёжлари ислоҳотларни амалга оширишда қай даражада самарали бўлгани кўрсатилган. Ўзбекистон олий таълим тизимида 1997 – 2001 йилларда туб концептуал ўзгаришлар бўлганлигига қарамасдан университетларда мустақилликни йўқлиги, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида ҳамкорликни паст даражада бўлганлиги олий таълимда жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Айниқса, Олий таълимни бошқарувида назорат қилувчи ташкилотлар ва турли вазирликлар (20дан ортиқ) ҳаддан ташқари кўплиги уни ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Айтиш мумкинки мақолада Ўзбекистонда олий таълимни ислоҳ қилишда йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг сабаблари маълум даражада очиб берилган.

Ўзбекистонлик ва хорижлик олимлар томонидан тайёрланган мақолаларда Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан кейинги даврда Ўзбекистонд олий таълим тизимида амалга оширилган ислоҳотлар, юзага келган муаммолар атрофлича таҳлил қилинган[6].

Тадқиқотларда тарихий экскурс қилинган ва мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар, уларнинг натижалари ўз аксини топган бўлиб, олий таълим соҳасида давлат томонидан амалга оширилган сиёсат, ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари ёритилган. Ўзбекистонда 1997 йилда “ Таълим тўғрисидаги қонун” ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши мамлакатда замонавий ўзликсиз таълим тизимининг шаклланишини бошлаб берди. Натижада бозор иқтисодиётига асосланган янги жамият қуриш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашга қўйиладиган талабларни инобатга олган ҳолда ислоҳотларни меъёрий – ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқилди ва олий таълимда таркибий ўзгаришлар бўлди. Лекин тадқиқотда таъкидланидек давлат томонидан олий таълимни бошқаришда эскича ёндашув ва мутасадди ташкилотлар томонидан йўл қўйилган хатолар ва чекловлар, олий таълимни моддий техника базасини мустаҳкамлашга етарлича эътибор берилмаганлиги, мамлакатдаги демографик ўсишни ва кадрларга бўлган эҳтиёжни назардан четда қолиши ҳамда тайёрланган кадрлар сифатини талабга жавоб бермаслиги, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Ҳозирги кунда олий таълим тизимида жадал суратлар билан жаҳон таълим маконига интеграциялашув бошланди. Европа тадқиқотлари халқаро журналида эълон қилинган мақола шу долзарб масалани ўрганишга бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистондаги олий таълимнинг ҳозирги ҳолати ва республикада иннвацион муҳит яратишда Болонья жараёнининг роли, таълимнинг халқаролашуви ва дунё илғор тажрибасини жорий қилиш масалалари ўз аксини топган [7, pp 23-26].

Шунингдек, айни пайтда Ўзбекистон олий таълим тизимидаги муаммолар ва Болония жараёнини мамлакатда жорий қилишдаги ўзига хос хусусиятлар ва қийинчиликлар ҳақида гап боради. Айни вақтгача МДҲ давлатларидан еттитаси Болонья жараёнига қўшилган

бўлиб, уларни бу йўналишдаги тажрибаларини ўрганиш Ўзбекистоннинг жаҳон таълим маконига қўшилишида ва Болонья жараёнини айрим элементларни тадбиқ этишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Чунончи 2020 – 2021 ўқув йилдан бошлаб Ўзбекистоннининг бир нечта олий ўқув юртларида кредет – модул тизими жорий этилди. Бундан асосий мақсад уқув жараёнини ва олий малакали кадрлар тайёрлашни халқаро талаблар даражасига кўтаришдир.

4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, хорижда чоп этилган тадқиқотларда Ўзбекистон олий таълим тизимида амалга оширилган ислоҳотлар атрофлича ўрганилган ҳамда уни натижаларига холисона баҳо берилган, хориж тажрибасидан келиб чиқиб соҳа олдида турган муаммолар ва уларни ечими кўрсатилган. Ҳаракатлар стратегияси асосида олий таълимни янада такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишда хорижий тадқиқотлар натижаларидан унумли фойдаланиш, Ўзбекистонда олий таълимни замон талаблари асосида инновацион ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб хозирги кунда хаётга татбиқ қилинаётган 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ўз аксини топди. Шунингдек, мамлакат олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан бири ижодий ва тизимли фикрловчи мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, олий таълим тизимининг инвестиция учун жозибадорлигини кучайтириш ҳамда таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепциясини босқичма-босқич жорий этиш бошланди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Аллаев Л.Содействие реформированию системы высшего образования в Узбекистане.Ташкент,2000; Курбанов Ш.,Сейтхалилов Э.Национальная модель и программа по подготовке кадров-достижение и результат независимости Узбекистана.Ташкент:Шарк,2001;Ахлиддинов Р.,Саидов М.Управление образованием в Узбекистане.Ташкент.1999;Саидов М.Узбекистан: инвестиции в человеческий капитал,партнерства в сфере образования. М.,2006; Каримбеков С.Интеграционные процессы в развитии системы высшего образования в Узбекистане. Дисс...докт.пед.наук. Ташкент,2010; Васиева Д.Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда университет таълимининг шаклланиши ва ривожланиши :тажриба ва муаммолар (1991-2001й.). Тарих фан.номз...дисс.автореф.Тошкент,2008., Уразбаева Р.История образования в Каракалпакстане(последняя четверть XIX-начало XXIвека) Ташкент: Янги нашр, 2011., Сиддиқов Р. Reforms In The Higher Education System Of Uzbekistan: Problems Of Transformation. Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol. 27, No. 1, 2021, pp 399-412. , ва бошқалар.
2. Brunner J. J. and Tillet A. Higher Education in Central Asia: the Challenges of Modernization. Washington D.C.: World Bank,2007.., UNDP. Higher Education in Uzbekistan: Structure, Developments and Reform Trends. Tashkent: UNDP.Uzbekistan, 2009. Representative https://www.uz.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/UN-Publications/PB_Education/un_uzb_PB_education_eng.pdf., World Bank. Uzbekistan: Modernizing Tertiary Education. Report No 88606-UZ. Washington D.C.: World Bank, 2014., Overview of the Higher Education System Uzbekistan. https://eacea.ec.europa.eu/sites/eacea-site/files/countryfiche_uzbekistan_2017.pdf, World Bank. Uzbekistan Education Sector Analysis Final Report. December 27, 2018. http://www.worldbank.org/
3. UNDP. Higher Education in Uzbekistan: Structure, Developments and Reform Trends. Tashkent: UNDP Uzbekistan, 2009. Representative

https://www.uz.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/UN-Publications/PB_Education/un_uzb_PB_education_eng.pdf

4. World Bank. Uzbekistan: Modernizing Tertiary Education. Report No 88606-UZ. Washington D.C.: World Bank, 2014., Overview of the Higher Education System Uzbekistan. https://eacea.ec.europa.eu/sites/eacea-site/files/countryfiche_uzbekistan_2017.pdf, World Bank. Uzbekistan Education Sector Analysis Final Report. December 27, 2018. http://www.worldbank.org/
5. Weidman J. and Yoder B. Policy and Practice in Education Reform in Mongolia and Uzbekistan During the First Two Decades of the Post-Soviet Era. Excellence in Higher Education. 2010, 1: pp 57–68.
6. Majidov, T., Ghosh, D., & Ruziev, K. (2010). Keeping up with revolutions: Evolution of higher education in Uzbekistan. Economic Change and Restructuring, 43, pp 45–63.10.1007/s10644-009-9077-5., Gulzhan Azimbayeva Comparing post-Soviet changes in higher education governance in Kazakhstan, Russia, and Uzbekistan., https://doi.org/10.1080/2331186X.2017.1399968 Ruziev, K., & Rustamov, D. (2016). Higher education in Uzbekistan: Reforms and the changing landscape since independence. Economics Working Paper Series, 1604, pp 1–27., Ruziev K. and U. Burkhanov. 2016. Higher Education Reforms in Uzbekistan: Expanding Vocational Education at the Expense of Higher Education? Higher Education in Russia and Beyond 2: 14–15. HERB Issue 2(8) Summer 2016 Higher Education Landscape in Post-Soviet Countries: 25 Years of Changes.
7. Zukhra Abdukarimova. The problems of implementing the Bologna Process in the Higher Education system of Uzbekistan. International journal of European Studies. Vol. 3,№ 1\, 2019, pp 23-26.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Хуршида Тиллаходжаева,
Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси,
Ислом Каримов номли Тошкент давлат
техника университети
trhurshida@bk.ru

ФУҚАРОЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЛИМЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР (УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ, УЛАРНИ ЯРАТИЛИШИДАГИ МУАММОЛАР) ХУСУСИДА

For citation: Khurshida Tillahodjaeva, ON ORGANIZATIONAL AND LEGAL MEASURES FOR THE CREATION OF CIVIL REGISTRATION OFFICES (THEIR IMPORTANCE, PROBLEMS IN THEIR CREATION). Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.466-474

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-64

АННОТАЦИЯ

Мақолада 1918-24 йилларда Туркистонда фуқаролик холати далолатномаларини рўйхатга олиш бўлимларини ташкил этиш ва бу борада олиб борилган сиёсат, муаммолар ва уларни ечишдаги жиддий қийинчиликлар масаласи ёритилган.

Совет ҳокимияти даврида 1918 йилда қабул қилинган фуқаролик холати далолатномалари тўғрисидаги қонун Кодексини фуқароликни рўйхатга олиш бўлимларини тузиш учун ташкилий-ҳуқуқий чора сифатида кўрилади. Шу билан бирга республикада ушбу соҳада жадал ўзгаришларни амалга оширишда ички ишлар комиссарлигининг алоҳида ўрни бор эди.

Туркистоннинг туб аҳолиси орасида эса кенг тарқалган фақат диний никоҳлар ва ажралишларни олдини олиш ва қонуний тус олишини ташкил этишни муваффақияти кўп жиҳатдан ФҲДЁ бўлимларининг ўз вақтида ташкил этилиши ва тўғри фаолият юритишига боғлиқ эди.

Калит сўзлари: совет ҳокимияти, ФҲДЁ, Ички ишлар Комиссарлиги, мулла, қори, қози, бий, Адлия Халқ Комиссарлиги, Кодекс, черков, руҳонийлар, шариат, якканикоҳлик.

Хуршида Тиллаходжаева,
Старший преподаватель кафедры истории Узбекистана,
Ташкентский государственный технический
университет имени Ислама Каримова
trhurshida@bk.ru

ОБ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ МЕРАХ ПО СОЗДАНИЮ ОТДЕЛЕНИЙ РЕГИСТРАЦИИ ГРАЖДАНСКОГО СОСТОЯНИЯ (ИХ ЗНАЧЕНИЕ, ПРОБЛЕМЫ ПРИ ИХ СОЗДАНИИ)

АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается о создании в Туркестане ЗАГСов в 1918-24 гг. И проводимой в этом отношении политике, проблемах и серьезных трудностях в их решении**.**

Кодекс законов о гражданском состоянии, принятый в 1918 году в советское время, рассматривается как организационная и правовая мера для создания подразделений регистрации гражданства. В то же время Наркомат внутренних дел играл особую роль в проведении быстрых изменений в этой сфере в стране.

Успех предотвращения и легализации религиозных браков и разводов, широко распространенных среди коренного населения Туркестана, во многом зависел от своевременной организации и надлежащего функционирования органов ЗАГСа.

Ключевые слова: советское правительство, ЗАГС, Комиссариат внутренних дел, мулла, кори, кази, бий, Наркомат юстиции, Кодекс, церковь, священники, шариат, единобрачие.

Khurshida Tillahodjaeva,
Senior Lecturer at the Department of History
of Uzbekistan, Tashkent State Technical
University named after Islam Karimov
trhurshida@bk.ru

ON ORGANIZATIONAL AND LEGAL MEASURES FOR THE CREATION OF CIVIL REGISTRATION OFFICES (THEIR IMPORTANCE, PROBLEMS IN THEIR CREATION)

ABSTRACT

The article describes the creation in Turkestan of the Record of Acts of Civil Status in 1918-24y. And the policy pursued in this regard, the problems and the serious difficulties in solving them.

The Civil Status Code, adopted in 1918 during the Soviet era, is seen as an organizational and legal measure for the creation of citizenship registration units. At the same time, the People's Committee for Internal Affairs played a special role in bringing about rapid changes in this area in the country.

The success of preventing and legalizing religious marriages and divorces, widespread among the indigenous population of Turkestan, largely depended on the timely organization and proper functioning of the bodies of the Record of Civil Status Acts.

Index Terms: Soviet government, Record of Acts of Civil Status, Commissariat of Internal Affairs, mullah, kori, kazi, biy, People's Commissariat of Justice, Codex, church, priests, sharia, monogamy**.**

1.Долзарблиги:

1918 йилга келиб Туркистонда совет ҳокимиятини ўрнатиш билан бирга турли соҳаларда тартибсизликларни олдини олиш ва ҳуқуқий соҳага оид барча бўлимларда ислоҳотларни амалга ошириш ишлари жадаллик билан авж олиб кетди. Айниқса мамлакатда очарчилик, руслаштириш сиёсатининг оқибатлари, турли касалликларнинг кўпайиши, Россиядан аҳолининг турли қатламларини кўчириб келтирилиши туб аҳоли таркиби ва демографиясига бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Жумладан, маҳаллий аҳоли ўртасидаги юзага келган туғилиш, ўлим холатларини рўйхатга олиш ишларида тартибсизликнинг пайдо бўлиши катта муаммоларга олиб келди. Буларни аниқ ёритиб бериш асосий вазифа бўлибгина қолмасдан, балки ушбу соҳадаги натижа ва ютуқларни даврий солиштиришлар орқали манбалар асосида чуқур ўрганмоқ зарурдир.

Ўзбекистон ССР ташкил этилгандан кейин фуқаролик ҳолатларини қайд этиш (ФХДЁ) бўлимлари ташкил этиш, иш фаолиятини ривожлантириш ва ҳуқуқий асосга эга бўлмаган никоҳларнинг олдини олишда кўпгина ютуқларга эришилди. Ушбу даврнинг ва

ҳозирги давргача бўлган жиҳатларини очиб бериш бугунги куннинг ҳам долзарб вазифаси ҳисобланади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада совет ҳукумати йилларида Ўзбекистонда фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этиш (ФХДЁ) органларининг фаолияти, соҳада амалга оширилган чора тадбирлар, режалар ва янгиликлар ҳамда турли даврлардаги ва турли ерлардаги натижалари қиёсий таҳлил тамойиллари асосида ёритилган.

Ушбу мавзу бир қатор совет даври олимларидан Н.В Рябинович, В.И Бошко,

А.Х.Расулиев кабиларнинг илмий тадқиқот ишларида совет йилларида Ички ишлар Ҳалқ Комиссариати ва Адлия тизимидаги ўзгаришлар, фуқаролик холатларини рўйхатга олиш тартиби ва фаолияти хусусида бир қанча маълумотлар келтирилган. Шунингдек бир қанча архив материалларига таянган холда ўша даврдаги матбуот сахифалари ва фондлардан олинган маълумотлардан фойдаланилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Туркистонда РСФСР нинг 1918 йилги Фуқаролик холати далолатномалари тўғрисидаги қонун Кодексни тадбиқ этишда, унинг асосий қоидаларини тушунтиришда Ички Ишлар Комиссарлигининг муҳим роли борлигини алоғида таъкидлаш ўринлидир. Республикада фуқароликни рўйхатга олиш идораларини ташкил этишда ҳам ички ишлар комиссарлигининг алоҳида ўрни бор эди. 1918-йил давомида Туркистон ҳукумати бу бўлимларни тузиш учун ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрганига қарамай, улар тизимсиз равишда юзага келди, лекин ташкиллаштириш ишлари иш бошида тартибсиз холатда бўлиб, бу ҳолат фуқаролар уруши, ҳарбий интервенция ва босмачилар ҳаракати шароитида республикада фуқароликни рўйхатга олиш бўлимларини ўз вақтида ва изчил ташкил этишда жиддий қийинчиликлар туғдирганлиги билан изохланади.

Туркистонда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларини (ФХДЁ) ташкил этишда фақат ташкилий характердаги қийинчиликлардан ташқари маҳаллий аҳолига черковни давлатдан ажратиш тўғрисидаги умумий фармонни қўллаш билан боғлиқ муаммолар бошдан кечирилди.

Туркистонда инқилобгача маҳаллий аҳолининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини расмийлаштириш на давлат, на черков органлари томонидан амалга оширилмаган. Бироқ мусулмон руҳонийлари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ҳисобга олишни юритмасалар ҳам, бу соҳада мутлақ ҳуқуқларга эга эдилар. Мусулмонларнинг фуқаролик ҳолатининг ҳар бир ҳолати урф-одатга кўра маълум бир маросим ўтказиш билан қайд этилган, бунда туғилиш, никоҳ ёки фарзандликка олиш ҳолатларини маълум қилиш ва қонунийлаштиришда асосий ролни руҳонийлар ўйнаган.

Совет давлати томонидан черков фуқаролик ҳолати актларини ҳеч қандай юридик аҳамиятга эга бўлмаган фақат шахсий масала сифатида кўрилишини эълон қилиши мусулмон руҳонийлари орасида чуқур норозилик уйғотди. Кенг оммага ўз таъсирини, шунингдек, туғилиш ёки никоҳлаш маросимларидан тушадиган даромадларини йўқотишдан қўрқиб, руҳонийлар черковни давлатдан ажратишга, фуқаролик никоҳи тўғрисидаги фармонни амалга оширишга ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларини фаолиятини ташкил этишга қаршилик кўрсатиш учун бор кучини сарфладилар.

Маҳаллий аҳолининг диний туйғуларига таяниб, одамлар онгига совет қонунларига ишончсизликни сингдиришга, ишчиларни фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларига боришини тўхтатишга ҳаракат қилдилар. Бу айниқса узоқ ҳудудларда асрлар давомида шариатнинг диний-ҳуқуқий меъёрлари асосида тарбияланган деҳқонлар оммаси томонидан, маълум даражада қўллаб-қувватланди ва бу ҳудудларда истиқомат қилувчиларнинг кўпчилиги дастлаб фуқаролик ҳолати далолатномаларини расмийлаштиришдан бош тортишди. Мулла ва уламоларнинг таъсири остида Туркистон Ички Ишлар Комиссарлигига фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишни Қози ва Бий судлари ваколатига ўтказиш тўғрисида аризалар туша бошлади. 1922-йил июл ойида Тошкентда бўлиб ўтган адлия ходимларининг биринчи қурултойида “Аҳолини рўйхатга

олиш бўлимида никоҳ ва ажралишларни қайд этишнинг қийинчилик туғдираётгани тўғрисида”ги махсус ахбороти эшитилади.

Ушбу масала бўйича қабул қилинган қарорда қурултой Адлия Халқ Комиссарлигига никоҳ ва ажралиш тўғрисидаги ишларни тўлиқ қозилар ихтиёрига ўтказиш илтимоси билан мурожаат қиладилар.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларини ташкил этиш масаласи, кўриб турганимиздек, туғилиш, никоҳ ва ажралиш тўғрисидаги далолатномаларни рўйхатга олиш масаласига қараганда анча кенгроқ бўлиб, меҳнаткашларнинг кенг оммасини диний қарамликдан, руҳонийларнинг зарарли таъсирлардан озод қилиш учун умумий кураш билан чамбарчас боғлиқ эди. Айниқса, Туркистоннинг туб аҳолиси орасида кенг тарқалган диний никоҳлар ва ажралишларга қарши курашнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ФҲДЁ бўлимларининг ўз вақтида ташкил этилиши ва тўғри фаолият юритишига боғлиқ эди. Шунинг учун бу йилларда Туркистонда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларининг ташкил этилиши ва тўғри фаолиятига алоҳида эътибор берилди.

1919 йил 28 июл куни Туркистон Ички ишлар комиссарлиги марказий ҳукуматнинг фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги декретларини тўғри амалга ошириш мақсадида 99-сонли буйруқ чиқарди ва унда республиканинг барча ижроия қўмиталари (шаҳар, туман, волост, қишлоқ) 1919-йил 1-сентябрдан кечиктирмай маҳаллий фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларини ташкил этиш белгиланди.[1]

Буйруққа биноан, маҳаллий фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари, ҳар ойнинг 5-кунидан кечиктирмай, Ички ишлар комиссарлиги ҳузуридаги марказий фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимига, ўзлари томонидан ўтган вақт давомида қайд этилган далолатномаларнинг барча ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни етказиш мажбурияти белгиланганди. Фармонда Туркистондаги барча миллат ва динга мансуб фуқароларга бундан буён фақат фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида рўйхатга олинган ҳолатларгина юридик аҳамиятга эга бўлиши, фақат шу далолатномалар фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқариши ҳақида маълум қилинди.

У ёки бу диннинг урф-одатларига биноан ўтказилган черков маросимлари далолатномалари юридик аҳамиятга эга эмаслиги ва истисно тариқасида фақат шахсий иш эканлиги буйруқда кўрсатилади.

Турли эътиқод руҳонийларидан икки ҳафта ичида идораларида мавжуд бўлган барча шаклдаги метрик китобларни тегишли Ижроия қўмиталарига сақлаш учун топширишлари кераклиги таклифи киритилади. Муайян диний маросимни ўтказиш тўғрисидаги ёзув, шунингдек, бу ҳақда уларга берилган гувоҳномалар давлат-ҳуқуқий аҳамиятини йўқота бошлади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларини ташкил этиш учун барча масъулият Советларнинг шаҳар, округ, қишлоқ ва волост ижроия қўмиталари зиммасига юклатилди.

1919 йил 15 ноябр куни Ички ишлар комиссарлиги “Туркистон Республикасида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги махсус кўрсатма чиқарди ва унда бу бўлимларнинг тартиби ва вазифалари батафсил белгилаб берилди. Бунда 1918 йил Кодексининг 52-моддасига асосан 1917 йил 20 декабргача қайд этилган ҳолатлар амалда ўз кучида қолиши тасдиқланди.

Шунингдек ушбу Йўриқномага қўшимча равишда, 1919 йил 28 июлдаги 99-сон буйруғини ривожлантириш мақсадида Ички Ишлар Комиссарлигининг ФҲДЁ марказий бошқармаси 1919 йил 19 ноябрда 179-сон буйруғини эълон қилди, унда республиканинг барча Ижроия қўмиталарига (шаҳар, округ, волост ва қишлоқ) йўриқномаларга мувофиқ маҳаллий фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларини ташкил этиш ҳақида кўрсатма берилди. Ички ишлар комиссарлиги томонидан кўрилган ушбу чора-тадбирларнинг барчаси Туркистонда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларини ташкил этишни тартибга солди, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш билан барча фуқаролик

ҳолатларини тўлиқ қамраб олиш тўғрисидаги янги қонунларни тўғри амалга ошириш учун уларнинг масъулиятини оширди.

Туркистонда оила-никоҳ муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳали ҳам 1918-йилдаги РСФСР Кодекси эди. Умуман олганда, ушбу Кодекс Туркистон меҳнаткаш халқини тўлиқ қониқтирарди. Аммо маҳаллий аҳолининг маҳаллий ҳаёти ва урф-одатларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, унинг баъзи қоидалари солиштириб ўрганилган тарзда қўлланилиши талаб этиларди.

Шундай қилиб, 1921 йилда Самарқанд вилояти адлия бошқармасида Кодексни туб аҳолига нисбатан қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия тузилади.

Комиссия томонидан Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиқлари, ички ишлар органлари бошлиқлари ва ФҲДЁ бўлимлари бошлиқларининг III-қурултойида муҳокама қилинган Кодекснинг айрим қоидаларига ўзгартиришлар киритиш юзасидан қатор таклифлар киритилди. Комиссия Кодекснинг 19-моддасида белгиланган мусулмон аҳоли учун туғилиш тўғрисидаги ариза беришнинг уч кунлик муддатини беш кунга узайтириш зарурлиги тўғрисидаги масалани кўтарди, чунки мусулмон урф-одатларига кўра, бу муддат давомида болага исм қўйилади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида ўлим фактини қайд этгунга қадар маҳаллий аҳолига марҳумни дафн этиш ҳуқуқини бериш зарурлиги ҳақида ҳам савол қўйилди. Бу таклиф ўлимдан кейин тез орада мурдани ерга дафн қилишни талаб қиладиган урф-одат билан боғлиқ эди.

Кейинчалик, иккала таклиф ҳам Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси ва РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1924 йил 15 сентябрдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги қонунлар кодексини Туркистон Республикасининг маҳаллий турмуш шароитига мувофиқ тўлдириш ҳақида”ги қарорида ўз аксини топди.

Бироқ маҳаллий шароит тақозо этган таклифлар билан бир қаторда Комиссия ўз синфий манфаатларига жавоб берадиган Кодекс яратишга интилаётган реакцион руҳонийларнинг айрим вакиллари, буржуа миллатчилари ва қози судялари таъсирида бир қатор таклифлар киритди, бу Совет оила ҳуқуқининг асосий тамойилларига зид эди. Шундай қилиб, Комиссия Кодекснинг 54-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида таклиф киритди, унга кўра никоҳни қайд этишда никоҳ тузаётган ҳар иккала томон ҳам қатнашиши шарт. Ушбу моддага ўзгартириш киритиш учун Комиссия келиннинг никоҳ бўлимида кўриниши ихтиёрий эканлигини, унинг никоҳга шахсий розилиги маҳаллий қўмитанинг гувоҳномаси билан тасдиқланган бўлиши кифоя эканлигини белгилашни таклиф қилди.

Бу таклиф аёлнинг турмуш қуришда ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш имкониятини чеклаб қўйган эди ва шунинг учун ҳисобга олинмади. Комиссия маҳаллий шароит, шариат ва азалий урф-одатларни назарда тутган ҳолда, мусулмон аҳоли учун никоҳ ёшини ҳам куёв, ҳам келин учун 15 ёшга қисқартиришни таклиф қилди. Бундан ташқари, Комиссия мажбурий алоҳида ҳолларда белгиланган ёшдан олдин турмуш қуришни жоиз деб ҳисоблади.

Маълумки, шариат ва одат меъёрларида йўл қўйилган эрта никоҳлар аёлнинг соғлиғига зарарли таъсир кўрсатиш билан бирга, уни таълим олиш имкониятидан маҳрум қилган, унинг нормал интеллектуал ривожланишига тўсқинлик қилган, аёлнинг манфаатлари доираси чеклаган, у турмуш қургач итоаткор, сўзсиз қул лавозимини эгаллаган. Совет қонунчилигида эрта турмуш қуришга рухсат бериш таклифи янги шароитларда аёлларнинг аввалги ҳуқуқларидан маҳрум бўлган мавқеини сақлаб қолди ва қонунийлаштирди. Кўриниб турибдики, бу таклиф аёлларни ҳар томонлама озод қилиш манфаатларига зид эди ва шунинг учун ҳам эътиборга олиниши мумкин эмас эди.

Комиссиянинг айрим вакиллари якканикоҳликни белгилаган Кодекснинг 68-моддасига ўзгартириш киритиш таклифини киритди; шариат қонунлари мусулмонларга тўрттагача хотин олишга рухсат беришини назарда тутиб, кўпхотинлиликни сақлаб қолиш ва қонунийлаштиришни таклиф қилишди. Қурултой иштирокчиларидан баъзилари ушбу масалани олий ҳокимият органларида ҳал этиш учун илтимоснома киритиш таклифи билан чиқишди.

Бу таклифлар Самарқанд вилояти адлия бошқармалари бошлиқлари, ички ишлар органлари ва ФҲДЁ бўлимлари бошлиқларининг қурултойида муҳокама қилинганида, айниқса, узоқ мунозараларга сабаб бўлди.[2]

Қурултойнинг баъзи иштирокчилари иккитадан кўп бўлмаган хотин олишга рухсат беришни таклиф қилишди, агар аёллардан бири касал бўлса у ҳолда учтадан кўп бўлмаган.

Аммо бу таклиф ҳам меҳнаткашлар манфаатларига, никоҳ ва оила ҳақидаги совет қонунлари руҳига зид бўлиб, қурултой томонидан рад этилди.

Шариат қоидаларига кўра, бева аёлга, унинг эри вафот этганига тўрт ойу ўн кун ўтмагунча, бошқа турмушга чиқишга рухсат берилмайди. Совет оила қонунчилигида никоҳга оид бундай чекловлар белгиланмаганлиги сабабли, бева аёлларни қайта никоҳга олиш масаласини амалда қандай ҳал қилиш кераклигини тушунтириш сўрови билан жойлардан сўровлар келиб тушди. Бу масалани муҳокама қилиш чоғида комиссиянинг айрим аъзолари бу масала бўйича шариат кўрсатмаларини сақлаб қолиш тарафдори бўлишди, бироқ бу таклиф кўпчилик овоз билан рад этилди ва бева аёлларга ўз ақл-идроклари ва виждонларига асосан қарор қабул қилиш ҳуқуқини бериш таклифи киритилди.

Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси ўзининг миллий таркиби жиҳатидан кўп миллатли республика бўлиб, Октябр Социалистик инқилобигача тарихий тараққиётнинг турли босқичларида турган турли миллатларни бирлаштириб турган. Туркистон Республикасида ўтроқ халқлар билан бир қаторда кўчманчи халқлар ҳам яшаган. Демак, Каспийбўйи туркманлари, Семиречинск вилоятидаги қозоқ ва қирғизлар ўтроқ ўзбек, тожик ва бошқа халқлардан фарқли равишда кўчманчи турмуш тарзини олиб борганлар. Бу халқларнинг ҳар бири турмуш тарзига кўра фақат ўзига хос урф-одат, анъана ва ахлоққа эга бўлган. Кодексни Туркистоннинг миллий-маиший шароитига мослаштириш мақсадида Бутунроссия Советлар Марказий Ижроия Қўмитаси ва РСФСР Халқ Комиссарлари Совети 1924-йил 15-сентабрда “Фуқаролик ҳолати актлари тўғрисидаги қонунлар Кодексини Туркистон Республикасининг маҳаллий турмуш шароитига мувофиқ тўлдириш тўғрисида”ги 0[3] махсус қарор қабул қилди. Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси ҳудудида Советлар Марказий Ижроия Қўмитаси ва Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг 1921 йил 22 октябрдаги 179-сонли фармони билан қарор кучга кирди.

Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1924 йилдаги фармони билан 1918 йилги Кодексга Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикасида қўлланилганда рухсат берилиши мумкин бўлган қатор қўшимчалар ва истиснолар белгиланди. Демак, ушбу фармоннинг биринчи моддасида Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикасида кодекс қўлланилганда, кўчманчи аҳолининг бола туғилиши ёки топилганлиги тўғрисидаги мажбурий аризадан озод қилинишини назарда тутади. Кодекснинг 19-моддасида, бола туғилган ёки топган кундан бошлаб уч ой ичида муддат, Кодекснинг 19-моддасида уч кунлик муддат, чекка туманлар учун эса бир ойдан ошмаслиги белгилаб қўйилган. Кодекснинг 19-моддасида белгиланган муддатлар Туркистоннинг кўчманчи халқларига нисбатан қўлланилганда ҳақиқатга тўғри келмасди, улар ўзларининг кўчманчилик даврида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ёки маҳаллий ҳокимият органлари жойлашган жойлардан анча узоққа кўчиб ўтган бўладилар.

Фармон билан ўлимни қайд этиш масаласига ҳам жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шундай қилиб, маҳаллий аҳолига шахсларига фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида ўлим фактини олдиндан қайд этмасдан туриб, марҳумни дафн этиш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари, ўтроқ маҳаллий аҳоли вакиллари учун ўлим тўғрисида ариза бериш муддати Кодекснинг 32-моддасида белгиланган уч кун ўрнига ўлим содир бўлган кундан бошлаб етти кунга узайтирилди.

Шунга кўра, кўчманчи маҳаллий аҳоли учун ўлим даъволарини топшириш муддати узайтирилди. Кўчманчилик пайтида ўлим аризаси фуқаролик рўйхатга олиш бўлими, қишлоқ ёки қишлоқ кенгаши мавжуд бўлган жойга Кодекснинг 33-моддасида кўрсатиб

ўтилгандек шахсларнинг келиши билан дарҳол амалга оширилиши керак, аммо вафот этган кундан бошлаб уч ойдан кечиктирмаслик белгиланган. Мазкур ўзгартиришлар киритилаётганда юқорида айтиб ўтилган бошқарманинг Самарқанд вилояти бошқармаси комиссиясининг таклифлари инобатга олинди.

Фарзандликка олишни тақиқлаш Совет хуқуқий хужжатлари томонидан 1918 йилги РСФСР Кодексининг қабул қилиниши даврида ҳали ҳам мавжуд бўлган кичик буржуа элементлари томонидан асраб олиш ниқоби остида вояга етмаган болаларни эксплуатация қилиш имкониятининг олдини олиш зарурати билан тўғри талқин этилган бўлиб, инқилобнинг дастлабки йилларида синфий курашнинг ва бу даврда синфий кучларнинг бирлашиши билан боғлиқ эди [4,5,6].

Тарихий шароитлар туфайли фарзандликка олишни тақиқлаш вақтинчалик эди. Фарзандликка олишни тақиқлашнинг вақтинчалик хусусиятидан далолат беради, Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси ва РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1924 йилдаги қарори, Совет қонунчилиги тарихида биринчи марта фарзандликка олишга рухсат берган. Унда "Фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги қонунлар кодекси"нинг 183-моддасига амал қилиш "Туркистон Республикасининг туб аҳолисига тааллуқли эмаслиги ва улардан фарзандликка олиш урф-одат бўйича амалга оширилиши белгиланган. [7]

Туркистоннинг туб аҳолиси учун ушбу фармон билан болаларни асраб олишга рухсат этилганлиги, Туркистон Республикасида фуқаролар уруши, хорижий интервенция, басмачилик ҳаракати ва янги иқтисодий сиёсат шароитида ота-онасиз ва қаровсиз қолган болалар сонининг сезиларли даражада ошганлиги билан боғлиқ эди.

1921 йилда, биргина Туркистон республикасидаги болалар уйларида 23 минг нафаргача тўлиқ давлат қарамоғида бўлган болалар мавжуд эди. [8]

Бу болалар жуда оғир аҳволда эдилар. Туркистон Республикаси Совети Марказий Ижроия Қўмитаси ҳузуридаги Болаларнинг аҳволини яхшилаш комиссиясининг 1921-йил 25-августдаги Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасига болалар аҳволини яхшилаш бўйича берилган маълумотномасида қуйидагиларни маълум қилди:. .. болалар яланғоч ва оч, озиқ-овқат идоралари болалар таомномасини қисқартиган ва болалар нон олмаган ҳолатлар кўп.

Ўтган қишда болалар иситилмайдиган биноларда оёқларини музлатиб қўйиш ҳолатлари бўлган, цинга касаллиги, яъни С-витамини етишмаслиги касаллиги авж олган.[9]. Худди шу эслатмада болалар жиноятининг назоратсиз ривожланиши, Россиянинг марказий минтақаларидан Туркистонга ёпирилиб келган болаларнинг бўронли оқими кўрсатилган.

Шу билан бирга, 10 минг бола Туркистон Республикасининг бошпана бериши мумкин бўлган максимал норма эканлиги қайд этилди.

Болаларни жойлаштиришда катта қийинчиликларга дуч келинди, бинолар, қурилиш материаллари, пуллар, кўрпа-тўшаклар, идиш-товоқлар ва бошқаларнинг етишмаслиги ва табиийки, бундай шароитда болаларни ишчиларнинг оилаларига жойлаштириш масаласини қабул қилиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Айниқса, маҳаллий аҳоли фарзандликка олиш бекор қилинганига қарамай, амалда фарзандликка олишни давом эттириб, уни ўзларининг анъанавий, азалий одатларига кўра амалга оширганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўрта Осиё халқлари орасида фарзандликка олиш азалдан кўп асрлик анъана, кенг тарқалган одат бўлиб, унда миллий характернинг инсонпарварлик хусусиятларидан бири намоён бўлади.

Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1924-йилдаги Туркистонда фарзандликка олишга рухсат бериш тўғрисидаги декрети фарзандликка олиш одати ҳақида сўз юритилган бўлса-да, лекин унинг низомига кўра шариатга нисбатан кескин фарқ қиладиган хусусият берди. Шариат фарзанд асраб олувчини бегоналаштириш тамойилидан келиб чиққан. "Агар кимдир бошқа бировни, бегона одамни асраб олган бўлса, бу киши никоҳ ва оила бошқарувини маҳаллий ҳаётнинг миллий хусусиятларини, урф-одат ва анъаналарини ҳар томонлама, пухта ўйлаш асосида кўради.

Маълумки, совет ҳукумати ўзининг дастлабки фармонлари билан диний муассасаларни никоҳни тузиш ва бекор қилишни ҳуқуқий тартибга солишдан, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишдан чиқариб ташлади. Бироқ, бу жуда мураккаб жараён эди, чунки руҳонийлар ўзларининг аввалги мавқеи ва имтиёзларини тиклаш учун ҳар томонлама ҳаракат қилишди. У Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, фуқаролар уруши ва босмачилик даврида алоҳида қаршилик кўрсатди.

1921-йил 14-январда Туркистон Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги 11-сонли фармойиш лойиҳасини чиқариб, у вилоят, шаҳар, қишлоқ ва оул инқилобий қўмиталари ва Советлар Ижроия қўмиталарига у ёки бу сабабларга кўра ҳали топилмаган жойларда, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларини зудлик билан очиш чораларини кўришни таклиф қилди. Республикада рўйҳатга олишни тўғри ташкил этиш, аҳоли томонидан туғилиш ва ўлимнинг барча ҳолатларини қайд этиш мажбуриятини сўзсиз бажариш мақсадида чиқарилган ушбу буйруқ ўз вақтида жуда долзарб эди. Аммо унда қонуннинг баъзи талабларини бузилиши ҳам бор эди, чунки у черков муассасаларини диний гуруҳлар рўйхатга олинган нусхаларини назорат қилиш учун топширишга мажбур қилди. Адлия халқ комиссарлиги таъкидлаганидек, буйруқнинг бу талаби черковни давлатдан ажратиш тўғрисидаги декретга зид эди, чунки ички ишлар комиссарлиги диний жамиятларнинг китобларини текшириш ҳолатининг ўзи, бундай қонунларнинг ҳуқуқий аҳамиятини тан олгандек туюлди.

1921-йил 31-декабрда Туркистон ҳукуматининг 184-сонли қарори билан Туркистон ҳудудида РСФСР Умумроссия Марказий Ижроия Қўмитасининг 1921-йил 27-сентабрдаги “Никоҳни бекор қилиш ишларни эълон қилиш тартибини ўзгартириш, фамилияни, васийликни, ижтимоий таъминотни ўзгартириш, бедарак йўқолганлик ва юқорида кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширувчи органларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги”ги декрети кучга кирди.

Ушбу фармонда никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишни такомиллаштирувчи бир қатор муҳим нормалар мавжуд эди. У 1918 йилги Кодексга янги моддаларни киритиб, судланувчини судга чақириш тартибини батафсил тартибга солди.

Туркистон давлат тузилиши ва совет суди тарихи тадқиқотчилари Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1917-йил 12-декабрдаги буйруғини бирдек баҳолайдилар. Баъзилар бу фармойишни мустақил қонун деб ҳисобласа,[10] бошқалари бу фикрга эътироз билдириб, 1917-йил 12-декабрдаги буйруқ 1-сонли суд тўғрисидаги декрет асосида чиқарилган деб даъво қиладилар, шунинг учун Туркистонда эски судларнинг тугатилиши бу фармойишнинг чиқарилишидан эмас, балки 1-сонли суд тўғрисидаги декрет билан бошланади.

Худди шу йилларда аниқ ишларни ҳал қилишда шариат ва одат меъёрларига амал қилган эски қози ва бий судларини тугатиш чоралари кўрилди.

Туркистон ишчи-дехқон партияси мусулмон ташкилотларининг 1919-йил май ойида бўлиб ўтган 1-ҳудудий конференсиясида қози ва бийлар судларини тугатиш масаласи муҳокама қилинди. Конференция бу масала бўйича “Аста-секин қози ва бийларнинг мусулмон судларини қайта ташкил этишни бошлаш, уларни якка халқ судлари билан алмаштириш, яъни коллегиаллик ва сайланишни жорий этиш, бу мансабдор шахслар фойдасига ҳар қандай йиғимларни бекор қилиш" тўғрисида қарор қабул қилди. Кўриб чиқилаётган давр архив материаллари шуни кўрсатадики, масалан, оилани мустаҳкамлаш ва янги асосда барпо этиш мақсадида ўрнатилган ажралиш эркинлигидан аҳолининг энг консерватив, қолоқ қисми аёлларни ажралиш ниқоби остида сотиб олиш ва сотиш учун фойдаланган.

Шу ўринда, қайд этиш лозимки бу йилларда совет адлия органлари томонидан аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қабул қилинган суд қарорларининг аҳамиятини ортиқча баҳолаш қийин. Бундай қарорларнинг ҳар бири маҳаллий аҳоли онгида, қарашларида кескин, баъзан оғриқли, лекин доимо фойдали инқилобга ҳисса қўшди, аёлларга жамиятнинг тенг ҳуқуқли ва муносиб аъзоси сифатида чуқур ҳурматни кучайтирди.

Хулосалар:

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий, маънавий меросидан иборат оилани мустаҳкамлаш ва ўзбек оилаларининг ҳуқуқий асосларини яратилишига кенг йўл очилди. Шу ўринда фуқаролик холатини расмийлаштириш ишлари тартибга солиниши жараёнида туғилиш, ўлим, никоҳни қайд этиш ва никоҳдан ажралиш холатларининг ҳам хуқуқий асосга эга бўлиши каби масалалар ва унда дуч келинадиган муаммолар аста секинлик билан ҳал бўлди.

Умуман олганда, совет ҳукумати даврида Ўзбекистонда “Фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги қонунлар кодекси”ва “Оила, никоҳ ва васийлик тўғрисидаги” қонунларга асосан ўзбек хотин-қизларининг камситилишига йўл қўймаслик ва кўпхотинликнинг ман этилишига қисман бўлсада эришилди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. МДА ф.р-39,оп-1,Д.258,15в. Central State Archive fund.num-39, op-1, Doc.258,15 p
2. МДА Ф.Р-38, о-1,д-178,86-87б. Central State Archive fund.num-39, op-1, Doc.178,86-87 p
3. РСФСР ҚТ 1924й. №79,793б. RSFSR Collection of Laws 1924y.№79,793b.
4. Н.В Рябинович. Советское семейное право.1917-1947г.Юриздат МЮ СССР.1949г.стр112-113. N.V. Ryabinovich. Soviet family law. 1917-1947. Yurizdat of the Ministry of Justice of the USSR. 1949, pages 112-113.
5. В.И Бошко.Очерки советского семейного права Киев.1952г.291-292стр. V.I.Boshko. Essays on Soviet family law, Kiev, 1952, 291-292, pp.
6. М.Свердлов.Советское семейное право.Госюриздат.М-1958.стр241. Sverdlov, Soviet Family Law, State Legal Publishing House, M-1958, page 241.
7. РСФСР ҚТ 1924 й. №79.793б RSFSR Collection of Laws 1924y.№79,793b.
8. СССР МДА Ф.5207,о-1,д-69,8в. Central State Archive of the USSR F.5207, o-1, doc-69.8p.
9. СССР МДА Ф.5207,о-1,д-69,8в. Central State Archive of the USSR F.5207, o-1, doc-69.8p.
10. А.Х. Расулиев.Создание и развитие советского суда в Узбекистане.Ташкент,1957.стр.40. A.Kh. Rasuliev, Creation and Development of the Soviet Court in Uzbekistan, Tashkent, 1957, page 40

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Рўзиқул Насимович Толибов,
НавДПИ “Тарих ўқитиш методикаси”
кафедраси т.ф.н., доцент
Санобар Рузикуловна Толибова,
ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги
тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик
марказ кичик илмий ходими

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР АЛОҚАЛАРИ

For citation: Ruzikul N. Tolibov, Sanobar R.Tolibova, CULTURAL AND HUMANITARIAN RELATIONS OF UZBEKISTAN WITH THE COUNTRIES OF SOUTH-EAST ASIA. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.475-481

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-65

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар алоқалари ёритилган. Ушбу давлатлар билан маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларнинг ўтмиши ва бугуни таҳлил қилинган шунингдек, соҳалардаги муаммолар атрофлича ўрганилиб, муҳим хулоса ва таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: тарихий далиллар, тикланиш, муносабатлар, интеграция, миллий муносабат, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт.

Рузикул Насимович Толибов,
НавДПИ «Методика преподавания истории».
кафедра т.ф.н., доцент
Санобар Рузикуловна Толибова,
Младший научный сотрудник,
Координационно-методического центра новейшей истории
Узбекистана Академии наук Республики Узбекистан

КУЛЬТУРНО-ГУМАНИТАРНЫЕ ОТНОШЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА СО СТРАНАМИ ЮГО-ВОСТОЧНОЙ АЗИИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются культурно-гуманитарные связи Республики Узбекистан со странами Юго-Восточной Азии. Были проанализированы прошлое и настоящее отношений сотрудничества с этими странами в области культуры, образования, здравоохранения и туризма, а также подробно изучены проблемы в этих областях и сделаны важные выводы.

Ключевые слова: историческое свидетельство, возрождение, взаимоотношений, интеграция, национальное отношение, социально-экономческое развитие.

Ruzikul N. Tolibov,
NavDPI "Methods of teaching history".
Department of Technical Sciences, Associate Professor
Sanobar R. Tolibova,
Junior Researcher, Coordination and Methodological
Center of Contemporary History Uzbekistan
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

CULTURAL AND HUMANITARIAN RELATIONS OF UZBEKISTAN WITH THE COUNTRIES OF SOUTH-EAST ASIA

ABSTRACT

The article examines the cultural and humanitarian ties of the Republic of Uzbekistan with the countries of Southeast Asia. The past and present of cooperation relations with these countries in the field of culture, education, health care and tourism were analyzed, as well as problems in these areas were studied in detail and important conclusions were drawn.

Index Terms: historical evidence, revival, relationships, integration, national attitude, socio-economic development.

1. Долзарблиги:

Жаҳондаги маданиятлараро мулоқот тизимида Осиё мамлакатларининг ўзаро маданий-гуманитар алоқалари муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиё минтақаси Буюк Ипак йўли воситасида дунёнинг турли мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик олиб борган. Жумладан, Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқалари мамлакатнинг қадимий тамаддун ва маданият марказларидан бири сифатидаги халқаро нуфузини оширишга хизмат қилади. Маълумки, бугун дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. Бундай шароитда давлатлараро низоларнинг олдини олиш, маданияти ва қадриятлари бир хил бўлган давлатларнинг тарихий тажрибасини ўрганиш, замонавий Ипак йўли доирасида режалаштирилган лойиҳаларини амалга ошириш асосида янги маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ва Ўзбекистон маданий алоқаларини Осиёда пайдо бўлаётган транспорт савдо йўлларининг энг муҳим стратегик омиллари сифатида ўрганишга қизиқиш ортмоқда. Айниқса, бугунги халқаро муносабатлар тизимининг барча йўналишларидаги муаммоли шароитида ривожланишнинг янги босқичини бошдан кечираётган Ўзбекистоннинг ҳудудий яқин минтақалар билан маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларини тадқиқ қилиш долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида маданий-гуманитар муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатларини, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари билан маданий-гуманитар шериклик муносабатларидаги фарқлар ва фаолликни ўрганишга бўлган талаб мазкур мақоланинг долзарблигини асослайди ҳамда бу борада халқлар ва давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда ўзига хос омил вазифасини бажаради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданият, илм-фан, таълим соҳаларидаги ҳамкорлик муносабатларининг шаклланиш ва ривожланиш динамикасидаги фарқлар ва фаоллик муаммовий-хронологик ва қиёсий таҳлил тамойиллари асосида ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Шарқий Осиёнинг айрим давлатлари билан икки ва кўп томонлама муносабатларининг ўрнатилиши ва ривожланиши ҳамда АСЕАН ташкилоти давлатлари билан ҳамкорлиги масалалари Г. Саидазимова, А.Шарапов,

Ф. Усаров, Г.Джураевалар томонидан ўрганилган. Шунингдек, хорижий олимлардан **Лора** Хорта, Усен Сулейман, Роллие Лал, Парадорн Рангсимапорн, Юхон Ли, Алексей Асирян, Рой Энтони Роджерсларнинг тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий ҳамкорлик алоқалари тарихи ҳамда ҳозирги ҳолати кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган.

3. Тадқиқот натижалари:

Дунё мамлакатлари ўртасидаги барча соҳадаги ҳамкорлик алоқалари аввало, ўз диний-маънавий муҳити ва анъаналарида шаклланган фалсафий дунёқарашларга асосланади. Давлатлар тарихи, диний эътиқодлари ва маданиятлари ўртасидаги муштараклик ҳамкорлик алоқаларининг мувоффақиятли давом этишининг бош омилидир.

Мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти асосини “тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш ташкил этади. Ўзбекистон бундан буён ҳам узоқ-яқиндаги барча хорижий мамлакатлар, жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорликни давом эттиради”[1], деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари жумладан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-гуманитар алоқаларини чуқурлаштириш, мустаҳкам манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш юксак аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон сиёсати ва хўжалик тизимида Жануби-Шарқий Осиё минтақаси мамлакатлари ўзига хос ўринга эга. Жануби-Шарқий Осиё минтақаси ўзида ўн битта давлатни қамраб олган. Бугунда ушбу мамлакатларининг умумий аҳолиси 630 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. Минтақа давлатлари Осиёнинг йирик иқтисодий марказларидан биридир. 2017 йил ҳолатига кўра, уларнинг ЯИМ 2,8 трлн. долларни, йиллик ўсиши эса 4,7%ни ташкил этди. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари экспорт қилувчи минтақалар орасида тўртинчи ўринни эгалласа (жаҳон экспортининг 7%), дунё истъемолчиларининг глобал марказларидан бири сифатида халқаро импортнинг 5% бу ерга кириб келади[2].

Фикримизча, Жануби-Шарқий Осиё минтақаси давлатларнинг тез суръатлар билан ривожланишига сабаб қуйидагилар: мамлакат лидер ва бошлиқлари тўғри сиёсий-иқтисодий ривожланиш йўлини олиб бориши; бу давлатларда уруш бўлмаганлиги ва тинч шароитда ривожланганлиги; АСЕАН давлатлари жаҳоннинг қулай шароитларидан тўла фойдаланганлиги; яъни ривожланган давлатлар томонидан улкан хорижий инвестициялар кириб келганлиги, жамғарма нормаси юқорилиги. Маълумки, агар давлатнинг жамғармаси ЯММнинг 20%га етса, давлат мустақил ривожланиш даражасига етади. 1960 йилда АСЕАН давлатлари ичида фақат Таиландгина бу кўрсатгичга эга эди. Бугунга келиб бу давлатларнинг жамғармаси 20% дан ошди. Шахсий жамғарма ва хориждан қўшимча молиялаштириш натижасида улар оммавий инвестиция қилиш имконини бермоқда[3]. Шундай шароитда Жануби-Шарқий Осиё давлатлари билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон давлати учун муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти билан маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалари айниқса, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлиги, ўта муҳим бўлган халқаро барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш вазифалари билан бевосита боғлангандир. Бинобарин, бу йўналишдаги алоқалар халқлар орасида яқинлашув учун ғоят муҳим эканлигини алоҳида таъкидлашга ҳожат йўқ. Ўзбекистоннинг бой маданий-маънавий анъаналари қадим замонлардан инсонпарварлик, озодлик ва тараққиёт ғояларига, умуминсоний қадриятларга уйғун эканлиги бу муносабатлар учун яхши замин бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакат тараққиётини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегияси дастурда белгиланган бешинчи тамойилда жамиятимиз хавфсизлигини ва манфаатларини таъминлаш, тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорликни янада давом эттириш, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик масаласига алоҳида урғу бериб, унинг муҳим ва энг асосий масалалардан бири эканлигини таъкидлади [4].

Ташқи дунё билан ҳар томонлама алоқалар ўрнатиш, умуминсоний қадриятлар устуворлигини эътироф этиш, инсон ҳаётига ва тинчликка, инсоният цивилизациясига энг олий қадрият сифатида муносабатда бўлиш, бошқа мамлакатлар анъаналари ва урф – одатларига бағрикенглик билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Бинобарин, ҳамкорликлардан кўзланадиган мақсад, барқарор ривожланиш, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш, қонун асосида иш юритишдир.

Жануби-Шарқий Осиё давлатлари билан ташқи алоқалар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки даврларидан бошланган. Малайзия (1992), Индонезия (1992), Сингапур (1992), Вьетнам (1992), Филиппин (1992) Таиланд (1991) ва Лаос (1992) давлатлари билан Ўзбекистоннинг ҳамкорликка асосланган алоқалари маданий-гуманитар соҳада яққол кўзга ташланмоқда. Бу жараён қуйидаги соҳа йўналишларида фаол йўлга қўйилган:

Санъат соҳасида: рақс саньатини хориж юртларида намойиш этиш, ўзбек саньатини жаҳонга танитиш, халқларни бир-бирига яқинлаштиришда намоён бўлмоқда. 2001 йил 5-19 декабр ойида М.Турғунбоева номидаги “Тановар” рақс театрининг Таиландга қилган сафари қарор ижросини таъминлашни бошлаб берди. Иштирокчилар Таиланднинг Чангхуа, Юан-Линда, Тиен-Вей музофотида концерт бердилар. Белгиланган дастур асосида: “Темурий маликалар”, “Бибихоним”, “Гавҳаршодбегим”, “Халил Султон”, рақс спектакларидан намойиш қилинган лавҳалар, ўзбек миллий урф-одатлари, удумлари мужассамланган миллий маданиятимиз, маънавиятимизни ифодаловчи “Ёр-ёр”, “Сумбула” рақслари, созанда Аббос Қаюмовнинг “Уч доира”, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Қаҳҳоров ижросидаги “Лаган ўйини” хорижликларни лол қолдирди [5].

1996 йилда Навоий номидаги ГАБД театри бош дрижёри Хамида Шамсутдинова бошчилигида саҳна усталари етти кун давомида Малайзия Республикасида гастролда бўлдилар. Ўзбек мусиқаси билан биргаликда малайзия оркестри томонидан мусиқалар янгради [6]. АСЕАН давлатларининг ёш пианистларнинг биринчи конкурсига Тошкент мусиқа мактабининг ўқувчиси Эльвира Шукурова 24-26 ноябрь 2004 йилда Куала-Лумпур (Малайзия)нинг ёш пианистлар конкурсида қатнашди. Конкурс раҳбарияти проф. С.Пановка ёш музикантимизни муносиб тақдирлади[7].

Мустақиллик йилларида қадимий ва новқирон Самарқанд шаҳри халқаро мусиқа фестивали ўтказиладиган марказга айланди. Вазирлар Маҳкамасининг 11 марта 1997 йилда қабул қилинган «Шарқ тароналари халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори бунга асос бўлди [8]. 1997 йил 25 августдан 2 сентябргача биринчи мусиқа фестивалида дунёнинг кўплаб мамлакатлари қаторида Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг саньат усталари ҳам ўз саньатларини намойиш этишди. Бу дунёда тинчлик ва эзгуликни, барқарорлик ва ўзаро бир-бирини тушунишни қўшиқ орқали амалга оширишни кўрсатади. Бугунда аньанавий «Шарқ тароналари» фестивали беш қитьа саньат аҳлининг диққатини ўзига тортмоқда.

Ўзбекистон театр ижодий гуруҳларининг хорижга сафари зафарли кечмоқда. 1994 йил ёзида А.Навоий номидаги Катта давлат опера ва балет театри саньаткорлари бир неча бор Малайзия ва Таиландда [9] бўлдилар. Бу ерда ўзбекистонлик артистлар ўзларининг энг яхши «Золушка» ва «Дон-Кихот» “Спящая красавица” каби спектаклларини намойиш этдилар. 1996 йил ёзида А.Навоий номидаги балет труппаси Жануби-Шарқий Осиё давлатларида гастролда бўлиб қайтдилар. Улар Гонконг ва Сингапурда бўлиб ўз репертуарларидан: «Раймонда», «Ромео и Джульетта» ва «Спящая красавица» каби балет спектаклларини намойиш қилдилар. Айни пайтда Тошкентда театр соҳасида халқаро фестивалларнинг ўтказилиб туриши ҳам аньанага айланди. 1993 йил 29-30 октябрда «Театр: Шарқ-Ғарб» мавзуида ташкил этилган фестивалда жаҳоннинг 25 давлатининг ижодий бирлашмалари қатнашди [10].

1968-1988 йиллар мобайнида Тошкентда ўндан ортиқ Осиё ва Африка мамлакатларининг Халқаро кинофестиваллари бўлиб ўтди [11]. Айни шу вақтдан Ўзбекистонда хорижий давлатларнинг «Кино Ҳафталиги» кунларини ўтказиш аньаналари

давом эттирилмоқда. Жумладан, Тошкентда 26 октябр 1992 йил Малайзия киноҳафталиги кунлари бўлиб, унда малайзиялик 60 та кино санъати усталари қатнашди. 23-29 декабр кунлари эса “II Кино Ҳафталиги” кунлари бўлиб, якунида Ўзбекистон Республикаси билан Куала-Лумпурда Малайзия кино-саньаткорлари билан биргаликда, хусусан малайзиянинг хусусий кинокопанияси, "Сага Фортуна" билан ҳамкорлик қилиш, янги бадиий фильмлар яратиш, қўшма киностудиялар барпо этиш ҳақида Келишув шартномаси имзоланди [12]. Келишув замирида Имом Бухорийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм шунингдек, илмий-оммабоп, диний мавзуга бағишланган фильмлар яратилди. 1994 йил июнь ойида Куала-Лумпурда (Малайзия) ислом маданиятига бағишланган фестивал бўлди. Шу куни Малайзияда Ўзбекистон Куни ўтказилди. Бунга кореялик кинорежиссёрлар ҳам қўшилдилар. Пхенянда ўтказилган IV Халқаро кинофестивалда ўзбекистонлик кинорежиссер Исмат Эргашев сенарист Шароф Бошбеков томонидан яратилган “Темир хотин” бадиий фильми билан иштирок этди. Кинорежиссёр муносиб тақдирланди. 2002 йил Жанубий Кореялик кинорежиссер Кант Джонг Кил А.Қодирий номли институтнинг «Этнография» кафедрасида малакада бўлиб, халқимизнинг урф-одатлари, удумлари ва қадриятлари ҳақида кичик қисқа метражли фильмлар яратди [13].

Ҳамкорлик тасвирий ва амалий саньат, рассомчилик саньатининг ривожида ҳам кенг намоён бўлмоқда. 1997 йил 2 апрелда Самарқандда рассомларнинг “Гўзаллик оламни қутқаради” мавзуидаги III Халқаро конференцияси ўтказилиб, унда жаҳоннинг 20 давлати рассомлари иштирок этди [14]. Ўзбек рассомларининг Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатларига ўз саньатларини намойиш этиши аньанага айланган. 1997 йил Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида ўтказилган рассомлик кўргазмасида ўзбекистонлик Николай Шиннинг 75 та асари намойиш этилди. У XV асрда Қирол Сегжон томонидан жорий этган “Олтин Юлдуз“ ордени билан тақдирланди. 25 дан ортиқ давлатлардан келган рассомлар ичида бу юксак мукофот ўзбек рассомига насиб этди.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик кенгайиб, такомиллашиб бормоқда. 1995 йилда Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш мақсадида декларация имзоланди [15]. Сингапур менежментни ривожлантириш институти юртимизда ўзбек кадрларини тайёрламоқда. Ўз навбатида, бизнинг ёшларимиз, хусусан Малайзия ОЎЮларида таҳсил олмоқда. 1999 йил 29 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаоллиятни мувофиқлаштириш департаментининг Ўзбекистон Республикаси билан Филиппин Республикаси ўртасида маданий ва таълим соҳасидаги келишув имзоланган [16].

Айни пайтда маданий ҳамкорлик йўналишида дунёнинг кўплаб мамлакатларида Ўзбекистон маданияти кунлари декадаларини ўтказиш аньанага айланди. Чунончи, 2001 йил 11-30 апрел кунлари Малайзияда ва 12-13 сентябрда Бруней султонлигида “Ўзбекистон маданият кунлари” ўтказилди. ”Сато” гуруҳи дастурлари ва ўзбек амалий саньати кўргазмалари ташкил этилди. Мазкур тадбир Ўзбекистон маданияти, тарихи ва урф-одатларини хорижий жамоатчиликка кенг тарғиб қилиш ҳамда танитишга хизмат қилган [17]. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан ишлаб чиқарилган “Фокус”, “Каштачилик” ва “Самарқанд” видеороликлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали Малайзия телевидениясига (РТМ) юборилган [18]. “Ўзбекистон-Таиланд” дўстлик жамиятининг Ўзбекистон давлат саньат ва маданият институти билан алоқалари доирасида кадрлар алмашиш, биргаликда театр саҳналарини тайёрлаш, концертлар уюштириш аньанага айланган.

1995 йил 12 декабрда Индонезиянинг Соло шаҳрида «Огахон» Халқаро хайрия фонди тарихий меъморий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш йўналишида ўтказилган конкурсда «Бухоро ва бухороликлар» мавзуидаги реставрация чизма нусхалари ва тархи ҳамда нақшлардаги нафислиги учун муносиб тақдирланди [19]. Умуман олганда, Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар алоқалари йилдан-йилга ривожланиб, ўлка халқларининг маданияти ва санъатини тарғиб қилиш имкониятларини яратмоқда.

4.Хулосалар:

Хулоса ўрнида қайд этиб ўтиш ўринлики, мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг бой маданий меросини қайта тиклаш, юксак маънавият, миллий ўзига хослик ва кўп асрлик сарчашмаларини ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама баркамол шахслар жамиятини барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу эса ҳамкорлик соҳасида юқори даражада ривожланган маданиятга эга мамлакат аҳолисининг соҳа йўналишлари бўйича мустақил фаолият кўрсатишига, хориж давлатлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамланиши учун барча имкониятлар эшигини очмоқда. Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларида маданий-гуманитар ҳамкорликнинг асосий йўналишлари бўлган маданият, санъат ва маориф соҳаси алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу йўналишларда ҳамкорлик мамлакатларнинг бой тажрибасидан фойдаланишга, уни шакллантиришга, ривожлантиришга ва халқлар дўстлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Конституция қабул қиинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2016. (Speech by the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev at the solemn ceremony dedicated to the 24th anniversary of the adoption of the Constitution. 2016.)
2. [Электронный ресурс:] URL: http://www.dfnc.ru/Voenno- tehnicheskoe-sotrudnichestvo-Rossii-i-stran-Yugo-.Vostochnoy-Azii-v-strategicheskih-oblastyah. (06.13.2019).
3. [Электрон ресурс]: http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/15407-janubiy-sharqiy-osiyo-mamlakatlarida-xorijiy-invstitsiyalarni-jalb-qilish-siyosati (07.25.2019).
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси дастури. Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. Б-5. (Mirziyoev Sh.M. Action Strategy Program of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021. Tashkent. : Uzbekistan, 2017. P-5)
5. ЎМА Ф. М- 2, 1-рўйхат, 640-иш, 128-варақ.(UzNA F. M- 2, list 1, case 640, sheet 128.)
6. ТА УМС МК РУз иш.4-3-10: Малайзия ва бошқа мамлакатлар. (TA UMS MK RUz work.4-3-10: Malaysia and other countries.)
7. ТА УМС МК РУз, д. 5-3: Малайзия ва бошқа мамлакатлар. (TA UMS MK RUz, d. 5-3: Malaysia and other countries).
8. «Шарқ тароналари халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори.11.03.1997. Халқ сўзи. 1997йил 12 март. (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On holding the International Music Festival of Oriental Songs" 11.03.1997. The word of the people. March 12, 1997)
9. Маданият вазирлигининг жорий архиви. иш-5-3-10: Малайзия ва бошқа мамлакатлар (Current archive of the Ministry of Culture. work-5-3-10: Malaysia and other countries)
10. Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости. Т.: 2000.С-241-246-265. (Tyurikov V., Shagulyamov R. On the path of independence. T. : P. 241-246-265.)
11. ЎзР МДА Ф. М-2564, 1-рўйхат,826 -иш, 2-4 -варақ. (UzNA F. M-2564, List 1, Work 826, Sheets 2-4.)
12. Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости. Т.: С.- 2 3 7-249. (Tyurikov V., Shagulyamov R. On the path of independence. T. : - P. 237-249.)
13. ТА УМС МКС РУз, д. 5-1-14: Юго-Восточная Азия. (TA UMS MKS RUz, 5-1-14: South-East Asia.)
14. Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости. Т.: С.- 2 7 0. - 2 7 4. (Tyurikov V., Shagulyamov R. On the path of independence. T. : - P. 270-274.)
15. Намозов Н. Индонезия тарихидан лавҳалар. Тошкент.: 2001. Б-224. (Namozov N. Excerpts from Indonesian history. Tashkent. : 2001. -P-224.)

16. http://www.mtrk.uz/ru/news/info/company/2381/ (03.05.2020)
17. Ўз. Рес.маданият ва спорт ишлари вазирлиги архиви.Фонд №-38, рўйхат-1, йиғма жилд № 1598, варақ № 1-3. (RUz. Archive of the Ministry of Culture and Sports. Fund №-38, list-1, compilation volume № 1598, sheet № 1-3.)
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хориж мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг жорий архиви. 2016 йил фаолияти бўйича ҳисоботидан. (Current archive of the Committee on International Relations and Friendship with Foreign Countries under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. From the 2016 activity report.)
19. Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости. Т.: С. 2 54. (Tyurikov V., Shagulyamov R. On the path of independence. T.: -P. 2 54.)

.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Равшан Турсунов,
Тарих фанлари номзоди, доцент
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
ravshan.tursunov.1980@mail.ru

XIX АСРНИНГ 2 ЯРМИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА СОДИР БЎЛГАН ҚУМ ВА ЧАНГ БЎРОНЛАРИ ТАРИХИГА НАЗАР

For citation: Ravshan Tursunov, A LOOK AT THE HISTORY OF SAND AND DUST STORMS OCCURRED IN TURKESTAN IN THE SECOND HALF OF THE XIX CENTURY. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.482-492

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-66

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XIX асрнинг 2 ярмида Туркистондаги экологик ҳолат ҳамда ўлкада содир бўлган қум ва чанг бўронлари тарихи маҳаллий ва рус тадқиқотчиларининг асарлари асосида илк бор илмий тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Табиат, экология, табиий офат, об-ҳаво, шамол, қум ва чанг бўронлари, бархан, дюн, қумтепалар.

Равшан Турсунов,
Кандидат исторических наук, доцент.
Национальный университет Узбекистана
ravshan.tursunov.1980@mail.ru

ВЗГЛЯД НА ИСТОРИЮ ПЕСЧАННЫХ И ПЫЛЬНЫХ БУРЬЕВ КОТОРЫЕ СЛУЧИЛИСЬ В ТУРКЕСТАНЕ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX ВЕКА

АННОТАЦИЯ

Данная статья является первым научным исследованием экологической ситуации в Туркестане во второй половине XIX века и истории песчаных и пыльных бурь в стране на основе работ местных и российских исследователей.

Ключевые слова: Природа, экология, стихийное бедствие, погода, ветер, песчано-пыльные бури, бархан, песчаные дюны.

Ravshan Tursunov,
Candidate of Historical Sciences, Associate Professor at
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
ravshan.tursunov.1980@mail.ru

A LOOK AT THE HISTORY OF SAND AND DUST STORMS OCCURRED IN TURKESTAN IN THE SECOND HALF OF THE XIX CENTURY

ABSTRACT

This article is the first scientific study of the ecological situation in Turkestan in the second half of the XIX century and the history of sand and dust storms in the country based on the works of local and Russian researchers.

Index Terms: Nature, ecology, natural disaster, weather, wind, sand and dust storms, barkhan, sand dunes.

---

1. Долзарблиги:

Инсоният ҳаёти бевосита табиат ва ундаги ҳодисалар билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай экан, инсонлар табиатдан оқилона фойдаланиши, уни асраб-авайлаши муҳим ҳисобланади. Тарихдан маълумки, ҳар бир даврда ва маконда табиат қонуниятларини бузилиши натижасида инсоният жуда катта қийинчиликлар гирдобига дучор бўлган. Моддий манфаат илинжида табиатга кўрсатилган ҳар бир ҳаракат табиий муҳитга ўзининг салбий таъсирини кўрсатган.

XIX асрнинг 2 ярмида Туркистон ўлкасида хонликлар, кейинчалик Россия империяси томонидан минтақадаги табиий ресурслардан оқилона фойдаланилмаганлиги, ўсимликлар дунёсини асраб-авайланмаганлиги, сув танқислигини инобатга олинмаганлиги экологик муаммоларни, турли табиий офатларни, жумладан, қум бўронларини содир бўлишига олиб келган. Қум ва чанг бўронлари одатда, ернинг ўсимлик қатлами кам бўлган чўл ва чўлли ҳудудларида кузатиладиган атмосфера ҳодисаси бўлиб, ўрганилаётган даврда Туркистон ўлкасида бу каби табиий ҳодисалар содир бўлиб турган.

Бугун дунёда иқлим ўзгариши ва экологик муаммолар давлат ва жамият тараққиётига, инсоният саломатлигига жиддий таъсир кўрсатиб турган бир вақтда экологик муаммолар тарихини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада умумэътироф этилган тарихий методлар, жумладан, тарихийлик, тарихий маълумотларни умумлаштириш, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари каби усуллардан фойдаланилди. Қум ва чанг бўронлари, унинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида маҳаллий зиёлилар ва рус табиатшунос олимлари ўз асарларида алоҳида тўхталиб ўтганлар. Айниқса, Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасининг табиати ва иқлимини ҳамда табиий бойликларини ўрганишга жўнатилган рус тадқиқотчиларининг тадқиқотларида қум бўронлари, уни келтириб чиқарувчи омиллар билан боғлиқ қимматли маълумотлар учрайди. Бироқ ўрганилаётган мавзу доирасида ҳозирга қадар илмий изланишлар олиб борилмаган.

3. Тадқиқот натижалари:

Бухоро жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан бири бўлган Садриддин Айний эсдаликларида Бухорода содир бўлган қум ва чанг бўронлари ҳақида ёзиб ўтган. Айний ушбу табиат ҳодисасига ўзи гувоҳ бўлиб, унинг табиатга ҳамда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига етказган талофатлари, зарарларини атрофлича тасвирлаб ўтади.

Айний қадим замонларда Шофирком туманидаги Жилвон ва Шофирком анҳорлари серсув бўлган вақтларда унинг ёшлик чоғлари ўтган Маҳаллаи Боло қишлоғи жуда обод бўлганлигини айтиб, кейинчалик Қизилқум чўлларидан кўчиб юрадиган қумлар таъсирида Жилвон анҳорини ҳамда Шофиркомнинг эски анҳорини қум босиб қолиши натижасида Маҳаллаи Бало қишлоғи жуда ҳароб ҳолатга келиб қолганлигини ёзади. Айний “мен эсимни таниганда бу қишлоқ шундай эди”[1] деб қишлоқдаги экологик ҳолат ва муаммоларни тасвирлайди.

Маҳаллаи Боло қишлоғининг кўп ерларини қум босганлиги сабабли бу ҳудудларда аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик қилишда катта қийинчиликларга дуч келишган. Табиий

офат натижасида Шофирком туманидаги қишлоқларда деҳқончилик учун яроқли ер майдонлари камайиб кетган бўлиб, улар ҳам асосан бойлар қўлида бўлган.

Айний ёшликдаги хотираларидан бирида эрта баҳор бошланган вақтда ўзининг ҳовлиси ва қишлоқдаги боғлар, табиат ҳақида гапириб, ўрик дарахтлари гуллаганлигини, майсалар кўкарганлигини, қишлоқ деҳқонлари деҳқончилик учун ерларни ҳайдаш, ариқларни қазиш ва узумзорларда кўмилган токларни очиш каби ободонлаштириш ишлари билан машғул эканликларини баён этади.

Эсдаликларда Айний отасининг рухсати билан ҳовлисидан ташқарига, яъни Шофиркомнинг эски анҳор бўйидаги қумтепалари устида қўй боқаётган акасини олдига боради. Йўл-йўлакай ёш Айний анҳор бўйидаги кўкаламзорга айланган табиатни тасвирлаб, акаси қўй боқаётган қум тепаликка ўтади. Акаси билан биргаликда қумтепаликлардан қўзиқорин теради. “Шу вақтда -деб ёзади Айний – шамол қўзғалиб, ҳаво бузила бошлади. Биз рўд бўйига етиб келгунимизча шамолнинг эсиши шиддатланиб, ҳавони чанг тўполон қоплади... Шамолнинг эсиши борган сайин шиддатланар, осмонга устма-уст чанг кўтарилиб, ҳаво тобора қоронғулашарди. Йўлда мен кўрган кўкламликдан асар қолмаган эди... Ҳаводан ёғаётган қум бир нафасда ерни қумлоққа айлантирди. Одамлар эшикларни ёпиб, чироқ ёққан бўлсалар ҳам, эшикларнинг тирқишидан уйга ҳам қум кириб тўшакларни қопламоқда эди...”[2]. Айний эрталаб туриб ҳовлига чиққанида ҳаво яхшиланганлигини, бироқ ҳовли юзи ва боғ қисми қумлоқ майдонга айланганлигини, ўрик дарахтларининг гуллари зарарланганлигини, узумзорларда токлар қум остига қолганлигини ёзади. Аҳоли ушбу табиий офат келтирган зарарларни бартараф этиш, токзорларни қум остидан тозалаш борасида ҳашар ишлари олиб боради.

Айний ҳашар ишларига ёрдам бериш мақсадида йўлга отланган отасига қўшилиб, бобоси яшайдиган Қоқоёвони қишлоғига борганлигини, отаси бобосининг боғ ва узумзорларини қумдан тозалаш ишларига ёрдам берганлигини, бу қишлоқ Маҳаллаи Боло қишлоғига қараганда анча серсув ҳисобланишини, аммо қум кўчиши натижасида у қумзор бир чўлнинг ҳолатига келиб қолганлигини таъкидлайди.

Садриддин Айний офат келтирган зарарларни даф қилишга уринаётган аҳолининг ҳатти-ҳаракатларини қуйидагича тасвирлайди: “Далаларда одамлар чигирткадай ёйилиб ҳаракат қилмоқда: узумзор ва экинзорларнинг шарқий-шимолий томонларида шохдан тўсиқлар қўриб, қум йўлини тўсмоқда ва кўкламда очганларидан қум босиб қолган ток ва экинларнинг устидаги қумларни замбилғалтаклар ва қопчалар билан ташиб, қум зарар етказмайдиган бир жойга олиб бориб ташлардилар”[3].

Айний эсдаликларида уйга қатишда йўлда Болои Рўд қишлоғидан ўтганлигини ёзиб, у ерда ҳам табиий офат катта талофат келтирганлигини айтади. Муаллиф бошқа қишлоқларга қараганда серсув ва тегирмонлари кўп бўлган бу қишлоқни бутунлай қум босиб қолганлигини, “унда-мунда баъзи баланд ҳовлиларнинг том бурчаклари кўринса ҳам қишлоқ қишлоқлик тусини йўқотган ва қумли чўл манзарасини олганлигини” таъкидлайди.

Табиий офат юз берган кунларда Тезгузар қишлоғидан бинокорлик ишларини тугатиб қайтган Айнийнинг амакиси отасига у томондаги қум бўронларидан кўрилган зарарларни қуйидагича тасвирлаб ўтади: “Боғи афзал ва Тезгузар қишлоқларининг боғ ва экинзорлари, Қораёғоч қишлоғи экинзорлари, Деҳнави Абдуллажоннинг шимоли томони, Муҳаммад Боқи қишлоғининг бир қисми ва Кочихўрлон қишлоғи бутунлай қум остида қолган. Айтишларича, қум ҳужуми Сайидато ва Вардонзе қўрғонларигача етган”[4].

Қум бўрони оқибатида анҳорни қум босганидан сўнг Маҳаллаи Боло ва бошқа қишлоқларда ҳаёт кечириш анча мураккаблашади. Айний қишлоқда ҳовузлар кам бўлганлигини таъкидлаб, “Рўдни қум босганидан кейин қишлоқ бутунлай чанқади, ҳовузлар қуриди, қудуқ суви кун сайин озая борди. Шофирком тумани сувсиз бўлиб қолди... Бу ҳолни кўрган отам бизни эртароқ Соктарега кучириб олиб кетди”[5] деб ёзади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Шофирком туманида юз берган табиий офат оқибатида ўз жойларини ташлаб кетган аҳоли қандай бўлмасин ўз қишлоқларига қайтишлари, қум бўронида тўлиб қолган анҳорларни қазиб сув чиқаришга бир неча бор

ҳаракат қиладилар, бироқ қумдан тозаланган ариқни яна қум босиб қолиши, уларни Шофирком туманига янги анҳор қазиб бориш учун ҳукуматдан ёрдам сўрашгача мажбур қилади. Янги ариқларни қазиш ҳукумат рухсати ва назорати билан амалга оширилган. Туман аҳолиси ўз ҳудуди ободлиги учун барча меҳнат ва ҳаражатларни ўз зиммаларига олган ҳолда янги ариқ қазишга рухсат беришини сўраб амирга арзнома киритадилар. Айнийнинг эсдаликларида бу ҳақда қуйидаги маълумотлар келтирилган: "Амир Музаффар Шофирком туманининг чор ҳокимига – қози, раис, амлокдор ва миршабига фармон юбориб, бу ишни бошлашга буюрибди. Ҳокимлар янги рўд ўтадиган жойларни аниқлагандан кейин ишга киришиптилар... Бу орада амирдан қозига Шофиркомга бориб янги рўд қазиш ишига раҳбарлик қилиш тўғрисида муборакнома (фармон) келган"[6].

Аҳолининг меҳнатсеварлиги натижасида ҳашар бошланган йилнинг кузида анҳор қазиб тугатилади ва деҳқонлар деҳқончилик ишларини бошлаб юборадилар. Шофирком деҳқонлари кейинчалик қум босган эски анҳорни ҳам ҳукумат аралашувисиз ҳашар йўли билан қумдан тозалаб, янги ариқнинг бир қисм сувини унга оқизадилар. Бунинг натижасида аҳоли қум босган ерларни ҳам ўзлаштириб, қайтадан кўкаламзорга айлантирадилар.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, Садриддин Айнийнинг ушбу эсдаликлари Туркистон ўлкасидаги экологик ҳолат ва муаммоларни ўрганишда жуда қимматли манба эканлигини кўриш мумкин. Муаллиф ҳаёти давомида содир бўлган деярли барча ҳолатларни, жумладан, ёшлик чоғларида қишлоғида юз берган қум бўронини тасвирлаши бизга ўрганилаётган даврда ўлкадаги экологик вазият ва муаммоларни етарлича билиб олиш имконини яратади. Шунингдек, муаллифнинг фикрларидан шуни англаш мумкинки, табиий офат оқибатида ўз ҳудудларини ташлаб кетган Шофирком тумани аҳолиси бирлашиб, яшаш жойларини зарардан қутқариб обод маконга айлантира олганликларини кўрсатади.

Агарда Айний каби унинг бошқа замондошлари ҳам ҳаёти давомида юз берган табиат ходисаларини эсдаликларида баён этиб борганида минтақа табиати ва атроф-муҳит тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган бўларди.

1879 йилнинг август ойида Эски Термиз ҳаробаларини ўрганиш мақсадида Самарқанддан чиққан экспедиция гуруҳ таркибида рус геолог олими И.В.Мушкетов ҳам бўлиб, у экспедиция давомида Сурхон воҳасининг табиатини ўрганиб, қум бахранлари, чанг бўронлари, уларнинг ўсимликларга етказаётган зарарлари ҳақида қимматли маълумотларни бериб ўтади. Муаллиф Жарқўрғон минораси яқинидаги Миа деб номланган ҳудуддан воҳанинг сувсиз саҳро ва чўл даштлари бошланишини айтиб, кучли шамоллар натижасида қум ва чанг бўронлари содир бўлиб, ўсимликлар дунёсига катта талофат келтирганлигини, хатто ушбу қум бўронлари оқибатида ҳавога кўтарилган чанг зарралари Эски Термизгача етиб келиб, шаҳар қум ва чанг заррачалари билан қопланганлигини таъкидлаб ўтади[7].

Россия империяси Туркистон ўлкасини хом ашё базасига айлантириш йўлида минтақа табиатини ҳар томонлама ўрганишга алоҳида эътибор қаратади.

Тадқиқотчи Н.А.Маев 1880 йил давомида Бухоро хонлигининг қумли-даштли ҳудудларига айланиб тадқиқотлар олиб боради. Маевнинг ушбу кузатувларидан кўзланган асосий мақсад Бухоронинг қумли-даштли ерлари ҳамда Калифдан то Хивагача чўзилган Амударё бўйи ҳудудларини деҳқончилик учун қанчалик қулайлигини аниқлаш бўлган. У Бухоро ва Амударё ҳавзаларини кўпроқ ўргангани сайин, ушбу мамлакатлар табиий таназзулга қараб бораётганлигини, Амударё устига улкан қумлар тобора яқинлашаётганлигини, қумларни ёз мавсумидаги шимолий-шарқий шамоллар ҳаракатлантираётганлигини, ушбу офат маданий ҳудудларга катта талофат келтираётганлигини ҳамда келажакда бу ўлка экологиясига жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлайди[8].

Туркистон генерал-губернатори К.П. фон-Кауфманнинг ўзи ҳам шахсан қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, янги экин майдонларини яратишга тўсиқ бўлаётган қумли ҳудудларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратади. Кауфман 1880 йилнинг ёзида Фарғонага ташриф буюриб, водийнинг қумли ҳудудларини кўздан кечиради.

Хўжанддан то Балиқчи - Шаҳрихон чизиғи чегарасигача чўзилган ҳудудда тарқалган қумликларнинг кўп учраши, уларнинг кучли жанубий-ғарбий шамоллар таъсирида ҳаракатланиши натижасида йўлида жойлашган қишлоқлар, экинзорлар ва ариқларни қум босиши каби ҳолатлар Кауфманнинг ҳам қумликларга табиатнинг бир салбий жиҳати деб қарашига мажбур қилади. Бу хавф ўз-ўзидан тўхтамаслиги ёки йўқ бўлиб кетмаслигини, қумларнинг етказадиган зарарлар кўлами, йўқ қилган ҳудудлари сони ошса ошадики, асло камаймаслигини яхши тушунган Кауфман Фарғона водийсига мутахассислар бошчилигида комиссияларни юборади.

1881 йилнинг апрель ойида Кауфман томонидан Марғилонга Б.В. Смирнов бошчилигидаги комиссия юборилади ва у 1882 йилнинг куз фаслининг охирларигача водий табиатини, айниқса, водийнинг чўл ҳудудларида ўрганиш ишларини давом эттирган.

Фарғона водийсида нафақат шағал чўлларда, балки шўрхок чўлларда ҳам улкан қумтепалар учраган. Қумтепалар Қўқондан Марғилонга борадиган йўлни кесиб ўтиб, шимол томонга қараб кенгайиб борган. Фарғона вилоятидаги қумликлар умумий ҳисобда 1500 верст квадрат майдонни эгаллаб, Хўжанддан бошлаб то Балиқчи ва Шаҳрихон оралиғигача гоҳ кенгайиб, гоҳида эса торайиб узлуксиз чўзилиб кетган[9].

Фарғона водийси маданий ҳудудларини қум босиши мавзуси кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вақтинча вайронагарчилик келтириб чиқарувчи сув тошқинларидан фарқли ўлароқ, қум кўчиши катта аҳамият касб этади.

Ўрта Осиё минтақасида кўплаб шаҳарлар ва воҳалар (жумладан, Хўтан, Бухоро, Қуйи Сирдарё ва Амударё ҳудудлари, Устюрт, Сирдарёнинг Каспий денгизи ирмоғи туманлари) қум босқини натижасида йўқ бўлиб кетган[10].

Рус табиатшуноси ва сайёҳ А.Ф. Миддендорфнинг хулосасига кўра, Фарғона водийсида қум кўчиши ва чўллашиш жараёнига 2 та омил таъсир кўрсатиши мумкин эди. Биринчидан, кўчманчи аҳолининг чорвадорлик фаолияти ривожланиши натижасида чорва сони ошиб, уларнинг ўтлатилиши табиатга зарар етказади. Айнан маҳаллий шўрхок ва шағал чўлларда кенг тарқалган ўтлар ва буталар қум кўчишини ушлаб турувчи табиий тўсиқ ҳисобланади. Ўсимликларнинг камайиши чўллашиш хавфини ошириб, бунда чорва ҳайвонлар ўсимликларни томиригача ейиши ва туёқлари остида нобуд қилиши жиддий таъсирга эга бўлади. Бундан ташқари, маҳаллий аҳоли томонидан чўлларда буталар ва ўсимликларни ўриб олиниши оқибатида табиий тўсиқ бўлмиш чўллар ўсимликлари янада кўпроқ зарар кўрмоқда[11].

Метеорологик тадқиқотларга кўра, Қўқонда эсадиган шамоллар фақат ғарбий шамоллар ва ғарбий бўронлар бўлиб, асосан тунги пайтда, шунингдек, ёзда ҳам, март, сентябрь, ноябрь ва декабрь ойларида ҳам шамоллар эсиб турган. Ушбу ғарбий шамоллар ер юзасида айланиб чиқадиган йирик шамолларнинг қисмидир. Аммо ёз мавсумида эсадиган ғарбий шамоллар сайёрадаги энг қуруқ шамоллардан бири бўлиб, минтақанинг қумли саҳролари устидан жазирама қайнаган ҳаво массаларига қўшилиб, қорли османўпар тоғларга қараб йўлини давом эттиради.

Аҳоли ёмон кўрадиган, қўрқадиган шамол тури - гармсел, сак-шамол ва теббад деб номланган. Миддендорф Фарғона водийси иқлимини ўрганиш давомида тадқиқотчи Б.В. Смирновнинг маълумотларини ҳам келтириб ўтади. Унга кўра, 1878 йилнинг 14 август куни Қўқонда гармсел шамоли кузатилиб, тунда шамол қутириб, дарахтлар шох-шаббаларини синдириб, куннинг ўрталаригача давом этган.

Рус табиатшуносларининг кузатувлари асосида ўрганилган тадқиқотларда Марказий Осиёда чангли туманлар бўлиб турган. Жумладан, А.Ф.Миддендорф ҳам чангли шамоллар ҳақида ўз фикрларини билдириб, чангли туманлар ҳаво оқимлари (courant ascendant) билан бевосита боғлиқ бўлиб, ҳаддан ортиқ исиб кетган қитъа устида кезади, деб таъкидлайди[12].

Миддендорф водий табиати ва иқлимини тасвирлаб, шундай дейди: “Биз Фарғона водийсида доимо очиқ ҳаво, булутсиз осмон бўлади, деб ўйлаган эдик. Аслида бошқача бўлди: муаллиф водийда бўлганида, ёмғирлар туфайли ноқулайликларга дуч келиб, водий

осмони гоҳ булутли, гоҳида чанг тумани билан қопланган бўлар эди. Аммо ўшанда маҳаллий аҳоли айтишича, ғалати йил бўлган экан”[13].

Миддендорф Фарғона водийси табиатини ўрганиши жараёнида ёғоч олинадиган дарахтлар хусусида тўхталиб, бу ерда нафақат экилган дарахтзорлар, балки балки табиий тоғ ўрмонлари, дарахтзорлари ястаниб ётганлигини, янги шаклланаётган Марғилон марказий шаҳри кўчаларида 10 минглаб кўчатлар ўтқазилганлигини, соя-салқинликга эҳтиёж сезган Ўрта Осиёликлар дарахтларга жиддий эътибор беришини, уларни парваришлаб, ҳаттоки дарахтларни муқаддас нарсалар қаторига киритишганлигини алоҳида таъкидлаб, қадрият даражасига кўтарилганлигини ёзади.

Муаллиф кучли шамоллар ҳақида гапириб, тадқиқотчи Б.В. Смирновни юқорида келтирилган маълумотини, яъни 1878 йилда Қўқонда содир бўлган 3 кунлик бўронларни кузатганлигини, гарчи дарахтларнинг шох-шаббалари синган бўлса-да, улар бўронларга қарши тура олганлиги тўғрисидаги маълумотини алоҳида таъкидлаб ўтади[14].

Миддендорфнинг ушбу фикрларидан дарахтлар кучли шамоллар натижасида юзага келадиган қум ва чангларни шаҳар ҳудудига киришига мустаҳкам тўсиқ бўла олганлигини англаш мумкин.

Турон минтақаси мавжуд сув ҳавзаларининг қуришида шамол турларининг - биринчи навбатда шимолий-шарқий қуруқ шамоллар, кейинги ўринда эса шимолий шамоллар турининг – аҳамияти катта роль касб этади. Ўша даврдаги Тошкент, Нукус ва Петро-Александровск (Тўрткўл) шаҳарларида ишга туширилган метеорологик станцияларнинг 1875-1879 йиллардаги илмий кузатувлари ҳам минтақа сув ҳавзаларида шимолий ва шимолий-шарқий қуруқ шамоллар тез-тез бўлишини тасдиқлаган. Станция ҳисоботларига кўра, Нукусда эсган шамолларнинг 6 та туридан шимолий ва шимолий-шарқий шамолларининг ўзи 59,8% ни ташкил қилган. Айнан шу ҳолат Петро-Александровскда мос равишда 54,9 % ни ва ҳаттоки Тошкентда ҳам 50,9% ни ташкил этганлиги келтириб ўтилган. Бунда шимолий шамоллар ҳиссаси Нукусда 36,4% ни, Петро-Александровскда 54,9% ни, Тошкентда эса 31,3% ни ташкил этган[15].

Россия империяси Давлат мулки ва Деҳқончилик вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги бўлими инспектори Н.Дингельштедт Сирдарё вилояти табиатини, иқлимини ўрганиб, вилоятда шимолий-шарқий шамоллар кўпроқ эсганлигини, очиқ текисликларда кучли бўронлар бўлиб турганлигини, айниқса, Қизилқум даштида қуруқ иссиқ ҳаво ҳароратидан иборат шамоллар чанг бўронларига айланиб, уларнинг ҳавоси Сирдарёнинг ўзига ва Тошкентгача етиб борганлигини таъкидлайди[16].

Қумлар ҳам Турон сув ҳавзалари минтақасининг яна бир ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланади. Н.Дингельштедтнинг фикрига қараладиган бўлса, минтақада қумларнинг пайдо бўлишига турлича қаралган. Масалан, рус геологи ва географи И.В. Мушкетов барча қумликларни келиб чиқишига қараб, икки турга ажратган: Биринчиси, “дюн” қумтепалар ва бархан – шамол таъсирида пайдо бўладиган кўчма қумтепалар. “Дюн” қумтепалар сув ва шамол фаолияти билан боғлиқ бўлган. Улар узун чўзилган бўлиб, яқин атрофдаги қирғоқ йўналишига мос равишда жойлашган. “Дюн”лар асосан Қизилқум саҳроси шимоли ва Қорақум саҳросида кенг тарқалган. Мазкур “дюн”лар узун ва баланд қаторлардан ташкил топиб, 0,5 км узунликка ва 50 футгача баландликка етган. Ушбу “дюн”лар бир томондан Орол денгизи чекиниши билан боғлиқ денгиз тўлқинлари, бошқа томондан эса денгиз шамоллари эсиши натижасида юзага келган[17].

Барханлар шамол таъсирида пайдо бўладиган кўчма қумтепалар ҳисобланади. “Дюн”лар сув ва шамол таъсирида пайдо бўлса, барханларнинг пайдо бўлишида эса бошидан охиригача барча ишни шамол бажаради.

Шамол қанчалик кучли ва давомли бўлса, барханлар шунчалик соф, кенг ёйилган бўлади. Барханлар фақатгина муайян бир иқлимда юзага келади. Қулай шарт - шароит мавжуд бўлса, қум уюмлари доимо ҳаракатда бўлаверади.

Н.Дингельштедт қум бўронлари ҳақида гапириб, “шубҳасиз, шамол таъсирида ҳаракатланган қум қишлоқ хўжалиги тизимининг ёвуз душманидир. Бу ғаним билан

курашиш ҳақида жуда кўп ёзилган, айтилган, лекин, Туркистон минтақасида бу борада амалий ишлар жуда кам қилинмоқда”дейди[18].

Маҳаллий аҳоли (Туркистонликлар) ирригация, суғориш натижасида қум ҳаракати қисқаради ва ортга чекинади, деб ишонадилар. Уларнинг фикрича, “сув қумни кесади”, яъни унинг зарарларини бартараф қилади.

Н.Дингельштедт ушбу муаммога табиатшунос олимларнинг қарашлари турлича бўлганлигини билдириб, уларнинг фикрларини таҳлил қилади. Масалан, Рихтгофен фикрига кўра, айнан суғориш қум тарқалишининг сабаби ҳисобланган. Фарғона водийси тадқиқотчиси А.Ф. Миддендорф қумли ҳудудлардаги ўсимликларни сақлаб қолиш масаласига катта аҳамият қаратади. Бундан кўзланган мақсад эса ер майдонларини қум босишига қарши тура олишидир. У сувнинг аҳамияти юқори эканлигини таъкидлаб, барханларнинг ўсимликларсиз яланғочланиб қолаётганини юқорида билдириб ўтган икки сабаб билан изоҳлайди. Биринчидан, чорвачилик оқибатида ўсимликларнинг босқиланиши бўлса, иккинчи сабаби эса уларнинг ўтин сифатида ишлатилишидир. Шунинг учун Миддендорф чорвачиликни тартибга солишни таъкидлаган[19].

Н.Дингельштедт тадқиқотида қум босишининг аянчли оқибатлари ҳақида ҳам маълумотларни кўриш мумкин. Қадимги афсоналар ҳам, тарихий тадқиқотлар ҳам, қумда қолган шаҳарлар қолдиқлари ҳам бу офатнинг оқибатлари ҳақида ишора беради. Куннинг маълумот беришича, Амударёнинг ўнг соҳилида Петро-Александровскдан шимол томонда қумлик сарҳадларга кириб бораверишда яхши даврларни кўрган, тилсиз гувоҳлардек қараб турган, ташлаб кетилган ҳаробалар, қуриб қолган дарахтлар учрайди. Ҳали 10-15 йиллар олдин у ерлар гуллаб-яшнаб турар эди. Аммо шимолий-ғарбдан кириб келган учар қумлар уларни шу ҳолга келтирган. Соболев ҳам Бухородаги улкан қум билан қопланган ҳудудлар ҳақида маълумот бериб ўтади. 1,5 км майдонни эгаллаган ушбу бой манзилгоҳ ташлаб кетилган. 1868 йилда бошқа бир манзилгоҳдан ҳам 16 минг оила кўчиб кетган[20].

Н.Дингельштедт Турон пасттекислигида сув ҳавзаларининг камайиб, торайиб бориши сайин, мазкур минтақа майдони шамоллар кўп бўладиган ҳудудга айланиб борганлигини айтади. Ҳудудда шамолларнинг кўплаб эсиши - ҳавога катта миқдорда қум зарралари кўтарилиб, чўллашиш жараёнларини тезлашишига таъсир қилиб, кейинги табиий ўзгаришларни давом эттириб борган.

Н.Дингельштедт аслида бу жараёнлар анча илгари бошланганлигини таъкидлаб, ҳозирда эса шиддат билан давом этаётганлигини, Турон минтақаси сув ҳавзаларидаги учиб юрган қум зарралари жуда янги хосилаларга тегишли бўлиб, минтақанинг улкан ер майдонлари ҳудудини эгаллаб бораётганлигини ҳамда унинг юзасини ҳозирги ҳолатини шаклланишига сабаб бўлаётганлигини ёзади.

Н.Дингельштедт қум бўронларини олдини олиш борасида тўхталиб, “бироқ бу тилсиз душман билан курашиш имкони мавжуд ва, албатта, вақтни бой бериш ярамайди” деб таъкидлайди[21].

Рус тадқиқотчиларидан бири В.П. Наливкин ҳам Туркистон ўлкаси, жумладан, Фарғона водийси табиати ва иқлими ҳамда минтақада содир бўлган чанг бўронлари ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган.

1881 йили Бош Физика обсерваториясининг йилномаларида қайд этилган маълумотларга кўра, Қўқон шаҳрида жанубий-ғарбий шамоллар ҳукмрон шамол оқимлари ҳисобланиб, 1 мартдан то 31 декабргача 240 кун давомида жанубий-ғарбий шамоллар эсган. Жанубий-ғарбий шамоллар Фарғона сарҳадларига Хўжанд томондан кириб келиб, бунда шамол оқими водийнинг шимолий ва жанубий тоғ тизмалари учлари яқинлашган ҳудудидан елиб ўтиб, тезлиги кучаяган. Шамол оқимлари сиқилиб тезлашиши Хўжанддан бироз пастроқда содир бўлган.

В.П. Наливкин ўз тадқиқотларидан бирида Шаҳидмозор қишлоғидаги баланд бинолардан бирининг устига чиқиб шиддатли жанубий-ғарий шамолларни кузатиб, қуйидаги ҳолатларни кўрганлигини баён этиб ўтади: “Хўжа-Ягона, Патар, Конибодом, Махрам ва Қароқчиқумларда осудалик ҳукм суради. Қароқчиқум дарасининг жанубий-ғарбий бурчагида

унча баланд бўлмаган чанг устунлари, тўғрироғи, чанг уйимлари пайдо бўлиб, аста-секин улар ягона улкан булут кўринишига кириб, чанглар аввал тупроқ юзаси бўйлаб тор йўналишда, сўнгра эса кенгайиб бораверади. Чангли булутлар Хўжа-Ягонага етганида Қароқчиқум ҳудудлари кўринмай қолади. Бир неча дақиқадан сўнг шамол куч тўплаб, Шаҳидмозор ва Патар қишлоқларида олдинига нозик, кейин эса йирик қум уйимлари эса бошлайди. Ярим соатлардан сўнг шимолий-шарқий йўналишда, Наманган ва Марғилонларга қараб йўл олган кулранг улкан чанг булутларидан бошқа ҳеч нарсани кўз кўра олмай қолади”[22].

Наливкин қум кўчишининг жиддий оқибати - бу қишлоқлар, далалар ҳамда ариқларнинг қум остида қолиб йўқ бўлиб кетишидир деб, миллиардлаб қум зарралари бир-бирини қувганча бир йўналишда ҳаракатланиб, шамол таъсирида қумтепаларга айланаётганлигини, бугун улар бир жойда бўлса, бир-икки йилдан сўнг боғу-роғларга, ҳовлиларга кириб боришини, ўсимликларни қуритиб, эгаларини қувғин қилишгача боришини баён этиб ўтади. Муаллиф бундай ҳол илгари ҳам юз берганлигини, аммо у замонда бироз бошқача ҳолат бўлганлигини таъкидлайди. Мисол учун, илгари маҳаллий аҳоли қум келиши биланоқ бошқа жойларга кетган, бунда улар бутун мол-мулкини, ҳаттоки қурилиш моллари, дарахтларигача олиб кетган. Одатда, ўша замон аҳолиси Андижон, Шахрихон, Исфара, камдан кам ҳолларда эса Хўжандга кўчиб кетган. Эндиликда бўлса, маҳаллий аҳоли яна қумдан кочиб кетмоқда, аммо боши оққан томонга, таввакал қилиб кўчишга жой изламоқда. Чунки истиқомат қилишга қулай ҳудудлар торлик қилмоқда. Агар илгари қум келиши биланоқ дарҳол ҳудудни тарк этиб кетишган бўлса, ҳозирда маҳаллий аҳоли умид билан сўнгги қарич ерини ҳам қум босиб олгунча кутиб, кейин кўчишга мажбур бўлмоқда.

Наливкин Қақир қишлоғида экинзорлар деярли бутунлай қум билан қопланиб бўлганлигини, айрим кулбалар олдида томгача етадиган қум уйимлари шаклланганлигини, ҳар гал кучли шамол эсганида қум уйларнинг дудбуронлардан ичкарига тушганлигини, овқат пишириш ҳам имконсиз бўлиб қолаётганлигини таъкидлайди. Аммо айрим тақводор аҳоли вакиллари сабр қилиб чидаб яшамоқда. Уларнинг уддабурон қариндош-қўшнилари аллақачон кўчиб, бошқа жойда уй-жой қилишга ҳам улгурган эди. Аммо қолганлар энди кетишга ҳам иложсиз аҳволда, очликдан мажбур бўлиб, улар янтоқларни ўриб, Қўқон бозорида пуллаб кун кечирмоқда. Бу ҳаракати билан улар Урганжи, Боюча ва Пайпак каби қишлоқларга ҳам интилаётган босқинчи қумларга йўл очиб бермоқда.

Наливкин ўсимликлар ва дарахтларни қум бўронларига қарши турувчи асосий восита сифатида кўрсатиб, бироқ тирикчилик мақсадида уларни ҳам аҳоли томонидан кесилиши, чопилиши табиий офат кўламини янада кенгайишига сабаб бўлаётганлигига урғу қаратади.

Муаллиф қум босқини хавфи остидаги қишлоқларни санаб ўтиб, биринчи галда Шаҳидмозор қишлоғини келтирган. Маҳаллий аҳоли вакили элликбоши Мамарайимнинг экинзорларидан ўрикзор қилинган 12 таноб майдони (1878-1881 йиллари давомида) қум билан қопланиб, яроқсиз ҳолга келган эди[23].

Андархон қишлоғидан шимолроқда ҳеч қандай тўсиққа дуч келмаган қумлар кўплаб қумтепаларни барпо қилиб йўлини давом эттиради. Наливкин бундан 5-6 йил олдин Қорабўйин қишлоғининг бир қисмига қум босқини келганлигини айтиб, оқибатда 10 та оила ўз хўжалигидан маҳрум бўлиб, Марғилоннинг Акбаровот қишлоғига кетишганлигини, сўнгги йилларда намгарчилик етарли даражада бўлганлиги шарофати билан қум босган жойларда қамишзорлар қад кўтариб, эндиликда улар қишлоқни қумдан мудофаа этаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Муаллиф шунингдек, Андархон, Янгичек ва Совуртепалар орасида жойлашган улкан қум заҳирасидан 50-100 сажен кенгликдаги қум оқими кучли шамол таъсирида ҳаракатга келиб, Капа, Бешкапа ва Қипчоқ қишлоқларини, уларнинг ариқларини шиддат билан ифлослаётганлигини, маҳаллий аҳоли ариқларни тозалаб, қайта тиклагани билан яна 2-3 марта эсган жанубий-ғарбий шамол оқими қум билан ариқларни тўлдириб катта зарар келтираётганлигини баён этади[24].

Олти қуш, Қашғар, Қора кўрпа, Овул, Чонкент, Боюча, Урганжи ва Пайпак қишлоқларида каттадан катта қум уйимларини кўриш мумкин. Муаллиф Урганжи яқинида қум илгари деҳқончилик қилинадиган майдонларга зарар етказган бўлса, эндиликда Пайпак ва унга туташ Хўжа қишлоғининг экинзорларини қоплаб олаётганлигини таъкидлайди.

Қияли, Қақир ва Турк қишлоқларини муаллиф ўлик қишлоқларга киритади. Қияли қишлоғининг кўплаб дала ҳовлилари буткул қум босиб, қумтепалар билан қопланган. Наливкин Қақир қишлоғида эса Қияли қишлоғидан кўра қийинроқ аҳвол эканлигини таъкидлайди. Нафақат экинзорлар, балки кўчалар, ҳовлилар ҳам қум билан қопланган, баъзи жойларда қумтепалар ичидан девор ва пахсаларнинг учи чиқиб кўриниб туради.

Муаллифнинг ёзишича, бундай кучли қум келиши бу ерларда 25-30 йил олдин бошланиб, сўнгги 5 йил ичида жуда жадаллашган. Атига 20 йил аввал Қияли ва Шўрқишлоқлар оралиғидаги ҳудуд деҳқончилик майдонларидан иборат бўлиб, эндиликда бу ерда қумтепалар кенг тарқалган, жанубда қуюқ қумтепалар уюми билан тўсилиб қолган сув етиб келолмаган. Экинзорлар чўлга айланиб, баъзи жойларда янтоқ, мия, оқбош ўсимликлари ўсган.

Наливкиннинг келтиришича, сўнги 15-20 йил ичида фақат Қияли қишлоғини ўзидан 100 дан ортиқ оилалар Шаҳрихон ва Андижонга кўчиб кетган. Аммо кучайиб бораётган қум кўчишига қарамай, 1880, 1881, 1882 йилларда кўчиш ҳолати кузатилмаган[25].

4.Хулосалар:

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инсоният ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлиқ эканлигини чуқур ҳис этган ҳолда унга тўғри муносабатда бўлиш шартлиги ҳар бир даврда долзарб аҳамиятга эга бўлган. Кишилик жамиятига назар ташлайдиган бўлсак, табиат ҳодисалари олдида инсонлар доимо ожиз эканликларини кўриш мумкин. Тўғри табиат ва унинг барча неъматлари инсоният учун яратилган. Бироқ инсоният ўз эҳтиёжлари чегарасидан ортиқчасини исташи ва бунга эришиши учун табиат ва унинг ресурсларидан аёвсиз, нооқилона фойдаланиши натижасида атроф-муҳит ва экологиянинг бузилишига сабабчи бўлмоқда. Қолаверса, табиатда шундай ресурслар борки, улардан фойдаланилгандан сўнг ўрнига янгиларини барпо этилиши (масалан: дарахтлар кесилиб аҳолининг моддий эҳтиёжи учун фойдаланилдими? ўрнига янги дархтларни экиш лозим ва ҳоказолар) шарт, акс ҳолда ўсимликлар табиат олдидаги вазифаларини (масалан: табиатни кислород билан таъминлаш ва ҳоказолар) тўлиқ бажара олмай қоладилар. Натижада табиат қонуниятлари бузилиб, экологик муаммолар юзага келади.

XIX асрнинг 2 ярмида Туркистон ўлкасидаги экологик ҳолатни ўрганиш жараёнида инсониятнинг табиат ресурсларидан оқилона фойдаланмаслиги оқибатида бир қатор табиий офатлар, жумладан, қум ва чанг бўронлари содир бўлганлигини кўриш мумкин.

Бундай бўлишига бир нечта омиллар, яъни, биринчидан, жуда катта ҳудудларни ўзида жамлаган хонликлар табиатни асраб-авайлаш бўйича асосий эътиборни марказий ҳудудларга қаратганлиги, марказдан олисдаги ҳудудлар, чўл ва даштликлардаги экологик ҳолатга деярли эътибор бермаганликлари, иккинчидан, аҳоли тирикчилик ва ҳаёт кечириши учун бу ҳудудлардаги ўсимликлар дунёсига катта талофат етказиши оқибатида чўл қумлари кучли шамоллар таъсирида ўз жойини ўзгартириб, аҳоли яшашдиган масканларни босиб, маданийлашган ерларни қумтепаларга айлантирганлиги, учинчидан, хонликларда замонавий илм-фанларни ўрганишга бўлган интилишнинг сустлиги, хонлар ёки амирлар ўз ҳудудида ер ости бойликлари борлигини била туриб, ундан самарали фойдалана олиш йўлларини билмасликлари, жумладан, нефть конлари бор бўлса-да, аҳоли ёқилғи сифатида аксарият ҳолларда турли дарахтлар ва ўсимликлар ўтинларидан фойдаланишганлиги, тўртинчидан, Россия империяси ўлкани хом ашё базасига айлантириш йўлида табиатдан аёвсиз фойдаланганликлари сабаб бўла олади.

XIX асрнинг 2 ярмида Туркистон ўлкасидаги экологик ҳолати, содир бўлган қум ва чанг бўронлари тарихини ўрганишда маҳаллий зиёлилар ва рус табиатшунос олимларнинг тадқиқотлари қимматли манба сифатида алоҳида аҳмиятга моликдир.

Иқлим ўзгариши, табиий мувозант ва экологиянинг бузилиши бўйича юқорида айтилган омиллар бугунги кун учун ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Садриддин Айний. Асарлар. Эсдаликлар. I-II-қисм. Т.5. – Тошкент, 1965. – Б.17. (Sadriddin Ayni. Works. Memories. Part I-II. T.5. - Tashkent, 1965. - P.17.)
2. Садриддин Айний. Асарлар. Эсдаликлар. I-II-қисм. Т.5. – Тошкент, 1965. – Б.23. (Sadriddin Ayni. Works. Memories. Part I-II. T.5. - Tashkent, 1965. - P.23.)
3. Садриддин Айний. Асарлар. Эсдаликлар. I-II-қисм. Т.5. – Тошкент, 1965. – Б.25. (Sadriddin Ayni. Works. Memories. Part I-II. T.5. - Tashkent, 1965. - P.25.)
4. Садриддин Айний. Асарлар. Эсдаликлар. I-II-қисм. Т.5. – Тошкент, 1965. – Б.27. (Sadriddin Ayni. Works. Memories. Part I-II. T.5. - Tashkent, 1965. - P.27.)
5. Садриддин Айний. Асарлар. Эсдаликлар. I-II-қисм. Т.5. – Тошкент, 1965. – Б.29. (Sadriddin Ayni. Works. Memories. Part I-II. T.5. - Tashkent, 1965. - P.29.)
6. Садриддин Айний. Асарлар. Эсдаликлар. I-II-қисм. Т.5. – Тошкент, 1965. – Б.68,71. (Sadriddin Ayni. Works. Memories. Part I-II. T.5. - Tashkent, 1965. - P.68,71.)
7. Ботиров И.Т. Эски Термиз тарихий манбаларда (XIX-XX аср бошлари). – Тошкент, Фан. 2010. – Б.7.; Ураков Д.Ж. Туркистон генерал-губернаторлиги билан Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатларни ёритувчи манбалар. “XIX аср охири - XX аср бошларида Бухоро мавзусида Республика илмий-назарий анжумани материаллари. –Бухоро. 2010. – Б.155-157. (Botirov I.T. Old Termez in historical sources (early XIX-XX centuries). - Tashkent, Fan. 2010. - P.7. ; Urakov D.J. Sources covering the relations between the Governor-General of Turkestan and the Emirate of Bukhara. “Materials of the Republican scientific-theoretical conference on Bukhara in the late XIX - early XX centuries. - Bukhara. 2010. - P.155-157.)
8. История полувековой деятельности Императорскаго Русскаго Географическаго Общества, 1845-1895 / сост. по поручению Совета Императорскаго Русскаго Географическаго Общества вице-председатель общества П. П. Семенов, при содействии действительнаго чл. А. А. Достоевскаго.Часть II. Одлель IV. – Санкт-Петербург. 1896. – С.824. (. The history of half a century of activity of the Imperial Russian Geographical Society, 1845-1895 / comp. on behalf of the Council of the Imperial Russian Geographical Society, vice-chairman of the society P.P. Semyonov, with the assistance of a full member. A. A. Dostoevsky. Part II. Odelle IV. - St. Petersburg. 1896. - p. 824)
9. Наливкин В.П. Опыть исследования песков Ферганской области. – Новый Маргелан. 1887. – С.1. (Nalivkin V.P. Experience the study of the sands of the Fergana region. - New Margelan. 1887. - p. 1.)
10. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.38. (Middendorf A.F. Essays on the Fergana Valley. - SPb., 1882. - P. 38.)
11. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.38. (Middendorf A.F. Essays on the Fergana Valley. - SPb., 1882. - P. 38.)
12. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.123. (Middendorf A.F. Essays on the Fergana Valley. - SPb., 1882. - P. 123.)
13. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.124. (Middendorf A.F. Essays on the Fergana Valley. - SPb., 1882. - P. 124)
14. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.306. (Middendorf A.F. Essays on the Fergana Valley. - SPb., 1882. - P.306.)
15. Дингельштедт Н. Опыть изучения ирригации Туркестанскаго края. Сырь-Дарьинская область. – С.Петербург. 1893. – С.10. (Dingelstedt N. Experience in studying the irrigation of the Turkestan region. Syr-Darya region. - St. Petersburg. 1893. - p. 10.)

16. Дингельштедт Н. Опыть изучения ирригации Туркестанскаго края. Сырь-Дарьинская область. – С.Петербург. 1893. – С.25. (Dingelstedt N. Experience in the study of irrigation in the Turkestan region. Syr-Darya region. - St. Petersburg. 1893. - p. 25.)
17. Дингельштедт Н. Опыть изучения ирригации Туркестанскаго края. Сырь-Дарьинская область. – С.Петербург. 1893. – С.13. (Dingelstedt N. Experience in the study of irrigation of the Turkestan region. Syr-Darya region. - St. Petersburg. 1893. -- p. 13.)
18. Дингельштедт Н. Опыть изучения ирригации Туркестанскаго края. Сырь-Дарьинская область. – С.Петербург. 1893. – С.14. (Dingelstedt N. Experience in the study of irrigation of the Turkestan region. Syr-Darya region. - St. Petersburg. 1893. -- p. 14)
19. Дингельштедт Н. Опыть изучения ирригации Туркестанскаго края. Сырь-Дарьинская область. – С.Петербург. 1893. – С.14. (Dingelstedt N. Experience in the study of irrigation in the Turkestan region. Syr-Darya region. - St. Petersburg. 1893. -- p. 14.)
20. Дингельштедт Н. Опыть изучения ирригации Туркестанскаго края. Сырь-Дарьинская область. – С. Петербург. 1893. – С.15. (Dingelstedt N. Experience in the study of irrigation of the Turkestan region. Syr-Darya region. - St. Petersburg. 1893. - p. 15.)
21. Дингельштедт Н. Опыть изучения ирригации Туркестанскаго края. Сырь-Дарьинская область. – С.Петербург. 1893. – С.15. (. Dingelstedt N. Experience in the study of irrigation in the Turkestan region. Syr-Darya region. - St. Petersburg. 1893. -- p. 15.)
22. Наливкин В.П. Опыть исследования песков Ферганской области. – Новый Маргелан. 1887. – С.71. (. Nalivkin V.P. Experience the study of the sands of the Fergana region. - New Margelan. 1887. - p. 71.)
23. Наливкин В.П. Опыть исследования песков Ферганской области. – Новый Маргелан. 1887. – С.129. (Nalivkin V.P. Experience the study of the sands of the Fergana region. - New Margelan. 1887. - P. 129.)
24. Наливкин В.П. Опыть исследования песков Ферганской области. – Новый Маргелан. 1887. – С.136. (Nalivkin V.P. Experience the study of the sands of the Fergana region. - New Margelan. 1887 - P. 136.)
25. Наливкин В.П. Опыть исследования песков Ферганской области. – Новый Маргелан. 1887. – С.137.(Nalivkin V.P. Experience the study of the sands of the Fergana region. - New Margelan. 1887. - P. 137).

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Икромжон Ибрагимович Умаров,
Термиз Давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси
Email: lochin-umarov@mail.ru

КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИДА ЁМҒИР ЧАҚИРИШ МАРОСИМЛАРИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ

For citation: Ikromjon I.Umarov, RAIN CALLING CEREMONIES IN KOHITANGTOG VILLAGES. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.493-502

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-67

АННОТАЦИЯ

Қадим замонлардан бошлаб аждодларимиз деҳқончилик қилар экан, йилнинг қулай бўлишига умид боғлашган. Даладан кўп ҳосил олиш мақсадида турли маросимларни ўтказишган. Бу маросимларни ўтказар экан, деҳқонлар йилнинг серёғин ва баракали келишига умид боғлашган. Бошқа ўлкалар ва халқларда ҳам ёмғир чақириш удуми мавжуд бўлиб, уларда ўзига хос маросимлар бажарилади. Ушбу мақолада муаллиф илмий манбалар ва дала тадқиқотларига асосланиб, Кўҳитангтоғ қишлоқларида ёмғир чақириш маросимларининг ўтказилиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот беради.

Калит сўзлар: Кўҳитанг, сув, ёмғир, маросим, «Суз хотин», «Сув султон хотин», қўғирчоқ театр, яда тоши, Ардохшо, «Кал боғлаш», «Узма ош».

Икромжон Ибрагимович Умаров,
Преподаватель кафедры Всемирной истории
Термезского государственного университета
E mail: lochin-umarov@mail.ru

ПРОВЕДЕНИЕ ОБРЯДОВ ПО ВЫЗОВУ ДОЖДЯ В КИШЛАКАХ КУХИТАНГТОГ

АННОТАЦИЯ

С древних времен наши предки, занимаясь земледелием, надеялись на благополучный год. Для сбора хорошего урожая с поля, проводили различные ритуалы. Проводя эту церемонию дехкане надеялись, чтобы год был дождливым и изобильным. В других странах и народах также были обычаи, призывающий дождь, во время которого выполнялись определенные ритуалы. В данной статье автор на основе научных источников и полевых исследований приводит сведения о проведении обрядов по вызову дождя в кишлаках Кухитангтог и их особенностях.

Ключевые слова: Кухитанг, вода, дождь, ритуал, «Суз хотин», «Сув султон хотин», кукольный театр, камень яда, Ардохшо, «Кал боглаш», «Узма ош».

Ikromjon I. Umarov,
Lecturer at the Department of World History
Termez State University

RAIN CALLING CEREMONIES IN KOHITANGTOG VILLAGES

ABSTRACT

Since ancient times, our ancestors, engaged in agriculture, expected for a prosperous year. For having productive harvest from the field, various types of traditional rituals were performed. By conducting this ceremony, the farmers hoped for a rainy and abundant year. In other countries and peoples, there were also customs calling for rain, during which certain rituals were performed. In this article, the author, on the basis of scientific sources and field research, provides information on the conduct of ceremonies to induce rain in the villages of Kuhitangtog and its features.

Index Terms: Kukhitang, water, rain, ritual, «Suz xotin», «Suv sulton xotin», puppet theater, stone yada, Ardahsho, «kal boglash», «uzma osh».

---

1. Долзарблиги:

Маълумки, сув жамики тирик мавжудотнинг ҳаёт манбаи бўлиб ҳисобланади. Айниқса, деҳқончиликда сувнинг ўрни ниҳоятда баланд бўлиб, ота-боболаримиз ўз экинзорларини сувлаш учун ариқ ва коризлар қазиганлар, тўғон ва дамбалар барпо этганлар.

Деҳқончиликнинг об-ҳаво билан чамбарчас боғлиқлиги аҳоли ўртасида табиат кучлари билан алоқадор турли удумларни юзага келтирган**.** Сурхон воҳаси аҳолиси, хусусан, Кўҳитангтоғ этакларида яшовчи аҳоли деҳқончилик қилишдан олдин турли хил маросимлар ўтказишган. Улардан энг асосийси ёмғир чақириш билан боғлиқ маросимлар эди. Сўнгги ўн йилликларда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида ушбу маросимнинг хилма-хил турлари борлигини кўрсатди. Бу эса, мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу мақола тарихийлик, қиёсий-таҳлил ва ҳудудий ёндошувлар сингари тарихий методлар асосида ёритилган бўлиб, унда Сурхон воҳасидаги унутилиш арафасига келиб қолган қадимги ёмғир чақириш маросимлари тўғрисида маълумот берилади.

Айтиш жоизки, ёмғир чақириш маросимларининг ўзбек миллий маросимлари ва фольклорида тутган ўрнини аниқлаш зарурияти фақат мустақиллик туфайлигина юзага келди. Бир қатор тадқиқотчилар ўз асарларида ушбу маросим ҳақида тўхталиб ўтишган. Жумладан, М.Саттор[1], И.Жабборов [2], С.Турсунов [3], Н.Назаров [4] асарларида ушбу маросимнинг ўтказилиши ҳақида маълумотлар келтирилади. Бундан ташқари, ёмғир чақириш билан боғлиқ маросимлар бошқа халқларда ҳам учраши боис, турли тадқиқотчиларнинг назарига тушган. Жумладан, В.Н Басилов [5], Н.В. Афанасьев, С.С.Хомус [6] ва бошқа олимлар ўз тадқиқотлари давомида ёмғир чақиришнинг турли усуллари тўғрисида маълумотлар келтиришади.

3. Тадқиқот натижалари:

Кўҳитангтоғ қишлоқларида яшовчи аҳолининг деҳқончилик билан боғлиқ анъаналари узоқ асрлар давомида шаклланган бўлиб, кишиларнинг табиатга бўлган муносабати, ҳаёт таъминотини яратиш борасидаги хўжалик фаолияти натижасида вужудга келган. Тоғ қишлоқлари аҳолиси эрта баҳорда деҳқончилик ишларини бошлашдан аввал турли хил маросимлар ўтказиб келганлар. Бу маросимларнинг аксарияти сув (ёғингарчиликнинг меъёрида бўлиши), ҳаво (об-ҳавонинг мўътадил бўлиши), тупроқ (ернинг тобга келиши), олов (қуёшнинг қиздириши) каби табиат унсурларининг мувозанатга келиш даври бўлган баҳор фасли билан боғлиқдир.

Эрта баҳорда ўтказиладиган илк хўжалик маросимларидан бири – бу дарвешонадир. Дарвешона ҳар йили бир марта борлиқ яратувчисига шукроналик учун ўтказиладиган диний-хўжалик маросимидир. Бунинг учун одамлар ўзаро пул йиғишган. Буғдой олиб, тегирмонда

тортилиб ёрма тайёрланган. Бадавлат кишилар қўй берганлар. Қўй сўйилиб, думба ёғига гўшт қовурилган. Ҳар бир кишига бир косадан ёрма улашилган, косанинг ичига пиширилган гўшт солинган. Одамлар «дарвешона – тишга даво» дея таомни тановул қилганлар. Сўнг мулла ёки эшон йил яхши келишини, Оллоҳдан одамларни турли хил балолардан сақлашни сўраб дуо қилганлар. Баъзида ёғингарчилик кўп бўлиб, деҳқончиликка талофат ета бошласа, бир мулла ва 10–15 одам бир жойда тўпланиб, Оллоҳ йўлига садақа чиқарганлар [7].

Чигиртка ва бошқа турли ҳашаратлар экин майдонларини босиб деҳқончиликка зарар келтирган вақтларда одамлар мулла чақириб ўз қишлоғи ёки даласини ўқитганлар. Ахборотчиларнинг гувоҳлик беришича, ҳашаротлар ва турли зараркунандаларга қарши ўқиишни фақат нафаси ўткир, билими кучли уламоларгина ўз зиммасига олиши мумкин бўлган. Шу билан бирга, аҳоли далага экин экишдан олдин ерга кул сепар, ўғитлашнинг бу усули минерал ўғит бўлиши билан бирга далани турли ҳашаротлардан сақлашда қўл келар эди [8].

Деҳқонлар ерни экинга тайёрлаб, ивитилган уруғни қадашдан бир кун олдин бободеҳқон маросимини ҳам ўтказишган. Бунда кишилар имкониятига қараб товуқ, эчки, қўй каби жонликлар худо йўлида сўйилиб, садақа қилинган. Мазкур маросимда ҳам руҳонийлар худди дарвешонадагидек ҳосил баракали бўлишини тилаб дуо қилганлар.

Деҳқончиликнинг об-ҳаво билан чамбарчас боғлиқлиги аҳоли ўртасида табиат кучлари билан алоқадор турли удумларни юзага келтирган. Масалан, 20 февралдан 21 мартгача бўлган ҳисобли кунларнинг дастлабки 15 куни Ҳут дейилган. Ҳутдан кейин кирган Ажузмомо 6 кун давом этади. Баъзан 7 кун ҳам бўлиши мумкин. Бу тўғрида халқ ўртасида тарқалган нақлда: «Ажузмомо олти кун, қаҳрига олса етти кун», -дейилади [9].

Мифологияда Ажузмомо бир пари бўлиб, қишнинг эгаси ҳисобланади. Айтишларича, бир вақтлар Ажузмомо одамларни муқаррар бир ўлимдан сақлаб қолган, кейин эса уларни яхшиликка етаклаган. Агар қаҳри келса, одамлар ва молларни музлатиб қўйган. Шу сабабдан, аҳоли баъзан совуқ урмасин деган маънода ҳам садақа чиқарарди.

Ажузмомодан сўнг Ахман ва Дахман киради. Улар уч кундан иборат бўлади. Ахман ва Дахман тугаши билан Обираҳмат бошланади. У ҳам уч кундан иборатдир. Сўнгра Қурбонраҳмат кирган. У икки кун давом этади. Охирида Наҳфи Наврўз бошланиб у бир кун бўлади ва шу билан қиш тугайди [10].

Об-ҳаво айнийверса, ҳамма, илоҳо ёмғир кўп бўлсин, буғдой, экинларимиз яхши бўлсин, офат бўлмасин, деб дуо қилишган. Об-ҳаво яхши келиши учун ҳар йили икки-уч марта одамлар йиғилишиб садақа чиқаришган.

Қурғоқчилик бўлганда эса қадимги аждодларимиз томонидан сув чақириш маросимлари ўтказилган. Кўҳитангтоғ қишлоқлари аҳолиси «Сув султон хотин» ёки «Суз хотин», ўзбек лақайлар эса «сус хотин» деб атаганлар. Манбаларда «суст хотин» дейилади. Тўғрироғи «Суз хотин»дир.

Ахборотчим Чиннихол момо Сафарованинг (1926–2000) эслашича, 1936 йилнинг баҳорида кучли қурғоқчилик содир бўлиб, ёмғир ёғмаган ва экин қурий бошлаган. Шунда Кўҳитанг тоғидаги Калапўшқия қишлоғи аҳолиси «Сув султон хотин» маросимини бажаришга киришадилар. Ҳомиладор аёлга кийим кийдирилиб, бошига рўмол ўралган. Бу кийим ва рўмол ечиб олиниб, аёл бошқа кийимларини кийиб олган. Сўнгра икки газ узунликдаги хода учидан сал пастроқда кичикроқ чўп бўлаги кўндалангига боғланиб тулум (қўғирчоқ) ясашган. Аёлнинг кийим-боши қўғирчоққа кийдирилган. Ўша ҳомиладор аёл қўғирчоқ тахтани кўтариб овулдаги ҳар бир ўтовга қараб юришни бошлаган. Унинг изидан эргашган бир тўда хотин маросим қўшиғини куйлашган. Қўшиқ айтилганидан сўнг уй бекалари тулумга сув сепганлар. Ушбу воқеанинг гувоҳи бўлган Чиннихол момонинг айтишича, шу маросим ўтганидан сўнг эртасига ёмғир ёққан. Шарти шу эдики, мазкур маросимни бажарган кишиларнинг иймони пок бўлмоғи ва ёмғир ёғишига чин дилдан ишонмоғи зарур бўлган [11].

Музработ туманида яшовчи Оллоқул бобо Қурбоновнинг (1928 йилда туғилган) айтишича, бу маросимда тулум(қўғирчоқ)ни уйнинг манглайи, яъни эшиги устига қўйганлар.

Унга сув сепишган-да, кейин тўп-тўп бўлишиб юқоридаги қўшиқни айтганлар. Сув чақириш маросимининг ушбу турини асосан ярим кўчманчи, ярим ўтроқ аҳоли ўтказарди [12].

Ангорлик ахборотчим Адолат момо Қўнғиротованинг (1932 йилда туғилган) маълумотига кўра, маросимнинг деҳқонлар ва боғбонлар ўтказадиган бошқа шакли «Суз хотин» дейилган. Бунда каттагина ёғочдан қўғирчоқ хотин ясалган. Сўнгра маросим эгаси хўроз сўйиб садақа чиқарган. Чунки, хўроз қўй ўрнида ўтади деб ишонилган. Бунда, албатта, қичқириқ хўроз сўйилади. Уй эгаси ният қилиб қўғирчоқни ўчоқ бошига олиб келади ва уни ерда тикка қилиб қўяди. Ўчоқдан чиққан тутун зарар қилмаслиги учун қўғирчоқни қозондан бир-икки метр нарида тутишган. Дастурхонга овқат тортилганда қўғирчоқ ҳам дастурхон бошига олиб келинади. Овқатга дуо ўқилгач, барча қўғирчоқни ўртага олиб ўйнатади ва атрофидан айланган ҳолда маросим қўшиғини куйлашган. Маросим тугагач, қўғирчоқни махсус қурилган майда уйчага киритиб қўйишган. Халқ «Суз хотин»ни худди (сувдами ё фалакда) сузаётган аёлдек тасвирлаган. Шунинг учун баъзан «султон» сўзининг ўрнига «суздон» сўзини қўшишган [13].

Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек лақайларида ёмғир ёғмай қурғоқчилик хавфи юзага келгач, қишлоқ оқсоқоллари маслаҳатлашиб, масхарабоз битта эркакка аёлнинг кийимлари кийгизилиб, эшакка тескари ўтирғизиб, «сус хотин» қўшиғини айтиб, эшакни уйма уй етаклаб юрадилар. Уй эгалари бу «сус хотин»нинг устидан сув қуйиб, имкон қадар бирон нарса берганлар. Кейин қудуқ, булоқ ёки дарёнинг бошига бориб, одамлар бир-бирининг устига сув сепишиб, йиғилган хайру-эҳсонни ўртага қўйишиб, бирга баҳам кўришиб, яратгандан ёмғир ёғдиришни сўрашадилар [14].

Қўғирчоқ ишлатиб ёмғир чақириш маросими Кавказда яшовчи туркий халқларда ҳам қайд этилган [15]. Қозон татарлари ўтказадиган ёмғир чақириш маросимида қўғирчоқ бўлмаган. Унинг ўрнига қурбонлик овқати еб бўлинганидан кейин куннинг қолган қисмида ёшлар йўлида учраган ҳар бир кишисига сув сепишган. С.Е.Маловнинг ёзишича, бу одат қурбонлик оши билан бирга қурғоқчилик вақтида ёмғир чақиришдаги шаманлик воситаси ҳисобланади [16].

Таъкидлаш жоизки, ёмғир чақириш удумлари исломдан олдинги маросимлар билан боғлиқ эди. Хусусан, хитой йилномаси «Тан-шу»да айтилишича, милодий VII асрда Кан (Сўғдиёна) аҳолиси ой тақвимининг ўн биринчи ойида доира ва рақслар билан совуқ чақиришган ҳамда бир-бирларига сув сепиб вақтичоғлик қилишган [17]. Хитой тарихчиси Сян Да келтирган маълумотга кўра, Шарқий Туркистондаги Куча шаҳри аҳолиси ой тақвими бўйича 7 ойнинг 1-кунидан 7-кунига қадар «су-мо-чже» рақсини ижро этар, рақс даврида уйлар олдида ва бир-бирларига сув сепишар эди. Ушбу рақс маросимий кўринишда бўлиб, «инь-ци», яъни нам ва совуқ об-ҳавонинг пайдо бўлишига кўмаклашиши лозим эди [18].

Ёмғир чақириш билан боғлиқ маросим рақслари Кўҳитангтоғ қишлоқларида XX аср ўрталарига қадар мавжуд бўлган. Март ойи бошлари, айниқса, Наврўз вақтида бир гуруҳ аёллар айлана ҳосил қилиб доира чалишган ва деҳқончиликка алоқадор турли маросимларни амалга оширишган. Доира садолари остида рақсга тушаётган аёллар меҳнат билан боғлиқ турли ҳаракатлар ва ёмғир ёғиш жараёнини акс эттиришлари шарт эди. Доира билан ижро этиладиган ушбу маросим тури «бадаш» деб аталади [19].

Одатда сув чақириш маросими февралдан, яъни кичик чилла тугаб, ҳут киришидан то апрелга қадар бўлган вақтларда ўтказилган. Маросим ўтиши билан ёмғир ёға бошлагач, деҳқонлар ер ҳайдаб, буғдой экаётган вақтда бир қўлида ўша қўғирчоқ, бир қўлида буғдой бўлган. Ерга уруғ сепаётган вақтда маросим қўшиғини куйлашган. Маҳмуд Сатторнинг ёзишича, бу одат ҳафтанинг хосиятли кунлари саналган якшанба, пайшанба ва жума кунлари ўтказилган. Хосиятсиз деб билинган кунларда маросимни ўтказиш ижобатсиз саналган [20].

«Суз хотин» маросими якунидаги қўғирчоқни куйдириб юбориш ёки эски қудуққа ташлаш удуми узоқ ўтмишдаги аждодларимизнинг қурбонлик қилиш маросимининг қолдиқларидан биридир [21].

Тажрибадан кўрилганки, «Суз хотин» маросими 20 февралдан то Наврўзга қадар тўғри ўтказилса, ўша йилнинг баҳори то ёзги чиллага (21 июн) га қадар серёғин бўлган.

Шунда ҳам ёмғир жала кўринишини олмаган. Деҳқонлар бундан баҳраманд бўлиб, мўл-кўл ҳосил олишган. Агар апрелда ўтказилганда ёмғир кечикиб, майнинг 10-санасидан то июннинг 15-саналаригача, яъни ғалла ўрими вақтида кучли жала бўлиб ёғган ва ҳосилнинг бир қисмини нобуд қилиш ҳолатлари кузатилган.

Нима учун қўғирчоқда айнан аёл образи берилган? Сабаби, қадимги туркий халқларда аёл муқаддас, улуғлик ҳамда барака тимсоли ҳисобланган. Шу билан бирга, «Суз хотин» маросими кўп жиҳатдан қадимги аждодларимизнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ бўлган. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, қадимги хоразмийлар испандормажи ойининг ўнинчи кунида вахшангам деган ҳайит байрамини нишонлашган. Вахшангам – Вахш сувига, айниқса Жайҳун сувига вакил қилинган фаришта исмидир [22]. Археологик маълумотларга кўра, кушон тангаларида Ардохшо маъбудасининг тасвири туширилган. Ардохшонинг маъноси «Охшо руҳи» бўлиб, тадқиқотчилар томонидан Вахш сўзига тўғри келиши аниқланган. Қадимги бақтрияликлар Охшо (Оахшо) худосига атаб ибодатхона (Тожикистондаги Тахти Сангин) ҳам қурганлар [23]. Археологик тадқиқотлар натижасида Термиз яқинида жойлашган Таллитоғора тепалиги мил ав. 1 минг йилликда сув худосига бағишлаб қурилган иншоот эканлиги аниқланди [24]. Оахшо/охшо қадимги туркийча ўқуз сўзи билан боғлиқ бўлиб, «сув» деган тушунчани англатади. Кўп худолилик даврида бу атама «сув худоси» деган маънони орттирган [25].

Юқоридагилардан келиб чиқиладиган бўлса, «Суз хотин» қадимги сув культи билан боғлиқ маросим бўлганлиги англашилади. Ислом дини тарқалган даврда ҳам бу маросим унутилмаган. У замонасига мослашиб, бошқа кўринишда бизнинг давримизга қадар етиб келган.

«Суз хотин» бошқа бир тарихий ҳақиқатни очиб беради, яъни, Сурхон воҳасида қўғирчоқ театрининг илк илдизлари бевосита ушбу маросим билан боғланади. Бемалол айтишимиз мумкинки, у орқали ўлкамизда қадимги қўғирчоқ театри шакллана бошлаган. Фақат бу ҳозиргидек қўғирчоқ театри эмас, балки анъанавий халқ маросими эди. Агар XIX асрда Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида анъанавий халқ театрларининг бош қаҳрамони «Качал полвон» бўлса, Сурхон воҳасида «Суз хотин» бўлган.

Тарихий манбаларда ёмғир чақириш маросимининг бошқа турлари ҳақида ҳам маълумот берилади. Чунончи, хитой манбаси «Бэй-ши»да айтилишича, Еттисув ва Шарқий Туркистон шимолида жойлашган Юебань давлатида шундай жодугарлар бўлганки, улар жужанлар ҳужуми вақтида сурункали ёмғир, кучли бўрон, ҳаттоки тошқин чақира олишган. Жужанларнинг $^{2}/_{10}$ ҳатто $^{3}/_{10}$ қисми чўккан ёки музлаб ўлган [26]. Яна бир хитой манбаси «Суй-шу»да ёзилишича, ашина туркларининг афсонавий аждоди Ичжини-нишиду бўрон ва ёмғир чақиришдек ғайритабиий қобилиятга эга бўлган [27].

IX аср иккинчи ярми X аср бошларида яшаган араб географи ибн ал-Факиҳ ал-Ҳамадонийнинг «Ахбор ал-булдон» номли асарида ёзилишича, Сирдарёнинг нариги томонида яшовчи номусулмон турклар, ўғуз, тўқузўғуз ва қарлуқ қабилалари орасида ўзларининг фол тошлари ва китоблари билан дуохонлик қилиб ёмғир, қор, дўл сингариларни ёғдирадиган кишилар борлиги эслатилади [28].

Абу Райҳон Беруний машҳур аллома Ар-Розийнинг «Китоб ал-Хавасс» («Хусусиятлар тўғрисидаги китоб») асаридан қуйидагиларни иқтибос қилиб келтиради: «Турклар мамлакатида, қарлуқлар ва бижанаклар ўртасида бир довон бор, қачонки ундан қўшин ёки чорва подаси ўтадиган бўлса, оёқлар ёки ҳайвон туёқлари кигиз билан боғлашади, бу билан ўтишни майин қилишади, негаки юриш вақтида тошларга қаттиқ тегиб кетса, қора туман кўтарилиб, сурункали ёмғир ёғиши мумкин. Шу тошлар ёрдамида улар истасалар ёмғир чақирадилар» [29]. «Осор ул-боқия» асарида Хўтандан Тибетга борадиган йўлда Йада деган тоғ жойлашганлигини қайд қилади [30]. «Минералогия» асарида эса, «яда» тоши ҳақида хабар берар экан, уни ҳажар жалиб лил матар (ёмғир чақирувчи тош) ёки ҳажар ал-барид (дўлни қайтарувчи тош) деб атайди. Беруний ўзининг шахсий кузатишлари ва тажрибага асосланиб, бундай тошларнинг ёмғир чақириши ёки дўлни қайтаришига шубҳа билан қарайди [31].

Гарчи Беруний ёмғир чақирувчи тошларнинг хосиятига ишонмаса-да, уларга бўлган қизиқиш кейинги асрларда ҳам давом этди. Хусусан, XI аср мутафаккири Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, «jат – ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун махсус тошлар (яда тошлар) билан фол очиш одатидир. Бу одат улар орасида кенг тарқалгандир. Мен буни яғмолар шаҳрида ўз кўзим билан кўрдим. У ерда пайдо бўлган бир ёнғинни сўндириш учун шундай фол қилинган эди, худонинг амри билан ёзда қор ёғди. Кўз ўнгимда ёнғинни сўндирди» [32].

Шарафиддин Али Яздийнинг хабар беришича, ҳижрий 766 йил рамазон ойининг боши, яъни илон йилида (милодий 1365 йилнинг 22 майида) Соҳибқирон Амир Темур Тошкент билан Чиноз оралиғида, Чирчиқ дарёси бўйида жете (мўғул) қўшини билан тўқнашади. Соҳибқирон қўшинини енгишга кўзи етмаган мўғуллар яда (йада) тоши ёрдамида ҳийла ишлатишга қарор қилдилар. Яда тошини ишқалаш натижасида даҳшатли шамол турди, момақалдироқ чалиб, қаттиқ жала қуя бошлади. Шу қадар қаттиқ ёмғир ёғдики, бутун дунёни сув босгандек бўлди. Жанг майдонидаги отлар лойга ботиб, ўрнидан қимирлолмай қолди [33].

XVII аср географи Маҳмуд ибн Вали Туркистон ажойиботлари ҳақида тўхталар экан, «у ерда бир тоғ бор, агар унинг тошларини бир-бирига ишқаласа ёмғир ёғади», деб ёзади. Яна, Чағониён вилоятидаги Ҳисори Шодмон қалъаси яқинидаги бир тоғнинг чўққисига бирон киши чиқса, ўша заҳоти об-ҳаво бузилиб, ёмғир ёға бошлашини ҳам қайд этади [34].

Яда тошлари ёрдамида ёмғир чақиришга ишониш кўп асрлар мобайнида Туркистон, Шарқий Туркистон, Волгабўйи, Сибир, Олтой ва Мўғулистонда яшовчи туркий ва мўғулий халқлар орасида сақланиб қолган. Ўзбекларда бу тош «яда», бошқирдларда «йәй таш», туваларда «чатташ», қозоқларда «жайтас» [35], қирғизларда «жайташ» [36], ёқутларда «сата», қалмоқларда «saadan tsholon» – сата тоши, туркманларда «яда тоши» [37] деб аталган.

С.Е.Маловнинг ёзишича, Туркистон ерлари ҳар турли фолчи, башоратчи ва афсунгарлар билан тўла. Улардан «полчи» ёки «раммолчи» – шунчаки китобга қараб фол очувчи; «жодугар» – қоғозга ёзилган турли дуолар ва тилсим сўзлар ёрдамида башорат қилувчи; «азайимхон», «дуохон» – доира урмай, мусиқа асбобларини чалмай дуолар ёрдамида дам солиб инс-жинсни қайтарувчи; «йадачи» – осмондан ёмғир чақириш санъатини билувчи, жалани тўхтатиш, булут, дўл ва қорни аврайдиган киши; «чироқчи», «бекимчи», «чумкеши» – ойнали чироқ ва сув тўлдирилган қадаҳга қараб унча катта бўлмаган маросимларни ўтказувчи башоратчи демакдир [38].

Қадимги туркий тилда «jadchi» – сеҳргар, афсунгар, «jat» – ёмғир ва шамол чақириш билан боғлиқ афсунгарлик, сеҳргарлик, «jatchi jatladi» – «сеҳргар ёмғир чақириш учун афсун ўқиди» маъноларини англатади [39]. Олтой халқларида яда тоши ёрдамида об-ҳавони бошқарувчи кишилар «ядачи» [40], қирғизларда «жайчи», об-ҳаво башоратчилари «эсепчи» дейилади [41].

Дала тадқиқотлари натижасида Ўзбекистон жанубида ҳам яда тоши билан боғлиқ объектлар топилди. Термиз туманидаги Кўктош ота мақбараси ичида кўк рангли учта катта тош ўрнатилган. Тошлардан қабристон номи келиб чиққан. Илгари қабристон четида турар эди. Қишлоқ аҳолиси уларни яда тошлари сифатида билишади. Аммо улардан ёмғир чақириш учун фойдаланишмайди. Негаки, яда тошини ишлатиш усулларини билишмайди. Шундай бўлса-да, тошлар ҳосиятли ҳисобланади. Зеро улар ёрдамида кўкйўтал даволанади. Бунда тошлар устидан сув қуйиб, кейин болага ичиришади. Кўпчилик ана шу муолажадан шифо топганликларини маълум қилишди. Кейинчалик, 1989 йилда маҳаллий аҳоли томонидан қабристон ичидаги бир шаҳиднинг мозори устига мақбара тикланиб, тошлар унинг ичига олиб келиб ўрнатилган [42].

Тошларнинг бу ҳудудга қачон олиб келинганлиги аниқ эмас. Аммо уларнинг Кўҳитанг тоғи марказидаги Кампиртепа қишлоғи ва Мечалисой атрофларидан олиб келинганлиги аниқ. Чунки, ушбу ҳудудларда қадимдан тош конлари мавжуд бўлган. Бу ердаги тошлардан тегирмон тошлари ва ёрғучоқлар тайёрланган [43]. Қолаверса, Пошхурд водийси X-XII асрлардаёқ ривожланган тоғ-кон марказларидан бири эди [44]. Кампиртепа

қишлоғида жойлашган қадимги қўрғон харобалари илк ўрта асрлар даврига оидлиги аниқланган [45]. Археологик тадқиқотларга кўра, X асрдан бошлаб Кампиртепада кончиларнинг йирик-йирик устахонлари ва маҳаллалари пайдо бўлган [46].

Биздаги маълумотларга қараганда, Термиз тумани ҳудудида жойлашган ҳаракатдаги қабристонлар ичида энг қадимийлари Кўктош ота билан Султон Саодат ҳисобланади. Охиргиси Султон Саодат мақбараси (IX-XVII асрлар) номидан келиб чиққан. Султон Саодат билан Кўктош ота оралиғи 3 километр. Кўктош ота қабристони Қирққиз саройи яқинида жойлашган. Улар ўртасидаги масофа бор-йўғу бир километрни ташкил қилади. Қирққиз саройи IX асрда вужудга келганлиги ҳамда Термиз шаҳри XIV-XV асрларда айнан Қирққиз ва Султон Саодат атрофларида тараққий этганлигини ҳисобга олиб, бу тошларнинг IX-XIV асрларда олиб келинганлигини тахмин қилишимиз мумкин.

Мовароуннаҳрга ислом таълимоти кириб келиши билан қадимги ёмғир чақириш маросимлари қаторига янги исломий усул ҳам кириб келди. Бу истисқо намози эди. Қурғоқчилик бўлган вақтларда ёмғир ёғдириш учун қадимги маросимлардан ташқари истисқо намози ўқилган. Исломий анъаналарга кўра, йил қуруқ келган йилларда мусулмонлар истисқо намозини ўқишар эди. Бунда бир гуруҳ намозхонлар қир-адирларга чиқиб, жамоат бўлиб 2 ракаат намоз ўқишган. Охирида дуога қўл очилганда Оллоҳдан мўл-кўл ёғингарчилик, экин-тикинларга барака берилишини сўрашган. Истисқо намози Бухоро амирлиги даврида Кўҳитанг тоғида кенг тарқалган эди. Ёмғир чақиришнинг ушбу туридан ҳанузга қадар фойдаланишади.

Кўҳитангтоғ қишлоқларига яқин бўлган Қашқадарёнинг Деҳқонобод туманида ёмғир чақириш учун «узма ош» маросими ўтказилади. Бунда биринчи бўлиб сув қайнатилиб, унга пиёз, ялпиз, каврак солинади. Агар топилса, нўхат ҳам қўшилади. Кейин хамир ёйилади-да, ёйиқ ҳолида пичоқ билан кесилмай, қўл билан узиб-узиб қозонга ташланади. Тайёр бўлгандан кейин, қатиқ қўшиб ейилади. Деҳқонободлик қўнғиротларда мавжуд бўлган удумга кўра, баҳор келиши билан уйга бирон киши меҳмон бўлиб келганда ҳам кескан ош ўрнига узма ош пиширишган. Агар уй бекалари меҳмоннинг ҳурмати учун кескан ош қилмоқчи бўлишса, уй эгаси бўлган эркаклар жанжал қилиб бўлса-да, кескан ош қилдирмай, ўрнига узма ош пиширтиришган. Негаки, аҳолининг асосий тирикчилиги лалмидан бўлган. Шу боис ана йўл тутишга мажбур бўлишган. Узилган хамирни қозонга ташлаётганда «бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм, илоҳим, ёмғирларимиз кўп ёғсин, сувимиз сероб бўлсин, деҳқончилигимиз мўл бўлсин» каби сўзларни айтиб, тилак билдиришади. Ушбу маросим гувоҳининг сўзларига қараганда, 2009 йили узма ош тайёрлаш маросими ўтказилгандан кейин кўп ўтмай Деҳқонободда тинмай жала ёққан экан [47].

Бойсун тоғи ғарбидаги Мачай қишлоғида ёмғир чақиришнинг яна бир қизиқ усули мавжуд бўлиб, у «кал боғлаш» деб аталади. Кал боғлаш – узун ипни олиб, қишлоқдаги калларнинг ишини айтиб, тугун қилиб боғлашган. Бир қанча тугундан иборат «тизма» нам жойга кўмиб қўйилган. Ёмғир ёғиб безор қилганда тугунлар олиниб, ўчоқ тагига кўмилган [48].

4. Хулоса:

Хулоса қиладиган бўлсак, ёмғир чақириш маросимлари жуда қадимий бўлиб, у ҳақда улуғ алломаларимиздан хабарлар келган. Дала тадқиқотларимиз натижаларига кўра, Сурхон воҳаси аҳолиси ёмғир чақиришда «Сув султон хотин», «Суз хотин», «Яда тоши» ва «Истисқо» намози сингари усулларидан фойдаланишган. Воҳанинг тоғли ҳудудларида яшовчи деҳқонлар ва боғбонлар «Суз хотин», «кал боғлаш», ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳоли «Сув султон хотин», «узма ош» каби маросимларни ўтказишган, кўчманчилар яда тошидан фойдаланишган, ислом дини аҳкомлари кучли бўлган ҳудудларда эса «Истисқо» намози адо этилган. Юқоридаги удумлардан фақат яда тошини ишлатишгина тўхтади, холос. Қолганлари эса, аҳён-аҳёнда ўтказилмоқда.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Саттор М. Ўзбек удумлари. –Тошкент: Фан, 1993. (Sattor M. Uzbek customs. –Tashkent: Fan, 1993.)
2. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1994. (Jabborov I. Ethnography of the uzbek people. – Tashkent: O'qituvchi, 1994.)
3. Турсунов С.Н., Пардаев Т.Р., Турсунов А.С., Тоғаева М.Р. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида номоддий маданият тарихи. –Тошкент: Муҳаррир, 2012. (Tursunov S.N., Pardaev T.R., Tursunov A.S., Togaeva M.R. History of intangible culture in the southern regions of Uzbekistan. –Tashkent: Muharrir, 2012.)
4. Назаров Н. Лақайлар: этнография, лингвистика ва фольклор. –Тошкент: Тамаддун, 2010. (Nazarov N. Laqays: ethnography, linguistics and folklore. –Tashkent: Tamaddun, 2010.)
5. Басилов В.Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. –Москва: Наука. 1992. (Basilov V.N. Shamanstvo in the peoples of Central Asia and Kazakhstan. –Moscow: Nauka. 1992.)
6. Афанасьев Н.В. Хомус С.С. Обряд вызова дождя в традиционной культуре якутов на примере шаманской практики куорсуннаах. // Медицина. Социология. Философия. Прикладные исследования. Москва: Кнорусс, №6, 2020 года. –С.157-160 (Afanasyev N.V., Khomus S.S. Rite of calling rain in the traditional yakut culture on the example of the shamanic practice of kuorsunnaach // Medicina. Sociologiya. Filosofiya. Prikladnye issledovaniya. Moskva: Knoruss, №6, 2020 goda. –S.157-160.).
7. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2014. –Б. 193-194. (Umarov I., Rahmonov H., Khudoiberdiev E. Ethnic history and ethnocultural processes in the Surkhan oasis. –Tashkent: Publishing House of the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi, 2014. –P. 193-194.)
8. Умаров И. Бадаш: тарих ва анъана. Термиз: Сурхоннашр, 2018. –Б. 23-24. (Umarov I. Badash: history and tradition. Termez: Surkhannashr, 2018. –P. 23-24.)
9. Дала ёзувлари, Термиз тумани, Кокилдор ота маҳалласи, 2018 йил. (Field records, Termez district, Kokildor ota mahalla, 2018.)
10. Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Хатак қишлоғи, 2014 йил. (Field records, Sherabad district, Xatak village, 2014.)
11. Дала ёзувлари, Ангор тумани, Занг қишлоғи, 1996 йил. (Field records, Angor district, Zang village, 1996.)
12. Дала ёзувлари, Музрабод тумани, Орият маҳалласи, 2014 йил.(Field records, Muzrabad district, Oriyat mahalla, 2014.)
13. Дала ёзувлари, Ангор туман маркази, 2017 йил, август. (Field records, Angor District Center, August 2017.)
14. Назаров Н. Лақайлар: этнография, лингвистика ва фольклор. –Б. 322. (Nazarov N. Laqays: ethnography, linguistics and folklore. –P. 322.)
15. Гмыря Л.Б. Обряды вызова дождя в традиционной культуре народов Дагестана (классификация и анализ содержания) // Вестник института истории, археологии и этнографии. 2010. №4. –С. 123. (Gmyrya L.B. Rituals of calling rain in the traditional culture of the peoples of Dagestan (classification and analysis of the content)// Vestnik instituta istorii arkheologii i etnografii. 2010, № 4. –P. 123.)
16. Малов С.Е. Шаманский камень «яда» у тюрков Западного Китая // «Советская этнография». Москва-Ленинград, 1947, вып. 1. –С. 151. (Malov S.E. Shaman stone of «yada» among the Turks of Western China // «Sovetskaia etnografiia». Moscow-Leningrad, 1947, issue. 1. –P. 151.)
17. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Изд. 2, Москва-Ленинград, том II, 1951. –С. 310-311. (Bichurin N. Ya.

Collection of information about the peoples who lived in Central Asia in ancient times. Ed. 2, Moscow-Leningrad, volume II, 1951. –P. 310-311.)
18. Малявкин А.Г. Материалы по истории уйгуров в IX—XII вв. История и культура Востока Азии. Том II. –Новосибирск: Наука, 1974. –С. 89. (Malyavkin A.G. Materials on the history of the Uighurs in the IX—XII centuries. History and culture of the East of Asia. Volume II. –Novosibirsk: Nauka, 1974. –P. 89.)
19. Умаров И., ва бошқалар. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар. –Б. 221-223. (Umarov I., and others. Ethnic history and ethnocultural processes in the Surkhan oasis. –P. 221-223.)
20. Саттор М. Ўзбек удумлари. –Б. 147-148. (Sattor M. Uzbek customs. –P. 147-148.)
21. Турсунов С.Н., ва бошқалар. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида номоддий маданият тарихи. –Б. 35. (Tursunov S.N., and others. History of intangible culture in the southern regions of Uzbekistan. –P. 35.)
22. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. I жилд. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. –Тошкент: Фан, 1968. –Б. 282. (Beruni Abu Rayhon. Selected works. I skin. Monuments left by ancient peoples. –Tashkent: Fan, 1968. –P. 282.)
23. Пугаченкова Г.А. Ртveладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Очерки истории и культуры. Древность и средневековье. Ташкент: Фан, 1990. –Б. 82. (Pugachenkova G.A. Rtveladze E.V. Northern Bactria-Tokharistan. Essays on history and culture. Antiquity and the Middle Ages. Tashkent: Fan, 1990. –P. 82.)
24. Абдуллаев К., Аннаев Т. Талитоғора – сув иншоотлари ибодатхонаси. «Термиз оқшоми» газетаси, 2011 йил 12 декабр, 42-43 сон. (Abdullaev K., Annaev T. Talitogora is a temple of water structures. «Termiz oqshomi» newspaper, december 12, 2011, issues 42-43.)
25. Турсунов С., Умаров И, Пардаев Т., Турсунов А., Холмонова Ф., Нарзуллаева Н. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи. Термиз: Сурхоннашр, 2017. –Б. 75. (Tursunov S., Umarov I, Pardaev T., Tursunov A., Kholmonova F., Narzullaeva N. Toponymic names and their history in Uzbekistan. Termez: Surkhannashr, 2017. –P. 75.)
26. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Том II. –С. 260. (Bichurin N. Ya. Collection of information about the peoples who lived in Central Asia in ancient times. Volume II. –P. 260.)
27. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Изд. 2, Москва-Ленинград, том I, 1950. –С. 221-222. (Bichurin N. Ya. Collection of information about the peoples who lived in Central Asia in ancient times. Ed. 2, Moscow-Leningrad, volume I, 1950. –P. 221-222.)
28. Ибн ал-Факих ал-Хамадани. Известия о странах. Ахбар ал-булдан. // Арабские источники о тюрках в раннее средневековье. –Баку: Элм, 1993. –С. 52-53. (Ibn al-Fakih al-Hamadani. News about the countries. Akhbar al-buldan. // Arab sources about the Turks in the early Middle Ages. –Baku: Elm, 1993. –S. 52-53.)
29. Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (минералогия). –Москва, 1963. –С. 205. (Biruni. Collection of information for the knowledge of jewelry (mineralogy). –Moscow, 1963. –P. 205.)
4. 30.Бируни. Избранные произведения. Том I. Памятники минувших поколений. –Ташкент: Фан, 1957. –С. 298. (Biruni. Selected works. Volume I. Monuments of past generations. –Tashkent: Fan, 1957. –P. 298.)
30. Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (минералогия). –С. 205-207. ((Biruni. Collection of information for the knowledge of jewelry (mineralogy). –P. 205-207.)
31. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. 3-жилд. Тошкент, 1963. –Б. 8. (Mahmoud Kashgari. Devonian dictionary Turkish. Volume 3 Tashkent, 1963. –P. 8.)
32. Шараф ад-Дин Али Йазди. Зафар-наме. –Ташкент: Санъат, 2008. –С. 38-40. (Sharaf ad-Din Ali Yazdi. Zafar-name. –Tashkent: San'at, 2008. –P. 38-40.)

33. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (География). –Ташкент: Фан, 1977. –С. 33, 59. (Mahmud ibn Wali. More tayn otnositelno doblestey blagorodnyx (Geography). –Tashkent: Fan, 1977. –P. 33, 59.)
34. Образцы казахской народной литературы. –Алма-Ата, 1933. –С. 96. (Images of Kazakh folk literature. –Alma-Ata, 1933. –P. 96.)
35. Абрамзон С.М. Этнографические исследования С. Е. Малова // «Тюркологический сборник 1975». –Москва: Наука, 1978. –С. 18. (Abramzon S.M. Ethnographic research of S. E. Malov // «Tyurkologicheskiy sbornik 1975». –Moscow: Nauka, 1978. –P. 18.)
36. Бетлингк О.Н. О языке якутов. –Новосибирск: Наука, 1989. –С. 618. (Betlingk O.N. About the Yakut language. –Novosibirsk: Nauka, 1989. –P. 618.)
37. Малов С.Е. Шаманство у сартов Восточного Туркестана. СМАЭ. Т. 5. Вып. 1. –Петроград, 1918. –С. 4. (Malov S.E. Shamanism among the Sarts of East Turkestan. SMAE. T. 5. Issue. 1. –Petrograd, 1918. –P. 4.)
38. Древнетюркский словарь. –Ленинград, 1969. –С. 222, 247. (Ancient Türkic dictionary. –Leningrad, 1969. –P. 222, 247.)
39. Вербицкий В. И. Алтайские инородцы // Сборник этнографических статей и исследований. –Москва, 1893. –С. 45. (Verbitsky V.I.Altaian foreigners // Sbornik etnograficheskikh statei i issledovanii. –Moscow, 1893. –S. 45.)
40. Абрамзон С. М. Очерк культуры киргизского народа. –Фрунзе, 1946. –С. 54. (Abramzon S. M. Essay on the culture of the Kyrgyz people. –Frunze, 1946. –P. 54.)
41. Дала тадқиқотлари. 2019 йил январ ойи. Термиз тумани. (Field research. January 2019. Termez district.)
42. Ёқубов Ш. Конпуртепа тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Янги авлод асри, 2004. –Б. 5. (Yoqubov Sh. Excerpts from the history of Konpurtepa. –Tashkent: Yangi avlod asri, 2004. –P. 5.)
43. Пугаченкова Г.А. Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. –С. 172. (Pugachenkova G.A. Rtveladze E.V. Northern Bactria-Tokharistan. –P. 172.)
44. Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. –Ташкент, 1982. –С. 133. (Arshavskaya Z.A., Rtveladze E.V., Khakimov Z.A. Medieval monuments of Surkhandarya. –Tashkent, 1982. –P. 133.)
45. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Тошкент, 1997. –Б. 78. (Annaev T., Shaydullaev Sh. Excerpts from the history of Surkhandarya. Tashkent, 1997. –P. 78.)
46. Дала ёзувлари, Термиз шаҳри, 2021 йил апрель. (Field records, Termez, April 2021.)
47. Дала ёзувлари, Бойсун тумани, Мачай қишлоғи, 2021 йил май. (Field records, Boysun district, Machay village, May 2021.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Анвар Улашевич Уроқов,
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик
ва дизайн институти ўқитувчиси
E-mail: jasur184@list.ru

ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИР САНЪАТИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

For citation: Anvar U.Urakov, SOME CONSIDERATIONS ABOUT THE ARTS PAINTING OF UZBEKISTAN. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.503-507

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-68

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ранг тасвир санъатининг ривожланиши, хусусан миллий ўзликни англаш, кўп асрлик анъана ва урф одатлар, дин ва адабиётни ёритишдаги ўрни, XX асрда санъат таълими орқали турли йўналишларни ривожлантириш масалалари ёритилган. Миллий мактабларнинг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг шаклланиши ва ривожланишини маданиятлар интеграцияси шароитида ўрганиш замонавий санъат тарихининг энг мухим вазифаларидан бири эканлиги акс эттирилган.

Калит сўзлар: интеграция, маданият, узлуксиз, тасвирий санъат, бадиий жараён, миллий анъаналар, ижодий метод.

Анвар Улашевич Уроқов
Преподаватель Национальный институт художеств
и дизайн имени Камолиддина Бехзода
E-mail: jasur184@list.ru

НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ О ИССКУСТВ ЖИВОПИСЬ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещена проблема развития национальных художественных школ в годы независимости в Узбекистане, восстановление национального самосознания, многовековых традиций и обычаев, религии и литературы, развитие различных направлений национального в XX веке через систему художественного образование. Изучение особенностей национальных школ, их формирования и развития в контексте интеграции культур, является одной из важнейших задач современного искусствознания.

Ключевые слова: Интеграция, культура, преемственность, изобразительное искусство, художественный процесс, национальные традиции, творческий метод.

Anvar U. Urakov
Teacher of the National Institute of Arts and Design
Named after Kamoliddin Behzod
E-mail: jasur184@list.ru

SOME CONSIDERATIONS ABOUT THE ARTS PAINTING OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

The article researches development of national art schools in the years of independence, national identity, centuries-old traditions and customs, religion and literature, the development of various areas of the national in the twentieth century through the system of art education. The study of the peculiarities of national schools, their formation and development in the context of the integration of cultures, is one of the most important tasks of modern art history.

Index terms: Integration, culture, continuity, visual arts, the artistic process, national traditions, creative method.

Введение

Искусство узбекского народа имеет древнюю историю, уходящую вглубь веков. На территории республики в многих местах обнаружены наскальные росписи, относящиеся к эпохе первобытного общества. Издревле из глины лепились изображения богинь и культовых существ. В произведениях древнего искусства использована сложная семантика орнаментального, антропоморфного и зооморфного характера. В них нашла свое отражение своеобразная художественная картина мира, сложившаяся в миропредставлении восточного человека. Существование различных религий и культов, в том числе и зороастризма, оказало решающее влияние на сложение менталитета среднеазиатов. В эпоху бронзы на территории Узбекистана существовало высокоразвитое изобразительное искусство, о чем свидетельствует Амударьинский клад, ныне хранящийся в Британском Национальном музее.

Эпоха античности отмечена расцветом архитектуры, скульптуры, ювелирного искусства, мелкой пластики, монументальной живописи (Айртам, Халчаян, Дальверзинтепе, Фаязтепе и др.). Раннесредневековые росписи Афросиаба, Варахши, Балалыктепе и других архитектурных памятников являются шедеврами монументальной живописи Средней Азии.

Материалы и методы

Изучение особенностей национальных школ, их формирования и развития в контексте интеграции культур, является одной из важнейших задач современного искусствознания. Искусство Узбекистана во всех видах и жанрах сформировалось главным образом в XX веке и является продуктом евразийского мышления. Традиционная художественная культура Узбекистана, насчитывающая несколько тысячелетий в своем развитии, к началу XX века несла в себе отражение сложного исторического, геополитического, этнокультурного, религиозного, социально-экономического своеобразия региона. Динамика цивилизованных сдвигов, великие социальные потрясения начала XX века создали фон для зарождения европейских форм изобразительного искусства, и это не было простым механическим переносом европейского или русского искусства на национальную почву. С самых первых произведений начала XX века у художников Узбекистана можно видеть симбиоз творческих поисков европейского искусства и «генетического кода» восточного художественного мировоззрения.

В этот период «обмен художественными традициями, их взаимовлияние способствовали появлению новых тенденций, форм, методов, средств художественной изобразительности в различных видах искусства, что привело к взаимообогащению культур». До независимости живопись Узбекистана отмечена именами Урал Тансыкбаев, Абдулхак Абдуллаев, Маннон Саидов, Рашид Тимуров, Рахим Ахмедов, Чингиз Ахмаров, Шамсируй Хасановой, Нина Кашиной, Владимир Бурмакина, Рузы Чарыева, Григория

Улько, Евгения Мельникова, Юрия Талдыкина, Янис Салпинкиди. В их творчестве приемы западноевропейской живописи органично синтезировались с традициями декоративности восточного искусства.

И сейчас творчество современных художников Узбекистана является своего рода перекрестком не только разных поколений, но стилистических направлений, тем творческих индивидуальностей, но и скрещением духовных поисков Востока и Запада, цивилизации и культуры, глобализации и поисков национальной самоидентификации, центром внимания которых остается, как и во все времена, Человек.

Мы можем законно гордиться достижениями во всех видах и жанрах узбекского изобразительного искусства и архитектуры после независимости Республики. За эти годы независимости в Узбекистане произошло восстановление национального самосознания, многовековых традиций и обычаев, религии и литературы, развиваются различные направления национального искусства и куль- туры. В этот период узбекское изобразительного искусство получило широкую возможность для всестороннего развития и проявления творческих способностей каждого художника. В нашей республике создаются произведения, являющиеся достойным вкладом в национальную художественную культуры в целом. Многие из них, завоевав широкое признание, получили высокую оценку нашего государства. Достижения художников наших дней убеждают: все подлинно прекрасное рождается на основе глубокого знания жизни, творческого освоения традиций, воплощенных в узбекской классике, на основе преемственности в историческом развитии искусства. Настоятельная необходимость усиления художественной культуры в жизни общества заставляет нас в серьез задуматься над вопросом: всегда ли мы, художники идем в ногу со временам, всегда ли достойно отражаем в своих произведениях масштабные деяния народа, его растущие эстетические потребности? Такого вопроса бояться не надо, он вовсе не от слабости. Постоянная неудовлетворенность собой, желание сегодня сделать лучше, чем вчера, равнение на высшие образцы помогают преодолевать самых страшных врагов искусства (да, по сути, любого творческого начинания) — равнодушие и бесстрастность.

Одна из насущных забот — состояние станковых видов творчества, составляющих идейно-эстетическое ядро всего искусства. В станковой живописи, скульптуре, графике формируются основные эстетические принципы, определяется связь содержания формы, традиций и новаторства — словом, весь комплекс идейно-образных проблем изобразительного творчества. Станковое искусство способствует поступательному развитию других форм изобразительной деятельности.

От успешного решения проблемы развития сюжетно тематической картины большого общественного звучания во многом зависит состояние изобразительного искусства в целом, его способность ответить конкретными делами, то есть, прежде всего, новыми высокоидейными, художественно яркими произведениями.

Общественно значительное произведение, созданное на основе реалистического метода,— домината современного художественного процесса. Если искусство не может отразить важнейших тенденций самой жизни, эстетически освоить крупные социальные темы, то общество справедливо будет считать его в лучшем случае приятным развлечением. И потому нас не может не волновать, что серьезная тематическая картина — редкий гость на наших выставок последних лет.

Возможно, мы не всегда способны по достоинству оценить работы наших современников, соратников по искусству, и для истинной оценки необходима историческая дистанция. Однако опыт прошлых веков свидетельствует: ослабление позиций тематической живописи умалят социальную роль искусства в целом.

Стоит ли нам уповать на то, что время рассудит и все расставит по местам,— ведь главный судья масштабности любых творческих свершений, в конечном счете не время, а люди, народ, творящий свою историю ежедневно, ежечасно. Отсюда следует, что недопустимо равнодушно внимать добру и злу, надеясь на приговор будущего. Сегодня ждут

профессиональной, аргументированной критической оценки зрители и художники. И сегодня формируются эстетические вкусы и взгляды общества.

Когда же молчит или звучит приглушенно голос профессиональной критики, поднимает голову банальность, возникает ажиотаж вокруг ложных кумиров, остаются в тени талантливые мастера. Искусство — мощное оружие в идеологической борьбе на мировой арене, и не- оправданные компромиссы в области художественной политики только ослабляют его. Современная художественная практика Республики Узбекистана настолько богато и многообразна, что нет нужды доказывать ее новаторский характер беспринципными ссылками на тщедушные всходы, выращиваемые эпигонами различных модных «измов» на обочинах магистрального пути узбекской культуры. Примеры подлинно нового образного слова о времени и о себе, пластических, сюжетных, композиционных и других идейно-художественных откровений следует искать и находить не на обочинах, а в творческих достижениях таких ведущих мастеров наших дней, как, например, С. Абдуллаева, А. Икрамджанова, С. Рахметова, М. Фатхулина, М. Нуриддинова, Х. Мирзаахмедова, В. Енина, М. Ташмурадова, А. Аликулова, А. Атабаева, В. Трошиной, и других. Декоративное направление развивается в творчества А. Мирзаева, Ж. Изентаева, И. Шин, И. Мансурова, Р. Шадыева, Л. Садыковой, Я. Салпинкиди, Р. Худайбергенова, С. Рахманова.

Заключение

Произведения многих художников — это своеобразный феномен изобразительного искусства республики, раскрываемый мастерами, прежде всего, через сложный путь познания себя и затем, через свое видение мира, попытка раскрыть для зрителя тайное и явное в природе и человеке.

Зритель в том числе и зарубежный, должен ознакомиться искусством Узбекистана во всем богатстве его видов и жанров, с произведениями, которые отражают насущные заботы и сокровенные чаяния нашего народа.

Так как наша конечная цель — обеспечить достойный уровень искусства в мировом масштабе и мы должны еще больше мобилизовать свои сили закрепить достигнутые успехи в живописи.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Алимкулова Д. 1920–1930-йиллар рангтасвири Ўзбекистон тасвирий санъатининг ривожланиш жараёни кесимида // Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020. (Alimkulova D. Painting art of 1920s – 1930s in the context of development of fine arts of Uzbekistan // Dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on art history. Tashkent, 2020.)
2. Ахмедова Н. Живопись Центральный Азии XX века: традиция, самобытность, диалог. – Ташкент: 2004. (Akhmedova N. Painting Central Asia of the 20th century: tradition, originality, dialogue. - Tashkent: 2004.)
3. Ахмедова Н. Художник – эпоха – история. // San'at. №2. 2004. (Akhmedova N. Artist - era - history. // Art. №2. 2004.)
4. Акилова К. Акмал Нур. Т.: Изд-во «San'at». 2008. (Akilova K. Akmal Nur. T: Publishing house "Art". 2008.)
5. Култашева Н. Ўзбекистон музейларида миллий рангтасвир коллекцияларининг шаклланиши // Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020. (Kultasheva N. Formation of national painting collections at the museums of Uzbekistan // Dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on art history. Tashkent, 2020.)
6. Умарова Д. Мустақиллик даври Ўзбекистон рангтасвирининг асосий тенденциялари // Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2019. (Umarova D. The main tendencies of painting of Uzbekistan in the period of

independence // Dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on art history. Tashkent, 2019.)
7. Хакимов А. Искусство Узбекистана: история и современность. – Ташкент, 2010. (Khakimov A. Art of Uzbekistan: history and modernity. - Tashkent, 2010.)
8. Хакимов А. Нетленный свет. – Т.: Издательство журнала "San'at". 2018. (Khakimov A. Imperishable light. - T. : "Art" magazine publishing house. 2018.)
9. Хакимов А. Новая узбекская живопись. Ин-т искусствознания, АН РУз. – Т.: Изд-во ж-ла «San'at». 2014. (Khakimov A. New Uzbek painting. Institute of Art Studies, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. - T. : Publishing house "Art". 2014.)
10. Эгамбердиев А. XX аср Ўзбекистон рангтасвирида картина ривожи // Докторлик диссертациясининг автореферати. Сан. фан. доктори. – Т. 2009. (Egamberdiev A. The development of painting of Uzbekistan in the twentieth century // Dissertation abstract of the doctor of art history. - T. 2009.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Мавлюда Файзуллаева,
Тарих фанлари номзоди, доцент
Термиз давлат университети
Сурхондарё, Ўзбекистон
fayzullayeva.mavlyuda@mail.ru

АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАНИШ ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

For citation: Mavlyuda Fayzullayeva, TRADITIONAL FOOD AND TRANSFORMATION. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.508-514

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-69

АННОТАЦИЯ

Мақолада овқатланишни ташкил этишда тановул режими, аёллар меҳнати календари, меҳнат тақсимоти, уй бекасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда анъанавий таомланишдаги трансформацион жараёнлар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Сурхондарё воҳаси, таомлар, тановул, таомнома, меҳнат тақсимоти, дастурхон, ошхона, соғлом овқатланиш, маданият.

Мавлюда Файзуллаева,
Кандидат исторических наук, доцент
Термезского государственного университета
Сурхандарья, Узбекистан
fayzullayeva.mavlyuda@mail.ru

ТРАДИЦИОННОЕ ПИТАНИЕ И ТРАНСФОРМАЦИИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются режим питания, календарь женского труда, разделение труда, права и обязанности домохозяек, а также трансформационные процессы в традиционном питании.

Ключевые слова: Сурхандарьинский оазис, еда, питание, диета, разделение труда, посуда, кухня, здоровое питание, культура.

Mavlyuda Fayzullayeva,
Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
Termez State University, Surkhandarya, Uzbekistan
fayzullayeva.mavlyuda@mail.ru

TRADITIONAL FOOD AND TRANSFORMATION

ABSTRACT

The article examines the diet, the calendar of women's labor, the division of labor, the rights and obligations of housewives, as well as transformation processes in traditional food.

Key words: Surkhandarya oasis, food, nutrition, diet, division of labor, dishes, cuisine, healthy food, culture.

1. Долзарблиги:

Дастурхон тузаш, бу шунчаки нонушта, тушлик ва кечки овқатга тайёргарлик эмас, балки дастурхон тузаётган инсоннинг дидига ҳам боғлиқ бўлган катта маҳорат ҳисобланади.

Соғлом овқатланиш маданияти, биринчи навбатда, шахсий интизом, ҳар бир инсоннинг ўз таомномасини ақл билан шакллантириши ва ҳаётнинг бошқа жабҳаларида ҳам тартиб-интизомнинг пайдо бўлганидир. Фанда соғлом одамнинг овқатланишини ташкил этишда жинсий ва ёшга оид даражалаштирилади. Инсон бутун умри давомида организмнинг ўсиши, ривожланиши, қариши жараёнларида ўзгариб турадиган физиологик эҳтиёжларга мос овқатланиши керак. Масалан, турли ёшдаги болалар (саккизта ёш гуруҳи), меҳнатга лаёқатли эркаклар ва аёллар (учта ёш гуруҳи), ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар, қариялар ҳамда бемор одам овқатланиши (диетология (парҳезшунослик))дир [1].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

тадқиқотни ёритишда манбалар билан бирга илмий-оммабоп табобатга, техник адабиётларга ва таомлар билан боғлиқ адабиётларга эътибор қаратилган. Ўрганилаётган муаммо доирасида инсон саломатлигини таъминлаш ва турли хил касалликлардан ҳимояланишда, соғлом турмуш тарзининг асосий омилларидан бири бўлган тўғри овқатланиш, овқатланиш маданияти, жисмоний ва ақлий меҳнат қилишида зарурий энергиянинг инсон сиҳат саломатлиги, ўсиб-улғайиши, серунум меҳнат қилиши ҳамда узоқ умр кўришида энг муҳим омиллардан бири эканлиги ёритилган ишлар ҳам муҳим ўрин тутади [2]. Хусусан, мустақиллик йилларида инсон организмининг ўсиши, ривожланиши, ҳаёт кечириши, касалликларга қарши курашиш қобилиятини оширувчи соғлом турмуш тарзининг энг асосий омилларидан бири – соғлом овқатланиш ҳисобланиши, турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларнинг маълум бир касалликлардаги аҳамияти, ҳамда овқатланиш маданияти тарихи ҳақида серунум ижод қилган ва бугунги кунда ҳаётга тарғиб этаётган Г.Шайхова ишларини келтириб ўтиш мумкин [3]. Соғлом турмуш тарзи, ҳақиқий табиий, фойдали озиқ-овқатларни истеъмол қилиш, бугунги кунда истеъмол қилинадиган нарсалар инсоннинг эртанги саломатлигини белгилаб бериши ҳақида Поль Бреггнинг табиий маҳсулотлардан тўғри тайёрланган турфа хил соғлом таомлар рецептлари муҳим ўрин тутади [4]. Умуман олганда, мустақиллик даври тадқиқотларида таомлар билан боғлиқ маросимларни ўрганишга қаратилган услубий қарашлар қайта кўриб чиқилади, турли услуб ва назарий қарашларни жалб этган ҳолда илмий ишланишлар олиб бориш режалаштирилди. Шу билан бирга, воҳа аҳолиси этник таркиби ва урф-одатлари ўзига хос бўлган воҳа аҳолисининг таомлари, улар билан боғлиқ анъана ва маросимлари ҳам алоҳида тадқиқ қилинган [5]. Таомларнинг аҳоли турмуш тарзи ва маданиятидаги ўрнини комплекс тарзда очиб беришни мақсадига кўра, узоқ йиллар давомида йиғилган дала этнографик материаллари асосий манбалардан бири бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотлар манбашунослик, минтақавий ва муаммовий меъёрлари, фан тармоғи сифатида эса тарих ва этнографик йўналишида ўрганилди. Муаммони мана шундай йўналиш ва талқинлар, методологик-назарий жиҳатдан ўрганиш, ўз навбатида, қатор концептуал парадигмаларни баён қилиш имконини беради.

3. Тадқиқот натижалари:

Овқатланишни ташкил этишда тановул режими, аёллар меҳнати календари, меҳнат тақсимоти, уй бекасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан келиб чиқади. Қишлоқда кун жуда эрта, кун чиқмасдан бошланади. Айниқса, аёллар эрталабки нонуштани тайёрлаб, ҳаммани уйғотади, ишга, ўқишга жўнатади. Кичик ёшдагиларни уйғотишга кўзи қиймайди, майли озгина ухласин деб. Оиладаги ёшлар тез-тез чойини ичиб, мактабга кетади. Катталар

эса, уйда дастурхон устида қолиб, чой ичиш давомида, кун давомида қилинадиган ишларни режалаштириб оладилар. Дастурхонга чой, нон, мевалар ва албатта, иссиқ таом қўйилган. Агар уйда ёш болалар бўлса, улар учун ҳазм қилиниши енгилроқ бўлган қуймоқ (тухумни унга аралаштириб қовуришган, ҳозирги кунда эса манний ёрмаси бўтқаси берилади).

Эрталаб ишга кетадиганларга ўзи билан олиб кетиш учун нон ва мевалар берилган. Далада ишлайдиган эркаклар эса эрталабки чойни илгари колхоз чойхонасида ёки дала шийпонида ўтириб, ўзлари билан олиб келган нарсалари билан чой ичганлар. Хонадонда ҳаммани чой ичириб, болаларни уйғотиб, овқатлантирган бека, рўзғорнинг кир ювиш, тикиш қилиш, нон ёпиш ва ҳоказо каби бошқа ишларини бажаради. Бу вақтга келиб мактабдан болалар қайтади ва ҳамма уйдагилар кундузги овқатланиш (тушлик) га ўтирадилар. Шундан кейин катта болалар уй ишларига урнаб кетади, кичик ёшдагилар эса дарс тайёрлашга ўтиради. Ёш болалар эса ўз тенгдошлари билан кўчада ёки боғда, ҳовлида ўйнайдилар.

Шунча ишларни бажариб, уй бекаси қайси мавсум бўлишидан қатъи назар томорқадаги экинларга қарашга ҳам улгуради. Пилла қурти мавсумида эса, кун давомида уларни парвариш қилишга ҳам улгуриб, ҳатто кечаси ҳам туриб қарайди. Уйдаги сигир ва қўй қўзиларни ҳам эсдан чиқармайди, вақти вақти билан уларни ем-ҳашагини беради. Сигир соғади ва сут пиширади. Иш юзасидан, ёки бирор маслаҳат билан қўшни аёллар ҳам чиқиб туради.

Кечга томон овқат тайёрланиб, ҳамма кечки дастурхонга ўтиради. Кун давомида қилинган ишлар, янгиликлар дастурхон атрофида, оила даврасида муҳокама қилинади. Демак, ўз ўрнида айтиб ўтиш керакки, таомланиш жараёнини ташкил этиш аввало, уй бекасига боғлиқ бўлиб, унинг таом тайёрлаш ёки дастурхон безаш каби ишларни амалга ошириш жараёнини ҳосил қилишда албатта, у томонидан бажариладиган ишлар кўлами билан боғлиқ ҳолда кечади.

Воҳа аҳолиси турмуш тарзида таом тановул қилиш кун давомида шундай тақсимланади: эрталабки чой (нонушта), у ёз кунлари нон, чой, ва янги узилган мева-чевалардан иборат бўлиб, узум, зардоли, баъзан қатиқ ичиш мумкин. Қишда эса, чой, нондан ташқари, қуритилган ўрик ва майиз, шунингдек, шакар ва бошқа ширинликлар бўлади. Совуқ кунлари агар далада оғир иш қиладиган бўлса иссиқ таом - суюқ ошлардан бирор хили, асосан, гўштсиз ёки атала ва бошқа шунга ўхшаш таомлар ичилган. Албатта бу жараённи уй бекаси ўз ҳохиши иродаси билан тайёрлаган. Агар уйга меҳмон келса, нонга таклиф қилиниб ва нон бўлакларга синдириб қўйилади.

Кундузги таом (тушлик) соат иккиларга тўғри келиб, илгари пешин деб аталган, пешин намози даврига тўғри келгани учун, бугунги кунда бу атама бутунлай муомаладан чиқиб кетиб, рус тилидан олинган “абет” деб кетилган. Ҳозирги кунда бу атама нафақат воҳа аҳолиси орасида балки, Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудуларида бирдай қўлланилиб келинмоқда. Ёз фаслида тушлик эрталабки чойдан шуниси билан фарқ қиладики, нон, чойдан ташқари, ўрик узумдан ташқари, мева чевалар хили кўпади ва қовун тарвуз ҳам ейилади. Баъзан сут ҳам ичилади. Айтиб ўтиш керакки, мана шу икки хил таомланиш жараёнида иккинчи нонушта ёки иккинчи тушлик жараёни ҳам бўлиб ўтиши мумкин. Бу оила ёки хонадоннинг ўзига хос тартибидан келиб чиқади. Бунда оила аъзоларининг эҳтиёжи ҳисобга олинади. Иссиқ овқатдан бирор маҳаллий ошхонага хос бўлган енгил таомлардан бирортаси тайёрланади. Баҳорда эса, қуритилган ўрик суви (компот, шарбат) канда қилинмайди. Ўрик суви дармонни яхшилайди ва юракка даво деб аҳоли уни севиб ичишади.

Кечки таом (ужин ёки кечқурунги таом) ёзда соат саккизларга тўғри келиб, қишда эса анча эрта тановул қилинган. Уйда кечки таомланиш вақтида ҳамма жамоа бўлиб дастурхонга ўтиради. Дастурхон уй тўрига гилам устига тўшалган. Пойгакка болалар ўтирган. Катталар эса, ҳеч ким безовта қилмайдиган жойда, тўрироқда ўтиради. Кичик ёшдаги болаларни эса катталар ўз олдига жойлаштирадилар. Агар уйда ёш болалар кўп бўлса, уларга алоҳида дастурхон ёзилади. Бугунги кунга келиб дастурхон шаҳар шароитида хонтахта, қишлоқ жойларда ҳали ҳамон гилам устига тўшалади. Унинг атрофига эса ўтириш учун тўрт томонидан кўрпачалар тўшалади.

Суюқ таом сопол ва чинни косаларда сузилган, бугунги кунда тўлиқ чинни идишларга тортилади. Илгари ёғоч қошиқ ҳам ишлатилган, бугун эса тўлиқ металл қошиқдан фойдаланадилар. Бироқ, айрим ҳудудларда иккинчи овқатни қўлда ейиш одати сақланиб қолинган. Масалан, палов, жаркоп, иссиқ егулик (сомса, бичак) ва шунга ўхшаш таомларни. Қуюқ таом катта лаганга сузилган. Агар олти кишидан кўп бўлса, овқатни иккита лаганга тақсимлаб сузилган. Бугунги кунда эса, ҳар бири кишига алоҳида, ёки икки кишилик, уч кишилик, тўрт кишилик, таъбига қараб, хонадоннинг дунёқараши, тартибига қараб сузилаверади. Аниқ чегара йўқ. Бу уй бекасининг қобилияти ҳамда аввалдан шаклланган таом тақсимлаш жараёнидаги кўникмасига боғлиқ.

Воҳада XX аср бошларигача сопол ва ёғоч товоқлардан фойдаланилган ва хонадонда кўпчилик бир товоқдан таомланишган. XX асрнинг ярмида деярли ҳамма хонадонларда самовар бўлган ва меҳмон келганда самоварда чой қайнатилган. Шу билан бирга чой қайнатадиган чойнак (қумғон, қоравой) лардан кундалик чой ичишда фойдаланилган. Куннинг қайси соати бўлмасин, уйга меҳмон келса, уй бекаси дастурхон ёзган. Жуфт ҳолда нон ва бошқа ширинликлар (қуритилган ўрик (туршак, ғўлин), майиз, жийда, шинни ва бошқа нарсалар, шакар, асал ва ҳоказо) қўйилган. Бугунги кунда эса, қандолатчилик маҳсулотлари тури жуда кўп ва бу муаммо туғдирмайди.

Ёзда бўлса, қовун тарвуз алоҳида лаганда кесиб қўйилади. Воҳада қовуннинг: «кўкча», «амири», «бўрикалла», «оқ новвот», «заркокил», «чапча», «откалла», «тириш» ва «кўндалангтўр» каби навлари, тарвузнинг «қўзибой», «ҳайитқора», «чинни тарвуз», «бўгажин», «қора тарвуз» каби турлари, ошқовоқнинг: «палов кади», «сапчакади», «достор кади», «сақич кади», «жовкади» каби турлари экилган [6].

Ҳамма овқатлар қозонда тайёрланган. Қозон ёзги ва қишки ўчоқда турган. Ёнилғи сифатида, тезак, ўтин (ғўза, шувоқ, тут ва бошқ.)дан фойдаланилган. Кейинроқ, керосин билан ёқиладиган примуслар ишлатила бошланди. Ҳозир эса газ ва элекр плитасидан фойдаланилади. Ошхона асбоб анжомларига чўмич, илгари ёғочдан қилинган, капгир, пичоқ, оштахталардан иборат бўлган. Човли ёрдамида (илгари ёғоч новдаларидан қилинган, бугунги кунда эса металл) чучвара сузиб олинган, аммо бу нарсалар ҳамма хонадонларда ҳам бўлмаган. Керак бўлганда бир-биридан сўраб туришиб фойдаланишган. Таом тайёрланадиган қозон ҳар доим ёғоч қопқоқ ёки ҳозирда ўзининг қопқоғи билан ёпиб қўйилган. Кейинроқ ҳамма хонадонда сут пишириш ва бошқа нарсалар учун сирланган ва алюмин идишлар кўпайиб кетди. Бугунги кунда айтиб ўтиш керакки, кундалик таомланишда ҳар бир жараёнда ўзига хос идишларда овқатланиш одат тусига кириб бораяпти. Хамир қилиш учун ишлатилган катта ёғоч “карсон” товоқлар тўлиғича алюмин товоқлар билан алмашди. Сут солинган кастрюллар ҳам худди илгари солинган хурмачалар каби икки қулоғидан илиб қўйилади ёки махсус маҳсулотлар сақланадиган токчаларга жойлаштириб қўйилади.

Аҳоли илгари буғдой унига маккажўхори, жўхори, тариқ унларини қўшиб нон ёпган бўлсалар (зоғора деб аталиб, камбағалнинг нони дейилган), бугунги кунда фақат буғдой унидан нон ёпилади. Зоғора нон бугунги кунда парҳез нон ҳисобланиб, ҳатто буғдой унига нисбатан қимматроқ туради. Ҳар бир хонадонда дастурхонда турли нон (патир, нон, буханка, қора нон, кулча, қатпатир)лар қўйилади, таомланадиганлар ўзига ёққан нонни истеъмол қилаверишади. Нон ҳар доимгидек, тандирда ёпилган ва туман, қишлоқ хонадонларида бугунги кунгача ёпилиб келинмоқда. Тандирга сомса ҳам ёпилган. Шаҳарда ва давлат ташкилотлари ҳамда корхоналарида ишлайдиганлар нонни бозор-дўконлардан сотиб олишади. Нон ачитилган нон ва хамиртуруш солинмагани патир дейилади.

Воҳада гўшт маҳсулотларидан энг қадрланадигани қўй гўшти ҳисобланади. Эчки гўшти эса юқори баҳоланмайди. Ёзда эса аҳоли мол гўштини кўп сотиб оладилар. Лекин шунда ҳам иложи бўлса, бозорда бўлса қўй гўштини биринчи ўринга қўядилар. Товуқ гўшти кўп ейилмайди. Товуқ шўрва, асосан бемор бўлганлар учун парҳез таом сифатида пиширилади. Аммо бугунги кунга келиб товуқ гўшти грилл тарзида ва шашлик тарзида

тановул қилинмоқда. Қолаверса, тўй дастурхонлари ҳам товуқ гўштисиз ўтмайди. Баъзан паловга бостирилади.

Сурхондарёда балиқ ҳар доим ҳам ейилавермаган. Бу воҳанинг табиий-географик шароити билан боғлиқ бўлиб, "ҳеч бўлмаса йилда бир марта балиқ гўшти еб, луқмани ҳалоллаб туриш керак", деган нақлга амал қилиб, вақти-вақти билан балиқ гўшти еб туришган. Айниқса, рўзадан аввал уни истеъмол қилишга алоҳида эътибор берганлар [7]. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида йилнинг исталган фаслида бозор ва савдо расталари, супермаркет ва дўконларда балиқ топилади. Ва кўнгил тусаган пайтда балиқдан турли таомлар, яъни, қовуриб, қайнатиб, димлаб, кабоб қилиб ейиш, ҳамда ресторан ва балиқ марказларига буюртма қилиш ёки бориб ейиш ҳам мумкин. Бугунги кунда балиқчилик хўжаликлари ривожланиб аҳоли ўртасида вақти-вақти билан балиқ ейиладиган бўлди. Ҳатто ҳафта ва ойларда балиқ ейиш ёки балиқ куни ташкил қилинади.

Овқат тайёрлаш учун илгари пахта ёғидан фойдаланилган бўлса, бугунги кунда ҳар хил ўсимлик ёғлари, жумладан кунгабоқар ёғи ишлатилмоқда. Аввал колхоз шароитида жувозларидан зиғир мойи кўпроқ чиқарилиб, кунжут, каноп мойлари кам чиқарилган. Пахта мойини истеъмолга ишлатишдан олдин куйдириб, аччиқ ҳидини кетказиб, чучитиб (ширин қилиб) олинган. Сабзавотлардан асосан пиёз, сабзи, кади, шолғом, лавлаги истеъмолда бўлган. Карам, картошка, помидор ўтроқ аҳоли яшайдиган қисмига руслар келгандан кейин кириб келган.

XIX аср охирларидан бошлаб ўлкада руслар ва украинларнинг боршч таоми пайдо бўла бошлади. Шунингдек бундай таомларнинг тарқалиши воҳани ҳам четлаб ўтмади. Кейинчалик савдо ривожланиши билан таомланиш рациони картошка, шакар, қандолат маҳсулотлари билан тўлдирилди. Бундан ташқари, турли хил салатларни тайёрлаш учун бодринг, помидор, жусай, саримсоқ, қалампир, сабзи, карам кенг ишлатила бошланди.

Воҳада XX аср ўрталарида карамни деярли етиштирмаганлар. Картошка ва помидор эса маҳаллий аҳоли томонидан текислик қисмида ўртоқ яшайдиган аҳоли томонидан экиб, ўзлаштириб бошланган. Ва шўрвага солинган, пиёз билан қўшиб пиширив ейилган. Яна бу даврда консерва маҳсулотларига умуман талаб бўлмаган, чунки, ўрис (рус) нинг овқати мусулмон учун "ҳалол" эмас деб тушунилган. Бугунги кунда эса кенг истеъмол қилинади. Баъзи қишлоқларда кекса қариялар ҳали ҳам бу таомларни "ҳаром" санаб истеъмол қилишмайди.

Айниқса, лапша, вермишель, макаронлар XX асрнинг ўрталаридан таомномага кенг миқёсда кирди. Гўшт ва балиқ консерваларини эса иккинчи жаҳон урушидан кейин эркаклар ейишга кўникиб қолган эдилар. Шуниингдек, болалар учун печенье каби қандолат маҳсулотлари ва бўтқа тайёрлаш учун манний ёрмаси ҳам ўша даврда аҳоли истеъмолига кириб келди ва ёш болалар учун кенг тайёрлана бошлади. Аҳоли куйдирилган сариёғни нонга суртиб еган бўлса, XX асрннинг иккинчи ярмидан бошлаб аҳоли истеъмолига "магазин ёғи", яъни, сариёғ, (сливочное масло)лар кириб келди.

Воҳа аҳолисининг севиб истеъмол қиладиган ва энг ёқтирган таоми палов кундалик истеъмолдан ташқари, ҳамма байрам ва маросимларда кенг тайёрланади. Воҳада палов ҳафтанинг пайшанба ва якшанба кунлари албатта хонадонда палов кунлари ҳисобланганлиги учун тайёрланади. Бўлмаса бошқа кунларда ҳам инсон шу таомни ейишни хоҳласа уй бекалари пишириб бераверишади. Палов ўсимлик ёғида ҳам, қўй ёғида ҳам тайёрланади. Илгарилари фақат ўзига тўқ оила-хонадонларда палов-ош таоми тайёрланган. Чунки уни тайёрлаш учун бозордан яхши навдаги гуруч, гўшт ва кўп миқдорда ёғ солиш сотиб олинган. Ўртаҳол аҳоли эса фақат байрамлар ва меҳмон кутаётганда бу таомни тайёрлашган. Бугунги кунга келиб бу таомни тайёрлаш анъанавий тарзда ижтимоий табақали оилаларда ўзгача услубда тайёрланади ва айнан шу таом учун алоҳида бозорлик қилиш удуми ўзгармасдан сақланиб қолган. Ўзбекистонда паловнинг 200 дан ортиқ тури тайёрланади. Шунингдек, воҳада паловнинг коваток палов, майизли палов, картошкали палов, беҳили палов, шолғомли палов, товуқ гўштли палов, қўй гўштли палов, мол гўштли палов ва оддий гўштни майда тўғраб қилинадиган турлари тайёрланади.

Энг байрамона таомлардан яна бири гўшт қовурдоқ бўлиб, XX асрнинг ўрталаридан гўшт билан картошкани бирга қовурилгани, лағмон, ёки кейинги вақтларда қўлда чўзилган лағмон ўрнига макарон лағмон ўрнини эгаллаган. Аҳоли томонидан мош, угра солиб тайёрланган суюқ таомларга қатиқ қўшиб истеъмол қилинган ва бу одат сақланиб қолган. Зираворларга қалампир, мурч, кашнич, укроп, райҳон каби кўкатлар ёзда янги узилган ҳолида, қишда эса қуритиб олингани таомларга ишлатилган.

4.Хулосалар:

Охирги йилларда жамиятда уйғониш жараёнлари юз берди. Одамлар кўпгина касалликлардан қутилишга уринмоқда ва аксарият инсонлар "бугун истеъмол қилинган нарса инсоннинг эртанги саломатлигини белгилайди", деган тамойилга мурожаат қилмоқдалар [8]. Сон-саноқсиз озиқ-овқат ислоҳотчилари шу йиллар ичида парҳез тўғрисида анча-мунча фойдали маълумотларни ва шу билан бирга кўпгина янглиш хабарларни ҳам бердилар.

Шу сабаб кўпчиликда овқатланиш борасида тушунчалар шаклланиб бормоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларини ўрганишда шундай ўзгаришлар содир бўлдики, бугунги кунда ҳар бир инсоннинг кундалик овқатланиш тартибига доир одатларини ўзгартириши учун озиқ-овқатлар тўғрисида фойдали билимларга муҳтож. Аксарият кишиларда калория, оқсиллар, углеводлар, крахмал ва ёғларга алоқадор бўлган маълумотларни, яхши сиҳат ва қай ёшда бўлмасин яхши ташқи кўринишни сақлаб қолишни истаган инсон овқатланиш тўғрисида янги ва замонавий билимларни эгаллаб бормоқда. Куч-қувватни сақлаб туриш учун организмга шунчаки овқатланиш эмас, балки айнан унинг махсус талабларига жавоб бера оладиган озиқлар бўлиши лозимлиги энди инсонларга тушунарли ҳолатга айланган. Дарҳақиқат, бу жараёнлар таомланиш жараёнларига қатор ўзгаришларни олиб келганлиги ҳам муболаға эмас.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Шайхова Г. Овқатланиш сабоқлари. Т., O'zbekiston, 2015. – Б. 6. / Шайхова Г. Уроки питания. Т., Узбекистан, 2015. - С. 6. / Shaikhova G. Nutrition lessons. T., Uzbekistan, 2015. - Pg. 6.
2. Қурбонов Ш. Овқатланиш маданияти. Т.: Маънавият, 2005. – 208 б. / Курбонов Ш. Культура питания. Т. : Манавият, 2005. - 208 с. / Kurbonov Sh. Food culture. T. : Manaviyat, 2005. - 208 p. ; Қурбонов Ш., Қурбонов А. Тўғри овқатланиш қоидалари. – Т.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi", 2014. – 232 б. / Курбонов Ш., Курбонов А. Правила правильного питания. - Т. : «Национальная энциклопедия Узбекистана», 2014. - 232 с. / Kurbonov Sh., Kurbonov A. Rules of proper nutrition. - T.: "National Encyclopedia of Uzbekistan", 2014. - 232 p. ; Тўғри овқатланишнинг 55 қоидаси (Овқатланиш маданияти: саломатлик, бардамлик ва гўзалликка эришиш йўллари)/Нашрга тайёрловчи ва тузувчилар: Бекмуродов Н., Ашурова Д. –Т.: "Янги аср авлоди", 2011. – 216 б. / 55 правил правильного питания (Культура питания: способы достижения здоровья, выносливости и красоты) / Подготовлено и составлено: Бекмуродов Н., Ашурова Д. –Т. : «Янги аср авлоди», 2011. - 216 с. /55 rules of proper nutrition (Food culture: ways to achieve health, endurance and beauty) / Prepared and compiled by: N. Bekmurodov, D. Ashurova - T.: "Yangi asr avlodi", 2011. - 216 p.
3. Шайхова Г. Овқатланиш сабоқлари. Т., O'zbekiston, 2015. 420 б. Шайхова Г. Уроки питания. Т., Узбекистан, 2015. 420 с. / Shaikhova G. Nutrition lessons. T., Uzbekistan, 2015.420 p.; Шайхова Г. Овқатланиш маданияти тарихи. // Sog'lom avlod uchun. – 2014. – №9. – Б. 28-29. / Шайхова Г. История пищевой культуры. // За здоровое поколение. - 2014. - №9. - Б. 28-29. / Shaikhova G. History of food culture. // For a healthy generation. - 2014. - No. 9. - Pg. 28-29.
4. Брегг П. Тўғри овқатланиш. Нуруллоҳ И. таржимаси. Тошкент. Адабиёт учқунлари, 2014. 336 бет. / Брегг П. Правильное питание. Нуруллох И. перевод. Ташкент. Искры

литературы, 2014. 336 стр. / Bragg P. Proper nutrition. Nurulloh I. translation. Tashkent. Iskra Literature, 2014.336 pp.
5. Файзуллаева М.Х. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар. – Т: Yangi nashr, 2010. – 160 б. / Файзуллаева М.Х. Традиции, связанные с узбекской кухней. - Т: Новая редакция, 2010. - 160 с. / Faizullaeva M.Kh. Traditions associated with Uzbek cuisine. - T: New edition, 2010. - 160 p.
6. Турсунов С. ва бошқ. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. – Т.: “Muharrir”, 2013. - Б. 260. / Турсунов С. и другие. История материальной культуры Сурхандарьинского оазиса. - Т. : «Мухаррир», 2013. - Б. 260. / Tursunov S. and others. The history of the material culture of the Surkhandarya oasis. - T.: "Muharrir", 2013. - Pg. 260.
7. Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX – XX аср бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. - Б. 134. / Абдуллаев У.С. Межэтнические процессы в Ферганской долине (XIX - начало XX вв.). - Ташкент: Янги аср авлоди, 2005. - Б. 134. / Abdullaev U.S. Interethnic processes in the Fergana Valley (XIX - early XX centuries). - Tashkent: Yangi asr avlodi, 2005. - Pg. 134.
8. Брегг П. Тўғри овқатланиш. Нуруллоҳ И. таржимаси. Тошкент. Адабиёт учқунлари, 2014. – Б. 5. / Брегг П. Правильное питание. Нуруллох И. перевод. Ташкент. Искры литературы, 2014. - С. 5. / Bragg P. Proper nutrition. Nurulloh I. translation. Tashkent. Iskra Literature, 2014. - Pg. 5.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Мавлон Эшниёзович Эргашев,
Термиз Давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

ЧАҒОНИЁННИНГ ЎРТА АСРЛАР ШАҲАРЛАРИ

For citation: Mavlon E. Ergashev, MEDIEVAL CITIES OF CHAGANIAN. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.515-521

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-70

АННОТАЦИЯ

Чағониён – Тохаристоннинг энг йирик тарихий вилоятларидан биридир. Тараққиёт жиҳатдан Чағониённинг марказий ҳудудлари алоҳида ажралиб турган. Бу ерда бронза асридан бошлаб деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, маданият, шаҳарсозлик юксак даражада ривожланган бўлиб, ҳанузга қадар жаҳон илмий жамоатчилиги эътиборини тортмоқда. Ўрта асрлар даврида Чағониён шаҳарлари шуҳрат қозонган эди. Ушбу мақолада тарихий манбалар асосида Ўрта Осиёнинг энг қадимий вилоятларидан бири бўлган Чағониённинг шаҳарлари ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзлар: Чағониён, Будрач, Ахарун, Шуман, Дари Оҳанин, Ал-Каст, Навандак, Сангардак.

Мавлон Эшниёзович Эргашев,
Преподаватель кафедры Всемирной истории
Термезского государственного университета

СРЕДНЕВЕКОВЫЕ ГОРОДА ЧАГАНИАНА

АННОТАЦИЯ

Чаганиян – один из самых крупных исторических областей Тохаристана. По развитию особенно отличалась центральные районы Чаганияна. Здесь ещё с эпохи бронзы было высоко развито земледелие, ремесленничество, торговля, культура, градостроительства и до сих пор привлекает внимание мировой научной общественности. В средние века прославились города Чаганияна. В данной статье на основе исторических источников представлена сведения о городах Чаганияна, являющейся одним из древнейших областей Средней Азии.

Ключевые слова: Чаганиан, Будрач, Ахарун, Шуман, Дари Аханин Ал-Каст, Навандак, Сангардак.

Mavlon E. Ergashev,
Lecturer at the Department of World History
Termez State University

MEDIEVAL CITIES OF CHAGANIAN

ABSTRACT

Chaganiyan is one of the largest historical regions of Tokharistan. In terms of development, the central regions of Chaganian were especially distinguished. Here, since the Bronze Age, agriculture, handicrafts, trade, culture, urban planning were highly developed and still attracts the attention of the world scientific community. In the Middle Ages, the cities of Chaganian became famous. This article, based on historical sources, provides information about the cities of Chaganian, which is one of the most ancient regions of Central Asia.

Index Terms: Chaghaniyon, Budrach, Akharun, Shuman, Dari Ohanin, Al-Kast, Navandak, Sangardak.

---

1. Долзарблиги.

Илк ўрта асрлар даврида ўзбек давлатчилиги тарихида Чағониён алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Негаки, бу ўлка VI-VII асрларда мустақил давлат, кейинчалик сомонийлар, қорахонийлар ва ғазнавийлар давлатларининг қудратли вассали ҳисобланган. Чағониённинг бундай қудратга эришувида шубҳасиз, унинг шаҳар ва қишлоқларининг ўрни катта бўлган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қадимги тарихимизда рўй берган воқеа-ҳодисаларни холисона ёритиш талаб этилади. Бунда иккиланиб фикр юритиш, мужмал тарихий таққослаш ҳамда тарихни ёритишда юзакичиликка йўл қўймаслик мақсадга мувофиқдир. Ўрганилаётган мавзунинг долзарблиги, энг аввало, Ўзбекистон тарихидаги бўшлиқни тўлдириш ва Чағониён давлати тарихини холисона ўрганиш билан белгиланади.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу мақола тарихийлик, илмийлик ва ҳудудий ёндошув сингари тарихий методлар асосида ёритилган бўлиб, унда Чағониён давлатининг ўрта асрлар давридаги шаҳарлари тўғрисида маълумот берилади.

Таъкидлаш жоизки, Чағониён давлати тарихини ўрганиш XIX аср охири ва XX асрнинг дастлабки ўн чорагида бошланган эди. Бу масалада француз сайёҳи Бонвало, рус олими В.В.Бартольд кўпгина қимматли маълумотларни келтиришган эди. Кейинчалик, археологик тадқиқотлар натижасида Г.А.Пугаченкова, Э.В.Ртвеладзе, А.С.Сагдуллаев, А.А.Асқаров, Б.Турғунов, Т.Аннаев, Е.А. Давидович, А.М.Беленицкий, Ж.А. Илёсов сингари олимлар Чағониённинг шаҳар ва қўрғонлари тўғрисида ўз фикрларини билдиришган эди. Чағониённинг тангалари А.Х.Отахўжаев, Б.Д.Кочнев, Е.В.Зеймаль, Д.Довудий ва бошқалар томонидан ўрганилди. Чағониённинг шаҳар ва қишлоқлари, унинг сиёсий ва ижтимоий тарихи С.Н.Турсунов, Ш.Камолиддин, Б.Э.Эшов, Б.А.Литвинский ва бошқалар томонидан тадқиқ этилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Чағониён – ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимий тарихий вилоятлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу ҳудуд Сурхондарёнинг бутун ҳавзаси, Боботоғ ва Ҳисор тоғли районларини ўз ичига олган. Чағониён ҳукмдорлари «чағонхудот» унвонига эга бўлганлар. Вилоят маркази Чағониён шаҳри бўлган.

IX асрга келиб Араб халифалиги ички зиддиятлар натижасида кучсизлашган, унинг шарқий мулклари бўлган Мовароуннаҳр ва Хуросонда ёш давлатларнинг ташкил топиш жараёни кечаётган эди. Бу ҳолат Мовароуннаҳрнинг энг йирик мулклиги ҳисобланган Чағониёнга ҳам ўз таъсирини ўтказган.

IX-XI асрларга оид манбалар Чағониённинг бой ўлка бўлганлигини кўрсатади. Чағониёнда 16 мингдан зиёдроқ қишлоқ бўлган [1]. Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асарида, Чағониёнда ас-Сағониён (Чағониён), Шуман, ал-Вашжирд ва Боб ул-Ҳадид сингари йирик шаҳар ва қўрғонлари қайд этилади [2]. Ибн Хўрдодбехнинг маълумотига кўра, Ас-Сағониён ҳар йили 48500 дирҳамдан ўлпон тўлаган [3]. IX асрда Чағониён шаҳрининг майдони Термиздан кўра катта бўлган [4]. X асрда шаҳар бозори яқинида пишиқ ғиштдан қурилган ва устундан иборат гўзал жомеъ масжиди бўлган. Ҳар бир

уй атрофи дарахтлар билан қалин қилиб ўралган ва уларга тоза сув оқиб келган. Бу ерда гўшт ва нон сероб бўлган [5].

Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, ас-Сағониён Муҳтожийлар оиласига бўйсунувчи шаҳардир. Бу вилоят ҳокими Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Музаффар ал-Муҳтождир. Бундан ташқари, ушбу шаҳарда Абул-Ҳасан ибн Ҳасан Моҳга тегишли бир нечта донгдор работлари ва бошқа иморатлари бор [6].

Чағониён шарқида Ахарун ва Шуман вилоятлари жойлашган. В.А.Зеймаль Ахарунни Ширкент қишлоғи ёнида жойлашган Ўзбеконтепа харобасига тўғри келишини таъкидлайди [7]. М.М.Дьяконовнинг фикрича, Ахарун шаҳри Қоратоғдарё водийсидаги Шаҳринав билан боғлиқдир [8]. И.Умаров эса ўрта асрлардаги Ахарун юнон-македон босқини даврида тилга олинган Хориеннинг айнан ўзидир, деган хулосани беради [9].

Ахарундан шарқда Шуман мулклиги жойлашган. VIII аср бошларида Шуман қудратли мулклик бўлиб, Чағониён билан ҳам рақобатлашган [10]. Араб истилосидан кейин Шуман ўз кучини йўқотиб, IX аср иккинчи ярмида Ахарун мулклигига қўшиб олинган. Шуман – бугунги Тожикистоннинг Ҳисор қўрғони ўрнига локализация қилинади [11].

X асрда Ахарун ва Шуман ерлари Чағониёнга қарам бўлган. Бунинг исботи сифатида 1989 йили Тожикистондаги Ҳисор районидан топилган XI асрга оид Чағониён тангалари (жами 3082 дона) хазинасини келтиришимиз мумкин [12].

Чағониён жанубидаги энг йирик шаҳар Дарзанги бўлган. «Ҳудуд ал-олам»да Дарзанги (Dārzanli) – атрофи ҳандақ билан ўраб олинган ва Чағониёнга тегишли шаҳар сифатида кўрсатилади [13]. Араб тарихчилари Дарзангини Термиздан 12 фарсах масофада жойлашганлигини қайд этишади.

Археологик тадқиқотларга кўра, ҳозирги Қумқўрғон туманидаги Жалоир қишлоғида жойлашган 50 гектарли номсиз тепалик қадимий Дарзангининг айнан ўзи деган хулосани берди. Бу шаҳар VI-VIII асрлардан дан то XIII асргача мавжуд бўлган ҳамда IX-XII асрларда бу ерда ҳаёт қайнаган. Манзилгоҳнинг катта қисмини сув емирган, бошқа қисми экин майдонига ва қабристонга айлантирилган [14].

Чағониён давлатининг ғарбий чегаралари Боб ул-Ҳадид ёки Темир дарвозага тўғри келган [15]. Бу ерда юнонлар ва кушонлар даврида йирик мудофаа иншоотлари қурилган эди. Темир дарвоза ҳозирги Бойсун тумани Дарбанд ва Шўроб қишлоқлари яқинидаги Бузғолахона дарасида жойлашган.

Ўтмишда Чағониён ва Термиздан чиққан савдо карвонлари Темир дарвоза орқали Сўғдга ўтишган.

Темир дарвоза ҳақида дастлаб Сюань Цзянь хабар беради. Унинг сўзига қараганда ўнг ва чап томондан анча баланд икки ёндош тоғ орасидаги дарадан тор йўлак ўтади. Темир рангига ўхшаган тош деворлардек бу тоғларнинг тор жойида темир билан қопланган икки табақали ёғоч дарвозада қўплаб қўнғироқлар ўрнатилган. Бу дарадан ўтишнинг ноқулайлиги ва яхши ҳимояланганлиги учун унга Темир дарвоза номи берилган. Сюань Цзянь Темир дарвозани Тухоло (Тохаристон) мамлакати чегарасида дейди [16].

Темир дарвоза турк-руний битиклари (VIII аср) да Темир қапуғ [17] хитойча Те-мин Гуань, арабча Боб ул-Ҳадид, мўғулча Қаҳлақа деб аталган.

Темир дарвозанинг форсча номи – Дари Оҳанин бўлган. Бу ном илк бор ал-Яъқубийнинг асарида тилга олинади. Унда ёзилишича, бу шаҳар Сўғдда жойлашган бўлиб, Балх вилоятининг шимолидадир[18]. Шунингдек, манбаларда Дараи Оҳанин [19] ёки Дарбанди Оҳанин [20] каби номлар ҳам қайд этилади. Бу шаҳар ҳозирги Дарбанд қишлоғи ўрнига тўғри келиши маълум бўлди [21]. Дарбанд қишлоғидан ўрта асрларга оид манзилгоҳ аниқланган [22]. Бузғоладан 4 км шарқда Қўрғони Шерхўжа ёки Қўрғонак номли қадимги қўрғон қолдиқлари жойлашган. Қўрғондан ўрта асрлар даври сополлари ва пишиқ ғишт парчалари аниқланган [23]. X асрда Темир дарвоза яқинида Чағониён ҳокими Абу Али Чағонийнинг қўрғони қурилган бўлиб, у Шўроб қишлоғи ёнидаги Оқтепа харобасига локализация қилинади [24].

X аср манбаларида Чағониёндан Самарқандга ўтиш жойида Басанд [25] ёки Масанд шаҳри қайд этилади [26]. Басанд ҳозирги Бойсун ўрнига тўғри келади. Бунга шу ердан топилган сопол буюмларнинг IX-XII асрларга тўғри келиши ҳамда Сўғддан Чағониёнга ўтувчи карвон йўли устида ўрнашуви исбот бўла олади [27]. XVIII асрдан бошлаб тарихий манбаларда шаҳар Бойсун деб тилга олинади [28].

Чағониён шаҳридан 6 фарсах шимолда Бунз деган шаҳар жойлашган [29]. Бундан ташқари, араб манбаларида Буроб, Навжон, Наванд сингари қишлоқлар тилга олиниб, уларнинг барчаси Навандак шаҳрига тегишли деб ёзилади [30]. Бу шаҳар «Бобурнома»да Навандок тарзида қайд этилади [31]. Араб географларининг таъкидлашича, шаҳар Чағониён маркази (ҳозирги Будрач) дан 2-3 фарсах, бошқаларида 4-6 фарсах узоқликда ўрнашган. Қадимги Навандак шаҳри ҳозирги Узун туман марказидан 3 км шимоли-шарқдаги Кофирқалъа ёки Навандактепа шаҳри харобаларига тўғри келиб, майдони 20 гектар бўлган. Шаҳарда ҳаёт V-XVIII асрлар орасида қайнаган [32]. Темурийлар даврида Навандакда зарбхона бўлиб, унда «Наванд» сўзи битилган мис тангалар зарб этилган [33].

Дарзанги ва Чағониён оралиғида Баранги шаҳри бўлган. Бу шаҳар Дарзангидан 7 фарсах, Чағониёндан 5 фарсах масофада жойлашган [34]. Баранги шаҳри ҳозирги Шўрчидан 7-8 км шимоли-шарқда, Сурхондарёнинг сўл қирғоғидаги Ғормалитепа ёдгорлигига локализация қилинади. Шаҳар харобалари VI-XII асрларга оидлиги аниқланган [35].

Буроб – Чағониёндан 4 фарсах узоқликда жойлашган йирик шаҳар бўлган [36]. Бу шаҳар ҳозирги Денов туманидаги Чимқўрғонтепа ёдгорлиги ўрнида жойлашган. Ундан аниқланган сопол синиқларига қараганда, V-XIII аср бошларига оид бўлган [37].

Чағониённинг яна бир шаҳри Зинвар эди. Ал Муқаддасийнинг ёзишича, у Чағониёндан уч бекат узоқликда жойлашган [38]. «Ҳудуд ал-олам»да Зинвар аҳолиси сийрак шаҳар, аммо ҳайдаладиган ери кўп ўлка сифатида қайд этилади [39]. Зинвар Деновдан 3 км. шимоли-шарқда жойлашган Оққўрғонтепа ўрнига тўғри келади [40].

IX асрда ал-Яъқубий Чағониёнда жойлашган ал-Каст ёки Каск шаҳрини қайд қилади [41]. Ибн Хўрдодбеҳ ал-Кастнинг йилига 1000 дирҳамдан ўлпон тўлаши ҳақида маълум қилади [42]. «Бобурнома» да Каштут шаклида учрайди [43]. В.В.Бартольд ал-Кастни Сурхон дарёси ирмоқлари ҳавзасига локализация қилади [44]. Г.А.Пугаченкова ва Э.В.Ртвеладзеларнинг таъкидлашича, ал-Каст Сурхон дарёсининг ирмоқлари – Сангардак ёки Тўпаланг дарёлари оралиғидаги тоғли ҳудудда жойлашган [45]. Т.Нафасов Каст (Кишт) ни Киштут билан алоқадор деб ҳисоблайди [46].

Бундан ташқари, Чағониён ерларида кўпгина йирик қишлоқлар ҳам бўлган. Масалан Рекдашт – қадимий қишлоқ бўлиб, Чағониёндан 6 фарсах узоқликда жойлашган [47]. «Ҳудуд ал-олам» да Дикар [48], ибн Ҳавкалда Рикар [49] шаклида қайд этилади. Бугунги Регар шаҳрига тўғри келади.

IX асрда ал-Яъқубий Чағониёнга тегишли мулкликлар Харданни тилга олади. Уни Кардак ёки Санкардак деб ўқиш мумкин [50]. Муқаддасий Санкарда шаҳрини, яъни Сангардакни тилга олади [51]. Сангардак шаҳри Будрачдан 20 км шимолдаги Юрчи қишлоғида жойлашган деб ҳисоблаш мумкин. Негаки, Юрчидаги бек қалъаси атрофида X-XI асрларга оид йирик ўрта асрлар манзилгоҳи мавжуд бўлган [52].

Бундан ташқари, Гардизийда Чағониён пойтахтидан икки фарсах масофада жойлашган Қумғонон шаҳри қайд этилади [53]. Бу шаҳарча Деновдан шимоли-шарқда тўрт километр масофадаги Жартоқтепа ёдгорлигига локализация қилинади [54].

Ўрта асрлар даврида ушбу шаҳарлар Чағониён мулклигининг иқтисодий-сиёсий қудратини таъминлаб турган. Ана шундай қудратга эга бўлганлигидан Чағониён амирлари билан тоҳирийлар ва сомонийлар ҳам ҳисоблашишга мажбур бўлишган.

4. Хулоса.

Чағониённинг сиёсий қудрати кўп жиҳатдан унинг иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ эди. Чағониённинг иқтисодий тараққиётида деҳқончилик, ҳунармандчилик ва кончилик асосий ўринни эгаллаган. Хусусан, Сурхондарё, Тўпалангдарё, Қизилсув, Хўжаипок, Шерободдарё ҳавзаларида деҳқончилик тараққий этган эди. Кўп сонли

яйловларнинг мавжуд бўлиши чорвачилик тараққиётида қулай шароитларни яратиб берди. Тоғлардан мис, қўрғошин, темир, кўмир қазиб олинган. Буларнинг барчаси Чағониёнда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг юксалишига имкон берган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Shamsaddin Abu Abdullah Mohammad ibn Ahmad al-Moqaddasi. Descriptio Imperii moslemici. Ed. M. J. de Goeje. BGA. Pars 3. — Lugduni-Batavorum, 1967. –P. 283.
2. Бируни. Избранные произведения. Канон Масъуда. Т. 5. Ч. I. Ташкент: Фан, 1973. – С. 467-468. (Biruni. Selected works. Canon of Masoud. T. 5. Part I. Tashkent: Fan, 1973. – P. 467-468.)
3. Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. Баку: Элм, 1986. –С. 68. (Ibn Khordadbeh. Book of paths and countries. Baku: Elm, 1986. –P. 68.)
4. Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. Viae regnorum. Ed. M. J. de Goeje. BGA. Pars I. — Lugduni-Batavorum. 1967.-P. 298.
5. al-Moqaddasi. Descriptio Imperii moslemici. –P.283.
6. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ул-ард. Ернинг сурати китоби. Моваруннаҳр. –Тошкент, 2011. –Б. 86. (6. Ibn Hawqal. Kitob surat ul-ard. Earth photo book. Movarounnahr. – Tashkent, 2011. –P. 86.)
7. Зеймаль Е. В. Археологические разведки в Гиссарской долине. Археологические работы в Таджикистане, вып. 6.— Сталинабад, 1961. –С. 135. (Zeimal E.V. Archaeological prospecting in the Gissar valley. Archaeological work in Tajikistan, vol. 6.— Stalinabad, 1961. –P. 135.)
8. Дьяконов М. М. Работы Кафирниганского отряда // Труды Согдийско-Таджикской археологической экспедиции. Том 1. —Москва-Ленинград, 1950. –С. 185. (Dyakonov M.M. Works of the Kafirnigan detachment // Works of the Sogd-Tajik archaeological expedition. Volume 1. -Moscow-Leningrad, 1950. –P. 185.)
9. Умаров И. Северная Бактрия в исторических источниках // Бюллетень науки и практики. Т. 7. №3. 2021. –С. 357. (Umarov I. Ancient Bactria in historical sources // Bulletin of science and practice. Vol. 7. №3. 2021. –P. 357.)
10. История ат-Табари. –Ташкент: Фан, 1987. –С.113-114. (History of at-Tabari. –Tashkent: Fan, 1987. –P.113-114.)
11. Le Strange G. The lands of the eastern caliphate. — Cambridge: University Press, 1905. — P.440.
12. 12.Довуди Д. Клад чаганианских дирхемов XI в. из Хисара. Душанбе, 2007. –С. 9-11. (Dovudi D. Treasure of Chaganian dirhams of the XI th century from Hisar. Dushanbe, 2007. –P. 9-11.)
13. 13.«Hudud al — alam» the regions of the world. Tran. and explaned by V. Minorsky. — London, 1937. –P. 114.
14. Ртвеладзе Э.В., Исхаков М.Х. Два чаганианских средневековых селения // История материальной культуры Узбекистана. 15, Ташкент, 1979. –С. 84-86. (Rtveladze E.V., Iskhakov M.Kh. Two Chaganian medieval villages // History of material culture of Uzbekistan. 15, Tashkent, 1979. –P. 84-86.)
15. Беруни. Избранные произведения. Канон Масъуда. Том 5. Часть I. –Ташкент: Фан, 1973. – С. 467. (Beruni. Selected works. Canon of Masoud. Volume 5. Part I. –Tashkent: Fan, 1973. – P. 467.)
16. Si-Yu-Ki. Buddhist Records on the Western World, vol. 1. London, 1906. –P. 36.
17. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Москва-Ленинград, 1951. –С. 29. (Malov S.E. Monuments of ancient Turkic writing. Moscow-Leningrad, 1951. –P. 29.)
18. Ahmad ibn Abu Jakub ibn Wadhih al-Jakubi. Kitab al-buldan. Ed. M. J. de Goeje. BGA. Pars 7. — Lugduni-Batavorum, 1967. –P. 290.

19. Байхаки, Абу-л-Фазл. История Мас'уда (1030—1041). — Москва, 1969. –С. 572. (Bayhaki, Abu-l-Fazl. History of Mas'ud (1030-1041). – Moscow, 1969. –P. 572.)
20. Бартольд В.В. Сочинения. Том III. –Москва: Наука, 1965. –С. 431. (Bartold V.V. Compositions. Volume III. –Moscow: Nauka, 1965. –P. 431.)
21. Пугаченкова Г. Д. Термез, Шахрисябз, Хива. — Москва, 1976. –С. 43. (Pugachenkova G.D. Termez, Shakhrisyabz, Khiva. – Moscow, 1976. –S. 43.)
22. Бобоходжаев А., Аннаев А., Рахманов Ш. Некоторые итоги изучения древних и средневековых памятников предгорий горной полосы Кугитанг Байсантау // История материальной культуры Узбекистана, вып. 23. — Ташкент, 1990. –С. 35. (Bobokhodzhaev A., Annaev A., Rakhmanov Sh. Some results of the study of ancient and medieval monuments of the foothills of the mountain strip Kugitang Baysantau // History of material culture of Uzbekistan, vol. 23. - Tashkent, 1990. –3. 35.)
23. 23 Ртveладзе Э. В. Стена Дарбанда Бактрийского. Общественные науки в Узбекистане 1986. №12. –С.35. (Rtveladze E. V. Wall of Darband Bactrian. Social sciences in Uzbekistan 1986. №12. –P. 35.)
24. Камолиддинов Ш. С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана. – Ташкент: Узбекистан, 1996. –С. 124. (Kamoliddinov Sh. S. Historical geography of South Sogd and Tokharistan. - Tashkent: Uzbekistan, 1996. –P. 124.)
25. Hudud al-Alam. –P. 114.
26. Ahmad ibn Abu Jakub ibn Wadhih al-Jakubi. Kitab al-buldan. –P. 289.
27. Аршавская З. А., Ртveладзе Э. В., Хакимов З. А. Средневековые памятники Сурхандарьи. — Ташкент, 1982. –С. 41. (Arshavskaya 3. A., Rtveladze E. V., Khakimov 3. A. Medieval monuments of Surkhandarya. - Tashkent, 1982. –P. 41)
28. Мир Мухаммад Амин Бухари. Убайдулланаме. –Ташкент, 1957. –С. 80. (Mir Mukhammad Amin Bukhari. Ubaydulla Name. –Tashkent, 1957. –P. 80.)
29. Ибн Хордадбех. –С. 67. (Ibn Khordadbeh. –P. 67.)
30. Камолиддин Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана. –С. 139. (Kamoliddinov Sh. S. Historical geography of South Sogd and Tokharistan. –P. 139.)
31. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1989. –Б. 29. (Bobur Zahiriddin Muhammad. Boburnoma. Tashkent: Yulduzcha, 1989. –P. 29.)
32. Ртveладзе Э.В. Обнаружение средневекового селения Навандак в области Саганиан // ИМКУ. Ташкент, 1978, вып. 14. –С. 114-118. (Rtveladze E.V. Discovery of the medieval village of Navandak in the Saganian region // IMKU. Tashkent, 1978, no. 14. –P. 114-118.)
33. Гулямова Э. Раскопки в Хульбуке в 1961 г. Археологические работы в Таджикистане, вып. 9. –Душанбе, 1964. –С. 39. (Gulyamova E. Excavations in Khulbuk in 1961. Archaeological work in Tajikistan, vol. 9. –Dushanbe, 1964. –P. 39.)
34. Ибн Хордадбех. –С. 67. (Ibn Khordadbeh. –P. 67.)
35. Ртveладзе Э.В., Исхаков М.Х. Два чаганианских средневековых селения. –С. 36-87. (Rtveladze E.V., Iskhakov M.Kh. Two Chaganian medieval villages –P. 36-87.)
36. Hudud al-Alam. –P. 114.
37. Аршавская З.А., и др. Средневековые памятники Сурхандарьи. –С. 41. (Arshavskaya Z.A, and other. Medieval monuments of Surkhandarya. –P. 41.)
38. al-Moqaddasi. –P. 344.
39. Hudud al-Alam. –P. 114.
40. Аршавская З.А., и др. Средневековые памятники Сурхандарьи. –С. 41. (Arshavskaya Z.A, and other. Medieval monuments of Surkhandarya. –P. 41.)
41. al-Jakubi. Kitab al-buldan. –P. 292.
42. Ибн Хордадбех. –С. 68. (Ibn Khordadbeh. –P. 68.)
43. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. –Б.73. (Bobur Zahiriddin Muhammad.–P. 73.)
44. Бартольд В.В. Сочинения. Том 1. –Москва, 1963. –С.122. (Bartold V.V. Compositions. Volume 1. –Moscow, 1963. –P.122.)
45. Пугаченкова Г. А., Ртveладзе Э. В. Северная Бактрия – Тохаристан. Очерки истории и

культуры древность и средневековье. –Ташкент: Фан, 1990. –С. 126. (Pugachenkova G.A., Rtveladze E.V. Northern Bactria - Tokharistan. Essays on the history and culture of antiquity and the Middle Ages. –Tashkent: Fan, 1990. –P. 126.)
46. Нафасов Т. Қишлоғингиз нега шундай аталган? Тошкент, 1989. –Б. 58-59. (Nafasov T. Why is your village so named? Tashkent, 1989. –P. 58-59.)
47. Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. 1967. –P. 340-341.
48. «Hudud al — alam». –P. 114.
49. Ибн Ҳавкал. –Б. 86. (Ibn Havkal. –P. 86.)
50. al-Jakubi. Kitab al-buldan. c. 292.
51. al-Moqaddasi. Descriptio Imperii moslemici., 1967, ст. 284.
52. Аршавская З.А., и др. Средневековые памятники Сурхандарьи. –С. 41. (Arshavskaya Z.A, and other. Medieval monuments of Surkhandarya. –P. 41.)
53. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Часть 2. –СПб, 1900. –С. 76. (Bartold V.V. Turkestan in the era of the mongol invasion. Part 2. –SPb, 1900. –P. 76.)
54. Аршавская З.А., и др. Средневековые памятники Сурхандарьи. –С. 41. (Arshavskaya Z.A, and other. Medieval monuments of Surkhandarya. –P. 41.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Хайрулла Хўжаёрович Қобилов,
Термиз Давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси
qobilov@mail.uz

СУРХОНДАРЁ ОКРУГИДА ЖАМОАЛАШТИРИШ ДАВРИДАГИ ОММАВИЙ ҚАТАҒОНЛИКЛАР

For citation: Khairulla Kh.Kobilov, MASS REPRESSIONS IN THE PERIOD OF COLLECTIVE FARMING IN SURKHANDARYA DISTRICT. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.522-527

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-71

АННОТАЦИЯ

Сурхондарё вилоятининг 1920-1930 йиллардаги тарихида оммавий жамоалаштириш сиёсати алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврда ўтказилган жамоалаштириш натижасида округда хусусий мулкчилик бекор қилиниб, ўрнига жамоа хўжаликлари ташкил этилди. Колхоз тузилишига қарши бўлган кишилар қўлга олиниб, узоқ юртларга сургун қилинган. Сурхондарёнинг ғаллакор районларида ҳам кўплаб деҳқон хўжаликлари қулоққа тортилганлиги ўша давр архив ҳужжатларидаги маълумотларда акс эттирилган. Ушбу мақолада Сурхондарё округида оммавий жамоалаштириш натижасида амалга оширилган қатағонликлар ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзлар: жамоалаштириш, колхоз, ғалла, қулоқ, қулоқлаштириш, ОГПУ.

Хайрулла Ходжаёрович Кобилов,
Преподаватель кафедры Всемирной истории
Термезского государственного университета

МАССОВЫЕ РЕПРЕССИИ В ПЕРИОД КОЛЛЕКТИВИЗАЦИИ В СУРХАНДАРЬИНСКОМ ОКРУГЕ

АННОТАЦИЯ

Политика массовой коллективизации занимает особое место в истории Сурхандарьинской области 1920-1930 годов. В этот период в результате коллективизации частная собственность в округе была ликвидирована, в место него созданы колхозы. Те, кто выступал против коллективизации, были арестованы и сосланы в далекие страны. Согласно архивным документам того времени, многие зерноводческие хозяйства Сурхандарьи также были раскулачены. В данной статье приводятся сведения о репрессиях в Сурхандарьинском округе в результате массовой коллективизации.

Ключевые слова: коллективизация, колхоз, зерно, кулак, раскулачивание, ОГПУ.

Khairulla Kh. Kobilov,
Lecturer, Department of World History,
Termez State University

MASS REPRESSIONS IN THE PERIOD OF COLLECTIVE FARMING IN SURKHANDARYA DISTRICT

ABSTRACT

The policy of mass collectivization occupies a special place in the history of the Surkhandarya region in 1920-1930. During this period, as a result of collectivization, private property in the district was liquidated, and collective farms were created in its place. Those who opposed collectivization were arrested and exiled to distant countries. According to archival documents of that time, many grain-growing farms in Surkhandarya were also dispossessed. This article provides information about the repressions in the Surkhandarya district as a result of mass collectivization.

Index Terms: collectivization, collective farm, grain, kulak, dekulakization, OGPU.

---

1. Долзарблиги.

Сурхондарё округида 1930-1932 йилларда ўтказилган жамоалаштириш ва қулоқлаштириш сиёсати алоҳида давр сифатида ажралиб туради. Негаки бу йилларда, колхозлаштириш сиёсатининг ўтказилиши оқибатида деҳқонлар олдида икки йўлнинг мавжудлиги, биринчидан - колхозга кириш, иккинчидан - қулоқлар рўйхатига тушиб қолишдан иборатлиги ҳудуд аҳолисига моддий жиҳатдан таъсир этиши билан бир қаторда маънавий жиҳатдан жуда катта салбий таъсирини ўтказди. СССР ҳукумати томонидан ялпи жамоалаштириш ўтказилар экан, ОГПУ органлари бўйнига қулоқ хўжаликларини аниқлаш, уларни жиноий жавобгарликка тортиш ва сургун қилишдек ишларни амалга ошириш қўйилган эди. Ўз-ўзидан равшанки, қулоқ қилиш жараёнида бузилишлар, зўравонликлар, таъқиб-тазйиқлар юз берган ва амалда қулоққа тортиш кампанияси ўз гирдобига камбағал, ўртаҳол қатламларни ҳам тортган. Оқибатда, қулоқларгина эмас, ҳатто умуман қишлоқ хўжалигига алоқаси бўлмаган шахслар (диндорлар, савдогарлар ва ҳоказолар) ҳам қулоқлаштирилган. Бу эса, ушбу даврни янада чуқурроқ ўрганилиши талаб қилади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу мақола тарихийлик, илмийлик, ҳудудий ёндошувлар сингари тарихий усуллар асосида ёритилган бўлиб, унда Сурхондарё округида Совет ҳокимияти томонидан жамоалаштириш сиёсати ўтказилиши натижасида олиб борилган оммавий қатағонликлар ҳақида маълумотлар берилади.

Сурхондарё округида ялпи жамоалаштириш сиёсатининг амалга оширилиши бўйича тадқиқотлар совет даврида бошланган эди. Аммо том маънодаги тадқиқотлар фақат Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейингина ўтказила бошланди. Сабаби, мустақиллик шарофати билан Сурхондарё худудида Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, ер-сув ислоҳотлари, ялпи жамоалаштириш сиёсати ва унинг салбий оқибатлари ҳақида олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий манбалар, архив ҳужжатлари асосида тарихий адабиётлар ва монографиялар яратилди. Улар орасида тарих фанлари доктори, профессор С.Н.Турсунов бошчилигидаги бир гуруҳ тадқиқотчилар, шу жумладан, Э.Қобилов, Т.Пардаев, А.Тўхтаев, И.Умаров сингари олимларнинг изланишлари муҳим аҳамиятга эга. Улар томонидан яратилган асарларда Сурхондарё округининг 1920-1930 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти холисона, ҳаққоний, аниқ фактлар асосида ёритилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистонда ҳам болшевикларнинг коллективлаштириш сиёсати оқибатида деҳқонлар олдида кундаланг икки йўл турарди: бири - колхозга кириш, иккинчиси - қулоқлар рўйхатига тушиб қолиш. Деҳқонларга нисбатан қўлланилган жазонинг энг енгил тури сайлов

ҳуқуқидан маҳрум қилиш эди. Ўша рўйхатга тушганлар келгусида қулоқ қилиш учун бирдан-бир асос эди.

Рўйхатларни тузишга собиқ «Қўшчи союзлари» аъзолари жалб этилган. Улар Иван Грознийнинг опричниклари каби ҳамма жойдан «қулоқлар»ни излаш, қидириш, хидлаб топиш каби шармандали изқуварлик, айғоқчилик билан машғул бўлганлар. Хаттоки, берилган топшириқни, юқоридан туширилган разнарядкани ким олдин бажариш, ким кўпроқ қулоқни топиш бўйича мусобақалар ҳам уюштирилган.

Бундай кенгайиш, оғишлар оқибатида қулоқда тортиш фоизи айрим районларда кўрсатилган миқдордан ошириб бажарилган. Юқоридан деҳқон хўжаликларининг 2-3 фоизигина қулоқ қилиниши кераклиги, хақидаги кўрсатмага эътибор берилмай баъзи жойларда қулоқда тортиш миқдори 15-20 фоизгача кўтарилиб кетган [1].

Агар мамлакат бўйича 1929 йилда қулоқлар қишлоқ аҳолисининг 3-4 фоизинигина ташкил қилган бўлса, у ҳолда қулоққа тортилган хўжаликлар ва ундан азоб тортган одамлар миқдорини аниқлаш мушкул бир ишдир. Б. Хайдаровнинг айтишича, қулоқлаштириш жараёнида тугатилган хўжаликларнинг умумий миқдори минимум бир миллион хўжаликни ташкил этган. Бу дегани, ҳеч бўлмаганда, 5 миллион одам ўзи туғилиб ўсган жойидан зўрлик билан ҳайдаб юборилган [2].

ОГПУ 1930 йил 11 январда жойларга 771-сонли директива йўллаб, ўзига тегишли органлар олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

1. қулоқ-оқ гвардиячи-бандитлар унсурлар бўйича нечта айғоқчилик ишланмалари, ташкилотлар, гуруҳлар ва ёлғиз ишловчилар мавжуд;

2. ушбу ишларда нечта қатнашчи иштирок этмоқда;

3. Худди шу категориялар бўйича нечта иш тергов босқичида олиб борилмоқда;

4. ушбу тергов ишларида нечта иштирокчи қатнашмоқда.

Ташкилотлар ва гуруҳлар сони алоҳида ва аниқ кўрсатилиши керак [3].

Г.Г.Ягода, Е.Г.Евдокимовлар имзоси билан 1930 йил 18 январда 775-сонли меморандум ОГПУнинг жойлардаги барча доимий вакилликларига, жумладан, Ўрта Осиё доимий вакиллигига ҳам юборилади. Унда қишлоқни социалистик асосда ўзгартириш муносабати билан, ёппасига коллективлаштириш ҳамда баҳорги экин экишни ўтказишни максимал таъминлаш мақсадида қулоқликка қарши кескин зарба бериш, ашаддий қулоқ-оқ гвардиячи унсурларни оммавий сургун қилиш асосан СССРнинг ёппасига коллективлаштирилаётган жанубий районларида амалга оширилиши қатъиян талаб қилинади. ОГПУ органлари зиммасига юклатилган бундай ниҳоятда муҳим, жиддий вазифани бажариш учун ҳамма ишлар бўйича синфий йўлни қатъиян таъминлашга, камбағал ва ўртаҳолларга тегмаслик ҳақида буйруқ берилганлиги маълум қилинади [4].

Ўз-ўзидан равшанки, қулоқ қилиш жараёнида бузилишлар, зўравонликлар, таъқиб-тазйиқлар юз берган ва амалда қулоққа тортиш кампанияси ўз гирдобига камбағал, ўртаҳол қатламларни ҳам тортган. Оқибатда, қулоқларгина эмас, хатто умуман қишлоқ хўжалигига алоқаси бўлмаган шахслар (диндорлар, савдогарлар ва ҳоказолар) ҳам қулоққа тортилган. Айрим жойларда, масалан, Ғарбий Сибирда ўша юқоридаги 771, 775-сонли директивалар юборилгандан кейинроқ қулоқ хўжаликлари ҳисобланган деҳқон хўжаликларини қулоқ қилиш бошланган. Аммо расмий, равишда бутун мамлакат бўйича қулоқ қилиш кампанияси ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги «Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг бошланиши керак эди. Бироқ Ғарбий Сибирдагидек Ўрта Осиёда ҳам қулоқ қилиш кампанияси бу қарордан аввалроқ, яъни ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги қароригача бошлаб юборилганди. Бунда Марказнинг бу ердаги ваколатли органи - Ўрта Осиё бюроси ва унинг котиби И.А.Зеленский ташаббус кўрсатади.

ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 26 январдаёқ «Қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида»ги масалани кўриб чиқади. Унда раис И.А. Зеленский маъруза қилади ва мазкур масала буйича лойиҳа тақдим этади. Фикрлар, мулоҳазалар асосида лойиҳанинг охирги таҳририни ишлаб чиқиш ва уни И.А.Зеленскийга

топшириш керак эди. Лойиҳа бўйича бутун деҳқон хўжаликларининг 2,3 фоизи қулоқ қилиниши кўзда тутилди. Қулоқ қилинганларнинг 60 мингги концлагерларга олиниши, ҳатто уларнинг бир қисмига олий жазо – отув берилиши, 150 минг оила Шимолий ўлка, Сибирь, Урал ва Қозоғистоннинг одамлар яшамаган, аҳолиси оз бўлган районларига сургун қилиниши, қолганлари эса ўзлари яшаб турган округларда ташкил бўлган махсус посёлкаларга, дашт, чўл, ёмон ерларга сургун этилиши кўрсатилган эди.

Айни шундай ҳолатни Сурхондарё округида ҳам кузатиш мумкин. Ўша рўйхатдагилар, гарчи ҳуқуқи тикланган бўлсаларда, қулоққа тортиш кампанияси авж олиши билан қулоқ қилиш, сургун этиш учун резерв ҳисобланиб, улар дарҳол қулоққа тортилган, мол-мулки мусодара этилган, хўжалик раҳбарлари қамоққа олинган, оилалари сургун этилган. Сурхондарё округида ҳам шундай жараён кечган эди

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг 1930 йил 28 январдаги «Ёппасига коллективлаштиришни ўтказиш ва қулоқларни синф сифатида тугатишда Ўрта Осиё партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги қарорига кўра, Ўрта Осиё бўйича 36 районда 1930 йил баҳоридаёқ деҳқон хўжаликларининг 70-75 фоизи коллективлаштирилиши ва қулоқ-бой хўжаликларни тугатиш амалга оширилиши керак эди.

Ўрта Осиё бюроси раиси И.А.Зеленский ушбу қарорни тасдиқлашни ВКП(б) Марказий Комитетидан илтимос қилади. Бу росмана шошма-шошарлик бўлиб, Марказ ишлаб чиққан асосий тадбирларни амалга оширишни барбод қилиши мумкин эди. Шунинг учун Сталиннинг шахсан ўзи 1930 йил 30 январда барча партия ташкилотларига хат йўллаб коллективлаштириш зиёнига қулоқ қилишга берилиб кетишга йўл қўймасликни талаб қилган. В.М.Молотов эса Сталин ва ўзининг номидан Тошкентга, И.А.Зеленскийга телеграмма йўллаб, Ўрта Осиёда коллективлаштиришни жадаллаштиришни айбловчи фикрни етказади. Бу телеграммада шундай дейилган: «Сизнинг 30 январдаги телеграммангизни олдик. СССР марказидан коллективлаштиришнинг тезкор суръатини Ўрта Осиё районларига кўчиришни асоссиз деб ҳисоблаймиз. Бу огоҳлантиришга жиддий қаранглар ва коллективлаштириш ишини оммани ҳақиқий жалб этиш орқали харакатлантиринглар. Сталин, Молотов» [5].

Бундайларга қарши қаттиқ чоралар кўриш кўзда тутилди. Айни вақтда коллективлаштириш ва қулоққа тортиш борасида маълум ён беришлар келиб чиқди. Оқибатда коллективлаштириш ҳам, қулоқлаштириш ҳам бироз секинлаштирилди. Жойларда қулоқ қилинган ва хуқуқлардан маҳрум этилганларнинг рўйхатини текшириш бўйича комиссиялар ташкил этилди. Рўйхатга тушган ўртаҳол деҳқонларнинг фуқаролик хуқуқлари тикланди, хатто улардан тортиб олинган чорваси ва мол-мулклари қайтариб берилди [6].

1931 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда қулоқлаштириш жараёни авж олади. Одамларни колхозга мажбурий киритиш ҳолатлари кўпайди. Колхозчиларнинг колхоздан ўз ихтиёрлари билан чиқиб кетишлари тақиқлаб қўйилди. Уларнинг норозилик чиқишларини босиш учун 1932 йил 7 августдаги фармонга кўра, кимда-ким деҳқонларни колхоздан чиқишга мажбур қилса, 5 йилдан 10 йилгача муддат билан «концентрацион лагерлар»га ташланишга ҳукм қилинадиган бўлди.

Колхозга кирганлар орасидан ҳам қулоқ унсурларини топиш ва уларни олдиндан рўйхатга олиб, юқоридан кўрсатма келиши биланоқ бу рўйхатдагилар мол-мулки мусодара қилиниб, ўзлари сургун қилиб юборилган. Бу рўйхат Денов райони колхозлари бўйича қуйидагича бўлган: Шўрчи қишлоғидаги «Озод» колхозидан 11, Кенагас қишлоғидаги «Қизил Шарқ» колхозидан 2, Юрчи қишлоғидаги «Қизил маслаҳат» колхозидан 5, Янги ва I Дивен қишлоғидаги «Қизил деҳқон» колхозидан 5, Бокати қишлоғидаги «Хурсанд» колхозидан 2, Қорлуқ қишлоқдаги «Янги район» колхозидан 3, Жобу қишлоғидаги «Намуна» колхозидан 5, Чўнтош қишлоғидаги «Қизил деҳқон» колхозидан 4, Денов қишлоғидаги «Бурнашев» колхозидан 3 хўжалик жой олган.

«Озод» колхози аъзоси Жума Эрназаровга манфактура сотиш билан шуғулланади, доимий равишда 3-4 ишчига эга, колхозга киришидан аввал унинг қўлида Юнус Хакимов ишлаган, ҳозирда 1 от, 2 хўкиз, 3 сигир, 80 қўйи ва 1 ёғ жувози бор, деган айб қўйилган. Шу колхоздан

Асқар Авлиёевга эшон бўлгани, ер ислоҳоти туфайли тугатилгани, Қодир Исмоиловга ҳуқуқдан маҳрум қилинганнинг ўғли, отаси имом бўлган, деган айб қўйилган. «Қизил маслаҳат» колхози аъзоси Жўра Мелибоевга савдогар, «Қизил деҳқон» колхози аъзоси Бобомурод Ҳожиназаровга амир даврида 5 йил давомида оқсоқол бўлган, 1929 йил қулоқ қилинган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган, 1 от, 2 хўкиз, 3 сигир, 1 ёғ жувози бор, деган айб қўйилган. «Намуна» колхозидан Мулла Жума Эргашев, Мулла Холиқ Шокиров, Ортиқ Омонов, Мулла Кўчқор Нурматовлар имом бўлганлари учун қулоқлар рўйхатига киритилган. «Бурнашев» колхозидан Мусабой гуруч бозорида даллоллик қилгани, Абдураим Раҳмонов эшон бўлгани учун рўйхатга киритилган [7].

Сурхондарёнинг ғаллакор районларида давлатга ғалла топшириш жараёнида ҳам кўплаб деҳқон хўжаликлари қулоққа тортилган. Район ижроқўмлари ҳузурида ғалла «учлик»лари ташкил бўлган. Бу «учлик»лар ғалла топширмаган ёки кам топширганларни қулоққа тортган, судга берган, қамоқ жазосига, бадарға қилишга ҳукм этган. Денов район ижроқўми қошидаги ғалла «учлиги» бу соҳада жуда ҳам кескин фаолият кўрсатган [8].

Денов район партия комитети котиби Хаитов, марказқўм вакили Федерместерларнинг Тошкентга, Марказқўмга йўллаган телеграммасида 15 октябргача 25794 центнер ғалла тайёрлангани, шундан колхозлар 5914 центнерни, 885 қулоқ томонидан контракт бўйича 13422 центнер ғалла топширилгани, ўтган йили 31000 центнер ғалла топширилгани, 12 қулоқ қамоққа олингани ва судга берилгани, учта қишлоқ совети тарқатилиб, судга берилгани хабар қилинган [9].

Денов райони Жиннибулоқ советидан Жаҳонгир Рўзибеков, Ҳамро Рўзибековларга қулоқлар сифатида 1931 йили район молия бўлими томонидан 10 000 сўм солиқ солинади. Аммо улар солиқни тўламай қўшни Тожикистон ССРга қочиб кетишади. Улар ўзларига қарашли қўйларини Тожикистонга олиб ўта олмай, уларни Боботоғ ҳудудида қолдирадилар. Маълум вақт ўтгач, улар Тожикистонда вафот этгач, 300 бош қўйлари, эчки, от ва эшаклари Ҳамид Давлатов ва Қурбон Эшмуродовларда қолади. Район молия бўлимидан вакил Руфин қўйлар турган жойга бориб акт тузиб, қўйларни ҳайдаб олиб келади [10].

Сурхондарё округи Денов райони Хидирша қишлоқ совети Сайдақ қишлоғидан қулоқ қилинган Холмурод Аллаевнинг уйи тинтув қилиниб 1 дона тўшак, 2 дона кўрпа, 1 сигир, 1 от, 1 байтал от, 1 хўкиз, яъни 356 сўмлик буюм, мулк олиб чиқиб кетилган.

1931 йили Эшимоқсоқ қишлоқ советига қарашли Қозохўжа, Тўпаланг Дилварак, Эшимоксоқ, Баленгур қишлоқларида 21 хўжалик қулоққа тортилган. Улардан Шодмон Мамадиёров, Раҳмон Отажонов, Ҳамза Маҳмудов, Берди Иброҳимов, Қосим Эргозиев яшириниб олган. Нуртай Курчиев ва Саидрасул Файзуллаевни ГПУ қамоққа олади. Қорабой Ёқубовга 3 йил, Ортиқга 6 йил, Назар Рўзиевларга йилдан қамоқ жазоси берилади. Уларнинг мулки мусодара қилинади.

1931 йил 21 ноябрда Накрут қишлоқ совети Қизилолма қишлоғидан Хамро Сайфуллаев, Нажмиддин Низомиддинов, Бодомчаладан Холбой Қорабоев, Ислом Нормуродов, Маҳамат Каримов, Эшназар Хаққулов, Ботмон қишлоғидан Носир Қувонов, Улпатан қишлоғидан Абдуқодир Бургутов, Бешкал қишлоғидан Шоназар Йулдошев, Бердимурод Тавбаев, Ямантуп қишлоғидан Пармон Деҳқонов, Чалакарга қишлоғидан Бўрибой Пирматов, Зокир Абдушукуровлар қулоқ қилинган [12].

4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз керакки, қулоққа тортиш – одамларни барча фуқаролик, конституциявий, биринчи навбатда сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилиш эди. Қулоққа тортиш ҳеч қандай судсиз, терговсиз ҳал қилинган. Бу ишлар райком котиби, райижрокум раиси ва ГПУнинг маҳаллий раҳбарларидан ташкил топган махсус кенгашлар, «учлик»лар ва «иккилик»лар томонидан бажарилган. Бу шубхали, шухратпараст, фисқу-фасодга тўлиб тошган «учлик»ларнинг вазифаси экспроприация ва депортация қилиниши мумкин бўлганларнинг рўйхатини тузишдан иборат бўлган.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви, 196-фонд, 1-рўйхат, 23-иш, 63-64-варақлар. (National Archive of the Republic of Uzbekistan, fund 196, register 1, file 23, sheets 63-64)
2. Хайдаров Г.Х. Былое и думы (Из воспоминаний). Худжанд: Нури маърифат, 2004. –С. 59-60. (Khaidarov G.Kh. The past and thoughts (From memories). Khujand: Nuri Marifat, 2004. –P. 59-60.)
3. Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы Том 2. ноябрь 1929 — декабрь 1930. Москва РОССПЭН 2000. –С. 104-105. (The tragedy of the Soviet village. Collectivization and dispossession. Documents and materials Volume 2. November 1929 - December 1930. Moscow ROSSPEN 2000. –P. 104-105.)
4. Трагедия советской деревни. –С. 134-135 (The tragedy of the Soviet village -P. 134-135.)
5. Трагедия советской деревни. –С. 131 (The tragedy of the Soviet village. –P. 131.)
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Тошкент: Шарқ, 2000. –Б. 352. (New history of Uzbekistan. The second book. Uzbekistan during the Soviet colonial period. –Tashkent: Sharq, 2000. –P. 352.)
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 2-5-варақлар. (Surkhandarya regional state archive, fund 2, register 1, file 19, sheets 2-5.)
8. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 47-варақ. (Surkhandarya regional state archive, fund 2, register 1, file 28, sheet 47.)
9. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 29-иш, 18-варақ. (Surkhandarya regional state archive, fund 2, register 1, file 29, sheet 18.)
10. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 360-иш, 5-варақ. (Surkhandarya regional state archive, fund 2, register 1, file 360, sheet 5.)
11. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 16-иш, 23-варақ. (Surkhandarya regional state archive, fund 2, register 1, file 16, sheet 23.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Ra'no Qodirova Mamirjonovna
Farg'ona davlat universiteti
Jahon tarixi kafedrasi o'qituvchisi
Ranoimron16@gmail.com

XALQ TA'LIMI TIZIMIDAGI BOLSHEVISTIK SIYOSAT: MILLIY MAORIF TIZIMI VA TA'LIMDA SOVET MODELINI TATBIQ QILINISHI

For citation: Ra'no Kadirova Mamirjonovna, BOLSHEVIK POLICY IN PUBLIC EDUCATION: THE NATIONAL EDUCATION SYSTEM AND THE IMPLEMENTATION OF THE SOVIET MODEL IN EDUCATION. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.528-532

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-72

ANNOTATSIYA

Bolsheviklarning hokimiyat tepasiga kelishi natijasida nafaqat siyosiy balki ijtimoiy sohalarda juda katta islohotlar boshladi. Ayniqsa bu mahalliy aholi ongini o'zgartirishda muhim bo'lgan ta'limda, ilmda va madaniyatda jiddiy tus oldi. Milliy ta'lim tizimini isloh qilish osonlikcha bo'lmasada majburiy tarzda amalga oshirildi.Maqolada aynan milliy maorif tizimiga majburiy tarzda "sovetcha" ta'lim tizimini kiritish haqida ochib berilgan. Chor hukumatining ruslashtirish va mahalliy diniy ta'lim tizimiga nisbatan zo'ravonlik siyosatiga qaramay, an'anaviy diniy maktablar o'z faoliyatini davom etdi, milliy ta'limning yangi istiqbolli tamoyili vujudga keldi

Kalit so'zlar: Turkiston ASSR, TASSR MIQ, Maorif xalq komissarligi, harbiy kommunizm, "yakdil mehnat maktabi, Mehnat maktab – kommunalari

Раъно Кадирова Мамиржоновна
преподаватель кафедры всеобщей истории
Ферганского государственного университета
Ranoimron16@gmail.com

БОЛЬШЕВИСТСКАЯ ПОЛИТИКА В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ: НАЦИОНАЛЬНАЯ СИСТЕМА ОБРАЗОВАНИЯ И РЕАЛИЗАЦИЯ СОВЕТСКОЙ МОДЕЛИ В ОБРАЗОВАНИИ

АННОТАЦИЯ

В результате прихода к власти большевиков начались большие реформы не только в политической, но и в социальной сфере. Значительные изменения были проведены в сфере образования, науки и культуры, которые должны были повлиять на взгляды и мышления местного населения. Реформа национальной системы образования была не из легких задач, проведенная принудительным образом. В статье описывается принудительное введение «советской» системы образования в национальную систему. Несмотря на проводимую царским правительством политику русификации и жестокости в отношении местной

системы религиозного образования, традиционные религиозные школы продолжали действовать, и появился новый многообещающий принцип национального образования.

Ключевые слова: Туркестанская АССР, МИК ТАССР, Народный комиссариат просвещения, военный коммунизм, «Единая трудовая школа, Трудовая школа-коммуна»

Ra'no Kadirova Mamirjonovna
Teacher of the Department of World History
at Fergana State University
ranoimron16@gmail.com

BOLSHEVIK POLICY IN PUBLIC EDUCATION: THE NATIONAL EDUCATION SYSTEM AND THE IMPLEMENTATION OF THE SOVIET MODEL IN EDUCATION

ABSTRACT

As a result of the Bolsheviks' rise to power, so many reforms started to be done not only in the political but also in the social spheres. They had serious aspects especially in education, science, and culture, which are important in changing their minds. Reforming the national education system was not easy, but mandatory. The article describes the introduction of a "Soviet" education system in the national education system. Despite the Tsarist government's policy of Russification and brutality against the local religious education system, traditional religious schools continued to operate, and a new promising principle of national education evolved.

Index Terms: Turkestan ASSR (Autonomous Soviet Socialist Republic), TASSR CEC (Central Executive Committee), People's Commissariat of Education, military communism, unified labor school, Labor school – communes

---

1. Dolzarbligi:

Bugungu kunda tarix fanida qarama-qarshiliklarga to'la bo'lagna 20-30 yillarda respublikamizda xalq ta'limi tizimini shakllantirish va rivojlantirish jarayonlari, o'sha murakkab davrda milliy ta'lim tizimidagi islohotlarni har tomonlama tahlil etish zarur.

Zero aynan shu davrda totalitar g'oya va keskin sinfiy nuqtai nazarga asoslangan ta'limning sovet modeliga asos solindi.Madrasa va eski maktablarning sovet davridagi faoliyati shu vaqtga qadar to'la va mukammal tarzda o'rganilmagan. Bu muhim ahamiyat kasb etuvchi mavzuni o'rganish O'zbekiston tarixi fanidagi o'ziga hos bo;'shliqni to'ldirishga yordam beradi. Yangi O'zbekistonda zamonaviy ta'lim tizimini yaratish borasidagi sa'y-harakatlarda milliy maorif tizimi tarixini o'rganish va tadqiq etish muhim ahamiyatga molik masala hisoblanadi.

2.Metodlar va o'rganilganlik darajasi:

Maqola umum qabul qilingan tarixiy metodlar – tarixiylik, qiyosiy-mantiqiy tahlil, ketma-ketlik, xolislik tamoyillari asosida yoritilgan bo'lib, unda san'at jamiyat rivojining ma'naviy asosini tashkil qilishi tarixiy aspektda ko'rsatilgan.

3.Tadqiqot natijalari:

Rossiya imperiyasi Turkistonni istilo qilguniga qadar o'lkada eski maktab, masjid, qorixona, otin oyi maktablari va madrasalar tizimi keng tarqalgan edi. 1867-yil Turkiston general gubernatorligi tashkil etilganidan boshlab butun iqtisodiy, siyosiy hayotda bo'lganidek mahalliy ta'lim tizim ham mustamlaka hukumatining nazorati ostiga o'tdi. Chor hukumati mahalliy ta'lim tizimi faoliyatini o'rganib chiqib,mustamlakachilikning keying istiqboli uchun bu tizim xavli degan xulosaga keldi. Mustamlaka ma'murlari musulmonlar hayotida asrlar davomida muxim ahamiyat kasb etgan madrasalarni "musulmonchilik o'choqlari" sifatida baxolab "Ruslarga nisbatan dushmanlik kayfiyatida, bu yerda ularni obro'sizlantirishga qaratilgan rejalar tuzish bilan shug'ullanishadi" [1: b-29] - deb baholandi.

Chor hukumatining ruslashtirish va mahalliy diniy ta'lim tizimiga nisbatan zo'ravonlik siyosatiga qaramay, an'anaviy diniy maktablar o'z faoliyatini davom etdi, milliy ta'limning yangi

istiqbolli tamoyili vujudga keldi. 1905-yilgi inqilobining ta'siri va, ayniqsa, chor hukumatining ag'darib tashlanishi bilan maorif tizimida demokratlash tamoyili o'rin ola boshladi.

1917-yildagi Oktabr to'ntarishidan so'ng hukumat tepasiga kelgan bolsheviklar maorif tizimidagi ilgarigi boshqaruv tizimini tugatish va xalq ta'limining sovet modelini yaratish maqsadida 1917-yil noyabr oyida Turkiston o'lkasi Maorif xalq komissarligini tashkil etdilar [2: i-28, v-51].

Turkiston ASSRning 1918-yil 14-maydagi dekreti bilan Turkistondagi maorif soxasini tubdan sotsialistik asosda islox qilish boshlandi [2: f-34., r-1, i-30]. Unda hammaga mos keladigan sovet maktabini tashkil etish zarurligi haqida uqtirilgandi.

RSFSR MIQning 1918-yil 16-oktabrdagi dekreti bilan tasdiqlangan "yakdil mehnat maktabi" deb nomlangan sovet maktabi modeli dasturiy rejadagi birinchi variant bo'ldi. Yakdil maktab ikki bosqichli bo'lib, birinchisi – 8-13 yoshdagi bolalar (besh yillik tahsil) va ikkinchisi - 13-17 yoshdagi bolalar (to'rt yillik tahsil) uchun mo'ljallangan edi [7].

TASSR MIQ maktablardagi ta'limni ona tiliga o'tkazish haqida dekret qabul qilindi va "Turkiston maktablari tarkibi haqida qoida" ni chop etdi.

Respublika Maorif xalq komissarligining "O'quvchi yoshlarga" chaqirig'ida o'g'il bolalar bilan bir qatorda qiz bolalarni ham maktabda kirib o'qishga da'vat etilgandi [5: b-412].

Turkiston milliy maktablarida rus tili, rus maktablarida esa "turkiy" tilni o'qitish darslari kiritildi; rus va "turkiy" til respublikada davlat tili deb e'lon qilindi. Uchinchi sinfdan boshlab maktablarda rus va turkiy tilni o'qitish majburiy qilib qo'yildi, lekin har ikkala tilni o'rganish ixtiyoriy olib borildi.

Xalq ta'limi bo'limlariga "hududlarda musulmon bilim yurtlarini ochish yuzasidan tadbirlar ko'rish uchun joylardagi milliy ishlar bo'limi bilan aloqaga kirishish" taklif etildi [2: f-34., r-1, i-86].

Mamlakatda xalq ta'limini islox qilishga harakatlar kuchaytirilgan bir vaqtda Mulla G'ozi Yunus Muhammad o'gli "Ulug' Turkiston" gazetasida "Madrasalarning islohi xususida" nomli maqola bilan chiqdi.[4]

Turkistonda, rahbariyat fikriga ko'ra, dindorlar ta'sirida bo'lgan mahalliy kishilar aholining asosiy qismini tashkil etganligi bois diniy maktablarning obro'si baland edi.

RSFSR va Turkiston bolshevik sovet ma'murlarining mahalliy ta'lim tizimiga munosabati asosan dinga nisbatan siyosat va RSFSR XKS ning 1918-yil 23-yanvardagi cherkovni davlatdan ajratish haqidagi Dekreti bilan belgilandi [6] 1918-yil 20-noyabrda TASSR da ham shunday dekret qabul qilindi [2: f-25., r-1, i-144].

Mahalliy tizimni siqishga qaratilgan "harbiy kommunizm" siyosati natijasida vaqf mulklari tortib olindi, masjid, maktab va madrasalar yopildi. Sovet maktablarining soni oz bo'lganligi sabab mahalliy aholi bolalarining asosiy qismi o'qishdan benasib qoldi. 1918-yil 14-dekabrda Turkiston ASSR Maorif xalq komissarligining 6486 – sonli buyurug'i bilan musulmon maktablarini moliyaviy jihatdan qo'llash butunlay to'xtatildi, ularga dastlabki tadbir sifatida yangi usul tizimiga o'tish taklifi berildi [2: f-34., r-1, i-34].

M.Hasanov "Turkiston muxtoriyati: haqiqat va uydirma" nomli maqolasida Turkistondagi maktablar, madrasalar faoliyatiga ijobiy baho berib, sovetlar tomonidan vaqflarning tugatilishi, masjidlarning vayron etilishi, shuningdek, musulmon maktablari va madrasalari huquqlarining cheklanishini albiy voqea sifatida haqqoniy yoritib bergan.

Turkiston ASSR Maorif xalq komissarligi maktab tizimini yangi tizimini ishlab chiqdi. Unga ko'ra maktab 3 bosqichda: boshlang'ich (uch yillik), o'rta (yeti yillik) va oliy bosqichdagi maktab shakli belgilandi. Boshlang'ich sinfga yeti yoshdan qabul qilindi. Ushbu bosqich "barcha nomdagi quyi boshlang'ich bilim yurtlarini, barcha oliy boshlang'ich bilim yurtlarini va barcha nomdagi o'rta nomdagi o'rta ta'lim muassasalarining (gimnaziya, amaliy bilim yurtlari, tijorat bilim yurtlari va hokazo) dastlabki to'rt sinfini o'z ichiga oldi [3: b-6-8].

1918-yilning o'zida butun Turkiston ASSRning barcha hududlarida yeti yillik maktablar ochilishi lozim edi. Lekin o'sha davrda ushbu vazifani bajarish imkonsiz edi. Sababi, bolshevistik tuzum iqtisodiy jihatdan ham, siyosiy jihatdan ham hali bunga tayyor emas edi. Shu sababli

joylarda o'qituvchilar yetishmasligi sababli, "to'la yeti yillik maktablar" ochish imkon qadar amalga oshirildi. Ushbu tizimning ijobiy tomoni shunda bo'ldiki, boshlang'ich maktablar mutlaqo bepul bo'ldi. Rus maktablari zudlik bilan isloh qilinishi o'laroq, avvalgi mavjud gimnaziya, bilim yurtlari o'rnida sovet maktablari tashkil etildi. Umumta'lim maktablari bilan bir qatorda "Mehnat maktab – kommunalari" faoliyat ko'rsatadi. 1918-yil sentabr oyida V.F. Lubensov birinchilardan bo'lib mana shunday mehnat kommunasini tashkil etdi. 1919-1920 yillarda Samarqand, Skobelev, Kattaqo'rg'on shaharlarida ham mana shunday maktablar ochildi.

Maktab qurilishining sovetlashtiriluvchi shunda ko'rinadiki, avvaliga sovet maktablari asosan shaharlarda ochilayotgan bo'lsa, 1919-1920 yillarga kelib qishloqlarda ham tezlik bilan tashkil etila boshlandi.

Mustamlakachi tuzum xotin qizlar ta'limiga alohida siyosiy tus berish Oktabr to'ntarilishidan keyingi davrda "eski turmushga qizil armiyacha kurash" nomi ostida boshlandi. Buni biz o'gil va qiz bolalarni bir joyda o'qitishga urinishda ko'rishimiz mumkin. Lekin bu harakat mahalliy aholining keskin qarshiliga uchradi. Shu tufayli bolshevistik tizim yon berishga majbur bo'ldi. Natijada qiz bolalar uchun alohida maktablar tashkil etishga tavsiya berildi. Bunday maktablardan eng birinchisi Toshkentda ochilgan bo'lib, unda 42 ta o'zbek ayoli ta'lim olgan. So'ngra Andijon, Qo'qon, Samarqand kabi shaharlarda tashkil etilgan. 1920-yil boshida Toshkentda 12 ta, Andijonda 2 ta ayollar maktabi mavjud edi. Qo'qon uyezdida bu paytda 270 nafar o'zbek va 130 nafar qirg'iz ayollar tahsil olar edilar.

Sovet milliy maktablarini tashkil etishda qarama qarshiliklar juda ko'p edi.. Diniy o'quv yurtlarini cheklash, rus-tuzem maktablarining o'zgartirilishi ularning salmog'ini o'sishiga olib keldi. 1918-1919 o'quv yili boshlarida Skobelov uyezdida6 ta o'zbek maktabi ochildi [8: b-561]. Toshkentda bu davrda 57 ta maktab mavjud bo'lib, ularda 8,5 ming o'quvchi o'qir edi. Samarqand viloyatida esa mahalliy aholi uchun 100 dan ortiq maktab tashkil qilindi.

Fuqarolar urushi ichida qolgan Farg'ona viloyatida sovet maktablarining tashkil qilinishi qiyin kechdi. Shunga qaramay Qizil armiya otryadlari "ozod qilingan" joylarda yangi turdagi maktablarni ocha boshladi. Natijada, 1919-1920 o'quv yili boshlarida Farg'ona viloyatidagi maktablar soni 350 taga yetdi [9: b-247].

4.Xulosalar

O'quv tarrbiya ishlari qanchalik siyosatlashtirilmasin, sovet maktablarining moddiy ahvoli nihoyatda og'ir edi. Darsliklar, o'quv qurollari, xususan, qalam, siyoh, daftar taqchil edi. Bundan tashqari bolsheviklarning ta'lim siyosatini tezlik bilan isloh qilish davrida mahalliy kadrlarning yetishmasligi ham muammoni yanada jiddiylashtirdi. Ayni damda o'quv darsliklari takomilashtirilmagandi. Bundan taashqari mutlaqo yangi bo'lgan bu tizim mahalliy xalq bolalari orasida qiyinchilik bilan qabul qilindi. O'quvchilar intizomining pastligi o'quv ishlarini maromida olib borishga halal berardi. Mana shulardan kelib chiqib ushbu davrdagi ta'lim tizimidagi islohotlar kutilganidek natija bermagini ko'rish mumkin. Tarixiy ongni tubdan tozalashda o'tmish tajribasidan kelib chiqib yangi xulosalar chiqarish darkor.

Iqtiboslar/Сноски/References

1. Alimova D.A. Lessons from the witness of history: the exploration of national treasures of Uzbekistan during the period of tsarism and Soviet colonialism. – Tashkent: Sharq. – P. 29.
2. NSA RUz, 25, 28,34-f.
3. Hasanov M. Autonomy of Turkistan: truth and fiction // Science and life. – Tashkent, 1990, №11. – P. 6–8.
4. Great Turkistan. May 28, 1918.
5. Bendrikov K.E. Essays on the history of folk education in Turkistan. – Moscow: Izd. Acad. Ped. Nauki of the RSFSR, 1960. – P. 412.
6. Decrees of the Soviet government. V. 1. – Moscow: Gospolitizdat, 1959. – P. 271–274.
7. News of the All-Russian Central Executive Committee. October 16, 1918.
8. The Soviet victory in Central Asia and Kazakhstan. – Tashkent: Fan, 1967. – P. 561.

9. History of the Uzbekistan SSR. V. 3. – Tashkent: Fan, – P. 247.
10. Yuldashev S.B. Ferghana in the VII century: It's development as a powerful state and its collapse // History Reseach Journal. 2019 vol. 5. Issue 6. – P. 2952–2964.
11. Yuldashev S.B. Samanids of Ferghana // International journal for social studies. 2020. vol. 6. Issue 01. – P. 120–135.
12. Yuldashev S.B. The impact of the Aksu battle on Ferghana // ERPA International Journal of Research and Development. 2020. Vol. 5 (8). P. 60–64. DOI: https://doi.org/10.36713/epra4917
13. Yuldashev S.B. Early arab invasions of Fergana // «Евразийский Союз Ученых» научный журнал. – Москва, – 2020. – № 8 (77/4). – P. 31–35.
14. Isamiddinov M. The history of emergence of Sughd Cities // EPRA International Journal of Research and Development. Volume:5, Issue:10, October 2020 India. – P. 125–128.
15. Mirsoatova S.T. New data on the late paleolithic of the Fergana valley // Евразийский союз ученых (2020. – № 10 (79/4). – P. 25–29.
16. Farmanova G.K. The role of the geographic environment and climatic conditions in the formation of economic-cultural type of population when during ancient and antic period // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10, Issue 11, November 2020. – P. 1612–1622. Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01639.0.
17. Rakhmatillayev H. Ethnodynamics of the city population of the Fergana valley of the first half of the XX century // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:5, May 2020. – P. 532–535.
18. Arslonzoda R. Memoirs as asourse on the history of Uzbekistan in the second half of the 19th – early 20th centuries // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:10, October 2020. – P. 119–124.
19. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance. ERPA International Journal of Research and Development. 2020; Vol. 5 (7). – P. 104–108. DOI: https://doi.org/10.36713/epra4787
20. Yuldashev S. Visit of chinese ambassador dung wan to Fergana // The history of the Fergana valley in new researches. – Fergana, 2021. – P. 123 – 131. https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1240

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Ислом Маҳмараҳим ўғли Қаршиев,
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҚЎНҒИРОТЛАРИ

For citation: Islam M. Karshiev, KUNGRADS OF SOUTH UZBEKISTAN. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.533-538

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-73

АННОТАЦИЯ

Қўнғиротлар – йирик ўзбек қабиласи бўлиб, Ўзбекистон тарихида муҳим роль ўйнаган. Ўз даврида бу уруғнинг келиб чиқиши ва шаклланиши ҳақида ҳам турли фикрлар билдирилган. Шу билан бирга, қўнғиротлар тадқиқотчилар томонидан юзаки ўрганилган. Бу эса, кўпинча бир томонлама ва баҳсли тахминларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Ушбу мақолада турли даврларда яратилган тарихий манбалар асосида қўнғирот қабиласининг этногенезиси, ўрнашган жойлари ва хўжалиги тўғрисида маълумот берилади.

Калит сўзлар: этногенез, қўнғиротлар, Бойсун, Кўҳитанг, Сурхондарё, Қашқадарё, кўчманчилар.

Ислам Махмарахим оглы Каршиев,
Преподаватель кафедры всемирной истории
Термезского государственного университета

КУНГРАДЫ ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

Кунграды - крупное узбекское племя, сыгравшее важную роль в истории Узбекистана. В свое время высказывались разные мнения о происхождении и образовании этого рода. Однако кунграды изучено исследователями поверхностно. Это часто приводит к односторонним и противоречивым предположениям. В данной статье представлены сведения об этногенезе, место расположение и хозяйстве племени кунграт на основе исторических источников, созданных в разные периоды.

Ключевые слова: этногенез, кунграды, Байсун, Кухитанг, Сурхандарья, Кашкадарья, кочевники.

Islam M. Karshiev
Lecturer at the Department of World History
at Termez State University

KUNGRADS OF SOUTH UZBEKISTAN

ABSTRACT

The Kungrads are a large Uzbek tribe that played an important role in the history of Uzbekistan. At one time, different opinions were expressed about the origin and formation of this genus. However, kungrads have been studied superficially by researchers. This often leads to one-sided and conflicting assumptions. This article presents information about ethnogenesis, location and economy of the Kungrat tribe based on historical sources created in different periods.

Index Key words: ethnogenesis, kungrads, Boysun, Kuhitang, Surkhandarya, Kashkadarya, nomads.

I. Долзарблиги.

Қўнғирот уруғига доир маълумотлар кўплаб тарихий асарларда учрайди.

Илмий таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатдики, мавжуд манба ва адабиётлар муаллифлари қўнғиротлар этник тарихи ҳақида баъзи этнографик маълумотларни берган бўлсалар-да, лекин кўплаб ишларда улар ўзларининг тадқиқотлари юзасидангина мулоҳазалар билдирганлар. Айнан мазкур нашрларда Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида, хусусан, Зарафшон водийси ва Оролбўйида яшовчи қўнғиротлар ўрганилган ёки ўзбек халқи моддий маданияти (анъанавий тураржойлар, кийимлар ва таомлар)ни махсус ўрганган муаллифлар ишларида қўнғиротлар этнографиясининг айрим қирралари борасида маълумотлар берилган. Чунончи, бу борада айнан Жанубий Ўзбекистонда яшовчи қўнғиротлар тадқиқот объекти тарзида махсус ўрганилмаган. Шу жиҳатдан биз танлаган мавзу ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу мақола тарихийлик ва илмийлик сингари тарихий методлар асосида ёритилган бўлиб, унда Сурхон воҳасидаги қўнғирот уруғининг этник тарихи ҳамда мазкур уруғнинг урф-одатлари тўғрисида маълумот берилади.

Қўнғиротлар ҳақидаги илк маълумотлар XIII асрдан бошлаб учрайди. Шу даврда яратилган асарлар орасида 1240 йили мўғулларнинг улуғ қоони Ўқтой буйруғига кўра ёзилган «Монголой нюуса тобшо» асари муҳим манба бўлиб ҳисобланади [1]. Асарнинг биз учун муҳимлик томони шундаки, гарчи у Чингизхоннинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бўлса-да, унда кўплаб турк ва мўғул қабилаларининг номлари келтирилади. Асарнинг биринчи қисмида Чингизхоннинг шажараси келтирилиб, қўнғиротлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Қўнғиротлар тарихини ўрганишда яна бир йирик манба Рашидиддиннинг «Жомеъ ат-таворих» асаридир [2]. Асарнинг муҳимлик томони шундаки, унда илк бор қўнғиротларнинг келиб чиқиши баён этилади. Атоқли ўзбек олими Х.Дониёровнинг таъкидлашича, Рашидиддиннинг ушбу асари шу вақтгача ғарб ва шарқ олимлари томонидан мўғуллар деб атаб келинаётган ўзбек (туркий) қабила ва уруғларининг аслида ким эканлигини аниқлаш учун бевосита калит бўлиб хизмат қилади [3].

Рашидиддиннинг «Жомеъ ат-таворих» асари кейинги асрларда яратилган тарихий асарларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бир қатор шарқ тарихчилари – Мирзо Улуғбек [4], Ҳофиз Таниш ал-Бухорий [5], Абулғозий [6] ва бошқалар туркий уруғлар тарихини ёзишда айнан шу асардан фойдаландилар.

Қўнғиротларнинг шаклланиш жараёнини ўрганишда атоқли олим Б.Х.Кармишеванинг хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим. Б.Х.Кармишева 1949-йилда ташкил этилган Кўлоб этнографик экспедицияси, 1952-йилги Кўлоб археологик экспедицияси ва бошқа дала экспедицияларида қатнашиб, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий ҳудудлари бўйича жуда бой этнографик материалларни тўплашга муваффақ бўлди. Унинг илмий ишларидаги энг муҳим янгилик шуки, ўзбек уруғларидан қўнғирот, қатағон, жуз, лақай, семиз, барлос ва бошқаларнинг шажара жадвали ишлаб чиқилганлигида эди [7].

Мустақиллик йилларида ушбу мавзу таниқли ўлкашунос олим И.Умаров томонидан ўрганилди. Унинг тадқиқотлари асосида 2003 йилда бевосита қўнғиротлар тарихига бағишланган биринчи тарихий-этнографик рисола чоп этилди [8]. Унда қўнғиротларнинг

келиб чиқиш ва уларнинг уруғларга бўлиниш тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилади. Олим ўзининг кейинги изланишларида ҳам қўнғиротларнинг урф-одат ва анъаналари, машҳур полвон ва чопағонлари тўғрисида ҳам муҳим маълумотлар келтиради [9; 10; 11].

Қўнғирот уруғлари бўйича энг йирик тадқиқотлар шубҳасиз тарих фанлари доктори, профессор С.Турсунов бошчилигидаги олимлар гуруҳи томонидан 2005-2012 йилларда олиб борилди. Изланишлар натижасида Сурхондарё қўнғиротлари тўғрисида жуда катта илмий янгиликларга эга бўлинди. Тадқиқот натижалари олимнинг бир қатор асарларида чоп этилган [12, 13, 14].

3. Тадқиқот натижалари

Қўнғиротлар-йирик ўзбек қабиласи бўлиб, асосан Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистонда яшайдилар. Ўзбекистондан ташқарида бу уруғ вакиллари Тожикистон Республикасининг Хатлон вилоятида, Афғонистон шимолидаги Қундуз, Толиқон, Балх, Каттағон ва Бадахшон вилоятларида, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Мўғулистонда ҳам яшайдилар.

Ўзбек-қўнғиротларнинг яшаш жойлари ўрганилганда уларнинг кўпроқ тоғли ҳудудлар – Кўҳитанг, Бойсун, Ҳисор, Қорақалпоғистон, Хоразм, Қашқадарё ва Зарафшон ҳавзаларида ўрнашганлигини кўриш мумкин. XX асрнинг бошларида қўнғиротларнинг каттагина қисми янги ерларнинг ўзлаштирилиши муносабати билан Деҳқоноободдан Сурхон воҳасига кўчиб келишган. Ҳозирги кунда Сурхондарё қўнғиротларининг асосий қисми вилоятнинг деҳқончилик воҳаларида яшашади [15].

Қўнғиротларнинг келиб чиқиши ўрганилганда унинг ўзига хослиги, ирқий тузилишида монголоид белгиларнинг анча сезиларли эканлиги, тилида “ж”ловчи («жўқчи»)лар шеваси кучлилиги ва ўзларини «ўзбек» деб аташлари алоҳида ажралиб туради.

Тарихдан маълумки, қўнғиротларнинг келиб чиқишини кўплаб тадқиқотчилар ўрганишга ҳаракат қилганлар [16]. Шунга қарамай, мазкур муаммо ҳозирга қадар ўз ечимини топмаган. Чунончи, қозоқ диалектологи А. С. Омонжўлов қўнғиротларни туб туркий уруғлардан деб ҳисоблайди [17]. Б.Х.Кармишеванинг фикрича, қўнғиротлар XVI аср бошларида Мовароуннаҳрга келишидан олдин тил, маданий ва этник таркиби жиҳатидан туркийлашган [18].

И. П. Магидович ўзбек ва қозоқ қўнғиротларининг уруғ номларини таққослаб ўрганган. Унинг фикрича, хоразмлик ўзбеклар қадимдан шу ерда яшаб келаётган қўнғиротлардир, қозоқ қўнғиротлари эса кейинроқ шаклланган. Шайбонийхон истилосида қозоқ қўнғиротлари эмас, балки айни шу хоразмлик қўнғиротлар иттифоқи иштирок этишган.

Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудидаги қўнғиротларнинг хоразмлик уруғдошлари орасида ўхшаш 13 та уруғ номлари, қорақалпоқлар билан мувофиқ келадиганлари эса 32 тадир. Шунингдек, қўнғиротларнинг иккита йирик уруғи таркибида “қорақалпоқ” номли гуруҳ ҳам мавжуд.

XVI аср бошларида Мовароуннаҳрга кўчиб келиб жойлашган уруғлар аллақачон тил, маданият ва этник таркиби жиҳатидан туркийлашиб кетган эдилар. Бу шунинг билан изоҳланадики, дастлабки мўғул ўзаги атрофига кўплаб туркий қабилалар тармоқлари ва шохобчалари бирлашган. Кейинчалик эса улардан фақатгина мўғул номигина қолган, холос.

Ўрта аср муаллифлари томонидан ёзилган кўплаб манбаларда қўнғиротларнинг нафақат этник тарихи ва минтақада жойлашув хусусиятлари, балки уларнинг генеалогияси ҳамда уруғ-қабилавий тузилишига оид қатор қизиқарли ва ўз навбатида муҳим илмий аҳамиятга молик маълумотлар берилган. Айнан мазкур маълумотларни этнографик материалларга қиёслаш орқали биз минтақада яшовчи қўнғиротларнинг генеалогиясига оид кўплаб янги маълумотларга эга бўлинди.

Таниқли этнолог олим О. Бўриев Ўзбекистон жанубидаги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудлари географик ўрни, табиати хўжалиги, иқтисодиёти, аҳолисининг келиб чиқиши (этногенези) ва уларнинг тарихий тақдирларини азалий уйғунлиги, хуллас моддий ва

маънавий маданиятларининг муштараклиги жиҳатидан ягона тарихий –этнографик минтақа ҳисобланганлигини қуйидаги манбалар билан илмий таҳлил этган.

XIX аср охири XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистон ўзбекларининг энг йирик этник гуруҳларидан қўнғиротлар (59669 киши), кенагаслар (31454 киши), манғитлар (32223 киши), саройлар (15349 киши), қирқ-минглар (4340 киши), хитойлар (470 киши), найманлар (1121 киши) истиқомат қилишган. Шунингдек, бу ҳудудда чиғатойлар, хўжалар, қаршиликлар, турклар (калтатойлар, барлос, мусабозори), қарлуқлар мўғуллар, юз (жуз)лар, лақайлар, қишликлар, узлар, манғитлар, ёбулар, тоғчилар каби ўзбек этник гуруҳлари ҳам яшаганлар. Мазкур этник гуруҳлар хўжалик шароитларга кўра минтақадаги маълум ҳудудларни эгаллаганлар. Масалан, қатағон, қипчоқ, қўнғирот, хитой, манғит, қовчин, сарой, миришкор, батош, ҳардурилар дашт ҳудудларида (Қарши, Шеробод воҳаларида), кенагас, қиёт, чуют, можор, чиғатой, дўрмонлар текисликлар (Яккабоғ, Денов туманларида) ва тоғ этакларида (Китоб, Шаҳрисабз, Бойсун, Сариосиё туманларида) яшаганлар.

Б.Х. Кармишева Жанубий Тожикистон ва Ўзбекистон ўзбекларини уч гуруҳга ажратган эди: ўтроқ аҳоли (улар уруғ-қабилаларига бўлинмайди), аввалги ва кейинги қабилалар. Биринчи гуруҳ – ўтроқ аҳолига чиғатойлар, хўжалар ва қаршиликлар кирган. Иккинчи гуруҳ- аввалги қабилалар Мовароуннаҳрнинг ўтроқ аҳолиси билан ажралиб кетмасдан, ярим ўтроқ турмуш тарзини сақлаб қолган ва уруғ-қабилаларига бўлинган турк-мўғул қабилалари билан бу ерларга мўғуллар истилоси даврида кўчиб келиб қолган қабилалар (турклар, қарлуқлар, халачлар, мўғуллар, миришкорлар ва ҳоказо) ҳисобланади. Ниҳоят учинчи гуруҳ қабилаларига эса Мовароуннаҳрга XУ асрнинг охирида Шайбонийхон билан Дашти Қипчоқдан келган ва XУ1 аср бошларида батамом ўрнашиб қолган ўзбек қабилаларнинг авлодларидан (қўнғиротлар, юз (жуз)лар, лақайлар, семизлар, кесамирлар, қатағонлар, манғитлар, жалойирлар, дўрмонлар ва бошқалар) иборатдир [19]. О.Бўриевнинг тадқиқотлари этнология фанидаги мавжуд бўшлиқни тўлдириб муҳим масаларга жавоб берганлиги билан аҳамиятлидир.

Қўнғиротларда кўчманчи ҳаёт тарзи устун бўлган. XX аср бошларида қўнғиротларнинг бир қисми ярим ўтроқлашиб, дехқончилик ҳамда яйлов чорвачилиги билан хам шуғулланган. Аҳолининг бу қисмининг яшаш жойлари дашт (Косон, Чироқчи, Қамаши, Шеробод туманлари) ва тоғ ён бағирлари худудларида (Китоб, Шаҳрисабз, Сариосиё туманлари) ҳисобланиб лалми, қисман суғорма (обикор) дехқончилик билан машғул эди.

Қўнғиротларга хос анъанавий ҳунармандчилик соҳалари – мато тўқиш, каштадўзлик, гиламдўзлик, темирчилик, заргарлик, ўймакорлик каби ҳунар турлари маълум ва машҳур бўлган. Бу борада, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида яшовчи қўнғиротлар орасида уй (хонаки) ҳунармандчилиги бирмунча тараққий этган. Қўнғиротлар яшаётган турли туманларда олиб борилган этносоциологик сўровлар натижасида этник ўзликни англаш кўпроқ этномаданият ва турмуш тарзи умумийлиги билан боғлиқ эканлиги аниқланди.

4. Хулосалар.

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш кераки, маданият, хусусан, этник маданиятнинг келиб чиқиш асоси, шаклланишининг муҳим аломатлари – маълум бир умумий қизиқишлар доирасида бирлашган инсонлар гуруҳининг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бундай эҳтиёжлар шуниси билан муҳимки, уларда умумжамоавий қизиқишлар акс этади ва мазмунан ушбу жамоа аъзоларининг индивидуал қизиқишларидан келиб чиқади. Ўз навбатида бу кўринишдаги эҳтиёжлар ўзига хос алоҳида шахслараро, хусусан, маълум бир мақсад ёки шажара доирасида бирлашган кишиларнинг қизиқишларини намоён қилади ва бутун жамоанинг умумий ҳаракатлари асосида қондирилиши мумкинлиги айнан Жанубий Ўзбекистон қўнғиротлари мисолида илмий тадқиқ қилинди.

Қўнғиротлар жанубий минтақаларда яшовчи аҳолининг асосий қисмидан бирини ташкил этиши билан бирга, уларнинг келиб чиқиши гарчи умумий асосга бориб тақалса-да, уруғ шохобчалари бўлган генонимларда ўзга номлар сақланиб қолган. Айнан бу ўзига хослик ҳамда турли уруғ шохобчаларининг ҳозиргача сақланиш омиллари уларнинг жамоавий

турмуш тарзи, хўжалиги, кундалик ҳаёт тарзи ва аждодлар эътиқодига бўлган муносабати билан боғлиқ бўлган. Қолаверса, тадқиқ этилаётган минтақада қўнғиротларнинг ўтроқ аҳоли билан ўзаро этномаданий муносабатлари натижасида вужудга келган уйғунлик турли этник гуруҳларнинг нафақат қондош-уруғчилик, балки ягона маданий мансубликнинг самарасидир. Шу билан бирга ўтроқ аҳоли ҳамда ярим ўтроқ аҳоли ўзига хос этник дифференциацияга эга бўлса-да, бу ҳолат ассимиляция жараёнларига таъсир ўтказмаган. Аксинча, этник-маданий жиҳатдан бир-бирини бойитган ва ўзаро таъсир ўтказган.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Монголой нюуса тобшо. -Улан-Удэ, 1990. (Mongoloy nyuusa tobsho. -Ulan-Ude, 1990.)
2. Рашид ад-дин. Сборник летописей. Том 1. Москва-Ленинград, 1952. (Rashid ad-din. Collection of chronicles. Volume 1. Moscow-Leningrad, 1952.)
3. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. –Тошкент, 1968. –Б.18. (Doniyorov X. Trees and dialects of the Uzbek people. –Tashkent, 1968. –P.18.)
4. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. –Тошкент, 1994. (Mirzo Ulugbek. History of four uluses. – Tashkent, 1994.)
5. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома. Шарафномаи шоҳий. 1-жилд. -Тошкент, 1999. (Hafiz Tanish al-Bukhari. Abdullanoma. Sharafnamai shahi. Volume 1. –Tashkent, 1999)
6. Абулғозий. Шажараи турк. –Тошкент, 1992. (Abulgazi. Shajarai turk. -Tashkent, 1992.)
7. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. –Москва, 1976. (Karmysheva B.Kh. Essays on the ethnic history of the southern regions of Tajikistan and Uzbekistan. –Moscow, 1976.)
8. Умаров И. Ўрта Осиёда туркий халқларнинг этногенезиси (Қўнғиротлар). 1- китоб. Қарши: Насаф, 2003. (Umarov I. Ethnogenesis of Turkic peoples in Central Asia (Kungirats). 1- book. Karshi: Nasaf, 2003.)
9. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2014. (Umarov I., Rakhmonov H., Khudoyberdiev E. Ethnic history and ethnocultural processes in the Surkhan oasis (on the example of the xatak tribe). –Tashkent, 2014.).
10. Умаров И. Бадаш: тарих ва анъана. –Термиз: Сурхоннашр, 2018. (Umarov I. Badash: history and tradition. – Termez: Surkhannashr, 2018.)
11. Умаров И. И. Купкари - традиционная игра жителей горных кишлаков Кухитанга // Бюллетень науки и практики. 2020. Т. 6. №11. С. 439-443. (Kupkari – a Traditional Game of the Inhabitants of the Mountain Villages of the Kuhitang. Bulletin of Science and Practice, 2020, 6(11), 439-443. (in Russian) https://doi.org/10.33619/2414-2948/60/55
12. 12.Турсунов С.Н., Пардаев Т.Р., Турсунов А.С., Тоғаева М.Р. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида номоддий маданият тарихи. –Тошкент, 2012. (Tursunov S.N., Pardaev T.R., Tursunov A.S., Togaeva M.R. History of intangible culture in the southern regions of Uzbekistan. –Tashkent, 2012.)
13. 13.Турсунов С.Н., Пардаев Т.Р., Махмадиёрова Н.С. Сурхондарё – этнографик макон. – Тошкент, 2012. (Tursunov S.N., Pardaev T.R., Maxmadiyorova N.S. Surkhandarya is an ethnographic place. –Tashkent, 2012.)
14. Турсунов С., Пардаев Т., Пайғамов А., Нарзуллаева Н. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. Тошкент, 2013. (Tursunov S., Pardaev T., Paygamov A., Narzullaeva N. History of material culture of Surkhandarya oasis. Tashkent, 2013.)
15. Турсунов С., Пардаев Т., Қурбонов А., Турсунов Н. Ўзбекистон тарихи ва маданияти-Сурхондарё этнографияси. Тошкент, 2006. –Б. 116. (Tursunov S., Pardaev T., Qurbonov A., Tursunov N. History and culture of Uzbekistan - Surkhandarya ethnography. Tashkent, 2006. –P. 116.)

16. Potapovs L. P. Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbeken aus den Jahren 1928–1930. Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube Harrassowits Verlag. – Wiesbaden, 1995.
17. Омонжолов А. С. Вопросы диалектологии и истории казахского языка. – Алма-Ата, 1959. – С. 9, 14, 16. (Omonzholov A.S. Issues of dialectology and history of the Kazakh language. - Alma-Ata, 1959. – P. 9, 14, 16.)
18. Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана.– С. 211. (Karmysheva B. Kh. Essays on the ethnic history of the southern regions of Tajikistan and Uzbekistan. – P. 211.)
19. Кармышева Б.Х. –С. 66 (Karmysheva B.Kh. –P. 66.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Давлат Қудратов,
Гулистон давлат университети
қошидаги акедемик литсей тарих фани ўқитувчиси
Davlat 2334@mail.ru

ҚАДИМГИ ДАВР ШАҲАРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ГЕНЕЗИСИ ТАҲЛИЛЛАРИ

For citation: Davlat Kudratov, ANALYSIS OF THE FORMATION, FORMATION AND DEVELOPMENT OF ANCIENT CITIES. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.539-550

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-74

АННОТАЦИЯ

Мақолада Шаҳарлар тарихига бағишланган илмий тўпламлар, монографиялар ва кўп сонли мақолалар тахлил этилган. Асримиз бошларида ҳам қадимги шаҳарларнинг ўрганилиши бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Аммо, ҳозирги кунга қадар мавзунинг тарихшунослиги кам тадқиқ этилган. Бақтрия, Сўғд, Хоразм, Тошкент воҳаси ва Фарғонада шаҳарларнинг шаклланиш хусусиятлари ва ривожланишининг тарихий қонуниятлари муаммосига тегишли мавжуд илмий қарашлар, ёндашувлар ва хулосалар, Ўзбекистон қадимги урбанизацияси масаласи ўрганилишининг асосий натижалари етарли даражада таҳлил қилинмаган ва мавжуд маълумотлар умумлаштирилмаган масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: урбанизация, тадқиқот, тизим, бронза ва илк темир, Бақтрия, Сўғд, Хоразм, Тошкент, илк давлатчилиг, Илк антик, Ўрта антик, Кечки антик.

Давлат Қудратов,
Гулистанский Государственный Университет
преподаватель истории в академическом лицее при
Davlat 2334@mail.ru

АНАЛИЗ СТАНОВЛЕНИЯ, СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ ДРЕВНИХ ГОРОДОВ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются научные сборники, монографии и многочисленные статьи по истории городов. В начале века была проделана эффективная работа по изучению древних городов. Однако на сегодняшний день историография предмета мало изучена. Существующие научные взгляды, подходы и выводы по проблемам формирования и развития городов в Бактрии, Согде, Хорезме, Ташкентском оазисе и Фергане, основные результаты изучения древней урбанизации в Узбекистане недостаточно проанализированы и имеющиеся данные не обобщены.

Ключевые слова: урбанизация, исследование, система, бронза и первое железо, Бактрия, Согд, Хорезм, Ташкент, первая государственность, ранняя античность, средняя античность, поздняя античность.

Davlat Kudratov,
Gulistan State University
history teacher at the academic lyceum at
Golestan, Uzbekistan
Davlat 2334@mail.ru

ANALYSIS OF THE FORMATION, FORMATION AND DEVELOPMENT OF ANCIENT CITIES

ABSTRACT

The article analyzes scientific collections, monographs and numerous articles on the history of cities. At the beginning of the century, effective work was done on the study of ancient cities. However, to date, the historiography of the subject has been little studied. The existing scientific views, approaches and conclusions on the problems of the formation and development of cities in Bactria, Sughd, Khorezm, the Tashkent oasis and Fergana, the main results of the study of ancient urbanization in Uzbekistan are insufficiently analyzed and the available data are not generalized.

Index Terms: urbanization, research, system, bronze and first iron, Bactria, Sogd, Khorezm, Tashkent, first statehood, early antiquity, middle antiquity, late antiquity.

1.Долзарблиги:

Маълумки Ўзбекистондаги урбанизация жараёнлари бронза даврида бошланиб илк давлатчилик тарихининг муҳим ва ажралмас белгиси ҳисобланади. Ушбу иккала жараён бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда кечганлиги ҳозирги кунда олимлар томонидан тўла эътироф этилган.[1]

Ўзбекистондаги урбанизация жараёнлари илк давлатчилиги ва умуман, қадимги тарихи ҳамда маданияти масалаларига бағишланган, ёзма манбалар маълумотларига асосланган дастлабки тадқиқот XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошларида яратилди (В.Томашек, В.Гейгер, Е.Райш, Ю.Прашек).[2] XX асрда минтақа ҳудудларидаги бронза ва илк темир асрига оид бўлган илк шаҳарлар тарихи билан боғлиқ археологик тадқиқотлар амалга оширилиб, илмий маълумотлар доираси кенгайди. Шаҳарлар тарихига бағишланган илмий тўпламлар, монографиялар ва кўп сонли мақолалар чоп этилди. Асримиз бошларида ҳам қадимги шаҳарларнинг ўрганилиши бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Аммо, ҳозирги кунга қадар мавзунинг тарихшунослиги кам тадқиқ этилган. Бақтрия, Сўғд, Хоразм, Тошкент воҳаси ва Фарғонада шаҳарларнинг шаклланиш хусусиятлари ва ривожланишининг тарихий қонуниятлари муаммосига тегишли мавжуд илмий қарашлар, ёндашувлар ва хулосалар, Ўзбекистон қадимги урбанизацияси масаласи ўрганилишининг асосий натижалари етарли даражада таҳлил қилинмаган ва мавжуд маълумотлар умумлаштирилмаган.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Совет даврида Ўрта Осиё шаҳарларининг келиб чиқишини Европа маданиятининг кириб келиш даври – Александр Македонский билан боғлашар эди ва антик давр деганда грек-рим маданиятининг таъсиридаги ривожланиш тушуниларди. Энг қадимий шаҳар сифатида 2500 йиллиги 1970 йилда нишонланган Самарқанд шаҳри эътироф этилган эди. Мустақиллик йилларида Бухоро, Хива, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент, Термиз каби шаҳарларнинг турли (2000-2750) саналар билан боғлиқ юбилейлари нишонланди.

Охирги 25-30 йилдаги тадқиқотлар Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги шаҳар сўнгги бронза даврида вужудга келган Жарқўтон ёдгорлиги эканлигини кўрсатмоқда ва унинг келиб чиқиши Сополлитепа сингари мил.ав. II мингинчи йилга бориб тақаладиган шаҳаролди (протошаҳар) маданияти билан боғлиқлиги аниқланган.

Сўнгги бронза ва илк темир даври Ўрта Осиё халқлари тарихида муҳим ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бўлиб ўтган давр ҳисобланади. Айнан мана шу ўзгаришлар туфайли бу даврларда Ўзбекистоннинг жанубида шаҳар маданияти шакллана бошлаган.

Қадимги шаҳарла Бинобарин Ўзбекистон антик даври шаҳарсозлиги тарихини қуйидаги уч босқичга ажратиш таклиф қилинади:

1. Илк антик (Авесто даври) – мил.ав. IX – мил.ав. VI асрлар;
2. Ўрта антик (Бақтрия-Сўғдиёна шаҳарсозлиги) – мил.ав. IV-II асрлар;
3. Кечки антик (Кушонлар даври) – мил.ав. I – мил. IV асрлар.

рнинг ўрганилиши тарихини даврлаштириш масаласи ҳам етарлича таҳлил қилинмаган. Бу борада мавжуд маълумотлар турли йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижаларининг ёритилиши билан боғланган.[3]

Сўнгги йилларда Б.Ж.Эшов Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон илк шаҳарларининг ўрганилиши тарихини қуйидаги даврларга ажратган:

1. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср 20-йилларига қадар.
2. XX асрнинг 30-80-йиллари
3. XX асрнинг 90 йиллари - XXI аср бошлари.[4]

Фикримизча, ушбу даврлаштириш ҳолатига айрим ўзгартиришлар киритиш мумкин, жумладан, биринчи давр тадқиқотларини XIX аср сўнгги чораги - XX асрнинг 30-йиллари мобайнида кўриб чиқиб, уни икки босқичга - XIX аср сўнгги чораги – XX бошлари (ёзма манбалар асосида шаҳарлар тарихини ўрганилиши, ҳаваскорлик археологиясининг пайдо бўлиши) ва XX асрнинг 20-30-йилларига ажратиш мумкин (мазкур йилларда Ўзбекистон археологияси илмий-услубий жиҳатдан шаклланиб, дастлабки йирик археологик экспедициялар ташкил этилган эди).

Иккинчи давр - XX аср 40-йилларининг 2-ярми – 60-йилларини ўз ичига олиб шу йиллар мобайнида бронза асри ва илк темир даврига оид ёдгорликлар кенг миқёсда топиб текширилган.

Учинчи давр - XX асрнинг 70-80-йиллари. Бу даврда Бақтрия, Хоразм, Сўғд, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсидаги кўпдан-кўп қадимги шаҳарлар археологик қазилмалар асосида ўрганилган.

Тўртинчи давр – Мустақиллик йиллари. Мазкур даврда бронза асри ва илк темир даврига оид шаҳарларнинг тарихи янги асосларда ёритилиши натижасида, урбанизация жараёнлари ва илк давлатчилик тарихига бағишланган махсус илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Шунингдек, мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва илмий адабиётларни уч гуруҳга ажратиб таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, Россия империяси, собиқ советлар ҳукмронлиги даври, учинчи гуруҳга эса мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар ва нашр этилган адабиётлар киради.

Россия империяси ҳукмронлиги даврида, Туркистон ўлкасига турли мақсадларда ташриф буюрган рус ва европалик сайёҳ ҳамда элчиларнинг асарлари орасида Н.В.Ханыков, А.Бёрнс, Н.А.Маев, В.В.Крестовский, Б.Н.Литвинов, Д.Н.Логофет кабиларнинг асарларини алоҳида кўрсатиш мумкин.[5] Бу асарларда Ўзбекистондаги айрим археологик ёдгорликлар ҳақида дастлабки маълумотлар келтирилган.

Ўрта Осиё ҳудудидаги археологик ёдгорликларда дастлабки қазишмалар олиб борган Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги аъзолари томонидан эълон қилинган ишлар орасида В.А.Жуковский, М.Ростиславов, Н.И.Веселевский, Н.Ф.Ситняковский, Б.Н.Кастальский, Л.И.Зимин томони-дан нашр этилган мақолалар ва ҳисоботлар муҳим ўрин тутади.[6]

Туркистондаги қадимги шаҳарлар тўғрисидаги рус шарқшуносларининг асарлари рўйхатида В.В.Бартольднинг айрим асарлари мавзу доирасида муҳим аҳамият касб этади.[7]

Иккинчи гуруҳ асарлари жумласига собиқ советлар ҳукмронлиги даврида олиб борилган тадқиқотлар ва чоп этилган адабиётлар мансубдир. XX асрнинг 30-40-йилларидан эътиборан минтақа ҳудудида тизимли археологик тадқиқотлар махсус экспедициялар

томонидан амалга оширила бошланган. Булар 1934 ва 1939 йиллардаги А.Ю.Якубовский бошчилигида Зарафшон экспедицияси, Термиз археологик-комплекс экспедицияси, В.А.Шишкин раҳбарлигида Варахша кўҳна шаҳридаги 1937-1939 йилларда олиб борилган ишлардир. 1938 йилдан эса С.П. Толстов раҳбарлигида Хоразм археологик экспедициясининг кенг кўламдаги ишлари бошланган. Ушбу қазишмалар натижасида шаҳарлар тарихига оид бир қатор тадқиқот натижалари ва монографиялар нашр этилди.[8]

ХХ асрнинг 50-йилларида Хоразм воҳаси, Марв, Самарқанд, Термиз, Фарғона водийси ҳудудларида олиб борилган фундаментал тадқиқотларни алоҳида таъкидлаш лозимдир. Бу борада В.М.Массон, С.П.Толстов, Ю.А.Заднепровскийларнинг тадқиқотлари[9]муҳим аҳамиятга эга бўлди.

3. Тадқиқот натижалари:

ХХ асрнинг 70-йилларидан бошлаб Ўзбекистондаги деҳқончилик маданияти, дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлиш омиллари ва асослари, уларнинг тараққиёт босқичлари масалаларига бағишланган кўплаб илмий тўпламлар ва монографиялар пайдо бўлди.[10] В.А.Лавров, М.М.Дьяконов, В.М.Массон, Ю.Ф. Буряков, А.А.Асқаров, Э.В.Сайко, Э.В.Ртвеладзе, И.В.Пьянков, Р.Х.Сулаймонов, А.С.Сагдуллаев, Т.Ш.Ширинов, Ш.Р.Пидаев, З.И.Усмонова, М.И. Филанович, М.Х.Исамиддинов, Ш.Б.Шайдуллаев, Б.Х.Матбобоев, А.Анорбоев, М.Мамбетуллаев каби кўплаб тадқиқотчилар Ўрта Осиё ҳудудларида бронза давридан бошлаб антик давргача бўлган шаҳарсозлик маданияти масалаларини кўриб чиқиб, Ўрта Осиё ва жаҳон цивилизацияларини қиёсий ўрганишга ҳаракат қилганлар.

ХХ асрнинг 40-50-йилларида дастлаб С.П.Толстов, М.М.Дьяконов ва В.М.Массон Хоразм, Бақтрия ва Марғиёна мисолида танланган мавзунинг ўрганилиш даражасига тўхталиб ўтганлар.[11] Тадқиқотчилар мавжуд ёзма манбалар ва археологик маълумотларни солиштириб, Ўзбекистонда илк шаҳарларнинг шаклланишини бронза ва илк темир даври билан боғлаганлар.

ХХ асрнинг 60-йилларига келиб Ўзбекистон қадимги шаҳарларини ўрганиш масалалари В.М.Массоннинг умумлашма тадқиқотларида қисман ёритилган бўлса[12], 60-йилларнинг бошларида С.П.Толстов қадимги Хоразм мисолида давлатчилик ва илк шаҳарлар тадқиқотлари натижаларини тадқиқ этди.[13] Юқоридаги тадқиқотлар, мавзунинг тарихшунослик таҳлили, турли маълумотлар нашрлари ва асосли масалаларни ўрганишдаги дастлабки қадам эди.

В.М.Массон Ўрта Осиё урбанизация жараёнлари тарихи билан боғлиқ ҳолда қадимги ижтимоий тузум масалаларига ҳам эътибор қаратган. Ушбу тадқиқотлар қадимги жамиятлардаги ижтимоий – иқтисодий муносабатлар ва илк шаҳарлар тарихини ўрганишда археологик материаллардан янада кенгроқ фойдаланиш заруриятини кўрсатиб, олимнинг фикрича, Ўрта Осиёнинг жанубидаги шаҳарсозлик маданияти энеолит-бронза даврига бориб тақалади ва кўп ҳолларда бу жараён Қадимги шарқ цивилизациялари тарихи билан боғлиқдир.[14]

Ўтган асрнинг 70-йилларида А.А.Асқаров Жанубий Ўзбекистонда урбанизация жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, мавзунинг ўрганилиши тарихи бўйича тадқиқот ишлари олиб борди.[15] Ўзбекистон қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш босқичларини ўрганишда олимнинг Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон каби ёдгорликларда олиб борган қазишма ишлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қадимги Бақтрия шаҳарлари тарихига оид янги маълумотлар илмий муомалага тадбиқ этилди.

М.Ж. Жўрақулов ва Н.А. Аванесоваларнинг ишида ҳам Ўрта Осиё бронза даври тарихшунослиги масалалари кўриб чиқилган бўлиб,[16] муаллифлар асосий эътиборни ушбу даврнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши натижаларига қаратганлар.

Қадимги шаҳарлар тарихини ўрганишда Ю.Ф. Буряковнинг ҳам ҳиссаси катта.[17] Олимнинг тадқиқот ишлари кенг қамровли бўлиб, шаҳарсозлик масалаларида Тошкент воҳаси ва унинг атрофлари унинг асосий тадқиқот объекти ҳисобланади. Ю.Ф. Буряков асосан антик ва ўрта асрлар шаҳарларига эътибор қаратган.

Бақтрия ҳудудларидаги илк темир ҳамда антик давр ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, давлатчилик масалалари ва шаҳарсозлик тарихи бўйича Э.В.Ртвеладзе самарали ишлар олиб борди.[18] Бу олимнинг илмий ишларидан қадимги ва ўрта асрлар шаҳарлари тарихи ва айрим тарихшунослик муаммолари ҳам ўрин олган.

Р.Ҳ. Сулаймонов XX асрнинг 70-80-йилларида Жанубий Сўғдда тадқиқотлар олиб бориб, бу ҳудудда рўй берган тарихий-маданий жараёнлар, шаҳарларнинг пайдо бўлиши, уларнинг типологияси ва ўрганиш услублари, шаҳарларнинг давлатчилик тарихидаги аҳамияти масаларини кўриб чиқди.[19]

А.С. Сагдуллаев Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларидаги (Марғиёна, Бақтрия, Сўғд) урбанизация масалалари, хусусан ўтроқ аҳоли масканлари пайдо бўлиши ва жойлашуви, тарихий географияси ва хронологияси, меъморчилиги ва мудофаа иншоотлари, қишлоқларнинг шаҳарларга айланиш жараёни, давлатчилик ҳамда илк шаҳарларнинг давлатчилик тараққиётидаги муаммоларига қаратилган.[20] Олим ўз тадқиқотларида археологик ва ёзма манбалар маълумотларини қиёсий таҳлил этган.

Ўзбекистоннинг жанубидаги урбанизация тарихи масалаларига оид Т.Ш.Ширинovнинг тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим.[21] Олим Жарқўтон кўҳна шаҳри мисолида илк шаҳар цивилизацияси, “шаҳар” тушунчаси, қадимги шаҳарлар пайдо бўлишининг асосий омиллари ҳамда қисман урбанизация тарихшунослиги масалаларига ҳам тўхталиб ўтади.

Қадимги Фарғона водийсида деҳқончилик маданиятининг пайдо бўлиши, дастлабки шаҳарсозлик маданияти, илк давлатчилик масалалари бўйича Ю.А. Заднепровский томонидан самарали ишлар олиб борилган бўлиб,[22] кейинги йилларда ушбу масалалар бўйича тадқиқот ишлари Б.Матбобоев ва А.Анарбоевлар томонидан давом эттирилди.[23] Бу тадқиқотларда урбанизация тарихшунослиги масалаларига ҳам тўхталиб ўтилган.

Учинчи гуруҳ адабиётларига мустақиллик йилларида олиб борилаётган тадқиқотлар ва нашр этилган адабиётлар киради. Мустақиллик йилларида ҳаққоний, холис тарих яратиш долзарб вазифага айланиб, урбанизация тарихи масалаларини чуқур ўрганиш бошланди. Бу даврда мавзу бўйича кўпгина илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Улар қаторига А.Асқаров, Э.В.Ртвеладзе, А.С.Сагдуллаев, Р.Ҳ.Сулаймонов, Т.Ш.Ширинов, М.А.Юсупова, Д.Ҳ.Зияева, Г.А.Агзамова, М.Х.Исамиддинов, Б.Матбобоев, Ш.Б.Шайдуллаев, Б.Ж.Эшов ва бошқа олимлар тадқиқотларини киритиш мумкин.[24]

Ўзбекистонда қадимги урбанизация жараёнлари тарихшунослигининг айрим муҳим масалалари А.А.Асқаров, Ю.А. Заднепровский, Э.В. Ртвеладзе, Т.Ш. Ширинов, Р.Ҳ.Сулаймонов, Б.Ж.Эшов, Ш.Б.Шайдуллаев, И.Т.Йўлдошевларнинг диссертацияларида [25] ҳамда илмий конференциялар, симпозиумлар тўпламларида ўз аксини топган.[26] Натижада минтақанинг турли тарихий – маданий вилоятларида шаҳарларнинг ривожланиш омиллари ва хусусиятлари, иқтисодий, сиёсий ва маданий функциялари қиёсий таҳлили қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар қадимги урбанизация жараёнлари масаласини ўрганиш тарихида янги босқич юзага келишига, шунингдек, кўп йиллик тадқиқотлар натижаларининг янги концептуал-услубий асосларда қайта кўриб чиқилишига асос бўлди.

А.А.Асқаров ва Т.Ш.Ширинovларнинг монографиясида шаҳарларнинг вужудга келиши бронза даври билан боғланиб, ушбу масала бўйича мавжуд ёндашувлар таҳлил қилинган.[27]

Э.В.Ртвеладзе, А.Х.Саидов, Е.В.Абдуллаевларнинг монографиясида Ўзбекистонда давлатчиликнинг келиб чиқиши илк шаҳарлар тарихи билан боғланган ҳолда кўриб чиқилган.[28]

Т.Ш.Ширинов ва Ш.Б.Шайдуллаевларнинг мақолаларида Қадимги Бақтрия шаҳарларнинг ривожланиши хусусиятлари очиб берилган.[29]

XX асрнинг 90-йилларида Б.Х.Матбобоев қадимги Фарғона шаҳарлари бўйича самарали тадқиқотлар олиб борган.[30] Тадқиқотчи ўз ишларида илк шаҳарсозлик

маданиятини тадқиқ этиш билан бирга, шаҳарларнинг ўрганилиши масалаларига ҳам эътибор қаратган.

Сўғд қадимги шаҳарлари тарихшунослигининг айрим масалалари Р.Х.Сулаймонов ва М.Х. Исомиддиновларнинг монографияларида кўриб чиқилган.[31]

Б.Ж.Эшовнинг сўнгги йиллардаги ишлари Ўрта Осиёдаги қадимги шаҳарлар тарихи билан боғлиқ бўлиб, олим ўз тадқиқотларида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши асослари ҳамда қонуниятлари, ўзига хос хусусиятлари, илк шаҳарлар ва давлатчилик ўртасидаги диалектик боғлиқлик, шаҳарлар ўрганилиши масалаларига ҳам эътибор қаратган.[32]

Сўнгги йиллар тадқиқотларидан хулоса чиқарган Б.Эшовнинг фикрича, антик давр шаҳарсозлик тарихини қуйидаги даврларга ажратиб ўрганиш таклиф этилган: 1. Александр Македонский асос солган шаҳарлар; 2. Салавкийлар даври шаҳарлари; 3. Грек-Бақтрия подшолиги шаҳарлари; 4. Кушон даври шаҳарсозлик анъаналари.[33] Ушбу даврлаштириш антик давр шаҳарсозлик анъаналари ўлкамиз ҳудудларига четдан кириб келган, деган фикрни бермайди. Аксинча, Ғарб ва Шарқ маданиятларининг ўзаро уйғунлашуви асосида ўзига хос маҳаллий шаҳарсозлик анъаналарининг ривож топганлигидан далолат беради. Шунингдек, антик даврни мил.ав.ги IV асрга боғлаш бизнингча тўғри эмас. Ундан олдин ҳам Ўрта Осиё ҳудудида урбанизация жараёнлари бўлган.

Александр Македонский асос солган шаҳарлар масаласи фанда анча мунозарали ҳисобланади. Антик давр муаллифлари хабарларида Александр асос солган шаҳарлар сони 10 тадан 70 тагача берилади.[34] Бу борада Г.А.Кошеленко шундай фикрни билдиради: “умуман олганда, грек-македон истилосининг кўламига нисбатан антик анъанани қабул қилиш мумкин. У анча катта бўлган ва бу ерда асос солинган шаҳарлар сони бир неча ўнтага етган”.[35]

Э.В.Ртveладзенинг тадқиқотларига кўра, Ўзбекистонда антик давр урбанизацияси ўзининг ривожланиш босқичида иккита катта даврни босиб ўтди. Булар мил. ав. IV-I асрлар ва мил. I-IV асрлардир. Ушбу даврлар ижтимоий муносабатлар ва маҳаллий кўринишдаги шаҳарлар ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, уларга хос сиёсий ҳамда мафкуравий томонлари билан ажралиб туради.[36]

Ю.Ф.Буряковнинг фикрича, антик давр бутун Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида бўлгани каби шаҳарлар ҳаётининг ўзига хос томонлари маҳаллий ва эллинистик, айрим ҳолларда Ҳинд (Бақтрия шаҳарлари мисолида) шаҳарсозлик анъаналарининг ўзаро уйғунлашуви билан изоҳланади. Бу ҳолат маълум маънода сиёсий воқеалар билан ҳам боғлиқ эди.[37]

4.Хулосалар:

Хуллас, қадимги ва антик давр шаҳарсозлик тарихи тарихшунослиги тадқиқотларининг қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатадики, бу даврлар шаҳарлари маълум вазифаларни бажарувчи мустаҳкамланган манзилгоҳгина эмас, балки жамоа ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоавий мулкдорларнинг алоҳида шаклини ўзида жамлаган, эркин фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини назарда тутувчи ижтимоий тузилманинг муҳим бўғини бўлиб, турли хил меъморий тузилмалардан ташкил топган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. История государственности Узбекистана / Отв. Редакторы Э.В. Ртveладзе, Д.А.Алимова. – Ташкент: Узбекистан, 2009. - Т.I. – С. 560. (History of the statehood of Uzbekistan / Otv. Editors E.V. Rtveladze, D.A. Alimova. - Tashkent: Uzbekistan, 2009. - T.I. - S. 560.)
1. 2.Tomaschek W.Centralasiatische Studien. Sogdiane. – Wien; 1877; Geiger W. Ostiranishe kultur in Altertum. – Erlangen: 1882. –P. 520; Ўша муаллиф. Civilization of the Eastern Iranians in Ancient Times; - London: 1885; Reisch E. Baktriana. Paulys Real Encyclopodie. – 1896. – T. II. –P. 2806-2807; Prasek J. Geshichte der Meder und Perser bis zur makedonishe

Eroberung. – Cotha: 1906. – P. 282.(Tomaschek W. Centralasiatische Studien. Sogdiane. - Wien; 1877; Geiger W. Ostiranishe kultur in Altertum. - Erlangen: 1882. –P. 520; Ўsha muallif. Civilization of the Eastern Iranians in Ancient Times; - London: 1885; Reisch E. Baktriana. Paulys Real Encyclopodie. - 1896. - T. II. –P. 2806-2807; Prasek J. Geshichte der Meder und Perser bis zur makedonishe Eroberung. - Cotha: 1906. - P. 282.)

2. 3.Қаранг: Бернштам А.Н. Среднеазиатская древность и ее изучение за золет //ВДИ. – М. 1947. – №3. – С. 86-90; Толстов С.П. Итоги двадцати лет работы хорезмской археолого – этнографической экспедиции //ВДИ – М.: 1963. - № 1; Литвинский Б.А. Проблемые истории и истории культуры уревней средней. Азии в свете работ советских ученых (1967-1977).(Karang: Bernshtam A.N. Central Asian antiquity and its study for zolet // VDI. - M. 1947. - No. 3. - S. 86-90; Tolstov S.P. Results of twenty years of work of the Khorezm archaeological - ethnographic expedition // VDI - M. : 1963. - № 1; Litvinsky B.A. Problematic stories and histories of culture of the upper middle level. Asia in the light of the works of Soviet scientists (1967-1977).)
3. Эшов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры Средней Азии: Автореферат. диссертация. докт.ист. наук. – Ташкент: Институт истории, АН РУЗ, 2008. – С. 4.(Eshov B.Zh. The history of the formation and development of the early urban culture of Central Asia: Abstract. thesis. Doctor of History sciences. - Tashkent: Institute of History, AN RUZ, 2008. -- P. 4.)
4. Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843; Бёрн А. Путешествие в Бухару. – М.: 1850; Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства. – Ташкент: 1875; Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. – СПб., 1887; Литвинов Б.Н. Карши\\ Туркестанские ведомости. –Ташкент: 1910. – С.114-116; Логофет Д.Н. В горах и на равнинах Бухары. – М.: 1910.(Khanykov N.V. Description of the Bukhara Khanate. - SPb., 1843; Byrne A. Travel to Bukhara. - M. : 1850; Maev N.A. Essays on the Bukhara Khanate. - Tashkent: 1875; V.V. Krestovsky Visiting the Emir of Bukhara. - SPb., 1887; Litvinov B.N. Karshi \\ Turkestanskie vedomosti. –Tashkent: 1910. - pp. 114-116; D.N. Logofet In the mountains and plains of Bukhara. - M. : 1910.)
5. 6.Жуковский В.А. Развалины Старого Мерва // Древности Закаспийской области. – СПб. 1894. – С. 122; Ростиславов М. Об археологических изысканиях в Зарафшанском округе // Протокол Туркестанского кружка любителей археологии. –Ташкент: 1899. Год III. – С. 144-149; Веселовский Н.И. Заметка о курганах Туркестанского края // Записи восточного отделения. – Ташкент: 1888. Вып. 3-4. – С. 224; Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. – Ташкент. 1899. Год IV. Протокол № 3. – С. 92-94; Кастальский Б.Н. Бия-Найманские оссуарии // Протоколы Туркестанкого кружка любителей археологии. – Ташкент: 1909. – С.1-36; Зимин Л. Развалины старого Пайкенда // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. – Ташкент: 1913. – С. 59-89.(Zhukovsky V.A. Ruins of Old Merv // Antiquities of the Trans-Caspian region. - SPb. 1894. -- S. 122; Rostislavov M. On archaeological research in the Zarafshan district // Protocol of the Turkestan circle of archeology amateurs. –Tashkent: 1899. Year III. - S. 144-149; Veselovsky N.I. A note about the mounds of the Turkestan region // Notes of the eastern branch. - Tashkent: 1888. Issue. 3-4. - S. 224; Protocols of the Turkestan circle of archeology amateurs. - Tashkent. 1899. Year IV. Protocol No. 3. - P. 92-94; Kastalsky B.N. Biya-Naiman ossuaries // Protocols of the Turkestan circle of archeology amateurs. - Tashkent: 1909. - p. 1-36; Zimin L. Ruins of old Paikend // Protocols of the Turkestan circle of archeology amateurs. - Tashkent: 1913. -- S. 59-89.)
6. Бартольд. В.В. Задачи русского Востоковедения в Туркестане Соч. – М.: Наука, 1977. – т.9. – С.528; Ўша муаллиф. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. – М.: 1963. –Т.1.(Barthold. V.V. Tasks of Russian Oriental Studies in Turkestan Op. - M. : Nauka, 1977. -- v. 9. - S. 528; Ўsha muallif. Turkestan in the era of the Mongol invasion // Works. - M. : 1963. –T.1)

7. Якубовский А.Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину в 1934 г. (Из дневника начальника экспедиции) // Труды отдела Востока Государственного Эрмитажа. – Л.: 1940. Т.11. – С. 113-164; Массон М.Е. Городища Старого Термиза и их изучение // Тр. Уз. Ан. – Ташкент: 1940. Серия 1, Вып.2. – С. 33-46; Шишкин В.А. К исторической топографии старого Термеза // Труды Уз Фан. – Ташкент: 1940. –С. 24-35; Шишкин В.А. Археологические исследования на городище Варахша в Бухарском оазисе в 1974-1953 гг // Труды АН УзССР – Ташкент 1956. Вып.8. –С.3; Толстов С.П.Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948. – С. 352.(Yakubovskiy A.Yu. Archaeological expedition to the Zarafshan Valley in 1934 (From the diary of the head of the expedition) // Proceedings of the East Department of the State Hermitage. - L. : 1940.T.11. - S. 113-164; Masson M.E. Settlements of Old Termiz and their study // Tr. Uz. An. - Tashkent: 1940. Series 1, Issue 2. - S. 33-46; Shishkin V.A. To the historical topography of old Termez // Trudy Uz Fan. - Tashkent: 1940. –S. 24-35; Shishkin V.A. Archaeological research at the Varakhsha settlement in the Bukhara oasis in 1974-1953 // Proceedings of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR - Tashkent 1956. Issue 8. –C.3; Tolstov S.P. Ancient Khorezm. - M. : Moscow State University, 1948. -- S. 352.)
8. Толстов С.П. По древним дельтам Окса ва Яксарта. – М.: Вост. лит., 1962. –С. 34; Массон В.М. Первобытнообщинный строй на территории Туркменистана. // Тр. ЮТАКЭ. – Ашхабад, - Т.7. 1956. –С. 46-114; Заднепровский Ю.А. Древная Фергана // Автореферат. Дисс.канд.ист.наук. – Л.: ЛГУ, 1954. –С. 24; Ўша муаллиф. Древнеземледельческая культура Ферганы // Материалы и исследования по археологии. –М.- Л.: 1962. Вып. 118.(Tolstov S.P. Along the ancient deltas of the Oxus va Yaxart. - M. : Vost. lit., 1962. –S. 34; Masson V.M. Primitive communal system in the territory of Turkmenistan. // Tr. YUTAKE. - Ashgabat, - T.7. 1956. –S. 46-114; Zadneprovsky Yu.A. Ancient Fergana // Abstract. Dissertation for Candidate of Sciences in History. - L. : Leningrad State University, 1954. –S. 24; Ўsha muallif. Ancient agricultural culture of Fergana // Materials and research on archeology. –M. –L. : 1962. Issue. 118.)
9. Города и торговля Древнего Востока III-I тыс. до н.э. – Ереван: АН АрмССР, 1969. – С. 196; Древняя Бактрия. – Л.: Наука, 1974. –С. 194; Бактрийские древности. Л.: Наука, 1976. –С. 210; Древний Восток. Город и торговля. (III-I тыс. до н.э.) – Ереван: АН АрмССР, 1973. –С. 224; История и археология Средней Азии. – Ашхабад: ЫЛым, 1978. – С. 221; Древнейшие культуры Бактрии: среда, развитие, связи. – Душанбе: Дониш, 1982. – С. 86; Древние города. – Л: Наука, 1977. – С. 154; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // Материалы и исследовании по археологии – М., 1959. №75. –С. 216; Ўша муаллиф. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. – С. 231; Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент: Фан, 1987. –С. 110; Сайко Э.В. Становление города как производственного оазиса. – Ташкент: Фан, 1982. – С. 136.(Cities and trade of the Ancient East III-I millennium BC. - Yerevan: AN ArmSSR, 1969. -- P. 196; Ancient Bactria. - L. : Science, 1974. –S. 194; Bactrian antiquities. L. : Nauka, 1976. –S. 210; The Ancient East. City and trade. (III-I millennium BC) - Yerevan: AN ArmSSR, 1973. –S. 224; History and archeology of Central Asia. - Ashgabat: Ylym, 1978. -- P. 221; The most ancient cultures of Bactria: environment, development, connections. - Dushanbe: Donish, 1982. - P. 86; Ancient cities. - L: Science, 1977. - S. 154; Masson V.M. Ancient agricultural culture of Margiana // Materials and research on archeology - M., 1959. №75. -WITH. 216; Ўsha muallif. Ancient agricultural culture of the Bronze Age in the south of Uzbekistan. - Tashkent: Fan, 1977. - P. 231; Sagdullaev A.S. Manors of ancient Bactria. - Tashkent: Fan, 1987. –S. 110; Saiko E.V. Formation of the city as an industrial oasis. - Tashkent: Fan, 1982. -- P. 136.)
10. 11.Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: МГУ, 1948. – С. 352; Ўша муаллиф. По следам древнехорезмской цивилизации. – М.-Л.: АН СССР, 1948. – С. 352; Дьяконов М.М. Соложение классового общества в Северной Бактрии // - М.: 1954. Т. XIX. – С. 121-140.

Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // Материалы и исследования по археологии. – М.: 1959. -№73.(Tolstov S.P. Ancient Khorezm. M. : Moscow State University, 1948. - S. 352; Ўsha muallif. In the footsteps of the ancient Khorezm civilization. - M.-L. : Academy of Sciences of the USSR, 1948. - P. 352; Dyakonov M.M. The state of class society in Northern Bactria // - M. : 1954. T. XIX. - S. 121-140. Masson V.M. Ancient agricultural culture of Margiana // Materials and research in archeology. - M. : 1959. -№73.)

11. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы … -С. 123-132.(Masson V.M. Ancient agricultural culture of Margiana. .. -P. 123-132.)
12. 13.Толстов С.П. По древний дельтам Окса и Яксарта. –М.: Вост. лист, 1962. – С. 89-103.(Tolstov S.P. Along the ancient deltas of the Oxus and Yaxart. –M. : Vost. sheet, 1962. - - S. 89-103.)
13. 14.Массон В.М. Протогородская цивилизация юга Средней Азии. – СА. 1967- № 4; Ўша муаллиф. Алтын-депе. Труды ЮТАКЭ. – Ашгабат. 1981. – Т.18.(Masson V.M. Proto-urban civilization in the south of Central Asia. - CA. 1967- # 4; Ўsha muallif. Altyn-Depe. Proceedings of YUTAKE. - Ashgabat. 1981. - T. 18.)
14. Асқаров А.А. Сапаллитепа – Ташкент: Фан, 1973. – С. 172. Ўша муаллиф. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана – Ташкент, Фан, 1977; Аскаров А.А., Абдуллаев Б. Джаркутан (к вопросу о протогородской цивилизации юга Узбекистана) – Ташкент: Фан, 1983. –С. 120.(Askarov A.A. Sapallitepa - Tashkent: Fan, 1973. - P. 172. Ўsha muallif. Ancient agricultural culture of the Bronze Age in the south of Uzbekistan - T)
15. 16.Джуракулов М.Д., Аванесова Н.А. Историография эпохи бронзы Средней Азии. – Самарканд: СамГУ. 1983. –С. 70.(Dzhurakulov M.D., Avanesova N.A. Historiography of the Bronze Age of Central Asia. - Samarkand: SamSU. 1983. –S. 70.)
16. Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (Историко – археологический очерк Чача и Илака) – Ташкент, Фан, 1975. – С. 210. Ўша муаллиф. Генезис и этапы городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент: Фан, 1982. – С. 174. Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Античные памятники Северной уструшаны // ОНУ. 1989. – Ташкент, № 7. – С. 74-85.(Buryakov Yu.F. Historical topography of the ancient cities of the Tashkent oasis (Historical and archaeological sketch of Chach and Ilak) - Tashkent, Fan, 1975. - P. 210. sha muallif. Genesis and stages of urban culture of the Tashkent oasis. - Tashkent: Fan, 1982. - P. 174.Buryakov Yu.F., Gritsina A.A. The ancient monuments of the North are ruined // ONU. 1989. - Tashkent, No. 7. - S. 74-85.)
17. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент: 2005.(174.Buryakov Yu.F., Gritsina A.A. The ancient monuments of the North are ruined // ONU. 1989. - Tashkent, No. 7. - S. 74-85.)
18. Сулайманов Р.Х. Развития древний городов Южного Согда // ОНУ. 1985. -№ 9; - С. 118-122; Исомиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Еркурган (стратиграфия и периодизация) – Ташкент: Фан, 1984. –С. 153. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб, Проблемы цивилизации Узбекистана VII в до н.э. - VII в до н.э.- Ташкент: Фан, 2000. – С. 342. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. – Ташкент: 2002.(Sulaimanov R.Kh. Development of the ancient cities of South Sogd // ONU. 1985. - No. 9; - S. 118-122; Isomiddinov M.Kh., Suleimanov R.Kh. Yerkurgan (stratigraphy and periodization) - Tashkent: Fan, 1984. –S. 153. Suleimanov R.Kh. Ancient Nakhshab, Problems of the civilization of Uzbekistan in the 7th century BC - VII century BC - Tashkent: Fan, 2000. - P. 342. Isamiddinov M.Kh. The origins of the urban culture of Samarkand Sogd. - Tashkent: 2002.)
19. Сагдуллаев А.С. Культура юга Средней Азии VII вв до н.э. (Бақтрия, Маргиана, Согд) – Ташкент, 1987; - С. 49. Ўша муаллиф. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларида. – Тошкент: Ўқитувчи. -112 б.(Sagdullaev A.S. Culture of the south of Central Asia in the 7th century BC (Bақtriya, Margiana, Sogd) - Tashkent, 1987; - S. 49. sha muallif. Қadimgi Ўzbekiston ilk yozma manbalarida. - Toshkent: Ўқituvchi. -112 b.)

20. Ширинов Т.Ш. Социальная структура города II тысяч. до.н.э. и проблемы государственности Средней Азии: Тез. докл. Самарканд, 1994. -С. 214-216. Ўша муаллиф. Историческая проблема урбанизации в среднеазиатской археологии: Тез. докл. Самарканд, 1995. –С. 74-76.(Shirinov T.Sh. Social structure of the city II mil. BC. and the problems of statehood in Central Asia: Abstracts. report Samarkand, 1994. -S. 214-216. Ўsha muallif. Historical problem of urbanization in Central Asian archeology: Abstracts. report Samarkand, 1995. –S. 74-76.)
21. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. –М., 1962. – С. 32. Ўша муаллиф. №. 118. Ошское поселение к истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. – Бишкек, 1997. – С. 117.(Zadneprovsky Yu.A. Ancient agricultural culture of Fergana // MIA. –M., 1962. - P. 32. sha muallif. No. 118. Osh settlement to the history of Fergana in the Late Bronze Age. - Bishkek, 1997. -- P. 117.)
22. 23.Матбобоев Б.Х. Фарғона қадимги шаҳарларининг жойлашган ўрни муаммолари. // ЎИФ. – Ташкент. 1995. № 9., -71-76 бетлар. Ўша муаллиф. Ранный город Ферганы и вопросы начального этапа государственности // Археология и история культуры Средней Азии. –Ташкент., 2002. – С 77-78; Анарбаев А.А. Ахсикент в древности и средневековье // СА. – М., 1988. - С.113-116. Ўша муаллиф. Города Северный Ферганы в деревности и ранним средневековье // ОНУ. –Ташкент. 1994. № 1-2. –С 21-23.(Matboboev B.Kh. Fargona қadimgi shakarlaring zhoilashgan ўrni muammolari. // ЎIF. - Tashkent. 1995. No. 9., -71-76 Betlar. Ўsha muallif. The early city of Fergana and the issues of the initial stage of statehood // Archeology and the history of culture of Central Asia. - Tashkent., 2002. - C 77-78; Anarbaev A.A. Akhsikent in antiquity and the Middle Ages // SA. - M., 1988. - S. 113-116. Ўsha muallif. Northern Fergana cities in the countryside and the early Middle Ages // ONU. -Tashkent. 1994. No. 1-2. –S 21-23.)
23. Асқаров А. Энг қадимги шаҳар. – Тошкент: Фан, 2001. -24 б; Асқаров А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд: ИА АН РУз, 1993. –С. 162; Лушпенко О.Н. Раннежелезний век Южного Согда // Автореф. дисс… канд. ист. наук. – Самарканд: Институт археологии АН РУз, 1998. – С. 25; Ширинов Т.Ш. Ранная городская культуры эпохи бронзы юга Средней Азии// Автореф. Дисс.докт. ист.наук. –М.: Институт археологии РАН, 1993. – С. 49; Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандского Согда // Автореф. дис. докт.ист.наук. – Самарканд: Институт археология АН РУз, 2000. – С. 42; Эшов Б. История формирования и развития...; Абдулллаев У.И. Историография древней системы управления и ранней государственности Средней Азии (XX – начала XXI в.): Автореф. дис. канд.ист.наук. –Ташкент: Институт истории АН РУз, 2008. – С.31.(Asgarov A. Eng қadimgi shakar. - Toshkent: Fan, 2001. -24 b; Askarov A., Shirinov T. Early urban culture of the Bronze Age in the south of Central Asia. - Samarkand: IA AN RUz, 1993. –S. 162; Lushpenko O.N. Early Iron Age of Southern Sogd // Author's abstract. diss. .. cand. ist. sciences. - Samarkand: Institute of Archeology of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, 1998. - P. 25; Shirinov T.Sh. Early urban culture of the Bronze Age in the south of Central Asia // Author's abstract. Diss. Doct. historical sciences. –M. : Institute of Archeology RAS, 1993. - P. 49; Isamiddinov M.Kh. Genesis of urban culture of Samarkand Sogd // Author's abstract. dis. Doctor of Historical Sciences. - Samarkand: Institute of Archeology of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, 2000. - P. 42; Eshov B. History of formation and development. ..; Abdullaev U.I. Historiography of the ancient system of government and early statehood of Central Asia (XX - early XXI century): Author's abstract. dis. Candidate of Historical Sciences. –Tashkent: Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, 2008. - P.31.)
24. 25.Аскаров А.А. Бронзовый век Южного Узбекистана (К проблеме развития локалных очагов древневосточных цивилизации): Автореф. дисс… докт. ист. наук. М.: Институт археологии АН СССР, 1976. – С. 44; Заднепровский Ю.А. Чустская культура Ферганы и памятники раннежелезного века Средней Азии: Автореф. дисс… докт. ист. наук. М.:

Институт археологии АН СССР, 1978. –С. 52; Ртвеладзе Э.В. Древняя Бактрия-средневековый Тохаристан: Автореф. дисс… докт. ист. наук. М.: МГУ 1989. – С. 37; Сагдуллаев А.С. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально–экономоческая динамика). Автореф. дисс… докт. ист. наук. М.: МГУ, 1989. – С. 45; Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии: Автореф. дисс… докт. ист. наук. М.: МГУ 1993. – С. 40; Сулейманов Р.Х. Древняя культура Южного Согда (VII в до н.э. - VII в до н.э.): Автореф. дисс… докт. ист. наук. Самарканд: Институт археологии АН РУз, 1998. –С. 36; Исамиддинов М.Х. Генезис культуры Самаркандского Согда: Автореф. дисс… докт. ист. наук. Самарканд: Институт археологии АН РУз, 2000. –С. 42; Эшов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры Средней Азии: Автореф. дисс… докт. ист. наук,-Ташкент: Институт истории АН РУз, 2008. – С. 45; Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бақтрия мисолида): Тарих фан док.. .. дисс. Автореф. – Самарканд: ЎзФА Археология институти, 2009. – 58 б.; Йўлдошев И.Т. Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2011. -26 б.(Askarov A.A. Bronze Age of Southern Uzbekistan (On the problem of the development of local foci of ancient Eastern civilizations): Author's abstract. diss. .. doct. ist. sciences. M. : Institute of Archeology of the Academy of Sciences of the USSR, 1976. - P. 44; Zadneprovsky Yu.A. Chust culture of Fergana and monuments of the Early Iron Age in Central Asia: Author's abstract. diss. .. doct. ist. sciences. M. : Institute of Archeology of the Academy of Sciences of the USSR, 1978. –S. 52; Rtveladze E.V. Ancient Bactria-Medieval Tokharistan: Author's abstract. diss. .. doct. ist. sciences. M. : MGU 1989. - P. 37; Sagdullaev A.S. Sedentary areas of the south of Central Asia in the Early Iron Age (genesis of culture and socio-economic dynamics). Abstract of the thesis. diss. .. doct. ist. sciences. M. : Moscow State University, 1989. - S. 45; Shirinov T.Sh. Early urban culture of the Bronze Age in the south of Central Asia: Author's abstract. diss. .. doct. ist. sciences. M. : MGU 1993. - S. 40; Suleimanov R.Kh. Ancient culture of South Sogd (VII century BC - VII century BC): Author's abstract. diss. .. doct. ist. sciences. Samarkand: Institute of Archeology of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, 1998. –S. 36; Isamiddinov M.Kh. Genesis of the culture of Samarkand Sogd: Author's abstract. diss. .. doct. ist. sciences. Samarkand: Institute of Archeology of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, 2000. –S. 42; Eshov B. Zh. The history of the formation and development of the early urban culture of Central Asia: Author's abstract. diss. .. doct. ist. Sciences, -Tashkent: Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, 2008. - P. 45; Shaydullaev Sh.B. Ўzbekiston ҳududida davlatchilikning paido bўlishi va rivozhlanish bosқichlari (Bақtriya misolid): Tarikh fan doc.. .. diss. Abstract of the thesis. - Samarkand: AzFA Archeology Institute, 2009. - 58 p. ; Yuldoshev I.T. Fargona vodiyisida shagarsozlik madaniyatining shakllanishi va rivozhlanishi tarikhi. - Tashkent: Uzbekiston Milliy University, 2011. -26 p.)

25. Древний Восток. Города и торговля. – Ереван, 1973; Древние города. –Л.: Наука, 1977; Древний Восток и мировая культура. – М.: Наука, 1981; Городская культура Бактрии – Тохаристана и Согда. – Ташкент: Фан, 1987. Древние цивилизации Востока. – Ташкент: Фан, 1986.(Ancient East. Cities and trade. - Yerevan, 1973; Ancient cities. –L. : Nauka, 1977; Ancient East and world culture. - M. : Nauka, 1981; Urban culture of Bactria - Tokharistan and Sogd. - Tashkent: Fan, 1987. Ancient civilizations of the East. - Tashkent: Fan, 1986.)
26. Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд: Институт археологии АН РУз, 1993. – С. 162.(Askarov A.A., Shirinov T.Sh. Early urban culture of the Bronze Age in the south of Central Asia. - Samarkand: Institute of Archeology of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, 1993. - P. 162.)

27. Ртveладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001. – 10-43 бетлар. (Rtveladze E.V. A.X. Saidov, Abdullaev EV Qadimgi Uzbekistan civilizaciyasi: davlatcilik and right tarixidan lavhalar. - Tashkent: Justice, 2001 - 10-43 betlar.)
28. Ширинов Т.Ш., Шайдуллаев Ш.Б. Бақтрия илк шаҳарлар бешиги // Термиз: Тарихий тадқиқотлар илмий хулосалари. – Тошкент, 2001. –8-13 бетлар; Шайдуллаев Ш.Б. Городская культура Бактрии – Тохаристана, // ОНУз. – Ташкент, 1995. - № 7. – С. 36-37.(T.Ş. Shirinov, Şajdullaev Sh.B. Baqtrija ilk şaharlar beşigi // Termez: Tarixij tadqiqotlar ilmij xulosalari. - Tashkent, 2001 -8-13 betlar; Şajdullaev Sh.B. Gorodskaja Culture Baktrii - Toxaristana // ONUz. - Tashkent, 1995. - No. 7. - S. 36/37.)
29. 30.Матбобоев Б.Х. Фарғона ыадимий шаҳарларининг жойлашган ўрни муаммолари // ЎИФ. –Тошкент, 1995. -№ 9. –77-82 бетлар.(Matvovoev B.X. Fergana ыadimij şaharlarining zojlaşgan ўrni muammolari // ЎIF. -Toşkent, 1995. -№ 9. -77-82 betlar.
30. Sulejmanov Hairulloev Drevnij Naxşav. Prowlemы civilizacii Uzbekistna VII. do n.e - VII. n.e. - Tashkent: Fan, 2000. - 342 p. Isamiddinov Hamidov Istoki gorodskoj kulturы Samarkandskogo Sogda. -Taşkent: Izd. Im.A. Kadыri, 2002. - S. 25.)
31. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистна VII в. до н.э – VII в. н.э. – Ташкент: Фан, 2000. – 342 с. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. –Ташкент: Изд. Им.А. Кадыри, 2002. – С. 25.(Eşov.B. Civilizaciya tizimida ilk şaharlar. - Tashkent university: pencils, 2004; - 126 b. Ўşa author. Ўrta Osijoning qadimgi şaharlari month. Tashkent: Fan and technology, 2008. - 234 b.)
32. Эшов.Б. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. – Тошкент: Зар қалам, 2004; - 126 б. Ўша муаллиф. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Тошкент: Фан ва технология, 2008. - 234 б.(Eşov.B. Civilizaciya tizimida ilk şaharlar. - Tashkent university: pencils, 2004; - 126 b. Ўşa author. Ўrta Osijoning qadimgi şaharlari month. Tashkent: Fan and technology, 2008. - 234 b.)
33. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари. .., 176-195 бетлар.(Particularly B.Ƶ. Ўrta Osijoning qadimgi şaharlari, 176-195 betlar.)
34. Бернар П. Проблемы греческой колониальной истории и урбанизма эллинистического города Центральной Азии. Проблемы античной культуры. М., Наука. 1996. - С. 244-253.(Bernard P. Prowlemы greceskoj kolonialьnoj istorii urbanizma ellinisticeskogo goroda Centralьnoj Azii. Prowlemы anticnoj kulьturы. M., and Science. 1996. - P. 244-253.)
35. 35.Кошеленко Г.А. К оценке достоверности античной традиции об эллинистическим градостроительстве на Востоке // КСИА. М., 1973. Вып. 136. - С. 17.(Koşelenko GA K oценke dostovernosti anticnoj water tradiciі ellinisticeskim gradostroitelьstve Vostoke // KSIA. M., 1973. Vыp. 136 - P. 17.)
36. Ртveладзе Э.В. Легенды об основании среднеазиатских городов и археологическая действительность // Культура юга Узбекистана в древности и средневековье. Т., 1987. - С. 52-58.(Rtveladze E.V. Legendы osnovanii sredneaziatskix gorodov arxeologiceskaja dejstvitelьnostь // Culture juga Uzbekistana drevnosti srednevekovье. T., 1987. - P. 52-58.)
37. Буряков Ю.Ф. Античные памятники Северной Уструшаны // ОНУз, 1989. №7. -С. 48.(Burjakov Ju.F. Anticnыe pamjatniki Severnoj Ustruşanы // ONUz, 1989. No.7. –P. 48.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Қахрамон Раббимович Шоназаров,
Тошкент давлат техника университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ҚУРИШДА ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation: Kakhramon R.Shonazarov, ISSUES OF INCREASING THE SOCIAL ACTIVITY OF YOUTH IN THE FORMATION OF THE FOUNDATION OF THE THIRD RENAISSANCE. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.551-555

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-75

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлган глобаллашув даври ва олиб борилаётган ислоҳотлар, учинчи Ренессанс даври, мамлакатимизнинг Ренессанслар ўчоғи эканлиги, бу даврда ёшларнинг ғоявий тарбияси, ижтимоий фаоллиги масалалари ҳақида сўз боради. Маълумки, таълим-тарбия ишлари оилада, таълим муассасаларида, жамоада ва бошқа бўғинларда олиб борилади. Таълим тизими ёшларга ғоявий таъсир кўрсатишнинг мафкуравий воситаси бўлиб, унинг барча йўналишлари ва босқичларида баркамол шахсни шакллантириш аниқ - равшан вазифа сифатида қўйилган. Мақолада мазкур вазифалар илмий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Глобаллашув, учинчи Ренессанс, цивилизация, ғоявий тарбия, маънавий таназзул, мафкуравий онг.

Кахрамон Раббимович Шоназаров,
Ташкентский Государственный Технический Университет
Доцент истории Узбекистана,
кандидат педагогических наук

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ МОЛОДЕЖИ ПРИ ОБРАЗОВАНИЯ ФУНДАМЕНТА ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы глобализации и проводимых реформ, третьего Возрождения, того факта, что наша страна является очагом Возрождения, идейного воспитания молодежи, общественной активности в этот период. Известно, что воспитательная работа ведется в семье, образовательных учреждениях, общине и других сферах. Система образования является идеологическим средством идеологического воздействия на молодежь, и во всех ее направлениях и этапах формирование гармонично развитой личности ставится как основная задача. В статье дается научный анализ этих задач.

Ключевые слова: Глобализация, третий Ренессанс, цивилизация, идеологическое воспитание, духовный кризис, идеологическое сознание.

Kakhramon R. Shonazarov,
Tashkent State Technical University
Associate Professor of History of Uzbekistan,
candidate of pedagogical sciences

ISSUES OF INCREASING THE SOCIAL ACTIVITY OF YOUTH IN THE FORMATION OF THE FOUNDATION OF THE THIRD RENAISSANCE

ABSTRACT

The article examines the issues of globalization and ongoing reforms, the third Renaissance, the fact that our country is a hotbed of the Renaissance, the ideological education of youth, public activity during this period. It is known that educational work is carried out in the family, educational institutions, community and other areas. The education system is an ideological means of ideological influence on young people, and in all its directions and stages, the formation of a harmoniously developed personality is set as the main task. The article provides a scientific analysis of these tasks.

Index Terms: Globalization, third renaissance, civilization, ideological education, spiritual crisis, ideological consciousness.

Ҳеч шубҳасиз, ўз кучимиз ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустаҳкам қилмоқда. Бу интилишлар улкан амалий ишларга айланиб, буюк халқ ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Бундай қудратли сафда бўлишнинг ўзи катта бахт, катта шарафдир.

Ш.Мирзиёев

1. Долзарблиги:

Маълумки, ҳар бир даврда жамият тараққиётининг истиқболи шу ерда истиқомат қиладиган фуқароларнинг дахлдорлиги, ватанпарварлиги, меҳнатсеварлиги ва комиллигига боғлиқ. Шундай экан, Ўзбекистоннинг тараққиёти ҳам фуқароларининг мана шундай инсоний фазилатлари билан ривожланади. Мамлакатимизда эса аҳолининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ёш авлодга бўлган эътибор Президентимиз фаолияти ва қарашларининг муҳим йўналишларидан бири сифатида намоён бўлиб келмоқда. Келажакнинг бунёдкори, эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи ёшларга муносабат масаласи давлатнинг устувор вазифаларидан бирига айланган. Чунки, ёшлар масаласи глобаллашув даврида ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда.

XXI аср ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётнинг барча соҳаларида халқаро муносабатларнинг интеграциялашуви ва интенсивлашуви, бир сўз билан айтганда, глобаллашув жараёни билан характерланади. Глобаллашув даври иқтисодий сиёсий, ижтимоий ўзгаришлар, янгиликлар, кашфиётлар билан илм-фан, техника-технологиялар ривожланган ва юксак имкониятлар эшиги очилганлиги билан ижобий натижаларни берган бўлса, ҳозирги шароитда ғоявий, мафкуравий таъсир ўтказишнинг ўткир қуролига айланиб инсон ҳаётига ва у яшаётган жамиятга таъсир ўтказаётганлиги билан салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бундай таъсирларга эса кўпроқ ғоявий тарбияси суст бўлган ёки тарбия тўғри олиб борилмаган ёшлар илинмоқда. Улар онгида ғоявий бўшлиқ бўлиб, бу бўшлиқни шу миллатнинг табиатига ёт ғоялар эгаллаб олади ва турли мафкуравий тазйиқлар ўз зарарли таъсирини ўтказишга ҳаракат қилади. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳозирги глобаллашув даврида «оммавий маданият» ниқоби остидаги хавф-хатарнинг кенг тарқалиб бораётганлиги масаласига жиддий эътибор қаратишни талаб этмоқда. Дунёқараши, тафаккури, ақлий салоҳияти эндигина шаклланаётган ёш авлод қалбида ватанпарварлик,

миллий ғурур, ўзликни англаш каби туйғуларни кучайтириш, инсон олий қадрият эканлигини англатиш, сиёсий-ғоявий жиҳатдан чиниқтириш борасидаги таъсирчан тадбирларни изчил амалга ошириш лозимлиги таъкидланмоқда.

Бу борада Ўзбекистонда Мактабгача таълим, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълими тизими билан бир қаторда Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентликлари ўз фаолиятларини олиб боришмоқда. Президент Ш.М.Мирзиёев “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талабалари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз”[1,349-Б], – дея таъкидладилар. Маълумки, таълим-тарбия ишлари оилада, таълим муассасаларида, жамоада ва бошқа бўғинларда олиб борилади. Таълим тизими ёшларга ғоявий таъсир кўрсатишнинг мафкуравий воситаси бўлиб, унинг барча йўналишлари ва босқичларида баркамол шахсни шакллантириш аниқ - равшан вазифа сифатида қўйилган.

2. Методлар:

Ушбу мақола тарихийлик ва илмийлик сингари тарихий методлар асосида ёритилган бўлиб, унда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари тўғрисида маълумот берилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон Ренессанслар ўчоғи

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев тантанали табрик нутқида Ўзбекистоннинг янги стратегик ғояси, Учинчи Ренессанс масаласини илгари сурди. Хўш, Ренессанс ўзи нима? Нима сабабдан Учинчи Ренессанс дея аталмоқда? Бунга лойиқ авлод қандай ёшлардан ташкил топади?

Ренессанс (француз Renaissance - “қайта туғилиш” деган маънони англатади. Атама сифатида унинг мазмуни: маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради[5].

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин дастлаб чорак аср давомида миллий тикланиш даврини бошидан кечирди. Эндиликда миллий тикланишдан миллий юксалиш даврига қадам қўйдик. Бу даврни эса учинчи Ренессанс дея номлангани эса бизни тарихга назар ташлашга ундайди. Ҳақиқатан ҳам, биз тарихда икки Ренессанс даврни бошимиздан кечирдик: Биринчиси IX — XII асрлар бўлиб, бу даврда юртимиздан Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий каби мутафаккирлар, тенги йўқ муҳаддислар Бухорий, Термизий, буюк мутакаллимлар ал Мотуридий ва Абул Муин Насафий, Баҳоуддин Нақшбандий ва бошқа атоқли дунё илм-фани ва диний соҳага катта ҳисса қўшдилар.

Иккинчи Ренессансда Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Лутфий, Жомий, Навоий, Беҳзод, буюк меъморлар, мусаввирлар, тарихчилар ва илм соҳиблари чиқиб, бугунги кунга қадар ҳам дунёни лол қолдириб келаётган санъат асарларини яратишга муваффақ бўлдилар.

Ушбу икки Ренессанс даврида ҳам дунё халқлари Марказий Осиёга “илм-маърифат ўчоғи” сифатида қарар эди. Самарқанд, Бухоро каби илм марказларига таҳсил олиш учун келишар эди. Хоразмда 1004 йилда ташкил қилинган «Дорул-хикма» Маъмун Академиясида ҳам кўплаб илм соҳиблари турли фан йўналишлари бўйича қатор изланишлар олиб бориб, ўз фаолиятлари билан жаҳон илм фани ривожига муносиб хисса қўшдилар. Хуллас, ушбу даврларда халқимиз ҳам илғор, тараққий қилган халқлар қаторида эди.

Бугун биз мустақилмиз. Ўз олдимизга “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” қуришни мақсад қилиб қўйганмиз. Хўш, бундай ҳаётни ким қуради ва кимлар учун қуради? Бунинг учун қандай ислоҳотларни амалга оширмоғимиз лозим? Мустақилликнинг дастлабги йилларидан бошлаб таъкидлаб келинмоқдаки, бундай фаровон ва обод Ватанни фақатгина миллий ғоя, мафкура орқали барпо қилиш мумкин. Миллий ғояни эса бугунги кун талаби

Учинчи Ренессанс ғояси билан бойитиш зарур. Ёки Учинчи Ренессансга эришишни миллий ғоянинг янги ифодаси, дея талқин қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчи Ренессанс ва ғоявий тарбия

Учинчи Ренессанс, яъни "уйғониш даври". Бу давр ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Ренессансни яратиш учун барча олдинга ҳаракат қилмоғи, илм-фан соҳаси бўладими, ижтимоий-иқтисодий соҳа бўладими ёки бошқами, барчасида ютуқларга эришиш имкониятларини қидириш лозим. Бунинг учун эса, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилиши, халқда руҳий кўтаринкилик, интилиш юз бермоғи зарур.

Биринчи навбатда ренессанс тушунчанинг мазмунини аҳолининг барча қатламларига, аввало, ёшлар онгига етказиш керак. олдинги ренессанслар даврида аждодларимиз қандай ютуқларга эришганини, жаҳон илм-фан цивилизациясига қўшган ҳиссасини бошқа халқлар, минтақалар ютуқлари билан таққослаб, жаҳоннинг етакчи маданиятларидан, илм-фани, санъати ва адабиётларидан ижтимоий фикрларини яратганини ёритиб бериш зарур.

Бизнинг фикримизча, бу борада барча таълим босқичларида давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан кенг ва самарали фойдаланиб, ғоявий тарбия масалаларига катта эътибор қаратиш зарур. Ғоявий тарбия кишининг маънавий қиёфасида асосий ўринни ишғол этади. Ғоявий тарбия муҳим психологик резерв бўлиб, иқтисодиётимиз, сиёсий ва маданий қурилишимизнинг жадаллашуви кўп жиҳатдан шу резервдан фойдаланишга боғлиқ. Ғоявий тарбия – бу, миллатнинг, жамият аъзоларининг қизиқишларини ифодаловчи, кишиларнинг мустаҳкам ишончига айланган, уларнинг хулқи ва одатлари, фаолиятини ҳаракатга келтирадиган ғоявий-сиёсий, эстетик, ахлоқий, диний ва бошқа эътиқодлар бирлигидан иборат бўлган ижтимоий онг ва руҳиятнинг аниқ йўналишда намоён бўлишидир. Кишилардаги ғоявий тарбия, уларнинг ўзлари учун, жамият учун меҳнат қилаётганликларини чуқур англаб олганликларини ва ижтимоий фаолликни оширади.

Ғоявий тарбиянинг юксак босқичи ирода ва жасорат бирлиги, хулқ-ахлоқ, имон-эътиқоди, дунёқараши билан белгиланади. Буюк келажак сари интилувчи мамлакатнинг тарихий вазифаларини фақат юксак ғоявий тарбияли, сиёсий етук, маълумотли, мустаҳкам интизомли, уюшқоқ, ҳеч қандай қийинчилик ва синовлардан қўрқмайдиган кишиларгина шараф билан бажара оладилар.

Демак, баркамол авлоднинг шаклланиши, уларнинг жамоатчилик, жамият олдидаги ўз бурчини англаши, меҳнатга тўғри муносабат, жамият равнақи, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш учун қайғуриш, миллий ғояга чексиз садоқат, ватанпарварлик каби фазилатларни кучайтириш масалалари бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Кишининг юксак ғоявийлиги ундаги ижодий кучнинг, меҳнат ва курашдаги илҳомнинг манбаидир.

Халқнинг ғоявий тарбияси, дунёқараши, маънавий онглилик даражаси қанча юқори бўлса, бунёдкорлик йўлидаги ютуқларимиз янада кўпроқ амалга ошади. Бу эзгу ишларни амалга ошириш баркамол авлоднинг муқаддас вазифасидир.

Ёшларнинг ғоявий тарбиясида инсонпарварлик, миллатпарварлик ва ватанпарварлик каби тушунчалар фақат аниқ-амалий ҳаракатлар орқали муайян мазмун ва аҳамиятга эга бўлади. Аввалги иккала Ренессанс мустаҳкам маънавий-мафкуравий негизда юксак ахлоқийлик, адолат, илмга ташналик ва бағрикенглик бўлганлигини бутун дунё тан олади. Демак, учинчи Ренессансда ҳам ёшларда мана шундай ижобий фазилатларни шакллантириш, бу борада эса муқаддас ислом динимизнинг ғояларидан ҳам ижобий фойдаланилса, маънавий юксалишга тезроқ эришилади. Чунки, исломда ҳалоллик ва тўғрилик, инсоф ва адолат, илм ва амалий фаоллик ҳамма нарсадан устун қўйилади.

Ёшларда ижтимоий фаоллик зарурати

Ижтимоий фаоллик бу – фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг шахсий интилиши, ҳаётдаги мақсад-муддаолари, келажакда қўлга киритиши лозим бўлган етуклик даражасига эришиш йўлида ўз имкониятларидан фойдаланиш учун қиладиган саъй-ҳаракатлардир. Айни пайтда, ижтимоий фаоллик инсоннинг ўз мақсадига эришиши йўлида жамият, миллат, Ватан манфаатларига, ўзининг шахсий манфаатларини уйғунлаштириш ҳамда унинг

мутаносиблигини таъминлаш қобилиятидир. Ижтимоий фаоллик, инсонни тарбиялайди, ундаги турли салбий ҳолатлар, шахсий қусурларни йўқотади. Энг муҳими, ижтимоий фаоллик шахсда ташаббускорликни, мақсад сари интилишни шакллантиради. Ундаги фаоллик, уқувсизлик, теварак-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқлик, лоқайдлик, ҳафсаласизлик «сифатлари»ни бартараф этишга ёрдам беради.

Демак, ёшлар ижтимоий фаолликни маънавий бурч сифатида қабул қилишлари лозим. Ижтимоий фаолликнинг ошиши бу нафақат жамоат ишларида иштирок этиш ҳолатларининг, балки уларнинг ахлоқий жиҳатдан тарбияланганлик даражаларининг ошганлигидан ҳам далолат беради. Биз “учинчи Ренессансни яратамиз”, деган мутлоқ мақсадни олдимизга қўяр эканмиз, унда ижтимоий фаоллик масаласи дастлабки ўринлардан жой олувчи вазифа ҳисобланади. Бу вазифани амалга ошириш эса ёшларда лидерлик, ижодкорлик ва инновацияларни пухта эгаллашлари лозимлигини кўрсатади. Шундагина ёшлар онгида, қалбида яхшилик, эзгулик, миллат ва Ватанга меҳр қўйиш сифатлари шакллантирилади.

«Миллий тарихимизга қарасак, ҳукмдорларимиз ўз фарзандлари тарбиясини оталиқларга, устоз-мураббийларга, замонасининг пешқадам, содиқ инсонларига юклатишганини кўрамиз, – деб ёзади бу ҳақда профессор Муҳаммаджон Қуронов. – Биз миллий юксалишни оқ қоғоздан бошлаётган миллат эмасмиз. Интеллектуал ижод ғалабалари билан оламни обод қилган, ҳам дунёвий, ҳам диний цивилизацияларга ривож берган миллатмиз»[4,41- Б.].

Демак, бугунги кунда, шундай цивилизацияга ривож бера оладиган ёшларни тарбиялашда пешқадамлик, содиқлик, фидоийлик, масъулият фазилатларини касб қилиб, фақат битта инсон тарбияси учун эмас, балки, миллат тарбияси учун жон куйдирадиган тарғибот-ташвиқотчилар, маънавиятчилар кўпайса, мамлакат тараққиёти юксакликка кўтарилаверади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 349-б (Mirziyoev Sh. We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. 1 vol. - T. : Uzbekistan, 2019. - 349-p)
2. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 31август 2020 йил (Speech by President Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the twenty-ninth anniversary of Uzbekistan's independence. August 31, 2020)
3. Бобоев Х. ва бошқалар. Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт. – Т, 2001. – Б.3 (Boboev X. and others. The ideology of national independence and development. - T, 2001. - P.3)
4. https://xs.uz/uzkr/post/uchinchi-renessans-millij-goya-sifatida

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Ғайрат Ғаниевич Хамраев,
Жиззах Давлат педагогика институти
катта ўқитувчиси

БУХОРО АМИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТГАН МИЛЛИЙ-ЭТНИК ГУРУҲЛАР ХУСУСИДА (ТОЖИКЛАР МИСОЛИДА)

For citation: Gairat G. Khamraev, ABOUT THE NATIONAL-ETHNIC GROUPS ORGANIZED IN BUKHARA EMIRATE (ON THE EXAMPLE OF TAJIKS). Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.556-562

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-76

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухоро амирлигини ташкил этган миллий-этник гуруҳлар (тожиклар мисолида) ҳусусидаги тадқиқотчининг муҳим фикр-мулоҳазалари қисқача баён қилинган. Унда асосан амирликнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, аҳолиси, аҳоли таркиби, этник гуруҳларнинг сўзлашув тили ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: этногенез, элат, этнос, амирлик, манғитлар, топонимика, Зарафшон воҳаси, ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, баҳрин, батош, чуют, найман, уч-уруғ, қалмоқ, буркут, қирқ-юз.

Гайрат Ганиевич Хамраев,
Старший преподаватель
Джизакский государственный
педагогический институт

О НАЦИОНАЛЬНО-ЭТНИЧЕСКИХ ГРУППАХ ОРГАНИЗОВАВШИХ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА (НА ПРИМЕРЕ ТАДЖИКОВ)

АННОТАЦИЯ

В статье изложены особые взгляды исследователя на национально-этнические группы, образовавшие в Бухарском эмирате (на примере таджиков). В основном уделено особое внимание на административно-территориального устройства эмирата, его населения, структуры населения, разговорной речи этнических групп.

Ключевые слова: этногенез, этнос, нация, эмират, мангиты, топономия, Зерафшанский оазис, узбеки, таджики, туркмены, бахрин, батош, чуют, найман, уч-уруг, калмык, буркут, кирк-юз.

Gairat G. Khamraev,
Senior Lecturer Jizzakh State pedagogical institute

ABOUT THE NATIONAL-ETHNIC GROUPS ORGANIZED IN BUKHARA EMIRATE (ON THE EXAMPLE OF TAJIKS)

ABSTRACT

The article describes the special views of the researcher on the national-ethnic groups that formed in the Bukhara Emirate (on the example of the tajiks). Basically, special attention is paid to the administrative-territorial structure of the emirate, its population, population structure, colloquial speech of ethnic groups.

Index Terms: ethnogenesis, ethnos, nation, emirate, mangits, toponomy, Zerafshan oasis, uzbeks, tajiks, turkmens, bahrin, batosh, smell, naiman, uch-urug, kalmyk, burkut, kirk-yuz.

1.Долзарблиги:

Этногенез ва унинг этник ривожланишини ўрганишда этник белгилар ва этник омилларнинг таркиб топиш жараёнинин кузатиб бориш этногенетк илмий тадқиқотларнинг тўғри йўналишда эканлигини таъминлайди. Этник омиллар таркибини ҳудудий бирлик, иқтисодий хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик кабилар ташкил этади. Этник белгиларга эса тил бирлиги, этник ном ва ўзликни англаш бирлиги, яъни тарихий қисматнинг умумийлиги киради.

Бинобарин, уларнинг таркиб топиши бир даврда юз бермайди, балки улар узоқ давом этган тарихи жараёнда бирин-кетин шаклланиб боради[1].

2. Методлар:

Ушбу мақола тарихийлик ва илмийлик сингари тарихий методлар асосида ёритилган бўлиб, унда Бухоро Амирлигини ташкил этган миллий-этник гуруҳлар таркиби тожиклар мисолида ўрганилди.

3.Тадқиқот натижалари:

Ўрта Осиё хонликлари ичида Бухоро амирлиги алоҳида мавқеига эга бўлган, катта ҳудудларни эгаллаган давлат эди. Манбаларга кўра, XVIII асрнинг ўрталарига келиб Бухоро амирлиги ҳудудларида бирмунча ўзгаришлар содир бўлади. Бу даврда Бухоро ҳукмдорлари ўз тасарруфларида Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги Вобкент, Ғиждувон, Қоракўл, Вағоза туманлари, Қашқадарё ва Миёнқол воҳаларини сақлаб қолган эдилар. Хўжанд, Тошкент, Ҳисор вақти-вақти билан эса Ғузор, Шаҳрисабз, Нурота, шунингдек, Амударёнинг ўнг соҳилидаги Балх, Андхай, Маймана, Бадахшон ва Шибирғонлар ҳам Бухорога вассал бўлишига қарамай унга итоат этмай қўйганлар. Сиёсий парокандаликнинг асосий сабаби-сўнгги аштархонийлар давридаги ўзаро курашлар, марказдан қочувчи кучлар мавқеининг ўсиши эди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни манғитлар сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилгач, Бухоро амирлиги яна аста-секин мустаҳкамлана бошлайди. Шу асрнинг 70-80 йилларига келиб Бухоро амирлигининг марказий ҳудудини Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини ўз ичига олган Зарафшон воҳаси ташкил қилар эди. XIX асрнинг бошларига келиб Бухоро амирлиги ҳудудида Зарафшон ҳамда Қашқадарё воҳаларидан ташқари Сурхон воҳаси, Ҳисор, Ххжанд, Ўратепа, Панжикент каби аҳоли зич жойлашган туманлар, Жанубий Туркманистоннинг катта қисми, жумладан Чоржўйдан то Мурғоб дарёсигача бўлган ҳудудлар кирар эди. Бу даврда Бухоро амирлиги ҳудудларининг кенгайишига асосий сабаб – манғитлар сулоласининг марказлашган давлат барпо этишга интилиши эди. XIX аср бошларида Бухоро амирлиги бир томондан Эрон ва Афғонистон, иккинчи томондан Хива хонлиги, учинчи томондан қозоқ жузлари ва тўртинчи томондан Қўқон хонлиги ҳудудлари билан чегарадош эди.

Маълумотларга кўра, Бухоро амирлиги аҳолиси XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тез кўпая бошлайди. XIX асрнинг бошларига келиб амирлик аҳолиси таҳминан 2 миллиондан ошиқ, 50-йилларига келиб тахминан 2,5 миллиондан ортиқ кишини ташкил этган. Бухоро шаҳрида тахминан 60 мингдан зиёдроқ, Самарқанд шаҳрида эса тахминан 50 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилган.

Амирлик аҳолисининг катта қисмини ўзбеклар ташкил қилган бўлиб, жуда кўплаб ўзбек уруғлари вакиллари амирликнинг тдеярли барча яшаганлар. Аҳоли таркибидаги тожиклар Самарқанд, Бухоро, Нурота, Ургут, Китоб каби шаҳарларда, тоғли туманларда, жумладан, Панжикент, Вахш, Ҳисор, Қоратегин, Кўлоб, Шаҳрисабз, Қобадиён, Яккабоғ бекликларида, Зарафшоннинг юқори қисмида истиқомат қилганлар.

Туркманлар ҳам Бухоро амирлиги аҳолисининг сон жиҳатдан катта қисмини ташкил этганлар. Улар амирликка қарашли бўлган Амударёнинг икки қирғоғида жойлашган ерларда, яъни амирликнинг жанубий ва ғарбий ҳудудларида истиқомат қилишган. Бухоро амирлиги ҳудудида аҳолининг кичик қисмини араблар ташкил этган, улар асосан Қарши ва Шеробод бекликларида яшаганлар[2].

Зарафшон воҳасида сон жиҳатдан ўзбеклардан кейинги ўринда турувчи тожикларнинг катта бир қисми қадим даврлардан бери ушбу воҳанинг маҳаллий аҳолиси бўлган. Баъзи ўринларда “тожик”, баъзан эса “тожик тилли” аҳоли деб аталишининг сабаби шундаки, уларнинг катта бир қисми этник жиҳатдан тожик бўлсалар, сезиларли бир қисми эса тожик тилида сўзлашувчи араблардан иборатлигидир[3]. Бу ҳолат воҳанинг ҳам Самарқанд, ҳам Бухоро вилоятларида яшовчи арабларига хосдир[4]. Шунингдек, Навоий вилоятида яшовчи арабларнинг бир қисми бугунги кунда ўзаро мулоқотда тожик тилидан фойдаланадилар. Шунга ўхшаш ҳолат Марказий Осиёда, хусусан, катта бир қисми Ўзбекистон ва Тожикистонда яшовчи арабларда ҳам кўзга ташланади[5]. Ҳар иккала давлатнинг бир неча вилоятида, айниқса, жанубий вилоятларида яшовчи араблар орасида ҳам ўзбек тилида, ҳамда тожик тилида мулоқот қилувчи араблардан иборат бир неча ўнлаб қишлоқлар борлиги бу фикрни тасдиқлайди.

Тожик тилли аҳоли билан боғлиқ топонимлар Зарафшон воҳасида ҳам Марказий Осиёнинг кўпгина ҳудудларида бўлгани каби қадим даврлардан бошлаб учрай бошлайди. Зарафшон воҳасидаги ҳар учала вилоятда ҳам тожикча -он (мас. Арабон, Ўзбекон, Қалмоқон, Қарлуқон, Сараён ва ҳ.к.), -ҳо (мас. Арабо, Ўзбеко, Қарлуқо ва ҳ.к.) каби кўплик ясовчи топоформантлар билан биргаликда -зор, -истон, -об, боло “юқори”, поён “қуйи”, -гар, -дўз сингари аҳоли масканининг географик ўрни ёки аҳоли касб-кори билан боғлиқ жой номлари анчагина миқдорни ташкил этади.

Дарҳақиқат, Зарафшон воҳасининг бир қатор ҳудудларида, хусусан, воҳадаги Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятларининг бир қатор туманлари аҳолисининг сезиларли бир қисмини этник тожиклар ва тожик тилли аҳоли ташкил қилиб, бу ҳолат мазкур ҳудудларнинг XX аср топонимикасида ҳам ўз аксини топган. Айниқса, бу ҳолат Бухоро вилоятининг маркази – Бухоро шаҳри ва вилоятнинг Шофиркон, Ғиждувон, Когон, Пешку, Конимех, Қизилтепа туманларида яққол кўзга ташланади.

Жумладан, Бухоро шаҳридаги маҳалла ва гузарлар бўйича XX асрнинг илк ярмигача йиғилган статистик маълумотлар ва этнологик тадқиқотларда ушбу шаҳар аҳолисининг катта қисми тожик тилли аҳолидан ташкил топганлиги, уларнинг анча кўпчилигини тожик тилида сўзлашиб, ўзларини ўзбек деб ҳисобловчи аҳоли, сезиларли бир қисмини тожик тилида сўзлашувчи, бироқ этник мансублиги тожик ёки ўзбеклиги аниқланмаган аҳоли ва яна муҳим бир қисмини тожик тилли этник тожик аҳолидан иборат эканлиги аниқланган. Хусусан, О. Сухарева томонидан 200 дан ортиқ Бухоро шаҳридаги маҳалла ва гузарларнинг маҳаллий аҳолиси асосан тожик тилли ўзбеклар, тожиклар ва қисман форслар, араблар, яҳудийлар, шунингдек, маълум миқдордаги туркманлар, қозоқлар ва бошқалар борасида муҳим далиллар келтирилади. Тадқиқотчи томонидан келтирилган маълумотлар асосида XX асрнинг илк ярмида Бухорода мавжуд бўлган аҳоли масканлари (топонимлар) ва уларнинг этник таркиби ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, XX аср бошларида Бухоро шаҳридаги 220 та маҳалланинг номи тил жиҳатидан турфа хил бўлиб, уларнинг катта бир қисмини форс-тожикча номлар ташкил этган. Бухоро маҳаллаларининг сезиларли бир қисмини эса арабча ва туркий (ўзбек)ча номлардан иборат бўлган. Ҳар учала тилга мансуб маҳалла номларининг катта бир қисмини антропонимлар, бир қисмини эса этнонимлар ташкил қилиб, улар орасида ўзбек уруғлари

билан боғлиқ шу каби этнотопонимлар учрайди: Турки Жандий, Қатағон, (Ҳофиз) Қўнғирот, Дурман, Қалмоқон, Урусон, Чубутон[6]. Шунингдек, Бухоронинг бир қатор маҳалаларида яшовчи аҳолининг сезиларли бир қисми ўзларининг келиб чиқишини ўзбек уруғлари билан боғлаган бўлиб, улар орасида манғит (8 та маҳаллада), урганжи (4 та маҳаллада),кенагас (3 та маҳаллада), баҳрин, батош, чуют, найман, уч-уруғ, ўзбек-туркман, қалмоқ, бурқут, қирқ-юз сингари уруғлар ёки аҳоли гуруҳлари истиқомат қилишган. Улар орасида манғитлар нисбатан кўпчиликни ташкил этиб, баъзи маҳаллаларда улар ўзаро тожик тилида сўзлашган бўлсалар, айрим маҳаллаларда эса ушбу уруғ вакиллари ўзбек тилида сўзлашишган. Бу ҳолат урганжи, кенагас уруғлари вакилларига ҳам хос бўлиб, улар ҳар иккала тилда эркин мулоқот қила олганлар. Шунга ўхшаш ҳолатни баҳрин, бурқут, батош ва ҳоказо каби Бухорода яшаган ўзбек уруғлари мисолида кўриш мумкин. Бухорода айнан мазкур уруғ вакилларининг ўз этнонимларининг сақлаб қолишлари бежиз бўлмай, улар Бухоро амирлиги даврида амирликда нуфузли уруғлар ҳисобланишган. Айниқса, Бухоро амирлари манғит уруғига мансуб бўлиб, ушбу сулолага мансуб ҳукмдорлар бошқарув ва ҳарбий ишларда уруғдошларига таяниши натижасида шаҳарда манғит уруғи вакилларининг салмоғи ошишига олиб келган. Масалан, Куйи мургкуш, Шишахона, Мир-Дўстум, Қирғиз-ойим, Миржон-келди, Абдулло-қушбеги, Искандар-хонкаби маҳаллаларда бир қатор оилалар ўзларини “ўзбекларнинг манғит уруғига мансубмиз” деб эътироф этганлар[7].

Бухоро шаҳрининг Ҳавзи Баланд маҳалласида 100 га яқин хонадон мавжуд бўлиб, аҳолисининг катта бир қисми форслардан, бир қисми эса тожик тилли ўзбеклардан иборат бўлган ва шу боис улар яшайдиган кўча “Кўчаи ўзбако” (Ўзбеклар кўчаси) деб номланган. Тожик тилли баъзи маҳаллаларнинг аҳолиси ўзларини “биз ўзимиз ўзбекмиз-у, тилимиз тожикча” (“худашон ўзбак-у, забонашон тожики”) деб жавоб берган ҳоллар кузатилган. Масалан, 60 хонадондан иборат Қўш-мадраса аҳолиси ўз этник мансублигини шу тарзда ифодалаб, “тожик” деганда форсларни тушунишини айтишган[8]. Ушбу маҳалла номининг туркий (ўзбек)ча эканлиги ҳам бу ер аҳолисининг этник келиб чиқиши ўзбек бўлиб, кейинчалик тожик тилида сўзлашишга ўтганликларини тасдиқлайди. Шунингдек, 95 хонадондан иборат Меҳтар Анбар маҳалласининг тожик тилли аҳолиси ўзларни “Бухоро ўзбеклари” (“Ўзбакои Бухоро”) деб таништирганлар. О.А. Сухареванинг ёзишича, бухороликлар айрим ҳолларда тожикча сўзлашувчи ўзбекларни “тожикигўй” ёки “форсигўй”, она тили ўзбекча бўлганларни эса “туркигўй” деб аташган.

Шунингдек, айрим маҳаллалар (Арроки мисгарон, Нодир-вайс, Сўзангарон, Мағғоки атторон ва ҳ.к.)нинг аҳолиси тожикча сўзлашиб, ўзларини “тожик” деб ҳисоблашган. Бу тоифа аҳолининг хўжалик ҳаёти ва касб-корида кўпинча ҳунармандчилик устувор бўлиб, асосан мисгарлик, дурадгорлик, новвойлик, бўёқчилик, турли буюмлар ясаш, тижорат ва ҳоказолар билан шуғулланишган.

Яна шуни эътироф этиш жоиз, XIX аср ўрталари – XX бошларида Бухоро шаҳрига ташриф буюрган хорижлик, хусусан, россиялик сайёҳлар, элчилар, шарқшунос ва ҳоказо кишилар томонидан ёзиб қолдирилган маълумотларга кўра, шаҳарнинг маҳаллий аҳолиси орасида миллат тушунчаси Марказий Осиёнинг кўпчилик ўлка, вилоят ва шаҳарларида европаликлардан фарқли ўлароқ, миллат тушунчасига лисоний эмас, диний томондан ёндашилган. Айниқса, Бухоро шаҳри аҳолиси орасида, хусусан, сунний мазҳабдаги ўзбек ва тожик аҳоли ўзларини кескин равишда “ўзбек” ёки “тожик” деб ажратмасдан, ўзларини умумий ном билан “бухоролик” ёки “мусулмон” деб атаганлар[9], ўзларидан мазҳаб жиҳатидан фарқланувчи, асли марвлик ёки эронлик бўлган шиа мазҳабидагиларни эса “форсий”, “эроний”, “маврий” деб номлаганлар. О.А. Сухареванинг тадқиқотларида эса бухороликлар “тожик” номи остида, асосан, эронлик шиаларни тушунишган, тожик тилли сунний аҳолини эса кўпинча “ўзбек” деб билишган[10]. Тадқиқотчи олима бу ўринда Бухоронинг деярли ҳар бир маҳалласининг этник таркибига тўхталиб ўтган:

1) “... маҳалла. Тожик тилли аҳоли”;
2) “... маҳалла. Тожик тилли, бироқ ўзларини ўзбек ҳисобловчи аҳоли”;
3) “... ўзини ўзбек деб атовчи, бироқ тожикча сўзлашувчи аҳоли”;

4) “... маҳалла. Ўзбек тилли, ўз уруғи номини билувчи аҳоли (манғит, кенагас ва ҳ.к.)”;

5) “... тожик тилли. Этник мансублиги (ўзбек ёки тожик) аниқланмаган аҳоли”;

6) “... маҳалла. Тожик тилли, Бухоронинг тожик тилли қишлоқларидан кўчган аҳоли (Поноб ва ҳ.к.);

7) “... маҳалла. Тожик тилли, ўзини ўзбек деб атаб, “тожик” деганда эроний шиаларни тушунувчи аҳоли”;

8) “... маҳалла. Тожик тилли бухороликлар” ва ҳ.к.[11]. Тадқиқотчининг таъкидлашича, Бухоро шаҳрининг айрим маҳаллаларида тожик тилли аҳоли ўзини “ўзбек” деб атаб, ҳатто ўзлари гаплашадиган тожикчани “ўзбекча” деб номлашган.

Айрим маҳаллаларда аҳолининг бир қисмини тожик тилли ўзбеклар ва ўзбек тилида сўзлашувчи ўзбеклар ташкил этган ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан, Дурман, Зиндафил Аҳмади Ҳожи, Косагарон, Миракон, Искандар-хон маҳалласида шундай ҳолат кузатилган[12].

Айрим маҳаллаларда эса “тожик”, “форс (эрони)” ва “ўзбек” сингари уч этнос вакиллари биргаликда истиқомат қилганлар. Масалан, Пўстиндузон маҳалласида аҳолининг катта бир қисми тожик тилида сўзлашиб, ўзларини “тожик” деб атаганликлари, бир қисми бўлса “ўзбек” деб аталгани кўзга ташланади. Шунингдек, бу ерда форс хонадонлари ҳам мавжуд бўлган.

Бухоро маҳаллаларида яшовчи аҳоли орасида этник жиҳатдан миллий мансублик масаласида ўзини “тожик” деб билиш Бухоро атрофидаги тожик тилли қишлоқлардан кўчиб келган аҳолиси орасида нисбатан кўпроқ тарқалганлиги маълум. Масалан, Мулло Ҳоки роҳ ёки Понобиҳо (поноблiклар) маҳалласида яшовчи аҳоли тожик тилида сўзлашиб, ўзларини “тожик” деб атаганлар ва Бухоро шаҳридан 24 чақирим масофада жойлашган тожик тилли Поноб (Поёни-об) қишлоғи билан доимий алоқада бўлганлар.

Мазкур маълумотлардан англашиладики, XX асрнинг илк ярми, хусусан, 20-30 йилларда Бухоро шаҳри маҳаллий аҳолиси онг сезими, миллий мансублик масаласида турлича тушунчалар мавжуд бўлган. Аввало, шаҳар аҳолисининг катта қисми ўзбек ва тожиклардан ташкил этса-да, ҳар иккала аҳоли орасида “этник-миллий мансублик” масаласида бир қолипдаги ягона тушунча бўлмай, улар “миллат” деганда кўпроқ диний ёки регионал мансубликдан келиб чиқишган, яъни минтақанинг ислом динига эътиқод қиладиган турли халқлари каби[13] ўзларини “мусулмон”, “бухоройи” (“бухоролик”) деб аташган[14]. Аксарият маҳаллаларда тожик тилли аҳоли ўзини “ўзбек” деб танитиб, “тожик” деганда “эрони” (шиа мазҳабидаги)ларни тушунишларини айтган бўлсалар-да[15], улардан фарқли ўлароқ Бухоро маҳаллаларнинг катта бир қисми ўзларини “тожик тилли” деб атаб (107 маҳалла), улардан айнан қанчаси этник мансублик масаласида ўзларини “тожик” ёки “ўзбек” деб кўрсатгани аниқ эмас.

Шу билан биргаликда, шаҳарнинг айрим маҳаллаларининг тожик тилли аҳолиси ўзларини бошқа аҳоли (ўзбек, форс, яҳудий ва араблар)дан ўзларини алоҳида кўрсатишган ҳоллар ҳам учраган. Бу ҳолат кўпроқ Бухоро шаҳри атрофларидаги тожик тилли қишлоқлардан кўчиб келган аҳоли орасида анча-мунча сезилиб турган. О.А. Сухарева бошқа бир тадқиқотида Бухородаги 220 та маҳалладан 193 маҳаллада аҳоли тожик тилида сўзлашувчилардан иборатлиги, 102 та маҳалла аҳолисига “ўзингизни кимларга мансуб деб биласиз” мазмунидаги саволга 88 та маҳаллада аҳоли “ўзларини ўзбек деб ҳисоблашларини”, 11 та маҳаллада аҳоли ўзларини “тожик” деб билишларини таъкидлаб ёзади. Тадқиқотчининг таъкидлашича, сўзлашадиган тиллари қандай бўлишларига қарамай, турли пайтларда фарқли тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган сўровларда шаҳар аҳолисининг мутлақ кўпчилиги ўзларини “ўзбек” ҳисоблашган.

Бухоро маҳаллаларидан бир қанчасида аҳоли, гарчи тожик тилида сўзлашсалар-да, уларнинг этник мансублиги масаласи очиқ қолган (13 маҳалла). Бундай турфа хиллик айрим ҳолларда тадқиқотчилар тўплаган материалларнинг ишончлилик даражаси, информаторларнинг ўзларига берилган саволни қай даражада тушунганликлари каби омиллар билан боғлиқ бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, XX асрнинг биринчи ярмигача Бухоро шаҳрининг демографик ҳолати ва жой номларига доир амалга оширилган тадқиқотлар бизга шундан далолат беради:

- Бухорода мавжуд бўлган 220 та маҳалла номларининг катта қисмини антропонимлар ташкил этиб, улар диний (хўжа, эшон, ҳожи, шайх, мир, мулло) ва бошқарувчи тоифалар (хон, амир, қушбеги, қози, меҳтар, доруғо, мирзо), турли касб-кор эгалари (домулло, табиб), лақаб ва ҳоказо шахс исмларидан иборат бўлган;

- Бухоро маҳаллаларининг бир қисми этнонимлар асосида шаклланган бўлиб, улар орасида ўзбек уруғлари номлари кўпчиликни ташкил этган. Шунингдек, форс, араб, қозоқ, туркман каби марказий осиёлик халқлар номлари билан боғлиқ топонимлар ҳам учратилган;

- Бухородаги маҳалла номларининг сезиларли бир қисми аҳолининг хўжалик ҳаёти, маиший ҳаёти ва касб-кори билан боғлиқ ҳолда юзага келган (Собунгарон, Ахтачи, Сўзангарон, Писташиканон, Дегрези, Говкушон, Чармгарон, Сиёкарон, Михчагарон ва ҳ.к.);

- шаҳардаги маҳаллий аҳолининг катта қисмини ўзбек ва тожиклар ташкил этиб, ўзаро мулоқот тили тожик тили бўлган. Шунингдек, Бухоро маҳаллаларининг сезиларли бир қисми форслар, яҳудийлар, араблардан иборат бўлган. Шунингдек, туркман, татар, қозоқ каби нисбатан камчиликни ташкил қилувчи хонадонлар ҳам Бухоро шаҳри маҳаллий аҳолисининг таркибий бир қисми бўлган.

Биз мазкур мақолада Бухоро амирлигида истиқомат қилган тожик тилли аҳолининг жойлашган ўрни, этногенетик таркиби ва уларнинг иқтисодий-хўжалик ҳаётини тадқиқотлар асосида кўриб ўтдик. Кейинги туркум мақолаларимизда амирлик ҳудудида яшаган бошқа миллий-этник гуруҳларга ҳам тўхталиб ўтамиз.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. “Ўзбекистон тарихи” журнали, Т.: 2002, № 4, 57-б. (Askarov A. Some theoretical and scientific methodological bases of ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people. Journal of History of Uzbekistan, T. : 2002, № 4, 57 p).
2. Xoliqova R.E. XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr boshlarida Rossiya-Buxoro munosabatlari.tarix fan.dokt.diss. T., 2006. 67-70 b. (Kholikova R.E. The second half of the XIX century - the beginning of the XX century Russian-Bukhara relations. T., 2006. 67-70 p.)
3. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этноргафияси. 158- 207 б. (Rajabov R. History and ethnography of Arabs in Uzbekistan. 158- 207 b.)
4. Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи историей кварталов). М., Наука, 1976. – С. 81-83. (Sukhareva O.A. Quarter community of the late feudal city of Bukhara (in connection with the history of the quarters). M., Nauka, 1976. - S. 81-83.)
5. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана... – С. 111-113. (Karmysheva B.Kh. Essays on the ethnic history of the southern regions of Tajikistan and Uzbekistan. .. - pp. 111-113)
6. Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. .. – С. 91, 128, 160, 198 (Sukhareva O.A. Quarter community of the late feudal city of Bukhara. .. - p. 91, 128, 160, 198)
7. Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. .. – С. 71, 126, 152, 160, 163, 166, 234. (Sukhareva O.A. Quarter community of the late feudal city of Bukhara. .. - pp. 71, 126, 152, 160, 163, 166, 234)
8. Там же. – С. 151 (8. Ibid. - P. 151)
9. Сухарева О.А. Бухара XIX – нач. XX вв. – С. 126-127. (9. Sukhareva O.A. Bukhara XIX - beginning. XX centuries - S. 126-127.)
10. Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. .. – С. 73, 94, 255. (Sukhareva O.A. Quarter community of the late feudal city of Bukhara. .. - pp. 73, 94,

255.)
11. Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. .. – С. 67-264. (Sukhareva O.A. Quarter community of the late feudal city of Bukhara. .. - pp. 67-264.)
12. Там же. – С. 97-98, 128-132, 234 (Ibid. - S. 97-98, 128-132, 234)
13. Абашин С.Н. Этнографическое знание и национальное строительство в Средней Азии. .. – С. 19. (Abashin S.N. Ethnographic knowledge and nation-building in Central Asia. .. - p. 19.)
14. Сухарева О.А. Бухара XIX – нач. XX вв. – М.: Наука, 1966. – С. 121-125. (Sukhareva O.A. Bukhara XIX - beginning. XX centuries - M. : Nauka, 1966. -- S. 121-125.)
15. Там же. – С. 126. (Ibid. - P. 126.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Суннатилла Ҳамраев,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети “Манбашунослик ва архившунослик” кафедраси ўқитувчиси
hamroyev.s@mail.ru
Мадина Адилова,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети магистри
madinamansurova97@mail.ru

СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА БУХОРО АМИРЛИГИ ВА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИ (XX АСРНИНГ 60–80 ЙИЛЛАРИ)

For citation: Sunnatilla Khamraev, Madina Adilova, THE HISTORY OF DIPLOMATIC RELATIONS BETWEEN THE EMIRATE OF BUKHARA AND THE RUSSIAN EMPIRE IN SOVIET HISTORIOGRAPHY (60-80-IES OF XX CENTURY). Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.563-569

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-77

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола орқали Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг XX асрнинг 60-80 йилларидаги тадқиқотларида ёритилиши ҳамда тарихшунослик таҳлилини олиб бориш назарда тутилган. Ушбу давр тадқиқотларининг хусусиятлари ва уларга таъсир қилган омиллар кўрсатилган. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг мазмун моҳиятига ушбу даврдаги сиёсий ижтимоий жараёнларнинг тадқиқотларига таъсири таҳлил этилган. Хусусан, бир нечта дипломатик муносабатларда муҳим аҳамият касб этган элчиликлар ва уларнинг тадқиқ этилиши ёритилган.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, Россия империяси, дипломатик муносабатлар, илмий сессия, Полвонқули қўрчи, Эрназар Мақсуд ўғли, элчилик, совет даври, Ҳ.З. Зиёев, Х.Г. Гуломов, Г.А. Михалева, Т.Г. Тухтаметов.

Суннатилла Хамраев,
Преподаватель кафедры «Источниковедения и архивоведения» исторического факультета Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
hamroyev.s@mail.ru
Мадина Адилова,
Магистр исторического факультета Национального

университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
madinamansurova97@mail.ru

ИСТОРИЯ ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ БУХАРСКИМ ЭМИРАТОМ И РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИЕЙ В СОВЕТСКОЙ ИСТОРИОГРАФИИ (60-80-е ГОДЫ XX ВЕКА)

АННОТАЦИЯ

В рамках данной статьи предполагается осветить дипломатические отношения между Бухарским эмиратом и Российской империей в исследованиях 60-80-х годов XX века и провести историографический анализ. Показаны особенности исследований этого периода и факторы, влияющие на них. Было проанализировано влияние дипломатических отношений между двумя странами на содержательную сущность исследования политических социальных процессов в этот период. В частности в исследование освещается несколько посольство, который имеет большое значение в дипломатических отношениях между Бухарой и Россией.

Ключевые слова: Бухарский эмират, Российская империя, дипломатические отношения, научная сессия, Полвонкули курчи, Эрназар Максуд угли, посольство, советский период, Х.З.Зиёев, Х.Г.Гуломов, Г.А.Михалева, Т.Г.Тухтаметов.

Sunnatilla Khamraev,
Lecturer of the Department of "Source Studies and Archival Studies" of the Historical Faculty of the Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan
hamroyev.s@mail.ru
Madina Adilova,
Master of the Faculty of History of the Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan
madinamansurova97@mail.ru

THE HISTORY OF DIPLOMATIC RELATIONS BETWEEN THE EMIRATE OF BUKHARA AND THE RUSSIAN EMPIRE IN SOVIET HISTORIOGRAPHY (60-80-ies OF XX CENTURY)

ABSTRACT

Within the framework of this article, it is intended to highlight the diplomatic relations between the Emirate of Bukhara and the Russian Empire in the studies of the 60-80-ies of the XX century and to conduct a historiographical analysis. The features of the studies of this period and the factors influencing them are shown. The influence of diplomatic relations between the two countries on the substantive essence of the study of political social processes during this period was analyzed. In particular, the study highlights several embassies, which is of great importance in diplomatic relations between Bukhara and Russia.

Keywords: Bukhara Emirate, Russian Empire, diplomatic relations, scientific session, Polvonkuli kurchi, Ernazar Maksud ugli, embassy, Soviet period, H.Z.Zieev, H.G.Gulomov, G.A.Mikhaleva, T.G.Tukhtametov

---

1. Кириш:

XX асрнинг 60-80-йилларида нашр қилинган Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихини тадқиқ этишга бағишланган адабиётларни таҳлил қилиниши ушбу мавзуни ўрганиш ривожланганлигини кўрсатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, совет даврига оид тадқиқотларни икки гуруҳга ажратишнинг мантиқий асоси сифатида 1959 йил 26-29 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтган СССР Фанлар академияси, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон ССР Фанлар Академиясининг биргаликдаги илмий сессияси[1] хулосалари инобатга олинди. Илмий

сессияда Ўрта Осиёнинг Россияга “қўшилишининг” ушбу ҳудулардаги тараққиётни ривожлантирувчи аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги хулоса Иттифоқнинг барча аъзолари тарафидан қўллаб қувватланди. Ушбу хулосалар тарихни тадқиқ этиш жараёнларига ўзининг мафкуравий таъсир қилди ҳамда тарихчи тадқиқотчиларнинг ёндашувларининг ўзгаришига жиддий таъсир ўтказди. Шу боисдан даврий чегарани 1960 йиллардан ажратиб олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Зеро, мазкур йиғилишдан кейинги даврда яратилган тадқиқотларда илмий сессияда ўрнатилган тенденцияларнинг Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатларни тадқиқ қилинишида ёндашувларга таъсири бўлганлигини қайд этиш ўринлидир.

2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда XX асрнинг 60 – 80 йилларидаги тадқиқотларда Бухоро ва Россия дипломатик муносабатлари тарихи тарихшунослик нуқтаи назаридан илмий таҳлил этилган.

3. Тадқиқот натижалари:

XX асрнинг 60-йилларидан кейинги даврда Бухоро-Россия дипломатик муносабатларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар Ҳ.З. Зиёев[2], Н.А. Халфин[3], Х.Г. Гуломов[4], Г.А. Михалева[5], П.Е. Матвиевский[6], Н.Б. Байкова[7] каби тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган. Шунингдек, Т.Г. Тухтаметов[8], Д.Ю. Арапов[9], Б.В. Лунин[10] монографияларида ҳам мавзуга алоқадор маълумотлар келтириб ўтилади.

Мазкур даврда амалга оширилган тадқиқотларни таҳлилини қуйидаги тамойиллар асосида олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатларда иккала тараф мақсадлари ҳамда манфаатларининг очиб берилиши;
- икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг иштирокчилари бўлган барча элчиликларни қамраб олган ҳолда ўрганилиши;
- барча элчиликларнинг сабаблари ва ўзаро келишувлари натижаларининг кейинги тарихий жараёнларга таъсири қиёсий таҳлилининг амалга ошириш масалалари;
- тадқиқотчиларнинг дипломатик муносабатларга ёндашувлари.

Мазкур даврда Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги элчилик алоқалари ҳақида Ҳ.З. Зиёев “Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI асрнинг иккинчи ярми–XIX асрлар)[11]”, номли тадқиқотида Астрахан йўли орқали Россияга борган Эрназарбий, Полвонқули қўрчи ва Мирзо Абдулла элчиликлари хусусида сўз юритилади. Ушбу элчиликлар зиммасига юкланган вазифалар ҳамда унинг натижалари келтириб ўтилган. Аммо, Россия империясининг мақсадлари тўла очиб берилмаганлигини қайд этиш лозим. Хусусан, Полвонқули қўрчи элчилигининг Россия императоридан Бухоро амирининг Эронга қарши иттифоқ тузиш ёки, амирга ҳарбий қурол ва қўшин билан ёрдам кўрсатиш таклифига рад жавоби сабаблари “рус ҳукумати Бухоро хонлиги учун Эрон билан алоқани кескинлаштиришни лозим топмаган”[12] деб, қисқа хулоса берилган. Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, Россиянинг Ўрта Осиё хонликларига қўшин юбориш масаласида эҳтиёткорона сиёсат олиб бориш тажрибасига эга эди. Бундан ташқари, Россия империясининг ўз ташқи сиёсатдаги вазияти, халқаро муносабатлардаги ҳолати бунга йўл қўймас эди.

Тадқиқотчининг “XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари”[13], номли тадқиқотида Оренбург орқали бўлган элчилик муносабатлари, элчиларнинг фаолияти ҳақида малумотлар тақдим этилади. Ушбу тарихий жараёнлар архив материаллари асосида ёритилган бўлиб, илмий нуқтаи назардан қимматли ҳисобланади, шу билан бирга муаллиф томонидан қисқа хулосалар бериб ўтилганлигини таъкидлаш лозим.

Хусусан, Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дастлабки элчилик алоқаси бўлган, Эрназар Мақсуд ўғли элчилиги ҳақидаги маълумотлар эътиборга лойиқ. Бунда элчилик сабаблари, элчиликнинг натижалари баён қилинган. Ҳ.З. Зиёев тадқиқотларида мазкур элчилик фаолиятини ўрганиш қўшимча маълумотлар билан бойиганлигини ва ёндашувнинг ўзгарганлигини кузатиш мумкин. Ҳ.З. Зиёев биринчи

элчилик икки давлат ўртасидаги савдо алоқалари ривожига бўлган тўсиқларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилган деб таъкидлаган. Шунингдек, у Россиянинг Бухорога уч минг пуд мис ва қурол-яроғ сотиб олишга рухсат бериш сўралганлигини қайд этади [14]. Иккинчи элчилик сабаблари эса олдинги давр маълумотлари билан деярли бир хил, аммо Россия чегаралари ва Усмонли Турклар давлати орқали Макка шаҳрига ўтиш сўралганлиги тўғрисида кам маълумот берилган. Ушбу ҳолатни мазкур давр ижтимоий-маданий сиёсатининг тадқиқотга таъсири сифатида баҳолаш мумкин.

Ҳ. Зиёев масалага ўзаро муносабатларнинг фақатгина Бухоро учун эмас, балки, Россия учун ҳам аҳамиятли жиҳатлари мавжудлигини қисман бўлса-да таъкидлайди. Қолаверса, тадқиқотчи муаммога Бухоролик савдогарларнинг Россия билан Шарқ давлатлари ўртасидаги алоқаларда муҳим аҳамият касб этиши тарафидан ёндошган. Жумладан, Ҳ. Зиёев фикрича: “Оренбург орқали Ўрта Осиё билан Россия ўртасидаги савдода бухоролик савдогарлар салмоқли ўринни эгаллаб катта фойда олаётган эдилар. Ўз навбатида рус ҳукумати ўзининг Ўрта Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан алоқасида бухоролик савдогарларнинг тутган муҳим ўрнини яхши англар эдилар”[15]. Қолаверса, Ҳ. Зиёев Россия ҳукумати маблағига [императрица Екатирина – С.Ҳ., М.А.] Бухорода мадраса қурилишидан мақсади ўзбек хонликларида Россиянинг қудратини намойиш қилиш ва унинг таъсирини кучайтириш эди деб, баҳолаган[16]. Мазкур фикрлар мавзуга алоқадор тадқиқотлар ичида дастлабки шундай ёндашув бўлганлиги билан эътиборлидир.

Ҳ. Зиёев ўзининг бошқа бир тадқиқотида Рус ҳукумати элчи мулла Эрназар Мақсудовга ҳали ҳеч бир осиёликка берилмаган имтиёз ва ҳадялар берганлигини эътироф этади. Шу сабабдан элчилар муносиб кутиб олиниб, иложи борича барча илтимослари рағбатлантирилишига уринилганлиги таъкидланади. Россия ҳукумати томонидан бухоролик савдогарлар таланишидан кўрилган зарар ундириб бериш ҳақидаги сўров бажарилмаганлиги, ушбу ишнинг иложи бўлмаганлиги билан изоҳланади[17]. Эрназар Мақсуд ўғлининг ўзига савдо учун кема ажратилиб, маълум миқдордаги моллар ва маълум миқдорда белгиланган савдо ҳажми учун божсиз савдо имтиёзининг берилади. Четга сотилиши қатъий назорат қилинидиган темир ва мис каби маҳсулотлар Бухорога юборилади[18]. Бундай имтиёзлар берилиши Россия империяси Бухоро амирлиги билан ўзаро муносабатлардан манфаатдор эканлигини кўрсатади. Тадқиқотчи Ҳ. Зиёевнинг етарлича далилларни келтириб ўтади аммо, Россия империясининг Бухоро амирлиги билан ўзаро муносабатларга интилишини очиқ баён қилишдан чекинади. Масалага бундай ёндашувни ҳамда тарихий жараёнларга шахсий хулосаларнинг қисқалигини давр моҳиятининг хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин.

Ҳ. Зиёев тадқиқотларида Бухоро амирлиги билан Россия империяси ўртасидаги элчилик алоқаларининг кўп иштирокчилари қамраб олинган ҳамда архив ҳужжатларидан кенг фойдаланган ҳолда ёритилган. Шундай бўлсада, барча элчиликлар фаолияти ҳақида тўхталиб ўтилмаганлигини кузатиш мумкин. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлардан Россиянинг босқинчилик режалари ҳақида сўз юритишдан йироқ бўлишга ҳаракатлар сезилади.

Шу ўринда мазкур даврда амалга оширилган яна бир тадқиқот Х. Ғуломовнинг “Посольские связи Бухарского ханства с Россией в XVIII веке” номли номзодлик диссертациясида элчиликнинг мақсади сиёсий аҳамият касб этганлиги ҳақида ўринли мулоҳазалар илгари сурилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, иккинчи элчиликнинг асосий мақсади савдогарларнинг таланиши ва бухороликларнинг Маккага ўтиши эмас балки, Усмонли Турклар давлати билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш истаги юзасидан амалга оширилганлиги таъкидлананади[19]. Шу ўринда айтиш мумкинки ушбу фикр Совет даври тадқиқотчилари орасида илк бор ўртага ташланган.

Х.Г. Гуломов тадқиқотларида эътиборга лойиқ жиҳатларадан яна бири, Эрназарбий ва Полвонқули қўрчи элчиликлари фаолиятини ўрганилади. Бунда Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг ривожланиш босқичларини ва унинг савдо иқтисодий муносабатлардаги аҳамиятини ўрганиш, ўзаро алоқоларга интилиш сабаблари ва мақсадларини ўршанишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди[20].

Мазкур даврда Эрназар Мақсуд ўғли элчилиги билан боғлиқ тарихий жараёнларни ўрганишда икки томоннинг манфаатлари етарли даражада акс эттирилмаган. Россиянинг Бухоро билан ўзаро дипломатик алоқалардан кўзлаган мақсадлари тўғрисида аниқ мантиқий мулоҳазалар берила бошланган. Бухоронинг Усмонли Турклар давлати билан рус чегараларидан ўтиб алоқа боғлашига рухсат берилишидан Россиянинг манфаатлари ҳақида сўз юритилмаган.

Н.А. Халфин ва Г.А. Михалеванинг ишларида Оренбург карвон йўли орқали Россия билан Ўрта Осиё давлатлари ўртасидаги савдо ва элчилик алоқалари кенг миқёсда манбалардан фойдаланилган ҳолда ўрганилган. Оренбург шаҳрига асос солиниши масаласи ва рус ҳукуматининг Ўрта Осиё билан савдосининг ривожи кенг тадқиқ қилинган. Россия империяси билан Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги савдонинг ривожи, рус ҳукумати томонидан қозоқ даштлари орқали ўтувчи карвон йўлларининг қўриқланиши масалалари ўрганилган. Оренбург орқали XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярмидаги Россия – Ўрта Осиё элчилик алоқалари ўрганилган. Г.А. Михалева Россиянинг Ўрта Осиё билан муносабатларини кенг миқёсдаги архив манбалари асосида янги йўналиш ва ёндашувлар билан ўрганган.

Олима, Г.А. Михалева Бухоронинг Россияга яқинлашуви Амир Шоҳмурод ва унинг ўғли Амир Ҳайдар даврида кучайганини таъкидлайди. Бухоринг Россия билан дипломатик муносабатларга интилиши сабабини минтақада сиёсий вазиятини яхшилаш, агрессив қўшнилардан ва душманлардан ҳимояланиш мақсадида бўлганлиги ҳақидаги фикрни илгари суради[21].

Бухоро амирлиги Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатларининг савдо-иқтисодий аҳамияти ҳамда ўзаро муносабатларда Оренбургнинг ролини очиб бериш нуқтаи назаридан ўрганилган. Тадқиқотчи Г.А. Михалева ишларида фақатгина Оренбург орқали амалга оширилган элчилар фаолияти хусусида тўхталиб ўтилган. Икки давлат ўртасидаги элчилар алмашинувининг сабаблари ва унинг натижалари батафсил ўрганилиб таҳлил қилинмаган бўлса-да, архив ҳужжатлари ва бошқа адабиётларга асосланган ҳолда қисқа тафсилотлар келтирилган.

Т.Г. Тухтаметов тадқиқотида Ўрта Осиё учун инглиз-рус рақобатчилиги хусусида сўз юритилади. Жумладан, Россияга қарши ҳарбий иттифоқ тузиш топшириғини олган полковник Стоддорт “рус асирларини озод этиш” баҳонаси билан Эрондан Бухорога келганлиги ва муваффиятсизликка учрагани тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади[22]. Умуман олганда тадқиқотда инглиз элчилари ва жосуслари Ўрта Осиё хонликларини Россияга қарши бирлаштиришга уринганлиги таъкидланади[23]. Тадқиқотда Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатлар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Аммо, Ўрта Осиё учун инглиз–рус рақобатининг ёритилиши Россиянинг мазкур минтақадаги манфаатлари юзасидан дипломатик муносабатларга интилишини кўрсатади. Шунингдек, Англиянинг Ўрта Осиёга ўз миссияларини юбориши босқинчилик учун шароит яратиш деб баҳоланиб, Россия империяси бунинг олдини олиш учун Ўзбек хонликларига кўмаклашганлиги нуқтаи назари илгари сурилади.

4.Хулоса:

Ушбу давр тадқиқотларида ҳам масалага бир томонлама ёндашув мавжудлигини таъкидлаш лозим. Россиянинг Бухоро билан ўзаро дипломатик алоқалардан кўзлаган мақсадлари тўғрисида аниқ мантиқий мулоҳазалар келтирилмаган, савдо имтиёзлари, Бухоронинг Усмонли Турклар давлати билан рус чегараларидан ўтиб алоқа боғлашига рухсат берилишидан Россиянинг манфаатлари масаласи ёритилмаган.

Совет даврининг 60-йилларидан кейинги мазкур мавзуга доир тадқиқотларда масалага ёндашув бир қадар ўзгарганлигини кўриш мумкин. Буни биринчи навбатда дипломатик муносабатлар доирасида ўрганиш эмас, Россия ва Ўрта Осиё давлатлари алоқаларининининг ривожланиб бориши нуқтаи назаридан тадқиқ ва талқин этиш устунлик қилади. Шунингдек, ўзаро муносабатларда асосий эътибор савдо-иқтисодий алоқаларга қаратилади. Бундан

ташқари халқаро муносабатлар тизимида Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати четлаб ўтилиб, Ўрта Осиёни истило қилиш мақсадларидан узоқ мамлакат сифатида намоён қилиш тенденцияси кузатилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. https://libmonster.ru/m/articles/view/объединенная-научная-сессия-посвященная-прогрессивному-значению-присоединения-средней-азии-к-россии.
2. Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX асрлар). Тошкент: Фан. 1965.; Зияев Ҳ. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. Тошкент: Фан. 1973. (Ziyaev H. The height of Central Asia and the Volga (the second half of the XVI century – the XIX centuries). Tashkent: Science. 1965.; Ziyaev H. In the XVIII century, the Central Asian and Ural Highlands. Tashkent: Science. 1973.)
3. Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (Первая половина XIXв.). М., 1974. Н.А.Халфин. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). М., Наука. 1983. 21-бет. (Khalfin N.A. Russia and the Khanates of Central Asia (The first half of the XIX century). M., 1974. N.A.Khalfin. Notes on the Bukhara Khanate (Reports by P.I. Demezon and I.V. Vitkevich). M., Science. 1983. P. 21.)
4. Гуламов Х.Г. Посольские связи Бухарскоо ханства с Россией в XVIII веке. Дисс.канд. ист. наук. Ташкент: 1984; ўша муаллиф. К истории связей между Россией и Бухарой во второй половине XVIII века. // Общественные науки в Узбекистане. Ташкент. 1976. № 7.; ўша муаллиф. Бухоро элчиси-Россияда Фан ва турмуш. Тошкент. 1979. № 7.; ўша муаллиф. Первое посольство Ирназара Максютова в Россию. // Общественные науки в Узбекистане. Ташкент. 1984. № 5. (Gulamov H.G. Embassy relations of the Bukhara Khanate with Russia in the XVIII century. Diss. Candidate of Historical Sciences. Tashkent: 1984; The same. On the history of relations between Russia and Bukhara in the second half of the XVIII century. // Social Sciences in Uzbekistan. Tashkent, 1976. No. 7.; The same. Ambassador of Bukhara-science and marriage in Russia. Tashkent. Tashkent. 1979. №7.; The same. The first embassy of Irnazar Maksyutov to Russia. // Social Sciences in Uzbekistan. Tashkent, 1984. No. 5.)
5. Михалева Г.А. Торговые и дипломатические связи России о Бухарским ханством через Оренбург в конце XVIII – начале XIX века. Дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 1963.; ўша муаллиф. Торговые посольские связи России со среднеазиатскими ханствами через Оренбург (XVIII – первая половина XIX вв.). Ташкент, 1982. (Mikhaleva G.A. Trade and diplomatic relations of Russia with the Bukhara Khanate through Orenburg in the late XVIII - early XIX century. Diss. Candidate of Historical Sciences. Tashkent, 1963.; The same. Trade embassy relations of Russia with the Central Asian khanates through Orenburg (XVIII - the first half of the XIX centuries). Tashkent, 1982.)
6. Матвиевский П.Е. О роли Оренбурга в русско-индийской торговле в XVIIIв. // История СССР. М., 1969, №3.109-115 бетлар. (Matviyevsky P.E. On the role of Orenburg in the Russian-Indian trade in the XVIII century. // History of the USSR. M., 1969, No. 3. Pp.109-115.)
7. Байкова Н.Б. Роль Средней Азии в русско-индийских торговых связях. Ташкент, 1964. (Baykova N.B. The role of Central Asia in Russian-Indian trade relations. Tashkent, 1964.)
8. Тухтаметов Т.Г. Россия и Хива в конце XIX – начале XX в. победа Хорезмской народной революции. М., 1969. (Tukhtametov T.G. Russia and Khiva in the late XIX - early XX century. The victory of the Khorezm People's Revolution. M., 1969.)
9. Арапов Д.Ю. Бухарское ханство в русской востоковедческой историографии. Москва. 1981. (Arapov D.Y. Bukhara Khanate in Russian Oriental historiography. Moscow. 1981.)
10. Лунин Б.В. История Узбекистана в источниках (известия путешественников, географов и ученых XVI – первой половины XIX в.). Ташкент, фан. 1988. (Lunin B.V. History of

Uzbekistan in sources (news of travelers, geographers and scientists of the XVI - first half of the XIX century). Tashkent, fan. 1988.)
11. Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX асрлар). Т.: Фан. 1965. (Ziyaev H. The height of Central Asia and the Volga (the second half of the XVI century – the XIX centuries). Tashkent: Science. 1965.)
12. Юқоридаги асар. 85-бет. (Ibid. P. 85.)
13. Зияев Ҳ.. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. Тошкент: Фан. 1973. (Ziyaev H. In the XVIII century, the Central Asian and Ural Highlands. Tashkent: Science. 1973.)
14. Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX асрлар). Тошкент: Фан, 1965. 77-бет. (Ziyaev H. The height of Central Asia and the Volga (the second half of the XVI century – the XIX centuries). Tashkent: Science. 1965. P. 77.)
15. Зияев Ҳ. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. Тошкент: Фан, 1973. 27-бет. (Ziyaev H. In the XVIII century, the Central Asian and Ural Highlands. Tashkent: Science. 1973. P. 27.)
16. Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX асрлар). Тошкент: Фан, 1965. 80 бет. (Ziyaev H. The height of Central Asia and the Volga (the second half of the XVI century – the XIX centuries). Tashkent: Science. 1965. P. 80.)
17. Юқоридаги асар. 79-80 бетлар. (Ibid. Pp. 79-80.)
18. Юқоридаги асар. 79-бет. (Ibid. P. 79.)
19. Гулямов Х.Г. Посольские связи Бухарского ханства с Россией в XVIII веке. Дисс. канд. ист. наук. Ташкент: 1984. 147-бет. (Gulyamov H.G. Embassy relations of the Bukhara Khanate with Russia in the XVIII century. Diss. Candidate of Historical Sciences. Tashkent: 1984. P. 147.)
20. Гуломов Х.Г. Посольские связи Бухарскоо ханства с Россией в XVIII веке. Автореферат, дисс. канд. ист. наук. Ташкент: 1984. 2-бет. (Gulomov H.G. Embassy relations of the Bukhara Khanate with Russia in the XVIII century. Abstract, dissertation of the Candidate of Historical Sciences. Tashkent: 1984. P. 2.)
21. Михалева Г.А. Торговые и дипломатические связи России с Бухарским ханством через Оренбург в конце XVIII – начале XIX века. Дисс. канд. ист. наук. Ташкент: 1963. 95-бет. (Mikhaleva G.A. Trade and diplomatic relations of Russia with the Bukhara Khanate through Orenburg in the late XVIII - early XIX century. Diss. Candidate of Historical Sciences. Tashkent, 1963. P. 95)
22. Тухтаметов Т.Г. Россия и Хива в конце XIX – начале XX в. победа Хорезмской народной революции. М., 1969. 15-бет. (Tukhtametov T.G. Russia and Khiva in the late XIX - early XX century. The victory of the Khorezm People's Revolution. M., 1969. P. 15.)
23. Юқоридаги асар. 15-бет. (Ibid. P. 15.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Феруза Раҳмоналиевна Ҳасанова,
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик
ва дизайн институти ўқитувчиси
E-mail: jasur184@list.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ

For citation: Feruza R. Khasanova, SOCIAL-POLITICAL ACTIVITIES OF WOMEN OF UZBEKISTAN IN THE THIRD RENAISSANCE. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.570-574

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-78

АННОТАЦИЯ

Мақолада учинчи ренессанс пойдеворини яратишда аёлларнинг ўрни, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, турли соҳаларда қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши эканлиги, хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари, хотин – қизларининг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки тўғрисидаги фикрлар ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: хотин-қизлар, гендер тенглик, давлат сиёсати, ислоҳот, жамият, ижтимоий фаоллик, маҳалла ва оила институти, давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий-сиёсий соҳа, аёллар ҳуқуқ ва манфаатлари.

Феруза Раҳмоналиевна Хасанова,
Преподаватель Национальный институт художеств
и дизайн имени Камолиддина Бехзода
E-mail: jasur184@list.ru

СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ЖЕНЩИН УЗБЕКИСТАНА В ТРЕТЬЕМ РЕНЕССАНСЕ

АННОТАЦИЯ

В статье подчеркивается роль женщин в построении фундамента третьего возрождения, повышении общественно-политической активности женщин, обеспечении гендерного равенства и законных интересов, создании благоприятных условий для реализации своих способностей и возможностей в различных сферах, об участии государства и общества в управлении.

Ключевые слова: женщины, гендерное равенство, государственная политика, реформа, общество, социальный активизм, институт сообщества и семьи, государственное и общественное управление, социально-политическая сфера, права и интересы женщин.

Feruza R. Khasanova,
Teacher of the National Institute of Arts and Design
Named after Kamoliddin Behzod
E-mail: jasur184@list.ru

SOCIAL-POLITICAL ACTIVITIES OF WOMEN OF UZBEKISTAN IN THE THIRD RENAISSANCE

ABSTRACT

The article emphasizes the role of women in building the foundation of the third revival, increasing the social and political activity of women, ensuring gender equality and legitimate interests, creating favorable conditions for realizing their abilities and capabilities in various fields, and on the participation of the state and society in governance.

Index terms: women, gender equality, state policy, reform, society, social activism, community and family institution, state and public administration, socio-political sphere, rights and interests of women.

---

1. Долзарблиги:

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда юртимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида аёллар раҳбарлик лавозимларида ишлаётгани ҳамда самарали меҳнат қилиш орқали ўз иқтидорларини намоён этаётганлари таҳсинга лойиқ.

Сўнгги йилларда хотин-қизларга бўлган муносабат ва эътибор янада кучайди. Буни уларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги фаолликларини янада кенгайтиришга қаратилган амалий ишларда кузатиш мумкин. Бугунги кунда хотин-қизларнинг илм-фан ва таълим тизимида ҳам тўлақонли иштирок этиши, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти, давлат хавфсизлиги, ички ва ташқи сиёсат масалаларида фаол иштирок этиши оддий бир ҳолга айланиб бормоқда. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, жамият томонидан уларнинг қўллаб-қувватланишига қараб мазкур давлатнинг илғорлиги, тараққий этганлиги даражаси ва тутган мавқеини аниқлаш мумкин. Ана шу жиҳатдан олганда, мамлакатимиз тарихида ўзининг ноёб иқтидори, билими, савияси ва зукколиги билан ном қолдирган ҳамда мустақил дунёқарашга, фалсафий мушоҳадага эга юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда алоҳида ўрнига эга “ўнлаб опа-сингилларимиз “Ўзбекистон Қаҳрамони, “Ўзбекистон фан арбоби”, “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси”, “Ўзбекистон халқ шоири, “Ўзбекистон халқ артисти” сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлган. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъдоди билан Ватанимиз равнақига астойдил хизмат қилиб келмоқда”[1].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

2019 йил сентябрида қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун гендер тенглик бобида қўйилган улкан қадам бўлди. Унга кўра миллий қонунчилигимизда биринчи марта “гендер” аёл ва эркакларнинг жамиятдаги ўрнини топишга қаратилган тушунча сифатида моҳиятан ёритилди. Гендер- хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятидаги барча соҳалар – сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият,таълим, илм-фанда бўладиган ижтимоий жиҳат эканлиги таъкидланди. Мазкур қонуннинг 4-моддасида эса демократизм, хотин-қизлар ва эркакларга тенг ҳуқуқлилик, жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик, очиқлик ва шаффофлик каби принциплар гендер тенгликни таъминлашдаги асосий принциплар сифатида белгиланди.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75 сессиясида онлайн тарзда ва ўзбек тилида қилган нутқида 11та глобал муаммолар қаторида гендер тенглик масалалари ҳақида гапириб, Ўзбекистонда гендер сиёсат давлат аҳамиятига молик масала эканлиги, айниқса, янги парламент таркибидаги депутат хотин-қизлар сони бугунги кунда 2 баравар ошганлиги таъкидланди. [2.]

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасида хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30%ни ташкил этиши белгиланганлиги юқоридаги фикрларнинг тасдиғидир. 2019 йил 22 декабрь куни мамлакат парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар натижасига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. 2014 йилда Қонунчилик палатасига 24 нафар аёл сайланган эди. Бу кўрсаткич Сенатда ва маҳаллий кенгашларда 25 фоиздан ошди, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатларининг 31,2% ини аёллар ташкил қилди. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “...Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, – шунга эътибор беришингизни сўрайман – бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик”.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида 32 фоиз, Сенатда 25 фоиз, маҳаллий Кенгашларда 25 фоиз аёлларимизнинг борлиги уларнинг давлат бошқарувидаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги натижасидир. Ҳаёт мазмунини тўғри тушунадиган,билимдон, фаол ва ташаббускор хотин-қизларимизнинг эришган бу кўрсаткичлари эса ўз ўрнида жамиятимизнинг иқтисодий ўсишига, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг моддий ва маънан юксалишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари, сайловларда иштироки, парламентда ўз ўрнига эга бўлиши, бошқарув ва ҳокимият идораларида ҳизмат қилиши тўлиқ кафолатланган. Хотин-қизларнинг турли-туман ижтимоий институтлар (аёллар кенгаши, тадбиркор аёллар уюшмалари, партиялардаги фаолияти, хайрия ташкилотлари ва ҳ.к.)нинг мавжудлиги турли манфаат ва нуқтаи назарларни ифодалаш, эҳтиёжларни қондириш, муҳофазалаш имконини беради. Хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши ва бошқарувидаги ролини кучайтириш, уларнинг сиёсий ҳуқуқларини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли уларнинг жамиятдаги тутган ўрни юксалди. Аёллар орасида “Ўзбекистон Қаҳрамони”, “Депутат”, “Сенатор”, “Вазир”, “Вазир ўринбосари”, “Академик”, “Олима”, “Тадбиркор”, “Директор” атамалари қўшиб айтилиши бунинг яққол мисолидир. Давлат ва жамият институтларида аёлларнинг раҳбар лавозимларга тайинланиши нисбатан ортди. Раҳбар аёллар кўрсаткичи 2017 йили 44,2%ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 45,3 %га етганлиги мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларимиз натижасидир.

Илк бор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери лавозимига аёл киши сайланди. Олий Мажлис Сенати раиси лавозимига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев тавсияси билан Т.Норбоева сайланди. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири лавозимига Агрепина Шин, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига Э.Баситханова, Бош прокурор ўринбосари лавозимига С.Ортиқова, қатор тумани ҳокимлари ҳамда олий таълим муассасаларида ректор лавозимига ҳам аёллардан номзодлар тайинланди. Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланиши, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган “Мўътабар аёл”кўкрак нишони таъсис этилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни” муносабати билан қилган нутқида Учинчи Ренессанс пойдевори мазмун-моҳияти ҳақида гапириб: “Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-

маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз. Мен ишонаман- ҳурматли ота-оналар бу ташаббусни албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устуни бўладилар”[3.] деб таъкидладилар.

Хотин-қизлар масаласи эндиликда, XXI асрга келиб, янада долзарб тус олди, чунки ҳеч қачон ҳозиргидек, муҳим ва улкан ўзгаришлар содир этилган эмас. Бу борада шундай фикрлар бор: ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Дарҳақиқат, ислоҳатларни ҳаётга тадбиқ этиш натижасида бугунги кунда мамлакатимизда биргина илм-фан соҳасида меҳнат қилаётган олима аёлларимизнинг 6 нафари академик, 514 нафари фан доктори, 4780 нафари фан номзодлари сифатида фаолият олиб бораётган бўлса, халқ таълимидаги педагог ва мураббийларнинг 70 фоизини хотин-қизлар ташкил этар экан. Бу статистик рақамларни инобатга оладиган бўлсак, янги Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифада аёлларимизнинг муносиб ўрни борлиги кундек равшан бўлади.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлатнинг ғамхўрлик сиёсати натижасида аёллар сиёсий жараёнларда нафақат фаол иштирокчи, балки жамият тараққиётида ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда. Бунга қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларида аёлларнинг сони сезиларли даражада ўсганини мисол келтириш мумкин. Масалан, Конституциявий судда 20 фоиз, Ўзбекистон Республикаси Олий судида 14,6 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида 20,4 фоиз, Олий хўжалик судида 15,8 фоиз ва Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят хўжалик судларида 22,6 фоиз хотин-қизлар ишлаётгани шулар жумласидандир. Бундан ташқари, раҳбарлик лавозимларида ишлаётган аёллар сони ҳам йилдан йилга ортмоқда. Жумладан, ижро ҳокимияти органларида раҳбарлик лавозимларининг 15 фоизини аёллар эгаллаган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашида 12,5 фоизни ташкил этаётгани мамлакатда хотин-қизларга қайдаражада эътибор қаратилаётганлигига яққол далилдир.

4.Хулосалар:

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, жамиятимизда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя этишнинг ҳуқуқий асослари яратилган ва тобора такомиллашиб бормоқда. Шундай экан, гендер тенгликни таъминлаш бобида олиб борилаётган ислоҳатлар, яратилаётган шароитлар хотин-қизлардан жамиятдаги ўз ўрнига янада масъулият билан қараш, ўз устида ишлаш, ўз истеъдодини, қобилиятини, интеллектуал салоҳиятини янада ошириш учун фаоллашишга чорлайди. Бу жараёнлар эса ўз ўрнида ҳақли равишда Учинчи Ренессанс учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи// Халқ сўзи, 2018 йил 8 март. (Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the meeting dedicated to the International Women's Day // People's speech, March 8, 2018.)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиядаги нутқидан. 2020 йил 23 сентябрь. (From the speech of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev at the 75th session of the UN General Assembly. September 23, 2020.)
3. Ш.Мирзиёев. Ўқитувчи ва мураббийлар - янги Ўзбекистон барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. ”Ўқитувчи ва мураббийлар куни”га бағишланган нутқ. 2020 йил 1 октябр. (Sh.Mirziyoev. Teachers and coaches are our great strength, support and

backbone in building a new Uzbekistan. Speech on "Teachers and Coaches Day". October 1, 2020.)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4947-сон — Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисидаги Фармони. 2017 йил 7 февраль. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. 4947 - on the Strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan. February 7, 2017.)
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. December 28, 2018.)
6. Ўзбекистон Республикасии Президентининг ―Соғлом она ва бола йили давлат дастури тўғрисидаги 2487- сонли Қарори. 2016 йил 9 февраль. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. 2487 on the State Program "Year of Healthy Mother and Child". February 9, 2016.)
7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент. 2017. 14–Б. (Mirziyoev Sh.M. Together we will build a free and prosperous, democratic state of Uzbekistan. - Tashkent. 2017. P. 14.)
8. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли Фармони. (On measures to radically improve the activities in the field of support for women and strengthening the institution of the family. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5325 of February 2, 2018.)
9. Лысенко Л. М. О роли женщины в современном обществе. Электронный ресурс http://www.socio.sphera.com/publication/conference/2016/100/o_roli_zhenwiny_v_sovremennom_obwestve/?_err=146 5289451. (Lysenko L. M. On the role of women in modern society. Electronic resource http://www.socio.sphera.com/publication/conference/2016/100/o_roli_zhenwiny_v_sovremennom_obwestve/?_err=146 5289451.)
10. Ларни М. 28 цитат великих мужчин о прекрасных женщинах. Электронный ресурс http://www.adme.ru/svoboda-kultura/28-citat-velikih-muzhchin-o-prekrasnyh-zhenschinah-1203410/ (Larni M. 28 quotes from great men about beautiful women. Electronic resource http://www.adme.ru/svoboda-kultura/28-citat-velikih-muzhchin-o-prekrasnyh-zhenschinah-1203410/)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Akmaljon Ahmadjon o'g'li Xoldarov,
Farg'ona davlat universiteti Tarix fakulteti
Jahon tarixi kafedrasi o'qituvchisi
aaxoldarov95@mail.com

NEMISLARNING O'RTA OSIYOGA KIRIB KELISHI (FARG'ONA VODIYSI MISOLIDA)

For citation: Akmaljon Xoldarov, THE ARRIVAL OF THE GERMANS IN CENTRAL ASIA (ON THE EXAMPLE OF THE FERGANA VALLEY). Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.575-592

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-79

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada 19-asr oxiri va 20-asr boshlarida nemislarning O'rta Osiyoga kirib kelishi, mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy hayotini rivojlantirishda nemislarning ulushi, hududning demografik jarayonidagi nemis aholisining roli, chekka hududlarni rivojlantirishda nemis ziyolilarining amalga oshirgan amaliy ishlari taxlil qilinadi.

Kalit so'zlar: O'rta Osiyo, Farg'ona vodiysi, E.K. Meyendorff, Georg Geggel, E.A.Eversman, X.Pander, Vladimirovka. Gnadenfeld, Keppental-Romanovka, L.G. Knop, Turkiston.

Акмалжон Холдаров,
Преподаватель кафедры всемирной истории Ферганский государственный университет, исторический факультет
aaxoldarov95@mail.com

ПРИХОД НЕМЦЕВ В СРЕДНЮЮ АЗИЮ (НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)

АННОТАЦИЯ

В этом статье на научном основе будет изучаться миграция немцев которые проникли в Среднюю Азию в конце XIX и новом XX века, доля немцев оказанные в развитии социально-экономическом жизнедеятолности края, роль немецкого населения в демографическом процессе территории, проделлных практических робот немецкой интеллегенцы в развитии края.

Ключевые слова: Средная Азия, Ферганской долина, Э.К. Мейендорф, Георг Геггел, Э.А.Эверсман, Х.Пандер, Владимировка. Гнаденфелд, Кеппентал-Романовка, Л.Г. Кноп, Туркистан.

Akmaljon Kholdarov,

Teacher of the Department of World
History Fergana State University
aaxoldarov95@mail.com

THE ARRIVAL OF THE GERMANS IN CENTRAL ASIA (ON THE EXAMPLE OF THE FERGANA VALLEY)

ABSTRACT

In this article, on a scientific basis, the migration of germans who penetratedcinto Central Asia at the end of the XIX and XX century, the proportion of germans rendered in the development of the socio-economic life of region, the role of the german population in the demographic process of the territory, the practical robot of the german intelectuals in the development will be studied, the edges.

Index Terms: Central Asia, Fergana valley, E.K.Meyendorf, Georg Geggel, E.A.Eversman, X.Pander, Wladimirovka, Gnadenfeld, Keppental-Romanovka, L.G.Knop, Turkistan.

1. Dolzarbligi:

Farg'ona vodiysi aholisi azaldan turli-tumanligi bilan ajralib turadi. Vodiy aholisi tarkibi turli millat vakillaridan iborat. Shu jihatidan ham Farg'ona yurtimizning boshqa hududlaridan farq qiladi. Qadimdan bu yerda asosan mahalliy aholi yashagan bo'lsa, keyinchalik turli xalqlarning assimilyatsiyasi natijasida hudud aholisi etnik tarkibi turli-tuman ko'rinish olgan. Vodiy aholisi etnik tarkibini o'zgarishiga nafaqat turli xalqlarning bosqini, balki xalqlar o'rtasidagi turli aloqalar ham sabab bo'lgan. Maqolada ayni shu holatlarga e'tibor qaratilgan bo'lib, bir qator aniq ma'lumotlar keltirilgan.

2. Metodlar va o'rganilganlik darajasi:

Maqolada tarixiylik, qiyosiy-mantiqiy tahlil, ketma-ketlik, xolislik tamoyillaridan foydalanilgan. Maqolada Farg'ona hududida yashagan nemis millatiga mansub aholiningo'lkamizga moslashib ketish jarayonlari, ularning mehnat jarayonlariga oid ma'lumotlar qiyosiy-tahlil orqali ko'rsatib berilgan.

3. Tadqiqot natijalari:

Nemislarning XIX-XX asrda O'rta Osiyoga kirib kelishi jarayoni, ularning mahalliy aholi turmush tarziga moslashib ketishgani va ijobiy yangiliklar qo'sha olishganiga e'tibor qaratilgan.. Bunday aloqalar savdo, ta'lim, aholi yashash darajasi yaxshilanishi bilan yoki biror xalqning etnik o'zligini yo'qotishi, milliylikning yo'qolishi bilan uzviy davom etgan. Farg'ona vodiysi o'z hududida bo'lib o'tgan tarixiy jarayonlar bilan jahon tarixi sahnasida o'z o'rniga ega hudud hisoblanadi. Xususan, XIX – XX asrlarda O'rta Osiyoga yevropaliklarning kirib kelishi hududimizda yevropa madaniyati va yashash tarzining ham keng yoyilishiga sabab bo'ldi. Ushbu davrda Farg'ona vodiysi hududiga kirib kelgan turli xalqlar qatori nemis xalqi ham O'zbekistonning boshqa hududlari rivojlanishida o'zlarining munosib hissalarini qo'shganlar. E.K. Meyendorf, E.A.Eversman, Miller (diplomatlar), A.F. Middendorf, K.Shmidt, I.Gildenshdedt, I.I.Geyer, I.Krauze (olimlar), M.F.Mauyer, Sinkler, B.S.Geyntselman, E.P.Braun. Aksentovich, Bot, I.R.Sakovich, Kiner (arxitektor va quruvchilar), Vilde, G.V.Dyurshmidt, M.German, A.Shott, L.Zalman, A.Volfza, N.A. Grinberg, A.I.Zigel, S.A.Knabe, V.E.Kox, A.F.Stefan, M.R.Keller (tadbirkorlar), K.P. Kaufman, Neyfelder, Geyshtor (shifokorlar), M.G.Shot, N.L.Pfeyfer, Y.Y.Lyutsh, N.E.Betger (o'qituvchi olimlar), Gortenveld (publitsist), Pflaumer K.R, P.F.Foss, E.I.Myuller, K.F.Lerx, A.A.Pander (foydali qazilmalar ochgan) va nemis xalqining boshqa vakillari hududdagi ilm-fan tarqqiyotiga salmoqli hissa qo'shganlar [7:10-b]. Nemislarning O'rta Osiyo bilan tanishuvlari dastlab XVII-XVIII asrlarda rus hukumatining bu yerga yuborilgan dastlabki ekspeditsiyalari natijasida yuz beradi. 1714-yil I.Buxgols, 1717-yildagi Bekovich-Cherkasskiy boshchilik qilgan ekspeditsiyalar tarkibida nemislar ham bo'lganlar. 1763-yilda Rossiya imperatori Yekaterina II doimiy yashash uchun chet elliklarga ruxsat berish haqidagi manifiyestini imzolaganidan so'ng, E.K.Meydorf, E.A.Eversman, X.Pander boshchilik qilgan " Birodar mennonitlari " guruhi tashkil etildi va ular O'rta Osiyo nemislar uchun ishonchli boshpana bo'lishi

mumkin, degan g'oyani ilgari surdilar [7:22-b]. Shu tariqa, 1880 va 1884 yillarda nemislar ilk bora Turkistonga ko'chib kela boshladilar. Turkistonga ko'chib kelgan nemis manzilgohlari ikki xil: ruscha va nemischa nomlanar edi. Vladimirovka, Gnadenfeld-Andreevka, Keppental-Romanovka kabi. 1890-1898-yillarda Buxoro va Turkistonga kelgan yevropalik 260 sayyohlardan 70 nafari germaniyaliklar bo'lib, Turkistonda eng ko'p qolib ketgan sayyohlar salmog'i bo'yicha ham nemislar yetakchilik qilishgan-14 nafar [7:26-bet].

O'rta Osiyo hududida izlanishlar olib borgan Iogann Gotlib Georgi, Iogann Falk, Peter Pallas, Samuil Gmelin, Iogann Gildenshted kabi olimlar etnik jihatdan nemis xalqiga mansub vakillar bo'lishgan [1:7-b]. 1791-yilda Turkistonning birinchi xaritasini yaratgan Yakob Bouver ham nemis millatiga mansub bo'lgan. Bundan ko'rinadiki, o'zbek va nemislarning madaniy aloqalari ma'lum bir tarixga egadir. Fikrimizning isboti sifatida Alisher Navoiy kutubxonasida saqlanayotgan XV asrga oid " To'qqiz nemis bibliyasi " kitobi, shuningdek, nemis kompozitori Georg Gendel bastalagan va London Qirollik teatrida namoyish etilgan " Temurlang/Temirlan " operasini keltirishimiz mumkin [1:7-b].

Farg'onaga dastlabki nemislarning ko'chib kelishi XIX asrning 60-yillarida kuzatildi. 1877-yilning boshlarida Farg'ona vodiysiga kelib joylashgan rusiyzabon aholi soni 700 nafarga yaqin bo'lib, ular asosan harbiy xizmatchi va mansabdor shaxslar bo'lishgan [1:265-266-b]. 1869-yilda rus fuqarolari bilan birgalikda Turkistonga 3 ta pruss va 1 ta sakson fuqarosi keladi. 1877-yilga kelib o'lkadagi nemis aholisi soni 17 kishini tashkil etadi [8:20-b]. 1876-yili Farg'ona viloyati tashkil etilgach, vodiyga harbiy bo'lgan dastlabki nemis oilasi ko'chib keldi [2:166-b]. XIX asr oxiri XX asr boshlarida yurtimizga yevropaliklarning kirib kelishining asosiy sabablari ruslashtirish, Rossiyaning ayrim qoloq, yashash tarzi og'ir bo'lgan hududlarida yashayotgan aholini O'rta Osiyoga ko'chirish orqali yashash tarzini yaxshilash edi.

O'zbekiston hududida nemislar ikkilamchi ko'chmanchilar sifatida Rossiyaning turli hududlaridan ayniqsa Povolje (Ukraina) rayonlaridan keltirilgan edilar. Ayniqsa, I jahon urushida asir tushgan Germaniya va Avstro-Vengriya askarlarini Turkistonga ommaviy ko'chirish tus olgan. Bu esa o'lkadagi nemislar salmog'iga sezilarli ta'sir ko'rsatgan.

1914-yilning iyulida Turkistonga 148 ming harbiy asiri, 350 nafar fuqaro asiri va 70 ming qochoqlar keltirilgan. 1917-yilda Turkistondagi qochoq nemislar soni 810 mingga yetadi. Bular orasida Volin va Kiyev guberniyasidan bo'lgan nemislar ham bor edi [2:167-b].

Bundan tashqari, " 3515 nafar nemis askari va 60 nafar ofitserlar Turkiston (O'zbekistonda) qolishgandi [2:167-b] ". Korxona va tashkilotlarda ishlagan nemis asirlari va qochoqlari nisbatan tinchlik, ozodlik natijasida turli xil nemis kechalarini, xayriya tadbirlari uyushtirishgan. Bu esa o'lkada nemis madaniyati jonlanishiga sabab bo'lgan. " 1922- yilda 8 ta nemis maktablari va ishchilar klublari faoliyat olib borgan [2:167-b] ".

Bizga ma'lumki, Rossiyaning O'rta Osiyoni bosib oilishining asosiy sababi paxta edi. Bu sohada muhim rol o'ynagan firma 1841 yildan Moskvada istiqomat qilgan nemis baroni L.G.Knop asos solgan " L.Knop " savdo uyi edi. Ushbu firma XIX asrning 90-yillaridan boshlab O'rta Osiyoda paxta bilan bog'liq operatsiyalarini amalga oshira boshladi [8:236-b]. Savdo uyi Namangan va Andijonda o'z bo'limlarini ochadi, Qo'qon uyezdida 355 000 pud paxtani qayta ishlaydigan ikkita paxta tozalash zavodini xarid qiladi [8:236-b] ". 1917-yilga kelib kapitali 4 mln rublga yetgan " L.Knop " savdo uyi Qo'qon, Andijon, Skobelev, Namangan, Xo'jand, Marg'ilondagi 7 ta paxta tozalash zavodlari, sovun ishlab chiqarish zavodi boshqaruvini o'z qo'liga oldi [8:236-b]. Paxtachilik sohasiga aloqador bo'lgan yog' sanoatiga ham nemis sarmoyadorlari kirib kelishga harakat qilishdi. " 1901 yilda Nemis hissadorlik jamiyati (Kyoln shahri) Turkiston yog' sanoatiga kirib kelmoqchi bo'ldi [8:237-b] ". Ammo, Turkiston general-gubernatori bunga ruxsat bermadi ". Lekin urinishlar besamar ketmadi. 1902 – yilda Namanganda " Zigel va Reynogagen " savdo uyining 2 pressli yog' zavodi ochildi. 1904- yilda ushbu firma Fedchenko stansiyasida 4 pressli yog' zavodi quradi, Namangan zavodida esa yana 1 pressni qo'shadi [8:237-b].

Nemis millati vakillarining Turkiston va Farg'ona viloyati ijtimoiy hayotida ancha faol bo'lishganini ta'kidlab o'tmoq joiz. Rossiya imperiyasidagi ko'pchilik nemislar Turkistonda

ma’muriy-harbiy lavozimlarni egallashgan: 1867-1882 yillarda Turkiston general gubernatori bo’lgan K.P. fon Kaufman, 1884-1889 yillarda N.O.Rozenbax, 1913-1914-yillarda V.E.Flug, 1914-1915 yillarda F.V.Martson. 1905-1906 yillarda Samarqand viloyati harbiy-gubernatori bo’lgan general-mayor A.Gesketlarni misol sifatida ko’rishimiz mumkin [1:7-b]. Farg’ona vodiysida nemis millatiga mansub ishchilar kamchilikni tashkil etganlariga qaramasdan jamiyat hayoti uchun zarur sohalarda faoliyat olib borganlar. 1897-yilgi ma’lumotga ko’ra, tokar va slesarlar 40 dan ko’proq kishini, qurilish-ta’mirlash ishlarida 33, temir yo’lda 50 ga yaqin, suv yo’’larida 14, xizmatchi va kunlik ishlarda 140, pochta, telegraf va telefonda 14 kishi band bo’lgan [7:32-b]. Viloyatda ilm-fan va xo’jalikning turli tarmoqlarida izlanishlar olib borgan nemis olimlari ham ko’pchilikni tashkil etadi. Masalan, V.V.Bartold, A.F.Middendorf, A.I.Vilkens (1877-1879 yillarda Farg’onada paxtachilik sohasini rivojlantirish boshchilik qilgan), R.R.Shreder (agronom- “1306” paxta navi asoschisi), K.Gilev (kon injeneri), G.G.Ottendorf (bog’bon), bulardan tashqari, Farg’ona geologiya va neft-gaz sohalari rivojiga - V.I.Veber, N.T.Lindtrop, L.A.Langer, L.A.Zindel, S.S.Shults, V.G.Kleynburg, M.N.Tramm, M.I.Brig, Y.P.Brune, T.A.Sikstel, R.F.Gekker [1: 16-b] o’lka ilm-fanining rivojiga o’z hissalarini qo’shganlar.

1930-1990 yillar oralig’ida O’zbekistonda nemis millatiga mansub aholi soning oshib borishi, ularning hayot tarziga e’tibor qaratadigan bo’lsak keng o’zgarishlarni ko’ramiz. Kollektivlashtirish va ommaviy repressiya davrida respublikaga nemislar oqimi kuchaygan. Nemislarning milliy respublikalarga yoyilishiga sabab 30 – yillarda Germaniyada fashistlar hukumatining hokimiyatga kelishi bo’ldi va buning natijasida mahalliy nemislar mamlakat ichkarisiga deportatsiya qilindi.

1936-yilda g’arbiy rayonlardan va Ukrainadan 15 ming nemis va polyaklar ko’chirildi [3:167-b]. 1939-yilga kelib O’zbekistondagi nemis aholisi soni 23 mingga yetgan [3:167-b]. Strategik qarama qarshilik va murakkab siyosiy davrda mahalliy respublikalarda madaniy–ijtimoiy jarayonlar to’xtab qolgani yo’q, albatta.

1934-yilda Markaziy nemislar byurosi hamkorligida O’zbekistonda 13 ta nemis tilini o’rgatadigan maktablar, 3 ta ishchilar klubi va milliy kutubxona faoliyat olib bordi [3:167-b]. Ikkinchi jahon urushi va undan keyingi davrlarda ham xalqlarni O’zbekistonning turli hududlariga ko’chirish siyosati davom ettirildi. 1942-yil 6-yanvardagi “ Nemis aholisini O’zbekiston SSR ning Toshkent va viloyat markazlariga ko’chirish ” to’g’risidagi 196 sonli, 1942-yil 7-oktyabrdagi “ Nemis xalqini xalq xo’jaligiga safarbar etish ” to’g’risidagi qaroriga ko’ra nemis ishchi kolonnalari tashkil etildi. Mehnatga layoqatli barcha nemislar safarbarlikka jalb etildi. Bundan faqat ayollar va 3 yoshgacha bo’lgan bolalargina mustasno bo’ldi.

Mehnatning barcha og’ir ko’rinishlarida faoliyat olib borgan nemis erkaklaridan tashqari ayollar ham keyinchalik mehnatga jalb etildi [6:906-b]. 1948-yilda Tojikiston hududidan, 1952-yilda esa Ural va Qozog’istondan O’zbekistonga bir nechta eshelonda maxsus nemis ko’chmanchilari sanoat obyektlarini qurish, tabiiy resurslar va foydali qazilmalarni qazib olish uchun olib kelingan [3: 167-168-b]. A.Qobulovning 1950-yildagi O’zbekiston SSR ichki ishlar xalq komiteti hisobotida aytilishicha, Vannovka stansiyasida, Toshkent temir yo’llari va Farg’ona neftni qayta ishlash zavodida 992 nafar nemis ayollari mehnat qilgan. Unga ko’ra; qurilish sohasida 680 ayol, tashkiliy brigadalarda 27 ayol, yordamchi mehnatda 370 nafar ayol mehnat qilgan. Ishchilar kunlik 800 gramm non va 2 mahal issiq ovqat uchun ishlashgan [6:907-908-b]. 1947-yil 1- yanvar holatiga ko’ra O’zbekiston SSR ning 10 viloyatida 1329 ta nemis oilasi (o’rtacha 3863 ta aholi) bo’lgan. Eng ko’p oila Samarqand viloyatida 914 oila (2808 ta aholi), Buxoro viloyatida 153 oila (376 ta aholi), Qashqadaryo viloyatida 60 oila (129 ta aholi), Toshkentda 40 oila (154 ta aholi) bo’lgan [6:907-b]. 1953- yil 1-yanvar holatiga ko’ra O’zbekistondagi nemislar soni 8 366 kishini tashkil etib, bunda mahalliy nemislar - 4664 nafarni, ko’chirib keltirilganlar – 1451 nafarni, surgun natijasida keltirilganlar 1185 nafarni, mehnatga safarbar etilganlar 1024 nafarni va boshqalar 42 nafarni tashkil etgan [6:908-b]. Ulardan 1382 tasi Farg’ona viloyatida joylashishgandi. 1959-yil ma’lumotiga ko’ra O’zbekistonda 18 mingta nemis istiqomat qilgan. 1959-yildan 1970-yilgacha O’zbekistondagi nemis aholisi salmog’i 2 barobar o’sib, 33 991 nafarga yetadi. XX asrning 80-yillariga kelib nemis xalqi o’sishi to’xtaydi [6:912-b]. Bunga asosiy sabab Germaniyadagi siyosiy

vaziyatning o'zgarishi tufayli SSSR dagi nemislarning Germaniyaga ommaviy ko'chishi bo'ladi. 1988-yilda SSSR dan Germaniyaga 50 ming nemis, 1989-yilda 100 ming nemis, 1990-yilga kelib esa 150 ming nemislar Germaniyaga ko'chib ketishadi [3:905-b].

4. Xulosa:

O'zbekiston mustaqillikka erishganidan so'ng yurtimizdagi barcha elat va millatlarga o'z milliy qadryati, dini, urf-odatini bajarish uchun erkin sharoit yaratib berildi. Davlatimiz bosh qomusida ham har bir millatning o'z milliy erkinligi qonuniy aks etdi. Yurtimizda yashab kelayotgan 130 dan ortiq millatlar orasida nemis millati ham o'z o'rniga ega hisoblanadi. 1990-yil 14-fevral Farg'ona viloyati xalq sovet kengashi deputatlari qarori asosida tashkil etilgan "Wiedergeburt" jamiyati o'lkamizdagi nemis aholisi milliy qadryatlarini saqlash va rivojlantirish bo'yicha qilingan ishlarning amaliy natijasi bo'ldi. 2000-yilga kelib O'zbekistonda 7838 nafar nemis aholisi yashab kelmoqda.

Shunday qilib, yuz yildan oshiq vaqt mobaynida nemis xalqi ham yurtimizda xalqimiz bilan yonma-yon yashab kelmoqda. Garchi keying yillarda Germaniyaning birlashuvi natijasida ko'plab nemis xalqiga mansub fuqarolar o'z yurtlariga ko'chib ketgan bo'lsalarda, ular qoldirgan iz butunlay yo'q bo'lib ketmadi. Viloyat maktablarida nemis tilining chet tili sifatida o'qitilishi bunga yaqqol misoldir.

O'zbekistonda yashagan nemis xalqi soni turli yillarda:

Yillar	Aholi soni
1877	17
1926	4 646
1939	23 000
1979	39 517
1989	39 809
1998	38 908
2000	7 838

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. Die Deutschen des Ferganatals: geschichte und gegenwart. Seite-114. " Farg'ona.2010.

2. Этнический атлас Узбекистана. Отв. ред-А.Ильхамов. Узбекистан. 2002. (Ethnic Atlas of Uzbekistan. Resp. Edited by A. Ilkhamov. Uzbekistan. 2002.)

3. Грибанова. Е.М. (Алматы) поиск путей преодоления миграционных настроений немцев казахстана в 1970-х гг. и его результаты. Стр-897-905. Начальный период Великой отечественной войны и депортация российских немцев: Взгляды и оценки через 70 лет Материалы 3-й международной научно-практической конференции. Саратов, 26–28 августа 2011 г. (Gribanova. EAT. (Almaty) search for ways to overcome the migration sentiments of the Germans of Kazakhstan in the 1970s. and its results. Pp-897-905. The initial period of the Great Patriotic War and the deportation of Russian Germans: Views and assessments after 70 years. Proceedings of the 3rd International Scientific and Practical Conference. Saratov, August 26-28, 2011)

4. Иофе.В. Доцент. "Из истории немецкой диаспора в Узбекистана". 2011 г. (Iofe V. Assistant professor. "From the history of the German diaspora in Uzbekistan". 2011 r.)

5. Иноятова Д.М. (Ташкент). Гражданская идентичность и внутренний мир советских немцев в Узбекистане в годы войны. Стр-301-311. Гражданская идентичность и внутренний мир российских немцев в годы великой отечественной войны и в исторической памяти потомков. Материалы XIII международной научной конференции. Москва, 21–23 октября 2010 г (Inoyatova D.M. (Tashkent). Civil identity and the inner world of Soviet Germans in Uzbekistan during the war. Page-301-311. Civil identity and the inner world of Russian Germans

during the Great Patriotic War and in the historical memory of descendants. Materials of the XIII international scientific conference. Moscow, October 21-23, 2010)

6. Иноятова Д.М. (Ташкент). немецкое население узбекистана в послевоенное десятилетие. Стр-906-913. Начальный период Великой отечественной войны и депортация российских немцев: Взгляды и оценки через 70 лет Материалы 3-й международной научно-практической конференции. Саратов, 26–28 августа 2011 г. (Inoyatova D.M. (Tashkent). German population of Uzbekistan in the post-war decade. Page-906-913. The initial period of the Great Patriotic War and the deportation of Russian Germans: Views and assessments after 70 years. Proceedings of the 3rd International Scientific and Practical Conference. Saratov, August 26-28, 2011)

7. Sobirov N, Egamnazarov A. Farg'ona vodiysining ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy rivojlanishida nemis ishbilarmonlarining hissasi. 164-bet. Toshkent. "Falsafa va huquq". 2012. (Sobirov N, Egamnazarov A. The contribution of German businessmen in the socio-economic and cultural development of the Fergana Valley. Page 164 Tashkent. "Philosophy and Law". 2012.)

8. Xolliyev. A. O'zMU. XIX asrning oxiri – XX asrning boshida Farg'ona viloyatiga rus va chet el sarmoyalarining kirib kelishi. Farg'ona. 2012. (Kholliyev. A. O'zMU. The end of the XIX century - the beginning of the XX century - the influx of Russian and foreign investments in the Fergana region. Fergana. 2012.)

9. Demoscope.ru. Всесоюзная перепис населения 1939 года. (Demoscope.ru. All-Union Population Census of 1939).

10. Rusdeutch.ru. Информационний сайт истории немцы. (Rusdeutch.ru. Information site of the history of the Germans.)

Нодирбек Момунович Ҳамаев,
Фарғона давлат университети,
Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
hamayev@mail.ru

АНВАР ПОШШОНИНГ ШАРҚИЙ БУХОРОДА СОВЕТ ҲУКУМАТИГА ҚАРШИ КУРАШИ (матбуот материаллари асосида)

For citation: Nodirbek M. Khamayev, ANVER PASHA'S FIGHT AGAINST SOVIET POWER IN EASTERN BUKHARA (based on materials of periodical press). Look to the past. 2021, Special issue 3, pp

АННОТАЦИЯ

Турк саркардаси Анвар Пошшо Ўрта Осиёдаги совет ҳокимиятига қарши олиб борилган курашга муҳим ҳисса қўшган. Унинг бу борадаги фаолияти тарихчи олимлар томонидан ўрганилди ва ўрганилмоқда. Мазкур мақолада даврий матбуот материаллари асосида Анвар Пошшонинг совет ҳокимиятига қарши қаттиқ кураш олиб борганлиги, Шарқий Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатига янгича руҳ ва шиддат бера олганлиги хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: Анвар Пошшо, даврий матбуот, газета, журнал, "босмачилик", "босмачилик ҳаракати", истиқлолчилик ҳаракати, совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат

Нодирбек Момунович Хамаев,
Ферганский государственный университет,
Старший преподаватель кафедры мировой истории,
доктор философии по историческим наукам (PhD)

hamayev@mail.ru

БОРЬБА ЭНВЕРА ПАШЫ ПРОТИВ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В ВОСТОЧНОЙ БУХАРЕ (на основе материалов периодической печати)

АННОТАЦИЯ

Турецкий полководец Энвер-паша внес свою лепту в вооруженную борьбу против советской власти в Средней Азии. Это страница его биографии изучена и изучается учеными – историками. В данной статье на основе материалов периодической печати раскрыта упорная борьба Энвера Паши в Восточной Бухаре. Подчеркивается что деятельность Энвера Паши придало движению за независимость новый дух и порыв.

Ключевые слова: Энвер-паша, периодический печать, газета, журнал, печать туркестанцев-эмигрантов, “басмачество”, “басмаческое движение”, вооруженное движение против советского режима

Nodirbek M. Khamayev,
the Ferghana State University,
Senior lecturer at the Department of the World history
Philosophy doctor of Historical Sciences (PhD)
hamayev@mail.ru

ANVER PASHA'S FIGHT AGAINST SOVIET POWER IN EASTERN BUKHARA (based on materials of periodical press)

ABSTRACT

Turkish commander Anwar Pasha made an important contribution to the struggle against Soviet rule in Central Asia. His work in this area has been and continues to be studied by historians. According to the article, Anvar Pasha fought hard against the Soviet regime and was able to give a new impetus to the independence movement in Eastern Bukhara.

Index Terms: Anvar Posho, periodical press, newspaper, magazine, press of emigrant-Turkestans, “basmachies”, “basmachies movement”, armed movement against the Soviet regime

1. Кириш ва долзарблиги:

Ватандошларимиз чет элда нашр этган матбуот органларида истиқлол курашчиларининг уруш тактикаси хусусида ҳам айрим эътиборга лойиқ фикрларни ўртага ташланган. Масалан, Маъмур Ниёзий исмли муаллифнинг “Yeni Türkistan” журналида ёзишича, қуролланиш ва кийим-бош (экипировка) борасида қизил армия истиқлолчиларга нисбатан анча устун бўлса-да, ҳарбий ҳаракатлар бўлиб ўтган ҳудудлар ҳақида мукаммал маълумотга эга бўлиш ватанпарварларга қатор жангларда ғолиб чиқиш имкониятини берган. Бироқ, маҳаллий шароитни яхши билган “бу тўдалар” (яъни, истиқлолчилар – Ҳ.Н.) кўп жангларда душманга нисбатан кам талофот берса-да, уларнинг ихтиёрида тиббиёт ходимларининг етишмаслиги ёки умуман йўқлиги боис оғир ярадорларнинг аксарияти ҳалок бўлганлар [5. 69-70-s.].

3. Методлар ва ўрганилиш даражаси:

Ўша давр матбуотида Бухоро ва Хива минтақаларидаги жанглар ва йирик қўрбошилар ҳақида ҳам айрим маълумотлар берилади. Хусусан, Шарқий Бухоро ҳудудида совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борган Иброҳимбек Лақай кўп маротаба тилга олинган. “Yaş Türkistan” журнали бу шахс ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: “... Иброҳим Лақай Туркистон исёнчи лидерлари орасида Шермуҳаммадбек (Кўршермат) ва Жунаидхон каби ғайратли эди. Бу шахс собиқ Бухоро амири, рус генерали Мир Саид Олимхон тарафдори сифатида қўл остидаги йигитлар билан ўн йилдан ортиқ вақт давомида Шарқий Бухорода совет ҳукуматига қарши курашни давом эттирган” [3. 440-441-s.]. Аммо хориждаги туркистонликлар матбуоти

Иброҳимбекнинг амир билан ҳамкорлиги ва дўстона муносабати туфайли унинг сиёсий йўли Туркистон миллий ғоясига мос эмас, деб ҳисоблаган.

Шарқий Бухорода “босмачилик” ҳаракатининг дастлабки даври ҳақида муҳожир туркистонликлар матбуотида батафсил маълумотлар учрамайди. Унда бу ҳудуддаги истиқлолчилик ҳаракати асосан Анвар Пошшонинг келиши билан боғлиқ ҳолда ёритилади. Аммо “Yaş Türkistan”да ҳам, “Yeni Türkistan”да ҳам истиқлолчиларнинг бу ердаги бутун фаолиятини ёритиб бера оладиган яхлит маълумотлар йўқ.

Шундай бўласа-да, ушбу журналларда келтирилган маълумотлар асосида Анвар Пошшонинг Шарқий Бухорога келиши билан бу ердаги курашга шиддат, мужоҳидларга эса шижоат қўшилганлигини англаш мумкин. Хусусан, Фарғона ва Самарқанд мужоҳидлари қайтадан жонландилар. Ҳозирги Туркманистон ҳудудида ҳам қуролли кураш фаоллашди. Туркистоннинг турли музофотларидан келган вакиллар Анвар Пошшонинг атрофида жипслашдилар. Анвар Пошшо бошчилигида олиб борилган кураш Туркистон мустақиллиги йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

4. Тадқиқот натижалари:

Анвар Пошшо бошчилик қилган истиқолчилар Қоратегин, Дарвоз, Файзобод, Кўлоб, Балжувон, Қўрғонтепа, Ҳисор, Душанбе, Сариосиё ва Денов каби муҳим шаҳарларни қўлга киритдилар. Шарқий Бухородаги истиқлолчилик ҳаракати совет ҳукуматини шу қадар ташвишлантирдики, 1922 йилда бу ерга Будённий бошчилигида бир неча ўн минг кишилик қизил армия суворийлари жўнатилди [5].

1922 йил июнь ойида Анвар Пошшо Бойсун шаҳрига ҳужум қилиб, у ердаги рус гарнизонини қамал қилади. Аммо Будённийнинг 20 минг кишилик қўшини ёрдамга келади. Уларга тенг кела олмаган Анвар Пошшо аввал Пурчуга, сўнг Ҳисорга чекинади. Июлнинг охирида эса Балжувонга келади. Август ойининг бошларида, Қурбон ҳайити арафасида Анвар Пошшо Балжувондан 7-8 км шарқда жойлашган қўрбоши Давлатмандбекнинг қароргоҳи бўлмиш Чеганқишлоққа келади. 4 август куни эрта билан чамаси соат саккизларда Чеганқишлоқнинг ғарбидаги Обидара деган қишлоқ ёнида руслар билан бўлган жангда пулемёт ўқи тегиб ҳалок бўлди [3. 448-s.]. Унга ёрдамга келган Давлатмандбек ҳам шу жангда ҳалок бўлди. Руслар қўмондонсиз қолган аскарларни таъқиб қилиб, улар билан жанг қилганлар орасида Анвар Пошшонинг борлигини билмаганлар.

Жангдан сўнг томонлар ўз қароргоҳларига қайтдилар. Қишлоқ аҳли ҳалок бўлганлар орасида Анвар Пошшонинг жасадини таниб, Давлатмандбек билан иккаласининг танасини бир чеккага яширадилар. Эртасига мужоҳидлар Обидара қишлоғидан жасадни олиб келиб, катта маросим билан Чеган қишлоғига дафн этдилар. Анвар Пошшонинг ўрнини Дониёлбек, Давлатмандбекнинг ўрнини эса ўғли Абдулқодирбек эгаллади [3. 448-s.].

Бутун Бухоро фронтида катта воқеа ҳисобланган Анвар Пошшонинг ўлимига ўша давр совет матбуоти шубҳа билан қараган. Ҳатто “Известия” ва “Правда” газеталарида дастлаб, унинг жасадини кўрмагунга қадар бу хабарнинг тўғри эканлигига ишониб бўлмайди, қабилидаги фикрлар айтилди. Фақатгина 16 августга келиб совет ҳокимиятига Бухоро телеграф агентлиги томонидан жўнатилган “Известия” газетаси таҳририятининг шошилинч телефонограммасида: “Ховалинг атрофларида босмачиларнинг йўлбошчиси Анвар Пошшо қўл жангида бешта ҳалокатли жароҳат олиб, ўлди”, – дейилади [6; 7. 210-б.].

Юқорида номи зикр этилган журналларда Шарқий Бухородаги “босмачилик” ҳаракатининг етакчилари ва улар ҳақида яна бир қатор маълумотлар бор. Булардан фойдаланган ҳолда, биз Шарқий Бухорода 1921–1923 йилларда Совет ҳокимиятига қарши курашган қўрбошилар ва улар ҳаракат қилган ҳудудлар харитасини тасвирлашга ҳаракат қилдик.

1921 йилнинг ўрталарига келиб, большевиклар Бухородан то Помир ёнбағирларигача бўлган ҳудудларда ўз ҳокимиятини ўрнатган эди. Аммо қизил аскарларининг бу ердаги шаҳар ва қишлоқларни талаши ва аҳолига зулм қилиши оммани қўлига қурол олишга мажбур этди. “Yeni Türkistan” нинг хабар беришича, дастлаб, Шарқий Бухорода ўзбек қабиласи – лақайлардан чиққан Иброҳимбек ва Тўғай Сарибеклар курашга отландилар.

Булардан кейин Қоратегинда Фузайл Махсум, Балжувонда Давлатманбек, Қоратовда Абдураҳмонбек, Дарвозда Эшон Султонбек фаолият бошладилар [5. 56-65-s.; 12; 14; 15].

Хориждаги ватандошлар матбуот органларида Туркистоннинг бошқа минтақаларидаги озодлик кураши ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Журналда ёзилишича, 1921 йилда истиқлол учун кураш бутун Зарафшон воҳасини қамраб олди. Масалан, собиқ қўрбошилардан бири Ҳамроқулбек ўзининг "Yeni Türkistan" саҳифаларида чоп этилган хотираларида бу минтақада қуролли кураш олиб борган Очилбек (Китоб шаҳри ва унинг атрофлари), Баҳром қўрбоши (Самарқанд вилоятидаги Деновдену қишлоғи), Қорақулбек (Каттақўрғон атрофлари), Оқбасинбек (Айритом қишлоғи), Мирза Паҳлавон (Ургут яқинидаги Бешкапа қасабаси), Катта ва Кичик Маҳдумлар (ака-укалар, Самарқанд вилоятидаги Чак қасабаси), Очил тўқсоба (Жомбой ноҳияси), Зиёвуддинбек (Дену қишлоғи), Мулла Мирза (Китоб шаҳри яқинидаги Жуз қишлоғи), Абдулраззоқбек (Китоб шаҳри), Холиқулбек (Самарқанд яқинидаги Мағён қасабаси) сингари қўрбошиларни, шунингдек Мастчоҳ тоғларида ҳаракат қилган Ҳамидбек, Саид Аҳмадхон, Асрорхон, Юсуфбек ва Нусратшоҳ кабиларни эслатиб ўтади [2; 10;].

Аммо хориждаги ватандошлар матбуотида фақат айрим қўрбошиларнинг шахси ва ҳаракат қилган ҳудудлари ҳақидагина умумий маълумот берилган, холос. Уларнинг ихтиёридаги йигитларнинг сони, бу кичик қўрбошилар қайси катта қўрбошига бўйсунганлиги тўғрисида хабар берилмайди. Номлари юқорида тилга олинган қўрбошилар ҳақидаги батафсилроқ маълумотларни биз совет матбуоти саҳифаларида учратамиз. Жумладан, "Иштирокиюн", "Туркистон" ва "Красная казарма" газеталари ҳамда "Военная мысль", "Военный работник Туркестана" журналларида улар тўғрисида бир мунча кенг маълумотлар берилган.

5. Хулосалар:

Муҳожир туркистонликлар матбуотининг советларга қарши қуролли кураш ҳақидаги маълумотлари таҳлилига хулоса сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин. Ота юртдан узоқда бўлса-да, матбуот органлари нашрини йўлга қўйган ватандошларимиз мунтазам равишда Туркистондаги воқеаларни кузатиб борганлар. Улар чиқарган газета ва журналлар саҳифаларида совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш тарихига оид маълумотлар оригинал маълумотлар мавжуд. "Yaş Türkistan" ва "Yeni Türkistan" каби журналларда келтирилган маълумотларда Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ҳудудларидаги қўрбошилар ва уларнинг шахсиятига оид фактлар эътиборга лойиқдир. Ушбу журналларда Туркистоннинг турли минтақаларидаги "босмачилик" ҳаракати иштирокчиларнинг мақсадлари ҳақида ҳам фикр юритилади. Жумладан, Фарғонадаги ҳаракат қатнашчилари совет режимининг мустамлакачилик сиёсати, бунинг оқибатида ночор аҳволга тушиб қолган қишлоқ хўжалиги (асосан, пахтачилик), қишлоқ аҳолисининг таланиши ҳамда минтақага Россия ҳудудларидан очларнинг кўплаб кўчирилиши сабабли қўлига қурол олганлиги [5. 21-26; 42-43; 56-65; 70-71-s.; 4; 1] қайд этилади.

XX аср 20-йиллар бошида Фарғона қўрбошилари ёнида илғор фикрли маслаҳатчилар бўлганлиги боис умумий бирлик юзага келаётгани ҳолда, Шарқий Бухорода вазият бутунлай бошқача эди. Бу ерда амир тарафдори бўлган уламо ва шайхларнинг нуфузи юқори бўлиши баробарида улар ўртасидаги келишмовчиликлар истиқлолчилик ҳаракатига салбий таъсир қилди.

Совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат тўғрисида муҳожир туркистонликлар матбуотида келтирилган маълумотлар қанчалик оригинал бўлмасин, айни вақтда улар айрим камчилик ва мавҳумликлардан холи эмас. Масалан, ҳаракат тарихига оид маълумотларнинг аксарияти айрим шахсларнинг хотираларига асосланганлигини ҳисобга олсак, уларнинг бир томонлама эканлигига гувоҳ бўламиз. Бу ҳолат хориждаги ватандошларимизнинг матбуотида қўрбошиларнинг қадимчи уламолар билан ҳамкорлик қилганларини ҳақиқий босмачи деб, жадидлар тарафида турганларини эса Туркистон миллий озодлиги учун курашчи сифатида баҳоланишида яққол кўзга ташланади. Шу боис ушбу матбуот

материалларини ўша даврга оид архив ҳужжатлари, илмий адабиётлар ва даврий матбуот материаллари билан таққослаган ҳолда ўрганиш талаб этилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Canay (Abdulvahab Oktay). Basmacılık hakkında // Yaş Türkistan. 1930. №3-4. – S. 5-9.
2. Semerkandlı Hemrahkul. Hemrahkul Bey'ın mücadale hatıraları // Yeni Türkistan. 1928. – №10-12. – S. 56-65.
3. "Yaş Türkistan" dan seçilmiş makaleler. İstanbul, 2006. – 486 s.
4. Türkıstan mılli mücadalesi'nın sebepleri va amaçları //Yaş Türkistan. 1931. - №21. – S. 1-7.
5. Türkistan'ın bağımsızlığına hizmet eden "Yeni Türkistan" dan seçilmiş makaleler. – Istanbul, 2005. – 488 s.
6. Ўзбекистон МА. Р-48-фонд, 1-рўйхат, 60-иш, 130-варақ
7. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917–1939 йиллар. – 560 б.
8. Khamayev N.M. From the history of the Armed Struggle against Soviet Power in Turkestan (based on periodical press materials) // International Journal of Research (IJR). 2019. – Vol-06. Issue-06, May 2019. – P. 123-131.
9. Ҳамаев Н.М. Ўзбекистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат ва ҳарбий матбуот (XX аср 20-йиллари) // Ўтмишга назар. 2019. – № 10. – Б. 69-78.
10. Ҳамаев Н.М. Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат ("Yeni Türkistan" ва "Yaş Türkistan" материаллари асосида // Ўтмишга назар. 2020. – № 1. – Б. 72-78.
11. Ҳамаев Н.М. Мухториятнинг тугатилиши ва истиқлолчилик ҳаракатининг бошланиши жадид матбуоти кўзгусида // ФДУ: Илмий хабарлар. 2020. – № 3. – Б. 89-94.
12. Khamayev N.M. The essence of the armed struggle against soviet power in Turkestan in the interpretation of journalists // Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). 2020. – Vol-09. Issue-11, November 2020. – P. 146-150.
13. Ҳамаев Н.М. Ўзбекистонда истиқлол учун кураш тарихи акс этган совет матбуоти // Ўтмишга назар. 2021. – № SE-2. – Б. 188-197.
14. Khamayev N.M. Development of the armed movement against the Soviet authorities in the Fergana valley (based on periodicals) // Materials of the international scientific Conference "The history of the Fergana valley in new researches". May 18, 2021. Vol. 5. – Ferghana. Published by Research Support Center, 2021. – Pp. 271-280.
15. Khamayev N.M. Essence about the armed movement against the soviet regime in Turkestan // Electronic journal of actual problems of modern science, education and training. July, 2021-7/1. Pp. 86-91.

Иброҳим Хидиров,
Қарши давлат университети тадқиқотчиси,
ibrohim.xidirov@bk.ru

ҚАДИМГИ СУҒДНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИГРАЦИЯ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

For citation: Ibrahim Xidirov, THE PLACE OF ANCIENT SUGDH IN THE CENTRAL ASIAN MIGRATION SYSTEM. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp

АННОТАЦИЯ

Мақолада Қадимги Суғднинг Марказий Осиё миграция тизимидаги ўрни илмий ўрганилган. Қадимги Суғдиёна минтақанинг бошқа барча тарихий-маданий ўлкалари - Қадимги Бақтрия, Марғиёна, Хоразм, Фарғона, Чоч ва шимолдаги дашт ҳудудлари билан чегараларга эга бўлганлиги, бу омил Суғднинг Марказий Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий-маданий маркази сифатида устуворликка эришишида етакчи ўрин тутганлиги таҳлил этилган. Суғднинг бу мавқеи биринчи галда минтақада шаклланаётган янги иқтисодий-маданий алоқаларда ва бу алоқалар амалга ошириладиган қадимги йўллар тизимида тутган ўрни, Қадимги Суғдда шаҳарларининг минтақавий маъмурий ва сиёсий марказлар сифатида юксалиши мисолида кўзга ташланиши таъкидланган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, Сўғдиёна, миграция жараёнлари, иқтисодий-маданий алоқалар, маъмурий-сиёсий марказлар.

Ибрагим Хидиров,
Соискатель Каршинского государственного университета,
ibrohim.xidirov@bk.ru

МЕСТО ДРЕВНЕГО СУГДА В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИАТСКОЙ МИГРАЦИОННОЙ СИСТЕМЕ

АННОТАЦИЯ

В статье научно исследуется роль древнего Согда в миграционной системе Центральной Азии. Древняя Согдиана граничит со всеми другими историческими и культурными землями региона - Древней Бактрией, Маргияной, Хорезмом, Ферганой, Чачем и северными степями, что является ведущим фактором становления Согдийской области как политического, экономического и культурного центра Центральной Азии.. Было отмечено, что роль Согда в новых экономических и культурных связях в регионе и в системе древних дорог, где эти связи реализуются, проявляется в возвышении городов древнего Согда как региональных административных и политических центров..

Ключевые слова: Средняя Азия, Согдиана, миграционные процессы, экономические и культурные связи, административно-политические центры.

Ibrahim Xidirov,
Applicant for Karshi State University,
ibrohim.xidirov@bk.ru

THE PLACE OF ANCIENT SUGDH IN THE CENTRAL ASIAN MIGRATION SYSTEM

The article scientifically examines the role of ancient Sogd in the migration system of Central Asia. Ancient Sogdiana borders on all other historical and cultural lands of the region - Ancient Bactria, Margiyana, Khorezm, Fergana, Chach and the northern steppes, which is a leading factor in the formation of the Sughd region as a political, economic and cultural center of Central Asia.. .. It was noted that the role of Sogd in new economic and cultural ties in the region and in the system of ancient roads, where these ties are realized, is manifested in the rise of the cities of ancient Sogd as regional administrative and political centers.. ..

Index Terms: Central Asia, Sogdiana, migration processes, economic and cultural ties, administrative and political centers.

1. Долзарблиги:

Маълумки, Марказий Осиё улкан Евросиё материгининг марказида жойлашган бўлиб, бронза давридан бошлаб минтақада ўзига хос тараққиёт йўлига кирган тарихий-маданий ўлкаларнинг шаклланиши бошланди. Улар ичида Марказий Осиёнинг "юраги" сифатида эътироф этиладиган Қадимги Суғд бир қанча хусусиятлари билан минтақанинг бошқа тарихий-маданий ўлкаларидан ажралиб туради. Бу, биринчи галда, турли маъданларга ва минералларга бой тоғлар ва серунум тоғ олди адирликлари, бепаён даштлар ва чўллар, сersув ва ҳосилдор дарё воҳаларининг мавжудлигида кўзга ташланади. Иккинчи томондан Қадимги Суғдиёна ўзининг қўлай географик жойлашуви билан сўнгги бронза ва илк темир давридан бошлаб минтақавий ҳамкорлик маркази сифатида етакчи ўрин тута бошлаган. Мавзунинг ўрганилиши Қадимги Суғд тарихини янги тарихий маълумотлар билан бойитишда долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар:

Ушбу мақола тарихийлик ва илмийлик сингари тарихий методлар асосида ёритилган бўлиб, унда қадимги суғднинг Марказий Осиё миграция тизимидаги ўрни илмий ўрганилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Қадимги Суғдиёна минтақанинг бошқа барча тарихий-маданий ўлкалари - Қадимги Бақтрия, Марғиёна, Хоразм, Фарғона, Чоч ва шимолдаги дашт ҳудудлари билан чегараларга эга бўлган. Бу омил Суғднинг Марказий Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий-маданий маркази сифатида устуворликка эришишида етакчи ўрин тутган. Суғднинг бу мавқеи биринчи галда минтақада шаклланаётган янги иқтисодий-маданий алоқаларда ва бу алоқалар амалга ошириладиган қадимги йўллар тизимида тутган ўрни, Қадимги Суғдда шаҳарларининг минтақавий маъмурий ва сиёсий марказлар сифатида юксалиши мисолида кўзга ташланади.

Ўзининг қўлай географик ўрни сабабли минтақавий ва трансминтақавий алоқа йўлларининг асосий йўналишлари Суғдиёна ҳудуди орқали ўтган бўлиб, бу йўллар нафақат ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқаларда, шу билан бирга аҳоли миграцияси жараёнларида ҳам катта ўрин тутиб келган. Шу сабабли,дастлаб, минтақамиздаги қадимги алоқа йўлларининг аҳоли миграцияси жараёнларидаги аҳамияти ва бунда Қадимги Суғднинг тутган ўрнини кўриб ўтамиз.

Қадимги алоқа йўлларининг шаклланиши ва ривожланишида қадимги қабила ва элатларнинг, халқларнинг кўчиши ҳам муҳим ўрин тутганлиги мутахассислар томонидан қайд этилган[1]. Инсоният тарихидаги илк трансминтақавий миграция жараёнлари сўнгги палеолит давридаёқ Осиё қитъасидан бошланиб, унинг бир йўналиши Беринг бўғози орқали Аляска ярим оролига ва Шимолий Америкага, иккинчи йўналиши Занд архипелаги орқали Австралия ва Янги Зеландияга амалга оширилганлигини фанда эътироф этилган. Америка ва Австралия туб халқлари қон гуруҳи таҳлили натижалари ҳам Америка қитъасига аҳоли дастлаб Шимоли-Шарқий Осиёдан, Австралияга эса Жануби-Шарқий Осиёдан кўчиб ўтганлигини кўрсатади[1].

Маълумки, аҳолининг бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўчиши шаклан икки хилда – доимий ёки вақтинчалик мавсумий кўчиш тарзида амалга оширилиб келинган. Вақтинчалик кўчиш кўп ҳолларда маълум уруғ ёки этник бирликка тегишли ҳудуд доирасида амалга оширилиб, бир гуруҳ аҳолининг мавсумга қараб ва хўжалик эҳтиёжларидан келиб чиқиб юз берган миграцияси тарзида кечган. Аҳолининг доимий миграциясини келтириб чиқарадиган сабабларни таҳлил қилсак, улар анча мураккаб ва турли-туман эканлигини кўриш мумкин. Улар ичида табиий кўпайиш сабабли янги ҳудудларни, озиқ-овқат ва хомашё заҳираларининг янги манбаларини ўзлаштиришга бўлган табиий интилишдан келиб чиққан миграция кенг тарқалган.

Минтақамиздаги аҳоли миграцияси жараёнларига табиий иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари ҳам катта таъсир кўрсатган. Иқлим ўзгариши, ўз навбатида миграция жараёнларига ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, музлик даври тугагандан кейин мезолит даври одамларининг янги-янги ҳудудларни ўзлаштириши, антропоген ландшафтларнинг ва тегишли алоқа йўллари тармоқларининг кенгайиб боришини ижобий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Лекин Марказий Осиёда даврий

равишда руй бериб турган иқлимнинг кескин исиб кетиши (аридизация) ўзлаштирилган ҳудудларнинг ташлаб кетилишига, аҳолининг сув манбаларига бой йирик дарёлар водийларини эгаллаш учун рақобатлашувига ва этносиёсий тўқнашувларга ҳам олиб келарди. Бундай ҳолатлар минтақамизнинг дашт ҳудудларидан дарё водийларига, тоғ ва тоғ олди ҳудудларига аҳоли миграцияси жараёнлари кескин ошиб кетишига олиб келганлигини кўрамиз. Бундай ҳолатлар минтақамизнинг дашт ҳудудларидан дарё водийларига, тоғ ва тоғ олди ҳудудларига аҳоли миграцияси жараёнлари кескин ошиб кетишига олиб келганлигини кўрамиз.

Суғдиёна ҳудудида топиб ўрганилган тош даври ёдгорликлари жойлашуви таҳлилдан келиб чиқсак, қадимги аҳоли дастлаб тоғ ва тоғолди ҳудудларини яшаш учун ўзлаштирганлигини кўриш мумкин. Зарафшон тоғ тизмаларининг шимолий қисмида, тоғ ва чўллар чегарасида топиб ўрганилган Сазағон маданияти бунга яққол мисол бўла олади[1]. Ўрта Осиёнинг марказий ва шимоли-шарқий ҳудудларидаги неолит даври маконлари ҳам минтақадаги алоқа йўллари тизимида ўзига хос ўрин тутган. Зарафшон тоғининг шимолий ёнбағирларидаги неолит даврига оид Сазағон маданиятининг Марказий Фарғона, Ҳисор, Калтаминор маданиятлари билан алоқалари мавжуд бўлганлигини тасдиқловчи моддий топилмалар мавжуд[1]. Бу Зарафшоннинг ўрта оқими ҳудудларини ҳозирги Хўжанд – Жиззах орқали Фарғона водийси, Ҳисор тоғи ҳудудлари (бу минтақадаги тоғ довонларидан фойдаланиш неолит даврида ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади) ҳамда Зарафшон дарёси оқими бўйлаб Амударёнинг ўрта ва қуйи оқимлари билан боғловчи алоқа йўлларининг умумий йўналишларини белгилашга имкон беради. Бу йўналишлар кейинги тарихий даврларда минтақа миқиёсидаги муносабатларда катта аҳамиятга эга бўлиб келган алоқа йўллари тармоқларига неолит давридаёқ асос солинганлигини, Зарафшон воҳаси неолит давридан бошлаб минтақанинг жануби-ғарбий ва шимоли-шарқий ҳудудлари ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқаларда транзит ҳудуд сифатида муҳим ўрин тута бошлаганлигини кўрсатади. Бу йўналишлар Зарафшон воҳасини Марказий Осиёнинг сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқаларида етакчи ҳудудга айланишига олиб келган муҳим сабаблардан бири бўлиб, бу айниқса кейинги тарихий даврларда, хусусан бронза ва илк темир даврида яққол кўзга ташланади.

Археологик тадқиқотлар инсоният мисдан фойдалана бошлаган даврни мил. авв. VII-VI мингйилликлар билан белгилашга имкон берди[1]. Ўрта Осиёда ҳам сўнгги тош давридан бошлаб, меҳнат қуроллари ясаш учун керакли тош конларини қидириш жараёнида табиий мис, олтин, контимур тош (метеорит-темир) ва бошқа металларга дуч келинган. Жанубий Туркманистондаги Анов ёдгорлигидан мил. авв. V мингйиллик охири – IV мингйиллик бошларига оид мис буюмларнинг топилиши, Амударёнинг қуйи оқимида яшаган аҳоли ҳам Калтаминор маданиятининг сўнгги даврида мисдан фойдалана бошлаганлиги минтақамиз кончилигида янги давр – мис металлургия даврининг бошланишини неолит даврининг охири - энеолит даврининг бошлари билан белгилашга имкон беради[1]. Металлургия ривожининг илк давридаёқ, қадимги қабилалар мисдан ташқари қалай, қўрғошин, мишьяк ҳамда бошқа металл ва нометалл қазилмалар мавжуд конларни топиб, уларнинг хусусиятларини ўрганиб борганлар. Энеолит ва бронза даврида мис конлари билан биргаликда олтин, кумуш каби нодир металлар, ложувард, фируза ва бошқа қимматбаҳо тошлардан ҳам изчил фойдаланиш бошланди.

Мис ва бошқа металл (қалай, қўрғошин ва бошқалар) конлари Марказий Осиё ҳудудида нотекис жойлашганлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий сабаблар туфайли кончилик ва металлургия ривожи минтақанинг барча ҳудудларида бир хилда бормаган. Қадимги мис конлари Марказий Қизилқумда ва Фарғонада, [1] Марказий Қозоғистон ҳудудларида [1], Зарафшон дарёсининг юқори ва ўрта оқимларида ва бошқа жойларда топилган [1]. Металлургия тараққиёти натижасида мил. авв III мингйилликка келиб мисга қалай ёки қўрғошин каби металларнинг қўшилиши натижасида анча мустаҳкам металл – жез (бронза) яратишга муваффақ бўлинди. Бронза давридан бошлаб минтақадаги конлардан фойдаланиш кенг доирада амалга оширилиб, баъзи йирик конлар минтақа миқёсида аҳамият касб эта

бошлаган. Марказий Қизилқумдаги илк бронза даври мис конлари яқинидаги устахоналардан топилган мис қуроллар таркибидаги аралашмалар (мишьяк, сурма ва бошқалар) Қўйи Зарафшондаги ёки Фарғонадаги мис конларидан олинган хом ашёдан тайёрланганлиги[1] бундан далолат беради.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, бронза даврида минтақадаги турли ҳудудларни қадимги конлар билан боғловчи йўллар тизимида Суғдиёна ҳудудида мавжуд бўлган мис, шунингдек, қалай конлари ҳам ўзига хос ўрин тутган. Суғдиёна ҳудудидан бронза даврига мансуб қалай конлари ўрта Зарафшондаги Қарноб, Лапас ва Чангалида учрайди[1]. Кўриб чиқилаётган даврда бу конлар маҳсулотлари Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларига ва қўшни Шарқ мамлакатларига олиб чиқилганлиги, кончилик ривожи тегишли алоқа йўллари йўналишлари шаклланишига ҳам туртки берганлигини кўрсатади.

Суғдиёна ҳудудига дастлабки йирик ташқи миграция энеолит-бронза даврида юз берганлиги археологик тадқиқотлар натижасида исботланган. Жанубий Туркманистонда, Копетдағ этакларида энеолит даврида шаклланган Номозгоҳ маданияти вакилларининг Зарафшон воҳасининг юқори оқимига кўчишини бунинг исботи сифатида кўрсатиш мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Зарафшон дарёсининг юқори оқимида энеолит даврида пайдо бўлган Саразм маданияти шаклланишида бу миграция муҳим ўрин тутган[1]. Энеолит даврида тоғли ҳудудда, Зарафшон дарёсининг юқори оқимида шаклланган Саразм маданияти Қадимги Суғд ҳудудидаги дастлабки ўтроқ деҳқончилик маркази ҳисобланади[1]. География жиҳатдан ноқулай ҳудудда, қўлай алоқа йўлларига эга бўлмаганлигига қарамасдан Зарафшон воҳаси юқори оқимидаги табиий-географик муҳитнинг деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачиликни ривожлантиришга қулайлиги ҳамда бой мис конларининг мавжудлиги бу ҳудуднинг қадимги ўтроқ ва кўчманчи қабилалар томонидан жадал ўзлаштирилишига олиб келди.

Жанубий Туркманистон ҳудудидаги Геоксюр (Кўк майсазор) воҳасидан Зарафшон дарёсининг юқори оқимига аҳоли миграцияси сабаблари сифатида икки омил кўрсатилади:

1. Деҳқончилик учун қўлай, унумдор ва серсув ерлар;
2. Рангли металл – мис конлари мавжудлиги[1].

Фикримизча, бу аҳоли миграциясида иккинчи омил, яъни ҳудуднинг рангли маданларга бойлиги асосий ўрин тутган. Чунки, Зарафшон дарёсининг ўрта ва қўйи оқими, Қашқадарё воҳаси - Жанубий Суғд ерлари ҳам суғорма деҳқончилик учун қўлай ҳосилдор воҳалардан ҳисобланган.

Саразм манзилгоҳининг пастки қатламларидан Жанубий Туркманистондаги Намозгоҳ III ва Геоксур I даврига оид сопол идишларга ўхшаш топилмалар мавжуд[1]. Бу топилмалар ушбу ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқалар мавжуд бўлганлиги ва улар тегишли алоқа йўллари орқали амалга оширилганлигини кўрсатади. Бу маълумотларга асосланиб, энеолит давридаёқ жанубий Туркманистон ҳудудидан Зарафшоннинг юқори оқимига аҳоли миграцияси амалга оширилганлиги ҳақида фикр билдириш мумкин[1]. Бу жараёнда Жанубий Туркманистон ҳудудиаҳоли миграцияси бошланган, Саразм манзилгоҳи эса миграция якунланган ҳудуд сифатида намаён бўлади. Мавжуд маълумотлардан келиб чиқиб, ушбу миграция йўли йўналишларини кўриб ўтамиз. Жанубий Туркманистондан қуйи Мурғоб воҳаси орқали Суғдиёнага қуйидаги икки йўналишда келиш мумкин бўлган:

Биринчи йўналиш Жанубий Туркманистондан Мурғоб воҳаси, Шимолий Афғонистон ва Сурхон воҳаси орқали ҳам ўтган бўлиши мумкин. Бронза даврида кенг фойдаланилган бу йўналиш бўйлаб мис ва бошқа хом ашёлар юқори Зарафшон воҳасидан минтақа жанубига ҳам олиб кетилган[1].

Иккинчи йўналиш Мурғоб воҳасидан Қорақум саҳроси орқали Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувга ва бу ердан қуйи Зарафшон воҳасига ва дарё оқими бўйлаб юқори Зарафшон воҳасига олиб келган. Ўрта Осиёдаги энеолит ва бронза даври ички алоқа йўллари тизимида муҳим ўрин тутган бу алоқа йўлидан кейинги даврларда ҳам изчил фойдаланиб келинган. Бу алоқа йўли орқали амалга оширилган миграция жараёнлари Суғдиёнанинг Қуйи Зарафшон воҳасида Замонбобо маданияти[1] шаклланишида, этномаданий алоқаларда ўзига

хос ўрин тутганлиги ҳақида фикр билдириш мумкин. Лекин қўйи Зарафшондаги Замонбобо кўли қирғоғида бу маданиятга мансуб ярим ертула шаклидаги маконлар ва улар атрофидаги тақирларда жойлашган қабрлардан топилган моддий топилмалар (асосан қўлда ясалган сопол идишлар, чақмоқтош ўқ учлари, мис, қисман олтин ва кумушдан ясалган тақинчоқлар, тош ўроқ учлари, бўғдой ва арпа қолдиқлари, қўлга ўргатилган ва ов қилинган ҳайвонлар суяклари ва бошқалар) Замонбобо маданияти мил. авв. II минг йилликнинг биринчи ярмида пайдо бўлганини ва унинг илдизлари минтақа шимолидаги дашт маданиятига бориб тақалишини кўрсатиб берди.

Марказий Осиё ҳудудидаги қадимги конлардан олинган металлар, нодир минераллар, қимматбаҳо тошлар ва бошқа кон маҳсулотлари нафақат ички эҳтиёжни таъминлаган, шу билан бирга Қадимги Шарқ мамлакатларида ҳам бу маҳсулотлар жуда қадрланган ва уларга талаб юқори бўлган. Бу эҳтиёж қадимги конларни минтақанинг турли маконлари билан боғловчи алоқа йўллари фаолияти бошланишига олиб келди. Улар ичида Помир тоғларида, Тоғли Бадахшонда жойлашган Ложувард конларидан бошланиб Марказий Осиёнинг турли ҳудудларига қараб кетган алоқа йўли катта ўрин тутади. Ложуварднинг Қадимги Шарқ дунёсидаги энг машҳур конлари Тоғли Бадахшонда жойлашган бўлиб [1], бу кондан олинадиган хом ашё ва ярим хом ашё маҳсулотларга нафақат минтақамизда, балки қадимги Шарқ мамлакатларида ҳам эҳтиёж мавжуд эди. Бу эҳтиёж энеолит давридан бошлаб Бадахшондаги ложувард конларидан бошланиб Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларига ва Қадимги Шарқ мамлакатларига қараб кетган, тарихий адабиётларда «Ложувард йўли» номи билан аталиб келинаётган йўллар тизимининг шаклланишига олиб келди[1].

Ўрта Осиёнинг энеолит ва бронза даврига мансуб маконларидан ложуварддан ясалган турли буюмларнинг топилиши, бир томондан, Ложувард йўлининг минтақавий йўналишларидан далолат берса, иккинчи томондан, Бадахшондаги ложувард конларидан фаол фойдаланишнинг бошланишини мил. авв. IV мингйиллик охирлари билан белгилашга имкон беради. Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлашган энеолит ва бронза даврига тегишли Саразм манзилгоҳида[1], Зарафшон воҳасининг қуйи оқимидаги бронза даврига оид Замонбобо маданиятига тегишли маконларда [1] ложуварддан тайёрланган тақинчоқлар топилди. Уларга асосланиб, биз Суғдиёна ҳудудини Бадахшондаги ложувард конлари билан боғловчи алоқа йўлларининг йўналишларини аниқлаштириш имкониятига эгамиз. Хусусан, минтақавий аҳамиятга эга бўлган бу алоқа йўлларининг қуйидаги йўналишларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Тоғли Бадахшон – Саразм. Бу йўналишдаги алоқа йўли асосан икки йўналишда – Помир тоғи ва унинг тизмаларидаги тоғ йўллари ҳамда Сурхон воҳаси ва Жанубий Суғд ҳудудлари орқали ўтган.

2. Тоғли Бадахшон – Замонбобо маданияти. Бу алоқа йўли икки йўналишда бўлиб, Тоғли Бадахшондан Шимолий Афғонистон (Дашли) – Амударёнинг ўрта оқими – қуйи Зарафшон воҳаси ёки Тоғли Бадахшон – Шимолий Афғонистон (Дашли) – Сурхон воҳаси (Сополли) – Қуйи Қашқадарё воҳаси – Замонбобо маданияти маконларига келган. Моддий топилмалар таҳлили мил. авв. II мингйилликка келиб иккинчи йўналишдаги алоқа йўлидан анча фаол фойдаланилганлигини кўрсатмоқда.

Шу тариқа, бронза даврида Ўрта Осиёдаги йирик дарёлар ҳавзаларининг ўзлаштирилиши жараёнида Ўрта Осиё жанубидан минтақа шимоли-шарқига олиб борувчи алоқа йўллари шаклланди. Бу алоқа йўллари минтақанинг йирик дарёлари - Амударё, Зарафшон, Сирдарё ва бошқаларни кечиб ўтувчи энг қулай жойлар – кечувларнинг ўзлаштирилишини ҳамда тегишли сув транспорти воситаларидан фойдаланишни ҳам тақозо қиларди. Улов воситаларидан фойдаланиш кенг ёйилмаган энеолит даврида минтақавий алоқа йўллари тармоқлари пайдо бўлишида озиқ-овқат ва сув манбаларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга эди. Марказий Осиёнинг неолит давридан бошаб босқичма-босқич ўзлаштирилиб борилган қадимги йўллари асосан Амударё, Зарафшон ва бошқа сув манбалари бўйлаб ўтганлигини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотларни умумлаштириб Ўрта Осиёда энеолит ва бронза даврида қуйидаги бир неча йўналишда алоқа йўллари фаолияти ҳақида фикр билдириш мумкин:

1) Копетдоғ – Мурғоб воҳаси – қуйи Зарафшон воҳаси – юқори Зарафшон воҳаси. Бу алоқа йўли энеолит – бронза давридаги энг фаол фойдаланилган йўналишлардан бири бўлган.

2) Копетдоғ – Мурғоб воҳаси – Хоразм воҳаси. Бу алоқа йўлидан бронза даврида, мил. авв. III–II минг йилликларда кенг фойдаланилган.

3) Копетдоғ – қуйи Мурғоб – ўрта Мурғоб – Шимолий Афғонистон – Сурхон воҳаси. Бу йўналиш мил. авв. III мингйиллик охири – II мингйилликларда минтақадаги урбанизация жараёнларининг кенгайишида катта ўрин тутган.

4) Зарафшон воҳаси – Шимолий Тожикистон – Фарғона водийси. Бу алоқа йўлининг аҳамияти мил. авв. II минг йиллик ўрталаридан бошлаб ортиб борди.

5) Шимолий Афғонистон ва Сурхон воҳаси – Амударё қирғоқлари бўйлаб – Хоразм воҳаси. Бу йўналишдаги алоқа йўлидан асосан бронза даврида кенг фойдаланилган. Амударёнинг иккала қирғоқлари бўйлаб ҳам савдо йўллари ўтган.

6) Юқори Зарафшон – Қўйи Зарафшон–Хоразм воҳаси. Ушбу йўналиш энеолит ва бронза даврида изчил фаолият кўрсатган.

Юқорида келтириб ўтилган алоқа йўллари йўналишлари минтақадаги бронза даврига мансуб ўтроқ деҳқонлар ва ярим ўтроқ чорвадорлар маданиятлари тарқалган ҳудудларни ўзаро боғлашда катта ўрин тутган. Уларнинг баъзи йўналишларига олдинги тарихий даврларда асос солинган бўлиб, улар кейинги даврларда ҳам баъзи бир ўзгаришлар билан минтақадаги иқтисодий-маданий алоқаларда катта аҳамиятга эга бўлиб келган.

Мил. авв. II минг йиллик бошларида Қора денгиз шимолидаги даштлардан минтақамиз жануби орқали Эрон ва Ҳиндистонга орий қабилаларнинг кўчиши,[1] мил. авв. II-I минг йилликлар чегарасида Марказий Осиёнинг марказий ва жанубий ҳудудларига шимолдаги чорвадор қабилаларнинг янги-янги оқимларининг кириб келиши ва бошқа миграция жараёнларида Суғдиёна ҳудуди муҳим ўрин тутган.

Илк темир даврида Қадимги Бақтрия пойтахтини Суғдиёна билан боғловчи алоқа йўли бир неча йўналишда бўлган. Биринчи йўналиш Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувлар –Шўроб, Келиф ёки Керкидан чўл орқали Қашқадарё этакларида жойлашган, харобалари Еркўрғон ёдгорлиги ўрнида сақланиб қолган қадимий шаҳарга[1] олиб келган. Бу йўналиш очиқ сув ҳавзалари мавжуд бўлмаган чўл ҳудуди орқали ўтган бўлиб, сўнгги бронза-илк темир давридан бошлаб карвон йўллари бўйида қудуқлар пайдо бўла бошлайди. Улар нафақат кўчманчи чорвадорлар ҳўжалигида, шу билан бирга савдо карвонлари ва йўловчиларни сувга бўлган эҳтиёжини таъминлашда катта ўрин тутган.

Шимолий Бақтриядан Оқработ довони ёки Амударёдаги кечувлар (Келиф ва Керки) орқали келган алоқа йўллари Еркўрғонда тармоқланиб, бир йўналиши қуйи Зарафшон воҳасига [1], иккинчиси Марғиёнадан Амул кечуви орқали келувчи йўлларга қўшилиб Мароқандага олиб борган. Бу маълумотлар Еркўрғон археологик ёдгорлиги ўрнидаги қадимги шаҳар[1] мил. авв. I мингйилликнинг дастлабки чорагидан бошлаб Ўрта Осиёнинг миграция ва алоқа-коммуникация тизимида муҳим ўрин тута бошлаганлигини кўрсатади[1].

Бақтрия ва Суғдни боғловчи иккинчи йўл Шўроб кечуви – Сурхон воҳаси – Темир дарвоза – Оқработ орқали ўтган. Шўроб кечуви бўйидаги Шўртепа ва Темир дарвоза оралиғидаги ҳудудда илк темир даврига оид Бешқўтон ва Талашкан манзиллари жойлашган бўлиб, улар бу қадимги алоқа йўли йўналишини кўрсатиб турибди [1]. Оқработда йўл тармоқланиб, бир тармоғи шимоли-ғарбга – Ўрадарё бўйлаб Еркўрғонга, иккинчиси Ҳисор тоғ тизмаси шимолида жойлашган қадимги Ксениппа вилояти [1] ҳудудида жойлашган маконлар[1] ва Тахтақарача довони орқали Суғдиёна пойтахти Мароқандага олиб келган.

Оқработ – Даратепа – Наутака (Узунқир) – Тахтақарача довони – Мароқанда (Самарқанд) йўналиши кўриб чиқилаётган даврда Бақтрия чегараларидан Суғдиёна марказига олиб борувчи энг қисқа йўл ҳисобланарди. Бу йўналишда Даратепа ва Узунқир

каби илк темир даври ёдгорликлари ўрганилган бўлиб, Узунқир шарқий Қашқадарёдаги қадимги Наутака шаҳри харобалари эканлиги аниқланган. Турли тарихий даврларда Наутака, Кеш, Шаҳрисабз номлари билан аталган бу шаҳарнинг Ўрта Осиё тарихи ва маданиятида тутган аҳамияти катта эди[1]. Фикримизча, Узунқирдан Макрид ва Жом дашти орқали Зарафшон тоғини шимолдан айланиб ўтувчи алоқа йўли ҳам бу даврда шаклланган. Макрид яқинидаги илк темир даврига оид Қўрғонтепа ёдгорлигининг топилиши[1] ҳам бу йўналиш фаолиятидан далолат беради.

Бақтриядан Оқработ довони орқали Ўрадарёнинг[1] қуйи оқимига чиқилгач, бу ердан Қашқадарёнинг ўрта оқими ва Жом чўллари орқали Мароқандага ўтувчи ўрта йўлнинг шаклланиши ҳам илк темир ва аҳамонийлар даврига тўғри келади. Бу йўналишда жойлашган оралиқ бекатлар вазифасини ўтаган аҳоли пунктлари ичида Қашқадарёнинг ўрта оқимида, ҳозирги Чироқчи яқинида Чироқчитепа ёдгорлигининг топилиши[1] бу йўл йўналишини аниқлашда катта ўрин тутди. Мазкур аҳоли пункти Қашқадарёнинг ўрта оқимидаги муҳим кечувни назорат қилувчи истеҳком вазифасини ҳам бажарган.

Бақтрия ва Марғиёна, Хоразмдан келган йўллар Мароқанда орқали Фарғона, қадимги Чоч воҳасига ва минтақа шимолидаги дашт ҳудудларига қараб кетган. Самарқандни шимолдаги дашт ҳудудлари билан боғловчи йўлларнинг бир неча йўналиши бўлиб, уларнинг бири Кўктепа ёдгорлиги ўрнидаги қадимги шаҳар[1] орқали ўтган. Бу қадимги шаҳар Нурота тоғидаги довон[1] орқали шимолдаги дашт ҳудудларига қараб кетувчи йўлларни назорат қилишда ва умуман Суғдиёна пойтахтининг шимолий йўналишдаги алоқаларида катта ўрин тутган[1]. Самарқанддан Нурота тоғидаги Саврбел довони ва ҳозирги Фориш орқали Сирдарёнинг ўрта оқимидаги кечувларга ва Марказий Қозоғистон даштларига қараб кетган яна бир йўналиш ҳам бу даврда шакллана бошлаган.

Қадимги Суғдиёна ҳудудидаги кенг тармоқли алоқа-савдо йўллари қадимги шаҳарлар ва йирик аҳоли пунктлари орқали ўтган бўлиб, уларнинг шаклланиши ва эволюциясида катта аҳамиятга эга бўлган. Буни Мароқанда, Еркўрғон, Узунқир, Кўктепа ва бошқа қадимги шаҳарлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шу тариқа, илк темир даврида минтақадаги дашт ва тоғ йўллари изчил ўзлаштирилиб, улардан мавсумга қараб изчил фойдаланиш бошланди. Буни юқорида Бақтрия ва Суғдиёна ҳудудлари орқали ўтган йўллар йўналишлари таҳлили ҳам кўрсатди.

Шу тариқа,сўнгги бронза ва илк темир даври Марказий Осиёда ички ва ташқи транзит алоқаларга хизмат қилган йўллари тизими шаклланиб, улар орқали амалга оширилган аҳоли миграцияси бирмунча жадаллашган давр сифатида намоён бўлади. Бу жараёнда аридизация, яъни иқлимнинг кескин исиб кетиши натижасида шимолдаги яйловларнинг чорвадор қабилалар хўжалиги учун яроқсиз бўлиб қолиши бирламчи сабаблардан бўлган[1].

Марказий Осиёдаги қадимги даврдаги миграция жараёнлари нафақат тинч аҳолининг кўчиши, шу билан бирга катта миқдордаги қўшинлар, улов-транспорт воситаларининг ҳаракати тарзида ҳам кечган. Бу ҳолат мавжуд алоқа йўллари функцияси турли-туманлигининг, яъни карвон йўллари нафақат иқтисодий-маданий алоқаларга, шу билан бирга ҳарбий қўшинлар харакатига, катта миқдордаги аҳоли миграциясига ҳам хизмат қилганлигининг яққол далилидир. Шу ўринда, минтақамизга амалга оширилган миграция жараёнларини ташқи босқинлардан фарқлаш лозимлигини алоҳида айтиб ўтиш керак.

Ташқи ҳарбий босқинлар даврида маҳаллий аҳоли доимо ўз ери ва эрки учун босқинчиларга қарши кураш олиб борган. Буни Эрон аҳамонийларига қарши курашган Тўмарис ва Широқ, македониялик Александр қўшинларига қарши чиққан жасур Спитамен бошчилигидаги озодлик кураши ва бошқалар мисолида кўрамиз. Агар ташқи босқинларга қарши олиб борилган озодлик курашида маҳаллий халқлар кенг иштирок этган бўлсалар, минтақамизга амалга оширилган миграция жараёнлари ҳокимият учун кураш тарзида бўлиб ўтган тор сулолавий жангларни ҳисобга олмаганда, тинч йўл билан амалга оширилганлигини қайд этиб ўтиш керак. Бу бизга қадимги давр ва ўрта асрларда минтақамизда юз берган миграция жараёнларини асосан этник жиҳатдан бир-бирига яқин халқларнинг умумий ҳудуд доирасидаги кўчиши сифатида қарашимизга имкон беради.

Умуман олганда, минтақамизда ва унга қўшни ҳудудларда қадимги даврда юз берган миграция жараёнларининг қисқача таҳлили шуни кўрсатмоқдаки:

1) Миграция жараёнлари асосан Марказий Осиёда қадимдан яшаб келган халқларнинг турли ижтимоий-иқтисодий ва табиий шароит ўзгариши сабабли минтақанинг бир ҳудудидан иккинчи қисмига кўчиши тарзида борган.

2) Юқорида қайд этилган миграция жараёнлари тинч йўл билан ёки кичик кўламдаги ҳарбий ҳаракатлар тарзида амалга оширилган.

3) Ташқи ҳарбий босқинлар туфайли минтақамизга кириб келган халқлар маълум тарихий фурсатда босқичма-босқич маҳаллий аҳоли билан аралашиб, маҳаллий тилларни, урф-одатларни ўзлаштирганлар.

4) Кўп ҳолларда маълум йўналишлар бўйлаб амалга оширилган аҳоли миграцияси минтақадаги қадимги йўллар йўналишига мос келиб, бундан карвон йўлларининг функционал хилма-хиллиги ҳақида муҳим хулосага келиш мумкин.

4.Хулосалар:

Умуман олганда, Евроосиё материгида тутган географик ўрни туфайли Марказий Осиё ҳудуди тарихнинг энг қадимги даврларидан бошлаб мураккаб ва кўп босқичли минтақавий ва трансминтақавий миграция жараёнлари жадал кечган ҳудуд сифатида ажралиб туради.

Умуман олганда, бронза ва илк темир даврида Марказий Осиёнинг қадимги карвон йўллари ва улар орқали амалга оширилган аҳоли миграцияси Суғдиёнада урбанизация жараёни ривожига, иқтисодий-савдо ва маданий марказлар бўлган қадимги шаҳарлар шаклланишига, минтақанинг қадимги халқларидан бўлган суғд элатининг шаклланишида, минтақавий этномаданий бирлик пайдо бўлишида муҳим ўрин тутган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Хрестоматия по истории древнего Востока. – С. 36. (Anthology on the history of the ancient East. - p. 36.)
2. Ливщич В.А. История изучения Согда. – С. 2. (Livshits V.A. The history of the study of Sogd - p. 2.)
3. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Б. 102.
4. Геродот.III, 93. (Herodotus.III, 93.)
5. Геродот. VII, 66. (Herodotus. VII, 66.)
6. Арриан. Поход Александра, 3.8.3. (Arrian. Alexander's campaign, 3.8.3.)
7. 7.Эшов Б.Ж. Милоддан аввалги VII-IV асрларда Сўғдиёна тарихи ва маданияти. Тарих фанлари ном.дисс. – Тошкент,1999. – Б. 49. (Eshov B.J. Sogdian history and culture in VII-IV centuries BC. Associate Professor of Historical Sciences. - Tashkent, 1999. – p. 49.) 2
8. Ўзбекистон тарихи атласи. Масъул муҳаррир А.Р.Отажонов. - Тошкент: Ўзгеодезкадастр, 1999. - Б. 9. (Uzbekistan atlas production. Responsible editor A.R. Otajanov. - Tashkent: Uzgeodezkadastr, 1999. - B. 9.)
9. Джуракулов М. Д.,Мамедов Э.Д. Геология археологических памятников Зерафшана. - Ташкент: Ўқитувчи, 1986. - С. 6. (Jurakulov M. D.,Mammadov E.D. Geology of archaeological sites of Zerafshan. - Tashkent: Shkituvchi, 1986. - p. 6.)
10. Лунина С.Б. Древние города в долине Кашкадарьи. - Ташкент: Узбекистан, 1988. - С. 5. (Lunina S.B. Ancient cities in the Kashkadarya valley. - Tashkent: Uzbekistan, 1988. - p. 5.)
11. Янгибоев М. Қашқадарё вилоят географияси. - Қарши, 1993. - Б. 6. (Yangiboev M. The geographical area of Kashkadarya. - Karshi, 1993. - B. 6.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Урол Худойқулов,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети доценти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА САНОАТНИНГ БИР ТОМОНЛАМА ТАРАҚҚИЁТИ: МАСАЛАЛАРИ МУАММО ВА ЗИДДИЯТЛАР (XX аср 70- 80 йиллар асосида)

For citation: Urol Khudoikulov, ISSUES OF UNILATERAL INDUSTRIAL DEVELOPMENT IN THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN: PROBLEMS AND CONTRADICTIONS (based on materials from the 70s-80s of the twentieth century). Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.593-598

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-80

АННОТАЦИЯ

Мақола совет хокимияти йилларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида енгил ва озиқ – овқат саноатининг фаолияти, бу борада олиб борилган совет мафкурасининг сиёсати, Ўзбекистон иқтисодиёти совет ҳокимияти даврида фақат хом-ашё етказиб берувчи ҳудудга мослаштирилганлиги, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун қулай имкониятлар бўлишига қарамасдан, фақат хом-ашёга бирламчи ишлов берувчи корхоналар қуришга эътибор берилди. Оқибатда миллий республикалар иқтисодиёти бир томонлама ривожланиб чукур иқтисодий инқирозга тушиб қолди. Натижада халқ хўжалигининг бир томонлама хом ашё тузилмаси шаклланди. Республика айрим хом ашё турларини, ёқилғи, асбоб-ускуналар ва технологиягина эмас, балки ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини, халқ истеъмол молларини четдан келтиришига мажбурдир. XX аср 70-80 йилларида саноатида бир томонланма амалга оширилганлиги, ва саноатнинг муаммо зиддиятларнинг келиб чиқиши.

Калит сўзлари: Совет хокимияти, енгил ва озиқ-овқат тизими, Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсати, Қашқадарё ва Сурхондарёда енгил ва озиқ-овқат саноати тараққиётига ҳам ўз таъсирини ўтказилиши.

Урол Худойкулов,
Доцент Национального университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека

ВОПРОСЫ ОДНОСТОРОННЕГО ПРОМЫШЛЕННОГО РАЗВИТИЯ ЮЖНЫХ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА: ПРОБЛЕМЫ И ПРОТИВОРЕЧИЯ (по материалам 70-80-х годов XX века)

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается деятельность предприятий легкой и пищевой промышленности в южных регионах Узбекистана в советское время, политика советской

идеологии в этом отношении. Основное внимание уделялось строительству заводов по первичной переработке сырья. В результате экономика национальных республик развивалась в одностороннем порядке и впала в глубокий экономический кризис. В результате сформировалась несовершенная, односторонняя сырьевая структура народного хозяйства. Республика обязана импортировать не только отдельные виды сырья, топлива, оборудования и технологий, но и жизненно важные продукты питания и товары народного потребления В 70-х и 80-х годах XX века отрасль была односторонней, и проблема отрасли была источником противоречий**.**

Ключевые слова: Влияние советской власти, световая и пищевая система, промышленная политика в Узбекистане, развитие легкой и пищевой промышленности в Кашкадарье и Сурхандарьею.

Urol Khudoikulov,
Associate Professor at the National University
Of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

ISSUES OF UNILATERAL INDUSTRIAL DEVELOPMENT IN THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN: PROBLEMS AND CONTRADICTIONS (based on materials from the 70s-80s of the twentieth century)

ABSTRACT

The article discusses the activities of the light and food industries in the southern regions of Uzbekistan during the Soviet era, the policy of the Soviet ideology in this regard. only the focus was on the construction of primary processing plants for raw materials. As a result, the economy of the national republics developed unilaterally and fell into a deep economic crisis. As a result, a flawed, one-sided raw material structure of the national economy was formed. The republic is obliged to import not only certain types of raw materials, fuel, equipment and technology, but also vital food products and consumer goods. In the 70s and 80s of the twentieth century, the industry was one-sided, and the problem of the industry was the origin of the contradictions.

Index Terms: Influence of the Soviet government, light and food system, industrialization policy in Uzbekistan, development of light and food industries in Kashkadarya and Surkhandarya.

1.Долзарблиги:

Республикада енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланиши: муаммолар ва натижалар тарихини жанубий вилоятлар мисолида ўрганиш шубҳасиз тарихни янада чуқурроқ тарзда ёритиш учун имконият яратади. Чунки, жанубий вилоятларнинг енгил ва озиқ-овқат саноати Республикамиз иқтисодиётида ҳамда аҳолини иш билан таъминлашда алоҳида салоҳиятга эга бўлиб, ушбу соҳаларнинг тарихий ривожланиш тенденцияларини илмий жиҳатидан тадқиқ этиш бугунги кунда тарихшунослик соҳасида илмий тадқиқот объекти сифатида юзага чиқмоқда.Ўзбекистонда. шу жумладан, унинг таркибий қисми бўлган Жанубий вилоятларда енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасининг шакилланиши ва унинг ривожланиш жараёнига хос қонуниятларининг тарихий аспектларини илмий жиҳатидан тадқиқ этиш, қолаверса, бу соҳадаги мавжуд камчиликлар, муаммолар, унинг оқибатлари ва натижалари, шунингдек қўлга киритилган ютуқларни илмий таҳлил қилган ҳолда совет хокимияти йилларидаги тажрибаларидан хулоса чиқариб, илмий ва амалий аҳамиятга эга мулоҳазаларни бнриш тарихшунослик олидаги асосий вазифалардан биридир. Демак, совет хокимияти йилларида Республикамиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутиб келаётган енгил ва озиқ-овқат саноати соҳаларда мавжуд муаммолар ва камчиликларни тарихий илмий жиҳатдан ўрганиб, унинг оқибат ва натижаларига жиддий эътибор бериш ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасида йўл қўйилган камчиликларни ўрганиш, уларни бартараф этиш жараёнинини таҳлил қилиш долзарб масалалардан биридир.

2.Медодлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолда мустабид совет хукумати йилларида Ўзбекистонинг жанубий вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноати: ривожланиши. Муаммолар ва натижаларга бағишланган бўлиб, манбаларда саноат корхоналарнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётга таъсири, ушбу соҳада амалга оширилган ишларнинг Марказ манфатларига мослаштирилганлиги, миллий. Иқтисодий имкониятларни ҳисобга олмаганлиги, мавжуд реал имкониятдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш кучларини тараққий этмаганлиги илмий таҳлил этилган. XX асрнинг 80- йилларида халқ хўжалигида енгил ва озиқ-овқат саноатини аҳволини таҳлил этувчи асарлар ҳамда тарихий монографиялар юзага келди. Ўзбекистонда енгил ва озиқ –овқат саноати тарихига бағишланган бир қатор монографияларда ушбу соҳа ишчи-ходимларининг ижодий фаолияти, индустрлаштириш тажрибаси, иқтисодиёт ва миллий масалага доир саноат соҳасида амалга оширилган ишлар, қайта қуриш даври натижалари хусусида фикр юритилиб, ушбу тарихий адабиётлар коммунистик мафкура ва партия сиёсатининг натижаларига бағишланган бўлиб, уларда совет ҳокимияти сиёсатининг ижобий натижалари бир томонлама ёритилган. Мазкур мавзуга оид тарихий тадқиқотлар орасида ушбу йилларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларнинг саноат тарихини илмий асосид ва қиёсий таҳлил тамойиллари асосида ёритилган.

Ўз ўрнида ушбу мавзу бир қатор олимлардан Қ. Усмонов, Д. Бобожонова, С. Турсунов, О. Журақулов, Н. Хакимов, А. Раҳматов, Э. Қобиловлар тадқиқот ишларида келтириб ўтилган.

3.Тадқиқот натижалари:

Тарихий манбаларнинг далолат беришича, Совет Иттифоқида хукм сурган “адолатли” меҳнат тақсимоти бошиданоқ ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш соҳасида империяча муносабатлар шаклида борганлигидан далолат беради. Коммунистик сиёсат туфайли Ўзбекистонда юзага келган ҳолатни Ўзбекистоннинг биринчи Президент И.А.Каримов илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, 1992 йили шундай деган эди: “Бир неча ўн йиллар давомида республикада сценарийси узоқ Марказда тўқилган қарорлар амалга оширилди, “компания”лар ўтказилди. Ўзбекистоннинг чинакам манфаатлари, ўзига хос шароити ва имкониятлари писанд қилинмади. Натижада халқ хўжалигининг нуқсонли, бир томонлама хом ашё тузилмаси шаклланди. Республика айрим хом ашё турларини, ёқилғи, асбоб-ускуналар ва технологиянигина эмас, балки ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини, халқ истеъмол молларини четдан келтиришига мажбурдир” [1].

Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви халқ хўжалиги тизимига ҳалокатли таъсир қилиб, 1970 йилда Ўзбекистон саноат тармоқлари умумий ишлаб чиқаришининг 83.4 фоизи қишлоқ хўжалиги (асосан пахтачилик) билан бевосита боғлиқ бўлган. 1975 йилда бу кўрсатгич 78 фоизгача[1], 1980-йиллар ўрталарига келиб 75 фоиздан ортиқроқни ташкил этди [2]. Демак, Ўзбекистон саноатининг бир томонлама хусусияти узоқ йиллар сақланиб, жиддий ўзгаришлар содир қилинмади.

Шунингдек, бу даврда Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсати ҳам ўзига хос тарзда олиб борилди. Юқорида таъкидланганидек, ишлаб чиқариш воситалари суст ривожланди. Масалан, “А” гуруҳ маҳсулотларининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 1959-1964 йилларда 10 фоизга тенг бўлган бўлса, истеъмол маҳсулотлари (“Б” гуруҳ) ўртача 4,7 фоизга ўсиб борди. 1970-85 йилларда ушбу тафовутга барҳам берилиб, “А” гуруҳ маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2.4 маротаба, “Б” гуруҳ маҳсулотларини ишлаб чиқариш 3 баробар ўсишига эришилди. [3].

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бир томондан, ривожланган енгил ва озиқ-овқат саноатини вужудга келтириш борасида қилинган барча тадбирлар республикада ишлаб чиқариш воситаларини, яъни, машина ва ускуналарни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун эмас, балки, минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва материалларини тайёрловчи соҳаларни тараққий этишга қаратилди. Шунинг учун меҳнат қуроллари, машина ва механизмлар асосан четдан келтириларди. Иккинчи томондан, шаклланиб борган ишлаб чиқариш халқ истеъмоли маҳсулотларини етказиб берувчи тармоқларнинг заифлигидан далолат берарди. Шу билан бирга, Ўзбекистон етарли хом-ашё ва меҳнат ресурсларига эга

бўла туриб, аҳоли жон бошига истеъмол ишлаб чиқаришда Болтиқ бўйидан 4-5 баравар, Россиядан 2,5 баравар орқада эди [4].

Чунки, республикада халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркибида тайёр маҳсулотнинг улуши фақат 25 фоизни ташкил қиларди, холос [5].

Ўзбекистон иқтисодиёти СССР иқтисодий тизимидаги етакчи ўринларга эга бўлишига қарамай, юқоридаги маълумотлар унинг заиф ривожланганлигидан, бир томонлама хусусиятга эга эканлигидан ёрқин далолат беради. Ушбу хусусиятларни кам ривожланиши республика иқтисодиётига, шу жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарёда енгил ва озиқ-овқат саноати тараққиётига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Умуман, олганда хўжасизлик, иқтисодий воситалардан фойдаланишда илмий ёндошувлардан фойдалана билмаслик ва бошқа барча шу каби хусусиятларга эга бўлган усуллар орқали давлатни бошқариш оқибатида маъмурий-буйруқбозлик тизими вужудга келган қўшиб ёзиш туфайли ишлаб чиқариш хажмларини сунъий равишда кўпайтириш қарор топди. Ушбу ҳолат ноқонуний бўлиб, даромадга салбий таъсир кўрсатсада, амалда эса ушбу ҳолат моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватланар эди. Бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Хом ашё маҳсулотлари асосида тайёр маҳсулотлар қийматининг қайта ҳисоб-китоб қилинишининг кенгайиб бориши; маҳсулотлар сарф-ҳаражатининг ортиб бориши ва улар таннархининг қимматлашуви; майда-чуйда ўзгартиришлар киритиш орқали таннархи ошган ва сарф-харажати кўпайган буюмлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда уларга янги ном бериш эвазига арзон маҳсулотлардан воз кечилди.

Мамлакатда тоталитар тизимнинг мустаҳкамланиши, ғоявий-мафкуравий ёндошув асосида иқтисодиётнинг объектив қонуниятларининг инкор этилиши иқтисодиётни ривожланишига, шу жумладан ишлаб чиқаришни ўсишига салбий таъсир қилиб, уларнинг тангликка етакловчи омилларини зўрайиб боришига шароит туғдирди. Мулкка нисбатан давлат монополиясининг ўрнатилиши, цивилизациялашган товар-пул муносабатларидан фойдаланмаслик, унинг ўрнига бошқарувнинг маъмурий-тақсимлаш тизимининг ҳукмронлик қилиши ҳалқнинг бунёдкорлик хусусиятларини ривожланишига тўсиқ бўлди.

Тенглик ва тақсимлаш принциплари исканжасида оқилона ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида қанча ҳаракат қилинмасин, иқтисодиёт ўзини ўзи ривожлантириш ички имкониятларидан маҳрум бўлди. Натижада СССР халқ хўжалиги чуқур деформацион жараёнлар қаърига юз тутди.

Хуллас, катта сарф-харажатни ва самарасиз совет иқтисодиётини таназзулдан сақлаб қолиш учун СССР раҳбарияти бу борада қандайдир ўзгаришлар содир қилишни англаб етган эди. Шунинг учун иқтисодиётни ислоҳ қилишга қаратилган амалий ишларга 1970-1990 йиллар ўртасида бир неча бор ҳаракат қилинди. КПССнинг XXIV съезди (1971 йил 30 март – 9 апрел)дан сўнг мамлакат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги вавлюнтаристик жараёнларга барҳам берилди ҳамда 1970-1980 йилларда илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш, иқтисодни интенфикациялаш, иқтисодий қонуниятлардан самарали фойдаланиш вазифаси англаб етилди. Халқ хўжалигида ўтказилган ислоҳотлар иқтисодий тараққиётга асос солиб, мудом вақт давомида корхоналарни ривожланишига туртки берди, ижтимоий муаммолар, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш каби масалаларнинг ечимини топадиган ишлаб чиқариш бирлашмаларини вужудга келиши рағбатлантирилди [6].

Бироқ ўтказилган ислоҳотларнинг ўта чекланганлиги, унинг қисқа муддатга ва иккинчи даражали масалаларни ҳал қилишга қаратилганлиги ишлаб чиқаришни тубдан яхшилаш, унинг кўрсатгичларини тинимсиз ўсишига барқарор асос яратилмаслигига сабаб бўлди. Ушбу муаммога объектив қараганда, шуни айтиш мумкинки, мавжуд тузум, ундаги ҳукмрон доиралар жамият ҳаётини, унда кечган иқтисодий жараёнларга мафкуравий таъсирни кучайтириб юборганлиги бошланган ислоҳотларни муваффақиятсизликка учрашига олиб келди.

СССРда иқтисодий ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган фармон ва қарорларнинг ижросини охирига етказилишига тўсиқ бўлаётган яна бир муҳим омил ҳам борки, уни инкор

этиб бўлмайди. Яъни қабул қилинган қарорлар ва уларнинг ижроси, хўжалик муаммоларини ечиш ваколати марказ ва жойлардаги партия органларига юклатилди, энг муҳими, бу жараён оммавий тус олди. Натижада, партия раҳбариятининг барча поғоналарининг маъмурий бўлиниш кучая борди. Маъмурий бошқарув усулларининг равнақ топиши, бюрократик консерватизмнинг авж олиши ўз-ўзидан, ислоҳотлар жараёнига сунъий тўсиқ бўлиб хизмат қилди.

1970 йилдан марказий хокимият “инфляцияга қарши қатъий молия-кредит сиёсати”ни олиб боришга мажбур бўлди. Чунки, саноат яхши ишламасди, 1971-1979 йиллар оралиғида доимий тарзда барча корхоналарнинг 15 фоизи зарар келтираётган корхоналарга айланиб борган. Иқтисодиётда ўзаро рақобат бўлмаганлиги учун маъмурий – бюрократик аппарат учун нарх-навони аста-секин ошириш орқали инқирозий ҳолатлардан чиқиш, ҳақиқатни бўяб кўрсатиш, вужудга келган вазиятни тўғрилашдан кўра осонроқ эди [7]. Шунингдек, халқ хўжлигининг енгил ва озиқ-овқат саноати, савдо, тайёрлов ва транспорт тармоқлари инқирозга учраётган даврда қишлоқ хўжалигини кўтариш самара бермади ҳамда бу соҳада чиқим ва харажатларнинг олди олинмади.

1971-1975 йилларда Сурхондарё вилояти енгил ва озиқ-овқат саноатида янги корхоналарни ишга тушириш, мавжудларини қайта таъмирлаш, ишлаб чиқаришни эса янада такомиллаштириш ва ички резервлардан тўла фойдаланиш натижасида вилоятда саноат ишлаб чиқариши тахминан 60-70 фоизга ошди. 1971-1975 йиллар давомида пахта толаси етказиб бериш 1,8 марта, озиқ-овқат маҳсулотлари – 1,4 марта, ёғ-мой саноати 2,6 марта, пилла – 1,7 марта, гўшт-сут маҳсулотлари – 1,1 марта кўпайди [8].

Совет даврида иқтисодий соҳада олиб борилган бир томонлама сиёсат кўп жиҳатлари билан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги иқтисодий жараёнларда ҳам ўз аксини топди. Айниқса 1987 – 1988 йилларга келиб халқ хўжалигида юз берган инқироз аломатлари кўзга яққол ташлана бошлади. «Янгича ёндашув ва янгича фикрлаш» ғояси асосида олиб борилган «қайта қуриш» сиёсатига жамиятнинг тайёр эмаслиги, шунингдек ижрочилик кайфиятига мослашган раҳбарларнинг «хўжалик ҳисоби» ва «ўзини ўзи молиялаштириш» шароитида иш юрита олмаслиги оқибатида халқ хўжалигининг деярли барча соҳалари издан чиқа бошлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида пахта, узум, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш режалари йил сайин барбод бўлиб келди. Капитал қурилишда асосий фондларни, яъни уй-жой, мактабгача тарбия ва маданият масканлари, ҳунар-техника билим юртлари объектларини қуриб ишга тушириш режаларини бажармаслик, улар етарли даражада молиялаштирилишига қарамай, анъанавий тус ола бошлади

[9]. Масалан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 1988 йилда барча лимитлар ва қурилиш материаллари ажратилганига қарамай режадаги 1 млн. 425 минг $м^2$ ўрнига 822 минг $м^2$ уй-жой фонди қуриб топширилди, яъни режа 60 фоизга бажарилди, холос [10].

Инқироз шароитида асосий ишлаб чиқариш фондларининг янгиланиши сустлашди, халқ хўжалигида эскирган фондлар салмоғи муттасил кўпайди. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш самарадорлиги йил сайин пасайиб борди, иқтисодий ўсиш аввал секинлашди, сўнгра батамом тўхтади. Хўжалик юритишнинг янги, бирмунча унумли шаклларини жорий этиш юзасидан олиб борилган ташкилий ишларга қарамай 1989 йил ўрталарига келиб Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг 101 та саноат корхонасидан 94 таси хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитига ўтказилган саноатда мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмай келинди[11].

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонни бу иқтисодий тангликдан тараққиёт йўлига чиқариш учун республика иқтисодий тизимини янгилаш керак эди. Бу эса эски, мустабид режали иқтисоддан янги, бозор иқтисодига ўтишни тақозо этарди. Шу сабабли бозор иқтисодиётига ўтиш, ислоҳотлар ўтказиш қонуний заруриятга айланди, чунки мамлакат олдида бошқа нажот йўли йўқ эди, жаҳон тарихий тажрибаси эса бозор тизимининг устунлигини аллақачонлар тасдиқлаган.

Лекин бу осон йўл бўлмаган, чунки Ўзбекистоннинг узоқ йиллар давомида аввал Россия империяси, сўнгра Совет давлатига мустамлака бўлиши уни иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан бутунлай Марказга қарам қилиб қўйган эдики, бу мустамлакачилик асоратларини бартараф қилмай туриб мустақил давлат қуриб бўлмас эди. Қисқаси, Ўзбекистон ССР совет ҳокимияти йилларида фақатгина хомашё базаси, бошқача айтганда, ярим мустамлака ўлка эди.

Бунинг устига совет тузумидан мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик асосидаги бошқарув тизимини синдирмасдан, хомашё минтақасига айлантирилган ва бир ёқлама ривожлантирилган ишлаб чиқариш йўналишини тубдан ўзгартирмасдан туриб, тараққиётга эришиб бўлмас эди. Демак, 1991 йил мустақиллик туфайли юз берган туб ўзгаришлар жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган биринчи галдаги вазифа иқтисодиётдаги мазкур салбий ҳолатларга барҳам бериш бўлса, иккинчиси Иттифоқ раҳбарияти олиб борган минтақавий-ҳудудий сиёсатдаги қўпол хатоларни тузатиш эди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура... Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.61. (Karimov I.A. Uzbekistan: national independence, economy, politics, ideology. .. T.1. –T. : Uzbekistan, 1996. - P.61.)
2. Зиядуллаев С.К. Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемы её развития. –Т., 1977. – С.151. (Ziyadullaev S.K. Industry of Uzbekistan and the main economic problems of its development. –T., 1977. - P. 151)
3. Экономика Узбекской ССР в условиях перестройки. – Т., 1988. – С.16. (Economy of the Uzbek SSR in the conditions of perestroika. - T., 1988. -- p. 16.)
4. Зиядуллаев С.К. Промышленность Узбекистана и основниые экономические проблемы его развития. –Т., 1967. – С.171. (. Ziyadullaev S.K. Industry of Uzbekistan and the main economic problems of its development. –T., 1967. - P.171.)
5. Экономика Узбекиской ССР в условиях перестройки. – Т., 1988. – С.16. (Economy of the Uzbek SSR in the conditions of perestroika. - T., 1988. -- p. 16.)
6. Узбекистан в мировой экономике. –Т., 1993. – С. 53. (Uzbekistan in the world economy. – T., 1993. - P. 53.)
7. Валовой Д.В. Тайны овального зала Кремля. – М., 1991. – С.34,54; Политическая история России и СССР … М., 1991. – С.84. (Valovoy D.V. The secret of the oval hall of the Kremlin. - M., 1991. - P.34,54; Political history of Russia and the USSR. .. M., 1991. - P.84.)
8. Новое время. 1990. №12. – С.7-8. (New time. 1990. No. 12. - P.7-8.)
9. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-ҳужжат, 58-варақ. (Surkhandarya regional state archive. Fund 45, List 1, Document 101, Page 58.)
10. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви. 303-фонд, 2-рўйхат, 161-ҳужжат, 14-варақ. National Archive of the Republic of Uzbekistan. Fund 303, List 2, Document 161, Page)
11. ЎМА, 303-фонд, 2-рўйхат, 161-ҳужжат, 19-варақ. (NA RUz, fund 303, list 2, document 161, page 19.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Тўлқин Дўстбобоевич Худойқулов,
тарих фанлари номзоди, доцент
Қарши давлат университети
Педагогика институти

ХИВА ИНОҚЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ. МАНСАБ ВА УНВОНЛАР

For citation: Tulkin D.Khudoikulov, SYSTEM OF CENTRAL AND LOCAL GOVERNMENT OF KHIVIN'S INAKI. POSITIONS AND TITLES. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.599-609

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-81

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб Хива хонлигида чуқур сиёсий инқироз ҳолатининг бошланиши ва унинг сабаблари ҳақида баъзи маълумотлар бериб ўтилади. Шунингдек, 1770 йилга келиб, қўнғирот уруғи вакилларининг ҳукмронлиги бошланиб, уларнинг эътиборли етакчиларидан бири Муҳаммадамин иноқ (1770-1790 йиллар)нинг ҳокимият тепасига келиши бўйича ҳам айрим маълумотлар тақдим этилган. Жумладан, Муҳаммадамин иноқ ички сиёсатни барқарорлаштириш мақсадида Хива хонлигида ўз ҳукмронлигини тиклаш учун ҳаракат қилаётган Орол манғитларига (1787 йил) қақшатгич зарба бериб, уларни тор-мор қилиши, мамлакатни идора этишда маъмурий ислоҳотлар амалга оширилар экан, XVIII асрнинг охирларидан Муҳаммадамин иноқ ва унинг ўғли Аваз иноқлар даврида хонликни идора этишда қуйидаги мансаб унвонларнинг вазифалари қайтадан белгилаб берилганлиги, хусусан, дастлаб қўшбеги - маъмурий ишлар, меҳтар - молия ишлари, оталиқ - аскар бошлиқларидан иборат уруғ бошлиқларига суянадиган кенгаш тузганлиги ҳақида бир қанча маълумотлар маҳаллий манбаларга таяниб таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Муҳаммадамин иноқ, шайхулислом, мутавалли, ноиб, оталик, иноқ, мироб, бий, парвоначи, ака, арбоб, чиғатой-иноқи, вазир (у меҳтар деб юритилган), қушбеги, сарой тарихчилари, Мунис, Огаҳий, Баёний, Абулғози V, Аваз иноқнинг ўғли Элтузар, вақф мулклари, қўшуннинг бошлиғи, сипоҳий, сарбоз, сардор, саркарда, сартиб, сарҳанг, соқчи, тунотар, тунқотар, туғчи, туғчибоши, тўпчи, тўра, удайчи (ҳидоячи), шамхолчи, шиғовул, шотир, элликбоши, эшикоғаси, юзбоши, ясовул, ясовулбоши, ўнбоши, қиличкор, қози аскар, қози урду, қоровул, қоровулбеги, қўшбеги, ҳоким.

Тулкин Дустбобоевич Худойкулов,
Кандидат исторических наук, доцент
Педагогический институт
Каршинского государственного университета

СИСТЕМА ЦЕНТРАЛЬНОГО И МЕСТНОГО УПРАВЛЕНИЯ ХИВИНСКИХ ИНАКОВ. ДОЛЖНОСТИ И ЗВАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В этой статье мы дадим некоторую информацию о начале глубокого политического кризиса в Хивинском ханстве с середины XVIII века и его причинах. Также к 1770 году началось правление представителей кунградского семени, также была предоставлена некоторая информация о приходе к власти одного из их замечательных лидеров Мухаммеда инака (1770-1790 годы). В частности, Мухаммади инак нанес страшный удар по островным мангитам (1787 год), которые пытались восстановить свое правление в Хивинском ханстве с целью стабилизации внутренней политики, их сужения, проведения административных реформ в управлении страной, начиная с конца XVIII века, во время правления Мухаммади инака и его сына Аваза инаки, последовали следующие события. Был проанализирован ряд данных о том, что военные создали совет по семеноводству, состоящий из аскар баши опираясь на местные источники.

Ключевые слова: Мухаммадамин инак, шайхулислам, мутавалли, наиб, оталик, инок, мираб, бий, парваначи, ака, арбаб, чигатай-иноки, вазир, кушбеги, Мунис, Агахий, Баяний, Абулгози V, Элтузар сын Аваз инак, вакф, сипахий, сарбаз, сардар, саркарда, сартиб, сарханг, ахраник, тунатар, тункатар, тугчи, тугчибаши, тупчи, тура, удайчи, шамхолчи, шигавул, шатир, элликбаши, эшикогаси, юзбаши, ясавул, ясавулбаши, унбаши, киличкар, кази аскар, кази урду, каравул, каровулбеги, кушбеги, хаким.

Tulkin D. Khudoikulov,
Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
Pedagogical Institute Karshi State University

SYSTEM OF CENTRAL AND LOCAL GOVERNMENT OF KHIVIN'S INAKI. POSITIONS AND TITLES

ABSTRACT

In this article, we will give some information about the beginning of a deep political crisis in the Khiva Khanate from the middle of the XVIII century and its causes. In addition, as the reign of representatives of the Kungrad tribe had begun by 1770 year, some information regarding one of their remarkable leaders, Mukhammadamin inak (1770-1790 years) was also provided. In particular, triumphing over the mangites of the Aral Sea (1787 year), who were trying to restore their rule in the Khiva Khanate with the aim of stabilizing the internal policy, Mukhammadamin inak defeated their troops. Carrying out administrative reforms in the administration of the country, since the end of the XVIII century, during the reign of Muhammadi inak and his son Avaz inak organized a senate consisting of the following positions and titles with some changes in their duties. Particularly, kushbegi was responsible for administrative business, mekhtar – for the financial cases, atalyk – the head of soldiers.

Index Terms: Mukhammadamin inak, Sheikh-ul-islam, mutavalli, noib, atalyk, inak, mirab, biy, parvonachi, aka, arbab, Chigatoy-inak, vazir (he was referred to as mekhtar), kushbegi, Palace historians, Munis, Ogahi, Bayani, Abulgazi V, Avaz inak's son Eltuzar, vakuf properties, head of the army, sipakhi, sarboz, sardar, sarkarda, sartib, sarhang, guard, tunotar, tunkotar, tugchi, tugchibashi, tupchi, tura, udaychi (hidoyachi), shamkhalchi, shigovul, shotir, ellikbashi, eshikogasi, centurion, yasovul, yasovulbashi, unbashi, kilichdar, kazi askar, kazi urdu, karaul, karaulbegi, kushbegi, hakim.

Since the middle of the XVIII century, a period of deep political crisis began in the Khiva Khanate. One of the main reasons for this was the bloody struggle between the tribes, the clashes between the Khan and the great proprietors, the settlers and the noble people, as well as the struggle with the external enemies. This situation had a great influence on the economic development of the Khanate. At a time when the political situation became more complicated due to the state depression and the ongoing continuous bloody struggle, the son of Eshmukhammad,

Mukhammadamin, who was one of the leaders of the Kungrad tribe dynasty, entered the political struggle area and tried to seize the central government.

1.Долзарблиги:

Глобаллашув жараёнлари тобора кенгайиб бораётган халқаро майдонда турли халқларнинг қадимги тарихи, хусусан, урбанизация жараёнлари, давлатчилиги ҳамда давлат бошқаруви ва унинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий-маданий мерос ва цивилизация тараққиётининг ҳудудларга хос жиҳатлари янада чуқурроқ ўрганишга бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Бу йўналишда давлат бошқаруви, сўнгги ўрта асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, маданият, бошқарув усуллари, урбанизация каби масалаларнинг тадқиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тарихшунослигида маълум минтақалар давлатчилигидаги марказий бошқарувнинг шаклланиши ва ривожланиши, маҳаллий-маъмурий бошқарувдаги қуйи ва юқори идоралар, давлат бошқарувидаги ҳарбий унвон ва мансаблар, диний ташкилотлар бошқаруви каби масалалар юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари географиясининг кенгайиши туфайли Россия, Хитой, Япония, АҚШ ва бир қанча Европа мамлакатларининг етакчи мутахассис олимлари томонидан Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларидаги давлат бошқарувини мавжуд илмий қарашлар, манбалар маълумотлар, асосий ёндошувлар динамикаси, қиёсий таҳлил ҳамда умумлаштириш ҳолатларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мавзу тарихшунослик ва манбашунослик таҳлилларига асосланади. Шунга кўра мавжуд адабиётларни улар ёзилган даврларга қараб, бир неча гуруҳларга туркумлаштириш имконияти пайдо бўлди. Улардан биринчи гуруҳга Россия империяси ҳукмронлиги даврида ёзилган асарларни, иккинчи гуруҳга собиқ совет даврида яратилган тадқиқотларни, учинчи гуруҳга мустақиллик даврида ёзилган асарларни ва тўртинчи гуруҳга хориж олимлари қаламига мансуб адабиётларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчи гуруҳга оид адабиётлар XVIII аср – XX асрнинг бошларида рўй берган тарихий воқеаларнинг бевосита гувоҳлари томонидан яратилганлиги билан ажралиб туради. Уларни мансублигига қараб икки қисмга, яъни ўзбек хонликларининг тарихнавислик мактаби муаррихлари ва подшо Россияси мустамлакачилиги даври тарихчилари берган маълумотларга ажратиш мумкин. Тадқиқотда ўзбек хонликлари тарихнавислиги вакиллари томонидан маҳаллий тилларда яратилган асарлардан ёзма манба сифатида фойдаланилгани учун ҳам улар ҳақида ишнинг манбавий асослари қисмида батафсил тўхталиб ўтилган.

Совет даврида ҳам мазкур мавзуга оид қатор илмий адабиётлар яратилди, ана шулар иккинчи гуруҳни ташкил қилади. Бироқ, уларнинг асосий қисмида хонликлар тарихи, ундаги сиёсий-иқтисодий ва маданий жараёнлар шу даврдаги ҳукмрон марксча-ленинча мафкура ғоялари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёритилган. Энг асосийси, Россия империясининг босқинчилик сиёсати бир ёқлама, нохолис таҳлил қилинган. Бунга асосий сабаб қилиб қуйидагиларни келтириб ўтиш жоиз:

1) бу даврда тарихий ҳақиқатни билишга рағбат кўрсатилмаган;

2) ҳукмрон коммунистик мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланган;

3) Тарихий шахслар ҳақида фақат субъектив фикрлар айтилган ёки улар ҳақида ҳеч нарса гапирилмаган...

Мазкур ҳолат иккинчи гуруҳга мансуб адабиётлардаги кўпчилик маълумот ва хулосаларни айнан танқидий нуқтаи назардан ўрганиш, баҳо бериш ва таҳлил қилиш лозимлигини англатади.

Учинчи гуруҳни Ўзбекистон мустақиллиги даврида яратилган ўзбек хонликларнинг тарихига оид туркум адабиётлар ташкил этиб, хонликларнинг XVIII – XX асрлардаги марказий, маҳаллий, ҳарбий ва диний ҳокимиятини маълум жиҳатларини илмий холислик, тарихийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этилди.

Тўртинчи гуруҳ хорижий тиллардаги адабиётлар туркумини М.Олдворт, Б.Манс, Ю.Брегель, С.Ливай, Л.Нейби ва бошқаларнинг асарлари ташкил қилади. Мазкур олимларнинг тадқиқот ишлари хусусида айрим маълумотлар диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳида эслаб ўтилган.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб ва мавзу тарихшунослиги таҳлилига асосланиб айтиш мумкинки, XVIII – XX аср бошларида ўзбек хонликларининг марказий, маҳаллий, ҳарбий ва диний ҳокимиятини тадқиқ этиш бугунги кунга қадар алоҳида илмий иш мавзуси бўлмаган ва умумлаштирилган ҳолда махсус диссертациявий тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

3.Тадқиқот натижалари:

XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб Хива хонлигида чуқур сиёсий инқироз даври бошланди. Бунинг асосий сабабларидан бири - қабилалар орасидаги қонли курашлар, хон билан катта мулкдорлар, кўчманчилар билан ўтроқ халқ ўртасидаги тўқнашувлар, шунингдек, ташқи душманлар билан бўлган курашлардир. Бу ҳол хонлик иқтисодий тараққиётига ҳам катта таъсир ўтказмасдан қолмади. Сиёсий вазият мураккаблашиб давлат тушкунликка қараб бораётган ва тўхтовсиз қонли кураш давом этаётган бир вақтда қўнғирот уруғи сулоласининг етакчиларидан бўлмиш Эшмуҳаммад ўғли Муҳаммадамин сиёсий кураш майдонига кириб келди ва марказий ҳокимиятни қўлга олишга уринди.

Ниҳоят, 1770 йилга келиб, қўнғирот уруғи вакилларининг ҳукмронлиги бошланиб, уларнинг эътиборли етакчиларидан бири Муҳаммадамин иноқ (1770-1790 йиллар) ҳокимиятни қўлга олди. Манбаларда бу сохта хонларнинг келиб чиқиши ҳақида аниқ бир маълумотлар учрамасада, улар асосан ўзларини Чингизхон авлоди деб ҳисобловчи қозоқ султонлари орасидан Хоразмнинг муътабар зотлари томонидан сайлана бошлади.

Муҳаммадамин иноқ ҳокимиятни қўлга олиб, ўз ҳукмронлигини тиклашда амирлар, катта ер эгалари, савдогарлар ва уламоларга суянганлигини Мунис қуйидагича изоҳлайди. “Муҳаммадамин иноқ... вақтни ғанимат билиб, аксари умаро (амирлар) била ёвмут мухолифатида муттафиқ бўлиб, қалъадорлиқ умурига иштиғол кўрғизди”.[1: 47 б]

Муҳаммадамин иноқ ички сиёсатни барқарорлаштириш мақсадида Хива хонлигида ўз ҳукмронлигини тиклаш учун ҳаракат қилаётган Орол манғитларига (1787 йил) қақшатгич зарба бериб, уларни тор-мор қилди.

Мамлакатни идора этишда маъмурий ислоҳотлар амалга оширилар экан, XVIII асрнинг охирларидан Муҳаммадамин иноқ ва унинг ўғли Аваз иноқлар даврида хонликни идора этишда қуйидаги мансаб унвонларнинг вазифалари қайтадан белгилаб берилди. Жумладан, дастлаб қўшбеги - маъмурий ишлар, меҳтар - молия ишлари, оталиқ - аскар бошлиқларидан иборат уруғ бошлиқларига суянадиган кенгаш тузди.

Хивада иноқлар ўзларини мустақил сезиб, тахтни наслдан-наслга ўтказиш имкониятига эга бўлганларидан кейин хонлик тахтида ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган, иноқлар қўлида ўйинчоқ бўлган Чингиз авлодини хон қилиб кўтаришди (мисол учун, сохта Абулғози V ни Аваз иноқнинг ўғли Элтузар тахтдан тушириб, 1218 йил 13 шаъбон ойида ўзини қўнғирот уруғи сулоласининг хони деб эълон қилди).

Қўнғирот Элтузар хонлик тахтига ўтирганидан сўнг Хива хонлигининг ишларига аралашиб келаётган Бухоро амирлигига қарши исёнга бошчилик қила бошлади. Ниҳоят 1806 йили икки хонлик ўртасида бўлган жанг Хива аскарларининг мағлубияти ва Элтузарнинг ҳалокати (манбаларда айтилишича у сувга чўкиб ўлган) билан тугайди. Шундан сўнг Хива тахтига мазкур сулоланинг кўзга кўринган энг йирик вакилларидан бири - Элтузарнинг укаси Муҳаммадраҳим I (1806-1825) ўтиради.

Сўнги йилларда Хива хонлиги тарихи бўйича қатор асарлар илмий тадқиқот юзини кўра бошлади. Ушбу асарларда хонликнинг давлат бошқаруви ва унинг шаклланиши, унвон ва мансаб, унинг вазифалари каби қатор масалалар ўрганилган. Сарой тарихчиларидан Мунис, Огаҳий [2] ва Баёний [3] ларнинг асарлари илмий таҳлил қилинган. Тадқиқотчи олимлардан айниқса Л.Ф.Костенко, Л.Соболев, М.И.Иванин, Н.Н.Муравьёв, Г.И.Данилевский, Х.Вамбери, В.В.Бартольд, А.А.Семёнов, П.П.Иванов, М.Йўлдошев,

А.Болтаев ва Ш.Воҳидов [4:214-223]ларнинг асар ва рисолаларида Хивада давлат бошқаруви масалаларига оид муҳим маълумотлар берилган. Улар орасида айниқса, А.Болтаев ва Ш.Воҳидовларнинг асарларидаги маълумотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Хива хонлигида маъмурий ислоҳот ўтказган яна бир ҳукмдор Абулғози Баходирхон бўлади. У хонлик ҳокимият тепасига келган биринчи кундан бошлаб асосий эътиборни давлатни мустаҳкамлаш масаласига қаратди. Биринчи ўринда туркман задогонларини давлат бошқаруви ишларидан четлаштиради. Уларнинг қўлларидаги молу-мулкларини, ер-сувларини тортиб олиб, ўзларини хонлик ичкарисидан қувғин қилган. Шундан сўнг туркманлар Хуросонга, Жанубий Туркманистонга, Абулхон ва Мангишлоққа кўчиб кетишга мажбур бўладилар [5:91]. Хонликнинг барча юқори лавозимлари ўзбек ҳукмдорлари қўлига топширилди. Хива тарихчиси Мунисснинг кўрсатишича, Абулғозихон маъмурий ислоҳат ўтказиб, хонликнинг марказий бошқарув тизимини батамом янгидан ташкил этди. У ўзбек зодагонларидан 360 кишини хонликнинг турли лавозимларига тайинлади. Шулардан энг обрўли 32 кишига саройда ўз ёнидан ўрин берди. Улар хоннинг яқин маслаҳатчилари бўлган. Шунингдек, саройда 32 та марказий бошқарув лавозимларини ташкил этилиб, улар қуйидагича тақсим этилади: 2 та шайхулислом, 1 та мутавалли, 1 та ноиб, 4 та оталик, 4 та иноқ, 4 та мироб, 4 та бий, 1 та парвоначи, 2 та ака, 2 та арбоб, 4 та чиғатой-иноқи, 1 та вазир (у меҳтар деб юритилган) ва яна 1 та қушбеги лавозимларидир. Шу билан Абулғозихон ўзбекларни ва ерли аҳолининг нуфузли вакилларини давлат бошқарув ишларига жалб этиб, улар орасида маълум барқарорликни вужудга келтирди. Давлат ҳокимиятини мустаҳкамланиши Абулғозихонга ички ва ташқи сиёсатни кенг кўламда амалга ошириш имкониятини беради. Манбаларда таъкидланишича хонлик саройида фаолият кўрсатувчи мансаб ва унвонлар қуйидагича тавсифланган:

Шайх ул-ислом. Хива хонлигиида шайх ул-ислом мансабига пайғамбар Муҳаммад авлодлари саналмиш саййидлардан тайинланган. Аслида шайх ул-ислом мусулмон жамоаси бошлиғи ҳисобланар эди. Бироқ улар давлат, дунёвий ишларига аралашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, маслаҳат овозига эга бўлишган [6]. Хива хонлари ҳам ўз ҳукмронликларини қонунийлаштириш учун мусулмон элитасига мансуб саййид ва шайхлар хонадонидан уйланиш ва уларга ўз қизларини бериш қоидасидан фойдаланишган. Хивада Абулғозий даврида икки нафар шайх ул-ислом (пойтахт ва вилоятлар учун) тайинланган.

Мутавалли. Хивада ҳам вақф мулклари катта ўрин эгаллаган. Хонликда барча вақф мулклари шу мутавалли томонидан назорат қилинган. Абулғозий бу амалга бир нафарни саййидлардан тайинлаган эди.

Ноиб. Хоннинг ўринбосари (бир нафар). Вилоят ҳукмдорлари. Хонзода ва хон авлодидан бўлмиш муътабар зотлардан, катта ер эгалари, хоннинг қариндош-уруғлари ёки маҳрамларидан тайинланарди. Ноиб 5 тилладан тортиб, 14 тиллагача маош оларди. Шаҳарларда ҳокимларнинг ёрдамчилари юзбошилар эди. Улар 15 тилладан тортиб, 25 тиллагача маош олганлар.

Оталиқ. Хонзода ва тахт валиаҳдининг мураббийси. Хивада энг кучли ва қудратли бўлган қабила бошлиқларига берилган. Уларнинг сони 4 нафар эди.

Иноқлик маснсабига ҳам 4 нафар таинланган.

Мироблик вазифаси ҳам тўрт нафарга берилиб, у жуда юқори мартабали мансаб саналган.

Бий. Аслида бий кўчманчи қабилаларнинг бошлиғи ҳисобланар эди. Бийларнинг қабила ва уруғ аъзоларидан таркиб топган ўз қўшинлари бўлган. Саройда тўрт нафар бий бўлиб, улар ҳам энг кучли қабила вакиллари бўлган.

Парвоначи. Бу амалдор мансаби “капалак”, деб таржима қилинади. Мазкур амал Бухорода жорий қилинган бўлиб, унинг эгаси капалакдек ҳукмдор ҳузурига кириб-чиқиб, арз қилгувчиларнинг арзини хонга етказиб жавобини олиб чиқар эди. Хонга яқин маҳрамлардан бир киши тайинланган.

Ака, яъни оға, оқа. Хоннинг ака-укалари, авлодидаги энг қудратли ва ёши улуғ кишига берилган. Саройда уларнинг сони икки нафар эди.

Арбоб, яъни хўжайин; улуғ шахс. Саройда икки нафар бу мансабга кўтарилган.

Чиғатой-иноқларининг сони 4 нафар бўлиб, булар барча ўзбек уруғларининг вакиллари сифатида саройда фаолият кўрсатилган. Аслида Абулғозий қабила ва уруғ раҳбарларига бу мансабларни бериб уларни саройда, ўзи ҳузурида "амонат" тарзида ушлаб турган. Кўп ҳолларда ба амалдорлар ўз оила аъзолари билан саройда яшаган.

Вазир (у меҳтар деб юритилган). Абулғозий айни шу вазифага энг лойиқ ва арзанда кишини тайинлаган. Кўп ҳолларда Хива азодагонларининг энг кучли ва обрўли намояндаси вазирлик мансабига кўтарилган. Баъзи ҳолатларда хоннинг укаси, амакиси бу амалга эга бўлишган. Тахт вориси ҳам Хивада вазир бўлгани маълум.

Юқорида Абулғозий Баҳодирхонни Хивада (гегемон) қабилалардан бўлмиш ўзбеклардан 360 нафарига турли вазифва ва унвонлар, амаллар бергани айтилди. Хивада ҳам давлат бошқаруви қуйи ва юқори, ҳамда горизонтал шаклда мавжуд бўлган. Давлат бошқарувидаги дунёвий, диний, ҳарбий, қозихона иши, молиявий бошқарув якка ҳукмронлик тамойилига таянган жамият идораси учун хизмат қилган.

Қушбеги – хон саройида ов асбоблари, ов қушлари (қушбеги номи шундан), итлари, ов асбоб ва анжомлари, хон овга чиққанда барча зарур нарсаларни тайёрлайдиган амалдор. Хонга яқин маҳрамлардан тайинланган.

Қўшбеги – қўш, қўшуннинг бошлиғи. Аслида хон аҳли узангисидан бўлиб, хон қўнган, сафар ва юришларда хон хавсизлигини таъминлайдиган қўш бошлиғи, қўмондони.

Энг олий ҳарбий амалдор хоннинг ўзи эди. Хон бошчилигида бошқа ҳудудларга юришлар олиб борилган, баъзи ҳарбий-сиёсий ишлар амалга оширилган. Ҳарбий-маъмурий унвонларига: амирулумаро, бек, бекларбеги, бий, божбон, ботирбоши, бухри, вазир, вакил, дарвозабон, даҳбоши (ўнбоши), девонбеги, доручи, дорға, жаллод (насақчи), жаллодбоши, жиғачи, имоми жилов, иноқ, кутвол, маҳрам, маҳрамбоши, маҳрам даҳбоши, мерган, меҳтар, милтиқсоз, миршаб, муфти аскар, навкар, нақиб, ноиб, от чопар, оталиқ, панжсадбоши (беш юзбоши), сипоҳий, сарбоз, сардор, саркарда, сартиб, сарҳанг, соқчи, тунотар, тунқотар, туғчи, туғчибоши, тўпчи, тўра, удайчи (ҳидоячи), шамхолчи, шиғовул, шотир, элликбоши, эшикоғаси, юзбоши, ясовул, ясовулбоши, ўнбоши, қиличкор, қози аскар, қози урду, қоровул, қоровулбеги, қўшбеги, ҳоким каби мансаб ва вазифалар кирган [7:39-46].

Мунис ва Огаҳий ўз асарларида юқорида таъкидлаб ўтилган мансаблар ҳақида батафсилроқ маълумотлар бериб ўтади. Хусусан,. .. "Бу уч шахс (меҳтар, қўшбеги, маҳрам) хон ҳузурида алоҳида ишончга эгадирлар ва улар хонликда муҳим ўринларни ишғол этадилар. Уларнинг ёнида биттадан мирзалари ва бир неча девонбегилари бўлади. Девонбегиларнинг мансаби паст даражада бўлиб, улардан югурдаклик ўрнида фойдаланилади ва ажнабий элчиларга миршаб қилиб қўйилади" [8:63], дейилган.

Қўшбеги, девонбеги, меҳтар ва ясовулбоши мансабларининг эгалари ҳарбий хўжалик ишларининг бошлиғи ёки айрим қисмларнинг қўмондони сифатида барча ҳарбий сафарларда қатнашганлар. Қўшбеги ва меҳтар хоннинг алоҳида фармойиши билан, солиқнинг тушумига қараб маош олганлар.

Меҳтар (форсчада катта, улуғ дегани) бўлиб меҳтар хонга яқин кишилардан ва хон уруғига мансуб аъёнлардан тайинланарди. Меҳтар бош хазиначи ва бош вазир. Хазина унинг ихтиёрида бўлиб, кирим-чиқимни ҳисоб-китоб қилиб боради. Саройда хизматкорларнинг бошлиғи. Тадқиқотчи олимлардан Л.Ф. Костенко ўз асарида "Меҳтар мансаби хонликдаги асосий амаллардан бири бўлиб, у ер солиғи (солғут) тўплайди" [9:24] – деб таъкидласа, Иванин "Меҳтар маош тўлаш ишларига мутасадди, қўшин хизмати устидан назорат қилади ва қўшин ҳисобини олади" [10:154], - деб ёзади.

Қўшбеги (туркча) - қўш, ҳарбий лагерь, қароргоҳнинг бошлиғи. Қўшбеги Хива хонлигида иккинчи вазир бўлган. Хонликнинг шимолий қисмига мутасадди эди. Бу унвонни кўп олимлар қушбеги (овчилар бошлиғи) билан алмаштириб қўядилар. Аслида Ўрта Осиёдаги давлатларда қушбеги эмас, балки қўшбеги, яъни қўшиннинг бошлиғи бўлган. У сарой қўшинида катта лавозим ва мақомга эга эди. Манбашунос олим Ш.Воҳидовнинг фикрича айрим тадқиқотчилар Хива хонлари архиви ҳужжатларида учраган қўшбеги сўзини

қушбеги деб ўқиб, «қушчи, қарчиғайчи; «овчи» деб талқин қилишлари шубҳали. Қўшбеги аслида Хива хонлигида саройнинг олий мансабларидан бўлиб, молия ва солиқ ишларини бажарган. Қўшбегининг ҳам ўз девони ва амалдорлари бўлган [11:87-113]. Меҳтарнинг унвони каби уники ҳам хонадон бошлиғидан мерос қолган [12:65].

Нақиб - нақибхўжа (арабча) - Сайидлар ва хўжалар учун юқори фахрий унвон эди. Нақиблик лавозими авлоддан-авлодга ҳам ўтган. Нақиб хоннинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлиб, сафарларда унга ҳамроҳ бўлади. Нақиб мадрасани тугатган киши бўлиши шарт эди. Расмий қабул маросимларида нақиб хўжа хоннинг сўл томонида биринчи ўринда ўтирган. Бухорода ҳам нақиб расмий қабул маросимларида амирнинг сўл томонида биринчи ўринда ўтирган [13:301].

Нақибларнинг ўз навкарлари бўлиб, ҳамма ҳарбий сафарларда қатнашарди. Нақибларнинг вазифаси ҳақида А.А. Семёновнинг асарларида шундай маълумотлар учрайди.. .. «Уруш сафари вақтида қўшин тузиш, уни қуроллантириш ва жойлаштириш маҳоратига эга бўлган, олд ва орқадаги, ўнг ва сўл қанотдаги, марказ ва пистирмадаги аскар ҳолидан хабардор бўлган нақиб ўз вазифасига лойиқ бўлмаган кишини маълум вазифани бажаришга қўймайди". Хивада уруш сафарлари вақтида нақиб шу вазифаларни бажарган. Хон «сайлов»и вақтида нақиб иштирок этарди.[14:328[а] в] Хон нақибларга таянар эди.

Бирор давлат устига юриш қилинишидан олдин хон қўшбеги ва меҳтарни чақириб, қўшинни юришга тайёрлаш ҳақида буйруқ берган ҳамда мамлакатнинг ҳамма ерига жарчи қўйган.

Қалъа беклари, ҳокимлари хоннинг буйруғини олиб, ўнбошиларга ва юзбошиларга навкарларнинг юришга тайёргарлик кўриши, гўшт қуритиш ҳамда талқон ғамлаш ҳақида топшириқ берганлар.

Яна бир унвон **бек** (туркча). Бек сўзи аслзода, ҳукмдор, жаноб маъноларида ҳам ишлатилган. Ўрта Осиё хонликларидаги шаҳар ёки вилоят бошлиғи. Бек хон ва давлат арбобларининг қариндошлари, болаларига бериладиган фахрий унвондир. Агар хоннинг ўғли ёшлигида тўра деб аталса, хоннинг ака-укаларининг ўғли ёки бошқа аъёнларининг болалари **бек** деб аталарди. Масалан, Қутлимуроднинг ўғли Абдуллахон тахтга ўтиргунигача бек деб аталган. Беклар хоннинг ҳар хил топшириқларини бажарар ва уруш сафарларига чиқар эдилар. Беклар 10 тиллодан 100 тиллогача маош олган.

Бекларбеги (туркча) - унвон. Вилоят, катта шаҳар ҳокимлари ана шу унвонга эга бўлишган. Қорақалпоқ ва бошқа кўчманчи халқларнинг оқсоқолларига бериладиган фахрий ҳамда ҳарбий унвондир. Бекларбеги лавозимига, одатда, хоннинг қариндош-уруғлари тайинланар эди. [15: 90[а] вар].

Шиғовул (туркча-мўғулча) - меҳтарнинг ёрдамчиси. Маълумки, меҳтар молия, солиқ ва ҳашар ишларига мутасаддилик қилишдан ташқари, бош вазир сифатида давлатнинг ташқи муносабатларига ҳам раҳбарлик қилган.

Шиғовулларнинг фаолияти **«бухрилар»**нинг фаолияти билан яқиндан боғлиқ бўлган. Бухрилар айғоқчи эди.

Вилоятдаги барча маъмурий ва сиёсий ишлар **ҳокимлар** ва **ноиблар** қўлида бўлган. Улар катта ер эгалари, хоннинг қариндош-уруғлари ва маҳрамларидан тайинланарди.

Ҳоким (арабча) – ўзбек хонликларида вилоят бошлиғи. Ҳоким хоннинг вилоятдаги ноиби ҳисобланган. [16:2].

Сардор (форсча) – Ўрта Осиё хонликларида хон қўшини қўмондони, халқ лашкарбошиси. [17:173-175].

Тадқиқотчи олим З.У.Чориевнинг асарларида **миршаб** (арабча, форсча) – (унинг вазифаси турлича талқин этилади) тунги соқчи, тунги соқчиларнинг бошлиғи дейилган ёки бошқа манбаларда Ўрта Осиё хонликлари шаҳарларида жамоат тартибини сақловчи лавозим бўлиб, одатда шаҳарнинг кечки хўжайини (мири-шаб) деб ҳам юритилган. [18:120]. Жумладан: **сарбоз** (форсча) – Ўрта Осиё хонликларидаги мунтазам қўшин аскари. Хива хонлигида сарбозлар уруш вақтида тўпланган ва уларнинг сони 30-100 минг оралиғида бўлган.

Кўчманчи (туркман, қорақалпоқ ва қисман ҳали ўтроқ бўлиб қолмаган ўзбек)лардан чиққан навкарлар қўшиннинг кўпчилик қисмини ташкил этса-да, лекин улар ишончли куч эмас эдилар. Хоннинг марказлаштириш ва ягона ҳокимиятга интилиш йўлидаги уринишини улар қўллаб-қувватламаган. Аммо навкарларнинг бу қисми ўзининг урушқоқлиги, чидамлилиги билан бошқалардан фарқ қилар ва оғир сафар давомидаги турмуш тарзига жуда яхши кўниккан эди. Шу сабабдан хонлар улардан қўлига ўзга мамлакат ва халқларни талаш учун қилинадиган уруш сафарларида фойдаланган.

Хива хонлиги қўшинларида, навкарларнинг махсус ҳарбийча кийимлари, давлат мукофот нишонлари ва медаллари бўлмаган. Хизмат кўрсатган ҳарбийлар ва амалдорлар пул, ер-сув, мол ёки қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланар эдилар. Турли-туман чопонлар кийгизиш жуда кенг тус олган эди. Айрим ҳолларда эса пичоқ, қилич ва қурол инъом қилинарди.

Хива хонлигида олий ҳарбий ҳокимият хон қўлида бўлиб, хон қўшинга ё бевосита ўзи ёки амирал-умаро орқали фармон берарди. Ҳар бир мулкдор ёки амалдор, ҳатто ҳарбий лавозим эгаси бўлмаса ҳам, саркарда этиб тайинланиши мумкин эди. Аниқ-ки, чунки Хива шароитида ҳақиқатда ҳар бир мулкдор «ҳарбий киши» бўлган.

Амир ал-умаро (арабча) - Нақибдан кейин амир ал-умаро туради. Баёнийнинг Хоразм тарихи асарида амир ал-умаро Хива хонлигидаги ҳарбий қўшинларнинг бош қўмондони лавозими бўлиб, бу унвон 1272 (1855-1856) йили таъсис этилган эди. Саид Муҳаммад хон бу унвонни биринчи марта ўзининг акаси Саид Маҳмуд тўрага берган.

Амир ул-умаро - энг фахрий унвон. Амирларнинг амири, олий амир, деган маънони англатган. Олтин Ўрда, Чиғатой улусида бутун ҳарбий ишлар унинг тасарруфида бўлган. Бундан ташқари, амир ал-умарога ҳукуматнинг барча бош ижроия идоралари ҳам бўйсунган. Амир Темур ва темурийлар даврида амир ал-умаро фақат олий бош қўмондонлик, айрим ҳолларда ҳукмдорнинг ҳудайчиси бўлган.

Муҳаммадамин иноқ ҳукмдорлик қилган замонда акаси Фозил бий амир ал-умаро эди. Ўшандан кейин амир ал-умаро унвони ҳеч кимга берилмаган.

Ясовулбоши (мўғулча, туркча) – ясовуллар бошлиғи. Амир ал-умародан кейинги расмий юқори саркарда ясовулбошилик мансаби эди. Ясовулбошининг вазифаси хоннинг фармонига мувофиқ қўшинни вақтида урушга бошлаб боришдир. Тинчлик вақтида ясовулбошилар навбат билан хонларнинг турли маросимларида ҳозир бўлишга мажбур эди[19: 376 [а] вар]. Хонликда улар икки киши бўлиб, бири ёмуд туркманларига, иккинчиси эса човдирларга қўмондонлик қиларди. “Хонликда ясовулбошида унинг унвонини кўрсатадиган кумуш қалпоқлик асо (ҳасса) бўларди, ҳозир эса камарига пичоқ тақади”.

Ясовул (мўғулча, туркча) – ясовулбошининг ёрдамчилари. Ясовул ўрта асрларда Мўғулистон, Ўрта Осиёда подшоҳ ёки хон саройи узангисидаги кичик мансабдор. Олий ҳукмдорнинг амру фармойишларини бажарувчи шахсий хизматкори.

Мингбоши (туркча) – ҳарбий ва маъмурий унвон. Ясовулбошилардан кейин мингбошилар келади. Хива хонлигида мингбошилик энг кичик амал ҳисобланган. Қўқон хонлигида эса хондан кейинги мансаб[20:48-70]. Асосан ҳарбий ишлар билан шуғулланган. Сарой ҳаражатлари ёзилган маълумотдан кўринишича, мингбошилар яхшигина инъомлар олганлар.

Сарҳанг (форсча) - қалъа атрофида мудофаа истеҳкомларини қуриш ва ҳозирлиги учун жавобгар шахслар, яъни истеҳком назоратчиси. XIX асрда Хива хонлигида қўлланадиган ҳарбий тарихий атама. Ўша даврда хонликдаги қалъалар атрофига душман отлиқлари йўлини тўсиш мақсадида ёғоч қозиқлар қоқилган. Мазкур вазифани бажарувчиларга раҳбарлик қилган шахс сарҳанг деб аталган. Юзбошилар рўйхатида сарҳангларни учратамиз.

Кутвол (ҳиндча) – ўрта асрларда Ўрта Осиёда қалъа бошлиқлари шундай деб аталган. Юзбошилар рўйхати орасида кутвол мансаби ҳам учрайди. Кутвол қалъанинг шикаст-рехтлари учун жавобгар бўлган шахсдир.

Саркарда (форсча) - қўмондон, лашкарбоши. Уруш вақтидаги ҳарбий бошлиқ, бу мансаб қўшин уруш сафарига чиққан даврда тузилади. Манбалардан маълум бўлишича, саркардалар, қоида бўйича, ўз уруғларидан тайинланмасди. Хонлар буни эҳтиёткорлик деб ҳисоблаган бўлсалар керак. Мингбоши ва юзбошилар сингари саркардалар ҳам бевосита хоннинг ёрлиғи билан тайинланар эди.

Саркарда ҳарбий маҳкама кишилари бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Масалан, мироблар саркарда бўлиши мумкин эди.

Гарчи, Хива хонлигида қўшин бош бўлими бўлмаса-да, лекин вазифаси жиҳатидан штаб бошлиғига ўхшаш мансаб бор эди, бу вазифани **нақиб** бажарар эди.

Навкар (форсча) – хон, подшоҳ, султон ва йирик феодалларнинг доимий ҳарбий хизматчиси. Навкарлар асосан ҳукмдорларнинг мол-мулкини қўриқлашга ва ҳарбий юришларда иштирок этган.

Навкарларнинг кўпида жангда минадиган от бўлган. Уларга қуролни давлат берган, бунинг учун махсус солиқ солинган. Солиқ миқдори олтин ҳисобида 60 тийин бўлган.

Юришда навкарлар биргалашиб, **“қўшин”** ташкил этган, буларда битта-иккитадан туя бўлган, туяга қўшиннинг барча қурол-аслаҳаси: гилам, кўрпа, кийим-бош, идиш-товоқ, қозон, сув солинган идиш, озиқ-овқат, порох ва шу кабилар ортилган. Тайёргарликни тамом қилган навкарлар бек бошчилигида қалъа ёнига жанговар саф тортиб чиққанлар. Ўзбек навкарларидан ташқари, туркман, жамшид, қорақалпоқ ва Орол ўзбеклари қабиласининг навкарлари ҳам қалъада шу тартибда саф тортиб турганлар.

Хон ва хон хонадонининг аъзолари ўзларини кўп сонли отрядларига эга бўлганлар. Баёний Хива хони Муҳаммадаминнинг сафарга чиқишини тасвирлар экан, хон олдидан унгача ҳукмронлик қилган барча қўнғиротларнинг, сўнгра ёвмут, жамшид, қорақалпоқ, оролликлар ва шу каби (жами 25 та) қабилаларнинг байроқларини кўтариб ўтганларини ёзади.

Бундан ташқари, кам қуролланган шаҳар ва қишлоқ аҳолисидан кўпгина киши юришга сафар қилинган, улар **«қорачирик»** (кўнгилли қўшин) деб аталган.

Катта юришлар вақтида туркман ва қорақалпоқларнинг бирлашган қўшинларига шу қабилаларнинг бошлиғи эмас, эҳтиёткорлик учун хон томонидан тайинланган ўзбеклар бошчилик қилган.

Навкарлар ва тинч аҳоли сафарбар қилинган бундай ҳар йилги юришлар Хоразмнинг тинч яшаётган аҳолисига бўлган ҳарбий хавфни қайтариш, нафақат мамлакатни бирлаштириш ва ички низоларни бартараф этиш, балки тинч ахалтакаликларга ҳужум қилиш, Шимолий Эрон вилоятларини талон-торож қилиш учун ҳам уюштирилар эди.

Урушда қўлга тушган ўлжанинг бешдан бири бевосита хонга тегишли бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, хонликдаги барча давлат бошқарув идоралари ва расмий давлат ҳаёти Хива шаҳридаги хон саройида мужассамлашган эди.

Давлат мансаблари маъмурий, диний ва ҳарбий лавозимларга бўлинар эди. Бу вазифаларни бажарувчиларга давлат томонидан тегишли маош ва мукофотлар берилган.

XIX асрда ҳам Хивада молия-солиқ, ҳарбий ва бошқа маҳкамалар жуда мунтазам амал қилардилар.

Меҳтар, қўшбеги ва девонбегилар бошлиқ бўлган марказий молия-солиқ маҳкамасининг тузилиши жуда мунтазам эди. Бу тузилиш шу маҳкаманинг ўз вазифаларини яхши бажаришни таъминларди. Ушбу маҳкама турли-туман солиқ тўловчи табақаларнинг ҳисобини олиш, солиқ солиш ва солиқларни йиғиб олишда жуда самарали ишларди. Маҳкама идораси ҳашар ишларига ҳам бошчилик қиларди.

XIX асрда Хива хонлигида ҳарбий тузилиш тизими ҳам бирмунча янгиланди. Қўшиннинг асосий қисмини навкарлар ташкил қилди. Мунтазам қўшиннинг бўлинмалари кучайтирилди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол, 47 б вар. (Munis and Ogahi. Firdavs ul-iqbal, 47 b.)
2. Огаҳий. Жомиъ ул-воқеоти султоний //Қўлёзма, ЎзФАШИ. – №9756; Риёз уд-давла // Қўлёзма, ЎзФАШИ. – №821/II. (Ogahi. Jami 'ul-waqoti sultani // Manuscript, UzFASHI. - 759756; Riyaz ud-davla // Manuscript, UzFASHI. - 21821 / II.)
3. Баёний. Шажараи хоразмшоҳий //Қўлёзма, ЎзФАШИ. – №9596; Хоразм тарихи //Қўлёзма, ЎзФАШИ. – №7421. (Bayoniy. Shazharai khorazmshiy //Manuscript, UzFASHI. - №9596; History of Khorezm // Manuscript, UzFASHI. - №7421.)
4. Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. – Тошкент.: ФА Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти, 1996; Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи, 1995. – №3, 4. –214-223 б; Ш.Воҳидов ва С.Сабурова. Хива хонлигида унвон ва мансаблар //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. – №3. 39-46 б; Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2006. – 48-70. (Vohidov Sh. Titles and positions in the Kokand Khanate and the Emirate of Bukhara. - Tashkent. : Institute of Manuscripts named after H. Suleymanov, 1996; Titles and positions in the Kokand khanate // Sharq yulduzi, 1995. - №3, 4. –214-223 p; Sh.Vakhidov and S.Saburova. Titles and positions in Khiva khanate // Social sciences in Uzbekistan. 1998. - №3. 39-46 b; Vohidov Sh., Kholikova R. From the history of public administration in Central Asia. - Tashkent: New generation. 2006. - 48-70.)
5. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. – Б.91. (Munis and Ogahi. Firdavs ul-iqbal. - B.91.)
6. Мусулмон давлатларидан шайхулислом (дин) ва давлат ўртасидаги анъанавий муносабатлар Усмонли Туркия мисолида ўрганилган. Қаранг: Sencer M. Osmanlilarda din ve devlet. – Istanbul, 1974; Pixley M. The devolepment and role of the seyhuūlislam in early Ottoman history // Journal of the American oriental Society. – Baltimore, 1976, t. 96. – № 1. – P. 92; Мейер М.С. О соотношении светской и духовной власти в османской политической системе в XVI-XVIII вв. / Ислам в истории народов Востока. – Москва: Наука, 1981. – С.51-62.Яна қаранг: Бартольд В.В. Теократическая идея и светская власть в мусульманском государстве / Сочинения, т. VI. – Москва: Наука, 1966. – С.309.; Шу муаллиф. Халиф и султан. Там же. – С.18-24. (The traditional relationship between Sheikh al-Islam (religion) and the state from Muslim countries is studied in the example of Ottoman Turkey. See Sencer M. Religion and state in the Ottomans. - Istanbul, 1974; Pixley M. The devolepment and role of the seyhuūlislam in early Ottoman history // Journal of the American oriental Society. - Baltimore, 1976, vol. 96. - № 1. - R. 92; Meyer M.S. On the relationship between secular and spiritual power in the Ottoman political system in the 16th-18th centuries. / Islam in the history of the peoples of the East. - Moscow: Nauka, 1981. - pp. 51-62. See also Bartold V.V. Theocratic idea and secular power in the Muslim state / Sochineniya, t. VI. - Moscow: Nauka, 1966. - P.309. ; This is the author. Caliph and sultan. That's me. - P.18-24.)
7. Воҳидов Ш ва С.Сабурова. Хива хонлигида унвон ва мансаблар //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. – №3. 39-46 б; (Vohidov Sh and S.Saburova. Titles and positions in Khiva khanate // Social sciences in Uzbekistan. 1998. - №3. 39-46 b)
8. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. – Б. 63. (Munis and Ogahi. Firdavs ul-iqbal. - P. 63.)
9. Костенко Л.Ф. Город Хива в 1873 г. -СПб., 1874. – С. 24. (Kostenko L.F. City of Khiva in 1873 -SPb., 1874. - p. 24.)
10. Иванин М.И. Сведения Хивинском ханстве //Манфактура и торговли. 1873. – №4. – С. 154. (Ivanin M.I. Information to the Khiva Khanate // Manfaktura and Trade. 1873. - No. 4. - S. 154.)
11. Хива хонлигида ов ва саёсат ишларини калон халифа, овчи халифа бошқарар эди. Бухоро ва Қўқонда қушбеги, қушчилар бўлган. Қар.: Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар //Шарқ юлдузи. 1995. – №3, 4. – Б.87, 103. (11. In the Khiva khanate, hunting and politics were headed by a senior caliph, a hunter caliph. In Bukhara and Kokand

there were birds, birders. See: Vohidov Sh. Titles and positions in the Kokand khanate // Sharq yulduzi. 1995. - №3, 4. - B.87, 103)
12. Залесов Н. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. //ВС. Т. XXVI, 1861. Ч. II. – С. 65. (Zalesov N. Embassy in Xivu Captain Nikiforova in 1841 // VS. T. XXVI, 1861. Ch. II. - P. 65)
13. Бартольд В.В. Церемониал при дворе узбекских ханов в XVII веке //ЗРГО. -СПб., 1909. – С. 301. (Bartold V.V. Ceremonial at the court of the Uzbek khans in the 17th century // ZRGO. -SPb., 1909. - P. 301.)
14. Баёний. Хоразм тарихи, 328[a] вар. (Bayoniy. There is a history of Khorezm, 328a.)
15. Болтаев А. Хоразм тарихига оид ҳужжатлар. – №9320, 90[a] вар. (Boltaev A. Documents on the history of Khorezm. - №9320, 90a var.)
16. Кун. Л.А. Культурный оазис Хивинского ханства //ТВ. 1874. – С. 2. (Kuhn. L.A. Cultural oasis of the Khiva Khanate // TV. 1874. -- P. 2.)
17. Ҳасан Мурод Муҳаммад Амин ўғли. Хоразм тарихига доир материаллар. – Б. 173-175.(17. Hasan Murad Muhammad Amin oglu. Materials on the history of Khorezm. – P. 173-175.)
18. Сабурова С. XIX аср ва XX аср бошларида Хива хонлигининг давлат тизими. Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент., 2002. – Б. 120 ва кейингилари. (Saburova S. The state system of the Khiva khanate in the XIX and early XX centuries. History fan. nom. diss. - Toshkent., 2002. - Б. 120 and later.)
19. Баёний. Хоразм тарихи, 376 [a] вар. (Bayoniy. There is a history of Khorezm, 376a.)
20. Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2006. – 48-70. (Vohidov Sh., Kholikova R. From the history of public administration in Central Asia. - Tashkent: New generation. 2006. - 48-70.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Ҳулкар Холикулова,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Xalikulova81@mail.ru

ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ ЖАМИЯТГА МОСЛАШТИРИШДА ТАЪЛИМНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

For citation: Khulkar Kholikulova, THE ROLE OF EDUCATION IN THE SOCIAL INTEGRATION OF CHILDREN WITH DISABILITIES. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.610-617

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-82

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада алоҳида эҳтиёжли болалар таълимининг турлари ва унинг узлуксизлигини таъминлаш механизмларига аҳамият қаратилган. Муаллиф томонидан аввало алоҳида эҳтиёжли болаларнинг таълим турлари, яъни ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардаги ва янги таълим усули – инклюзив таълим турининг кириб келиши жараёни жорий архив ва архив манбалари асосида таҳлил қилинди. Мақолада 2003 йилда ишлаб чиқилган «Таълим ҳамма учун» Миллий дастур режаси ва 2020 йилда қабул қилинган “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонун каби норматив хужжатлар қиёсий таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Инклюзив таълим, ихтисослаштирилган мактаб интернатлар, имконияти чекланган болалар, кузи ожиз, заиф кўрувчи, кар ва заиф эшитувчи, руҳий ривожланиши сустлашган болалар.

Хулкар Халикулова,
Доктор философии по истории, доцент
Национального университета Узбекистана
Xalikulova81@mail.ru

РОЛЬ ОБРАЗОВАНИЯ В СОЦИАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЦИИ ДЕТЕЙ- С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются виды обучения особо нуждающихся детей и механизмы обеспечения его непрерывности. Автором анализируется образование особо нуждающихся детей, то есть процесс внедрения метода обучения в специализированных школах-интернатах и нового способа обучения в процессе «инклюзивного» образования на основе материалов текущего архива и архивных источников.

В статье проводется сравнительный анализ национальной программы «Образование для всех», разработанный в 2003 году, и «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания детей с особыми образовательными потребностями». принятые в 2020 году, Закон «О гарантиях прав ребенка» и закона «Об образовании».

Ключевые слова: Инклюзивное образование, специализированные школы-интернаты, дети с ограниченными возможностями, незрячие, слабовидящие, глухие и слабослышащие, умственно отсталые дети.

Khulkar Kholikulova,
Doctor of Philosophy in History, Associate Professor
of National University of Uzbekistan
Xalikulova81@mail.ru

THE ROLE OF EDUCATION IN THE SOCIAL INTEGRATION OF CHILDREN WITH DISABILITIES

ABSTRACT

This article discusses the types of education of children in need and the mechanisms for ensuring its continuity. The author analyzes the education of especially needy children, that is, the process of introducing the teaching method in specialized boarding schools and the new way of teaching in the process of “inclusive” education based on materials from the current archive and archival sources. The article provides a comparative analysis of the national program "Education for All", developed in 2003, and "On measures to further improve the education system and upbringing of children with special educational needs." adopted in 2020, the Law "On Guarantees of the Rights of the Child" and the Law "On Education".

Index Terms: Inclizive education, specialized boarding scools, children with disabilities, blind, visually impaired, deaf, hard of hearing, retarded.

1.Долзарблиги:

Жаҳонда XX асрнинг иккинчи ярмидан ижтимоий дунёқарашнинг ўзгариши асосида инсон омили устувор аҳамият касб этаётган бир шароитда имконияти чекланган болалар таълимига бўлган эътибор ҳам ўзгариб бормоқда. Ушбу давр мобайнида қабул қилинган халқаро ҳужжатлар ногиронларлиги бор болаларни жамиятдан ажратиш эмас балки, жамиятга интеграция қилишга қаратилган ижтимоий модел ғояларини ўзида мужассам этди. Бу ўз навбатида уларнинг муаммоларини ҳал қилишнинг янгича тамойилларини ишлаб чиқиш, жамиятга мослаштириш, таълим сифатини ошириш, абилитация ва реабилитация қилиш, ҳамда ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқарди.

Дунёдаги кўпгина олий ўқув юртлари ва илмий марказларида ногиронларлиги бор болаларга нисбатан муносабатнинг ижтимоий модел қонуниятларини амалиётга татбиқ этиш борасида илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинган. Жумладан, ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш ва жамиятга интеграция қилиш, инклюзив таълимни жорий қилиш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, имконияти чекланган шахсларни реабилитация қилишнинг тиббий хусусиятлари билан бир қаторда ижтимоий жиҳатлари очиб берилган. Бинобарин бу марказлар тиббий-касбий-ижтимоий реабилитациясини уйғун тарзда олиб бориш, ногиронлиги бор болалар учун мос тушадиган таълим турларининг илмий тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларини олиб бориш хусусиятларига алоҳида аҳамият қаратилган йўналишларда ҳам тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ҳозирги кунда жаҳонда ногиронлар масаласига мутлақо янгича ёндашув ва қарашлар асосида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, инклюзив таълим масаласи хорижий

давлатларда энг долзарб масалалардан бирига айланган ва ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишларини собиқ Совет давридан фарқли равишда турли фанлар йўналиши доирасида олиб бориш жадаллашди, натижада ҳозирда фақат педагоглар эмас, балки Россия ва Европа социологлари Малофеев Н.Н, Ярская-Смирнова, Гудонислар ҳам бу масалага жиддий қизиқиш билан қарамоқдалар. Улар тадқиқот ишларидаинклюзив таълимни ногирон болаларни жамиятга мослаштирувчи энг муҳим фактор сифатида кўрсатишга ҳаракат қилганлар.

3. Тадқиқот натижалари:

Ёш авлоднинг таълим-тарбиясига бўлган эътибор ҳар бир давлатнинг келажагининг муҳим пойдевори ҳисобланади. Шу боисдан болалар таълимини ривожлантириш ва уларни ҳар томонлама баркамол авлод қилиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор даражасига кўтарилди. Юртимизда ривожланишида муаммолари бўлган болаларнинг ҳам барча соғлом тенгдошлари қатори миллий руҳда тарбияланишлари, ақлий, аҳлоқий, жисмоний жиҳатдан камол топишлари, жамиятдаги ижтимоий ҳаётга мустақил етук фуқаролик даражасида тайёр бўлиб етишишлари масалаларига алоҳида аҳамият бераётганлиги барчамизга маълум.

Бунинг учун қонунчилик тизими ташкил қилинган. Хусусан, 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва худди шу йили ушбу қонун асосида ишлаб чиқилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» барча болаларнинг таълим олиш имкониятларини кафолатлаб берса, 2003 йилда ишлаб чиқилган «Таълим ҳамма учун» Миллий дастур режаси ва 2005 йилда қабул қилинган «Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун Инклюзив таълим тўғрисидаги муваққат Низоми», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 2 августдаги «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши, 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам бевосита имконияти чекланган болалар таълимини ривожлантиришга асос бўлади. Хусусан, «Ўзбекистонда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги [1]. Қонуннинг 16-моддасидан 26- моддасигача бўлган бутун бир боби, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 23, 25, 29-моддаларида имконияти чекланган болаларнинг барча болалар қатори мактабгача, мактаб ва ўрта махсус таълим олишларида тенг ҳуқуққа эгалиги ва уларнинг таълим олиши учун давлат томонидан барча шароитлар яратиб берилиши кафолатланган[2].

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида ҳам барча фуқаролар учун умумий ўрта таълим олиши кафолатланган [3]. Бизнинг мамлакатимизда айни пайтда 9680 та умумий ўрта таълим мактаби мавжуд бўлиб, уларда жами 4808058 нафар ўқувчи тахсил олади. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасида имконияти чекланган болалар 26836 нафарни ташкил этади. Республикамизда жами18676 нафар ўқувчи учун 88 та махсус мактаб, мактаб интернатлар[4], (шулардан кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларга мўлжалланган 14 та махсус мактабларда 1240 нафар бола, 17 та кар ва заиф эшитувчи болаларга мўлжалланган махсус мактаб интернатларда 2706 нафар бола таҳсил олади) фаолият юритади[5].

1996 йилдан бошлаб алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим тури кириб келди. Ушбу таълим усули дунё мамлакатларида 1990 йиллардан жорий қилинаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳам 1996 йилдан бошлаб жорий қилина бошлади[6].Ушбу таълим тизимини амалиётга татбиқ этиш Халқ таълими вазирлиги билан Юнесконинг ҳамкорлигида амалга оширилди[7].

Шу асосда, 1996 йилда 34 нафар бола инклюзив таълимга жалб қилинган бўлса, 2014 йилга келиб улардан 2890, 2018 йили 2990 нафари инклюзив таълимга ихтисослаштирилган мактабга боради[8].

Инклюзив таълим инглиз тилидаги inclusion яъни «қамраб олиш» сўзидан олинган бўлиб, имконияти чекланган болалар ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқни бартараф этиш деган маънони англатади[9]. Соддароқ қилиб айтганда «инклюзив таълим бу ривожланишда нуқсони бор болалар ва ўсмирларни соғлом тенгдошлари билан биргаликда таълим олиши ва умумий таълимда қўшилиб ўқишини англатади[10].

Аммо Ўзбекистон шароитида инклюзив таълимга асосан енгил кўринишдаги ногиронликка эга бўлган болалар жалб қилинмоқда. Оғирроқ кўринишдаги ногиронликка эга бўлган болалар бўлса, кўпроқ ихтисослаштирилган ёки якка тартибдаги уйдаги таълимга жалб қилинади. Тиббий –психологик комиссиянинг тавсияси бўлган тақдирда жисмоний ёки руҳий ривожланишларида нуқсони бўлган болаларнинг ота-оналари ўз ҳоҳиш истагига кўра ҳамда боланинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаси турини(яъни инклюзив ёки ихтисослаштирилган) танлаш ҳуқуқига эга[11].

Бугунги кунда ногиронлиги бор болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг сони эса, саксон саккизтани ташкил қилиб, саккизта турга бўлинади. Мазкур муассасаларда 8 турдаги: кузи ожиз, заиф кўрувчи, кар ва заиф эшитувчи, ақли заиф, руҳий ривожланиши сустлашган, таянч харакати аъзолари шикастланган, нутқида мураккаб нуқсони бўлган болалар таълим-тарбия оладилар.

Бундан ташқари, мамлакатимизда йигирма битта санаторий туридаги мактаб-интернат мавжуд бўлиб, 5756 нафар болалар таҳсил оладилар. Бундай таълим муассасаларида сколиоз билан касалланган, сил ва нафас олиш органларининг сурункали хасталикларига чалинган болалар даволаниш ҳамда махсус шароитларда таълим олиш имкониятига эга. Жумладан, суяк касаллигига чалинганлар учун жами 10 та мактаб интернатда 2808 нафар ногирон болалар ва сил касаллигига чалинганлар учун 11 та мактаб-интернат бўлиб, уларда 2948 нафар ногирон болаларга ўрта таълим маълумоти берилади[13]. Сурункали касалликларга чалинган заиф болалар учун санатория типидаги 5 та мактаб-интернатда 1541 нафар бола таҳсил олмоқда[14].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида 49347 нафар ногирон болалар бўлиб, уларнинг 12717 нафари ихтисослаштирилган мактабларга жалб қилинган, 5513 нафар бола санатория туридаги мактаб интернатларда таҳсил олган[15]. Кейинги йилларда ногирон болаларнинг туғилиши нисбатан кўпайган бўлса-да, таълимга жалб қилинган 16 ёшгача ногирон болалар сони 1991 йилда 49347нафар бўлган бўлса[16], 2018 йилга келиб 74759 нафарга етди[17.] Ихтисослаштирилган мактаб интернатларга борувчи болалар 1991 йилда 12717 [18] нафарни ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб, уларнинг сони 18520 [19] тага, 2016 йилда 18676 нафарга етганидан [20] ногирон болалар сони туғилиш нисбати ортганидан далолат беради. Шундан, санатория типидаги мактаб интернатлари сони 11 та, шундан 3 таси сил касаллигига мойил болалар учун санатория типидаги мактаб интернатлари бўлиб, унда 709 нафар бола таҳсил олган, суяк касаллигига чалинган болалар учун 9 та сколиоз касаллигига чалинган болалар учун санатория типидаги мактаб интернатда 2711 нафар бола таҳсил олган бўлса [21], 2016 йилга келиб санатория типидаги мактаб интернатлари сони 21 та, шундан 11 таси сил касаллигига мойил болалар учун санатория типидаги мактаб интернатлари бўлиб, унда 2948 нафар бола таҳсил олган, 2017 йилда суяк касаллигига чалинган болалар учун 10 та санатория типидаги мактаб интернатда 2808 нафар бола [22] таҳсил олади. Демак, сил касаллигига чалинган болалар сони икки баробарга ошган. Таълимга жалб қилинмаган болалар сони 1991 йилдагига нисбатан 30% га ошган. Айниқса, 2013 йил ҳолатига кўра ўқитилмайдиган ногирон болалар сони Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида кўпчиликни ташкил этган. Масалан, 2007 йилда Республикадаги жами 68928 нафар имконияти чекланган болалардан 51678(75%) нафари умумий ўрта таълим мактабларида, 11583 (17%) якка тартибда уй шароитида таълим олганлар. 5667 нафари тиббий кўрик якунлари бўйича таълимга лаёқатсиз деб топилган бўлса, 2011 йилда жами 87861 нафар боладан 8511 нафари [23], 2014 йилга келиб, жами 74759 нафар боладан 7376 нафар бола таълимга лаёқатсиз деб топилган[24].

Таълимга жалб қилинмаган болалар сони 2010 йилгача ўсиб борган бўлса, 2010 йилдан 2014 йилгача камайиш динамикасига эга бўлган.

Имконияти чекланган ва умумий ўрта таълим мактабларида таълим олаётган болалар Андижонда 880 нафар, Сурхондарёда 755 нафар, Фарғона вилоятида 682 нафар, Бухорода 663 нафар ва Самарқандда 4331 нафарни ташкил этиб, қолган вилоятларга нисбатан бир мунча юқори кўрсаткичга эга [25].

Юқорида санаб ўтилган 5 та вилоятдаги шу тоифага кирувчи болалар сони Республикадаги жами имконияти чекланган болаларни деярли 50% ини ташкил этади. Андижон, Тошкент, Хоразм, Самарқанд виолоятлари, ҚҚР ва Тошкент шаҳрида тўлиқ қамраб олиниши лозим. Республикадаги жами таълимга лаёқатсиз деб топилган болаларнинг 92,3% и юқорида тилга олинган 6 та ҳудудда қайд этилган.

Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, айнан шу вилоятларда имконияти чекланган, таълимга лаёқасиз деб топилган болаларни қайта тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни реабилитация қилиш ва имкон қадар уй шароитида якка тартибда таълим олишга жалб этиш ишларини кучайтиришга эътиборни қаратиш лозимлиги кўриниб турибди[26]. Бу ҳолат 2013 йилга келиб Андижон, Хоразм, Самарқанд вилоятларида бир мунча яхшиланди. Айниқса, имконияти чекланган болаларни умумий ўрта таълим мактабларига ва уйда якка тартибда таълимга жалб этилишлари Бухоро, Жиззах, Наманган, Навоий ва Фарғона вилоятларида қониқарли йўлга қўйилган бўлиб, деярли барча шу тоифага кирувчи болаларни таълимнинг у ёки бу тури билан тўла қамраб олишга эришилган. Айниқса ихтисослаштирилган мактаб интернатларда кўзи ожиз ва кар болалар сони нисбатан ортган. Республика миқёсида таҳлил қилинганда кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар сони 1692 тадан 2540 [27] тага, кар ва заиф эшитувчи болалар сони 3026 тадан 5100 [28] тага ортди. Бунинг сабаби, умумтаълим мактабларида эшитмайдиган болаларни соғлом болалар билан бирга ўқитиш учун керакли шароит ва мутахассислар мавжуд эмас. Бундай таълим тайёрланмаган боланинг руҳий ва жисмоний ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин [29]. Шу жумладан, интеллекти меъёрий бўлган бироқ, кўришда нуқсони бор болаларнинг ҳам умутаълим мактабларида таълим олиши бироз қийин[30]. Шунинг учун ҳам бундай болалар ихтисослаштирилган мактаб интернатларда таҳсил олишни маъқул кўрадилар. Улар учун ихтисослаштирилган мактабларда барча шароитлар яратиб берилган. Имконияти чекланган болалар сонидан келиб чиққан ҳолда янгилари барпо этилди, мавжудлари таъмирланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида жуда кўп махсус мактаб интернатларнинг моддий таъминоти ва улардаги ички ҳолат талабга жавоб бермас эди. Масалан, Навоий ва Қизилтепа туманларидаги 25-26 мактаб интернатларидаги, ҳолат санитария гигиена талабларига жавоб бермаган, моддий таъмирланганлик даражаси паст бўлган ёки бўлмасам Навоий вилоятидаги 25 сонли кар-соқов, 36-ақли заиф болалар учун мўлжалланган интернатларда стол-стуллар етишмаслиги, бола сонига қараб синф хоналари жиҳозланмаганлиги аниқланган. Бундай ҳолатлар Қашқадарё, Сурхондарё вилоятидаги махсус мактаб интернатларда ҳам кузатилган. Шунинг учун энг аввало ихтисослаштирилган мактаб интернатларнинг моддий таъминотини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига биноан амалга оширилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига асосан ақли заиф болалар махсус мактаб ва мактаб интернатлари учун 46083 нусха, эшитишда камчилиги бўлган болалар мактаб интернатлари учун 5564 нусха, кўзи ожиз болалар мактаб-интернатлари учун «Брайл» усулида 2740 нусха дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрланди.

4.Хулосалар:

Ушбу дастур доирасида Республиканинг Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятларининг айрим туманларида тўлиқ, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида қисман бажарилди. Лекин умумий Республика бўйича олиб қараганда кўпгина чекка қишлоқлардаги ногирон болалар компьютерлар билан таъминланмай қолмоқда. Бунга сабаб уйда якка тартибда таҳсил оладиган ногиронлиги бор болаларнинг ота-оналарининг ушбу

дастур тўғрисида умуман маълумотга эга эмаслиги, ҳатто уларнинг уйда якка тартибда таҳсил оладиган болаларининг ҳуқуқлари ва имтиёзлари ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги сабаб бўлмоқда.

Айниқса алоҳида эҳтиёжли болаларнинг инклюзив асосда таълим олишларига тўсиқ бўлувчи энг асосий омиллардан яна бири янги қурилаётган барча мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларига кириш жойларида нишабли йўлакчалар(пандуслар)нинг мавжуд эмаслиги, спорт ва мажлислар залларига, ошхона кутубхона тўгараклар ва бошқаларга тўсиқсиз киришга мослаштирилмаганлигидир. Умумий типдаги барча замонавий таълим муассаслари ногиронларнинг тўсиқларсиз ҳаракатлана олишларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлишлари керак.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013, 18-сон, 233-модда.(Law of the Republic of Uzbekistan "About social protection of persons with disabilities in the Republic of Uzbekistan" // Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2013, No. 18, Article 233.)
2. «Бола ҳуқуқлари кафолатлати» – Тошкент: ООО «Квинта Принт», 2008. –Б.5.(Guarantees of the rights of the child" - Tashkent: OOO "Quinta Print", 2008. - P.5.)
3. 3 Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997, 9-сон, 285-модда; 2013 йил, 41-сон, 54-модда. –Б.8, (" 3 Law of the Republic of Uzbekistan "On Education" // Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997, No. 9, Article 285; 2013, No. 41, Article 54. –B.8)
4. Ўзбекистон ногиронлар жамияти жорий архив материаллари. Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларида ногиронлар сони ҳақида маълумот.– Тошкент, 1.01.2017 (Current archival materials of the Society of the Disabled of Uzbekistan. Information on the number of disabled people in the branches of the Society of the Disabled of Uzbekistan in the Republic of Kazakhstan, regions and the city of Tashkent.– Tashkent, 1.01.2017
5. Абдухалилов. А. Аналитический документ, посвященный исследованию проблемам лиц с нарушением зрения. – Ташкент, 15.12.2014 Статья: www.imkoniyat.uz (. Abdukhalilov. A. Policy paper on the study of visually impaired persons Tashkent, 15.12.2014 Article: www.imkoniyat.uz)
6. Yuliya Narolskaya. Education officer How the social norms perspective can help to promote Inclusive Education in Ferghana Region of Uzbekistan. Final Paper for 2013 Summer Program on Advances in Social Norms and Social Change. UNICEF Uzbekistan. UNESCO international bureo of education.Uzbekistan inclusive education. The way of the fiture third Workshob of the IBE community of practise common wealth of the independent states CIS. Minsk, Belarus, 29-31 oktober, 2007.P.12.
7. Unisef.Uz country profile eng 29 July final proofed. Uzbekistan1. Definitions and stipulated rights of children with disabilities in Uzbekistan.Tashkent, 2012. P.3.
8. Ўзбекистон ногиронлар жамияти жорий архив материаллари. Исаков.О. Информация, относящиеся к части 3 Международного пакта об экономических, социальных и культурных правах.Ташкент, 2014.(Current archival materials of the Society of the Disabled of Uzbekistan. Isakov.O. Information related to more than 3 international pacts on economic, social and cultural rights.¬Tashkent, 2014.)
9. Шомахмудова Р. Инклюзив таълим (Халқаро ва Ўзбекистондаги тажрибалар). – Тошкент, 2011. – Б.11.(. Shomaxmudova R. Inclusive education (International and Uzbek experience). –Tashkent, 2011. - B.11.)

10. Тенг ҳуқуқлар-тенг имкониятлар. –Ташкент: SMI-ASIA, 2011, – Б.49.(Equal rights-equal opportunities. –Tashkent: SMI-ASIA, 2011, - P.49.)
11. 11.Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997, 9-сон, 285-модда.(Law of the Republic of Uzbekistan "On Education" // Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997, No. 9, Article 285.)
12. Халқ таълими вазирлиги сайти // www.edu.uz (Website of the Ministry of Public Education // www.edu.uz.)
13. 13.Саидова Г. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. – Тошкент, 2007-2008. – Б. 28.(Saidova G. Education in Uzbekistan: the balance of supply and demand. - Tashkent, 2007-2008. - B. 28.)
14. ЎзМДА, М.26-жамғарма, 1-рўйхат, 219-йиғма жилд. 12-варақ.(CGA, M.26-collection, 1-list, 219-collection volume. Sheet 12.
15. ЎзМДА, М.26-жамғарма, 1-рўйхат, 358-йиғма жилд. 9-варақ.(CGA, M.26-collection, 1-list, 358-collection volume. Page 9.)
16. Ўзбекистон ногиронлар жамияти жорий архив материаллари. Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларида ногиронлар сони ҳақида маълумот. (2018 йил 1 январь ҳолатига). (Current archival materials of the Society of the Disabled of Uzbekistan. Information on the number of people with disabilities in the QR, regional and Tashkent branches of the Society of the Disabled of Uzbekistan. (As of January 1, 2018).
17. ЎзМДА, М.26-жамғарма, 1-рўйхат, 358-йиғма жилд. 7-варақ.(17. UzMDA, Fund M.26, List 1, Collection 358. Sheet 7.)
18. Ўзбекистон ногиронлар жамияти жорий архив материаллари. Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларида ногиронлар сони ҳақида маълумот. (2014 йил 1 январь ҳолатига).(Current archive materials of the Society of the Disabled of Uzbekistan. Information on the number of people with disabilities in the QR, regional and Tashkent branches of the Society of the Disabled of Uzbekistan. (As of January 1, 2014).)
19. Халқ таълими вазирлиги сайти. www.uzedu.uz.(Website of the Ministry of Public Education. www.uzedu.uz.)
20. ЎзМДА, М.26-жамғарма, 1-рўйхат, 358-йиғма жилд. 6-варақ.(CGA, Fund M.26, List 1, Volume 358. Sheet 6.)
21. Халқ таълими вазирлиги интернет сайти:Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг асосий кўрсаткичлари.2016.08.31. www.uzedu.uz.(Website of the Ministry of Public Education: Key indicators of the Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan.2016.08.31. www.uzedu.uz.)
22. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази. Республикада ногиронликни 2010-2011 йил якунлари бўйича солиштирма кўрсаткичлари ва сабабларига доир илмий таҳлилий ахборотнома. –Тошкент, 2012. – Б. 27.(Ministry of Labor and Social Protection of the Republic of Uzbekistan, National Center for Rehabilitation and Prosthetics of the Disabled. Scientific-analytical information on comparative indicators and causes of disability in the country for 2010-2011. –Tashkent, 2012. - B. 27.)
23. Ўзбекистон ногиронлар жамияти жорий архив материаллари. Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларида ногиронлар сони ҳақида маълумот. (2014 йил 1 январь ҳолатига), (Current archival materials of the Society of the Disabled of Uzbekistan. Information on the number of people with disabilities in the QR, regional and Tashkent branches of the Society of the Disabled of Uzbekistan. (As of January 1, 2014)
24. Давлат статистика қўмитаси жорий архив материаллари.(Current archival materials of the State Statistics Committee.)

25. Иномова К., Убаева Г. Имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳимоялаш долзарб вазифа // Мактаб ва ҳаёт.– Тошкент, 2007. №2(46), – Б. 21.(Inomova K., Ubaeva G. Social protection of children with disabilities is an urgent task // School and life.– Tashkent, 2007. №2 (46), - B. 21.
26. Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти жорий архив материаллари.(Current archival materials of the Society of the Blind of Uzbekistan.)
27. Карлар жамияти жорий архив материаллари. Отчёт государственного бюджета на 2012 год и центра ССПО.(Current archive materials of the Deaf Society. Otchët gosudarstvennogo byudjeta na 2012 god i tsentra SSPO.)
28. Равные права- равные возможности. – Ташкент: SIM-ASIA, 2011. – С. 4? (Equal rights - equal opportunities. - Tashkent: SIM-ASIA, 2011. - C. 4)
29. Ўша асар. – Б. 50.(That work. - B. 50.)
30. ЎзМДА, М.26-жамғарма, 1-рўйхат, 142-йиғма жилд. 16-варақ.(UzMDA, Fund M.26, List 1, Volume 142. Sheet 16.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Тўлқин Дўстбобоевич Худойқулов,
тарих фанлари номзоди, доцент
Қарши давлат университетининг
Педагогика институти
tulqinxudoyqulov@umail.uz

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ ҲАҚИДА АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР

For citation: Tulkin D.Khudoikulov, SOME INFORMATION ABOUT THE ECONOMIC LIFE OF THE URBAN AND RURAL POPULATION OF THE KOKAND KHANATE. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.618-627

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-83

АННОТАЦИЯ

Мақолада Қўқон хонлигининг XVIII аср охири - XIX аср ўрталаригача бўлган ижтимоий ҳаётида ерга эгалик қилиш муносабатлари, ҳунармандчилик ва савдо алоқалари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, Қўқон хонлигининг айрим ҳукмдорлари даври сиёсий парокандалик, иқтисодий тушкунлик ва ўзаро урушлар билан изоҳланса, айрим ҳукмдорлари даври сиёсий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва маданий ҳаётнинг тараққиёти ҳақида айрим маълумотлар берилади.

Калит сўзлар: Қўқон хонлиги, Шаҳрихонсой канали, Янгиариқ канали, тегирмон, тим, раста, Хўжанд, Ўратепа.

Тулкин Дустбобоевич Худойкулов,
Кандидат исторических наук, доцент
Педагогический институт
Каршинского государственного университета

НЕКОТОРЫЕ СВЕДЕНИЯ ОБ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ ГОРОДСКОГО И СЕЛЬСКОГО НАСЕЛЕНИЯ КОКАНДСКОГО ХАНСТВА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются земельные отношения, ремесла и торговые отношения в общественной жизни Кокандского ханства с конца 18 до середины 19 веков. А также время управления некоторых правителей Кокандского ханства характеризуются политическими потрясениями, экономическими спадами и междоусобными войнами, дается некоторая информация о политической стабильности, экономическом развитии и прогрессе культурной жизни во время управления других правителей.

Ключевые слова: Кокандское ханство, Шахрихансайский канал, Янгиарикский канал, мельница, торговые ряды, лавки, Ходжент, Уратюбе

Tulkin D. Khudoikulov,
Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
Pedagogical Institute Karshi State University

SOME INFORMATION ABOUT THE ECONOMIC LIFE OF THE KOKAND KHANATE CITY AND RURAL POPULATION

ABSTRACT

The article deals with land relations, crafts and trade relations of the Kokand Khan in public life from the late eighteenth to the nineteenth centuries. It also provides some information on the political disintegration, economic recession and stability, economic development and cultural life of the Kokand khanate.

Index Terms: Kokand khanate, Shahrikhansay chanel, Yangiariq chanel, mill, market, counter, Hujand, Uratepa.

1.Долзарблиги:

Ўзбек давлатчилиги тарихини илмий тадқиқ этиш, унга ҳаққоний баҳо бериш ва тўпланган тажрибадан ижодий фойдаланиш мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий - сиёсий ва маданий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун XX асрнинг охирига келиб жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон тарихини, хусусан ўзбек давлатчилиги тарихини ҳар томонлама ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек хонликларидан бири бўлган Қўқон хонлиги – Ўрта Осиё тарихи, унинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёти ва халқаро муносабатларида катта из қолдирган давлат бўлиб, унинг ҳар бир ҳукмдори юритган ички ва ташқи сиёсат ҳамда унинг оқибатларини ўрганиш алоҳида илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, Қўқон хонлигининг айрим ҳукмдорлари даври сиёсий парокандалик, иқтисодий тушкунлик ва ўзаро урушлар билан изоҳланса, айрим ҳукмдорлари даври сиёсий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва маданий ҳаётнинг тараққиёти билан изоҳланади.

XVIII асрнинг бошларида Фарғона водийсида шаклланган янги давлат – Қўқон хонлигига маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган минг уруғи асос солди. Хонликда марказлашган давлат тизими шаклланди, давлат чегаралари, маҳаллий бошқарув тизими, дин тартибга келтирилиб бир мунча осойишталик, элатлар ва қабилаларо тотувлик таъминланди, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасида кенг қамровли муносабатлар ўрнатилди. Натижада иқтисодий ва хўжалик ҳаёти, савдо-сотиқ жонланди, маданий соҳада катта ўзгаришлар рўй берди. Шу билан бирга, Қўқон адабий муҳити шаклланди.

Халқаро муносабатларда Россия, Афғонистон, Хитой ва Ҳиндистон билан савдо алоқалари мустаҳкамланди. Бундай силжишларнинг амалга ошишида Умархон (1810-1822) ва унинг ўғли Муҳаммадалихоннинг (1822-1842) хизматлари каттадир.

Умуман, мазкур мақола яна қуйидаги омилларга кўра долзарбдир:

биринчидан, хонликнинг ижтимоий - сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритиш нафақат илмий, балки амалий аҳамият ҳам касб этиб, яқин ўтмишда кечган тарихий воқеаларнинг ҳаққоний талқини бугунги куннинг жуда кўп муаммоларига жавоб бериши ва тегишли хулосалар чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир;

иккинчидан, хонликнинг ижтимоий - сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида кечган тарихий жараёнларни, унинг сабабларини ўрганиш ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихи ва тажрибасини чуқурроқ ёритиш имконини беради.

2. Методлари:

Мақолада умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма - кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда хонлик хўжалик ҳаётининг асосини ташкил қиладиган соҳа деҳқончилик, ерга эгалик қилиш муносабатлари, савдо ва ҳунармандчилик ҳақида айрим маълумотлар бериб ўтилади. Жумладан, водийда сув манбаларининг етарли эканлиги деҳқончиликда мўл ҳосил олишни

таъминлаганлиги, хонликда XVIII асрга қадар ерларни суғориш учун сойлар ва жилғаларнинг сувларидангина фойдаланилганлиги, Қўқон хонлигида тахт учун курашлар ва сиёсий тарқоқлик давом этишига қарамасдан XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрда айрим туманларнинг суғориш тармоқлари тикланган ва янгилари қазилганлиги илмий асослаб берилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кейинги даврда Қўқон хонлигининг тарихига оид туркум адабиётлар яратилди. Хонликнинг XIX асрдаги ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий аҳволи, маданий ҳаётининг айрим жиҳатларини илмий холислик, тарихийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этаётган олимлардан Ҳ.Зиёев, Ғ.Аҳмаджонов, Ҳ.Ғуломов, Ҳ.Бобобеков, Ш.Воҳидов, Н.Мусаев, Ш.Юсупов, Д.Зиёеваларни айтиб ўтиш лозим.

Ҳ.Зиёев, Ҳ.Бобобеков, Ғ.Аҳмаджонов, Ш.Воҳидовларнинг тадқиқотлари мавзуни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, Ҳ.Зиёевнинг асарларида хонлик тарихининг концептуал масалалари ёритилган бўлса, Ш.Воҳидовнинг илмий фаолияти хонлик тарихининг тарихшунослиги ва манбашунослиги масаласи, яъни Қўқон хонлигида тарихнавислик мактабининг шаклланиши, шу мактаб намояндалари асарларини излаб топиш, ўрганиш ва чоп этиш билан ажралиб туради. Ш. Воҳидовнинг илмий ишларида Қўқон хонлиги тарихчиларининг асарлари кодикологик жиҳатдан таҳлил этилган ва хонлик тарихи, маданий ҳаётига оид ўнлаб маҳаллий тарихий асарлар илмий муомалага киритилган.

Ҳ.Бобобековнинг илмий ишларида Қўқон хонлиги тарихи Россия матбуоти материаллари асосида ёритилган бўлиб, олим ўтган асрнинг 80-90 йилларида хонлик тарихини янгича илмий нуқтаи назар асосида холис ўрганилиши кераклигини ёқлаб чиққан. У биринчилардан бўлиб хонликдаги халқ ҳаракатларини ўрганиб, уларнинг мустамлакачиликка қарши кураш эканини асослаб берган. Унинг асарлари ўрганилаётган мавзуни ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Ғ.Аҳмаджоновнинг асарларида хонлик тарихи тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган. Муаллиф томонидан ўзбекистонлик олимларнинг Қўқон хонлиги тарихини тадқиқ этишда тутган ўрни ва қўшган ҳиссалари кенг таҳлил қилинган.

Қўқон хонлигининг ижтимоий - сиёсий ҳаёти, иқтисодий аҳволи, маданияти каби баъзи масалалар бир қатор тадқиқотларда қисман ёритилган. Бундай тадқиқотлардан В.Ишқуватов, З.Илҳомов, Л.Турдалиев, М.Жабборов, Н.Алимова, Ш.Отахонов, М.Абдураҳмонов, О.Пуговкина, У.Абдуллаев, Б.Турсунов, Ў.Султонов, Ш.Маҳмудовларнинг тадқиқот ишларини эслаб ўтиш мумкин. Хусусан, З. Илҳомовнинг тадқиқоти Аликули амирлашкарни Қўқон хонлигининг XIX асрдаги сиёсий ҳаётида тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этган бўлса, Б.Турсуновнинг тадқиқотида эса Қўқон хонлигидаги ҳарбий ҳолат ёки бошқарув хонликнинг ҳарбий сиёсатидан келиб чиқиб таҳлил қилинган.

Таъкидлаш лозимки, Қўқон хонлигига тегишли Жанубий Қозоғистондаги мулкларнинг ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги баъзи жиҳатлари XXI асрнинг бошларида қозоғистонлик олимлар томонидан ҳам ўрганилмоқда.

3. Тадқиқот натижалари:

Хонликда ип ва ип газлама ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши, бу маҳсулотларни Россия ва у орқали Шарқий Европа мамлакатлари бозорларида кўплаб сотила бошлаши, уларга бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши суғорма деҳқончилик ерларини кенгайтириш ҳамда янги ерларни ўзлаштиришни тақозо этаётган эди. Шунинг учун ҳам XIX аср Қўқон хонлиги хусусан, Фарғона водийсининг суғорилиши тарихида янги даврни бошлаб бердики, айнан шу даврдан бошлаб, водийда йирик суғориш иншоотлари, ариқлар, каналлар, тўғонлар қурила бошлаган. Масалан, Сирдарёнинг асосий ирмоқларидан бўлган Норин ва Қорадарёлардан сув оладиган Шаҳрихонсой канали, Наманган янги ариғи, Чинобод ариғи, Андижонсой ва бошқа суғориш тармоқларининг қазилиши Фарғона водийсида суғориш тармоқларини кўпайиши, суғориладиган майдонларининг сезиларли даражада кенгайиши ҳамда деҳқончилик ва боғдорчиликнинг ривожланишига олиб келган.

Қўқон хони Олимхон ҳукмронлиги йилларида Фарғона водийсининг жанубий ҳудудларидаги сув таъминотини яхшилаш учун Сўх дарёсидан олтита ариқ қазилган ва ҳозирги Олтиариққа асос солинган.[1:298-б] Бу даврда Наманган воҳасида сув таъминотини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш учун Наманган вилояти ҳокими Сайидқулбек Норин дарёсидан сув олувчи Янгиариқ каналини қуриш учун рухсат олди. [5:19-20-б]

Янгиариқ каналининг қазилган йили ҳақида илмий тарихий манбаларда турлича маълумотлар бор. Чунончи, архив ҳужжатларида канал 1800-1803 йиллари қазилган деб ёзилган.[6:13-в] А.Ф. Миддендорф, С.Соатовлар уни 1803 йилда, В.П. Наливкин эса 1819 йилда қазилган деб кўрсатади. XIX аср матбуоти саҳифаларида ҳам Янгиариқ канали 1803-1811 йилларда бунёд этилган, деб ёзилган.[7] Лекин топограф Н.Жилин ва архив маълумотларига таянган ҳолда каналнн 1800-1803 йилларда Олимхон даврида бунёд этилган деб таъкидлаш мумкин.

Умархон даврида, яъни 1811 йилда Янгиариқдан Заркент ва Ғирвон қишлоқларига қараб ариқ чиқарилган. Бу ариқ Фарғона водийсининг суғорма деҳқончилиги тарихига Мутаган ариғи номи билан кирган. Мазкур ариқ Заркент қишлоғининг қуйи қисмларидаги ерларни сув билан таъминлаган.

1813 йилида Наманган ҳокими Қипчоқ Мирза Сирдарёнинг ўнг соҳилида бўш ётган ерларни ўзлаштириш учун Янгиариқ каналини узайтириб Қирғизқўрғонгача етказган. Унинг узайтирилиши Наманган шаҳрининг жанубий қисмида сув таъминотини яхшилади. Янгидан суғорилган ерларда маккажўхори, буғдой, арпа, полиз экинлари экилган.

1819 йилда Қўқон хони Умархон фармони билан Янгиариқ канали яна узайтирилиб, унинг узунлиги 120 чақиримга етказилди. Янгиариқ канали қазилгандан кейин Наманган воҳасида 5 та сой, 195 та ариқ мавжуд бўлиб, улар орқали 131 та қишлоқ ва 45 та чорвадорларнинг қишлоқ ерлари суғорилган, сув таъминоти ва назорати билан 4 та мироббоши ва 66 та мироб шуғулланган. [8:30-с]

Янгиариқ канали қурилиши билан Наманган воҳасининг сувга бўлган эҳтиёжи тўла ҳал этилмаган. Чунки, Наманган шаҳри ва унинг атрофларидаги қишлоқларини сувга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш учун 337-340 тегирмон сув керак бўлгани ҳолда 1821 йилгача мавжуд 129 та қишлоқ ва 40 та қишловхоналар ҳамда 276 та тегирмон сув билан таъминланган.[9:22-в]

Шунинг учун ҳам 1819-1821 йилларда Наманган шаҳри ва унинг атрофларидаги қишлоқлар ва экин майдонларининг сув таъминотини янада яхшилаш учун Назарўлмас қишлоғи яқинида Норин дарёсидан сув оладиган Хонариқ канали қазилган. Унинг сув сиғими 83 тегирмонга тенг бўлиб, у Наманган шарқининг шарқий қисми ва атрофдаги 23 та қўшни қишлоқлардаги сув таъминотини яхшилаган.

Умархон даврида қурилган Шаҳрихонсой канали Шаҳрихон шаҳрининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ. У XVIII асрдан бошлаб қишлоқ тарзида маълум бўлган ва Асака, Ходим, Сегеза қишлоқлари билан бирга Аравансой ва Оқбўранинг Аравонга қўшиладиган ғарбий тармоғидан суғорилган. Кейинроқ, бу ерга Қўқон ва Марғилондан кўплаб аҳолининг кўчиб келиши, Шарқий Туркистондан келган 20 минг мухожирларни жойлаштирилиши туфайли экин майдонлари ва суғориш иншоатларига бўлган эҳтиёжнинг кескин ортиб кетиши сабабли Умархон Оқбўра сувларининг Ўшдан ортган қисмини Андижонга ўтказмай Аравонсойга ташлашга буйруқ берган. Натижада Фарғона водийсининг Шаҳрихон воҳаси ерларини суғориш ишлари жадаллашиб кетган. Бу ҳудуддаги ерларни ўзлаштириш учун ҳатто Қўқондан бир гуруҳ маҳбуслар ҳам олиб келиниб, улардан алоҳида қишлоқ ташкил қилинган ва унга “Дориломон” деб ном қуйилган.

Шаҳрихонсой 1811 йилда қурилган бўлиб, уни айрим китобларда “Наҳри Умархоний” деб тилга олинган. [10:21-б] Шаҳрихонсой сувлари билан Фарғона водийсининг шарқий ҳудудлари, жумладан Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Ойим каби мавзелари суғорилиб, бу ҳудуддаги кенг майдонлар ўзлаштирилган. Ўзлаштирилган янги ерларда 1450 хўжаликдан иборат янги қишлоқларга асос солиниб, 250 минг таноб(41-42 минг)га яқин ерлар ўзлаштирилган.

1820 йили Марғилон ерларини суғориш учун Шаҳрихонсойдан узунлиги саккиз чақирим бўлган Устамбоғ ариғи, Гуратепа ва Момохон мавзеларини суғориш учун Эшонбобо ариғи чиқарилди.

Қўқон хонлигида суғориш иншоотларини барпо қилишнинг маълум тартиб-қоидалари мавжуд бўлган. Суғориш тармоқлари ва уни қуриш ишлари икки гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳга ҳажм жиҳатдан кичик суғориш тармоқлари киритилиб, уларни қуришда асосан шу суғориш иншоотларидан фойдаланувчи қишлоқ аҳолиси иштирок этган ва уларга маҳаллий мутасадди кишилар, мироббошилар бошчилик қилган. Иккинчи гуруҳ суғориш иншоотларига ҳажм жиҳатидан катта ва йирик каналлар киритилиб, уларни бунёд қилиш ишларига хонликнинг турли вилоятларидан қазувчи – ҳашарчилар жалб этилган. Бундай иншоотлар қурилишига бевосита хон ёки унинг жойлардаги вакили бошчилик қилган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийсида суғориш тармоқларининг ривожланишида муҳим роль ўйнаган омиллардан яна бири бу ерга муҳожир халқларнинг кўчириб келтирилиши бўлган. Хусусан, 1829 йилда Шарқий Туркистондан 70 мингга яқин уйғурлар хитойликларнинг жазоларидан қўрқиб Муҳаммадалихон қўшинига эргашиб келган ва улар водийнинг шарқий туманларига, яъни Оқбўра дарё водийсининг юқори қисми, Қуршоб водийси, Ўзган атрофлари, Кўгартсой водийсининг Жалолобод ва Сузоқ худудлари Шаҳрихонсой, Ёзёвон, Андижон атрофларига жойлаштирилган.[11:18-с] Натижада бу ҳудудларда янги ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқлар барпо этилган.

XIX асрнинг 60-70 йилларида Фарғона водийсидаги ўз даври учун улкан иншоот ҳисобланган Қўқон хонлигининг сўнгги даврида, яъни 1868-1871 йилларда қурилган Улуғнаҳр ариғи баъзи олимларнинг таъкидлашича, Фарғона водийсидаги энг катта суғориш канали ҳисобланади.

XIX асрнинг 70 йиллари охирида Қўқон хонлигида бўлиб ўтган сиёсий воқеалар туфайли канал қурилишига бағишланган ёзма манбалар жуда кам сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам уни қуришдан кўзланган мақсад тарихчи олимлар асарларида турлича талқин қилинади.

В.С. Батраковнинг ёзишича, канални қуришдан мақсад Андижоннинг шимолий қисмида жойлашган ерларни суғориш бўлиб, канал қурилиши Россия империяси томонидан Қўқон хонлигининг тугатилишига қадар давом этиб, у Ёзёвонгача қазилган ва 1875 йилда фақат унинг ярми қуриб битказилган.[12:120-с]

Тарихчи олимлар И.Пўлатов ва А.Мустафоевларнинг таъкидлашларича, Улуғнаҳр каналининг қурилишидан асосий мақсад хонликнинг пойтахти Қўқон шаҳрини сув билан таъминлаш бўлгани учун у Қўқон шаҳригача қуриб битказилган.[2:47-с] Бу каналнинг қурилиши билан илк бор Марказий Фарғонанинг жануби - шарқий ҳудудидаги ерларни суғориш борасида қадам қўйилган.

Хонликда деҳқончилик экинларининг аксарияти Ўрта Осиё хонликларига хос бўлиб, ғаллачилик, боғдорчилик, сабзовот ва полиз маҳсулотлари етиштириш ҳамда ипакчилик яхши ривожланган. Донли экинлардан маккажўхори етиштириш кенг тарқалган бўлиб, у шаҳар ва қишлоқларда камбағалларнинг асосий истеъмол маҳсулоти ҳамда мол озуқаси ҳисобланган. Шунингдек, XIX асрга келиб хонликда пахтачилик соҳасига катта эътибор берила бошлаган ва бу ўсимлик экиладиган майдонлар ҳажми тўхтовсиз кенгайиб борган.

Водий ғарбий қисмининг табиий шароити боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун жуда қулай бўлган. Жануби-ғарбий Хўжанд, Конибодом, Исфара, Сўх, Чимён, Риштон худудлари асосан ўрик етиштиришга тўла ихтисослашган. Бу даврда бутун Фарғона водийсида тут дарахти кенг тарқалиб, у тоғ олди ва қадимги деҳқончилик воҳаларидан ҳисобланган Сўх, Исфара, Наманган, Аштда ипакчилик учун қадимдан ўстирилиб келинган.

Фарғона водийсининг тоғли ҳудудлари, тоғ ён бағирлари ва адирларидан кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли қишлов ва яйлов учун унумли фойдаланган. Шу билан бирга бу ҳудудлар баҳорги ва кузги лалми деҳқончилик учун қулай бўлган.

Хонликда ер ва сув ҳукмрон табақаларники ҳисобланиб, ерга эгаликнинг 4 тури мавжуд бўлган. Улар: 1. хирож ерлар – ер эгаларининг хусусий ерлари; 2. Давлат ёки амлок ерлар – хонга қарашли ерлар, ўрмонлар, тўқайлар, йўлу-кўприклар; 3. Хусусий ерлар – хоннинг махсус фармойиши билан йирик амалдорларга берилган ерлар (суюрғол); 4. Вақф ерлар – диний муассасаларга, яъни масжид, мадраса, мозорларга қарашли ерлардир. Бундан ташқари қишлоқ жамоасига тегишли ерлар, кўл ва адирлар ҳам бўлиб, улардан аҳоли умумий асосда фойдаланган.[3:27-с]

Амлок хон ихтиёридаги ер бўлиб, у «замини хос», деб ҳам аталган ва ундан келадиган барча даромад хоннинг ихтиёрида бўлган. Бундай ерлар хон томонидан айрим гуруҳ ва шахсларга берилган. Ерни олган киши, уни ўз ҳисобидан суғориб, олган ҳосилидан хонга солиқ тўлаган ва бу солиқ миқдори хирождан ортиқ бўлган.

Ерга эгаликда мулк, ижара, урғу, танҳо шаклларидан ҳам фойдаланилган. Мулк - бойларга қарашли бўлган хусусий ерлар бўлиб, улар деҳқонларга ижарага берилган. Ижара - муайян шартлар асосида бериладиган барча кўчмас ва кўчадиган мулк - ер, ариқ, тегирмон, тим, раста, улов ва бошқаларни ўз ичига олган мулк шакли бўлса, урғу – мусодара қилиш йўли билан хон мулкига айлантирилган ёки гуноҳкорни қўлга олишда жонбозлик қилган шахсларга берилган ер ва бошқа мол-мулкдир.

Танҳо - ҳукмдор томонидан алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга амлок ерлардан баъзиларини инъом этилиши туфайли пайдо бўлган мулк шакли бўлиб, бундай ерларда солиқ йиғиш ҳуқуқи танҳо эгалари – танҳодорларга берилган. У ўзига берилган ер, бир нечта қишлоқ, ҳатто катта мулкнинг йиллик ёки ярим даромадини ҳадя сифатида олган. Баъзан киши бир умр танҳодор бўлган ва ўғли хон марҳаматига сазовор бўлса, танҳодорлик мерос тарзида давом этган. Ҳарбийларга танҳо ёки ҳирож тақдим этилса, у тархон, деб аталган.

Хонликда меҳнаткаш аҳолининг турмуши оғир бўлиб, уларнинг кўпчилигида ер бўлмагани сабабли катта ер эгаларининг ерларида ишлаб кун кечирганлар. Ўз кучини сотиш эвазига тирикчилик қилувчи бундай деҳқонлар чоракорлар деб аталган. Ер эгасига ёлланиб, унинг от-улови ва иш қуролларидан фойдаланиб деҳқончилик қилган чоракор хирожга, етиштирган ҳосилининг 1/5 қисмини хирожга тўлагач, қолган ҳосилнинг 3/4 қисмини ер эгасига топширган. Унинг ўзида ҳосилнинг 1/4 қисми қолган. Агар чоракор пахта ёки оқ маккажўҳори экиб деҳқончилик қилган бўлса, юқоридаги чиқимлардан сўнг унга ҳосилнинг 1/3 қисми қолган. Қишлоқ аҳолиси тирикчилик учун яна бошқа юмушларни ҳам бажарган. Масалан, ҳосил пишиб етилгунча эркаклар мардикорлик, аёллар эса яйловларга чиқиб чорвачилик билан шуғулланганлар.

Суғориш тармоқларининг мавсумий таъминоти деҳқонлар зиммасига юклатилган. Улар ҳашарларда иштирок этганлар, баъзан 15 кунгача ишлаб анҳор ва ариқлар қазиганлар.

Тадқиқотчи В.Наливкин ва М.Наливкиналар Қўқон хонлиги ҳудудида яшовчи аҳолининг турмуш тарзини ўрганиб, камбағал деҳқонлар, ҳаттоки майда олиб сотарлар томонидан ҳам таланади ва ўрта, қуйи табақа вакиллари деярли гўштли овқат истеъмол қилишмайди, деб ёзадилар.

Қўқон хонлиги шаҳар аҳолисининг иқтисодий ҳаётида ҳунармандчилик ва косибчилик муҳим ўрин тутган. Узоқ ривожланиш тарихига эга бўлган Қўқон хонлигида ҳунармандчилик ихтисослашган. Ҳунармандчиликда ҳатто буюмларнинг бир тури ва бирор қисмини ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар мавжуд бўлган. Буни айниқса тўқувчилик, темирчиликда кузатиш мумкин. Ҳунармандлар ўз касбининг сир-асрорларини мукаммал ўзлаштирган моҳир усталари бўлиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини юксак санъат даражасига кўтара олганлар.

Ҳунарманд усталар ишлаб чиқарган маҳсулотларининг сифат даражаси юқори бўлишини таъминлашга ҳаракат қилган. Бозордаги кескин рақобат эса уларни ўз касблари сирларини махфий сақлашга ундаган. Касб-ҳунарларнинг нозик жиҳатлари фақат фарзандлар, баъзан айримлари шогирдларигагина ўргатилган ва у шу йўл билан авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Қўқон хонлигида мамлакат пойтахти ва бошқа барча шаҳарлар аҳолисининг асосий қисми ҳунармандчилик ва косибчилик билан шуғулланган. Маҳаллалар ўзи ихтисослашган ҳунарига қараб махсус устахона, тим ва дўконларига эга бўлган. Буни шаҳарлардаги маҳаллалар ва кўчаларнинг номларидан ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларида ҳунармандчиликнинг ривожи бир хил бўлган бўлсада, ишлаб чиқариш ўзининг айрим хусусиятлари, яъни маҳсулотнинг тури, сифати билан ажралиб турган. Ҳунармандчиликнинг темирчилик, заргарлик, тўқувчилик, дегрезлик, кулолчилик, мисгарлик ва бошқа тармоқлари [4] кенг ривожланган бўлиб, хонликнинг ҳар бир шаҳри муайян соҳада ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан донг таратган. Жумладан, Қўқон шаҳри заргарлик ва қоғоз ишлаб чиқариш, Шаҳрихон ва Чуст тикувчилик ҳамда темирга ишлов бериш, хусусан пичоқчилик, Марғилон, Наманган ва Андижон эса ипак газламалари, Тошкент ўзининг тикувчилик, тўқувчилик, чўян, темир-мис маҳсулотлари билан шуҳрат топган. Хонлик ҳунармандчилиги ҳақида А.П. Хорошхин берган маълумотларга кўра, унинг эътиборга лойиқ соҳаси Наманган, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида атлас, шойи, адрас ва беқасам матоларининг ишлаб чиқарилганлигидир.

Усталар кўпчилик шаҳарларда, айниқса Қўқонда жуда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарганлар. Қўқонда тажрибали усталар кўп бўлиб, улар ўз маҳсулотиларини санъат даражасига кўтарган ҳолда доимий буюртмачи ва мижозларга эга бўлганлар. Бу эса уста-ҳунармандларнинг доимий иш билан таъминланиб турганларидан далолат беради.

Айниқса, Қўқон ҳунармандлари ишлаб чиқарган газлама ва металл буюмлар анча сифатлилиги билан ажралиб турган. Қўқонда темирчилик маҳсулотларига талаб катта бўлган. Чунки улар жамият хўжалик ҳаётида алоҳида ўрин тутган ва бу маҳсулотлардан қишлоқ хўжалиги ҳамда уй-рўзғорда кенг фойдаланилган.

Хонликнинг бутун ҳудудида бўлганидек Қўқон шаҳрида ҳам ишлаб чиқариш қўл меҳнатига асосланган бўлиб, асосий ҳунар хиллари ип ва ипак матолар тўқиш, оёқ кийими тайёрлаш, терига ишлов бериш, сопол идишлар тайёрлаш, темирчилик, эгар-жабдуғ ясаш, бўёқчилик, мисгарлик, заргарлик, дурадгорлик, аравасозлик, ҳарбий қурол ишлаб чиқариш, ўймакорлик, мум ишлаш, писта кўмир тайёрлаш, каштачилик, дўппичилик, қалин томлар ёпиш ва шу кабилардир.

Шунингдек, хонликда порох ишловчи ва қоғоз тайёрловчи устахоналар ҳам бўлган. Қоғоз ишлаб чиқариш ҳунармандчилик ва косибчиликнинг муҳим тармоғи бўлиб, А.П. Федченко 1871 йилда бу маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнини, яъни Қўқон қоғозини тайёрлашни ўз кўзи билан кўрган ва уни батафсил баён қилиб берган. Унинг хулосасига қараганда, Ўрта Осиёда фақат Қўқон шаҳрида қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бироқ, ўрганилаётган даврда бу соҳа Россия саноати ишлаб чиқарган арзон фабрика қоғозларининг хонлик бозорларини эгаллаши натижасида бутунлай касод бўлган.

Хонликда қуролсозликка ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу тармоқ шаҳар ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг обрўли соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланган. Қўқон шаҳрида замбараклар, милтиқлар, қиличлар, пичоқлар, ханжарлар, қалқонлар, найзалар ва бошқа ҳарбий анжомлар тайёрланган.

Қўқон жамияти ҳаётида савдо муносабатлари алоҳида ўрин тутиб, савдо-сотиқ ички ва ташқига бўлинган. Ички савдо ўтроқ деҳқонлар, кўчманчи чорвадорлар ва шаҳар-қишлоқ ҳунармандлари ўртасидаги анъанавий маҳсулот айрбошлашга асосланган. Аҳолининг кундалик эҳтиёжлари ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар билан тўла таъминлаб турилган. Барча ички савдо чакана бўлиб, улгуржи савдо деярли бўлмаган.

Ҳунармандчилик ва косибчилик савдо билан яқин алоқада бўлган. Ҳунармандлар аксарият ҳолларда ўз товарларини ўзлари сотганлар. Деҳқон ва чорвадорлар эса ҳафтанинг муайян кунлари ўз молларини бозорда сотганлар. Шу билан бирга, хонликда олибсотарлик ҳам кенг тарқалган. Бозорлардаги нарх-наво бир хилда турмаган. У хонликдаги тинчлик - осойишталик, урушлар, об-ҳавонинг ёмон келиши оқибатида ҳосилдорликнинг пасайиши каби омилларга қараб ўзгариб турган.

Мамлакатнинг энг асосий савдо ва тижорат марказлари Қўқон, Тошкент, Марғилон, Андижон, Хўжанд, Наманган, Ўш, Ўратепа каби шаҳарлар бўлиб, улар орасида Қўқон нафақат хонлик, балки бутун Ўрта Осиёнинг савдо марказларидан бири, деб ҳисобланган.

Қўқон бозорлари ўзининг товарларга бойлиги ва нарх-навонинг бошқа шаҳарларга нисбатан анча арзонлиги билан ажралиб турган. Шаҳарнинг деворлар билан ўралган катта бозорлари маҳаллий аҳоли ва четдан келган савдогорлар билан доимо гавжум бўлган. Потанин XIX асрнинг 20- йилларида Қўқонда олтита бозор бўлганлигини қайд этган. Бозорлар якшанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ишлаган. Бу ерда қаттиқ назорат ўрнатилган бўлиб, харидор ҳаққига хиёнат қаттиқ жазога тортилган.

Қўқон хонлигининг иқтисодий ҳаётида ташқи савдо ҳам муҳим рол ўйнаган. Мамлакат ғарб ва жанубда Бухоро, Хива, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, шарқда Хитой (Қашқар орқали), шимолда Дашти Қипчоқ кўчманчилари ва айниқса Россия билан кенг савдо муносабатларини ўрнатган. Манбаларда хонликка япониялик ва англиялик савдогарлар ҳам келганлиги кўрсатиб ўтилади.

Ташқи савдо карвонларда товар олиб бориш ва олиб келиш йўли билан амалга оширилган. Хонликнинг савдо карвонлари қуйидаги йўналишлар бўйлаб қатнаган:

1. Қўқон – Бухоро савдо йўли. Бу йўл икки йўналишда марказий шаҳарларни кесиб ўтган. Уларнинг биринчиси, Қўқон - Бешариқ – Маҳрам – Хўжанд – Ўратепа – Жом (Ём) – Работ – Жиззах – Самарқанд – Янгиқўрғон орқали, иккинчиси, Қўқон – Бешариқ – Маҳрам – Хўжанд – Ўратепа – Зомин – Жиззах – Самарқанд орқали ўтган ва савдо карвонлари 20-22 кунда Бухорога етиб борган.

2. Қўқон – Тошкент савдо йўлининг учта йирик йўналишлари бўлиб, биринчи йўналиш: Тилав ва Кандир довони орқали ўтиб, Тиловда икки шахобчага бўлиниб кетган. Бири Оҳангароннинг чап томонидан ўтиб, Курд орқали Бешкент, Тўйтепа ва Тошкентга борган. Иккинчиси эса Тилав ёнида Оҳангарондан ўтиб, Қорахитой қишлоғида иккига айрилган: бири Тўйтепага кетган, иккинчиси Қовардан Ниёзбек орқали Тошкентга келган. Бу йўл энг узун ҳисобланган ва ундан фақат сув тошқинлари вақтида, яъни Тўйтепадан Тошкентга юриб бўлмаган вақтларда фойдаланилган.

Иккинчи йўналиш: Қўқондаги Учтоғи орқали Работ (Уральск станцияси) да икки шахобчага бўлинган. Бири – Бишкент ва Тўйтепага, иккинчиси чапроқ юриб, Бўка, Жафон, Занги ота қишлоғи орқали Тошкентга келган.

Учинчи йўналиш: Қўқон ва Намангандан Тирс орқали ўтган йўл. У Чотқолдан юқори кўтарилиб, Қорабура дарасидан ўтиб, Авлиё отага борган. Унинг бир шахобчаси чапга йўналиб Чимкент орқали Еттисув тоғи, Оқжар ва Қоплонбек билан Тошкентга келган. Бу йўлдан фақат ёзда фойдаланилган. Иккинчи шахобчаси Сайрам водийсидан Тилав орқали тоғдан ўтиб, Қўқонга борган. Аниқроғи бу Сайрам – Қўқон йўли бўлиб, у Сайрам водийсидан бошланиб, Еттисув – Оқжар – Дарбесиққопқа довони – Александровск тоғлари – Хўжанд кўприги орқали Чирчиқ дарёсидан ўтиб – Кучқўрғон – Хитойтепа – Қанжиғалдан ўтиб Тилавга борган ва катта Қўқон йўли билан шаҳарга кирган. Бу йўл орқали асосан қўй подалари Авлиё отадан Қўқонга олиб келинган.

4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ:

– Қўқон хонлиги XIX асрнинг биринчи ярмида ўзининг ҳудуди жиҳатидан Ўрта Осиёда энг катта давлат тузилмаларидан бири бўлиб, унинг чегарали шарқда Талас водийси ва бугунги Қирғизистон, Қозоғистон, Шарқий Туркистон, Шимолда қозоқ жузлари ва Сирдарё қуйи оқими, ғарбда Жиззах ва Ўратепа, жанубда Туркистон тоғлари ва Тожикистоннинг Дарвоз ва Помир мулкларидан ўтган.

– Хонлик ҳудудидаги Қўқон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Хўжанд, Ўратепа, Андижон, Наманган, Ўш ва бошқа шаҳарлар мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказлари бўлган.

Ijtimoiy siyosat - bu jamiyatning asosiy maqsadlarini amalga oshirish maqsadida ijtimoiy subyektlar o`rtasida yuzaga keladigan munosabatlar tizimi zhisoblanadi va uning markazida asosiy maqsadinson, uning hayotini ta'minlash, farovonligi, ijtimoiy rivojlanishi, xavfsizligi va ijtimoiy himoyasi tushuniladi. Tor ma'noda ijtimoiy siyosatga olimlar tomonidan aholining turmush tarziga yo`naltirilgan aniq tadbirlar tizimi deb ta'rif beriladi. [2] Tarixan ijtimoiy siyosatni amalga oshirish mezonlari bugungi kungi ijtimoiy siyosatni amalga oshirish mezonlaridan tubdan farq qilgan deb ayta olmaymiz. Buning boisi ijtimoiy adolat g'oyasi insoniyatning butun tarixi orqali o'tib kelgan. Insoniyat sivilizatsiyasining butun tarixi ijtimoiy adolatni amalga oshirish bir so`z bilan aytganda, ijtimoiy siyosatga xayrixohlik asosida kechgan. ''Ijtimoiy himoya'', ''ijtimoiy adolat'' tushunchalarining shakllanib borishi insoniyatning demokratik tafakkuri bilan bog'liqdir. Xususan, Abu Nasr Forobiyning ''Fozil odamlar shahri'' asarida ifodalangan fozil jamiyat g'oyasi bugungi kundagi demokratik jamiyat konsepsiyasiga va ijtimoiy siyosatiga hamohangdir [3]. Ijtimoiy siyosatni amalga oshirish indikatori borasida fikr yuritar ekanmiz indikator tushunchasini tavsiflab o`tish maqsadga muvofiqdir. Zero, ko`p hollarda indikator so`zi mezon va ko`rsatkich kabi tushunchalar bilan uyg`unlashgan holda tavsiflanadi. Ammo, indikator tushunchasi yuqoridagilardan ayri tushuncha bo`lib, indikator – voqelikning tarkibiy ko`rinishiga ega bo`lgan ko`rsatkichi hisoblanadi va asosan noaniq usul va metodlarga asoslangan bo`ladi. Muayyan tarmoqlarning indikatorlarda ko`rsatilishi millat va madaniyat chegaralari orasidagi farqni tom ma'noda qisqartirib, umumiy o`rtacha standartlashuv asosida mutanosiblikni ta'minlaydi. Ma'lum bir soha amalga oshirilishining indikatorlarini ko`rsatishda obyektivlik muhim jihat sifatida ko`rsatilmaydi. Ijtimoiy siyosatni amalga oshirish borasida olimlar turlicha fikrlar bildirgan bo`lib, jumladan Sh.L.Monteske fikricha, odamlar o'z aholi punktlari, shaharlari, regionlari manfaatlari va muammolarini mamlakatning boshqa hududlariga nisbatan yaxshiroq biladilar [4]. Bu o`sha hududda ijtimoiy siyosatni aholining xohish va istaklariga bo`lgan talablar va mezonlar asosida amalga oshirilishiga yordam berishi ta'kidlab o`tilgan. Ijtimoiy siyosat tushunchasi ikkinchi jahon urushidan keyin G`arb mamlakatlarida keng qo`llanila boshlandi. G`arbda ijtimoiy siyosat asosan ''farovon davlat'' nomi bilan hamohang tarzda qo`llanilgan. Sobiq Sovet Ittifoqi qulagandan so`ng uning tarkibida bo`lgan mamlakatlar ham o`z mustaqilligining dastlabki chog`laridan ijtimoiy siyosatni muvofiq darajada amalga oshirishga kirishishdi. Jumladan, sovet tuzumining markazi hisoblangan Rossiya Federatsiyasi ham o`z konstitutsiyasida o`z davlatini fuqarolarning erkin hayot va farovon turmush-tarzini ta'minlashga qaratilgan sotsial davlat deb e'lon qilgan edi [5]. Xorij olimlari tomonidan ijtimoiy siyosat va uning amalga oshirilishining mezonlari va o`z navbatida indikatorlarini ko`rsatoshga bag`ishlangan ko`plam monografiyalar, maqolalar, ilmiy ishlar chop etilgan. Jumladan Izotova O.I. ning ''Soliq va boshqa daromadlar davlat ijtimoiy siyosati amalga oshirilishining instrumenti sifatida''[6], Lozovova L.A., Nemashkalova K.G.larning ''Chet davlatlarining ijtimoiy siyosati amalga oshirilishining metodlari'' [7], Yudin A.V.ning ''Davlatning zamonaviy ijtimoiy siyosatni amalga oshirishning usullari'' kabilar shular jumlasidandir.

3.Tadqiqot natijalari:

Ijtimoiy soha, umuman olganda, har qanday davlatning turlicha ishlashining asosiy elementlaridan biri bo'lib, xususan, fuqarolar uchun eng yuqori darajadagi yagona turmush darajasini ta'minlaydi. Bu vazifalarni amalga oshirish imkoniyatlari har bir alohida davlat budjetining imkoniyatlari bilan belgilanadi. Ijtimoiy xarajatlarning chegaralanishi indikatorlarning hajmi, tuzilishi va dinamikasi, umumiy tizimdagi o'rni, shuningdek ularning shakllanish manbalari kabi turli mezonlar bilan belgilanadi. Davlat xarajatlari tizimidagi ijtimoiy sohaga ajratiladigan xarajatlarning umumiy tuzilishi va miqdoriy mazmuni tahlili ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lgan xarajatlarga nisbatan kamchiliklarni va ularni bartaraf etishning mumkin bo'lgan usullarini topishga imkon beradi [8].

Rivojlangan mamlakatlarda ijtimoiy siyosatni amalga oshirish bir necha yo`nalishlarni o`z ichiga qamrab oladi. Bular: [9]

- Aholini ijtimoiy himoya qilish;
- ijtimoiy sug`urta;
- pensiya tizimi;

- Ish haqini tartibga solish;
- Aholining bandligini ta’minlash;
- Ta’lim;
- Uy-joy siyosati.

Har qaysi jamiyatda ijtimoiy siyosat bilan bog`liq bo`lgan jarayonlar va uning amalga oshirilishining indikatorlari sifatida minimal yashash darajasi, ta’lim, tibbiy xizmat, oziq-ovqat bilan ta’minlanish jarfayoni nazarda tutiladi. Ushbu indikatorlarning ko`zga tashlanishi ijtimoiy siyosatning amalga oshirilish jarayonini bildiradi. 1990-yildan boshlab Birlashgan Millatlar Tashkilotining Taraqqiyot Dasturining Inson taraqqiyoti hisobotlarida ijtimoiy siyosat amalga oshirilishing mezonlari vaqtlar davomida o`zgarib kelinganligini aytadi. Jumladan, ijtimoiy siyosat dastavval inson taraqqiyoti omili bilan o`lchangan bo`lib, undagi asosiy mezonlar inson farovonligi emas, balki har bitta individ davlat doirasida yashay olishi mumkin bo`lgan minimal talablarga bo`lgan ehtiyoji asosida belgilangan. Keyinchalik esa ushbu mezonlar o`zgarib borgan bo`lib, unda inson farovon yashashi uchun zarur bo`lgan talablarning mavjudligi ijtimoiy siyosatning qay darajada amalga oshirilayotganligini ko`rsatgan. Ijtimoiy siyosatni amalga oshirishning asosiy mezonlari deyilganda ko`p hollarda quyidagilar nazarda tutiladi:

- jamiyat a’zolarining mehnat va dam olishga qaratilgan siyosiy yo’lini ishlab chiqish;
- aholiga ijtimoiy turmush xizmatlarini ko’rsatishning samarali yo’llarini ishlab chiqish;
- aholiga nafaqa va imtiyozlar berish, ijtimoiy himoyalash siyosatini olib borish.

O`z navbatida shuni yodda tutish lozimki, ijtimoiy siyosat indikatorlari quyidagilarda namoyon bo`lishi kerak:

- jamiyatda umuminsoniy qadriyatlar ta’minlanganligi, ijtimoiy adolatga erishishni ko`zlagan siyosatning yuritilishi;
- har bir shaxsga ishlash va adolatli mehnat sharoitlarini taqdim etish;
- jamiyatda tinchlik va osoyishtalikning o`rnatilganligiga e’tibor qaratish;
- inson farovonligini ta’minlashga qaratilgan, jamiyatda tenglikni ta’minlashga harakat qiladigan oqilona ijtimoiy siyosat yuritish.

O'zbekiston mustaqillikka erishgandan so'ng, jamiyatda bozor iqtisodiyotiga o'tish jarayonida aholini ijtimoiy himoyasini ta'minlash davlat siyosatining bosh yo'nalishi bo'lib qoldi.O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov "shok terapiyasi" to'g'risida gap ham bo'lishi mumkin emasligini, "bozor ko'pchilik uchun ozor" bo'lmasligini, O'zbekistonga xalqimizning nogironlar, nafaqadorlar, ko'p bolali oilalar, o'quvchilardan iborat nochor tabaqalarini ayaydigan bozor kerakligini qayta-qayta ta'kidlab o'tgan. I.A.Karimovning «Aholining muhtoj tabaqalarini ijtimoiy himoyalash sira kechiktirib bo'lmaydigan, eng ustuvor vazifa, amaliy harakatlarning eng asosiy qoidasi»deb aytgan fikri ham O'zbekistonda ijtimoiy siyosat sohasiga mustaqillikning ilk kunlaridanoq alohida e'tibor qaratilganligini ko'rsatadi. [10]. Shuni alohida aytish kerakki, mustaqillikning birinchi kunidan boshlab, hukumatimiz ijtimoiy hayotni yaxshilashga qaratilgan har bir chora-tadbirni o‟z vaqtida amalga oshirib, xalq oldida bergan va'dasini qat'iy ravishda bajarib keldi. Indeksatsiyalangan pul mablag`larining 1996-yil 1-iyuldan fuqarolarga qaytarila boshlagani ham ushbu insonparvar siyosatning yorqin namunasidir. 1995-yil 2-martda O`zbekiston Respublikasi Prezidentining “O`zbekiston Respublikasi davlat va jamiyat qurilishida xotin-qizlarning rolini oshirish choratadbirlari to’g’risida”gi Farmoni chiqdi. 1998-yil “Oila yili”, 1999-yil “Ayollar yili” deb e'lon qilindi. O‟zbekiston Respublikasi Prezidentining 2004-yil 25maydagi “O`zbekiston xotin-qizlar qo`mitasi faoliyatini qo`llab-quvvatlash borasidagi qo`shimcha chora tadbirlar to’g’risida”gi Farmoni va O‟zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining shu Farmonning ijrosini ta'minlash choratadbirlari to‟g‟risidagi 2004-yil 30-iyunda qabul qilingan qarori va boshqa bir qator me'yoriy hujjatlar xotin-qizlarning obro`-e'tiborini oshirish va mustahkamlash, ularning jamiyat hayotida faol ishtirok etishlari uchun zarur shart-sharoitlar yaratish, oila, mahalla, qishloq va ovullarda diniy, ma'rifiy ishlar bo`yicha maslahatchilar tayinlash respublikamizda yashayotgan dinidan, irqidan, millatidan qat'i nazar barcha xotin-qizlar faolligini oshirish davlat siyosati darajasiga ko`tarilganligidan dalolat beradi [11]. Ijtimoiy siyosatning asosiy

shakllari va mezonlari erkin ijtimoiy - iqtisodiy faoliyatni ta'minlash, ish bilan bandlik, o`qish va ta'lim olish, daromadlarni kafolatlash, iste'molchilar huquqlarining himoyasi va iste'mol kafolatini ta'minlash, aholiga tibbiy xizmat ko`rsatish, aholining kam ta'minlangan qatlamlariga turli imtiyozlar va to`lovlar joriy etish kabilarni o`z ichiga oladi.

Davlatning ijtimoiy siyosati tegishli markazlashgan daromadlarni tabaqalashgan soliq solish yo'li bilan shakllantirish va uni budjet orqali turli guruhlari o'rtasidagi qayta taqsimlashdan iborat. Aynan ijtimoiy siyosatning mezonlari ham ushbu daromadlarni qanday sohalar doirasida amalga oshganligida namoyon bo`ladi. Ijtimoiy siyosat – bu davlatning daromadlar taqsimotidagi tengsizlikni yumshatishga va bozor iqtisodiyoti qatnashchilari o'rtasidagi ziddiyatlarni bartaraf qilishag yo'naltirilgan siyosatdir. Aholini ijtimoiy himoyalash chora-tadbirlari tizimidagi eng asosiy mezonlardan biri – bu narxlar erkinlashtirilishni va pulning qadrsizlanish darajasiga ortib borishi munosabati bilan daromadlarning eng kam va o'rtacha darajasini muntazam oshirib borish hisoblanadi. Ikkinchi mezon sifatida ichki iste'mol bozorini himoya qilish, hamda oziq-ovqat mahsulotlari va nooziq – ovqat mollari asosiy turlari iste'molini muayyan darajada saqlab turish bo'ldi. Bunga erishishida muhim mahsulotlar eksportini bojxona tizimi orqali nazorat qilish va ulrga yuqori boj to'lovlari joriy etish, kundalik zarur tovarlarni me'yorlangan tarzda sotishni tashkil qilish kabi tadbirlar katta ahamiyaga ega bo'ladi. Uchinchi mezon bo`lsa aholining kam ta'minlangan tabaqalarning ijtimoiy himoyalash va qo`llab-quvvatlash borasida kuchli chora-tadbirlar o'tkazganligi bo'ldi. Masalan, pensionerlar, nogironlar, ko'p bolali va kam daromadli oilalar, ishsizlar, o'quvchi yoshlar hamda qayd etilgan miqdorda daromad oluvchi kishilar turli xil yo'llar bilan himoya qilib borilishida namoyon bo`ladi.

4.Xulosalar:

Masalaga xulosa tarzida quyidagilarni ta'kidlash maqsadga muvofiqdir:

- ijtimoiy siyosatni ishlab chiqishda nafaqat hokimiyatning uchta tarmog`i qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud balki, butun bir jamiyat - siyosiy institutlar, fuqarolarning ijtimoiy birlashuvi ishtirok etadi. Ushbu jihatdan ham ijtimoiy siyosatni amalga oshirishning indikatorlari va mezonlari qay yo`sinda bo`lishini o`rganish muhim ahamiyat kasb etadi;
- hududlarda ijtimoiy siyosatni aholining xohish va istaklariga bo`lgan talablar va mezonlar asosida amalga oshirilishiga yordam berishi ta'kidlab o`tish;
- Ijtimoiy soha davlatning turlicha ishlashining asosiy elementlaridan biri ekanligini hisobga olib, fuqarolar uchun eng yuqori darajadagi yagona turmush darajasini ta'minlaydi. Bu vazifalarni amalga oshirish imkoniyatlari har bir alohida davlat budjetining imkoniyatlari bilan belgilanadi. Ijtimoiy xarajatlarning chegaralanishi indikatorlarning hajmi, tuzilishi va dinamikasi, umumiy tizimdagi o'rni, shuningdek ularning shakllanish manbalari kabi turli mezonlarga ahamiyat qaratish;
- aholiga ijtimoiy turmush xizmatlarini ko'rsatishning samarali yo'llarini ishlab chiqish va aholiga nafaqa va imtiyozlar berish, ijtimoiy himoyalash siyosatini adolatli olib borish.
- narxlar erkinlashtirilishni va pulning qadrsizlanish darajasiga ortib borishi munosabati bilan daromadlarning eng kam va o'rtacha darajasini muntazam oshirib borish;
- ijtimoiy siyosatning indikator va mezonlarini harakatlar strategiyasi doirasida o`rganish;
- ichki iste'mol bozorini himoya qilish, hamda oziq-ovqat mahsulotlari va nooziq – ovqat mollari asosiy turlari iste'molini muayyan darajada saqlab turish;
- aholining kam ta'minlangan tabaqalarning ijtimoiy himoyalash va qullab-quvvatlash borasida kuchli chora-tadbirlar o'tkazganligi bo'ldi. Masalan, pensionerlar, nogironlar, ko'p bolali va kam daromadli oilalar, ishsizlar, o'quvchi yoshlar hamda qayd etilgan miqdorda daromad oluvchi kishilar turli xil yo'llar bilan himoya qilish;
- Ijtimoiy himoyaning asosiy shakllari erkin ijtimoiy - iqtisodiy faoliyatni ta'minlash, ish bilan bandlik, o"qish va ta'lim olish, daromadlarni kafolatlash, iste'molchilar huquqlarining himoyasi va iste'mol kafolatini ta'minlash, aholiga tibbiy xizmat ko"rsatish, aholining kam ta'minlangan qatlamlariga turli imtiyozlar va to"lovlar joriy etish.

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. Karimov I.A. Ikkinchi chaqiriq Oliy Majlisning to'qqizinchi sessiyasidagi (2002 yil 29 - 30 avgust) ma'ruzasida bayon etilgan asosiy vazifalar va qoidalarni keng yoritish bo'yicha tashkiliy - ma'rifiy tadbirlar Dasturi. – T., 2002. – 10-b.
2. Социальная политика. Учебник для бакалавров под редакцией доктора исторических наук, профессора Е. И. Холостовой, доктора политических наук, профессора Г. И. Климантовой. Москва - Юрайт – 2013 ст-1
3. Karimov I.A. 2009 yilning asosiy yakunlari va 2010 yilda O‟zbekistonni ijtimoiy iqtisodiy rivojlantirishning eng muhim ustuvor yo‟nalishlariga bag‟ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma‟ruzasi (2010 yil 9 yanvar) // Norma. Информационно – поисковые системы.
4. Социальная политика. Я.А.Маргулян Учебник. - СПБ.: Издательство Санкт Петербургского университета управления и экономики, 2011. С 7.
5. Социальная политика. Я.А.Маргулян Учебник. - СПБ.: Издательство Санкт Петербургского университета управления и экономики, 2011. С 7.
6. Налог на доходы физических лиц как инструмент реализации социальной политики государства. Изотова О.И. Экономика. Налоги. Право. 2014 с. 119-122
7. Анализ зарубежных моделей социальной политики Лозовова Л.А., Немашкалова К.Г. Государственное и муниципальное управление. Ученые записки СКАГС. 2014. № 1. С. 120-128.
8. Чорбинский С. И. Социальная работа и социальные программы в США. М., 1992.
9. Аверин А.Н. Государственная и муниципальная социальная политика/ А.Н.Аверин, А.М.Бабич, Н.А.Волгин. - М.: Кнорус, 2013. - 1014 с
10. Karimov I.A. O‟zbekiston: milliy istiqlol, iqtisod va mafkura. - T.,1996. - 323-b
11. Shodieva D.A. Jazoni o’tab qaytgan xotin-qizlarni ijtimoiy hayotga moslashtirish//Xalq ta‟limi. 2012/1. – 128-b

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Носир Хусанов,
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
Миниатюра ва китоб графикаси кафедраси доценти

ЖАМИЯТДА ПЛАКАТНИНГ ЎРНИ

For citation: Nosir Khusanov, PLACE OF THE POSTER IN THE SOCIETY. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.645-652

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-87

АННОТАЦИЯ

Плакатнинг муҳим белгиларидан бири у маълум бир ғояни талқин этишидир. Плакатнинг асосий мақсади кишиларни мардликка, қаҳрамонликка, ватанни севишга, эзгуликка, яхшиликка ундайди ва ҳажвий ёки файзли, зийнатли ҳамда ҳуснихат усули билан ишланиши мумкин. Сиёсий плакатларда буни кўпроқ кўриш мумкин. Плакат кенг оммага мўлжалланган ва таъсирчан, бериладиган маълумотни тезда жамоатчиликка тушунтира оладиган санъат туридир.

Калит сўзлар: Плакат, информацон, импечмент, глабал, этник, инвестиция, таназзули.

Носир Хусанов,
Доцент кафедры книжной графики и миниатюры
Национального института искусства
и дизайна имени Камолиддина Бехзода

МЕСТО ПЛАКАТА В ОБЩЕСТВЕ

АННОТАЦИЯ

Одна из важных особенностей плаката - то, что он интерпретирует определинную идею.Основая цель плаката- вдохновить людей на мужество, героизм, любовь к стране,добру и может быть выполенен в юмористической или изящной, элегантной и каллиграфической манере. Больше можно увидеть на политических плакатах. Плакат предназначен для широкой публики и представлает собой впечетляющую художественную форму, которая может быстро обьяснить информацию, предоставляемую публике.

Ключевые слова: плакат, информация, импечмент, глобальный, этнический, инвестиции, упадок.

Nosir Khusanov,
Associate Professor of the Department
of Book Graphics and Miniatures National Institute
art and design named after Kamoliddin Bekhzod

PLACE OF THE POSTER IN THE SOCIETY

ABSTRACT

One of the important features a poster is that it interprets a particular idea. The main purpose of the poster is to inspire courage, heroism, love of country, kindness, goodness, fnd can be done in a humorous or graceful, graceful and calligraphic way. More can de seen on political posters. The poster is intended for the general pudlic and is an impressive, art form that can duickly explain the information provided to the public.

Index Terms: poster, information, empire, global, ethnic, investment, decline.

Долзарблиги:

Плакатнинг муҳим белгиларидан бири унинг маълум бир ғояни талқин этиши билан боғлиқдир. Плакатнинг асосий мақсади кишиларни мардликка, қаҳрамонликка, ватанни севишга, эзгуликка, яхшиликка ундайди ва ҳажвий ёки файзли, зийнатли ҳамда ҳуснихат усули билан ишланиши мумкин. Сиёсий плакатларда буни кўпроқ кўриш мумкин. Плакат кенг оммага мўлжалланган ва таъсирчан, бериладиган маьлумотни тезда жамоатчиликга тушунтира оладиган санъат туридир. Плакатнинг кенг тарқалган тури рассом ишлаган асл нусха асосида полиграфия услубида кўп нусхада босиб чиқарилган бўлиб, унда тасвир ва ёзув(матн)лар ёки бадиий ишлов берилган матн бадиий ифодаси орқали даврнинг муҳим воқеаларини ўткинчига етказади. Плакат ўз кўриниши билан тез кўзга ташланиши ҳамда мазмуни тез ўқилиши керак ва атрофдагилардан ажралиб туриши билан ахборот комуникацияси орасида ажралиб туриши ва тез идрок этилиши керак. Плакатда тасвирий метафора, ҳамма тушунадиган рамзий белги ва шакллар, буюмларнинг соддалаштирилган кўринишлари кенг қўлланилади. Плакатнинг тасвирий ифода воситаси сифатида фото сурат ишлатилиши мумкин. Бунда фото суратнинг ўзи ёки унга рассомлик(рангтасвир, графика) унсурларидан фойдаланиш, яъни плакат фото мантаж услубида бажарилиши мумкин. Плакат мазуси кенг. кундалик турмуш янгилики, унинг ютуқ ва камчиликлар, халқаро ҳаётда содир бўлаётган муҳим воқеа ва ҳодисалар ўз аксини топиши ва улар маиший, сиёсий йўналишда реалистик ёки сатирик услубда ўз аксини топиши мумкин. Плакат ўз мазмуни ва мақсад вазифаларига қараб сиёсий, маиший, ҳажвий плакатларга шунингдек инструктив плакатларга ажралади.

Методлар:

Мақолада умумий қабул қилинган методлар-холислик, тарихий таҳлил, қиёсий-мантиқий таҳлил, хронологик кетма-кетлик тамойиллари асосида палакатнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни баён этилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Плакат (немисча Plakat, французча placard – эълон, афиша)- *графика* тури; катта вараққа ишланган тасвирий санъат асари. Одатда у тасвир ва унинг мазмунини ёритувчи қисқа матндан иборат бўлади ва кундалик ҳаётдаги энг долзарб мавзуларга бағишланиб ишланади. Плакат графиканинг тасвирий усуллардан бўлиб, баъзан эса фото-суратлардан фойдаланади, мавзуга қараб оқ-қора ёки турли рангларда ишланиб, томошабин диққатини ўзига торта оладиган даражада бажарилгандагина плакат ўз вазифасини адо этган бўлади, ва уни энг кўп одамлар гавжум бўлган кўчаларга, жамоат биноларига осиб қўйилади.

Тасвирий санъат турлари ичида энг оммавийси бўлгани учун плакатдан ташвиқот ва тижорат реклама ишларида кенг фойдаланилади. Бундан ташқари ундан йўриқнома ва ахборот воситалари сифатида фойдаланиш мумкин. Плакат санъатининг асосий ҳусусияти унда тасвир билан бирга қисқа матнлар ҳам фаол иштирок этади. Шу жиҳатдан плакатни қуйидаги соҳаларга ажратиш мумкин:

сиёсий ташвиқот.

тижорат-савдо, маиший, маданий оқартув, цирк, театр, кино, бадиий кўргазма ва бошқалар.

техника хавфсизлиги, йўриқнома, диограмма, кўрсатмалар, афишалар,эълонлар ва бошқалар.

Жамиятда учрайдиган баъзи салбий ҳодисаларни – иллатлар ва кўринишларни кулгу остига олиб, турлий мавзуларга аталган плакатлар, хар - ҳил байрам ва тантаналарга бағишланган, кўрик танловлари ёки кўргазмалар, учрашувлар, тадбирларга аталган мавзуларга плакат ишлаш мумкин.

Ҳар бир ташвиқот, эълон мазмунидаги плакатда, ўзига муносиб ифодалайдиган шакли композицияси бўлади. Шунинг учун қисқача композиция ҳақида тушунча беришга тўғри келди.

Тасвирий санъат, шу жумладан, плакатда “композиция”сўзи, баён қилиш, тузатиш, жойлаштириш демакдир. Бошқача айтганда санъат асарида ҳар бир ифода воситаси, унинг барча белгилари ўз ўрнини топиши, тўғри жойлаши зарур, улар бир-бирига мутаносиб бўлиши лозим. Плакатда композицион таққослашлар муҳим аҳамиятга эга.

Унинг асосий вазифаси инсонларни яхшиликка даъват этиш ва уларни тўғри йўлга бошлаб, кўзланган асосий мақсадга ишонтиришдан иборат.

Кўргазма инсоннинг моддий ва маънавий фаолияти соҳаларидаги ютуқларини оммавий намойиш этиш. Кўргазмалар (асосан, тижорат мақсадида уюштирилади), маърифий тарғибот (информацон) кўргазмалар (бадиий, илмий-техника, саноат, транспорт ва бошқа соҳалардаги ютуқларни тарғиб қилиш) даврийлигига кўра, мунтазам ўтказилувчи (ҳар йили, икки уч йилда бир маротаба ва х.к,) дастлабки содда шакллардаги кўргазмалар милоддон аввалги II-I асрларда Миср, Юнонистон, Рим каби давлатларда айрим диний халқ байрамларида ўтказилган. Кўргазмалар: қатнашчилар таркибига кўра жаҳон ҳалқаро, миллий, минтақавий ва бошқаларга бўлинади.

Бадиий асарлар дастлаб Юнонистонда (милоддан аввалги VI-асрда) Италияда (XV-XVI асрларда) XIX асрга келиб Порижда Бадиий Академиялар томонидан кўргазмалар ташкил қилиш йўлга қўйилди. Ўзбекистонда дастлаб кўргазмалар XIX аср охири XX асрнинг бошларида ташкил этила бошланди. Жумладан 1911 йил “Л.Л.Бурэ карикатуралари” кўргазмалари ташкил этилди.





Замонавий плакат оддатда, рассом яратган асл нусхадан босмахонада кўпайтирилади. Олисдан кўрганда яққол ташланиши, ўта таьсирчанлиги, оммабоплиги, тасвирининг киноярларга бойлиги, ҳаммабоп рамзлар ишлатилиши, турли ҳажмдаги шакллардан фойдаланиш каби ўзига ҳос бадиий воситалари билан бошқа ахборат манбаларидан фарқ қилади. Бунда шрифт ва матннинг жойланиши, шартли ранглар (ёрқин безаклар) қўлланиши муҳим роль ўйнайди. Тасвирий восита сифатида баьзан фотография (мустақил тарзда ёки расм, рангтасвир билан) ишланади. XIX– аср II- ярмидан Ғарбий Европада реклама кўринишидаги плакат юзага келган. Бунгачан катта ҳажимдаги ташвиқий гравюра баьзан плакат деб аталган. Плакат ижтимоий- сиёсий ҳаёт, халқ хўжалиги, маданий вазифалар билан боғлиқ ҳолда ривожланди. 1900- йиллар бошларида сиёсий плакат юзага келди, демократик ҳаракат ва тинчлик учун кураш соҳсида катта ютуқларга эришилди. 1910 – йилдан китоб-журнал графикасидан узоқлашиб, дастгоҳ графикасига яқинлашган плакат рангтасвир, графика, фото санъати билан кўпроқ боғланди. XX асрда плакат ташвиқотнинг жанговар қуролга айланди. Иккинчи жахон уруши йилларида ўта таьсирчан воситага айланган бўлса, ҳозирги кунда тинчлик учун курашда, жамият ҳаётида учраб турадиган камчиликларни бартараф этишда ва бошқаларда муҳим роль ўйнамоқда.





Ўзбекистонда плакат XIX – аср охири XX – аср бошларида пайдо бўлди, XX – аср 1920 – йиллардан кенг тарқалди. Даслабки йилларда асосан қўлда ишланган ва кўпайтирилган плакат ва ҳажвий расмлар кенг қўлланиган

Босма плакатлар 1923- 1924 йиллардан чоп этила бошланди.Уста Наби Ҳафизов, М. Курзин, В. Уфимцев, В. Кайдалов ва бошқалар самарали ижод қилди. Иккинчи жахон уруши йилларда плакат етакчи ўринни эгаллади. Плакатчи рассомлар уюшмаси тузулди,

1928 йилдан Ўзбекистонлик рассомнинг кўргазмаси уюштирилди 1934 йиллардан бошлаб республика, шахар кўргазмаларини ташкил этиш санъатига айланди. 1941- йли ЎзТАГ ойнаси ташкил этилди.

Плакатда сўнгги янгиликлар ва муҳи воқеалар ўз аксини топди. 1960- 80 – йилларда А. Балканов, М.В. Громико, Ф. Кагаров, В. Евенко ва бошқа рассомларнинг тинчлик, ахлоқ, иқтисод, маданий маърифий мавзулардаги асарлари яратилди. Жумладан Ф. Кагаровнинг тинчлик мавзусидаги плакати





халқоро анжуманларнинг рамзига айланди. Рассомларнинг ижодий изланишлари туфайлий плакат Ўзбекистонда тасвирий санъатнинг энг таьсирчан оммобоп турига айланди.

Ахборат технологиясининг ривожланиши, полиграфия ишлариининг янгиланиши хамда ҳаётга кенг қўлламда компьютер графикасининг кириб келиши плакатнинг янги имкониятларини излашни талаб қилади.

Шунинг учун ҳам у санъаткордан ўта билимдон бўлишни талаб қилади, айни вақтда санъат асарини содда, аниқ ва кенг халқ оммасига тез таъсир этадиган бўлишини таъминлаши зарур. Афсуски, кўпгина плакатлар махсус кўргазма залларида ёки махсус ёриткичлар билан таъминланган жойларда бўлавермайди, балки очиқ ҳавода, қуёш тагида, ноқулай жойларда осиб қўйилади. Плакат шаклини турлича бўлишига қарамасдан, ҳар қандай шароитда ҳам ўз вазифасини етарли даражада уддалаши керак. Плакат тасвирий санъатнинг махсус тури бўлиб, унинг маъноси юзлаб романларда, минглаб кино фильм ленталарда ва кенг ҳажмли матоларда, кўп дастгоҳли композицияларда эмас, балкий плакат нашриётлар босмахонаси томонидан оддий қоғозга ёки баннерларга босиб чиқарилиши, уни тегишли ҳажмга ва ўлчовга қатъий риоя қилишни тақазо қилади.

Бадиий кўргазмалар санъат асарларини оммавий намойиш этиш шакли. Кўргазма махсус қурилган ёки мослаштирилган бинолар (махсус музей, маданият сарой залларида, театр, кинотеатр, жамоат бинолари фойеларида қўйилади) уюштирилади. Томошабини асарлар (хозирги давр санъати, бадиий мерос) билан таништиришнинг асосий шакллардан, баьзан санъати асарлари савдосини уюштириш мақсадида ҳам ташкил этилади.

Ҳеч кимга сир эмас иқтисодиётни жадал ривожлантиришда тижорат плакатларини роли беқиёс, чунки плакат ишлаб чиқарувчи билан харидор ўртасида кўприк воситасини ўтайди. Ишлаб чиқарувчи ўз махсулотини тезроқ харидорга мақкул бўлиб, харид қилинишини хохлайди. Мақсад моддий даромад кўришдир, ишлаб чиқаручи ўзининг умумий дароматининг кўп қсмини тижорат рекламасига бағишлайди.

Ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотларни кенг оммага кўрсатиш, бу молларнинг жамият ва инсоният учун афзаллик томони, унинг сифати ва яхши ҳусусиятларини кўз-кўз қилиб, томошабинни харидорга айлантиришда кўргазмага ишланган тижорат плакатнинг ўрни беқиёсдир.

Кўргазма кенг маъноли сўз, бунга қуйидагилар киради: оғир ва енгил саноатда ишлаб чиқарилган, қишлоқ хўжалиги ёки қурилиш саноати, тиббиёт соҳасига оид моллар ва бошқалар бўлиши мункин.

Сиёсат давлатни бошқариш санъати. Сиёсат турли ижтимоий-сиёсий, табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ. Унинг моҳиятини давлат қонунияти шакллари, уни амалга ошириш ва бошқаришни ташкил этади. Сиёсат кенг маънода жамиятнинг сиёсий тузилиши, сиёсий ҳаёт, давлат қонунияти, унинг ички ва ташқи фаолияти, сиёсий ташкилотлар ва харакатларнинг ҳокимиятга муносабати, уни бошқаришда сиёсий манфатларни амалга оширишнинг устивор йўналишларини ўзида ифода этади. Шунга кўра адолатли ва адлатсиз, ҳолис ва ноҳолис, инсонпарвар ёки инсон манфатларига зид сиёсат, демократик ва диктатура кўринишларидаги сиёсий бошқарувини кузатиш мумкин. Сиёсат ўз тасир этиш объектига кўра иккига: ички ва ташқи сиёсатга бўлинади. Сиёсат ижтимоий ҳодиса сифатида жамият хаёти соҳалари; иқтисодий, ижтимоий, миллий, илмий-техникавий, экология, маданият, харбий ва бошқа соҳаларни қамраб олади.

Сиёсий плакат ишлаш учун ўзимизнинг Республикамизда, хорижда бўлиб ўтаётган воқеа ва ҳодисаларни пухта ўрганиш талаб қилинади.

Давлатда мавжуд экан хар қандай тузум бўлишидан қатъий назар, унинг ўз ташқи ва ички сиёсати бўлади. Сиёсий плакат бирон-бир давлатнинг ташқи ва ички сиёсатини ҳимоя қилиши, ҳамда уни олиб бораётган сиёситини ташвиқот қилиши, жамиятни турли ёмон ташқи сиёсий иллатлардан химоялаш, инсониятни яхшилика ундаши, олиб борлаётган сиёсатни тушунтириши тарбиялашида плакатни ўрни беқиёсдир.

Эълон. афиша асосан шоҳ кўчаларга, катта-катта майдонларга, одамлар гавжум жойларга осилади. У плакатдан ҳажми жиҳатидан бир неча баробар катта бўлиши мумкин. Афиша. Эълонлар катта концертлар, ҳар ҳил кўргазмаларга, театр,кино ва цирк томошалари, қовун, узум, гулларга бағишланган халқ сайиллари ёки Наврўз, Меҳржон, Мустақиллик, Ҳосил байрами, Пахта байрами, касб байрамларига таклиф сифатида ишланиши мумкин. Эълон афиша катта ҳажмда бўлиб, узоқдан яхши кўриниши керак, томошабинни шу тадбирга огахлантириши, чақириши ва унда иштирок этишга ундаши лозим. Эълон ва афишанинг асосий вазифаси одамларни бўлиши кутилаётган тадбир, воқия, ходиса, кўрсатув ва бошқалар билан олдиндан огоҳлантириш, ундаш, жалб қилишни унинг асосий вазифасига киради. Афиша ва эълонларни ёзишда ҳуснихатни ахамияти жуда катта бўлиб, ҳуснихатни мавуга мосини топиш, уни катта кичиклигига эътибор бериш, биринчи даражалигини мавзуни бўрттириб, уларни катта хажмда ёзилишига, харф ва рақамларни тўғри жойланишига, рангларни узоқдан кўзга ташланишга мухум ахамият бериш лозим.

Бу мавзуга мурожаат қилишимиздан асосий мақсад: мустақил Ўзбекистон давлатининг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини чуқур ўрганиб боришига ва чет элларда бўлаётган ўзгаришлардан доимо бохабар бўлиб туришига, кундалик ўзгараётган сиёсатга ўз плакатлари орқали муносабатларини билдиришга ўрганишлари керак.

4.Хулосалар:

Ўзбекистон Мустақиллика эришгандан сўнг плакат санъат турига умуман эътибор бермай қўйди. Чункий совет итфоқининг ташқи ва ички сиёсатини кенг оммага йетказишда плакат санъати энг олдинга ўринда турарди. Бу санъат турини мустабит тузмнинг сиёсий ташвиқотчиси деб қаралди. Вахолаки плакат қандай жамият бўлишидан қаттий назар хар бир тузумнинг ички ва ташқи сиёсати, ўзига ҳос ижтимоий, иқтисодий, маиший, экологик момолар бўлиши, ишлаб чиқарилган тавaрларни ташвиқот қилиш, турлий ҳил кўргазма, анжуман, кино, театр, цирк ва бошқаларни реклама қилишда плакатни ўрни жуда катта деб биламан.

Плакат санъати иккинчи жаҳон уруши йилларида совет халқини фашизмга қарши оёққа туришида асосий ташвиқотчилик ўз зиммасига олиб, жамиятни буюк ғалабага бўлган ишончини тақдим этган энг муҳим тарғибот воситаси бўлганини эътироф этиш лозим.

1975 йили А.Н. Островский номидаги Тошкент Театр ва Рассомлик Институтининг Тасвирий санъат факультети графика кафедраси қошида махсус плакат бўлими очилди.

Мустақиллик йилига қадар бу бўлимдан кўплаб етук плакатчи рассомлар етишиб чиқишди. Ўша даврда Халқаро, Итифоқ ва Республика миқёсида эълон қилинган кўрик танловлари ва кўргазмаларида бевосита қатнашиб турли даражадаги дипломлар билан тақдирланганлар.

1997 йил Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ТТХИдан алоҳида институт бўлиб ажралиб чиқди. Шу йиллар давомида плакат бўлими умуман жамиятга плакатчи рассом керак эмас, деб бўлим ёпилди. Лекин плакат санъатини асраб қолиш мақсадида китоб графикаси бўлимида "2-3-4" курсларда, талабаларга плакат фанидан қисман соатлар ажратилиб, ҳар йили шу санъат турини ривожлантириш мақсадида талаба ёшлар ўртасида "Биз бунёдкор ёшларимиз иллатларга қаршимиз" шиори остида республиканинг энг кўзга кўринган кўргазма залларида кўрик танловини ўтказиб, энг яхши плакат санъат асарлар муаллифларига санъат ҳомийлари томонидан турли наминация бўйича диплом қиматбаҳо совринлар ва қолган барча иштирокчиларни хам рағбарлантириш мақсадида сертификатлар билан тақдирланарди. Бу келгуси кўрик танловида иштирокчилар сонини кўпайишига олиб келарди. Ушбу танловнинг асосий мақсади жамиятдаги ёшларни турли салбий иллатлардан қайтариш, уларни тўғри йўлга солиш орқали жамиятни бу ёмон иллатдан асрашда ёш талабалар ўз тегдошларини қийнаётган муаммо ва камчиликларини яқиндан яхши билганликлари учун уни қандай бартараф этиш йўлларини ўз плакат асарларида кўрсатиб, ёшларни бу салбий иллатлардан қайтариш асосий мақсад бўлган.

Лекин минг афсус бўлсинки шу йилдан бошлаб китоб графикаси бўлимида ҳам плакат фанига ажратилган соатлар хам тугатилди. Бу эса плакат санъати инқирозга учради дегани.

Ҳозирда шаҳарда тижорат мақсадида осилган реклама баннерларга кўзингиз тушади, бу ишларни бадиий таьлимга эга бўлмаган, ҳеч қаерда ўқимаган компьютерчи болалар қилаяпти, агар шу тарзда кетаверса жамиятни эстетик дидини бузилишга олиб келади. Бу ишларни ўз вақтида олди олинмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилса, кейинчалик номутахасис инсонлар қўлига ўтиши оқибатида, жамиятни бадиий эскетик дидини пасайиб, ёмонлашига олиб келади. Кейин уни қайтатан тузатиш, жуда қимматга тушиши мумкин.

Плакатнинг муҳим белгиларидан бири у маълум бир ғояни талқин этишидир. Плакатнинг асосий мақсади кишиларни мардликка, қаҳрамонликка, ватанни севишга, эзгуликка, яхшиликка ундайди ва ҳажвий ёки файзли, зийнатли ҳамда ҳуснихат усули билан ишланиши мумкин. Сиёсий плакатларда буни кўпроқ кўриш мумкин. Плакат кенг оммага мўлжалланган ва таъсирчан, бериладиган маьлумотни тезда жамоатчиликка тушунтира оладиган санъат туридир.

Ўзбекистон чор Россия ва қизил империя даврида қарам мамлакат эди. Мустақилликка эришгандан сўнг ўз герби, мадҳияси, байроғи, миллий пул бирлиги, миллий паспорти, ўз қомусига эга бўлди. Ўтмиш қадриятлари тикланди, мусулмон дини халққа қайтарилди, буларнинг барчаси сиёсий плакатларда ўз аксини топиши мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Грачев А.В. «Сатира в барбе за мир». Издательство «Плакат» 1979 г.
2. Рудой И.П. «Наглядная агитация в трудових коллективах». Издательства «Плакат». Москва, 1985 г.
3. Смирнов С.И. «Шрифт в наглядной агитации». Издательства «Плакат».
4. Москва, 1987 г.
5. A.G. Wydawnictwo "Piennale 66". Warszawa. 1968 г
6. A.G.Wydawnictwo "Plakat Polski". Warszawa. 1972г
7. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси наширёти 5том.
8. https://ru.m.wikipedia,org>wiki

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Азизбек Холлиев,
Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети,
azizbekholliev@gmail.com

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ОРТИДАГИ ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИ

For citation: Azizbek Kholliev, UZBEK PEOPLE'S SELFLESS LABOR BEHIND THE FRONT DURING THE SECOND WORLD WAR. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.653-660

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-88

АННОТАЦИЯ

Инсоният XX аср тарихи давомида икки йирик жаҳон урушини бошидан кечирди. Иккинчи жаҳон уруши, айниқса, жаҳон тарихида мисли кўрилмаган даражада катта ва даҳшатли ҳамда оғир кулфатларни солган уруш сифатида тарихда қолди. 1939-йил 1-сентябрь куни фашистлар Германияси қўшинларининг Польшага бостириб кириши билан бошланган бу уруш 61 та мамлакатни, Ер шари аҳолисининг 80 фоизини яъни 1,7 миллиард кишини ўз гирдобига тортди. Жаҳон тарихшунослигида Иккинчи жаҳон урушининг 1-даври сифатида 1939-йил 1-сентябрдан 1941-йил 22-июнгача бўлган давр эътироф этилиб, мазкур даврда фашистлар Германияси Ғарбий ва Марказий Европада ҳукмронликни қўлга киритади. Қисқа вақт мобайнида Германия ва Италия Европадаги 10 та давлатни - Польша, Чехословакия, Югославия, Бельгия, Голландия, Люксембург, Дания, Норвегия, Австрия, Францияни босиб олди. Миллатлар лигаси эса ўз фаолиятини тўхтатди. Гитлер бошчилигидаги Германия Ғарбий Европанинг ҳарбий, иқтисодий ресурсларини қўлга киритгач, 1941 йил 22 июнь куни ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани (1939 йил 23 августдаги битим) бузиб, уруш эълон қилмасдан СССРга ҳужум бошлади. Фашистларнинг асосий мақсади СССРни тўлиқ босиб олиш, бойликларини ўзлаштириш, миллионлаб кишиларни қириш ва қолганларини қул қилишдан иборат эди. Мазкур мақолада иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг фронт ортидаги фидокорона фаолияти ёритилади.

Калит сўзлар: иккинчи жаҳон уруши,фашистлар,совет ҳокимияти, саноат, иқтисодиёт, бошқарув, таъминот тизими, йирик саноат, корхона, таълим муассасаси.

Азизбек Холлиев,
Кандидат исторических наук, доцент
Национальный университет Узбекистана
azizbekholliev@gmail.com

САМООТВЕРЖЕННЫЙ ТРУД УЗБЕКСКОГО НАРОДА ПОЗАДИ ФРОНТА В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

АННОТАЦИЯ

В истории двадцатого века человечество пережило две крупные мировые войны. В частности, Вторая мировая война вошла в историю как беспрецедентная в мировой истории война, вызвавшая ужасные и катастрофические бедствия. Война, которая началась с вторжения нацистской Германии в Польшу 1 сентября 1939 года, охватила 61 страну, 80 процентов населения мира, или 1,7 миллиарда человек. В мировой историографии период с 1 сентября 1939 г. по 22 июня 1941 г. признан 1-м периодом Второй мировой войны, во время которой нацистская Германия завоевала господство в Западной и Центральной Европе. За короткое время Германия и Италия вторглись в 10 европейских стран - Польшу, Чехословакию, Югославию, Бельгию, Нидерланды, Люксембург, Данию, Норвегию, Австрию, Францию. Лига Наций прекратила свою деятельность. После того, как возглавляемая Гитлером Германия захватила военные и экономические ресурсы Западной Европы, она нарушила Пакт о ненападении (23 июня 1939 г.) 22 июня 1941 г. и совершила вероломное нападение на СССР, не объявляя войны. Основная цель нацистов заключалась в том, чтобы полностью завоевать СССР, завладеть его богатствами, истребить миллионы и поработить остальных. В статье рассказывается о самоотверженной деятельности узбекского народа в тылу во время Второй мировой войны.

Ключевые слова: Вторая мировая война, нацисты, советская власть, промышленность, экономика, управление, система снабжения, крупная промышленность, предприятие, учебное заведение.

Azizbek Kholliev,
Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
National University of Uzbekistan
azizbekholliev@gmail.com

UZBEK PEOPLE'S SELFLESS LABOR BEHIND THE FRONT DURING THE SECOND WORLD WAR

ABSTRACT

In the history of the twentieth century, humanity has experienced two major world wars. World War II, in particular, went down in history as a war that was unprecedented in world history and inflicted terrible and catastrophic disasters. The war, which began with the invasion of Poland by Germany on September 1, 1939, engulfed 61 countries, 80 percent of the world's population, or 1.7 billion people. In world historiography, the period from September 1, 1939 to June 22, 1941 is recognized as the 1st period of World War II, during which Nazi Germany gained dominance in Western and Central Europe. In a short time, Germany and Italy invaded 10 European countries - Poland, Czechoslovakia, Yugoslavia, Belgium, the Netherlands, Luxembourg, Denmark, Norway, Austria, France. The League of Nations has ceased operations. After Hitler-led Germany seized the military and economic resources of Western Europe, it violated the Non-Aggression Pact (June 23, 1939) on June 22, 1941, and launched an attack on the USSR without declaring war. The main goal of the was to completely conquer the USSR, seize its wealth, massacre millions and enslave the rest. This article describes the selfless activities of the Uzbek people behind the front during the Second World War.

Index terms: World War II, Soviet power, industry, economy, management, supply system, large industry, enterprise, educational institution.

1.Долзарблиги: Мустаҳкам фронт ортисиз фашистлар Германиясини мағлубиятга учратиш имконсиз эди. Шуниси аниқки, уруш олиб бориш учун мустаҳкам, уюшган фронт орти зарур эди. Башарти энг яхши армия ҳам, энг жасоратли кишилар ҳам етарли даражада қуролланмаган, озиқ-овқат билан таъминланмаган ва таёргарликдан ўтказилмаган бўлишса, дарҳол душман томонидан йўқ қилиниши табиийдир.

Уруш даврида барча сиёсий, маъмурий ва иқтисодий ташкилотларнинг фаолияти фронт ортидаги ишларни ҳарбий жиҳатдан қайта ташкил этишга қаратилди. Саноатни армия эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилишига алоҳида эътибор берилди.

Саноат фронтнинг техник ва моддий базасига айланди. Ҳар бир завод, ҳар бир фабрика ҳарбий эҳтиёжларни қондириш учун ишлаши лозим эди. Фронт буюртмалари энг тез суръатларда бажарилиши талаб этиларди.

Шу йўналишдаги ишларни ташкил этишга қаратилган дастлабки амалий ҳаракат 1941 йил 30 июнда қабул қилинган "1941 йил 3-чорагида халқ хўжалигини умумий сафарбар этиш режаси" да намоён бўлди. Режага асосан тинч даврига нисбатан қурол-яроғ ишлаб чиқарилиши 26 фоиз оширилди. Темир йўлларда ҳарбий юклар, кўмир, ёқилғи, металлар ва ғалладан ташқари юкларнинг ташилиш ҳажми камайтирилди[1].

1941 йил 16 августда Волгабўйи, Урал, Ғарбий Сибир, Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудлари учун ҳарбий-иқтисодий режа қабул қилинди, ва унда саноатни қайта қуриш ва ҳарбий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Шарқда мамлакатнинг асосий арсеналини зарурий суръатда яратиш ўқ-дорилар, қурол-яроғ, самолётсозлик ва бошқа соҳалардаги халқ комиссариятлари саноат корхоналарининг жанг майдонидан анча узоқда жойлашган фронт ортига муваффақиятли ўтказилиши билан боғлиқлиги белгиланди.

2. Методлар:

Мақолада иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда саноат тизими фаолияти, соҳада амалга оширилган чора тадбирлар, режалар ва янгиликлар ҳамда ўз ўрнида бу жараёнларда аҳолининг фидокорона меҳнати масалалари қиёсий таҳлил тамойиллари асосида ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ҳарбий саноат иктисодиётнннг бошка тармоқларидаги корхоналар эвазига кучайтирилди. Тинч вактда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чикарган қорхоналар турли ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтнсослаштирилди. Шунинг учун халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш камайган бўлса-да, умуман, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чикаришда камайиш кескин бўлмади. Барча хомашё ва моддий ресурслар ишлаб чиқариш имкониятлари ҳарбий саноат фойдасига кайта тақсимланди[2].

Саноат корхоналарини оккупация қилинган ҳудудлардан мамлакат шарқига кўчириш мавжуд ҳарбий вазият талаб қилган зарурий чора эди. Уни амалга оширишдаги қийинчиликлар нафақат саноат корхоналарини бошқа жойга кўчириш, балки янги шароитларда уларнинг муваффақиятли ишлашини имкон қадар тезроқ ташкил этишдан ҳам иборат бўлди.

1941 йил июлдан ноябргача 1523 саноат корхонаси Шарққа кўчирилди. Улардан 1360 дан ортиғи йирик корхоналари ҳисобланган[3], уларнинг 151 таси[4] Ўзбекистонга кўчириб келтирилди. Улар орасида: Ленинград тўқимачилик дастгоҳлари заводи, "Ростсельмаш", "Қизил Оқсой", Сумск компрессор ва Днепропетровск карборунд заводлари, Москванинг "Подъёмник" ва "Электрокабель", Харьковнинг "Электростанок" заводлари, Сталинград кимё заводи, Чкалов номидаги авиация заводи, Киевдаги "Транссигнал заводи" ва бошқалар бор эди.

Эвакуация қилинган корхоналар асосан Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Самарқанд вилояти, Бухоро вилояти ва Фарғона вилоятида жойлаштирилди[5].

Уларни қабул қилиб олиш, жойлаштириш ва ўрнатиш учун махсус ҳукумат комиссияси тузилди. Жойларда ҳам ҳудудий комиссиялар ташкил этилди.

Эвакуация қилинган саноат корхоналарини ўрнатиш ва ишга тушириш энг қисқа муддатларда амалга оширилди. Корхоналарни жойлаштириш учун 400 минг кв.м. ишлаб чиқариш майдонлари тақдим этилди. Бундан ташқари, қисқа муддат ичида 200 минг кв.м. янги ишлаб чиқариш майдонлари қурилди[6]. Тинчлик даврида уларнинг ҳар бирини қуриш учун 2–3 йил керак бўларди, бироқ энди улар бир неча ой, ҳаттоки ҳафталарда, ишга туширила бошланди.

Шу тариқа, “Ростсельмаш” заводининг алоҳида устахоналари уч ҳафта ичида ўрнатилди ва 25 кундан кейин улар маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлади. Бутун завод эса 2 ойдан кейин ишга туширилди. Москвадан эвакуация қилинган Чкалов номидаги авиация заводи 1942 йилнинг январ ойидаёқ ўзининг биринчи маҳсулотини тақдим этди. Карборунд заводи режалаштирилганидан 5–6 баравар тезроқ ўрнатилди. "Қизил Оқсой" (кейинчалик "Ўзбекселмаш") заводи олиб келинганидан кейин 29 кун ичида маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлади[7].

1941 йил декабрга келиб эвакуация қилинган корхоналарнинг қарийб 50 таси ишга туширилди. 1942 йилнинг ўрталарига келиб республика индустрияси мамлакат шарқидаги ҳарбий саноат базасининг таркибий қисми бўлиб қолди. Республикада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва ривожланиб бориши билан бир қаторда хом ашё ва ёқилги-энергетика базасини кенгайтириш вазифаси ҳам кескин бўлиб турди[8].

Урушдан олдинги даврда Ўзбекистонда яратилган ишлаб чиқариш базаси эвакуация қилинган корхоналарни тезроқ жойлаштириш ва ишга туширишга ёрдам берди.

Республика ҳукумати 1941 иил сентябр-декабрда Ўзбекистон саноат ишлаб чикаришни ҳарбий изга мослаб қайта қуришнинг умумий режаларини белгилаб берди. Қабул қилинган қарорларда халқ хўжалигини қайта қуришга доир аниқ вазифалар белгиланган бўлиб, уларда саноат корхоналарини мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ўтказиш муддатлари кўрсатилган,ички ресурсларни сафарбар қилиш соҳасидаги чоралар таклиф килинган эди.[9]

Кадрларнинг кескин суратда танқислиги, саноат хом ашёси, ёқилғи, дастгоҳлар, асбоблар ниҳоятда етишмаслигига қарамасдан, 1941 йил декабрга келибок, Тошкентдаги 63 та корхона ва республикадаги бошка 230 та корхона мудофаа маҳсулотлари бера бошлади. Улар орасида “Тошқишлоқмаш”(Ташсельмаш), паровоз таъмирлаш заводлари, Чирчиқ электр-кимё комбинати ва бошқа корхоналар бор эди. Тўкимачилик ва тикувчилик саноати ҳам фронт эҳтиёжларига хизмат қилишга киришди[10].

Масалан, “Тошқишлоқмаш” (Ташсельмаш), корхонаси урушнинг биринчи ҳафталанароқ ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. 1941 йилнинг охирига келиб корхона ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш режасини 240 фоизга бажарди[11]

Тошкент паровозлар ва вагонларн таъмирлаш заводи турли ҳарбий маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтди. Завод, асосан, ҳарбий-санитар поездларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилганди. 1942 йил октябрида заводда тайёрланган “Ўзбекистон” номли бронепоезд Курск жанги, Киев, Житомир ва Польшанинг озод этилишида иштирок этиб, ғалабани Берлиндан 60 км узоқликда жойлашган Бранденбург шаҳрида кутиб олди[12]

Бундан ташқари, бу ерда снарядлар, авиабомбалар, қўл гранаталари ва минометларнинг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Шу билан бир пайтда, завод ўзининг асосий вазифасини – паровозлар ва вагонларни таъмирлашни –бажаришни сусташтирмади. Жумладан, завод жамоаси оғир шароитларда ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш режасини 1941 йилнинг июнида 140%, декабрга келиб эса 156% қилиб бажарди[13]

1941 йилда Москва вилоятн Химки шаҳридан 84-сонли авиация заводи Тошкентга кўчирилиб, унда уруш йилларида ПС-84 русумидаги самолёт (1942 йил сентябрдан номи ЛИ-2 га ўзгартирилган) ишлаб чиқарилган. ПС-84 самолётининг лойиҳаси АКШнинг Дуглас компанияси томонидан лойиҳалаштирилган бўлиб, 1938 йилдан СССРда лицензия асосида ишлаб чиқарилган. Ушбу русумдаги самолётлар фукаро авиацияси учун мўлжалланган эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ташкент авиация заводида ишлаб чикарилган ЛИ-2 самолётлари ПС-84 нинг ҳарбий модификацияси бўлиб, улардан ҳарбий юклар, десант ташишда ва бомбардимончи самолёт сифатида фойдаланилган[14]

Самарқандда жойлашган “Колхозник” (“Колхозчи”) заводи армия учун машиналарни таъмирлаши, гранаталар, снаряд гильзалари, аскарлар котелокларини (декчаларини) ишлаб чиқариши лозим бўлди. Охунбобоев номидаги чарм заводи армия эҳтиёжлари учун чарм хом ашёсини қайта ишлашга ўтди. “Қуёш” саноат артели ўқ-дорилар ишлаб чиқариши ва

стабилизаторларга ишлов бериши керак эди. “Хужум” фабрикаси йирик калибрдаги тўплар учун порох картузларини (порох халталарини) ишлаб чиқаришга йўналтилиди[15].

Республиканинг бошқа корхоналари, шу жумладан, тикув ва пойабзал артеллари, фронт учун формали кийим, пойабзаллар ишлаб чиқардилар.

Республиканинг озиқ-овқат саноати ҳам армия буюртмаларини бажаришга йўналтирилди. Ўзбекистонга кўчирилган тўқимачилик, озиқ-овқат ва пойабзал корхоналари аксарият холлларда маҳаллий корхоналарга қўшиб юбориларди. Негаки Ўзбекистонда уларни қабул қилиш учун турдош корхоналар мавжуд эди. Кўчириб келтирилган корхоналар дастгоҳлари маҳаллий корхоналар қувватини оширишга хизмат қилган. Кўчирилган енгил саноати корхоналарининг жойларда ишга тушириш қийинчиликлар билан кечган. Маблағ асосан оғир саноат корхоналарини тиклашга ажратилиб, енгил саноат корхоналари йиғиш жадвалларига киритилмасдан қоларди. Мавжуд вазиятда эса, енгил саноат тезликда фронтни кийим-кечак билан таъминлаши зарур эди. Бошқа саноат тармоқлари каби енгил саноат ҳам уруш манфаатларидан келиб чиқиб ҳарбий изга қайта солинган. Халқ истеъмоли товарлари ва умуман тинчлик даврида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар қисқартилган. Тикувчилик корхоналари кийим-кечак, шинел, телогрейка тикишга, тери-мўйна ва пойабзал корхоналари эса қолпоқ, этик, аскар ботинкалари, калта пўстинлар, қўлқоп ва шу каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтдилар. Чарм моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар авиация, автомобил-трактор, танк ва бошқа ҳарбий йўналишдаги соҳаларни маҳсулотлар билан таъминлай бошлаган[16]

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори ПҚ-5186. 16.07.2021 (On additional measures to further improve the activities of the Center for Islamic Civilization in Uzbekistan under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan PQ-5186. 16.07.2021)
16. Будет трансформирован центр исламской цивилизации (The centre of Islamic civilisation will be transformed) https://kun.uz/ru/news/2021/07/18/budet-transformirovan-sentr-islamskoy-tsivilizatsii
17. Коллинз Рэндалл. Социология философий. Глобальная теория интеллектуального изменения. Пер. с англ. И. С. Розова и Ю. Б. Вертгейм. Новосибирск: Сибирский хронограф, 2002. 1281 с. (Collins Randall. The sociology of philosophies. A global theory of intellectual change. Translated from English by I.S. Rozov and Y.B. Wertheim. Novosibirsk: Siberian Chronograph, 2002. 1281 p.)
18. Академия Наук Республики Татарстан центр исламоведческих исследований Вызовы религиозного экстремизма в глобализирующемся мире Казань фолиант 2017 8 стр (Academy of Sciences of the Republic of Tatarstan Centre for Islamic Studies Challenges of Religious Extremism in a Globalising World Kazan Folio 2017 (8 pp))
19. Закон Республики Узбекистан об установлении Дня Дружбы Народов №ЗРУ-672 (Law No. ZRU-672 on the Establishment of Friendship of Peoples' Day) 10.02.2021.
20. Н.Исмоилов: 30 июля — учреждается Днем дружбы народов (N. Ismoilov: 30 July as Peoples' Friendship Day) https://parliament.gov.uz/ru/events/other/33493/?sphrase_id=7818319
21. https://parliament.gov.uz/ru/events/other/34334/?sphrase_id=7818319 Политические и правовые аспекты обеспечения религиозной толерантности (Political and legal aspects of religious tolerance)
22. Малайзийские общественные круги высоко оценили инициативы Узбекистана в обеспечении религиозной толерантности (Malaysian public circles praised Uzbekistan's initiatives in ensuring religious tolerance) https://interkomitet.uz/glavnaya/malajzijskie-obshhestvennye-krugi-vysoko-ocenili-iniciativy-uzbekistana-v-obespechenii-religioznoj-tolerantnosti/
23. Малайзийские общественные круги высоко оценили инициативы Узбекистана в обеспечении религиозной толерантности (The Malaysian public circles praised Uzbekistan's initiatives in ensuring religious tolerance) https://interkomitet.uz/glavnaya/malajzijskie-obshhestvennye-krugi-vysoko-ocenili-iniciativy-uzbekistana-v-obespechenii-religioznoj-tolerantnosti/
24. Просвещение и толерантность как фактор религиозной свободы и безопасности (Education and tolerance as a factor of religious freedom and security) http://isrs.uz/ru/maqolalar/prosvesenie-i-tolerantnost-kak-faktor-religioznoj-svobody-i-bezopasnosti
25. И.С. Мавляутдинов, Х. Озтюрк ИСЛАМ И ГЛОБАЛИЗАЦИЯ Академия Наук Республики Татарстан центр исламоведческих исследований Вызовы религиозного экстремизма в глобализирующемся мире Казань фолиант 2017. 7 стр (I. S. Mavlyautdinov, H. Ozturk ISLAM AND GLOBALIZATION The Academy of Sciences of

the Republic of Tatarstan Centre for Islamic Studies Challenges of Religious Extremism in a Globalising World Kazan Folio 2017. 7 pp.)

26. Борьба с дискриминацией на основе религии или убеждений (Combating discrimination on the basis of religion or belief) https://www.ohchr.org/ru/Issues/Discrimination/Pages/discrimination_religious.aspx

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Саиданварбек Бахромжон ўғли Юлдашев,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Фарғона давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси
bahromzoda_turkzod@mail.ru

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ИЛК ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

For citation: Saidanvarbek B. Yuldashev, FERGHANA DURING THE REIGN OF THE SAMANID GOVERNORS STUDY OF THE EARLY MEDIEVAL HISTORY OF THE FERGANA VALLEY IN THE YEARS OF INDEPENDENCE. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.676-683

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-91

АННОТАЦИЯ

Мақолада мустақиллик йилларида Фарғона водийсининг V–X асрлар даври тарихининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатлари илмий тадқиқот ва адабиётларда акс этиши таҳлил этилган. Мустақиллик йиллари олиб борилган тадқиқотлар ва изланишларнинг Фарғона тарихини ўрганишдаги аҳамияти, ушбу даврдаги тадқиқотларнинг хорижда ва совет даврида олиб борилган илмий тадқиқотлар ажралиб турувчи ўзига хос жиҳатлари мақолада акс этган.

Калит сўзлар: Фарғона, Араб халифалиги, Ашина шуни, Тўн Баходур, Киби, Аляоцен, Хумин, Малика хотун, Сюань Цзянь, Наср ибн Сайёр, Нилан, Танг империяси, Турк хоқонлиги, Сомонийлар сулоласи.

Саиданварбек Бахромжон угли Юлдашев,
доктор философии по историческим наукам (PhD)
Старший преподаватель кафедры Всемирной истории ФерГУ

ИЗУЧЕНИЕ РАННЕЕ СРЕДНЕВЕКОВОЙ ИСТОРИИ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется отражение политических, социально-экономических и культурных аспектов истории Ферганской долины в годы независимости в V-X вв. В научных исследованиях и литературе. В статье отражена важность исследований и исследований, проведенных в годы независимости в изучении истории Ферганы, особенности исследований этого периода, которые отличались от исследований, проводимых за рубежом и в советское время.

Ключевые слова: Фергана, Арабский халифат, Ашина Шун, Тон Баходур, Киби, Аляотсен, Хумин, принцесса, Сюань Цзянь, Наср ибн Сайяр, Нилан, Империя Тан, Турецкое ханство, династия Саманидов.

Saidanvarbek B. Yuldashev,
Doctor of Philosophy on historical sciences
Senior Lecturer of the Department of World History FerSU

FERGHANA DURING THE REIGN OF THE SAMANID GOVERNORS STUDY OF THE EARLY MEDIEVAL HISTORY OF THE FERGANA VALLEY IN THE YEARS OF INDEPENDENCE

ABSTRACT

The article analyzes the reflection of political, socio-economic and cultural aspects of the history of the Fergana Valley in the years of independence in the V-X centuries in scientific research and literature. The article reflects the importance of research and studies conducted during the years of independence in the study of the history of Fergana, the peculiarities of the research of this period, which differed from the research conducted abroad and in the Soviet era.

Index Terms: Fergana, Arab Caliphate, Ashina Shun, Ton Bahodur, Kibi, Alyaotsen, Khumin, Princess, Xuan Jian, Nasr ibn Sayyar, Nilan, Tang Empire, Turkish Khanate, Samanid dynasty.

1. Долзарблиги:

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Фағона водийсининг V–X асрлар тарихининг айрим масалаларига алоқадор тадқиқотлар эълон қилинган. Аммо шарқшунос ва тарихчи олимлар томонидан ушбу муаммога доир фундаментал асарлар яратилмаган. Мустақиллик йилларида Фарғона водийси тарихига бағишлаб Фарғона, Андижон, Наманган ва Қўқон шаҳарларида ташкил этилган “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусида бир қатор конференциялар ташкил этилди. Мазкур конференцияларда Фарғонанинг ўрта асрлар тарихига оид талай илмий маърузалар қилинди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Шунга қарамасдан, Фарғонанинг ўрта асрлар тарихи кам ўрганилган мавзулардан бири сифатида қолмоқда. Ушбу даврда V–X асрлар Фарғона водийси тарихининг турли масалалари билан А.Хўжаев, Ш.Камолиддин, Б.Х.Матбабаев, А.Анарбаев, А.Отахўжаев, Ф.Жуманиёзова, С.Баратов, Л.С.Баратова, Г.П.Иванов, Ғ.Б.Бобоёров, М.Хотамова, Ҳ.Мамадалиев, Б.Абдуҳалимов, А.Ахмедов, О.В.Маҳмудов каби олимлар изланишлар олиб боришмоқда. Аммо юқорида номлари тилга олинган тадқиқотчиларнинг аксарият ишлари илмий мақола ёки тезислар шаклида эълон қилинган [26–91].

3. Тадқиқот натижалари:

Мустақиллик йилларида Фарғона водийси тарихини ўрганишга эътибор кучайди. Бунинг натижасида мазкур ҳудуд тарихига бағишланган янги тадқиқотлар эълон қилинди. Жумладан, С.Баратовнинг 1998 йил “История материальной культуры Узбекистана” (“Ўзбекистон моддий маданияти тарихи”) даврий нашрида эълон қилинган “К вопросу об эфталитах в Ферганской долине” (“Фарғона водийсидаги эфталийлар масаласига доир”) номли мақоласида минтақа тарихининг энг кам ўрганилган даври – Эфталийлар ҳукмронлиги тўғрисида маълумотлар берилади [45: 94-97-б]. С.Баратов ўзининг тадқиқотида Эфталийлар Фарғонада турмаганлигини ва бунга далил сифатида водийдан сосонийларнинг кумуш драхмалари топилмаганлигини айтиб ўтади [45: 97-б]. Н.Раҳмонов ва Б.Матбобоевлар эса “Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари” номли рисоласида С.Баратовнинг фикрини инкор этиб, 1998 йилда Қува шаҳристонини қазиш давомида кўплаб сосоний драхмалари топилганлигини эслатиб ўтадилар [80: 57-б]. Уларнинг тахминига кўра, Қувадан топилган тангалар сосонийлар томонидан эфталийларга ўлпон сифатида берилган тангалар ҳисобланади [80: 57-б].

Б.Матбобоевнинг кўплаб тадқиқотларида Фарғона водийси шаҳарлари тарихи акс этади [59–68; 80]. Шулардан бири “К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья” (“Илк ўрта асрлар Фарғонанинг маданияти тарихига доир”) деб номланади. Тадқиқот археологик мазмунда бўлса ҳам, унинг хулоса қисмида муаллиф VII–VIII асрлар Фарғона водийси тарихига тўхталиб ўтган [63: 93-б]. Шунингдек, тадқиқотчи томонидан 2009 йилда “Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V–VIII асрлар археологик манбаларининг тарихий таҳлили асосида)” номли докторлик диссертациясида ҳам водийнинг илк ўрта асрлар тарихига доир муҳим илмий хулосалар келтирилган [59].

Совет даврининг сўнги палласида ва мустақиллик йилларида Ўрта Осиёнинг, шу жумладан, Фарғонанинг V–X асрлар тарихи билан шуғулланган кам сонли мутахассислардан бири шарқшунос олим Ш.С.Камолиддиндир. Мустақиллик йилларида олим томонидан Ўрта Осиё тарихига доир кўплаб манбалар ўзбек ва рус тилларига таржима қилинди [2–3; 6; 8]. Шу билан бирга тарихчи олим Фарғона тарихига доир кўплаб мақолалар ҳам эълон қилган [54–58]. Шамсиддин Камолиддин томонидан 2012 йилда Германиянинг Саарбрюккен шаҳрида нашр этилган “Саманиды из истории государственности Узбекистана IX–X вв.” (“Сомонийлар: IX–X асрлар Ўзбекистон давлатчилиги тарихидан”) номли монографияси Сомонийлар давлати тарихини ўрганишда муҳим қадам бўлди [58: 5-б]. Асарда келтирилган фактлар манбалардан максимал фойдаланган ҳолда берилганлиги сабабли ишончлилиги юқоридир. Муаллиф шу пайтгача фанда сомонийларнинг келиб чиқиши Эрон билан боғлиқлик эканлигини рад этиб, улар келиб чиқиши нуқтаи назаридан туркий сулола бўлганлиги ҳамда уларнинг илк ватани Фарғона эканлиги ҳақидаги назарияни илгари суради [58: 201-б].

А.Отахўжаевнинг Фарғона ва Наманган шаҳарларида бўлиб ўтган “Фарғона водийси янги тадқиқотларда” мавзусида 2009, 2012, 2014, 2019 йилларда эълон қилган мақолаларида илк ўрта асрларда Фарғона водийсида рўй берган сиёсий ва маъмурий бошқарув билан боғлиқ жараёнлар ўз аксини топган [42–44; 74–79]. Ушбу тадқиқотда VII–VIII асрларда Фарғона водийси сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган Ашина сулоласининг Шимолий Фарғонадаги ҳукмронлиги масалалари таҳлил этилган. Муаллифнинг юқоридаги мақолалари бевосита, айнан, биз тадқиқ этаётган даврimizга тааллуқлидир. Ушбу мақолалар ва тезисларда водий тарихининг илк ўрта асрлар давридаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ёритиб берилган.

Б.Абдуҳалимов томонидан 2010 йилда нашр этилган “Байт Ал-Ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти” номли монографиясида Араб халифалиги даврида Фарғона водийсидан етишиб чиққан алломалар Аҳмад ал-Фарғоний ва Амажур ат-Туркийларнинг илмий фаолиятини тадқиқ этган [27: 201-230-б].

Мустақиллик йилларида А.Анарбаев водий тарихи, жумладан, унинг қадимий пойтахти ҳисобланган Ахсикент тўғрисида салмоқли ишларни амалга оширди [28–39]. Олимнинг “Ахсикат – столица древний Ферганы” (“Ахсикент – қадимги Фарғона пойтахти”) номли монографиясини совет даврининг сўнги ва мустақиллик йилларида Ахсикентда амалга оширилган тадқиқотларнинг натижаси деб айтиш мумкин. Тадқиқотчи ўзининг ушбу монографиясида Ахсикентнинг қадимги давридан ривожланган ўрта асрларга қадар бўлган улкан даври ҳақида археологик ва ёзма манбалар асосида маълумот беради [36: 492-б].

Мустақиллик йилларида Ғ.Бобоёров томонидан турк хоқонлиги тариига оид талай ишлар амалга оширилди [49–52; 87]. Олим томонидан 2012 йилда ҳимоя қилинган “Ғарбий Турк хоқонлигининг Мовароуннаҳрдаги бошқарув тизими” номли докторлик диссертациясида Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудлари қатори Фарғонанинг ҳам Турк хоқонлиги давридаги сиёсий тарихи кўриб чиқилган [48: 15-б]. Ашина сулоласининг Фарғонадаги тармоғи тўғрисидаги масалалар муаллифнинг “Ғарбий Турк хоқонлиги Ашина сулоласининг Фарғонадаги тармоғи тарихига доир” номли мақоласида баён этилган [51: 3-17-б]. Ушбу мақолада Фарғона водийсининг турк хоқонликлари давридаги тарихи ёзма, нумизматик ва археологик манбаларни комплекс ўрганган холда тадқиқ этилган. Булардан

ташқари “Кўктурк хоқонлиги тангалари катологи” номли монографиясида Фарғона тарихига оид нумизматик маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлардан Фарғонанинг турк хоқонлиги давридаги товар-пул муносабатлари фойдаланиш мумкин [87: 156-б].

Хитой йилномаларига асосланган ҳолда Фарғонани бошқарган туркий сулола Ғарбий хоқонликнинг бир тармоғи бўлганлиги ҳақидаги фикрни М.Хатамованинг тадқиқотида кўришимиз мумкин [82]. Тадқиқотчи водийдаги маҳаллий сулоланинг марказий шаҳри Ахсикентда жойлашганлигини таъкидлайди [82: 22-б]. Аммо Ахсикент VIII аср ўрталаридан бошлаб пойтахт вазифасини бажара бошлаган. Унгача маҳаллий сулола Қувада ҳам истиқомат қилган [20–25].

Д.А.Собиров ўзининг “Марказий Осиёда исломнинг тарқалиши муаммоси” номли тезисида ислом динининг Фарғонада тарқалиши тўғрисида ҳам ахборот қилади. Аммо тадқиқотчи масалага ислом дини нуқтаи назаридан ёндашади ва Қутайба ибн Муслим даврида Фарғонада ҳеч қандай жанг бўлмаган, деб таъкидлайди [81: 193-б]. Аммо тадқиқотчининг келтирган ушбу фикри тарихий манбалардаги маълумотларга тўғри келмайди [12–19].

4. Хулосалар:

Умуман олганда, мустақиллик йилларида V–X асрлар Фарғона водийсининг давлатчилиги тарихи, тарихшунослик ва манбашунослик каби масалаларига оид бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилди. Тарих фанининг айрим масалаларига бағишланган турли тадқиқотларда ҳам Фарғона водийсининг мазкур даври тарихига оид баъзи фикрлар билдирилди. Уларнинг таҳлили бизга мавзуни объектив ёритишга имкон беради [26–87].

Мавзуга оид изланишлар таҳлили V–X асрларда Фарғонанинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёти масаласи ҳозиргача тарихшунослигимизда яхлит фундаментал тадқиқот сифатида комплекс равишда ўрганилмаганлигини кўрсатади.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Abu Bakr Narshahi. History of Bukhara / Translated from Persian by A.Rasulev. Responsible editor A.Urinbaev // Heritage. - Tashkent: Kamalak, 1991. - P. 98 - 152.
2. Abu Bakr Muhammad ibn Jam'ifar an-Narshahi. Ta'rikh-i Bukhara. Bukhara history. Translation, comments and notes by Sh.S. Kamoliddin. Archaeological and topographic commentary by E.G. Nekrasova. - Tashkent: SMIA-SIA, 2011. – 600 p.
3. Abu-l-‘Abbas Ahmad Ibn Yahya Al-Balozuri. Futuh al-buldon. (Conquest of Khorasan) / Foreword, Arabic translation, author of comments, commentaries and indicators Sh.S. Kamoliddin. - Tashkent, 2017. - 440 p.
4. Al-Balazuri, Ahmed ibn Yahya ibn Djabir. Zavoevanie Xorasana (extract from the composition "Futux al-Buldan") Translation from the Arabic language, introduction, comments and instructions by G. Goipova. - Dushanbe: Donish, 1987. - 111p.
5. As-Sam’ani, ‘Abdul Karim. Genealogy / Translators: Haji Abdulgafur Razzoq Bukhari, Komiljon Rakhimov. - Tashkent, 2017. - 273 p.
6. Ibn Hawqal. Kitab surat ul-ard / Translation and commentary from Arabic by Sh. S. Kamoliddin. - Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2011. - 408 p.
7. Ibn Hawkal. Kitab surat ul-arz / Transl. from Arabic by OB Frolova // Materials on the history of Central and Central Asia in the 10th – 19th centuries. - Tashkent: Fan, 1988. - pp. 18–20.
8. Ibn al-Athir. Al-Kamil fi-t-ta'rih (Complete set of history) / Translation from Arabic, notes and comments by P.G. Bulgakov. Additions to the translation, notes and comments, introduction and indexes Sh.S. Kamoliddin. - Tashkent: Uzbekistan, 2006. - 559 p.
9. History of at-Tabari. Per. with arab. IN AND. Belyaeva with add. O. G. Bolshakova, A.B. Khalidov. - Tashkent: Fan, 1987. - 440 p.

10. Nasafi, Najmiddin Umar ibn Muhammad ibn Ahmad. Al-Kand fiy zikri ulama Samarkand / Arabic translation by Usmonkhan Temurkhan ogli and Bakhtiyor Nabikhan ogli. - Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2001. - 304 p.
11. Historie des Samanides par Mirkhond. Texte persan, traduit et accompagne de notes criticis, historiques et geographiques par M.Defremery. – Parij, 1832. – 312 p.
12. The History of al-Tabari. / Translated by Martin Hinds. – Vol. 23. – New York: State University of New York Press, 1990. – 271 p.
13. The History of al-Tabari. / Translated by David Stephan Powers. – Vol. 24. – New York: State University of New York Press, 1989. – 237 p.
14. The History of al-Tabari. / Translated by Carole Hillenbrand. – Vol. 26. – New York: State University of New York Press, 1989. – 300 p.
15. The History of al-Tabari. / Translated by John Alden Williams. – Vol. 27. – New York: State University of New York Press, 1985. – 250 p.
16. The History of al-Tabari. / Translated by Carole Hillenbrand. – Vol. 30. – New York: State University of New York Press, 1989. – 394 p.
17. The History of al-Tabari. / Translated by Joel L. Kraemer. – Vol. 34. – New York: State University of New York Press, 1989. – 282 p.
18. Ibnu'l Esir. Islam tarihi. El Kamil Fi't Tarih Tercumesi. / Ceviren Yunus Apaydin. – 12 Cilt. – Istambul: Turkiyat matbaacilik ve nesriyat, 1986.
19. Ibn el-Athiri. Chronicon quod perfectissimum inscribitur, ed.C.J.Tornberg vol.I-XIV, Upsaliae et Lugduni Batavorum, 1851-1876. [I – L.B., 1867: II – L.B., 1868: III – L.B., 1869: IV – L.B., 1870: V – L.B., 1871: VI – L.B., 1871: VII – L.B., 1865: VIII – L.B., 1862: IX – L.B., 1863: X – L.B., 1864: XI – Ups., 1851: Suppl. 1871: XII – Ups., 1853: Suppl. 1871: XIII – L.B., 1874: XIV – L.B., 1876].
20. جىننامە. «24 تارىخ» تىكى غەربىي يۇرت تارىخىغا ئائىت ماتېرىيللار. شىنجان خەلق نەشرىياتى. 2013. 1030س
21. ۋېينامە .«24 تارىخ» تىكى غەربىي يۇرت تارىخىغا ئائىت ماتېرىيللار. شىنجان خەلق نەشرىياتى. 2013. 965س
22. شمالىي سۇلالىلەر تارىخى. «24 تارىخ» تىكى غەربىي يۇرت تارىخىغا ئائىت ماتېرىيللار. شىنجان خەلق نەشرىياتى. 2013. 1030س
23. سۈينامە. «24 تارىخ» تىكى غەربىي يۇرت تارىخىغا ئائىت ماتېرىيللار. شىنجان خەلق نەشرىياتى. 2013. 1030س
24. يېڭى تاڭنامە.«24 تارىخ» تىكى غەربىي يۇرت تارىخىغا ئائىت ماتېرىيللار. شىنجان خەلق نەشرىياتى. 2013. 798س
25. سما چيەن. تارىخىي خاتىرىلەر. «24 تارىخ» تىكى غەربىي يۇرت تارىخىغا ئائىت ماتېرىيللار. شىنجان خەلق نەشرىياتى. 1989. 681س
26. Abdullaev U.S. Materials of the Republican scientific conference on "Ethno-political situation in the Fergana Valley in antiquity and the early Middle Ages" "Problems of the history of the Fergana Valley." - Namangan, 2012. - P. 22–26.
27. Abduhalimov B. The scientific work of Bayt Al-Hikma and Central Asian scholars in Baghdad. - Tashkent, 2010. - 243 p.
28. Anarbaev A.A. Kasan city-headquarters, fortress-camp // Fergana in antiquity and the Middle Ages. Samarkand, 1994.
29. Anarbaev A., Ilyasova S.R. Excavations of a handicraft quarter at the Eski-Akhsi settlement // IMKU. - Samarkand: Registan, 1996. Issue. 27. - P. 164-174.
30. Anarbaev A. Study of one of the craft quarters of medieval Akhsikent // IMKU. - Samarkand, 1999. Issue. 30. - P. 255-264.
31. Anarbaev A. The Great Silk Road and Xuan Jian's Journey to Central Asia // Uzbekistonda Izhtimoy Fanlar. - Tashkent, 1999. No. 5-6. - P. 67–70.
32. Anarbaev A. Dwelling of the early medieval Akhsikent // IMKU. - Samarkand, 2004. Issue. 34. - P. 155-161.
33. Anarbaev A.A. Margilan is 2000 years old // The place of the city of Margilan in the history of world civilization. - Tashkent - Margilan: Fan, 2007. - P. 10-11.
34. Anarbaev A.A., Abdullaev B.M. Archaeological work on Mugkala // Ўzbekistonda archelogik tadқiқotlar. - Toshkent: Fan, 2009. - P. 24–32.

35. Anarbaev AA, Nasriddinov Sh. Archaeological work at the settlement of Eski Akhsi (Akhsiket) // Archaeological research in Uzbekistan. - Toshkent: Fan, 2009. - P. 32–36.
36. Anarbaev A. Akhsiket - the capital of ancient Fergana. - Tashkent: Tafakkur, 2013. - 572 p.
37. Anarbaev A. Akhsikent in ancient and medieval times // Ancient Fergana in the history of Uzbekistan. - Tashkent: Fan, 2001. - P. 5–29.
38. Anarbaev A. Excerpts from the history of the ancient state of Fergana and its capital // Vodiynoma. - Andijon, 2016. - P. 36–41.
39. Anarbaev A. On the history of Fergana - Akhsikent and related problems // Vodiynoma. - Andijon, 2020. - P. 31–41.
40. Ahmedov A. Ahmad al-Farghani. - Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan, 1998. - 234 p.
41. Atakhodjaev A. Coins with the name of Malik al-Fargani // The place of the city of Margilan in the history of world civilization. - Toshkent - Margilon: Fan, 2007. - pp. 168–170.
42. Atakhodjaev A. Participation of Fergana people in the political life of the Arab caliphate // International scientific conference "Fergana Valley in new research". –Ferghana, 2019. - P. 118–123.
43. Atakhodjaev A. Türko-Sogdian relations in political, socio-economic and ethnocultural processes in the early Middle Ages. Abstract of dissertation competition for the degree of Doctor of Historical Sciences. - Tashkent, 2011.
44. Ataxodjaev A. Turkish-Sughd relations in the political, socio-economic and ethnocultural processes of the early Middle Ages: a dissertation for the degree of Doctor of Historical Sciences. - Tashkent, 2011.
45. Baratov S.R. On the issue of Hephthalites in the Fergana Valley // IMKU. Issue 28. - Samargand, 1984. - P. 94–97.
46. Baratova L.S. The Turkish Khanate and its relations with the Central Asian states // Essays on the history of statehood of Uzbekistan. - Tashkent: Sharq, 2001. - P. 44–61.
47. Baratova L.S. Ancient Turkic coins of Central Asia VI - X centuries. (typologies, iconography, historical interpretation). Author's abstract of the dissertation for the degree of candidate of historical sciences. - Tashkent, 1995.
48. Boboyorov G'. The state system of the Western Turkic Khanate. Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Historical Sciences. - Tashkent, 2012.
49. Boboyorov G'. On the system of government of the Turkish Khanate in Movarounnahr // History of Uzbekistan. - Tashkent, 2000. №4. - P. 71–79.
50. Boboyorov G'. The state system of the Western Turkic Khanate. - Tashkent: New edition, 2018. - 380 p.
51. Boboyorov G'. On the history of the branch of the Ashina dynasty of the Western Turkic Khanate in Fergana // History of Uzbekistan. - Tashkent, 2019. № 4. –Tashkent. - P. 10–17.
52. Goibov B. Sogd - Fergana - China: priority trade links // The third republican scientific conference "Fergana Valley in new research". - Fergana, 2014. - p. 137–144.
53. Ivanov G.P., Shirinov T., Matboboev B. The city of Quva during the reign of Ahmad Fergani. - Tashkent, 1998.
54. Kamoliddin Sh. New data on the descendants of the king of Sogd Gurak // Social sciences in Uzbekistan. –Tashkent, 2003. №3. - P. 63–68.
55. Kamoliddin Sh. Fergana in antiquity and the Middle Ages // The third republican scientific conference "Fergana valley in new researches". - Fergana, 2014. - P. 33–39.
56. Kamoliddin Sh. "Kitab al-Ansab" by Abu Saan'd ‘Abd al-Karim ibn Muhammad al-Sammoiyani as a source on the history and history of culture of Central Asia. - Tashkent: Fan, 1993. - 210 p.
57. Kamoliddin Sh.S. The origin of the Samanids. - Tashkent, 2009. - 24 p.
58. Kamoliddin Sh. Samanids: from the history of the statehood of Uzbekistan IX-X centuries. - Saarbrucken: Lap Lambert Academic publishing, 2012. - 465 p.

59. Matboboev B. The culture of the first medieval period of ancient Fergana (based on the historical analysis of archeological sources of the V-VIII centuries): a dissertation for the degree of Doctor of Historical Sciences. - Samarkand, 2009.
60. Matboboev B.X. Problems of location of ancient cities of Fergana // Social sciences in Uzbekistan. - Tashkent, 1995. №9.
61. Matboboev B.X. Stages of development of ancient Fergana defense structures // ONU, №1-2. Tashkent, 1997. - P. 45–49.
62. Matbabaev B.X., Gritsina A.A. Archaeological research in the south-western part of the city of Kuva (Quba) // IMKU. - Samarkand, 2000. №. 31. - P. 91–110.
63. Matbabaev B.X. K istorii kultury Fergany v epochu rannego srednevekovya. - Tashkent, 2009. - 120 p.
64. Matboboev B. Ancient Fergana state (Davan) / Essay on the history of statehood of Uzbekistan. - Tashkent: Sharq, 2001. - 85 p.
65. Matbabaev B. Pre-Islamic traditions in the religion of Fergana (according to archaeological data) // Buddhism and Christianity in the cultural heritage of Central Asia. - Bishkek, 2003. - P. 83–94.
66. Matboboev B.Kh., Yuldashev B. Features of the medieval cities of Fergana (on the example of Marginan and Andukan) // The place of Margilan in the history of world civilization. - Tashkent - Margilan: Fan, 2007. - p. 56–60.
67. Matboboev B.X. Cultural processes in the early medieval society: the formation of monumental art (on the example of the Fergana Valley) // Materials of the III Republican scientific conference "History of the Fergana Valley in new research." - Fergana, 2014. - P. 39–42.
68. Matboboev B.X. Ancient Quva (Qubo) // Ancient Fergana in the history of Uzbekistan. - Tashkent: Fan, 2002. - P. 44–66.
69. Mahmudov O.V. Al-Farghani's work "Al-Fusul madhal fi majistiy and huwa salasula faslan" (thirty chapters written as an introduction to Ptolemy's "Al-Magest") as an important source in Europe // Second Republican Scientific Conference on "Fergana Valley in New Studies". - Fergana, 2009. - P. 152–155.
70. Mahmudov O.V. Corrections to the information on the translation of the works of Central Asian scientists in Europe // Materials of the III Republican scientific conference "Fergana Valley in new research." - Fergana, 2014. - P. 161–188.
71. Mahmudov O.V. British successors of Ahmad al-Farghani // Materials of the IV Republican scientific conference "Fergana valley in new researches". - Fergana, 2017. - P. 105–110.
72. Mamadaliev H. Aksikent as one of the socio-economic and cultural centers of the Fergana Valley in the IX-XII centuries // Proceedings of the Republican scientific conference "Problems of the history of the Fergana Valley." - Namangan, 2012. - P. 98–100.
73. Murodaliev R. A new look at the political events in Fergana in the VII century // "Actual problems of the history of the Fergana Valley." - Namangan, 2020. - P. 35–38.
74. Otaxo'jaev A. The Great Silk Road: Commonality of Sughd and Fergana. // Proceedings of the Republican scientific-practical conference "The Great Silk Road and the Fergana Valley." - Tashkent, 2004. - P. 73–78.
75. Otaxo'jaev A. Reflections on the issue of northern Fergana in the early Middle Ages // The second republican scientific conference on "Fergana Valley in new research." - Fergana, 2009. - P. 146–151.
76. Otaxo'jaev A. Turkish-Sughd relations in the early medieval Central Asian civilization. - Tashkent: ART-FLEX, 2010. - 219 p.
77. Otaxo'jaev A. The place of the king of Fergana Alutar in the early medieval history // The second republican scientific conference "Fergana valley in new researches". - Fergana, 2012. - P. 97–101.

78. Otaxo'jaev A. The role of Fergana in international relations in the early Middle Ages // Proceedings of the Republican scientific conference "Problems of the history of the Fergana Valley." - Namangan, 2012. - P. 93–95.
79. Otaxo'jaev A. Diplomatic relations of Fergana during the reign of the Hephthalites // The third republican scientific conference "Fergana valley in new researches". - Fergana, 2014. - P. 156–161.
80. Rahmonov N., Matboboev B. Ancient Turkic-runic inscriptions of Uzbekistan. - Tashkent: Fan, 2006. - 65 p.
81. Sobirov D.A. The problem of the spread of Islam in Central Asia // Current issues in the history of the Fergana Valley. - Namangan, 2020. - P. 193–196.
82. Xatamova N. Cities of the Turkish Khanate. Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy in History. - Tashkent, 2018.
83. Kholmominov B. During the Fergana Ashina dynasty // History of Uzbekistan. №1. - Toshkent, 2020. - P. 3–12.
84. Khatamova M The Turkic dynasty in Fergana // The third republican scientific conference "Fergana valley in new researches". - Fergana, 2014. - p. 81–88.
85. Khodjaev A., Sh. Kuldashev., F. Jumaniyazova. Information on the history of Central Asian statehood. - Tashkent: Fan, 2018. - 191 p.
86. Xo'jaev A. Information on the history of Fergana (translations and commentaries on ancient and early medieval Chinese sources). - Fergana, 2013. - 288 p.
87. Babayar G. Kokturk Khaganate Coins Catalogue – The Catalogue of coins of Turkic Qaghanate. Ankara: TIKA, 2007. – 244 p.
88. Yuldashev S.B. *Ferghana in the VII century: It's development as a powerful state and its collapse* // History Reseach Journal. 2019 vol. 5. Issue 6. – P. 2952–2964.
89. Yuldashev S.B. *Samanids of Ferghana* // International journal for social studies. 2020. vol. 6. Issue 01. – P. 120–135.
90. Yuldashev S.B. *The impact of the Aksu battle on Ferghana* // ERPA International Journal of Research and Development. 2020. Vol. 5 (8). P. 60–64. DOI: https://doi.org/10.36713/epra4917
91. Yuldashev S.B. *Early arab invasions of Fergana* // «*Евразийский Союз Ученых*» научный журнал. – Москва, – 2020. – № 8 (77/4). – P. 31–35.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Дилдора Юсупова,
ЎзМУ Тарих факультети “Манбашунослик ва архившунослик” кафедраси ўқитувчиси
Тошкент, Ўзбекистон

ҒАРБИЙ ЕВРОПА ОЛИМЛАРИНИНГ XX АСР БОШЛАРИДА АРХИВШУНОСЛИК СОҲАСИДА ОЛИБ БОРГАН ТАДҚИҚОТЛАРИ

For citation: Dildora Yusupova, RESEARCHES OF WESTERN EUROPEAN SCIENTISTS OF THE BEGINNING OF THE XX CENTURY IN THE FIELD OF ARCHIVISION. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.684-689

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-92

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола архив соҳаси тарихшунослиги муаммоларига бағишланган бўлиб, Ғарбий Европа олимларининг XX аср бошларида архивлар фаолияти ҳамда архившуносликнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган тадқиқотларига оид фикр-мулоҳазалар келтирилган. Хорижий архивлар тарихшунослигига доир россиялик олимларнинг фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

Калит сўзлар: архившунослик, архивлар тарихи, тарихшунослик, хорижий архивлар, тадқиқотлар, архив материаллари, назария, соҳа.

Дилдора Юсупова,
преподаватель кафедры
«Источниковедения и архивоведения» НУУз

ИССЛЕДОВАНИЯ ЗАПАДНОЕВРОПЕЙСКИХ УЧЕНЫХ НАЧАЛА XX В. В ОБЛАСТИ АРХИВОВЕДЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена проблемам историографии архивной сферы, в частности, в ней даны сведения о научных исследованиях западноевропейских ученых начала XX в., посвященные вопросам деятельности архивов, а также теоретическим и практическим аспектам архивоведения. Проблема рассмотрена в контексте оценки российских ученых проблемам изучения архивного дела специалистами Западной Европы в рассматриваемый период.

Ключевые слова: архивоведение, история архивов, историография, зарубежные архивы, исследования, архивные материаллы, теория, сфера.

Dildora Yusupova,
Lecturer of the Department of "Source Studies and archival science "NUUz

RESEARCHES OF WESTERN EUROPEAN SCIENTISTS OF THE BEGINNING OF THE XX CENTURY IN THE FIELD OF ARCHIVISION

ABSTRACT

This article is devoted to the problems of historiography of the archival sphere, in particular, it provides information about the scientific research of Western European scholars of the early 20th century, devoted to the issues of the activities of archives, as well as the theoretical and practical aspects of archival science. The problem is considered in the context of Russian scholars' assessment of the problems of archival studies by specialists from Western Europe in the period under review.

Index Terms: archival science, history of archives, historiography, foreign archives, research, archival materials, theory, sphere.

Долзарблиги:

Замонавий архивлар фаолияти тарихини ўрганишда архившунос олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга, зеро уларда жаҳоннинг турли ҳудудларига тегишли архив сақловхоналари, ҳужжатлари, идораларининг пайдо бўлиши, ривожланиши, турлари, давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни, шунингдек, даврий ҳамда минтақавий хусусиятлари масалалари талқин қилинган. Ўз навбатида, бундай билимлар ҳозирги даврда архивлар фаолиятини тўғри ташкил этиш, улардаги меҳнат самарадорлигини ошириш, архившунослик соҳасини глобаллашув шароитларига мос равишда модернизация қилиш ҳамда халқаро архивла ҳамкорлигини йўлга қўйишда муҳим саналади.

Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада ёритилган мавзу юзасидан олиб боришлган изланишларда илмий таҳлил, умумлаштириш, тарихийлик методлари ҳамда шарҳлаш усулидан фойдаланилган.

Бугунги кунда хорижда архивлар арихшунослиги муаммоларига бағишланган тарихшунослик бўйича олиб борилган илмий асарлар қаторида Е.В.Старостин [1], И.В.Карапетянц [2], Бржовстовская [3], А.Е.Пресняков [4] ва бошқа қатор россиялик олимларнинг илмий изланишларини қайд этиш мумкин. Уларда жаҳон архивлари тарий тараққиёти, уларда Россия тарихига доир ҳужжатларнинг мавжудлиги масалалари билан бирга, архив соҳасининг турли давлатларда ривожи ва ўрганилиши бўйича тарихшуносликка оид маълумотлар ўрин олган. Бундай маълумотлар хорижий архивлар фаолиятига доир билимларни бойитишда алоҳида аҳамиятли саналади.

Мазкур мақолада россиялик олимлар томонидан хорижий архившуносларнинг XX аср бошларида архившунослик соҳасида олиб борган илмий изланишларига берган шарҳлари билан қисқача тарзда таништириб ўтиш мақсад қилинган.

3. Тадқиқот натижалари:

XX аср бошларида Европада ва умуман жаҳонда архивчилар ўртасида халқаро ташкилотлар тузилиб, халқаро ҳамкорлик масалалари архивчилар ўртасида кун тартибига қўйилди. Шу тариқа халқаро архив алоқалари муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислар ҳам архившунослик ва, хусусан, архив назарияси соҳасига оид тадқиқотларнинг муаллифлари сифатида танила бошладилар. Шу вақтга қадар Ғарбий Европа архившунослигида тўпланган тажриба, шунингдек, XIX аср архившунослик адабиётида келтирилган маълумотларга таяниб, улар илк бор буржуача ғояга таянган умумлаштирилган архившунослик назариясини яратишга уриндилар.

Голландиялик архившунослар С.Мюллер, И.Фейт ва Р.Фруинлар томонидан 1898 йилда “Архивларни тартибга келтириш ва шарҳлаш бўйича йўриқнома” номли асар илмий доиралар томонидан илиқ кутиб олинди, сабаби унда назарий ва амалий архившунослик масалаларига уйғунлик тарзида аҳамият берилган эди. Мазкур китоби 1905 йилда немис тилига, 1908, 1910, 1940 ва 1970 йилларда итальян, француз, инглиз ва япон тилларига таржима қилинган. Рус тилига ушбу асарни И.А.Голубцов “Архив иши” нашрининг 2-4-жилдларида чоп қилган. Асарда архив назариясининг иккита муҳим масаласи – ҳужжатларни таснифлаш ҳамда архивларни шарҳлашга асосий эътибор қаратилган [5]. Бунда муаллифлар

1891 йилда Архивчилар жамиятига бирлашган голланд архившунос олимлар, мутахассисларнинг билим ва тажрибаларидан келиб чиқиб ҳам буларни тадбиқ қилишга ҳаракат қилганлар.

Таниқли инглиз архившунос олими, архившунослик бўйича фундаментал асарлар муаллифи, мазкур соҳада кўплаб маърузалар қилган Хилари Дженкинсон ҳарбий соҳадаги фаолиятини тўхтатиб, ўзини Англияда архив ишини ўрганилишига бағишлади. 1922 йилда у "Архившунослик бўйича йўриқнома ва замонавий архивлар муаммолари" номли китобини чоп қилган [6]. Дастлаб у ҳарбий архивларни тартибга келтириш муаммосини ёритишни мақсад қилган, бироқ кейинчалик режалари ўзгарган ва олим архивларнинг аввалги ҳолати ва келгусида қандай ишлаши лозим, деган масала юзасидан тадқиқот олиб боришни афзал кўрган. Дженкинсон "архив ҳужжати" атамасини янгича, кенгайтирилган таъриф бериб, аввалги тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, архив ҳужжати деганда карта, план, схема, ҳам тушуниш лозимлигини таъкидлаган. Ҳатто у инсонларнинг шахсий китоблари, буюмлари ва уларга бириктирилган ҳужжатларни ҳам архив ҳужжатлари қаторига киритиб, уларни музейларга топширишга шошмаслик кераклигини қатъий ёқлаб чиққан.

Муаллиф томонидан "архив материаллари" тушунчасига анча кенг таъриф берилиб, у архив материаллари деганда қўлёзма, машинкада терилган, босма ҳужжатлар ва уларга бириктирилган моддий буюмларни киритган. Маъмурият ходими томонидан сақлаб қолинган ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳам архив материали бўлавермаслигига Дженкинсон эътибор қаратган, бу борада у нашр қилинган ҳисоботлар, эсдаликлар эса архив материали ҳисобланмайди, деб айтган. Олим архив материалига берган бундай ҳар томонлама кенгқамровли таърифдан сўнг, табиийки, "архив фонди" атамасига ҳам ўзгача тушунтириш бериб ўтган. Хусусан, "архив фонди" – бу маълум бир ташкилот маъмурияти фаолияти натижасида юзага келган ва тўпланиб қолган архив материалларидир. Дженкинсоннинг хизматларидан бири яна шундаки, у архив фондига анча холис таъриф келтирган ва унинг ички таснифи (класификацияси)ни ишлаб чиққан: фонд, фонд бўлими, фонд бўлими бўлинмаси. Х.Дженкинсоннинг ушбу тадқиқоти Англияда архившунослик соҳасида бажарилган жиддий илмий ишлардан дастлабкиси сифатида тан олинган ва архив назарияси ҳамда амалиётининг келгуси ривожига катта ижобий таъсир кўрсатган.

Францияда Юқори Луара департамент архиви сақловчиси Пьер Франсуа Фрунье 1924 йилда "Архивларни тартибга келтириш ва тавсифлаш ҳамда ёзма тарихий ҳужжатларни нашр қилиш" қитобини чоп этди [7]. Мазкур асар асосан ёш тарихчилар учун мўлжалланган боис, муаллифда унда назарий масалаларга камроқ тўхталиб ўтган ва архив материалларидан фойдаланишда шни осонлаштирадиган услуб ҳамда усулларни баён қилишга эътибор қаратган.

Фурнье китоби уч бобдан ташкил топган бўлиб, биринчи ва иккинчи болари архивҳужжатларини таснифлаш ва шарҳлаш, учинчи бобда эса нашр этиш услубларига бағишланган. Таснифлашнинг асосий принципи сифатида муаллиф "фондга бўлган ҳурмат"ни илгари суради. Фонддан ҳеч нарсани чиқариб ташлаш, фондга ҳеч нимани қўшиб қўйиш мумкин эмас, деб таъкидлайди у. Яъни фондлар келиб чиқишига кўра ташкиллаштириши керак – мавзули принцип. Фурнье ўз изланишларида Францияда шаклланган фондларнинг ички таснифи, ҳужжатарни шарҳлаш, илмий-маълумотнома аппарати тузиш жараёнларини умулаштирган.

Италиянинг Рим шаҳрида 1928 йилда "Архивистика" китобининг иккинчи тўлдирилган нашри чоп қилинди, ушбу китоб итальян олими ва архивчиси Эудженио Казановага қаламига мансуб [8]. Асарни ёзишда олимнинг 30 йилги архив соҳасидаги фаолияти давомида тўплаган билим, кўникма ва тажрибаси асос бўлган. Шунингдек, Казанова ўз тадқиқотида таниқли итальян архившуносларнинг асарларидан ҳам кенг фойдаланган, жумладан: Ж.Ришу, Ш.Ланглуа, С.Мюллера, Й.Фейта, Р.Фруина, Е.Се- бастьяни, П.Тадди, Г-Хольтцингера, П.Пеккьяи, Г.Бреслау, Ф.Кю-велье ва бошқалар [9].

Тадқиқотнинг асосий объекти сифатида архив иши назарияси ва амалиёти мавзуси танланган ва бунда уларни ўрганувчи архивистика фанининг мустақил фан эканлиги

мунтазам равишда олим томонидан таъкидлаб келинган. Ўз тадқиқотида мутахассис ўзидан аввал Ғарбий Европа олимлари томонидан архив соҳасида яратилган асарлар натижаларига мурожаат қилган. Казанованинг асарида синфий ёндашувни сезиш қийин эмас, масалан, ҳужжатларни бутлаш, ташкиллаштириш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва ҳ.к. масалаларда, оддий халқ мавзусига бирмунча юқоридан туриб қаралган, халқнинг ҳар қандай сиёсий ҳаракатларига жиноят сифатида баҳо берилган. Баъзида олим ғарбий европалик олимларнинг архив соҳасига оид турли атамаларга бериган таърифларини танқид қилган ва уларни архивни вазифасини бошқарув билан чеклаб қўйишларида айблаган, аслида архивни давлат ташкилоти эканлигига урғу берган.

Китобнинг асосий қисмида "архивлар ҳақидаги фан", яъни "архивистика"га бағишланган. Казанова ўз китобини мазмунан тўрт қисмга жаратади: архивларнинг умумий бошқаруви ёки архивиқтисодиёт (биносининг қурилиши, ички жиҳозланиши, ҳужжатларнинг сақланиши ва ҳ.к.); соф архивистика (ҳужжатнинг сақловхонада жойлашиши, каталоглаштириш, архивлаш, саралаш, тартибга келтириш, таснифлаш ва ҳ.к.); архивлар ва архивистика тарихи: архивларнинг юридик жиҳатдан табиати; архивлардан фойдаланиш [10]. Казанова Италия архившунослиги ва, шу тариқа, умуман Ғарбий Европа архив соҳаси илмига, айниқса архив назарияси ва амалиёти ва архив тарихшунослик йўналишларига, ўзининг муносиб ҳиссасини қўшга, унинг асарларидан кенг фойдаланилган. Олимнинг "Архивистика" китоби 1966 йилда яна қайта нашр қилинган.

Яна бир италиялик архившунос олим Милан тиббиёт институти архиви директори Пио Пеккьаи томонидан 1928 йили "Давлат муассасалари ва нотариал архивлари архивчилари учун амалий йўриқнома" [11] номли китоб нашр қилинган. Ушбу асар кўпроқ амалий тавсиялардан таркиб топган ва назарий масалаларни чуқур таҳлилига бағишланмаган, бироқ унда архив соҳасида қўлланиладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, архив тарихи, ҳужжатшунослигига алоҳида эътибор қаратилган. Китобда Пеккьаи аввал тарихшунослик таҳлилини келтирган, сўнгра архивлар тарихини қадимдан бошлаб то XX асргача бўлган давр учун баён қилган, бунда ҳамюртлари тадқиқотларидан кенг фойдаланган.

Доктрина қисмида мутахассис сифатида у архив иши назарияси ва амалиётининг энг муҳим масалаларини тадқиқ қилган ("архивистика", "архив", "архивчи" ва б. атамаларга ўз шарҳини келтириб асослаган). Унинг асосий янгиликоларидан бири, бу архив илмий ходимининг касбий маълумотлилик даражасини аниқлашга уринганлигидадир. Муаллифнинг қайд этишига кўра, бундай ходим юқори маданият ва касбий фазилатларга эга бўлиши, лотин тилини билиши, умумжаҳон, миллат ва маҳаллий тарихий билимларга эга бўлиши, шунингдек, хронология, палеография, дипломатика, филология, сфрагистика, нумизматика, метрология, генеалогия, топонимика, эвристика, черков массасалари тарихи, чет тиллари (асосан француз ва испан тиллари) бўйича ҳам билимларни эгаллаган бўлиши лозим. Муаллиф "архив" атамасига жуда катта таъриф берган ва бу архившунослар орасида бахс мавзуси ҳам бўлган, аммо архив материалларини тавсифлаш ҳамда уларга маълумотнома аппарати тузиш масалаларини анча аниқ, қисқа ва қулай тарзда талқин қилган. Тадқиқотнинг нотариал архивлари ҳақидаги қисмига асарнинг қийматини янада оширади. Бунда муаллиф нотариал идоралари архивлар материалларини Италия ижтимоий-иқтисодий тарихига доир муҳим анбалар сифатида таърифлаган. Асарнинг архив ва иш юритиш қонунчилиги мавзусига баҳишланган қисми ҳам талайгина фойдали ва қизиқарли маълумотларни ўзида мужассам этган. Бўлиб, бугда давлат ва шахсий архивлар хусусидаги меъёрий ҳужжатлар талқини келтирилган. Пеккьаининг "Амалий йўриқномаси" итальян архивчилари тажрибасига ўзига хос умумлаштирилган тадқиқот сифатида ҳам ижобий баҳоланади.

Римда 1934 йилда Италия давлат архиви архивчиси, Халқаро интеллектуал ҳамкорлик институти котиби Серафино Пистолезе "Европа архивлари: XI асрдан то бугунги кунга қадар" номли китобини чоп қилиб, ушбу асар Халқаро архивчилар конгрессининг навбатдаги йиғилишига ҳам бағишланган эди [12]. Мазкур даврда архиалар ишининг назарий ва амалий

масалалари олимлар ва мутахассислар асарларида анча кенг талқин қилинганлиги боис, Пистолезе ўз китобида асосан архивлар тарихи мавзуни ёриттган. Архивлар тарихини даврлаштиришга нисбатан ўз фикрини берган ва буни сиёсий ҳамда иқтисодий воқелар билан боғлаган. Айни вақтда муаллиф архивларнинг турлари, хусусан, давлат ва хусусий архивларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилган. Олимнинг хизматларидан бири яна шунда бўлдики, у янги турдаги архивларининг келиб чиқиши сабабларини аниқлаб беришга уринган, ушбу архивларнинг янгича иш услуби, иш ташкил қилиши, материалларидаги фарқлари ва аҳамиятини талқин қилиб берган. Мазкур китоб бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, унда архив иши тарихи, назарий масалалари, архивлар турлари билан бир қаторда архив атамашунослигига катта эътибор қаратилган. Пистолезе ғарбий европалик архвичи олимлардан биринчилар қаторида дунёда XX асрнинг биринчи чорагида юзага келган ишчилар мамлакати ҳисобланмиш Совет иттифоқининг архивлари, архив иши, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари талқинини келтирган ва бунда ҳолис ёндашув нуқтаи назарини тутган.

4. Хулосалар.

Шундай қилиб, XX аср дастлабки ўттиз йиллик даврида Ғарбий Европа архившунос олимлари ҳамда мутахассислари томонидан замонавий ғарбий архившуносликнинг асосий принциплари шакллантирилган, унинг назарий асоси сифатида позитивлик йўналиши танлаб олинган. Ҳужжатлар сақлашдаги ҳудудий фарқланишлар умумий назарий асос моҳиятини ўзгартирмамган бўлиб, бу асос ҳужжатларни таснифлашда уларнинг келиб чиқиши бўйича аралаш лозимлиги қабул қилинган. Архившуносликнинг назарий масалаларини ўрганишнинг янги босқичи XX аср 50–60-йилларида амалга оширилган. Ушбу даврда архив тарихшунослиги, архив назарияси ва амалиёти, архившунослик услубиёти, архив иши тарихи, ҳужжатчиликнинг назарий ва амалий масалалари янгича талқинда тадқиқ қилинган ва ўнлаб асарлар яратилган. Халқаро архив ташкилотлари конгрессларида архившуносликнинг назарий масалалари режали, тартибли тарзда кўриб чиқилиши йўлга қўйилган. Европа олимлари ўртасида фикр ва тажриба алмашинуви йўллари ривожланиб борган.

Иқтибослар /Сноски

1. Старостин Е.В. Зарубежное архивоведение: проблемы истории, теории и методологии. – М.: Информационно-издательское агентство «Русский мир», 1997. – 332 с. (Starostin E.V. Foreign archival science: problems of history, theory and methodology. - M.: Information and Publishing Agency "Russkiy Mir", 1997. - 332 p.)
2. Карапетянц И.В. Экономические архивы Западной Европы и США. – М., 1997. – 230 с. (Karapetyants I.V. Economic archives of Western Europe and the USA. - M., 1997. -- 230 p.)
3. Бржовстовская Н.В. Архивы и архивное дело в зарубежных странах. – М., 1971. – 220 б. (Brzhovstovskaya N.V. Archives and archival work in foreign countries. - M., 1971. - 220 b.)
4. Пресняков А.Е. Реформа архивного дела // Русский исторический журнал. 1918. Кн.5. С.205-222; яна қаранг: Старостин Е.В. Зарубежное архивоведение. М., 1997. (Presnyakov A.E. Reform of archives // Russian historical journal. 1918. Book 5. S.205-222; Yana Karang: E.V. Starostin. Foreign archival science. M., 1997.)
5. Голубцов И. Архивист Голландии о проведении в порядок и описания архивов // Архивное дело. 1925. № 2. С.17-40; № 3-4. С.82-102. (5. Golubtsov I. Archivist of Holland on the order and description of archives // Archival business. 1925. No. 2. P.17-40; No. 3-4. S.82-102.)
6. Jenkinson Hilary. Manual of Archive administration including the Problems of War Archives and Archive making. Oxford, 1965.
7. Fournier Pierre Francois. Conselis pratiques pour le classement et l’inventaire des archives et l’edition des documents historiques ecrits. Paris, 1924; яна қаранг: Старостин Е.В. Зарубежное архивоведение: проблемы истории, теории и методологии. М.: “Русский

мир”, 1997. С.30.
8. Casanova E. Archivistica. 2 ed. Siena, 1928; яна қаранг: Старостин Е.В. Зарубежное архивоведение: проблемы истории, теории и методологии. М.: “Русский мир”, 1997. С.34.
9. Ўша жойда, 36 б. 9. (In the same place, 36 p.)
10. Ўша жойда, 38 б. (In the same place, 38 p.)
11. Pecchiai Pio. Manuale pratico per gli Archivisti delle pubbliche amministrszioni e degli arhivi notarili. 2 ed. Milano, 1928; яна қаранг: Карапетянц И.В. Экономические архивы Западной Европы и США до начала XX века. М., 1997. С.6-7.
12. Pistolese S. Les archives europeenes du XI siècle a nos jours. Roma, 1934; яна қаранг: Карапетянц И.В. Экономические архивы Западной Европы и США до начала XX века. М., 1997. С.8-9.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Мадаминов Баходир Тўхтасинович
музейшунос «Автограф» галереяси зал мудири,
E-mail: jasur184@list.ru

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИНИНГ АЙРИМ НОЁБ ЭКСПОНАТЛАРИ ТАСНИФИ

B. Abdulg'aziyeva ham vodiy arxeologiyasi bilan shug'ullanib, Farg'onaning ellin davri keramikasiga oid ilmiy tadqiqotlar olib borgan.Bunga ko'ra, ilk antik davrda butun Markaziy Osiyoda ro'y bergan kulolchilik ishlab chiqarishidagi keskin o'zgarishlarni faqat madaniy ta'sirlar bilan izohlab bo'lmasligini ta'kidlaydi. Buni bevosita Makedoniyalik Iskandarning Sharqqa

yurishlari bilan bog'laydi. O‘rta Osiyo xalqlarining janubiy qo’shnilar bilan yaqin madaniy aloqalari avvalroq mavjud bo‘lgan.Markaziy Hindistonda, Taxila, Charsada, Gang daryosining yuqori oqimida, Farg'ona kosalariga juda o'xshash bo’lgan kosalar topilgan. Bundan tashqari, milodiy I asrda Farg'ona kulolchiligiga xos bo'lgan, sirtida tirnalgan bezakxususiyatlari mavjud bo’lgan idishlar Markaziy Hindistondagi Gang vodiysidan ham topib o’rganilgan. Aynan shu davrda tirnalgan bezakli sopol idishlar Farg'onada o'zining yuksak cho'qqisiga chiqqan edi[2].

Ayrim tadqiqotchilar, xusunan, B.M.Abdullayev yuqoridagi fikrlarga qo’shimcha qilgan holda kulolchilikda paydo bo’lgan qizil angobli, tirnab solingan bezakli sopol idishlarning paydo bo’lishi va rivojlanishida, O’rta Osiyoning janubi-g’arbiy hududlari bilan madaniy aloqalarning mavjudligikatta ahamiyat kasb etishi haqida fikr bildirgan. G’arb usul va uslublarining tarqalishi natijasida Farg’ona vodiysi sharqiy hududlarida qo’lda yasalgan hamda bo’yab naqsh berilgan kulolchilik mahsulotlari ishlab chiqarila boshlangan. Bundan tashqari, farg’onaliklar yangi tehnologiyani o’zlashtirish bilan birga o’zlarining avvali an’analariga sodiq qolgan holda kulolchilikda yangi –qizil angobli, sirtiga tirnab naqsh solish uslubini yaratishgan. Ushbu uslub Chust madaniyati sopollaridagi an’analarni saqlab qolgan holda yangi Sho’rabashat idishlaridagi naqsh uslublarini ham ma’lum ma’noda uyg’unlashtirga. Bundan tashqari idishlarni bezashda hayvon va o’simlik tasvirlaridan ham foydalanila boshlanadi[3].

Hindiston bilan bo’lgan aloqalar esa bu yerlarda ham qizil angobli tirnalgan bezakli idishlarning topilishida o’z aksini topadi. Demak Farg’onda manashunday qorishiq madaniyatlar faqat bosqinchilik urushlari natijasida emas balki bir-biriga etnik yaqin bo’lgan xalqlarning o’zaro to’qnashuvi natijasida paydo bo’lgan.

Farg’ona vodiysining ilk o’rta asrlar tarixi va madaniyatini o’rganishda N.G.Gorbunovaning alohida hissasini ta’kid etish kerak. Olimaning ta’kidicha, V-VI asrlarda charxda yasalgan idishlar ulushi kamayadi, angob sifati pasayadi, angobdan idish sirtiga bezak solish paydo bo’ladi[4],qo’shni Qovunchi madaniyati ta’siri yaqqol seziladi va Sug’d bilan aloqalar rivojlana boshlaydi. VII-VIII asrlarda N.G. Gorbunova fikricha, sirti qizil angob bilan qoplangan sopollar ko’paya boradi va bu o’zgarishlarni ko’hna turklar hamda sug’diylar ta’siri bilan bog’laydi. N.G. Gorbunova ishlarida ilk o’rta asrlar madaniyatini kelib chiqishi masalalari ham ko’tarilgan. Ayniqsa, yuqorida aytilganidek qovunchi madaniyati va Sug’d ta’siri yaqqol bo’lgani ta’kid etiladi hamda Sug’dning Farg’onaga ta’sirini boshlanishini VII-VIII asrlar deb belgilaydi.

Bundan tashqari N.G.Gorbunovao’z tadqiqotlari davomida, ilk temir davri Farg’ona vodiysi madaniyati to’g’risida alohida to’xtalib o’tgan.Sho‘rabashat madaniyati davri bilan bir vaqtda va keyinchalik sirti qizil angob bilan qoplangan, tirnalgan naqsh berilgan sopollar keng tarqalganli,bunda asosan tor va keng bo‘yinli tuvaklarga tirnamali naqshlar berilganligi, tirnalgan bezaklarning asosiy elementlari uchburchaklar, to‘r,gajakdor naqshlardan tashkil topganligi haqida ma’lumot berib o’tgan. Bundan tashqari, juda kam hollarda qush, o‘simlik yoki boshqa jonivor tasvirlari uchrab turadi. Bunda ham naqshlar yuqori qismiga berilgan.

Farg‘onada boshqa hududlarga nisbatan juda uzoq vaqt muqim turgan bezakli sopollar X-XII asrlarga kelib yana qayta jonlanadi. Ammo bu davrda idishlarning sirtiga avvalgidek yuqori qismiga emas balki idishning sirtiga to‘liq naqsh berilgan. Shu o‘rinda ta’kidlash kerakki, asosan qo‘lda yasalgan sopollar sirtiga bo‘yoq yordamida bezak yordamida bezak berilgan bo‘lsa, tirnama naqshlar faqatgina charxda yasalgan idishlarda qo‘llanilgan.

Rivojlangan o‘rta asrlarda Farg‘ona va boshqa hududlardagi qo‘lda yasalgan bezakli sopollar naqshlari genetik jihatdan Chust, Oqtom-Eylaton, Sho‘rabashatning bezakli va tirnama naqshli sopollarga uslubiy jihatdan bog‘liq.

Chust va Oqtom bezaklarining umumiy bog‘liqligi to‘gri chiziqli geometrik uslubda yaqqol bilinadi. Oqtom bosqichidagi yo‘l-yo‘l chiziqli naqshlarning idishni quyi qismi tomon tasvirlanishi Chust bosqichiga xosdir. Oqtom bosqichida naqsh uslublarining o‘zgarishi idish shaklining o‘zgarishiga hamohang tarzda kechgan. Bu vaqtga kelib charxda sopol yasashning paydo bo‘lishi qo‘lda yasalgan bezakli sopollarning qisqarishiga olib keladi. Shu sababli Farg‘ona vodiysida hususan, O‘rta Osiyoning boshqa hududlarida qo‘lda yasalgan bezakli sopol idishlar an’anasi yo‘qolib ketadi.

Sho‘rabashat bosqichiga kelib idish sirtiga bezak berish uslubining o‘zgarishi Farg‘onada qizil angobli sopollarning paydo bo‘lishi va tezlik bilan tarqalishiga hamohang tarzda kechgan. Farg‘ona vodiysining qizil angobli sopollari o‘zidan ilgargi madaniyatlar bilan kam darajada bog‘liq. Ayrim tadqiqotlarda idishning sirtini qizil angob bilan silliqlash ellin madaniyatining ta’siri sifatida baholashadi. Agar farg‘onaga qizil angobli sopollar yasash an’anasi g‘arbdan kirib kelgan bo‘lsa, bezakli sopollarning aynan Farg‘ona vodiysining sharqida uzoq vaqt saqlanib qolishi va uning O‘rta osiyoning boshqa hududlarida doimiy ravishda yo‘qolib borishini izohlash mumkin.

Tirnalgan naqsh berish uslubi Fargo‘onaga xos yangicha naqsh berish usuli hisoblansada, undagi ayrim naqsh elementlari Farg‘onaning bezakli sopollaridan olingan. Masalan, uchburchakli, to‘rli, gajakdor va to‘lqinsimon chiziqlar Chust va Oqtom-Eylaton madaniyatidan olingan. Sirti bo‘yoq bilan emas balki quyuq angob bilan silliqlangan sopollarga bezak berish juda qiyin. Idish yasashning yangi texnikasi yangicha bezash texnikasini talab qilgan. Shu munosabatda Tuleykan qabridan topilgan tirnalgan naqsh va bo‘yoq yordamida bezak berishning uyg‘unligida bezalgan idish e’tiborga molik. Bu Farg‘ona sopollariga naqsh berish usullaridagi o‘tish bosqichi bo‘lishi mumkin[5].

N.G.Gorbunova yana bir maqolasida, tirnab solingan naqshli sopol idishlar Farg’ona vodiysi madaniyati taraqqiyotidagi yangi bosqich bo’lib, “qo’lda yasalgan bezakli sopollar davrining“ bevosita davomi hisoblanadi. Tirnama naqsh elementlari bezakli sopol elementlarining takroridir ammo, tirnamali naqsh yangicha texnika bo’yicha amalga oshirilgan. Bu turdagi naqshli sopol idishlar I-IV asrlarga oiddir, deb ta’kidlaydi[6].

Bundan tashqari Quyuq 1 yodgorligi sopol buyumlarining 26% tirnab solingan bezakli sopol ishlar hissasiga to’gri keladi. Farg’ona vodiysining hech birida bunday holat kuzatilmagan. ollanilgan bezak turlari ham nihoyatta hilma xili bo’lgan[7].

B.Matboboyev esa Andijon shahrida amalga oshirilgan qazuv ishlari natijasiga ko’ra qizil angobli tirnalgan sopol idishlar vaqtini III-IV asrlar bilan belgilaydi. Chunki birinchi bosqich I-III asrlar ikkinchi bosqich esa III-IV asrlar deb belgilaydi. Sopol idishlarga oldingilaridan sifati, shakli bilan biroz farqlanadi. Hatto,bu guruhda sopol idishlarni tayyorlashda yaxshi tomonga sifato’zgarishlari kuzatiladi.Ya’ni, idishlar nafisroq va yupqaroq qilib ishlangan, tirnab gul solingan ayrim idishlardan foydalanish boshlanadi. Sopol buyumlarning ko‘za, kosa, xurma va mayda idish turlari keng iste’molda bo‘lgan. Ko’zalarni aksariyati bo‘g’zi kalta, gardishi tashqariga qayrilgan. Ba’zi bir ko’zalarni sirtiga tirnab naqsh solingan[8].

Balantepa va Munchoqtepadan topilgan kulolchilik idishlarida ham yuqoridagi holatlarni ko’rishimiz mumkin. Masalan Munchoqtepadan milodiy I-IV asrlarga tegishli bo’lgan tanasi uzunchoq, qalin va yaltirab turuvchi angob bilan qoplangan yog’loqi, yoki dastasi qirra qilinib o'tkir asbob bilan kesib tekislangan, o’rta qismida taram-taram aylana botiq chiziqlari bo’lgan naqshlangan ko’zani misol qilib keltirish mumkin.

Balandtepdan esa shakli bankasimon, tanasi yumaloqroq bo’lgan, tirnab gul solingan xurma va bir necha dastasiz ko’zalarni keltirib o’tish mumkin. Keltirilgan har ikki komplekslardagi sopol idishlar uchun yupqa va nafislik, loyi toza va pishirilishi sifatli bo’lishi xarakterlidir. Idishlarning sirti quyuq yaltiroq qizil angob bilan qoplangan. Munchoqtepa va Balandtepa kulolchilik buyumlaridagi ushbu ko’hna belgilar Farg’ona vodiysini boshqa xududlarida ham uchraydi va ularning sanasi milodiy era boshlari, ya’ni birinchi yuz yilliklari bilan belgilanadi[9].

F.A.Maqsudov ham vodiy arxeologiyasiga doir ko’plab taqdiqotlar olib borgan.Farg’ona vodiysida joylashgan Qizlartepa yodgorligi misolida qizil angobli tirnalgan sopol idishlarning kelib chiqishi, rivojlanishi va bezak semantikasi bo’yicha o’z fikr va xulosalarini berib o’tgan.O’z maqolasida qizil angobli, tirnalgan bezakli sopol buyumlarning paydo bo’lishi va mavjudligi sanasini bo’yicha tadqiqotchilar fikrlarini o’rganib ularni shartli ravishda uch guruhga bo’lib ko’rsatadi.

Birinchi guruh tadqiqotchilari ushbu sopol buyumlar sanasini miloddan avvalgi III-milodiy III asr bilan belgilaydi.

Ikkinchi guruh tadqiqotchilar esa miloddan avvalgi II-I, milodiy I-II asrlar davomida ushbu turdagi kulolchilik buyumlari mavjud bolganligini ta’kidlaydi.

Uchinchi guruh tadqiqotchilari milodiy I asrdan to IV-V asrlarga qadar davom etgan degan fikrni bildiradilar.

Bundan tashqari, faqat idishlar tipologiyasi emas balki buyumlarda qo'llanilgan ornamentlar haqida ham alohida to'xtalib o'tgan.Shu o'rinda ornament so'ziga ta'rif beradigan bo'lsak, ornament (lot. ornamentum — bezak, ot orno — bezash so'zidan) — badiiy bezak, elementlarning ritmik joylashuvi bilan ajralib turadigan naqsh. Ornamentni qurishda simmetriya tamoyillari (sm), ritmik takrorlash usullari (muvofiqlik) ko'pincha qo'llaniladi. Ornamentni tashkil etuvchi elementlar haqiqatni yaqindan aks ettirishi mumkin, odatda, haqiqiy dunyoning motivlari va tasvirlari sezilarli darajada qayta ishlanadi - dekorativ umumlashtirish (stilizatsiya deb ataladi), bu ularni bezatilgan obyekt yuzasida joylashtirilgan naqsh elementlariga aylantiradi. Ornament bezakli obyekt bilan bog'lanishi, uning tuzilishi, shakli va rangi bilan uning tektonik va konstruktiv xususiyatlari, materialning tabiiy go'zalligini ochib berish bilan tavsiflanadi. Yangi bezak shakllarining rivojlanishi yoki ilgari mavjud bo'lgan bezak shakllarining ishlatilishi ma'lum bir davrda ma'lum bir xalqning butun badiiy madaniyati bilan bog'liq, bezakdagi badiiy xususiyatlarni aniq aytib beradi. Ornamentda odatda mahalliy va milliy o'ziga xoslik izlari mavjud. Ba'zan ornament motivlari bevosita mahalliy xususiyatlarni, jumladan o'simlik va hayvonot dunyosini aks ettiradi. Demak, bir qator ekin ekuvchi xalqlarning bezaklari uchun archa naqshlari, qozoq va qirg'iz naqshlari uchun qo'chqor shoxlari tasviri, armancha naqshlar uchun uzum va anor mevalaridan iborat naqsh xosdir. Bezak san'ati xalq amaliy san'atida nihoyatda keng tarqalgan edi. Ornamentning alohida elementlari, shuningdek, ularni birlashtirish usullari juda barqaror va ko'pincha ming yillar davomida deyarli o'zgarmagan.Naqsh insoniyatning butun badiiy madaniyati bilan bir xil qadimiylikka ega. Ornamentdagi bezak elementi ko'pincha, ayniqsa madaniyat tarixining dastlabki bosqichlarida ma'no bilan birlashtiriladi[10].

Sopol idishlarda qo'llanilgan bezak turlarini Qizlartepa yodgorligi misolida oltita guruhga bo'lib o'rgangan.

Birinchi guruhga spiral shaklidagi tirnalgan bezaklar.

Ikkinchi guruhga zigzag shaklida tirnalgan bezaklar.

Uchinchi guruhga tirnalgan parallel diagonal chiziqlar, bunday bezaklar-"qiya soya" deb ataladi.

To'rtinchi guruhga parallel diagonal ajratilgan chiziqlar bilan bezatilgan bezaklar.

Beshinchi guruhga "quyosh" va uning "nurlari" bilan bezatilgan bezaklar.

Oltinchi guruhga rombsimon bezaklarni kiritib o'tgan.

Ushbu bezaklarning semantikasi haqida ham fikr bildirib, qadimgi farg'onliklar tasavvuri bo'yicha „tog'", „yomg'ir", „o'simlik", „quyosh" kabi motivlar tasvirlanganligi aytib o'tilgan. Bundan tashqari tirnalgan bezakning paydo bo'lishi omili sifatida Xunn qabilalarining g'arba kirib kelishi, ularning bir qismi vodiy hududlariga o'rnashib, bu yerdagi yuechji va usunlar ta'sirida yashayotgan mahalliy Davan madaniyati bilan qorishib, yangi bezak uslubini yaratishgan.

Tirnalgan bezakli idish-tovoqlarning funktsional maqsadi haqida ham to'xtalib o'tgan. Xususan bunday idishlar oziq-ovqat saqlash uchun ishlatilgan chunki, tirnalgan bezakli sopol idishlarning asosiy qismi qozonlarda, ba'zilarida esa bezak tumor sifatida qo'llanilga. Bu idishlarga buyurtma berish mumkin va shuning uchun qimmatroq turadi[11].

Xulosa qilib aytishimiz mumkinki, tirnab solingan bezakli sopol idishlarning kelib chiqishi masalasi, ushbu bezak semantikasi, motivlari haqida ilmiy adabiyotlarda to'liq yoritilmagan. Bu xildagi bezakli sopol buyumlarning to'satdan paydo bo'lishi xususida ham olimlarning fikrlari turli tuman. Buni aniqlash esaa kengroq va ko'proq tahliliy tadqiqotlarni talab etadi.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Литвинский Б.А. Керамика из могильников Западной Ферганы. М., - С.160 (1.Litvinsky B.A. Ceramics from the burial grounds of Western Fergana. M., - p. 160)
2. Абдулгазиева Б. Эллинистическая керамика Ферганы. Н. 1993. – С. 27. (Abdulgazieva B. Hellenistic ceramics of Fergana. N. 1993 .-- P. 27.)

3. Abdullayev B.A. Farg'onaning qadimiy madaniyatlari shakllanishidagi ayrim hususiyatlar. – B.27 (Abdullayev B.A. Some features of the formation of ancient cultures of Fergana. – P.27)
4. Горбунова Н.Г. Некоторые вопросы хронологии Ферганской керамики с красным ангобом // АСГЭ. Вып.13. 1971. – С. 93 (Gorbunova N.G. Some questions of the chronology of Fergana ceramics with a red engobe // ASGE. Issue 13. 1971. - p. 93)
5. Горбунова Н.Г.Култура Ферганы в эпоху ранне железа// СА. № 4 М. 1962. – С. 113 (Gorbunova NG Culture of Fergana in the era of early iron // SA. No. 4 M. 1962. - P. 113)
6. Гамбург Б.З, Горбунова Н.Г Археологичиский работи ферганского: ИМКУ Вип 1. 1959. – С. 20-21. (Hamburg BZ, Gorbunova NG Archaeological works of Fergana: IMKU VIP 1. 1959. - p. 20-21)
7. Горбунова Н.Г. Керамика поселений Ферганы первых веков нашей эры. – С.126 (Gorbunova N.G. Ceramics of Fergana settlements in the first centuries of our era. – P. 126)
8. Матбобоев Б.док.дисс. – Т.: 2009. . – Б. 133. (Matboboev B. doc.diss. - T .: 2009.. – P. 133)
9. Ўша асар. – Б.186. (That work. – P.186.)
10. Большая советская энциклопедия № 31. – М.:1955. – С.213. (Great Soviet Encyclopedia No. 31. – M.: 1955. – P.213)
11. Максудов Ф.А. Некоторые вопросы семантики процарапанного орнамента на керамике Маргилана (по материалам Кызлартепа) // ИМКУ. Вып.28. – Самарканд, 1997.-С. 55 (Maksudov F.A. Some questions of semantics of scratched ornament on ceramics of Margilan (based on materials from Kyzlartep) // IMKU. Issue 28. - Samarkand, 1997. – P. 55)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Гайратхон Арсланович Мухтаров,
ЎзР ФА Миллий археология маркази
“Ландшафт лабораторияси” кичик илмий ходими
gayratxon75@mai.ru

ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИДАГИ ЯНГИ ТОПИЛГАН ҚОЯТОШ РАСМЛАР ЖОЙЛАШГАН ЎРНИ ВА ЛАНДШАФТИ

For citation: Gayratkhon A.Mukhtarov, LOCATION AND LANDSCAPE OF RECENTLY DISCOVERED ROCKS ART ON THE TERRITORY OF THE CHATKAL RIDGE. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.709-713

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-96

АННОТАЦИЯ

Чотқол тоғ тизмаси ҳудудида янги топиб ўрганиб келинаётган қоятош расмларининг жойлашув ўрни ва ландшафти билан уйғунлиги ёритилган. Шунингдек қоятош расмларида куп учрайдиган сюжетлар хақида мулохазаларга таянган холда қиёсий тахлил асосида фкирлар келтирилиб ўтилган.

Калит сўзлар: Чотқол тоғ тизмаси, ландшафт, маданият, табиат, овчи-чорвадор, қоятош расмлар.

Гайратхон Арсланович Мухтаров,
Младший научный сотрудник
Национального археологического центра
Академия наук Республики Узбекистан
gayratxon75@mai.ru

РАСПОЛОЖЕНИЕ И ЛАНДШАФТ НЕДАВНО ОБНАРУЖЕННЫХ НАСКАЛЬНЫХ ИЗОБРАЖЕНИЙ НА ТЕРРЕТОРИ ЧАТКАЛЬСКОГО ХРЕБТА

АННОТАЦИЯ

Дано краткое описание расположения и ландшафта недавно обнаруженных наскальных изображений на терретори Чаткальского хребта. Мнения также представлены на основе сравнительного анализа, основанного на отзывах о наиболее распространенных наскальных изображениях.

Ключевые слова: Чаткальские хребты, пейзаж, культура, природа, охотник-скотовод, наскальная резьба.

Gayratkhon A. Mukhtarov,
Junior Researcher, National Archaeological Center
of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

gayratxon75@mai.ru

LOCATION AND LANDSCAPE OF RECENTLY DISCOVERED ROCKS ART ON THE TERRITORY OF THE CHATKAL RIDGE

ABSTRACT

The location and landscape of recently discovered rock carvings on the Chatkal ridge is highlighted. Opinions are also given based on a comparative analysis based on feedback on the most common rock art carvings.

Index Terms: Chatkal mountain ranges, landscape, culture, nature, hunter pastoralist, rock art carving

---

1. Долзарблиги:

Археологик тадқиқот йўналишларидан бири қоятош расмларни ўрганиш бўлиб инсониятнинг маданият билан боғлиқлигини ўрганади дейилса муболаға бўлмайди. Маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши эса ўз-ўзидан аввало ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга боғлиқ. Қадимдан одамлар яшаш шароитларини яхшилаш ва соддалаштириш мақсадида изланганлар ва бугуги кунга келиб тараққиётнинг ривожланиш даражасини ўз кўзимиз билан кўриб, баҳолашимиз мумкин.


2. Методлар:

Мақолада умумқабул қилинган тарихийлик, холислик, илмийлик усуллари орқали Чотқол тоғ тизмасидаги янги топилган қоятош расмлар жойлашган ўрни ва ландшафти ҳақида илмий хулосалар берилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Қоятош расмлари дунёнинг барча жойларида маълум бўлиб, палеолитдан то ўрта асргача бўлган даврларга оитдир. Африка, Америка, Европа ва Австралиянинг тоғлик ҳудудларида кўп учрайди; Россия (Амур, Лена, Енисей, Об, Иртиш, Байкал кўли соҳиллари), Қозоғистон, Ўрта Осиё (Қоратоғ, Бўкантоғ, Томдитоғ, Тяньшан. Помир, Нурота ва бошқалар)дан топилган петроглиф қоятош расмлари диққатга сазовор. Франция, Испания, Италия, Ҳиндистон, Россия (Лена, Амур, Байкал кўли соҳиллари, Урал, Доғистон), Ўзбекистон (масалан, Зараутсой расмлари, Сангижумон, Оқсоқолотасой расмлари)да рангли Қоятош расмлари топиб ўрганилган. Қоятош расмлари аввало санъат обидаси сифатида санъат тарихини ўрганишда, археологик ва тарихий манба сифатида ибтидоий ва қадимги қабилаларнинг ижтимоий ҳаёти ва руҳий оламини ўрганишда катта аҳамиятга эга.(Кабиров Ж, С.4)

Тадқиқотлар олиб борилаётган Чотқол тоғ тизмаси ҳудудлароида ҳам яқин вақт ичида бир қанча янги қоятош расмлари топиб аниқланди. Қадимда яшаган чорвадр-овчи аҳолининг турмуш даражасини қояларга ишланган расмларга асосланиб ўрганиш мумкин. Ҳар қандай холатда ҳам инсон аввало ўзи учун қулай шароит мавжуд бўлган ҳудудларни танлаган. Аввало яшаш масканинининг хавсизлиги, инсоннинг сувга бўлган эхтиёжни қондира олишлиги, озуқанинг мўллиги, иқлимнинг мувофиқлиги каби жиҳатлар хисобга олинган.



1-расм. Тоғ тизмалари харитаси

Чотқол тоғ тизмасининг иқлим шароитлари ҳам ўзига хосдир. Тоғларда ёз салқин, қиши эса аёзли ва кўплаб ёғингарчиликлар билан ўтади. Ёз ойлари қисқа бўлсада вохадан шарқ томон эсган илиқ шамол тафти мутадилликни сақлаб туради.

Иқлимнинг кескин ўзгарувчанлиги, қоятош расмлар сиртини қуёш нури ва бошқа табиий ҳодисалар таъсирида қорайиши, нураши оқибатида Чотқол тоғ тизмаси ҳудудларидаги ёдгорликларни пайқаш ва ўргани учун ноқулайликлар юзага келтиради. Маълумки, тоғ тошлари сирти темир ва марганец кимёвий бирикмалари таъсирида жуда нозик парда билан қопланади ва улар қуёшда оч қўнғир, жигарранг ҳамда қорамтир товланади. Бундан ташқари улар шамол, қор ва ёмғир, иссиқ ва совуқ таъсирида ўзгаради. Шунинг учун, тош сатҳидаги баъзи тасвирларни дарҳол пайқаб, ажратиб олиш бирмунча мушкулдир. Демак, жуда қорайиб кетган расмлар нисбатан қадимги ҳисобланади. Бундай табиий қопламаларни ўрганиш, суратларни қиёсий ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, бир хил табиий шароитда турган тошлар сиртига иккита сурат солинган бўлсаю, улар бир меъёрда парда билан қопланмаган бўлса бу тасвирларни турли даврларда ишланган, деб айтиш мумкин. Лекин улар бир-биридан неча йил Қоятош расмларини даврлаштиришдаги муҳим омиллардан яна бири тасвирларнинг ишланиш услуби ва техникасини ўрганиш билан боғликдир. Санъат тарихидан маълумки, қадимги одамлар табиатдаги барча нарсани ўз ҳолича, яъни қандай кўришса шу ҳолда чизиб қолдиришга ҳаракат қилишган. Даврлар ўтиши билан бу аниқлик ҳолати соддалашиб боради (Кабиров, 1976. С. 32).

Тадқиқотчи Хўжаназаров М. Хўжакент қоятош расмларида одам суратлари ҳам бир-неча бор такрорланганлигини такидлаб ўтган. Хўжакент суратларнинг характерли хусусиятларидан бири ундани қояларда эчки подаларининг келиши ва уларнинг икки тарафга ажралиб кетиши тасвирланган расмлардир. Ушбу эчки подаларининг олд қисмида ёш ва кичик эчкилар тасвирлари туширилган. Бундай расмлар манзараси Хўжакентда 6 мартотаба такрорланади. (Хужаназаров М. 1995. С. 7.) Хўжакентдаги архарлар асосан, югураётган ҳолатда, шохлари буралган, калта ва бақувват оёқлари билан тасвирланган. Айрим жойларда ушбу суратлар эчкилар, одам ва ноаниқ расмлар билан қопланган. Хўжакент суратларида белгиларнинг ҳам тасвирлари туширилган. Қоялардаги белгилар: эчкилар-49 та, архар-3 та, кийик-3 та, от-3 та, ҳўкиз-1 та, ит -2 та, одам-6 та, белгилар-2 та, ноаниқ суратлар-17 тани ташкил қилади. Қорақиясойнинг юқори қисмидан 90 та қояга чизилган, 1015 та алоҳида расмлар ва манзаралар тасвири аниқланган. Якка тартибда чизилган суратлари ўзига хос. Булар аввало ҳайвонлар, жумладан, эчкилар, архарлар, туялар, отлар, бўрилар ҳамда ҳўкизларнинг расмларидир.


Қоятош тасвирларининг хронологик чегарасини аниқлашда археологик топилмалар ва санъат асарлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Демак, турли даврларда чизилган расмларнинг ишланиш услублари ҳам ўзгариб борган. Бундай ҳолатни Қорақиясой қоятош расмларининг чизилиш услублари ва техникси устида олиб борилган кузатишлар ҳам тасдиқлади. Бундан ташқари, бир расм устидан иккинчисининг чизилиши ҳам расмларнинг турли даврларда ишланганлигидан далолат беради (Хўжаназаров М. 2010. 7-8 б).

Оҳангарон тумани тоғлик ҳудудларидан топиб ўрганилган қоятош расмларининг манзилларига эътибор қаратилганда, айнан юқорида санаб ўтилган жиҳатларга хос бўлган манзилларни кўриш мумкин. Тадқиқотлар олиб борилган Янгиобод шаҳарчасидан 10 км шимолий-шарқида жойлашган Қизил дара манзили денгиз сатхидан 2500 метрдан то 3100 метр баландлик оралиғида кўплаб қоя ва тошларга ишланган расмлар жамламасини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Чотқол тоғ тизмасида расмларнинг асосий мазмуни тоғ эчкилари бўлиб, архарлар (тоғ қўйи), кийиклар, отлар, айрим ҳўкизлар, итлар ва ноаниқ белгилар ҳам учрайди. Қадимда бу тоғ тизмаси ҳудудлари ҳайвонот дунёсига жуда бой бўлиб, овчи ва кўчманчи халқлар ҳаёт кечириши учун қулай бўлган. Бугунги кунда табиий шароитнинг ўзгариши ва бошқа ҳодисалар натижасида ҳайвонот ва ўсимлик олами анча камбағаллашганлигини кузатишимиз мумкин. Ҳозирда бу ерда ҳайвонлардан қўнғир айиқ, бўри, тулки, чиябўри, бўрсиқ, тоғ

эчкиси, архар, тўнғиз, қуён, ёввойи мушук, жайра, юмронқозиқ, қушлардан бургут, лочин, каклик, улар ва турли хил заҳарли, заҳарсиз илонлар ҳамда бошқа заҳарли ҳашоратлар ҳам учрайди.

Эчкилар тасвири ҳар иккала ёдгорликда ҳам энг кўп тасвирланган ҳайвонлар ҳисобланади. Эчкилар кўпинча якка ҳолда тасвирланган. Кўпчилик эчкилар эса, ов манзараларида ва пода бўлиб кетаётган ҳолларда акс эттирилган. От, туяларнинг суратлари хам анчайин аниқ қилиб тасвирланган.



2-расм. Чотқол тоғ тизиасида янги аниқланган қоятош расмлари харитаси.

Ўзбекистон тоғ тизмасининг ўзига хос табиий шароити яъни ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, аввалдан овчи, кўчманчи-чорвадор халқларни ўзига жалб қилиб келган.. Қоятош расмлари қадимги халқлар кундалик турмуш тарзи, ижтимоий тузуми, маънавий ҳаёт кечинмалари, санъати, хўжалик машғулотлари, диний эътиқодлари ҳамда этномаданий муаммолари тўғрисида қимматли маълумот берувчи тош йилномалардир.

Изланишлар натижасида расмлар сиртининг қорайиб турли тусга кириши, куйиш даражасида турли табиат ҳодисалари бўлмиш қор, ёмғир, шамол ва қуёш нурининг таъсири ва тарихий объектларни асраб-авайлаш хусусида фикрлар берилган. Хусусан, расмлар ишланган қоятош сатҳлари стратиграфияси, тасвирларнинг қоятошлардаги топографик ҳолатлари ёдгорликлар даврий санасини белгилашда асосий омил эканлиги айтиб ўтилган.

4.Хулосалар:

Қоятош санъати ёдгорликлари расмлари тури, мазмун-моҳияти, ишланиш техникаси, услуби, сақланиш даражаси, ҳажмининг каттакичиклиги каби жиҳатлари билан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бу фарқлар албатта, юқорида таъкидланганидек уларнинг турли тарихий даврларда ишланганлигидан далолат беради. Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, Ўзбекистоннинг тоғ тизмаси қоятош расмлари қадимги аждодларимиздан қолган муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қилади. Бу қоятош расмлари ўтмиш аждодларимизнинг тарихи, кундалик турмуш тарзи, диний, маданий ва маънавий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи муҳим манба эканлиги шак-шубҳасиздир. Бу тарихий-маданий ёдгорликни ҳозирги ҳолатидагидек қилиб сақлашни таъминлаш, уларни ҳар томонлама ўрганиш ва келажак авлодга етказиш бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир. Бугунги кунда қоятош суратлари устида олиб бораётган илмий тадқиқот ишлари давом этмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Кабиров Ж., Сармишсойнинг қоятош расмлари. Т., 1976; 4-б. (Kabirov J., Rock paintings of Sarmishsay. T., 1976; 4-b.)

2. Хужаназаров М. Наскальные изображения Ходжакента и Каракиясая. Самарканд, 1995. С.7. (Khuzhanazarov M. Rock carvings of Khojakent and Karakiyasay. Samarkand, 1995. P.7)
3. Хўжаназаров М.Тошкент воҳаси қоя тош расмлари. Тошкент воҳаси археологияси. 2010. 7-8 бетлар (Khojanazarov M. Rock paintings of Tashkent oasis. Archeology of the Tashkent oasis. 2010. Pages 7-8)
4. Холматов А. Ҳ. Нурота тизмаси қоятош расмларининг техник- типологик жиҳатдан ўрганилишига доир (янги қоятош расмлари мисолида) Археология Ўзбекистон. Самарқанд. 2016 (12) 74-75 6. (Kholmatov A. H. On the technical-typological study of rock paintings of the Nurata ridge (on the example of new rock paintings) Archeology Uzbekistan. Samarkand. 2016 (12) 74-75 6.)
5. Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоятошларидаги расмлар. Тошкент, 1976. (Kabirov J. Pictures on the rocks of Sarmishsay. Tashkent, 1976.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Икрамжон Исмаилов
Наманган муҳандислик-технология институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси
ikismoilov@yandex.ru

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ РЕЙТИНГИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)

For citation: Ikramjon Ismailov, QUALITY OF TEACHING IN THE SYSTEM OF HIGHER EDUCATION AND THE RATING OF EDUCATIONAL ESTABLISHMENTS (ON THE EXAMPLE OF THE FERGANA VALLEY). Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.714-719

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-97

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимизда 2017 йилдан бошланган янги ислоҳотлар даврида олий таълим тизимида таълим сифатини оширишга қаратилган ислоҳотлар жараёни, олий таълим тизимини сифат жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган миллий рейтинг тизимини жорий қилиниши ва унинг ижобий хусусиятлари Фарғона водийси вилоятлари олий таълим муассасалари мисолида таҳлил қилинган.

Калит сўз: таълим, олий таълим, глобаллашув, дастур, миллий рейтинг, Ерасмус+, ECTS тизими, таълим стандарти

Ikramjon Ismailov
Namangan Institute of Engineering and Technology
Senior Teacher of the Department of Social Sciences
ikismoilov@yandex.ru

QUALITY OF TEACHING IN THE SYSTEM OF HIGHER EDUCATION AND THE RATING OF EDUCATIONAL ESTABLISHMENTS (ON THE EXAMPLE OF THE FERGANA VALLEY)

ABSTRACT

This article analyzes the process of reforms aimed at improving the quality of higher education in the country during the new reforms, which began in 2017, the introduction of a national rating system aimed at improving the quality of higher education and its positive features on the example of higher education institutions in Fergana Valley.

Keywords: education, higher education, globalization, program, national ranking, Erasmus +, ECTS system, teaching standards

Икрамжон Исмаилов
Наманганский инженерно-технологический институт
Старший преподаватель кафедры Социальных наук

ikismoilov@yandex.ru

КАЧЕСТВО ОБУЧЕНИЯ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ И РЕЙТИНГ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ (НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется процесс реформ, направленных на повышение качества высшего образования в стране в период новых реформ, начатых в 2017 г., введение национальной рейтинговой системы, направленной на повышение качества высшего образования, и ее положительные особенности на примере. вузов Ферганской долины.

Ключевые слова: образование, высшее образование, глобализация, программа, национальный рейтинг, Erasmus +, система ECTS, стандарты обучения.


Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим тизимини тубдан ривожлантириш ва бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Таълим тизимига эътибор қаратилиши мамлакат тараққиётига хизмат қилувчи энг асосий омиллардан биридир. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Дунёда глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда барча соҳаларда юксак билимли кадрларни тайёрламасак, тараққиётдан ортда қолиб кетишимиз мумкин”[1]. Бугунги кундаги глобаллашув жараёнлари мамлакатлар тараққиётини тезлашуви, илм-фаннинг илғор ютуқларидан, ривожланишнинг ўзига хос бўлган услуб ва воситаларидан миллий андозаларга мос жиҳатларини қамраб олган ҳолда, кенг фойдаланиш имкониятини яратиб бермоқда. Шу жиҳатдан қараганда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб республика олий таълим тизимини халқаро талаблар ва стандартларга мослаштиришга катта эътибор қаратилди. Сўнгги йилларда республикамизда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб республика олий таълим тизимида ўзбек тилида иш юритишга алохида эътибор қаратилди.[2]

Ривожланган давлатлар тажрибасидан кўриш мумкинки, олий таълим муассасаларида ёшларга сифатли таълим бериш муҳим аҳамият касб этади. Замон талабига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш, уларни илм-фаннинг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиш ва бошқа таълим сифатига қўйилган бир қатор талаблар орқали олий таълим муассасалари рейтинги аниқланади. Бу эса мавжуд камчиликларни аниқлашга ва уларни бартараф этишга, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг илк йилларидан таълим сифатига катта эътибор қаратилди. Юқорида келтириб ўтилган олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини тест шаклига ўтказилишини мисол қилишимиз мумкин. Айнан тест жараёнларини ташкил этиш билан шуғулланувчи Давлат тест маркази олий таълим муассасаларидаги таълим сифатини аниқлаш бўйича ҳам ваколатли ташкилот бўлган. Амалга оширилган ишларга қарамасдан таълим сифатини назорат қилишда тўлақонли натижаларга эришилмади. Чунки, бу борадаги ишлар кўлами катта эди. Олий таълимда таълим сифатини таъминлаш бўйича мустақил агентликни яратиш замонавий олий таълим тизими учун жуда муҳим[2] аҳамият касб эта бошлади. Таълим тизими ривожланган мамлакатлар тажрибасига қаралса, уларда таълим сифати ва рейтинг бўйича давлат сиёсатини юритувчи алоҳида ташкилотлар борлигини кўриш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда 2017 йилдан бошланган янги ислоҳотлар мобайнида таълим ва ўқитиш сифати устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш мақсадида Давлат тест марказининг Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестация қилиш бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилди[3]. Инспекциянинг асосий вазифалари этиб таълим тизимида

ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш, идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш[4] белгиланди.

Президент қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича 2018 йилда халқаро тажрибалар асосида олий таълим муассасаларининг миллий рейтинги яратилди, таълим ва илмий-тадқиқот жараёнлари таҳлил қилинди. Мазкур таҳлил соҳада қатор муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатди[5]. Жумладан, бу ҳақида қуйидаги жадвалда Фарғона водийси вилоятлари олий таълим муассасалари рейтинги мисолида кўриш мумкин.



	Жами балга нисбатан фоиз ҳисобида	Илмий фаолият	Ўқув-услубий	Талабалар билим ва битирувчилар сифати	Жисмоний тарбия ва спортни рифожлантириш бўйича фаолият
НамДУ	38,89	13,5	10,8	39,26	10,33
НамМҚИ	38,83	17,41	11,12	36,14	9,11
АнДУ	35,98	11,8	10,67	34,67	11,22
АндТИ	35,5	11,55	11,38	34,7	9,82
ФарПИ	34,63	10,57	13,22	34,9	7,11
ФарДУ	34,34	11,1	9,51	34,19	10,45
АнДМИ	33,79	12,18	11,8	31,64	8,59
НамМТИ	33,69	14,29	7,71	33,01	9
ҚДПИ	28,58	6,85	7,3	31,96	8,19

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси расмий сайти. www.tdi.uz (http://reyting.tdi.uz/2018/all)

Жадвалда Фарғона водийси вилоятлари олий таълим муассасаларининг тўплаган юқори балларидан келиб чиқиб кетма-кетликда келтирилган. Жадвалга эътибор қаратсак, Фарғона водийси вилоятларидаги олий таълим муассасалари ўртасида 2018 йилда НамДУ биринчи ўринни эгаллаган бўлса, республика бўйича эса 57 та ОТМлар ўртасида 28 чи ўринни эгаллаган. Қўқон давлат педагогика институт эса республика ва Фарғона водийси вилоятлари ОТМлари ўртасида охириги, яъни 57 ўринда бўлди. Айтиш мумкинки, миллий рейтинг тизимининг шакллантирилганлиги олий таълим муассасаларининг мавжуд холатини кўрсатишга хизмат қилди. Чунки, миллий рейтинг шакллантирилгунига қадар республика бўйича ҚДПИдаги вазият бошқа ОТМларга нисбатан паст эканлигини нафақат кенг жамоатчилик, балки институт профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳам билмас эди.

Бу борада яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Жумладан, НамДУ умумий баллар ҳисобига юқори ўринни эгаллаган бўлсада, илмий фаолият бўйича НамМҚИ, НамМТИдан орқада эди. Ёки бўлмасам, ўқув-услубий ишлар бўйича ФарПИнинг тўплаган бали бошқа ОТМлардан юқори бўлган. Миллий рейтинг тизимини амалиётга жорий қилиниши ОТМлардаги соҳалар бўйича мавжуд ҳолатни намоён этиш, шунингдек, соҳадаги муаммо ҳамда эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳатларни кўрсатиб берган ҳолда, йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаш орқали зарур бўлган хулосаларни чиқаришга хизмат қилмоқда.

2018 йилда эълон қилинган рейтингда Наманган мухандислик-технология институти Фарғона водийси бўйича ҚДПИдан битта ўрин юқорида бўлиб, республика бўйича охирги ўринлардан бирини яъни 48 ўринни эгаллаган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу институтда мавжуд муаммо ва камчиликларни институт раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари томонидан бартараф этиш, таълим сифатини яхшилашга қаратилган эътибор натижасида 2020 йил эълон қилинган Республика ОТМлари рейтингида Фарғона водийсий бўйича биринчи, республикада 16 чи ўринни, 2021 йил эълон қилинган ОТМлар рейтингида Фарғона водийсий бўйича яна биринчи, республикада 15чи ўринни эгаллади[6]. Шу қисқа вақт ичида институт миллий рейтингда 33 ўринга юқорилади. Миллий рейтингдаги ўрни юқорилаган олий таълим муассасалари қаторига ФарДУ (45 ўрнидан 42 ўринга), ҚДПИ (57 ўриндан 56 ўринга)ларини ҳам киритиш мумкин. Бироқ, алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат шундаки, Фарғона водийси вилоятларида фаолият юритаётган ОТМларидан юқоридаги йилларга мос ҳолда Андижон тиббиёт институти ўз ўрнини сақлаб қолган бўлсада, қолган 5 та ОТМ натижалари пастлаган. Бунга асосий сабаб қилиб ОТМ раҳбарлари томонидан таълим сифатини яхшилашга қаратилган ишларни изчиллик билан олиб борилмаганлигидан далолат беради. Натижада эса, Фарғона водийси вилоятларининг бир қатор ОТМларига янги раҳбарлар тайинланишига олиб келди. Республикада ОТМлар рейтинггини шакллантиришдан кўзланган асосий мақсадлардан яна бири миллий ОТМларимизни нуфузли хорижий рейтингларда юқори ўринларни банд қилишдан[7] иборат.

Фарғона водийси вилоятлари олий таълим муассасаларининг миллий рейтинги ҳақида маълумот

2018 йил			2021 йил		
Фарғона водийси бўйича эгаллаган ўрни	**ОТМ номи**	**Республика бўйича эгаллаган ўрни**	**Фарғона водийси бўйича эгаллаган ўрни**	**ОТМ номи**	**Республика бўйича эгаллаган ўрни**
1	НамДУ	28	1	НамМТИ	15
2	НамМҚИ	29	2	АндМИ	31
3	АДУ	36	3	АДТИ	38
4	АДТИ	39	4	НамМҚИ	42
5	ФарПИ	43	5	АДУ	43
6	ФарДУ	45	6	ФарДУ	47
7	АндМИ	47	7	НамДУ	51
8	НамМТИ	48	8	ФарПИ	53
9	ҚДПИ	57	9	ҚДПИ	58

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси расмий сайтида эълон қилинга республика олий таълим муассасалари миллий рейтингидан фойдаланиб тайёрланди. www.tdi.uz (http://reyting.tdi.uz/2018/all. 2021 йил рейтинг маълумотлари https://www.tdi.uz/news/1069/

Олий таълим тараққиётининг белгиловчи асосий жиҳатлардан бири яна шундаки, хорижий ОТМлари самарали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, халқаро дастур ва грантларда маҳаллий ОТМлар иштирокини кенгайтириш, шунингдек дунё давлатлари тан олган таълим дастурларини кенг жорий этиш орқали республика ОТМни ривожланишини ва интеграцион жараёнларини тезлаштириш мумкин. Шу жиҳатдан келиб чиқиб сўнгги йилларда халқаро стандартларга мос ҳолда ривожланишни таъминлаш мақсадида ОТМларда бир қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш Дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Ушбу Дастур доирасида миллий кадрларнинг рақобатбардошлиги ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллий тизимининг сифатини ошишига, Болонья жараёни иштирокчи-мамлакатлари дипломларини ўзаро тан олиш, ўқитувчи ва талабалар билан алмашув дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи 1999 йил 19 июндаги Болонья декларациясига қўшилиш масалалари белгилаб қўйилган[8].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони қабул қилинди. Фармонга асосан республика олий таълим тизимини босқичма-босқич 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси тасдиқланди. Фармон ва концепцияда бир қатор вазифалар устувор қилиб белгиланган. Жумладан, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш яъни олий таълим муассасалари сонига нисбатан фоизда 2019 йилда 2, 2020 йилда 5, 2023 йилда 16, 2025 йилда 57, 2030 йилда 85 фоизга[9] етказилиши белгиланган. Жумладан, 2020/2021 ўқув йилининг ўзида 33 та олий таълим даргоҳини кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилди[10]. Айнан шундай таълим шаклига Фарғона водийси вилоятларининг таянч ОТМлари ҳам ўтмоқда.

Мамлакат олий таълим муассасаларида таълим жараёнларини кредит-модуль тизимига ўтилиши, биринчидан талабаларни мустақил таълим олишлари учун кенг имконият яратса, иккинчи томондан маҳаллий олий таълим муассасаларнинг таълим жараёнларини ташкил қилиш орқали халқаро стандартларга мослашиши учун имкон беради. Мамлакатимизда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кредит тизимини жорий этишда Европанинг ECTS тизимидан фойдаланишга устуворлик қаратяпти[11]. Чунки айнан шу тизим бутун Европа олий таълим муассасаларига жорий қилинган. Бу ўз навбатида Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларини келажакда жаҳон таълим стандартларига интеграциялашувини тезлаштиради. Масалан, Қозоғистон республикасида Европа таълим стандартларининг жорий қилиниши натижасида 2010 йилда Будапештда Қозоғистоннинг Болония декларациясига қўшилиши ҳақида якуний қарор қабул қилинган. Қозоғистон Европа таълим тизимининг тўлақонли аъзоси сифатида тан олинган Марказий Осиёдаги илк давлат ҳисобланади.

Хулоса қилиб тақидлаш лозимки, мустақиллик йилларида олий таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида илғор хорижий тажрибаларни соҳага тадбиқ этишга катта эътибор қаратилди. Олий таълимга ўқишга қабул қилишда тест тизимига ўтилди. Икки босқичли кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Илғор хорижий давлатлар олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга ҳам эътибор қаратилди. Бу борадаги ислоҳотлар айниқса, 2017 йилдан бошланган янги ислоҳотлар даврида сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқилиши ҳамда олий таълим тизимида миллий рейтинг тизимини жорий этилиши соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни танқидий таҳлил қилиш ва эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳатларни амалда кўрсатиб, республика, жумладан Фарғона водийси вилоятлари олий таълим муассасаларини халқаро андозаларга мос, малакали кадрлар тайёрлаш тизимида ижобий натижаларни таъминланишига хизмат қилди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. “Ёшлар – Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси” Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи. 2020 йил 26 декабр. №273
2. Alikhanov, M. (2020). The Law On Language In The Dıscussıon Of Intellectuals. *Solid State Technology*, *63*(6), 11822-11829.
3. Узбекистан Модернизация системы высшего образования. 2014 июн. Отчет № 88606-UZ. Документ Всемирного банка 102-бет (http://documents1.worldbank.org/curated/en/737161501483080910/pdf/88606-28-7-2017-14-44-29-UzbekistanHigherEducationReportru.pdf)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарори. https://lex.uz/docs/3171590
5. https://lex.uz/docs/3171590 (12.09.2018)
6. Халқ сўзи. 2018 йил 25 октябр. №221
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси расмий сайти https://www.tdi.uz/news/1069/
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорта қилиш инспекцияси. http://reyting.tdi.uz/2018/about/
9. “Тараққиёт стратегия” маркази. https://strategy.uz/files/news/45577/press-releaseerasmusuz40717.pdf
10. https://lex.uz/docs/4545884
11. Халқ сўзи. 2020 йил 5 август.
12. Халқ сўзи. 2020 йил 5 август.

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3-МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE-3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000